



ШОДМОН ВОҲИДОВ  
АЛИШЕР ҚОДИРОВ

ШАРҚНИНГ МАШҲУР  
СУЛОЛАЛАРИ



ISBN 978-9943-389-94-6



9 789943 389946

20.11.0314

13.12.0314.

20.16.04.14

39.9.07.14

56.20.08.14


168.19.0115

63.3(5)я 2

В 89

**ШОДМОН ВОҲИДОВ**  
**АЛИШЕР ҚОДИРОВ**

# **ШАРҚНИНГ МАШҲУР СУЛОЛАЛАРИ**



Тошкент  
«Akademnashr»  
2013

УДК: 297(092)  
КБК: 63.3(5)я2  
В89

В89

**Воҳидов, Шодмон.**  
**Шарқнинг машҳур сулолалари / Ш.Воҳидов, А.Қодиров. –**  
Тошкент: Akademnashr, 2013. – 624 б.

И. Қодиров Алишер

ISBN 978-9943-389-94-6


УДК: 297(092)  
КБК: 63.3(5)я2

**Масъул муҳаррир:**

Д.Сангирова, тарих фанлари номзоди, доцент

**Тақризчилар:**

Р.Э.Холиқова, тарих фанлари доктори, профессор,  
Б.Ж.Эшов, тарих фанлари доктори, профессор



*Абу Райҳон Беруний номидаги ТошДТУнинг «Ўзбекистон тарихи» кафедраси мажлиси қарори билан нашрга тавсия этилган.*

ISBN 978-9943-389-94-6

© Шодмон Воҳидов, Алишер Қодиров  
«Шарқнинг машҳур сулолалари»  
© «Akademnashr», 2013

## МУАЛЛИФЛАРДАН

Тарих илми нафақат инсониятнинг ижтимоий муносабатларини фазо, вақт ва макон доирасида ўрганадиган, балки кишилиқнинг макроинот ва микрооламдаги ўрни ва фаолиятини ўзида мужассам этадиган фандир. Инсониятнинг охириги минг йиллик тарихи турли шахслар, гуруҳ ва тоифалар, халқлар, давлат ва цивилизациялар, қадриятлар, урф-одат, удумлар, дин ва маданиятларнинг ўзаро кураши, бир-бири билан келишуви, мураси, бағрикенглиги, сабру тоқати доирасида ўтаётгани маълум. Инсоният тарихи умумжаҳон тарихидир, зеро, турли ҳудудлардаги халқ ва элатлар доимо ўзаро алоқада бўлган. Жаҳон тарихининг ривожланиши ва ўзгаришига олиб келган ҳодисалар бир ҳудуддан чиқиб, бутун олам узра тарқалиб, дунёни ўзгартирганига кўп мисоллар мавжуд.

Жаҳон тарихи жуда мураккаб, чигал сиёсий воқеалар, ижтимоий тўқнашувлар, баъзан мантиққа зид келадиган воқеа-ҳодисаларга бой. Шарқ тарихида катта из қолдирган сулолалар ва уларнинг машҳур вакиллари бугун кўпчилик биледи. Уларнинг баъзилари сиёсий майдонга келиши билан тарихий жараёнларга катта таъсир ўтказган. Қадимий Мисрнинг машҳур фиръавнлари, Месопотамиядаги давлатларнинг шоҳлари, Эрондаги аҳамонийлар, Александр Македонский, Кушонлар империяси, сосоний шаҳаншоҳлар, туркий халқлардан чиққан хоқонлар, исломият давридаги салтанатлар ҳукмдорлари, Амир Темур асос солган буюк салтанат ва ундан кейин ҳукм сурган сулолаларни эслаб ўтишнинг ўзи юқоридаги фикрларнинг исботи учун етарли. Бундай ўзгаришларни ижобий ва салбий жиҳатлари билан Шарқ ва Ғарбнинг бошқа мамлакатларида ҳам кўришимиз ва мушоҳада қилишимиз мумкин.

Жаҳон тарихи, айниқса, Европа янги тарихининг энг олий ютуқларидан бири давлатнинг диндан ажралиши ва давлатчиликнинг дунёвийлик моҳият касб этгани бўлса, иккинчиси виждон эркинлигининг эълон қилиниши, унинг давлатчилик устунларидан бирига айланишидир. Инсоният мазкур ютуқларидан фахрланишга ҳақли.

Биз биламизки, ҳар бир жамият муайян бир нормалар ва алоҳида ахлоқий қадриятлар билан эмас, балки қонун томонидан бош-

қарилиши лозим. Қайси бир давлат ва жамиятда қонун устуворлиги таъминланса, у ерда, албатта, тартиб-интизом, адолат ва ҳақиқат қарор топади. Ўтмишда эса марказий ҳокимиятнинг заифлиги мамлакатнинг бегоналар томонидан босиб олинишига, мавжуд кучли давлатларда марказий ҳукуматнинг заифлашуви эса турли куч ва қудратларнинг ўзаро кураш ва урушларига, қарама-қаршиликларига олиб келган. Натижада сиёсат майдонига эски сулола ва хонадон ўрнига янгиси келган. Бир соатлик ҳукмронликдан тортиб юз йилларгача чўзилган ҳокимиятга асос солганлар. Қон-қариндошлик ва сулолавий алоқалар минтақа ва давлатлар ўртасида давом этган.

Шарқ ва Ғарб, турли дин, маданият ва қадриятлар тўқнашган жойларда инсониятнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданий муносабатларида янги қадрият ва урф-одатлар, расм-русумлар ўрин олади. Янги қадриятлар барча маҳаллий ва дунёвий динлар билан тарих саҳнасида учрашади. Учрашув эса бир маконда тўқнашувлар, уруш ва савашларни юзага келтирган бўлса, бошқа жойда тинч ва бағрикенглик билан амалга ошди. Дин эса ҳамма жойда, ҳамма учун тинчлик ва омонлик воситаси бўлмай, балки баъзи шахс ва гуруҳлар, сулолалар учун ҳокимиятни эгаллаш қуролига айланиб, зўравонлик, истибдод ва зулм, мутаассибликка асос қилиб ҳам олинди. Натижада ўрганилаётган давр тарихи сиёсий курашлар, тож-тахт учун кураш, ўзаро низо ва урушлар билан тўлиб кетган. Тожу тахт ва ҳокимият учун оддий қул ва чўридан тортиб шоҳу шоҳзодалар, вазиру вазирзодалар, ота ва ўғил, она ва қиз, катта ва кичик, эркак ва аёл аёвсиз курашган, қирғинбарот жанглари олиб борган. Мана шу бир шахс, гуруҳ ёки уруғ ва қабиланинг ҳокимиятни эгаллаши учун минглаб оддий аҳоли қурбон берилган. Жаҳон тарихи, афсуски, бундай воқеаларга жуда бойдир. Қадимда, ўрта асрлар, янги ва энг янги даврда дунёнинг турли гўшаларида 1000 дан ортиқ сулола турли империялар, қироллик, герцоглик, графлик, хоқонлик, салтанат, амирлик, ноиблик, хонлик, амирлик, беклик ва бийлик каби турли давлат тузилмаларини барпо этган. Уларнинг аксарияти бугунги кунга келиб тарих саҳнасидан тушиб, янги давлат тузилмалари таркибига кириб кетди ёки уларнинг ўрнига янги сулола вакиллари давлат тепасига келишди, баъзилари ғариблиқда ёки ўз мамлакатларида оддий фуқаро сифатида умргузаронлик қилмоқда.

Ушбу китоб ҳам Шарқ (Эрон, Ўрта Осиё, Арабистон, Сибирь кенгликлари, Кавказолди, Ҳиндистон, Хитой, Япония, Корея)даги давлатлар билан бирга бир вақтлар Осиёнинг баъзи минтақалари билан

алоқада бўлган Европа давлатларида ҳукмронлик қилган сулолалар тарихига доир бўлиб, уларнинг тахтга келиш сабаблари, олиб борган сиёсати, тахтдан кетиши ва шунга ўхшаш турли сиёсий воқеаларни минтақалар бўйлаб ёритади. Унда ўрта асрларда Пиреней яримороти, Африканинг шимоли, Ўрта ер денгизи атрофида шаклланган турли давлатлардаги сулолалар тарихи ҳам ўрин олди. Буюк географик кашфиётлар бошлангунча (XV аср охиригача), Осиё ва Шимолий Африка, Европанинг баъзи давлатлари ҳамда Византияда ягона иқтисодий ва этномаданий жараёнлар, яқин муносабатлар бўлгани шунинг натижасидир.

Алоҳида таъқидламоқ зарурки, фожиаи ва оғир ўша давру замонда ҳам ижодкор ва истеъдодли шахслар, шоиру ёзувчилар, фузалар ва олимлар, меъморлар, санъат аҳли маънавий ва маданий ҳаёт соҳаларига ўз асарлари билан улкан ҳисса қўшганлар. Кўп салтанат ва давлатларнинг ҳукмдорлари, ашроф ва аъёнлари мана шу ижод аҳли қолдирган осори атиқалар, бетакрор адабий, илмий, меъморий ёдгорликлари орқали тарих саҳифаларидан жой олган. Буларнинг барчасини тадқиқотчилар «Уйғониши даври» деб баҳолаганлар.

Қўлингиздаги китоб машҳур сулолалар тарихини энг қадим замондан XX асрнинг ўртасигача қамраб олган. Қисқа бир маълумотнома шаклида бўлса ҳам, кишига ўрнатқуч бўладиган, сабоқ берадиган ва уни тафаккурга чорлайдиган кўп озиқ беришига ишонамиз.



## БИРИНЧИ ҚИСМ

### ҚАДИМГИ МИСР, МЕСОПОТАМИЯ ВА ЭРОНДАГИ СУЛОЛАЛАР (М.АВ. IV МИНГ ЙИЛЛИК – М.АВ. I АСР)

#### ҚАДИМГИ МИСР СУЛОЛАЛАРИ

Қадимги Миср – Африканинг шимоли-шарқида, Нил дарёсининг қуйи оқимида жойлашган қадимий давлат. Минтақада одамлар палеолит давридан бошлаб яшаган. Мил. ав. X – VI мингйилликда Нил атрофидаги саванналарда тарқоқ яшаган қабилалар теримчилик, овчилик, кейинроқ эса балиқ овлаш билан шуғулланган. Қабилалар орасида қадимий сом халқларига мансуб элатлар, барбарлар ва кушитлар бўлиб, уларнинг аралашувидан мил. ав. IV мингйилликда Миср халқи вужудга келган. Аҳоли нуфусининг ортиши чорвачилик ва деҳқончиликка ўтишни тезлаштирган, бу эса ҳудудий жамоаларнинг пайдо бўлишига олиб келган.

Деҳқончилик қилиш учун каналлар, тўғонлар қуриш зарурати туғилган, бунинг учун эса ўзаро урушларда асир тушган қуллар меҳнатидан фойдаланилган. Натижада жамоада ижтимоий табақаланиш рўй бериб, уруғ зодагонлари ажралиб чиққан, қабила сардорлари подшочаларга айланган. Бир қанча майда қулдорлик давлатлар вужудга келган. Кейинчалик улар ўртасидаги кураш натижасида шимолда Қуйи Миср, жанубда Юқори Миср подшоликлари тузилган. Тахминан мил. ав. III мингйилликда иккала подшолик бирлашиб, ягона давлат барпо бўлган. Мисрнинг кейинги тарихи 5 асосий даврга бўлинади: Илк подшолик (мил. ав. тахминан 3000 – 2800), Қадимги подшолик (мил. ав. тахминан 2800 – 2250), Ўрта подшолик (мил. ав. тахминан 2050 – 1700), Янги подшолик (мил. ав. 1580 – 1070), Сўнги (Ливия-Саис ва Эрон) даври (тахминан мил. ав. 1070 – 332).

Илк подшолик даври суғориш тармоқларининг ривожланиши, тош ва мис қуроолларнинг мукамаллашуви, кулолчилик чархининг пайдо бўлиши, айирбошлаш савдосининг тараққий этиши билан характерланади. Бу даврда давлат аппарати ва унга хизмат қилувчи амалдорлар – котиблар табақаси шаклланган, маъмурий округлар – номлар ташкил топиб, уларни номархлар бошқарган, мунтазам ра-

вишда босқинчилик юришлари уюштириб турилган, жумладан, жанубга – Куш (Нубия)га, шимол-ғарбга – ливияликларга ва Синай яриморотидаги бадавийларга қарши (бу ерда мис конлари бор эди) юришлар қилинган.

Қадимий подшолик даврида қишлоқ хўжалиги, ҳунармандчилик, савдо ва қурилиш ривожланишда давом этган. Хусусий ер эгаллиги пайдо бўлган. Олий мансабдор – тчати (вазир) бош бўлган давлат аппарати мустаҳкамланган. Фиръавнлар, шунингдек, бош коҳин ҳам бўлиб, барча ер ва фуқароларнинг эгаси саналган. Жамоа аъзолари ва қисман келгиндилар (асосан, Куш аҳолиси)дан тузилган мунтазам қўшин барпо қилинган. Илоҳийлаштирилган фиръавнларнинг мутлақ ҳокимияти ғояси маҳобатли мақбаралар – эҳромлар қурилишида мужассамланган. Бу, айниқса, III – IV сулолалар даврида (Снофру, Хеопс, Хефрен, Микерин эҳромлари) авж олган. Уларни бунёд этишда қул ва деҳқонлар меҳнатидан кенг фойдаланилган.

Мил. ав. XXIII – XXII асрларда Миср ўзаро низода бўлган бир қанча номлар ва майда давлатларга бўлиниб кетган. Тахминан 2050 йили Ментухотеп I даврида мамлакат Фива шаҳри гегемонлиги остида қайта бирлашган. Бу шаҳар Мисрнинг пойтахтига айланган.

Ўрта подшолик даврида, асосан, XII сулола вакиллари ҳукмронлик қилишган. Файюм воҳасида йирик ирригация ишлари олиб борилган. Жез (бронза) буюмлари пайдо бўлган. Сурия, Крит, жанубда Пунт билан алоқалар кучайган. Сенусерт III даврида Куш (Нубия)нинг бир қисми Мисрга қўшиб олинган. XII сулолага мансуб дастлабки фиръавнлар даврида ўзаро ички низолар давом этмоқда эди. Фақат Амунемхет III даврида (XIX асрнинг 2-ярми) исёнкор номархлар бўйсундирилиб, марказий ҳокимият мустаҳкамланган. Иттаун шаҳри Миср пойтахтига айланган. Бироқ мулкий табақаланишнинг кучайиши камбағалларнинг қўзғолонига сабаб бўлган, натижада тахминан 1750 йили мамлакат яна парчаланиб кетган. Тахминан 1700 йили Мисрга шимоли-шарқдан гиксослар бостириб кириб, мамлакатнинг катта қисмини деярли 110 йил эгаллаб турган. Аварисда қўним топган уларнинг подшолари XV ва XVI сулолани ташкил этган. Фивада маҳаллий ҳукмдорлар сақланиб қолган (XVII сулола). Ушбу сулолага мансуб фиръавнлардан Секененра ва Камос озодлик урушини бошлаб юборишган, бу кураш уларнинг вориси – XVIII сулола асосчиси Яхмос I (Амасис) томонидан муваффақиятли яқунланган. У тахминан 1580 йили гиксосларни Мисрдан қувиб чиқарган.

Шундан сўнг тикланган Миср давлати Янги подшолик деб аталган. Бу даврда жездан кенг фойдаланила бошланган, темирдан

ишланган дастлабки буюмлар пайдо бўлган, металлсозлик, тўқима-чилик дастгоҳи ва омоч такомиллашган, ғилдиракли аравалар кенг тарқалган, шишасозлик ривожланган. Бўйсундирилган ва қўшни мамлакатлардан ўлпон сифатида ва айирбошлаш йўли билан хомашё олиб келинган, жумладан, кумуш, қўрғошин, мис, ёғоч материаллари Сурия ва Фаластиндан, олтин, фил суяги Кушдан, хушбўй атирлар, олий нав дарахт кўчатлари Пунтдан келтирилган. Малика Хатшепсут томонидан Пунтга жўнатилган флот ҳақидаги маълумот сақланган. Хусусий қулчилик ниҳоятда кенг ривожланган. Муваффақиятли ҳарбий юришлардан сўнг ўн минглаб қуллар келтирилган. Тинимсиз давом этган урушлар XVIII – XX сулолалар фиръавнларини қўшин тузилишини такомиллаштиришни ўйлашга мажбур қилган, қўшин асосини зодагон аравакашлар ташкил қилган. Пиёда қўшин учун намунавий қурол, хусусан, улама камон жорий этилган. Бу тадбирлар армиянинг жанговарлик қобилиятини оширган. Яхмоснинг ворислари Тутмос I, айниқса, Тутмос III, Аменхотеп II шимолда Сурия ва Фаластинни, жанубда Кушнинг бир қисмини Мисрга қўшиб олганлар. Митанни, Бобип ва Хетт подшолиги билан мунтазам дипломатик алоқалар ўрнатилган. Аменхотеп III даврида (XV асрнинг 2-ярми) Миср ўз қудратининг чўққисига чиққан. Фиръавнлардан катта ерлар, қуллар, олтин ва б. олиб турган ибодатхоналар мавқеининг ортиши коҳинларнинг подшо ҳокимияти билан тўқнашувига олиб келган. Коҳинлар ва зодагон номлар мавқеини пасайтириш мақсадида Аменхотеп IV (Эхнатон) майда ва ўрта ер эгаларига таянган ҳолда диний ислоҳот ўтказган, хусусан, эски маъбудларга сиғинишни бекор қилиб, ягона қуёш маъбуди – Атонга сиғинишни жорий этган. Эхнатон ўз қароргоҳини янги қурган шаҳри Ахетатонга (ҳоз. Ал-Амарна) кўчирган. Фиръавн билан коҳинлар ўртасидаги кураш Мисрни заифлаштирган; XIV асрнинг 1-ярмида у шимолдаги барча мулклардан ажралган. Эхнатоннинг вафотидан сўнг фиръавнлардан Тутанхамон ва Хоремхеб даврида коҳинлар ва зодагонлар эски динни тиклашга эришганлар. XIX сулоланинг энг машҳур вакили Рамсес I даврида Сурияни эгаллаш учун хеттлар билан кураш олиб борилган. Мил. ав. XIII асрнинг 2-ярми – XII аср бошида, фиръавнлар Меренптаҳ ва Рамсес IV даврида, «денгиз халқлари» ва ливияликлар босқини қайтарилган.

Узоқ давом этган урушлар Мисрнинг иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан заифлашувига олиб келган; XX сулола ҳукмронлигининг охирига келиб Сурия ва Кушнинг жануб вилоятларидаги мулклар қўлдан кетган. Рамсес XII даврида (мил. ав. тахминан 1070 йил) Фивадаги ҳокимият амалда Амон маъбуднинг олий коҳини – Херихор қўлига ўтган.

Сўнги (Ливия-Саис ва Эрон) даврида темирдан фойдаланиш, пул муомаласи кенг тарқалган. XI асрнинг 2-ярми – X асрнинг бошида, Мисрнинг навбатдаги парчаланишидан сўнг, ливиялик ҳарбийлар раҳбари Шешонк X асрнинг ўртасида Бубастисда ҳокимиятни қўлга олиб XXII сулолани бошлаб берган. Бу сулола фиръавнлари Мисрни ягона давлатга бирлаштиришга интилганлар. Мил. ав. VIII асрнинг 2-ярмида Миср Кушга тобе бўлиб қолган (XXV сулола), мил. ав. 671 йили эса оссурияликлар томонидан босиб олинган. Саис ҳокими Псамметих I (663 – 610) юнон ва кариялик ёлланма қўшин ёрдамида мамлакатни озод қилишга ва бирлаштиришга эришган. У ва вориси Нехо II даврида Юнонистон ва Шарқий Ўрта ер денгизининг бошқа мамлакатлари билан мустаҳкам савдо алоқалари ўрнатилган, Дельтада юнонлар манзилгоҳи (колонияси) Навкратисга асос солинади, Нилни Қизил денгиз билан боғловчи канал казилади; Нехо II томонидан юборилган финикиялик денгизчилар Африка қитъасини шарқдан ғарбга айланиб ўтишган. Нехо II, Псамметих II ва Априй Сурия ва Фаластинга эгалик қилиш учун Бобил билан кураш олиб борган. Бироқ заифлашиб қолган Миср Эрон подшоси Камбиз қўшини зарбасини қайтаролмаган ва мил. ав. 525 йили Аҳамонийлар давлати таркибига қўшиб юборилган. Мил. ав. 331 йили Александр (Искандар Македонский) аҳамонийларга қарши юриши чоғида Мисрни босиб олган. Шундан сўнг Миср эллинистик дунёнинг бир қисмига айланган. Македониялик Искандар томонидан асос солинган Искандария шаҳри энг йирик савдо ва маданий марказга айланган. Мисрда ҳунармандчилик ва савдонинг янги марказлари вужудга келган, савдо алоқалари (Арабистон ва Ҳиндистонгача) кенгайган, Ғарб ва Шарқ давлатлари маданиятларининг уйғунлашуви содир бўлган. Мил. ав. II аср охирига келиб ишлаб чиқариш пасайган, бозорлар камайган, иқтисодий ва сиёсий тушкунлик рўй берган. Мил. ав. II аср бошларида Салавкийлар давлати ва Македония билан бўлган урушлардан сўнг Миср кўп ерларидан ажралган. Мамлакатда ўзаро ички низолар, халқ ғалаёнлари авж олган. Мазкур даврда Рим Мисрнинг ички ишларига аралаша бошлаган. Миср зодагонлари унинг ёрдамида ғалаёнларни бостиришга интилган. Бу Мисрнинг римликлар томонидан босиб олиншига имкон берган, натижада мил. ав. 30 йилдан Миср Рим вилоятига айланади. Милодий 395 йили Рим империяси бўлингач, Шарқий Рим империяси (Византия) вилояти таркибига бўлган. 619 йили Эрон шоҳи Хусрав II Византиянинг заифлашиб қолганидан фойдаланиб Мисрни қўлга киритган. 639 – 642 йилларда Мисрни араблар забт этишади.

## СУЛОЛАЛАРДАН ОЛДИНГИ ДАВР

### Қуйи Миср

1. Тиу (тахминан мил. ав. 3200 йил).
2. Теш.
3. Хсекиу.
4. Вазнер.

### Юқори Миср

1. Скорпион (Чаён) I (тахминан мил. ав. 3150 йил).
2. Сокол (Логин) I.
3. Ни-Хор (ёки Ну-Хор?)
4. Пе-Хор.
5. Хат-Хор (?).
6. Хедж-Хор.
7. Крокодил (Тимсоҳ) (фиръавн).
8. Скорпион II.
9. Ири-Хор (?).
10. Ка.
11. Нармер.

**ИЛК ШОҲЛИК.** Мил. ав. 3000 – 2740 (3032 – 2707) йиллар. 260 – 325 йил давом этган.

### Фиръавнларнинг I сулоласи (130 – 150 йил давом этган).

1. Менес (мил. ав. 3000 – 2980 (3032 – 3000)).
2. Аха (мил. ав. 2980 й.яқин).
3. Жер (2980 – 2860 (2999 – 2952)).
4. Жет (2860 – 2830 (2952 – 2939)).
5. Ден (Удиму, мил. ав. 2830 – 2810 (2939 – 2892)).
6. Аджиб (мил. ав. 2810 – 2890 (2892 – 2886)).
7. Семерхет (мил. ав. 2890 – 2870 (2886 – 2878)).
8. Каа (мил. ав. 2870 – 2850 (2878 – 2853)).

## **Фиръавнларнинг II сулоласи (110 йил)**

1. Хотепсехемуи (мил. ав. 2850 – (2853 – 2825).
2. Нинечер (мил. ав. 2810 – 2767).
3. Унег (?).
4. Сенед (мил. ав. 2749).
5. Нубнефер (?).
6. Перибсен (?).
7. Сехемиб (?).
8. Хасехемун (?).

**ҚАДИМИЙ ШОҲЛИК.** Мил. ав. 2740 – 2168 (2707 – 2216) йиллар.  
570 – 575 йил давом этган.

## **III сулола (70 йилга яқин).**

1. Санахт/Небка (тахм. мил. ав. 2707 – 2690).
2. Жосер (мил. ав. 2690 – 2670).
3. Сехемхет (мил. ав. 2670 – 2663).
4. Хаба (тахм. мил. ав. 2663 – 2657).
5. Хуни (тахм. мил. ав. 2657 – 2639).

## **IV сулола (135 йил).**

1. Снофру (тахм. мил. ав. 2639 – 2604).
2. Хуфу/Хеопс (тахм. мил. ав. 2604 – 2581).
3. Жедефра (тахм. мил. ав. 2581 – 2572).
4. Хафра/Хефрен (тахм. мил. ав. 2572 – 2546).
5. Менкаура/Микерин (тахм. мил. ав. 2546 – 2511).
6. Шебсескаф (тахм. мил. ав. 2511 – 2506).

## **V сулола (157 йил)**

1. Усеркаф (тахм. мил. ав. 2504 – 2496).
2. Сахура (тахм. мил. ав. 2496 – 2483).
3. Нефериркара Какаи (тахм. мил. ав. 2483 – 2463).
4. Шебсескара (тахм. мил. ав. 2463 – 2456).
5. Неферефра (тахм. мил. ав. 2456 – 2445).
6. Неусерра (тахм. мил. ав. 2445 – 2414).
7. Менкаухор (тахм. мил. ав. 2414 – 2405).

8. Жедкара (тахм. мил. ав. 2405 – 2367).

9. Уна (тахм. мил. ав. 2367 – 2347).

#### **VI сулола (150 йил)**

1. Тети I (тахм. мил. ав. 2347 – 2337).

2. Усеркара (тахм. мил. ав. 2337 – 2335).

3. Пиопи I (Пепи I, тахм. мил. ав. 2335 – 2285, малика Бехену билан биргаликда).

4. Меренра I (тахм. мил. ав. 2285 – 2279).

5. Пиопи II (Пепи II, тахм. мил. ав. 2279 – 2219).

6. Меренра II (тахм. мил. ав. 2219 – 2218).

7. Нитокрис (малика, тахм. мил. ав. 2218 – 2216).

**1-ўтиш даври.** Мил. ав. 2198 – 1991 йиллар. 207 – 210 йил.

VII сулола. 70 кун.

VIII сулола.

1. Неджеркара Сиптах I.

2. Менкара.

3. Неферкара II.

4. Неферкара III Неби.

5. Жедкара II Шемаи.

6. Неферкара IV Хенду.

7. Меренхор.

8. Неферкамин I Снеферкар.

9. Никара I.

10. Неферкара V Тереру.

11. Неферкахор.

12. Неферкара VI Пиопи-сенеб.

13. Неферкамин II Ану.

14. Какаура Иби I.

15. Неферкаура.

16. Неферкаухор Хуахапи.

17. Нефериркара II.

Гераклеополдаги (Нен-Несут, ҳозирги Эхнас) IX ва X сулолалар.

1. Хети I (Ахтой I).

2. Неферкара.

3. Хети II.

4. Хети III.

## **XI сулола (144 йил)**

1. Ментухотеп I (тахм. мил. ав. 2119 – 2115).
2. Иниотеф/Антеф I (тахм. мил. ав. 2115 – 2103).
3. Иниотеф II (тахм. мил. ав. 2103 – 2054).
4. Иниотеф III (тахм. мил. ав. 2054 – 2046).

**Ўрта шоҳлик** (мил. ав. 2000 – 1759/2010 – 1793). 215 – 240 йил.

## **XI сулола (давоми)**

1. Ментухотеп II (тахм. мил. ав. 2046 – 1995).
2. Ментухотеп III (тахм. мил. ав. 1995 – 1983).
3. Ментухотеп IV (тахм. мил. ав. 1983 – 1976).

## **XII сулола (182 йил).**

1. Аменемхет I (тахм. мил. ав. 1976 – 1947).
2. Сенусерт I (тахм. мил. ав. 1956 – 1911).
3. Аменемхет II (тахм. мил. ав. 1914 – 1876).
4. Сенусерт II (тахм. мил. ав. 1882 – 1872).
5. Сенусерт III (тахм. мил. ав. 1872 – 1853).
6. Аменемхет III (тахм. мил. ав. 1853 – 1806).
7. Аменемхет IV (тахм. мил. ав. 1807 – 1798).
8. Нефрусебек/Себекнефру – Мисрнинг аёл фиръавни (тахм. мил. ав. 1798 – 1794).

**2-ўтиш даври** (мил. ав. 1648/1650 – 1550).

## **XIII сулола (63 йил давомида 21 фиръавн ҳукм сурган).**

1. Аменемхет III (мил. ав. 1849 – 1801).
  2. Угаф (мил. ав. 1759 – 1757/1794 – 1792).
  3. Хор Аут-иб-Ра (мил. ав. 1757 – 1752 / 1792 – 1787).
  4. Семенхкара.
  5. Неферхотеп I (1696 – 1685).
  6. Себекхотеп III (1685 – 1685).
  7. Себекхотеп IV (1685 – 1678).
  8. Себекхотеп V (1678 – 1674).
  9. Дудимос (1674 – 1664).
  10. Мернофера Аиб (1664 – 1641).
- (6 ҳукмдор 20 йил давомида).



#### **XIV сулола**

76 фиръавн Нил дельтасида, 13-сулоланинг 2-даврида ҳукм сурган.

Неферхотеп Хасехемра.

#### **XV сулола**

**15 ва 16-гиксос сулолалари** (семит сулолалари).

1. Салитис.
2. Шеши.
3. Якубхер.
4. Хиан.
5. Апопи I (Апофис, Аусерра).
6. Апопи II.
7. Хамуди.

#### **XVI сулола**

32 фиръавн 15- ва 17-сулолаларга ҳамзамон.

#### **XVII сулола**

15 нафар Фивада гиксослар даврида ҳукмронлик қилган шоҳлар.

1. Иниотеф VII.
2. Таа I Сенахтенра.
3. Таа II Секененра (тахм. мил. ав. 1560).
4. Камос Уаджхеперра (мил. ав. 1555 – 1550).

Янги шоҳлик (мил. ав. 1550 – 1069 йиллар). 480 – 485 йил.

#### **XVIII сулола** (258 йил).

1. Яхмос I (тахм. мил. ав. 1550 – 1525).
2. Аменхотеп I (тахм. мил. ав. 1525 – 1504).
3. Тутмос I (тахм. мил. ав. 1504 – 1492).
4. Тутмос II (тахм. мил. ав. 1492 – 1479).
5. Хатшепсут (аёл фиръавн, тахм. мил. ав. 1479 – 1458).
6. Тутмос III (тахм. мил. ав. 1479 – 1425).
7. Аменхотеп II (тахм. мил. ав. 1428 – 1397).
8. Тутмос IV (тахм. мил. ав. 1397 – 1388).

9. Аменхотеп III (тахм. мил. ав. 1388 – 1351).

10. Аменхотеп IV/Эхнатон (тахм. мил. ав. 1351 – 1334), хотини малика Нефертити билан бирга.

11. Сменкхара (тахм. мил. ав. 1337 – 1333).

12. Тутанхатон/Тутанхамон (тахм. мил. ав. 1333 – 1323).

13. Эйе (тахм. мил. ав. 1323 – 1319).

14. Хоремхеб (тахм. мил. ав. 1319 – 1292).

### **XIX сулола (106 йил)**

1. Рамсес I (тахм. мил. ав. 1292 – 1291).

2. Сети I (тахм. мил. ав. 1290 – 1279).

3. Рамсес II Буюк (тахм. мил. ав. 1279 – 1212), хотини малика Нефертари билан биргаликда.

4. Мернептах (тахм. мил. ав. 1212 – 1202).

5. Сети II (тахм. мил. ав. 1202 – 1196).

6. Аменмес (тахм. мил. ав. 1200 – 1187).

7. Саптах (тахм. мил. ав. 1195 – 1189).

8. Таусерт (аёл фиръавн) (тахм. мил. ав. 1188 – 1186).

### **XX сулола (106 йил)**

1. Сетнахт (тахм. мил. ав. 1186 – 1184).

2. Рамсес III (тахм. мил. ав. 1184 – 1153).

3. Рамсес IV (тахм. мил. ав. 1153 – 1147).

4. Рамсес V (тахм. мил. ав. 1147 – 1143).

5. Рамсес VI (тахм. мил. ав. 1143 – 1136).

6. Рамсес VII (тахм. мил. ав. 1136 – 1129).

7. Рамсес VIII (тахм. мил. ав. 1129 – 1126).

8. Рамсес IX (тахм. мил. ав. 1126 – 1108).

9. Рамсес X (тахм. мил. ав. 1108 – 1099).

10. Рамсес XI (тахм. мил. ав. 1099 – 1069).

11. Херихор (тахм. мил. ав. 1086 – 1080).

### **3-ўтиш даври**

### **XXI сулола (134 йил)**

1. Несубанебджед/Смендес (тахм. мил. ав. 1077 – 1051).

2. Аменемнису (тахм. мил. ав. 1051 – 1047).

3. Пусеннес I (тахм. мил. ав. 1047 – 1001).
4. Аменемопе (тахм. мил. ав. 1001 – 992).
5. Катта Осоркон (тахм. мил. ав. 992 – 986).
6. Сиамон (тахм. мил. ав. 986 – 967).
7. Пусеннес II (тахм. мил. ав. 967 – 943).

### **XXII сулола** (Ливиядан). 228 йил

1. Шешонк I (тахм. мил. ав. 943 – 922).
2. Осоркон I (тахм. мил. ав. 922 – 887).
3. Шешонк II (тахм. мил. ав. 887 – 885).
4. Такелот I (тахм. мил. ав. 885 – 872).
5. Осоркон II (тахм. мил. ав. 872 – 837).
6. Такелот II (тахм. мил. ав. 840 – 815).
7. Шешонк III (тахм. мил. ав. 837 – 798).
8. Шешонк IV (тахм. мил. ав. 798 – 785).
9. Пами (тахм. мил. ав. 785 – 778).
10. Шешонк V (тахм. мил. ав. 778 – 740).
11. Петубастис (Педубаст II Схетепибенра, мил. ав. 743 – 733).
12. Осоркон IV (Аахеперра Сетепенамон, мил. ав. 733 – 715).

### **XXIII сулола** (Танисдан, Ливиядан). 103 йил

#### **Гераклеопол, Леонтопол ва Танисда (Пер-Рамсесда) ҳукм сурган турли ҳукмдорлар**

1. Петубастис I (Педубаст I Усермаатра Сетепенамон, мил. ав. 818 – 793).
2. Иупут I (мил. ав. 804 – 783).
3. Шешонк IV (мил. ав. 783 – 777).
4. Осоркон III (Усермаатра Сетепенамон, мил. ав. 777 – 749).
5. Такелот III (Усермаатра, мил. ав. 754 – 734).
6. Рудамон (Усермаатра Сетепенамон, мил. ав. 734 – 731).
7. Иупут II (мил. ав. 731 – 720).
8. Шешонк VI (мил. ав. 720 – 715).

### **XXIV сулола** (Саис ва Ливиядан). 14 йил

1. Тefнахт (Шепсесра, мил. ав. 731 – 723).
2. Бокхорис (Бакенренеф Уахкара, мил. ав. 723 – 717).

**XXV сулола** (Кушит, Эфиопиядан). 104 йил

1. Кашта (юнон. Ксет, мил. ав. 760 – 752).
2. Пианхи (Пи Сенеферра, мил. ав. 752 – 717).
3. Шабака (Неферкара, мил. ав. 717 – 703).
4. Шабатака (Джедкаура, мил. ав. 703 – 690).
5. Тахарка (Нефертумхура, Тыргака, мил. ав. 690 – 664).
6. Тануатамон (Тануатамани Бакара, Тальтамон, мил. ав. 664 – 656).

**XXVI сулола** (Саисдан). 51 йил

1. Америс (мил. ав. 715 – 695).
2. Тefнахт I (мил. ав. 695 – 688).
3. Некауба (мил. ав. 688 – 672).
4. Нехо I (Менхеперра, мил. ав. 672 – 664).


**СЎНГГИ ДАВР**

**XXVI сулола** (Саисдан)

1. Псамметих I (тахм. мил. ав. 664 – 610).
2. Нехо II (тахм. мил. ав. 610 – 595).
3. Псамметих II (тахм. мил. ав. 595 – 589).
4. Априй (тахм. мил. ав. 589 – 570).
5. Амасис II/Яхмос II (тахм. мил. ав. 570 – 526).
6. Псамметих III (тахм. мил. ав. 526 – 525).

**XXVII сулола** (форслардан)

1. Камбис II (мисрча айтилиши Кембичет Месутира, мил. ав. 525 – 522).
2. Бардия (Псевдо-Гаумата, мил. ав. 522).
3. Доро I (мисрча айтилиши Интириош Сетутра, мил. ав. 521 – 486).
4. Ксеркс I (мисрча айтилиши Хашиарша, мил. ав. 486 – 465).
5. Артаксеркс I (мисрча айтилиши Артахешес, мил. ав. 465 – 424).
6. Ксеркс II (мил. ав. 424).
7. Согдиан (Секудиан, мил. ав. 424 – 423).
8. Доро II (мил. ав. 423 – 405).



### **XXVIII сулола (Саисдан). 61 йил**

1. Амиртей I (Саисда, мил. ав. 460 – 454, Дельтада, мил. ав. 454 – 449), ўлдирилган.
2. Инар (Нил дельтасида, мил. ав. 460 – 454 ), ўлдирилган.
3. Павсирис (Саисда, мил. ав. 408 – 404).
4. Амиртей II (Аменердис, Саисда, мил. ав. 404 – 399), ўлдирилган.

### **XXIX сулола (Мендесдан). 20 йил**

1. Неферит I (мил. ав. 399 – ?)
2. Псаммут (?)
3. Ахорис (мил. ав. 393 – 380).
4. Неферит II (мил. ав. 380 – 380).

### **XXX сулола. 38 йил**

1. Нектанеб I (мил. ав. 380 – 362).
2. Тахос (мил. ав. 362 – 360).
3. Нектанеб II (мил. ав. 360 – 342).

### **XXXI сулола (форслардан). 10 йил**

1. Артаксеркс III Окс (мил. ав. 342 – 338).
  2. Арсес (мил. ав. 338 – 336).
  3. Доро III Кодоман (мил. ав. 335 – 332).
- 338 йили Миср мустақилликни қўлга олиб, Хабабаш фиръавн бўлди.

## **ЭЛЛИНИСТИК ДАВР**

### **XXXII сулола (Македониялик)**

1. Александр III Буюк.
2. Филипп III Арридей.
3. Александр IV Македонский.

### **XXXIII сулола (Македониялик, Птолемейлар, Лагидлар). 277 йил**

1. Птолемей I Сотер Лагид (мил. ав. 306 – 283).
2. Птолемей II Филадельф (мил. ав. 283 – 246).

3. Птолемей III Евергет (мил. ав. 246 – 222 ), хотини малика Береника билан биргаликда.
4. Птолемей IV Филопатор (мил. ав. 221 – 205).
5. Птолемей V Эпифан (мил. ав. 205 – 180).
6. Птолемей VI Филометор (мил. ав. 180 – 145).
7. Птолемей VII Неос Филопатор (мил. ав. 170 – 164).
8. Птолемей VIII Евергет Фискон (мил. ав. 145).
9. Птолемей VII (мил. ав. 145 – 116).
10. Птолемей IX Сотер Латир (мил. ав. 116 – 108).
11. Птолемей X Александр I (мил. ав. 108 – 89).
12. Птолемей IX Сотер Латир (мил. ав. 89 – 81).
13. Птолемей XI Александр II (мил. ав. 80).
14. Птолемей XII Неос Дионис Филопатор Авйил (мил. ав. 80 – 58).
15. Береника IV (мил. ав. 58 – 56).
16. Архелай (мил. ав. 56).
17. Птолемей XII Неос Дионис (мил. ав. 56 – 51).
18. Птолемей XIII Дионис (мил. ав. 51 – 47).
19. Клеопатра (мил. ав. 47 – 30), Арсинанинг синглиси, Марк Антоний ўлдирган.
20. Птолемей XIV Неотерос (мил. ав. 47 – 44).
21. Птолемей XV Кесарион (мил. ав. 44 – 30).

## МЕСОПОТАМИЯ

*Месопотамия (Икки дарё оралиғи) деб қадимий юнон географлари Дажла ва Фурот дарёларининг ўрта оқимларидаги ҳудудларни айтган. Шимол ва шарқдан Месопотамия Арман ва Эрон тоғларининг этаклари билан ўралганди. Ғарбда Сурия чўллари ва Арабистон ярим чўл ҳудудлари билан чегарадош бўлиб, жанубда Форс кўрфази сувлари унга туташганди.*

*Энг қадимий цивилизациялар бўлмиш марказлар қадимий Вавилон/Бобилда жойлашган бўлиб, Шимолий Бобил Аккад, жануби эса Шумер деб аталарди. Месопотамиянинг шимолидаги тоғларга туташиб кетадиган адирли чўлларда Оссурия жойлашгани маълум.*

Мил. ав. IV мингйилликдан Месопотамияда биринчи шумер манзилгоҳлари юзага кела бошлайди. Бироқ Месопотамиядаги кўпгина жой номлари шумер тилидан бўлмагани аниқланган. Шунинг учун

шумерлар бу ҳудуднинг биринчи аҳолиси бўлмаган деган хулосага келиш мумкин. Аста-секин шумерлар бутун Месопотамия (ҳозирги Бағдоднинг шимоли, Форс кўрфазасининг жануби)ни босиб олади. Шумерларнинг келиб чиқиш жойлари ҳозирги кунгача номаълум. Шумер ривоятларига қараганда, улар Форс кўрфазини кесиб ўтган эмиш.

Мил. ав. III мингйилликда Шимолий Месопотамияда сомий халқлари яшаган. Улар Ғарбий Осиё ва Сурия чўлларининг чорвадор қабилалари бўлган. Мазкур халқларнинг тили аккад тили эди. Жанубий Месопотамияда улар Бобил, шимол ва Дажланинг ўрта оқимида аккад тилининг оссурия шеvasида сўзлашилган.

III мингйиллик охирларида сомийлар бутун Жанубий Месопотамияни эгаллашди. Аккад тили шумер тилини муомаладан чиқарди. II мингйиллик бошларида шумер тили ўлик тилга айланади. Бироқ давлат ишлари мил. ав. XXI асргача шумер тилида олиб борилган. Шумер халқи бобилликлар билан аралашиб кетган бўлса ҳам ўз дини ва маданиятини сақлаган.

Мил. ав. III мингйиллик охирларида Сурия даштларидан ғарбий сомий қабилалар бостириб киради. Бобилликлар уларни аморейлар дейишган. Аккад тилида амурру деган сўз ғарбни билдирган. Сурияда яшайдиган бир гуруҳ қабилалар кўчманчи бўлганлари учун, уларни су-ти, яъни кўчманчи дейишган.

Мил. ав. III мингйилликда Шимолий Месопотамияга хуррит қабилалари келиб Митанни давлатини тузди.

Мил. ав. II мингйилликнинг иккинчи ярмида Шимолий Сурия ва Шимолий Месопотамияга Шимолий арабистондан оромий қабилалари бостириб киришади ва мил. ав. XIII аср охирларида бир нечта майда мулкларни тузишади. Мил. ав. I мингйиллик бошларида оромийлар Сурия ва Шимолий Месопотамиянинг хуррит ва аморейлар бўлган аҳолини ўзига сингдириб ташладилар.

Мил. ав. VIII асрда оромий давлатларни Оссурия босиб олади. Бироқ бутун ҳудуд аҳолиси оромий тилда сўзлашарди. Бу нафақат оромий халқларнинг кўплиги, балки оромий ёзувининг осон ўзлаштириши билан боғлиқ эди. Қолаверса, Оссурия маъмурияти аҳолини бир ҳудуддан бошқа ҳудудларга сунъий кўчириш сиёсатидан (депортация) кенг фойдаланган. Охир-оқибатда оссурияликлар ҳам оромий тилини қабул қилди.

Мил. ав. IX асрдан Месопотамия ҳудудига оромийларга яқин халдей қабилалари бостириб кириб аста-секин Бобилни эгаллаб олди.

Мил. ав. 528 йили форслар Месопотамияни қўлга киритганида, оромий тили давлат канцелярияси тилига айланди. Мил. ав. I асрда бобилликлар халдей ва оромийлар билан аралашиб кетган.

### Муҳим саналар

Мил. ав. V – IV мингйилликда Убайд маданияти. Шаҳар марказлари (протошаҳар), суғориш тизими, ибодатхоналар, тошли кўчалар. Шумерлар келиши билан, инқироз бошланади.

Мил. ав. IV мингйиллик – шумерлар цивилизацияси. 10000 кишидан иборат шаҳарлар, шоҳ қасрлари, ибодатхоналар, зиккуратлар, ҳунармандлар устахоналари, ёзувнинг пайдо бўлиши.

Мил. ав. XXXIV аср – ёзувнинг пайдо бўлиши.

Мил. ав. XXXII аср – дунёдаги биринчи ёзма маълумот.

Мил. ав. XXVIII аср – Шумернинг сув босиши (Инжилда Нух тўфони сифатида тилга олинган).

Мил. ав. XXVIII аср – Киш шаҳри Шумер цивилизациясининг маркази.

Мил. ав. XXVII аср – Кишнинг заифлашуви. Урук шаҳрининг ҳукмдори – Гилгамеш Киш армиясини мағлуб этиб уни Урук давлатига қўшиб олади.

Мил. ав. XXV аср – Урукнинг заифлашуви. Шумер цивилизациясининг маркази Ур шаҳри бўлади.

Мил. ав. XXIV аср – Лагаш шаҳри шоҳ Эаннатум даврида сиёсий марказга айланади. У Шумернинг кўп қисмини эгаллаб, Эламни босиб олади.

Мил. ав. 2318 – 2312 йиллар – Уруинимгин шоҳлиги.

Мил. ав. 2318 йили – Лагашга тобе бўлган Умма шаҳри уруш эълон қилиб, унинг Умми Лугалзагеси номли подшоси Лагаш армиясини тормор этади. Бироқ тез орада Аккад бутун Шумерни босиб олади.

Мил. ав. XXIII аср – Шумер ва Аккад давлатлари подшо Саргон I (Саргон Қадима, Саргон Аккадлик, Саргон Буюк) томонидан бирлаштирилди.

Мил. ав. XXIII – XXI – Аккад давлати. Аккад империясига Шумер, Аккад, Оссурия, Элам ва б. давлатлар кирган (подшо Саргон I).

Мил. ав. XXI аср – элабийлар, халдейлар босқини.

Мил. ав. XIX – XVIII асрлар – Оссурияда биринчи подшоликлар.

Мил. ав. XVIII аср – подшо Хаммурапи томонидан Месопотамия ва Суриянинг бирлаштирилиши.



Мил. ав. XVI аср – Дажланинг юқори қисмида оссурияликлар давлатининг ташкил этилиши. Пойтахти Ассур шаҳри. Ниневия (Нина), Нимруд, Кальху шаҳарларнинг барпо этилиши.

Мил. ав. 743 – 735 йиллар – Набонассар подшолиги.

Мил. ав. 729 йил – Бобилни Оссурия шоҳи Тиглатпаласар III эгаллади.

Мил. ав. 680 – 669 йиллар – Оссурия шоҳи Асархаддон ҳукмронлиги.

Мил. ав. 538 йил – Форс шоҳи Куруш Бобил ва Оссурияни босиб олган.

Мил. ав. 336 йили – Александр Македонский Месопотамияни босиб олади. Унинг вафотидан сўнг бу ҳудуд Салавкийлар давлатининг бир вилоятига айланиб кетган.

### **Месопотамиядаги энг машҳур ҳукмдорлар**

**Урукагина** (тахм. мил. ав. 2500 йил) – шаҳар-давлат Лагашнинг подшоши. Солиқларни тартибга солувчи ислоҳотларни амалга оширган.

**Лугальзагеси** (тахм. мил. ав. 2500 йил) – Умма шаҳар-давлат шоҳининг ўғли. Лагаш шоҳи Урукагина армиясини мағлуб этган, шаҳар-давлат Урукда 25 йил ҳукм сурган. Саргон I Аккадлик томонидан тор-мор келтирилган.

**Саргон I** (тахм. мил. ав. 2400 йил) – 56 йил тузган империясида ҳукм сурган.

**Нарам-Суэн** (тахм. мил. ав. 2320 йил) – Саргон I Аккадликнинг набираси. Империяни 37 йил давомида бошқарган. Кўпгина босқинчилик юришлари олиб борган.

**Гудеа** (тахм. мил. ав. 2200 йил) – Шемуриянинг Лагаш шаҳар-давлати подшоши, Ур подшолари Ур-Намму ва Шульганинг замондоши.

**Рим-Син** (мил. ав. 1878 – 1817 йиллар) – Жанубий Бобилнинг Ларса шаҳар-давлати ҳукмдори. 61 йиллик ҳукмронликдан кейин Хаммурапи томонидан мағлуб этилиб, асирга олинди.

**Шамши-Адад I** (мил. ав. 1868 – 1836 йилларда ҳукм сурган) – Оссурия подшоши.

**Хаммурапи** (мил. ав. 1848 – 1806 йилларда ҳукм сурган) – қонунлар муаллифи.

**Тукульти-Нинурта I** (мил. ав. 1243 – 1207 йиллар) – Оссурия шоҳи, Бобилни босиб олган. 1350 йилга яқин Оссурия Митанни тобелигидан Ашшурубаллит томонидан озод этилади. Оссурия Иреба-

Адад, Ашшурубаллит, Ададнерари I, Салманасар I, айниқса, Тукульти-Нинурта даврида ривожланиб кетади. Тукульти-Нинурта касситлардан бўлмиш Бобил шоҳи Каштилаш IVни тор-мор келтирган.

**Тиглатпаласар I** (мил. ав. 1112 – 1074 йиллар) – Оссурия подшоси. Тукульти-Нинурта I давридаги Оссурия шуҳратини ушлаб туришга ҳаракат қилган.

**Ашшурнасирпал II** (мил. ав. 883 – 859 йиллар) – унинг даврида Оссурия империяси шаклланди. Ашшурнасирпал Ашшурдан шимолдаги Калах (Нимруд) шаҳрига пойтахтни кўчирган.

**Салманасар III** (мил. ав. 858 – 824 йиллар) – Ашшурнасирпала II ўғли, оромий қабилаларга қарши урушлар олиб борган.

**Тиглатпаласар III** (мил. ав. 745 – 727 йиллар) – Оссурия шоҳларининг энг қудратлиси. Оссурия империясини кучайтирган. Сардур II устидан ғалаб қилиб Урарту давлатининг катта қисмини босиб олади. Пулу номи билан Бобилда ўзини шоҳ деб эълон қилади. Сурия ва Фаластинни ўзига тобе этди. Давлат бошқарувида халқларни депортация қилиш (бир жойдан бошқа жойга кўчириш) усулидан фойдаланган.

**Саргон II** (мил. ав. 721 – 705 йиллар) – Оссурия шоҳи. У шоҳ авлодидан бўлмаса ҳам Буюк Тиглатпаласар III, унинг ўғли Салманасар V 726 – 722 йилларда қисқа муддат ҳукм сурган)нинг вориси бўлди. Саргон Урарту пойтахти Тушпа шаҳрини мил. ав. 714 йили босиб олади. Кейин мил. ав. 721 йили Сурия шаҳри Самарияни эгаллаб аҳолисини кўчиради. Мил. ав. 717 йили Суриянинг Кархемиш шаҳрини қўлга киритди. Мил. ав. 709 йили, Мардук-апал-иддинада қисқа муддатли асирликдан кейин, Саргон ўзини Бобилистон шоҳи деб эълон қилади. Саргон даврида Фарбий Осиё сиёсий майдонида киммерийлар ва мидияликлар пайдо бўлади.

**Синахериб** (мил. ав. 704 – 681 йиллар) – Саргон II нинг ўғли, Оссурия шоҳи, Бобил шаҳрини бузиб ташлаган яҳудийлар подшоси Езекии ва пайғамбар Исаянинг замондоши. Иерусалимни қамал қилган, аммо ололмаган. Бобил ва Эламга муваффақиятсиз юришлар уюштирган. Бобилдаги ҳукмрон ўғли ҳалок бўлгач, Бобил шаҳрини бузиб ташлаб, у ердаги бош худо Мардук ҳайкалини Оссурияга олиб кетган.

**Асархаддон** (мил. ав. 680 – 669 йиллар) – Синахериб ўғли, Оссурия подшоси. У Бобилни қайта тиклади. Мардук ибодатхонасини қайта қурди. Мил. ав. 671 йили Мисрнинг нубиялик фиръавни Тахаркни миглуб этиб, Мемфисни бузиб ташлади.

**Ашшурбанипал** (мил. ав. 668 – 626 йиллар) – Асархаддон ўғли, Оссуриянинг охириги буюк шоҳи. Унинг даврида кутубхона ташкил

этилиб, Месопотамия тарихига оид барча манбалар бир жойда йи-  
филди.

**Набопаласар** (мил. ав. 625 – 605 йиллар) – Янги Бобил (халдей)  
сулоласи шоҳи. Мидия подшоси Киаксар билан бирга Оссурия импе-  
риясини йўқ қилган. Бобил ибодатхоналарини қайта тиклаган.

**Навуходоносор II** (мил. ав. 604 – 562 йиллар) – Янги Бобил су-  
лоласининг иккинчи шоҳи. Кархемишдаги (ҳозирги Туркиянинг жану-  
бида) мисрликларга қарши муҳорабада қатнашиб шуҳрат қозонган.  
Мил. ав. 596 йили Иерусалимни эгаллаб, яҳудийлар шоҳи Езекийни  
асир олади. Мил. ав. 586 йили яна Иерусалимни босиб олиб, Яҳу-  
дийлар давлатига барҳам берди. Яҳудийларни Бобилга кўчирди.

**Набонид** (мил. ав. 555 – 538 йиллар) – Янги Бобил сулоласининг  
охирги шоҳи. Оромий қабилалари билан бирга форсларга қарши ит-  
тифоқ тузиш учун пойтахтини Арабистон чўлларидаги Тайма шаҳ-  
рига кўчиради. Бобилда унинг ўғли Валтасар қолади.

Набонид ой худоси Синага сиғингани боис Бобилдаги Мардук ко-  
ҳинлари қаршилигига дуч келади. Мил. ав. 538 йили Кир (Куруш) II  
Бобилни забт этди. Набонид Бобилдан унча узоқ бўлмаган Борсип-  
па шаҳрида Кирга таслим бўлади.

## ҚАДИМИЙ ЭРОН

**Ахамоний(Ҳохоманиш)лар сулоласи** (мил. ав.700 – мил. ав.  
331 йиллар)

*Бу сулола пасаргад қабиласидан бўлган. Форс вилоятидан. Бо-  
шида Элам ва кейинчалик Мидияга ўлпон тўлиб турган.*

Протоэлабийлар (мил. ав. 3200 – 2700 йиллар).

Жирофт (мил. ав. 3000 – 500 йиллар).

Элам (мил. ав. 2700 – 539 йиллар).

Манна (мил. ав. 1000 – 700 йиллар).

Мидия (мил. ав. 728 – 550 йиллар).

Шоҳаншоҳликдан олдинги давр (мил. ав. 700 – 550 йиллар).

Форс шоҳлиги (мил. ав. 550 – мил. ав. 331 йиллар).

Мил. ав. 550 йил атрофида ахамонийлар шоҳи Куруш (Кир) II  
Мидия шоҳлигига барҳам беради. Унинг ворислари ғарбда Миср ва  
Эгей денгизидан шарқда Ҳинд ва Афғонистонгача бўлган ерларни  
ўз итоатларига киритиб, дунёда биринчи имерияга асос солдилар.

Ахамон (Ҳохоманиш, мил. ав. 700 – 675).

Чишпиш (мил. ав. 675 – 640).  
 Куруш I (мил. ав. 640 – 600).  
 Камбиз I (мил. ав. 600 – 559).  
 Куруш II (Бузург, мил. ав. 559 – 530).  
 Камбиз II (мил. ав. 530 – 522).  
 Бардия (Смердис, Гаумата, мил. ав. 522).  
 Доро (Доровахуш) I Бузург (мил. ав. 522 – мил. ав. 486).  
 Ксеркс I (мил. ав. 486 – 465).  
 Артаксеркс I (мил. ав. 465 – 424).  
 Ксеркс II (мил. ав. 424).  
 Секудиан (Согдиан) (мил. ав. 423).  
 Доро II Окс (мил. ав. 423 – 404).  
 Артаксеркс II Арсак/Аршак (мил. ав. 404 – 359).  
 Артаксеркс III Окс (мил. ав. 359 – 338).  
 Арсак (Арсес, Аре, мил. ав. 338 – 336).  
 Доро III Кодоман (Арташат, мил. ав. 336 – 330).  
 Артаксеркс IV Бесс (мил. ав. 330 – мил. ав. 329).  
 Аҳамонийлар империясига Александр Македонинский барҳам берди. Унинг вафотидан кейин минтақа Салавкийлар давлати таркибига киради.

## САЛАВКИЙЛАР

Салавк I. Салавкийлар македониядан бўлган. Мил. ав. 312 йили Александрнинг лашкарбошиси Салавк I Никатор (мил. ав. 358 – 280) Сурияда ҳокимиятни қўлга олиб, узоқ урушлардан сўнг Фарбий Осиё, Марказий Осиё ва Шимолий Ҳиндистонни эгаллайди. Бу ҳудудларда Салавк иккита пойтахт қурган: Антиохия (Оронто – Шимолий Сурияда) ва Салавкия (Ефрат соҳилида). Салавк ва унинг ворислари бутун мамлакатини юнон ва македония зодагонлари ёрдамида бошқарган. Фракия ва Юнонистонга лашкар тортган вақтида Лисимахия (Фракияда) муҳорабасида Птолемей Керавндан енгилиб ҳалок бўлган.

Антиох I Сотер (мил. ав. 324 – 261). Салавкнинг ўғли.

Антиох II Теос (тахм. мил. ав. 287 – 246).

Мил. ав. 256 йили Юнон-Бақтрия, тахм. мил. ав. 248 йили Парфия шоҳлиги тузилди.

Антиохнинг Птолемей II нинг қизи Береникка уйланиши, биринчи хотини Лаодақдан бўлган фарзандларидан воз кечиши тахтга ворислик масаласини юзага чиқарди.

Салавк II Каллиник (тахм. мил. ав. 265 – 226). Тахт учун ўзаро сулолавий урушлар.

Антиох III Буюк(тахм. мил. ав. 242 – 187).

Салавк IV Филопатор (мил. ав. 187 – 175).

Узурпатор Гелиодор (мил. ав. 174).

Антиох IV Эпифан (мил. ав. 215 – 164.).

Антиох V Эвпатор (мил. ав. 164 – 162).

Деметрий I Сотер (мил. ав. 162 – 150).

Александр Балас (мил. ав. 152 – 145).

Деметрий II Никатор (мил. ав. 145 – 139; мил. ав. 130 – 125).

Антиох VI Дионис Эпифан (мил. ав. 145 – 142).

Диодот Трифон (мил. ав. 142 – 138).

Антиох VII Сидет (мил. ав. 138 – мил. ав. 129).

Александр (II) Забина (мил. ав. 128 – 123).

Сулоланинг бўлиниши:

<b>Деметрия II авлоди</b>	<b>Антиох VII Сидет авлодлари</b>
Салавк V (мил. ав. 126 – 125)	Клеопатра Теа (мил. ав. 126 – 120), аввал ўзи, кейин ўгли Антиох VIII билан бирга
Антиох VIII Эпифан Филометор Каллиник (Грип, мил. ав. 125 – 96)	Антиох IX Филопатор (Кизикский) (мил. ав. 116 – 95)
Салавк VI Эпифан Никатор (мил. ав. 96 – 95)	Антиох X Тақводор (мил. ав. 94 – мил. ав. 92)
Деметрий III Филопатор (Эвкер, мил. ав. 95 – 88)	Антиох XI Филадельф (мил. ав. 92).* Филипп I Филадельф (мил. ав. 92 – 83), экизак акаси Антиох XI билан бирга, кейин бир ўзи ҳукм сурган
Антиох XII Дионис (мил. ав. 89 – 84)	Клеопатра Селена (мил. ав. 84. – 83), ўгли Антиох XIII номидан ва унинг манфаати учун ҳукм сурган

Тигран II Арман (мил. ав. 83 – 69) салавкийлар мулкини босиб олади.

Салавк VII Кибиозакт (?)

Салавкийларнинг қўзғолонлари: Антиох VII Сидет авлодлари: Антиох XIII Дионис Филопатор Каллиник (Азиатский) (мил. ав. 68. – 64).

Деметрий II авлодлари: Филипп II Филоромэй (мил. ав. 65 – 64).

## ИККИНЧИ ҚИСМ

### ЎРТА ОСИЁ, ЭРОН, ВИЗАНТИЯ ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ СУЛОЛАЛАР (М.АВ. II – МИЛОДИЙ XII АСРЛАР)

*Тарихчи олимлар хулосаларига кўра, Ўрта Осиёдаги қадимги давлатчилик эволюциясида бир неча даврларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Булар қуйидаги даврлардир:*

*Биринчи давр (мил. ав. II мингйилликнинг иккинчи ярми) – Ўзбекистон жанубида протошаҳар-давлатга ўхшаш тузилманинг қарор топиши. Давлатнинг бундай намунаси Жарқўтонда ўз аксини топган дейиш мумкин.*

*Иккинчи давр (мил. ав. I мингйилликнинг боши – мил. ав. 539 йил) – Бақтрия, Суғд, Хоразм каби тарихий-маданий вилоятларнинг шаклланиши. Уларда сиёсий ҳокимиятнинг баъзи унсурларига эга бўлган давлатнинг илк шакллари кўриш мумкин. «Авесто» мавълумотлари бунга мисол бўла олади.*

*Учинчи давр (мил. ав. 539 йил – мил. ав. 330 йил) – аҳамонийлар босқини ва Ўрта Осиёнинг Аҳамонийлар давлати таркибига кириши туфайли келиб чиққан маҳаллий давлатчилик ривожланишидаги танаффус.*

*Тўртинчи давр (мил. ав. IV аср охири – мил. ав. II аср иккинчи ярмининг боши) – Александр Македонский босқинидан то эллинлар сиёсий ҳукмронлиги охиригача. Бу даврда маҳаллий давлатчиликнинг тикланиш жараёни юз беради. Мил. ав. IV аср сўнгги чорагида Хоразмда подшолик пайдо бўлган эса, III аср охири – II асрда Бухорода, Довонда (Фарғона), Суғдда алоҳида мулклар шаклланади. Кейинчалик бутун мулкларни бирлаштирган Қанғ давлати шакллана бошлайди.*

*Бешинчи давр (мил. ав. II асрнинг иккинчи ярми – мил. ав. II аср боши) – маҳаллий давлатлар: Қанғ, Хоразм подшолиги, Бухоро, Суғд, Довоннинг мустақамланиши ва янада ривожланиши, Юэчжилар давлатининг қарор топиши ва унинг ҳокимиятининг Гандхарагача ёйилиши. Ушбу мулкларда кумуш ва мис тангалар зарб*

қилиниши, маҳаллий суғд, хоразм ёзувларининг пайдо бўлиши ривожланган давлатчиликнинг асосий белгилари ҳисобланар эди.

Олтинчи давр (милодий II аср боши – III аср биринчи ярми) – антик даврда маҳаллий давлатчиликнинг равақ топиши. Ўзбекистон жанубининг конфедератив Юэчжилар давлати асосида пайдо бўлган Кушон империяси таркибига кириши. Чочда янги мулкчиликнинг пайдо бўлиши. Хоразмда африғийлар сулоласининг ҳокимият тепасига келиши ва бу ерда сулолавий бошқарувнинг анъанавийлашуви.

Айни шундай сулолавий бошқарув барча Шарқ мамлакатларида шаклланиб давом этгани маълум.

## КУШОН ДАВЛАТИ

Тарихий манбаларда Юнон-Бақтрия/Бохтар давлати кўчманчи қабилалар томонидан тор-мор этилгани эслатилади. Страбон маълумотларига кўра, Бақтрияни ассиёлар, пассианлар, тохарлар, сак қабилалари босиб оладилар. Помпей Трогнинг хабар беришича, Бақтрия ва Суғдиёни скиф қабилалари сарауклар ва ассианлар босиб оладилар. Тадқиқотчилар ҳар иккала тарихчи битта қabila ҳақида маълумот берган деган фикрда.

Қадимги Хитой манбаларида Бақтрияни юэчжи қабилалари босиб олганлиги тўғрисида маълумот берилади. Мил. ав. II асрнинг иккинчи чорагида (тадқиқотчилар бу санани мил. ав. 172 – 16 йиллар оралиғида деб белгилайдилар) юэчжилар хунлардан мағлубиятга учраганидан сўнг Ўрта Осиёнинг шимолий ҳудудларида кўчиб юрдилар. Бу қабилалар Хитой манбаларида «Да-юэчжи» – «Буюк» ёки «Катта юэчжи» деб эслатилади. Юэчжилар мил. ав. 140 – 130 йиллар оралиғида Бақтрияга бостириб кирганлар. Орадан кўп ўтмай Бақтрияда «Катта юэчжи давлати» ташкил топади. «Кичик Хан уйи» тарихи маълумотларига кўра, «Катта юэчжи» ҳукмдорлари қўл остида бешта ҳокимлик бор бўлиб, улар Хюми, Шаунми, Гуйшуан, Хисе ва Думилардан иборат эди. Хитой манбаларидан хулоса чиқарган кўпчилик тадқиқотчилар Бақтрия тарихидаги бутун юэчжи даврини учта босқичга бўлади:

1. Мил. ав. 139 – 125 йиллар – Катта юэчжи Даҳя вилоятини босиб олади, аммо уларнинг асосий мулклари Амударёдан шимол томонда эди.

2. Мил. ав. 25 йилга қадар – Катта юэчжи давлатининг шаклланиши ва кейинги ривожланиши. Давлатнинг пойтахти Амударёдан шимол томонда бўлиб, жанубий чегараси Гибин атрофларида (Кашмир ёки Қандаҳор) эди. Юэчжилар бўйсундирган ҳудудлар Хисе, Шаунми, Гуйшуан, Хюми, Думи мулкларидан иборат бўлиб, улар хи-хоу (ябғу) томонидан бошқарилган.

3. Мил. ав. 125 йилгача Катта юэчжи давлатининг инқироzi ва юқорида эслатилган мулкларнинг мустақил бўлиши. Кушон (Гуйшуан) ябғуси Киоцзюкю (Кужула Кадфиз) қолган тўртта мулкни бирлаштириб Кушон давлатига асос солди.

Мил. ав. I аср охири – милодий I аср бошларида гуйшуан ҳокими Киоцзюкю барча мулкларни бирлаштириб, Кобулистон ва Қандаҳорни забт этади. Натижада бу даврга келиб Кушон давлати Хитойдаги Хан давлати, Парфия подшолиги, Рим салтанати билан рақобатлаша оладиган қадимги дунёнинг энг қудратли ва забардаст давлатларидан бирига айланди. Хитой манбаларидаги «Гуйшуан ҳокими Киоцзюкю» илк кушон даврига оид топилма тангаларда акс эттирилган «Кушон подшоси Кужула Кадфиз»га айнаган мос тушади.

Тангашунослик маълумотларига кўра, Кадфиз I ўз подшолигини давлат ерларини кенгайтириш билан бошлайди. Баъзи бир гуруҳ тангалар борки, уларнинг бир томонига энг сўнги Юнон-Бақтрия подшоси Гэрмей тасвири туширилиб, унинг номи ёзилган, иккинчи томонида эса Геракл сиймоси ва «ўз ишончига қатъий кушонлар ябғуси Кужула Кадфиз» деган сўзлар мавжуд.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, кейинроқ Кадфиз I ўз номини «ёбғу»дан «шоҳлар шоҳи» (шаҳаншоҳ) фахрий унвонигача кўтариб тангалар зарб этади. Яна бир гуруҳ тангаларда «шоҳлар шоҳи, буюк халоскор» деган ёзув кўпроқ учрайди. Кўпчилик олимлар фикрича, бу тангаларни Кадфиз I зарб эттирган.

Кужула Кадфиздан сўнг тахтга унинг ўғли Вима Кадфиз (Кадфиз II) ўтиради. Кадфиз II давлатнинг иқтисодий аҳволини мустаҳкамлаш мақсадида пул ислоҳоти ўтказиб, олтин тангалар зарб этади. Шунингдек, Ҳиндистоннинг бир қисмини Кушон давлатига қўшиб олади ва Рим салтанати билан алоқалар ўрнатади.

Кушон подшолари ичида энг машҳури Канишқадир. Унинг ҳукмронлиги даврида салтанат ўз раванқининг чўққисига кўтарилди. Канишқа даврида Панжоб, Кашмир вилоятлари мамлакатга қўшиб олинади. Айрим тадқиқотчилар фикрича, салтанат пойтахти Дал-



варзиндан (Сурхондарё) Пешовар (Афғонистон) атрофларига кўчирилади. Бу даврда (милодий II аср) мамлакат ҳудуди Шимолий Ҳиндистон, Афғонистон, Ўрта Осиёнинг жануби, Шарқий Туркистондан иборат эди.

Археологик тадқиқотларнинг гувоҳлик беришича, кушонлар даври (хусусан, Канишка ҳукмронлиги даври) ижтимоий-иқтисодий муносабатлар анчагина ривожланган пайт эди. Бу вақтга келиб Ўрта Осиёнинг деярли барча ҳудудларида қишлоқ хўжалиги яхши ўзлаштириб бўлинганди. Текисликларда суғорма деҳқончилик билан бирга чорвачилик ҳам кенг ривожланади. Шунингдек, Хоразмда, Зарафшонда кўплаб суғориш иншоотлари қурилади. Деҳқончилик қуролларида ҳам ўзгаришлар содир бўлади. Самарқанд яқинидаги Талибарзу ёдгорлигидан II – III асрларга оид ер ҳайдайдиган омонинг темир учи топилган. У ва бошқа ашёлардан кушонлар даври моддий маданияти нақадар юксак бўлгани ҳақида хулоса чиқариш мумкин.

Кушонлар даврида шаҳарсозлик маданияти, айниқса, гуллаб-яшнаган. Бу даврга оид дастлабки қадимий шаҳарлар Айритом, Афросиёб, Далварзинтепа, Кампиртепа кўҳна шаҳри, Эски Термиз, Холчаён ҳисобланади.

Кушон подшолиги руҳонийлар қўлидаги давлат бўлиб, бу давлатда подшо бир вақтнинг ўзида бош қоҳин ҳам ҳисобланган. Подшолик сатрапликларга бўлинган, уларнинг бошлиқлари маълум маънода ўзларини мустақил деб ҳисоблаганлар. Кушон подшолиги қулдорлик давлати ҳисобланса-да, давлатда қишлоқ жамоаларининг аҳамияти ниҳоятда катта эди. Тадқиқотлар натижасида кушонлар даврида ҳунармандчиликнинг турли соҳалари, ички ва халқаро алоқалар, маданий ҳаёт гуркираб ривожлангани аниқланган. Пул муомаласида, асосан, олтин ва мис тангалардан фойдаланилган. Деҳқончилик сунъий суғоришга асосланган бўлиб, қишлоқ хўжалик экинларининг жуда кўп турлари етиштирилган.

Милодий III асрнинг биринчи ярмида, яъни Васудева ва Канишка III ҳукмронлиги даврида Кушон подшолиги ҳокимиятида марказдан қочувчи кучлар мавқеи ортиб, улар ўзларини тобора мустақил ҳисоблай бошлайди. Иккинчи томондан, улар ўртасида ўзаро қурашлар авж олади. Қолаверса, Кушон давлатининг жануби-ғарбий ҳудудларида қудратли Сосонийлар давлати пайдо бўлади. III асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Кушон давлатининг кўпгина ерлари Эрон сосонийлари қўлига ўтади.

## Кушон шоҳлари

### 1-вариант (Л.А.Боровкова тавсияси)

Кужула Кадфиз (Кадфиз I)	20 – 80
Вима Кадфиз, Кушоннинг биринчи буюк императори	80 – 103
Канишка	103 – 125
Васишка	125 – 131
Хувишка	131 – 162
Васудева, охирги буюк император	166 – 200

### 2-вариант

(1) Кадфиз I	30 – 80
(2) Кадфиз II	80 – 103
(3) Канишка I	103 – 126
(4) Васишка	126 – 130
(5) Хувишка I	130 – 143
Канишка II	143 – ?
Хувишка II	? – 166
(6) Васудева I	166 – 200
Канишка III	200 – 222
Васудева II	222 – 244

### 3-вариант

Герай	1 – 30
(1) Кужула Кадфиз (Кадфиз I)	30 – 80
Вима Такто, Биринчи қутқарувчи (Сотер Мегас)	80 – 105
(2) Вима Кадфиз Кушоннинг биринчи буюк императори	105 – 127
(3) Канишка I	127 – 147
(4) Васишка	151 – 155
(5) Хувишка	155 – 187
(6) Васудева I, охирги буюк император	191 – 225
Канишка II	226 – 240
Васишка	240 – 250

Канишка III	255 – 275
Васудева II	290 – 310
Чху	310? – 325?
Шака I	325 – 345
Кипунада	350 – 375

#### 4-вариант (Роберт Брэси тавсия этган)

Санаб	мил. ав. 30 – милодий 10
(1) Кужала Кадфиз	10 – 60
Вима Такто	60 – 80
(2) Вима Кадфиз	80 – 115
(3) Канишка I	115 – 137
(5) Хувишка	137 – 155
(4) Васишка I	155 – 163
Канишка II	163 – 180
(6) Васишка II (Васудева)	180 – 233
Канишка III	230 – 250
Васудева II ва Васишка	250 – 260
Васудева II	260 – 300
Шака	300 – 330
Гадахара	320 – 350
Ксандеш	335 – 336
Кипанада	330 – 360
Кидара	360 – 380
Яхудея	?

### СОСОНИЙЛАР СУЛОЛАСИ

**Сосонийлар (224 – 651)** – иккинчи форс империяси ва учинчи эронийлар сулоласи. Улар ўз давлатларини Эроншаҳр – Эронийлар (Орийлар) давлати деб номлашган. Сосонийлар империяси Ардашер I Папакан/Бобоконнинг аршакийлар сулоласига мансуб Парфия қироли Артабан (Ардавон) IV устидан қозонган ғалабасидан сўнг вужудга келган. Энг сўнги сосонийлар шаҳаншоҳи ўн тўрт йил давом этган арабларга қарши урушда ҳалокатга учраган Яздигирд III (632 – 651) бўлди.

Сосон, Анахит хватави

Папак/Бобок, Сосон ўғли – Истахардат шоҳи (209 – 220).

Шопур, Папак ўғли – Истахардат шоҳи (209 – 220).

### Сосонийлар сулоласига мансуб Эрон шаҳаншоҳлари

т/р	хукмдорлар	хукмронлик йиллари
1.	Арташир/Ардашер I Папакан (Бобокон), Папак ўғли	224 – 239
2.	Перуз/Феруз I, Арташир I ўғли	239
3.	Шопур I, Арташир I ўғли	239 – 274
4.	Хурмуз I Арташир, Шопур I ўғли	274
5.	Баҳром I, Шопур I ўғли	274 – 276
6.	Баҳром II, Баҳром I ўғли	276 – 293
7.	Баҳром III, Баҳром II ўғли	293
8.	Нарсе, Шопур I ўғли	293 – 302
9.	Хурмуз II, Нарсе ўғли	302 – 309
10.	Шопур II, Хвармизд II ўғли	309 – 379
11.	Арташир II, Шопур II ўғли	379 – 383
12.	Шопур III, Шопур II ўғли	383 – 388
13.	Баҳром IV, Шопур II ўғли	388 – 399
14.	Яздигирд I, Шопур III ўғли	399 – 421
15.	Баҳром V, Яздигирд I ўғли	421 – 439
16.	Яздигирд II, Баҳром V ўғли	439 – 457
17.	Хурмуз III, Яздигирд II ўғли	457 – 459
18.	Перуз II, Яздигирд II ўғли	459 – 484
19.	Балаш, Яздигирд II ўғли	484 – 488
20.	Қавад/Қубод I, Перуз II ўғли	488 – 496
21.	Замасп/Жамасп, Перуз II ўғли	496 – 498
	Қавад I, Перуз II ўғли	498 – 531
22.	Хусрав I, Қавад I ўғли	531 – 579
23.	Хурмуз IV, Хусрав I ўғли	579 – 590
24.	Хусрав II, Хурмуз IV ўғли	590 – 628
25.	Қавад II, Хусрав II ўғли	628
26.	Арташир III, Қавад II ўғли	628 – 629
27.	Борандухт, Хусрав II қизи	629 – 630
28.	Азармедухт, Хусрав II қизи	630 – 631

29.	Фаррухзод Хусрав	631 – 632
30.	Яздигирд III, Хусрав II невараси (Шаҳриёр ўғли)	632 – 651

**Сосонийлар сулоласига мансуб бўлмаган шаҳаншоҳлар**  
 Баҳром Чўбин, тахтга чиққач Баҳром VI (590 – 591).  
 Фаррухон Шаҳрварз (629).

## ТУРК ХОҚОНЛИГИ

**Турк хоқонлиги (552 – 603)** – ашин уруғи бошчилигидаги турк қабилалари иттифоқи тузган илк ўрта асрларда мавжуд бўлган Осиёдаги давлат. Хоқонлик ҳудудининг энг кенгайган даврида унга Хитойнинг шимоли-шарқи (Манжурия), Мўғулистон, Олтой, Шарқий Туркистон, Ўрта Осиё, Қозоғистон ва Шимолий Кавказ ҳудудлари қарарди (тахмина 10 млн км<sup>2</sup>).

т/р	хоқонлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Бумин хоқон	542 – 553
2.	Қора Иссиқ хон	553 – 554
3.	Муқон хоқон	572 – 581
4.	Амрак	581
5.	Баға Ишбархон	581 – 587
6.	Чоллиғ Жабғу-Бағохон	587 – 588
7.	Юн-Улуғ	588 – 599
8.	Қора Чўрин Турк	599 – 603

Усунлар қудрати сўнгач, Еттисув улкан жанг майдонига айланди. V асрдаёқ у ерларда пайдо бўлган жужанлар усунларни Тяньшаннинг саҳро қисмидан кўч-кўронини йиғиштириб кетишга мажбур қилди. Озод этилган ерларда юэчжиларнинг қолган-қутган қисми ўрнашишга уринишди, бироқ 418 – 419 йилларда жужанлардан енгилгач Ўрта Осиёга кетишга мажбур бўлишди, у ерда эфталийлар ва форслар билан тўқнашишди. Чу ва Талас дарёлари юқори қисмини эса қанғарлар эгаллаб олди ва улар жужанларнинг ғарбга юришини тўхтатди. Еттисув ва Шарқий Қозоғистон Жужанлар давлатининг энг чекка ҳудудлари эди. Шунинг учун у ерларга кам эътибор қаратишган, бироқ айнан шу ҳудудда – Олтойда жужанларга қарши тура оладиган куч шакллана бошлади.

482 йили Еттисув, Жунғория ва Иртиш водийларига тарқалиб кетган теле қабилалари жужанларга қарши қўзғолон кўтариб мустақил давлат тузиб олишди. Бу давлат унча кўп яшамади ва 516 йили тагин жужанларга қарам бўлиб қолди.

545 йили теле қабилалари яна жужанларга қарши исён кўтарди. Бу сафар турк Бумин озодлик ҳаракати раҳбари бўлди. Бумин 551 йили Хитойдаги Ғарбий Вэй давлати билан иттифоқ тузди ва жужанларни тор-мор келтирди, шундан сўнг у «элхон» («халқлар ҳукмдори») унвонини олди. 552 йили Бумин вафотидан сўнг Қора Иссиқ хоқон унвонини олган Буминнинг ўғли тахтга чиқди. У жужанларга қақшатқич зарба берди. Бироқ номаълум сабабларга кўра хоқон вафот этди ва унинг укаси Муғон хоқон давлатни бошқаришга киришди. 553 йили жужанлар яна тор-мор келтирилди ва турклар Олтойгача бўлган бутун саҳро устидан назорат ўрнатишди.

Турклар 554 йили Истеми хоқон бошчилигида ғарбга юриш бошлашди. Жужанлардан қаттиқ зарбага учраган усунлар ҳеч қандай қаршилик кўрсата олмадилар. 555 йилга келганда Истеми қўшини Орол денгизигача етиб борди. Лекин Оролдан шимолда яшовчи уарна эфталий қабилалари қаттиқ қаршилик кўрсатди, фақат 558 йилга келгандагина улар бўйсундирилди. Турклар Волгагача етиб боришди, бироқ дарёни кечиб ўтишмади. Шундай қилиб, қисқа вақт давомида Хинган тоғларидан Волгагача бўлган ҳудудда улкан империя ташкил топди.

Турклар 561 – 563 йилларда эфталийларга қарши Эрон билан иттифоқ тузди. 564 йили Хусрав Анушервон қўшини Тохаристонни истило қилди. 565 йили эса турклар Нефес жангида ғалаба қозонди ва Суғд хоқонлигига қўшиб олинди. 587 йили эфталийларнинг асосий қўшини Бухоро яқинида турклар томонидан яқсон қилинди. Ўрта Осиёни забт этгандан сўнг хоқонлик Буюк ипак йўлининг асосий қисми устидан назорат ўрнатди.

Турклар ва суғдийлар тўғридан-тўғри Византия билан савдо қилишдан манфаатдор эди. Эрон эса бунга қарши бўлган. 568 йили Истеми хоқон суғдлик савдогар Маниах бошлиқ элчилар гуруҳини Константинополга юборди. Музокаралар натижа-сида Византия императори Юстин II билан савдо шартномалари ва Эронга қарши ҳарбий иттифоқ тузилди. Византия ва Турк хоқонлиги иттифоқи тузилгач, Эрон хоқонлигига 40 минг олтиндинор миқдорида йиллик ўлпон тўлаш ва савдога тўсқинлик қилмаслик мажбуриятини олди.

575 йили Эрон ва Византия туркларга қарши иттифоқ тузди. Бунга жавобан турклар 576 йили Византия вассали Боспор Киммерскийни тор-мор келтиришди, Қрим ва Ғарбий Кавказга зафарли юриш қилишди. Натижада хоқонлик Буюк ипак йўлининг энг муҳим нуқталарини назорат қилишга киришди, турк зодагонлари карвон савдосидан улкан фойда ола бошлади.

Хоқонликнинг қудрати кўп ўтмай сусайди. Тобохон ўлимидан сўнг (581) давлат заифлаша бошлади. Бунинг асосий сабаби ўзаро ички курашлар ва қўшни давлатлар билан бўлган тўхтовсиз урушлар эди. 603 йили хоқонлик ғарбий ва шарқий қисмларга бўлиниб кетди.

**Хоқонлик қўшини ҳақида.** Туркларнинг энг сеvimли қуроллари камон – ўқ-ёй, қилич, найза, ойболта эди. Кўп ҳолларда отлар ва суворийлар совут билан ҳимояланарди. Байроқларида зар билан тикилган бўри калласи бўларди. Хоқоннинг гвардияси фули – бўрилар деб номланган. Жанг майдонида ўлиш эркак киши учун шарафли ҳисобланган.

**Ғарбий турк хоқонлиги (603 – 704).** *Хоқонлик ҳудуди Азов денгизи ва Дондан Тяншаннинг шарқи ва Ҳиндистоннинг шимоли-шарқигача бўлган ҳудудларни ўз ичига олганди. Хоқонлик маркази дулу қабиласи ўрнашган Жунғория ва нушиби қабиласи жойлашган Ғарбий Тяншань эди. Мазкур қабилалар 630 – 651 йилларда қонли биродаркушлик урушлари олиб боришган. Ғарбий турк хоқонлигининг шимолдаги таянчи қипчоқлар бўлган.*

**Хоқонликнинг ташкил топиши.** VI аср охирида Турк хоқонлигидан унинг шарқий қисми ажралиб чиқди. Ўша вақтдан Шарқий ва Ғарбий хоқонликлар бир-биридан мустақил ривожлана бошлади. Қозоғистон, Ўрта Осиё, Шимолий Кавказ, Қрим ва Волгабўйи ҳудудлари Ғарбий хоқонликка қарарди. Хоқонликнинг этносиёсий асоси Қоратоу тоғларидан Жунғориягача бўлган қадимий усун ерларини эгаллаган «ўн ўқ қабилла» (он оқ будун) эди. Чу дарёсидан шарқда беш қабилла – дулу, улардан ғарбда эса бошқа беш қабилла – нушиби ажралиб чиқди. Хоқонликнинг пойтахти Суёб (ҳозирги Қирғизистоннинг Тўқмоқ шаҳри атрофи), хоқонларнинг ёзги қароргоҳи эса Мингбулоқ (Туркистон шаҳри яқинида) эди.

**Хоқонликнинг кучайиши.** Хоқонлик Шегуй хоқон (610 – 618) ва унинг укаси Тўқ ябғу хоқон (618 – 630) ҳукмронлиги даврида ўз қудратининг чўққисига чиқди. Тохаристон ва Афғонистонга қилинган юришлар давлат чегараларини Ҳиндистон шимоли-ғарбигача сурди.

Шегуй (610 – 618) ва Тўн ябғу (618 – 630) даврида Амударё бўйлаб ва Тарим дарёси ҳавзасида, шунингдек, Олтойда чегаралар тикланди. 630 йили ички тахт талашиш узоққа чўзилган урушга айланди. 634 – 639 йилларда хоқонлик ўн ўқ (қабилалар назоратидаги ҳудуд)га бўлинди.

**Хоқонликнинг қулаши.** Ўн олти йил (640 – 657) давом этган қирғинбарот урушлар Тан империяси қўшинининг Еттисувга бостириб киришига олиб келди. 658 – 659 йилларда Ғарбий турк хоқонлиги ёрларини Тан империяси истило қилди. Туркашлар вазиятдан фойдаланиб хитойликларни минтақадан қувиб чиқаришди ва 704 йили Еттисувда ҳукмронликни қўлга киритишди. 740 йилга келганда ички урушлар натижасида хоқонлик ҳалокатга учради.

### **Давлат тузуми**

**Хоқон** – хоқонликнинг энг олий раҳбари.

**Тегин** – хоқонлик ворислари.

**Жабғу, шод, элтабар** – давлатнинг олий лавозимлари, уларнинг бари хоқон оиласига тегишли эди.

**Буйруқлар, тархонлар** – суд ишлари билан шуғулланган амалдорлар.

**Тудунлар** – истило қилинган ўлкалардаги хоқоннинг ноиблари. Улар ўлпон йиғиш ва уни хоқон ҳузурига етказишга масъул эдилар.

**Беклар** – қабилалар ва уруғларнинг раҳнамолари.

**Қора будун** – хоқонликнинг асосий қарам аҳолиси.

**Татлар** – туркий қабилалар томонидан ўзига бегона тилда ваплашадиган элатлар шундай аталган. Кўпчилик қуллар бошқа қабилалардан бўлгани учун, қулларга нисбатан ҳам шу истилоқ қўлланган.

**Хоқонликнинг этник таркиби.** Тарихий манбаларда Ғарбий турк хоқонлиги «Он оқ будун» («Ўн ўқ мамлакати») деб номланади.

**Уйсунлар/уйшунлар, қанғлилар** Еттисув, Сирдарё ҳавзасида жойлашган.

**Туркашлар** Балхаш атрофи, Или ортидаги Олатоуда жойлашган.

**Қорлуқлар** Шарқий Қозоғистонда жойлашган.

**Чигиллар** Иссиқкўл соҳилбўйида жойлашган.

**Яғмолар** Шарқий Туркистонда жойлашган.

Ғарбий турк хоқонлиги Евросиёдаги туркий тилли халқларнинг бирлашиши ва ҳозирги туркий халқларнинг этник ривожланишида муҳим ўрин тутган.



## Турк хоқонлигининг ғарбий қисми ҳукмдорлари

1. Истеми хон – Турк хоқонлигининг ғарбий қисми жабғуси (554 – 576).
2. Қора Чўрин Турк – Турк хоқонлиги ғарбий қисми жабғуси (576 – 599).
3. Нили хон – Турк хоқонлигининг ғарбий қисми жабғуси (599 – 603).

## Ғарбий турк хоқонлиги ҳукмдорлари

хоқонлар	ҳукмронлик йиллари
Нили хон	603 – 604
Басил тегин	604
Таман хон	604 – 612
Шегуй хон	612 – 618
Тўн ябғухон	618 – 630
Қуллуқ Сибирхон	630 – 631
Си ябғухон	631 – 633
Нишу Дулухон	633 – 634
Ишбара Толишодхон	634 – 639
Халлик Ишбара ябғухон	653 – 657
Ашина Дучжихон	676 – 679
Ашина Хушэло шод	693 – 704

## Нушиби қабиласига мансуб Ғарбий турк хоқонлиги хоқонлари

Эл Қулуқ шод Ирбисхон	639 – 640
Ирбис Ишбара ябғухон	640 – 641
Ирбис Шегуйхон	642 – 650
Халлик Ишбара ябғухон	650 – 657
Ашина Бучжен шод	657 – 667
Ашина Хушэло шод	679 – 704

## Дулу қабиласига мансуб Ғарбий турк хоқонлиги хоқонлари

Юқуқ Ирбис Дулухон	638 – 653
Халлик Ишбара ябғухон	653 – 657

Ашина Мише шод	657 – 662
Ашина Юанкин шод	679 – 693
Ашина Хушэло шод	693 – 704

**Шарқий турк хоқонлиги (Кўк Турк хоқонлиги) – (603 – 745).** Хоқонлик 603 йили, Турк хоқонлиги парчаланишидан сўнг, вужудга келган. Хоқонлик Хитой билан узун чегарага эга эди ва ушбу давлатга қарши мунтазам уруш олиб борган. 630 йили Тан империяси Шарқий хоқонликни истило қилди. 682 йили Қутлуғ бошчилигидаги кўзғолон ғалаба қозонди ва давлат Кўк Турк хоқонлиги номи билан қайта ташкил этилди. Қутлуғ 686 йили Синчжоуда хитойликларни тор-мор келтирди. 694 йили Мочура Линчжоуга босқин уюштирди. 698 йили эса у империя кўшинига қақшатқич зарба берди.

745 йили турклар уйғурлардан енгилишди ва Шарқий Турк хоқонлиги ҳудудида Уйғур хоқонлиги (745 – 840) ташкил топди.

т/р	хоқонлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Жанғар Қимин хоқон	603 – 608
2.	Шибирхон Туркшод	608 – 619
3.	Чулохон Силигбекшод	619 – 620
4.	Кат Элхон Баҳодиршод	620 – 630

**Шарқий турк хоқонлиги Тан империяси таркибида.** Хоқонлик Ли Шиминь томонидан мағлуб этилганидан сўнг, император туркларга қарашли ерларни икки қисмга бўлди: Динсян ва Юньжун. Бу давлат тузилмалари хитой ноиблари томонидан бошқарилган. Турк хонлари эса ўрта ва қуйи бошқарувда базўр ўрнашишди. Бироқ шарқда Хитойга хайрихоҳ таласлар аймағи сақланиб қолди.

1. Таласхон Шибоби (630 – 631).

2. Таласхон Хэлоху (631 – 639).

Хитойга кўчирилган турклар исён кўтаришгач, Ли Шиминь туркларни Хитойдан чиқариб юборишга мажбур бўлди.

1. Иминишус эликхон (639 – 644).

2. Элчур Кўбехон (644 – 649).

Тахминан ўттиз йил турклар осойишта ҳаёт кечирди, бироқ хитойлар томонидан тазйиқлар бўлиб турди. 679 йили Виньфу ва Финьжи исён кўтарди, уларга турклар ҳам қўшилиб кетди. Исён дастлаб муваффақиятли ривожланди ва хитойликларнинг жазо қўшини тор-

мор келтирилди. Лекин саркарда Пэй-Хинкянь турк бўлинмаларини Хэйшань тоғи яқинида енгди. Виньфу ва Финьжу вақтинчалик қурол ташлади, бироқ орадан кўп ўтмай ҳарбий ҳаракатлар давом этди. Туркларга Фунань бошчилик қилди, бироқ жангда мағлуб бўлди. Шунга қарамай, Фунань барча турк қабилаларини бирлаштиришга эришди. Натижада Хуай Шунь бошлиқ хитойликлар турклардан мағлуб бўлишди. Лекин Хинкян ва Шунь бирлашиб Фунань бошлиқ туркларни енгди. 681 йили Фунань ва унинг тарафдорлари таслим бўлишди, хитойликлар уларни Чананга келтириб қатл этишди.

Бошлиқларидан айрилганига қарамай, турклар курашни давом эттиришди ва 682 йили давлат тикланди.

### Кўк Турк хоқонлиги ҳукмдорлари

т/р	хоқонлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Элтариш хоқон	682 – 693
2.	Қапағон хоқон	693 – 716
3.	Иналхон	716
4.	Билгахон Богу	716 – 734
5.	Йўллуқ тегин Ижанхон	734 – 739
6.	Билга Қутлуғхон	739 – 741
7.	Озмиш тегинхон	739 – 741
8.	Баймэйхон Қулунбек	743 – 745

**Туркашлар хоқонлиги (704 – 766)** – 705 йили Туркашлар давлати жанубий чегарасига араблар яқинлашиб келди. Хоқон Ушлиқ Хитой ва Суғд билан иттифоқ тузиб Пойканд ва Бухорода арабларга қарши чиқди. Суғдликлар ва туркашлар ўртасида низо чиқиши арабларнинг ўзини ўнглаб олишига сабаб бўлди. 710 йили туркашлар Болочу дарёси бўйида Шарқий турк хоқонлиги қўшини томонидан яксон қилинди. Туркашлар хоқони Соға янги қўшин тўплаб туркларга қарши юриш бошлади, бироқ туркашлар қўшини яна қақшатқич зарбага учради, хоқон эса асирга тушди. Туркашларнинг мағлубиятидан хабардор бўлган араблар Мовароуннаҳрга қайтадан юриш бошлади. Араблар 715 йилгача зафарли юришларини давом эттиришди ва Фарғона водийсигача бўлган ҳудудлар устидан назорат ўрнатишди. Лекин араблар сардори Қутайба ибн Абу Муслим фитна натижасида ўлдирилгач, туркашлар Фарғона водийсини тортиб олишди. 717 йилга келиб туркашлар йўқотган мавқеларини тиклашди.

Араблар туркашларни исломга чақириб улар билан иттифоқ тузишга уринишди, лекин мусулмон арабларнинг мазкур уриниши зое кетди ва шаман туркашлар мажусий суғдийлар билан иттифоқларини мустаҳкамлаб олишди. 724 йили суғдийларнинг арабларга қарши қўзғолонини туркашлар қўллаб-қувватлади ва суғдийларга ҳар томонлама ёрдам берди. 737 йили туркашлар ва Хитой (Тан империяси) ўртасидаги иттифоқ барбод бўлди, боз устига, қора ва сариқ туркашлар ўзаро биродаркушлик урушини бошлаб юборишди. 738 йили сариқ туркашлар сардори Баға тархон хоқон Сулукни ҳалок этди ва тахтни эгаллашга ҳаракат қилди. Унинг қўл остида Фарғона ва Тошкент ихшидлари тўпланишди. Бундан ташқари, хитойликлар ҳам ёрдам беришни ваъда қилишди. Чу дарёси бўйидаги жангда қора туркашлар тор-мор бўлишди, хоқонлик пойтахти Талас эса харобага айланди. 740 йили Баға тархон ўлдирилди, Эл Идмиш Қутлуф эса қора туркашлар сардори бўлиб олди.

Туркашлар давлати ичида рўй бераётган хунрезликдан фойдаланган араблар 738 йили Самарқанд, Тошкент ва Ўтрордаги исёнларни бостиришга эришди. Хитойликларнинг шарқдан хужуми ҳам туркашларни қийин аҳволга солиб қўйди, хитойликлар 748 йили Суёб шаҳрини вайрон қилишди. Хитойликлар Умавийлар давлати қулаганидан фойдаланиб Ўрта Осиёни истило қилишни режалаштирди ва у ерга катта қўшин жўнатди. 751 йили Талас дарёси бўйида бўлган беш кунлик қонли жангда Абу Муслим Хуросоний бошчилик қилган араблар қўшини бутпараст хитойликлардан устун келди. Хитойликлар Еттисувдан қувиб чиқарилди, бироқ араблар ҳам Суғдда бошланган исён сабабли юришни тўхтатди.

756 йили қора ва сариқ туркашлар яна ўзаро хунрезликни бошлашди, бунинг натижасида хоқонлик узил-кесил барҳам топди. 759 йилга келиб Еттисув бошқа туркий қабила бўлмиш қорлуқларга ўтиб кетди. 766 йили сўнгги туркаш хоқони бу дунё билан видолашди ва бир вақтнинг ўзида хоқонликнинг умри ҳам тугади.

### Туркашлар давлати хоқонлари

т/р	хоқонлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Ушлиқ	699 – 708
2.	Соға	708 – 711
3.	Чжен	711 – 715
4.	Сулук	715 – 738

5.	Тукварсен Қутшор	738 – 739
6.	Баға тархон	739 – 742
7.	Эл Идмиш Қутлуғ	742 – 753
8.	Тенгри Илмиш	753 – 756
9.	Ота Бойли хоқон	756 – 766

**Уйғур хоқонлиги (745 – 847)** – Шарқий турк хоқонлиги ўрнига келган давлат тузилмаси. Бу хоқонлик Учинчи уйғур хоқонлиги деб ҳам номланади. Дастлабки хоқонлик 323 йили Хангайда ташкил топган бўлиб, икки асрга яқин умр кўрган. Иккинчи хоқонлик 523 йили ташкил топиб, 80 йилдан ошиқроқ мавжуд бўлган ва 603 йили Турк хоқонлиги томонидан тугатилган. 140 йилдан сўнгра (745) собиқ Шарқий турк хоқонлиги ўрнида Уйғур хоқонлиги ташкил топди. Бу давлат 840 йили Энасой (Енисей) қирғизлари билан бўлган йигирма йиллик урушдан сўнгра фаолиятини тугатди. Ғолиб қирғизлар уйғурларни Шарқий Туркистонга сиқиб чиқарди.

#### Уйғур хоқонлиги хоқонлари

т/р	хоқонлар	хукмронлик йиллари
1.	Қутлуғ I Билга	745 – 747
2.	Моянчур	747 – 759
3.	Идигян	759 – 780
4.	Дунмага	780 – 789
5.	Пангуан	789 – 794
6.	Ачжохон	794 – 795
7.	Қутлуғ II	795 – 805
8.	Қуллуқ Билгахон	805 – 808
9.	Боихон	808 – 821
10.	Чиндэхон	821 – 824
11.	Чжаолихон	824 – 839
12.	Қуллуқбекхон	839 – 840
13.	Угехон	840 – 846
14.	Эняндэлэхон	846 – 847

**Қирғиз хоқонлиги (840 – 924)** – Уйғур хоқонлигини тугатган Энасой қирғизларининг Марказий Осиё ва Жанубий Сибирда IX – X асрларда мавжуд бўлган давлат тузилмаси.

VI – VII асрларда қирғизлар маҳаллий ноиб – элтабар етакчилигида мўъжаз давлатча ташкил этишди. VIII асрда бу давлатчадаги айирмачи маҳаллий бек ва иналлар хонлик тузишга ҳаракат қилишди.

IX асрда катта тезликда улкан майдонларни эгаллаётган сахройи империяга айланди. Бу давлат 840 йили Уйғур хоқонлигини тугатди ҳамда Мўғулистон ва Тувада ўз ҳукмронлигини ўрнатди. Қирғизлар қолган-қутган уйғурларни таъқиб этиб жанглар билан Иртиш ва Амур-гача етиб боришди, шунингдек, Шарқий Туркистон воҳаларига ҳам бостириб киришди. Бу тарихий даврни В.В.Бартольд «қирғизларнинг буюк давлати» деб номлаган.

Қирғизларнинг ғарбга юриши Ғарбий Сибирь жанубидаги чўл ва ярим чўл минтақаларигача етиб борди. 80 йилдан сўнг Қирғиз давлати Мўғулистондаги ҳудудидан айрилди. Қирғизлар ўзларининг тарқалиш жойлари сифатида икки асосий ҳудудни сақлаб қолишди: 1) Юқори ва Ўрта Энасой; 2) Олтой ва Иртиш. Кейинчалик Энасой қирғизлари ва бўлажак Тяньшань қирғизлари этник жиҳатдан бир-биридан эркин ривожланди. Бу вақтда Марказий Осиёнинг янги хўжайинлари киданлар – қорахитойлар бўлишди.

## ВИЗАНТИЯ

**Византия империяси (395 – 1204, 1261 – 1453)** – 395 йили Рим империяси (мил. ав. 27 йил – м. 395 йил) узил-кесил иккига бўлинди: Ғарбий Рим империяси (395 – 476) ва Шарқий Рим империяси (Византия). 476 йили сўнгги Ғарбий Рим императори Ромул Августул тахтдан ағдарилди ва империя ҳукмронлиги тугади. Шарқий Рим империяси эса шундан сўнг Византия деб номлана бошлади ва таниффус билан (1204 – 1261 йилларда Константинополни салибчилар истило қилган) қарийб минг йил – 1453 йил Константинополь турклар томонидан забт этилгунча – мавжуд бўлган.

Византия ҳукмдорлари ўзларини Рим вориси деб ҳисоблашар ва шунга мувофиқ унвон олиб юришарди.

## Византия империяси ҳукмдорлари (1204 йилгача)

### Феодосий сулоласи

т/р	императорлар	ҳукмронлик йиллари	яшаган йиллари
1.	Аркадий Флавий	385 – 408	377 – 408
2.	Феодосий II	408 – 450	401 – 450
3.	Маркиан	450 – 457	392/396 – 457

### Лео сулоласи

4.	Лев I Макелла	457 – 474	401 – 474
5.	Лев II	474	467 – 474
6.	Зенон	474 – 475	452 – 491
7.	Василиск	475 – 476	... – 476/477
	Зенон	476 – 491	452 – 491
8.	Анастасий I	491 – 518	430 – 518

### Юстиниан сулоласи

9.	Юстин I	518 – 527	460 – 527
10.	Юстиниан I	527 – 565	483 – 565
11.	Юстин II	565 – 578	520 – 578
12.	Тиберий II	578 – 582	520 – 582
13.	Маврикий	582 – 602	539 – 602
14.	Фока	602 – 610	... – 610

### Ираклий сулоласи

15.	Ираклий I	610 – 641	574 – 641
16.	Константин III	641	612 – 641
17.	Ираклий II	641	626 – 641
18.	Констант II	641 – 668	630 – 668
19.	Константин IV	668 – 685	652 – 685
20.	Юстиниан II	685 – 695	669 – 711
21.	Леонтий	695 – 698	... – 706
	Тиберий III	698 – 705	... – 706

	Юстиниан II	705 – 711	669 – 711
22.	Филиппик Вардан	711 – 713	... – 713
23.	Анастасий II	713 – 715	... – 718
24.	Феодосий III	715 – 717	... – 754

### Исавр сулоласи

25.	Лев III Исавр	717 – 741	685 – 741
26.	Константин V	741 – 775	718 – 775
27.	Лев IV Хазар	776 – 780	750 – 780
28.	Ирина	780 – 790	752 – 803
29.	Константин VI	790 – 797	771 – 797
	Ирина	797 – 802	752 – 803

### Никифор сулоласи

30.	Никофор I	802 – 811	760 – 811
31.	Ставракий	811	803 – 812
32.	Михаил I Рангаве	811 – 813	... – 844
33.	Лев V	813 – 820	775 – 820
34.	Константин Симбат	820	... – 820

### Аморий сулоласи

35.	Михаил II Травл	820 – 829	... – 829
36.	Феофил	829 – 842	813 – 842
37.	Михаил III	842 – 867	840 – 867

### Македон сулоласи

38.	Василий I	867 – 868	811 – 886
39.	Константин Македонян	868 – 879	... – 879
	Василий I	879 – 886	811 – 886
40.	Лев VI	886 – 912	866 – 912
41.	Александр	912 – 913	870 – 913
42.	Константин VII	913 – 920	905 – 959
43.	Роман I Лакапин	920 – 944	870 – 948
44.	Стефан	944 – 945	... – 963



	Константин VII	945 – 959	905 – 959
45.	Роман II	959 – 963	938 – 963
46.	Василий II	963	958 – 1025
47.	Никифор II Фока	963 – 969	912 – 969
48.	Иоанн I Цимисхий	969 – 976	925 – 976
	Василий II	976 – 1025	958 – 1025
49.	Константин VIII	1025 – 1028	960 – 1028
50.	Роман III	1028 – 1034	968 – 1034
51.	Михаил IV	1034 – 1041	1010 – 1041
52.	Михаил V	1041 – 1042	1015 – 1042
53.	Зоя	1042	978 – 1050
54.	Константин IX	1042 – 1055	1000 – 1055
55.	Феодора	1055 – 1056	984 – 1056
56.	Михаил VI	1056 – 1059	... – 1059
57.	Исаак I Комнин	1059	1005 – 1061

### Дука сулоласи

58.	Константин X	1059 – 1067	1006 – 1067
59.	Константин Дука	1067	1060 – 1082
60.	Роман IV Диоген	1067 – 1072	1030 – 1072
61.	Михаил VII	1072 – 1078	1050 – 1090
62.	Никифор III	1078 – 1081	1002 – 1081

### Комнин сулоласи

63.	Алексей I Комнин	1081 – 1118	1056 – 1118
64.	Иоанн II Комнин	1118 – 1143	1087 – 1143
65.	Мануил I Комнин	1143 – 1180	1118 – 1180
66.	Алексей II Комнин	1180 – 1183	1169 – 1183
67.	Андроник I Комнин	1183 – 1185	1118 – 1185

### Ангел сулоласи

68.	Исаак II Ангел	1185 – 1195	1156 – 1204
69.	Алексей III Ангел	1195 – 1203	1153 – 1211
	Исаак II Ангел	1203 – 1204	1156 – 1204
70.	Алексей V Дука	1204	... – 1205

## 1261 йилдан кейинги Византия императорлари

### Палеолог ва Кантакузин сулоалари

1.	Михаил VIII Палеолог	1261 – 1282	1224/1225 – 1282
2.	Андроник II Палеолог	1282 – 1328	1259 – 1332
	Михаил IX Палеолог	1282 – 1320	1277 – 1320
3.	Андроник III Палеолог	1328 – 1341	1297 – 1341
4.	Иоанн V Палеолог	1341 – 1347	1332 – 1391
5.	Иоанн VI Кантакузин	1347 – 1354	1293 – 1383
	Иоанн V Палеолог	1354 – 1376	1332 – 1391
6.	Андроник IV Палеолог	1376 – 1379	1293 – 1385
	Иоанн V Палеолог	1379 – 1390	1332 – 1391
7.	Иоанн VII Палеолог	1390	1370 – 1408
	Иоанн V Палеолог	1390 – 1391	1332 – 1391
8.	Мануил II Палеолог	1391 – 1425	... – 1425
9.	Андроник V Палеолог		1400 – 1407
10.	Иоанн VIII Палеолог	1425 – 1448	1392 – 1448
11.	Константин XI Драгаш	1449 – 1453	1405 – 1453

## УЧИНЧИ ҚИСМ

### ХУЛАФОИ РОШИДИН, УМАВИЙЛАР СУЛОЛАСИ ДАВРИ (VII АСР БОШЛАРИ – VIII АСР БИРИНЧИ ЯРМИ)

#### ИСЛОМНИНГ ТАРҚАЛИШИ. УМАВИЙЛАР СУЛОЛАСИ

Ислом дини милодий VII асрда Ҳижоз (Ғарбий Арабистон)да пайдо бўлган. Унинг асосчиси Муҳаммаддир. Ислом динининг пайдо бўлиши хусусида ислом манбаларига асосланган диний ақидада у илоҳий ҳодиса, инсонларни тўғри йўлга солиш учун Аллоҳ томонидан юборилган охириги таълимот ҳисобланади. «Ислом энциклопедияси»да ёзилишича, дастлаб яҳудий ва христианлар ҳам айнан мусулмонлар эътиқод қилган худога ишонганлар. Шу худо, яъни Аллоҳ одамларга пайғамбар – элчилар юборган. Аммо инсонлар пайғамбарлар таълимотини бузган. Шунинг учун Аллоҳ инсонларга охириги расул этиб Муҳаммадни танлади, унга ўзининг каломи – Қуръонни нозил қилди. Муҳаммад олдин ўз ҳамшаҳарларини, сўнг барча арабларни кўплаб қабила худоларига сиғинишдан воз кечиш ва ягона худо – Аллоҳга эътиқод қилиш, солиҳ ҳаёт кечириш, у дунёда жаннатга тушиш учун бу дунёда эзгу ишлар қилишга даъват этди. Қуръонга кўра, араблар ва яҳудийларнинг умумий бобокалони Иброҳим Аллоҳга биринчи бўлиб имон келтирган. Демак, ислом ба-тамом янги эътиқод эмас, балки Иброҳимнинг қайта тикланган динидир.

Ислом дини тарихини ўрганишда ўша даврдаги ижтимоий, иқтисодий ва маданий омилларни ҳисобга олиш лозим. Ислом дини вужудга келган даврда Арабистон яриморолида Макка ва Ясриб (Мадина) каби шаҳар-давлат (полис)лар бошқаларга нисбатан муайян устунликка эга эди. Бу шаҳарлар халқаро савдонинг энг йирик марказларидан бўлиб, иқтисодий ҳаёт жўшқин тус олганди. Шаҳар-давлатнинг келажак тараққиёти учун полис тузуми торлик қила бошлаган. V – VI асрларда Маккани қурайш қабиласи бошқарарди. Қурайш қабиласи 12 жамоадан иборат эди: Абдуманоф, Абдуддор ибн Қусай, Асад ибн

Абдулуззо ибн Қусай, Зухра ибн Килоб, Маҳзум ибн Яқиза ибн Мурра, Тайм ибн Мурра, Адий ибн Каъб, Саҳм ибн Ҳусайс ибн Амр ибн Каъб, Омир ибн Луай, Тайм ибн Ғолиб, Ҳорис ибн Фихр, Муҳориб ибн Фихр жамоалари. Улардан Маккада ўтроқлашганлари «қурайш ал-битаҳ» (водий қурайшлари), шаҳар атрофига жойлашганлари «қурайш аз-завоҳир» (ташқаридаги қурайшлар) деб номланган.

Қурайш бошлиғи Қусай замонида (ваф. тахминан 480) Маккада «Дору-н-надва» («Маслаҳатхона») қурилди. У ерда Макка ҳаётига тааллуқли барча ишлар 12 жамоа оқсоқоллари иштирокида кўриб чиқилган.

Қурайшлар қишда Яманга, ёзда эса Шомга савдо карвонлари жўнатиб катта фойда кўришарди. Ривоятларга кўра, Қусайнинг ўғли Ҳошим савдо ишлари билан борган пайтда Ғазода вафот этган.

Қусайнинг невараси Абдулмутталиб кўмилиб кетган Замзам қудугини очиб, атрофини тозалаттирди ва қурайшнинг энг нуфузли кишиси бўлиб қолди.

Макка тинч-осойишта шаҳар ҳисобланган. Атрофда қароқчиликлар, қотилликлар юз беришига қарамай, маккаликлар бемалол савдо-сотиқ ишлари билан шуғулланишган. Улар бошқа қабилалар томонидан ниҳоятда қаттиқ ҳурмат қилинган. Чунки Каъба нафақат қурайш, балки барча арабларнинг зиёратгоҳи эди.

Ҳижоз (Макка, Ясриб, Хайбар, Думат ал-Жандал, Тайма ва б.), умуман, Арабистонни халқаро савдони барқарор қиладиган, фуқаролар хавфсизлигини таъминлайдиган ягона салтанатга айлантириш давр талаби бўлиб қолганди. Салтанат тузиш билан бир қаторда Арабистон яриморолидаги қабилаларнинг этник ва маданий жиҳатдан бирлашуви, ягона араб тили, оғзаки ва ёзма адабиёт, умумий фикрлашнинг шаклланиши ва, ниҳоят, арабларнинг диний тафаккурида ўзгариш жараёни кечаётганди. Бундай ҳаракатни бошқарган кишилар ўз фаолиятларини илоҳий илҳом билан асослай билган ҳолдагина муваффақиятга эриша оларди. Шунинг учун мазкур даврда Арабистон яриморолида пайғамбарлик ҳаракати кенг тарқалган. 20 дан ортиқ шундай ҳаракатларда қатнашиб набийликка даъво қилганларга Муҳаммад ҳам қўшилади. Бошқа даъвогарларга қараганда омад унга кулиб боққан. Зеро, у ўзининг ахлоқи, шахсий фазилатлари ва эътиқодига садоқати билан муваффақият қозонган. Шундай қилиб, Муҳаммаднинг диний ва сиёсий фаолияти юқоридаги жараёнларнинг хусусий кўриниши бўлган. Муҳаммад ҳар томонлама самимий ва дилбар инсон бўлгани учун, ўзининг шахсий

фазилатлари туфайли яҳудий-христиан таълимотларига яқин ғоя билан яшовчи маҳаллий ҳижозликлар ҳаракати ўзига хос хусусият касб этди, диний ва сиёсий кучга эга бўлди; бу куч исломнинг вужудга келишини энг муҳим тарихий воқеалардан бирига айлантирди.

Ислом пайғамбари Муҳаммад 610 йили, яъни 40 ёшида ваҳий (илоҳий илҳом) олаётганини эълон қилади. Аммо бир неча нуфузли яқин қариндошини ҳисобга олмаганда, Макканинг кўпчилиги аҳолиси, айниқса, қурайш қабиласи зодагонлари унинг тарғиботига очикдан-очик қарши чиқдилар. Муҳаммад ўзга ерларда тарафдорлар излашга мажбур бўлди. Дастлаб бир гуруҳ мусулмонлар Ҳабашистонга кўчди, сўнг Макка зодагонлари билан маълум даврдан буён рақобатлашиб келаётган Ясрибдаги бану авс ва бану хазраж қабилаларининг вакиллари 622 йили мусулмон жамоасини ўзига қабул қилиш, Муҳаммадни умумий раҳнамо (амин ва ҳакам) сифатида тан олишга рози бўлишди. Ясриб шаҳридаги мавжуд этник вазият ҳам шуни тақозо этганди. Исломдан олдин Мадина шаҳри Ясриб деб аталарди. Ясриб – Ҳижознинг катта шаҳарларидан бири – Макка шаҳридан шимолда, 400 км узоқликда эди. Ясриб аҳолиси, асосан, яҳудий ва араблардан иборат бўлган. Ясрибда яҳудийларнинг 3 та қабиласи яшаган: бану қурайза, бану қайнуқоъ ва бану назир. Улар Ясрибнинг ҳосилдор, обод ерларини эгаллагандилар: бану назир Ясрибнинг жануби-шарқий қисмидаги Води Музайнаб, бану қурайза улардан шимолроқдаги Води Маҳзур, бану қайнуқоъ эса мазкур иккала қабиладан шимоли-ғарброқдаги шаҳар марказига яқин жойда яшаган. Ясриб яҳудийлари ўзига хос талаффуз билан араб тилида сўзлашган. Ибодатларини эса иброний тилида бажаришган.

Ясриб аҳолисининг аксарияти хурмо етиштирарди. Ясрибликлар деҳқончилик билан шуғулланишса-да, буғдой ва арпа каби қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экишмаган, уларни Шомдан келтиришган. Маккада бўлгани каби, Ясрибда ҳам судхўрлик авж олганди. Ерларнинг унумдорлигига қараб ижара белгиланган. Ижарачи чорикорлар уруғлик сотиб олиш ва ҳосил йиғиштириладиган вақтгача кетадиган харажатлар учун кўп ҳолларда судхўрлардан қарз олишган. Бунинг эвазига чорикорлар ўзларига тегадиган маҳсулотни судхўрга экин ўсиб турган ҳолида (музобана) ёки экин-зордаги мева-чева, полиз маҳсулотларини хомлигича (муҳоқала) сотишга мажбур бўлганлар.

Ясриблик савдогарлар ва маккалик савдогарлар ўртасида савдосотиқ ҳам бирмунча ривожланганди. Ясриблик савдогарлар ҳар

йили ўтказиладиган Укоз, Зул-Мажоз ва Мажинна бозорларига бориб савдо қилишарди.

Ясриб атрофидаги қишлоқлар аҳолиси ва кўчманчи бадавийлар Ясрибга туя, қўй, от, жун, кигиз, ёғ ва пишлоқ келтириб сотган. Ясрибдан эса кийим-кечак, қурол-яроғ ва қишлоқ хўжалик асбоблари сотиб олишарди. Ясрибда бир нечта бозорлар мавжуд бўлиб, улардан энг йириги Води Батхон кўприги ёнида жойлашган Бани қайнуқоъ бозори эди. У қайнуқоъ қабиласида ишланган безак ва қимматбаҳо буюмлар билан савдо қилишга ихтисослашганди.

Ясрибнинг шимоли-ғарбидаги Зубола номли жойда ҳам бозор бўлиб, у ҳижратдан кейин Мадинадаги энг катта мусулмон бозорига айланган. Ал-боқий махсус мол бозори эди. Катта бозорларда ҳар хил моллар сотилса-да, ҳар бир мол учун алоҳида махсус бўлимлар ажратилганди. Шунга қарамай, исломдан олдинги бозорларни назорат қилиш ҳеч бир кишининг зиммасида бўлмаган.

Муомаладаги пуллар Маккадаги сингари динор ва дирҳамлардан иборат эди. Динор олтин танга бўлиб, Византияда босилган ва унда император Ираклийнинг (Ҳирақл) тасвири туширилган. Динордан Византия билан савдо қилиш учун фойдаланилган. Дирҳам кумуш танга бўлиб, Эронда зарб қилинган ва унда Эрон шаҳаншоҳлари тасвири ва паҳлавий ёзувлар битилган. Дирҳам, асосан, Эрон ва унинг мустамлакалари билан савдо-сотикда қўлланилган.

Ясрибнинг исломдан олдинги араб аҳолиси, асосан, икки қабиллага мансуб бўлиб, улар бану авс ва бану ҳазраж эди. Авс қабиласи Ясрибнинг шарқий ва жанубий қисмини, ҳазраж эса шаҳарнинг ўрта ва шимолий қисмини эгаллаганди. Авс ерлари унумдор, серҳосил, бану назир ва бану қурайза ҳудудига туташганди. Ҳазраж ерлари эса фақат бану қайнуқоъ ерларига туташ бўлиб, камҳосил эди. Шу сабабдан бану назир ва бану қурайза деҳқончилик ва боғдорчилик билан шуғулланган, бани қайнуқоъ эса фақат ҳунармандчилик билан машғул бўлишга мажбур эди.

617 йили авс ва ҳазраж ўртасидаги Буос жанги энг сўнгги қирғин бўлди. Бунгача ҳам улар кўп марта тўқнашган, кўп ҳолларда авс мағлубиятга учрарди. Авсликлар ҳазражни узил-кесил мағлуб этиш учун бану назир ва бану қурайза билан иттифоқ тузишга ҳаракат қилди. Бундан хабар топган ҳазраж авс иттифоқчиларини бетараф сақлаш мақсадида қурайзининг 40 нафар ўспиринларини тутқунликка олди ва мақсадига эришди. Авсликлар ташқаридан иттифоқчи қидиришга тушишди ва ҳар йили Маккада ўтказиладиган ҳаж ма-

росимидан фойдаланиб қурайш билан ҳазражга қарши иттифоқ тузишга уриниб кўришди. Бироқ Макка зодагонлари бу иттифоқни кескин рад этди. Авсликлар ҳеч қандай иттифоқчи топа олишмагач ноилож бану ҳазражга бўйсунушга мажбур бўлишди. Аммо авслик баъзи уруғлар бундан норози бўлиб Мадинадан кўчиб кетди. Мана шу ҳолатда бану ҳазраж зодагонлари бану назир ва бану қурайзага таҳдид қилиб, ерларини бўшатишни талаб этишди. Орадан кўп ўтмай баёда уруғи оқсоқоли тутқунликда сақланаётган яҳудий ўспиринларни қатл этишга буйруқ берди. Авс қабиласи бундан фойдаланиб бану назир ва бану қурайза билан ҳазражга қарши иттифоқ тузди ва жангга тайёргарлик кўра бошлади. Ҳазраж ҳам энди урушнинг олдини олиш учун ҳеч қандай йўл қолмаганини тушуниб жангга ҳозирлик кўра бошлади. Иккала томон зудлик билан тарафдорлар йиғишга киришди. Ўспиринлар ўлдирилганидан бир ярим ой ўтгач бану қурайзага қарашли Буос номли жойда қонли жанг содир бўлди. Олдинги тўқнашувларда бўлгани каби, авс ва унинг иттифоқчилари енгилла бошлади, бироқ ҳазражнинг бош қўмондони Амр ибн Нуъмоннинг кутилмаганда ҳалок бўлиши ҳазражликларни саросимага солиб қўйди ва улар кўрғонларига яширина бошлашди. Авсликлар уларни кўрғонларига қамаб қўйишса-да, кўрғонларни бузиб ҳазражни бутунлай қириб юборишни ўзларига лозим кўришмади. Жанг тугаганидан бир неча кун ўтгач авс бош қўмондони Ҳудайр ибн Самак жангда олган жароҳатларидан вафот этди. Бу жанг натижасида Ясриб жуда катта моддий зарар кўрди. Кўплаб кишилар қатори авс ва ҳазражнинг барча оқсоқоллари ҳалок бўлди.

Ясрибликлар бу каби мантиқсиз урушлардан ташқари вақти-вақти билан уюштириб туриладиган бадавийларнинг хужумларини ҳам қайтаришлари лозим эди. Мазкур босқинчиликлар ҳам Ясрибга жуда катта зарар келтирарди. Бундай инқирозли вазиятдан чиқиш учун ясриблик қабилалар бирлашиб ўзларига умумий бошлиқ сайлаш тўғрисида музокаралар бошлаб юборишди. Асосий номзод Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салул Ҳазражий эди. Бироқ номзодларни танлаш чўзилиб, кўрсатилган номзодлар барчага маъқул келавермади.

Айни шу вақтда Маккада ислом дини ёйила бошлаган ва мусулмонлар қаттиқ тазйиққа олинганди. Ясрибдан Маккага борган зиёратчилар мусулмонлар билан танишиб, янги дин ҳақида қониқарли жавоб олишди. Келгуси йили Макка яқинидаги Ақоба номли жойда бир гуруҳ ясрибликлар Муҳаммадга байъат қилишди. Улар мусул-

монларни Ясрибга таклиф этишди. Маккалик дастлабки мусулмонларнинг Ясрибга ҳижрат қилиши (кўчиб келиш) ясрибликларнинг умумий бошлиқ сайлаш тўғрисидаги ихтилофларига барҳам берди.

622 йили Муҳаммад Ясрибга кўчиб келади. Ҳижрат номини олган бу воқеа ислом тарихида бурилиш ясади. Кўчиб ўтган кишилар муҳожирлар, Мадинада исломни қабул қилганлар ансорлар деб аталди. Мадина ва Макка ўртасида бошланган кураш 8 йил давом этди. Бадр жанги, Ухуд жанги, Хандақ жанги ва б. Урушларда охир-оқибат мусулмонлар ғалабага эришади. 628 йили Макка зодагонлари Муҳаммад билан келишишга мажбур бўлди. 630 йили мусулмонлар қўшини ҳеч қандай қаршиликсиз Маккага кириб борди. Макка аҳолиси ёппасига ислом динини қабул қилди ва Муҳаммадни Аллоҳнинг элчиси (расули) деб эътироф этди.

Ана шундан бошлаб Макка ислом дини марказига, Каъба мусулмонларнинг муқаддас зиёратгоҳига айланган. Муҳаммад вафот этган 632 йилга келиб Арабистон яримороли тўла бирлаштирилган, унинг аксарият аҳолиси ислом динини қабул қилганди. Арабистоннинг сиёсий, иқтисодий, этник ва маданий жиҳатдан бирлашишида ислом дини муҳим омил бўлиб хизмат қилди ва келажакда вужудга келган мусулмон оламининг мафкурасига айланди.

Ислом пайғамбари Муҳаммад 632 йил 27 май, душанба куни вафот этган. Қамарий ҳисобда пайғамбар роппа-роса 63 ёшда бўлган. Ўша куннинг ўзида мусулмонлар жамоаси Абу Бакр Сиддиққа байъат қилишади.

Муҳаммад вафотидан сўнг хулафои рошидин: Абу Бакр Сиддиқ, Умар ибн Хаттоб, Усмон ибн Аффон, Али ибн Абу Толиб пайғамбарнинг ўринбосари (халифа) сифатида ҳукмронлик қилди. VII – VIII асрларда Ироқ, Фаластин, Сурия, Эрон, Мовароуннаҳр, Миср, Шимолий Африка, Пиреней яримороли, Шимолий Ҳиндистон фатҳ этилди. Бир асрдан камроқ вақт давомида Шимолий Хитойдан Испаниягача, Кавказолдидан Ҳинд океанигача бўлган улкан ҳудуд забт этилди ва ислом дини кенг ёйилди.

Исломда илк даврдан юзага келган энг йирик муаммо олий ҳокимиятни эгаллашга пайғамбардан кейин ким ҳақлироқ деган масала бўлди. Халифа Али тарафдорлари «шиа» номини олиб, исломда биринчи бўлинишни бошлаб бердилар. Учинчи халифа Усмон айнан шу бўлинишнинг қурбони сифатида жон таслим қилди. Икки тараф – суннийлик ва шиалик ўртасидаги кураш асносида хорижийлар деб аталган учинчи йўналиш ҳам юзага келди. Аммо суннийлик асосий



йўналиш бўлиб келди ва ҳамон шундайлигича қолмоқда. Ўрта асрларда ҳукмронлик қилган аббосийлар, салжуқийлар, айюбийлар, мамлуклар, усмонли турклар, теурийлар суннийлар эди. Ҳозирги кунда ҳам суннийлар мусулмонларнинг мутлақ кўпчилиги (93%)ни ташкил этади. Бирдан-бир давлат – Эронда шиалик расмий диний йўналиш сифатида қабул қилинган. Ироқ, Ливан, Шимолий Яман, Озарбайжон ва Афғонистонда шиаларнинг йирик жамоалари мавжуд. Уммон ва Шимолий Африкада хорижийларнинг баъзи тоифалари сақланиб қолган.

**Хулафои рошидин даври (632 – 661).** *Пойтахти – Мадина шаҳри (632 – 656, ҳозирги Мадина, Саудия Арабистони) ва Куфа (656 – 661, ҳозирги Ироқда). Ҳудуди – 6,7 млн км<sup>2</sup> (661 йили). Давлат тили – араб тили.*

#### Хулафои рошидин (632 – 661)

т/р	халифалар	ҳукмронлик йиллари
1.	Абу Бакр Сиддиқ	632 – 634
2.	Умар ибн Хаттоб	634 – 644
3.	Усмон ибн Аффон	644 – 656
4.	Али ибн Абу Толиб	656 – 661

**Абу Бакр Сиддиқ** – Абдуллоҳ ибн Абу Қуҳофа Усмон ибн Омир ибн Каъб ибн Саъд. Ислом тарихидаги биринчи халифа. Тахминан 573 йили туғилган. Халифалик даври – 632 йил 28 май – 634 йил 24 июль.

**Умар ибн Хаттоб** – Умар ибн Хаттоб ибн Нуфайл ибн Абдулуззо. Ислом тарихидаги иккинчи халифа (634 – 644). Ҳижратдан қирқ йил олдин туғилган (587). 634 йил 24 июль кун халифаликка сайланган, 644 йил 3 ноябрь кун қотил томонидан ўлдирилган.

**Усмон ибн Аффон** – Усмон ибн Аффон ибн Абул Ос ибн Умайя ибн Абушамс. Ислом тарихидаги учинчи халифа. 644 йил 6 ноябрь кун халифаликка сайланган, 656 йил 7 июнь кун бир гуруҳ мунофиқлар томонидан ўлдирилган.

**Али ибн Абу Толиб** – Али ибн Абу Толиб ибн Абдулмутталиб. Тўртинчи халифа. Ҳижратдан 23 йил олдин туғилган (600). 656 йил июнда халифаликка сайланди, 661 йил 28 январь кун бир хорижий томонидан тиғ уриб ўлдирилган.

Ислом дини дунё бўйлаб тарқалишда давом этди. Бу давр ичида тўрт нафар машҳур саҳоба бошқа саҳобалар томонидан халифаликка сайланишди. Кейинги асрларда ўзларини халифа, давлатларини эса халифалик деб даъво қилган ҳукмдорларнинг бирортаси сайланмаган. Уларнинг давлат тузуми эса монархиянинг айнан ўзи эди.

Халифалар даврида Сосонийлар давлатига қарашли барча ҳудудлар, Византия империясининг эса 2/3 қисми ҳудуди эгалланди. Арабларнинг маданий ва ривожланган мана шу ҳудудларни босиб олиши натижасида, ислом дини оддий бир қабилавий диндан жаҳон динига айланди.

Умар ибн Хаттоб ўлдирилгач, халифалик оғир аҳволда қолди. Усмон ибн Аффон халифалик қилган муддатнинг ярми осуда ўтган бўлса, қолган ярми фитналарнинг бошланиш вақти ҳисобланади. Айнан фитналар натижасида Усмон ибн Аффон ўлдирилди. Шундан сўнг Али ибн Абу Толиб ва Муовия ибн Абу Суфён ўртасида ҳокимият учун кескин кураш бошланди. Али ибн Абу Толиб Мадинани тарк этиб, Куфага ўрнашди ва умрининг охиригача шу шаҳарда яшади. Ундан олдинги халифалар Мадинада яшашганди. Али ибн Абу Толибнинг халифалиги ҳам узоққа бормади. Аввал Али тарафдорлари бўлган, сўнг ундан ажралиб чиққан бир гуруҳ хорижийлар фитна уюштиришди. Хорижийлар учта кимсани танлаб олишди. Улардан бирини Амр ибн Осни ўлдириш учун Мисрга, бошқасини Муовия ибн Абу Суфённи ўлдириш учун Дамашққа, учинчисини эса Куфада Али ибн Абу Толибни ўлдиришга жўнатишди. Суиқасд айнан бир кунда амалга оширилди, натижада фитначилар Али ибн Абу Толибни ўлдиришди, лекин Амр ибн Ос ва Муовия ибн Абу Суфён тирик қолди. Бундан қаттиқ ғазабланган Муовия ибн Абу Суфён умрининг охиригача хорижийларни таъқиб қилиб ўтди.

## **СОСОНИЙЛАР ИМПЕРИЯСИНИНГ ҚУЛАШИ**

Мусулмонлар Эронга келишидан олдин, у ерда юқори табақа орасида турли хил тушунмовчиликлар ва зиддиятлар давом этарди. Бир томондан, ер эгалари – ҳарбийлар ва коҳинлар ўртасида, бошқа томондан, майда ер эгалари ва давлат амалдорлари ўртасида кураш борарди. Амалдорлар ва деҳқонлар (майда ер эгалари) марказлашган шоҳ ҳукуматини сақлаш тарафдори бўлишса, ҳарбий қўмондонлар ва коҳинлар марказий ҳокимиятга бўйсунитишни истамай билганларича ҳаракат қилишарди.

Эрон ва Византия ўртасидаги сўнги уруш (602 – 628) Эрон халқларининг хонавайрон бўлишига олиб келди, халқ ҳарбий харажатлар учун жуда катта миқдорда солиқ тўлади. Урушдаги мағлубият Эроннинг халқаро мавқеини пасайтирди ва шоҳнинг халқ орасидаги обрўсига жиддий путур етказди. Сосонийларнинг сўнги ҳукмдори Яздигирд III (632 – 651) ҳукмронлигининг бошидан-охиригача араблар билан уруш олиб боришга мажбур бўлди ва бу уруш унинг ҳалокати билан якун топди.

Эрон ҳукмдор доиралари ташқи хавфни, асосан, Византия ва Турк хоқонлигидан кутар, жануби-ғарбдаги қўшнилари араблардан хотиржам эдилар. Тўғри, улар араб бадавийларининг талончилик юришларига кўникиб қолишганди, бироқ у ерда давлатларини йўқ қилиб юборадиган даражадаги куч мавжудлигини ҳисобга олишмаганди. Эрон араблардан шунақанги қақшатқич зарбага учрадики, Александр Македонский давридан бери бунақа ҳолат кузатилмаган. Эрон шоҳлиги қулади, эронийларнинг ёзуви ва дини ҳам йўқликка юз тутди.

Эрон давлати 611 йил Зул-Қора (Куфа яқини)да бакр қабиласи бошлиқ бир неча минг араб бадавийлари қўшини билан тўқнашувда мағлубиятга учраганди. Бу воқеа Эрон учун муваффақиятли бўлган Эрон-Византия урушининг биринчи босқичида бўлиб ўтган. Мазкур уруш одатдаги урушлардан фарқ қилмагани учун, форслар арабларга қарши чора кўришга қизиқишмаган.

Арабистон яриморлида ислом тарқала бошлагач, секин-аста қўшни давлатларда ҳам янги дин ҳақида турли хил гап-сўзлар пайдо бўлди. Муҳаммаднинг қўшни давлатларга элчилар жўнатгани ва арабларнинг Ғарбий Осиё савдосида фаол иштирок этгани ҳам ислом дини ҳақида тасаввурлар шаклланишига туртки берди.

Эрон қўшини катта жангларда иштирок этиб чиниққанди, улар сафида улкан қўшинни бошқара олишга қодир моҳир саркардалар ҳам талайгина эди. Қўшин ўша замондаги барча қурол-яроғларга эга бўлган. Араблар қўшини эса Эрон ва Византия қўшинидан анча фарқ қиларди. Арабларда отлик жангчилар жуда озчиликини ташкил этар, отлар ўрнига туялардан фойдаланиларди. Шунга қарамай, араблар Византияга қарашли ерларга юриш бошлашган. Мусулмонлар жуда катта тезликда қўшни ўлкалар ерларини эгаллашди. VIII аср бошларига келиб Византия ҳудудининг 2/3 қисмини тортиб олишди.

Араблар Византияга билан бир вақтнинг ўзида Эронда ҳам ҳарбий ҳаракатлар олиб боришди. 634 йили Халид ибн Валид халифа

Умар ибн Хаттоб кўрсатмаси бўйича Сурияга юборилди. Эронга қарши урушда Саъд ибн Ваққос унинг ўрнини эгаллади.

637 йили Қодисия жангида Рустам бошлиқ эронийлар батамом тор-мор этилди. Сосонийлар пойтахти Ктесифон (арабча Мадонин) эгалланди. Пойтахтни бой берган сосонийлар энди талончиларга эмас, балки жуда кучли қўшинга дуч келганини англашди ва тезда янги қўшин тўплашга киришишди. Лекин форслар 642 йили Ҳамадон яқинидаги Наҳованд жангида қақшатқич мағлубиятга учради. Наҳованддаги мағлубиятдан сўнг марказий ҳукумат фаолиятини тўхтатди, энди ҳар бир минтақа ўзича ҳаракат қила бошлади. Эрон ҳукмдори майда ҳукмдорлар устидан бошлиқ бўлгани учун шаҳаншоҳ (шоҳлар шоҳи) деб аталган. Оғир мағлубият Сосонийлар империясининг саноқли кунлари қолганини англатарди.

Араблар 639 йили Хузистонни эгаллашган бўлса, 642 йили сулҳга кўра Озарбайжон ҳукмдори таслим бўлди. 643 йили Ҳамадон, 644 йили эса Исфаҳон ва Рай тобелигини билдирди. 644 йили Форс вилояти ҳукмдори Парс Шаҳрак Таввожи яқинида бўлган Райшаҳр жангида мағлубиятга учради. 648 йили Парс (Форс) таслим бўлди. Бир қанча шаҳарлар, жумладан, Истаҳр араблар билан битим тузиб бўйсунди. Лекин истаҳрликлар 649 йили исён кўтариб араб гарнизонини қириб ташлади. Тез орада етиб келган араблар шаҳарни қамал қилиб қайтадан қўлга киритишди. Араблар Форс аҳолисидан 33 млн дирҳам хирож ва 18 млн дирҳам жизя ундиришди.

**Умавийлар давлати (661 – 750).** *Пойтахти – Дамашқ шаҳри (ҳозирги Дамашқ, Сурия). Худуди – 13 млн км<sup>2</sup> (720 – 750). Давлат тузуми – монархия. Давлат тили – араб тили.*

### Умавий ҳукмдорлар (661 – 750)

#### 1. Суфёнийлар шаҳобчаси: Муовия ибн Абу Суфён (Саҳр) ибн Ҳарб ибн Умайя ибн Абдушшамс

т/р	ҳукмдорлар	ҳукрмонлик йиллари	яшаган йиллари
1.	Муовия ибн Абу Суфён	661 – 680	603 – 680
2.	Язид ибн Муовия	680 – 683	645 – 683
3.	Муовия II ибн Язид	683 – 684	661 – 684

## 2. Марвонийлар шахобчаси: Марвон ибн Ҳакам ибн Абул Ос ибн Умайя ибн Абдушшамс

4.	Марвон ибн Ҳакам	683 – 685	623 – 685
5.	Абдулмалик ибн Марвон	685 – 705	646 – 705
6.	Валид ибн Абдулмалик	705 – 715	668 – 715
7.	Сулаймон ибн Абдулмалик	715 – 717	674 – 717
8.	Умар ибн Абдулазиз ибн Марвон	717 – 720	680 – 720
9.	Язид II ибн Абдулмалик	720 – 724	? – 724
10.	Ҳишом ибн Абдулмалик	724 – 743	691 – 743
11.	Валид II ибн Язид II	743	706 – 744
12.	Язид III ибн Валид ибн Абдулмалик	743 – 744	? – 744
13.	Иброҳим ибн Валид ибн Абдулмалик	744	? – 744
14.	Марвон II ибн Муҳаммад ибн Марвон ибн Ҳакам	744 – 750	691 – 750

**Муовия ибн Абу Суфён ибн Ҳарб ибн Умайя (603 – 680)** – умавийлар сулоласининг биринчи ҳукмдори (661 – 680). Ҳижратдан 15 йил олдин Маккада туғилган ва 680 йил 6 майда Дамашқда вафот этган.

Муовия ибн Абу Суфён 23 ёшида Макка фатҳи кунини исломга кирган. У расулulloҳнинг котибларидан бири эди. Абу Бакр халифалиги даврида акаси Язид ибн Муовия бошқараётган қўшинда хизмат қилган, қўшинни бошқаришда ёрдам берган. Умар ибн Хаттоб халифалик даврида – 643 йили Шомдаги Урдун вилоятига волий этиб тайинланди. Акаси Язид ибн Абу Суфён «тоуни амвос» номли вабо эпидемиясидан вафот этгач, халифа Умар ибн Хаттоб уни Дамашқ ва унинг атрофидаги ерларга волий қилиб тайинлади.

Усмон ибн Аффон халифалик даврида Муовия Шомнинг барча ҳудудига волий бўлди. 35 йили халифа Усмон ўлдирилганидан сўнг, Али ибн Абу Толибни халифа деб тан олмади ва Усмоннинг қасосини олиш учун ҳаракат бошлади. Ундан олдин Али ибн Абу Толиб ва Усмоннинг қасосини олишга уринган Оиша ўртасида «Жамал воқеаси» бўлиб ўтганди.

«Жамал воқеаси»дан кейин Муовия Алига қарши уруш ҳаракатларини бошлади. Сиффийн жангидан сўнг у Шомда мустаҳкам ўрнашиб олди. Халифа Али ибн Абу Толиб хорижийлар томонидан

ўлдирилгач, бир гуруҳ кишилар унинг ўғли Ҳасанни халифа сифатида эътироф этди.

Музокаралар натижасида Ҳасан ибн Али Муовия билан сулҳ тузди ва уни ҳукмдор деб тан олди. Бу умавийлар сулоласи ҳукмронлигининг бошланиши эди.

**Язид ибн Муовия ибн Абу Суфён (645 – 683)** – умавийлар сулоласининг иккинчи ҳукмдори (680 – 683). Отаси вафот этгач, ҳукмдор бўлди. Макка қамали пайтида Ҳеврон шаҳрида вафот этди.

**Муовия ибн Язид ибн Муовия ибн Абу Суфён (661 – 684)** – Муовия II, отаси Язид вафотидан сўнг ҳукмдор бўлди. Унинг ҳукмронлиги 3 ой, бошқа маълумотлар бўйича, 40 кун бўлган. 684 йил июнда минбарга чиқиб ҳукмдорликдан воз кечганини эълон қилган ва орадан бир ой ўтгач вафот этган.

**Марвон ибн Ҳакам (623 – 685)**. Марвон 623 йили Маккада туғилган. Дамашқда вафот этган. Умавийлар сулоласининг тўртинчи ҳукмдори (684 – 685).

Марвон Халифа Усмон ибн Аффоннинг котиби эди. Муовия ибн Абу Суфён даврида ҳаж мавсуми мобайнида Мадина волийси бўлган. Язид ҳукмронлигининг дастлабки даврларида ҳам Мадинада яшаган, одамлар Язидга байъат қилишдан бош тортишгач, Дамашққа кетган. Муовия ибн Язид ҳукмдорликдан воз кечганидан сўнг, Марвон умавийларнинг энг ёши улуғи сифатида Муовия ибн Язиднинг ўрнини эгаллади.

**Абдулмалик ибн Марвон ибн Ҳакам (646 – 705)** – умавийлар сулоласининг бешинчи ҳукмдори (685 – 705). Отаси Марвон ибн Ҳакам ўлдирилгач, тахтга чиққан.

**Валид ибн Абдулмалик ибн Марвон ибн Ҳакам (668 – 715)** – умавийларнинг олтинчи ҳукмдори (705 – 715). Отаси Абдулмалик ибн Марвон вафотидан сўнг тахтга чиққан. Валид ҳукронлиги даврида Мовароуннаҳр, Синд ва Андалусия ишғол қилинди.

**Сулаймон ибн Абдулмалик ибн Марвон ибн Ҳакам (674 – 717)** – умавийлар сулоласининг еттинчи ҳукмдори (715 – 717). Дамашқда туғилган. Акаси Валид ибн Абдулмалик вафотидан сўнг тахтга чиққан. Ҳукмдорлик муддати 2 йилу 7 ой.

**Умар ибн Абдулазиз ибн Марвон ибн Ҳакам ибн Абул Ос ибн Умайя (680 – 720 йил февраль)** – умавийларнинг саккизинчи ҳукмдори (717 – 720). Насаби онаси тарафидан халифа Умар ибн Хаттобга боради – Умму Осим Лайло бинт Осим ибн Умар

ибн Хаттоб. Мадинада туғилган ва ўша ерда Солих ибн Кайсондан таълим олган. Умар ибн Абдулазизни амакиси Абдулмалик ибн Марвон пойтахт Дамашққа чақирган ва қизи Фотимага никоҳлаган. 86 йилгача Ҳалаб яқинидаги Дир Самъон минтақасида волий бўлиб хизмат қилган. 87 йили Валид ибн Абдулмалик Мадинага волий этиб тайинлади. Сўнг 91 йили Тоифни ҳам қўшиб берди. Сулаймон ибн Абдулмалик даврида вазирлик лавозимида кўтарилди. Сулаймон ибн Абдулмалик вафотидан сўнг 99 йилдан бошлаб ҳукмронлик қилди. Умар ибн Абдулазиз 720 йил февралда вафот этди.

**Язид ибн Абдулмалик ибн Марвон ибн Ҳакам (687 – 724 йил 27 январь)** – умавийларнинг тўққизинчи ҳукмдори (720 – 724). 720 йили Умар ибн Абдулазиз вафотидан сўнг тахтга чиққан.

**Ҳишом ибн Абдулмалик ибн Марвон (691 – 743)** – умавийлар сулоласининг ўнинчи ҳукмдори (724 – 743). Унинг даврида Умавийлар давлати энг катта ҳудудга ёйилган. Ҳишом Дамашқда туғилган. Акаси Валид вафотидан сўнг тахтга ўтирган. Унинг даврида Мазриб ва Ямома қабилалари ўртасида биродаркушлик урушлари, хорижийлар исёни, Куфада Зайд ибн Али ибн Ҳусайн бошличилигида ғалаён, Мағрибда барбарлар қўзғолони, Мовароуннаҳрда ички курашлар бўлди. Бу чиқишларнинг барчаси бостирилди.

Ҳишом даврида девон ишлари тўлиқ араб тилига ўтказилди.

**Валид II ибн Язид ибн Абдулмалик ибн Марвон (706 – 744 йил 7 апрель)** – 744 йили ҳукмронлик қилган. Онаси Ҳажжожнинг акаси Муҳаммад ибн Юсуфнинг қизи эди. Валид амакиси Ҳишом ибн Абдулмалик вафотидан сўнг тахтга чиққан.

**Язид III ибн Валид ибн Абдулмалик ибн Марвон** – умавийлар сулоласининг ўн иккинчи ҳукмдори (744, ҳукмронлик муддати 6 ойдан ортиқ бўлган). Амакаси Валид ўлдирилгандан сўнг, тахтни эгаллаган.

**Иброҳим ибн Валид ибн Абдулмалик ибн Марвон** – умавийлар сулоласининг ўн учинчи ҳукмдори (744, ҳукмронлиги 70 кундан ошмаган). Валид II нинг икки ўглини ўлдиртириб юборган. Марвон қўшин тортиб келиб Иброҳим ибн Валидни тахтдан қулатган. Баъзи манбаларда аббосийлар умавийларни қатағон қилган пайтда ўлдирилган, бошқа ривоятларда Зоб дарёсига ғарқ бўлган дейилади.

**Марвон II ибн Муҳаммад ибн Марвон ибн Ҳакам (691 – 750)** – умавийлар сулоласининг Дамашқдаги сўнгги ўн тўртинчи ҳукмдори

(744 – 750). Амакиваччаси Иброҳимдан сўнг тахтга чиққан. Унгача Арманистон ва Озарбайжон минтақаларида волий бўлиб кўплаб катта жангларда қатнашган (732 – 744). У ҳукмронлик қилган давр тахт учун курашлар энг авжига чиққан пайтга тўғри келди. Ана шундай исёнлардан бири – Абу Муслим Хуросоний бошчилигидаги кўзғолон Дамашқдаги умавийлар ҳукмронлигига барҳам берди. Марвон II ҳал қилувчи Зоб жангида мағлуб бўлди ва орадан кўп ўтмай ўлдирилди.

**Оли Жуланда (VII – VIII асрлар)** – Уммонда ҳукмронлик қилган сулола. Уммон ноиб Жуланданинг авлодлари. VIII асрда Уммон вақти-вақти билан умавийларга қарши исён кўтариб турадиган хорижий-ибодийлар жон сақлайдиган ўлкага айланди. 748 йили эса ўзларига раҳбар сайлаб, унинг атрофида бирлашишди ва мустақиллик эълон қилишди. Уммон хорижийларининг биринчи раҳнамоси Жуланда ибн Масъуд ибн Жаъфар ибн Жуланда (748 – 751) бўлди. Лекин VIII – IX асрларда Аббосийлар давлатининг кучайиши сабабли, Уммондаги хорижийлар давлати кулади.

### **Оли Жуландага мансуб хорижий ҳукмдорлар**

1. Саид ибн Аббод ибн Абд ибн Жуланда ва Сулаймон ибн Аббод ибн Абд ибн Жуланда биргалашиб ҳукмронлик қилишган. Иккиси умавий ҳукмдор Абдулмалик ибн Марвон ҳукмронлиги даврида Уммонга қочишган.

2. Жуланда ибн Масъуд ибн Жаъфар ибн Жуланда (748 – 751).

3. Рашид ибн Назр ва Муҳаммад ибн Зоида (биргалиқда аббосийлар номидан бошқаришган, ? – 793).

IX аср бошида Уммонда Оли Жуланда ҳукмронлиги тугади.

### **УМАВИЙЛАР ДАВРИДА ЭРОН (661 – 750)**

Яздигирд III 651 йили ўлганидан сўнг, Сосонийлар давлати фаолиятини тугатди. 661 йили Ғарбий турк хоқонлиги ва Хитой томонидан қўллаб-қувватланган Яздигирд III нинг ўғли Перуз Тохаристон (Балх)да маҳаллий деҳқон (феодал)лар томонидан шоҳ деб эълон қилинди. Хитой Ўрта Осиёни истило қилишни режалаштиргани учун Хуросон ва Тохаристон аҳолисининг арабларга қарши курашини



қўллади. Лекин узоқ Хитойдан ёрдам келиши жуда қийин эди. 674 йили Тохаристондан сиқиб чиқарилган Перуз Хитойдан паноҳ топди. Кейинроқ Перузнинг ўғли Нерсэ Тохаристонга қайтиб арабларга қарши курашда давом этди. 707 йили Балх араблар томонидан узил-кесил эгалланди. Нерсэ Хитойга қочди. Перуз ва Нерсэ Хитой императори саройида Эрон шоҳлари сифатида тан олинарди. VIII аср бошига келиб Кобул минтақаси ва Гур тоғли вилоятидан бошқа барча Эроннинг тоғли ҳудудлари Умавийлар давлатига қарарди. Араблар Эронда олиб борилган юришда жуда катта ўлжаларга эга бўлишди. Мисол учун, умавийлар саркардаси 716 йили Каспий денгизи бўйидаги Бухайрани қамал қилди. Бухайра олингач, араблар жуда катта ўлжани қўлга киритишди. Умавий ҳукмдор Язид II Идрис ибн Ҳанзала деган кишини ўлжани ҳисоблаш ва жангчилар орасида тарқатишга юборди. Ўлжа қопларда саналди ва қоидага мувофиқ жангчилар орасида тақсимланди.

Араблар Эрондаги солиқ тизимини сақлаб қолишга ҳаракат қилишди. VI асрда Ироқ сосонийларга 214 млн дирҳам солиқ топширганди. Араблар қуйидагича солиқ миқдорини жорий этишди: 1 жариб ерга экилган бугдой учун 4 дирҳам, 1 жариб арпа учун 2 дирҳам, 1 жариб хурмозор учун 8 дирҳам, 1 жариб узумзор учун 6 дирҳам. Ироқдан келадиган солиқ халифа Али даврида 120 млн дирҳам бўлса, Муовия ибн Абу Суфён даврида 100 млн дирҳамгача тушди. Умавийлар ноиби Ҳажжож пайтида эса тушум вақтинчалик 135 млн дирҳамга етди, лекин сулоланинг сўнгги вакиллари даврида тушум 70 млн дирҳамгача тушди, бу Анушервон даврига солиштирганда солиқлар уч баробар камайганини билдирарди.

Эронда исломни қабул қилмаганлардан жизя ундирилган. Лекин янги динни қабул қилганлар жизя тўламаган. Деҳқончилик ерларидан мусулмонлар ушр тўлашган бўлса, айнан ўша ерда деҳқончилик қилаётган ғайридинлар хирож тўлаган. Лекин Ҳажжож барчани хирож тўлашга мажбур қилди. Агар ер олдин хирожий бўлган эса, мусулмон қўлига ўтгач, ушрийга айланмаслиги ва хирожий бўлиб қолиши ҳақида фармон чиқарди. Бу деҳқонларнинг ҳақли норозилигига сабаб бўлди.

Эронда ерларнинг катта улуши 3 қисмга бўлинганди. Бутун-бутун қишлоқларни бошқарадиган деҳқонларга қарашли ерлар, давлатга қарашли (сосонийлар сулоласига тегишли) ерлар ва коҳинларга қарашли ерлар. Араблар юқорида келтирилган ерларнинг барчасини мусодара этиб, Араб давлатининг ерлари деб эълон қилишди.

Ҳажжож ўзидан сўнг Ғарбий Осиё тарихида золим ҳукмдор сифатида ном қолдирди. Унинг қаттиққўллиги туфайли Эронда каналлар қазилиб, суғорма деҳқончилик ҳам ривожланди.

701 йили Ҳажжождан сўнг келган волий Абдуррахмон ибн ал-Ашъас умавийларга қарши исён кўтарди. Унга араблар ва форслар қўшилди. Исёнчилар умавийлар қўшинини мағуб этиб, Басра ва Куфани эгаллашди. 702 йили қийинчилик билан исён бостирилди.

Муовия даврида (671/672) Нишопур, Марв, Балх, шунингдек, Тохаристон ва Хуросон шаҳарларига 50 минг араб оиласи кўчирилди. Оддий аҳоли бунга салбий муносабатда бўлса-да, лекин маҳаллий феодаллар улар билан тезда тил топишди. Умавийлар даврида Эронда мажусийлик сақланиб қолган бўлиб, кўплаб оташхоналар мавжуд эди. Улар ўзларининг наврўз ва меҳржон байрамларини кенг нишонлашарди. Ҳаттоки Эроннинг Каспийбўйи минтақаларида X асрларда ҳам кўплаб мажусийлар бўлган. XIII асргача Эроннинг баъзи шаҳарларида (асосан, Хузистонда) христианлар, Исфаҳон каби йирик шаҳарларда кўплаб яҳудийлар яшаган. Юқорида таъкидланганидек, бошқа динга мансуб аҳоли зиммий деб номланган ҳамда улар хирож ва жизя тўлаганлар.

## УМАВИЙЛАРГА ҚАРШИ ҚЎЗҒОЛОНЛАР

Умавийлар учун энг хавфли куч хорижийлар эди. Хорижийлар ҳукмрон доирага қарши араблар ҳаракати бўлиб, улар мавжуд тузумдан норози эдилар. Лекин хорижийлар сафи кейинчалик бошқа халқлар, жумладан, форслар ҳисобига кенгайди. Умавийлар қулагач, улар аббосийларга қарши кураш олиб боришди. VIII – IX асрларда Сейистон хорижийларнинг энг муҳим ўчоғига айланди. Орадан кўп ўтмай хорижийларнинг ўзлари бир неча оқимларга бўлиниб кетишди.

Хорижийлардан ташқари Эронда шиалик ҳаракати фаоллашди. Улар ҳам хорижийлар сингари умавийлар ҳукмронлигига қарши эди. Эронийлар умавийларга нисбатан шунчалик адоват сақлардиларки, улар исломнинг ҳақиқий йўналиши – суннийликни қабул қилиш ўрнига хорижийликни ёки шиаликни қабул қилишарди.

Ҳукмдор Абдулмалик ибн Марвон даврида (685 – 705) Ироқ ва Хузистонда араб Мухтор ибн Абу Убайд бошлиқ шиалар исёни бўлиб ўтди. Исёнчилар сафида нафақат араблар, балки форслар ҳам иштирок этганди. Қўзғолон катта йўқотишлар эвазига бостирилди.

686 йили Ироқ ва Хузистонда хорижийларнинг азрақийлар оқи-ми байроғи остида бирлашган бадавийлар ҳамда араб ва форс деҳқонлари қўзғолони юз берди. Исён бир неча йилга чўзилди. 697 йили Ҳажжож бошлиқ қўшин азрақийларни қаттиқ жазолади.

VIII асрнинг 20-йилларида умавийларга қарши кайфият кучайди. Уларга қарши ҳаракатга Аббос ибн Мутталибнинг чевараси Муҳаммад ибн Али бошчилик қилди. 724 йили аббосийлар тарафдорларининг махфий уюшмаси ташкил топди, унга форс савдогари Букайр ибн Моҳон бошлиқ бўлди. Букайр тарғиботчиларни тайёрлаб, асосан, Хуросон ва Мовароуннаҳрга жўната бошлади. Улар аҳолининг ўзига тўқ қатламига аббосийлар ҳокимиятни қўлга олгач бошқа халқларнинг ҳам давлат бошқарувида иштирок этишини таъминлашини таъкидлашар, камбағал аҳолига эса солиқларни камайтиришини айтишарди. Аббосий тарғиботчилар бундай вазиятдан айрим кишилар ўз манфаати йўлида фойдаланишини ҳисобга олишмаганди. Хуросонда Хидаш номли кимса форслар онгида ҳамон сақланиб қолган маздакийлик ғояларини тарқата бошлади.

VIII асрда маздакийлар хуррабийлар номи билан машҳур эди. Хидаш эроний деҳқонлар ўртасида катта қизиқиш уйғотди. Унинг ерларни ва бошқа мулкларни ўзаро тенг бўлиш ғояси, айниқса, ерсиз деҳқонларга маъқул тушарди. Хуросон ва Мовароуннаҳрдаги араб ноиблари аббосийлар тарғиботидан хабар топиб, уларни таъқиб қила бошлашди. Уларни кўпроқ маздакийлар қаттиқ ташвишга солди. Орадан кўп ўтмай Хидаш қўлга олинди ва қатл этилди.

743 йили Букайр ибн Моҳон махфий учрашув ўтказаетган пайтда ҳибсга олинди. Букайр қамоқда ёш форс йигити Абу Муслим билан учрашиб қолади. Букайр озодликка чиққач аббосийлар тарғиботини ёйишда ҳамкорлик қилиш учун Абу Муслимни Ироққа чақиради.

745 йили имом Иброҳим кўрсатмаси бўйича Абу Муслим Хуросонга йўл олди. Унга аббосийларнинг қора байроғи остида Хуросон аҳолисини тўплаш ва умавийларга қарши курашиш вазифаси юкланди. Арабларнинг Хуросондаги ноиби Наср ибн Сайёр (743 – 748) кинона қабиласига мансуб бўлиб, умавийларга содиқ эди. Наср Хуросонда ўрнашган яманий арабларга нисбатан душманлик кайфиятида бўлган. Охир-оқибат хуросонлик яманийлар Наср ибн Сайёрга халақит беришди. Марвга келган Абу Муслим Сафизанж номли жойга қароргоҳ қурди. Ўша ердан туриб очикдан-очик аббосийлар фойдасига тарғибот юрита бошлади.

747 йил 9 июнда Сафизанжда гулхан ёқилди. Бу кўзғолон бошланганини билдирадиган шартли белги эди. Абу Муслим атрофига одамлар йиғила бошлади. Улар орасида деҳқонлар, ҳунармандлар, озодликка чиққан қуллар ва бошқалар бор эди. Қишлоқ оқсоқоллари ўзлари бошчилик қилиб бўлинмалар тайёрлашди. У ерга Марвнинг кўплаб қишлоқларидан одамлар йиғилди. Абу Муслим ва унинг тарафдорлари ўзларига қора байроқни лозим кўришди ва кийимларини ҳам қора рангга бўяшди. Сафизанж қалъаси мустаҳкам бўлишига қарамай, у ерга барча кўшин сиғмасди. Абу Муслим Моҳувон қалъасига кўчишга мажбур бўлди. У бошқарув девони тузди. Ҳарбий девонда аскарлар рўйхатга олинарди. Аскарларга аввал 3 дирҳамдан, кейинроқ 5 дирҳамдан маош тайинланди (қанча муддатга тўланиши кўрсатилмаган). Аскарлар сафига қулларнинг келиб кўшилиши қулдорларни шошириб қўйди, чунки барча қуллар исёнда қатнашса, улар қулсиз қолиши мумкин эди, шунингдек, қулларни озод қилишни хоҳлашмасди.

Бу вақтда Наср ибн Сайёр Хуросондаги яманийлар ва уларнинг бошлиғи Жудайя ибн Кирмоний ҳамда Абу Муслим тарафдорларига қарши кураш олиб боришга мажбур бўлди. Жудайя ибн Кирмонийни қўлга олган Наср уни қатл эттирди. Абу Муслим бундан фойдаланиб яманийлар билан Наср ибн Сайёрга қарши иттифоқ тузди.

748 йил бошида Абу Муслим Марвни ишғол қилди. Наср ибн Сайёр кетма-кет мағлубиятга учраб Хуросондан қочишга мажбур бўлди, орадан кўп ўтмай вафот этди.

Абу Муслим кўшинида Қаҳтаба ибн Ҳабиб ва Холид ибн Бармак асосий кўмондонлар эди. Абу Муслимга тўла ишонч билдирмаган имом Иброҳим бош кўмондон этиб Қаҳтабани тайинлади. 748 йили исёнчилар Тус шаҳри яқинида умавийлар кўшинини тор-мор этишди, кузда эса Нишопурни қўлга олишди. Ўша йили Журжонни, 749 йил июлда Наҳовандни эгаллашди. Шундай қилиб, бутун Эрон ҳудуди исёнчилар қўлига ўтди.

750 йил январда Дажла дарёси ирмоғи – Зоб ариғи ёнидаги жангда Марвон II кўшини мағлуб бўлди.

## **МОВАРОУННАҲР УМАВИЙЛАР ДАВЛАТИ ТАРКИБИДА. ЎРТА ОСИЁНИНГ АРАБЛАР ТОМОНИДАН ЭГАЛЛАНИШИ**

673 йили Муовия ибн Абу Суфённинг буйруғи билан Убайдуллоҳ ибн Зиёд ибн Муовия Бухорони олишга юборилди. Ўша йил кузида Убайдуллоҳ Амударёдан кечиб ўтиб Бухоро воҳасига юриш бошла-

ди, Пойканд ва Ромитанни олиб, Бухорони қамал қилди. Бухороликларга ёрдамга келган турклар шаҳар қамалига тутинган арабларга ҳужум қилди, лекин ўзлари оғир мағлубиятга учради. Шундан сўнг Бухорони бошқараётган аёл ҳукмдор Убайдуллоҳга 100 минг дирҳам ўлпон тўлаш эвазига сулҳ тузди. Араблар бундан ташқари 4 минг ҳарбий асир ва бошқа буюмларни ўлжа олиб Марвга қайтиб кетишди.

676 йили Хуросон волийси Саид ибн Усмон бошлиқ қўшин Бухоро воҳасига юриш қилди. Бухоро ҳукмдори Суғд, Кеш ва Насафдан ёрдамга келган 120 минг кишилик қўшин билан ҳимояга чиқди, лекин суғдликлар жанг қилишни истамай ортга қайтиб кетишди. Бухоро маликаси эса Саид ибн Усмон билан сулҳ тузишга мажбур бўлди. У Бухоро зодагонларидан 80 кишини Саидга топширди ва жуда катта миқдорда ўлпон тўлади. Саид ибн Усмон Бухорони бўйсундиргач Суғд вилояти маркази Самарқандга юриш қилди. Самарқандни ҳимоя қилаётган турк қўшини бир ойга яқин ҳужумни қайтарди. Самарқандликлар рақибни енгиб бўлмаслигини англаб Саид ибн Усмон билан сулҳ тузишди. Саид Самарқанддан 30 минг асир олиб Хуросонга жўнатди, сўнг Термизга юриш қилиб шаҳарни осонликча эгаллади. Саид ибн Усмон Мовароуннаҳр юришини тугатиб Бухорога қайтди, бухороликларнинг 80 нафар гаровдаги юртдошларини Амударёдан ўтгач қайтариб беришини айтди. Саид Мовароуннаҳр ҳудудида уларни озод қилса кутилмаганда ҳужумга учрашидан хавфсирагани. Кейин Марвга боргунча гаровдагиларни озод қилишни пайсалга солди, Марвда эса Нишопурдан қайтариб юборишга ваъда берди. Нишопурга етгач Куфада озод қилишини айтди. Лекин у ерда ҳам озод қилмади ва уларни Мадинага жўнатди. Саид Мадинада уларни қул қилиб ишлата бошлайди. Язид ибн Муовия даврида гаровга олинган бухороликлар ҳеч қачон озод бўлмасликларига ишонч ҳосил қилишди ва Саидга қарши суиқасд уюштиришди. Улар ўзаро тил бириктириб Саид саройига бостириб киришди ва Саидни тутиб ўлдиришди, шундан сўнг ўзларини ҳалок этишди.

677 йили Саид ибн Усмон ўрнига Хуросон волийси этиб тайинланган Муслим ибн Зиёд Мовароуннаҳрга юриш бошлади. Бухоро қўшини ва уларга ёрдамга келган турклар араблардан бир неча бор кўп бўлишига қарамай мағлубиятга учрашди. Бухоро маликасининг Муслим ибн Зиёд билан сулҳ тузишдан бошқа чораси қолмади. Араблар катта ўлжа билан Марвга қайтишди.

704 йили Қутайба ибн Абу Муслим Боҳилий Хуросон волийси этиб тайинланди. Ҳажжож ибн Юсуф 705 йили унга Амударёдан ўнг томондаги барча ҳудудларни бўйсундиришни юклади. Қутайба юришни Балхдан бошлади, балхликлар арабларни халоскор сифатида кутиб олишди ва уларга шаҳарни топширишди. Орадан кўп ўтмай Чағониён ҳам жангсиз таслим бўлди.

707 йили Қутайба Бухоро воҳасига юриш бошлади, унинг дастлабки иши Пойканд шаҳрини қамал қилиш бўлди. 50 кун давом этган қамалдан сўнг араблар Пойкандни олди. Пойкандга катта ўлпон тўлатилиб, сулҳ тузишга мажбур этилди. Қутайба қабиладоши Варқо ибн Наср Боҳилийни Пойкандга амир қилиб қолдирди. Бироқ араб қўшини Пойканддан бор-йўғи 30 чақирим узоқлашганда, шаҳар аҳолиси исён кўтарди. Исёнда Варқо ибн Наср ва бошқа араб аскарлари ўлдирилди. Қутайба Бухоро шаҳрига бошлаган юришини тўхтатиб, Пойкандга қайтадан юриш бошлади. Бу сафар ҳеч кимни аяб ўтирмади, барча эркакларни қириб ташлади, аёллар ва болаларни эса асирга олди. Пойкандни бир ёқли қилгач Вардонзе устига қўшин тортди, бироқ кутилмаганда Суғд ҳукмдори Тархун, Бухоро ҳукмдори Хунук ва Шопиркон ҳукмдори Вардон билан ёрдамга келган 40 минг кишилик туркларнинг бирлашган қўшини унинг рўпарасидан чиқди. Тороб ва Ромитан оралиғидаги жангда Қутайба ғалабага эришолмаслигини англаб иттифоқчилар орасини бузишга киришди. Энг катта таъсирга эга бўлган Суғд ҳукмдори Тархунга Ҳайён Набатий номли кишини жўнатиб, унга «Сенга ёрдам бериш учун келган турклар, аслида, сени ағдариб, ўзлари Суғдни олмоқчи, биз бу ерда фақат йилнинг иссиқ пайтларида турамыз, турклар, биз Марвга қайтиб кетганимиздан сўнг, сени тахтдан ағдаришади» деган гапни етказишни топширди. Суғд ҳокими Тархун Қутайба билан келишиб, унга икки миллион дирҳам тўлашга рози бўлди. Бошқа иттифоқчилар Тархуннинг қилмишидан хабар топиб юртларига қайтиб кетишди. Қутайба тўрт ой давом этган жуда қийин вазиятдан ана шундай қутулди. Ўша йилнинг ўзида Кеш ва Нахшаб араб қўшини томонидан эгалланди.

709 йили Қутайба Ироқдан қўшимча куч олиб Бухорони тўлиқ забт этиш учун юриш бошлади. Олдинлари уч марта қаршилиқ кўрсатган Бухоро бу сафар жангсиз таслим бўлди. Қутайба Бухорога киргач шаҳристондаги Атторлар дарвозасидан Ҳисор дарвозасигача бўлган ҳудудга носирийларни, қолган қисмига яманийларни жойлаштирди. Бухородаги оташпарастрлар маъбади жоме масжидига айлантирил-

ди. Бухоро ҳар йили Дамашқдаги марказий ҳокимиятга 20 минг дирҳам, Хуросон волийлигига эса ўн минг дирҳам ўлпон тўлаши қонунийлаштирилди. Қутайба буйруғи билан исломни янгидан қабул қилганларга жума намозига келганлари учун икки дирҳамдан пул берила бошланди.

710 йили Қутайба қўшини Шуман, Насаф ва Кешни олиб, Самарқанд юришига тайёргарлик кўришга киришди. Бироқ айна шу вақтда Хоразм шоҳи Чағоннинг укаси Хурзод тахт учун кураш бошлаганди. Чағон тахтни йўқотиб қўйишдан қўрқиб 711 йили Қутайбадан исёни бостиришда ёрдам беришини сўради. 712 йили Қутайба қўшини ёрдамида Хурзод кўзғолони бостирилди, унинг ўзи эса ўлдирилди. Лекин Чағон мустақиллигини йўқотиб, арабларга қарам бўлиб қолди.

712 йили Қутайба бошлиқ араблар ҳамда унинг қўшинига қўшиб олинган Хоразм ва Бухоро қўшинлари Самарқандни олиш учун юриш бошлади. Бу вақтда Самарқанд ихшиди Тархун тахтдан ағдарилиб, унинг ўрнида Ғурак (709 – 738) ҳукмронлик қилаётганди. Каттақўрғон ва Кармана оралиғидаги Арбинжон номли ерда Қутайба қўшини ва Ғурак бошлиқ суғдликлар ўртасида жанг бўлди. Ғурак жангда ғолиб келолмаслигини англаб Самарқандга чекинди. Суғдликлар Чоч шоҳи, Фарғона ихшиди ва турк хоқонидан ёрдам сўрашди. Барча ҳукмдорлар Суғдга ёрдам беришга қарор қилди, бундан хабар топган Қутайба мадад кучларининг йўлини тўсиб, уларга қўққисдан зарба берди ва барини тор-мор келтирди. Қутайба ёрдамчи кучларни бир ёқли қилгач Самарқандга ёппасига ҳужум бошлади. Самарқанд бир ой давомида қамал қилинди, ниҳоят, Ғурак таслим бўлди. Ғурак ва Қутайба ўртасида сулҳ тузилди, унга кўра, Ғурак бир йўла икки миллион ва ҳар йили 200 минг дирҳам ўлпон тўлаш мажбуриятини олди. Шунингдек, бутхоналарни бузиб ташлаш, шаҳарда аскар сақламаслик каби шартларни бажариши лозим эди. Бунинг эвазига Ғурак Самарқанд, Кеш ва Нахшаб ҳокими этиб тайинланди.

713 йили Қутайба Чочга юриш бошлади. Унинг ўзи бошлиқ қўшин Уструшона, Хўжанд ва Косонни, бошқа қўшин эса Чочни ишғол қилди.

714 йили Исфижобга юриш бошлаган Қутайба 715 йилга келганда Фарғона водийсини тўлиқ эгаллади, унинг қўшини ҳаттоки Кошғаргача етиб борди. Жангу жадаллардан сўнг Қутайба Марвга қайтиб келди, шу пайтда умавий ҳукмдор Валид ибн Абдулмалик вафот этгани ҳақида хабар келди. Унинг ўрнига укаси Су-

лаймон ибн Абдулмалик тахтга чиқарилди. Янги ҳукмдорга қарши чиққанликда айбланган Қутайба ибн Абу Муслим 715 йил августда ўлдирилди.

Қутайба ўлдирилгач, арабларнинг шарққа юриши тўхтади. Энди улар эгалланган шаҳар ва қишлоқларда тинч ҳаёт қуришга ва урушлар туфайли таназзулга учраган иқтисодни тиклашга эътибор қаратишди. Умавий ҳукмдор Умар ибн Абдулазиз (717 – 720) даврида Ўрта Осиёдаги аҳвол қисқа муддатга барқарорлашди. У ислом динига ўтган кишилардан жизя олишни қатъий тақиқлаб қўйди. Хуросон волийлари жизя олинмаса, иқтисодий инқироз келиб чиқади дея буйруқни бажаришни хоҳлашмасди. Мовароуннаҳрда эса кўпчилик ўзини мусулмон ҳисоблагани учун жизя тўлашни тўхтатди. Орадан кўп ўтмай Умар ибн Абдулазиз заҳарлаб ўлдирилди, унинг ўлимидан сўнг чиқарган фармонлари ҳам кучдан қолди. Ислом ҳукмларига зид равишда янги мусулмонлардан жизя олиш қайтадан йўлга қўйилди. Бунга даставвал суғдликлар норозилик билдиришди ва 720 йили исён кўтаришди. Исёнга Самарқанд ҳокими Ғурак ва Панжикент ҳокими Диваштич бошчилик қилди. Қўзғолон Ғуракнинг араблар томонига ўтишидан сўнг, 721 йили, Хуросон ноиб Саид Хороший томонидан бостирилди.

Мовароуннаҳрдаги исёнлар ва қўзғолонлар Умавийлар давлати қулагунча тинмади. 747 – 750 йилларда бўлиб ўтган Абу Муслим Хуросоний бошчилигидаги қўзғолонда мовароуннаҳрлик аскарлар ҳам фаол қатнашди.

## ҲИНДИСТОНГА ДАСТЛАБКИ ЮРИШЛАР

Мусулмонларнинг Ҳиндистонга биринчи юришлари VII аср ўрталарига тўғри келади. Тахминан 647 йили араблар Бомбей соҳилларига келишди. Кейинги юришлар 662 ва 664 йилларда юз берди, бироқ улар натижасиз тугади.

711 йили Муҳаммад ибн Қосим бошлиқ умавийлар қўшини Ҳинд водийсини эгаллади, лекин 714 йили унинг вафотидан сўнг олдинга силжиш тўхтади. 750 йили ражпутлар Синддаги мусулмон ноибини қувиб чиқаришди, лекин вилоятни фақатгина 828 йили тўлиқ қайтариб олишди. Ҳиндлар қаттиқ қаршилиқ кўрсатгани боис, мусулмонларнинг Ҳиндистонни забт этиши жуда секинлик билан борди.



## АНДАЛУСИЯ УМАВИЙЛАР ДАВЛАТИ ТАРКИБИДА (711 – 750)

Гвадалетта жанги (711 йил 19 – 26 июль). 708 йили Вестготлар қироли Витица ўғли Агиланинг ўзидан сўнг тахтга чиқишини айтганди. Лекин бир гуруҳ зодагонлар уни тахтда кўришни исташмасди. Витица 708 – 710 йиллар оралиғида вафот этган. Шундан сўнг Агила ўзининг кўплаб тарафдорлари бўлган Тарраконияга қочди. Тарракония, Нарбонна ва Галисия (у ерда Витица герцог бўлган) Агила ҳукми остида бирлашди. Андалусия (Бетика) ва Лузитания исёнчиларни қўллади. Исёнчилар Андалусия (Бетика) герцоги Родерихни қирол деб эълон қилишди. Клир Родерихни қўллаб-қувватламаган бўлса-да, унинг тахтга чиқишига қаршилик қилолмади. Родерих 710 йил охири ёки 711 йил бошида Агилага қарши уруш бошлаб Эбро водийсини эгаллади, Сарагосани бўйсундирди ва Памплонани қамал қилди. Фуқаролар уруши Агилани Родерих душмани Сеута графи Олбан (дон Хулиан) билан муносабатларни мустаҳкамлашга ундади. Олбан Африкадаги араблар ҳукмронлигига хайрихоҳ эди. Шубҳасиз, айнан Олбан Агила ва Сеута ҳудудидаги араб қўшинлари қўмондони Ториқ ибн Зиёд ўртасида воситачилик қилишда катта хизмат кўрсатди. Тезда шартнома тузилди: Толедодаги қирол хазинаси олтинлари ҳарбий ёрдам учун арабларга топширилди. Вестготлар тарихида бунга ўхшаш шартнома Сисенад ва франклар ўртасида тузилганди. Ториқ ибн Зиёд Олбаннинг таклифини қабул қилди ва унга Сеутада ҳукмронлиги сақланиб қолиши кафолатини берди. Шуниси аниқки, Ториқ ўзича Испанияга юриш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин эмасди. Умавийларнинг Мағрибдаги ноибни Мусо ибн Нусайр бунга ҳукмдор Валид ибн Абдулмалик (705 – 715) билан муҳокама қилди.

710 йил июлда барбарлар бўлинмаси бўғозни кечиб ўтди. Бу Олбан ёрдами билан амалга ошди, ўша вақтда Мағрибнинг ғарбида араблар флоти бўлмаганди. Сеута графи рухсатсиз бирорта кема Африкадан Европага ўтолмасди. 710 йил охирида Ториқ Мусога бўғозни эркин кечиб ўтиш мумкинлиги ҳақида хабар юборди ва Танжерга янги юриш бошлаш ҳақида буйруқ олди. 711 йил баҳорида Ториқ куруқликка чиқди – у ер ҳозирда Гибралтар (Жабал ут-торик) деб номланади – Алхесирас қалъасига асос солди. Бир неча кундан сўнг Памплонани қамал қилаётган Родерих бундан хабар топди ва Бетикага қараб йўлга тушди. Бетикаликлар арабларга ҳеч қандай ёрдам кўрсатишмади, Ториқ эса денгизга сиқиб қўйилди. Бетикалик-

лар, Олбан ва Агиладан бирорта тайинли хабар бўлмагани учун, вестгот қўшинига қўшилиб кетди. Ториқ ўзининг 7 минг кишилик аскарига таянишга мажбур бўлди, бироқ тезда Мусо 5 минг кишилик қўшимча куч жўнатди. Жанг 19 июль ва 26 июль ўрталарида Гвадалетта дарёси бўйида бўлди. Витицанинг укалари Оппа ва Сисиберт вестгот қўшинининг қанотларини бошқарган, улар Родерихни ташлаб кетди. Готлар тор-мор келтирилди. Родерихнинг тақдири номаълум, дарёга чўкиб кетган бўлиши эҳтимоли юқори. Унинг тарафдорлари Бетика, Карфагения, Толедони ташлаганча Лузитания ва Галисияга қочиб кетишди.

**Вестготлар қироллигининг кулаши (711 – 717).** Гвадалеттадаги мағлубиятдан сўнг витицианлар араблар билан мулоқотга киришишди. Шубҳасиз, Агила арабларнинг тўлов эвазига Африкага қайтиб кетишини кутганди. Ториқ Витизанинг акаси Оппа бошқараётган Толедога кирди. Араб лашкарбошиси готлар қироллиги хазинасини қўлга киритди. Толедонинг араблар томонидан эгалланиши унчалик аниқ эмас. Витицианларнинг ўзи Ториққа дарвозаларни очиб берган бўлиши эҳтимолдан холи эмас, бироқ бошқа манбалар буни яҳудийлар қилган деб таъкидлайди. Хазинани олгач араблар қўмондони тараддудга тушиб қолди: энди нима қилиш керак? Витицианлар Ториққа хазинани олиб қайтиб кетишни маслаҳат беришди. Лекин Толедодан Африкага ўз хоҳиши билан кетиш ҳам хавфли эди. Жанубда родригианлар назоратидаги қалъалар бор эди. Ториқ пойтахтда қолишга қарор қилди ва раҳбари Мусодан ёрдам кучи сўради. Шаҳар ичидаги қўшини витицианларга нисбатан анча кучли эди. Витицианлар араблар билан ихтилофга боришдан тийилиб турди. Боз устига, куллар ва яҳудийлар арабларни халоскор қиёфасида кўриб уларни қўллаб-қувватларди. 711 йил ёзида Мусо Ториқ жўнатган кишини кутиб олди. Хабарда вестготлар хазинаси қўлга киритилгани ва юриш муваффақиятли чиққани айтилганди. Мусонинг жавоб хатида Ториққа Толедода туриш ва уни кутиш буюрилган. Ноиб Дамашққа чопар юбориб Испания юришига тайёргарликни бошлаб юборди.

712 йил май ойида бир неча ой ичида янгитдан тузилган 18 минг кишилик қўшин бўғоздан кечиб ўтишга тайёр бўлди. Бу сафар мусулмонлар юриш қилишди. 712 йил июнда Мусо бўғоздан ўтиш учун ҳаракат бошлаганда, ҳали Валиддан Испания билан қандай мусомага қилиш ҳақида кўрсатма келмаганди. Мусонинг мақсади хавф кутилаётган Севилья ва Меридада таянч гарнизонларни ўрнатиб, Кордова минтақаси ва Толедогача бўлган ерларни эгаллаб олиш

эди. Режа Мусо ўйлагандан осонроқ амалга ошди. Родерих тарафдорлари қочгани учун, Медина-Сидония, Кармона ва Севилья шаҳарлари қаршиликсиз дарвозаларини очишди. Бу воқеаларда мусулмонлардан ёрдам кутган ва узоқ йиллар вестготлар томонидан таъқиб қилинган яҳудийлар жонбозлик кўрсатгани алоҳида айтиб ўтилади. Родерих тарафдорлари Меридада тўпланди. Мусо шаҳарни қамал қилди, қалъа жуда қаттиқ қаршилик кўрсатди. Меридаани кўлга киритиш учун Мусо бир йилга яқин вақт сарфлади. 713 йил 30 июнь куни ниҳоят мақсадига эришди. Ториқ ўша вақтда Фарбий Тарракониани – Амайя ва Асторгада яхшилаб ўрнашиб олган родриганларни мағлуб этиш билан шуғулланди. Ҳимоячилари Галисияга қочган икки шаҳарни Ториқ осонгина эгаллади. Тарракониани ёки Нарбоннада қолган Агила эса араблар билан уни Толедода тахтга ўтқозиш бўйича музокара олиб бориши керак эди, бироқ бундай воқеа содир бўлмади. Бу борада араблар ва вितिцианларнинг фикрлари бир хил эмасди. Олбан ва вितिциан зодагонлари Агилдан фарқли ўлароқ Родерихга қарши курашда араблардан ёрдам сўрашди. Ториқнинг қирол хазинасини унга топшириш ҳақидаги талаби ҳар қандай ҳолатда ҳам Агила томонидан қабул қилинмасди. У мамлакатда хазинасиз ҳеч қандай таъсирга эга бўлмасди. Ториқ эса Мусо иштирокисиз бирор битим тузиши мумкин эмасди. 712 йили Агила ўз ака-укалари ва аъёнлари билан Толедода бўлди, Ториқ уни Меридага Мусо олдига юбориши керак эди. Мусо жавобгарликни ўзига олишни хоҳламасди, шу билан бирга, Испанияда Дамашқ ҳукмронлиги ўрнатилишини истарди. Мусо Дамашққа чопар юбориб ҳукмдорга Испанияда ҳукмронлик ўрнатишни маслаҳат берди. Мерида олингандан сўнг, Мусо Толедо томон ҳаракат қилди. Ториқ у билан кўшилиш учун бўлинма юборди, бўлинма Талаверда асосий кучлар билан бирлашди. Бирлашган кўшин Толедога кирди. Ториқ Мусонинг ишончига кирган, унинг қўл остида Испанияни забт этишда қатнашарди. Мерида қамали пайтида Мусо шаҳарликлар билан Дамашқ ҳукмронлигини тан олишлари эвазига аҳоли ўз динида қолиши, мулки дахлсиз бўлиши ва озодлиги кафолатланиши тўғрисида битим имзоланди. Бу битимни имзолаган гот магнатлари ўз қўл остидагилардан ҳар йили йиғим тўплаб бериш мажбуриятини олишди. Қироллик ерларининг 4/5 қисми уруш қатнашчиларига тақсимлаб берилди. 1/5 қисми ҳукмдорга теғди. Мусо солиқ тизимида ҳеч қандай ўзгариш қилмади; солиқлар миқдори аввалгидек ўз ўрнида қолди, улар энди қирол хазинасига эмас, Умавийлар давла-

ти хазинасига борарди. Ўлжаларнинг 1/5 қисми Валидга юборилган. Муҳим қонунлардан бири вестготлар томонидан яҳудийларга қарши қўлланган қонунларнинг тугатилиши бўлди.

713 йил охирида мусулмон фотиҳлари Андалусия (Бетика), Лузитаниянинг бир қисми, Карфагениянинг бир қисми ва Тарракониянинг бир қисмида ҳукмронлик ўрнатди. Родриганлар эса Лузитания ва Галисиянинг қолган қисмини, вितिцианлар Тарракония, Карфагения ва Нарбоннани назорат қилишарди.

713 йил қишида Мусо Дамашққа чопар юбориб Испания устидан қатъий назорат ўрнатишни маслаҳат берди. Валид бунга рози бўлиб Агила ва унинг ака-укаларига Родерих томонидан тортиб олинган нарсаларни қайтариб беришни буюрди. Мактубда Агила граф деб номланиб, унинг қироллиги айтилмаганди. Валид Агила бошқаруви остида Испанияда арабларга вассал графлик мавжуд бўлишига йўл қўйиб берди.

714 йили Мусо Дамашқдан жавоб келишини кутмасдан Родерих тарафдори бўлган Сарагоса графига қарши юриш бошлади. Ҳамма томондан душманлар: шарқдан вितिцианлар, жануб ва ғарбдан мусулмонлар, шимолдан басклар билан ўралган гот феодаллари шаҳарни жангсиз Мусога топширишди. Мусо ва Ториқ қаршилиқ кўрсатган Сарагоса йўлидаги Осилисни эгаллади. Мусо Сарагосага ўрнашиб гот магнатларини қабул қилди.

714 йил ёзида вазият ўзгарди: Агила тахтдан воз кечди. Унинг ўрнини Ардо эгаллади. Янги қирол Нарбоннага жойлашди. Унинг худуди бундан эллик йиллар олдин тузилган графликка чегарадош эди. Шу вақтда Дамашқдан чопарлар Мусо олдига келди. Улар Мусога ўлжалар тақсимоти тўғрисида ҳисобот бериш учун Дамашққа бориши лозимлигини етказишди. Мусо ўшанда родриганларнинг энг сўнги ўчоқларини йўқотиш учун Галисия юришига тайёргарлик кўраётганди. Тарраконияга юриш жуда катта куч талаб қилгани учун, Мусо аввал шимоли-ғарбга юришни мўлжаллади. Унинг йўли Нумансия, Оксама ва Клиния орқали Эброгача ўтарди. Биринчи тўқнашув Сегуяда бўлиб ўтди. Аҳоли арабларни ўтказишни хоҳламай қаршилиқ кўрсатди. Шаҳар ҳужум билан қўлга олинди. Араблар шаҳар аҳолисига мол-мулк дахлсизлиги, эътиқод ва ҳуррият эркинлиги бериб битим тузишди. Мусулмонлар ўша ерда биринчи марта жанговар басклар билан тўқнашди. Эбро ичкарасига қараб йўлга тушган мусулмонлар граф Ардо тарафдори бўлган Памплонани четлаб ўтиб Калагуррис ва Варейни қўлга киритишди. Кейин Тритиумга

кириб озод басклар ҳудудига ўтишди. Мусо гарнизон қолдирмай олға юрди, басклар оғир ҳаёт кечиришлари сабаб, улардан қўлга илинадиган нарса олишмади.

Эбродан жанубдаги гот феодаллари мусулмонлар ҳукмронлигини тан олиб битим тузишди. Мусо басклар ерига киришидан олдин авваллари ҳам юриш қилиб қаршиликка учрамаган Кантабрияга қараб юрди. Гот феодалларининг бир қисми бўйсунди, қолганлари бўлажак Астурия қироли Альфонсо I нинг отаси Кантабрия герцоги Педро билан тоғларга қочди. Мусо гот қироли Родерихнинг ноиби ўрнашган Галисияга юришни давом эттирди. Родриганлар бу пайтга келиб қаршилик кўрсатишдан ожиз қолишганди ва сўнгги родриганларнинг таянчи йўқ қилинди.

714 йил сентябрда Мусо ибн Нусайр ва Ториқ ибн Зиёд вестгот хазинаси билан жанубга йўл олишди. Танжерга ўтиб, Қайрувон орқали Дамашққа боришди. Испанияни бошқариш Мусонинг ўғли Абдулазизга топширилди. У Андалусия (Бетика), Лузитания ва Карфагения билан уларнинг бўйсунганини тасдиқлайдиган битимлар тузди.

715 йили Абдулазиз Родерихнинг беваси Эгилонани тан маҳрамликка олди. Бу мусулмонлар орасида обрўси тўкилишига олиб келган. Шу вақтда Памплона графи мусулмонлар билан битим тузди.

716 йил мартда Сулаймоннинг буйруғи билан Абдулазиз Севильядаги масжидда ўлдирилди. Мусо Дамашққа келиши билан, мол-мулки мусодара этилиб, ўзи тутқун қилинди, фақатгина Валидининг ўлими туфайли қатлдан қутулиб қолди. Умавийларнинг янги ҳукмдори Сулаймон Мусони озод қилди, лекин мол-мулкани қайтармади. Ўғлини эса йўқ қилиш ҳақида буйруқ берганди.

Шуниси эътиборлики, Дамашққа Мусо ва Ториқ билан бирга Агила ва унинг ака-укалари Олмунд ва Ардабаст, шунингдек, граф Касиус ҳам келди. Улар қаерда ва қайси ҳукмдор билан учрашгани маълум эмас. Бу воқеа 714 йил охири – 715 йил бошларида бўлиб ўтди. Агиланинг тахтдан кечиши эвазига у ва ака-укаларига катта миқдордаги мол-мулк, Родерихга тегишли ерларнинг кўп қисми берилди. Касиус эса расман ҳукмдорнинг вассали унвонини олди.

715 йили Испанияга қайтган Олмунд Фарбий Андалусияга бориб ўзига теккан мингта қишлоқни кўрди, ўзи эса Севильяда яшай бошлади. Ардабаст Шарқий Андалусияда ўзига теккан мингта қишлоқни олди, ўзи эса Кордовада яшарди. Агила Карфагенияда мингта қишлоқни олгач Толедога жойлашди.

Мусулмонлар 716 йил бошига келиб Пиренейнинг жанубида Ардо бошчилигидаги испанлар жойлашган Сарагосадан шимоли-шарқдаги жойлардан бошқа ҳамма ҳудудни бўйсундиришганди. Абдулазиз айнан ўша ерга ҳужум қилиш учун тайёрланаётганди, бироқ у, айтиб ўтилганидек, ўлдирилди. Андалусиянинг янги амири этиб марокашлик Ал-Хурр тайинланди. У Ардони қирол деб тан олган Тарракония ва Нарбонна ёки Септиманияни бўйсундиришга қарор қилди. 716 ёки 717 йили Пиренейнинг тоғолди ҳудудларидаги кўплаб шаҳарлар (Собрарбе, Рибаторса, Палларс, Сердания, Ургелл ва б.) арабларга таслим бўлди. Таррако шаҳри Ардо ва епископ Просперо бошчилигида қаршилик кўрсатди. Тарракони бой берган Ардо тарафдорлари билан Пиреней тоғи ортига чекинди. Просперо эса ўзига яқин роҳиблар (Юстин, Прокоп, Панталейн ва Хорге) билан Римга кетди. Мингларча Ардо тарафдорлари ёки арабларнинг душманлари Септиманияга, Аквитанияга ва франклар ерига қочди. Франк қироллигида қочоқларни испанлар деб аташарди. Готларнинг Испаниядаги қаршилиги тугади.

Андалусия амири Ал-Хурр 718 йилни Пиреней тоғларида жанглар билан ўтказди. Тарракония бўйсундирилди, бироқ Ардо тарафдорлари тоғ доvonларига жойлашиб олишди ва тўхтовсиз араб бўлинмаларига ҳужум қилиб туришди. Ал-Хурр Пиренейдан ўтолмади. Шу вақтда Кантабрия тоғларида араблар таъқибидан қочган гот феодаллари ва маҳаллий зодагонлар иштирокида мажлис ўтказилиб, Пелайо вестготлар раҳбари деб эълон қилинди.

Нарбонна 720 йили араблар томонидан эгалланди. Каркассон ва Ним кейинроқ қўлга киритилган.

Агар шимоли-шарқда Вестгот қироллигининг барча ерлари арабларга ўтган бўлса, шимолда уларга қарши кураш бошланди. Вестгот зодағони Пелагий Жанубий Испаниядан қочиб, астурияликларни арабларга қарши курашга бошлади. 721 ва 725 йиллар орасида Овьедо провинциясига қарашли Ковадонгада араб бўлинмаларини мағлуб этди. Бу ғалаба Альфонс II (791 – 842) давридан бошлаб Вестгот қироллигининг давоми ҳисобланган Астурия қироллигининг тикланишига асос бўлди. Реконкиста ҳам айнан ўша ердан бошланди.

Арабларга қарши кураш, асосан, феодаллар томонидан олиб борилди. Аммо йўқотадиган нарсаси бўлмаган халқ воқеаларга бефарқ қаради. Мусо фақат арабларга қарши жангда қурол кўтариб ҳалок бўлганлар, барча нарсасини олиб қочганлар ва черковларнинг мол-мулкини мусодара қилди. Шунга қарамай, христианлар черковлари-

га тегилмади, уларнинг черковларга қатнашига ҳеч қандай тўсқинлик қилинмади.

Араблар томонидан эгалланган Испания Умавийлар давлатининг бир қисмига айланди. У ерга волийлар Дамашқдан тайинланарди. Андалусия марказлашган давлатнинг бир вилояти эса-да, саркардалар орасидаги тушунмовчиликлар қуролли тўқнашувларга сабаб бўларди.

Араблар туб аҳолини куч ишлатиб исломга киритишни хаёлларига ҳам келтиришмаган. Халифалик хазинасига туб аҳолининг жизя тўлаши ҳам христианларни исломга мажбурлашдан қайтарган бўлса, эҳтимол.

Араблар римликлар ёки вестготларга қараганда қулларга юмшоқ муносабатда бўлганлар. Ҳар қандай христиан қул исломни қабул қилиши билан ўз-ўзидан озод бўларди. Улардан кейинчалик ренегатлар (renegados) деб номланган ижтимоий табақа шаклланди.

Давлат номидан баъзи бир кимсаларнинг мансабини суиистеъмол қилиши христианларнинг ҳақли норозилигига сабаб бўларди. Бундай нопок кимсалар христианларда ислом ҳақида нотўғри тасаввур уйғотиб, диний низоларга сабаб бўларди. Араблар ҳукмронлиги бошланиши билан, вестготлар даврида ҳуқуқлари чекланган яҳудийлар бир қатор имкониятларга эга бўлди. Уларнинг энди маъмурий лавозимларда фаолият кўрсатиши қонунийлаштирилди.

Араблар Галлияга йўналиб, ғалаба кетидан ғалабаларни қўлга киритишарди. Лекин 732 йили Абдурраҳмон Пуатье яқинида франк саркардаси Карл Мартеллдан енгилди. Бу мағлубият арабларнинг Галлияга ҳужумларини сусайтормади, улар бир қанча вақт Септимания (жумладан, Нарбонна)да манзилгоҳларга эга бўлишган.

738 йили Африкада бошланган барбар қабилалари кўзғолони араб қўшинларини янги ерларни истило қилишдан чалғитди. Энди асосий мақсад мазкур исёнларни бостириш бўлиб қолганди, шунинг учун Андалусиядаги қўшиннинг асосий қисми ўша ерга жўнатилди. Бу арабларнинг Испаниядаги юришлари тўхтаганини билдирарди.

Араблар ва барбарлар ўртасидаги ички низолар мусулмонларга жуда катта кулфат келтирди. Абдурраҳмоннинг Пуатьедаги мағлубиятидан сўнг, эҳтимол, ундан олдинроқ Испаниянинг ўзида герцог Аквитанский Эудеснинг синглисига уйланиб у билан иттифоқ тузган шайх Усмон ибн Абу Нисо ёки Мунус (Овьедо ҳукмдори бўлганлиги айтилади) бошчилигида барбарлар кўзғолони бўлиб ўтди. 738 йили эса солиқлардан норози бўлган африкалик барбарлар исён кўтарди. Улар нафақат Африкадаги қўшинларни, балки

Суриядан юборилган, асосан, суриялик араблардан иборат мадад кучларини ҳам мағлуб этишди. Галисия, Мерида, Корн, Талавера ва бошқа жойлардаги барбарлар арабларга қарши қўзғалдилар. Ўша пайтдаги Андалусия волийси Абдулмалик шундай қийин вазиятга тушиб қолдики, у Африкада мағлубиятга учраб, Сеутада ўрнашган суриялик арабларни ёрдамга чақиришга мажбур бўлди. Балж номли саркардаси бўлган сурияликлар Абдулмаликдан бир неча бор Испанияга ўтиш учун кема жўнатишни сўради. Бироқ волий сурияликлар Испанияга ўтиши билан ҳокимиятни эгаллашидан чўчиб уларнинг илтимосини эътиборга олмади. Воқеалар ривожини сурияликларни ёрдамга чақиришга мажбур қилди. Сурияликлар Испанияга келишди ва барбарларни қаттиқ жазолашди. Аммо исён бостирилгандан сўнг, волий уларга берган ваъдасини бажармагач, сурияликларнинг ўзлари исён кўтариб Абдулмаликни ағдарилди ва унинг ўрнига Балжни амир қилиб кўтаришди. Шундан сўнг суриялик араблар ва Абдулмалик тарафдори бўлган араблар ўртасида қонли уруш бошланди. Араблар ерларига ишлов бераётган христиан қуллар Балж билан елкама-елка туриб курашда қатнашди. Сурияликлар томонидан эришилган ғалабаларга қарамасдан, уруш узоқ давом этди. Бу низоларга барҳам бериш учун Африка волийси келиб чиқиши суриялик калбий араб Абул Хатарни янги волий этиб юборди. У исёнчи шайхларга авф эълон қилиб, уларни Африкага жўнатди. Сурияликларга давлат ерларини топширди, ерга ишлов бераётганларга ҳосилнинг 1/3 ни янги хўжайинларига бериш мажбурияти юклатилди. Шундай қилиб, суриялик араблар Андалусия ва Мурсия минтақаларига жойлашди.

Кўп ўтмай қайслар ва калбий (яманий)лар ўртасида янги урушлар бошланди. Калбий волийнинг бошқа араб қабиласидан бўлган арабларга қилган адолатсизлиги мазкур фитнага олиб келди, кўплаб кишиларнинг умрига зомин бўлган бу мантиқсиз уруш ўн бир йил давом этди. Ҳокимият амалда Самоил ва Юсуф исмли икки калбий араб қўлида эди. Бошбошдоқлик даврида шайхлар умавийлар ҳукмдори ва Африка волийси билан ҳисоблашмасдан ўзларига амирлар сайлашарди.

Шундай фитналар даврида Умавийлар давлати қулаб, унинг ўрнига Аббосийлар давлати келди. Африкадаги баъзи вилоятлар аббосийлар ҳокимиятини тан олган бўлса, баъзилари ўзларини мустақил деб эълон қилди. Бу пайтда Андалусияда Юсуф марказий ҳукуматни тан олмай мустақил ҳукмронлик қиларди.



## ТҮРТИНЧИ ҚИСМ

### ЭРОН, ҮРТА ОСИЁ, ИРОҚ, ОЗАРБАЙЖОН, ШИМОЛИЙ АФРИКА, ЕВРОПАДАГИ СУЛОЛАЛАР АББОСИЙЛАР ДАВРИДА (VIII АСР ИККИНЧИ ЯРМИ – X АСР БИРИНЧИ ЯРМИ)

#### АББОСИЙЛАР ДАВЛАТИ БУВАЙҲИЙЛАРГА ТОБЕ БЎЛГУНГА ҚАДАР

##### Аббосийлар сулоласи (750 – 1258).

Аббосийлар давлати (750 – 945).

945 – 1055 йилларда бувайҳийларга тобе.

1055 – 1118 йилларда салжуқийларга тобе.

1118 – 1258 йилларда аббосийлар фақат Бағдод ва унинг атрофида мустақил ҳукмронлик қилишган. Пойтахти – Бағдод шаҳри (ҳозирги Бағдод, Ироқ). Ҳудуди – 11,1 млн км<sup>2</sup> (750). Давлат тузуми – монархия. Давлат тили – араб тили.

##### Аббосийлар ҳукмдорлари (750 – 1258)

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари	яшаган йиллари
1.	Абдуллоҳ (Абул Аббос Саффоҳ) ибн Муҳаммад ал-Комил ибн Али ас-Сажжод ибн Абдуллоҳ ал-Жабр ибн Аббос ибн Абдулмутталиб ибн Хошим	750 – 754	722 – 754
2.	Абу Жаъфар ал-Мансур	754 – 775	714 – 775
3.	Ал-Маҳдий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абу Жаъфар ал-Мансур	775 – 785	744 – 785
4.	Ал-Ҳодий, Абу Муҳаммад Мусо ибн ал-Маҳдий	785 – 786	766 – 786
5.	Ҳорун ар-Рашид ибн ал-Маҳдий	786 – 809	765 – 809
6.	Ал-Амин, Абу Мусо Муҳаммад ибн Ҳорун	809 – 813	787 – 813
7.	Ал-Маъмун, Абул Аббос Абдуллоҳ ибн Ҳорун	813 – 833	786 – 833

8.	Ал-Муътасим биллоҳ, Абу Исҳоқ Муҳаммад ибн Ҳорун	833 – 842	795 – 842
9.	Восиқ, Абул Фазл Жаъфар ибн ал-Муътасим	842 – 847	814 – 847
10.	Ал-Мутаваккил алаллоҳ, ибн ал- Муътасим	847 – 861	821 – 861
11.	Ал-Мунтасир биллоҳ, Абу Жаъфар Муҳаммад ибн ал-Мутаваккил	861 – 862	836 – 862
12.	Ал-Мустаъин биллоҳ, Муҳаммад ибн ал-Муътасим	862 – 866	835 – 866
13.	Ал-Муътаз ибн ал-Мутаваккил	866 – 870	846 – 869
14.	Ал-Муҳтадий биллоҳ, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн ал-Восиқ	870	832 – 870
15.	Ал-Муътаmid алаллоҳ, ибн ал- Мутаваккил	870 – 892	844 – 892
16.	Ал-Муътазид ибн Муваффиқ ибн Мутаваккил	892 – 902	861 – 902
17.	Ал-Муктафий биллоҳ, Абу Муҳаммад Али ибн ал-Муътазид	902 – 908	876 – 908
18.	Ал-Муқтадир биллоҳ, ибн ал-Муътазид	908 – 909	895 – 932
19.	Абдуллоҳ ибн Муътаз	909 (1 кун)	861 – 909
	Ал-Муқтадир биллоҳ, ибн ал-Муътазид	909 – 932	895 – 932
20.	Ал-Қоҳир биллоҳ, ибн ал-Муътазид	932 – 934	899 – 950
21.	Ар-Розий биллоҳ, ибн Муқтадир биллоҳ	934 – 940	909 – 940
22.	Ал-Муттақий биллоҳ, ибн Муқтадир биллоҳ	940 – 945	908 – 968
23.	Ал-Мустакфий ибн Муктафий биллоҳ	945 – 946	905 – 949
24.	Ал-Мутиъ биллоҳ, ибн Муқтадир биллоҳ	946 – 974	913 – 975
25.	Тоъий биллоҳ, ибн Мутиъ биллоҳ	974 – 991	932 – 1003
26.	Ал-Қодир биллоҳ, ибн Исҳоқ ибн Муқтадир биллоҳ	991 – 1031	947 – 1031
27.	Ал-Қоим ибн Қодир биллоҳ	1031 – 1075	? – 1075
28.	Ал-Муқтадий би амриллоҳ, ибн Қоим биллоҳ	1075 – 1094	1056 – 1094
29.	Мустазҳир биллоҳ, ибн Муқтадий биллоҳ	1094 – 1118	? – 1118
30.	Мустаршид биллоҳ, ибн Мустазҳир биллоҳ	1118 – 1135	? – 1135

31.	Рашид биллоҳ, ибн Мустанзхир биллоҳ	1135 – 1136	? – 1138
32.	Муқтафий биллоҳ, ибн Мустанзхир биллоҳ	1136 – 1160	1096 – 1160
33.	Мустанжид биллоҳ, ибн Мустанзхир биллоҳ	1160 – 1170	1124 – 1170
34.	Мустанзий биллоҳ, ибн Мустанжид биллоҳ	1170 – 1180	1142 – 1180
35.	Носир ад-диналлоҳ, ибн Мустасқий биллоҳ	1180 – 1225	1158 – 1225
36.	Зоҳир биллоҳ, ибн Носир ад-диналлоҳ	1225 – 1226	1179 – 1226
37.	Мустансир биллоҳ, ибн Зоҳир биллоҳ	1226 – 1242	1192 – 1242
38.	Мустаъсим биллоҳ, ибн Мустансир биллоҳ	1242 – 1258	1213 – 1258

**Абул Аббос Саффоҳ (Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Али ибн Абдуллоҳ ибн Аббос ибн Абдулмутталиб, 722 – 754)** – аббосийлар сулоласининг биринчи ҳукмдори (750 – 754). Ҳозирги Урдун ҳудудидаги Ҳамимада туғилган. Куфада яшаган, сўнг Ҳийрада, кейинроқ Анбарда истиқомат қилган. Анбарда бир қанча қасрлар қурдириб, ўша ерда вафот этган.

750 йили Қахтаба Катта Зоб ариғи бўйида ҳал қилувчи жангда умавийлар қўшинини мағлуб этди. Аббосийлар Харронни эгаллаб, Дамашққа юришди. Умавийларнинг сўнгги ҳукмдори Марвон II Мисрга қочди. Мисрда унга қарши қибтийлар қўзғолон кўтарди, исёнчиларга ўша ердаги араб қўшинлари ҳам қўшилди. Марвон II Гизага қочди. Охири тутилиб қатл этилди. Жойларда умавийларни қириш бошланди.

Қўзғолончилар орасида яқдиллик йўқ эди. Қахтаба Куфани эгаллашидан олдин, алавийлар Ҳасанийни тахтга чиқаришга уринишди. Лекин Куфа олингач, тахтга аббосий Муҳаммад ибн Алининг ўғли Абул Аббос ўтқазилди. У Куфа жоме масжидида нутқ сўзлаб ўзининг ҳукмдор бўлишга ҳақли эканини даъво қилди. Хуросон қўшини олдида кучсиз бўлган алавийлар бу қарорга ноилож кўндилар. Абул Аббос шиалардан хавфсираб қароргоҳини Куфадан Фурот бўйидаги Анбарга кўчирди.

Абул Аббос ҳокимиятга келгач ўзини мутлақ ҳукмдор сифатида кўрсатолмади. Аввал Андалусия, кейин Шимолий Африканинг ғарбий қисми аббосийлар ҳукмронлигидан чиқди. Аббосийлар Африкадаги тор ҳудуддагини ўз ҳокимиятини ўрнатишди. Лекин асосий рақиб Шарқда – уларни тахтга чиқарган Абу Муслим эди.

Алавийлар мақсадлари аббосийлар билан муштарак эмаслигини пайқаб қолишди. Аббосийлар Куфа волийси этиб исён раҳбарларидан бири Абу Салама Ҳаллолни тайинлагандилар. Абул Аббос Абу Муслим билан маслаҳатлашгач Абу Саламани қатл этишни қонунийлаштирди. Абу Муслим жосуслари Абу Саламани йўқ қилди. Кейин бу қотилликни хорижийларга юклашди. Шунингдек, Абул Аббос ва Абу Муслимнинг бошқа рақиби – шиалар етакчиси Сулаймон ибн Касир ўлдирилди.

Абул Аббос томонидан Али авлодларига қарши ҳаракат бошланди. Абул Аббос эҳтиёткорлик юзасидан Али авлодининг Ҳасан шаҳобчасига мансуб Абдуллоҳни саройга чақирди. Унга яхши муомала қилди. Шундан сўнг Абдуллоҳ Али авлодининг тахтга чиқолмаслигига ақли етиб Маккага кетди. Лекин ўғиллари Муҳаммад ва Иброҳим тахт даъвосидан воз кечолмади. Улар исёнга тайёргарлик кўра бошлади, бироқ исён ташкилотчилари орасида Абу Жаъфарнинг жосуси ҳам бор эди. Исён ташкилотчиси Муҳаммад бўлиб, у Абул Аббосга бўйсунушдан бош тортди ва вақтинчалик яширинди.

**Абу Жаъфар Мансур (714 – 775) – аббосийлар сулоласининг иккинчи ҳукмдори (754 – 775), укаси Абул Аббос Саффоҳ вафотидан сўнг тахтга чиққан. 714 йили Ҳамимада туғилган. 775 йили ҳажга кетаётган пайтда йўлда вафот этган.**

Абу Жаъфар Мансур тахтга чиққач амакиси Абдуллоҳ ибн Али қаршилигини синдирди. Бу курашда Абдуллоҳ Абу Муслим ёрдамига умид қилганди. Абу Жаъфар даврида аббосийлар ҳокимиятни тўла қўлга олишди. Давлатни мустаҳкамлаш учун қариндошларини ва алавийларни юқори лавозимлардан олиб ташлади. Шубҳа остидаги ҳукмдор қариндошлари устидан назорат ўрнатилди, кўплаб маслаҳатчи ва котиблар эса қатл этилди. Уларнинг ўрнига Абу Жаъфарга содиқ кишилар қўйилди. Айти шу вақтда биринчи бўлиб Эрондан бармакийлар кириб келишди. Холид ибн Бармак вилоятлардан бирига волий этиб тайинланди. Бошқа форс Абу Убайдуллоҳ Муовия бўлажак ҳукмдор Маҳдийнинг тарбиячиси эди. Маҳдий тахтга чиққач Абу Убайдуллоҳни девонни бошқарувчи бош котиб этиб тайинлади.

Аббосийлар ўзларини ўнглаб олишгач Абу Муслимдан қутулишга ҳаракат қилишди. Абул Аббоснинг вафотидан сўнг ҳам Абу Муслим Хуросон волийси лавозимида фаолият олиб борарди. Айтганда Абу Муслим бошқа номзодларни четга суриб, Абу Жаъфарнинг тахтга чиқишини таъминлаб берганди. Аббосийлар Абу Муслимни Хуросон волийлигидан олиб ташлашни маслаҳат қилишди.

Абу Жаъфар одамлари Муҳаммадни қидириб тополмади. Унинг ўрнига отаси Абдуллоҳ ва Мадинада яшовчи бошқа ҳасанийлар қамокқа олинди. Шунда Муҳаммад яширинган жойидан чиқиб, очикдан-очик исён кўтарди. У Абу Жаъфарни золим, шариат ҳукмларидан чекинувчи деб айблади ва қамокдан ҳасанийларни озод қилди. Кўплаб уламоларнинг кўллаб-қувватлашига қарамай, Муҳаммад ўзига етарлича тарафдор йиғолмади ва 762 йили унинг кўшини Абу Жаъфар қариндоши Исо ибн Мусо бошлиқ аббосийлар кўшини томонидан тор-мор этилди. Муҳаммаднинг ўзи эса Мадинада ўлдирилди. Унинг отаси Абдуллоҳ 758 йили қамокда вафот этганди.

Муҳаммаднинг акаси Иброҳимнинг Қуйи Ироқда кўтарган кўзғолони ҳам муваффақиятсизликка учради. Басрада шиалар кўпчилик бўлишига қарамай, 763 йили Исо ибн Мусо басраликларни ҳалокатга учратди.

Аббосийлар умавийлар каби давлатни Дамашқдан бошқаришни мўлжаллашмаганди. Абул Аббос Куфада ҳукмдор деб эълон қилинган, кейинроқ қароргоҳини Фуротдаги Анбарга кўчирганди. Али тарафдорларига қарши олиб борилган ҳаракатлар ва иккита кўзғолоннинг бостирилиши аббосийларни хавфсизроқ жойга кўчишга мажбур қиларди. Улар қароргоҳларини Куфа ва Ҳийра орасидаги Ҳошимия қалъасига кўчиришди. Бироқ бу ерда ҳам Абу Жаъфар ўзини хотиржам ҳис этолмасди, чунки равандийлар номли шиаларнинг мутаассиб гуруҳи билан муроса қила билмасди.

Ўшанда Абу Жаъфар хавфсизлигини кафолатлайдиган янги пойтахт қуриш ҳақида бош қотира бошлади. Шундай қилиб, Дажланинг ғарбий соҳилида, қадимги Парфия ва Сосонийлар давлати пойтахти Ктесифон (Мадоин) шимолида Бағдод шаҳрига асос солинди. Бағдод ёки «Мадина ас-салом» – «Тинчлик шаҳри» тўрт йил ичида (758 – 762) Дажла ва Фурот дарёлари бирлашадиган водийдаги «Сук Бағдод» (Бағдод бозори) ўрнида қурилди. Шаҳар девор билан ўралди, девор ташқарисида сув тўлдирилган хандақлар бор эди. Ўртада ҳукмдор саройи, жоме масжиди ва ҳукумат идоралари – девонлар қурилди. Айлана шаклидаги шаҳар ташқарисида ҳарбий қароргоҳлар, бозорлар ва ҳар хил табақага мансуб кишилар яшайдиган маҳаллалар барпо этилди. Кечқурун бу маҳаллалар беркитиларди. Дажланинг нариги томонида айлана шаклидаги шаҳарга уланган кўприқдан 768 йили Маҳдий ва бармакийларга сарой қуриш бошланди. Абу Жаъфар 763 йили Бағдодга кўчиб келди, биров вақт ўтгач янги шаҳарга аҳоли тўлиқ жойлашди. Абу Жаъфар пойтахт

қуришда бир қанча сабабларни ҳисобга олганди. У ердан туриб бутун давлатни назорат қилиш осонроқ эди.

Бағдод жуда катта тезлик билан раvнақ топди. У ерга оддий аҳоли билан бирга кўплаб олимлар ва бошқа кўзга кўринган кишилар келишган. Шаҳарда араблар, турклар ва форслар билан бир қаторда христианлар, яҳудийлар, ўта бой кишилар ва қашшоқлар, гадолар ва дайдилар ҳам яшарди. Бу ерда тинчлик сақлаш ўта қийин эди, назорат ўрнатиш учун ҳукумат баъзан қурол ишлатишга мажбур бўларди.

Умавийлар даврида маъмурий ишларда, асосан, номусулмон кишилар фаолият кўрсатишган бўлса, аббосийлар бир қатор чоралар кўришга ҳаракат қилишди. Улар марказий ҳукуматни мустаҳкамлашни вилоятларга маҳаллий волийлар тайинлашдан бошлади.

Давлатда бир қатор девонлар фаолият кўрсатган. «Девон ар-расоил» – бу ерда барча ҳужжатлар тўпланган ва рўйхатдан ўтказилган. Мазкур девонда энг билимдон кишилар ишлаган. «Девон ал-жайш» – бу ташкилот ҳарбий масалалар билан шуғулланган: аскарлар рўйхатини тузиш, кўшин сақлаш харажатлари, қурол-яроғ билан таъминлаш ва ҳ.к. «Девон ал-мол» – давлат даромадлари ва харажатлари, солиқларни назорат қиладиган идора. «Девон ал-барид» – бу девон хат-хабар тарқатиш, ҳукмдор фармонларини кўзланган манзилга етказиш ва бошқа шу каби хизматларни бажарган.

**Маҳдий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад (744 – 785)** – аббосийлар сулоласининг учинчи ҳукмдори (775 – 785).

**Бармакийлар.** Аббосийлар даврида ажам зодагонлар давлат бошқарувида муҳим ўрин эгаллай бошлади. Аслида, аббосийларни ҳам хуросонлик исёнчилар давлат тепасига келтирганди. Форсларнинг бармакийлар номли машҳур сулоласи узоқ муддат фаолият кўрсатди. Уларнинг сулолабошиси Холид ибн Бармак (ваф. 781) эди. Холиднинг отаси Бармак («бармак» исм эмас, коҳин номи – «пармак», «парамага», улуғ коҳин) умавийлар юришидан олдин Балхдаги мажусийлар оташхонасида коҳин эди. Оташхона умавийларнинг Хуросон шарқига қилган юриши натижасида бузиб ташланган. Бармакнинг фарзандлари Басрага кўчиб кетишди, у ерда исломни қабул қилишди ва араб қабилаларидан бирининг мавлосига айланишди. Абдулмалик ибн Марвон даврида бармакийлардан бири Дамашққа борди ва ўзининг билимдонлиги билан ҳурмат қозониб, араб зодагонлари орасида катта мавқега эга бўлди. Абул Аббос Холидда билимдон киши сиймосини кўрди ва уни молиявий ишлар бўйича масъ-

ул лавозимга тайинлади. Абу Жаъфар даврида эса Холид Форс ва Табаристон волийлигида фаолият кўрсатди. Кейинроқ вазир бўлиб хизмат қилди. Холиднинг ўғли Яҳё (ваф. 805) Аббосийлар давлатининг шарқий қисмига волий этиб тайинланди. Ҳорун ар-Рашид даврида эса давлатнинг бош вазири лавозимига тайинланди.

Абул Аббос тахтни отадан болага мерос сифатида эмас, балки ҳукмдорликка лойиқ кишига топширишни истарди. Дастлаб Абу Жаъфар тахтни Исо ибн Мусога топширишни кўзлади, бироқ кейинчалик фикридан қайтиб, ўғли Маҳдийга қолдирди. Абу Жаъфар ўзининг мазкур қарорини қонунийлаштириш учун ўлимидан бироз олдин Маккада уламоларни тўплади ва уларни ўғли Маҳдийга бўйсуннишга мажбур этди. Бироқ тахт вориси ҳошимийлар уруғининг бошқа вакиллари орасида норозилик келтириб чиқаришидан хавфсираб овоза қилинмади.

Маҳдий тахтга чиққач, мураббийси Убайдуллоҳ Муовия унинг энг яқин ёрдамчисига айланди. Убайдуллоҳ амалда вазирлик қиларди, унинг қўлида давлатнинг барча муҳим функциялари тўпланди. Лекин орадан кўп ўтмай Убайдуллоҳни зиндиқликда айлаб лавозимидан олиб ташлади. Маҳдий даврида Зайд ибн Али таълимотларига содиқ гуруҳлар жонланиб қолишди. Маҳдий улар билан тил топишиш мақсадида бирор чора кўришга уринди. У ҳасанийлар исёнида қатнашганларни авф этди ва алавий Яъқуб ибн Довудни вазир этиб тайинлади. Лекин зайдийлар давлатнинг юқори лавозимларини эгаллаб олишмоқчи деган миш-мишлар тарқалди. Шунга қарамай, Маҳдийнинг шиаларни ўз тарафига оғдириш учун қилган барча ҳаракатлари зое кетди. Шундан сўнг Али тарафдорлари Яъқубдан юз ўгиришди ва у лавозимидан олиб ташланди.

Аббосийлар давлатида исломга кирганларнинг кўпчилиги форслар эди, бироқ уларнинг айримлари ҳамон монийликни кўмсаб яшарди. Бағдоддаги уламолар ҳукумат раҳбарларини монийлар ислом ақидасига зарар етказиши мумкинлигидан кўп марта огоҳлантиришган.

### **МУҚАННА ҚЎЗҒОЛОНИ (776 – 783)**

**Муқанна, Ҳошим ибн Ҳаким** – хуррабийлар оқими етакчиси. Абу Муслим Хуросоний лашкарида амир (сарҳангбоши) бўлган (750–755). Аббосийлар ҳукмронлигига қарши Ўрта Осиёда бўлган «оқ кийимлилар» қўзғолони раҳбари.

Муқанна тарфдорлари 776 йили Бухоро воҳасида фаол ҳаракатга ўтишди ва Наршах қалъасини эгаллаб, уни қўзғолон марказига айлантиришди. Аббосийларнинг Бухородаги ноиби Ҳусайн ибн Маоз ва Самарқанддаги ноиби Жаброил бошлиқ қўшин қўзғолончилар билан 4 ой уруш олиб борди. Оғир жанглардан сўнг Наршахдаги қўзғолон бостирилди.

777 йили араблар Кеш ва Самарқанддаги муқанначиларга қарши юриш бошлашди. Лекин кутилмаганда араб қўшини мағлубиятга учради.

779 йили Хуросон ноиби бўлган Саид Хороший Самарқандга юриш қилиб исённи бостирди. Наршахдаги ва Самарқанддаги «оқ кийимлилар»ни тор-мор келтирган араблар Кешга юриш бошлашди. Уларга ўз мавқеини сақлаб қолишга интилган маҳаллий зодагонлар ёрдам берди.

783 йили, узоқ камалдан сўнг, Муқанна яширинган Кеш водийсидаги тоғлар орасида жойлашган Сом қалъаси Хуросон ноиби Саид Хороший бошлиқ қўшин томонидан эгалланди. Муқанна, араблар киргунча, ўзини ёниб турган тандирга отиб ҳалок бўлганди.

**Ҳодий, Муҳаммад Мусо ибн Муҳаммад Маҳдий** (766 – 786) – аббосийлар сулоласининг тўртинчи ҳукмдори (785 – 786). 766 йили Райда туғилган. Отаси вафотидан сўнг тахтга ўтирган.

Маҳдийнинг тахтга даъвогар икки ўғли бўлиб, уларнинг бири Журжон волийси Ҳодий, бошқаси Озарбайжон волийси Ҳорун эди. Маҳдий, ўзидан сўнг биродаркушлик бўлмаслиги учун, Ҳодийга мактуб юбориб Ҳорун фойдасига тахт даъвосидан воз кечишни буюрганди. Лекин Маҳдийнинг ўлими унинг режасини амалга оширишга имкон бермади. Маҳдий ўлгач, тахтга Ҳодий чиқди.

Ҳорун Ҳодийни ҳукмдор сифатида тан олди. Лекин Ҳорун Ҳодийни ўлдирмоқчи экан деган миш-мишлар тарқалиб кетди. Шунда вазири Хайзурон аралашиб Ҳодийни заҳарлаб ўлдирди ва Ҳорунни тахтга чиқарди. Хайзурон 790 йил вафотига қадар давлатни амалда бошқарди. Ҳодий қисқа муддатлик ҳукмронлик даврида, 786 йили, Макка яқинида алавий раҳбарларни йўқ қилди.

**Ҳорун ар-Рашид ибн Муҳаммад Маҳдий** (765 – 809) – аббосийлар сулоласининг бешинчи ҳукмдори (786 – 809). Ҳорун 765 йили отаси амирлик қилаётган Хуросоннинг Рай шаҳрида туғилган. Мусо Ҳодий вафотидан сўнг, 786 йил 14 сентябрда, тахтга чиқди. 809 йил 4 апрелда Хуросондаги қўзғолонларни бостириш



*учун йўлга чиққан Ҳорун ар-Рашид йўлда касалланиб Тус шаҳрида вафот этди.*

762 йили Исо ибн Мусо томонидан тор-мор этилган Муҳаммаднинг укаси Яҳё 792 йили Дайлам ва Табаристонда мустақил амирлик тузишга уринди. Бармакий Фазл орқали Ҳорунга хайрихоҳ эканлигини билдирди. Лекин орадан кўп ўтмай Яҳёни таслим бўлишга чақирди. Яҳё Ҳорундан хавфсизлигини таъминланиши кафолатини олгач Бағдодга келди. Бироқ уни тутиб қамаб қўйишди ва ўша ерда ўлди.

Бармакий Фазл алавийларга қарши тутуриқсиз муносабатда бўлди. Унинг ташаббуси билан Мусо Козим Маккадан Бағдодга чақирилди ва исён кўтаришда айбланиб қатл этилди. Ҳорун қулай фурсат пойлаб Фазлни вазифасидан четлатди. Орага Яҳё тушиб Мусо Козимни у ўлдиришга буюрганини айтди. Фазл уй қамоғига олинди ва тўрт йил (бармакийлар ҳалокатга учратилгунча) сақланди. Ҳорун 803 йили маслаҳатчиси Жаъфарни қатл этиш, Яҳё ва унинг иккинчи ўғли Фазлни ҳибсга олишни буюрди. Иккиси ўша ерда ўлиб кетди.

802 йили Ҳорун ўғли Аминни ўзидан кейинги ворис, бошқа ўғли Маъмунни иккинчи ворис деб эълон қилди. Ўша йили ҳаж мавсумида ака-укалар Каъба олдида оталари қарорига бўйсунушга сўз беришди. Бу аҳдлашув барча ерда эълон қилинди.

Ҳорун ар-Рашид кўп вақтини Бағдодда эмас, балки Абу Жаъфар даврида қурилган Юқори Месопотамиянинг Фурот соҳилида жойлашган Раққа шаҳрида ўтказарди. Ҳорун Наср ибн Сайёр исёнини бостириш вақтида Тус шаҳрида вафот этди.

**Амин, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ҳорун ар-Рашид (787 – 813) – аббосийлар сулоласининг олтинчи ҳукмдори (809 – 813).** *Отаси Ҳорун ар-Рашид вафот этгач, онаси Зубайда бинт Жаъфар ибн Мансурнинг аралашувидан кейин тахтга ўтирди. Амин 813 йили ота бир акаси Маъмунга қарши тахт учун курашда ҳалок бўлган.*

809 йили Амин вазир Фазл ибн Робеъ таъсирида тахтга чиқди ва тезда Маъмунни ворислик ҳуқуқидан маҳрум қилди.

809 йили Мовароуннаҳрда саркарда Рофеъ ибн Лайс исён кўтариб Самарқандни эгаллади ва Бағдод ҳукуматига бўйсунушдан бош тортди. Амин 811 йили исёнчиларга қарши Харсама бошчилигида қўшин жўнатиб исённи бостирди ва Рофеъ қатл этилди. Шундан сўнг Фазл ибн Робеъ Харсамага Бағдодга қайтишни буюрди. Маъмун назарида, Харсама бошлиқ қўшин унинг ихтиёрида тури-

ши керак эди. Маъмун маслаҳатчиси Фазл ибн Саҳл гапига кириб қўшинни Бағдодга қайтариб юбормади. Бу эса уруш бошланишига сабаб бўлди.

Уруш икки йил давом этди. Маъмун тарафдорлари бўлган Тоҳир ибн Ҳусайн ва Харсаманинг қўшини 811 йили Бағдодга юриш қилиб ироқликларни мағлубиятга учратди. Маъмун қўшини Фарбий Эронни олиб, Бағдодга яқинлашди. Бағдод қамали бир йилга яқин давом этди. Амин тарафдорлари Маъмун қўшини эроний ва хуросонийлардан ташкил топганини билиб Бағдодни қаттиқ ҳимоя қилишди. 813 йили Бағдод кулади, Амин Тоҳир ибн Ҳусайн аскарлари томонидан ўлдирилди. Шундан сўнг Маъмун Аббосийлар давлати ҳукмдори деб эълон қилинди.

**Маъмун, Абул Аббос Абдуллоҳ ибн Ҳорун ар-Рашид (786 – 833) – аббосийлар сулоласининг еттинчи ҳукмдори (813 – 833). Маъмун 813 йили укаси Аминни ҳалокатга учратиб ҳокимиятни эгаллади. 833 йил 3 март куни вафот этди.**

Маъмун Ироқни бошқаришни Тоҳирга топширди, ўзи эса Марвга бориб, уни пойтахт қилмоқчи бўлди. Кейинроқ Ироқни бошқаришни ўтмишда мажусий бўлган Фазлнинг укаси Ҳасан ибн Саҳлга топширди, унинг қизларидан бирини тан маҳрамликка олди.

796 ва 808 йилларда Эронда рўй берган хуррамийлар исёни бостирилди. 816 йили эса Шимолий Озарбайжонда Бобак (Папак) бошчилигида хуррамийлар кўзғолони бошланди.

814 йили Амин қўшинида хизмат қилган Абу Саройя номли кимса шиалар исёнига бошчилик қилди. У ҳасанийлар раҳбари Ибн Табатаб билан учрашди ва иккиси Куфада бирлашиб ҳаракат қилишга келишди. Абу Саройя бошлиқ исёнчилар Куфани қўлга киритди. Энди исён бутун Жанубий Ироқ бўйлаб ёйилди. Лекин 815 йили исёнчилар тор-мор этилди, Абу Саройя эса тутиб қатл этилди.

Шиаларнинг кўзғолонидан ўзича хулоса чиқарган Маъмун Мадинадан Марвга Али Ризони чақиртириб келди ва барчага ўзидан кейин Али авлодидан бўлган кишини ворис этиб қолдиришини маълум қилди. Лекин Маъмун тахтда айнан кимни кўришини қатъий айтмади. Бундан англашиладики, аббосийлар сидқидилдан тахтдан воз кечишга рози бўлмаганлар.

Маъмун давлатни хуросонликлардан тузилган қўшинга таяниб Марвдан бошқаришда давом этди. Бу вақтда Мусо Козимнинг ўғли Али Ризо Мадинада бўлиб, сиёсатдан узоқлашган, ўзини илм-фанга бағишлаганди. Маъмун уни тахт вориси қилишидан хабар топгач

Маъмун ҳокимиятини тан олди. Маъмун бир қизини Али Ризога тан маҳрамликка берди. Ҳали кичкина бўлган бошқа қизини Али Ризонинг ўғлига беришини айтди. Мазкур тадбир аббосийларнинг алавийлар билан вақтинчалик яқинлашуви эди. Маъмун бу ишининг оқибатини ўйламаганди.

Бағдодликларни аббосийларнинг ҳукмронлиги тўла қониқтирарди. Улар назарида, вазир Фазл ибн Саҳл эронийларни тахтга чиқаришга уринарди. 817 йили Маъмуннинг Марвда яшаганидан фойдаланган бағдодликлар кутилмаганда исён кўтаришди ва Маҳдийнинг ўғли бўлган қўшиқчи Иброҳим (817 – 819)ни тахтга чиқаришди. Бағдод аҳолиси кўчалар бўйлаб юриб Қуръон ва суннатга қайтишни тарғиб қилди.

Бағдодда бўлаётган воқеалардан хабар топган Маъмун алавийлар билан алоқани узиш энг тўғри йўл деган қарорга келди. Шу билан бирга, Иброҳимнинг тахтга чиқарилиши Маъмун тарафдорларини ҳаракат қилишга ундади. 818 йили Маъмун гвардияси вазир Фазл ибн Саҳлни ўлдириб юборди. Номаълум сабабларга кўра Али Ризо ҳам вафот этди. Маъмун кўшини Бағдодни бир неча ой қамал қилди. 819 йили Маъмун Бағдодга кирди, Иброҳим эса қочди, кейинроқ кечирилди. Али авлодини тахтга чиқариш масаласи энди кун тартибидан олиб ташланди. Марвда Али тарафдорларига мосланган яшил байроқлар аббосийларнинг қора байроқларига алмаштирилди.

821 йили Маъмун тахтга чиқишда ёрдам берган саркардаси Тоҳир ибн Ҳусайнни Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг волийси этиб тайинлади. У бор-йўғи бир йил ҳукмронлик қилди, лекин ўлиmidан олдин хутбадан Маъмун номини чиқариб ташлади. Маъмуннинг Тоҳирнинг ўғилларини Хуросон ва Мовароуннаҳр ҳукмдори деб тан олишдан ўзга чораси қолмади. Хуросонда янги сулола – тоҳирийлар (821 – 873) сулоласи вужудга келди. Тоҳирийлар ўзларини мустақил деб эълон қилишган бўлса-да, улар ҳар йили Бағдодга ўлпон юборишган. Маъмун бироз вақт ўтиб Тоҳирнинг ўғли Абдуллоҳни Сурия ва Мисрга волий этиб тайинлади.

Маъмун даврида муътазилийлар ҳаракати кенг илдиз отди. Муътазилийлар асосчиси деб умавийлар даврида яшаган Ҳасан Басрий (642 – 728)нинг шогирдлари Восил ибн Ато (699 – 748) ва Амр ибн Убайд (ваф. 761) кўрилади.

Абдуллоҳ, Ҳалабдан Ҳишом I томонидан сургун қилинган Қуртуба исёни қатнашчилари Мисрда тартибсизликлар қилишаётгани учун, уларга қарши юриш қилди. 825 йили Абдуллоҳ қуртубаликларни

Мисрдан қувиб чиқаришга эришди. Шундан сўнг Византияга қарашли Крит оролига юриш қилиб бир йилдан сўнг олди.

799 йили Африкада Бағдодга қарши кайфият кучайиб, барбарлар исёни бошланди. Уларни Хуросон қўшини қўмондони Иброҳим ибн Ағлаб тинчлантирди, бунинг эвазига Ҳорундан Африкани мустақил бошқариш ҳуқуқини талаб қилди. У ҳар йили Бағдодга солиқ юбориб туришни ҳам зиммасига олди. Шундай қилиб, Тунисда бир асрдан ошиқроқ (800 – 909) ҳукмронлик қилган ағлабийлар сулоласи ташкил топди.

Маъмун муътазилийлар ақидасидан фойдаланиб барча мусулмонларни, жумладан, шиа ва суннийларни бирлаштириш мумкин деб ҳисобларди.

Муътазилийларнинг намояндалари бўлган басраликлар: Абул Хузайл Аллаф (ваф. 840), Наззом (ваф. 855), Наззомнинг ўқувчилари Жоҳиз (775 – 868) ва бағдодликлар Бишр ибн Муътамир (ваф. 825), ибн Абу Довуд ва Маъмун яқинларидан бири Сумома Нумайрий (ваф. 828). Маъмунгача бўлган даврда муътазилийлар ҳибсга олинарди, лекин Маъмун ва ундан кейинги ҳукмдорлар даврида вазият умуман ўзгариб, муътазилийлар ва уларнинг ақидаси давлат томонидан ҳимоя қилинди.

Маъмун 827 йили ислом ақидаларидан фойдаланиб ҳукмронлигини мустақамлашга ўтди. Маъмун дўсти муътазилий Аҳмад ибн Абу Довудни қозикалон лавозимига тайинлади. Шундай қилиб, муътазилийлар ақидаси, жумладан, «Қуръоннинг яратилиши» куч билан тарқатила бошланди. Бунинг учун зиндиқлар ва монийларга қарши «миҳна»лар ташкил қилинди.

Кўпчилик зуғум остида муътазилийлар ақидасини қабул қилишга мажбур бўлди, лекин Аҳмад ибн Ҳанбал (ваф. 855)га ўхшаш алломалар муътазилийлар ақидасига очикдан-очик қарши чиқди. У билан ҳисоб-китоб қилиш учун Маъмун олдига юборилди. 833 йили Тарсусда Маъмуннинг ўлими Аҳмад ибн Ҳанбал устидан қўзғалган ишни кейинга сурди.

Маъмун даврида зардуштийлар ҳуқуқи христиан ва яҳудийларники билан тенглаштирилди.

820 йили келиб чиқиши славян бўлган Фома Каппадокийский номли кимса Анатолиядан Бағдодга қочиб келди. У Маъмун томонидан яхши кутиб олинди. 820 йили Антиохия патриархи ёрдами билан Фоманинг тахтга чиқиш ҳуқуқи тан олинди. Шундан сўнг Маъмун Фомани етарли маблағ, қурол-яроғ ва чегарада турган аскар-

лар билан таъминлаб Византияни олишга жўнатди. Фома ўзини камбағаллар ҳимоячиси сифатида танитиб Византия империясига қарши исён кўтарди ва 821 йили Константинополни қамал қилди. Уч йиллик урушдан сўнг (821 – 823) император Михаил II (820 – 829) болгарлар ёрдамига таяниб қамални ёриб ўтди, Фома қочди, бир оздан сўнг эса тутиб қатл этилди. Маъмун умрининг сўнги уч йилини муътазилийлар ақидасини қабул қилишдан бош тортганларга қарши курашиш билан ўтказди. Шунингдек, 829 – 832 йилларда Мисрда бўлган қўзғолонни ҳам бостиришга анча куч сарфлади. Исёни бостириш учун Мисрга укаси Муътасим бошлиқ қўшин жўнатди, лекин Муътасим қибтийлар исёнини бостиролмади. 832 йили Маъмуннинг шахсан ўзи жазо қўшинига бошчилик қилиб йўлга тушди. Ўлимидан олдин Маъмун Миср волийси Муътасимни тахт вориси деб айтиб кетди. Хуросонлик амирлар Маъмуннинг ўғли Аббоснинг тахт вориси бўлишига эриша билишмади. Аббоснинг ўзи ҳам отаси қарорига бўйсунди ва Муътасимни ҳукмдор деб тан олди.

827 йили Маъмун «Байт ул-ҳикма» («Донишмандлик уйи»)ни ташкил қилди. Бу илм масканини сосонийларнинг Жундийшопурдаги тиббиёт академиясидан таъсирланиб ташкил қилганди. «Байт ул-ҳикма»да фаолият кўрсатган таржимонлар грек, лотин, ҳинд, хитой, паҳлавий, сурёний, иброний ва бошқа кўплаб тиллардан илмий асарларни арабчага ўгиришди.

**Муътасим, Абу Исҳоқ Муҳаммад ибн Ҳорун ар-Рашид (795 – 842)** – аббосийлар сулоласининг саккизинчи ҳукмдори (833 – 842). 833 йили акаси Маъмун вафот этгандан сўнг ҳокимиятга келди. 842 йили Самаррада вафот этди.

Муътасим тахтга чиққач қўшин тузишдаги муаммоларни бартараф этишга киришди. Қўшин, асосан, эронийлардан тузилганди. Уларнинг ўрнига турклар хизматга олина бошлади. Маъмун давридаёқ 4 минг кишидан иборат гвардия тузилганди. Кўплаб гвардиячилар ўтмишда Мовароуннаҳрда олиб борилган юриш натижасида асирга тушганлар ва қўлга олинганлар эди. Бу асирларнинг бир қисми кўпинча йиллик ўлпон сифатида Бағдодга юбориларди, бошқа қисми эса Эрон ва Ўрта Осиёнинг қул бозорларида сотиб юбориларди. Уларни, асосан, мансабдорлар қўшинда мажбуран хизмат қилдириш учун олишарди. Турклардан ташқари дайламийлар, Шарқий Европа ва Шимолий Африкадан ҳайдаб келинган ёш қуллар – мамлуклар ёки ғуломлар келтириларди. Уларга махсус таълим берилар, сўнг ҳукмдорнинг хос қўшинига олинарди. Турк гвардиясини турк амир-

лари бошқарарди. Улардан, асосан, маҳаллий араблар исёнини бостиришда фойдаланишган. Маҳаллий аёлларга уйланиши қатъий тақиқланган бўлиб, улар учун шарқдан хотинлар махсус келтирилган. Турк гвардиясининг кучайиши боис, араб ва форсларнинг мавқеи тобора пасайиб борди. Гвардиячилар Бағдод аҳолиси билан такаб-буруна муомалада бўлишарди, асосан, аҳолини талаш ва зўрлаш билан шуғулланишган. Эронийлар каби энди турклар Бағдоддаги исёнларнинг асосий сабабчилари эдилар. Бундай тартибсизлик яхшилиққа олиб келмаслигини англаган Муътасим «Тинчлик шаҳри»ни тарк этишга қарор қилди. Бунинг учун Дажла дарёсининг шимолида жойлашган майдонда янги Самарра шаҳри қуришни бошлади. Самарра қарийб ярим аср (836 – 892) Аббосийлар давлати пойтахти бўлиб хизмат қилди.

Муътасим Бағдоддаги тартибсизликлар, шиалар ва суннийларнинг норозилигига қарамасдан муътазилийлар ақидасини ҳимоя қилишда давом этди. Унинг даврида ҳам Аҳмад ибн Абу Довуд (ваф. 854) муътазилий бош қози эди. Аҳмад ибн Ҳанбални ҳибсга олиб муътазилийлар ақидасини тан олишга мажбур қила билишмади. Бошқа олим Аҳмад ибн Наср Ҳузойй аҳолини исёнга чақирди. У 846 йили қўлга олинди, Восиқ томонидан сўроққа тутилди. Ҳузойй ўз ақидасидан воз кечмади, бунинг учун уни қатл этиб, бошини оммага намоёйиш қилишди.

Аббосийлар давлатида 833–847 йиллар кескин сиёсий воқеаларга бой ўтди. Муътасим бир вақтнинг ўзида Бобак қўзғолонини бостириш ва Византияга қарши уруш олиб боришга мажбур бўлди.

Муътасим Бобак исёни (816 – 837)ни бостириш учун Афшин номи турк саркардасидан фойдаланишга қарор қилди. У асли Уструшона (Самарқанд ва Хўжанд оралиғи)дан бўлиб, сарой хизматига киришдан олдин буддийликдан воз кечган ва исломни қабул қилганди. Афшиннинг ҳарбий салоҳияти Маъмун даврида – 831 – 832 йиллардаги Мисрдаги қўзғолонни бостириш пайтида ва Бағдод аҳолисини тинчитишда намоён бўлганди.

Бобак бошлиқ қўзғолончилар Муътасимнинг Византияга қарши уруш олиб бораётганидан фойдаланиб Озарбайжондан жанубдаги Табаристон, Журжон, Дайлам, Ҳамадон ва Исфаҳонгача бўлган ҳудудни босиб олишди. 835 йили Муътасим Византия билан уруш олиб бораётган ўзининг энг кучли бўлинмаларини Афшин бошчилигида Бобакка қарши жўнатди. Афшин исёнчиларни икки йил таъқиб қилди. Ниҳоят, 837 йили Бобак яширинган Арманистондаги

Арака дарёси бўйида жойлашган Аррон вилояти худудидаги База қалъасини қўлга киритди. Бобак эса ер ости йўли орқали қалъадан чиқиб Византияга қоча бошлади, лекин йўлда тутиб олинди. 838 йили Бобакни филга миндириб Самаррага келтиришди ва ўша ерда қатл этишди. Тез орада Мазяр бошлиқ Табаристондаги хуррабийлар ҳам тор-мор этилди. Энди Муътасим Византияга қарши урушни давом эттириш имконига эга бўлди.

Муътасимнинг хуррабийлар исёнини бостириш билан овора бўлганидан фойдаланган император Феофил аббосийлар чегарасидан ўтиб, бир қатор қалъаларни, жумладан, Зиберту, Сумайсат ва Малатияни босиб олди. Муътасим уларга қарши Афшин бошлиқ қўшинни юборди. Афшин византияликларни Кичик Осиёнинг ичкарасига қадар суриб чиқарди, улардан Амория қалъасини ва Анкира (Анқара) шаҳрини тортиб олди. Лекин византияликлар Афшин қўшинини тўхтатиб, уни Тарсусга чекинишга мажбур қилишди. Бу юришлар Бағдодда ва тоҳирийлар назоратидаги юрти Уструшонада Афшиннинг обрўси ошишига сабаб бўлди. Афшин тоҳирийларнинг мавқеини пасайтириш учун мустақил бўлишга интилаётган Табаристон ҳукмдорига зимдан ёрдам берди. Абдуллоҳ ибн Тоҳир оғир жанглардан сўнг Табаристон исёнини қийинчилик билан бостириб, Афшинни қўлга олишга эришди. Афшин Самаррага келтирилди, уни муртадлиқда ва хуррабийлар жосуси бўлганликда айблашди ва 841 йили қатл этилди.

**Восиқ, Абу Жаъфар Ҳорун ибн Муҳаммад Муътасим (814–847) – аббосийлар сулоласининг тўққизинчи ҳукмдори (842 – 847). 842 йили отаси Муътасим вафотидан сўнг тахтга чиққан. 842 йили Самаррада вафот этган.**

Муътасим ўрнига унинг грек хотинидан бўлган ўғли Восиқ тахтга чиқди. Восиқ отаси ва амакисининг ишини давом эттириб муътазилийларни ҳимоясига олди. Айнан унинг даврида муътазилийларга қарши бўлганлар қаттиқ жазоланди. Бу вақтда муътазилийлар давлатнинг барча юқори лавозимларини эгаллаб олишганди. Муътазилий каломчилар Бағдод, Самарра ва Басра каби йирик шаҳарлардаги масжидларни эгаллаб олишди ва ўз ақидасини ёйишга тинимсиз ҳаракат қилишди. Бу вазиятдан фойдаланиб уламолар қувватловига эришишни мўлжаллаган тоҳирийлар сунний ақидани ҳимоя қила бошлади. Тоҳирийлар аббосийларнинг тахтга ҳақли эканлигини тан олишса-да, улар билан ақида бобида келиша билмасдилар.

847 йили гвардиячилар Восикни ўлдиришди ва ҳокимият турк саркардалари ўрнатган Мутаваккилга ўтди. Шундан сўнг ҳарбийлар ҳақиқий хўжайинга айланди.

**Мутаваккил, Абул Фазл Жаъфар ибн Муътасим (821 – 861) – аббосийлар сулоласининг ўнинчи ҳукмдори (847 – 861).**

Мутаваккил тахтга чиққач муътазилийлар ва файласуфларнинг давлат томонидан ҳимоя қилинишини тўхтатди. Мутаваккил муътазилийлар етакчиси қози Аҳмад ибн Абу Довудни лавозимидан четлатиб ҳибсга олди, у 854 йили қамоқда ўлди. Аҳмад ибн Ҳанбал тавсиясига кўра бош қозилик лавозимига Ибн Ахтам тайинланди. Аҳмад ибн Ҳанбалнинг ўзи ёши ўтиб қолгани учун қозилик лавозимини рад этди.

Муътазилийларнинг қувғин қилиниши алавийлар аҳволига ҳам таъсир қилди. Мутаваккил даврида алавийлар таъқиб остига олинди. Мутаваккил 850 йили Бағдодда яшаётган барча алавийларга Самаррада тўпланишни буюрди ва уларга Мисрда яшовчи уруғларини ҳам қўшиб Мадинага сургун қилди. Мисрдаги уруғнинг айрим вакиллари буйруққа бўйсунисдан бош тортди, бунинг учун қаттиқ жазоландилар.

Мунтасир Мисрда қолган алавийларнинг давлат ерларини ижарага олишни, Миср пойтахти чегарасидан ташқарига чиқишни, от минишни, биттадан кўп қул сақлашни ва маҳкамада гувоҳлик беришларини тақиқлади. Алавийларга қарши чиқарилган мазкур фармонлар бажарилмаган бўлса-да, аббосийларнинг уларга муносабатини белгилаб берувчи муҳим омил эди.

851 йили Мутаваккил буйруғи билан Ҳусайннинг Карбалодаги қабрига сиғиниш тақиқланди. Саҳобаларни ҳақорат қилган кишилар ўлимга ҳукм этиладиган бўлди. Шиаларнинг ўнинчи имоми Ҳодий Мадинадан Самаррага мажбурлаб келтирилди ва ўша ерда 868 йили ўлди.

Мутаваккил христиан-несториан файласуфларни девондан қувиб таъқиб этди. Ундан олдинги ҳукмдорлар давридаги каби бошқа диндагиларга нисбатан кенгфеъллик тоқатсизликка алмашди. 853 йили Мутаваккил охирги йилларда христиан ва яҳудийларга қарши қўлланилмаётган қонунларни кучга киргизди. Фармонда уларнинг давлат лавозимларида ишлаши ва мактабларда араб тилини ўрганиши тақиқланди. Мутаваккил фикрича, араб тилини ўрганиш уларга маъмурий лавозимлардан бирини эгаллаш ва уларни мусулмонлар қўлидан тортиб олиш имконини берарди.



Мутаваккил ўз хавфсизлигидан хавотирланиб Жаъфария номли янги шаҳар қурдирди. Атрофидаги кишиларга ишончсизлик билан қарагани учун вазир тайинламади. Унга Фатҳ ибн Хоқон исмли киши маслаҳатчилик қилди. Фатҳ асли фарғоналик зодагонлар оиласидан чиққан турк эди. Отаси Мовароуннаҳрда Муътасим қолдирган қўшинга қўмондонлик қилган. Фатҳ аббосийлар саройига олти ёшлигида келган бўлиб, Мутаваккилнинг болалиқдаги ўртоғи эди. Бўлажак ҳукмдор билан биргалиқда бир мураббий қўлида тарбияланган, бу уларнинг кейинчалик садоқатли дўст бўлишига олиб келди. Мутаваккил Фатҳни дастлаб Самаррадаги қурилиш ишларига бошлиқ, 856 йили эса ўғли Мунтасирнинг ўрнига Миср волийлигига тайинлади. Кейинчалик Фатҳ ўз дўстини қотил тиғидан ҳимоя қилаётган пайтда ҳалок бўлди.

Ҳарбийлар Мутаваккилдан норози бўлиб уни қароргоҳида ўлдиришди ва ўғли Мунтасирни тахтга чиқаришди. Қизиги шундаки, Мутаваккилни ўлдирганлар акаси Восиқни ўлдириб уни ҳокимиятга келтирган гвардиячи турклар эди. Мутаваккилнинг ўлими ўн йил давом этган сарой фитналарининг бошланиши бўлди. Ўн йил ичида тўртта ҳукмдор келиб-кетди. Уларнинг камида учтаси ўлдирилди.

**Мунтасир, Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Мутаваккил** (836 – 862) – *аббосийлар сулоласининг ўн биринчи ҳукмдори (861 – 862). 861 йил 11 декабрда тахтга ўтирган. 862 йил 29 майда вафот этган.*

Мунтасирни турклар тахтга чиқаришига қарамай, у мустақил ҳукмдор бўлишга интиларди. Бу туркларга ёқмади ва орада келиб чиққан тушунмовчилик фожиа билан тугади. Мунтасир ҳукмронлигининг 6 ойида турклар томонидан ўлдирилди.

**Мустаъин, Абул Аббос Аҳмад ибн Муътасим** (835 – 866) – *аббосийлар сулоласининг ўн иккинчи ҳукмдори (862 – 866). Мунтасир вафот этган кунини –862 йил 29 майда тахтга чиққан. 866 йил 25 январда вафот этган.*

Мунтасирни йўқ қилган турк саркардалар тахтга унинг ўғли Мустаъинни ўтқазди. Бунга фитначиларнинг барчаси қўшилмаганди. Ҳарбийлардан бир гуруҳи янги ҳукмдорни лаёқатсизликда айблаб уни қўлламасликларини маълум қилишди. Мунтасир душманлари уни Самаррадан Бағдодга қувишди, қамоқдан Муътазни чиқариб ҳукмдор деб эълон қилишди. Бир сўз билан айтганда, Бағдодда Мустаъин, Самаррада Муътаз ҳукмдор бўлиб олди. 865 йили Муътазни тўлиқ ҳукмдор қилишни истаган турклар Бағдодга юриш уюшти-

ришди. Бағдодликлар олдинлари юз берган ҳодисалардан хулоса чиқариб моллари ва жонларини ҳимоя қилиш мақсадида урушишга қарор беришди. Муътазни ҳукмдор қилиш учун қон тўкаётган кишилар Бағдодни деярли бир йил қамалга олишди. Бағдод мудофаасини шаҳар миршабларига раҳбарлик қилаётган тоҳирий амирлар бошқарди. Улар ўз атрофида барча диндаги кишиларни бирлаштиришга эришди. Мантиқсиз жанглар натижасида шаҳар атрофидаги манзилгоҳлар шип-шийдон қилинди. Иложсиз қолган бағдодликлар бўйин эгишга мажбур бўлишди. Мустаъин тахтдан воз кечди, лекин бу уни ўлимдан қутқариб қолмади, боёқишни қатл этишди.

**Муътаз, Абдуллоҳ ибн Мутаваккил** (846 – 869) – *аббосийлар сулоласининг ўн учинчи ҳукмдори* (866 – 869). 866 йил 25 январда – *отаси тахтдан туширилган кун* – ҳукмдор бўлди. 869 йил 11 июлда ўзи ҳам тахтдан ағдарилган.

Муътаз Бағдодни олгач Мисрда ҳокимиятини мустаҳкамлаш мақсадида ўз ноибини, молия устидан назорат ўрнатиш учун эса турк саркардаси Аҳмад ибн Тулунни юборди. Орадан кўп ўтмай Аҳмад ибн Тулун у ерда мустақил давлат тузди. 868 йили Аҳмад ибн Тулун Миср устидан тўла назорат ўрнатди ва мустақил бўлиб олди, ҳаттоки Суриянинг бир қисмини ҳам ўз давлати таркибига киритишга эришди. Муътаз уч йиллик ҳукмронлиги давомида давлатни тўла турклар қўлига топшириб қўйди. турклар уни тахтдан воз кечишга мажбур қилишди, кейинроқ эса ўлдириб юборишди.

**Муҳтадий, Абу Исҳоқ Муҳаммад ибн Восиқ** (832 – 870) – *аббосийлар сулоласининг ўн тўртинчи ҳукмдори* (869 – 870). *Бир йилга яқин ҳукмдорлик қилиб, 870 йил июнда қулатилди.*

Муътаз ўлдирилгач, тахтга Муҳтадий чиқди. Унинг ҳукмронлиги олти ойдан ошмади.

**Муътамид, Абул Аббос Аҳмад ибн Мутаваккал ибн Жаъфар ибн Муътасим** (844 – 892) – *аббосийлар сулоласининг ўн бешинчи ҳукмдори* (870 – 892). *Амалда Муваффақ Абу Аҳмад Талҳа ибн Жаъфар* (842 – 891) *ҳукмдор бўлган* (870 – 891).

Муҳтадий қулатилгач, Муътамид тахтга чиқди. У йигирма йилдан ошиқроқ ҳукмдорлик қилган. Бунга унинг ўта ёшлиги ҳам сабаб бўлгандир, эҳтимол. Муҳтадий давлатни иккига бўлиб, ўғли Жаъфарга Африка, Миср ва Сурия бошқарувини топширди, акаси Муваффаққа Ироқ, Эрон ва Арабистонни берди. Муҳтадий Самаррада осуда ҳаёт кечирди. Давлатни амалда унинг акаси Муваффақ (ваф. 891) бошқарди. Муваффақ Аббосийлар давлатини сақлаб

қолиш учун анча тер тўқди. Шарқда Тоҳирийлар давлати ўрнига тузилган Саффорийлар давлатини тугатишга уринди, бунинг учун ўзини мустақил деб эълон қилган сомонийларни саффорийларга қарши уриштириш ҳақида бош қотирди.

869 йили занжийлар қўзғолони бошланди. Ўзини Али авлоди деб таништирган Али ибн Муҳаммад деган киши исёнга бошчилик қилди. У Басра атрофида 15 мингга яқин кишини тўплади. Исён раҳбарининг ғоялари азрақийлар ақидасига мос келарди. Лекин буни тушунишга умри қулликда ўтаётган занжийларнинг ақли етмасди. Бечораларни қурол кўтаришга истибдод ва зулм мажбур қилган. Улар ўз хўжайинларини тарк этиб, Жанубий Ироқда тартибсизликлар келтириб чиқардилар, кўп жойларни вайрон қилдилар. Улар талаган жойларда ўрнашиб янги ҳаёт қуришни хаёлларига ҳам келтиришмасди. 869 йили Убулла ва Абаданни эгаллаб талашди. Ҳукумат юборган бир қанча бўлинмаларни тор-мор этиб, Хузистон ва Аҳвазни қўлга киритишди. Ўша йили биринчи марта Басрага ҳужум қилишди. Шаҳар атрофини талашди, ер эгаларини ўлдириб анча-мунча мол-дунё ва қурол-яроғни қўлга киритишди. 871 йили Басрага ҳужум қилиб шаҳарни эгаллашди ва у ерда қирғинбарот уюштиришди. Басрани олишга Муҳаллабий номли азрақий бошчилик қилганди. У талончиликка рухсат бериб аббосийларни лаънатлашни йўлга қўйди. Тарихчи Масъудийга кўра, занжийлар кўплаб басраликларни қулликка олишган. Улар қул бозорида қурайшлик ва алавий аёлларни сотиб юборишган.

Орадан кўп ўтмай ўтмишда қул бўлган занжийларнинг ўзлари қулдорларга айланишди. 879 йили Васит шаҳрини истило қилиб Бағдоддан Форс кўрфазига чиқадиган йўлларни эгаллаб олишди. Шимолга юриш қилган занжийлар Бағдоднинг ўзига таҳдид сола бошлади. Муваффақ хавфни англаб ўғли Муътаמידни занжийларга қарши курашишга юборди. Муътаמיד бошлиқ қўшин Васитни занжийлардан тозалади. Лекин занжийлар исёнини тўла бостиришга ўн беш йилга яқин вақт кетди. Занжийларнинг йўқотадиган нарсаси бўлмагани учун ўч олиш мақсадида қаттиқ жанг қилишарди. Улар босиб олган шаҳарларини ушлаб туриш қийинлигини яхши англашар, шу боис ҳамма жойни вайрон қилишарди ва Қуйи Ироқ томон силжишарди. У ерда занжийлар ботқоқзорлардан бошпана топишди ва Шатт ал-араб оролларида қароргоҳ қуришди. Шу ердан карвон ва кемаларга ҳужум қилиб кун кўришди. Асосан, отликлардан ташкил топган аббосийлар қўшини ботқоқзорларда уруш олиб бо-

ришга ожиз эди. Қайиқлар яшаш, аскарларни кичик гуруҳларга бўлиб қамишзорлар орасига киргизиб жанг қилишдан бошқа йўл топа олишмади. Қўшин орасида бўлган қора танли қуллар занжийлар томонга қочиб ўтарди.

Муътамид занжийларга қарши курашиш қанчалик қийинлигини энди пайқади. Бу орада занжийларга иттифоқчи ҳам топилиб қолди. Сижистонда ҳукмронлик қилаётган Ёқуб Саффор Бағдодни эгаллаш учун юриш бошлади. Муваффақ қўшини бир амаллаб Бағдодга бостириб келаётган саффорийлар қўшинини енгди. 876 йили занжийлар билан бирлашиш учун кетаётган Хузистон ноибни қўшини Сусда тор-мор этилди. Шундан сўнггина Муваффақ занжийларга қарши кенг кўламда ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш имконига эга бўлди. 880 йили ўғли бошчилигида қўшин жўнатди, лекин қўшин тайинли натижага эришолмади. 883 йили Муваффақнинг ўзи юришга бошчилик қилди. Муваффақ қўшини кўп сонли дарё кемаларига эга эди. Қўшин секин-аста занжийларни таъқиб эта бошлади, ҳужум қилиб занжийлар истеҳкомларини бирин-кетин эгаллашга киришди. Бир вақтнинг ўзида таслим бўлган занжийларни авф этиш эълон қилинди. Ниҳоят, қўшин исёнчилар яширинган жойга етиб келди. Муваффақ Али ибн Муҳаммадга, агар таслим бўлса, омонлик берилишини айтди. Исён раҳбари Али унинг таклифини рад этди. Шундан сўнг узоқ давом этган қамал бошланди. 883 йили занжийлар қароргоҳи қулади, Али ўлдирилди. Муваффақ қўшинни олиб Бағдодга қайтди.

891 йили Аббосийлар давлатининг амалдаги ҳукмдори Муваффақ вафот этди. У ўлими олдидан грек хотинидан туғилган ўғлини тахт вориси деб эълон қилишга улгурганди.

**Муътазид, Абул Аббос Аҳмад ибн Муваффақ ибн Мутаваккил (861 – 908) – аббосийлар сулоласининг ўн олтинчи ҳукмдори (892 – 902).**

Муътамид ўлгач, Муваффақнинг ўғли Муътазид номи билан тахтга ўтирди. Муътазид тахтга чиққанда, хазина бўшаган, кўплаб минтақалар аллақачон мустақилликни қўлга киритган, аббосийларнинг олдинги шон-шуҳратидан асар ҳам қолмаганди. Унинг даврида Табаристон ва Форсдаги исёнлар бостирилди. Муътазид каломга оид асарлар тарқатилишини тақиқлади. Ҳуқуқ соҳасидаги масалаларда ҳанбалийларга ён босди. Кейинроқ, молиявий муаммолар кўпайиб кетгани учун, маволий ва шиаларга мурожаат қилишга мажбур бўлди. Унинг ўтмишдошлари исломни қабул

қилган кишиларни давлат хизматига олишни йўлга қўйишганди. Масалан, Муваффақ несториан Саид ибн Махладни хизматга олган, у ҳам бир қанча собиқ ақидадошларини сарой хизматига тортганди. Саид ибн Махлад бир қатор айблар билан орадан кўп ўтмай саройдан четлатилган бўлса-да, ғайридинларни давлат хизматига олиш сақланиб қолди. Бу имтиёздан, айниқса, турк амирлари унумли фойдаланишди. Муътадид шиаларни юқори лавозимларга тайинлашни жорий қилди, у ҳаттоки шиалар ҳурматини қозониш учун бир қатор ён босишларга борган. Исрофгар ва давлат бошқарувидан беҳабар ҳукмдор шиаларга молиявий жиҳатдан қарам бўлиб қолди.

**Муктафий, Абу Аҳмад ибн Муътазид** (876 – 908) – *аббосийлар сулоласининг ўн еттинчи ҳукмдори (902 – 908). 902 йил апрелда тахтга чиққан. 908 йил 13 августда вафот этган.*

Муътазид ўлгач, унинг ўрнига ўғли Муктафий тахтга ўтқазилди. Муктафий олти йиллик ҳукдорлик даврида давлат мулкани талон-торож қилувчиларга қарши қаттиқ кураш олиб борди. Бунинг учун вазирликка Қосим ибн Убайдуллоҳни тайинлади. Ислоҳотчи ҳукмдор ҳарбийларнинг жоловини тортиб қўйиш шарт деган қарорга келди ва турк саркардаси Бадрни лавозимидан олиб ташлади. Натижада турк амирларининг давлат устидан ўрнатган назорати маълум бир вақтгача тўхтатилди, ҳарбий ишлар бўйича энди вазир жавобгар шахс бўлиб қолди. Ҳарбий ва фуқаролик ишлари бўйича барча ишлар юклатилган вазир давлатнинг ҳақиқий ҳукмдорига айланганди. Давлат марказдан назорат қилинадиган бўлди. Қисқа муддатда Аббосийлар давлатида тартиб ўрнатилди.

Муътадид даврида бўлгани каби, Муктафий даврида ҳам молиявий ишларни шиалар тўлиқ назорат қилишарди. Улар ҳукмдорнинг мутелигидан фойдаланиб давлат мулкани ўзлаштиришган. Вазир Қосим шиаларнинг молиявий қаллобликлари пайини қирқишга уриниб кўрди, 904 йили молия девони раҳбари Аҳмад ибн Фурот ўлди. Қосим унинг ўрнига укаси Али ибн Фуротни яқинлаштирмасликка уринди, лекин вазир орадан кўп ўтмай вафот этди. У ака-укаларнинг молиявий қаллобликларига хотима беришга улгурмади. Унинг ўрнига вазир бўлган Аббос марҳум Қосимнинг бошлаган текширувини охирига етказмади ва Али ибн Фурот (855 – 924) молия девонини бошқаришда давом этди.

Муктафий тулунийлар ҳукмронлик қилаётган Миср ва Сурияда муваффақиятга эришди. IX асрнинг сўнги ўн йилликларида исмоилийлардан ажралиб чиққан қарматлар ҳаракати пайдо бўлди. Тулу-

нийлар ашаддий шиаларга мансуб қарматларга қарши кураша билишмади. Қарматлар Арабистон ва Баҳрайнда мустаҳкам ўрнашиб олди ҳамда Жанубий Ироқ ва Сурия шаҳарларига босқинчилик ҳужумларини ташкиллаштирди.

903 йили Муктафий қўшини қарматларни Суриядан қувиб чиқарди. 905 йили тулунийларнинг заифлигидан фойдаланиб Сурия ва Мисрни тўлиқ эгаллаб олди. Миср пойтахти Фустат ишғол қилинди, тулунийлар сулоласининг сўнгги вакиллари Бағдодга сургун қилинди. Шу тариқа Сурия ва Миср Аббосийлар давлати таркибига қайтадан қўшиб олинди.

**Муқтадир, Абул Фазл Жаъфар ибн Муътазид (895 – 932) – аббосийлар сулоласининг ўн саккизинчи ҳукмдори (908 – 932).**

908 йили, Муктафий вафотидан сўнг, давлат чуқур сиёсий ва иқтисодий инқирозга йўлиқди. Муктафийнинг фарзандлари жуда кичик эди. Унинг укаси Жаъфар энди 13 га тўлганди. Тахтга яна бир номзод бор бўлиб, у Муътазнинг ўғли эди. У жуда яхши таълим олган, тилшунослик ва адабиёт бўйича бир қанча асарлар ҳам битганди. Хуллас, уни давлатни бошқаришда 13 яшар болага таққослаб бўлмасди. Лекин давлат иқтисоди устидан тўла назорат ўрнатган шиалар ёш бола номидан хоҳлаган ишни қилиш мумкинлигини англаганлари учун Жаъфарни Муқтадир номи билан тахтга чиқаришди. Муътазнинг ўғли тарафдорлари бунга чидаб туролмадилар ва фитна уюштириб вазир Аббосни ўлдирдилар. Муқтадир тасодифан қутулиб қолди. Ибн Муътаз ҳукмдор деб эълон қилинди, лекин у тахтда бор-йўғи бир кун (908 йил 17 декабрь) ўтирди. Эртаси куни уни тарафдорлари билан биргаликда тутиб қатл этишди. Муқтадир яна тахтга ўтқазиб қўйилди.

Муқтадир номидан онаси, тоғаси ва бир қанча зодагонлар истибдод ўрнатиб халқни талади. Унинг ҳукмдорлик даврида 14 та вазир алмашди. Вазир хоҳ шиа, хоҳ сунний бўлсин тайинланаверарди. Вазирларнинг кўпчилиги исломни янги қабул қилганлар, баъзилари юқори лавозимни эгаллашларидан бироз олдин мусулмон бўлганлар эди. Муқтадир ҳукмронлигининг дастлабки йиллари вазирлар давлатни тўлиқ бошқарарди.

924 йили қарматлар ҳаж қилиш ниятида Бағдоддан Маккага қараб йўлга чиққан кишиларни талашди. Шундан сўнг Муқтадир Али ибн Фуротни лавозимидан олиб ташлаб, ўрнига турк саркардаси Мунисни тайинлади. Мунис бундан бироз олдин Али ибн Фурот буйруғи билан Бағдоддан сургун қилинганди.

924 йили давлатнинг асл хўжайини Али ибн Фурот бир гуруҳ фитначилар томонидан ўлдирилди. У вазирлик даврида ўз атрофига фақат шиаларни тўплаган ва улар ёрдамида давлатнинг иқтисодини осонгина бошқарди.

Мунис чекланмаган ҳуқуқларга эга бўлгач ўзининг ашаддий душманларига қарши кураш бошлади. Энди у Муқтадирнинг гапига қулоқ солмасди. Бир неча бор Мисрни олишга уринган фотимийларни мағлуб этиши Муниснинг обрўсини ошириб юборди. Шунингдек, Бағдодни вайрон қилмоқчи бўлган қарматларни ҳам мағлубиятга учратган. Мазкур ғалабалардан руҳланган Мунис ўзича энди давлатни қўлга киритишга барча йўллар очилган деб ўйлади. 929 йили Бағдодда бўлаётган ғалаёндан фойдаланиб давлат тўнтариши қилишга уринди. Муқтадир ҳокимиятдан четлатилди ва бироз вақт пойтахтдан узоқда яшашга мажбур бўлди, тахтга унинг укаси ўтқазилди. Муқтадир тарафдорлари тахтни қайтариб олиб беришди. Лекин 932 йили Мунис Муқтадирга қарши очикдан-очик исён кўтарди. Фитна амалга ошиб, Муқтадир Бағдоддан қочди ва унга қарши кучлар билан бўлган жангда ўлди.

**Қоҳир, Абу Мансур Муҳаммад ибн Муътазид** (899 – 950) – *аббосийлар сулоласининг йигирманчи ҳукмдори (932 – 934). Муқтадир ўлдирилгандан сўнг, 932 йили, тахтни эгаллади. Ёмон ахлоқли бўлгани учун, 934 йили тахтдан қулатилди ва кўзлари ўйиб олинди.*

Ғалабани нишонлаган Мунис Навбахт оиласига мансуб эътиборли шиа зодагонлари билан маслаҳатлашиб тахтга Қоҳирни ўтқазди. Бироқ Муниснинг режалари чиппакка чиқди. Қоҳир ҳокимият тепасига келибоқ шоша-пиша Мунисни қатл эттирди.

**Розий, Абул Аббос Аҳмад ибн Муқтадир** (909 – 940) – *аббосийлар сулоласининг йигирма иккинчи ҳукмдори (934 – 940). Қоҳир тахтдан қулатилгач, ўрнига келган.*

**Муттақий, Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Муқтадир** (908 – 968) – *аббосийлар сулоласи ҳукмдори (940 – 944). Акаси Розий вафотидан сўнг тахтга чиққан. Номигагина ҳукмронлик қилган. 944 йили тахтдан қулатилиб, ўлгунча (968) зиндонда сақланган.*

Қоҳирнинг ўрнига ҳукмдор бўлган Розий 936 йили «амир ул-умаро» лавозимига Васит ва Жанубий Ироқ ҳукмдори хазар Ибн Роикни тайинлади. У ўзининг турк ёрдамчиси Божкомни маҳаллий ҳукмдор Абу Абдуллоҳ Баридийни бўйсундириш учун Хузистонга жўнатди. Божком Хузистонни қўлга киритишга эришди. 938 йили

Божком «амир ул-умаро» унвонини Ибн Роикдан олиб қўйди. Лекин 940 йили Муттакий даврида Божком ўлдирилди, Ибн Роик яна бош қўмондон бўлиб олди. Ибн Роикнинг ўзи ҳам 942 йили ҳамадонийлар билан кечган жангда ўлдирилди. Бундай фитналардан безор бўлган машҳур аллома Абу Наср Форобий 942 йили Бағдодни тарк этди.

945 йили бувайҳий амир Муиззуддавла жиддий қаршиликка учрамай Бағдодга бостириб кирди. Аббосийлар энди амалда бутунлай ҳукмронликдан ажрашди. Аббосийларга қарашли ерлар Бувайҳийлар давлати таркибига қўшиб олинди. Аббосийлар сулоласи ҳукмдорлари бувайҳий амирлар томонидан қўйиладиган бўлди. Бувайҳийлар шиаликнинг исношарийлар фирқасига мансуб эди ва ўз ақидаларини Бағдоднинг ўзида ҳам хотиржам тарқатиш имконига эга бўлдилар.

## ЭРОН ВА ЎРТА ОСИЁ АББОСИЙЛАР ДАВРИДА

**Эрон Аббосийлар давлати таркибида.** Аббосийлар ҳокимиятни олгач оддий халққа берган ваъдаларини унутди. Лекин давлатни сақлаб қолиш учун вилоятлардаги зодагонлар билан яхши алоқа ўрнатилди. Форс ва бошқа миллат кишилари сарой хизматига олинди.

751 йили Бухоро воҳасида шиаликка мансуб Шарик Маҳрий исёни бошланди. У Бухоро атрофидан 30 мингга яқин кишини тўплади. Исён бостирилиб, қўзғолончилар жазоланди.

755 йили Абу Муслим ҳаж қилиш учун йўлга чиқди. Сафар давомида аббосийларнинг ўша пайтдаги пойтахти Куфани четлаб ўтолмасди. Хуросон ноиб Абу Жаъфар Мансур олдига кирди, уни яхши кутиб олишди. Кейинги куни эса якка ўзи келган Абу Муслим ўлдирилди. Аббосийлар ўзларини тахтга чиқаришга катта хизмат қилган кишини ана шундай «мукофотлашди». Бу хабар яшин тезлигида Хуросон ва Мовароуннаҳрга тарқалди. У ҳақда кўплаб афсоналар тўқилди. Маздакийлар (хуррабийлар) эса уни маздакийлар раҳнамоси ўлдирилди дея аза тутишди, аслида, Абу Муслим маздакий бўлмаган.

**Исёнлар.** 755 йили Нишопур ва Рай шаҳарларида Сунбод бошчилигида исён кўтарилди. Қўзғолонга Абу Муслимнинг ўлдирилиш сабаб қилиб кўрсатилади. Сунбод мажусий эди, у ўз атрофига кўплаб мажусийларни йиғишга эришди. Ундан ташқари



исёнда маздакийлар ва шиалар ҳам қатнашди. Бундан кўриниб турибдики, ислом дини Эронда ҳали тўлиқ тарқалмаган. Исёнчилар Нишопур, Кумис, Рай шаҳарлари ва уларнинг атрофларини эгаллашди. Райда Абу Муслимнинг Марвдан келтирган хазинаси исёнчилар қўлига тушди. Абу Жаъфар исённи бостириш учун 10 минг кишилик қўшин жўнатди. Рай ва Ҳамадон оралиғидаги худудда юз берган жангда исёнчилар ҳалокатга учради, уларнинг қолган-қутгани қочиб қутулди. Сунбод орадан кўп ўтмай тутиб ўлдирилди.

Маздакийлар хуррабийлар номи остида Эрон, Озарбайжон ва Мовароуннаҳрда аҳолини курашга чақира бошлади. Уларнинг бир қанча оқимлари бор эди: муслимия, моҳония, кудакия, аспиджомакия (сафид жомагон) ва б. Муслимия фирқаси Форс ва Ҳузистонда, моҳония фирқаси эса Мовароуннаҳрда кенг тарқалган. Муслимия фирқаси ақидаси бўйича улуғ инсонлар ўлганидан сўнг илоҳийлашиб кетарди. Шунинг учун улар Абу Муслим номини ниқоб қилиб одамларни залолатга етаклай бошлади.

Мовароуннаҳрда тарқалган фирқа аспиджомакийлар эди. Бу тарихда Муқанна қўзғолони номи билан маълум.

767 йили «пайғамбар» Устод Сиса бошлиқ хуросонликлар исён кўтарди.

778 – 779 йилларда Журжонда сурхи алам (арабча, муҳаммира, ўзбекча, қизил байроқ)лар қўзғолони бошланди.

816 – 837 йилларда Озарбайжон ва Ғарбий Эронда Бобак бошлиқ қўзғолон бўлиб ўтди. Исёнчилар 820, 823, 827 йилларда араб қўшинини мағлуб этишди. Афшин бошчилигидаги қўшин 835 йили Бобак қўшинини тор-мор келтирди. Муътасим буйруғи билан Бобак 837 йил 4 сентябрда қатл этилди.

839 йили Табаристон (Мозандарон)да Мадёр исмли кимса бошчилигида қўзғолон бўлди.

**Тоҳирийлар (821 – 873) – Хуросон (Шарқий Эрон)да ҳукмронлик қилган сулола. Тоҳирийларнинг аждоди Розик VII аср охирида исломни қабул қилиб, арабларнинг ҳузоа қабиласига қўшилди. Розикнинг ўғли Мусъаб ва Мусъабнинг ўғли Ҳусайн (ваф. 814) Ҳирот вилоятидаги Бушенг шаҳрини назорат қилишган. Сулола асосчиси Тоҳир Ҳусайннинг ўғли эди.**

## Тоҳирийлар сулоласи ҳукмдорлари<sup>1</sup>

т/р	ҳукмдорлар	ҳукрмонлик йиллари
1.	Тоҳир I ибн Ҳусайн	821 – 822
2.	Талҳа ибн Тоҳир I	822 – 828
3.	Али <sup>1</sup> ибн Тоҳир I	828 – 830
4.	Абдуллоҳ ибн Тоҳир I	830 – 844
5.	Тоҳир II ибн Абдуллоҳ	844 – 862
6.	Муҳаммад ибн Тоҳир II	862 – 873

Тоҳир ибн Ҳусайн ибн Мусъаб (776 – 822) Маъмуннинг саркарда-си эди. У Самарқанддаги Рофеъ ибн Лайс исёни (806 – 810)ни бос-тириш чоғида Маъмун эътиборига тушган. 811 йили Амин ва Маъ-мун ўртасидаги зиддият вақтида Маъмун қўшинига саркарда этиб тайинланди. Уруш тугаб, Маъмун тахтга чиққач (813), Тоҳир Жазира (Месопотамия) ноиби, Аббосийлар давлатининг ҳарбий бошлиғи ва Ироқда ҳашар ишларига масъул этиб тайинланди. Бироқ Бағдодда исёнчиларни тинчитиш муваффақият келтирмади. Тоҳир 821 йили Хуросон ва Мовароуннаҳр ноиби этиб тайинланди. Тоҳир Бағдодда ўз ўрнига ўғли Абдуллоҳни қолдириб Хуросонга йўл олди. 822 йили Марвда жума намози хутбасида Маъмун ўрнига ўз номини ўқитади. Бу ўзини мустақил деб эълон қилишни англатарди. Орадан кўп ўтмай Тоҳир вафот этди. Тоҳир вафотидан сўнг Хуросонни унинг ўғиллари навбат билан идора қилди. Абдуллоҳ ҳукмронлиги пайтида (830 – 844) пойтахт Марвдан Нишопурга кўчирилди.

Тоҳир II даврида Сейистонда Ёқуб ибн Лайс бошлиқ ҳаракат бошланди. Муҳаммадни айнан Ёқуб ибн Лайс бошлиқ саффорий-лар қўшини 873 йили жангда мағлуб этиб Тоҳирийлар давлатини қулатди. Муҳаммад асирга олиниб, фақат 876 йили озод қилинди. У бир неча марта Хуросон ноиблигига тайинланди. Укаси Ҳусайн Хоразмга кетиб, 874 йили Бухорони олишда муваффақиятсизликка учрагач Марвирудга келди ва 876 йили Ёқубни мағлуб қилиб Нишопурни эгаллади. Лекин 877 йили Нишопурни тарк этишга маж-бур бўлди. Тоҳир II нинг укалари яна бир қанча муддат Бағдодда ҳарбий бошлиқ лавозимида фаолият кўрсатишди. Улардан бири Убайдуллоҳ вафотигача (913) ҳузоя қабиласи оқсоқоли ҳисобланган.

<sup>1</sup> Али Абдуллоҳнинг вакили сифатида фаолият кўрсатган.

Тоҳирийлар маҳаллий аҳолидан чиққан биринчи сулола бўлиб, халикалик шарқий ҳудудларининг Бағдоддан ажралиб чиқишига пойдевор қўйишганди.

**Саффорийлар (873 – 900, Хуросон) – Тоҳирийлар давлатини қулатиб Хуросонни бошқарган сулола. 900 йили сомонийлар саффорийларни мағлуб этиб улардан Хуросонни тортиб олди. Шундан сўнг саффорийлар фақат Сейистонда бошқа давлатлар мустамлакаси сифатида 1495 йилгача сақланиб қолди.**

### Саффорийлар давлати ҳукмдорлари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Ёқуб ибн Лайс	861 – 878
2.	Амр ибн Лайс	878 – 901
3.	Тоҳир ибн Муҳаммад ибн Амр	901 – 908
4.	Лайс ибн Али ибн Лайс	908 – 910
5.	Муҳаммад ибн Али ибн Лайс	910 – 911
6.	Амр ибн Ёқуб ибн Муҳаммад	912 – 913
7.	Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Халаф	922 – 963
8.	Халаф ибн Аҳмад	963 – 1003
9.	Тоҳир ибн Халаф	1003 – 1029
10.	Наср ибн Аҳмад ибн Халаф	1029 – 1073
11.	Тоҳир ибн Наср	1073 – 1090
12.	Халаф ибн Наср	1090 – 1103
13.	Наср ибн Наср	1103 – 1164
14.	Муҳаммад ибн Наср	1164 – 1167
15.	Тожиддин ибн Иззулмулк ибн Наср	1167 – 1215
16.	Шамсиддин Баҳромшоҳ	1215 – 1221
17.	Тожиддин Наср III	1221
18.	Рукниддин Абу Мансур	1221 – 1222
19.	Шаҳобиддин Маҳмуд I	1222 – 1225
20.	Али I	1225 – 1229
21.	Шамсиддин Али II	1229 – 1254
22.	Насриддин	1254 – 1328

23.	Нусратиддин	1328 – 1331
24.	Муҳаммад II	1331 – 1346
25.	Тожиддин I	1346 – 1350
26.	Маҳмуд II	1350 – 1362
27.	Иззиддин	1362 – 1382
28.	Қутбиддин I	1382 – 1386
29.	Тожиддин II	1386 – 1403
30.	Қутбиддин II	1403 – 1419
31.	Шамсиддин	1419 – 1438
32.	Низомиддин Яҳё	1438 – 1480
33.	Муҳаммад III	1480 – 1495

1. 911 йили давлатни сомонийлар биринчи марта эгаллашди.
2. 912 йили сомонийлар иккинчи марта олишди (912 – 923).
3. 1003 йили Маҳмуд Ғазнавий забт этди (1003 – 1048).
4. 1048 йилдан салжуқийларга тобе (1048 – 1158).
5. 1221 йилдан мўғулларга қарам (1221 – 1353).
6. 1386 йилдан теурийларга тобе (1386 – 1405).

**Сомонийлар давлати.** *Пойтахти – Бухоро шаҳри (ҳозирги Бухоро, Ўзбекистон). Ҳудуди – 2,85 млн км<sup>2</sup> (928). Давлат тузуми – монархия. Давлат тили – дарий тили.*

### Сомонийлар давлати ҳукмдорлари (875 – 999)

т/р	ҳукмдорлар	ҳукрмонлик йиллари
1.	Исмоил ибн Аҳмад	875 – 907
2.	Аҳмад ибн Исмоил	907 – 914
3.	Наср II ибн Аҳмад	914 – 943
4.	Нух ибн Наср	943 – 954
5.	Абдулмалик I ибн Нух	954 – 961
6.	Мансур ибн Абдулмалик	961 – 976
7.	Нух ибн Мансур	976 – 997
8.	Мансур ибн Нух	997 – 999

Қуйидаги сомоний амирлар Бухорони қайтариб олиш учун қоракхонийларга қарши курашган:

1.	Абдулмалик II ибн Мансур	999 – 1000
2.	Исмоил Мунтасир	1000 – 1005

### **Аббосийларга тобе (875 йилгача) ва мустақил Сомонийлар давлати амирлари**

#### **Самарқанд волийлари**

1. Нуҳ ибн Асад (819 – 842).
2. Аҳмад ибн Асад (842 – 864).
3. Яҳё ибн Асад (842 – 855).
4. Наср ибн Аҳмад (864 – 875).

#### **Фарғона волийлари**

1. Аҳмад ибн Асад (819 – 842).
2. Исҳоқ ибн Аҳмад (864 – 907).
3. Муҳаммад ибн Исҳоқ (904).
4. Муҳаммад ибн Асад (915).

#### **Шош волийлари**

1. Яҳё ибн Асад (819 – 855).
2. Муҳаммад ибн Нуҳ (855).
3. Ёқуб ибн Аҳмад (855).

#### **Ҳирот волийлари**

1. Илёс ибн Аҳмад (819 – 856).
2. Иброҳим ибн Илёс (856 – ?)

### **МОВАРОУННАҲРДА СОМОНИЙЛАР ҲУКМРОНЛИГИ**

819 йили сомонийлар хонадони вакиллари Мовароуннаҳрнинг Самарқанд, Фарғона, Шош ва Уструшона вилоятлари волийси этиб тайинланди. 864 йили, Аҳмад ибн Нуҳ вафотидан сўнг, унинг ўғли Наср

Самарқанд волийси бўлди. 873 йили Тоҳирийлар давлати тугатилгач, Наср Мовароуннаҳрнинг мустақил бўлиши учун ҳаракат бошлади. Бухоро аҳли Самарқанд амири Насрга мурожаат этиб бирор кишини ўзларига ҳоким қилиб юборишини сўрашди. Наср ўз укаси Исмоилни Бухорога ҳоким этиб тайинлади. Энди бутун Мовароуннаҳрда сомонийлар мустақил ҳукмронлик қилишга киришди. Наср ўзини бутун Мовароуннаҳр ҳукмдори деб ҳисоблай бошлади ва кумуш дирҳам зарб эттирди. Лекин укаси Исмоил унга бўйсунмаслигини маълум қилди. 888 йили ака-ука ўртасида жанг бўлди. Жангда Наср қўшини мағлубиятга учради. Исмоил шундан сўнг Мовароуннаҳр ҳукмдори бўлиб олди. У 893 йили қўшин тортиб кўчманчиларга қақшатқич зарба берди ва Тароз шаҳрини эгаллади. Аббосийлар Мовароуннаҳрдаги мулклари қўлдан кетишини сира хоҳлашмасди, шунинг учун Тоҳирийлар давлати ўрнида ташкил топган Саффорийлар давлати раҳбарларини сомонийларга қарши гижгижлашди.

900 йили Исмоил қўшини саффорийларни мағлубиятга учратди ва бутун Хуросонни қўлга киритди. Аббосийлар Исмоилни Мовароуннаҳр ва Хуросон ҳукмдори деб тан олиб ёрлиқ юборишга мажбур бўлди. Шундай қилиб, аббосийлар Мовароуннаҳр ва Хуросондан абадулабад ажралишди.

Исмоил Сомоний ва ундан кейинги ҳукмдорларнинг ярим асрлик ҳукмронлиги даврида Мовароуннаҳр ва Хуросон жуда тез ривожланди. Давлат ҳарбий қўмондонлари, асосан, турклардан эди. Ҳукмдорлар уларга яхши маош тўлашга мажбур бўлишган. Давлат томонидан қилинган турли-туман сарф-харажатлар аҳоли зиммасига оғир юк эди. 942 йили аҳолидан икки марта солиқ йиғиштириб олинди. Бу эса сомонийларга қарши кайфиятнинг оммалашишига туртки берди. 947 йили Нуҳ ибн Насрнинг амакиси Иброҳим ибн Аҳмад исён кўтарди. У турк гвардияси ва чағониёнлик зодагон Абу Али Чағоний ёрдамида тахтни қисқа муддат эгаллади. Орадан кўп ўтмай Абу Али Чағонийнинг ўзи ғалаён бошлади. Нуҳ ибн Наср (943 – 954) исённи бостиролмади. 952 йили Чағонийни Чағониёнга, кейинроқ эса Хуросонга ҳоким этиб тайинлади. 961 йили турк гвардияси исён кўтариб Бухорода хунрезлик қилди. Бу каби тартибсизликлар Сомонийлар давлатини ичдан емира бошлади.

992 йили қорахонийлар ҳукмдори Ҳасан Буғро Мовароуннаҳрга ҳужум бошлади. Унинг юришида Шош, Фарғона ва бошқа вилоятлардаги туркий қабилалар ҳам фаол қатнашди. Бу даврда Сомонийлар давлатининг энг юқори лавозимларини турклар тўла эгаллаб олиш-

**Муҳтожийлар (933 – 954)** – Хуросон ва Чағониёнда сомонийлар номидан ҳукмронлик қилган сулола. Улар бир вақтлар Чағониёни бошқарган турк ҳукмдорлари авлоди бўлган. Сулола асосчиси – Муҳаммад ибн Музаффар ибн Муҳтож (933 – 939).

### Хуросон ва Чағониёнда ҳукмронлик қилган муҳтожийлар сулоласи

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Муҳаммад ибн Музаффар ибн Муҳтож	933 – 939
2.	Аҳмад ибн Муҳаммад	939 – 945

945 – 946 йилларда Иброҳим ибн Симжур ҳукмронлиги.

	Аҳмад ибн Муҳаммад	946 – 947
--	--------------------	-----------

947 – 952 йилларда Мансур ибн Қоратегин ҳукмдорлиги.

	Аҳмад ибн Муҳаммад	952 – 954
3.	Фахруддавла Муҳаммад	?

Хуросон ва Шарқий Эроннинг бошқа шаҳарлари бир аср давомида (900 – 996) Сомонийлар давлати таркибида бўлди. Сейистондаги саффорийлар сомонийларнинг вассаллари эди.

X асрнинг ярмигача Хуросон ва Мовароуннаҳрда қарматийлар ҳаракати ривожланди, уларнинг раҳбари Муҳаммад Нахшабий эди. Наср II ибн Аҳмад давлатни мустаҳкамлаш учун қарматлардан фойдаланишни кўзлаб тахтдан айрилди. Унинг вориси Нуҳ сунний гуруҳларга таяниб қарматларни қувғин қилди, Хуросондаги қарматлар ҳаракати бостирилди.

Ҳарбий саркардалар бир неча бор исён кўтаришди. 962 йили келиб чиқиши турк ғуломи бўлган Алптегин исён кўтариб муваффақиятсизликка учради. У йирик иқтдорлардан бўлиб, унга 500 та қишлоқ берилган, 1 миллионга яқин қўй, юз минггача от, хачир, туяларга эга эди. Алптегин Ғазнага қочиб, у ерда амалда мустақил бўлган давлат тузди.

Алптегиннинг вориси Сабуктегин қорахонийлар қўшинига бирлашган қорлуқ, яғмо ва бошқа қабилаларнинг Бухорога бостириб ки-

ришидан фойдаланиб ҳозирги Афғонистон ҳудудида ўз давлатини тузди.

Ғазнавийлар давлати Маҳмуд даврида равнақининг энг юқори чўққисига чиқди. Маҳмуд вафотидан сўнг давлат таназзулга учрай бошлади.

**Қарматлар (894 – 1078)** – Сурия, Ироқ, Баҳрайн, Яман ва Хурсондаги бадавийлар, деҳқонлар ва хунармандлар ҳаракати. Қарматлар ақидаси шиаларнинг исмоилийлик оқимиға мос эди. Ўзларининг раҳбарлари деб Али ва Фотимадан бўлган исмолийлар раҳнамоларини эътироф этишарди. Ҳаракат раҳбарининг номи ҳеч қачон айтилмаган ва бузғунчилардан бирортаси ўзининг раҳбари ким эканини билмай жон берган. Улар кўзғолон кўтариш ва одамлар онгини заҳарлаш учун барча ерларға доийларини (даъватчилар) юборишган.

### Қарматлар давлати ҳукмдорлари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Абу Саид Ҳасан ибн Баҳром Жаннобий	886/894 – 913
2.	Абулқосим Саид ибн Абу Саид	913 – 917
3.	Абу Тоҳир Сулаймон ибн Абу Саид	917 – 944
4.	Абу Саиднинг 4 ўғли: 1) Абу Мансур Аҳмад; 2) Абулқосим Саид; 3) Абул Аббос Фазл; 4) Абу Яъқуб Юсуф ва Сабур ибн Абу Тоҳир Сулаймон	944 – 962
5.	Ҳасан ибн Аҳмад ибн Абу Саид ва Абу Али Аъсом	962 – 972
6.	Абу Яъқуб Юсуф	972 – 977
7.	Абу Саид Ҳасаннинг 6 невараси биргалашиб бошқарган	977 – 1078

1078 йили Қарматлар давлати пойтахти Аҳсо шаҳрини бану мурра араблари босиб олди.

Қарматларнинг биринчи исёни 890 йили Ироқдаги Васитда бўлиб ўтди. Исён раҳбари Ҳамдон Қармат эди. Улар қўлга киритган мулк-



нинг 1/5 қисмини хазинага олишарди. Қолгани биродарлик уюшмаси аъзолари орасида тақсимланган.

894 йили Баҳрайнда қарматларнинг йирик қўзғолони бўлиб ўтди. 899 йили улар Аҳсо шаҳрини эгаллашди. Мазкур шаҳар кейинчалик Баҳрайнда бир ярим аср фаолият кўрсатган Қарматлар давлатининг пойтахтига айланди.

900 йили қармат доийси Зикравайҳ Сурия саҳроларида яшовчи бадавийларни исён қилишга чақирди. Исён бутун Сурия ва Қуйи Ироқни қамраб олди. Қарматлар 901 йили Дамашқни қамалга олишди. Бу тартибсизликлар 906 йили аббосийлар томонидан бостирилди. Лекин қарматлар X аср давомида Сурия ва Фаластинда аббосийларга қарши курашни давом эттирди.

902 йилдан X асрнинг 40-йилларигача Хуросон ва Мовароуннаҳрда қарматлар қўзғолони бўлиб ўтди, жумладан, 907 йили Ҳиротда.

Қарматлар 930 йили ҳаж мавсумида Маккага ҳужум қилиб 30 мингга яқин кишини ўлдиришди ва қурбонлик учун олиб борилаётган чорваларни талашди. Каъбани вайрон қилиб, қора тошни Баҳрайнга олиб кетишган. Улар қора тошни 20 йилдан сўнг фотимий ҳукмдор Мансур (946 – 953)нинг талаби билан Маккага келтириб беришган.

Қарматлар давлати пойтахти Аҳсони зиёрат қилган исмоилий Носир Хусрав X асрдан бери мавжуд бўлган Баҳрайндаги қарматлар жамиятини қуйидагича тасвирлайди: «Баҳрайннинг асосий аҳолиси озод деҳқонлар ва ҳунармандлардан иборат. Улардан бирортаси ҳеч қандай солиқ тўламайди. Давлат бошида 6 нафар бошлиқ ва уларнинг 6 та ёрдамчиси туради. Давлат 30 минг занжий ва ҳабаш қулларга эга. Уларни дала ва боғларда ишлатишади. Бу қулдорликни яна ёйишга ўхшайди. Муҳтож деҳқонлар ва ҳунармандларга умумий хазинадан қарзлар берилади. Қўшин 20 минг кишидан иборат. Баҳрайн қарматларининг масжидлари йўқ, улар умуман намоз ўқишмайди, рўза тутишмайди, ўзлари билан бирга яшаётган бошқа диндагиларга нисбатан яхши муомалада бўлишади».

**Зиёдийлар (818 – 1018)** – аббосийлар ҳукмронлигини тан олган Ямандаги сулола. Сулола асосчиси – Муҳаммад ибн Зиёд (818 – 859). Зиёдийлар нафақат Тихомада, балки Хадрамавтдан шарқдаги ерларда ва Яманнинг тоғли минтақаларида ҳукмронлик қилишган. Зиёдийлар амирлигининг пойтахти Забид шаҳри бўлган. Давлат таназзулга учраган пайтда, Санъо ва Жанадда Яъфурийлар давлати ташкил топди. Сулаймон ибн Тарф Яманнинг шимолий

соҳилбўйи ҳудудларини пойтахт Ассар билан бирга ишғол қилди, қармат Али ибн Фазл 904 йили Забид шаҳрини талон-торож айлади. Сулола ҳукмронлигининг сўнгида ҳабаш ғуломлар катта таъсирга эга бўлган. Уларнинг раҳбари Нажоҳ ўзини тахт даъвогари деб эълон қилди ва Нажоҳийлар давлатига асос солди.

### Зиёдийлар сулоласига мансуб ҳукмдорлар

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Муҳаммад ибн Зиёд	818 – 859
2.	Иброҳим ибн Муҳаммад	859 – 896
3.	Зиёд ибн Иброҳим	896 – 902
4.	Ибн Зиёд	902 – 911
5.	Исҳоқ ибн Иброҳим	911 – 981
6.	Абдуллоҳ (ёки Зиёд) ибн Исҳоқ	981 – 1012
7.	Иброҳим (ёки Абдуллоҳ) ибн Абдуллоҳ	1012 – 1018

1018 йили Зиёнийлар давлатининг шимолий қисмини бошқараётган ғуломлардан чиққан вазирлар, жумладан, нажоҳийлар тахтни эгаллашди.

**Яъфурийлар (847 – 997)** – Яманда ҳукмронлик қилган сулола. Сулола асосчиси аббосийларнинг олий ҳукмронлигини эътироф этган Яъфур ибн Абдурраҳмон (847 – 872). У зиёдийларга қарши исён кўтариб Санъо ва Жанад шаҳарларини қўлга киритди. Яъфурийлар IX аср охирида Али ибн Фазл бошлиқ қарматларнинг босимидан сўнг Яманга суқилиб кирган зайдийларнинг ҳужумига учрашди. Асъад ибн Иброҳим ҳукмронлиги даврида яъфурийлар йўқотилган ҳудудларни қайтариб олишга эришди, бироқ улар 997 йили ҳокимиятдан маҳрум бўлишди.

### Яъфурийлар сулоласи ҳукмдорлари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Яъфур ибн Абдурраҳмон	847 – 872
2.	Муҳаммад ибн Яъфур	872 – 882
3.	Иброҳим ибн Муҳаммад	882 – 886

886 – 898 йилларда бошбошдоқлик даври.

4.	Асъад ибн Иброҳим	898
----	-------------------	-----

898 – 915 йилларда бошбошдоқлик даври, Санъони зайдийлар ва фотимийпараст кучлар эгаллаб олди.

5.	Асъад ибн Иброҳим	915 – 944
6.	Муҳаммад ибн Иброҳим	944 – 955
7.	Абдуллоҳ ибн Қаҳтон	955 – 997

**Ямандаги Зайдийлар давлати (897 – 1962)** – VIII асрда вужудга келган шиалар жамияти. Бу фирқа Ҳусайн ибн Али ибн Абу Толибнинг невараси Зайд ибн Али номидан келиб чиққан. Сулола 2 қисмга бўлинади: расийлар (IX аср охиридан XIII аср бошларигача) ва қосимийлар (XVI аср охиридан 1962 йилгача). 1962 йили монархия ағдарилиб, Яман Араб Республикаси тuzилган. Расийларнинг тарихи Маъмун (813 – 833) ҳукмронлиги даврига боради. Аббосий ҳукмдорга қарши Ҳасан ибн Али ибн Абу Толибнинг авлоди Муҳаммад ибн Иброҳим исён кўтаради. Кейинчалик Муҳаммад ибн Иброҳим тарафдорларини унинг укаси Қосим ибн Иброҳим Ҳасаний Расий бошқарди.

Яман 1517 – 1635 йилларда усмонийлар ҳукмронлиги остида бўлди. Усмонийлар Санъони тарк этишгач, минтақа яна зайдийлар қўлига ўтди.

## 1. Расийлар

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Қосим ибн Иброҳим Ҳасаний	?
2.	Ҳусайн ибн Қосим	?
3.	Яҳё ибн Ҳусайн	897 – 911
4.	Муҳаммад ибн Яҳё	911 – 913
5.	Аҳмад ибн Яҳё	913 – 934
6.	Яҳё ибн Аҳмад	934 – 968
7.	Юсуф ибн Яҳё	968 – 998

8.	Қосим ибн Али	998 – 1003
9.	Хусайн ибн Қосим	1010 – 1013
10.	Жаъфар ибн Қосим	1022 – 1035
11.	Ҳасан ибн Абдурраҳмон	1035 – 1040
12.	Абулфатҳ ибн Хусайн	1045

Санъо шаҳри 1062 йили сулайҳийлар томонидан эгалланди, ҳамдонийлар шахобчасининг бану хотим уруғи сулайҳийларнинг ноиби сифатида 1099 йилгача ҳукмронлик қилди.

### Сулайҳийларнинг ноиблари

1.	Ҳамза ибн Абу Ҳошим	?
2.	Фозил ибн Жаъфар	1067 – 1068
3.	Муҳаммад ибн Жаъфар	?

1099 йилдан Санъода бану хотим ҳукмронлигини тиклади.

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Яҳё ибн Муҳаммад	1117 – 1137
2.	Али ибн Зайд	1137 – 1138
3.	Аҳмад ибн Сулаймон	1138 – 1171

1171 йили Санъони ҳамдонийлар босиб олган.

1174 – 1229 йилларда Яманни айюбийлар истило қилиб бошқаришган.

### Айюбийларга тобе ҳукмдорлар

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Абдуллоҳ ибн Ҳамза	1187 – 1217
2.	Яҳё ибн Ҳамза	1217
3.	Муҳаммад ибн Абдуллоҳ	1217 – 1229

1229 йили Санъода расулийлар ҳукмронлиги ўрнатилди.

886 – 898 йилларда бошбошдоқлик даври.

4.	Асъад ибн Иброҳим	898
----	-------------------	-----

898 – 915 йилларда бошбошдоқлик даври, Санъони зайдийлар ва фотимийпараст кучлар эгаллаб олди.

5.	Асъад ибн Иброҳим	915 – 944
6.	Муҳаммад ибн Иброҳим	944 – 955
7.	Абдуллоҳ ибн Қаҳтон	955 – 997

**Ямандаги Зайдийлар давлати (897 – 1962)** – VIII асрда вужудга келган шиалар жамияти. Бу фирқа Ҳусайн ибн Али ибн Абу Толибнинг невараси Зайд ибн Али номидан келиб чиққан. Сулола 2 қисмга бўлинади: рассийлар (IX аср охиридан XIII аср бошларигача) ва қосимийлар (XVI аср охиридан 1962 йилгача). 1962 йили монархия ағдалириб, Яман Араб Республикаси тузилган. Рассийларнинг тарихи Маъмун (813 – 833) ҳукмронлиги даврига боради. Аббосий ҳукмдорга қарши Ҳасан ибн Али ибн Абу Толибнинг авлоди Муҳаммад ибн Иброҳим исён кўтаради. Кейинчалик Муҳаммад ибн Иброҳим тарафдорларини унинг укаси Қосим ибн Иброҳим Ҳасаний Рассий бошқарди.

Яман 1517 – 1635 йилларда усмонийлар ҳукмронлиги остида бўлди. Усмонийлар Санъони тарк этишгач, минтақа яна зайдийлар қўлига ўтди.

## 1. Рассийлар

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Қосим ибн Иброҳим Ҳасаний	?
2.	Ҳусайн ибн Қосим	?
3.	Яҳё ибн Ҳусайн	897 – 911
4.	Муҳаммад ибн Яҳё	911 – 913
5.	Аҳмад ибн Яҳё	913 – 934
6.	Яҳё ибн Аҳмад	934 – 968
7.	Юсуф ибн Яҳё	968 – 998

8.	Қосим ибн Али	998 – 1003
9.	Ҳусайн ибн Қосим	1010 – 1013
10.	Жаъфар ибн Қосим	1022 – 1035
11.	Ҳасан ибн Абдурраҳмон	1035 – 1040
12.	Абулфатҳ ибн Ҳусайн	1045

Санъо шаҳри 1062 йили сулайҳийлар томонидан эгалланди, ҳамдонийлар шахобчасининг бану хотим уруғи сулайҳийларнинг ноиби сифатида 1099 йилгача ҳукмронлик қилди.

### Сулайҳийларнинг ноиблари

1.	Ҳамза ибн Абу Ҳошим	?
2.	Фозил ибн Жаъфар	1067 – 1068
3.	Муҳаммад ибн Жаъфар	?

1099 йилдан Санъода бану хотим ҳукмронлигини тиклади.

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Яҳё ибн Муҳаммад	1117 – 1137
2.	Али ибн Зайд	1137 – 1138
3.	Аҳмад ибн Сулаймон	1138 – 1171

1171 йили Санъони ҳамдонийлар босиб олган.

1174 – 1229 йилларда Яманни айюбийлар истило қилиб бошқаришган.

### Айюбийларга тобе ҳукмдорлар

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Абдуллоҳ ибн Ҳамза	1187 – 1217
2.	Яҳё ибн Ҳамза	1217
3.	Муҳаммад ибн Абдуллоҳ	1217 – 1229

1229 йили Санъода расулийлар ҳукмронлиги ўрнатилди.

## Қосимийлар уруғи

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Қосим ибн Муҳаммад	1592 – 1620
2.	Муҳаммад ибн Қосим	1620 – 1644
3.	Исмоил ибн Қосим	1644 – 1676
4.	Аҳмад ибн Ҳасан	1676 – 1681
5.	Муҳаммад ибн Аҳмад	1681 – 1686
6.	Муҳаммад ибн Муҳаммад	1686 – 1716
7.	Қосим ибн Ҳусайн	1716 – 1726
8.	Ҳусайн Мансур	1726 – 1747
9.	Аббос ибн Ҳусайн	1747 – 1775
10.	Али ибн Аббос	1775 – 1806
11.	Аҳмад ибн Ҳусайн	1806 – 1808
12.	Аҳмад ибн Али	1808 – 1816
13.	Абдуллоҳ ибн Аҳмад	1816 – 1841
14.	Қосим Маҳдий	1841 – 1845
15.	Муҳаммад Яҳё	1845 – 1849

1849 йили усмонийлар Санъога биринчи марта юриш уюштиришди.

1871 – 1918 йилларда усмонийлар Яманда ҳукмронлик қилишган.

### Усмонийларга тобе ҳукмдорлар

1. Муҳаммад ибн Яҳё (1890 – 1904).
2. Яҳё ибн Муҳаммад (1904 – 1918).

### Британияга тобе ҳукмдорлар

1. Яҳё ибн Муҳаммад (1918 – 1948).
2. Аҳмад ибн Яҳё (1948 – 1962).
3. Бадр ибн Аҳмад (1962).

1962 йил 26 сентябрда Яманда ҳарбийлар уюштирган давлат тўнтариши натижасида монархия афдарилиб, республика тузуми ўрнатилди.

**Зиёрийлар (928 – 1090) – Каспий денгизининг жанубий соҳидаги ҳудудларда ҳукмдорлик қилган сулола. Зиёрийлар тарихи тўлиқ ўрганилмаган.**

Форс тарихчилари уларни бану зиёд ёки бану зиёр деб атайди. Сулола асосчиси дайламлик Мардовиж, шунинг учун сулола дайлабийлар деб ҳам номланади. Мардовиж 927 йили саркарда Асфарни ўлдириб ҳокимиятга чиққан. У аббосийларга қарши курашиб Эроннинг Исфаҳонгача бўлган ерларини эгаллаган. Мардовиж зотимлиги билан ажралиб турган, шунинг учун 935 йили суиқасд натижасида ўлдирилди. Укаси Вушмагир унинг вориси бўлди. Вушмагир 967 йили ов пайтида ҳалок бўлган. Унинг ўғли Бисутун тахтни эгаллади ва 976 йилгача давлатни бошқарди. Кейин Қобус тахтга чиқди.

Зиёрий ҳукмдор Кайковус ибн Манучеҳр форс тилида «Қобуснома» номли асар ёзгани маълум.

Манучеҳр даврида Зиёрийлар давлати таназзулга учради. Орадан кўп ўтмай зиёрийларнинг мулклари ғазнавийлар ва бувайҳийларга ўтиб кетди.

### **Зиёрийлар давлати ҳукмдорлари (Табаристон ва Журжонда)**

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Мардовиж ибн Зиёр	928 – 935
2.	Вушмагир ибн Зиёр	935 – 967
3.	Бисутун ибн Вушмагир	967 – 978
4.	Қобус ибн Вушмагир	978 – 981, 998 – 1012
5.	Манучеҳр ибн Қобус	1012 – 1029
6.	Анушервон ибн Манучеҳр	1029 – 1049
7.	Кайковус ибн Манучеҳр	1049 – ?
8.	Гилоншоҳ ибн Кайковус	? – 1090

### **Эронда аббосийлар ҳукмронлигининг тугаши**

IX аср давомида Эроннинг катта қисми мустақил бўлганди. Аббосийлар кўлида фақат Ғарбий Эроннинг бир қисми қолган. X асрнинг 30-йилларида бу ерларда ҳам аббосийлар ҳукмронлиги барҳам топди.



Табаристондаги алавийлар раҳнамоси Утруш вафотидан сўнг алавийлар ва сомонийлар ўртасида кураш бошланди. Бу курашда Мардавиж ибн Зиёр бошлиқ дайлабийлар жонбозлик кўрсатиб янги зиёрийлар сулоласига (928 – 1045) асос солди. Мардавиж 932 – 935 йиллар орасида Рай, Ҳамадон, Исфаҳон ва Шерозни ўз ичига олган Ғарбий Эроннинг катта қисмида ҳукмронлик ўрнатди. У аббосийларга тобелигини эълон қилган бўлса-да, амалда улар билан ҳисоблашмай ўзи тузган давлатни бошқарди. Мардавиж Сосонийлар давлати чегараларида Эрон шоҳлигини тиклашни орзу қиларди.

Мардавижнинг 4000 кишидан иборат турк ғуломлари бор эди. У негадир дайлабийларни қўриқчи қилиб олмаганди. Бир куни ғуломлар Мардавижнинг ухлашига халақит бериб кечгача отларни миниб шовқин солишди. Мардавиж ғазабланиб тўполончиларни отлар каби отхонага қамаб қўйишни буюрди. Бу барча ғуломларни жунбушга келтирди. Уларнинг бир гуруҳи занжий қул билан тил бириктириб Мардавижнинг қиличини синдириб, яна қинига солиб қўйишни ташкиллаштиришди. Сўнгра Мардавиж ҳаммомдалик пайтида ҳужум қилишди. Кийимсиз ва қуролсиз Мардавиж ҳаммом эшигини тамбалаб қўйди, лекин ундан норози бўлган ғуломлар туйнукдан кириб Мардавижни ўлдирди. Бу воқеа 935 йили Исфаҳонда юз берган. Мазкур фожиадан Мардавиж яқинлари саросимага тушиб қолишди. Вазиятдан фойдаланган бувайҳийлар Шероздан Исфаҳонга юриш қилди. Шундан сўнг бувайҳийлар ҳукмронлиги бутун Ғарбий Эронда тан олинди. Шундай қилиб, бувайҳийлар сулоласига (935 – 1055) асос солинди. Мардавиж ибн Зиёр уруғлари бўлган зиёрийлар фақатгина Журжонда ҳокимиятни сақлаб қолган.

Орадан ўн йил ўтиб бувайҳийларнинг кичиги Аҳмад Бағдод билан бирга бутун Ироқи Арабни истило қилди. Бувайҳийлар «амир ул-умаро» унвонини олишган бўлса-да, аббосийларни мутлақ ҳокимиятдан четлатишди. Аббосий ҳукмдорлар номи зарб этилган тангаларда биринчи ўринда, бувайҳий амирлар номи кейин турди, хутбада аббосий ҳукмдор номини ўқишда давом этилди. Шундай қилиб, Бувайҳийлар давлати таркибига Эроннинг жануби ва ғарби, Рай, Ҳамадон, Исфаҳон шаҳарлари билан бирга Ироқи Форсинг катта қисми, Хузистон, Форс, Кирмон, шунингдек, Бағдод ва Басра билан бирга Ироқи Араб минтақалари кирди. Эрондаги Дашти Кабир саҳросидан шарқдаги вилоятлар, Хуросон, Мовароуннаҳр ва Ўрта Осиёнинг минтақалари Сомонийлар давлати таркибида эди. Сомоний амирлар Бухорода, уларнинг ноиблари Нишопурда яшарди. Зи-

ёрийларнинг Журжондаги давлати (928 – 1042) сомонийларга тобе бўлган.

Шундай қилиб, бутун Эрон сомонийлар ва бувайҳийлар орасида тақсимлаб олинган. Фақатгина Озарбайжон Ироқи Ажам ва Филоннинг бир бўлаги билан туркий Сожийлар (890 – 929), дайламий Салорийлар (941 – 979) ва араб Равводийлар (979 – 1070) амирликлари бор эди.

Эрон деҳқонлари орасида «илтижо» – йирик феодаллар паноҳига ўтиш кузатилган. Бу ҳолатда эркин деҳқонлар улар ёрдамида ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишган, чунки ўша замонда ҳар хил қароқчилар ва судхўрларнинг кўпайиб кетишидан сақланишнинг бундан бошқа йўли йўқ эди. Ерлар ўша феодаллар номига ўтказилар, лекин деҳқон ердан фойдаланишда давом этиб ҳосилнинг бир қисмини ҳимоясига олган кишига топширган. Мазкур ҳолат бувайҳийлар бошқарувидаги ҳудудда кенг тарқалганди, шунингдек, сомонийларга қарашли Хуро-сондаги ҳудудларда ҳам бундай ҳолатлар кузатилган.

Ўша даврда Эронда савдо-сотик ҳам юқори даражада тараққий қилди. Айниқса, кул бозорлари машҳур эди. Форс кўрфазига ҳар йили мингларча ҳиндий, занжий, грек ва бошқа миллатга мансуб қуллар келтирилган. Ҳар бир йирик шаҳарда, албатта, кул бозори бўларди. Ҳунармандчилик маҳсулотларининг ҳам бозори чаққон эди. Ҳунармандчилик устахоналари бирлашиб фаолият юритган, устахона бошлиғи устод, унинг ёрдамчиси халфа, ҳунар ўрганувчилар шогирд деб аталган. Улар ҳунармандчилик маҳсулотларидан солиқ тўлашган.

Савдогарлар бошқа шаҳарларга катта миқдордаги пулларни олиб боришда катта қийинчиликка учрашарди. Ўша пайтда бундай қийинчиликлардан қутулиш мақсадида «чек» ёрдамида савдо қилинган. Савдогар бошқа шаҳарга жўнаркан барча пулини саррофга топширар, савдо моли оладиган шаҳардаги бошқа саррофга чекни бериб унда кўрсатилган пулни оларди ёки харид қилган товарига пул тўлатарди. Бунинг эвазига саррофлар хизмат ҳақи олишган. Чекда махсус белгилар қўйилган бўлиб, уни фақат саррофлар тушунган, шунинг учун чек қароқчилар ёки бошқа кишиларнинг қўлига тушиб қолса ҳам, ундан бузғунчилар фойдалана олмаган.

## ИРОҚ

**Ҳамдонийлар (906 – 1004)** – *Ироқ шимоли ва Сурияда ҳукмронлик қилган шиа араблари сулоласи. Улар ўзларининг тағлиб қабиласи (христиан араблар)дан келиб чиққанини таъкидлашган.*

Сулола асосчиси 890 йили Анатолия жануби-шарқида жойлашган Мардинга ноиб этиб тайинланган Ҳамдон ибн Ҳамдун эди. Унинг ўғли Абдуллоҳ 906 йили Мосулга ноиб этиб тайинланган. Абдуллоҳ ҳатто 914 йили Бағдод волийси ҳам бўлган. Унинг ўғиллари Мосул ва Ҳалабга волий бўлишган. Ҳамдонийлар 980 йили бувайҳийлардан қақшатқич зарбага учраганларига қарамай Мосулни вассал сифатида 989 – 997 йилларда бошқаришган. Шундан сўнг Ҳамдонийлар мулки уқайлийлар ва марвонийлар ўртасида бўлиб олинган. Ҳалабдаги Ҳамдонийлар фотимийлар вассали сифатида ҳукмронликни сақлаб қолишга интилишди, лекин 1004 йили фотимийлар Ҳалабдаги Ҳамдонийлар ҳукмронлигига чек қўйди.

## Ҳамдонийлар сулоласи ҳукмдорлари

### 1. Жазира (Мосул)даги Ҳамдонийлар

Аббосийларнинг Мосулдаги ноиби: Ҳамдон ибн Ҳамдун (868 – 874).

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Абдуллоҳ ибн Ҳамдон	906 – 929
2.	Носируддавла Ҳасан	929 – 967
3.	Адидуддавла	967 – 980

980 йили бувайҳийлар Ҳамдонийларни бўйсундиришган ва 980 – 989 йилларда Мосулда Ҳамдонийлар давлати фаолият юритмаган. Лекин бувайҳийлар 989 йили Иброҳим ва Ҳусайнни вассал сифатида тахтга чиқаришган.

4 – 5.	Иброҳим ибн Ҳасан ва Ҳусайн ибн Ҳасан (бирга)	989 – 997
--------	---	-----------

### 2. Ҳалабдаги Ҳамдонийлар

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Сайфуддавла	945 – 967
2.	Саъдуддавла	967 – 991

3.	Саъидуддавла	991 – 1002
4.	Абулҳасан Али	1002 – 1004
5.	Абул Маъолий Шариф	1004

## ОЗАРБАЙЖОН

**Ширвоншоҳлар давлати (861 – 1538).** 861 йили мустақил давлат сифатида шаклланган. 1538 йили сафавийлар томонидан буткул тугатилган. Ширвоншоҳлар давлатида расмий тил мазъадийлар сулоласи даврида араб тили, кисронийлар даврида форс тили, дарбандийлар даврида турк (озар) тили бўлган.

**Мазъадийлар (861 – 1027)** – ширвоншоҳларнинг биринчи сулоласи. Арабларнинг шайбон қабиласидан келиб чиққан. Сулола бошлиғи Мазъад ибн Зиёд.

### Мазъадийлар сулоласига мансуб ширвоншоҳлар

#### Аррон (Жануби-Шарқий Кавказ) волийлари

1. Язид ибн Мазъад (799 – 801).
2. Асад ибн Язид (801 – 802).
3. Муҳаммад ибн Язид (802 – 803).
4. Асад ибн Язид (809 – 811).
5. Холид ибн Язид (829 – 832, 841, 842 – 844).
6. Муҳаммад ибн Холид (844 – 849, 856 – 862).

### Ширвон ҳукмдорлари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Ҳайсам ибн Холид	861 – 881
2.	Муҳаммад ибн Ҳайсам	881 – 912
3.	Ҳайсам ибн Муҳаммад	912 – 913
4.	Али ибн Ҳайсам	913 – 917
5.	Язид ибн Муҳаммад	917 – 948
6.	Муҳаммад ибн Язид	948 – 956

7.	Аҳмад ибн Муҳаммад	956 – 981
8.	Муҳаммад ибн Аҳмад	981 – 991
9.	Язид ибн Аҳмад	991 – 1027

Ширвоншоҳлар сулоласи асосчиси Арманистон, Озарбайжон, Ширвон ва Дарбанд ноиби аббосий саркарда Язид ибн Мазяд Шайбоний (799 – 801) бўлган. Унинг ворислари марказий ҳукуматнинг заифлашганидан фойдаланиб Ширвонни ўз мулки деб эълон қилишди ва 861 йилдан ширвоншоҳлар унвонини олишди.

917 йили Ширвон қўшни Лоижон амирлиги билан бирлашди. 918 йили давлат пойтахти Шемаҳадан унча узоқ бўлмаган Язидия бўлди. 981 – 982 йилларда ширвоншоҳлар Габал ва Бардани бўсундиришди, X аср охири – XI аср бошларида Дарбандга қарши уруш олиб боришди, 1030 йилларда эса руслар, сарирлар ва аланларнинг босқинларини қайтаришга тўғри келди.

**Тифлис (Тбилиси) амирлиги** – *Шарқий Грузияда 736 – 1122 йилларда (амалда 1080 йилгача) мавжуд бўлган давлат. Амирлик умавийлар сулоласининг шуъубийлар шахобчаси, сўнгроқ жаъфариийлар томонидан бошқарилган. Пойтахти – Тифлис (ҳозирги Тбилиси, Грузия).*

Амирлик арабларнинг 645 йилдан бошлаб Кавказга юришлари натижасида вужудга келган. 736 йили умавийлар сулоласидан бўлган Марвон (бўлажак Марвон II) томонидан Тбилиси эгаллаб олинди ва у Кавказга волий этиб тайинланди (744 йилгача).

IX аср бошига келиб амирлик чегараси Картли вилояти чегараларигача қисқарди. Мусулмон шаҳар деб фақатгина Ал-Тифлис (Тбилиси) шаҳрини айтиш мумкин эди. Тбилиси аҳоли сони бўйича Кавказда фақатгина Дарбанддан орқада турарди. Минтақадаги бошқа манзилгоҳлар аҳолиси аждодлари анъанасини давом эттириб христианлигича қолганди.

IX аср ўрталарида Тбилиси амирлиги Бағдодга тобелиқдан қутулиш учун ўлпон тўлашни тўхтатиб қўйди. Бунга жавобан аббосийлар 853 йили Буғий ал-Кабир бошлиқ қўшин жўнатди. Тбилиси талон-торож этилиб, шуъубийлар шахобчаси вакили Саак хочга тортилди. Бу воқеадан сўнг христиан аҳолиси Абхаз шоҳлигига кўчиб кета бошладди. Амирлик ҳудуди эса қисқаришда давом этди.

XI асрга келиб амирлик Тбилиси ва унинг атрофидаги манзилгоҳлардан иборат эди, холос.

1080 йилдан сўнг Тбилиси амирлиги номи эсланмайди. Бундан кейин грузин манбаларида шахарни оқсоқоллар кенгаши бошқарган деб айтилади.

1122 йили Тбилисига Давид тантанали суратда кирди ва уни Багратийлар давлати пойтахтига айлантирди. Тбилисида тўрт асрга яқин давом этган мусулмонлар ҳукмронлиги ниҳоясига етди.

**Сожийлар (879 – 929) – Жанубий Озарбайжонда ҳукмронлик қилган туркий сулола.** Бу сулола вакиллари Афшин лақабига эга бўлишган. Сожийлар Ўрта Осиёдаги Уструшона вилоятидан бўлган қадимий туркларга мансуб эди. Араб қўшинининг кўплаб машхур саркардалари, жумладан, Афшин Ҳайдар ибн Ковус ушбу уруғга мансуб. Умавийлар, кейинроқ аббосийларнинг Византия империясига қарши тўхтовсиз урушлари чегарани мустаҳкамлаш мақсадида Ўрта Осиёдан Озарбайжонга ва Шимолий Анатолияга кўплаб турк қабилаларини кўчиришга мажбур қилди. Натижада турк жангчилари аббосийлар қўшинининг асосий негизига айланди.

### Сожийлар сулоласи ҳукмдорлари<sup>2</sup>

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Абу Сож Девдод	879 – 899
2.	Муҳаммад ибн Абу Сож	899 – 901
3.	Девдод ибн Муҳаммад	901
4.	Юсуф ибн Абу Сож	901 – 919 <sup>2</sup>
		923 – 928
5.	Абулмусофир	928 – 929

### Сожийлардан қолган мулкни мустақил бошқарган амирлар.

1. 929 – 932 йилларда амир Муфлиҳ Юсуфий.
2. 932 – 957 йилларда амир Дайсам ибн Иброҳим.

**Сулоланинг ташкил топиши.** Сожийлар сулоласи асосчиси Абу Сож Девдод аббосийлар қўшинининг энг тажрибали саркардаларидан эди. У хуррабийларга қарши олиб борилган урушда бевосита иштирок этиб Мадоин ва Воситдаги исёнларни бостирган, кейинроқ

<sup>2</sup> 919 – 923 йилларда давлатни Юсуфнинг ғуломи Собуқ бошқарган.

Аҳваз ва Куфага ноиб бўлганди. Кўрсатган хизматлари учун сожийларга Озарбайжон берилди.

Абу Сожнинг ўғиллари Муҳаммад ва Юсуф ҳам маҳоратли саркардалардан саналган. Сожийлар ҳукмронлиги даврида Озарбайжоннинг жанубий қисмида мустақил давлат ташкил топди. Сожийлар давлатининг ўз пули бор эди: IX аср охиридан Муҳаммад ибн Абу Сож номи зарб қилинган тангалар муомалага киритилган.

Унинг ўғли Муҳаммад 889 йили аббосийларнинг Арманистон ва Озарбайжондаги ноиби бўлди. Орадан кўп ўтмай ўзини мустақил ҳукмдор деб эълон қилди, бироқ маълум муддат Бағдодга бўйсунушга мажбур бўлди. 901 йили ўлатдан вафот этди. Унинг ўғли Девдод ҳокимиятни мерос қилиб олди. У бунгача отасининг Арманистондаги ноиби эди. Лекин Девдод ўша йилиёқ амакиси Юсуф томонидан афдарилди.

Юсуф ҳукмронлиги даврида Сожийлар давлати янада кучайди. Унинг даврида Озарбайжон яна бироз муддат қарам бўлди. Аббосий ҳукмдор Муқтадир Юсуфга қарши катта кўшин билан борди ва уни 120 000 динор ҳажмида ўлпон тўлашга мажбур қилди. Бир неча йилдан сўнг уруш қайтадан бошланди. Юсуф 918 йили аббосийлар кўшинини енгиб Райни олди. 919 йили Ардабил остоналарида янги тўқнашув юз берди. Бу сафар Юсуф мағлуб бўлиб асирга тушди ва Бағдодга олиб бориб зиндонга ташланди. Унинг ўрнига давлатни 4 йил ғуломи Собуқ бошқарди.

Сожийлар давлати пойтахти дастлаб Мароға шаҳри, кейинроқ Ардабил бўлди.

923 йили Муқтадир ҳар йили 500 000 динор миқдорида ўлпон тўлаш мажбуриятини юклаб Юсуфни озод қилди. Бироқ кейинги йили Юсуф мустақилликка эришди ва аббосийлардан Ҳамадонни тортиб олди. 928 йили қарматларга қарши юриш жараёнида ҳалок бўлди. Тахтга жияни Абул Мусофир чикди. У 929 йили вафот этди. Баъзи маълумотларга кўра, Абул Мусофирни Ардабилда заҳарлаб ўлдирган, бошқа маълумотларда ўзининг соқчилари исён кўтариб ўлдиргани айтилади. Тахт аввал исёнчи ғуломлар сардори Муфлиҳ Юсуфийга, 932 йили амир Дайсам ибн Иброҳимга ўтди. 957 йили Сожийлар давлати ҳудуди дайламийлар кўшини томонидан истило қилинди.

**Салорийлар ёки мусофирийлар (941 – 981) – Жанубий Озарбайжон ва Арманистонда ҳукмронлик қилган форс сулоласи. X аср бошида Сожийлар давлатида беқарор вазият ҳукм сурарди. Бун-**

*дан фойдаланган Дайлам хукмдори Марзубон ибн Муҳаммад 941 йили сожийлар сулоласининг сўнгги вакили Дейсемни мағлуб этиб мамлакат пойтахти Ардабилни ишғол қилди.*

Марзубон ибн Муҳаммад салорийлар сулоласи асосчиси бўлди. Марзубон мусофирийлар сулоласи асосчиси Муҳаммад ибн Мусофирнинг ўғли эди. Марзубон 941 йили укаси Вахсудан билан тил бириктириб отасини тахтдан ағдариб ҳибсга олди. Ўша йили Марзубон Озарбайжонга юриш қилиб Ардабил ва Табризни истило этди. Салорийлар давлати пойтахти сожийлар каби Ардабил шаҳри бўлди. Бироз вақтдан сўнг салорийларга шимоли-ғарбдаги Ардабил ва Ширвоншоҳлар давлати қарам бўлиб қолди. Улар, шунингдек, Дарбандни ҳам забт этишди.

944 йили славянлар Берда шаҳрига босқин қилиб талашди, Марзубоннинг ўзи бу вақтда Сурияда босқинчилик билан овора эди. У славянларнинг ҳужумидан хабар топиб тезда қўшинини олиб ортга қайтди. Бу вақтда Мосул ҳамадонийларининг юриши бошланиб, Марзубон шаҳарни қолдиришга мажбур бўлди. Марзубон ҳамадонийларни Озарбайжондан чиқариб юборишга ва кейинги йили Ширвонни бўйсундиришга эришди.

949 йили Қазвинда Бувайҳий Рукнуддавла томонидан тор-мор келтирилди ва асирга тушди. Асирликдан фақат 952 йилдагина қочишга эришди.

Марзубон даврида давлат иқтисодий томондан мустаҳкамланди – ички ва ташқи савдо ўсди, хунармандчиликда тараққиётга эришилди. Салорийлар хукмронлиги даврида Каспий денгизида савдо кемалари қатнай бошлади. Озарбайжоннинг Яқин ва Ўрта Шарқдаги ҳарбий-сиёсий мавқеи ортди.

Марзубон ибн Муҳаммад вафотидан сўнг унинг ўғиллари ва укаси Вахсудан ўртасида кураш бошланди. Ўзаро урушлар давлатнинг инқирозини тезлаштирди.

Салорийларнинг парокандаликка учраганидан фойдаланган Табриз, Мароғ ва Ахар хукмдори Абул Ҳиж 981 йили сўнгги салорий Иброҳим ибн Марзубонни енгиб Равводийлар давлатига асос солди.

### **Салорийлар сулоласи хукмдорлари**

1. Марзубон ибн Муҳаммад (941 – 957).
2. Жустон ибн Марзубон (957 – 960).
3. Иброҳим ибн Марзубон (960 – 981).



## ШИМОЛИЙ АФРИКА

**Тулунийлар (868 – 905)** – Миср, Сурия ва Фаластинда ҳукмронлик қилган араблашган турклар сулоласи. Ҳудуди – 1,5 млн км<sup>2</sup> (900). Давлат тили – араб тили.

### Тулунийлар сулоласи ҳукмдорлари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Аҳмад ибн Тулун	868 – 884
2.	Хуморавайҳ ибн Аҳмад	884 – 895
3.	Жайш ибн Хуморавайҳ	895 – 896
4.	Ҳорун ибн Хуморавайҳ	896 – 904
5.	Шайбон ибн Аҳмад	904 – 905

**Тулунийлар** – Мисрда ҳукмронлик қилган сулола. Сулола асосчиси – Аҳмад ибн Тулун (868 – 884). Тулунийлар маълум вақт Миср ва Суриянинг бир қисмида ҳукмронлик қилишди. Тулунийларнинг қароргоҳи Қатоъи қалъаси (Фустот яқинида) эди. Аҳмад ибн Тулун Мисрда турклар, барбарлар ва занжилардан иборат мунтазам қўшин тузди. У ўз номидан танга зарб эттира бошлади. Аббосийлар ўлпон тўлашлари эвазига Хуморавайҳ (884 – 896) ва ворисларининг Миср ва Суриядаги ҳукмронлигини тан олди. Бироқ тулунийлар қарматларга жиддий қаршилик кўрсатишдан ожиз қолишди ва 903 йили мағлуб бўлишди, 905 йили эса Фустотда аббосийлар ҳукмронлиги тикланди.

**Рустамийлар (776 – 909)** – Жазоирда ҳукмронлик қилган хорижийлар давлати. Пойтахти – Тоҳарт. Сулола асосчиси келиб чиқиши форс бўлган Абдурраҳмон ибн Рустам. У 758 йили Қайрувонга волий бўлиб олади. Аббосийлар волийси Қайрувонга келиши билан, Тоҳартга қочади. Маҳаллий фирқабозлар 776 йили уни имом қилиб кўтардилар. Рустамийлар давлати Абдулваҳҳоб даврида Жазоирнинг ўрталаригача бўлган ҳудудни эгаллайди. 909 йили фотимийлар Рустамийлар давлатини тугатган.

## Рустамийлар сулоласи ҳукмдорлари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Абдурраҳмон ибн Рустам	776 – 784
2.	Абдулваҳҳоб ибн Абдурраҳмон	784 – 823
3.	Афлаҳ ибн Абдулваҳҳоб	823 – 872
4.	Абу Бакр ибн Афлаҳ	872
5.	Абул Яқзон Муҳаммад ибн Афлаҳ	872 – 894
6.	Абу Ҳотим Юсуф ибн Муҳаммад	894 – 897
7.	Яъқуб ибн Афлаҳ	897 – 901
	Абу Ҳотим Юсуф ибн Муҳаммад	901 – 906
	Яъқуб ибн Афлаҳ	906 – 909

**Идрисийлар давлати (788 – 974).** Ҳудуди – 1,5 млн км<sup>2</sup> (828). Давлат тили – араб тили. Давлат тузуми – монархия.

Марокашда ҳукмронлик қилган шиалар сулоласи. Сулолага 789 йили Ҳасан ибн Алининг чевараси Идрис I томонидан асос солинган. Идрисийлар даврида Фес шаҳри бунёд этилди. Идрисийлар барбар қабилалари билан муттасил уруш олиб боришган. Фотимийлар 921 йили Фесни босиб олишди. Идрисийлар сулоласига мансуб майда ҳукмдорлар Мағрибнинг чекка минтақаларида 974 йилгача ҳукмронлик қилган.

## Идрисийлар сулоласи ҳукмдорлари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Идрис I ибн Абдуллоҳ	788 – 793
2.	Идрис II	793 – 828
3.	Муҳаммад ибн Идрис II	828 – 836
4.	Али I ибн Муҳаммад	836 – 848
5.	Яҳё I ибн Муҳаммад	848 – 864
6.	Яҳё II ибн Яҳё I	864 – 874
7.	Али II ибн Умар ибн Идрис	874 – 883
8.	Яҳё III ибн Қосим ибн Идрис	883 – 904
9.	Яҳё IV ибн Идрис ибн Умар	904 – 917

## Риф (тоғли) минтақасида ҳукмронлик қилган идрисийлар

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Ҳасан Ҳажжом ибн Муҳаммад ибн Қосим	905 – 922
2.	Қосим Канун ибн Иброҳим	925 – 937
3.	Аҳмад ибн Канун	948 – 959
4.	Ҳасан ибн Канун	959 – 974

**Аглабийлар (800 – 909)** – Африкада ҳукмронлик қилган араб сулоласи. Арабларнинг тамим қабиласига мансуб. Сулола ҳукмдорлари амир унвонига эга бўлиб, аббосийларга номигагина бўйсунмишган, амалда пойтахти Қайрувон бўлган амирлик мустақил эди. Аглабийлар 827 йилдан бошлаб Сицилияни, кейинроқ Калабрияни забт этишди. Сулола фотимийлар бошлиқ шиалар фитнаси тўғрисида тугатилди.

## Аглабийлар давлати ҳукмдорлари

### Миср волийлари

1. Мусо ибн Каъб (758 – 759).
2. Салим ибн Савада (780 – 781).
3. Умайр ибн Валид (829).

### Африкада ҳукмронлик қилган аглабийлар:

Аглаб ибн Салим (765 – 766, 767 – 768).

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Иброҳим I ибн Аглаб	800 – 812
2.	Абдуллоҳ I ибн Иброҳим I	812 – 817
3.	Зиёдатуллоҳ I ибн Иброҳим I	817 – 838
4.	Аглаб ибн Иброҳим I	838 – 841
5.	Муҳаммад I ибн Иброҳим I	841 – 856
6.	Аҳмад ибн Муҳаммад I	856 – 863
7.	Зиёдатуллоҳ II ибн Муҳаммад I	863 – 864

8.	Муҳаммад II ибн Аҳмад	864 – 875
9.	Иброҳим II ибн Аҳмад	875 – 902
10.	Абдуллоҳ II ибн Муҳаммад II	902 – 903
11.	Зиёдатуллоҳ III ибн Абдуллоҳ II	903 – 909

### Сицилиядаги аглабий ноиблар

1. Хафажа ибн Суфён (869).
2. Муҳаммад ибн Хафажа (869 – 871).
3. Абул Аббос ибн Ироҳим (900 – 902).

**Мидрорийлар (823 – 977)** – Сижилмас (Марокашнинг жануби-шарқи)да ҳукмронлик қилган хорижий барбар амирлари сулоласи. Сулола асосчиси – Мунтасир Мидрор (823 – 867). Мидрорийлар ҳукмронлигига 977 йили фотимийлар томонидан барҳам берилган.

### Сижилмасдаги мидрорийлар сулоласи ҳукмдорлари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Мунтасир Мизрор	823 – 867
2.	Маймун ибн Мунтасир	867 – 877
3.	Муҳаммад ибн Маймун	877 – 884
4.	Илёс ибн Мунтасир	884 – 909
5.	Васул ул-Фатҳ ибн Маймун	909 – 913
6.	Аҳмад ибн Маймун	913 – 921
7.	Муҳаммад ибн (?) Сару	921 – 933
8.	Самғу ибн Абу Мунтасир	933 – 943
9.	Муҳаммад ибн Васул ул-Фатҳ	943 – 958
10.	Самғу ибн Абу Мунтасир	958 – 963
11.	Абдуллоҳ ибн Муҳаммад	963 – 977/980

**Ихшидийлар (935 – 969)** – Миср ва Шомда ҳукмронлик қилган араблашган туркий сулола. Сулола ҳукмдорлари «ихшид» унвонига эга бўлган. Ихшидийларнинг аجدодлари Суғд ва Фарғона вилоятлари орасидаги минтақада яшаган. Аббосийлар сулола асосчиси Муҳаммад ибн Туғжни 930 йили Шомга волий этиб тайинлайдилар. 933 йили эса Мисрга волий қилишади. 935 йилдан Муҳаммад ибн Туғж Миср ва Шомни мустақил бошқара бошлайди. Сулола асос-

чиси Муҳаммад ибн Туғжнинг отаси тулунийлар қўшинида хизмат қилган. 945 йили ихшидийлар ҳамдонийлар билан сулҳ тузишди. Унга кўра, Химсдан Ҳалабгача бўлган ҳудудлар ҳамдонийларга ўтди. 968 йили Сурияни қарматлар истило қилди. 969 йили эса Мисрга Жавҳар Румий бошлиқ фотимийлар қўшини бостириб кирди ва Фустотни олиб Ихшидийлар давлатини қулатди.

### Ихшидийлар сулоласи ҳукмдорлари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Абу Бакр Муҳаммад ибн Туғж Ихшид	935 – 946
2.	Абулқосим Унужур ибн Ихшид	946 – 961
3.	Абулҳасан Али ибн Ихшид	961 – 966
4.	Абулмиск Кофур	966 – 968
5.	Абулфаворис Аҳмад ибн Али ибн Ихшид	968 – 969

## ЕВРОПА

### Андалусиядаги Умавийлар давлати

**Қуртуба амирлиги (755 – 1031).** Пойтахти – Қуртуба шаҳри (ҳозирги Кордова, Испания). Ҳудуди – 600 000 км<sup>2</sup> (1000). Давлат тузуми – монархия. Давлат тили – араб тили.

Андалусиядаги Қуртуба амирлиги 756 йили Абдурраҳмон I томонидан ташкил қилинган ва 1031 йилгача мавжуд бўлган.

### Андалусиядаги Қуртуба амирлиги ҳукмдорлари (755 – 1031)

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари	яшаган йиллари
1.	Абдурраҳмон I	756 – 788	731 – 788
2.	Ҳишом I	788 – 796	757 – 796
3.	Ҳакам I	796 – 822	770 – 822
4.	Абдурраҳмон II	822 – 852	792 – 852
5.	Муҳаммад I	852 – 886	823 – 886
6.	Мунзир	886 – 888	844 – 888
7.	Абдуллоҳ	888 – 912	844 – 912

8.	Абдурраҳмон III	912 – 961	890 – 961
9.	Ҳакам II	961 – 976	915 – 976
10.	Ҳишом II	976 – 1008	965 – 1013
11.	Муҳаммад II	1008 – 1009	980 – 1010
12.	Сулаймон	1009	958 – 1016
	Муҳаммад II	1009	980 – 1010
	Ҳишом II	1009 – 1013	965 – 1013
	Сулаймон	1013 – 1016	958 – 1016
13.	Али Носир	1016 – 1018	
14.	Абдурраҳмон IV	1018	... – 1018
15.	Қосим Маъмун	1018 – 1021	
16.	Яҳё Муъталий	1021 – 1022	
	Қосим Маъмун	1022 – 1023	
17.	Абдурраҳмон V	1023 – 1024	1001 – 1024
18.	Муҳаммад III	1024 – 1025	976 – 1025
	Яҳё Муъталий	1025 – 1027	
19.	Ҳишом III	1027 – 1031	975 – 1036

**Абдурраҳмон ибн Муовия ибн Ҳишом ибн Абдулмалик (731 – 788)** – лақаби «Қурайш лочини». У Дамашқдаги Умавийлар давлати тахтига номзодлардан бири эди. Бобоси Ҳишом ибн Абдулмалик (742 – 743) Умавийлар давлатининг арбобларидан бўлган. Аббосийлар ҳокимият тепасига келгач, Абдурраҳмон Сурия орқали Шимолий Африкага, у ердан эса Андалусияга қочди. Шундан сўнгра Абдурраҳмон Дохил деб аталган. 756 – 788 йилларда ҳукмронлик қилган.

Абдурраҳмон ибн Муовия 723 – 743 йилларда ҳукмронлик қилган Ҳишом ибн Абдулмаликнинг невараси эди. Абдурраҳмон Дамашқдаги умавийлар саройида улғайди. Амакиси машҳур жангчи Маслама ибн Абдулмалик билан кўп бор суҳбатлашган ва ундан жуда кўп нарса олганди. Умавийлар давлати қулагач, янги Аббосийлар давлати тузилди. Улар ҳокимиятни эгаллаганлари заҳоти умавийларни ва уларнинг тарафдорларини йўқ қилишга киришди. Абдурраҳмон ўзининг тўрт яшар ўғли Сулаймон ҳамда энг кичик укаси ва икки синглиси билан Сурияда Фурот дарёси яқинидаги қишлоқда яширindi. Улар жойлашган жой жосусларга маълум бўлгач, укаси Валид ибн Муовия билан қочди. Изкуварлар таъқибидан қочиб дарёдан ўтишди. Аскарлар уларга омонлик беришни ваъда қилиб қайтишга

чақиришди. Укаси ўзини хатарга қўйиб қайтди. Аббосийлар уни ўлдириб юборди, боёқишнинг ёши ўн учларда эди. Ҳийлага учмаган Абдурраҳмон нажот топиб бошқа соҳилга чиқди.

Абдурраҳмон Андалусияга боришга тайёрлана бошлади, кучли қўшин тузиб у ерда ўзига тарафдор излашга киришди. Бунинг учун бир қатор чоралар кўрди:

1) ўз ёрдамчиси Бадрни Андалусияга жўнатиб у ердаги вазиятни ўрганишни ва аҳолида умавийларга хайрихоҳлик кайфиятини шакллантиришни топширди;

2) барча ердаги умавийларни Андалусияга боришга ва у ерда Умавийлар давлатини тиклашга чақирди;

3) Андалусиядаги барбарларнинг етакчилари билан алоқа ўрнатди. Уларга умавийларнинг одил ва инсофли эканлигини тушунтирди. Ўша вақтда Андалусияда Юсуф ибн Абдурраҳмон ал-Фихрий билан шиддатли ихтилофлар бўлаётганди. У Шимолий Африка ва Андалусиядаги араблар орасини бузганди. Андалусияликлар Юсуф ибн Абдурраҳмон ал-Фихрийнинг айирмачилик ҳаракатидан қутулишни хоҳлашарди.

Унга Шомдаги ва бошқа ердаги тирик қолган умавийларнинг барчаси қўшилди.

755 йили Абдурраҳмон ибн Муовия кучли қўшин билан Жабал ут-Ториқ (Гибралтар)дан ўтди. Унга йўлида учраган худудлар аҳолиси қўшила бошлади. Севильяга бостириб кирди ва шаҳарни истило қилди. Минтақа аҳолиси унинг ҳокимиятини эътироф этди. Сўнг 756 йили Андалусия ҳукмронлиги учун бўлган жангда Юсуф ибн Абдурраҳмон ал-Фихрий қўшинини енгиб Қуртубага кирди.

**Ҳишом I (Абул Валид Ҳишом ибн Абдурраҳмон ибн Муовия ибн Ҳишом ибн Абдулмалик ибн Марвон, 788 – 796) – Ҳишом Ризо номи билан машҳур бўлган Андалусия умавийлар давлатининг иккинчи ҳукмдори (788 – 796). Ҳишом Қуртубада туғилган бўлиб, унинг онаси испаниялик муслима аёл бўлган. Отаси вафот этгач, тахтни эгаллади. Отаси ўлиmidан олдин давлат муҳрини ўғли Абдуллоҳга топшириб, Қуртубага биринчи етиб келганга беришни васият қилганди. Ҳишом ҳаммадан аввал ҳозир бўлди ва муҳрни қўлга киритди. Ҳукмронлик даврида шимолга бир неча марта юриш қилди. Унинг даврида кўплаб масжидлар барпо этилди, Қуртуба масжиди қуриб битказилди. Ҳишом Ризо Қуртубада вафот этди.**

Ҳакам 791 ва 793 йилларда Астурияга қарши йирик юришлар уюштирди. 791 йили Ҳишом қўшини Галисияга ҳужум қилди. Қўшин

дастлаб бир қатор ғалабаларга эришди, бироқ яқунда ҳал қилувчи жангда енгилиб ортга чекинди.

793 йили Ҳишом қўшини янги юриш бошлади. Қўшиннинг бир қисми Астурияга ҳужум қилди ва илк муваффақиятларга эришди, бироқ Қуртуба амирлиги қўшини Альфонсо II уюштирган қарши ҳужумда мағлуб бўлди. Бошқа гуруҳ эса Шарқий Пиренейдан ўтиб Нарбоннани талади, Каркассонга ҳужум қилди. Аквитания қироли Людовик I қўшинининг Италияга қарши урушга сафарбар этилгани сабаб, Ҳакам қўшини жиддий қаршиликка учрамади.

Вильгельм Тулузский бошлиқ франклардан Тулузада Ҳишом қўшинини тўхтатиб қолди. Ҳишом қўшинини олдинги бошлашни хоҳламасдан ортга қайтарди.

**Ҳакам I (Ҳакам ибн Ҳишом ибн Абдурраҳмон, 771 – 822) – 771 йили Қуртубада туғилган. Қуртуба амири (796 – 822). Ҳакам ҳукмдорликни номаълум сабабларга кўра катта акаси Абдулмалик ўрнига отасидан олган. Ҳукмронлигининг дастлабки йиллари оғир кечди. 796 йили Астурия қироли Альфонс II Карлдан ёрдам сўради ва 798 йили Лиссабонни эгаллаб олди. Ҳакамнинг амакиларидан бири ҳам Карлдан ёрдам сўради ва 798 йили Андалусияга ҳужум қилди. 800 йили Луис I Периди шаҳрини эгаллади. Барселонани қамал қилиб 803 йили қўлга киритди.**

Ҳакам отаси Ҳишом I вафотидан сўнг давлат бошлиғи бўлди. Унинг даврида фақиҳларнинг давлат бошқарувидаги иштироки чеклаб қўйилди. Бунга жавобан бир гуруҳ кишилар аҳолини Ҳакамга қарши исён кўтаришга чақирди. Амирга ҳурматсизлик шу даражага етдики, Ҳакам кўчадан ўтаётганда, унга тошлар отилди. Мухолифларнинг маркази Толедо шаҳри эди. Амир ўз душманларига қарши қатағон бошлади. 797 йили Толедо зодагонлари (уларнинг асосий қисми исломни қабул қилган испанлар эди) ҳийла ишлатиб қўлга туширилди ва барчасининг боши танидан жудо этилди.

814 йили фақиҳлар исён кўтариб Ҳакам саройини қамал қилишди. Ўртада ўта шиддатли жанг бошланди, охир-оқибат амир ғалабага эришди. Исён бостирилгач уч юздан ортиқ киши қатл этилди. Бошқа исён қатнашчиларини Ҳакам Андалусиядан сургун қилди. Натижада мамлакатни Мисрга жойлашган 15 минг оила ва Фес (Марокаш)га кўчиб ўтган 8 минг оила тарк этди.

Мисрга ўрнашган андалусиялик араблар 817 йили Искандария шаҳрини эгаллаб олишди. Бироқ 825 йили Маъмун (813–833) Мисрга қўшин жўнатди ва минтақа қайтадан эгалланди.



Шундан сўнг андалусиялик араблар Критга кўчиб кетишга қарор қилишди. Улар ўзлари сайлаган бошлиқ Абу Ҳафс бошчилигида Критга юриш қилишди ва ҳеч қандай қаршиликка учрамай оролни талон-торож этишди. Барча ҳудуд арабларга ўтгач, маҳаллий аҳоли мажбуран исломга киргизилди. Византия империяси оролни қайтариб олиш учун бир неча марта ҳаракат қилди, бироқ бу уринишларнинг барчаси муваффақиятсизликка учради. Араблар Критда, Византия империяси 961 йили оролни истило этгунча, ҳукмронлик қилишди.

**Рабаз воқеаси.** Мазкур кўзғолон 818 йил 25 март куни Қуртубада бўлди. Қуртуба аҳолиси, асосан, Рабаз маҳалласида яшовчилар Ҳакам ибн Ҳишомга қарши исён кўтарди. Солиқларнинг оширилиши, шаҳар оқсоқолларидан 10 кишининг қатл этилиши кўзғолоннинг аланга олишига сабаб бўлди. Қуртуба аҳли бу ҳодисалардан ғалаёнга келди, аввал Рабаз аҳолиси ҳаракат бошлади. Бироқ кўзғолон бостирилди.

**Абдурраҳмон II (Абдурраҳмон ибн Ҳакам ибн Ҳишом ибн Абдурраҳмон ибн Муовия ибн Ҳишом, 822 – 852).** 792 йили Тулайтила (Толедо)да туғилиб, 852 йил 22 сентябрда Қуртубада вафот этган.

Ҳакам ибн Ҳишом вафот этгач, тахтга унинг ўғли Абдурраҳмон ўтирди. Абдурраҳмон франклар хавф солаётган шимолий ҳудудларга катта эътибор қаратди. 823 йили Абдулкарим ибн Абдулвоҳид ибн Муғийс бошчилигида катта кўшин жўнатди. Кўшин жангларида ғолиб келди ва Қуртубага катта ўлжалар билан қайтди.

Бу мағлубиятдан сўнг франклар мусулмонлар билан урушни давом эттиришдан тийилиб туришди.

Абдурраҳмон II 837 йили Толедода христианлар ва ренегатлар ўртасида юз бераётган ихтилофлардан фойдаланиб шаҳарни қайтариб олди.

**Норманлар.** Абдурраҳмон франкларга қарши курашни давом эттирди. Норманлар 843 йили Андалусиянинг ғарбий қисмини талади. Улар «скандинавияликлар» ёки «данияликлар» бўлиб, денгизда ҳукмрон эдилар.

**Андалусия флотининг ташкил қилиниши.** Норманлар ҳужум қилган пайтда, мусулмонларнинг флоти йўқ эди. Абдурраҳмон денгиздан бўладиган хавфни бартараф этиш учун флот тузишга ҳаракат қилди.

852 йил 23 сентябрда Абдурраҳмон II вафот этди.

**Муҳаммад I (Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абдурраҳмон II, 823 – 886) – Қуртуба амири (852 – 886).**

Муҳаммад I 852 йили отаси Абдурраҳмон II вафотидан сўнг тахтга чиқди. 862 йили амирликдан ажраб чиққан Тудела ва Сарагосани қайтариб олди, бироқ орадан кўп ўтмай шаҳарларни бой берди. Муҳаммад I кўшини бану қосий ва уларнинг иттифоқчиси Леон қироли томонидан мағлуб этилди. 873 йили Толедо яна амирликдан ажралиб чиқди, шаҳар аҳолиси республикага ўхшаш давлат тузди. Муҳаммад I уни тан олишга мажбур бўлди.

Эстремадурада Ибн Марвон бошчилигида бошқа мустақил давлат тузилди. Ренегатларнинг энг кучли исёни 880 йили Умар ибн Ҳафсун бошчилигида Ронда вилояти ҳудудида бўлиб ўтди. Умар вестгот қироллари оиласига мансуб эди. У маркази Барбастро бўлган мустақил давлат тузди. Сўнгги йилларда Умар деярли бутун Андалусия устидан ҳукмронлик ўрнатди. Унга Малага, Гранада, Хаэн ва Кордова вилоятининг бир қисми бўйсунди. Бир неча марта Кордова остоналаригача келди. У бошлаган исён фақатгина 928 йили Абдурраҳмон III томонидан бостирилди.

**Мунзир (Абулҳакам Мунзир ибн Муҳаммад, 842 – 888) – Қуртуба амири (886 – 888).**

Унинг отаси давлат ичида кўзғолонлар ва парокандаликлар вужудга келаётган пайтда вафот этди. Ўрнига Мунзир қолди. Янги ҳукмдорни оғир синовлар кутарди. У қаттиққўллик билан кўзғолонларни бостирди. Отаси ҳукмронлиги даврида Шимолий Испаниядаги давлатларга ва ренегатларнинг бану қосий давлатига қарши уруш олиб борди.

865 йили Астурия қироли Ордоньо I га қарши муваффақиятсиз юриш қилди. Кейинчалик Астурияни тўла забт этишга ҳаракат қилди, бироқ 878 йили Вальдемора жангида қирол Альфонсо III дан енгилди.

Мунзир 883 йили Жанубий Арагонда мустақил давлат тузган бану қосий давлатига қарши юриш қилди, лекин бу ерда ҳам мағлубиятга учради. Аммо кейинги йили Бадахосдан исёнчи амир Ибн Марвонни қувишга эришди. Мунзир 886 йили, отаси вафотидан сўнг, тахтга чиқарилди. Икки йил давом этган ҳукмронлиги вақтида исёнчи Умар ибн Ҳафсунга қарши кураш олиб борди. Мунзир 888 йили Барбастрода вафот этди. Баъзи ривоятларда уни ўзидан кейин ҳукмрон бўлган укаси Абдуллоҳ заҳарлаб ўлдирган дейилади. Мунзирнинг ёши 46 га яқинлашиб қолганди.

**Абдуллоҳ (Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муҳаммад, 843 – 912)** – Қуртуба амири (888 – 912). Абдуллоҳ акаси вафотидан сўнг тахтга чиққан. Унинг ҳукмронлиги даврида Жанубий Испаниянинг катта қисмини бўйсундирган Умар ибн Ҳафсунга қарши уруш давом эттирилди. Умар ибн Ҳафсун 891 йили тор-мор келтирилди ва босиб олган ҳудудидан маҳрум этилди. Лекин 892 йили Ибн Ҳафсун ўзини ўнглаб олди ва Қуртуба амирлиги қўшинига зарба бериб йўқотган ҳудудларини қайтадан эгаллади. 901 йили амир Абдуллоҳ ва Умар ибн Ҳафсун ўртасида тинчлик битими имзоланди. Лекин кейинги йили уруш қайтадан бошланди ва Абдуллоҳ вафотигача тўхтамади. Абдуллоҳ Умар ибн Ҳафсундан ташқари Астурия қироли Альфонсо III ва Эбро дарёси водийсини назорат қилаётган бану қосийга қарши курашишга мажбур бўлди.

**Умар ибн Ҳафсун, Самуэл (854 – 917).** Рондада, вестгот-ренигатлар оиласида туғилган. Бутун умрини Қуртуба амирлигига қарши кураш билан ўтказган.

884 йили Умар ибн Ҳафсун бошлиқ исёнчилар бутун Андалусия бўйлаб тарқалиб кетишди, 886 – 887 йилларда Севилья, Малага, Гранада каби йирик шаҳарларда назорат ўрнатишди. 888 йили Мунзир исёнчи бану қосий билан сулҳ тузиб, Умар ибн Ҳафсунга қарши бирваракайига Кордова, Севилья ва Малагадан юриш бошлади. Умар саросимага тушиб тоғларга қочди. Унинг яқин ёрдамчиси Аиксум қуршовга тушиб қолди ва қўлга олиниб қатл этилди. Бошқа ёрдамчиси Атанарих ҳам Кордовадан жануби-шарқдаги Приегода ҳалок бўлди. Умарнинг ўзи бу вақтда сўнги истеҳкоми Бобастрога яширинди. Қуртуба қўшини қалъага ҳужум бошлади, лекин 29 июнь кун кутилмаганда Мунзир вафот этди. Унинг укаси Абдуллоҳ аскарлардан Мунзирнинг ўлимини сир тутишга ҳаракат қилди. Қўшинда чекиниш ҳақида фикрлар янграй бошлади ва бу умумий қочишга айланди. Умар ибн Ҳафсун вазиятдан фойдаланиб Қуртуба амирлиги қўшини ортидан зарба берди ва кўплаб аскарларни ўлдирди. Баъзи бўлинмалар исёнчиларга қўшилиб кетди. Умар Абдуллоҳнинг ортидан етиб олди ва уни Мунзирни ўлдиришда айблади. Абдуллоҳ Умарнинг яккама-якка олишув қилишга чақириғини рад этди ва чекинишда давом этди. Бобастродаги ғалабасидан сўнг Умар қўшини сони 20 мингга етди ва у Андалусиянинг тўртдан бир ҳудудини бошқара бошлади. Аммо 891 йили Абдуллоҳ қўшини Полей жангида Умар ибн Ҳафсун бошлиқ исёнчиларни тор-мор келтирди. Умар 895

йили амирнинг Эбро водийсига кетганидан фойдаланиб тоғлардан тушди ва Гвадалквивирдан жанубдаги ерларни босиб олди. 895 йил 4 август куни исёнчиларга Хаэн шаҳри таслим бўлди. Абдуллоҳ жуда оғир аҳволда қолди, Эбродаги юриш муваффақиятсизликка учради, Астурия қироли Альфонсо III Дуэродаги қалъаларни босиб олиш учун ҳаракат бошлади. 896 йили амир Валид бошлиқ қуртубаликлар Альфонсо III ни мағлуб этишди ва уни асир олишди. Ўша йили исён Гвадалквивирнинг ўнг соҳилига ўтди. Абдуллоҳ Андухар ва Байленни йўқотди. 897 йили бану қосий Абдуллоҳга кучли зарба берди; Лопе ибн Мусо Толедони босиб олди. 898 йили Умар ибн Ҳафсун ва Лопе ибн Мусо Қуртуба амирлигига қарши биргаликда ҳаракат қилишга келишиб олишди. 899 йили ваъда қилинган ёрдамни ололмаган Симанкас шаҳри таслим бўлди. Умар ибн Ҳафсун ўша йили чўқиниб христианликка ўтди ва Самуэл исмини олди. Қўшинидаги мусулмон жангчилар уни ташлаб кетишди. Абдуллоҳ 900 йили Хаэн, Андухар ва Байленни қайтариб олди. 903 йили Бобастро қисқа муддатга қўлга киритилди. Абдуллоҳ 908 йили Кордова, Севилья, Малага ва Фарани тўлиқ назорат қиларди. Бошқа ҳудудлар бўйсунушдан бош тортди. 912 йили Абдуллоҳ вафот этди ва унинг ўрнига невараси Абдурраҳмон III тахтга чиқди. Абдурраҳмон III ҳафсунийларга қарши бир қанча зарбалар берди. 917 йил сентябрда Самуэл ўлди. Унинг ўғиллари Хафар ва Сулаймон оталари каби христианликни қабул қилиб Қуртуба амирлигига қарши урушди, бироқ 920 йил октябрь куни Сеутага музокара олиб бориш учун кетаётган Хафар биродари Сулаймон томонидан ўлдирилди.

Абдурраҳмон III Бобастро қалъасини 928 йил 11 январда қўлга киритди. 930 йили Мелилья ва Сеутани олган Абдурраҳмон III сўнги ҳафсуний Сулаймонни қатл эттирди.

**Абдурраҳмон III (891 – 961) – Қуртуба амири (912 – 961).** *Ҳукмронлиги даврида бир қатор муваффақиятларга эришган: 931 йили Сеутани, 932 йили эса Толедони забт этган. 955 йилдан Леон ва Наварра қиролларини ўлпон тўлашга мажбур қилган. Фотимийлардан Мағрибнинг бир қисмини тортиб олган. Ҳарбий флотни кучайтирган, унинг флоти ўша замонда Ўрта ер денгизидаги энг кучли флот ҳисобланарди. Византия империяси ва Муқаддас Рим империяси императори Оттон I билан элчилар алмашган. Турли араб ва барбар қабилалари таъсиридан қутулиш учун европалик ёлланма жангчилар ва қуллардан «славян» – «сақолиба» бўлинмаларини тузган.*

*Абдурраҳмон III ҳукмронлиги даврида Қуртуба амирлигининг ҳар томонлама равнақ топиши учун катта хизмат қилди. Унинг ҳукмронлик йиллари Қуртуба амирлигининг энг қудратли даври ҳисобланади.*

Абдурраҳмон III амир бўлган вақтда Қуртуба амирлиги амалда бор-йўғи Кордова шаҳри ва унинг атрофидаги ерларни назорат қиларди, холос.

Абдурраҳмон III 917 йили Сан Эстебан Гормасда испанлардан енгилди, лекин 920 йили Вальдехунке жангида Леон ва Наварра қиролларининг бирлашган қўшинини тор-мор келтирди ва кўплаб испан шаҳарларини забт этди, жумладан, Памплонани (924). 928 йили Бобастродаги, 930 – 931 йилларда эса Мелилья ва Сеутадаги ҳафсунларни тугатди. 930 йили Бадахосдаги исённи бостирди.

931 йили Леон қироли бўлган Рамиро II 932 йили Мадридни олиб талади, 934 йили эса Кастилия графи Фернан Гонсалес билан бирга Осмада Қуртуба амирлиги қўшинини мағлубиятга учратди. 937 йили Леон қироли Абдурраҳмон III томонидан Осма жангидаги мағлубиятнинг асосий айбдори деб топилган Сарагоса амири Муҳаммад ибн Ҳасимга қарши ҳаракат бошлади. Рамиро Қуртуба амирлиги қўшинини енгиб Сарагосага кирди ва Муҳаммад ибн Ҳасимни содиқликка мажбурлаб қасамёд қилдирди. Сарагосага иттифоқчилари бўлмиш наварраликларни жойлаштириб, ўзи Леонга қайтиб кетди. Бунга жавобан Абдурраҳмон III исёнчиларга қарши юриш қилиб кўпгина қалъаларни олди. Бу Муҳаммад ибн Ҳасимни Қуртуба амири билан ярашишга ва испанларга қарши бирлашиб ҳаракат қилишга ундади. Сарагосада қолдирилган наварраликлар қириб ташланди, ортидан Наваррага қилинган юришдан кейин қирол Гарсия I Санчес Абдурраҳмон III га вассаллигини эътироф этди.

Абдурраҳмон III 939 йили «Ғазот ул-қудра» (Қудратли уруш) деб номлаган юришини бошлади, лекин 6 августда Симанкас шаҳри яқинида, 21 август куни Аландег манзилгоҳи атрофида юз берган жангларда Леон, Кастилия ва Наварра давлатларининг бирлашган қўшинидан мағлубиятга учради.

950 йили Марокаш учун фотимийлар билан урушди. 951 йили Танжерни олди. 953 йили Леоннинг янги қироли Ордоньо III Лиссабонга ҳужум қилиб шаҳарни талади. 955 йили фотимийлар флоти Андалусиянинг жануби-шарқий соҳилларидаги Байяну портига ҳужум қилиб уни ер билан яқсон этди. Абдурраҳмон III шаҳарнинг ўрнига Ал-Мория (Альмерия) номли янги бандаргоҳ қуришга буйруқ берди.

**Ҳасдай (Абу Юсуф бен Ицхак бен Эзра) ибн Шапрут (915–970)** – яҳудий давлат арбоби, Абдурраҳмон III нинг табиби ва маслаҳатчиси. Андалусиядаги яҳудий жамоаларига ғамхўрлик қилган.

Ҳасдай 915 йили Андалусиянинг шарқидаги Хаэн шаҳрида, бадавлат савдогарлар оиласида дунёга келган. Унинг отаси Ицхак бен Эзра Кордовада яҳудийлар синагогасини қурдириб ном қозонганди. Ҳасдай ёшлигидаёқ иброний тилидан ташқари араб, латин ва испанларнинг сўзлашув шеvasи – романсени билган. Тиббиёт бўйича бир қанча изланишлардан сўнг Кордованинг номдор табиблардан бирига айланди. Унинг довруғи амир саройигача борди ва табибни хизматга олишди.

Ҳасдай Абдурраҳмон III девонида амалда молия ишлари вазири ва ташқи ишлар вазири лавозимида тенг мансабда фаолият юрита бошлади. Лекин келиб чиқиши яҳудий бўлгани учун расман вазир унвонига эга бўлмаган.

## ЖАНУБИЙ ИТАЛИЯ

**Сицилия.** Мусулмонлар Сицилияга биринчи марта халифа Усмон даврида, 652 йили, киришган бўлиб, минтақани бутунлай босиб олишни мақсад қилишмагани учун тарк этишганди. Лекин VIII асрда араблар бутун Шимолий Африкани эгаллашган. Араблар Карфаген портидан фойдаланиб Сицилияга таҳдид солишлари мумкин эди.

Тахминан 700 йили араблар Сицилиядан ғарброкдаги Пантеллерия оролини забт этишди. Араблар орасидаги ихтилоф ўша йили Сицилияга юриш қилишга халақит берди. Сўнгроқ Византия билан тузилган савдо шартномалари бўйича араб савдогарлар Сицилия бандаргоҳларида эркин савдо қилиш ҳуқуқини қўлга киритишди. Оролга янги ҳужумлар 703, 728, 729, 730, 731, 733 ва 734 йилларда уюштирилди. Айниқса, сўнгги икки юриш Византиянинг қаттиқ қаршилигига учради.

740 йили Сицилияни тўла истило қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган юриш бошланди. 728 йили араб лашкарбошиси Ҳабиб Сиракузани қўлга киритганди. Шимолий Африкадаги барбарлар қўзғолони арабларнинг оролни тарк этиб, Тунисга йўл олишларига сабаб бўлди. 752 йилги такрорий юришда Сиракуза қайтадан қўлга киритилди.

805 йили Сицилиядаги император ноиби Константин Африка амири Иброҳим I ибн ал-Аглаб билан ўн йиллик тинчлик сулҳи имзолади.

806 йилдан 821 йилгача бошқа мусулмон давлатлар Сардиния ва Корсикага ҳужум уюштириб турди. 812 йили Иброҳимнинг ўғли Абдуллоҳ I Сицилияни забт этиш учун қўшин жўнатди. Гаэта ва Амалфи қалъаларини олишда флот катта талафот кўрди, кейинроқ довул оқибатида ҳалокатга учради. Шунга қарамай, араблар Лампедуза оролини эгаллашди ҳамда Понца ва Искья ороллари талон-торож қилишди. Янги ноиб Григорий ва амир ўртасида, Италия ва Ифриқийя (ҳозирги Тунис) ўртасида янги савдо шартномалари имзоланди. 819 йили амирнинг қардоши Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Сицилияга ҳужум қилди. Ундан сўнг араблар 827 йилгача бошқа ҳужум қилишмади.

**Сицилиядаги Эвфемий исёни.** 826 йили Сицилиядаги Византия флоти қўмондони Эвфемий бир роҳибани ўзига турмушга чиқишга мажбурлади. Император Михаил II Травл бошқа қўмондон Константинни Сицилияга юбориб, никоҳни бузиб Эвфемийнинг бурнини кесишни буюрди. Эвфемий исён кўтариб Константинни ўлдирди ва Сиракузани қўлга олди. Кейин енгилиб Шимолий Африкага қочди. У аглабий ҳукмдорларга ўз хавфсизлигини таъминлашлари эвазига қўмондонлик қилишини айтди. Аглабийлар етмиш яшар қози Асад ибн ал-Фурот қўмондонлигидаги қўшинни Сицилияни забт этишга юборди. Қўшин 10 минг кишилик пиёда ва 700 отликдан иборат бўлиб, 100 та кемага жойлаштирилди. Эвфемий Сицилияга ҳукмдор бўлиши ва ҳар йили аглабийларга ўлпон тўлашига келишиб олинди. Қўшин Мадзара-дель-Валлога келиб жойлашгач, Эвфемийга содиқ кучлар келиб унга қўшилди. Биринчи тўқнашув Мадзара яқинида 827 йил 15 июль куни юз бериб, унда мусулмон қўшини ғалаба қозонди. Сўнг Асад оролнинг жанубий соҳилларини эгаллаб, Сиракузани қамалга олди. Бир йиллик қамалдан сўнг унинг қўшини Жустиниано Партечипацио бошлиқ Венеция флоти қўллаб-қувватлаган ва Палермодан юборилган катта қўшинни тор-мор этди. Бироқ мусулмон қўшини ўлатдан қаттиқ азият чекди, лашкарбоши Асад ҳам шу дарддан вафот этди. Мусулмон қўшини Минеога чекинишга мажбур бўлди. Ҳужумга ўтиб Кастрожованни қалъасини олишга уринишди, лекин қалъани забт эта олишмади. Жангда Эвфемий ҳалок бўлди ва қўшин Мадзарага қайтди.

830 йили мусулмонлар Африка ва Андалусиядан 30 минг кишилик мадад кучи олишди. Июль ва августда андалусияликлар қўшини Теодот бошлиқ Византия қўшинига зарба берди. Лекин тагин бошланган ўлат сабабли Мадзарага, сўнг Африкага қайтишга мажбур бўлишди. Барбарлар қўшини эса Палермони қамал қилишга отланди ва шаҳарни бир йиллик қамалдан сўнг – 831 йили олишга эришишди. Палермо Ал-Мадина номи остида мусулмонлар Сицилияси пойтахтига айланди.

840 йили Таранто араблар ҳукми остига тушиб қолди. Унгача шаҳар ломбардлар ҳукмида эди. Қирқ йил мобайнида Таранто Адриатика денгизи соҳилларига ҳужум қилиш учун арабларнинг муҳим бандаргоҳи бўлиб қолди.

Араблар 840 йили Византия императори Феофил томонидан ёрдамга чақирилган Венеция флотини тор-мор келтирди.

Арабларнинг Сицилияни тўлиқ эгаллаши учун юз йилдан ошиқроқ вақт кетди. 902 йили Таормин қўлга киритилди ва мусулмонлар 965 йили бутун Сицилия устидан назорат ўрнатишди.

**Аглабийлар ва фотимийлар Сицилияси (902 – 965).** Сицилия 909 йилгача оролни тўлиқ забт этиш учун курашаётган аглабийлар қўл остида эди. Оролга Шимолий Африка, Осиё ва Андалусиядан мусулмонлар кўчиб кела бошлади. Сицилиянинг жанубида, асосан, барбарлар яшарди. Қароргоҳи Палермода жойлашган амир катта шаҳарларга қози ва кичикроқ аҳоли манзилгоҳларига ҳокимлар тайинларди. Ҳар бир шаҳарда мўътабар кишилар ва фаол кишилардан иборат «жамоа» деб аталувчи кенгашлар фаолият кўрсатарди.

Х асрда Палермода 300 минг киши яшаган бўлиб, Италиядаги энг кўп аҳолига эга шаҳар эди.

909 йили фотимийлар аглабийлар ўрнига ҳокимият тепасига келди. Тўрт йилдан сўнг Аҳмад ибн Коҳроб фотимий ноибни ағдарди ва ўзини мустақил Сицилиянинг амири деб эълон қилди. 914 йили у фотимийлар флотини мағлуб этишга эришди, бироқ бир йилдан сўнг, иқтисодий ислоҳотлари давлатни ҳалокатга олиб келгани учун, оролни жанубидаги барбарлар исён кўтарди. Исёнчилар ибн Коҳробни тутиб дорга тортишди, 917 йили эса фотимий ҳукмдор Убайдуллоҳ оролга қўшин жўнатди. Унинг қўшини Палермони ишғол қилди ва Сицилияда фотимийлар ҳкмронлигини ўрнатди. 937 йили Агрижен-тодаги барбарларнинг янги қўзғолони муваффақиятсиз чиққанига қарамай 941 йилгача давом этди. Исён Африкадан жўнатилган қўшин ёрдами билангина бостирилди.



**Бари амирлиги** – 847 йилдан 871 йилгача мавжуд бўлган Жанубий Италиядаги мусулмон давлати. Маркази – Бари шаҳри (ҳозирги Бари, Италия).

IX асрда Жанубий Италия Византия империясига қарашли эди. Бари биринчи марта араблар томонидан 840 ёки 841 йили хужумга учраган, қисқа муддатда ишғол қилинган. Форс тарихчиси Баладхўрий гувоҳлигига кўра, Бари аглабийлар сулоласининг вассал амири Калфун (847 – 852) томонидан 847 йили забт этилган. Калфун Барининг биринчи амири бўлди. Калфуннинг ҳеч бир ҳукмдордан ёрдам олмай Барини эгаллашига замондошлари унчалик аҳамият бермаган. Бироқ Калфуннинг вориси Мутарраг ибн Саллом Бағдодга – аббосий халифага, шунингдек, аббосийларнинг Мисрдаги ноибига мактуб йўллаб Барининг халифалик вилояти, ўзининг волий деб тан олинишини сўраган. Мазкур илтимос қаноатлантирилди. Бироқ бу вақтда Мутарраг вафот этган. Мутарриг даврида амирлик ҳудуди кенгайтирилиб, унда ислом динининг мавқеи мустаҳкамланди.

Барининг учинчи ва сўнгги амири Савдан бўлиб, Мутарриг ўлдирилганидан сўнг, 857 йили, ҳокимиятга келди. У христианларнинг Беневенто князлиги ҳудудига хужум қилиб княз Адельчизни ўлпон тўлашга мажбур этди. 860 йили Бағдоддан Муттарраг илтимоси қондирилгани ҳақида мактуб олди.

Унча узоқ яшамаган Бари амирлиги қўшнилари билан алоқа ўрнатишга вақт топа олди. Бари элчилари Салернога юборилди. Император Людовик II нинг душманларидан бири Баридан паноҳ топди. 859 йили амир қўшини Капуяга хужум уюштирди. Қайтишда Сполето графи Ламберт I қўшин тўплаб Савданни Баридан ажратишга уринди. Оғир жангдан сўнг Савдан шаҳарга киришга эришди. Людовик 865 йили католик черкови таъсирида Европа марказида ислом давлати бўлишидан норозилигини ифодалаб 866 йил баҳорида Шимолий Италия қўшинини Лучерда тўпланиб Барига хужум қилишга чақирди. Юриш ўз вақтида бўлган-бўлмагани номаълум, бироқ ўша йилнинг ёзида Людовик вассалларига яна мурожаат этиб Барига хужум қилишда ёрдам олишга муваффақ бўлди.

867 йил баҳорида Людовик II ҳарбий ҳаракат бошлади. Матера ва Орияни қамал қилди, Матера қаршилик кўрсатгани учун, кулини кўкка совурди. Ория жангсиз таслим бўлди. Бу Таранто ва Бари ўртасидаги муносабатларни кескинлаштирди. Сўнг Людовик Бари ва Беневенто чегараларидаги Каносда гарнизон жойлаштирди, лекин 868 йил мартда Беневентога қайтди. Бу вақтда Людовик Византия

императори Василий I билан музокарага киришди, у ўзининг қизини император ўғлига бериб, эвазига Барига ҳужум қилиш учун Византия империяси флотидан ёрдам олиш кафолатини олди. Ҳамкорликдаги ҳужум 869 йилнинг ёзига режалаштирилди. Людовик Беневентода июнгача қолди.

Византия флотининг бир неча юз кемаси Никетас бошчилигида Италия соҳилларига келди. Никетас Людовикдан тезда қизини византияликларга топширишни талаб қилди. Аниқланмаган сабабларга кўра Людовик қизини византияликларга беришдан бош тортди ва Барига режалаштирилган ҳамкорликдаги ҳужум бўлмади.

870 йили мусулмонлар қўшини христиан қўшнилари ҳудудига ҳужум қилиб ҳаттоки Монте-Гаргано мақбара-ибодатхонасини талашди. Людовик Бари ва Тарантони четлаб, Апулия ва Калабриядан ўтиб юриш бошлади. Мусулмонларга қарашли бир неча шаҳарлар қўлга киритилди, йўлда учраган бир қанча мусулмон бўлинмалари тор-мор келтирилди. Кейин Далмация флоти қўллаб-қувватлаган Людовикнинг франко-ломбард қўшини Барига ҳужум қилди. 871 йил февралда қалъа енгилди. Савдан асирга олиниб занжирбанд ҳолатда Беневентога келтирилди. Шундай қилиб, Бари амирлигининг ҳукмронлиги тугади.

**Жанубий Италия.** 850 йили араблар қўшини Таранто ва Баридан Кампания, Апулия, Калабрия ва Абрुццани забт этиш учун йўлга чиқишди. 854 йили Салернога юриш уюштирилди. 875 йили араблар қисқа муддат Градони эгаллаб Венецияга бевосита хавф солиб туришди. Тарантодаги ислом давлати Византиянинг икки армияси ва флоти шаҳарни араблардан тортиб олгунга қадар (880) фаолият кўрсатди. Византияликлар барча аҳолини кулликка солишди ва сургун қилишди, уларнинг ўрнига грекларни кўчириб келтиришди. 882 йили араблар қисқа муддатга Тарантони эгаллади. 922 йилги босқин пайтида шаҳар талон-торож этилди. Сўнг 927 йил 15 августда шаҳарнинг барча аҳолисини Шимолий Африкага қул қилиб сотиб юборишди. Тарантони Византия империяси босиб олгунча (967) шаҳар кимсасиз хувиллаб ётди.

**Лацио ва Кампания.** IX аср давомида араб кемалари Тиррен денгизида назорат ўрнатишганди. Улар вақти-вақти билан соҳил-бўйидаги Амалфи, Гаэта, Неаполь ва Салернога ҳужум уюштириб туришарди. Шаҳарлар ўзларини ҳимоя қилишга мажбур эди. Бу эса

Неаполь қироллигидан Гаэтон ва Амалфи герцогликлари ажралиб чиқишига олиб келди. Араблар бу давлатларга хужум қилиб уларни эгаллашди. Кампаниядан жануброқдаги христиан давлатлар хужумни қайтариш учун бирлашишга эриша олишмади, бунга тайёр ҳам эмасдилар. Боз устига, араблар Гаэта, Амалфи ва Неаполь билан иттифоқ тузиб турарди. Араблар биринчи марта, Неаполь герцоги Андрей II Беневенто князи Сикардга қарши араблардан ёлланма қўшин сифатида фойдаланганда, Италия ичкарасида бўлишди. 836 йили Сикард ўзининг ёлланма араб аскарларидан фойдаланди ва бу ҳолат доимийлик касб этди. Минтурнода араблар лагери ташкил этилди, Рим папалари эса уларни йўқ қилиб юборишга уринишарди.

915 йили папа Иоанн X Жанубий Италия (Амалфи ва Неаполдан ташқари), ломбардлар ва византияликларнинг кучларини арабларга қарши бирлаштиришга эришди. 916 йилги Гарильно жангидан сўнг араблар узил-кесил Лация ва Кампаниядан чиқариб юборилди. Арабларнинг айрим мустақил бўлинмалари яна бир асрга яқин хужум қилиб турди.

## БЕШИНЧИ ҚИСМ

### АББОСИЙЛАР, БУВАЙҲИЙЛАР, САЛЖУҚИЙЛАР, ХОРАЗМШОҲЛАР СУЛОЛАЛАРИ, МЎҒУЛЛАР ҲУКМРОНЛИГИ, САЛИБ ЮРИШЛАРИ ДАВРИ (X АСР ИККИНЧИ ЯРМИ – XIII АСР ИККИНЧИ ЯРМИ)

#### Бувайҳийларга тобе аббосий ҳукмдорлар (945 – 1055)

**Мустакфий, Абулқосим Абдуллоҳ ибн Муқтафий ибн Муътазид (905 – 949)** – аббосий ҳукмдор (944 – 946). 944 йил октябрда, Муттақий қулатилгандан сўнг, тахтга чиққан. Мустакфий 1 йилу 4 ой ҳукмронлик қилгач қулатилган ва зиндонга ташланган. 949 йили зиндонда вафот этган.

**Мутийъуллоҳ, Абулқосим Фазл ибн Муқтадир (913 – 975)** – аббосий ҳукмдор (946 – 974). 946 йили Мустакфий қулатилгач, унинг ўрнига ўтказилган.

**Тоиллоҳ, Абу Бакр Абдулкарим ибн Мутийъ (932 – 1003)** – аббосий ҳукмдор (974 – 991). 974 йили отаси ўрнига қўйилган ва 991 йили тахтдан туширилган.

**Қодир, Абул Аббос Аҳмад ибн Исҳоқ ибн Муқтадир (947 – 1031)** – бувайҳийларга тобе аббосий ҳукмдор (991 – 1031).

**Қоим, Абу Жаъфар Абдуллоҳ ибн Қодир** – аббосий ҳукмдор (1031 – 1075).

#### Салжуқийларга тобе аббосий ҳукмдорлар (1055 – 1118)

**Муқтадий, Абулқосим Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Қоим (1056 – 1094)** – аббосий ҳукмдор (1075 – 1094).

**Мустазҳир, Абул Аббос Аҳмад ибн Муқтадир** – аббосий ҳукмдор (1094 – 1118).

## Ярим мустақил аббосий ҳукмдорлар

**Мустаршид, Абу Мансур Фазл ибн Мустанзхир** – аббосий ҳукмдор (1118 – 1135).

**Рошид, Абу Жаъфар Мансур ибн Мустаршид** – аббосий ҳукмдор (1135 – 1136). *Отаси Мустаршид вафотидан сўнг, 1135 йил 29 августда, ҳукмдор бўлди. 1136 йил июнда тахтдан туширилди. 1138 йили Исфаҳон остоналарида ўлдирилди.*

**Муқтафий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мустанзхир** – аббосий ҳукмдор (1136 – 1160). 1136 йил 7 сентябрда тахтга чиқди. 1160 йил 12 март, яъни вафот этгунга қадар давлатни бошқарди.

**Мустанжид, Юсуф ибн Муқтафий (1124 – 1170)** – аббосий ҳукмдор (1160 – 1170).

**Мустазий, Абу Муҳаммад Ҳасан ибн Юсуф (1142 – 1180)**. *Отаси Мустанжиддан сўнг 1170 – 1180 йилларда Бағдодда ҳукмронлик қилган. 1180 йил 30 март кун вафот этган.*

**Носир, Абу Аббос Аҳмад ибн Мустазий (1158 – 1225)** – аббосий ҳукмдор (1180 – 1225). Аббосийлар йўқотган ҳукмронликни тиклаб, Дажла ва Фурот оралиғидаги ҳудудда ҳамда Форс вилоятида мустақил ҳукмронлик қилган.

**Зоҳир, Абу Носир Муҳаммад ибн Аҳмад Носир (1179 – 1226)** – аббосийлар сулоласининг вакили, Бағдодда 1225 – 1226 йилларда ҳукмронлик қилган. У ҳукмдорликни отаси Носирдан 52 ёшида олган. Ҳокимият тепасидалиги пайтида солиқлар миқдорини камайтириб, кучли қўшин тузишга эришди. 9 ойу 14 кун ҳукмдорлик қилган. 1226 йил 10 июль кун вафот этди.

**Мустансир, Абу Жаъфар Мансур ибн Муҳаммад Зоҳир (1192 – 1242)** – аббосий ҳукмдор (1226 – 1242).

**Мустаъсим, Абдуллоҳ ибн Мансур Мустансир (1213 – 1258)** – энг сўнгги аббосий ҳукмдор (1242 – 1258). Бағдоддаги Аббосийлар давлати Хулаку бошлиқ мўғуллар босқинига учраб ҳалокатга учради. Мустаъсим 1258 йил 20 февраль кун Хулаку томонидан қатл эттирилди.

## ЭРОН ВА ЎРТА ШАРҚ

**Алавийлар (864 – 928)** – Табаристон шиалари амирлиги. Алавийлар ўзларини Ҳасан ибн Алининг авлодлари деб даъво қилишган. Алавийлар давлати 928 йили сомонийлардан мағлубиятга учради,

шундан сўнг ҳукмронликлари тугади. Қўшиннинг бир қисми сомонийлар томонига ўтган.

Зиёрнинг ўғли Мардовиж сомонийлар томонига ўтган амирлардан бири эди. Кейинроқ у зиёрийлар сулоласига асос солган. Алавийлар қўшинида, шунингдек, Бувайҳийлар давлати асосчиси Имоуддавла ва унинг укалари Ҳассон ва Аҳмад бор эди.

## **Алавийлар давлати амирлари**

### **1. Табаристонда**

1. Ҳассон ибн Зайд (864 – 883).

2. Муҳаммад ибн Зайд (883 – 900).

900 йили сомонийлар Табаристонни эгаллади. Алавийлар Ғилонга қочишди (900 – 913).

3. Ҳасан ибн Али (913 – 916).

916 йили алавийлар сомонийлар тарафдорлари ва сомонийларга қарши бўлган икки гуруҳга бўлинди.

### **1. Сомонийларга қарши**

1. Ҳассон ибн Қосим (916 – 928).

### **2. Сомонийлар тарафдорлари**

1. Аҳмад ибн Ҳассон (916 – 923).

2. Жаъфар ибн Ҳассон (916 – 924).

3. Муҳаммад ибн Аҳмад (924 – 927).

4. Ҳассон ибн Аҳмад (927).

**Бувайҳийлар (932 – 1062)** – Бағдодда 945 – 1055 йилларда ҳукмронлик қилган Ғилон (Дайлам, Каспий денгизи жанубий соҳили) шиалари уюшмаси. Бувайҳийлар Бағдодни истило қилишганидан сўнг, уларнинг ҳукмдорлари ўзларини «Шаҳаншоҳ ул-аъзам малик ул-мулук» деб номлаган.

Бувайҳийлар 934 – 1062 йилларда Эроннинг жануби-ғарбидаги Форс, 932 – 1028 йилларда вақти-вақти билан Рай ва Исфаҳон вилоятларига бўлиниб турган Жибол, 936 – 1048 йилларда Кирмон вилоятини, 945 – 1055 йилларда Бағдод ва ҳозирги Ироқ ҳудудининг

катта қисмини бошқаришган. Салжуқийлар 1055 йили Бағдодни олиб бувайҳийларни тахтдан ағдарди. 1062 йили бувайҳийларнинг сўнги мулки ҳам қўлдан кетди.

## Бувайҳийлар сулоласи ҳукмдорлари

### 1. Караж волийси

1. Абул Ҳасан Али ибн Бувайҳ (894 – 949) – Кереж амири (932 – 934), Форс амири (934 – 949).

### 2. Форс вилояти волийлари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Абулҳасан ибн Бувайҳ	934 – 949
2.	Фано Хусрав ибн Ҳасан	949 – 983
3.	Ширдил ибн Фано Хусрав	983 – 990
4.	Марзубон ибн Фано Хусрав	990 – 998
5.	Феруз ибн Фано Хусрав	998 – 1012
6.	Абу Шужоъ ибн Феруз	1012 – 1021
7.	Ҳасан ибн Феруз	1021 – 1024
8.	Марзубон ибн Феруз	1024 – 1048
9.	Хусрав Феруз ибн Марзубон	1048 – 1055
10.	Мансур ибн Хусрав Феруз	1055 – 1056
11.	Фулод Устун ибн Марзубон	1056 – 1062

### 3. Кирмон вилояти волийлари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Ҳасан ибн Бувайҳ	934 – 936
2.	Аҳмад ибн Бувайҳ	936 – 949
3.	Фано Хусрав ибн Ҳасан	949 – 983
4.	Марзубон ибн Фано Хусрав	983 – 998
5.	Абу Наср ибн Бахтиёр	998 – 999

6.	Феруз ибн Фано Хусрав	999 – 1012
7.	Абулфаворис ибн Феруз	1012 – 1028
8.	Марзубон ибн Феруз	1028 – 1048

#### 4. Жибол вилояти волийлари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Ҳасан ибн Бувайҳ	935 – 977
2.	Али ибн Ҳасан	983 – 997
3.	Рустам ибн Али	1028 – 1029

#### 5. Исфаҳон вилояти волийси

1. Бувайҳ ибн Ҳасан (977 – 983).

#### 6. Рай вилояти волийлари

1. Али ибн Ҳасан (977 – 983).
2. Рустам ибн Али (997 – 1028).

#### 7. Басра ва Аҳваз вилоятлари волийлари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Абул Ҳусайн ибн Фано Хусрав	983 – 986
2.	Абу Тоҳир ибн Фано Хусрав	986 – 990
3	Ширдил ибн Феруз	1012 – 1025

#### 8. Амол вилояти ноиби

1. Хусрав Феруз ибн Али (984 – 995).

#### 9. Ҳамадон волийлари

1. Абу Тоҳир Фулон ибн Али (997 – 1021).
2. Абул Ҳасан Фулон ибн Абу Тоҳир Фулон (1021 – 1028).



## Бувайҳийлар сулоласига мансуб шаҳаншоҳлар

### Бағдодни истило қилиб аббосийлар устидан назорат ўрнатган бувайҳий амирлар

т/р	хукмдорлар	хукмронлик йиллари	яшаган йиллари
1.	Аҳмад ибн Бувайҳ	945 – 967	915 – 967
2.	Бахтиёр ибн Аҳмад	967 – 978	... – 978
3.	Фано Хусрав ибн Ҳасан	978 – 983	936 – 983
4.	Марзубон ибн Фано Хусрав	983 – 987	963 – 998
5.	Ширдил ибн Фано Хусрав	987 – 989	960 – 990
6.	Феруз ибн Фано Хусрав	989 – 1012	960 – 1012
7.	Абу Шужоъ ибн Феруз	1012 – 1021	993 – 1024
8.	Ҳасан ибн Феруз	1021 – 1025	1003 – 1025
9.	Ширдил ибн Феруз	1025 – 1044	994 – 1044
10.	Марзубон ибн Феруз	1044 – 1048	1009 – 1048
11.	Хусрав Феруз ибн Марзубон	1048 – 1055	... – 1058

### БУВАЙҲИЙЛАР ДАВЛАТИ

**Азудуддавла.** 976 йили Рукнуддавла Ҳасан ўлгач, бувайҳийлар орасида тахт талашиш бошланди. Бу курашда Азудуддавла ғолиб бўлди. У давлат ҳудудини кенгайтиришга эришди. 977 йили Бағдодни олиб хутбада номини ўқиттирди. У, Сосонийлар давлати қулагандан сўнг, биринчи бўлиб «шаҳаншоҳ» унвонини қабул қилди. Азудуддавла Ироқ ва сомонийларга қарашли Сейистон, Табаристон ва Хуросондан ташқари Синдгача бўлган бутун Эронни бўйсундирди. Арабистон яриморолида унинг хукмдорлигини Уммон, ҳаттоки жанубдаги Яман ҳам тан олди. 981 йили шаҳаншоҳ элчилари Константинополда қабул қилинди. Давлат пойтахти Шероз эди. Унинг даврида Шероз, Бағдод ва бошқа йирик шаҳарларда қатор қурилишлар амалга оширилди.

Азудуддавла ўлимидан сўнг тахт учун кураш бошланди. Курашда Баҳоуддавла ғолиб чиқди. У 1012 йили вафот этгач, тўртта ўғли тахт учун ўзаро курашга киришди.

1029 йили Маҳмуд Ғазнавий Рай, Ҳамадон ва Исфаҳонни қўлга киритди. Бошқа бувайҳий амирларга қарашли шаҳарларни салжуқийлар тортиб олди.

**Равводийлар – VIII – XII асрларда Ғарбий Эронда ҳукмронлик қилган сулола.**

**Равводийлар сулоласи ҳукмдорлари**

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Раввод I ибн Мусанно Аздий	?
2.	Важна ибн Раввод I	?
3.	Муҳаммад ибн Раввод I	?
4.	Раввод II	?
5.	Ҳусайн I	?
6.	Муҳаммад ибн Ҳусайн I	? – 956
7.	Ҳусайн II ибн Муҳаммад	956 – 961
8.	Абулҳиж Муҳаммад	983 – 988
9.	Мамлон I	988 – 1019
10.	Вахсудан ибн Мамлон	1019 – 1059
11.	Мамлон II ибн Вахсудон	1059 – 1071

1. 1054 – 1071 йилларда Равводийлар давлати салжуқийлар васали сифатида фаолият кўрсатган.

2. Аҳмадил ибн Иброҳим ибн Вахсудон 1107 – 1117 йилларда салжуқийларнинг Мароғадаги ноиби бўлиб хизмат қилган.

Равводийлар келиб чиқишига кўра басралик яманийлар эди. Улар Абу Жаъфар Мансур даврида Ғарбий Эронга кўчирилганди. Ардабил, Табриз, Мароға, Қоратоғ ва Ахарда ҳар хил араб қабилалари ўрнашганди, улардан бири равводийларга мансуб аздий қабиласи бўлган. Озарбайжонга ўрнашган бошқа қабилалар каби равводийлар маҳаллий аҳолига қўшилиб кетишди, бошқа манбаларга кўра, курдларга айланишган. Аббосийлар ноиби сифатида Раввод I Озарбайжондаги Мароға, Табриз, Ахар ва Вазиганни бошқарган. Ундан сўнг ўғли Важна Табризни бошқарди. Ҳорун ар-Рашид давридаги ички можаролардан фойдаланган Важна Мароғани эгаллаб олди. Лекин қисқа муддатда аббосийлар қўшини Важнани бўйсундирди.

Важнадан сўнг Табризни унинг укаси Муҳаммад бошқарди. У VIII аср охири – IX аср бошида Жанубий Озарбайжонни амалда мустақил бошқарган. Равводийларнинг кейинги юз йиллик тарихи анча қоронғу.

**Сулоланинг кучайиши.** Хусайн II даврида Табриз пойтахтга айлантирилди. Унинг ўгли Абул Ҳиж салорийлар сулоласи ҳукмдори Иброҳимнинг Райга қочганидан фойдаланиб Жанубий Озарбайжондаги бир қатор ҳудудларни қўлга киритди. 981 йили Иброҳимни тўла мағлуб этиб уни асирга олди ва салорийларга қарашли Хой, Урмиё ва бошқа вилоятларни эгаллади. 984 йили эса Аррондан ташқари бутун Озарбайжонни ишғол этди. 987 йили Абул Ҳиж 100 минг кишилик қўшин билан Арманистонга юриш қилди ва Двин шаҳрини олди. Лекин кейинги йили Васпурканга юриш давомида кечаси ўз чодирода ўлдирилди. Абул Ҳижнинг ўгли Мамлон I 988 йили равводийларнинг Арманистонга юришини тўхтатган арман ва грузинларнинг бирлашган қўшинидан мағлубиятга учради.

**Салжуқийлар истилоси.** Равводийлар давлати Мамлон I ўгли Васхудан даврида ўз кудратининг чўққисига чиқди. Васхудан ҳукмронлиги ўғузларнинг юриши пайтига тўғри келган. 1028 йили равводийлар Маҳмуд Ғазнавий томонидан зарбага учрашгач, ўғузларнинг 2000 оиладан иборат гуруҳи Вахсудан рухсати билан Озарбайжонга кўчиб келиб ўрнашди. Шундан сўнг Озарбайжонга янгидан-янги ўғуз қабилалари кўчиб келиши бошланди.

XI асрнинг 20 – 40-йилларида кўчманчилар тўрт марта Озарбайжонга ҳужум қилишди, лекин ҳар сафар Вахсудан томонидан қаттиқ қаршиликка учрашди. Лекин, барибир, Вахсудан 1054 йили султон Тўғрул I га бўйсунушга мажбур бўлди. Шундан сўнг равводийлар 17 йил мобайнида салжуқийларнинг вассали сифатида фаолият кўрсатди. 1071 йили султон Алп Арслон Анатолия юришидан қайтгач Васхуданнинг ўгли Мамлон II ни тахтдан тушириб Равводийлар давлатини тугатди. Табризни султоннинг ноиби бошқарадиган бўлди. Вахсуданнинг авлодлари озарбайжонликлар орасида яшашни давом эттирди. 1107 йили Вахсудан невараларидан бири Аҳмадил ибн Иброҳим Алп Арслоннинг невараси Муҳаммад I га Ҳилла амири Садақий I га қарши курашишда ёрдам берди. Бунинг эвазига Аҳмадил Мароға ва Курсар ноиби этиб тайинланди. 1112 йили 5 минг кишилик суворий қўшинга бошчилик қилиб Сурияда салибчиларга қарши жангда қатнашди. Аҳмадил 1117 йили ҳашшошийларнинг ёлланма қотили томонидан ўлдирилди. Аҳмадилнинг ўлиmidан сўнг унинг қули Оқсунқур юзага келган вазиятдан фойдаланиб Мароға шаҳрини қўлга киритди, ўзи эса амир бўлиб олди ва янги оқсунқурийлар сулоласига асос солди.

**Салжуқийлар давлати (1038 – 1194).** Ҳудуди – 3,9 млн км<sup>2</sup> (1080). Давлат тузуми – монархия. Давлат тили – форс тили.

### Салжуқий ҳукмдорлар (1038 – 1118)

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Тўғрул I	1038 – 1063
2.	Алп Арслон	1063 – 1072
3.	Маликшоҳ I	1072 – 1092
4.	Маҳмуд I	1092 – 1094
5.	Барқийёруқ	1094 – 1104
6.	Маликшоҳ II	1104 – 1105
7.	Муҳаммад I	1105 – 1118

1118 йили Салжуқийлар давлати иккига бўлинди:

1) пойтахти Марв бўлган, Мовароуннаҳр, Хуросон ва Хоразмни ўз ичига олган шарқий қисм (1118 – 1157);

2) Ироқ ва Ғарбий Эронни ўз ичига олган ғарбий қисм (1118 – 1194).

Шарқий қисм ҳукмдори – Санжар (1118 – 1157).

### Ғарбий қисм ҳукмдорлари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Маҳмуд II	1118 – 1131
2.	Довуд	1131 – 1132
3.	Тўғрул II	1132 – 1134
4.	Масъуд	1134 – 1152
5.	Маликшоҳ III	1152 – 1153
6.	Муҳаммад II	1153 – 1160
7.	Сулаймоншоҳ	1160 – 1161
8.	Арслон	1161 – 1176
9.	Тўғрул III	1176 – 1194

**Кирмон салжуқийлари.** Пойтахти Бардсир бўлган Кирмондаги уруғ Салжуқийлар давлатидан мустақил эди. Кирмон Арслоншоҳ (1101 – 1142) даврида ўз равақининг чўққисига чиқди. Бироқ XII аср иккинчи ярмидан Кирмон ички можаролар гирдобига тушиб қолди.

Ҳокимиятни турк отабеклари эгаллаб олишди. 1186 йили Бард-сирни Хуросон ўғузлари сардорларидан бири Малик Динор қўлга киритиб Кирмондаги мустақил сулолага барҳам берди.

### Кирмон салжуқийлари сулоласи (1041 – 1186)

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Қовурд	1041 – 1073
2.	Кирмоншоҳ	1073 – 1074
3.	Ҳусайн	1074
4.	Султоншоҳ	1074 – 1085
5.	Туроншоҳ I	1085 – 1097
6.	Эроншоҳ	1097 – 1101
7.	Арслоншоҳ I	1101 – 1142
8.	Муҳаммад I	1142 – 1156
9.	Тўғрулшоҳ	1156 – 1170
10.	Баҳромшоҳ	1170 – 1175
11.	Арслоншоҳ II	1175 – 1176
12.	Туроншоҳ II	1176 – 1183
13.	Муҳаммад II	1183 – 1186

XII асрда Ғарбий Эрон, Сурия, Ироқ ва Фаластинда бир қанча кичик давлатлар пайдо бўлди. Улардан муҳимлари туркман сардорлари томонидан тузилган Форс отабеклиги, амирликлардан Мосул, Дамашқ, Антиохия, Триполи эди. Уларда янги сулолаларга асос солган саркардалар: ортуқийлар, зангийлар, солғурийлар ва б. ҳукмронлик қилишган. Мазкур давлат бирлашмалари салибчилар барпо қилган Эдесса ва Триполи графликлари, Антиохия князлиги ва Қуддус қироллигига қарши мунтазам уруш олиб борган.

### САЛЖУҚИЙЛАР ДАВЛАТИ

X аср иккинчи ярмида ўғуз, қорлуқ ва бошқа турк қабилалари давлат ташкил қилишди. Ўша вақтда ўғузлар ва Ўрта Осиёдаги бошқа қабилалар исломни қабул қилган.

Салжуқийлар X аср охирларида дастлаб Нурота тоғлари ҳудудига кўчиб келиб ўрнашишди. Бу ўғузларнинг бошида Салжуқнинг неваралари ака-ука Тўғрулбек Муҳаммад ва Чағрибек Довуд турарди.

Қорахоний турклар XI асрнинг 20-йилларига бориб ўғузларни сиқиб қўйишди, натижада улар бошқа ерга кўчиб кетишга мажбур бўлишди. Ўғузларнинг раҳбарлари Маҳмуд Ғазнавийга мурожаат қилиб Хуросон ҳудудида ўрнашишларига ижозат беришини сўрашди. Бунинг эвазига Маҳмуд қўшинига ёрдамлашишга ваъда қилишди. Маҳмуд уларнинг Шимолий Хуросондаги Сарахс ва Обивард оралиғидаги ҳудудга кўчишига рухсат берди. Минтақага 4000 оиладан иборат ўғузлар ўрнашди. Улар кетидан ўғузларнинг бошқа гуруҳлари ҳам кўчиб келди, мазкур жараён, айниқса, Маҳмуд вафотидан сўнг кучайди. Масъуд ҳукмронлигининг дастлабки йиллари Хуросонда турк аҳолиси анча кўпайиб қолганди. Натижада жанговар кўчманчи турклар ва ўтроқ аҳоли ўртасида тўқнашувлар юз берди. Йилдан-йилга салжуқий саркардалар Масъуддан янги ҳудудлар талаб қила бошлади.

1035 йили Хуросонда вазият кескинлашди. Салжуқий ўғузларга қарши Масъуднинг ўзи сараланган қўшинни олиб юриш бошлади. Лекин ўғузларнинг қўли баланд келди. Масъуд уларга Нисо, Фарова ва Деҳистонни беришга мажбур бўлди. Юқоридаги ҳудудлар ҳам салжуқийларни қониктирмади, улар кўп ўтмай Марвни талаб қилишди. Бунга жавобан Масъуд уларга қарши қўшин жўнатди. Бу сафар ҳам ғазнавийлар қўшини тор-мор бўлди, шундан сўнг салжуқийлар Нишопурни жангсиз эгаллашди ва ўша ерда Тўғрулбек номига хутба ўқилди.

1038 йил Салжуқийлар давлати ташкил топган сана ҳисобланади. Лекин ғазнавийларга қарши кураш ҳамон давом этарди. Масъуд уларни Нишопурдан қувиб чиқаришга эришди. Кейин Масъуднинг ўзи катта қўшин билан яна юриш бошлади. Қўшинда филлар бўлишига қарамай, аскарлар орасида яқдиллик йўқ эди. 1040 йил май ойида бўлган Данданакон жангида ғазнавийлар қўшини қақшатқич зарбага учради, Масъуднинг ўзи бир амаллаб қочишга улгурди. Данданакон жангидан сўнг Хуросон салжуқийлар қўлига ўтди: Тўғрулбек Нишопурда тахтга чиқди, Чағрибек эса Марвда. Ғазнавийлар қўлида фақат ҳозирги Афғонистон ва Панжоб қолди.

**Эрон Салжуқийлар давлати таркибида.** Хуросон салжуқийлар қўлига ўтгач, ғарбга юриш давомий тус олди. Салжуқлар қўшинига Тўғрулбек ва унинг амакиси Иброҳим Янал бошчилик қилган. Хуросонда Чағрибек «Шарқ ҳукмдори» сифатида қолди.

Бу вақтга келиб Эрон ғарбида жанговар туркий кўчманчиларга қарши тура оладиган куч мавжуд эмасди. 1040 – 1050 йиллар ораси-

да салжуқийлар қўшини Эроннинг Рай, Исфаҳон, Ҳамадон ва бошқа йирик шаҳарларини эгаллади.

1042 йили Тўғрулбек зиёрийлар сулоласи бошқараётган Журжон ва Табаристонни қўлга киритди. Бир вақтнинг ўзиде Рай шаҳри олинди. Тўғрулбек Райни вақтинчалик пойтахт қилди. 1042 йили Тўғрулбек ўн минг кишилик суворий қўшинини марвонийлар назоратидаги Шарқий Анатолияга юборди. 1045 йили Ҳамадонни, 1050 йили Исфаҳонни эгаллашди. 1049 йили Чағрибекнинг ўғли Қовурд Кирмонни олди ва у ерда ярим мустақил феодал давлатга асос солди. Айни дамда, салжуқийлар ихтиёрига шимолда Хоразм, шарқда Ҳирот, жанубда Сейистон ва Кирмон ўтди. Бироз кейинроқ Форс вилояти қўшиб олинди. Кўп сонли ўғуз гуруҳлари Озарбайжон томонга юришди, Арманистон ва Юқори Месопотамияга киришди. Уларни ўша ерлардаги тоғ яйловлари кўпроқ қизиқтирарди.

1055 йили Тўғрулбек Бағдодни олди. Энди аббосийлар салжуқийларга тобе бўлиб қолишди. Шундан сўнг у Ҳузистонни эгаллади. Бутун Эрон салжуқийлар ихтиёрига ўтди. Бағдод олингач, Тўғрулбек номига хутба ўқилди. Салжуқийлар Бағдодни қўлга киритгач ҳам ғарбга юришдан тўхташмади. Юқори Месопотамия уларга бўйсунди, Византияга қарашли Арманистон ва Кичик Осиёга ҳужум қилиб турилди.

1054 йили Жанубий Озарбайжон ва Арронни бошқараётган равводийлар Тўғрулбек ҳукмронлигини тан олди.

1056 йили Ироқдан Мовароуннаҳргача бўлган улкан ҳудудда вабо тарқалди.

1058 йили Каре ва Малатияни эгаллашди.

1059 йили Чағрибек вафот этди ва Тўғрулбек умрининг охиригача (1063) Салжуқийлар давлатининг ягона ҳукмдори бўлиб қолди. 1062 йили қўшин Форс ва Шерозни эгаллади. Салжуқийлар давлати ҳудуди Амударёдан Фуротгача бўлган ерларни ўз ичига оларди.

Тўғрулбек вафот этгач, унинг ўғил авлоди бўлмагани учун, тахтга жияни, Чағрибекнинг ўғли Алп Арслон ўтирди. Ғолибона юришлар Алп Арслон (1063 – 1072) даврида ҳам давом этди. 1065 йили Алп Арслон Манғишлоқ яриморотида яшовчи қипчоқ ва туркманларни бўйсундирди. Унинг даврида энг муҳим воқеа 1071 йили Манцикерт жангида византияликларни мағлуб этиш бўлди. Маликшоҳ ҳукмронлиги амакиси Қовурд исёнини бостириш билан бошланди. Қовурд ўлдирилган эса-да, Кирмон унинг ворислари қўлида қолди.

1072 йили Шимолий Сурия ва Фаластин ишғол қилинди. Шунингдек, салжуқийлар Озарбайжон, Ширвон, Шарқий Грузияни ҳам эгаллашди.

Алп Арслон 1072 йили Марвдан Мовароуннаҳрни бошқараётган қорахонийларга қарши юриш бошлади. Бироқ Амударёдан ўтгач, асирга олинган қорахоний қалъа ноибидан Алп Арслоннинг ўлдирилишидан сўнг, юриш охирига етказилмади. Қўшин Марвга қайтиб келди.

Салжуқийлар давлатининг энг қудратли даври Алп Арслоннинг ўғли Маликшоҳ (1072 – 1092) ҳукмронлик қилган пайтга тўғри келади. 1074 йили Қарши яқинида қорахонийлар қўшини мағлуб этилди, салжуқийлар Бухоро ва Самарқандни ишғол қилишди. Алп Арслон қорахонийларни бўйсундириб уларни ўлпон тўлашга мажбур этди.

1079 йили Арманистонга юриш уюштирилди. Маликшоҳ ҳукмронлигининг сўнгига келиб давлат чегаралари ғарбда Ўрта ер денгизи ва Мармар денгизи, шарқда Кошғар, шимолда Орол денгизи, Кавказолди ва Қора денгиз, жанубда Форс кўрфази ва Сурия саҳроларигача эди.

1089 йили Маликшоҳ қўшини Фарғона водийсини эгаллаб, Шарқий Туркистонгача борди.

**Салжуқийлар давлатининг таназзули.** Тўғрулбек давридаёқ Кирмон салжуқийлари давлати (1041 – 1187) ташкил топганди. Кейинроқ Кичик Осиёда Рум салжуқийлари давлати (1077 – 1307) тузилди.

1092 йили, Маликшоҳ вафотидан сўнг, тахт учун кураш бошланиб кетди. Маликшоҳнинг хотини Туркон хотун кўплаб саркардаларни ўз томонига оғдириб, тўрт яшар ўғли Маҳмуднинг ҳукмдор бўлишига эришди. Бироқ Маликшоҳнинг бошқа хотинидан туғилган ўғли Барқийёруқ тахтга чиқди. Уни вазир Низомулмулк тарафдорлари қўллаб-қувватлаганди. Барқийёруқ Райга кетди ва ўша ерда султон деб эълон қилинди. Салжуқийлар давлатида биринчи марта қўш ҳукмдор пайдо бўлди: Маҳмуд Исфаҳонда, Барқийёруқ Райда. Ҳар икки ҳукмдорнинг номи зарб қилинган тангаларда акс этди. Лекин тинчлик узоққа бормади. 1094 йили Барқийёруқ тарафдорлари Маҳмуд тарафдорларини тор-мор келтирди. Икки асосий номзод – Маҳмуд ва Барқийёруқ вафотидан сўнг, 1118 йили, Маликшоҳнинг тирик ўғиллари Санжар ва Муҳаммад давлатни иккига бўлиб олди. Муҳаммад Ироқи Араб ва Ғарбий Эронни олди. Санжар Эроннинг шарқий вилоятларига эга бўлди.



1092 йили Барқиёруққа қарши Хуросонни даъво қилган амакиси Арслон Арғун исён кўтарди. У осонлик билан Марв, Сарахс, Балх ва Термизни эгаллади. 1095 йили Барқиёруқ Хуросонга қўшин жўнатди, лекин Арслон Арғун ғалаба қозонди. Орадан кўп ўтмай Арслон Арғун ўз қули томонидан ўлдирилди ва Санжар ибн Маликшоҳ Хуросон ҳукмдорига айланди.

1095 йили Барқиёруқ Хуросонда амакиси Сурия ва Фаластин ноиби Тутушга қарши кураш олиб боришга мажбур бўлди. 1093–1094 йилларда Тутуш ғарбий вилоятларнинг барчасини эгаллаб, Исфаҳонга юриш бошлади. Райда кечган ҳал қилувчи жангда Тутуш қўшини батамом тор-мор этилди.

1099 йили Барқиёруққа қарши укаси Озарбайжон ва Аррон ноиби Муҳаммад исён кўтарди. У Райни эгаллади ва Салжуқийлар давлати султони деб эълон қилинди. Лекин тахт учун кураш тўхтамади.

Бир қатор жанглардан сўнг, 1104 йили, Барқиёруқ ва Муҳаммад ўртасида сулҳ тузилди. Барқиёруқ Ғарбий ва Марказий Эроннинг катта қисмини, Ироқи Араб ва Ироқи Ажамни сақлаб қолди. Муҳаммад Эроннинг шимоли-шарқий вилоятларини, Мосул ва Сурияни олди. Сулҳга мувофиқ, Барқиёруқ султон, Муҳаммад эса унинг вориси деб эълон қилинди.

Султон Санжар 1118 – 1157 йилларда Хуросон, Сейистон, Хоразм ва Марв воҳасида ҳукмронлик қилди. Шунингдек, қорахонийлар тахтида Санжарнинг вассаллари ўтирарди, бу унга Мовароуннаҳр ишларига бемалол аралашишга имкон берган.

1118 йили бутун Салжуқийлар давлати ҳукмдори бўлган Муҳаммад вафот этди. Унинг ўғли Маҳмуд тахтга ўтирди. Бироқ давлатнинг шарқий қисмини эгаллаб олган Санжар унга қарши чиқди. Санжар давлатининг асоси Хуросон эди. Шунингдек, Балх, Хоразм ва Журжон ҳам унинг қўлида бўлган. Шарқий Салжуқийлар давлати чегаралари Мовароуннаҳр ва Эрон ҳисобига кенгайди. 1117 йили Санжар Ғазнавийлар давлатини бўйсундирди, улар энди ҳар йили ўлпон тўлайдиган бўлишди. 1118 йил августда Сава жангида Маҳмуд ибн Муҳаммад қўшини Санжар томонидан тор-мор келтирилди. Санжар ва Маҳмуд ўртасида олиб борилган музокаралардан сўнг Мозандарон, Табаристон, Дамованд, Кумис, Дамғон ва Рай Шарқий давлатга ўтди. Озарбайжон, Сурия, Хузистон, Исфаҳон ва Ироқнинг айрим вилоятларида Маҳмуднинг ҳукмронлиги тан олинди ҳамда Ироқнинг султони деб эътироф этилди. Бир вақтлар улкан давлат бўлган Салжуқийлар давлати 3 қисмга: Шарқий (Хуросон, Мовароуннаҳр,

Хоразм), Ғарбий (Ироқ) ва Кўня (Кичик Осиё) султонликларига бўлинди.

1122 йили грузин шоҳи Давид IV салжуқийлар қўшинини тор-мор этиб Тифлисни эгаллади.

1131 йили Маҳмуд вафот этгач, Ғарбий султонликда тахт учун кураш авж олди. Бундан фойдаланган Санжар Ироқ султонлигининг ички ишларига фаол аралаша бошлади. У Тўғрул ибн Муҳаммадга тахтга чиқишда ёрдам берди. 1134 йили, Тўғрул вафотидан сўнг, унинг укаси Масъуд (1134 – 1152) тахтга ўтқазилди.

1102 йили Санжар Мовароуннаҳрдаги қорахоний элоқхон Қодир Жаброилни мағлуб этди ва бошқа қорахоний Самарқанд ҳукмдори Муҳаммад Арслон (1102 – 1130)ни тахтга чиқарди. Санжар 1103 ва 1109 йилларда Ўрта Осиё, Еттисув ва Кошғарни назорат қилаётган қорахоний ҳукмдорлар ишига аралашди. 1130 йили Хуросон қўшини Самарқандни ишғол қилди, Мовароуннаҳр ҳукмдори этиб қорахоний сардор Ҳасан ибн Али тайинланди. Бироқ 1132 йили унинг ўрнига Санжарнинг жияни Маҳмуд ибн Муҳаммад қўйилди. Орадан кўп ўтмай Мовароуннаҳрга қорахитойлар бостириб кирди. Қорахитойлар 1128 йили қорахонийлардан Шарқий Туркистон ва Еттисувни тортиб олишган ва у ерда ўз давлатларини ташкил этишганди.

1137 йили қорахоний ҳукмдор Маҳмуд ибн Арслон Хўжанд яқинида бўлган жангда қорахитойлар қўшинидан енгилди. Қорахитойлар сафида Боласоғундаги қорлуқ қабилалари ҳам қатнашди. Маҳмуд оғир мағлубиятдан сўнг Санжардан ёрдам сўрашга мажбур бўлди. Самарқанддаги қорахоний амири илтимосига кўра Санжар қорахитойларга қарши қўшин олиб борди. 1141 йил сентябрда Самарқанднинг шимоли-шарқидаги Қатвон чўлида бўлган ҳал қилувчи жангда Санжар ва қорахонийларнинг бирлашган қўшини қорахитойлар томонидан мағлуб этилди. Санжар ҳалокатдан қутулиб қолди ва Марвга қайтиб кетди. Бу жангда салжуқийлар қўшинига Сейистон, Ғур, Ғазна, Мозандарондан қўшин ҳам жалб этилганди. Салжуқийлар Мовароуннаҳрни бой беришди. Ғўрхон унвонини олгач қорахитой ҳукмдори Елюй Даши Бухоро ва Самарқандни истило қилиб, Хоразмга ўлпон солди. Ғайридинлардан мағлуб бўлган Санжарнинг обрўсига путур етди.

Унинг мағлубиятидан севинган хоразмшоҳ Отсиз икки марта Хуросонга босқин қилиб аҳолини талади. 1141 йили Сарахсга бостириб кирди, Марвдаги давлат хазинасини қўлга киритди, Нишопурни босиб олди ва ўзини мустақил ҳукмдор деб эълон қилди. Бунга жавобан

Санжар 1143 йили Хоразмга юриш уюштириб Отсизни бўйсундирди. Санжар қийинчилик билан Отсизни салжуқийлар ҳукмронлигини тан олишга мажбур қилган бўлса-да, амалда Хоразм қўлдан кетганди.

Санжар 1147 йили Ҳазорасп ва Урганчни эгаллади. Отсиз ва Санжар ўртасида яна сулҳ тузилди.

1153 йил баҳорида Санжарга қарши ўғузлар исён кўтаришди.

**Балх ўғузлари исёни.** Балхда ўрнашган ўғузлар ҳар йили султонга 24000 қўй билан солиқ тўларди. Солиқ солишдаги ўзбошимчалик охири ўғузлар исёнига сабаб бўлди. 1153 йили Балх ўғузлари исён кўтариб Санжар қўшинини тор-мор этишди, султоннинг ўзи эса асирга олинди. Ўғузлар Хуросонни аёвсиз талади. Айниқса, Марв ва Нишопур шаҳарлари катта жабр кўрди, кўплаб кишилар ҳалок бўлди, шаҳарнинг ўзи ёқиб юборилди. Бундан фойдаланган хоразмшоҳ Отсиз ўзини мустақил деб эълон қилди. Лекин исёнчи ўғузлар орасида ихтилоф юз берди, 1156 йили уларнинг бир гуруҳи Санжарни қочириб юборди. Санжар тахтга қайтгач бироз ҳукмронлик қилди, холос, 1157 йили вафот этди. У вафот этиши билан, Хуросонда салжуқийлар ҳукмронлиги барҳам топди ва биродаркушлик урушлари бошланди. Деярли ўттиз йил давом этган ўғузлар, хоразмшоҳлар, ғурийлар ва бошқа феодаллар ўртасидаги кураш хоразмшоҳ Такаш галабаси билан якунланди.

**Эронда исмоилийлар.** Салжуқийлар истибдодидан Эрондаги турли фирқалар ва оқимлар ўз манфаатини кўзлаб ҳаракат қила бошлади. Улардан бири исмоилийлар эди. Исмоилийлар фирқасининг Эрондаги раҳнамоси фотимийлар тайёрлаган Ҳасан ибн Саббоҳ бўлган. 1090 йили исмоилийлар Элбрус тоғларида жойлашган Қазвин яқинидаги Аламут (Бургут уяси) қалъасини ва Дайлам, Кўҳистон, Рудбар, Форс, шунингдек, салибчиларга қўшни Суриянинг Ливан тоғларидаги бир қанча қалъаларни босиб олишди. Шундай қилиб, Эрон ва Сурияда маркази Аламут бўлган Исмоилийлар давлати ташкил топди. Тез орада исмоилийлар Миср фотимийлари билан алоқани узишди. Ҳасан ибн Саббоҳ исмоилийлар ҳукмдори бўлиб қолди, у «Пири бузург» (Улуғ пир) деб аталарди. Исмоилийлар кўпинча ҳашшошийлар номи билан машҳур бўлишган (ҳашшоший арабча ўтхўр, аниқроғи, наркотик ўсимликларни истеъмол қилувчи дегани, чунки улар ўзларини бардам ҳис этиш учун мунтазам равишда таркибида наркотик моддалар бўлган ўсимликларни тановул қилишган).

Исмоилийлар боскинчилик юришлари олиб бориш учун катта кучга эга бўлмаганлари сабаб террорчилик ва қўпуровчилик ишлари билан шуғулланишган. Улуғ пирнинг ижозати билан қотил-фидойи савдогар, гадо, хизматкор ёки дарвиш ниқоби остида ҳукмдор саройига, амир қароргоҳига, масжидга, шаҳар бозорига кириб олишга эришарди. Унинг ёнида заҳарланган ханжар бўларди, қасд қилинган кишини пойлаб қулай вақт келганда ҳалок қилган. Исмоилийлар режаларини махфий тузишар ва ўз фойдаларини кўзлаб ошкора бажаришарди. Фирқа бошлиқлари қотил-фидойиларни, асосан, бойлардан ўта нафратланадиган қашшоқ деҳқонлар, синган ҳунармандлар ва бошпанасиз гадолар ёрдамида амалга оширишган.

Салжуқийлар бош вазири Низомулмулк исмоилийларнинг ўта хатарли куч эканини англаб етганди, унинг кўрсатмалари бўйича фирқага мансуб кишилар тутиб қатл этиларди. Бунга жавобан исмоилийлар 1092 йили Низомулмулкни, кейинроқ унинг ўғлини ўлдиришди. Ҳашшоший-исмоилийлар қўлида ҳалок бўлган кишиларнинг рўйхати узун. Улар орасида бир нафар фотимий султон, иккита аббосий ҳукмдор, бир қанча мусулмон арбоблар, амирлар, салибчиларнинг Суриядаги дохийлари ва кўплаб зодагон кишилар мавжуд.

Исмоилийлар давлати ташкил топганидан ҳеч қанча ўтмай оддий феодал давлатга айланди. Уларнинг давлати ва маконини хароб этиш, ўзларини йўқ қилиш мўғулларга насиб этди.

**Эрондаги отабеклар ва хоразмшоҳлар.** Салжуқийлар давлатни мустаҳкамлаш учун бир қанча ҳудудни иқто тариқасида қўшин бошлиқларига беришганди, натижада иқтодорлар кўпайиб кетди. Вақт ўтган сари иқтодорлар марказий ҳукуматга бўйсунитишни хаёлига ҳам келтирмай қўйди. Салжуқий ҳукмдорлар бирор вилоятга шаҳзодани ноиб этиб тайинлайдиган бўлсалар, унга бир оталиқ ҳам қўшиб беришарди. У амалда шаҳзода номидан бошқарарди, мазкур амир, одатда, «отабек» (бекнинг отаси) дейиларди. Бу усул ўзини оқламаслиги тезда аён бўлди. Эроннинг катта қисмида отабеклар ҳукмронлиги бошланди. Озарбайжонда элдигизийлар (1136 – 1225), Форсда солғурийлар (1148 – 1282), Луристонда ҳазораспийлар (1148 – 1339), Диёрбакрда ортуқийлар (1102 – 1408) сулолалари юзага келди.

Санжар даврида Ҳиротдан шарқдаги Ғур вилоятида Ғурийлар давлати (1148 – 1215) ташкил топди. Ғурийлар 1150 йили Ғазнани

босиб олишди. Кейинроқ Афғонистон ва Шимолий Ҳиндистондан газнавийларни қувиб чиқариб ўз давлатларини кенгайтиришди.

Такаш 1187 йили Хуросон пойтахти Нишопурни олди.

Аббосий Носир Хузистонни қўлга киритди. Ироқнинг сўнги салжуқий султони Тўғрул III бой берган ҳокимиятини қайтариб олишга уринди. Бу элдигизий Қизил Арслон ва Тўғрул III ўртасида уруш келиб чиқишига туртки берди. Носир Қизил Арслон томонида бўлди. Қизил Арслон Тўғрул III ни 1191 йили тахтдан қулатиб қамаб қўйди ва ўзини султон деб эълон қилди. Орадан кўп ўтмай Қизил Арслон ўлдирилди, таъкидлашларича, у исмоилийлар қурбонига айланган. Тўғрул III асирликдан қочиб Фарбий Эронда ҳокимиятини тиклади. Лекин 1194 йили Рай шаҳри яқинида хоразмшоҳ Такашга қарши жангда Тўғрул III нинг қўшини ҳалокатга учради, унинг ўзи жангда ўлди ва Салжуқийлар давлатининг Эрондаги ҳукмронлиги барҳам топди. Райдаги ғалабадан сўнг Такаш Фарбий Эронни қўлга киритди. Хоразмшоҳга қарши аббосий ҳукмдор Носир ҳаракат бошлади. 1196 йили улар ўртасида тўқнашув юз берди.

Такаш вориси Алоуддин Муҳаммад даврида аббосийларга қаршли Хузистондан бошқа Эроннинг барча ҳудуди Хоразмшоҳлар давлати таркибига кирди.

1217 йили аббосийлар ҳукмронлигига барҳам бериш мақсадида йўлга чиққан хоразмшоҳ қўшинининг бир қисми тоғ довоида кўчки остида қолиб ҳалок бўлди. Қўшин ортга қайтди.

**Ҳашшошийлар (Исмоилийлар, 1090 – 1256)** – *маркази Аламут бўлган Эрон тоғларида яшовчи шиапараст гуруҳ. Улар исмоилийлар орасидан ажралиб чиққан. Маълумки, Фотимийлар давлати X асрда исмоилийлар томонидан ташкил қилинган. Бу вақтда исмоилийлар гоёси Шимолий Африка, Шом, Яман, Сицилияда, ҳаттоки Макка ва Мадина шаҳарларида ҳам кенг тарқалганди. Бироқ бошқа мусулмон ўлкаларда исмоилийларни ашаддий бидъатчилар деб билишган. Тахминан айни шу даврда исмоилийлар орасидан ўта тоқатсиз низорийлар (ҳашшошийлар) фирқаси ажраб чиқди.*

Исмоилий-низорийларнинг қаттиқ таъқиб қилиниши уларни фаол ҳаракатланишга ундади. Фирқа аъзолари, асосан, кўпорувчилик, қотиллик ва бошқа хилдаги бузғунчиликлар билан шуғулланган. Уларнинг биринчи раҳнамоси Ҳасан ибн Саббоҳ (1051 – 1124) эди. Ҳасан Қоҳирада 1081 йилдан ўзига тарафдор йиға бошлади. Нотиклик

санъатидан дурустгина таълим олгани учун, унинг атрофида кўплаб кишилар тўпланди.

1090 йили, ҳашшошийларга қарши қатағон энг авжига чиққан пайтда, Ҳасан ибн Саббоҳ Қоҳирадан қочди ва бир неча ойдан сўнг Каспий денгизининг жанубидаги Ғарбий Эроннинг тоғли минтақаларига жойлашди. Ҳашшошийлар Аламут қалъасини эгаллаб уни марказга айлантиришди. Қалъани олишганидан кўп ўтмай Маликшоҳ вафот этди ва Салжуқийлар давлатида тахт талашиш бошланди. Бундан фойдаланган ҳашшошийлар мустақил давлат тузиб олишди.

Ибн Саббоҳ давлат тузгач зудлик билан анчадан бери орзу қилиб юрган режаларини амалга оширишга киришди. Рамазон ойида давлати ҳудудида шариатни кучдан қолдирди. Ҳашшошийлик ғоясига зид фикрловчилар ўлимга ҳукм қилинадиган бўлди. У ҳаттоки ўғилларидан бирини, ўзи тузган қонунга шубҳа билан қарагани учун, ўлимга ҳукм қилган.

Ҳасан ибн Саббоҳ салжуқийлар давридаги солиқларни бекор қилди ва ўрнига Аламут аҳолисига йўл қуриш, ариқ қазилар ва қалъа мудофаасини мустаҳкамлашни буюрди.

1092 йили Салжуқийлар давлатига қарашли Сава шаҳрида бир гуруҳ ҳашшошийлар ўзлари ўрнашган жойни ҳукумат вакилларига айтиб беришидан чўчиб маҳаллий муаззинни ўлдирди. Улар дарҳол қўлга олинди ва вазир Низомулмулк буйруғи билан қатл этилди. Бу қатл ҳашшошийлар ўртасида норозиликни келтириб чиқарди. Шундан сўнг Ҳасан ибн Саббоҳ гиёҳвандлар тўдасини йиғиб ҳашшошийларга қаршилик қилганларни жазолашга чақирди. Унинг чақирғи ерда қолмади. Абу Тоҳир Арроний номли кимса ўз жонидан кечиб бўлса-да қасос олишини айтди. Орадан кўп ўтмай бир тўда жоҳиллар пирларидан оқ йўл олиб Салжуқийлар давлати пойтахти томон йўлга тушди. Улар бир нечта майда гуруҳларга бўлиниб кўзланган манзилга етиб келди. 1092 йил 10 октябрь куни эрталаб Абу Тоҳир вазир саройига киришга эришди. У заҳарланган ўткир ханжарини олиб боғ ичида вазирни кута бошлади. Кун ўрталарида қимматбаҳо либослар кийган бир киши кўринди. Абу Тоҳир вазирни умрида кўрмаганди, лекин унинг атрофидаги соқчиларнинг кўплигига қараб тахмин қилишдан бошқа чораси қолмади. Қулай вазиятни пойлаган қотил вазирга ташланиб камида уч марта тиғ урди, соқчилар, воқеа жуда катта тезликда рўй бергани боис, вазирни ҳимоя қилишдан ожиз қолди. Улар Абу Тоҳирни чопиб ташлашди, вазир ҳам

бироздан сўнг ўлди. Низомулмулкнинг ўлими ҳашшошийларнинг ҳаракатга ўтишига белги бўлди ва улар вазир саройига ҳужум қилиб ўт қўйишди. Тўқнашувдан кейин Абу Тоҳирнинг жасадини олиб Аламутга кетишди.

Бу воқеадан ўзича хулоса чиқарган Ҳасан ибн Саббоҳ дунёга даҳшат солиш учун катта қўшинга эга бўлиш шарт эмас деган қарорга келди. Энди ёлланма қотиллар тайёрлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. У қотилларни саралаб имтиҳон ўтказарди, 200 номзод ичидан бор-йўғи 5 – 10 киши олинарди. Одамқушлик фирқасига аъзо бўлганларга ортга қайтиш йўқлиги айтилиб онги заҳарланарди. Улар, асосан, масхарабоз, табиб, роҳиб, савдогар ва дарвиш қиёфаларида фаолият кўрсатган. Аламутдаги пирлар мингларча кишиларни гумроҳликка етаклаганлари етмагандай, улар назоратидаги ҳудудлар аҳолисининг барчаси гиёҳвандга айланганди. Гиёҳвандликни улар қуйидагича оқлашган: «Ҳашшошийлар дунёдаги энг камтар инсонлар бўлиб, уларнинг таоми ўт-ўланлардир».

Ибн Саббоҳ ўз ортидан кишиларни эргаштириш учун турли хил ҳийлаларни ишлатган. Масалан, унинг бир қанча қиёфадошлари бор эди, лекин омма буни билмасди. Бир қиёфадоши гиёҳванд моддалардан маст бўлиб ўзини ёқиб юбориши кузатилган. Эртасига Ҳасан ибн Саббоҳ омма олдига кўриниш берган. Мазкур фирибгарлик эса барчани қойил қолдирган. Ҳашшоший қотиллик содир этишдан олдин, албатта, биринчи ҳашшоший қотил Абу Тоҳир қабрига бориб сиғиниши шарт эди.

Ҳашшошийлар Ҳасан ибн Саббоҳ ўлимидан сўнг ҳам фаолиятини давом эттиришди. Улар Фарбий Осиёда ўрнашган салибчиларга ва Мисрда янги тузилган Айюбийлар давлатига қарши кураш олиб боришди, уларни қайси диндаги кишиларни ўлдириш қизиқтирмасди, асосийси мақсадга эришиш эди. Ўша вақтда Қуддус қироли Конрад Монферратский ҳашшошийлар карвонини талади. Бу эса унга жуда қимматга тушди.

Ҳашшошийлар узоқ вақт давомида катта хунрезликлар уюштирди, уларнинг ханжаридан минглаб кишилар ҳалок бўлди. Ниҳоят, 1256 йили Хулаку бошлиқ мўғуллар Фарбий Осиёга юриш давомида Аламутга ҳужум қилишди ва ҳашшошийларни қиличдан ўтказишди. Ҳашшошийларнинг энг сўнги қалъаси 1273 йили мамлуклар томонидан тугатилди.

## Ҳашшошийлар фирқаси раҳнамолари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Ҳасан ибн Али ибн Саббоҳ	1090 – 1124
2.	Кийё Бузургуммид ибн Ҳасан	1124 – 1138
3.	Муҳаммад I ибн Кийё Бузургуммид	1138 – 1162
4.	Ҳасан II ибн Муҳаммад I	1162 – 1166
5.	Муҳаммад II ибн Ҳасан II	1166 – 1210
6.	Ҳасан III ибн Муҳаммад II	1210 – 1221
7.	Муҳаммад III ибн Ҳасан III	1221 – 1255
8.	Хуршоҳ ибн Муҳаммад III	1255 – 1256

**Бурийлар (1104 – 1154)** – Жанубий Сурияда ҳукмронлик қилган сулола. Сулола асосчиси – Суриядаги салжуқий ҳукмдор Дукак ибн Тутуш (1095– 1104)нинг оталиғи (отабеги) Туғтегин (1104 – 1128). Туғтегин ўзи тарбиялаган ҳукмдорнинг онасига уйлангач Сурияни бошқара бошлади. Бурийлар салибчиларга қарши бир неча марта жанг олиб боришди, бироқ улар мамлакат ичкарасида барқарорлик ўрнатишга ва маҳаллий аҳолининг қувватловига эриша олмадилар. 1154 йили Дамашқда Ҳалаб амири Нуриддиннинг ҳокимияти ўрнатилди.

### Бурийлар сулоласи ҳукмдорлари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Туғтегин	1104 – 1128
2.	Борий ибн Туғтегин	1128 – 1132
3.	Исмоил ибн Борий	1132 – 1135
4.	Маҳмуд ибн Борий	1135 – 1139
5.	Муҳаммад ибн Борий	1139 – 1140
6.	Абақ ибн Муҳаммад	1140 – 1154

1154 йили Дамашқда Нуриддин Зангий ҳукмронлиги ўрнатилди.

**Бегтегинлар (1145 – 1233)** – Шимоли-Шарқий Ироқ ва Курдистонда ҳукмронлик қилган сулола. Сулола асосчиси – дастлаб Мосул, сўнг Ирбилни бошқариш ҳуқуқини қўлга киритган зангий-



ларнинг саркардаси Али Кучук ибн Бегтегин. Зангийлар ва айюбийлар ўртасидаги урушда бегтегинлар гоҳ у томон, гоҳ бу томон тарафида турган. Сулоланинг сўнгги ҳукмдори Кўкбўри ибн Али Кучук (1168 – 1233)нинг вориси бўлмагани учун ўзига қарашли ҳудудларни аббосий Мустансирга (1226 – 1242) топширган.

### Бегтегинлар сулоласи ҳукмдорлари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Али Кучук ибн Бегтегин	1145 – 1168
2.	Юсуф ибн Али Кучук	1168
3.	Кўкбўри ибн Али Кучук	1168 – 1233

**Луълуъийлар (1234 – 1262)** – Мосул ва Жазирада ҳукмронлик қилган амирлар сулоласи. Сулола асосчиси зангийлар саркардаси Луълуъ ибн Абдуллоҳ Мосулни қўлга киритиб, аббосийлардан бу ҳудудларни назорат қилиш ҳуқуқини олди. Кейинчалик Жазирада ҳам ҳукмронлик ўрнатди. Бироқ унинг ворислари мўғулларнинг босқинчилик юришига қарши тура билишмади ва Миср мамлуқлари ҳузурига қочишди.

### Луълуъийлар сулоласи ҳукмдорлари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Луълуъ ибн Абдуллоҳ	1234 – 1259
2.	Исмоил ибн Луълуъ (Мосул)	1259 – 1262
3.	Али ибн Луълуъ (Синжор)	1259
4.	Исҳоқ ибн Луълуъ (Жазира)	1259 – 1262

1262 йили мўғуллар Мосул ва Жазирани истило қилди.

**Язд отабеклари (1141 – 1297).** Санжар (1118 – 1158) Яздга Сом ибн Варданрузни ноиб этиб тайинлаганди. Дастлаб Язд отабеклари салжуқийларнинг вассали бўлишган, сўнгра мўғулларга ўлпон тўлашган. 1256 йили отабек Тўғоншоҳ (1252 – 1272) Аламут ва унга қўшни Эроннинг шимолий ҳудудларидаги исмоилийларнинг қалъаларига ҳужум қилаётган мўғулларга қарши қўшин

жўнатди. 1319 йили Язд хулакуийларнинг вассали музаффарийлар қўлига ўтди.

### Язд отабеклари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Сом ибн Варданруз	1141 – 1188
2.	Лангар ибн Варданруз	1188 – 1207
3.	Варданруз ибн Лангар	1207 – 1219
4.	Сипоҳсолор ибн Лангар	1219 – 1229
5.	Маҳмудшоҳ ибн Сипоҳсолор	1229 – 1241
6.	Солғуршоҳ ибн Маҳмудшоҳ	1241 – 1252
7.	Тўғоншоҳ ибн Солғуршоҳ	1252 – 1272
8.	Аълоуддавла ибн Тўғоншоҳ	1272 – 1275
9.	Юсуфшоҳ ибн Тўғоншоҳ	1275 – 1297

1297 – 1315 йилларда мўғуллар истилоси.

10.	Ҳожишоҳ ибн Юсуфшоҳ	1315 – 1318
-----	---------------------	-------------

1319 йилдан музаффарийлар сулоласи бошқаруви.

**Солғурийлар (1148 – 1282)** – Форсда ҳукмронлик қилган отабеклар сулоласи. Туркманларнинг солғур қабиласига мансуб. Улар Анатолияда Кўня султонлиги тузилишида муҳим роль ўйнаган. Сулола асосчиси – Сунгур ибн Мавдуд (1148 – 1161). Дастлаб салжуқийлар вассали, XIII асрдан хоразмшоҳлар ва мўғулларга қарам бўлган.

### Солғурийлар сулоласи ҳукмдорлари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Сунгур ибн Мавдуд	1148 – 1161
2.	Зангий ибн Мавдуд	1161 – 1175/1178
3.	Дегели ибн Зангий	1175/1178 – 1198
4.	Саъд I ибн Зангий	1198 – 1226
5.	Қутлуғхон ибн Саъд I	1226 – 1260
6.	Саъд II ибн Қутлуғхон	1260

7.	Муҳаммад ибн Саъд II	1260 – 1262
8.	Муҳаммадшоҳ ибн Солғуршоҳ ибн Саъд I	1262 – 1263
9.	Салжукшоҳ ибн Солғуршоҳ	1263
10.	Абиш хотун бинт Саъд II	1263 – 1264
11.	Абиш хотун ва унинг эри Менги Темур (Хулаку ўғли)	1264 – 1282

1282 йилдан хулакуийларнинг бевосита бошқаруви.

**Зангийлар (1127 – 1233)** – Шимолий Сурия ва Ироқда ҳукмронлик қилган туркий сулола. 1127 – 1174 йилларда мустақил, сўнг айюбийларга қарам. Пойтахти – Ҳалаб, 1154 йилдан Дамашқ. Сулола асосчиси – салжуқий султон Маликшоҳ саркардаси Оқсунқур. Унинг ўғли Имодиддин 1127 йили Мосулни, 1128 йили Ҳалаб ва Суриядаги бошқа шаҳарларни эгаллади. Салибчиларга қарши шиддатли уруш олиб борди ва 1144 йили Эдесса графлигига хотима берди. Зангийлардан Нуриддин Маҳмуд 1154 йили Дамашқни эгаллади. Салоҳиддин Айюбий 1174 йили зангийларни бўйсундирди. Мосулдаги Зангийлар давлати мўғуллар босқинигача фаолият кўрсатди.

## Зангийлар сулоласи ҳукмдорлари

### 1. Мосулдаги зангийлар

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Имодиддин Зангий ибн Оқсунқур	1127 – 1146
2.	Сайфиддин Ғозий I ибн Имодиддин	1146 – 1149
3.	Қутбиддин Мавдуд	1149 – 1169
4.	Сайфиддин Ғозий II	1169 – 1180
5.	Иззиддин Масъуд I	1180 – 1193
6.	Нуриддин Арслон I	1193 – 1210
7.	Иззиддин Масъуд II	1210 – 1218
8.	Нуриддин Арслон II	1218 – 1219
9.	Носириддин Маҳмуд	1219 – 1233

1233 – 1259 йилларда Нуриддин Арслон I нинг мавлоси (озод қилган қули) Бадриддин Луълуъ бошқарган.

## 2. Ҳалабдаги зангийлар

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Одил Нуриддин Маҳмуд ибн Зангий	1146 – 1174
2.	Солиҳ Исмоил ибн Нуриддин	1174 – 1183

## 3. Дамашқдаги зангий

Одил Нуриддин Маҳмуд ибн Зангий (1154 – 1174).

## 4. Синжордаги зангийлар

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Зангий II ибн Мавдуд	1171 – 1197
2.	Муҳаммад ибн Зангий II	1197 – 1219
3.	Шаҳаншоҳ ибн Муҳаммад	1219
4, 5, 6	Маҳмуд ибн Муҳаммад, Жалолиддин ибн Муҳаммад, Умар ибн Муҳаммад (биргалиқда)	1219 – 1220

1220 йили айюбийлар ҳукмронлиги ўрнатилди.

## 5. Жазирадаги зангийлар

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Санжаршоҳ ибн Ғозий II ибн Мавдуд	1180 – 1208
2.	Маҳмуд ибн Санжаршоҳ	1208 – 1241
3.	Масъуд ибн Маҳмуд	1241 – 1250

1250 йили айюбийлар ҳукмронлиги ўрнатилди.

## 6. Шаҳразурдаги зангийлар

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Зангий III ибн Арслоншоҳ II	? – 1233
2.	Эл Арслон ибн Зангий III	1233 – 1251

## МЎҒУЛЛАРНИНГ ЭРОННИ ИСТИЛО ҚИЛИШИ (1220 – 1256)

1220 йили Хуросонга биринчилардан бўлиб хоразмшоҳни таъқиб этаётган Жебе ва Субутой бошлиқ мўғул галалари кирганди. Улар Шимолий Эрондан ўтаётиб минтақани талашди ва Кавказ худудидаги Ширвонни, Грузиянинг бир қисмини босиб олишди. Кейин қилчоқларни тор-мор этишгач Жанубий Русга бостириб киришди. 1223 йили Калкада рус князлари қўшини енгилди. Каспий денгизини ғарбдан айланиб ўтиб Мўғулистонга қайтаётган Чингизнинг асосий қўшини билан бирлашишди.

Мўғуллар Урганчни босиб олгач, Хуросонга Чингизхоннинг кичик ўғли Тулуй жўнатилди. Тулуй қўшинининг илғор қисми Нисо ва Сабзаворни олди. Тулуйнинг илк ҳарбий ҳаракати Марв шаҳрини эгаллашдан бошланди. Кейин мўғуллар Нишопурни вайрон этишди, шаҳарни шудгорлаб арпа экишди. Марв ва Нишопур шаҳарлари аҳолиси қатли ом қилинди. Худди шу бўлинма ёрдамида Тус хароб этилди ва Ҳирот эгалланди. Тулуй Толиқонни ишғол этиб вайрон қилди.

Чингизнинг ўзи Балхни ҳалокатга учратиб, Бомиённи ер билан текислади. Бу қирғинлар оқибатида Хуросон жуда катта зарар кўрди.

Урганч қулагач, Хуросонга қочиб ўтган Жалолиддин мўғулларга қаттиқ қаршилик кўрсатди. Чингиз Мўғулистонга қайтиб кетганидан сўнг, Жалолиддин Ҳиндистондан Эронга келди. Форс, Кирмон ва Ироқи Ажамда унинг ҳукмронлиги тан олинди.

1228 йили Жалолиддин қўшини Исфаҳонда мўғуллар қўшинини тор-мор келтирди, лекин жуда катта талафот кўргани учун мўғулларни таъқиб этмади. 1229 йили Эронга Жалолиддинга қарши курашиш учун нўён Чормағун бошлиқ мўғуллар бостириб кирди. 1231 йили кучсизланиб қолган Жалолиддин қолган қўшини билан Жанубий Курдистонга чекинди. Орадан кўп ўтмай Амид (Диёрбакр) шаҳри яқинидаги тоғларда ўлдирилди.

1227 йили Чингизхон вафот этди, 1229 йили Керулен соҳилларида бўлиб ўтган қурултойда Ўқтой (1229 – 1241) буюк хон деб эълон қилинди. 1251 йили Олтин Ўрда улуси хони Ботунинг ёрдами билан Тулуйнинг ўғли Мункэ (1251 – 1259) хон деб эълон қилинди.

**Эрон XIII асрнинг 30 – 50-йилларида.** Жалолиддин ўлганидан сўнг, 1231 – 1239 йиллар орасида, мўғуллар унинг қолган қўшинини қириб Озарбайжон, Аррон, Ширвон, Грузия ва Арманистонни босиб олишди. 1237 йили Исфаҳон яксон этилди. Ўша вақтда Жазира ҳам

таланди. 1231 – 1236 йилларда Мосул, Нисибин, Мардин, Диёрбакр ва Бидлис каби шаҳарлар мўғуллар томонидан хароб қилинди.

1243 йили Кёсе-даг жангида мўғуллар Салжуқий Рум султонлиги (1077 – 1307) қўшинини тор-мор келтирди. Султон Кайқубод II мўғулларга ҳар йили 1000 динар, от, қул, чўри ва ов ити етказиб туришга рози бўлиб сулҳ тузди. Шунингдек, мўғул хонига салжуқийлар томонидан Арманистондан сиқиб чиқарилган арманларнинг Ўрта ер денгизи жануби-шарқий соҳилларида барпо бўлган Киликия арманилар давлати (1080 – 1375) шоҳи Хетум ҳам бўйсунганини билдирди.

XIII асрнинг 50-йилларига келиб мўғуллар қўлига Хуросон, Сейистон, Мозандарон, Ироқи Ажам ва Озарбайжон ўтганди. Эроннинг жануби ва жануби-ғарбидаги бир нечта мустақил мулклар истилога учрамаганди. Улар мўғуллар билан турли хил муносабатда бўлган.

Кирмонда қорахитойлар сулоласи ҳукмрон эди. Унинг асосчиси Буроқ ҳожиб Еттисувдаги Қорахитойлар давлати ҳалокатидан сўнг хоразмшоҳ қўшинига хизмат қила бошлаган. Ўрта Осиёга мўғуллар босқини пайтидаги парокандаликдан фойдаланиб Кирмон ва унинг барча ҳудудини эгаллаб олди. У ўз мулкига эгалик қилиш учун мўғул хонидан ёрлик ва «қутлуғхон» унвонини олди. Булар вафотидан сўнг ворисларига ўтди.

Форс салғурийлар сулоласига мансуб отабек Абу Бакр (1230–1260) ҳукмронлигида эди. Салғурийлар пойтахт Шерознинг ҳашамига катта эътибор беришганди.

Луристон X асрдан бошлаб Ҳазораспий отабеклар сулоласи бошқарувидаги Катта Лур (жануби-шарқий) ва отабекларнинг мустақил сулоласи бошқарувидаги Кичик Лур (шимоли-ғарбий)га бўлинганди.

Луристондан ғарбда Дажла ва Фурот дарёлари орасидаги ҳудудни бошқараётган Аббосийлар давлати бор эди.

Хуросон бу вақтда мўғуллар ноиб Чинтемур томонидан бошқарилди. У аҳоли қўлидан барча мулкни тортиб олиш учун турли қийноқ усулларида фойдаланди. Ҳаётни тартибга солиш, аввало, солиқ ундиришни ташкиллаштириш учун маҳаллий эроний амалдорларни маъмурий хизматга олди. Чинтемур хонга солиқни ўз вақтида юбориши лозим эди, бунинг учун у халқ тўла хонавайрон бўлмаслигини кўзлаб солиқларни ошириб борди.

Мўғуллар вайрон қилган шаҳарларини тиклашга ҳам ҳаракат бошлашди. Чинтемур вориси Куркуз Тусни тиклаб ўзининг доимий қароргоҳига айлантирди. Ҳирот ҳам қайта тикланди.

Дастлаб Эрон Жўжи улуси (Олтин Ўрда) таркибига кириши керак бўлса ҳам, амалда XIII асрнинг 50-йилларигача Эронни буюк хоннинг ноиблари бошқарди.

## **МЎҒУЛЛАРНИНГ ҒАРБИЙ ОСИЁГА ЮРИШИ**

*Хулаку бошчилигидаги мўғулларнинг Ғарбий Осиёга – исмоилий-низорийлар (ҳашшошийлар), Аббосийлар давлати, Сурия айюбийлари ва Миср мамлукларига қарши олиб борган юришлари. Ғарбий Осиё мусулмонларига қарши юришда Марказий Осиё христиан-несторианлари катта роль ўйнагани учун, юриш баъзи тарихчилар (Р.Груссе, Г.В.Вернадский, Л.Н.Гумилёв) томонидан **Сариқ салиб юриши** деб номланган.*

**Хулакунинг Эронга юриши.** Мункэни ҳокимият тепасига олиб келган 1251 йилги қурултойда Яқин ва Узоқ Шарқда мўғуллар босиб олишга улгурмаган ерларни эгаллашни тезлаштиришга қарор қилинди. Бунинг учун Мункэнинг укалари Хулаку (Эронга) ва Хубилай (Хитойга) бошлиқ қўшин тайёрланди. Хулакунинг режаси исмоилийларни йўқ қилиш, аббосийларни бўйсундириш ва Ғарбий Осиё мамлакатлари истилосини тугатишдан иборат эди.

1252 йили империя бўйлаб юришга оммавий тайёргарлик бошланди. Юришга улуслардан ҳар 10 кишидан 2 киши, бошқача айтганда, барча мўғулларнинг 1/5 қисми (кўчманчиларда ҳар бир катта ёшли эркак жангчи ҳисобланган), Хитойдан мингга яқин тош отувчилар, олов отувчилар жалб қилинди. Хулаку қўшининг умумий сони 70 мингга борарди.

Хулаку қўшини ўтадиган йўллар юришдан олдин қароқчилардан тозаланди, дарёларга кўприклар қурилди, йўлларда озиқ-овқат захиралари тўпланди. Хулаку 1253 йили Қорақурумдан Эронга юриш бошлади, Еттисув ва Ўрта Осиёдаги ерларини ортда қолдириб 1256 йил Амударёдан кечиб ўтди. Хулаку Қорақурумдан 1253 йил йўлга тушди ва 1255 йил сентябрда Самарқандга етиб келди. Юришнинг секин боришига Боту сиртдан қаршилиқ кўрсатарди. Мункэ Боту билан ихтилофга боришни хоҳламай унинг вафотига қадар (1255/1256) Ғарбий Осиё юришига жиддий тугинмади. Шунга қарамай, 1253 йил мартдан Қит Буғо нўён бошлиқ 12 минг кишилик қўшин исмоилийларга қарши ҳаракат бошлаганди.

**Юришда христианлар иштироки.** Юриш раҳбари Хулаку буддист эди, лекин сиёсий мақсадларини амалга ошириш учун турли

диндагилардан фойдаланди. Унинг катта хотини Докуз хотун христиан бўлган ва христианларни ҳимоясига олган. Штаб бошлиғи найман Қит буғо нўён несториан бўлиб, ўзининг ёрдамчиларини ҳам ақидадошларидан танлаганди. Ниҳоят, мўғуллар билан иттифоққа Антиохия князи Боумэндга қизини бериб уни мўғуллар билан иттифоқ тузишга қизиқтирган Кичик Арманистон шоҳи Хетум I қўшилди.

**Низорийларнинг ҳалок этилиши.** Хулаку 1256 йил январда Сартак бошлиқ жўжийлар бўлинмаси билан тўлдиргач Амударёдан ўтди ва Кўҳистон (Элбурс)даги низорийлар қалъасини қамал қилди. Хулаку қалъани музокаралар йўли билан қўлга киритишга интилди. Низорийлар орасида мўғулпараст гуруҳлар ҳам мавжуд бўлиб, улар сафида машҳур математик Носириддин Тусий ва табиб Муваффиқуддавла (хулакуийларнинг бўлғуси вазири Рашидиддиннинг бобоси) бор эди.

Хуршоҳ Ўрта Осиёда 1257 йил 9 мартда ўлдирилди. Ўша вақтда Носириддин Тусий Хулакунинг маслаҳатчиси ва шахсий астрологи бўлиб қолди.

Кўҳистондаги исмоилийлар қалъаларининг кўпчилиги бир йил давомида жангсиз эгалланди ва бузиб ташланди. Машҳур Аламут қалъаси қаттиқ қаршилик кўрсатди (1256 йил 15 декабрда таслим бўлди). Мўғуллар 1256 йили исмоилийлар (ҳашшошийлар)нинг бир қанча қалъаларини қамал қилишди. Хулаку уларнинг пирига таслим бўлиш талабини қўйди, пир бунга кўнмади. Улар орасида фитна чиқиб, пир ўлдирилди. Фитна ҳашшошийлар пирининг ўғли мўғулпараст Рукниддин Хуршоҳ томонидан бошқарилди. Хуршоҳ исмоилийлар мулкани сақлаб қолиш эвазига мўғулларга бўйсунганини маълум қилди. Хуршоҳнинг музокараларни пайсалга солишига қарши мўғуллар қалъага ҳужум қилишди. Бироз вақтдан сўнг Маймундий қалъасидан Хуршоҳ чиқиб Хулаку билан учрашди. Хулаку ҳаётини сақлаб қолишга ваъда берганига қарамай, у Мункэнинг олдига жўнатилди ва йўлда ўлдирилди.

Орадан кўп ўтмай мўғуллар ҳашшошийларнинг енгилмас қалъаси Аламутни эгаллаб вайрон этишди (1256 йил охири), кейин яна 40 тача ҳашшошийлар қалъаси истило қилинди. Дамғон яқинидаги Гирдкўҳ қалъаси 3 йил қаршилик кўрсатди.

**Бағдод истилоси (1258 йил 10 февраль).** Хулаку низорийларни бир ёқли қилгач аббосий ҳукмдор Мустаъсимдан бўйсунганини талаб қилди. Мустаъсим бу талабни рад этди. 1257 йили Хулаку Бағдодга юриш бошлади. Аббосийларнинг Фатҳиддин ибн Керра



бошлиқ кўшини Дажла дарёси соҳилида Байжу нўён кўшинидан енгилди. 1257 йил декабрда мўғул кўшини ҳамма томондан Бағдодга ёпирилди ва жуда катта тезликда шаҳарни қўлга киритди. Мустаъсим ёлланма кўшинининг маош тўланиши ҳақидаги шикоятини қабул қилмай уларни тарқатиб юборганди. 1258 йил бошида Хулаку, Байжу ва Қит буғо Бағдодни қуршовга олишни яқунлашди. Дастлаб қамал қуроллари ишга солинди, сўнг ёппасига ҳужумга ўтилди. 1258 йил 10 февралда Мустасъим таслим бўлди, бир неча кундан сўнг Хулаку Бағдодга келди ва Мустасъимдан аббосийлар хазинасини топширишни талаб қилди. У сандиқларда сақлананаётган хазина калитларини Хулакуга топширди. Бир неча юз йиллар давомида тўпланган хазина кўз очиб юмгунча мўғуллар қўлига ўтди. 20 февраль куни Хулаку буйруғи бўйича ўлимга ҳукм қилинган Мустаъсим отлар туёғи остида жон берди. Шунингдек, аббосийлар сулоласининг барча эркаклари қатл этилиб, аёллари чўрига айлантирилди. 20 кун давом этган қирғинда Бағдод аҳолиси қатли ом қилинди. Мўғуллар иттифоқчи сифатида кўрган христианлар ва яҳудийлар қатли ордан қутулиб қолди.

Уша вақтда нўён Урукту Ирбил шаҳрини олишга жўнатилди. Шаҳар бошлиғи Тожиддин ибн Салайя мўғулларга бўйсунди, лекин қалъани ҳимоя қилаётган курдлар таслим бўлишдан бош тортди. Узоқ давом этган қамал муваффақият келтирмади. Фақат жазирама ёз курдларнинг Ирбилдан чиқиб кетишига сабаб бўлди. Шаҳарни мўғуллар иттифоқчиси Мосул отабеги Бадриддин Луълуъ эгаллади.

**Сурияга юриш.** Хулаку Бағдодни эгаллагач Мароға ва Шарқий Озарбайжон чеккаларига ўрнашди. 1258 йил августда тобелигини маълум қилган Мосул отабеги Бадриддин Луълуъ, Форс отабеги Саъд, Кўня султонлигидан Иззиддин Кайковус II ва Рукниддин Қилич Арслон IV ни қабул қилди. Бадриддин Луълуъ ўғли Солиҳни Хулаку хизматига жўнатди.

Мўғулларнинг кейинги юриши Сурияга қаратилди. 1259 йил 12 сентябрда Хулаку кўшини юриш бошлади. Кўшиннинг илғор қисмида Қит Буғо, ўнг қанотда Байжу ва Шиктур, чап қанотда Сунжоқ, марказда Хулакунинг ўзи қўмондон эди. Мўғуллар Аҳлатни эгаллаб атрофдаги тоғларга ўрнашган курдларга зарба беришди. Солиҳ Амид (Диёрбакр)ни эгаллашга юборилди, Хулаку эса Эдессани ишғол қилди. Кейин Нисибин ва Харран қўлга олинди.

Мўғуллар Фуротдан ўтиб Ҳалабни қамал қилишди. Қамалда мўғулларнинг христиан иттифоқчилари – Хетум ва Болдуин ҳам қат-

нашди. Айюбий султон Носир Юсуф тор-мор этилди ва у Керакк қочди. Шаҳар бир ҳафтада эгалланди, лекин арк 1260 йил 25 февралгача қаршилик кўрсатди. Мўғуллар қисқа вақтда Ҳалаб, Дамашқ ва бир қанча шаҳарларни эгаллаб бўлишди (1260). Мункэнинг ўлим ҳақидаги хабар етиб келгачгина, мўғуллар юришдан тўхтади, Хулаку эса Озарбайжонга қайтишга шошилди. Вазиятдан фойдаланган мамлуклар қўшин тўплаб мўғулларга қақшатқич зарба берди ва уларни Суриядан чиқариб юборишга эришди.

**Фаластинда олиб борилган ҳарбий ҳаракатлар. Айни Жолу жанги (1260 йил 3 сентябрь).** Мўғулларнинг асосий қўшини Суриядан ҳаракат қилаётган пайтда Қит Буғо нўён бошлиқ мўғуллар қўшини Миср чегарасидаги Ғазони босиб олди.

Хулаку Мункэ вафотидан сўнг Мўғулистонга қайтиб кетишга мажбур бўлди. Хулаку Мўғулистонга кетиши олдидан Миср султони Кутузга элчилар орқали ультиматум жўнатди, унга кўра, Чингизидинларнинг энг олий инсонлар экани ва Миср султони ўз хоҳиши билан мўғулларга таслим бўлиши талаб қилинганди. Бунга жавобан Кутуз ва Байбарс ташаббуси билан элчиларни қатл эттирди. У ерда қолган мўғул қўшинига (10 – 20 минг киши) Қит буғо қўмондон бўлди. Иттифоқчилари арман ва грузинлардан мадад олган Қит буғо Суриядан жанубга – Фаластинга юришни давом эттирди. Унга қарши Кутуз ва Байбарс бошлиқ мамлук қўшини қарши чиқди. Мўғулларга ёрдам бериши кутилаётган фаластинлик христианлар кутилмаганда мамлукларга хайрихоҳ бўлишди. Сайда графи Жюльен Гренье тўсатдан мўғул бўлинмаларига ҳужум қилди. Мамлуклар қўшини 1260 йил 26 июлда Мисрдан чиқиб Синай яриморали орқали йўлга тушди ва Ғазода мўғул босқинчиларига зарба берди. Султон қўшини салибчиларга қарашли Аккра ташқарисида ҳордиқ чиқариб озик-овқат билан таъминланди. Кейин мамлуклар Қуддус қироллиги ҳудудидан ўтиб Галилейга – мўғулларнинг орқа томонига ўтиб олишди.

1260 йил 3 сентябрь куни Назарет яқинидаги Айни Жолутда икки қўшин тўқнашди. Мўғуллар сафида арман ва грузин бўлинмалари ҳам бор эди. Жанг мўғул отлиқлари ҳужуми билан бошланди. Байбарс ўзини чекинган қилиб кўрсатиб Қит буғони пистирмага туширди ва мўғулларга уч томондан зарба берди. Мўғул қўшини ҳалокатга учуради. Қит буғо асир олиниб қатл этилди.

Мўғуллар босқини тўхтатилди, мамлуклар эса Суриядан мустаҳкам ўрнашиб олишди.

## КАВКАЗОЛДИ

**Шаддодийлар (951 – 1174)** – маркази Двин бўлган Арманистондаги курд сулоласи. Шаддодийлар 967 йилдан маркази Ганжа бўлган Арронни бошқаришган. Кавказолди салжуқийлар томонидан эгаллангач, шаддодийлар уларнинг вассалига айланишди ва 1072 йили багратийлар мулкини олиб Аний амирлигига асос солишди.

### Шаддодийлар сулоласи ҳукмдорлари

#### 1. Арминия волийлари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Муҳаммад ибн Шаддод	951 – 954
2.	Али Лашкарий I ибн Муҳаммад	954 – 978
3.	Марзубон ибн Муҳаммад	978 – 984
4.	Фазл I ибн Муҳаммад	984 – 1031
5.	Шовур/Шопур I ибн Фазл I	1031 – 1049

#### 2. Аррон волийлари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Фазл I ибн Муҳаммад	967 – 984
2.	Мусо ибн Фазл I	1031 – 1034
3.	Али Лашкарий II ибн Мусо	1034 – 1049
4.	Анушервон ибн Али Лашкарий II	1049
5.	Шовур I ибн Фазл I	1049 – 1067
6.	Фазл II ибн Шовур I	1067 – 1068
7.	Ашот ибн Шовур I	1068 – 1069
	Фазл II ибн Шовур I	1069 – 1073
8.	Фазл III ибн Фазл II	1073 – 1075

#### 3. Аний амирлари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Манучеҳр ибн Шовур I	1072 – 1118

2.	Шовур II ибн Манучеҳр	1118 – 1124
3.	Фазл IV ибн Шовур II	1124 – 1128
4.	Маҳмуд ибн Шовур II	1128 – 1131
5.	Хушчеҳр ибн Шовур II	1131 – 1150
6.	Шаддод ибн Маҳмуд	1150 – 1155
7.	Фазл V ибн Маҳмуд	1155 – 1161
8.	Шаҳаншоҳ ибн Фазл V	1161 – 1174

**Кисронийлар (1027 – 1382)** – ширвоншоҳларга мансуб иккинчи сулола. Мазъидийлар сулоласи ўрнига келган. Сулола Ширвоншоҳ Язид ибн Аҳмаддан келиб чиққан.

### Кисронийлар сулоласига мансуб ҳукмдорлар

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Манучеҳр I ибн Язид	1027 – 1034
2.	Али ибн Язид	1034 – 1043
3.	Қубод ибн Язид	1043 – 1049
4.	Али ибн Аҳмад	1049 – 1050
5.	Саллор ибн Язид	1050 – 1063
6.	Фарибурз ибн Саллор	1063 – 1096
7.	Манучеҳр II ибн Фарибурз	1096 – 1105
8.	Афридун I ибн Фарибурз	1105 – 1120
9.	Манучеҳр III ибн Афридун I	1120 – 1160
10.	Афридун II ибн Манучеҳр III	1160
11.	Ахситан I ибн Манучеҳр III	1160 – 1196
12.	Шаҳаншоҳ ибн Манучеҳр III	1196 – 1200
13.	Фарибурз ибн Фаридун	1200 – 1204
14.	Фаррухзод I ибн Манучеҳр III	1204
15.	Гершасп ибн Фаррухзод	1204 – 1225
16.	Фарибурз ибн Гершасп	1225 – 1243
17.	Ахситан II ибн Фарибурз	1243 – 1260
18.	Фаррухзод II ибн Ахситан II	1260 – 1283
19.	Ахситан III ибн Фаррухзод	1283 – 1294
20.	Кайковус ибн Ахситан III	1294 – 1317
21.	Кайқубод ибн Ахситан III	1317 – 1356
22.	Қобус ибн Кайқубод	1356 – 1372
23.	Хушанг ибн Қобус	1372 – 1382

1060 йилларда Ширвоншоҳлар давлати Аррондан ҳужумга учради, кейин салжуқ турклари Ширвонга юриш қилди. Фарибурз ўзини салжуқийларнинг вассали деб эътироф этди. 1080 йилларда кўшнларининг заифлашганидан фойдаланиб Аррон устидан ҳукмронлик ўрнатди ва Ганжага ноиб тайинлади.

XII асрнинг биринчи чорагида ширвоншоҳлар Иберия ва салжуқийларга қарши уруш олиб боришга мажбур бўлди. Ахситан I (1160 – 1196) даврида Ширвонда илм-фан ривожланди. Айнан шу пайтда Низомий Ганжавий фаолият олиб борган.

XII аср охирида кучли зилзиладан пойтахт яксон бўлди, шундан сўнг ширвоншоҳларнинг қароргоҳи бир неча ўн йиллар давомида Баку шаҳри бўлиб қолди.

XIII асрнинг биринчи чорагида Ширвон мўғуллар босқинига учради. 1222 йили узоқ қамалдан сўнг Шемаха бўйсундирилиб вайрон қилинди. Деярли барча аҳоли мўғуллар томонидан қириб ташланди. Мўғул кўшини бутун давлатни истило қилди. Сўнгги йилларда Ширвонга қипчоқлар, грузинлар, хоразмшоҳ Жалолиддин кўшини кирди. 1231 йили Кавказолдига яна мўғуллар босқин уюштириб Ганжа, Барда, Байлақон ва Шабардан шаҳарларини бузиб ташлади.

Мўғуллар империясининг бўлинишидан сўнг Ширвон пойтахти Табриз бўлган Эрондаги Хулакуийлар давлати таркибига кирди. Ширвон Олтин Ўрда ва хулакуийлар ўртасидаги урушлар вақтида янада кўпроқ зарар кўрди, минтақа вайроналар ичида қолди.

XIV асрда Ширвоншоҳлар давлати ўзини сақлаб қолиш ва мустақиллик учун кўчманчи давлатлар урушида иштирок этди.

**Элдегизийлар (1137 – 1225)** – келиб чиқиши қипчоқлардан бўлган Озарбайжон отабеклари сулоласи. Салжуқийлар давлати қулаганидан сўнг мустақил бўлган. Сулола асосчиси Шамсиддин Элдегиз – салжуқ султони ғуломи. 1137 йили султон Масъуд отабек Элдегизга иқто тариқасида Арронни берди. У Барда шаҳрига ўрнашгач кўшни майда давлатларни бўйсундириб бутун Озарбайжон устидан назорат ўрнатди.

1220 йили элдегизийлар ҳудудига мўғуллар ҳужум қилди, 1225 йили эса хоразмшоҳ Жалолиддин Мароға, Табриз ва Ганжа каби муҳим шаҳарларни олди. Шундан сўнг Элдегизийлар давлати тугатилди.

## Элдегизийлар сулоласи ҳукмдорлари

Аррон ноиби: Шамсиддин Элдегиз (1137 – 1160).

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Шамсиддин Элдегиз	1160 – 1174
2.	Жаҳон Паҳлавон Муҳаммад ибн Элдегиз	1174 – 1187
3.	Қизил Арслон Усмон ибн Элдегиз	1187 – 1191
4.	Абу Бакр ибн Муҳаммад	1191 – 1211
5.	Ўзбек ибн Муҳаммад	1211 – 1225
6.	Камуш ибн Ўзбек	1225

### Ҳамадон амирлари

1. Умар ибн Муҳаммад (1191).
2. Ўзбек ибн Муҳаммад (1191 – 1211).

## АФҒОНИСТОН

**Ғазнавийлар давлати (977 – 1186).** *Пойтахти – Ғазна шаҳри (ҳозирги Ғазна, Афғонистон). Ҳудуди – 3,4 млн км<sup>2</sup> (1029). Давлат тuzуми – монархия. Давлат тили – дарий.*

Муҳаммад ибн Қосимнинг Ҳиндистонга юришидан кейин икки ярим асрдан ошиқроқ вақт ўтгач, 977 йили, Сабуктегин Панжобда мустақкам ўрнашиб олди. Унинг ўғли машҳур Маҳмуд Ғазнавий Ҳиндистонга 17 марта юриш қилган. Тахминан 1100 йили ғазнавийлар қароргоҳи Ҳиндистондаги Лаҳор шаҳрига кўчирилди. Маҳмуд Ғазнавий вафотидан сўнг давлат заифлашди. Масъуд даврида Эрондаги ҳудудлар салжуқийларга ўтиб кетди. Кейинроқ Хоразмни қўлдан чиқаришди. 1151 йили Ғазна ғурийлар томонидан яксон қилинди, 1186 йили эса ўша ғурийлар Ғазнавийлар давлатини тугатди.

### Ғазнавий амирлар

1. Сабуктегин – Сомонийлар ноиби (977 – 997). Сомонийлар давлати сипоҳсолори (994 – 997) – Ғазна амири.
2. Исмоил ибн Сабуктегин (997/998) – Ғазна амири.

3. Наср ибн Сабуктегин (997) – Балх амири.
4. Боғрачуқ, Сабуктегиннинг укаси (997) – Ҳирот амири.
5. Маҳмуд ибн Сабуктегин (995 – 997) – Сомонийлар давлати сипоҳсолори (998 – 999), Ғазна амири, Хуросон амири (999).

### Ғазнавийлар давлати ҳукмдорлари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Маҳмуд Ғазнавий	999 – 1030
2.	Муҳаммад ибн Маҳмуд	1030
3.	Масъуд ибн Маҳмуд	1030 – 1041
	Муҳаммад ибн Маҳмуд	1041
4.	Мавдуд ибн Масъуд	1041 – 1049
5.	Масъуд II ибн Мавдуд	1049
6.	Али ибн Масъуд II	1049 – 1051
7.	Абдуррашид ибн Маҳмуд	1051 – 1053
8.	Тўғрул	1053
9.	Фаррухзод ибн Масъуд	1053 – 1059
10.	Иброҳим ибн Масъуд	1059 – 1099
11.	Масъуд III ибн Иброҳим	1099 – 1115
12.	Шерзод ибн Иброҳим	1115 – 1116
13.	Арслоншоҳ ибн Масъуд	1116 – 1118
14.	Баҳромшоҳ ибн Масъуд	1118 – 1153
15.	Хусравшоҳ ибн Арслоншоҳ	1153 – 1160
16.	Хусрав Малик ибн Хусравшоҳ	1160 – 1186

**Ғурийлар давлати (1148 – 1215).** *Пойтахти – Ғур, Ғазна (ҳозирги Афғонистон). Ҳудуди – 3,2 млн км<sup>2</sup> (1200). Давлат тузуми – монархия. Давлат тили – форс тили. Афғонистоннинг марказий қисмидаги тоғли минтақалардаги давлат. Ғурийлар 1151 йили Ғазнани талон-тороғ этиб, Ғазнавийлар давлатини хароб қилишди. Салжуқий султон Санжар вафотидан сўнг (1158) эса Хуросонни эгаллаб олишди. Ғурийлар давлатининг ҳудуди Каспий денгизидан Шимолий Ҳиндистонгача чўзилди. Ғазнадаги Ғурийлар давлати 1206 йили хоразмшоҳ томонидан тугатилди.*

Ферузкўҳдаги ғурий малик: Муҳаммад ибн Ҳусайн (1127 – 1148).

### Ғурдаги ҳукмдорлар

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Сурий ибн Ҳусайн	1146 – 1148
2.	Сом ибн Ҳусайн	1148
3.	Ҳусайн ибн Сурий	1148 – 1159
4.	Ҳусайн ибн Ҳусайн	1159 – 1161
5.	Муҳаммад ибн Сом	1163 – 1203
6.	Муҳаммад (II) ибн Сом	1203 – 1206
7.	Маҳмуд ибн Муҳаммад	1206 – 1212
8.	Сом ибн Муҳаммад	1212 – 1213
9.	Отсиз ибн Ҳусайн	1213 – 1214
10.	Муҳаммад ибн Абу Али	1214 – 1215

### Бомиён ва Тохаристондаги ҳукмдорлар

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Муҳаммад ибн Масъуд	1146 – 1163
2.	Сом ибн Муҳаммад	1163 – 1192
3.	Али ибн Сом	1192 – 1206
4.	Масъуд ибн Сом	1206 – 1215

### ШАРҚИЙ ТУРКИСТОН ВА ЎРТА ОСИЁ

**Қорахонийлар давлати (942 – 1212).** *Пойтахти – Боласоғун (942 – 1042). Ҳудуди – 3 млн км<sup>2</sup> (1025). Давлат тузуми – монархия. Давлат тили – араб, форс ва туркий тиллар.*

### Қорахонийлар сулоласи ҳукмдорлари (942 – 1042)

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Сотуқ Буғро	942 – 955
2.	Мусо Байташ Буғро	955 – 970



3.	Ҳорун I Буғро	970 – 993
4.	Ҳасан Али I	993 – 998
5.	Аҳмад Арслон Қорахон	998 – 1016
6.	Муҳаммад I Арслон	1016 – 1024
7.	Юсуф Қодир	1024 – 1032
8.	Сулаймон Арслон	1032 – 1042

### Ғарбий Қорахонийлар давлати ҳукмдорлари (1042 йилгача)

- |                            |                            |
|----------------------------|----------------------------|
| 1. Наср I (999 – 1012).    | 4. Алптегин (1024 – 1034). |
| 2. Аҳмад (1012 – 1016).    | 5. Юсуф (1034).            |
| 3. Муҳаммад (1016 – 1024). | 6. Ҳусайн (1034 – 1042).   |

### Ғарбий Қорахонийлар давлати ҳукмдорлари (1042 – 1212)

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Муҳаммад	1042 – 1052
2.	Иброҳим	1052 – 1067
3.	Наср II	1067 – 1080
4.	Ҳасантегин	1080
5.	Хизр	1080 – 1081
6.	Аҳмад	1081 – 1095
7.	Маҳмуд	1095 – 1097
8.	Сулаймон	1097 – 1098
9.	Жаброил Қодир	1098 – 1102
10.	Муҳаммадтегин	1102 – 1129
11.	Наср III	1129
12.	Аҳмад	1129 – 1130
13.	Иброҳим I Буғро	1130 – 1132
	Аҳмад	1132
14.	Маҳмуд III	1132 – 1141
	Иброҳим II Буғро	1141 – 1156
15.	Али	1156 – 1163
16.	Масъуд	1163 – 1178
17.	Иброҳим III Буғро	1178 – 1201
18.	Усмон	1201 – 1212

## Шарқий Қорахонийлар (1042 – 1211)

т/р	хукмдорлар	хукмронлик йиллари
1.	Сулаймон Арслон	1042 – 1055
2.	Муҳаммад II Буғро	1055 – 1057
3.	Иброҳим I Буғро	1057 – 1059
4.	Маҳмуд	1059 – 1074
5.	Умар	1074 – 1075
6.	Ҳорун II Буғро	1075 – 1102
7.	Жаброил Қодир	1102 – 1103
8.	Аҳмад Арслон	1103 – 1130
9.	Иброҳим II Буғро	1130 – 1156
10.	Муҳаммад III Буғро	1156 – 1180
11.	Юсуф II Тамғоч	1180 – 1205
12.	Муҳаммад IV Буғро	1205 – 1211

**Қорахонийлар давлати** – X асрнинг 90-йилларида Шарқий Туркистон, Еттисув ва Тяншаннинг жанубидаги ҳудудларда ташкил топган давлат. Давлат, асосан, туркий қорлуқ, чигил ва яғмо қабилалари иттифоқидан ташкил топган.

Давлат тузилишида X – XII асрларда Шарқий Туркистонга кўчиб келган чигил ва яғмо қабилаларидан ташкил топган қорлуқ қабилалари иттифоқи асосий роль ўйнаган. Сулола асосчиси Сотуқ Буғрохон (915 – 955) бўлган, у 942 йили Боласоғундаги қорлуқлар хонини тахтдан ағдариб ўзини ҳукмдор деб эълон қилди.

Қорахонийлар давлати таркибига 990 йили Тароз ва Исфижоб, 992 йили Ҳўтан ва Бухоро, 999 йили эса бутун Мовароуннаҳр кўшиб олинди. 992 йили Қорахонийлар давлати ҳукмдори Ҳорун Бухорони эгаллади, унинг вориси Наср I эса 996 – 999 йилларда бутун Мовароуннаҳрни қўлга киритиб Сомонийлар давлатига барҳам берди.

Қорахонийлар давлати ташкил топган дастлабки вақтлардаёқ тахт учун кураш авж олди. Бу тартибсизликлардан қорахитойлар фойдаланди. Улар 1017 йили Еттисувга бостириб киришди ва Боласоғунга қадар келишди. Лекин қорахоний ҳукмдор Тўғон қорахитойлар кўшинига зарба берди ва уларни шарққа чекинишга мажбур қилди.

1042 йили Қорахонийлар давлати ғарбий ва шарқий қисмларга бўлиниб кетди. XI асрнинг 60 – 70-йилларида қорахонийлар салжуқийлар билан тўқнашди. Ички фитналар натижасида кучсизланиб қолган Ғарбий Қорахонийлар давлати салжуқийларга қаршилик кўрсатишга ожизлик

қилди, 1089 йили Бухоро ва Самарқандни султон Маликшоҳга бой бергач Салжуқийлар давлатининг вассали бўлиб қолди.

1102 йили Боласоғун ва Тароз ҳукмдори Қодирхон Жаброил Мовароуннаҳрга ҳужум қилди ва Амударёгача бўлган ерларни эгаллади. У Термизни салжуқийлардан тортиб олмоқчи бўлди, лекин асирга тушиб қатл этилди. Қорахонийлар 1106 ва 1108 йилларда Хуросонга икки марта юриш қилди. Натижада Балх, Тус ва Нишопур шаҳарлари эгалланди, лекин Маҳмуд Ғазнавий қорахонийларни Хуросондан қувиб чиқаришга эришди. 1138 йили Ғазнавийлар давлатининг заифлашиб қолганидан фойдаланган қорахоний ҳукмдор Иброҳим Хутталон, Вахш ва Чағониённи ишғол қилди. 1040 йили Марв ва Сарахс шаҳарлари оралиғидаги Данданакон номли жойда ғазнавийлар ва салжуқийлар ўртасида жанг бўлиб ўтди, жанг газнавийларнинг мағлубияти билан якунланди.

1128 йили Шарқий Қорахонийлар ҳудуди Қорахитойлар давлати томонидан истило қилинди. 1130 йили эса салжуқий султон Санжар Мовароуннаҳрга қўшин тортиб Самарқандни забт этди.

Қорахитойлар Еттисувни босиб олишгач Шош ва Фарғонани истило қилишди. 1137 йили Хўжанд яқинида юз берган жангда қорахитой қўшини қорахоний Маҳмуд қўшинини енгди. Қорахонийлар сулҳ тузиб қорахитойларга катта ўлпон тўлади. Лекин қорахитойлар 1141 йили яна Мовароуннаҳрга бостириб кирди. Бу сафар қорахонийларга салжуқий султон Санжар қўшини билан ёрдам берди. Самарқанд яқинидаги Қатвон чўлида бўлган жангда бутпараст қорахитойлар ғалаба қозонди. Сўнг тезликда Самарқандни, бироз кейин Бухорони истило қилишди. Қорахоний Маҳмуд ва салжуқий Санжар Термизга чекинди. Шунга қарамай, қорахитойлар Қорахонийлар давлатини батамом тугата олмади. Давлат бир неча майда бўлақларга бўлиниб кетди.

1210 йили Ғарбий Қорахонийлар давлати хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммаднинг вассалига айланди. 1212 йили найманлар хони Кучлук Ўзганд ва Кошғардаги Шарқий Қорахонийлар давлатини тугатди, ўша йили Самарқанддаги Ғарбий Қорахонийлар давлати ҳам хоразмшоҳ томонидан тугатилди.

**Қорахитойлар давлати (1124 – 1218).** *Пойтахти – Боласоғун. Ҳудуди – 2,5 млн км<sup>2</sup> (1210). Давлат тузуми – монархия. Давлат тили – хитой ва кидан тиллари.*

*Давлат Ляо империяси қулашидан сўнг, 1124 йили, кидан шаҳзодаси Елюй Даши томонидан ташкил этилган. Мусулмонлар*

мамлакатни Қорахитойлар (Қоракиданлар) хонлиги, хитойиклар эса Ғарбий Ляо деб номлаган. Давлат пойтахти Чу дарёси бўйидаги Хусифдо (Боласоғун) шаҳри бўлган. Империя Амударё ва Балхашдан Куньлунь ва Бейшан тоғларигача ҳудудни ўз ичига олган. Хонлик 1211 йили найман Кучлук томонидан бўйсундирилган. 1218 йили Чингиз томонидан тугатилган.

### Қорахитойлар давлати ҳукмдорлари – гўрхонлар

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Елюй Даши	1124 – 1143
2.	Табуян	1143 – 1151
3.	Елюй Илия	1151 – 1161
4.	Елюй Пусувань	1161 – 1177
5.	Елюй Чжулху	1177 – 1211
6.	Кучлук	1211 – 1218

**Давлат тарихи.** Ляо империяси Жанубий Хитойнинг сун сулоласи билан бирлашган чжурчженлар томонидан мағлуб этилгач, кидан шаҳзодаси Елюй Даши буткул ҳалокатга учрашни кутмасдан тарафдорлари билан ғарбга кетди. У ердан келажақда чжурчженларга зарба бериш ва Ляо давлатини қайта тиклаш мақсади бор эди. Ўша ерда янги давлатга асос солди, уни 18 қабила қўллаб-қувватлади. 1124 йили Елюй Даши гўрхон унвонини олди ва янги давлатнинг раҳбарига айланди. 1134 йили Боласоғундаги Қорахонийлар давлатини тугатди ва уни ўз пойтахтига айлантirdи. Унинг қўшини тез орада йиқитилган Қорахонийлар давлати ҳудудида яшовчи киданлар билан тўлдирилди.

Киданлар 1137 йили Ғарбий Қорахонийлар давлатига зарба берди. 1141 йили бўлган Қатвон жангида салжуқийлар ва қорахонийларнинг бирлашган қўшини мағлуб этилди. Шундан сўнг Елюй Даши Хоразм ва Мовароуннаҳрни бўйсундирди. Елюй Даши 1141 йили император унвонини қабул қилди, 1143 йили эса вафот этди.

Елюй Даши ўлимидан сўнг давлатни Илия номидан Елюй Дашининг хотини бошқарди. Илия 1151 йили 10 ёшида тахтга чиқди ва вафотига қадар – 1161 йилгача – давлатни бошқарди. Шундан сўнг Илиянинг кичик синглиси Елюй Пусувань тахтга кўтарилди. У жазманининг кутқуси билан эрини ўлдирди, бироқ ўзи ҳам қасоскорлар томонидан йўқ қилинди. 1177 йили тахтга Илиянинг ўғли Чжулху

ўтирди. Ички фитналар туфайли заифлашган давлатни 1211 йили найманлар сардори Кучлук эгаллади.

**Давлатни бошқариш.** Хонлик пойтахт Боласоғундан бошқарилган. Еттисувнинг жанубий қисми, Фулжа ўлкаси ва Сирдарё вилоятининг шимоли-ғарбий қисми гўрхоннинг шахсий назоратида эди. Хонликнинг катта қисми бўлган бошқа ҳудудлар маҳаллий вассал ҳукмдорлар томонидан бошқариларди. Бошқариш, асосан, Ляо давлати бошқарув тизимига ўхшаш эди. Маъмурий мансабдорларнинг номи мусулмонча «вазир» каби атамалар бўлишига қарамай, хитойликлардан ўзлаштириб олинганди. Шунингдек, солиқ тизими хитойликларникидан фарқланмасди. Гўрхон кидан намунаси бўйича ўзининг тангаларини зарб эттирган, бироқ иқтисод устидан назорат ўрнатмаган ва аҳолидан солиқ йиғдириш билан чекланган. Маҳаллий амалдорлар гўрхонга тобелигини билдириш учун кўкракларида кумуш нишон осиб юришган. Гўрхон ўзига тобе минтақаларни қариндошларига тарқатмаган, уларнинг кучайиб кетишидан жуда қаттиқ қўрққан. Шунингдек, уларга ҳарбий юришларни ҳисобга олмаганда 100 нафардан ортиқ жангчи ҳам бермаган. Ҳарбий тизим ҳам хитойликларникидан у қадар фарқланмасди.

**Динлар, урф-одатлар ва маданият.** Кўплаб қорахитойлар ўз ақидаларини сақлаб қолишганди. Хонликда буддизм, христианлик (несториан йўналиши), ислом, шунингдек, ўз ичига осмон, ер ва аждодларга қурбонлик қилиш каби анъанавий кидан ақидалари тарқалганди. Христианлик ҳам кенг ёйилган, шунингдек, мусулмонлар аҳолининг катта қисмини ташкил этарди. Қорахитойлар, асосан, Чу ва Талас водийларида чорвадорлик билан кун кўришган. Яна овчилик ва балиқчилик билан шуғулланишган. Уларда уруғчилик муносабатлари қаттиқ ҳимоя қилинган. Аёлларнинг ҳуқуқи анча кенг эди. Қорахитойлар аста-секин маҳаллий туркий аҳоли билан аралашиб борган. Қорахитойлар ўзларининг мўғул гуруҳига мансуб тилларини сақлаб қолишган. Уларнинг адабий асарлари, масалан, Чингизхоннинг маслаҳатчиси Елюй Чуцай томонидан ёзилган асарлар ўзининг бадиий савияси билан ажралиб туради. Шунга қарамай, қорахитойларнинг маданияти ханузгача тўлиқ ўрганилмаган.

**Кучлук** – найман хони Таяннинг ўғли. Найманларнинг Тэмужин/Темучин томонидан тор-мор келтирилиши ва Таяннинг ўлими (1204)дан сўнг Кучлук ғарбдаги Иртиш саҳроларига кетди ва у ерда ўзи каби мўғуллардан қочган маркитлар хони Тохтоа билан бирлашди. Бироқ 1205 йили (ёки 1208 йили) Кучлук ва Тохтоа

*Иртиш дарёси водийсида Чингизхон томонидан тор-мор келтирилди. Бу сафар ҳам Кучлук қочишга эришди, бу гал Еттисувга – қорахитой гўрхони Чжулху олдига борди.*

Гўрхон Кучлукни яхши кутиб олди ва унга қизини берди. Хоразмшоҳ қорахитойлардан Самарқанд ва Бухорони тортиб олаётганда Кучлук гўрхонга ёрдам беришга келмади, балки Чжулхунинг хазинасини қўлга киритди ва унинг ўзини асирга олишга интилди. Лекин Боласоғун яқинидаги жангда Кучлук тор-мор келтирилди, гўрхон қўшини хазинани қайтариб олди, лекин уни ҳукмдорга қайтармади. Мазкур исён натижасида Кучлук 1211 йили гўрхонни қўлга туширди. Чжулху унвонини сақлаб қолди, лекин энди амалда ҳеч қандай ҳокимиятга эга эмасди. 1213 йили Чжулху ўлди, Кучлук эса гўрхон деб эълон қилинди.

Кучлук дастлаб несториан эди, лекин хотини таъсирида шаманликка ўтди ва мамлакатида аҳолининг кўпчилигини ташкил этувчи мусулмонларни қувғин қила бошлади. 1218 йили Кучлук ҳукмдори Чингизхон ҳукмронлигини тан олган Олмалик шаҳрини қамал қилди. Бунга жавобан Чингизхон 20 минг кишилиқ Жэбэ нўён бошлиқ қўшин жўнатди. Жэбэ қорахитойлар мулкига кириши биланоқ диний эркинлик берилганини маълум қилди ва мусулмонлар Кучлук аскарларини тутган жойларида ўлдира бошлади. Кучлук тахтини ташлаб қочиб кетди, лекин Помир тоғларида қўлга олиниб қатл этилди.

## **ХОРАЗМШОҲЛАР**

### **Африғийлар (918 – 995)**

#### **II. Маъмунийлар (995 – 1017)**

1. Абу Али Маъмун I (992 – 997).
2. Абул Ҳасан Али (997 – 1009).
3. Абул Аббос Маъмун II (1009 – 1017).

#### **III. Олтинтошлар\* (1017 – 1034)**

1. Олтинтош (1017 – 1032).
2. Ҳорун ибн Олтинтош (1032 – 1034).
3. Исмоил ибн Олтинтош (1034 – 1041).

\* Ҳазнавийларга тобе сулола.

\* Султоншоҳ Маҳмуд 1172 – 1193 йилларда Алоуддин Такаш билан тахт талашган.

**Хоразмшоҳ ануштагинлар давлати (1077 – 1231).** *Пойтахти – Гурганж шаҳри (ҳозирги Кӯҳна Урганч). Худуди – 3,6 млн км<sup>2</sup> (1218). Давлат тузуми – монархия. Давлат тили – форс, араб тиллари.*

#### IV. Ануштегинлар (1077 – 1231)

т/р	хукмдорлар	хукмронлик йиллари
1.	Ануштегин Гарчои	1077 – 1097
2.	Экинжи ибн Қочар	1097
3.	Қутбиддин Муҳаммад	1097 – 1127
4.	Алоуддин Отсиз	1127 – 1156
5.	Эл Арслон	1156 – 1172
6.	Султоншоҳ Маҳмуд	1172
7.	Алоуддин Такаш	1172 – 1200
8.	Алоуддин Муҳаммад	1200 – 1220
9.	Жалолиддин Мункбурни (Мангуберди)	1220 – 1231

Хоразм 1017 йили Маҳмуд Ғазнавий томонидан забт этилди. Хоразмшоҳ Маъмун эса қатл этилди, у 1004 йили асос солган «Байт ул-ҳикма» фаолиятига чек қўйилди. Даргоҳдаги олимлар Ғазнага кўчирилди, улар орасида Абу Райҳон Беруний ҳам бор эди. Лекин Абу Али ибн Сино бир неча ҳамроҳлари билан Эронга қочиб кетишга эришди. Шундан сўнг Хоразм Ғазнавийлар давлати таркибига киритилди. 1044 йили эса салжуқийлар Хоразмни ўз давлатларига қўшиб олишди. Салжуқий хукмдор Маликшоҳ саркардаларидан бири Ануштегинни Хоразмга ноиб этиб тайинлади. Ануштегин вафотидан сўнг унинг ўғли Қутбиддин Муҳаммад номзоди салжуқийлар султони томонидан тасдиқланди.

**Қутбиддин Муҳаммад, Ануштегин ўғли** – хоразмшоҳ (1097–1127). Қутбиддин Муҳаммад Марвда тарбияланган. 1097 йили хукмдор Экинжи ўлдирилганидан кўп ўтмай Хоразм тахтига чиқарилди ва хоразмшоҳ унвонини олди. У хукмдорлик пайтида салжуқий султон Санжарнинг вассали бўлган. 1113 (ёки 1114) йили салжуқийларнинг вассали бўлмиш Қорахонийлар давлатида юз берган исённи бос-тиришда иштирок этган. 1119 йили эса султон Санжарнинг Ғарбий Эрон ва Ироқи Арабда хукмронлик қилаётган Ғиёсиддин Муҳаммадга қарши юришида қатнашган.

Қутбиддин Муҳаммад 1127 йили вафот этди, тахтга унинг ўғли Алоуддин Отсиз чиқарилди.

**Алоуддин Отсиз, Қутбиддин Муҳаммад ўғли (1097/1105 – 1156) – хоразмшоҳ (1127 – 1156).**

Отсиз салжуқий султон Санжар тобелигидан қутулиш учун тўхтовсиз кураш олиб борди. 1138 йили ўз валинеъматиға қарши исён кўтарди, бироқ мағлуб бўлиб қочишдан ўзга чораси қолмади. Санжар тахтга Отсизнинг қариндоши Сулаймоншоҳни қўйди. Сулаймоншоҳнинг ҳокимиятни сақлаб туришга қурби етмагач, Санжар 1141 йили тахтга яна Отсизни ўтқазди. Айни ўша йили Ўрта Осиёга шарқдан Елюй Даши бошлиқ қорахитойлар бостириб кирди. Салжуқий султон Санжар вассали қорахоний Маҳмудга ёрдам бериш учун ҳаракат қилди, лекин Қатвон чўлида бўлган жангда қорахитойлар қўшини ғалаба қозонди. Хоразмшоҳ Отсиз Санжарнинг мағлубиятидан фойдаланиб 1141 йил қишида Марвни талон-торож қилди, 1142 йили эса Нишопурга яқинлашди. Бироқ Санжар 1142 йили Отсизни яна ўлпон тўлашга мажбур қилди, бундан ташқари, хоразмшоҳлар қорахитойларга ҳам ўлпон тўлашга мажбур эди.

Отсиз даврида Жанд ва Манғишлоқ минтақалари қўшиб олинди. Кўплаб қабилалар унга қарам бўлиб қолди. Отсиз умрининг сўнгида Ўрта Осиёнинг бутун шимоли-ғарбини давлати таркибига қўшиб олди ва давлатни амалда мустақил бошқара бошлади.

1156 йили Отсиз вафот этди, унинг ўрнига Хоразм тахтига ўғли Тожиддин Арслон қўйилди.

**Тожиддин Эл Арслон, Аълоиддин Отсиз ўғли – хоразмшоҳ (1156 – 1172).**

1152 йили Эл Арслон отаси томонидан эгалланган ва Сирдарёнинг қуйи оқимида жойлашган Жанд шаҳри ҳукмдори бўлди. У отаси каби салжуқ султони Санжарга ва қорахитойларга ўлпон тўлашда давом этди. Лекин Эл Арслон давлат тепасига келганидан бир неча ой ўтгач, 1158 йили, Санжар вафот этди, бу эса Хоразмнинг салжуқийлардан мустақил бўлиб олишига имкон берди. Эл Арслон тахт учун курашда укаси Сулаймоншоҳни ва амакиси Юсуфни қатл эттирган.

1160 йилларда Эл Арслон Хоразмга Деҳистон ва унинг атрофидаги ҳудудларни қўшиб олди. Хуросондаги бир неча шаҳарларни бўйсундириб, Ироқ султонлиги ва Мовароуннаҳр шаҳарларини забт этишга ҳаракат қилди. Эл Арслон 1172 йили қорахитойларнинг Хоразмга ҳужумини муваффақиятли қайтарди. Бу воқеадан кўп ўтмай Эл Арслон вафот этди, унинг ўғиллари Аълоиддин Такаш ва Жалолиддин Султоншоҳ ўртасида тахт учун кураш бошланди.



**Аълоиддин Такаш, Тожиддин Эл Арслон ўғли – хоразмшоҳ (1172 – 1200).**

Аълоиддин Такаш отаси даврида Жанд шаҳри ҳокими бўлган. Отаси вафотидан сўнг тахтни кичик укаси Султоншоҳ эгаллаб олди, бироқ Такаш укасини ҳукмдор сифатида тан олишдан бош тортди ва хоразмшоҳларнинг ашаддий душмани қорахитойлардан ёрдам сўради. Ёрдам эвазига ҳар йили ўлпон тўлашини маълум қилди. Уларнинг ёрдами билан Такаш Султоншоҳни Гурганж яқинида мағлуб этди ва уни тахтдан ағдарди. Султоншоҳ яна 20 йил давомида ҳокимият учун кураш олиб борди. Такаш вафотидан сўнггина Марв ва Сарахс Хоразмга қўшиб олинди.

Такаш қорахитойларга қарамликдан қутулиш учун Мовароуннаҳрга бир неча марта юриш қилди. 1176 йили Жанубий Хуросонни эгаллади, ғурий ҳукмдорларни эса вассалга айлантирди.

1180 йили Султоншоҳ Сарахс ва Марвни эгаллади. Хоразмшоҳ 1187 йили Нишопурни, 1192 йили Райни олди.

1193 йили Такаш ва Султоншоҳ ўртасида ҳал қилувчи кураш кечди. Оғир мағлубиятга учраб Сарахс ва Обивардни бой берган Султоншоҳ касалланиб вафот этди. 1194 йили Такаш Ғарбий Салжуқийлар давлати султони Рукниддин Тўғрул II қўшинини мағлуб этиб Ироқни истило қилди. 1196 йили эса Аббосийлар ҳукмдори Носирни енгди. Сўнг Аламутдаги Ҳашшошийлар давлатини йўқ қилиш учун кураш бошлади, лекин ҳаракатлари зое кетди. Қолаверса, ҳашшошийлар юборган ёлланма қотил томонидан ўлдирилишига сал қолди.

Шундай қилиб, Такаш даврида Хоразм Марказий Осиёдаги энг қудратли давлатлардан бирига айланди. Унинг таркибига шимолда Орол денгизидан Сирдарёнинг қуйи оқимигача, жанубда Форс кўрфазига қадар, шарқда Помиргача, ғарбда то Эрон тоғларигача бўлган ерлар кирарди. Такаш Хоразм ҳудудини икки баробар кенгайтиришга эришган. Бундан ташқари, у томонидан ташкил этилган улкан кутубхона ҳақида маълумотлар етиб келган. Такаш 1200 йил 3 июнда Нишопур яқинида вафот этди, тахтга кичик ўғли Аълоиддин Муҳаммад чиқарилди.

**Алоуддин Муҳаммад, Алоуддин Такаш ўғли (1169 – 1220) – хоразмшоҳ (1200 – 1220).**

Алоуддин Муҳаммад ҳукмдорлиги ғурийларга қарши уруш билан бошланди. Ғурийлар бунгача Марв шаҳрини эгаллаган, Обивард, Сарахс ва Нисони жангсиз олишганди. Нишопурни қўлга киритгач хоразмшоҳнинг акасини асирга олиб уни Ҳиротга жўнатиб юбо-

ришганди. Хоразмшоҳ қўшини Ҳиротни қамал қилиб бир неча ой мобайнида мудофаани ёриб ўтишга уринди. Фақат тўлов эвазига хоразмшоҳ қамални тўхтатди. Бу вақтга келиб ғурийларга Ҳиндистондан акаси Шихобиддин ёрдамга етиб келди. Қонли жанглардан сўнг хоразмийлар чекинишга мажбур бўлишди. Қўшинни таъқиб қилган Шихобиддин 1204 йили хоразмшоҳнинг онаси Туркон хотун ҳимоя қилаётган Гурганжни қуршовга олди. Аълоиддин Муҳаммад қорахитойлар ёрдамида ғурийларни Хоразм чегараларидан улоқтириб ташлади ва сулҳ тузди. Фақатгина 1206 йили, Шихобиддин ўлдирилгач, ғурийлардан келадиган хавф сўнди. Ғурийлар давлати бир неча қисмга бўлиниб кетди, орадан кўп ўтмай улар Хоразм давлати таркибига киритилди.

1206 йили Бухоро халқи қорахитой гумашталарига қарши исён кўтарди. Қўзғолонга қалқон ясовчи уста Санжар бошчилик қилди. Хоразмшоҳ бундан фойдаланиб Бухорога юриш қилди ва қўзғолонни бостирди.

Аълоиддин Муҳаммад ғурийлар устидан ғалабага эришгач қорахитойларга қарши урушга тайёрлана бошлади. Бироқ биринчи тўқнашувдаёқ қорахитойлар Хуросон ва Самарқанд қўшинини ўз томонига оғдириб хоразмшоҳ қўшинини тор-мор келтирди. Шундан сўнг хоразмшоҳ бир муддат йўқолиб қолди. Фақат 1208 йил баҳорига келиб у пойтахтига қайтиб келди. Шундан сўнг хоразмшоҳ қорахитойларга қарши ҳал қилувчи жангга бутун эътибори билан тайёрлана бошлади, бу ҳолатда Қорахитойлар давлатида яшовчи мусулмонлар қўллаб-қувватловига эришишни кўзлади. Айна шу вақтда найманлар сардори Кучлук қорлуқлар билан бирлашиб қорахитойларга қақшатқич зарба берди. 1210 йил сентябрда эса Хоразм қўшини Сирдарё йқинидаги Иламиш номли жойда қорахитой қўшинини тор-мор этди. Икки томондан зарбага учраган қорахитойлар бу мулкларидан айрилишди.

Ислом оламида Аълоиддин Муҳаммад ғайридинлар устидан ғалаба қозонгани учун катта обрў орттирди. Расмий ҳужжатларда «Искандари Соний» деб номлана бошланди. Ўтмишдаги салжуқий султонлар каби «Аллоҳнинг ердаги сояси» деб улуғланди.

1212 йили Самарқандда қўзғолон кўтарилди. Исён шафқатсизлик билан бостирилди, сўнгги қорахоний ҳукмдор Усмон қатл этилди. Шундан сўнг хоразмшоҳ Самарқандни ўз қароргоҳига айлантирди. Пойтахт Гурганжда эса унинг онаси Туркон хотун амалда бутун давлатни бошқарди.

1215 йилга келганда Хоразм давлати ҳудуди бутун Хоразм, Мовароуннаҳр, Жанубий Туркманистон, Афғонистон, Эрон ва бошқа ҳудудларга ёйилганди.

1218 йили Тўрғай даштида хоразмийлар ва мўғуллар ўртасида биринчи тўқнашув бўлди. Жанг уч кун давом этди, Алоуддин Муҳаммад қўшини ўғли Жалолиддиннинг жасорати туфайлигина мағлубиятдан қутулиб қолди. Жўжи бошлиқ мўғуллар ҳам натижасиз жангдан сўнг ортларига қайтишди.

1217 йил кеч кузида хоразмшоҳ бутун ислом оламига ҳукмрон бўлиш мақсадида улкан қўшин билан Бағдодни истило қилишга шошилди. Бироқ Асадобод довонидан ўтишда унинг қўшини ҳалокатга учради. Уч кун давом этган қор бўрони ва изғирин натижасида қўшиннинг катта қисми ҳалок бўлди. Тирик қолиб адашиб юрган аскарларни эса тоғли курдлар қириб ташлади. Шундан сўнг хоразмшоҳ режасини ўзгартириб улкан қўшиндан тирик қолган кичик бўлинмаси билан Самарқандга қайтди.

Хоразмшоҳ Чингизхон бошлиқ бутпараст мўғуллардан юртини ҳимоя қилишни хоҳламай мамлакатдан қочди. 1220 йил декабрда Каспий денгизидаги Ашур оролида кафанга зор бўлиб ўлди.

**Жалолиддин Мангуберди, Алоуддин Муҳаммад ўғли (1189 – 1231) – хоразмшоҳ (1220 – 1231).** Жалолиддин 1220 йили тахтга чиқди. У мўғуллардан Гурганжни ҳимоя қилишда қўшинга бошчилик қилди. Ўзига содиқ 300 жангчини олиб Хуросонга йўл олди. Нисо минтақасида 700 кишилик мўғул бўлинмасига ҳужум қилди ва тор-мор келтирди. Шундан сўнг Жалолиддин Ғазнага йўл олди. Мурғоб дарёси яқинида унга Марвнинг собиқ ҳокими Хон Малик ва Сайфиддин бошлиқ ўғуз қўшини қўшилди. Жалолиддин Ғазнага келгач тезда 10 минг кишилик қўшин тузди. Сўнгра Қандаҳорни қамал қилаётган мўғулларга ҳужум қилди ва уларни тор-мор келтирди. Турли ҳудудларга тарқалиб кетган Хоразм қўшини ўзининг қўмондони ютуғини эшитиб унинг атрофида тўплана бошлади. Қисқа вақтда Жалолиддин Мангуберди қўл остида 70 минг киши йиғилди. Улар орасида афғонлар, ўғузлар, қипчоқлар, ғурлар, қорлуқлар ва бошқа халқ вакиллари бор эди. Унинг байроғи остида амакиваччаси Аминулмулк, саркарда Темур Малик, қорлуқлар хони Аъзам Малик ва афғонлар сардори Музаффар Малик бўлган. Чингизхон хоразмшоҳни етарли баҳолай олмади ва унга қарши 30 минг кишилик Шики Кутуху бошлиқ мўғул қўшинини жўнатди.

**Парвона жанги.** 1221 йил баҳорида Жалолиддин Валиён қишлоғи яқинида Шики Кутухунинг илғор қисмини енгди. Мўғул бўлинмаси деярли қириб ташланди, фақат бир неча кишигина қочиб қутулди. Шундан сўнг Жалолиддин мўғулларнинг асосий қўшини турган ва бир томони тоғларга туташган Парвона даштига йўналди. Жангда мўғуллар бутунлай тор-мор бўлди.

**Ҳинд дарёси бўйидаги жанг.** Парвонадаги мағлубиятдан сўнг Чингизхоннинг ўзи қўшинга қўмондонлик қилиб Жалолиддинга қарши юриш бошлади. 1221 йил 9 декабрда Ҳинд дарёси бўйида ҳал қилувчи жанг юз берди. Сон жиҳатдан анча устун бўлган мўғуллар туплабага эришди. Жалолиддин 4 минг жангчиси билан Ҳинд дарёсидан кечиб ўтишга муваффақ бўлди.

Шатранинг маҳаллий ҳукмдори Жалолиддиннинг дарёдан ўтганини билгач унга қарши 5 минг кишилик қўшин жўнатди. Мўғулларга қарши жангларда чиниққан Жалолиддин қўшини ҳиндийларни қийинчиликсиз тор-мор келтирди. Шундан сўнг хоразмшоҳ у ерда 1224 йил бошигача турди ва ўша жойдан Эронга бир неча марта юриш қилиб Ироқи Ажам ва Форсни бўйсундирди.

**Кавказолдига юриш.** 1225 йили Жалолиддин Жанубий Озарбайжонга юриш қилди. Мароғани олгач Табризга юрди ва шаҳарни қаршиликсиз эгаллади. Табриз отабеги Ганжага қочди, у ердан эса Алинжа қалъасига яширинди ва ўша ерда вафот этди. Қисқа вақтда Жалолиддинга Ганжа, Барда, Шамкир ва бошқа шаҳарлар бўйсунди. 1225 йил давомида Жалолиддин қўшини Озарбайжонни, Грузия ва Арманистоннинг бир қисмини, 1226 йили эса грузинлар пойтахти Тбилисини забт этди. Жалолиддин юриши давомида Шарқий Кавказолдидаги оқсунқурийлар сулоласи қулади, Элдегизийлар давлати эса парчаланиб кетди. Ширвоншоҳлар Жалолиддинга тобелигини эътироф этишди.

1227 йили Жалолиддин мўғулларни Рай шаҳри яқинида тор-мор келтирди. Ўша йилнинг ўзида Исфаҳонда мўғулларга қақшатқич зарба беришга эришди. Жалолиддин бу пайтда икки фронтда жанг олиб борарди: Ғарбий Эронда мўғулларга қарши, Кавказолдида грузин ва арманларга қарши.

1228 йили хоразмшоҳга қарши Кўня султони Аълоиддин Кайқубод, Миср султони Малик Комил ва Киликия шоҳи Хетум уруш бошлади. Ерван яқинида бўлган жангда Жалолиддин қўшини мағлубиятга учирди. 1230 йили Жалолиддин Ироқдаги Хилат қалъасини забт этди, бироқ орадан кўп ўтмай Кайқубод ва Малик Комилнинг бирлашган қўшинидан енгилди.

Хоразмшоҳ қўшини истило қилган ўлкаларда ўзбошимчалик билан аҳолидан катта миқдорда солиқ талаб этарди. Бунга қарши маҳаллий аҳоли исён кўтариш билан жавоб қайтарарди. Энг кучли қўзғолон 1231 йили Ганжа аҳолиси томонидан уюштирилди. Қўзғолон шафқатсиз бостирилди, исён раҳбарларидан 30 киши қатл этилди, бироқ мазкур чоралар Жалолиддиннинг обрўсига жиддий путур етказди.

Мўғуллар Аламутдаги ҳашшошийлардан Жалолиддиннинг кучсизланиб қолгани ҳақида хабар топишди. Ўша йили Чормаған бошлиқ 30 минг кишилик мўғул қўшини Жалолиддинни енгиб Жанубий Озарбайжонни қийинчиликсиз эгаллади. Мўғуллар ҳужуми кутилмаганда бўлгани учун, Жалолиддин қўшинини йиға олмади ва Ганжага чекинишга мажбур бўлди. Мўғуллар уларнинг ортидан тушиб Арронни босиб олишди. Жалолиддин Майяrfариқин тоғларига яширинди. Ўша ерда 1231 йил августда номаълум курд томонидан ўлдирилди. Энг сўнгги хоразмшоҳнинг ҳаёти шу тариқа якунланди.

### **МЎҒУЛЛАРНИНГ МОВАРОУННАҲР, ХОРАЗМ ВА ХУРОСОННИ ИСТИЛО ЭТИШИ (1219 – 1221)**

Мовароуннаҳр, Хуросон ва Хоразмга қилинган юришга шахсан Чингизхоннинг ўзи бошчилик қилди. Чингизхон 1218 йили қорахитой Кучлук давлатини тугатгач, унинг давлати чегаралари бевосита Хоразмшоҳлар давлати билан туташди. Урушнинг асосий баҳонаси 1218 йили мўғуллар савдо карвонининг Ўтрорда таланиб, 400 нафар савдогар (ёки жосус)нинг қатл этилиши эди.

1219 йил кузида Чингизхон 200 мингдан ортиқ аскар билан Ўрта Осиёга юриш бошлади. Хоразмшоҳ Аълоиддин Муҳаммад мўғулларга қарши урушда асосий кучларни жамлаб йирик жанг олиб боришдан қочди. У ўзига тобе барча шаҳар ва қалъаларга ўзларини ҳимоя қилиш ҳақида буйруқ берди. Чингизхон бундан аллақачон хабардор бўлганди, Ўтрорга етганда хоразмшоҳлар мулкани тезда босиб олиш учун қўшинини 4 қисмга ажратди. Биринчи қўшинга ўғиллари Чигатой ва Ўқтойни бошлиқ этиб тайинлади, уларга Ўтрор шаҳрини йўқ қилиш топширилди. Иккинчи қўшинга бошқа ўғли Жўжини бошлиқ этиб тайинлади, унга Сирдарё бўйидаги Сиғноқ, Ўзган, Барчинликент, Жанд, Янгикент ва бошқа шаҳарларни истило қилишни топширди. Учинчи қўшинга Олоқ нўён ва Сукету чербиларни бошлиқ

бўлиб, уларга Хўжанд ва Бинокат шаҳарларини бўйсундириш буюрилди. Тўртинчи қисм эса Чингизхоннинг ўзи бошчилигида саҳродан Бухоро томон йўлга тушди.

Чифатой ва Ўқтой бошлиқ биринчи қўшин 1219 йил сентябрь – 1220 йил март оралиғида Ўтрор шаҳрини қамал қилди. Мўғуллар шаҳарни найрон қилиб, ҳоким Қоирни асирга туширишди. У 1218 йилдаги мўғул савдогарларини ўлдиришда айблангани учун, Самарқандга – Чингизхон ҳузурига юборилди. Чингизхоннинг буйруғи билан қийнаб ўлдирилди.

1220 йил февралда Чингизхон Бухорога етиб келди ва шаҳар қамалини бошлади. Шаҳар 7 – 10 февраль кунлари қамал қилинди. 16 февраль куни ҳимоясиз қолган Бухоро аҳли мўғулларга таслим бўлди. Лекин Гўрхон бошлиқ ҳимоячилар Бухоро аркини яна 12 кун мудофаа қилиб турдилар. Мўғуллар Бухорога ўт қўйиб кулини кўкка совуришди, мингларча тинч аҳолини қирғин қилишди ва кўплаб кишиларни қулга айлантиришди.

Чингизхон Бухородаги хунрезлиги билан ном чиқаргач 1220 йил мартда Самарқандни талаш учун юриш бошлади. Бир неча кунлик жанглардан сўнг шаҳар мўғулларга таслим бўлди. Тоғайхон бошлиқ 30 минг кишилик қўшин Чингизхон хизматида ўтишга розилик билдирди, лекин тунда Тоғайхон, унинг 20 нафар саркардаси ва 30 минг кишилик қўшини аёвсиз қириб ташланди. Бухоро каби Самарқанд шаҳри ҳам ўт ичида қолди, минглаб кишилар ваҳший мўғуллар томонидан қириб ташланди, ўн минглаб кишилар эса қул қилиб ҳайдаб кетилди.

Мўғулларнинг иккинчи қўшини Сиғноқни етти кун қамал қилиб қўлга киритди, бошқа ерларда бўлгани каби, Сиғноқ аҳолиси ҳам қатли ом этилди. Самарқанд таланганидан бир ой ўтгач, 1220 йил апрелда, мўғуллар Жанд шаҳрига юриш бошлади. Жўжи бошлиқ қўшин Жандни эгаллаб, у ерда ҳам катта қирғин уюштирди.

1220 йил мартда мўғулларнинг учинчи қўшини Бинкатга ҳужум қилди, шаҳар 4 кунлик қамалдан сўнг таслим бўлди, мўғуллар одатлари бўйича бу ердаги аҳолини ҳам қириб ташлашди. Апрельда Хўжандни истило қилишга киришишди. Уч ойлик қамалдан сўнг Темурмалик бошлиқ қўшин Хўжандни ташлаб Сирдарё ўртасидаги оролга бориб жойлашди. Мўғуллар Хўжандни босиб олишган бўлсада, оролдаги аскарлар яна тўрт ой мобайнида уларга қаттиқ қаршилик кўрсатди. Мўғуллар бу аҳволда уларни енгиш имконсизлигини англаб, дарёга тўғон қуриб оролни сув билан бостиришга

ҳаракат қилишди. Тўғон мўлжалланган жойга етгач, Темурмалик аскарларини олиб оролчани тарк этишга мажбур бўлди. Мўғуллар Темурмаликни тирик тутиш мақсадида Сирдарёнинг Бинкат шаҳри рўпарасидаги жойига дарё эни бўйлаб занжир тортиб чиқишганди. Тунда йўлга чиққан Темурмаликнинг оз сонли қўшини занжир тортиб қўйилган ерга келганда занжирни узиб йўлида давом этди. Мўғулларнинг бир неча ой мобайнида қилган иши чиппака чиқди. Темурмалик Жанд шаҳрига етганда қуруқликка чиқишга мажбур бўлди. Бу ерда уни кутиб турган мўғуллар билан ҳал қилувчи жангга киришди. Мазкур жангда Темурмалик барча сафдошларидан айрилди, фақат бир неча киши билан ҳали мўғуллар қадами тегмаган Урганчга етиб олди.

Чингизхон аскарларига бир муддат дам бергач Нахшабга юриш бошлади. Шаҳар жангсиз таслим бўлди. Ёзни Нахшабда ўтказишиб, у ерда талончилик, ароқхўрлик, гиёҳвандлик ва бошқа фисқу фужур ишлар билан шуғулланишди. Кузда эса Термизга юриш бошлашди. Термиз 11 кун қаршилик кўрсатгач мўғуллар томонидан босиб олинди. Мўғуллар 1220 йили Мовароуннаҳрни тўла истило қилишди, энди Хоразмшоҳлар давлати пойтахти Урганчни вайрон қилишни кўзлашарди.

Чингизхон ўғиллари Чифатой, Ўқтой ва Жўжи бошлиқ барча кучни бирлаштириб Хоразмни босиб олиш учун ҳаракат бошлади. 1220 йил декабрда Урганчдан қочиб кетган хоразмшоҳ Аълоиддин Муҳаммад Каспий денгизидаги Ашур оролида хор-зор бўлиб ўлиб кетди. Унинг ўрнига катта ўғли Жалолиддин тахтга чиқарилганди, бошқа ўғиллари эса хазинани талон-торож қилиб гадо топмас ерларга қочиб қолишди. 1220 йил охирларида мўғуллар Урганч қамалини бошлади. 5 ой давом этган қамал ва тинимсиз жанглардан сўнг шаҳар истило қилинди. Мўғулларга қарши жангларнинг бирида 72 ёшли Шайх Нажмиддин Кубро шаҳид бўлди. Мўғуллар қонхўрликларини бу ерда ҳам исботлашди. Аҳолининг бир қисми қулга айлантирилди, Урганч эса сувга бостирилди.

Мўғуллар 1221 йил 5 февралда Марвни олишгач Ҳирот, Балх ва Ғазнага юришни режалаштирдилар. Бироқ 1221 йил ёзида Жалолиддин Мангуберди Парвона жангида Шики Кутуху бошлиқ 45 минг кишилик мўғул қўшинини тор-мор келтирди, бу мўғулларнинг шу пайтгача учраган энг катта мағлубияти эди. 1221 йил кузда Чингизхоннинг ўзи Жалолиддин ўрнашган Ғазнага юриш бошлади. 1221 йил ноябрда Ҳинд дарёси бўйида юз берган жангда сон жиҳатдан

анча устун бўлган мўғуллар ғалаба қозонди. Барибир Жалолоддинни асирга туширолмадилар, у 4 минг аскари билан Ҳинд дарёсининг нариги томонига ўтиб олишга эришди. Жалолоддин умрининг охиригача (1231) мўғулларга қарши курашди.

**Чигатой улуси (1222 – 1370).** *Пойтахти – Олмалиқ (ҳозирги Ғулжа, 1222 – 1266), Самарқанд (1266 – 1370). Давлат тили – чигатой турк тили, форс тили. Ҳудуди – 3,5 млн км<sup>2</sup> (1310 – 1350). Давлат тузуми – монархия. Улус бутун Мовароуннаҳрни, Еттисув ва Турфонгача бўлган Шарқий Туркистоннинг катта қисмини ўз ичига олганди.*

### Чигатой улуси ҳукмдорлари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Чигатой, Чингизхон ўғли	1225 – 1242
2.	Қора Хулаку, Мутугэн ўғли	1242 – 1247
3.	Есу Мункэ, Чигатой ўғли	1247 – 1252
	Қора Хулаку	1252
4.	Муборакшоҳ, Қора Хулаку ўғли	1252 – 1261
5.	Олғу, Байдар Баатор ўғлон ўғли	1261 – 1266
	Муборакшоҳ	1266
6.	Бароқ, Есун Тува ўғли	1266 – 1271
7.	Негубек, Ишарбан ўғлон ўғли	1271 – 1272
8.	Буғо Темур, Кадан Сэчэн ўғлон ўғли	1272 – 1291
9.	Йису Дува, Мэнгэту ўғлон ўғли	1291 – 1306
10.	Кунчек, Йису Дува ўғли	1306 – 1308
11.	Толику, Бўри ўғлон ўғли	1308 – 1309
12.	Кепек, Йису Дува ўғли	1309
13.	Йису Буғо, Йису Дува ўғли	1309 – 1318
	Кепек	1318 – 1326
14.	Элжигидай, Йису Дува ўғли	1326
15.	Дува Темур, Бароқ ўғли	1326
16.	Тармаширин, Йису Дува ўғли	1326 – 1334
17.	Чангши, Эбугэн ўғлон ўғли	1334
18.	Бузан, Торе Темур ўғлон ўғли	1334 – 1338
19.	Йису Темур, Эбугэн ўғлон ўғли	1338 – 1342



20.	Муҳаммад, Пўлод ўғлон ўғли	1342 – 1343
21.	Қозон, Ясовур ўғлон ўғли	1343 – 1346
22.	Донишмандчи ўғлон	1346 – 1348
23.	Саянқули	1348 – 1359
24.	Шоҳ Темур	1359
25.	Туғлуқ Темур, Йису Буғо ўғли	1359 – 1362
26.	Илёсхўжа, Туғлуқ Темур ўғли	1362 – 1370

## Мовароуннаҳрдаги Чиғатой улуси ноиблари

### I. Амирлар

1. Маҳмуд Ялавоч (1225 – 1238).
2. Масъуд Ялавоч (1238 – 1289).
3. Қозоғон (1346 – 1358).
4. Хусайн, Қозоғон невараси (1364 – 1370).

### II. Хонлар

1. Баёнқули, Сурғу ўғлон ўғли (1348 – 1359).
2. Темуршоҳ, Ёсур Тэмур ўғлон ўғли (1359).
3. Туғлуқ Темур, Есу Буғо ўғли (1359 – 1362).
4. Илёсхўжа, Туғлуқ Темур ўғли (1362 – 1370).

### III. Амир Темур ўрнатган қўғирчоқ хонлар

1. Суюрғатмиш, Қозон ўғли (1370 – 1388).
2. Маҳмуд, Суюрғатмиш ўғли (1388 – 1398).
3. Сотуқ (1398 – 1405).

**Мўғуллар истилосидан кейинги Мовароуннаҳрдаги аҳвол.** Маҳмуд Торобий қўзғолони. Чингизхон вафотидан олдинроқ умри давомида истило қилган ҳудудларни ўғиллари ўртасида тақсимлаб берганди. Жумладан, Мовароуннаҳр, Шарқий Туркистон ва Еттисув Чиғатойга тегди. Чиғатой Чингизхон вафотидан сўнг (1227) ўзига теккан улусни мустақил бошқара бошлади. Мовароуннаҳрга Чингизхоннинг содиқ малайи ва жосуси Маҳмуд Ялавоч номли хоразмлик судхўр ноиб этиб тайинланди.

Мўғуллар юришидан энг катта зарарни айнан Мовароуннахр кўрганди. Қанчадан-қанча шаҳарлар вайрона ҳолида ётар, аҳолининг катта қисми қириб ташланган, бошқа қисми чет давлатларга қочиб кетган, яна бир қисми мўғуллар томонидан ҳайдаб кетилганди. Мўғуллар бутпараст бўлишгани учун бир вақтнинг ўзида исломга ҳам қарши кураш олиб боришган. Улар Мовароуннахрда анъанавий бошқарув ўрнига Чингизхоннинг «Ясоқ» китоби ҳамда хитойликлар ва уйғурлардан ўзлаштирилган давлат бошқарувини жорий қилишди. Мусулмонларнинг жамоат жойларида тўпланиши қатъий тақиқланди, мўғуллар аҳолини аскарликка мажбурлаб ола бошлашди ва бошқа мусулмон ўлкаларга қарши урушларга сафарбар этишди. Мўғулларга қарши чиққанлар аямай ўлдирилди. Истилодан сўнг ўлдирилганлар сони уруш давомида қирғин қилинган кишилар сонидан кам бўлмади. Аҳоли нуфусини кўпайтириш мақсадида мўғуллар нисбатан кам зарар кўрган Шарқий Туркистон ва Еттисувдан, шунингдек, Мўғулистоннинг ўзидан аҳолини кўчириб келтирдилар. Улар кейинчалик маҳаллий аҳоли таркибига сингиб кетди.

Солиқ йиғиштиришда ҳам хоразмшоҳлар, сомонийлар, қорахонийлар давридагидан фарқли равишда «Ясоқ» бўйича иш юритилди.

Албатта, зулм ва истибдод узоқ давом этиши мумкин эмасди, мўғулларга қарши маҳаллий аҳоли бир неча марта исён кўтарди, мўғул маъмурияти вакилларига қарши суиқасдлар уюштирди ва кўпоровчилик ишлари олиб борди. Мўғулларнинг жавоби ҳам шунга яраша кескин бўлди. Энг йирик қўзғолон 1238 йили Бухоро воҳасида юз берди. Бухородан 3 фарсах узоқликдаги Тороб қишлоғида (Зарафшон дарёси бўйида) мўғуллар зулмига қарши халқ ҳаракати бошланди. Мазкур қўзғолонга Маҳмуд исмли ғалвир ясовчи уста бошчилик қилди. Маҳмуд ўз атрофига юртдошларини йиға бошлади. У бир куни атрофига тўпланганларга ўта таъсирли нутқ сўзлади: «Эй аҳли мусулмон! Қачонгача бутпараст мушриклардан азият чекамиз? Биз юртимизни Аллоҳдан қўрқмайдиган кофирлардан тозалашимиз керак! Ҳар ким калтак биланми, қилич-ёй биланми қуроллансин! Биз қўлимиздан келганча муқаддас ватанимизни Аллоҳдан қўрқмайдиган бутпарастлардан тозалаймиз!». Унинг атрофида кўплаб ватанпарварлар тўпланди. Мўғул маъмурлари Маҳмудни ўлдиртириб юбориш ва қўзғолоннинг олдини олишга ҳаракат қилишди. Лекин уларнинг Маҳмуд Торобий-

ни тутиш учун қилган барча уринишлари муваффақиятсиз чиқди. Улар Хўжандда ўтирган ноиб Маҳмуд Ялавочдан ёрдам сўрашди. Маҳмуд Торобий бошлиқ кўзғолончилар эса Торобдан Бухоро сари йўлга тушди. Кўзғолончилар сафига ақоид олими Шамсиддин Маҳбубий ва Бухоро аҳолиси ҳам қўшилди. Маҳмуд Торобий ва Шамсиддин Маҳбубий, Хўжанддан Маҳмуд Ялавоч юборган қўшин етиб келмасидан олдин, исён кўтаришга қарор қилишди. Маҳмуд Торобий барча тарафдорларига чақириқ йўллаб мўғулларга қарши уруш бошланганини маълум қилди. У Бухоро шаҳридаги ҳоким қароргоҳини эгаллаб, барча зодагонларни йиғди ва ўзини ҳукмдор деб тан олишга мажбур этди. Шамсиддин Маҳбубий эса Бухоро садри деб эълон қилинди. Маҳмуд Торобий Бухорода ҳукмронлигини ўрнатгач бир қанча ватан хоинларини аёвсиз жазолади. Ўзларининг ҳам омон қолмаслигини англаган бошқа хоинлар Бухородан қочиб кетишди ва Карманада ўрнашишди. Улар маҳаллий мўғул ноиблари ва мўғул қўшини ёрдамида Бухорога юриш қилди. Маҳмуд Торобий эса уларга қарши қўшин билан чиқди. Ўртада содир бўлган шиддатли жангда мўғуллар ва уларнинг малайлари янчиб ташланди. Лекин тўқнашувда Маҳмуд Торобий ва Шамсиддин Маҳбубий ҳам шаҳид кетди. Кўзғолон раҳбари этиб Маҳмуднинг укалари Муҳаммад ва Али сайланди. Орадан бир ҳафта ҳам ўтмай Элдуз нўён ва Чаған кўрчи бошлиқ мўғул қўшини етиб келди ва Бухорога ҳужум қилди. Жангда Муҳаммад ва Али бошлиқ кўплаб кўзғолончилар шаҳид бўлишди. Мўғулларнинг қўли баланд келди. Бухоро зодагонлари номаълум сабабларга кўра кўзғолонда қатнашишмаганди ва улар мўғуллар олдида тиз чўкиб шаҳарни вайрон этмасликларини ўтинишди.

Бу кўзғолон изсиз кетмади, мўғуллар энди маҳаллий аҳоли билан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш лозимлигини англашди ва солиқ йиғиштиришни тартибга солишга мажбур бўлишди. Кўзғолонларни бостиришда сусткашлик қилгани учун Маҳмуд Ялавоч лавозимидан олиб ташланиб, Пекинга жўнатиб юборилди (1254 йилгача Пекин ноибни бўлган), унинг ўрнига ўғли Масъуд ноиб (1238 – 1289) этиб тайинланди.

Масъуд отаси каби судхўр эди, у солиқларни ўз ҳисобидан хоқонларга тўлар, сўнг аҳолидан устама фоиз эвазига тўлатиб оларди.

Тулунинг ўғли Мункэ даврида (1251 – 1259) Чигатой улуси қисқа вақтга тугатилди. Бу улусни Боту (Мовароуннаҳрни) ва Мункэ (Сирдарёгача бўлган ҳудудларни) бўлиб олди. Лекин Чигатойнинг не-

вараси Олғу (1261 – 1266) Олтин Ўрдага қарши курашиб Чигатой улусини тиклади.

1272 йили Хулаку бошлиқ мўғуллар Мовароуннаҳрга ҳужум қилиб Кеш ва Нахшаб шаҳарларини талон-торож этишди. 1273 йил январда эса улар Бухорога бостириб киришди ва шаҳарни вайрон қилиб, аҳолини тигдан ўтказишди. Бухоро мудофааси учун ёрдамга келган Чулай ва Қапан бошлиқ чигатойзодалар қўлидаги 10 минг кишилиқ мўғул қўшини босқинчиларга қўшилиб қирғинни охирига етказди. Шундай қилиб, Бухоро 7 йил (1273 – 1280) давомида кимсасиз хувиллаб ётди.

Мовароуннаҳр XIV аср бошларига келиб ўзини ўнглай бошлади. Көпек даврида пул ислоҳоти ўтказилди. У икки хил кумуш танга: йирик – динор ва майда – дирҳамларни зарб эттирди. Динор 2 мисқолга, дирҳам эса мисқолнинг 1/3 га тенг эди. Айни шу даврда мўғулларнинг турклашиши, ўтроқлашиши ва исломга кириш ҳоллари бутун мамлакат бўйлаб кузатилди.

1346 йили Чигатой улуси иккига бўлиниб кетди: Шарқий Туркистонда Мўғулистон давлати вужудга келди. Еттисувлик мўғуллар мовароуннаҳрлик мўғулларни ўта ёмон кўришар ва уларни «қораунас» (дурагай, чатишганлар) деб ҳақорат қилишарди. Мовароуннаҳрлик мўғуллар эса еттисувлик мўғулларни «жета» (қароқчилар, текинхўрлар) деб аташарди.

**Олтин Ўрда улуси (1224 – 1481).** *Пойтахти – Ўрда бозор (1224 – 1254), Сарой Боту (1254 – 1283), Сарой Берка (1283 – 1481, ҳозирги Волгоград вилояти, Россия). Ҳудуди – 6 млн км<sup>2</sup> (1310). Давлат тузуми – монархия. Давлат тили – туркий тил.*

Чингизхоннинг ўғли Жўжига тегишли ҳудудларда Олтин Ўрда улуси ташкил топди. Жўжига Хоразм ва Дашти Қипчоқ төкканди. Жўжининг ўғли Боту Рус князликларини тор-мор келтириб, уларни ўлпон тўлашга мажбур қилди. 1312 йили Олтин Ўрда хони Ўзбек (1312 – 1342) ислом динини давлат дини деб эълон қилди. Олтин Ўрда Тўхтамиш даврида бироз кучайди. Лекин Тўхтамиш ўзидан кучли бўлган Амир Темурга қарши курашиб тахтидан маҳрум бўлди. Шундан сўнг Олтин Ўрда улуси элифлашиб қолди. 1502 йили Қрим хони Менгли Гирей бир неча бўлақларга бўлиниб кетган Олтин Ўрда улуси ҳудудини қўшиб олди.

### Жўжи улуси ҳукмдорлари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Жўжи	1224 – 1227
2.	Боту	1227 – 1255
3.	Сартак	1255 – 1256
4.	Улоқчи	1256 – 1257
5.	Берка	1257 – 1266
6.	Мункэ Темур	1266 – 1269

### Олтин Ўрда хонлари

т/р	хонлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Мункэ Темур	1269 – 1282
2.	Тўда Мангу	1282 – 1287
3.	Тўла Буғо	1287 – 1291
4.	Тўқтугу	1291 – 1312
5.	Ўзбек	1312 – 1342
6.	Тинибек	1342
7.	Жонибек	1342 – 1357

### Бошбошдоқлик даври (1357 – 1380).

8.	Бердибек	1357 – 1359
9.	Кулпа	1359 – 1360
10.	Наврўзбек	1360 – 1361
11.	Маҳмуд Хизр	1361
12.	Темурхожа	1361
13.	Ўрда Малик	1361
14.	Келдибек	1361
15.	Бозорчи	1361
16.	Маҳмуд Хизр	1361 – 1363
17.	Мурод	1363
18.	Қаир Болат	1363
19.	Абдуллоҳ	1363 – 1364
20.	Пўлод	1364 – 1365
21.	Азиз Шайх	1365 – 1367
22.	Жонибек	1367
23.	Абдуллоҳ	1367 – 1369

24.	Ҳасан	1369 – 1370
25.	Булоқ	1370 – 1372
26.	Урус	1372 – 1375
27.	Черкас	1375
28.	Қағанбек	1375
29.	Тўхтамиш	1375 – 1377
30.	Арабшоҳ	1377 – 1380

### Олтин Ўрда хонлари

т/р	хонлар	ҳукмронлик йиллари
31.	Тўхтамиш	1380 – 1395
32.	Темур Қутлуғ	1395 – 1399
33.	Шодибек	1399 – 1407
34.	Пўлод	1409 – 1411
35.	Темур	1411 – 1412
36.	Жалолиддин	1412 – 1413
37.	Каримберди	1413
38.	Кепек	1413
39.	Чокре	1413 – 1416
40.	Қодирберди	1416
41.	Дербес	1416 – 1419
42.	Қодирберди	1419
43.	Кажид Муҳаммад	1419
44.	Улуғ Муҳаммад	1419 – 1421
45.	Берди	1421 – 1422
46.	Қудайдат (Худойдод)	1422
47.	Бароқ	1422 – 1423
48.	Қудайдат	1423 – 1424
49.	Улуғ Муҳаммад	1424 – 1428
50.	Кичик Муҳаммад	1428
51.	Улуғ Муҳаммад	1428 – 1432
52.	Кичик Муҳаммад	1432 – 1459
53.	Маҳмуд	1459 – 1465
54.	Аҳмад	1465 – 1481

**Сигноқ хонлиги (1340 – 1446)** – Сирдарёнинг ўрта оқимидаги қозоқлар давлати. Олтин Ўрда хони Ўзбек Тинибекни Сигноқ хони

этиб тайинлаганди. Тинибек вафотидан сўнг Олтин Ўрда хони Жонибек қиёт уруғидан бўлган Тениз Буғони Сиғноқ амирлигига тайинлади. 1361 йили Тениз Буғо Олтин Ўрда хони Бердибек ўлимидан фойдаланиб ўз давлатини мустақил қилишга уриниб кўрди, бироқ туготемурийларга мансуб Қарай Нўғай бошлиқ фитначилар томонидан ўлдириб юборилди. Кўчманчи зодагонлар қурултойда Қарай Нўғайни хон деб тан олишди.

Сиғноқ хонлиги Абулхайр томонидан тугатилган.

### Сиғноқ хонлиги ҳукмдорлари

т/р	хонлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Тинибек	1340 – 1342
2.	Тениз Буғо*	1342 – 1361
3.	Қарай Нўғай	1361 – 1364
4.	Тўғли Темур	1364 – 1368
5.	Урус	1368 – 1374
6.	Тўхтамиш	1374 – 1375
	Урус	1375 – 1376
	Тўхтамиш*	1376 – 1395
7.	Бароқ	1422 – 1428
8.	Аҳмад	1428 – 1444

### АРАБИСТОН ЯРИМОРОЛИ

**Мукрабийлар (1000 – 1040).** Бувайҳийлар вассали сифатида Уммоннинг соҳилбўйи ҳудудларида ҳукмронлик қилган ҳукмдорлар сулоласи. Сулола асосчиси Абу Муҳаммад I Ҳусайн ибн Мукрам бўлиб, у бувайҳийларнинг Форсдаги амири сифатида фаолият юритган. 1042 йилги тўнтариш оқибатида бу минтақада бувайҳийларнинг бевосита ҳукмронлиги ўрнатилди.

\* Тениз Буғо амир бўлган.

\* Тўхтамиш 1395 йили Амир Темурдан енгилгач, хонлик 1422 йилгача Темурийлар давлати таркибида бўлган.

## Мукрабийлар сулоласига мансуб ҳукмдорлар

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Абу Муҳаммад I Ҳусайн ибн Мукрам	1000/1004 – 1024
2.	Али ибн Ҳусайн	1024 – 1037
3.	Абулжайш ибн Али	1037 – 1040
4.	Абу Муҳаммад II ибн Али	1040 – 1042

1042 йилдан бувайҳийларнинг бевосита бошқаруви.

**Нажоҳийлар (1022 – 1158)** – Яманда ҳукмронлик қилган сулола. Ҳабашистонлик озод қилинган қул-ғуломлардан келиб чиққан. Сулола асосчиси – Нажоҳ (1022 – 1060). Зиёдийлар таназзулга учраган пайтда, у Забидда мустақкам ўрнашиб олди. Ҳудуд таллашиб сулайҳийлар билан уруш олиб борган. Фатик II ибн Мансур (1124–1137) даврига келиб Яманда маҳдийлар ҳаракати бош кўтарди. Тахминан 1150 йили улар нажоҳийларга қарши кўзғолон кўтаришди ва орадан кўп ўтмай уларнинг пойтахтини эгаллаб олишди.

## Нажоҳий ҳукмдорлар

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Нажоҳ, Муайяд Носириддин	1022 – 1060

1060 – 1081 йилларда Забидни сулайҳийлар эгаллаб туришган.

2.	Саид ибн Нажоҳ	1081 – 1083
----	----------------	-------------

1083 – 1086 йилларда сулайҳийлар Забидни қайтадан истило қилишди.

3.	Саид ибн Нажоҳ	1086 – 1089
4.	Жайёш ибн Нажоҳ	1089 – 1107
5.	Фатик I ибн Жайёш	1107 – 1109
6.	Мансур ибн Фатик I	1109 – 1124



7.	Фатик II ибн Мансур	1124 – 1137
8.	Фатик III ибн Муҳаммад	1137 – 1158

1158 йили Фатик III зайдийлар томонидан тахтдан ағдарилди ва Забид шаҳрини 1159 йили маҳдийлар эгаллаб олишди.

**Сулайҳийлар (1047 – 1138)** – фотимийларга вассал эканлигини эътироф этган Ямандаги сулола. Сулола асосчиси – фотимий ҳукмдор Мустансир (1036 – 1094)дан «ижозат» олган Ямандаги исмоилийларнинг даъватчиси Али ибн Муҳаммад Сулайҳий (1047–1067). Сулайҳийлар 1037 йили Масарда ўзларини мустақил деб эълон қилишган. Сулайҳийлар ҳудудий даъволар бўйича Тихомада ҳукмронлик қилаётган нажоҳийлар билан кураш олиб боришган, зайдийлардан Санъо шаҳрини тортиб олишган ва Ҳижозга ҳужум қилишган. Сулоланинг сўнги ҳукмдори Арва бинт Аҳмад (1099 – 1138) вафотидан сўнг Адан айюбийлар томонидан 1175 йили ағдарилган зурайдийларга ўтди. Сулайҳийларнинг алоҳида гуруҳлари Ямандаги айрим қалъаларни XII аср охиригача бошқаришган.

### Сулайҳийлар сулоласига мансуб ҳукмдорлар

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Али ибн Муҳаммад	1047 – 1067
2.	Аҳмад ибн Али	1067 – 1086
3.	Али ибн Аҳмад	1086 – 1091
4.	Сабаъ ибн Аҳмад	1091 – 1099
5.	Саййида Арва бинт Аҳмад	1099 – 1138

1138 йили Адандаги ҳокимият зурайийларга ўтди.

**Зурайийлар (1080 – 1175)** – пойтахти Адан бўлган Жанубий Ямандаги сулола. Улар дастлаб сулайҳийларнинг вассали бўлишган. Сулайҳийларнинг заифлашганидан фойдаланган ҳолда уларнинг ерларини эгаллаб Арабистон жанубида исмоилийларнинг асосий таянчи бўлиб хизмат қилишди. Фотимий ҳукмдорлар зурайийларни ушбу минтақада ўзларининг ворислари этиб тайи-

ипашди. 1175 йили Аданни ишғол қилган айюбийлар Исмоилийлар давлатининг Ямандаги ҳукмронлигига нуқта қўйди ва ўз ҳукмронлигини ўрнатди.

## Зурайийлар сулоласи ҳукмдорлари

### 1. Сулайҳийларнинг вассаллари

1. Аббос ибн Мукаррам (Макрам ёки Карам, 1080 – 1084).
2. Масъуд ибн Мукаррам ва Зурай ибн Аббос (1084 – 1110).
3. Масъуд ва Зурай ўғиллари ўртасида кураш даври (1110 – 1138).  
Абу Суъуд ибн Зурайя ва Абу Фарат ибн Масъуд, Сабаъ ибн Абусуъуд ва Муҳаммад ибн Абу Фарат, кейин Али ибн Муҳаммаднинг ҳукмронлик йиллари аниқланмаган.

### 2. Мустақил ҳукмдорлар

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Сабаъ ибн Абу Суъуд	1138 – 1139
2.	Али ибн Сабаъ	1139 – 1140
3.	Муҳаммад ибн Сабаъ	1140
4.	Имрон ибн Муҳаммад	1140 – 1153

1166 йили ҳабаший вазирлар бошқаруви, жумладан, Жавҳар Муъаззам Имроннинг мурғак ўғиллари номидан ҳукмронлик қилиши.

1175 йили айюбийлар Аданни олиб Зурайийлар давлатини тугатишди.

**Ҳамдонийлар (1099 – 1174)** – пойтахти Санъо бўлган Шимолий Яманда ҳукмронлик қилган сулола. Сулола асосчи – сулайҳийлардан Санъони тортиб олган Хотим ибн Ҳошим Ҳамдоний (1099 – 1109). Ҳамдонийлар фотимийларга вассал эканлигини эътироф этишган. Зайдийлар ва маҳдийларга қарши кураш олиб боришган. Бироқ 1174 йили, Санъонинг айюбийлар томонидан эгалланишидан сўнг, сулола ҳукмронлиги тугади.

## Ҳамдонийлар сулоласи ҳукмдорлари

### 1. Бану хотимнинг биринчи шахобчаси

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Хотим ибн Ҳошим Ҳамдоний	1099 – 1109
2.	Абдуллоҳ ибн Хотим	1109 – 1111
3.	Маън ибн Хотим	1111 – 1116

### 2. Бану кубайб шахобчаси

4.	Ҳишом ибн Кубайб	1116 – 1124
5.	Хумас ибн Кубайб	1124 – 1132
6.	Хотим ибн Хумас	1132 – 1139

### 3. Бану хотимнинг иккинчи шахобчаси

7.	Хотим ибн Аҳмад	1139 – 1161
8.	Али ибн Хотим	1161 – 1174

1174 йили айюбийлар Санъони эгаллашди.

**Маҳдийлар давлати (1159 – 1173).** *Пойтахти – Забид (Яман). Маҳдийлар давлати Нажоҳийлар давлати ўрнида ташкил топган. Сулола асосчиси – Тихомада доийлик қилган Али ибн Маҳдий Руайний Химёрий (1137 – 1159). 1150 йили унинг тарафдорлари кучсизланиб қолган нажоҳийларнинг мулкларини эгаллай бошлашди, натижада деярли бутун мамлакат қўлга киритилди. Али ибн Маҳдийнинг воришлари Маҳдийлар давлати ҳудудини мунтазам кенгайтириб боришди ҳамда ўз давлатларига Тихомадан Жанад ва Тауз шаҳарларигача бўлган Ғарбий Яманни қўшиб олишди. Жанубга юриш чоғида зурайийлар ва ҳамдонийлар билан тўқнашишди. Орадан кўп ўтмай Яманга Салоҳиддин Айюбийнинг укаси Шамсиддин Туроншоҳ бошлиқ Миср қўшини кирди ва 1174 йили Забидни олди.*

### Маҳдийлар давлати ҳукмдорлари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Али ибн Маҳдий	1137 – 1159

2.	Маҳдий ибн Али ва Абдуннабий ибн Али	1159 – 1163
3.	Абдуннабий ибн Али	1163 – 1174

## ШИМОЛИЙ АФРИКА, МИСР ВА СУРИЯ

**Фотимийлар давлати (909 – 1171).** *Пойтахти – Маҳдийя (909 – 969), Қоҳира (969 – 1171). Худуди – 5,1 млн км<sup>2</sup> (969). Давлат тузуми – монархия. Давлат тили – араб тили. Маркази Қоҳирада (972 йилдан) бўлган араб давлати. Бу давлат ўзининг энг қудратли даврида Миср, Мағриб, Фаластин ва Сурия ҳудудларини назорат қилган. Аббосийлар давлатидан ажралиб чиққан.*

**Сулоланинг келиб чиқиши.** Фотимийлар ўзларини Али ибн Абу Толиб ва у кишининг хотини Фотима авлодлари деб даъво қилганлар. Уларга мухалиф бўлганлар мазкур даъвони рад этишади ва уларни убайдийлар деб номлашади. Фотимийлар шиапараст гуруҳлар бўлиб, тахтга Али авлодларигина ҳақли деган даъвони илгари сурганлар. Улар шиаликнинг исмоилийлар гуруҳи манфаатини кўзлаб қаракат қилишарди. X аср бошларида Африка (ҳозирги Тунис) ҳудудида рўй берган тартибсизликлардан фойдаланган Абу Абдуллоҳ ҳамда ўзини Али ва Фотима авлоди дея даъво қилган Убайдуллоҳ бошлиқ кишилар исён кўтаришди. 909 йили исёнчилар Қайрувон шаҳрини босиб олишди, ўша ерда Убайдуллоҳ Маҳдий номи билан тахтга ўтирди.

Убайдийлар тахтга чиқибок Мисрни аббосийлардан тортиб олишга ҳаракат бошлашди. 914 йилги юришда Искандарияни эгалашди, лекин орадан кўп ўтмай Муқтадир жўнатган қўшиндан енгилишди. 919 йили янги юриш бошланди. Бу сафар Убайдуллоҳ флоти Розетт иқинида чўктириб юборилди, курукликдаги қўшин эса Искандарияда 920 йили аббосийлар қўшини томонидан тор-мор келтирилди. 936 йилги юриш ҳам натижасиз тугади.

Мисрни Маъад ибн Исмоил эгаллашга эришди. У кучли қўшин тузганди. Флот ҳам урушга шай ҳолга келтирилди. Мисрлик шиаларни ўз тарафига оғдириш учун у ерга тарғиботчилар жўнатди.

969 йили Жавҳар бошлиқ қўшин Мисрга бостириб кирди. Гиза жангида ғалаба қозониб Фустат (Қоҳира)ни эгаллади. Шаҳарни мамлакат пойтахтига айлантирди. 972 йили Маъад Қоҳирага келди. Шундай қилиб, Миср Фотимийлар давлати таркибига кирди. 996 –

1021 йилларда давлатни Мансур ибн Низор бошқарди. У бир қатор қонунлар чиқарди. Уларга кўра, мусулмонларнинг қул сақлаши тақиқланди, лекин яҳудийлар ва христианларга бу тақиқ жорий этилмади. Шунингдек, биттадан кўп хотин олиш бекор қилинди. Фақат фавқулодда ҳоллардагина тўрттагача хотин олишга рухсат берилди. Яна шиалик ва суннийлик қонунчилигининг тенг кучдалиги ҳақида фармон чиқарди.

Дарозий номли киши Мансурнинг энг яқин маслаҳатчиси эди. У асли бухоролик бўлиб, касби тикувчи эди. Лекин Қоҳирага келгач, Ҳоким Мансур даврида фотимийлар саройига ишга олинди. Фотимийлар махсус хизмати жосуси ва сулоланинг фаол тарғиботчисига айланди. Фотимийлар давлати маъмурияти асосини христианларнинг турли хил секталарига мансуб кишилар ва яҳудийлар ташкил этарди. Улар Шимолий Африканинг нисбатан қоқоқ минтақаларидан жалб қилинганди. Мамлакат ҳудудидаги православлар, қибтийлар, несторианлар, католиклар, арманлар ва эфиоплар ўртасидаги мутаносиблик таъминланган. Ҳоким Мансур даврига келиб православлар кучлироқ мавқега эга бўлишди.

Дарозий биринчи босқичда Ҳокимни қўллаб анъанавий христианларга қарши ҳаракат қилди, муҳолиф христиан секталари ва яҳудий жамоалари тарафини олди. Лекин орадан кўп ўтмай христианлар устунликка эришиб Дарозийни ҳалокатга учратишди. Друзлар айнан Дарозий номи билан боғлиқдир. 1021 йили Ҳоким Мансур йўқолиб қолди. Ливан тоғларида яшовчи друзлар орасида Ҳоким яқинда осмондан тушиши ҳақида ғоялар тарқалди.

### Фотимийлар давлати ҳукмдорлари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Убайдуллоҳ, Ал-Маҳдий Саид	909 – 934
2.	Қоим	934 – 946
3.	Мансур, Исмоил ибн Муҳаммад	946 – 953
4.	Муъиз, Маъад ибн Исмоил	953 – 975
5.	Азиз, Низор ибн Маъад	975 – 996
6.	Ҳоким, Мансур ибн Низор	996 – 1021
7.	Зоҳир, Али ибн Мансур	1021 – 1036

8.	Мустансир, Маъадд ибн Али	1036 – 1094
9.	Мустаълий, Аҳмад ибн Маъадд	1094 – 1101
10.	Омир, Мансур ибн Аҳмад	1101 – 1130
11.	Ҳофиз, Абдулмажид ибн Муҳаммад	1130 – 1149
12.	Зофир, Исмоил ибн Абдулмажид	1149 – 1154
13.	Фойиз, Исо ибн Исмоил	1154 – 1160
14.	Одид, Абдуллоҳ Ибн Юсуф ибн Абдулмажид	1160 – 1171

**Марвонийлар (990 – 1096)** – Сурия шимолида ва Анатолия жанубида ҳукмронлик қилган курдлар сулоласи.

983 йили Адудуддавла Бувайҳий вафотидан сўнг Бувайҳийлар давлати таназзули бошланди. Диёрбакр ва Малазгирда ўрнашган марвон қабиласи қулай вазиятдан фойдаланиб Абу Али Ҳусайн бошчилигида янги давлат тузди. Қўшни давлатлар билан тўхтовсиз урушлар марвонийларни фотимийлар ҳимоясига ўтишга мажбур қилди. Давлат Абу Наср ва Аҳмад ҳукмронлиги даврида анча кучайди. Марвонийлар 1041 йили ўғузларни Диёрбакрдан қувиб чиқаришди. Давлат 1061 йилдан заифлаша бошлади. Салжуқийлар марвонийларни 1084 йили Диёрбакрдан сургун қилдилар. 1096 йили марвонийлар сулоласининг сўнгги вакили ҳукмронлиги тугади.

### Марвонийлар сулоласи ҳукмдорлари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Абу Али Ҳусайн ибн Марвон	990 – 998
2.	Абу Мансур ибн Марвон	998 – 1012
3.	Абу Наср Аҳмад ибн Марвон	1012 – 1061
4.	Наср ибн Аҳмад	1061 – 1083
5.	Мансур ибн Наср	1083 – 1096

**Уқайлийлар (996 – 1095)** – Уқайл ибн Каъб ибн Омир ибн Саъд ад-Дноний бошлиқ араб сулоласи. Сулола Жазира, Ироқ ва Шимолий Сурияда ҳукмронлик қилган. Салжуқий султон Тутуш 1096 йили сулола ҳукмронлигига барҳам берди.

## Уқайлийлар сулоласига мансуб ҳукмдорлар

### 1. Жазира, Нисибин ва Балад ҳукмдорлари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Жаноҳуддавла Али	996 – 1000
2.	Синонуддавла Ҳасан	1000 – 1003
3.	Нуруддавла Мусъаб	1003

### 2. Мосул (1003 йилдан Жазира, Нисибин ва Балад) ҳукмдорлари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Ҳусомуддавла Муқаллад	996 – 1001
2.	Муътаמידуддавла Қирвош	1001 – 1050
3.	Заъиймуддавла Барака	1050 – 1052
4.	Аъламиддин Қурайш	1052 – 1061
5.	Шафаруддавла Муслим	1061 – 1085
6.	Иброҳим	1085 – 1093
7.	Али	1093 – 1096

**Мирдосийлар давлати (1023 – 1079)** – Ҳалаб, Раққа, Ҳимс, Сайда, Баъалбак ва Триполида ҳукмронлик қилган араб сулоласи. Мирдосийлар арабларнинг килоб қабиласига мансуб эди.

### Мирдосийлар сулоласига мансуб ҳукмдорлар

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Солиҳ ибн Мирдос	1023 – 1029
2.	Наср ибн Солиҳ	1029 – 1038

1038 – 1042 йилларда фотимийлар Ҳалаб ва Шимолий Сурияни босиб олишган.

3.	Симол ибн Солиҳ	1042 – 1057
----	-----------------	-------------

1057 – 1060 йилларда фотимийлар Ҳалаб ва Шимолий Сурияни қўлдан истило қилишган.

4.	Маҳмуд ибн Наср	1060 – 1061
	Симол ибн Солиҳ	1061 – 1062
5.	Атийя ибн Солиҳ	1062 – 1065
	Маҳмуд ибн Наср	1065 – 1075
6.	Наср ибн Маҳмуд	1075 – 1076
7.	Собиқ ибн Маҳмуд	1076 – 1079

**Низорийлар (1100 – 1273) – Ғарбий Сурия тоғларида ҳукмронлик қилган ҳашшошийларга мансуб гуруҳ.**

**Ғарбий Суриядаги ҳашшошийларнинг «Даъват ул-жадийда» (Янги чақириқ) фирқаси раҳнамолари**

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Ҳаким Мунажжим	1100 – 1103
2.	Абу Тоҳир Соиф	1103 – 1113
3.	Баҳром	1013 – 1028
4.	Исмоил Аъжамий	1128 – 1130
5.	Абул Фатҳ	1130 – ?
6.	Абу Муҳаммад	?
7.	Хожа Али ибн Масъуд	?
8.	Синон ибн Салмон Басрий	1162 – 1193
9.	Абу Мансур ибн Муҳаммад	1193 – 1223
10.	Ҳасан ибн Масъуд, Музаффар ибн Ҳусайн, Абул Футуҳ ибн Муҳаммад, Абул Маъолий (биргаликда)	1223 – 1258
11.	Исмоил ибн Шаъроний	1262 – 1271
12.	Шамсиддин ибн Нажмиддин	1271 – 1273

1273 йили Миср султони Байбарс Низорийлар давлатини тугатди.



**Айюбийлар давлати (1169 – 1250). Ҳудуди – 2,7 млн км<sup>2</sup> (1190).**  
 Давлат тузуми – монархия. Давлат тили – араб тили.

### Айюбийлар давлати ҳукмдорлари

#### 1. Мисрда

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Асадиддин	1169 – 1171
2.	Салоҳиддин	1171 – 1193
3.	Азиз Усмон	1193 – 1198
4.	Мансур Муҳаммад	1198 – 1200
5.	Одил I	1200 – 1218
6.	Комил	1218 – 1238
7.	Одил II	1238 – 1240
8.	Солиҳ Айюб	1240 – 1249
9.	Муаззам Туроншоҳ	1249 – 1250
10.	Ашраф II	1250 – 1252

#### 2. Дамашқда

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Салоҳиддин	1174 – 1186
2.	Афзал ибн Салоҳиддин	1186 – 1196
3.	Одил I	1196 – 1218
4.	Муаззам	1218 – 1227
5.	Носир Довуд	1227 – 1229
6.	Ашраф	1229 – 1237
7.	Солиҳ Исмоил	1237 – 1238
8.	Комил	1238
9.	Одил II	1238 – 1239
10.	Солиҳ Айюб	1239
	Солиҳ Исмоил	1239 – 1245
	Солиҳ Айюб	1245 – 1249
11.	Муаззам Туроншоҳ	1249 – 1250
12.	Носир Юсуф	1250 – 1260

### 3. Ҳалабда

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Салоҳиддин	1183 – 1193
2.	Зоҳир	1193 – 1218
3.	Азиз	1218 – 1236
4.	Носир Юсуф	1236 – 1260

### 4. Ҳамада

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Музаффар I	1178 – 1191
2.	Мансур I	1191 – 1221
3.	Носир	1221 – 1229
4.	Музаффар II	1229 – 1244
5.	Мансур II	1244 – 1284
6.	Музаффар III	1284 – 1298
7.	Муайяд	1310 – 1331
8.	Афзал	1331 – 1342

### 5. Хумсда

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Асадиддин	1154 – 1169
2.	Салоҳиддин ибн Ширкуҳ	1169 – 1179
3.	Қоҳир	1178 – 1186
4.	Мужоҳид	1186 – 1239
5.	Мансур	1239 – 1246
6.	Ашраф	1246 – 1263

### 6. Мияфрақинда

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Салоҳиддин	1185 – 1193
2.	Одил	1193 – 1200
3.	Авҳад	1200 – 1210
4.	Ашраф	1210 – 1220

5.	Музаффар	1220 – 1247
6.	Комил	1247 – 1260

### 7. Синжарда

1. Ашраф (1220 – 1229).
2. Солиҳ Айюб (1238 – 1239).

### 8. Ҳисн Кайфада

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Солиҳ Айюб	1232 – 1239
2.	Муаззам Туроншоҳ	1239 – 1249
3.	Авҳад	1249 – 1283
4.	Комил ибн Абдуллоҳ	1283 – 1320
5.	Муҳаммад ибн Муҳаммад	1320 – 1340
6.	Ғозий ибн Муҳаммад	1340 – 1360
7.	Абу Бакр ибн Ғозий	1360 – 1378
8.	Сулаймон ибн Ғозий	1378 – 1397
9.	Аҳмад ибн Сулаймон	1397 – 1433
10.	Халил ибн Аҳмад	1433 – 1452
11.	Аҳмад ибн Халил	1452 – 1457
12.	Ҳалаф ибн Муҳаммад	1457 – 1462
13.	Халил ибн Сулаймон	1462 – 1500
14.	Сулаймон ибн Халил	1517 – 1535
15.	Ҳусайн ибн Халил	1517 – 1525

### 9. Яманда

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Муаззам Туроншоҳ	1174 – 1181
2.	Азиз Туттегин	1181 – 1197
3.	Муизиддин Исмоил	1197 – 1202
4.	Носир Айюб	1202 – 1214
5.	Музаффар Сулаймон	1214 – 1215
6.	Масъуд Юсуф	1215 – 1229

## 10. Каракда

1. Носир Довуд (1229 – 1249).
2. Мухис (1249 – 1263).

## 11. Мосулда

Қоҳир (1185 – 1186).

## 12. Баниясда

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Афзал ибн Салоҳиддин	1179 – 1186
2.	Одил I	1186 – 1195
3.	Азиз ибн Аҳмад	1195 – 1233
4.	Ғозий ибн Усмон	1233
5.	Ҳасан ибн Усмон	1233 – 1260

## 13. Баъалбақда

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Муаззам Туроншоҳ	1173 – 1179
2.	Довуд ибн Туроншоҳ	1179 – 1182
3.	Амжад ибн Фаррухшоҳ	1182 – 1229
4.	Солиҳ Исмоил	1218 – 1237, 1238 – 1239

## 14. Урфада

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Музаффар I	1186 – 1191
2.	Одил I	1191 – 1218
3.	Солиҳ Айюб	1232 – 1239

XII асрнинг 70 – 80-йилларида Сурия ва Месопотамиянинг катта қисми Мисрда ҳукмронлик қилаётган айюбийлар назоратига ўтди.

Салоҳиддин ибн Айюб Сурияда ҳукмдорлик қилаётган Нуриддин Маҳмуд Зангий қўл остида хизмат қиларди. Зангий Салоҳиддинни ва унинг амакиси Шеркуҳни биродаркушлик урушлари бўлаётган Мисрга юборди. 1169 йили, Шеркуҳ вафотидан сўнг, ҳануз сўнги

фотимий ҳукмдор тирик бўлишига қарамай, Салоҳиддин Мисрнинг амалдаги ҳукмдори бўлиб олди. 1171 йил сентябрда Салоҳиддин хутбада ўлим тўшагида ётган фотимий Адид ўрнига аббосий Мустазий номини ўқиттирди. Бу ҳаракат омма ўртасида норозилик келтириб чиқармади, натижада шиапараст Миср сунний Мисрга айланди. Ҳижоздаги муқаддас шаҳарлар Мисрга қарарди, 1173 йили Салоҳиддин укаси Туроншоҳни Яманга ноиб этиб тайинлади. 1172 йили эса норманлардан Триполини тортиб олганди. Ўша йили Нуриддин Зангийнинг вафот этиши унга Сурияга элтувчи йўлларни очди. Салоҳиддин 1174 йили Дамашққа кирди, шундан сўнг 1174 – 1176 йилларда, зангийларнинг қаршилигига қарамай, бутун Сурияни кезиб чиқди ва Фуротгача етиб борди. Ҳалаб 1183 йили, Нуриддиннинг ўғли Солиҳнинг вафотидан сўнггина, Мисрга қўшиб олинди. 1185 йили Мосулни олди ва Месопотамия ҳукмдорларини ўзининг вассалига айлантди. Энди у салибчиларга қарашли қалъалардан ташқари Фуротдан Нилгача бўлган ҳудудни назорат қиларди. 1187 йил 4 июлда бўлган Хиттин жангида Салоҳиддин салибчиларни тормор келтирди. Орадан 3 ой ўтгач эса Қуддусни олди.

Қуддуснинг қулаши ғарбликларнинг учинчи салиб юриши (1189–1192) бошлашига сабаб бўлди. 1190 йили Англия қироли Ричард ва Франция қироли Август Фаластинга етиб келишди ва 1191 йили Аккрани қамал қилишди. Уруш бир ярим йил давом этди. Шундан сўнг 1192 йили сулҳ тузилди. 1193 йил мартда Салоҳиддин вафот этди. Салоҳиддиннинг ўлиmidан сўнг унинг укалари, ўғиллари ва жиянлари ҳудудларни бўлиб олишди. Дастлаб Салоҳиддиннинг асосий мулклари унинг ўғилларида эди. Дамашқ Афзалга, Қоҳира Азизга, Ҳалаб Зоҳирга қарарди. Бироқ 1196 йили Дамашқда Афзал ўрнини Одил эгаллади. Одил 1201 йили Азизнинг вориси Мансурдан Қоҳирани тортиб олди. Фақат Ҳалаб 1260 йилгача Салоҳиддин авлоди қўлида қолди. Одил 1200 йили Месопотамияда ўғилларидан бирини ноиб этиб қолдирди, ўзи эса вафотигача (1218) Айюбийлар давлати ҳукмдори бўлди. 1250 йили айюбийлар Қоҳирани мамлукларга бой бериб, ўз ўрнини уларга бўшатиб беришди. Дамашқ ва Ҳалабда сақланиб қолган айюбий ҳукмдорлар 1260 йили шаҳарларни мўғулларга топширди. Арабистондаги айюбийларни 1228 йили расулийлар сиқиб чиқаришган. Фақат Ҳамада айюбийлар сулоласи 1341 йилгача ҳукм сурди.

**Муробитлар давлати (1056 – 1147).** *Пойтахти – Фас (1056 – 1086), Марокаш (1086 – 1147). Давлат тили – араб тили.*

«Муробит» сўзи «работ (чегара истеҳком)да яшовчи» деган маънони англатади. Муробитлар давлатига 1062 йили Юсуф ибн Тошуфин томонидан асос солинган. Улар суннийликнинг моликия маънасига тегишли эди. Муробитлар 1086 йили Леон ва Кастилия қироллиги қўшинини енгиб Андалусияни ҳам ўз давлатига қўшиб олишга муваффақ бўлган. 1147 йили муваҳҳидлар Марокаш шаҳрини эгаллашди ва Мағрибда ҳукмронлик қилаётган Муробитлар давлатини тугатишди.

### Муробитлар давлати ҳукмдорлари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Юсуф ибн Тошуфин	1062 – 1107
2.	Али ибн Юсуф	1107 – 1143
3.	Тошуфин ибн Али	1143 – 1146
4.	Иброҳим ибн Тошуфин	1146
5.	Исҳоқ ибн Али	1146 – 1147

**Муваҳҳидлар давлати (1121 – 1269).** Пойтахти – Марокаш, Севилья. Давлат тили – араб тили. Давлат тизими – монархия. Ҳудуди – 2 млн км<sup>2</sup> (1200).

«Муваҳҳид» сўзи «Аллоҳнинг ягоналигига иймон келтирувчи» деган маънони англатади. Давлат асосчиси – Муҳаммад ибн Туморт (1121 – 1130). Муваҳҳидлар қўшини 1147 йили Марокаш шаҳрини ишғол қилиб Муробитлар давлатини тугатди. 1145 – 1147 йилларда эса Андалусия эгалланди. Муваҳҳидлар 1195 йили Аларкос жангида испанларни мағлуб этишди, бироқ 1212 йили Лас-Навас де Толоса жангида улардан енгилишди. Шундан сўнг Муваҳҳидлар давлати Андалусиядаги мулкидан айрилиб қолди. 1269 йили зайёнчилар сулоласи Марокаш шаҳрини эгаллаб Муваҳҳидлар давлати ҳукмронлигига хотима берди.

### Муваҳҳидлар давлати ҳукмдорлари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Абдулмуъмин ибн Али	1130 – 1163
2.	Абу Яъқуб Юсуф ибн Абдулмуъмин	1163 – 1184

3.	Абу Юсуф Яъқуб ибн Юсуф	1184 – 1199
4.	Муҳаммад Носир ибн Яъқуб ибн Юсуф	1199 – 1213
5.	Юсуф Мустансир	1213 – 1224
6.	Абдулвоҳид Махлуъ	1224
7.	Муҳаммад Одил	1224 – 1227
8.	Яҳё Муътасим	1227 – 1229
9.	Идрис Маъмун	1229 – 1232
10.	Абдулвоҳид Рашид	1232 – 1242
11.	Али Саид	1242 – 1248
12.	Умар Муртазо	1248 – 1266
13.	Идрис Восиқ	1266 – 1269

**Зирийлар (972 – 1148)** – Тунис ва Жазоирда ҳукмронлик қилган барбарлар сулоласи. Пойтахти – Мансурийя (971 – 1048), Қайрувон (1048 – 1057), Маҳдийя (1057 – 1148). Сулолабоши Билкийннинг невараси Бодис давлатни иккига бўлди. Фарбий ҳудудлар Билкийннинг ўғли Ҳаммодга ўтди. 1148 йили Сицилия қироли Рожер II зирийлар ҳукмдори Ҳасанни мағлуб этиб пойтахт Маҳдийяни ва Туниснинг соҳилбўйи ҳудудларини босиб олди. Тахтдан кулатилган Ҳасан эса Жазоирдаги қариндошлари олдига қочиб борди, орадан 4 йил ўтган Жазоирдаги заммодийлар сулоласининг умри ҳам тугади.

### Зирийлар сулоласи ҳукмдорлари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Билкийн ибн Зирий	972 – 983
2.	Мансур ибн Билкийн	983 – 996
3.	Бодис ибн Мансур	996 – 1015
4.	Муъиз ибн Бодис	1015 – 1062
5.	Тамим ибн Муъиз	1062 – 1108
6.	Яҳё ибн Тамим	1108 – 1115
7.	Али ибн Яҳё	1115 – 1121
8.	Ҳасан ибн Али	1121 – 1148

**Ҳаммодийлар давлати (1015 – 1152).** Пойтахти – Қалъа (1015–1090), Бужоя (1090 – 1152). Ҳаммодийлар зирийларнинг шаҳобчаси эди. 1015 йилдан бошлаб ҳаммодийлар ўзларига қарашли ҳудудни мустақил идора этишган. Қойид даврида зирийларга қарши бир неча бор уруш олиб боришга мажбур бўлишди. Билкийн даврида дав-

лит ҳудуди Фес билан бирга Мағрибни ўз ичига оларди. Носир дав-  
рида Тунис ва Қайрувон шаҳарлари ҳам қўшиб олинди. 1104 йилдан  
сулайм, рубоҳ ва ҳилол қабилалари минтақага сукулиб кира бошла-  
ди. 1552 йили Муваҳҳидлар давлати пойтахт Бужояни ишғол қилиб  
Ҳаммодийлар давлати ҳукмронлигига хотима беришди.

### Ҳаммодийлар сулоласи ҳукмдорлари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Ҳаммод ибн Билкийн	1015 – 1028
2.	Қойид ибн Ҳаммод	1028 – 1045
3.	Муҳсин ибн Қойид	1045 – 1046
4.	Билкийн ибн Муҳаммад	1046 – 1062
5.	Носир ибн Алнос ибн Ҳаммод	1062 – 1088
6.	Мансур ибн Носир	1088 – 1105
7.	Бодис ибн Мансур	1105
8.	Абдулазиз ибн Мансур	1105 – 1121
9.	Яҳё ибн Абдулазиз	1121 – 1152

**Мағровийлар (986 – 1070) – Мағрибда ҳукмронлик қилган суло-**  
**ла.**

### Мағровийлар давлати ҳукмдорлари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Муқотил ибн Атийя Мағровий	986 – 988
2.	Зирий ибн Атийя Мағровий	989 – 1001
3.	Маъз ибн Зирий ибн Атийя	1001 – 1026
4.	Ҳамома ибн Маъз ибн Атийя	1026 – 1033
5.	Тамим ибн Зирий ибн Яъло	1033 – 1038
	Ҳамома	1038 – 1040
6.	Дунос ибн Ҳамома	1040 – 1059
7.	Ҳисор Фос	1040 – 1044
8.	Футуҳ ибн Дунос	1059 – 1062
9.	Ужайса ибн Дунос	1059 – 1061



## ҒАРБИЙ АФРИКА

**Гана империяси (750 – 1076)** – Ғарбий Суданда фаолият кўрсатган давлат. Ҳозирги Мали, Сенегал ва Мавритания ҳудудини ўз ичига олган. Ганада маҳаллий занжий (негр)лардан ташқари араблар ва барбарлар ҳам яшаган.

Араблар Марокаш жанубини олишганидан сўнг 734 йили Ганага юриш қилиб эгаллашди. Гана 990 йили Аудагост воҳасини эгаллади. 1076 йили муробитлар пойтахт Кумбуни ишғол қилишди ва Гана империяси ҳукмронлигига хотима беришди. Муробитлар Ганани 1087 йилгача бошқардилар, шундан сўнг Гана буткул таназзулга учради, унинг ҳудуди маҳаллий қабилалар ўртасида қирғинбарот урушлар ўтказиладиган улкан жанг майдонига айланди. 1203 йили Гана сосо қабилалари иттифоқи босқинига учради.

**Мали империяси (XIII – XV асрлар)** – Африканинг шимоли-ғарбида, Саҳрои Кабирдан жанубда жойлашган давлат.

Мали дастлаб Нигер дарёси юқори оқимида жойлашган ва сосо халқлари давлати Каниага билан қўшни бўлган. Айнан XIII аср бошларида юз берган Кирина жангида шоҳ Сундиат Кейтнинг сосо халқи устидан ғолиб бўлиши Мали империясининг бошланишига замин ҳозирлади. Мали империяси асосчиси 1230–1255 йилларда ҳукмронлик қилган деб ҳисобланади, айти пайтда, бошқа саналар ҳам кўрсатилади. Империя Мансе Мусо (1312 – 1337) даврида қудратининг чўққисига чиқди. XIV аср бошларида ўзаро урушлар сабаб таназзулга учради. Гаони Ғарбий Суданда кейинчалик ташкил топган Сонгаи давлати қўлга киритди. XV аср бошида Сонгаи Малини ҳар томонлама сиқувга олди ва минтақада ҳукмронликни қўлга киритди. Бир вақтлар қудратли бўлган Мали империяси ихтиёрида фақат Нигер дарёсининг ички дельтаси ва Атлантика океани соҳилидаги бир нечта вилоятлар қолди.

**Сонгаи қироллиги (IX аср – 1592).** Пойтахти – Гао шаҳри. Ҳозирги Сенегал, Мали, Нигер, Нигерия ўрнида мавжуд бўлган давлат. 1591 йили Марокаш қироллиги босқинига учради ва XVII аср бошидан фаолиятини тўхтатди.

**1. Зувас уруғи: IX – XI асрларда ҳукмронлик қилган**

**2. Соннис уруғи**

1. Али Голом (1275).

2. Салмон Норий (?).

3. Иброҳим Кабаяо (?).

4. Усмон Гифо (Канфа) (1320).

Кейинги ҳукмдорлар «Тарихи Судан» китобида келтирилган, улардан сўнгилари қуйидагилар:

Али, Си Ма Гого (Маҳмуд Даъо) ўғли (1464 – 1492).

Абу Бакр, Али Бер ўғли (1492 – 1493).

### 3. Аскийя уруғи

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Муҳаммад Туре, Абу Бакр ўғли	1493 – 1528
2.	Мусо, Муҳаммад Туре ўғли	1528 – 1531
3.	Муҳаммад II Бенкан, Умар Камдиаг ўғли	1531 – 1537
4.	Исмоил, Муҳаммад Туре ўғли	1537 – 1539
5.	Исҳоқ I	1539 – 1549
6.	Довуд, Муҳаммад Туре ўғли	1549 – 1582
7.	Муҳаммад III	1582 – 1586
8.	Муҳаммад IV, Довуд ўғли	1586 – 1588
9.	Исҳоқ II ўғли	1588 – 1591

1591 йили Марокаш қироллиги истилоси.

10.	Муҳаммад Гао	1591 – 1592
-----	--------------	-------------

**Канема ва Борну давлати (1085 – 1893)** – Марказий Судандаги давлат. Ислом дини Канемага 1085 йили, Хуме Жилмий (1085–1097) даврида, кириб келган. Баъзи манбаларга кўра, у мусулмонларнинг Канемадаги манзилгоҳида истиқомат қилувчи барбар бўлган ва қадимги дугава сулоласини қулатиб, XI аср иккинчи ярмида Канемада ҳукмронлик ўрнатган. Пойтахт дастлаб Чад кўлидан шимоли-шарқда жойлашган Канема шаҳри эди. XIV асрдин эса пойтахт Чад кўли ғарбидаги Борну шаҳрига кўчирилди. XX аср бошларида Канема ва Борну давлати Британия, Германия ва Франция ўртасида бўлиб олинди. 1910 йили Канема ва Борнунинг катта қисми Нигериянинг шимолий вилоятлари таркибига қўшиб юборилди.

## 1. Канема ҳукмдорлари («Оқ султонлар»)

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Хуме Жилмий, Селема ўғли	1085 – 1097
2.	Дунама Умеми Муҳаммад, Хуме ўғли	1097 – 1151
3.	Усмон, Дунама ўғли	1151 – 1174
4.	Абдуллоҳ Бикур ибн Усмон	1174 – 1194
5.	Абдулжалил (Салама) ибн Абдуллоҳ	1194 – 1221
6.	Дунама Дибалеми, Муҳаммад ибн Салама	1221 – 1259

## 2. «Қора султонлар»

7.	Каде ибн Дунама	?
8.	Качим Бири ибн Дунама	?
9.	Жил ибн Дунама	?
10.	Дирке Келем ибн Дунама	?
11.	Иброҳим ибн Бири	1290 – 1311
12.	Абдуллоҳ ибн Каде	1311 – 1322
13.	Салама ибн Абдуллоҳ	1322 – 1326
14.	Куре Гана ибн Абдуллоҳ	1326 – 1327
15.	Куре Кура ибн Абдуллоҳ	1327 – 1328
16.	Муҳаммад ибн Абдуллоҳ	1328 – 1329
17.	Идрис ибн Иброҳим	1329 – 1353
18.	Довуд ибн Иброҳим	1353 – 1363
19.	Усмон ибн Довуд	1363 – 1366
20.	Усмон ибн Идрис	1366 – 1368
21.	Абу Бакр ибн Довуд	1368 – 1369
22.	Идрис ибн Довуд	1369 – 1376
23.	Умар ибн Идрис	1376 – 1387
24.	Саид ибн Идрис	1387 – 1388
25.	Муҳаммад ибн Идрис	1388 – 1389
26.	Каде Афуну ибн Идрис	1389 – 1390
27.	Усмон ибн Идрис	1390 – 1422
28.	Усмон ибн Довуд	1422 – 1423
29.	Дунама ибн Умар	1423 – 1425

30.	Абдуллоҳ ибн Умар	1425 – 1433
31.	Иброҳим ибн Усмон	1433 – 1440
32.	Каде ибн Усмон	1440 – 1444
33.	Бири ибн Дунама	1444 – 1445
34.	Дунама ибн Бири	1445 – 1449
35.	Муҳаммад	1449 – 1450
36.	Уме (Амарма)	1450 – 1451
37.	Муҳаммад ибн Каде	1451 – 1456
38.	Ғозий	1456 – 1461
39.	Усмон ибн Каде	1461 – 1466
40.	Умар ибн Абдуллоҳ	1466 – 1467
41.	Муҳаммад ибн Муҳаммад	1467 – 1472

### 3. Борну султонлари

42.	Али Ғозий Канури ибн Дунама	1470 – 1503
43.	Идрис ибн Али	1503 – 1525
44.	Муҳаммад ибн Идрис	1525 – 1544
45.	Али ибн Идрис	1544 – 1546
46.	Дунама Муҳаммад ибн Муҳаммад	1546 – 1563
47.	Абдуллоҳ ибн Дунама Муҳаммад	1563 – 1569
48.	Идрис Алавма ибн Али	1569 – 1603
49.	Муҳаммад ибн Идрис	1603 – 1618
50.	Иброҳим ибн Идрис	1618 – 1625
51.	Умар ибн Идрис	1625 – 1645
52.	Али	1645 – 1684
53.	Дунама ибн Али	1699 – 1726
54.	Ҳамдун ибн Али	1726 – 1731
55.	Муҳаммад ибн Ҳамдун	1731 – 1747
56.	Дунама Гана ибн Муҳаммад	1747 – 1750
57.	Али ибн Ҳамдун	1750 – 1791
58.	Аҳмад ибн Али	1791 – 1808
59.	Дунама Лефиами ибн Аҳмад	1808 – 1811
60.	Муҳаммад ибн Али ибн Ҳамдун	1811 – 1814
	Дунама Лефиами	1814 – 1817
61.	Иброҳим ибн Аҳмад	1817 – 1846
62.	Али ибн Иброҳим	1846

#### 4. Борну ва Дикведаги канембу уруғи

63.	Муҳаммад Амин Канемий	1835
64.	Умар ибн Муҳаммад Амин	1835 – 1853
65.	Абдурраҳмон ибн Муҳаммад Амин	1853 – 1854
	Умар ибн Муҳаммад Амин	1854 – 1880
67.	Абу Бакр I Кура ибн Умар	1880 – 1884
68.	Иброҳим ибн Умар	1884 – 1885
69.	Ҳошим ибн Умар	1885 – 1893
	Муҳаммад Амин ибн Абу Бакр I Кура	1893
	Санда ибн Абу Бакр I Кура	1893

1) 893 – 1901 йилларда Робих ибн Фазлуллоҳ томонидан Борну ва Диква эгалланди.

2) 1901 йилдан бошлаб французлар ва инглизлар ўзларига қаршли ҳудудда ҳукмдор ўрнатишди.

#### ЕВРОПА

**Сицилия амирлиги** – 965 – 1072 йилларда Сицилия оролида мавжуд бўлган мусулмон давлати. Пойтахти – Ал-Мадина (ҳозирги Палермо, Италия).

**Калбийлар (948 – 1053)** – Фотимийлар номидан Сицилияда ҳукмронлик қилган шиа амирлари сулоласи. Сулола асосчиси – Ҳасан ибн Абдуллоҳ. Калбийлар Италия ерлари учун Византия империясига қарши муваффақиятли уруш олиб боришган. Уларнинг ҳукмронлиги даврида Сицилия маданий жиҳатдан тараққий этди, савдо ривожланди, ислом маданияти Европага кириб борди. 1040 йилдан сўнг Африка ҳукмдорлари бўлмиш зирийлар ва византияликларнинг аралашуви билан Сицилия амирлиги бир нечта майда амирликларга бўлиниб кетди. 1060 йили Мессина, 1072 йили Палермо, 1085 йили Сиракузанинг норманлар томонидан истило қилиниши калбийлар сулоласи ҳукмронлигига барҳам берди. 1091 йилга келиб бутун Сицилияда норманлар ҳукмронлиги ўрнатилди.

## Сицилияда ҳукмронлик қилган калбийлар сулоласи ҳукмдорлари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Ҳасан ибн Абдуллоҳ	948 – 953
2.	Аҳмад ибн Ҳасан	953 – 970
3.	Али ибн Ҳасан	970 – 982
4.	Жоҳир ибн Али	982 – 983
5.	Жаъфар ибн Муҳаммад	983 – 985
6.	Абдуллоҳ ибн Муҳаммад	985 – 989
6.	Юсуф ибн Абдуллоҳ	989 – 998
7.	Жаъфар ибн Юсуф	998 – 1019
8.	Аҳмад ибн Юсуф	1019 – 1038
9.	Ҳасан ибн Юсуф	1040 – 1053

1044 йилдан Сицилия амирлиги бир нечта майда амирликларга бўлиниб кетди, айниқса, 1060 йилги норманлар истилосидан сўнг амирликнинг парчаланиш жараёни кучайди.

**Сицилия амирлиги.** Сицилияни аввал тунислик сунний аглабийлар сулоласи, сўнг мисрлик шиа фотимийлар сулоласи бошқарди. Сулолалар алмашинуви даврида Византия бир неча йил оролнинг шарқий қисмини эгаллаб турди. 948 йили фотимийлар ҳукмдори Исмоил ал-Мансур Ҳасан ал-Калбийни Сицилия амири (948–964) этиб тайинлади. Калбий византияликларни мағлуб эта олди ва калбийлар сулоласига асос солди. Калбийлар амирлик тугатилгунча Жанубий Италияга тинимсиз ҳужум қилиб туришди. 982 йили Муқаддас Рим империяси императори Оттон II Калабриядаги Кротон яқинида мусулмонлардан енгилди.

Амирлик инқирози Юсуф ал-Калбий (990 – 998) ҳукмронлиги йилларидан бошланди. Ал-Акҳал (1017 – 1037) даврида сулола ичида фитналар бошланди. Ҳукмрон оиланинг бир қисми Византия ва барбарларнинг зирийлар сулоласи билан иттифоқ тузди. Ҳасан ас-Самсам (1040 – 1053) ҳукмронлигининг бошларида эса амирлик ўзаро душман бўлган майда давлатчаларга бўлиниб кетди.

Араблар Сицилияда ер ислоҳоти ўтказишди. Мазкур ислоҳот Рим империяси давридан бери амал қилган йирик плантация хўжаликларига қарши бўлиб, кичик хўжаликларнинг барқарор ривожла-

нишига туртки берди. Мусулмонлар ирригация ишларини тартибга солишди. Апельсин, лимон, бодом ва қанд лавлаги етиштиришни бошлаб беришди. Палермонинг шаҳар лойиҳаси, асосан, араблар давридан буён ўзгармай сақланиб қолган, масжид ўрнида эса черков турибди.

**Аҳоли.** Мусулмонлар томонидан забт этилган Сицилия ороли аҳолиси, асосан, христианлардан иборат бўлиб, грек тилида сўзлашишган. Шунингдек, оролда яхудий жамоалари ҳам кўп эди. Сицилия амирлигида эътиқод эркинлигига имконият берилган. Мусулмон бўлмаганлар «зиммий» деб номланган. Зиммийлар қурол кўтариб юриши, отда юриши, мусулмонлар уйдан баланд уй қуриши, араб исмлари қўйиш тақиқланган. Уйлари мусулмонларникидан ажралиб туриши учун махсус белгилар қўйилган, шунингдек, мусулмонларникидан бошқача кийим кийишган. Зиммийлар жизя ва хирож тўлашган. Бу чекловлардан фақатгина исломни қабул қилиш орқалигина қутулиш мумкин эди. Натижада Сицилиядаги кўплаб кишиларнинг исломга ўтиш ҳоллари кузатилган. Лекин амирлик мавжуд вазиятда ҳам оролнинг шимоли-шарқида кўплаб мусулмон бўлмаган жамоалар мавжуд эди. Бу жамоалар кейинчалик оролнинг норманлар томонидан истило қилиниши ва амирликнинг қулашига катта ҳисса қўшган.

**Сицилия амирлигининг қулаши.** Тахт учун ички кураш оқибатида амирлик майда бўлақларга бўлина бошлади. XI асрда мусулмонлар томонидан тез-тез ҳужумга тутилган Жанубий Италиянинг кўплаб ҳукмдорлари норман ёлланма аскарларидан ёрдам сўради. Натижада норманлар Рожер I бошчилигида Сицилияни истило қилиб мусулмонлар давлатига нуқта қўйишди. 1060 йили норман Роберт Гвискар учта тахминан тенг кучли амирликка бўлинган Сицилия оролига тажовуз қилди. Христиан аҳолиси норманлар келишини хушнудлик билан қаршилади. Рожер I Апулия ва Калабрияни босиб олди, сўнг 700 рицари билан Мессинани ишғол қилди. 1068 йили Мизильмери жангида мусулмонларни тор-мор этди. Палермо учун кечган ҳал қилувчи жангда норманлар Сицилия устидан тўла назорат ўрнатишди. Амир Юсуф ибн Абдуллоҳ тахтдан туширилди.

Сицилиянинг алоҳида ҳудудлари мусулмонлар назоратида эди. Масалан, Энна шаҳри узоқ йиллар амир Ибн ал-Ҳавос томонидан бошқарилди. Унинг вориси Ибн Ҳамуд 1087 йили норманларга таслим бўлди ва христианликни қабул қилди. Ўзининг оиласи билан дворянлик имтиёзларига эришиб, умрининг охиригача Калабрияда яшади.

1091 йили энг сўнги мусулмон шаҳарлар – Бутера ва Ното, шунингдек, Мальта христианларга бўйсунди. Шу билан Сицилия амирлиги ўз фаолиятини тўхтатди.

**Амирлик қулагандан сўнг.** Норманларнинг Сицилия қироллиги диний бағрикенгликда фарқли эди. Сицилияда камида бир асрлик мусулмонлар ҳукмронлиги пайтида давлат тилларидан бири ҳисобланган араб тили ҳозирги сицилия тилига ҳам таъсир этган.

Рожер II нинг невараси Фридрих II Гогенштауфен (1215 – 1250) мусулмонларга оролга келиб жойлашиш ва масжидлар қуришга руҳсат берди. Улар қўшинда хизмат қилиши мумкин эди, ҳатто Фридрихнинг тансоқчилари орасида мусулмонлар бўлган. Шу билан бирга, Рим папаларининг босими остида Фридрих исломга қарши чоралар кўрди. Бу эса сицилиялик мусулмонлар ўртасида кўзғолонларга сабаб бўлди, исёнлар аёвсиз бостирилди. Фридрих II барча мусулмон аҳолисини орол ичкарасига – Лучерага кўчиришга буйруқ берди. Кўчириш жараёни давомли бўлиб, сўнги депортация 1240 йилларда бўлди (1300 йили Лучерадаги мусулмон колонияси Неаполь қироли Карл II томонидан йўқ қилинди). Амирлик қулагач, Сицилия аҳолиси лотинлаштирилди ва рим-католик динига ўтказилди.

## АНДАЛУСИЯ

**Ҳакам II (915 – 976) – Қуртуба амири (961 – 976).** *У отаси бошлаган ишни давом эттирди. Ўзи ҳам илф-фан ривожига катта ҳисса қўшди. Унинг назорати остидаги Кордовадаги кутубхонада 400 минг жилд китоб йиғилган, юзлаб хаттотлар, котиблар ва саҳҳофлар фаолият кўрсатган. Унинг даврида лотин ва юнон тилларидаги кўплаб китоблар араб тилига таржима қилинди. Ҳакам II камбағаллар ва етимлар учун 27 та бепул мактаб очган.*

Ҳакам II ҳукмронлиги даврида викингларнинг 966 ва 971 йиллардаги ҳужумлари қайтарилди. Шунингдек, у Шимолий Марокашдаги Зирийлар ва Фотимийлар давлатларига қарши уруш олиб боришга мажбур бўлди. 974 йили фотимийларга зарба берилди. Қуртуба амирлиги Ҳишом II даврида Шимолий Испаниядаги христиан давлатларидан ҳарбий жиҳатдан анча устун эди.

**Мусҳафий, Жаъфар ибн Усмон (983 йили қатл этилган) – Қуртуба амирлиги ҳожиби (971 – 978).** *Ҳакам II 971 йили вафот этганидан Жаъфар Сақлабий ўрнига Мусҳафийни ҳожиб лавозимига таъинлади. 974 йили Ҳакамнинг оғир касаллиги пайтида Мусҳафий*



давлатни ўзи бошқара бошлади. 976 йил 1 октябрда вафот этган Ҳакам II ўрнига ўгли Ҳишом II ни тайинлаб кетганди. Орадан кўп ўтмай – 978 йил 26 мартда Мусҳафий ўғиллари ва жиянлари билан бирга ҳибсга олинди, мол-мулки мусодара қилинди. Ўрнига келган ҳожиб Мансур уни 983 йили қатл эттирди.

**Халиб ибн Абдурраҳмон Носирий (981 йил 10 июлда ҳалок бўлган)** – Қуртуба амирлиги саркардаси. У 974 йили идрисий Ҳасан II ибн Каннун қўшинини тор-мор келтирди. Ўша йили Кастилия графи Гарсия Фернандес Ҳакам II нинг касаллигидан хабар топиб Қуртуба амирлиги билан тузилган султҳни бузди ва унинг худудига ҳужум қилди. Ҳакам соғайгач 975 йил мартда Кастилияга қарши юришга тайёргарлик кўра бошлади. Халиб қўшинга қўмондон этиб тайинланди. 17 апрель куни Гарсия Гормас қалъасини ҳамал қилди. Халиб қўшини билан ҳамалдагиларга ёрдамга ошиқди. 21 май куни икки қўшин тўқнашди. Жанг икки томонга ҳам ғалаба келтирмаган бўлса-да, Халиб қўшинининг озлиги Гормасдан чекиниб Гарсияга қалъа қамалини давом эттиришга имкон бермади. Кейинги кунлари ҳар иккала томонга мадад кучлари қўшилди. Жумладан, кастилияликларга Леон қироллиги ҳукмдорлари Леон Эльвира Рамирес ва Рамиро III, Наварра қироли Санчо II, Монсон графи Фернандо Ансурес ва Сальданиа графи Гомес Диаслар келиб қўшилди. Испанларнинг умумий сони 60 минг кишидан ортиб кетди. 18 июнда қалъага ҳужум қилган испанлар муваффақият қозонишмади. Улар катта талафотлар кўриб чекинишди. Шу вақтда Халиб испанларга тўсатдан зарба бериб уларни яна мағлуб этди. Испанлар катта йўқотишга учрашгани учун тарқалишга қарор қилишди, ҳар қайси ҳукмдор ўз қўшинини олиб ўз юртига қараб йўлга тушди. Кутилмаганда Халиб қўшини Дуэро дарёсидан кечиб ўтмоқчи бўлган Гарсия бошлиқ кастилияликларга Ланга манзилгоҳи яқинида зарба берди. Сарагоса амири эса Наварра қироли Санчо II қўшинини енгди. Шундан сўнг Халиб қўшини Кастилиянинг чегара худудларига ҳужум қилди. Испанлар устидан қозонилган мазкур ғалаба Халиб Носирийнинг 10 йилдан ошиқроқ вақт давомида қўшин ва бутун мамлакатда обрўси кўтарилишига олиб келди.

**Ҳишом II (965 – 1013)** – Қуртуба амири (976 – 1009 ва 1010–1013). Ҳишом 976 йили тахтга чиқарилди. Давлатни амалда кейинчалик Мансур унсонини олган ҳожиб Муҳаммад ибн Абу Омир бошқарган. 1002 йили Мансур вафот этган, Қуртуба амирлигида бошбошдоқлик бошланди. Мансурнинг ўгли Абдулмалик 1008 йил

октябрда вафот этгач, унинг ўрнига ота бир укаси Абдуррахмон Санчуело вазир бўлиб олди. Лекин 1009 йил 3 мартда саржарда Муҳаммад Маҳдий фитнаси натижасида Абдуррахмон қатл этилди, Ҳишом тахтдан ағдарилиб зиндонга ташланди. 1010 йил шкитди ва Ҳишомни озод қилди. 1010 йил октябрда Толедо ўз мустақиллигини эълон қилди, 1012 йили эса Уэльва Кордовага бўйсунмаслигини маълум қилди. 1013 йил баҳорида Кордовага барбарлар юриши қилиб шаҳарни қамалга олди. Вадиҳ қалъадан тушаётган пайтди ўлдирилди, Ҳишом эса барбар кўчманчилари раҳбари Сулаймон фойдасига тахтдан воз кечди. Сулаймон кўшинига Кордовани талашга ижозат берди, шаҳарда 2 ой мобайнида қароқчилик ва қотилликлар давом этди. Ҳишом тахтдан ағдарилганидан кўп ўтмиш вафот этди.

**Мансур, Муҳаммад ибн Абу Омир (939 – 1002)** – мусулмонлар Испаниясининг йурик давлат арбоби ва саркардаси, унинг ҳукмронлиги даврида Қуртуба амирлиги ўз қудратининг чўққисига чиқди. Мансур маҳаллий майда амалдорлар оиласидан етишиб чиққан. У фитналар натижасида рақибларини йўқотиб Қуртуба амирлиги девонига ўрнашиб олди. Ҳакам II ўлганидан сўнг, унинг ўғли Ҳишом II ни тахтга ўтқазди, амалда давлатни вафотигача бир ўзи бошқарди. 982 йили кўшин қўмондони бўлиб олди. У давлатни мустаҳкамлаш учун бир қатор ислохотлар ўтказган.

Мансур 939 йили Алхесирасда туғилган. Унинг келиб чиқиши иманлик арабларга боради. Отаси Ибн Абу Омир Маккадан ҳажни ўтаб қайтаётганда Триполида вафот этган. Онаси томондан бобоми Абдуррахмон III нинг вазири ва табиби бўлган. Ибн Абу Омирнинг оиласи унчалик бой бўлмагани учун, у Кордовадаги амакими кўлида тарбия топишни мўлжаллади. Амакиси уни мадрасада ўқитди ва яхшигина таҳсил кўрди. Мансур ўқишни тугатгач Кордова қозиси Муҳаммад ибн Салимий хизматига ўтди. Бироқ Муҳаммад ибн Абу Омир (Мансур) у ерда узоқ қолмади, қози Муҳаммаднинг мазкур лавозимга нолойиқ деб топди ва ундан қутулиш учун вазир Жаъфар Мусхафийга тавсия этди. У Мансурни ўзига қотиб қилиб олди. Бу эса Мансурнинг сарой аъёнларига яқинлашиши учун йўл очган.

967 йил февралда вазир Жаъфар Мусхафий Ҳакам II га 5 яшар ўғли Абдуррахмонни тарбиялашни Мансурга топширишни маслаҳат берди. Мансур энди ҳукмдор оиласи билан яхши муносабат ўрнатди.

У 969 йили Севилья ва Ниебла қозиси лавозимига тайинланди. 970 йили, Абдуррахмон ўлгач, лавозим унинг укаси Ҳишом Мансурга топширилди. Мансур 972 йили Кордова шаҳри миршабларининг бошлиғи этиб тайинланди. 973 йили Ҳакам II Мансурни идрисийларга қарши курашаётган Халиб Носирийга ёрдам бериш учун жўнатди. Мансурнинг юриши муваффақиятли якунланди, у жангари барбарлар билан дўстона муносабат ўрнатишга эришди.

976 йил 1 октябрь куни Кордовада Ҳакам II вафот этди. Сарой қўриқчилари бошлиғи Жавзар ва Фоиқ бошлиқ славянлар гуруҳи 11 яшар Ҳишом II ни тахтга чиқаришга қаршилиқ қилишди. Сарой қўриқчилари раҳбарлари вазир Жаъфар Мусҳафийни ўлдириш билан кўрқитиб тахтга Ҳакам II нинг укаси 27 яшар Муғийрани ўтқазилди талаб қилишди. Мусҳафий Мансур бошлиқ араблар гуруҳига мансуб бўлиб, Муғийра номзодига қарши эди. Муғийра тезда йўқ қилинди, аввал ундан Ҳишом II нинг ҳукмдор бўлганини эътироф этишини талаб қилишди. Кейин Мусҳафийнинг талаби билан қатл этилди. 2 октябрь куни Ҳишом II тахтга чиқарилди. 8 октябрь куни Мусҳафий ҳожиб этиб тайинланди.

Мансур 977 йили испанларга қарши кенг кўламда олиб борган юришлар сериясини бошлади. Унинг қўшини февралда Саламанкани олди. Кейин Сан Эстебан де Гормаса жангида Леон қироли Рамиро III ни, Ланга жангида Кастилия графи Гарсия Фернандесни, Эстеркуэла жангида эса Наварра қироли Санчо II ни тор-мор келтирди ва Астурия чегараларига яқинлашди. Ўша йили Мансур Жавзар ва Фоиқларни лавозимидан четлатди.

978 йил 26 мартда ҳожиб Мусҳафий вазифасидан туширилди ва ҳибсга олинди. 983 йили Мансур Мусҳафийни ўлдиртириб юборди.

979 йили бир гуруҳ кишилар Ҳишом II ни, унинг онаси Субҳни ва ҳожиб Мансурни ўлдиришга ҳаракат қилишди. Уларнинг бошида сарой қўриқчиларининг собиқ бошлиғи Жавзар турарди. Лекин суиқасд ошкор бўлди, Жавзар ва унинг тарафдорлари қатл этилди.

Мансур кутубхоналарни тафтиш этишни шахсан назорат қилди. У шубҳали ҳисобланган китобларни (асосан, фалсафа ва астрологияга оид) Кордовадаги марказий майдонда ёқишни буюрди.

979 йили Шимолий Африка учун фотимийларга қарши уруш олиб борди. Фотимийларнинг Африкадаги ноиб Юсуф Булуггин ибн Зирий Фесни эгаллаб Мансурнинг барбар иттифоқчиларига қатор зарбалар берди. Шундан сўнг бир қанча барбар қабилалари Сеутага ўрнашишди.

**Ҳарбий ислоҳот.** Мансур фотимийлар қўшинидан енгилиб Андалусияга келган барбар жангчиларни ўз қўшинига қўшиб олди. У янги қўшин тузилмаларини ишлаб чиқди: олдин бўлинмалар қабилавий келиб чиқиши ва ҳудудий бўлинишига қараб ташкил этилган эса, энди қурол турлари бўйича ташкил қилинадиган бўлди. Мансур даврида христианлар ҳам қўшинга олинадиган бўлди.

980 йили Халиб Носирий ва Мансур ўртасида жанжал чиқди. Халиб Кордовада тарафдорлари камлигини кўриб Леон қироли Рамиро III дан ёрдам сўради. 981 йили Леон қўшини Кордовага юриш бошлади. 10 июль куни Сан Висенте жангида Халиб ва Рамиро III нинг бирлашган қўшини енгилди. Мансур қўлга тушган Халибнинг бошини олди.

Мансур ўша йилиёқ Леонга қарши юриш бошлади. Бу юриш давомида фақат Самора қалъасини қўлга киритди. Саморадан Кастилияга қараб юрган Мансур Таранкуэньеда граф Гарсия Фернандес қўшинини енгди. Бу вақтда Рамиро III ва Наварра қироли Санчо II ҳамда Кастилиянинг қолган-қутган қўшини бирлашди. Лекин Руэда жангида улар яна мағлуб бўлишди. Испанлар Леонга чекинди. Мансур қўшини Леонга юришни давом эттирди ва йўл-йўлакай Симанкасни талон-торож қилди. Қўшин Леонга келиб шаҳарни қамалга олди. Мансур қўшини Леоннинг бир қанча кварталларини эгаллаган бўлса-да, қиш бошлангани учун, урушни тўхтатиб Кордовага қайтиб кетди. Бу ғалабадан сўнг Муҳаммад ибн Абу Омир – «Мансур биллоҳ» (Аллоҳнинг хоҳиши билан ғолиб бўлувчи) деган унвонни қўлга киритди. Энди унинг номи жума хутбаларида янграй бошлади.

Леон қироли Рамиро III ва Наварра қироли Санчо II Мансурни оғолмасликларини тушуниб унга ҳар йили ўлпон тўлашларини маълум қилишди. 982 йили Леон қироллигининг ғарбий вилоятларида (Галисия ва Португалия) норози аҳоли Бермудо II ни тахтга чиқарди. 984 йили Мансур Леонга юриш қилиб Самора ва Сепульведани талади, вазиятдан фойдаланган Бермудо II Леон шаҳрига бориб тахтни эгаллади. Мансур Бермудо II ни Леоннинг қонуний қироли деб тан олди. Бунга жавобан янги қирол ўзини Қуртуба амирлигининг вассали дея эътироф этди. 985 йили Галисияда Бермудо II га қарши маҳаллий графлар исён кўтарди. Исён Мансур юборган қўшинлар ёрдамида бостирилди. Ҳожиб, янги исёнлар чиқмаслиги учун, қўшинини Леон қироллиги шаҳарларига жойлаштирди.

984 йили Қуртуба амирлигининг Африкадаги ҳудудларида фотимийлар бошчилигида ҳаракат бошланди. Исённи идрисийлар

сулоласига мансуб Африканинг собиқ ҳукмдори Ҳасан II ибн Каннун бошқарди. Мансур 985 йили ўғли Абдулмалик бошлиқ қўшинни исёнчиларга қарши жўнатди ва Ҳасан мағлуб этилди. У жони сақлаб қолиниши эвазига таслим бўлди, бироқ Кордовага келтирилгандан сўнг Мансурнинг буйруғи билан қатл этилди.

Мансур 985 йил қишда Барселонага юришга тайёрлана бошлади. Қўшин Кордовадан 5 май куни йўлга чиқди, 10 июнь куни Валенсияга етиб келди ва 23 июнгача ўша ерда турди, сўнг юришни давом эттирди. Мансур қўшини 6 июлда Барселонани олди. Шаҳар 10 июлгача таланди. Сўнг Мансур граф яширинган Вик шаҳрига хужум қилди, лекин қамални тўхтатиб 21 июлда Кордовага қайтди.

987 йили Леон қироли Бермудо II тахтга мустаҳкам ўрнашиб олгач Мансур ёрдамисиз ҳам мамлакатни бошқара олиши мумкинлиги ҳақида ўйлади. Бир қарорга келди ва Мансурдан қўшинини олиб чиқиб кетишни бир неча бор талаб қилди. Лекин Мансур ҳар сафар рад жавобини берди. Шунда Бермудо II Мансур қўшинини қувишни режалаштирди: бир кунда Кордова жангчилари қўлга олинди, уларнинг бир қисми ўлдирилди, қолганлари Леон ҳудудидан қувиб юборилди. Мансур бу хабарни эшитиши биланоқ Бермудо II ни ўзининг душмани деб эълон қилди. Дастлаб Мансур Леонга қарши исён кўтарган Галисия графига пул билан ёрдам берди. Галисиядаги исён Бермудо II томонидан бостирилгач, Мансурнинг ўзи юриш бошлады. Унинг зарбаси Португалия графлигига йўналтирилди. Мансурга Бермудо II дан норози бўлган Галисия графлари ҳам қўшилди. У 29 июнь куни Коимбру шаҳрини эгаллади. Сўнг Леоннинг Дуэро дарёсигача бўлган ҳудуди хужумга учради.

988 йил бошида Мансур яна Леонга юриш қилди. Леонликлар тоғларга чекинишди, Бермудо II нинг ўзи эса Саморага яширинди. Мансур қўшини Леонни олди ва 4 кун мобайнида шаҳарни талади. Бермудо Саморадан Лугога қочди, қалъадагилар бундан хабар топиб жангсиз таслим бўлишди. Шундан сўнг Мансур Кордовага қайтди. Бермудо фақат Леоннинг тоғли минтақаларини сақлаб қолди.

**Абдуллоҳ фитнаси.** Мансур 989 йили Леонга юриш қилиб қиролликнинг энг қадимий шаҳри Грахал де Кампосни вайрон этди. Шаҳарга Бермудодан норози графлар кела бошлади ва Мансурга вассал эканлигини тан олишди. Улар орасида Сальдания графи Гарсия Омес ҳам бор эди. Мансур унга Леон қироллигидан тортиб олинган ҳудудларни бошқаришни топширди ва Кастилия графи Гарсия Фернандесга қарши юриш бошлади, Сан Эстебан де Гормас

шаҳрини қамал қилди. Бу вақтда ўзига қарши фитна тайёрланаётганидан хабардор этилди. Фитнада Толедо амири Абдуллоҳ Ҳажар, Сарагоса амири Абдуррахмон ибн Мутаъарриф ва Мансурнинг ўғли Абдуллоҳ қатнашаётганди. Мансур зудлик билан фитнани тинчйтишга киришди, у Абдуллоҳ Ҳажарга қимматбаҳо совғалар бериб ўз тарафига оғдирди. Абдуррахмонни эса ҳибсга олиб қатл эттирди, ўғли Абдуллоҳ қочиб Гарсия Фернандес саройидан бошпана топди. Мансур фитна сабабли шаҳар камалини тўхтатиб чекинди ва кучсиз димояланган Османи қамал қилди. У қисқа муддатда қалъани олди.

Мансур 990 йили яна Кастилияга юриш қилди ва бу сафар ҳам Сан Эстебан де Гормасни қўлга киритолмади. Лекин Кастилиядаги бир қанча қалъаларни эгаллаганидан сўнг Гарсия Фернандес сулҳ тузишга мажбур бўлди. Сулҳга кўра, Гарсия Мансурнинг ўғли Абдуллоҳни топшириши белгиланди. Мансур буйруғи билан Абдуллоҳ қатл этилди. Мансур 991 йили ҳожиблик унвонини ўғли Абдулмаликка топширди, лекин амалда давлатни бошқаришда давом этди.

**Янги юришлар.** 992 йили Наварра қироли Санчо II бундан кейин Мансурга ўлпон тўламаслигини маълум қилди. Бундан ғазабланган Мансур Памплонга икки марта юриш уюштирди ва 993 йил сентябрда Санчо II ни Кордовага келиб қарамлигини эътироф этишга мажбур қилди. Лекин 994 йили Наваррада Гарсия II қирол бўлди. У Кастилия графи Гарсия Фернандес билан сулҳ тузиб Мансурга ўлпон тўлашдан бош тортди.

Мансур 994 йили Бермудо II га қарашли Авила ва унга ёндош қудудларни талаб, Гарсия Фернандесга қарши исён кўтарган ўғли Санчо исёнини қўллаб-қувватлади. Бошбошдоқликдан фойдаланган Мансур Сан Эстебан де Гормас шаҳрини ва Клуния қалъасини эгаллади. 995 йил 25 майда эса граф Гарсия Фернандесни Пьедрасильяда жангида тор-мор келтирди. Граф жангда оғир яраланиб асирга тушди. Мансур табибларга уни сақлаб қолишни буюрган бўлса-да, широхати оғирлиги сабабли, Гарсия ўлди, ўрнига ўғли Санчо янги граф бўлди. Кастилия пойтахти Бургосда Санчо Мансурга вассаллигини эътироф этди.

Мансур Леон қиролига қарши урушни давом эттириб 995 йили Сальданияни қўлга киритди ва Леоннинг вақтинчалик пойтахти Асторгани вайрон этди. Бу йўқотиш Бермудо II ни Мансур ҳукмронлигини тўлиқ олишга мажбур қилди ва у ҳар йили ўлпон тўлаш мажбуриятини олди. Наварра қироли Гарсия II иттифоқчиларсиз қолди ва 996 йили Кордовага келиб вассаллигини эътироф этди.

**Субҳ фитнаси.** 997 йили Ҳишом II нинг онаси Субҳ ўғлини ҳокимиятга йўлатмаётган Мансурга қарши фитна тайёрлади. Фитнага саркарда Зирий ибн Атийяни масъул этиб тайинлади. Бу вақтда Бермудо II Мансурга ўлпон тўлашдан бош тортгани учун, фитначилар иккиланиб қолишди. Ҳишом II Мансурга тўла ишонч билдиргани боис, суиқасд охирига етказилмади. Ноиб Зирий ибн Атийя эса 998 йили Мансурнинг ўғли Абдулмалик томонидан мағлуб этилди. Ҳишом II нинг онаси Субҳ фитна амалга ошмаганидан кўп ўтмай (999) ўлди.

**Сантьяго де Компостелага юриш.** Бермудо II ўлпон тўлашдан бош тортгани сабаб, Мансур ҳанузгача юриш қилинмаган Леон қироллигининг шимоли-ғарбий минтақаларига қўшин тортди. Пиёдалар денгиз орқали, отликлар эса қуруқликдан юришга киришди. Опортда бирлашган қўшинга Бермудодан норози португал графлари ҳам қўшилди. Мансур қўшини Сантьяго де Компостелага қараб юриш бошлади ва йўл-йўлакай Визеу, Брага, Эл-Бьерсо, Виг ва бошқа шаҳарларни эгаллаб 10 ёки 11 август куни ҳеч қандай қаршиликсиз аҳоли томонидан ташлаб кетилган Сантьягога кирди. Шундан сўнг Мансур Ла-Коруньяни эгаллади.

**Сўнгги йиллар.** 999 йили, Бермудо II нинг вафотидан сўнг, тахтга чиқарилган ўғли Альфонсо V Леон зодагонлари билан маслаҳатлашиб Мансурга қарши уруш олиб бормайдиган бўлди. Лекин Леон қироллиги, Наварра қироллиги ва Кастилия графлиги Мансурга қарши иттифоқ тузди. Урушни Калатаюдга ҳужум қилган Наварра қироли Гарсия II бошлади. Бунга жавобан Мансур Кордовада гаров тариқасида ушлаб турилган 50 нафар наварралик (жумладан, қирол оиласи аъзолари)ни қатл эттирди, сўнг Памплонани олиб бутунлай вайронага айлантирди. Мансур 1000 йили Кастилияга юриш қилиб Сервере де Писуэрге жангида Кастилия, Леон, Наварра ва Сальданиянинг бирлашган қўшинига қақшатқич зарба берди. Шундан сўнг қаршиликка учрамаган Мансур Бургосни олди. Мансур 1001 йили Кастилияга юриш қилиб Осма шаҳрини олди, Наваррага бостириб кирди, текисликдаги барча ҳудудни талаб Памплонга яна ўт қўйди. Лекин Мансур касалланиб қолгани туфайли юришни тўхтатди, бу вақтда унга қарши тура оладиган қўшин қолмаганди.

**Сўнгги юриш.** Мансур ўзининг сўнгги юришини 1002 йил ёзида Кастилия графлигига қарши уюштирди. Соғлиғи ҳали тикланмаганди. Мединасели шаҳрига етганда Мансурнинг аҳволи оғирлашди, у ўлими яқинлашганини сезиб ўғли Абдулмаликни Кордовага жўнат-

ди. Орадан кўп ўтмай Мансур вафот этди. Мансур ҳаёти давомида испанларга қарши 57 марта юриш қилган, испан қиролларининг Қуртуба амирлигидан 60 йил давомида тортиб олган ерларини бир неча йилда қайтарди. Мансур Қуртубадан етишиб чиққан сўнгги йирик давлат арбоби бўлиб қолди, унинг вафотидан бир неча йил ўтгач (1008) Қуртуба амирлиги таназзулга учради. Яна биров вақтдан сўнг (1031) амирлик бутунлай тугатилди.

Андалусияда бошбошдоқлик даври (1009 – 1031).

**Муҳаммад II, Маҳдий Абул Валид Муҳаммад ибн Ҳишом – Қуртуба амири (1009 ва 1010).**

Муҳаммад II, Ҳишом II тахтдан четлатилгач, давлат ҳукмдори бўлиб олди. У ҳукмдор бўлиши билан, барбар ва славян гвардиялари ўртасида душманлик бошланди. Бир неча ойдан кейин барбарлар давлат тўнтариши уюштириб тахтга Абдурраҳмон III нинг неваряси Ҳишомни чиқаришди. У ўлдирилгач, тахтга жияни Сулаймонни чиқарилди. Буни амалга ошириш мақсадида исёнчилар Кордовага ҳужум қилишди ва шаҳарни талашди. Сулаймон ҳукмдор бўлиб олди, Муҳаммад II эса Толедога қочди. Орадан кўп ўтмай Водиҳ бошлиқ славянлар Кордовани олди ва иттифоқчилари бўлмиш каталонияликлар билан шаҳарни талон-торож қилди. Тахтга Муҳаммад II қайтарилиб, у яна қисқа муддат ҳукм сурди. Лекин ҳеч қанча ўтмай славянлар Муҳаммадни ёқтирмай ўлдириб юборишди.

**Сулаймон, Абу Айюб Сулаймон ибн Ҳакам – Қуртуба амири (1009 – 1010, 1013 – 1016).**

Сулаймон икки марта тахтга чиқарилди. Биринчи марта қисқа муддат ҳукмронлик қилди. 1013 йили барбарлар Кордовани олиб яна талон-торож этишди, тахтга Сулаймонни ўтқозишди. Унинг ҳукми Кордова атрофидаги ҳудуддан нарига ўтмади, кўплаб маҳаллий амирлар ўзларини мустақил деб эълон қилди. Шунда Танжер ва Сеутани бошқараётган Али ибн Ҳаммуд Носир тахтга даъво қилиб ҳаракат бошлади. 1016 йили славян гвардиячилари ёрдамида Кордовани эгаллади, Сулаймонни ўлдирди ва ўзини ҳукмдор деб эълон қилди.

**Али Носир ибн Ҳаммуд – Қуртуба амири (1016 – 1018).** Али Носир 1013 йили Сулаймон томонидан Сеута амири этиб тайинланди. У биров вақтдан сўнг Қуртуба амирлигида рўй бераётган бошбошдоқликдан фойдаланиб қўшни Танжерни эгаллади, Пиреней яриморалига ўтиб Алхесирес ва Малагани босиб олди. Шундан сўнг Кордовага юриш қилди, уни 1016 йил 1 июлда эгаллади.



Сулаймонни аввал ҳибсга олди, сўнг қатл эттирди. Дастлаб Али Носирнинг омма орасидаги мавқеи яхши эди, лекин кутилмаганда обрўси тушиб кетди ва 1018 йил 22 март куни Кордовани қўлга киритган Абдурраҳмон IV тарафдорлари томонидан ўлдирилди.

**Абдурраҳмон IV** – Қуртуба амири (1018). Унинг тарафдорлари Кордовани олиб Али Носирни ўлдиришда ва Абдурраҳмон IV ни тахтга чиқаришди. Тарафкашлари орасида Алмерия амири Ҳайрон ва Сарагоса амири Мунзирлар бор эди. Лекин Абдурраҳмон IV ўша йилиёқ Ҳайрон одамлари томонидан ўлдирилди.

**Қосим Маъмун** – Қуртуба амири (1018 – 1021, 1022 – 1023), ҳаммудийлар сулоласи вакили. Қосим 1018 йили, Абдурраҳмон IV ўлдирилгандан сўнг, қўшинини олиб Кордовага юриш қилди ва қаршиликсиз шаҳарни қўлга киритди. Кордовада икки йилдан ошиқроқ ҳукмронлик қилди, кейин ўз жияни Яҳё Муъталий томонидан қувилди. 1022 йили Қосим бироз муддат ҳокимиятни қайтариб олди, лекин кейинги йили ўзининг барбар бўлинмалари билан Кордовадан бутунлай ҳайдалди. Орадан кўп ўтмай қўлга олинди ва жияни томонидан ўлдирилди.

**Яҳё Муъталий** – Қуртуба амири (1021 – 1022, 1025 – 1027), ҳаммудийлар сулоласи вакили.

Яҳё 1016 йили ўз отаси томонидан Сеута амири этиб тайинланганди, 1018 йили унинг ўлиmidан сўнг амакиси Қосим Маъмунга бўйсунушдан бош тортди. Яҳё жуда қисқа вақтда барбарлардан қўшин тўплаб Малагани олди ва Кордовага юриш бошлади. Қосим Маъмун ўзига Севильяда бошпана топиб шаҳарни ташлаб кетди. Яҳё Муъталий Қосим Маъмун тахтни қайтариб олгунча – бир йилга яқин ҳукмдорлик қилди. 1023 йили Яҳё Кордовадан қувилиб, унинг ўрнига Абдурраҳмон V тахтга чиқарилди. Яҳё Малагада мустаҳкам ўрнашиб олди ва 1025 йили янги қўшин тўплаб Кордовага юриш қилди. Муҳаммад III бундан хабар топиб Сарагосага қочди. Унинг йўқлигида Кордова зодагонлари давлат кенгашини тузишди ва 6 ой мобайнида Яҳёни Кордовага келишга ундашди. Яҳё 1025 йил 9 ноябрда Кордовага кирди ва у ерда бир неча кун бўлгач ўрнига вазир Абу Жаъфар Аҳмад ибн Мусони қолдириб хавфсизроқ Малагана кетди. Кўп ўтмай шаҳарда ғалаёнлар бошланди ва 1026 йил июнда вазир Кордовадан қувиб юборилди. 1027 йил Ҳишом III ни тахтга чиқаргунларича, у ерда анархия ҳукм сурди. Яҳё Муъталий Кордовадан буткул қувилгач Малага тоифасига асос солди ва вафотига қадар бошқарди (1035).

**Абдурраҳмон V (1001 – 1024)** – Қуртуба амири (1023 – 1024). 7 йил (1023 йил декабрь – 1024 йил январь) ҳукмронлик қилди, бироқ оломон томонидан ўлдирилди. Амалда ҳеч қандай қудратга эга бўлмади, унинг ҳукмронлик даврида Севильяда аббодийлар мустақил тоифа тузди. Абдурраҳмон V душмани юборган оломон томонидан қалтаклаб ўлдирилди. Уни қўллаб-қувватлаётган Кордовадаги барча барбарлар ҳам ўлдирилди. Ўрнига Муҳаммад III ўтказилди.

**Муҳаммад III (976 – 1025)** – Қуртуба амири (1024 – 1025). 1024 йили, Абдурраҳмон V ўлдирилгандан сўнг, тахтга чиқди, ўзи ҳам 1025 йили тахтдан ағдарилиб ўлдирилди.

**Ҳишом III (976 – 1036)** – Қуртуба амири (1027 – 1031). Абдурраҳмон IV нинг укаси. У Кордова зодагонлари ва вилоятлар амирлари ўртасида олиб борилган узоқ музокаралардан сўнг тахтга чиққан. Кордовага фақатгина 1029 йили кўчиб келди. Шаҳар унгача ҳаммушайидларнинг барбар қўшинлари томонидан эгаллаб турилди.

Ҳишом III даврида давлат ишларини, асосан, олдинлари тикувчи бўлган вазир Ҳакам ибн Саид бошқарди. Ҳакам солиқларни оширгани учун аҳоли нафратига учради, ҳаттоки масжидларга солиқ белишга уринди. Бу эса аҳолининг барча қатламлари орасида норозиликни келтириб чиқарди. 1031 йили Андалусия умавийлари сулоласига мансуб Умайя номли киши бошчилигидаги аскарлар вазир Ҳакамни ўлдиришди ва Ҳишом III ни тахтдан воз кечишга мажбур қилишди. Бироқ Умайя ҳам тахтга чиқарилмади. Шаҳар кенгаши аъзолари Умайяга Кордовани тарк этишни маслаҳат беришди ва Қуртуба умавийлар давлати тугатилганини эълон қилинди. Энди Кордова зодагонлар бошқарувидаги республикага айланди. Бу вақтда Андалусияда ягона давлат мавжуд бўлмаган, мамлакат 30 дан ортиқ майда амирликларга бўлиниб кетганди.

**Андалусияда Мулук ат-тавойиф (бошбошдоқлик) даври (1031 – 1086).**

Ҳишом III дан сўнг Андалусиядаги ҳар бир вилоят ўзини мустақил деб эълон қила бошлади. Жумладан, Қуртубада тузилган жумҳурият (республика) 50 йил фаолият кўрсатди (1031 – 1081). Андалусия умавийларидан кейинги давр «тоифа» (бошбошдоқлик) даври деб аталади. XI аср охиригача бундай майда давлатлар сони 23 тага кўпайган. Улардан энг муҳимлари: Қуртуба ва Севилья (аввал жумҳурият бошқаруви, кейинроқ монархия тузуми), Ҳаммудийлар бошқарувидаги Малага, Гранада, Алмерия, Ўрта ер денгизидаги корсарларга тегишли ва Италия соҳилларидаги худудларга мунтазам ҳу-

жум қилиб турган Дения ва Балеар ороллари амирлиги, Худийлар бошқарувидаги Сарагоса, Толедо ва Бадахос. Амир унвонини славян ва барбар ҳарбий раҳбарлар биринчи бўлиб ўзларига олишди. Славяндар шарқий ҳудудлар (Алмерия, Дения ва б.), барбарлар жанубий ва ғарбий ҳудудлар (Малага, Гранада, Бадахос, Толедо) устидан назорат ўрнатди. Тоифа амирлари ўзаро тинимсиз уруш олиб боришарди. Дения ва Бадахос ички урушлардан сақланиб турса-да, Гранада, Малага ва Севилья орасидаги ихтилофларга бефарқ эмасди. Бу уч тоифа Испанияни бирлаштириш ва халифаликка даъвогар эди. XI аср ўрталарида тўртала давлат ҳам ўзини халифалик деб атарди.

Тез орада устунлик Севилья амирлиги томонида эканлиги ойдинлашиб қолди. 1023 йили бу шаҳар ва унга ёндош ҳудудлар жумҳурият деб эълон қилинди. Аббодийлар уруғига мансуб Қози Абулқосим Муҳаммад жумҳурият ҳукмдори бўлди. У аввал Севильяда ҳокимиятни мустаҳкамлади, сўнг бутун Андалусияни бирлаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Энг асосий рақиб сифатида Малага ва Гранада амирларини кўрарди. Абулқосим ҳокимиятни эгаллаш мақсадида умавийлар шиорини кўтариб чиқди, бунинг учун Ҳишом III га жуда ўхшаш Калатрадан бир дурадгорни танлаб олди ва Ҳишом III ҳозир Севильяда бўлиб Абулқосимнинг бош вазир этиб тайинлагани ҳақида миш-миш тарқатди. Бу хийла ўз самарасини берди, Кармона, Валенсия, Дения ва Тортоса, ҳаттоки Қуртуба жумҳурияти ҳам сохта халифани тан олди. Бу давлатларнинг мададига таянган Абулқосим Малага амири барбарлар етакчиси Яҳёга қарши ҳаракат бошлади. Абулқосим уни мағлуб этди ва Гранадага уруш бошлади.

1042 йили, Абулқосим вафотидан сўнг, унинг ўғли Аббод (ал-Муътадид) отаси бошлаган ишни охирига етказиш учун Гранада ва бошқа амирликлар билан тинимсиз уруш олиб борди. Мертула (Португалия), Ньебла, Санта-Мария де Алгарве, Ронда, Морон, Аркос, Херес ва Алхесирес каби шаҳарларни эгаллади, Бадахос амирлигини буткул синдирди. Натижада аббодийлар 1058 йилга келиб Андалусиянинг ғарбий қисмини тўла эгаллаб, шарқдаги Валенсия ва Дения билан иттифоқ ўрнатишди.

Тинимсиз ички урушлар мусулмонларга қулай вақт келиши билан ҳужум уюштириб турган испанларга қарши курашишга имкон бермасди. Оқибатда кўпчилик тоифа амирлари ўзини Леон ва Кастилия қироллигининг вассали деб тан олди ва ҳар йили ўлпон тўлашга рози бўлди. Севилья амири ҳам худди шундай йўл тутди.

Ал-Муътадид тоифа амирларига қарши муваффақиятларидан сўнг сохта халифадан қутулиш вақти келганини пайқади. Ҳишом III ўлганини ва ўлимидан аввал ҳокимиятни ўзига васият қилганини эълон қилди. 1069 йили тахтга ўтирган Ал-Муътадиднинг ўғли Ал-Муътамид Мурсия амирлигини ва Толедо амири ҳам даъво қилаётган Қуртуба амирлигини таслим этиб Севилья амирлиги мавқеини мустаҳкамлади. Шу тариқа Алмерия, Толедо, Гранада, Малага ва Бадахос ҳамда анча майда амирликлар, шунингдек, шимол ва шарқдаги (Сарагоса, Албаррасин, Валенсия, Дения, Алпуэнте) амирликлардан бошқа барча ҳудудлар Севильядаги аббодийлар сулоласи қўл остида тўпланди. Ал-Муътамид санъат ва адабиёт ҳомийси сифатида Андалусиянинг маънавий ривожланишига жуда катта ҳисса қўшди. У Севильяни Андалусиянинг маданий марказига айлантирди.

т/р	тоифалар	ҳукмронлик муддати	тоифадан сўнг
1.	Албаррасин	1011 – 1104	Муробитлар давлати таркибида (1104)
2.	Алхесирас	1035 – 1058	Севилья таркибида (1058)
3.	Алмерия	1011 – 1091 1145 – 1147	Муробитлар давлати таркибида (1091 – 1145) Кастилия қироллиги таркибида (1147) Муваҳҳидлар давлати таркибида (1147)
4.	Алпуэнте	1009 – 1106	Муробитлар давлати таркибида (1106)
5.	Аркас	1001 – 1091	Муробитлар давлати таркибида (1091 – 1143) 1143 йилдан Муваҳҳидлар давлати таркибида
6.	Бадахос	1009 – 1094 1145 – 1150	Муробитлар давлати таркибида (1094 – 1145) Муваҳҳидлар давлати таркибида (1150)
7.	Баэса	1224 – 1226	Кастилия қироллиги таркибида (1226)

8.	Балеар ороллари, шунингдек, Майорка	1076 – 1116	Муробитлар давлати таркибида (1116)
9.	Бежа ва Эвора	1114 – 1150	Муваҳҳидлар давлати таркибида (1150)
10.	Кармона	1013 – 1091	Муробитлар давлати таркибида (1091)
11.	Сеута	1084 – 1147	Муробитлар давлати таркибида (1147)
12.	Константина ва Хорначэ-улос	–	–
13.	Қуртуба жумҳурияти	1031 – 1091	Севилья таркибида (1091)
14.	Дения	1010/1012 – 1076 1224 – 1227	Сарагоса таркибида (1076) Муваҳҳидлар давлати таркибида (1227)
15.	Гранада	1013 – 1090 1232 – 1492 1492 1568 – 1571	Муробитлар давлати таркибида (1090 – 1145) Муваҳҳидлар давлати таркибида (1145 – 1232) Мустақил Гранада амирлиги Испания истилоси Алпуррас қўзғолонидан сўнг вақтинчалик мустақил амирлик
16.	Гуадих ва Баса	1145 – 1151	Мурсия (1151)
17.	Хаэн	1145 – 1159	Мурсия таркибида (1159 – 1168) Муваҳҳидлар давлати таркибида (1168 й)
18.	Херика	–	–
19.	Лиссабон	1022 – ?	Бадахос
20.	Лорка	1051 – 1091 1240 – 1265	Муробитлар давлати таркибида (1091 – 1240) 1265 йилдан Кастилия таркибида
21.	Малага	1026 – 57/58 1073 – 1090 1145 – 1153	Гранада таркибида (1057/58 – 1073) Муробитлар давлати таркибида (1090 – 1145) Муваҳҳидлар давлати таркибида (1153)
22.	Менорка	1228 – 1287	Арагон таркибида (1287)

23.	Мертола	1033 – 1091 1144 – 1145 1146 – 1151	Муробитлар давлати таркибида (1091 – 1144) Бадахос таркибида (1145 – 1146) Муваҳҳидлар давлати таркибида (1151)
24.	Молина	? – 1100	Арагон таркибида (1100)
25.	Морон	1013 – 1066	Севилья таркибида (1066)
26.	Мурсия	1011/1012 – 1065 1065 – 1078 1145 1147 – 1172 1228 – 1266	Валенсия таркибида (1065) Севилья таркибида (1078 – 1145) Валенсия таркибида (1145 – 1147) Муваҳҳидлар давлати таркибида (1172 – 1228) Кастилия таркибида (1266 йилдан)
27.	Мурвьердо ва Сагунто	1086 – 1092	Муробитлар давлати таркибида (1092)
28.	Ньебла	1023/1024 – 1091 1145 – 1150 1234 – 1262	Севилья таркибида (1091 – 1145) Муваҳҳидлар давлати таркибида (1150 – 1234) Кастилия таркибида (1262 йилдан)
29.	Орихуэла	1239/1240 – 1249/1250	Мурсия ёки Кастилия таркибида (1249/1250 йилдан)
30.	Пурхена	–	–
31.	Ронда	1039/1040 – 1065	Севилья таркибида (1065 – 1145) Муробитлар давлати таркибида (1145)
32.	Салтес ва Уэлва	1012/1013 – 1051/1053	Севилья таркибида (1052/1053)
33.	Санта Мария дель Алгарви	1018 – 1051	Севилья таркибида (1051/52)
34.	Сантарен	? – 1147	Португалия таркибида (1147)
35.	Сегорви	–	–
36.	Сегура	1147 – ?	–
37.	Севилья	1023 – 1091	Муробитлар давлати таркибида (1091)
38.	Сильвес	1040 – 1063 1063 – 1144	Севилья таркибида (1063) Муваҳҳидлар давлати таркибида (1155)
39.	Тавира	–	–
40.	Техада	1145 – 1050	Муваҳҳидлар давлати таркибида (1150)

41.	Толедо	1010/1031 – 1085	Кастилия таркибида (1085)
42.	Тортоса	1039 – 1060 1081/1082 – 1092	Сарагоса таркибида (1060 – 1081) Дения таркибида (1092)
43.	Валенсия	1010/1011 – 1094 1145 – 1172 1228/1229 – 1238	Алсида (Кастилия вассали) – 1046 – 1145 Мувахҳидлар давлати таркибида (1172 – 1228) Арагон (1238)
44.	Сарагоса	1018 – 1046 1046 – 1110	Бану Тужиб, сўнгра Бану Худ Муробитлар давлати таркибида (1110 – 1118) Арагон таркибида (1118)

**«Мулук ат-тавоиф» – Жанубий Испания,  
Сеута ва Балеар оролларида**

**1. Малагадаги ҳаммудийлар (1014/1015 – 1056)**

т/р	хукмдорлар	хукмронлик йиллари
1.	Али Носир	1014 – 1017
2.	Қосим I Маъмун	1017 – 1021
3.	Яҳё I Муъталий	1021 – 1022
	Қосим I Маъмун	1022 – 1026
	Яҳё I Муъталий	1026 – 1036
4.	Идрис I Мутааййид	1036 – 1039
5.	Яҳё II Қоим	1039 – 1040
6.	Ҳасан Мустансир	1040 – 1043
7.	Идрис II Али	1043 – 1046
8.	Муҳаммад I Маҳдий	1046 – 1052
9.	Идрис III Муваффақ	1052 – 1053
	Идрис II Али	1053 – ?
10.	Муҳаммад III Мустаълий	? – 1056

1056 йили ҳаммудийларнинг Малагадаги катта уруғи мулклари Гранада зирийлари, Алхесирасдаги кичик уруғ мулклари 1054 ёки 1059 йили Севилья аббодийлари томонидан эгалланди.

## 2. Сеутадаги ҳаммудийлар (1010 – 1061)

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Али Носир	1010 – 1017
2.	Қосим I Маъмун	1017 – 1021
3.	Яҳё I Муъталий	1021 – 1036
4.	Идрис I Мутаайид	1035 – 1039
5.	Яҳё II Қоим	1039 – 1040
6.	Ҳасан Мустансир	1040 – 1050
7.	Идрис II Али	1050 – 1061

## 3. Севильядаги аббодийлар

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Муҳаммад I ибн Аббод	1023 – 1042
2.	Аббод Муътадид	1042 – 1069
3.	Муҳаммад II Муътамид	

1091 йили Муробитлар давлати таркибига киритилган.

## 4. Кармондаги бану бирзал

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Бирзалий	1023 – 1043
2.	Исҳоқ ибн Муҳаммад	1043 – 1052
3.	Азиз Мустазҳир	1052 – 1067

1067 йили аббодийлар тоифасига қўшиб юборилган.

## 5. Аркосдаги бану ҳазрун

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Муҳаммад ибн Ҳазрун	1012 – ?
2.	Абдун ибн Ҳазрун	?
3.	Муҳаммад ибн Абдун	1056 – 1066

1066 йили аббодийлар тоифасига қўшиб юборилган.



## 6. Гранададаги зирийлар

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Зовий ибн Зирий	1013 – 1019
2.	Ҳаббус ибн Максан	1019 – 1038
3.	Бадис Музаффар Носир	1038 – 1073
4.	Абдуллоҳ ибн Булуггин ибн Бадис ва Тамим ибн Булуггин (бирга)	1073 – 1090

1090 йили Муробитлар давлати таркибига қўшиб юборилган.

## 7. Алмериядаги бану сумодиҳ

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Хайрон Сақлабий	1013 – 1028
2.	Зухайр Сақлабий	1028 – 1038
3.	Абдулазиз Мансур	1038 – 1042
4.	Маъон ибн Муҳаммад ибн Сумодиҳ	1042 – 1051
5.	Аҳмад Муъизуддавла	1051 – 1091

1091 йили Муробитлар давлати таркибига қўшиб юборилган.

## 8. Дения ва Майоркадаги бану мужоҳид

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Мужоҳид Муваффақ	1012 – 1045
2.	Али Иқболуддавла	1045 – 1076

1076 йили ҳудийлар тоифасига қўшиб юборилган.

## 9. Майорка ҳукмдорлари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Дения ҳукмдорлари	1015 – 1076
2.	Абдуллоҳ Муртазо	1076 – 1093
3.	Мубашшир Носируддавла	1093 – 1114

1014 йили Муробитлар давлати таркибига қўшиб юборилган.

### 10. Кордовадаги жаҳварийлар

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Жаҳвар ибн Муҳаммад	1031 – 1043
2.	Муҳаммад Рашид	1043 – 1058
3.	Абдулмалик	1058 – 1069

1069 аббодийлар тоифасига қўшиб юборилган.

### 11. Бадахосдаги афтосийлар

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Сабур Сақлабий	1012 – 1022
2.	Абдуллоҳ Мансур	1022 – 1045
3.	Муҳаммад Музаффар	1045 – 1068
4.	Яҳё ибн Муҳаммад	1068
5.	Умар Мутаваккил	1068 – 1094

1094 йили Муробитлар давлати таркибига киритилган.

### 12. Толедодаги зуннунийлар

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Яъиш ибн Муҳаммад	1012 – 1018
2.	Исмоил ибн Зуннун	1018 – 1043
3.	Яҳё I Маъмун	1043 – 1075
4.	Яҳё II Қодир	1075 – 1080

1080 йили Афтосий Умар Мутаваккил томонидан эгалланди.

	Яҳё Қодир	1081 – 1085
--	-----------	-------------

1085 йили Леон ва Кастилия қироли Альфонс VI Толедони истило қилди.

### 13. Валенсиядаги амирийлар

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Муборак Сақлабий ва Музаффар Сақлабий (бирга)	1010/1011 – 1017/1018

2.	Лабиб Сақлабий	1017/1018 – 1020/1021
3.	Абдулазиз Мансур	1020/1021 – 1060
4.	Абдулмалик Музаффар	1060 – 1065

1065 – 1076 йилларда зуннуийлар тоифаси таркибида.

5.	Абу Бакр Мансур	1076 – 1085
6.	Усмон Қозий	1085

1085 – 1092 йилларда Альфонсо VI ўрнатган зуннуий Яҳё Қодир ҳукмронлиги.

1094 – 1099 йилларда Валенсия Сид томонидан эгалланди.

1102 йили мурабитлар Валенсияни эгаллашди.

#### 14. Сарагосадаги тужибийлар

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Мунзир I Тужибий	1010 – 1023
2.	Яҳё Музаффар	1023 – 1029
3.	Мунзир II Муизуддавла	1029 – 1039
4.	Абдуллоҳ Музаффар	1039 – 1040

1040 ҳудийлар назоратига ўтди.

#### 15. Сарагоса, Уэск, Тудела, Лерида, кейинроқ Дения, Тортоса ва Калатаюддаги ҳудийлар

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Сулаймон Мустаъин	1040 – 1047
2.	Сулаймон Тожуддавал	1047 – 1048
3.	Муҳаммад Аълоуддавла (Калатаюд)	1047 – 1048
4.	Мунзир ибн Сулаймон (Тудела)	1047 – 1050
5.	Аҳмад I Муқтадир	1049 – 1082
6.	Юсуф Муътамин	1081
7.	Мунзир Имодуддавла (Дения ва Тортоса)	1081 – 1090
8.	Аҳмад II Сайфуддавла Мустаин	1083 – 1090
9.	Сулаймон Мунзир (Дения, сўнг Тортоса)	1090 – 1099
10.	Абдулмалик Имодуддавла (Руэнда)	1110

1110 йили Сарагоса Муробитлар давлати таркибига киритилди.

1118 йили испанлар Сарагосани босиб олишди.

1130 – 1146 йилларда Аҳмад III Сайфуддавла (Руэнда, кейинчалик Марказий Испания).

1146 йили ҳудийларнинг Марказий Испаниядаги мулклари Альфонс I Эльбаталладор ва Рамиро II Арагонский томонидан истило қилинди.

## 16. Мурсия ҳукмдорлари – тоҳирийлар ва ҳудийлар

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Ҳайрон Сақлабий (Алмерия)	1012/1013 – 1028
2.	Зухайр Сақлабий (Алмерия)	1028 – 1038
3.	Абдулазиз Мансур (Валенсия)	1038 – 1045
4.	Мужоҳид Амирий (Дения)	1045 – 1049
5.	Аҳмад Абу Бакр ибн Тоҳир	1049 – 1063
6.	Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Тоҳир	1063 – 1078

1078 – 1091 йилларда аббодийлар номидан Севильяда ҳукмронлик қилишган.

1091 йили Муробитлар давлати таркибига қўшиб юборилган.

7.	Аҳмад Абу Жаъфар	1096 – 1097
----	------------------	-------------

**Муробитлар давлати таназзулидан сўнг вужудга келган тоифалар**

## 17. Муробитлар ва Муваҳҳидлар ҳукмронлиги оралигидаги Кордова ҳукмдорлари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Ҳамдин Мансур	1144 – 1145
2.	Аҳмад III Сайфуддавла	1145 – 1146
	Ҳамдин Мансур	1146
3.	Яҳё ибн Ғония	1146 – 1148

1148 йили Муваҳҳидлар давлати таркибига қўшиб юборилди.

## 18. Муробитлар ва муваҳхидлар ҳукмронлиги оралиғидаги Валенсия ҳукмдорлари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Мансур ибн Абдуллоҳ Қозий	1144 – 1147
2.	Абу Абдуллоҳ Муҳаммад	1147 – 1172
3.	Ҳилол ибн Муҳаммад	1172

1172 йили Ҳилол ибн Муҳаммад муваҳхидлар ҳукмронлигини тан олди.

**Муваҳхидлар давлати таназзулидан сўнг вужудга келган тоифалар**

### 1. Валенсия: Муҳаммад Мутаваакил (1228 – 1238).

1238 йили Валенсияни испанлар босиб олди.

**Бану ғония (1126 – 1203)** – Балеар оролларида ҳукмронлик қилган барбарлар сулоласи. Муваҳхидлар билан Мағриб шарқида уруш олиб боришган. Муваҳхидлар сулола ҳукмронлигига барҳам берган.

### Муробитларга тобе бану ғония ҳукмдорлари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Муҳаммад ибн Ғония	1126 – 1155
2.	Абдуллоҳ ибн Муҳаммад	1155
3.	Абу Иброҳим Исҳоқ	1155 – 1183

### Муваҳхидларга тобе ҳукмдорлар

4.	Муҳаммад ибн Исҳоқ	1183 – 1184
5.	Али ибн Исҳоқ	1184 – 1187
6.	Абдуллоҳ ибн Исҳоқ	1187 – 1203

1203 йили Балеар оролларини муваҳхидлар эгаллади.

1230/1231 йили Майоркани Арагон қироллиги истило қилди.

**Андалусия Муробитлар давлати таркибида (1086 – 1145).** XI асрнинг сўнги чорагида фақиҳ Абдуллоҳ бошчилигида барбарлар

орасида янги ҳаракат пайдо бўлди. Бу оқим аъзолари ўзини «муробитлар» деб атай бошлади. XI аср охиригача муробитлар Сенегалдан Жазоиргача бўлган ҳудудда улкан империя ташкил этишди. Тоифа амирлари бир неча бор муробитлардан испанларга қарши урушда ёрдам сўрашди. Муътаמיד вазиятни юқори баҳолади, унинг ўғли Арромид муробитларнинг Андалусияга кириши Испания учун оғир оқибатларга олиб келишини айтганда: «Гапларинг тўғри, лекин мендан кейингилар Андалусиянинг бой берилишига сабабчи бўлганим учун лаънатлашларини истамайман», – деди. Гранада, Бадахос, Севилья ва Қуртуба амирлари бирлашиб муробитлар ҳукмдори Юсуф ибн Тошфин ҳузурига элчи жўнатди. Элчилар Юсуф билан кўришиб ундан Испанияга қўшин билан кириш ва андалусиялик амирлар ҳудудини бузмасликка ваъда беришини сўрашди. Юсуф ваъда берди, бироқ бунинг эвазига Алхесирас қалъаси топширилишини талаб қилди. Элчилар амирлари розилигисиз бундай қилолмасликларини айтишди. Юсуф элчиларга тайинли жавоб қайтармай уларни қўйиб юборди.

Бироз вақт ўтгач Юсуф Алхесирасга келди, сўнг Севильяга йўл олди. Ўша ерда унга Гранада, Алмерия ва Малага амирлари қўшилди. Муробит-андалус бирлашган қўшинига кўмондон бўлган Юсуф Бадахосга борди, у ерда бирлашган қўшинга бадахосликлар ҳам қўшилди. Бадахосдан унча узоқ бўлмаган жойда – Заллоқада Юсуф Леон қироли Альфонс VI қўшини билан учрашди.

Ҳал қилувчи жангда (1086 йил октябрь) испанлар қақшатқич ғарбга учради. Лекин мусулмонлар бу ғалабадан фойдалана олишмади. Юсуф ўғлининг вафот этгани ҳақидаги хабарни эшитгач Андалусияга 3 минг кишилик қўшинни ташлаб ўзи Африкага қайтди. Испанлар Заллоқадаги оғир мағлубиятдан сўнг жангдан олдин босиб олинган Валенсияга кўчишга ва Сарагоса қамалини тўхтатишга улгуришганди. Леон ва Кастилия қиролига ўлпон тўлайдиган тоифа амирлари бундан сўнг ўлпон тўлашдан қутулишди. Испанлар Мурсия ва Лорка оралиғидаги Аледо қалъасига жойлашиб, мусулмонлар қўлидаги Алмерияга босқин уюштириб туришди. Ал-Муътаמיד ўз қўшини ва Юсуф қолдириб кетган қўшин билан Аледони олишга уриниб кўрди, бироқ барча ҳаракатлар чиппака чиқди. Шунда улар яна муробитлар ҳақида ўйлай бошлашди. Бу сафар таклиф омма ўртасида яхши кутиб олинди. Заллоқадаги ғалаба Юсуфга катта обрў келтирганди. Аледони ўз кучлари билан қўлга киритолмаганларидан сўнг тоифа амирлари

четдан ёрдам сўрашга мажбур бўлиб қолишганди. Севилья амири Юсуфни ёрдамга чақирганда, у 1090 йил баҳорида Испанияга ўтди ва кучли қўшини билан Аледони қамал қилди. Кастилияликлар ёрдамга шошилди, Юсуф жангга киришмай чекинди. Бироқ қамалда вайрон бўлган учун, Альфонс VI қалъага ўт қўйиб ташлаб кетди.

Андалусиядаги баъзи гуруҳлар Юсуф ҳокимиятини тан олишга тайёр эди. Бироқ маҳаллий амирлар нима қилиб бўлса ҳам майда давлатларини сақлаб қолиш учун Юсуфнинг тезроқ кетишини исташарди. Халқ кучли давлат ёрдамидагина тинчлик ва фаровонликка эришиш мумкинлигини англаб етганди. Айниқса, фақиҳлар катта жонбозлик кўрсатди. Улар Юсуфга амирликларни тугатишни маслаҳат берарди. Бундан хабар топган амирлар фақиҳларни жазолашди. Бироқ мазкур чоралар воқеалар ривожига таъсир кўрсатмади. Юсуф ўзига бўйсунмаган амирларни мағлуб этиб ўзини Андалусия ҳукмдори деб эълон қилди (1090 – 1091). Сарагоса амиригина Юсуфни олий ҳукмдор деб тан олиши эвазига тахтда қолди, лекин орадан бир неча йил ўтгач Юсуфнинг вориси Али бу шаҳарни қўлга киритди. Шундай қилиб, Андалусия бирлаштирилди. 1111 йилга келиб Руэдадан бошқа мусулмонлар Испаниясининг барча ҳудудида муробитлар ҳукмронлиги ўрнатилди.

Муробитлар ҳукмронлигининг дастлабки йиллари мусулмонлар учун ғоят баракали бўлди. Солиқлар туширилди, нон ва бошқа энг зарур истеъмол моллари арзон баҳоларда сотилди. Мамлакатда тинчлик ҳукм сурди.

Юсуфнинг ворислари Али (1106 – 1143) ва Тошуфин (1143 – 1145) даврларида мусулмонлар бой берган ҳудудларни қайтариб олиш учун курашлар тўхтамаган бўлса-да, Аледо, Валенсия ва бошқа муҳим бўлмаган ҳудудлардан бошқа жойлар қўлга киритилмади. Толедо кастилияликлар қўлида қолган эса, 1118 йили Сарагосани арагонликлар босиб олди. Тоифа амирларини қулатиб уларнинг бойликларини қўлга киритган муробитлар ўлжаларни тўғри сарфлай олишмади ва катта исрофгарчиликларга йўл қўйишди. Алининг ҳукмрон йилларида давлат ишларини хотинларидан бири бошқарарди, у ўз хоҳишича лавозимларни сотиш (коррупция) билан шуғулланган.

Ҳеч вақоси қолмагунча шилинган халқ ҳукмдорни қулатиш ва зодагонларга қарши исён кўтаришга уринди. Халқ хавфсизлигини таъминлаш ҳақида давлат ҳеч қандай чоралар кўрмади, шаҳар ва

қишлоқларда қароқчилик авж олди, савдо-сотик фалажланди, озиқ-овқат маҳсулотлари нархи тинмай ўсди. Бундай шароитда Муробитлар давлатининг Африка қисмида кўзғолон кўтарилиб, давлат ҳалокат ёқасига келиб қолди.

Атлас тоғларида яшовчи араблар исён кўтаришди. Кўзғолончилар ўзларини «мувахҳидлар» деб номлашганди. Улар 1125 йили муробитларга ҳужум қилиб давлатнинг Африкадаги ерларига эга бўлиш учун ҳаракат бошлашди. Худди шу пайтда ўз ҳукмдорларидан норози андалусияликлар Мертола, Қуртуба, Валенсия, Мурсида ва бошқа жойларда кўзғолон кўтаришди. Тоифа амирларини йиқитиш пайтидаги шижоатлари билан энди улар муробитлар ҳукмронлигини ағдаришга киришишди. Бу мақсадга етишиш учун, Муътаид даврида бўлгани каби, Кастилияга ўлпон тўлашга ҳам рози эдилар. Алгарва, Қуртуба, Мурсия ва Валенсияда ўзича мустақил амирликлар тузилди. Ўша замон тарихчисининг айтишича, «иккинчи тоифа даври» бошланди.

**Андалусия Мувахҳидлар давлати таркибида (1145 – 1212).** Мувахҳидлар Муробитлар давлати ичида вужудга келган нотинч вазиятдан фойдаланишга киришишди. Африкада муробитлар ҳукмронлигини тугатган мувахҳидлар Бадахос амири илтимоси билан Андалусияга йўл олди. Улар аввал Тарифа, сўнг Алхесирас, Гибралтар, Херес, Севилья ва Жанубий Испаниядаги бошқа шаҳарларни ишғол этди. Португалия, Эстремадура ва Жанубий Андалусиянинг деярли барча амирлари 1150 йили мувахҳидларга бўйсунди. Леванта давлати кейинроқ (1172) эгалланса-да, мувахҳидлар яриморолнинг мусулмонлар қўлида бўлган барча ҳудудида ҳукмронлик ўрнатишган.

Янги фотиҳлар тез орада мусулмон ерларига босқинларини тўхтатмаётган Кастилия ва Арагон билан урушга кирди. Мувахҳидлар Бадахос яқинидаги Атаркинесда, Сантаремедда ва бошқа жойларда ғалаба қозонди. Лекин Эвора ва Куэнку каби бир қанча қалъалар бой берилди, Сьюдад Родриго, Сильвас ва бошқа жойларда мағлубиятга учрашди.

Ўз кучига ва бошқа қиролликлар кучига суянган Альфонс VII 1194 йили Африкада бўлган Мувахҳидлар давлати ҳукмдори Яъқубни жангга чақирди. 1195 йил Яъқуб мазкур чақириққа жавобан қўшин тўплаб Испанияга ўтди ва Бадахос вилоятига қарашли Аларкосда Альфонс VII ни тор-мор этди. Альфонс VII га бу сафар арагонликлар ҳам, бошқалар ҳам ёрдам бермади. Бу ғалаба туфайли Яъқуб Гва-



далахара, Мадрид ва Уклес каби шаҳарларни қўлга киритди. У 1198 йили Африкага қайтиб кетган.

1212 йили 16 июль куни бирлашган Леон, Кастилия, Наварра ва Арагон қўшини Лас-Навас де Толоса жангида мувахҳидларга қаттиқ зарба беришди. Бу Испанияда мусулмонлар ҳудудининг секин-аста испанлар қўлига ўтишини бошлаб берди.

1214 йили Мувахҳидлар давлатида ички низолар бошланди ва у давлатнинг қулаши билан яқунланди. 1224 – 1230 йилларда бир қатор мустақил амирликлар тузилди. Валенсияда 1228 йилгача давом этган қироллик юзага келди. 1228 йили Мурсияда 1240 йилгача мавжуд бўлган қироллик фаолият кўрсатди. 1230 йили Архонда яна бир қироллик тузилди. Унинг қироли Муҳаммад Абу Абдуллоҳ ал-Ҳамар 1232 йили Хаэнни олди, кейин уни Баса, Гадис ва Гранада ҳудудларида тан олишди. Муҳаммад 1238 йили Гранадада қароргоҳ тиклади. 1246 йили ал-Ҳамар кастилияликларга Хаэнни бой берди. 1248 йили эса ўз қўшини билан уларга Севилья ҳудудини ва бир қалъани эгаллашда ёрдам берди. Бу пайтда, Португалия жанубидаги кичик ҳудудни ҳисобга олмаганда, Испаниядаги мусулмонлар қўлида Гранада амирлигидан бошқа мулк қолмаганди.

## АНАТОЛИЯ

**Рум салжуқийлари (Кўня султонлиги, 1077 – 1307).** *Пойтахти – Никея (1077 – 1097), Кўня (1097 – 1307). Давлат тили – монархия. Давлат тили – турк тили.*

### Рум салжуқийлари (Кўня султонлиги)

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Сулаймон ибн Қутулмиш	1077 – 1086
2.	–*	1086 – 1092
3.	Қилич Арслон I	1092 – 1107
4.	Маликшоҳ	1107 – 1116

\* Сулаймон 1086 йили салжуқий султон Маликшоҳ I (1072 – 1092) қўшини билан юз берган жангда ҳалок бўлди. Унинг катта ўғли Қилич Арслон асирга олинди. Маликшоҳ вафот этгач, унинг ўрнини эгаллаган Барқийроқ 1092 йили Қилич Арслонни озод қилди ва унинг Анатолияга кетишига рухсат берди. Шу йиллар орасида – 1086 – 1092 йилларда Рум салжуқийлари тахти бўш турган.

5.	Масъуд I	1116 – 1156
6.	Қилич Арслон II	1156 – 1192
7.	Кайхусрав I	1192 – 1196
8.	Сулаймон II	1196 – 1204
9.	Қилич Арслон III	1204
	Кайхусрав I	1204 – 1210
10.	Кайковус I	1210 – 1219
11.	Кайқубод I	1219 – 1237
12.	Кайхусрав II**	1237 – 1246
13.	Кайковус II	1246 – 1248
14.	Кайковус II ва Қилич Арслон IV	1248 – 1249
15.	Кайковус II, Қилич Арслон IV ва Кайқубод II	1249 – 1257
16.	Қилич Арслон IV	1257 – 1265
17.	Кайхусрав III	1265 – 1282
18.	Масъуд II	1282 – 1284
19.	Кайқубод III	1284
	Масъуд II	1284 – 1293
	Кайқубод III	1293 – 1294
	Масъуд II	1294 – 1301
	Кайқубод III	1301 – 1305
	Масъуд II	1305
	Кайқубод III	1305 – 1307
20.	Масъуд III	1307

Кичик Осиёда ташкил топган Кўня султонлиги 1097 йили Константинополдан 100 км узоқликдаги пойтахт Никеяни салибчиларга бой берди. Султонлик биринчи салиб юриши давомида катта ҳудудидан айрилган бўлса-да, мустақил давлат сифатида сақланиб қолди.

1176 йили Қилич Арслон Мариокефалия жангида Византия қўшинини тор-мор этди. Бу ғалабадан сўнг Кўня султонлиги ҳудуди кенгая бошладди. Кичик Осиёдаги энг кучли донишмандийлар ҳам бўйсундирилди.

\*\* 1243 йили Рум салжуқийлари мўғуллардан енгилган ва 1243 – 1307 йилларда уларнинг вассали сифатида фаолият кўрсатган.

XIII аср бошида Қора денгиздаги Синопни эгаллашди. Ундан сўнг Трапезунд қарам бўлди.

Кайқубод 1222 йили Қримнинг Судок порт-шаҳрини қўлга киритди.

Арзирум ва Арзинжон ҳам эгалланди, бироқ Сурия ва Ироқни Арабга қилинган юриш айюбийлар томонидан бартараф этилди.

**Анатолиядаги турк бейликлари.** *Анатолиядаги турк бейликлари XI аср охирларида ташкил топган ва бейлар томонидан бошқариладиган унча катта бўлмаган турк давлатлари эди. Бейликлар, асосан, XIII аср иккинчи ярмида, Кўня султонлиги таназулга учраганидан сўнг, кўпайган.*

Византия 1071 йили Манцикерт жангида мағлуб бўлганидан сўнг, салжуқийлар бутун Анатолияни эгаллашганди. Маркази Кўня бўлган султонлик ташкил топган. Бейлар бошлиқ салжуқ қабилалари Кўня султонлигига тобе эканлигини эътироф этиб ҳозирги Туркия ҳудудига кўчиб келиб ўрнашди.

Шарқдан мўғулларнинг бостириб кириши султонлик анча заифлаштирди. Бу эса кўплаб бейликларнинг амалда марказий ҳокимиятга бўйсунмаслигига олиб келди.

### Манцикерт жангидан сўнг (1071) вужудга келган бейликлар

т/р	бейлик	пойтахти	ҳукмронлик йиллари
1.	Донишмандийлар	Сивас, Малатия	1071 – 1178
2.	Мингучоқлар	Арзинжон, Дивриги	1072 – 1243
3.	Чакабей	Смирна (Измир)	1081 – 1098
4.	Инал ўғиллари	Диёрбакр	1085 – 1183
5.	Дилмач ўғиллари	Битлис	1085 – 1192
6.	Солтуқийлар	Арзирум	1092 – 1202
7.	Ортуқийлар	Ҳисн Кайф	1098 – 1408
8.	Шоҳ арманийлар	Ҳлат (Аҳлат)	1100 – 1207

**Донишмандийлар (1071 – 1178)** – Шимолий Анатолияда ҳукмронлик қилган туркий сулола. Улар дастлаб Сивас атрофида жойлашишган. Кейинчалик Токат, Сис, Элбистон ва Никсор ишғол қилинди. Донишмандийлар ҳудуди ғарбда Анқара ва Кастамон, жанубда Малатиягача чўзилган. Сулола XII асрда Кўня султонлиги билан рақобатлашган, шунингдек, салибчиларга қарши курашишга ҳам мажбур бўлган.

## Донишмандийлар сулоласи ҳукмдорлари

### 1. Сивасдаги ҳукмдорлар

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Малик Донишманд Ғозий	1071 – 1084
2.	Ғозий Кумуштегин, Донишманд ўғли	1084 – 1134
3.	Муҳаммад <sup>*</sup> , Кумуштегин ўғли	1134 – 1142
4.	Зуннун Имодиддин, Муҳаммад ўғли	1142
5.	Яғибасан Низомиддин, Кумуштегин ўғли	1142 – 1164
6.	Ғозий Мужоҳид, Яғибасан ўғли	1164 – 1166
7.	Иброҳим Шамсиддин, Кумуштегин ўғли	1166
8.	Исмоил Шамсиддин, Иброҳим ўғли	1166 – 1168
	Зуннун Имодиддин, Муҳаммад ўғли	1168 – 1174

### 2. Малатиядаги ҳукмдорлар

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Айниддин, Кумуштегин ўғли	1142 – 1152
2.	Зулқарнайн, Кумуштегин ўғли	1152 – 1162
3.	Муҳаммад, Зулқарнайн ўғли	1162 – 1170
4.	Қосим, Зулқарнайн ўғли	1170 – 1172
5.	Афридун, Зулқарнайн ўғли	1172 – 1175
6.	Муҳаммад, Зулқарнайн ўғли	1175 – 1178

Сулола асосчиси – Малик Донишманд Ғозий. 1134 йили аббосий ҳукмдор Мустаршид донишмандийларга «малик» унвонини берди.

Донишмандийлар 1071 йилги Манцикерт жангида салжуқийлар ғалабасидан сўнг Анатолияда мустаҳкам ўрнашган.

Биринчи салиб юриши давомида Донишманд Ғозий салибчиларга рўбарў келди. 1097 йилги Дорилей жангида мағлуб бўлган Кўня султонлиги қўшини сафида эди, лекин 1100 йили Боуменд I ни асирга олишга эришди. Юришни давом эттириб жануб томон ҳаракатланди ва 1103 йили Малатияни ишғол қилди.

\* 1142 йили, Муҳаммад вафотидан сўнг, унинг укалари ўртасида тахт талашиш бошланиб, давлат иккига бўлиниб кетди.

1103 йили Антиохия князи Боуменд II Киликия арман давлатига ёрдам беришга уринди, бироқ Малик Ғозий билан бўлган жангда ўлдирилди. Малик Ғозий 1134 йили вафот этди, унинг ўғли Муҳаммад отаси ва бобоси каби жанговар киши эмасди.

1142 йили Муҳаммад вафот этгач, донишмандийлар мулки унинг ака-укалари Малик Яғабасан ва Айниддин ўртасида тақсимлаб олинди.

1155 йили салжуқий султон Қилич Арслон II зангийлардан ёрдам сўраган Яғабасанга хужум қилди. Бироқ 1174 йили Қилич Арслон II Сивасга хужум қилиб сўнгги донишмандий Зуннунни ҳалок этди, унинг барча мулкини эгаллаб олди.

1178 йили Малатиядаги донишмандийлар ҳам Кўня султонлиги томонидан тугатилди.

**Мингучоқлар (1072 – 1243).** *Мингучоқ Ғозий 1071 йили Манцикерт жангида қатнашган бей эди. Мингучоқ Ғозий Арзинжон, Кемах, Дивриги ва Қораҳисорни эгаллади. Унинг ўғли Исҳоқ 1118 йили ушбу ҳудудларда бейлик ташкил этиб, уни отаси шарафига номлади.*

Бейлигини ҳимоя қилиш учун Исҳоқ салжуқийлар, ортуқийлар ва донишмандийларга қарши жанг қилишга мажбур бўлди. Исҳоқбой вафотидан сўнг, 1142 йили, бейлик иккига бўлинди. Унинг бир ўғли Довуд Кемаха Арзинжонда, иккинчи ўғли Сулаймон Дивригада ҳукмдор бўлиб олди.

Довудбей Қилич Арслон II тарафдори бўлгани учун 1162 йили Кўня султонлигининг душмани – донишмандий Яғи Басан томонидан ўлдирилди. Унинг ўрнига тахтга чиққан Баҳромшоҳ Қилич Арслон II нинг куёви эди. У ҳукмронлиги даврида Арзинжонни маданий марказга айлантирди.

1218 йили, Баҳромшоҳ вафотидан сўнг, унинг бир ўғли Довудшоҳ Арзинжонни, Муҳаммад Қораҳисорни бошқара бошлади.

Бейлик 1243 йили мўғуллар томонидан истило қилинди.

Исҳоқбейнинг ўғли Сулаймонбей вафотидан сўнг Дивригада унинг ўрнига ўғли Сайфиддин Шаҳаншоҳ ҳукмронлик қилди. 1197 йили унинг вафотидан кейин Диврига Кўня султонлигига ўтди.

### Арзинжондаги ҳукмдорлар

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Мингучоқ Ғозий	1072 – 1090

2.	Исҳоқ, Мингучоқ ўғли	1090 – 1120
3.	Довуд, Исҳоқ ўғли	1120 – 1155
4.	Баҳромшоҳ, Довуд ўғли	1155 – 1218
5.	Довудшоҳ, Баҳромшоҳ ўғли	1218 – 1228
7.	Муҳаммад, Довудшоҳ ўғли	1228 – 1243

### Қораҳисорда

6.	Муҳаммад, Баҳромшоҳ ўғли	1218 – ?
----	--------------------------	----------

### Дивригадаги ҳукмдорлар

1. Сулаймон (1142 – ?)
2. Сайфиддин Шаҳаншоҳ (? – 1197).

**Чакабей (1081 – 1098)** – амалда мустақил маркази Смирна шаҳри бўлган давлат бошлиғи.

Чакабей ёшлигида Византия империясига қарши урушда император Никифор III томонидан асирга олинган. Алексей Комнин император бўлгач, Чакабей Анатолияга қайтди ва Византияга қарши уруш бошлади. 1081 йили Анатолиянинг Эгей денгизи соҳилларидаги бир нечта шаҳарни, Смирнани олди. У давлати қудратини ошириш мақсадида Смирна ва Эфесда флот қуришга буйруқ берди. 33 та олканли кема ва 17 та эшкакли кема Анатолиядаги биринчи турк флоти эди.

Чакабей флоти 1089 йили Лесбосни, 1090 йил Хиосни олди. Чунончи 1090 йил 19 май куни Хиос ороли яқинида Византия флотини тор-мор келтирди. Турк флоти 1091 йили Самос ва Родос ороллари-ни эгаллади.

Византия манбаларига кўра, Чакабей 1092 йили куёви (ёки поч-часи) бўлмиш Кўня султони Қилич Арслон I томонидан ўлдирилган. Бироқ бошқа манбаларда 1095 йили Эдремит шаҳрига юриш пай-тида вафот этган дейилади. Айрим манбаларда унинг ўғли Қилич Арслон I томонидан Смирна ноиб-и этиб тайинлангани ҳақида гапи-рилади.

Бу даврда Эфес минтақасида Тангрибермишбей асос солган бошқа бейлик ҳам фаолият кўрсатган. Чакабей ўлиmidан сўнг унинг бойлиги тарих саҳна-сидан йўқолди. Император Алексей Комнин орадан кўп ўтмай бой берган ҳудудларини қайтариб олди. Лекин

Византия ва Кўня султонлиги ўртасидаги кураш яна икки асрдан ошиқроқ давом этди.

**Инол ўғиллари (1085 – 1183) – Диёрбакрда ҳукмронлик қилган турк сулоласи.**

Турк амири Садр Амид (Диёрбакр)ни ўз қўлига олди. 1098 йилдан унинг вориси амир Инол бошқарди. Инолдан сўнг ўғли Иброҳим ҳукмдор бўлди. Амир Иброҳим салжуқийларнинг Дамашқдаги уругига бўйсунди.

1088 йили Антиохияни салибчилардан ҳимоя қилиш учун салжуқийлар қўшинига Инол ўғиллари ҳам қўшилди.

1134 йили, Эл Олди ҳукмронлиги даврида, Ҳалаб амири Зангий ва Мардин амири Темуртош Диёрбакр атрофидаги манзилгоҳларни талади, бироқ кучли мудофаа тизимига эга шаҳарни қўлга кирита олмади. Эл Олди вафотидан сўнг ҳокимият вазир Нисон ўғли Муҳйиддин қўлида тўпланди.

1151 йили Мардин амири Темуртош Диёрбакр устидан назорат ўрнатди. Ҳисн Кайфдаги ортуқий Муҳаммад Нуриддин Мосул ҳукмдори Масъуд I га қарши урушда Миср султони Салоҳиддинга ёрдамлашди. Эвазига Салоҳиддин унга Диёрбакрни беришни ваъда қилди. Ваъдасини бажариш учун Салоҳиддин Нуриддин билан бирга Мосулга юриш қилди ва уни қамалга олди. Натижада 1183 йил 9 май куни Амид (Диёрбакр) эгалланди ва Нуриддинга топширилди. Шундай қилиб, Инол ўғиллари бейлиги тугатилди.

**Дилмач ўғиллари (1085 – 1192) – Битлис ва Эрзенда ҳукмронлик қилган турк сулоласи.**

Сулола асосчиси – Дилмач ўғли Муҳаммадбей. У 1071 йилги Манцикерт жангида иштирок этган. 1085 йили Битлис ва Аҳлат шаҳарларини салжуқийлар эгаллаб олди. Битлис Муҳаммадбейга берилди. Шу тариқа Дилмач ўғиллари бейлиги ташкил топди. Бейлик дастлаб қилич Арслон I га қарам эди, унинг вафотидан кейин шоҳ арманийларга бўйсунди. Тўғон Арслон кейинчалик ортуқийлардан бўлган Эл Ғозийга тобелик изҳор қилди ҳамда у билан бирга грузин ва салибчиларга қарши жангларда қатнашди.

Ҳусомиддин Курт даврида (1137 – 1143) Ироқдаги салжуқий султон Масъуд 1138 йили укаси Салжуқшоҳга Аҳлат, Малазгирт ва Эрзен шаҳарларини берди. Салжуқшоҳ 1139 йили Форс амири Боз Алп билан бўлган урушда ўлдирилди. 1192 йили шоҳ арманийлардан бўлган Бек Темур Битлисни ишғол қилди.

**Солтуқийлар (1092 – 1202) – Шарқий Анатолияда ҳукмронлик қилган туркий сулола.**

Кўня султони Алп Арслон, Арзирум атрофидаги ерларни эгаллашда катта хизмат кўрсатгани учун, саркарда Абулқосимни бейлик ҳукмдори этиб тайинлади. 1123 йили, Абулқосим вафотидан сўнг, унинг ўрнини ўғли Солтуқ эгаллади ва бейликни унинг номи билан аташди.

Дастлаб бейлик Салжуқийлар давлати назоратида эди, лекин буюк давлатнинг инқирозидан кейин бейлик мустақил бўлиб олди. Бейлик Карс, Байбурт, Олту, Трабзон, Испир ва Таржонни олиб ўз мавқеини мустаҳкамлади. Солтуқийлар византияликларга ва грузинларга қарши муваффақиятли уруш олиб борди. Шунга қарамай, 1153 йили жангларнинг бирида Солтуқ грузинларга асир тушди ва 10000 динар эвазига озод қилинди.

1168 йили, Солтуқ вафотидан сўнг, унинг ўрнига ўғли Муҳаммад Носириддин, 1189 йили эса невараси Маликшоҳ тахтга чиқди. У 1195 йили Арзирумгача келган грузинларни тор-мор келтирди.

1201 йили Кўня султони Сулаймон Арзирумни эгаллаб солтуқийлар ҳукмронлигига барҳам берди.

### **Солтуқийлар сулоласи ҳукмдорлари**

<b>т/р</b>	<b>ҳукмдорлар</b>	<b>ҳукмронлик йиллари</b>
1.	Али ибн Абулқосим	1103 – 1123
2.	Иззиддин Солтуқ, Али ўғли	1123 – 1168
3.	Носириддин Муҳаммад, Солтуқ ўғли	1168 – 1189
4.	Музаффар Маликшоҳ, Муҳаммад ўғли	1189 – 1197
5.	Абу Мансур Аълоиддин, Маликшоҳ ўғли	1197 – 1201

**Ортуқийлар (1102 – 1408) – Шарқий Анатолия, Шимолий Сурия ва Шимолий Ироқда ҳукмронлик қилган турк сулоласи.** Ортуқийларнинг икки асосий шахобчаси 1098 – 1232 йиллар оралиғида Ҳисн Кайфда ва 1107 – 1186 йилларда Мардинда ҳукмронлик қилган (Мардиндаги сулола 1408 йилгача вассал сифатида фаолият кўрсатган). Ортуқийларнинг учинчи шахобчаси Харпутда 1185 – 1234 йиллар оралиғида ҳукм сурди.

Ортуқийлар сулоласи асосчиси Ортуқ ибн Ақсаб номли ўғуз қибиласи сардори бўлган.



1086 йили Дамашқ амири Тутуш Ортуқни Қуддус ноиби лавозимига тайинлади, лекин Ортуқ 1091 йили вафот этди ва унинг ўғиллари (Сокман ва Элғозий) оталари ўрнини эгаллашди.

1098 йили Қуддус фотимийлар қўлига ўтди, Сокман ва Элғозий шимолга (ҳозирги Ироққа) қочишди, сўнг Диёрбакрга ўрнашишди. Шу йили Сокман Мардин вилоятини босиб олди, 1102 йили эса Ҳисн Кайфни, 1112 йили Харпутни олди. Шу вақтда Элғозий салжуқий султон Муҳаммад I хизматига кирди.

1104 йилги Харрон жангида Сокман салибчиларни тор-мор қилди.

1117 йили Ҳалаб аҳолиси Элғозийнинг ҳукмдор бўлишини сўради. 1119 йили Элғозий Антиохия князи Рожерни Атариб жангида мағлубиятга учратди, лекин орадан кўп ўтмай Данит жангида Қуддус қироли Болдуин II қўшинидан енгилди.

1121 йили Элғозий Ҳилла амири ёрдамида Грузияга юриш қилди, лекин юриш муваффақиятсизликка учради: қўшин Дидгори жангида грузинлар томонидан мағлуб қилинди. 1122 йили Элғозий вафот этди.

1124 йили Элғозийнинг ўғли Темуртош Ҳалабни зангийларга бой берди. Шундан сўнг ортуқийлар сулоласининг таназзули бошланди. Қора Арслон ҳаттоки зангийларга қарши салибчилар билан иттифоқ тузган.

Қора Арслоннинг ўғли Муҳаммад Миср султони Салоҳиддин билан Кўня султони Қилич Арслон II га қарши иттифоқ тузди.

1232 йили айюбийлар қўшини Ҳисн Кайфни ишғол қилди, 1234 йили Харпут Кўня султонлигига ўтди.

Мардиндаги шахобча узоқ вақт аввал айюбийлар, кейинчалик Кўня султонлиги, хулакуийлар ва, ниҳоят, темурийларнинг вассали бўлди. 1408 йили Қора Юсуф бошлиқ қора қўюнли туркманлар Мардинни босиб олишди, бу ортуқийлар сулоласининг тугашига олиб келди.

## Ортуқийлар сулоласи ҳукмдорлари

### 1. Ҳисн Кайфдаги шахобча

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Муъиниддин Сокман I	1098 – 1105
2.	Рукнуддавла Довуд, Сокман I ўғли	1105 – 1107

3.	Иброҳим, Сокман I ўғли	1107 – 1109
	Рукнуддавла Довуд, Сокман I ўғли	1109 – 1144
4.	Фахриддин Қора Арслон, Довуд ўғли	1144 – 1167
5.	Муҳаммад, Қора Арслон ўғли	1167 – 1185
6.	Сокман II, Муҳаммад ўғли	1185 – 1201
7.	Носириддин Маҳмуд, Муҳаммад ўғли	1201 – 1222
8.	Рукниддин Мавдуд, Маҳмуд ўғли	1222 – 1232
9.	Масъуд, Маҳмуд ўғли	1232

## 2. Мардиндаги шахобча

т/р	хукмдорлар	хукмронлик йиллари
1.	Иброҳим, Сокман I ўғли	1105 – 1107
2.	Нажмиддин Элғозий I, Сокман I укаси	1107 – 1122
3.	Хусомиддин Темиртош, Элғозий I ўғли	1122 – 1152
4.	Нажмиддин Алпий, Темуртош ўғли	1152 – 1176
5.	Қутбиддин Элғозий II, Алпий ўғли	1176 – 1184
6.	Хусомиддин Йўллуқ Арслон, Элғозий II ўғли	1184 – 1201
7.	Носириддин Ортуқ Арслон, Элғозий II ўғли	1201 – 1239
8.	Нажмиддин Ғозий I, Ортуқ Арслон ўғли	1239 – 1260
9.	Қора Арслон Музаффар, Ғозий I ўғли	1260 – 1292
10.	Шамсиддин Довуд, Қора Арслон ўғли	1292 – 1294
11.	Нажмиддин Ғозий II, Қора Арслон ўғли	1294 – 1312
12.	Имодиддин Али Алпий, Ғозий II ўғли	1312
13.	Шамсиддин Солиҳ, Ғозий II ўғли	1312 – 1364
14.	Аҳмад Мансур, Солиҳ ўғли	1364 – 1368
15.	Маҳмуд Солиҳ, Аҳмад ўғли	1368
16.	Довуд Музаффар, Солиҳ ўғли	1368 – 1376
17.	Нажмиддин Исо Зоҳир, Довуд ўғли	1376 – 1406
18.	Солиҳ, Довуд ўғли	1406 – 1408

**Шоҳ арманийлар (1100 – 1207)** – XII асрда маркази Хлат (Ахлат) бўлган Анатолиядаги бейлик. Бейлик ҳудуди Ван кўлидан шимоли-ғарбдаги ерлар (ҳозирги Туркиядаги Битлис ва Ван вилоятлари)ни ўз ичига олган.

Салжуқийлар давлати қулагач, олдинлари марвонийларга тегишли Арманистоннинг жанубий қисмида келиб чиқиши курд бўлган амир Сукмон I ҳокимиятни қўлга олди. Унинг невараси Сукмон II

«Шоҳ арман» унвонини олди. У Арзирум амири Салтуқнинг жиянига уланганди. Сукмон II нинг ўлимидан сўнг, 1185 йили, ҳокимиятни мамлук Бег Темур эгаллади. 1198 йили унинг ўғли Муҳаммад Мансур тахтга Сукмон II нинг ўғли Оқсунқурни ўтказди. Муҳаммад вафотидан сўнг, 1207 йили, Ҳлатда айюбийларнинг майяфриқин уруғи ўрнашди. Шоҳ арманлар грузин багратийларнинг ашаддий душмани бўлишган. Улар грузинларнинг мамлакат жанубига юришини тўхтатиб қолишди.

## Шоҳ арманийлар сулоласи ҳукмдорлари

### 1. Сукмонийлар

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Сукмон I Қутбий	1100 – 1112
2.	Иброҳим, Сукмон I ўғли	1112 – 1127
3.	Аҳмад, Сукмон I ўғли	1127 – 1128
4.	Сукмон II, Иброҳим ўғли	1128 – 1185

### 2. Сукмонийларнинг саркардалари

5.	Сайфиддин Бег Темур	1185 – 1193
6.	Бадриддин Оқсунқур	1193 – 1197
7.	Шужоъиддин Қутлуғ	1197
8.	Муҳаммад, Бек Темур ўғли	1197 – 1206
9.	Иззиддин Балбан	1206 – 1207

1207 йили Ҳлат айюбийлар томонидан эгалланди.

## САЛИБ ЮРИШЛАРИ

**Салиб юришлари** – *Фарбий Европа рицарларининг мусулмонлар, мажусийлар, православ давлатлари ва турли хил христиан мазҳабларига қарши олиб борган давомий юришлари. Салиб юришларининг мақсади Фаластинни, биринчи навбатда, Қуддусни салжуқий турклардан озод қилиш эди. Бироқ салиб юришлари кўйинчалик Болтиқбўйи мажусийларини христианлаштириш, Европа-*

*да папа ҳукуматига қарши ҳаракатларни бостириш ёки папаларнинг сиёсий мақсадларини амалга ошириш воситаси бўлиб қолди.*

«Салибчилар» атамаси, салиб юриши иштирокчилари ўз кийимларига салиб (хоч, крест) тикиб олишгани учун, пайдо бўлган. Юриш қатнашчилари гуноҳлардан покланади деб ҳисоблангани боис, юришда нафақат рицарлар, балки оддий аҳоли, ҳаттоки болалар қатнашган.

Фаластин узоқ даврдан бери араб давлатлари ҳукми остида эди, улар христианларга бағрикенглик билан муносабатда бўлишган. Фаластиндаги христианлар учун муқаддас саналган масканларни зиёрат қилишларига монелик қилишмаган. Салжуқий турклар оса бунга йўл қўймаган. Энди христианлар учун Қуддусга бориш олдингидек хавфсиз бўлмай қолди. Рим папалари Фаластинни салжуқийлардан тортиб олишмаса, зиёратгоҳларга бориш умуман тўхтаб қолишидан хавфсирашди.

Салиб юриши Рим папаси Урбан II ташаббуси билан Қуддус ва Фаластинни мусулмонлардан озод қилиш мақсадида амалга оширилган. Дастлаб папанинг мурожаати фақат француз рицарларига қаратилганди, лекин кейинчалик катта масштабдаги ҳарбий кампанияга айланиб кетди. Салиб юриши ғояси барча Ғарбий Европа давлатларини қамраб олди.

Салиб юришининг сабабларидан бири Византия императори Алексей I нинг Рим папасидан ёрдам сўраши эди. Бир неча аср Византия ғарб христианлари учун жанговар мусулмонлар ҳужумларидан ажратиб турадиган буфер зона бўлиб келди. Бироқ 1071 йилдаги Манцикерт жангида енгилган империя Кичик Осиёдаги катта ҳудудидан ажралди. Мағрур Византия муқаррар ҳалокатдан қутулиш учун Рим папасидан ёрдам сўрашга мажбур бўлди. Биринчи салиб юришидан олдин Анатолиянинг катта қисми исломнинг суннийлик йўналишидаги Рум салжуқийлари ҳукми остида эди. Христианлар билан курашишга қараганда салжуқийларни ички қўзғолонларни бостириш, тахт таллашишлар, шиаларнинг исёнлари қаттиқ ташвишга соларди. Фаластинни марказий ҳокимиятдан деярли мустақил амирлар бошқарарди. Мисрнинг катта қисми шиа йўналишидаги фотимийлар сулоласи қўлида бўлган. Салжуқийлар фотимийлар ҳудудининг бир қисмини босиб олишди. Шунинг учун Алексей Комнин салибчиларга фотимийлар билан иттифоқ тузишни маслаҳат берди. 1076 йили салжуқийлар Қуддусни эгаллаган бўлса-да, 1098 йили фотимийлар шаҳарни қайтариб олди. Шиалар салибчиларни даҳшатли душман-

дан қутқарувчи халоскор деб биларди. Лекин уларнинг хомхаёллари қимматга тушди.

Ўша даврда Ғарбий Осиёдаги мусулмон давлатлари тахминан бир вақтда ўз раҳбарларини йўқотиб қўйишди. 1092 йили салжуқий султон Маликшоҳ, вазир Низомулмулк, 1094 йили Бағдодда Ал-Муқтадий ва фотимий Ал-Мустансир вафот этди. Бу воқеалардан сўнг Мисрда тахт учун кураш, Салжуқийлар давлатида айирмачилик ҳаракатлари авж олди, Сурияда ўзаро урушувчи майда давлатлар вужудга келди.

Юриш бошлангач, Византияга ёрдам бериш иккинчи даражали масалага айланди. Урбан истило қилинажак ўлкалар аҳолисини қатл этиш ва талашга рухсат берди. Унинг фикрича, қурбонлар динсиз ҳисобланарди.

Испаниядаги реконкиста ҳаракати, Сицилиянинг норманлар томонидан босиб олиниши ва Шимолий Африка қирғоқларига босқин уюштириши Ғарбий Европанинг XI асрдаги ташқи сиёсатини белгилаб берарди. Биринчи бўлиб Қуддусни турклардан тортиб олиш ғоясини Рим папаси Григорий VII илгари сурди ва юришни ўзи бошқаришни хоҳлади. Унинг чақирувига 50 мингга яқин киши қулоқ осди. Лекин Германия императори билан кураш папанинг ғояларини амалга оширишга тўсқинлик қилди. Григорийдан кейинги папа Виктор III ўтмишдошининг ғоясини давом эттириб салибчилар гуноҳини кечишини маълум қилди, бироқ юришда ўзи қатнашмаслигини таъкидлади. Мусулмонларнинг денгиздан бўладиган босқинларидан азият чекаётган Пиза, Генуя ва Италиянинг бошқа денгизбўйи ҳудудлари аҳолиси флотни жиҳозлаб Африка соҳилларига юриш бошлашди. Босқин давомида Туниснинг иккита шаҳрига ўт қўйилди, лекин мазкур юриш оммани ўзига жалб этолмади.

1095 йил мартда Урбан II Пьяченца соборида қатнашди. Бунда христианларга тааллуқли масалалар кўрилган, йиғин сўнгида салиб юришини уюштириш ҳақида гап борган. Ўша йил ёзида папа Жанубий Францияда бўлди. 18 ноябрда эса Клермонда собор чақирилди. Унда христианларга оид барча масалалар кўриб чиқилди, жумладан, қирол Филиппнинг черковдан четлатилиши ҳам. Охирида салиб юришини ташкиллаштириш масаласи ўртага ташланди. Биринчи салиб юриши 1095 йил 26 ноябрь куни Франциянинг Клермон шаҳри соборида Рим папаси Урбан II томонидан эълон қилинди.

Оммавий салиб юришига тарғиб этган киши пикардиялик тарки дунё қилган ҳеч вақосиз Пётр Амьенский бўлди. Патриархдан ижо-

зат олгач Пётр Римга папа Урбан II хузурига ёрдам сўраш учун борди. Кейин оёқяланг, бошяланг ҳолатда бутун Европани кезиб чиқди. Голгофда бўлганини ва маҳаллий христианларнинг аҳволини кўриб бу ҳолатдан қаттиқ азият чекаётганини айтарди. Шунингдек, тингловчиларга Қуддусни озод қилиш зарурлигини уқтирарди. Оддий халқ гапдонлигига маҳлиё бўлиб уни авлиё сифатида кўра бошлади. Ҳаттоки эшагининг жунидан қирқиб олишни улкан бахт деб билишди. Шундай қилиб, ғоя кенг омма орасида тарқалди. Кейинчалик Пётр Амьенскийнинг Фаластинда умуман бўлмагани ойдинлашди. Вальтер Готшалък номли киши эса бошқа ҳудудларда одам йиғишга киришди. Қишнинг охирига бориб 15 минг кишини тўплай олди. Аввал Пётр билан биргаликда ҳаракат қилди, кейинроқ ундан ажраб франк, шваб ва лотарингияликлардан иборат улкан оломон тўплади.

**Оломоннинг салиб юриши (1096 йил апрель – октябрь)** биринчи салиб юришининг илк босқичи бўлиб, юриш 1096 йил апрелдан октябригача давом этди. Юриш Урбан II нинг 1096 йил 15 августдаги қароридан бир неча ой аввал бошланган. Салиб юриши ўтказилиши арафасида Европани ўлат ва очарчилик ларзага солганди. Натижада кўплаб кишилар қашшоқлашган, улар салиб юришида қатнашишни иқтисодий ҳолатларини яхшилашнинг бирдан-бир йўли деб билардилар. Бундан ташқари, 1095 йилдаги ой тутилиши, метеор ёмғири ва бошқаларни юришнинг муваффақиятли бўлишига ишорат сифатида қабул қилишди. Салиб юриши Ғарбий Европада катта қизиқиш уйғотиб, турли хил манбаларда айтилишича, унда 300 мингга яқин киши қатнашган. Юришда ҳаттоки аёллар ва болалар ҳам иштирок этган.

Вальтер бошчилигидаги оломонда бор-йўғи 8 та от бор бўлиб, қолганлар эшакларда ва пою-пиёда эди.

Баъзи тарихчилар мазкур юриш «ошиқча томоқлар»ни йўқотиш учун католик черкови томонидан уюштирилган тадбир деб таъкидлашади. Константинополгача йўлга чиққанларнинг ярми ҳам етиб келмади.

Биринчи бўлиб салибчилар ҳужумига учраган кишилар, ҳимоялари учун шаҳар епископларига пул тўлашларига қарамай, европалик яхудийлар бўлишди. Юриш айнан шу шаҳарлардан бошланди. Майнц шаҳри яхудийлари салибчиларнинг болаларни ҳам аямай қираётганини кўриб оммавий равишда ўз жонларига суиқасд қилишди.

**Рейн.** Пётр Амьенский издошлари Руан ва Кёльн шаҳарларида яхудийларни қатағон қилди. Шунингдек, Рейн бўйидаги Трир,

Майнц, Шпейер ва Вормс шаҳарларидаги яҳудийларни ҳам талон-торож этишди. «Соломон бар Симеон» солномасида айтилишича, «бир киши акасини, бошқаси ота-онасини, ота-оналар боласини ўлдирарди». Маҳаллий руҳонийлар ва ҳукумат вакилларининг қирғинни тўхтатишга уринишига қарамай, салибчилар томонидан минглаб яҳудийлар ўлдирилди. Ўз қилмишларини оқлаш мақсадида салибчилар Урбан II нинг Клермон соборида қилич билан нафақат мусулмонларни, балки христианлардан бошқадиндаги барча кишиларни бўйсундириш ҳақида сўзлаган нутқини далил қилиб олишди. Черковнинг тинч аҳолини қирғин қилмаслик ва бошқа диндагиларни ўлдирмасдан уларни христианга айлантириш лозимлиги расман таъкидланишига қарамай, яҳудийларга қарши тажовузлар барча салиб юришларида кузатилади. Европа яҳудийлари салибчиларга қарши туриш учун мудофаа бўлинмалари ташкил этишди ёки ёлланма қўшиндан фойдаланишди, католик черковининг маҳаллий иерархлари билан битим тузишди. Шунингдек, салибчиларнинг навбатдаги юришидан диндошларини, ҳаттоки Кичик Осиё ва Шимолий Африкадаги мусулмонларни хабардор қилиб туришди. Бундан ташқари, маблағлар тўплаб салибчиларга қарши фаол курашаётган мусулмон амирларининг иқтисодий қувватини ошириш учун юборишди.

Салиб остида тўпланган оломон 1096 йил баҳорида асосий ҳаракатга ўтди. Улар ўзлари билан таъминот захираси олишмаганди. Шунинг учун табиий эҳтиёжларини қондириш учун йўлида учраганки манзилгоҳни талашди. Венгрия чегараларига яқинлашишганда, одамлар у ерда эҳтиёт чорасини кўриб қўйишганди. Ўрта асрларда Европадан Фаластин зиёратига йўлга чиққан зиёратчиларга бепул овқат тарқатишарди. Лекин ҳеч вақосиз салибчилар бундай имтиёзга эга бўлмагани учун талончилик билан кун кўришдан бошқа чоралари қолмади.

Қирол Каломан қўшини билан чегарада салибчиларни кутарди. Агар салибчилар тартибсизлик чиқармай тинчгина Венгрия ҳудудидан ўтишга рози бўлишса, уларни ўтказиб қўйиш ва озиқ-овқат билан таъминлаш мажбуриятини олди. Биринчи бўлиб етиб келган Готшалък бошчилигидаги оломон граф Эмикон Лейнинген бошлиқ гуруҳнинг Чехияда князь Брячислав томонидан йўқ қилингани ҳақида хабар олди. Бунинг учун ўч олишни мақсад қилган Готшалък гуруҳи Венгрияда талон-торожни бошлади. Дунай бўйлаб ҳаракатланаётган салибчиларга Ниш яқинида болгарлар, венгерлар ва визан-

тияликларнинг бирлашган қўшини қақшатқич зарба берди. Оломоннинг тахминан тўртдан бири қирилди, қолганлар деярли талафотсиз августда Константинополга етиб келди. Кейинроқ бу йўлдан Пётр ва Вальтер бошлиқ оломон ўтди. Улар олдингилардан ибрат олиб Венгрияда тартибни бузишмади. Бироқ Болгария чегарасида душманона кутиб олишди. Улар чегара бўйлаб Византия империясига келишди. Кўп йўқотишларга қарамай, салибчилар сони 180 минг кишини ташкил этарди. Алексей Комнин Пётрга элчи юбориб, тартибни сақлаган ҳолда Константинополга тезда келишса, барча зарур нарсалар билан таъминлашини билдирди. Ҳақиқатан ҳам салибчилар белгиланган жойларда озиқ-овқатлар билан таъминланди, ўша ер аҳолиси уларга яхши муносабатда бўлди. Пётр фақат Адрианополда икки кун тўхтаб, 1096 йил 1 август куни Константинополга етиб келди. Бу ерда унга Вальтернинг қолган-қутган гуруҳи бирлашди. Император уларга белгиланган жойда рицарларни кутишни, бу ҳолатда туркларни енгиб бўлмаслигини тушунтирди. Пётр билан суҳбатлашгач унинг бир хаёлпараст эканини тезда пайқади ва совғалар бериб қўшинига шаҳарда зўравонлик қилмасликни буюришини уқтирди. Салибчилар шаҳар кўчаларида юриб ажойиботлардан кўзлари ўйнаб кетди. Сотиб олишга пуллари бўлмагани учун, куч ишлатиб тортиб олишга ҳаракат қилишди. Шунингдек, хавфсизлик ходимлари билан жанжаллар уюштиришди. Салибчилар назарида, улар христианлар душманларига қарши курашдан куч билан ушлаб қолинганди. Византия императори безорилардан тезроқ қутулиш учун уларни Босфор орқали Кичик Осиёга ўтказиб қўйди.

Салибчилар Никеядан шимоли-ғарбдаги Еленополга ўрнашишди. Бу ер салжуқийларга қарашли бўлиб, салибчилар эҳтиёт чораларини кўришлари талаб этиларди. Лекин ўзбошимча оломон Пётрнинг буйруғига итоат қилмай атрофдаги манзилгоҳларни талашга тушди. Бир гуруҳ салибчилар Никея яқинида турк бўлинмаларини мағлуб этди. Пётр булар билан бирор натижага эришишга кўзи етмай рицарларни кутиш учун Константинополга қайтиб кетди. Орадан кўп ўтмай салибчилар ҳалокатга учради. Рено де Брей бошлиқ катта гуруҳ Салжуқийлар давлати пойтахти Никеяга юриш бошлади, йўлдаги оз сонли турк гарнизонини енгиб Ксеригордон қалъасини босиб олди. Лекин султон Қилич Арслон қалъани сув билан таъминлайдиган манбаларидан маҳрум қилгач, қалъани топширишга тўғри келди. Кейин султон салибчилар лагерига жосусларни юбориб Никея эгаллангани ҳақида маълумот тарқатишни буюрди. Еленополда-



ги салибчилар лагеридан Никея турклардан тортиб олингани ҳақида ёлгон хабар тарқалди. Ўлжалардан қуруқ қолмаслик мақсадида барча Никеяга ошиқди. Салибчилар ҳийлага учиб 21 октябрь кунин турклар томонидан Никея ва Дракон манзилгоҳлари орасидаги тор водийга қўйилган қопқонга тушиб қолишди. Тахминан 25 октябрь кунин салибчилар батамом тор-мор этилди. Улкан оломондан фақат 30 минг киши қутулиб қолган, улар Босфор орқали грек қайиқларида Византия империяси ҳудудига аранг қочиб ўтишди.

**Биринчи салиб юриши (1096 – 1099). Юриш учун қўшин тўплаш.** Биринчи салиб юришида қироллар иштирок этмади. Графлар, герцоглар ва князлар қатнашди. 1096 йилги оломон уюштирган салиб юриши давом этаётган пайтда, Европанинг турли ерларидан йиғилган рицарлардан тузилган мунтазам қўшин юришга тайёрлана бошлади. Граф Раймунд Тулузский папа легати Адемар Монтейльский ва епископ Ле-Пюи билан биргаликда Прованс рицарларига, князь Боумэнд Тарентский ва унинг қариндоши Танкред Жанубий Италия норманларига, ака-ука Готфрид, Эсташ ва Болдуин Булонский лотарингияликларга, Роберт Фландрийский, Роберт Нормандский, граф Стефан Блуаский ва Гуго Вермандау (Франция қироли Филипп I нинг кичик укаси) Шимолий Франция рицарларига қўмондонлик қилди.

Константинополдан йўлга чиққан ҳарбийларнинг умумий сонин 300 мингга етарди. Қўшинга хизмат қиладиган яна 300 мингга яқин қора ишчилар, аёллар ва болалар ҳам бўлгани ҳисобга олинса, ҳар ҳолда, салибчиларнинг умумий сонин ярим миллиондан ортган.

Турли хил қўшинлар тўртта йўналиш бўйлаб Константинополда тўпланди. Готфрид ва Болдуин ўз қўшинлари ва бошқа немис бўлинмалари билан Дунай водийси бўйлаб Венгрия, Сербия ва Болгариядан ўтишди. Йўлда маҳаллий қўшин билан тўқнашувлар юз берди. Бу гуруҳ биринчи бўлиб Константинополга етиб келди ва қиш бўйи шаҳар ташқарисида турди. Епископ Адемар, граф Раймунд ва бошқалар Жанубий Франциядан йўлга чиқиб Шимолий Италия орқали Константинополга келишди. Гуга, иккала Роберт ва Этьен ўз қўшини билан Англия ва Шимолий Франциядан йўлга тушиб Апи орқали ўтишди ва Италия бўйлаб жанубга юришди. Ҳамроҳларинин Жанубий Италияда қишлаш учун қолдириб Константинополь томон юрган Гуго кемаси ҳалокатга учради, уни византияликлар қутқариб қолишди ва пойтахтга жўнатишди. Гуго императорнинг қўлида гаров бўлиб қолди. Баҳорда иккала Роберт ва Этьен Адриатикадан ўтиб

Дураццода тўхташди ва Константинополга йўл олишди. Худди шу йўл орқали Сицилиядан Боумэнд ва Танреднинг норманлардан иборат қўшини ҳам юрди.

Турли йўллар орқали Константинополда тўпланган салибчилар сони 300 мингга етди. Салибчилар Алексейга истило қилинажак худудлар Византия империясига ўтишини айтиб қасамёд этишди. Ўз бўлинмасини бошқараётган феодал бошқасига бўйсунитишни хоҳламасди ва ўзича мустақил ҳаракат қиларди.

1097 йил апрелда салибчилар Босфордан ўтди.

Кичик Осиёни кесиб ўтаётган салибчилар иссиқдан ва сувсизликдан қаттиқ азият чекишди. Баъзилар қийинчиликларга дош беролмай ҳалок бўлди, кўплаб отлар қирилди. Салибчилар маҳаллий христианлар ва ўз юртларидан юборилган маблағ эвазига кун кечирди. Лекин улар кўпинча йўлларида учраган манзилгоҳларни талаб эҳтиёжларини қондиришди. Қўшиннинг умумий бошлиғи ҳақида қвскин тортишувлар борарди.

Болдуин Булонский салибчилар сафини тарк этиб, Киликия орқали 1098 йил бошида Эдессага келди ва маҳаллий ҳукмдор Тортосанинг ишончига кириб унинг вориси этиб тайинланди. Ўша йили Тортосани эдессаликлар ўлдиришди, Болдуин эса салибчиларнинг биринчи тузган давлати ҳукмдори бўлиб қолди.

**Никея қамали (1097 йил 14 май – 19 июнь).** Никея (ҳозирги Туркиянинг шимоли-ғарбидаги Изник) шаҳар-қалъаси жуда мустаҳкам эди. Авваллари Никея Византия империясига қарашли эди, лекин 1077/1078 йили салжуқийлар шаҳарни эгаллаб Рум султонлигининг пойтахтига айлантиришди. 1096 йили оломон салиб юришини осонликча мағлуб этган Қилич Арслон салибчиларнинг иккинчи юришини писанд қилмай Шарқий Анатолиядаги донишмандийлардан Мелитен шаҳрини тортиб олиш учун кетганди. Оиласи ва хазинаси эса қолганди.

**Қамал.** Тирик қолган салибчилар Пётр бошчилигида 1097 йил апрель ойи охирида Константинополдан йўлга чиқишди. Дастлаб шаҳар остоналарида 6 май куни Готфрид Бульонский пайдо бўлиб, шаҳарни шимолдан қамал қилди. Кейин Боумэнд Тарентский, унинг жияни Танкред (улар Никея жанубидаги лагерни тор-мор этишганди), Роберт Нормандский, Роберт Фландрийский ва юришнинг бошқа иштирокчилари келишди. Охири 16 май куни Раймунд Тулузский келиб шаҳарни жанубдан қамал қилди. Бироқ Никеяни қуршаб киритишнинг иложи бўлмади. Салибчилар фақат қуруқликдаги йўлларда назоратни қўлга олишган, қўлда назорат ўрната билишмади.

21 май куни, қамалдан бир ҳафта ўтгач, шаҳарга салжуқийлар қайтди. Граф Тулузскийнинг келганидан беҳабар турклар салибчиларга жанубдан ҳужум қилишди. Лекин Роберт Фландрийский, Боумэнд Тарантский ва Готфрид Бульонский гуруҳлари билан тўқнашишди. Салибчилар 3000 киши йўқотди, турклар эса 4000 кишидан ажралди.

Салибчиларнинг шаҳарни олиш учун кейинги ҳаракатлари фойда бермади. Улар, туркларга тўхтовсиз ёрдам келиб турган Аскан кўлида назорат ўрнатилсагина, шаҳарни олишларини пайқаб қолишди. Бунинг учун Византия императори флот билан ёрдам берди ва 17 июнда Мануил Вутумит ҳамда Татикий бошчилигида бўлинма жўнатди. Кўлда тўлиқ назорат ўрнатилди. Шундан сўнг салибчилар яна ҳужумга ўтишди.

Шу вақтда Мануил Вутумит Алексей Комниннинг буйруғига биноан қамалдагилар билан шаҳарни топшириш ҳақида келишиб олди, келишув салибчилардан сир тутилди. Император салибчиларга унча ишонч билдирмади. 19 июнь куни император режасига кўра Татикий ва Мануил салибчиларга қўшилиб шаҳарга ҳужум қилди, қамалдагилар кутилмаганда таслим бўлиб, Мануил бўлинмаларини шаҳарга киргизишди. Гўёки византияликлар қалъани кўлга олишди. Византияликларнинг шаҳарни олиши, аҳоли император ҳимоясига ўтиши салибчиларни қониқтирмади, улар шаҳарни талон-торож этиб таъминот захираларини кўпайтиришни мақсад қилишганди.

Мануил Витумит буйруғига кўра шаҳарга салибчиларнинг ўн кишидан ортиқ гуруҳи кириши тақиқланди. Қилич Арслоннинг оиласи Константинополга келтирилиб тўловсиз қўйиб юборилди. Император салибчилар ғазабини босиш учун уларга отлар ва катта маблағ берди. Босқинчилар шаҳарни ўзлари кўлга олишганда бундан кўпроқ нарсага эга бўлишларини гапириб юришди. Қолаверса, Мануил Константинополда императорга содиқликка қасамёд қилишдан бош тортганларнинг шу ерда қасамёд этишларини сўради. Танкред Тарентский мазкур талабни анча вақт бажармади, охир-оқибат у ва Боумэнд қасамёд қилди.

Салибчилар 1 июль куни Дорилей жангида Қилич Арслонни узил-кесил мағлуб этишди ва Кичик Осиё орқали ўзларига йўл очишди. Илгариланган салибчилар туркларга қарши Кичик Арманистон князларидан иттифоқчи топди. Бундай иттифоқчи салибчиларга ўта зарур эди.

**Салибчиларнинг Антиохияни қамал қилиши (1097 йил 21 октябрь – 1098 йил 2 июнь).** Антиохия Ўрта ер денгизидан 20 км узоқликда – Оронт дарёси бўйида бўлиб, Шарқий Ўрта ер денгизининг энг муҳим шаҳарларидан бири эди. Шаҳар 1085 йили салжуқийлар томонидан эгалланган, 1088 йилдан бошлаб амир Ёғий Сион қўл остида эди. У салибчилар томонидан бўладиган хатарни ҳис қилиб қўшни мусулмон давлатлардан ёрдам сўради. Лекин ёрдамни тезда олгани йўқ. Ибн Асирга кўра, Антиохия патриархи Иоанн Окситни ҳибсга олди ҳамда православ грек ва арманларни қувди.

Салибчилар 1097 йил октябрда Оронт дарёси водийсига келишди. Раймунд Тулузский Антиохияни зудлик билан ўққа тутишни таклиф қилди. Готфрид Бульонский ва Боумэнд Тарентский эса қамални маъқул кўрди. Ахийри 1097 йил 21 октябрь куни Антиохия қамали бошланди. Салибчилар шаҳар умумий деворининг бор-йўғи чорак қисмини қамал қилишди, бу эса шаҳардагиларнинг бутун қамал давомида озиқ-овқат билан таъминланишига ёрдам берди.

**Қамал.** Дастлаб қамал муваффақиятли давом этди. Ноябрь ўрталарида эса Антиохия остоналарига Боумэнднинг жияни Танкред Тарентский етиб келди. Бутун куз давомида салибчиларда озиқ-овқат танқислиги бўлмади. 17 ноябрь куни 14 та Генуя кемаси салибчиларга қўшимча озиқ-овқат келтирди. Лекин қиш бошланиши билан, вазият ўзгарди. Декабрда Готфрид Бульонский касалланиб қолди. Декабрь сўнгида Боумэнд Туринский ва Роберт Фландрийский вазиятни ўнглаш учун кетишди. 29 декабрь куни қалъа ҳимоячилари шаҳар деворларидан тушиб Раймунд Тулузский лагерига ҳужум қилди. Салибчилар кутилмаган ҳамладан катта талафот кўришларига қарамай, ҳужумни қайтара олишди. Айни вақтда, Боумэнд Тарентский ва Роберт Фландрийский қўшини қамалдаги Антиохияга ёрдам бериш мақсадида йўлга чиққан Дамашқ ҳукмдори Дукак Малик қўшини билан тўқнашди (Ёғий Сионнинг ўғли Шамсиддин қамал бошланишидан олдин шаҳарни тарк этиб, Дамашққа борганди). 1097 йил 31 декабрь кунги жанг ҳар икки томоннинг ўз орларига кетиши билан тугади. Дукак Малик Дамашққа, салибчилар Антиохияга йўл олди.

**Очарчилик.** Қишнинг ўрталарига келиб салибчилар очарчилик домига тушиб қолди. Улар эшаклар ва отларни еб жон сақлашди. Бу очарчиликда босқинчиларнинг тахминан 1/7 қисми ҳалок бўлди. Озиқ-овқатни арманлар ва сурёнийлардан сотиб олиш мумкин эди, лекин улар маҳсулот учун ўта қиммат нарх қўйишгани сабабли, са-

либчилар очдан ўлишга ҳукм қилинганди. Бундай оғир шароит салибчилар орасида қочоқлар пайдо бўлишига олиб келди. Жумладан, 1098 йил январда Пётр ҳам қочганди, лекин кўп ўтмай уларни Танкред Тарентский қайтартириб келди.

**Татикийнинг қочиши.** Февралда кутилмаганда императорнинг салиб қўшинидаги вакили Татикий лагерни тарк этди. Татикийнинг лагердан кетиши унчалик аниқ эмас, лекин унинг қочиши бундан кейин истило қилинажак ерлар салибчиларга ўтишини билдирарди.

Мазкур воқеадан сўнг Оронт дарёси бўйида ўз қўшнисига ёрдам беришни хоҳлаган Ҳалаб амири Ризвон қўшини пайдо бўлди. 9 февраль куни Боумэнд ва Ризвон ўртасидаги жангда салибчиларнинг қўли баланд келди.

**Англия ёрдами.** 1098 йил мартда Константинополдан Симеон бандаргоҳига Англия қироли Эдгард Этлинг флоти етиб келди. Инглизлар салибчиларга зарур бўлган қамал қуролларини келтиришганди. Қуролларни Антиохияга келтираётиб Раймунд ва Боумэнд йўлда Ёғий Сионнинг ҳужумига учради. Бу тўқнашувда турклар бош юзга яқин салибчини ҳалок этишди. Лекин Готфрид ёрдамга келиб ҳужумни қайтарди.

Апрелда салибчилар қароргоҳига фотимийлардан элчилар келди. Улар салжуқийларга қарши иттифоқ тузишга умид қилишарди. Элчилар билан музокара олиб боришга Пётрни жўнатишди. Фотимийлар салибчиларга Сурияни бериш эвазига фотимийлар Фаластинига ҳужум қилмасликларини таклиф этишди. Бундай таклифларнинг салибчиларга кераги йўқ эди, чунки уларнинг асосий мақсади Қуддусни эгаллаш эди. Музокаралар натижасиз тугаса-да, салибчилар мартда салжуқийлардан тортиб олинган қимматбаҳо нарсалар билан элчиларни сийлади.

**Антиохиянинг қулаши.** Баҳор тугаб борар, қамалдан бирор ниф чикмаётганди. 1098 йил май ойида Мосул амири Кербоги қўшини Антиохияга келаётгани ҳақида хабар тарқалди. Бу сафар Кербоги қўшинига Ҳалаб ва Дамашқ амирлари ҳам бирлашишганди. Шунингдек, Форсдан отликлар, Месопотамиядан ортуқийлар қўшилганди. Кербоги Антиохияга юришдан олдин Эдессани Болдуин Булонскийдан тортиб олиш учун уч ҳафта вақт сарфлади. Эдессани олишнинг иложи бўлмади. Салибчилар Кербоги келишидан олдин Антиохияни эгаллаш лозимлигини англаб етишди. Боумэнд қуролсоз арман билан алоқа ўрнатиб, уни шаҳар дарвозаларидан бирини очишга кўндирди. Қамал тугаши яқинлашишига қарамай, салибчилар

қўшинини Франциядан келганлар, жумладан, Стефан Блуасский тарк этди.

2 июнь куни кечаси шарт бўйича қуролсоз арман келишилган вақтда Боумэнд қўшинини девордан чиқарди. 3 июнь эрталаб салибчилар жангга чорловчи барабанларини чалишди. Буни кутмаган қамалдагилар саросимага тушиб қолди. Саккиз ой давомида Антиохияни олиш иштиёқида юрган салибчилар шаҳарга киришлари биланоқ қирғинни бошлаб юборишди. Тонгдаги барабанлар товуши Сионни уйғотиб юборди. Унга қалъа забт этилганга ўхшайди дейишди. Сион 30 нафар жангчиси билан шаҳарни ташлаб кетди, лекин Антиохиядан ҳеч қанча узоқлашмай мусулмонларни, оиласини ва болаларини ташлаб кетганидан афсуслана бошлади. Ҳамроҳлари уни тарк этди, ўша куни Антиохия ҳукмдори маҳаллий арманлар томонидан ўлдирилди.

**Мусулмонларнинг Антиохияни қамал қилиши (1098 йил 7 июнь – 28 июнь).** 3 июнь кечга бориб салибчилар Антиохиянинг катта қисмида назорат ўрнатишди. Фақат Шамсиддин эгаллаб турган шаҳарнинг жанубий қисми мусулмонлар қўлида қолди. Икки кундан оўнг шаҳарга Кербоги қўшини етиб келди. 7 июнда Кербоги шаҳарни ҳужум билан олишга уриниб кўрди, бироқ бундан наф чиқмади, 9 июнь куни шаҳарни қамал қилди. Салибчилар қийин аҳволга тушиб Антиохиядан кета бошлашди ва Тарсусда турган Стефан Блуасский қўшинига бориб қўшилишди. Стефан Кербогининг ҳужумидан ва мусулмон қўшинининг кучлилигидан хабардор бўлди. У Константинополга бораётиб салибчиларга ёрдам бериш учун келаётган Византия империяси қўшини қаршисидан чиқди. Император Стефаннинг Антиохия бой берилгани тўғрисидаги маълумотига ишониб ортига қайтди. Салибчилар қамалда қолиб кетди.

27 июнда Боумэнд Пётрни музокара олиб бориш учун Кербоги қароргоҳига юборди. Лекин музокарага киришишнинг иложи бўлмади ва жанг юз бериши ойдинлашиб қолди. Боумэнд қўшинини 6 қисмга тақсимлаб, улардан бирини ўзи бошқарди. Қолган гуруҳларни Готфрид Бульонский, Гуго Вермандуа билан Роберт Фландрийский, Роберт Нормандский, Адемар Монтейльский ва Танкред Тарентский билан Гастон Беарнский бошқарадиган бўлди. Антиохиядаги қалжуқийларнинг ҳудудини назорат қилиб туриш учун 200 киши билан Раймунд Тулузский қолдирилди.

**Антиохия учун жанг.** 28 июнь душанба куни эрталаб жангга тайёр бўлган салибчилар шаҳардан чиқишди. Кербоги осонлик би-

лан ғалаба қозонишни мўлжаллаб саркардаларининг маслаҳатини кулоқ солмади ва ҳар бир бўлинмага алоҳида эмас, балки бутун кўшинга ялпи ҳужум қилишни режалаштирди. У ҳийла ишлатиб кўшинига чекинишни буюрди, бу билан жанг қилиш учун салибчиларни қулай вазитга олиб чиқмоқчи эди. Турклар камондан ўқ отиб ён-атрофдаги тепаликларга чекина бошлади. Салибчилар катта талафот кўришларига қарамай ҳужумга ўтишди. Кутилмаганда Кербоги кўшини мағлуб бўлди.

**Антиохия қулагандан сўнг.** Салибчилар шаҳарга қайтишган мусулмонлар кўриқлаётган ҳудудга бориб музокара бошлашди. Бу вақтда ҳудудни Шамсиддин эмас, Кербоги тайинлаган Аҳмад ибн Марвон бошқарарди. Бошқа чора йўқлиги сабаб, Аҳмад ибн Марвон Боумэндга таслим бўлди.

Июлда Антиохияда эпидемия (тиф бўлиш эҳтимоли кўпроқ) бошланиб, 1 августда епископ Адемари ҳаётдан олиб кетди. 11 сентябрь куни салибчилар Урбан II га мактуб йўллаб Антиохия бошига ўтишни сўрашди, лекин папа унамади. Салибчилар етарли таъминот захираларига эга бўлмасалар ҳам, 1098 йил кузига бориб Антиохияни тўлиқ назоратларига олишди. Салибчилар кўшинида Қуддусни олиш чўзилиб кетаётганидан норозилик ортиб борди. Ноябрьда Раймунд Боумэнд талабини қондириб Антиохияни унга топширди. 1099 йил бошида Боумэнд Антиохия князи деб эълон қилинган, салибчилар кўшини Қуддус томон ҳаракатланди.

Салибчилар 1097 йил 26 июнда Никеядан Антиохияга қараб йўлга чиқишди. Никеянинг қулаши уларни руҳлантириб юборганди. Кўшиннинг илғор қисмида Боумэнд Тарентский, Танкред, Роберт Нормандский ва Роберт Фландрийский борарди. Ортидан Готфрид Бульонский, Раймунд Тулузский, Болдуин Бульонский, Стефан Блуасский ва Гуго Вермандуа ҳаракатланди. Бундан ташқари, Византия императори Алексей Комнин ўз вакили Татикийни Византияга қарашли шаҳарларни қайтариш ҳақидаги битимни назорат қилиш учун юришга кўшиб жўнатди.

**Қуддуснинг салибчилар томонидан қамал қилиниши (1099 йил 7 июнь – 15 июль).** 1098 йил ноябрда граф Раймунд Тулузский ва унинг қўл остидаги рицарлар Антиохиядан жануби-ғарбдаги Маарра шаҳрига қараб силтишди ва 24 ноябрь куни шаҳарни қамал қилишди. Орадан кўп ўтмай улар сафига Боумэнд Тарентскийнинг норманлардан ташкил топган бўлинмаси қўшилди. Икки томондан ҳужумга учраган ҳимоячилар қалъани муҳофаза қила олишмади ва

1098 йил 11 декабрь куни салибчилар шаҳарни забт этди. Деярли бутун аҳоли қириб ташланди.

1099 йил 13 январда салибчилар Қуддусни истило қилиш учун ҳаракат бошлади. Ўрта ер денгизи соҳили бўйлаб юрган фотиҳлар йўлда умуман қаршиликка учрамади. Вақтдан ютқазмаслик учун Тир, Аккра ва Кессарияни қамал қилмай четлаб ўтишди. Рамлага етиб келган салибчилар ўртасида яна тушунмовчиликлар бошланди. Улар Дамашққа ёки Қоҳирага юриш ҳақида тортишишди, охири Қуддусга юришни давом эттиришга қарор қилишди.

1099 йил 7 июнь сешанба куни Қуддусга етиб келдилар. Роберт Нормандский лагери Стефан черковининг шимолий томонида, ундан нарироқда Роберт Фландрийский бўлинмаси ўрнашди. Готфрид Бульонский ва Танкред Тарентский гуруҳлари Довуд минораси ва Яффа дарвозалари қаршисида жойлашди. Жанубда Сино тоғидаги Мария черкови яқинида Раймунд Тулузский қарор топди.

Антиохия қамалида бўлгани каби, салибчилар катта қийинчиликларга учради. Шунга қарамай, Қуддусни мусулмонлардан тортиб олиш учун бирлашиб ҳаракат қилишди. 13 июнь куни шаҳар деворини эгаллашга уриниб кўришди. Қалъа ҳимоячилари ҳужумни қайтарди. 17 июнь куни Яффага Генуя кемалари озиқ-овқат ва қамал қуроллари билан етиб келди. Раймунд кемаларни ҳимоялаш учун юзлаб рицарларини жўнатди, лекин йўлда қуддусликларнинг пистирмасига дуч келдилар. Қонли тўқнашувда кўплаб киши ҳалок бўлди. Қуддус қамал қуролларидан тинимсиз ўққа тутилди. Шаҳар атрофи хандақ билан ўралгани боис, салибчилар 12 июль куни чуқурларни тўлдиришга киришишди. 15 июль куни хандақни кўмиб ташлаб шаҳар деворларига яқинлашишди. Шотиларни деворга қўйиб шаҳарга киришга уринишди. Биринчи бўлиб Қуддусга рицар Летольд, кейин Готфрид Бульонский ва Танкред Тарентский кирди. Бошқа томондан ҳужум қилаётган Раймунд Тулузский салибчилар шаҳарга кирганини эшитгач зудлик билан жанубий дарвоза томон йўналди. Довуд минораси гарнизони амири шаҳар бой берилганини кўриб таслим бўлди ва Яффа дарвозасини очиб берди. Салибчилар Қуддусга киришлари биланоқ хунрезликни бошлаб юборишди. Улар мусулмон ва яҳудийлар қатори маҳаллий христианларни ҳам қириб ташлади. 16 июль куни эрта тонгда барча нарса ҳал бўлди, қамал вақтида ва хунрезликда жами 70 мингга яқин киши ўлганди.

Салибчилар Қуддусни олишгач Қуддус қироллигини ташкил қилишди. Готфрид Бульонский биринчи қирол бўлди.



Ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун Боумэнд донишмандийларнинг Сивасдаги амири Малик Ғозийга ҳужум қилди. Салибчилар Қуддусга юриш қилаётганда донишмандийларни четлаб ўтишганди, улар вазиятдан фойдаланиб 1101 йилга келганда Кичик Осибнинг энг кучли давлатига айланишган. Боумэнд Малатиядаги арман князининг илтимосига кўра Малик Ғозийга ҳужум қилди, у жуда кучли турк бўлинмалар билан тўқнашиб мағлубиятга учради ва рицарлари билан асирга олиниб Неокасесарияда тўрт йил (1101 – 1104) сақланди. Арман князи пул тўлаб уни асирликдан қутқарди.

**Асқалон жанги.** 1099 йил 12 август куни мисрликлар ва сурияликларнинг бирлашган қўшини Готфрид Бульонский, Раймунд Тулузский, Танкред Тарентский, Роберт Нормандский бошлиқ салиб қўшини билан тўқнашди. Мусулмонларнинг қўшини сон жиҳатдан кўп бўлишига қарамай енгилди.

**Томонлар содир этган ҳарбий жиноятлар.** Бизгача етиб келган маълумотларга кўра, салибчилар томонидан ҳам, уларга қаршилик қилганлар томонидан ҳам қирғинлар уюштирилган. Лекин мазкур ҳодисалар ўрта асрларда бошқа минтақаларда ҳам кузатилган, баъзи тарихчилар фикрича, у даврда «ҳарбий жиноят» деган тушунча маъжуд бўлмаган.

**1100 – 1101 йиллардаги салиб юриши.** Юртига қайтган салибчилар кўрган-кечирган қийинчиликларини оқизмай-томизмай айтиб беришига қарамай, Европада ерсиз қолган ва қашшоқлашган рицар сулолалари шон-шуҳрат ва мол-мулкка эришиш учун салиб юришига тайёрлана бошлади. 1100 йили Миланда архиепископ Анселм IV томонидан салиб юриши учун ломбардлардан қўшин тўпланди. Италия, Франция ва Германия баронлари 300 минг кишини тўплай олишди. Олдинги салибчилар йўлидан Константинополга келишди.

Алексей I салибчиларни Константинополь ташқарисига жойлаштирди. Тезроқ Босфордан ўтказиб қўйишларини талаб қилиб тартибсизликлар уюштиришгани учун, император тезда уларни Никомедияга ўтказдириб қўйди. 1101 йилнинг май ойида улар французлар, бургундияликлар ва немислар билан бирлашишди. Боумэнднинг асирдалигидан хабар топган салибчилар аввал уни озод этишга қарор қилишди. Бирлашган қўшин майнинг охирида Кўняга қараб юрди. Йўлларидаги Кастамон шаҳрини босиб олишга уринишди. Лекин бир ҳафта мобайнида туркларнинг тинимсиз ҳужумларига учраб июлда мағлубиятга учрашди.

Бутун қўшин ортга қайтиб Қора денгиз бўйлаб шарққа – донишмандийларга қарши юрди. Қилич Арслон уларни тор-мор келтириш учун донишмандийларнинг раҳбарлари ва Ҳалаб амири Ризвон билан бирлашди. Салибчилар августда мусулмонларнинг бирлашган қўшини билан Марзивонда тўқнашди.

**Марзивон жанги.** Салибчилар беш қисмга бўлинди: бургундияликлар, Раймунд ва византияликлар, немислар, французлар ва ломбардлар. Турклар Пафлагония тоғлари яқинидаги Марзивонда салибчиларга қақшатқич зарба берди. Жанг бир неча кун давом этган. Жангнинг биринчи ва иккинчи кунлари турклар ўзлари урушган бўлса, учинчи куни кечга яқин уларга донишмандийлар ва Ҳалаб қўшини қўшилди. Шундан сўнг аввал ломбардлар қўшини оғир аҳволда қолди, сўнг немис ва французлар чекинишга мажбур бўлди. Кейинги куни рицарлар тўла мағлубиятга учраб лагерларини ташлаб қочишди, бола-чақалари ва улар билан келган черков намояндалари асирга тушди. Тирик қолганларнинг бир қисми Константинополга кетган бўлса, қолганлари Антиохия ва Қуддусга боришди.

1101 йилги юриш ҳалокатга учрагач, Сурияга ўрнашиб олган салибчилар қўшни мусулмон давлатларига қарши курашишга мажбур бўлди. Қолаверса, улар 1099 йил баҳоридан греклар билан денгизбўйи шаҳарлари устидан ҳукмронлик ўрнатиш учун кураш бошлашганди. Ниҳоят, салибчилар орасида ўзаро кураш бошланди. Яқинда ташкил этилган тамплиер ва госпитальер рицарлари Қуддус қироллигини қўллаб-қувватларди.

**Салибчилар барпо қилган давлатлар.** Салибчилар истило қилган ўлкаларида тўртта давлат тузишди. Улар ҳақида қуйида қисқача маълумот берилади. Бу кейинги салиб юришлари ҳамда XII ва XIII асрларда Ғарбий Осиёдаги вазиятни тасаввур қилишга ёрдам беради.

**Эдесса графлиги** – салибчилар томонидан тузилган биринчи давлат, 1098 – 1146 йилларда фаолият кўрсатган.

Салибчилар Антиохияга юриш бошлашганда, Болдуин Бульонский улардан ажраган, 60 нафар отлиқ аскарлари ҳамроҳлигида Эдессага 1098 йил 6 февраль куни етиб бориб, маҳаллий ҳукмдорнинг ишончига кирганди. У ўлдирилгандан сўнг, Болдуин Эдесса ҳукмдори бўлди ва янги Эдесса графлиги ташкил этилганини маълум қилди. 1100 йили акаси Готфрид Бульонскийнинг вафотидан сўнг Болдуин Қуддус қироллиги тахтини эгаллади. Эдесса графлиги эса бошқа укаси Болдуин де Буркега ўтди ва у Болдуин II номи билан граф-

ликни бошқарди. Унга Жослен де Куртен назоратидаги Фуротдаги Турбессель қалъаси ҳам қўшиб берилди.

**Аҳолиси ва географияси.** Графликка қарашли ерлар денгизга туташмаганди. Аҳоли Эдессанинг ўзида 10 минг кишидан ошмасди, бошқа қалъаларда эса, асосан, қалъа гарнизони бор эди. Графлик энг кучли даврида ғарбда Антиохия ва Киликия, шарқда Фурот дарёсигача чўзилган. Жанубда эса Ҳалаб ва Мосул мусулмон давлатлари билан чегарадош эди. Графлик аҳолиси, асосан, сурияликлар, яъқубийлар ва христиан-григорианлардан иборат бўлиб, оз миқдорда мусулмонлар, православ греклар яшарди.

Эдесса графлиги 1104 йили Мосулдан келган салжуқийлар қўшини томонидан мағлуб этилди. Жослен ва Болдуин асирга тушди. Улар озод қилингунча, Эдессани Боумэнднинг акаси Танкред Тарентский бошқарди. Болдуин асирликдан озод бўлиб Эдессага қайтгач Танкредни куч ишлатиш йўли билангина четлата олди.

**Харран жанги.** 1110 йили Фуротдан шарқдаги барча худудлар Мосул отабеги Мавдуд томонидан забт этилди. Эдесса ва бошқа мустақкам шаҳарлар салибчилар қўлида бўлса-да, қалъалар хужумга учраб турарди. 1118 йил Болдуин I вафот этгач, Болдуин II Қуддус кироли бўлиб олди. 1119 йили Эдесса графлиги Жослен де Куртеньеге ўтди. 1122 йили Жослен мусулмонларга яна асир тушди. Эдесса хавфсизлигини таъминлаш учун шимолга юрди, лекин графлик худудидан чиқмай туриб асирга олинди. Орадан кўп ўтмай, 1123 йили, Жослен, кейинроқ Болдуин озод этилди.

**Графликнинг қулаши.** 1131 йили Жослен де Куртенье жанг майдонида ўлди. Унинг ўғли Жослен II граф бўлди. Шу пайтда Ҳалаб ва Мосулни бирлаштирган Зангий томонидан катта хавф юзага келди. Жослен II Триполи графлиги билан курашаётгани учун улар билан иттифоқ тузиб ёрдам олишдан маҳрум бўлди. 1144 йил Зангий Эдессани қамал қилди. Қамал бир ой давом этиб, қалъа 24 декабрь куни қўлга киритилди. Жослен Турбесселдан туриб Эдесса графлигини бошқаришда давом этди. Орадан кўп ўтмай Зангий қули томонидан ўлдирилди. Жослен бундан фойдаланиб Эдессани қайтариб олишга ҳаракат қилди, лекин 1146 йил ноябрда Нуриддиндан мағлубиятга учраб тасодиф туфайли асирга тушмади. Жослен барибир 1150 йили мусулмонларга асир тушди ва 1159 йили вафот этгунча Ҳалабда сақланди. Унинг хотини Византия императори Мануил Комнинга Турбессел ва унга қарашли ерларни сотиб юборди, лекин орадан бир йил ўтгач мазкур худудлар Нуриддин томонидан забт этилди.

**Антиохия князлиги** – биринчи салиб юришидан сўнг салибчилар тузган иккинчи давлат. 1098 – 1268 йилларда мавжуд бўлган.

**Географияси ва аҳолиси.** Антиохия князлиги салиб давлатлари орасида ҳудуди бўйича учинчи ўринда турган. Князлик Ўрта ер денгизининг шимоли-шарқий соҳилларида жойлашган бўлиб, шимолда Киликия шоҳлиги ва Эдесса графлиги, жанубда Триполи графлиги билан чегарадош эди. XII асрда аҳолиси 20 мингдан ортар, асосий қисми арманлар ва православ грекларидан иборат эди. Қолаверса, шаҳар ташқарисида бир қанча мусулмон жамоалари истиқомат қилган. Антиохиядаги салибчилар, асосан, Нормандия ва Жанубий Италиядан келганлар эди.

Антиохия иккинчи салиб юриши вақтида Ҳалаб амири Нуриддин ҳужумига учради. Натижада князликнинг шарқий ҳудудлари тортиб олинди. Князлик 1153 йилдан Византия империяси вассалига айланди. 1164 йилги Харим жангида салибчилар мағлуб бўлишгач, Ҳалаб ва Антиохия чегаралари Оронт дарёсидан ўтадиган бўлди. 1180 йили Византия империяси ва Антиохия ўртасидаги иттифоқ тўхтади. Князлик италян флоти ёрдамида 1187 йилги Салоҳиддин Айюбий ҳужумини қайтарди. Триполи графлиги каби учинчи салиб юриши (1189 – 1192)да қатнашмади. Лекин 1190 йили Фридрих Барбаросса-ни дафн қилиш учун келган салибчилар билан кўришишди.

Мамлуклар ва мўғуллар ўртасидаги курашда Антиохия мўғуллар томонида бўлди. Лекин 1260 йилги Айну Жолутдаги мўғулларнинг мағлубиятидан сўнг князлик 1268 йили султон Байбарснинг ҳужумига учради. Байбарс Антиохияни олиб салибчилар ҳукмронлигига нуқта қўйди ва Шимолий Сурия устидан тўлиқ назорат ўрнатди.

**Қуддус қироллиги** – Биринчи салиб юришидан сўнг салибчилар ташкил қилган қироллик. Қироллик 1099 – 1291 йилларда фаолият кўрсатган. *Пойтахти* – Қуддус (1099 – 1187), *Тир* (1187 – 1191), *Аккра* (1191 – 1229), *Қуддус* (1229 – 1244), *Аккра* (1244 – 1291). *Давлат тузуми* – монархия.

Қироллик Готфрид Бульонский томонидан 1099 йили тузилди. У бир йилдан сўнг вафот этди, ўрнига Болдуин I қирол бўлди.

Болдуин даврида қироллик ҳудуди Аккра, Сидон ва Байрут шаҳарлари ҳисобига кенгайди. Қуддус аҳолиси қириб ташлангани учун, унинг даврида аҳоли Европадан кўчириб келтирилди. 1070 йилдаёқ Қуддусда госпитальерлар зиёратчилар учун госпитал қуришганди. Монахларнинг бошқа ордени тамплиерлар Ал-Ақсо масжиди атрофига ўрнашишди. Болдуин 1118 йили вафот этгач,

Эдесса графи Болдуин де Бурк Болдуин II номи билан тахтга ўтирди. У салжуқийларга бир неча бор асирга тушганига қарамай, қироллик ҳудуди кенгайиб борди, 1224 йили Тир шаҳри салибчилар давлатига ўтди.

**Қиролликдаги ижтимоий ҳаёт.** Фаластинда туғилиб ўсган янги авлод муқаддас заминни ўзининг ватани деб билар ва Европадан келаётган салибчиларга салбий муносабатда бўларди. Улар кўпроқ сурияликларга ўхшашарди, аксарияти грек, араб ва бошқа шарқ тилларини билган, грек ва арман аёлларига уйланишган. Бу ерда ҳам Ғарбий Европадаги каби феодал тузуми ўрнатилганди. Бироқ ерлар кам бўлгани сабабли, феодал тузум Европаникидан фарқли эди. Бу ерда феодаллар шаҳарларда истиқомат қилишган. Қуддусда мусулмонлар, яҳудийлар ва православ христианлари яшаши тақиқланганди. Фаластин Ғарб ва Шарқ ўртасида муҳим бандаргоҳга айланди, энди италиялик савдогарлар салибчилар назоратидаги бандаргоҳларга келиб Европада тайёрланган маҳсулотларни Шарққа жўнатишарди. Савдо туфайли Италия шаҳар-давлатлари, айниқса, Генуя ва Венеция жуда катта бойлик тўплашга эришди.

Қироллик қўшинида тамплиер ва госпитальер рицарлари муҳим ўрин тутган. Қироллик иккинчи салиб юриши даврида фаол қатнашди. 1187 йили Қуддус Салоҳиддин Айюбий томонидан эгалланди. Учинчи салиб юриши эса айнан Қуддусни қайтариб олиш учун уюштирилди.

Қироллик 1291 йили, султон Қуловун Аккрани эгаллагандан сўнг, тугатилди. Қуддус қироллигининг вассаллари қуйидагилар эди:

**1. Галилея князлиги (1099 – 1187).** Қуйидаги лордликлар князликнинг вассаллари бўлган:

1) Байрут лордлиги (1110 – 1291), Байрут 1110 йили салибчилар томонидан истило қилинган. Лордлик 1291 йил, Қуддус қироллиги қулагунча, мавжуд бўлган.

А) Баниас лордлиги (1128 – 1164) – Байрут лордлигининг вассали бўлиб, 1128 йили ҳашшошийлар Болдуин II га беришган. 1164 йили Нуриддин томонидан эгалланган. Қалъани салибчилар тортиб олгач, Жоселин III де Куртеньегга қарашли мулкларга қўшиб юборишди.

Б) Торон лордлиги – салибчилар қурган қалъа эди, 1187 йили Салоҳиддин Торонни босиб олди, 1191 йили унинг буйруғи билан бузиб ташланган. Кейинроқ ҳудуд антиохияликлар қўлига ўтди, қалъа 1266 йили салибчилардан тортиб олинган. Тороннинг вассаллари Шатонеп (1105 йили қурилган, кейин госпитальерларга берилган –

1167 йили Нуриддин томонидан босиб олинган) ва Торон Ахмуд – Байрут лордларига қарашли бўлиб, 1261 йили тевтон рицарларига сотиб юборилганди.

2) Назарет лордлиги (1115 йили ташкил топган);

3) Хайфа лордлиги – Назарет архиепископи вассали эди.

**2. Яффа ва Асқалон графлиги (1100 – 1268).** Яффа графлигини биринчи салиб юришидан сўнг Готфрид Бульонский ташкил қилди. 1153 йили салибчилар Асқалонни олишгач Яффага қўшиб юборишди. Графлик 1268 йили султон Байбарс томонидан тугатилди. Графликнинг иккита вассали бор эди:

1) Рамла лордлиги – 1101 йили салибчилар томонидан истило қилинган. Рамла 1126 йилдан Яффа графлигининг ажралмас қисмига айланди. 1134 йилдан графлик вассали бўлган ҳолда Рамла лордлиги мақомини олди. 1177 йили Рамла яқинида Салоҳиддин мохов қирол Болдуин IV бошлиқ салибчилардан енгилганди. Лекин 1187 йили Салоҳиддин Рамлани ишғол этди. Учинчи салиб юриши давомида салибчилар уни қайтариб олишди;

2) Ибелин – 1141 йили Яффа ва Асқалон ўртасида қурилган қалъа. 1187 йили Салоҳиддин томонидан эгалланган. Олтинчи салиб юришидан сўнг, 1241 йили, салибчиларга қайтариб берилди. Кейин, Яффа ва Асқалон графлиги қулагунча, фаолият кўрсатди.

**3. Сайда сеньорлиги** – Сайдани салибчилар 1110 йили эгаллаганди. Уни 1187 йили Салоҳиддин қайтариб олди ва 1197 йилгача муслмонлар қўлида эди. Кейин салибчилар қўлида 1260 йилгача қолди. Айн Жолут жанги пайтидан шаҳар мўғуллар томонидан вайрон этилган. Сайда кейин мамлукларга ўтди.

**Триполи графлиги** – *Биринчи салиб юришидан сўнг Фаластинда салибчилар томонидан тузилган тўрт давлатдан бири. 1105–1289 йилларда мавжуд бўлган.*

Графлик асосчиси Раймунд Тулузский ҳисобланади. Граф Фаластинда ўзининг ери бўлишини истарди. 1105 йили Триполи қамали пайтида у вафот этди. Ворислари Триполини эгаллаб янги графлик тузишди.

Графлик 1289 йили, султон Қуловун Триполини эгаллагач, тугатилди.

**Фаластин биринчи ва иккинчи салиб юриши оралиғида. Норвегларнинг салиб юриши (1107 – 1110).** Юриш Норвегия қироли Сигурд I томонидан ташкиллаштирилди. Юришда, шунингдек, Қуд-

дус қироллиги (Болдуин I) ва Венеция Республикаси (Орделафо Филлеро) қўшини қатнашди.

**Норвегларнинг Англияга келиши (1107 – 1108).** Сигурднинг тахминан 5 минг кишилик қўшини 60 та кемада 1107 йил кузида Генрих I ҳукмронлик қилаётган Англияга келди. Норвеглар Англияда 1108 йил баҳоригача туриб юришни давом эттиришди.

**Иберия минтақасида (1108 – 1109).** Салибчилар Галисиядаги Сан-Жеймс шаҳрига жойлашишди ва ўша ерда қишлашди. Қишги келиб қўшинда озиқ-овқат таъминотида етишмовчилик бошланди. Шаҳар лорди норвегларга озиқ-овқат сотмасликни буюрди. Бундан ғазабланган салибчилар лорд қасрига ҳужум қилиб талон-тороғ этишди.

Юриш давомида салибчилар денгиз қароқчиларига йўлиқишди. Қисқа тўқнашувда қароқчиларни мағлуб этишди ва уларнинг 8 та кемасини қўлга киритишди. Шундан сўнг улар Андалусияга келиб Синтра қалъасига (ҳозирги Синтра, Португалия) ҳужум қилиб эгаллашди. Чўқинишни истамаганларни қириб ташлашди. Кейин аҳолисининг ярми мусулмон, ярми христианлардан иборат Лиссабонга боришди. Улар билан уч марта тўқнашиб барчасида ғалаба қозонишди ва катта ўлжага эга бўлишди. Кейин Ал-Қасрдаги Алкассага юриб ғалабага эришишди ва шаҳар аҳолисини қирғин қилишди.

**Балеарда (1109).** Норвеглар Гибралтардан ўтишда денгиз қароқчилари билан тўқнашиб ғалабага эришишди ва Балеар оролларига етиб келишди. У ерда муваффақиятли ҳаракат қилиб арабларни енгишди. Лекин мустақил тоифа бўлмиш энг катта орол Майоркани эгаллашга журъатлари етмай ҳужум қилишмади.

**Сицилияда (1109 – 1110).** Салибчилар 1109 йил баҳорида Рожер II таклифига кўра Сицилияга келишди.

**Фаластинда (1110).** Ниҳоят, норвеглар 1110 йил баҳорида Аккра (ёки Яффа)га етиб келишди ва Қуддусга йўл олишди. Уларни Қуддус қироли Болдуин илиқ кутиб олди. Болдуин Сигурд I билан Иордан дарёсига борди ва Қуддусга қайтиб келди.

**Сайда қамали (1110).** Норвегиядан келган салибчилар Сайдани қамал қилишда иштирок этишди. Шаҳар салибчилар томонидан иттило қилинди ва Сайда лордлиги тузилди. Норвеглар шундан сўнг ортга қайтишди. Улар Кипрда қисқа муддат, сўнг Грециядаги портлардан бирида тўхташди. Сигурд у ерда кучли шамол бўлишини кута бошлади. Кучли шамол бошлангач, елканли кемалари билан

Константинополга сузди. Барча Константинополь халқи елканли кемаларни кўриш учун денгиз бўйига чопди. Уларни император Алексей I кутиб олди ва шаҳар портини очди.

**Салибчиларнинг Норвегияга қайтиши (1110 – 1113).** Сигурд ўзининг барча кемаларини ва қўлга киритган нарсаларини Византия императорига топширди, бунинг эвазига жуда кўп отларни олиб юртига қуруқликдан кетишга тайёргарлик кўрди. Салибчиларнинг бир қисми Византия империясида хизмат қилиш учун қолди. Сигурд Европа бўйлаб 3 йилга яқин саёҳат қилди. Болгария ва Венгриядан ўтиб, Паннония, Швабия ва Баварияга келди. Баварияда Муқаддас Рим империяси ҳукмдори Лотар билан учрашди. Кейин Данияга келди ва қирол Нилс билан кўришди. Сигурд Нилс жиҳозлаган кемада Норвегияга етиб олди.

**Сармада жанги – 1119 йил 28 июнь куни Ҳалаб амири ва Антиохия князлиги ўртасида бўлиб ўтган жанг.**

1117 йил майда ортуқийлар сулоласидан бўлган отабек Ғозий Ҳалаб ҳукмдори бўлди. Салибчилар 1118 йили Ҳалабдан шимолдаги Азазни истило этишди. 1119 йили салжуқийлар Антиохияга ҳужум қилди.

Рожернинг қўшини Артах қалъасидан йўлга чиқиб 20 июнь куни Сармада тоғли йўли яқинида ўрнашди. Патриархнинг Қуддус ва Триполдан ёрдам олиш ҳақидаги маслаҳатини қабул қилмади.

Отабек Ғозий Дамашқ амирининг мададини кутмай 27 июнь куни салибчилар лагерини қуршаб олди. 28 июнь куни эрталаб салибчилар қуршовда қолганини тушунишди. Бор кучлари билан урушишларига қарамай, қақшатқич мағлубиятга учрашди, салибчилар раҳбари Рожер Саленский юзига урилган қилич зарбидан ҳалок бўлди. Бу жангда кўплаб салибчилар ўлгани учун, у «Қонли майдондаги жанг» деб ҳам номланади.

Жангда мусулмонлар ғалабага эришишига қарамай, Антиохияни эгаллай олишмади. 14 август куни Ғозий қўшини Антиохия яқинида салибчилар томонидан чекинишга мажбур қилинди.

**Азаз жанги – 1125 йил 11 июнь куни салибчилар ва салжуқийлар ўртасида бўлиб ўтган жанг.**

1223 йил 18 апрелда Қуддус қироли Болдуин II Эдесса йўлида мсирга олинганди. 1124 йил 19 октябрь куни 80000 динор эвазига қўйиб юборилди. Орадан кўп ўтмай Болдуин Ҳалабни қамал қилди. Мосул отабеги Бурзукий Ҳалабга ёрдам бериш учун шошилди. Унинг қўжумидан сўнг салибчилар қамални тўхтатишга мажбур бўлишди.



Кейин Бурзукий Эдесса графлигига қарашли Зерданни қамал қилди, Болдуин II, Жослен I ва Триполи графи Понс қўшини Бурзукий қўшини билан тўқнашди.

Болдуин қўшинини чекинтириб салжуқийларни ўзи учун қулай ерга олиб чиқишга эришди, кейин қонли жанг бошланди, салжуқийлар мағлуб бўлишди. Салибчилар катта ўлжани қўлга киритган. Кейинчалик мазкур пуллар кўплаб асирларни озод қилишга сарфланди, жумладан, Эдесса графи Жослен II ни ҳам.

Азаздаги ғалаба туфайли салибчилар Сармада жангидан сўнг бой берилган мавқеларини тиклашди. 1128 йили Ҳалаб ва Дамашқ саркарда Зангий қўл остида бирлашгач, салибчилар Суриянинг шимолидаги ҳудудлар устидан назоратни йўқотиб боришди.

1127 йили Мосул амири бўлган Имодуддин салибчиларга катта хавф сола бошлади. У қўл остида салибчиларга қўшни бир қанча ҳудудларни эгаллаб Суриянинг катта қисми ва деярли бутун Месопотамияни ўз ичига олган кучли давлат тузди. 1144 йили эса Эдессани қўлга киритди.

Эдессанинг бой берилиши ҳақидаги хабар Фарбга ҳам етиб бориб, у ерда иккинчи салиб юриши ўтказишга ҳаракат бошланди. Бернард Клервосскийнинг тарғиботи қирол Людовик VII бошчилигидаги француз рицарларини ҳаяжонга солиб, ҳаракатга келтирди. Кейин Бернард немис императори Конрад III ни ҳам юришга жалб қилди. Конрад билан бирга унинг жияни Фридрих Швабский ва кўплаб немис князлари иштирок этди.

*Эслатма: биринчи салиб юриши давомида ҳамда биринчи ва иккинчи салиб юришлари орасида жуда кўп тарихий воқеалар бўлиб ўтгани ва воқеаларни ёдда сақлаш осон бўлиши учун, ҳодисаларни солнома шаклида келтирамиз:*

1095 йил август	Рим папаси Урбан II Пьюи шаҳрида йирик черков намоюндаси епископ Адемар Монтейлский билан учрашди. Сухбат, афтидан, Фарбий Осиёга юришда Адемар диний раҳбарликни ўз зиммасига олиши ҳақида борган
1095 йил 18 ноябрь	(18 – 25 ноябрь) Клермон шаҳридаги соборда 200 (ёки 300) епископ ва 400 аббат қатнашди. 25 ноябрь куни Урбан II Фаластинни истило этишни тарғиб қилди
1095 йил охири	Францияда, асосан, қашшоқлардан иборат кўп минг кишилик оломон тўпланди

1096 йил март	Биринчи салиб юриши бошланди (1096 – 1099). Шимолий ва Марказий Франция, Фландрия, Лотарингия, Германия (Қуйи Рейн) ва Англиядан бўлган оломон «муқаддас зиёрат»га ҳаракат бошлади
1096 йил июлнинг ўрталари	Готье бошлиқ оломон Константинополга етиб келди
1096 йил 1 август	Пётр бошлиқ гуруҳ Константинополда Готье бўлинмаси билан бирлашди. Византия императори Алексей I Пётр ва Фолькмарни ўз саройида қабул қилди. Бир ҳафтадан сўнг салибчиларни Кичик Осиёга ўтказиш бошланди
1096 йил август	Рицарлардан тузилган салибчилар қўшини Рейннинг ўнг соҳили ва Лотарингиядан Ғарбий Осиёга қараб йўлга тушди. Қўшинни Готфрид Бульонский бошқарарди (Бульон – Ардена яқинидаги қалъа)
1096 йил 21 октябрь	Босфорнинг Осиё қирғоқларига жойлашган оломондан иборат салибчилар Никея томон ҳаракат бошлашди. Лекин улар 25 октябрь куни салжуқийлар томонидан мағлуб этилди
1096 йил октябрь	Раймунд Тулузский бошлиқ салибчилар Жанубий Франциядан йўлга тушди, Алп орқали Истрия ва Далмациядан ўтиб Адриатика соҳилларига чиқишди. Кейин Эгнация йўлидан Константинополга етиб келишди
1096 йил ноябрь	Роберт Нормандский бошлиқ гуруҳ Италияга келиб қишлоқ учун тўхтади
1096 йил ноябрь	Готфрид Бульонский бошлиқ салибчилар Венгрияни кесиб ўтишди (Венгриядан ўтиш давомида салибчилар босқин уюштирамасликлари учун гаров тариқасида кўзга кўринган кишиларини қиролга беришди)
1096 йил 23 декабрь	Готфрид бошчилигидаги лотаринг-немис рицарлари Константинополга келиб ўрнашди
1097 йил 2 апрель	Готфрид ва Византия қўшини орасида тўқнашув бўлиб ўтди. Натижада Готфрид императорга вассаллик қасамёдини берди
1097 йил 9 апрель	Константинополга Боумэнд Таренский гуруҳи келди ва императорга қасамёд қилди
1097 йил 28 апрель	Раймунд Тулузский императорга қасамёд қилмади, лекин унга қарши урушмаслик мажбуриятини олди
1097 йил апрель – май	Салибчиларнинг катта қисми Кичик Осиёга ўтказилди

1097 йил 6 май	Салибчилар Пелакан ва Никомедиядан ўтишгач Никеяни қамал қилишди. Готфрид Бульонский шимолдан, Танкред бошлиқ норманлар жанубдан
1097 йил 16 май	Никеяга Раймунд бўлинмалари келиб шаҳарни жанубдан қамал қилди
1097 йил 19 май	Салибчилар Никеяни олиш учун ёлпасига хужумга ўтишди. Уларга Мануил Вутумит бошлиқ византияликлар қўшилди. Византияликлар флоти кўлни назоратга олиб салжуқийларни ташқи дунёдан узиб қўйди. Никея Византияга таслим бўлди
1097 йил 26 июнь	Салибчилар Никеядан Кичик Осиё орқали жануби-шарққа юриш бошлашди. Салибчилар қўшинига қарши Қилич Арслон Каппадокия амирлари билан сулҳ тузди
1097 йил 30 июнь	Салжуқийлар қўшини Порсук дарёси водийсида Дорилей яқинида салибчиларни кута бошлади
1097 йил 1 июль	Салжуқийларнинг бирлашган қўшини эрта тонгда Боумэнд Таренский (французлар) ва Роберт (норманлар) қўшинига хужум қилди. Кун ярмида Раймунд Тулузский рицарлари жанг майдонига етиб келди. Герцог Готфрид Бульонский ва граф Гуго Вермандуанинг илғор бўлинмалари жангга қўшилиши «Дорилей жанги» тақдирини ҳал қилди. Салжуқийлар қўшини мағлубиятга учради ва барча нарсаларини ташлаб чекинишга мажбур бўлди
1097 йил 3 июль	Антитавр тоғ тизмасидан ўтиб Марашга чиқиш учун салибчиларнинг бирлашган қўшини Византия қўшини қўмондонни Татикий маслаҳати билан Кессария ва Коман орқали Ираклийдан Кичик Осиёнинг шимоли-шарқига юрди
1097 йил 10 сентябрь	Танкред бошчилигидаги салибчилар (норманлар), Бодуэн Бульонский, Бодуэн ле Бурглаарнинг бўлинмалари асосий қўшиндан ажраб жанубга – арманларнинг Тарс шаҳрини йўл олишди. Лонгинияда портига Гинимер Бульонский қамалари етиб келди
1097 йил октябрь	Салибчиларнинг асосий қўшини Маржга етиб келди. У ерга Бодуэн Бульонский ҳам ташриф буюрди, лекин икки кундан сўнг асосий қўшиндан ажраб жануби-шарққа юриш қилди ва Айнтаб (Равендель) ва Фурот (Турбессоли) қалъаларини босиб олди

1097 йил 21 октябрь	Салибчиларнинг асосий қўшини Антиохияга етиб келди
1097 йил ноябрь	Антиохияга олиб борувчи Симеон гаванида салибчиларга озиқ-овқат ва қурол-яроғ келтирган 14 та Генуя кемаси лангар ташлади
1097 йил декабрь	Салибчилар бўлинмаси ўзини озиқ-овқат билан таъминлаш учун босқин уюштирди. Малик Дукакнинг қўшини Албара яқинида Боумэнд Таренский ва Роберт Фландрийскийнинг 20 минг кишилиқ қўшини томонидан мағлуб этилди
1098 йил январь	Антиохияни қамал қилган салибчилар қўшинида очарчилик бошланди. Пётр Амьенский қўшиндан қочди, лекин орадан кўп ўтмай қайтариб келтирилди
1098 йил 6 февраль	Бодуэн Бульонский арман шаҳри Эдессага (11 йил олдин салжуқийлар бўйсундирган) бориб, у ерда Эдесса графисифатида тан олинди
1098 йил февраль	Антиохия остоналаридаги Темир кўприк яқинида салибчилар Ҳалаб амири Ризвон қўшинининг ҳужумини қайтарди. Салжуқийлар чекинди
1098 йил март	Симеон гаванида Эдгар Этиленг бошлиқ 4 та Англия кемаси Антиохияни олиш учун қамал қуролларини келтирди
1098 йил 2 – 3 июнь	2 июндан 3 июнга ўтар кечаси норман саркардаси Боумэнд қалъа ҳимоясига масъул бўлганлардан бири – арман Феруз ёрдамида Антиохиянинг бир неча минорасини қўлга киритди. Шаҳар таслим бўлди ва салибчилар томонидан аёвсиз таланди
1098 йил 5 – 6 июнь	Антиохияни салибчилар эгаллагандан сўнг, ўларнинг ўзи Мосул амири Кербоги қўшини томонидан қамал қилинди
1098 йил 27 июнь	Антиохияда қамалда қолган салибчилар шаҳарни туркларга топширишни режалаштира бошлашди, бироқ қамал қилувчи қўшиннинг бир қисми қайтиб кетганидан хабар топишгач фикрларидан қайтишди
1098 йил 28 июнь	Эрта тонгда салибчилар туркларга ҳужум қилиб ғалаба қозонишди. Катта ўлжа қўлга киритилди
1098 йил август	Миср ҳукмдори салибчилар томонидан мағлуб этилиб кучсизланиб қолган салжуқийларга қарашли Қуддусни эгаллади ва Байрутга юриш қилди
1098 йил 11 сентябрь	Салибчилар Антиохиядан Урбан II га мактуб йўллаб шаҳарни олишгани ва Кербоги қўшинининг мағлуб этилганини маълум қилишди

1098 йил 5 ноябрь	Салибчи кўмондонлар Антиохияни Боумэнд Таренскийга топширишга қарор қилишди (бошқа номзод Раймунд Тулузский эди)
1098 йил ноябрь охири	Боумэнд Таренский ва Раймунд Тулузский кўшини Маарра (Антиохия жанубида) қалъасини олиш учун ҳаракат бошлади
1098 йил 11 декабрь	Боумэнд Таренский ва Раймунд Тулузский кўшини Маарра қалъасини эгаллади
1099 йил май	Салибчи рицарлар Ливан ҳудудига, сўнг Фаластин ерларига кириб борди
1099 йил 7 июнь	Салибчилар Қуддусга етиб келишди
1099 йил 12 июнь	Қуддусни эгаллашга уриниб кўришди
1099 йил 13 – 14 июль	Қуддусни эгаллаш учун ёппасига ҳужумга ўтишди, лекин ҳимоячилар ҳужумни қайтарди
1099 йил 15 июль, кун ўртасида	Кун ўрталарида салибчилар Қуддусга бостириб кирди, кун ўтмай шаҳар таслим бўлди. Ал-Ақсо масжиди ва Довуд минораси ҳимоячилари салибчиларга қаттиқ қаршилиқ кўрсатди. Қуддус аҳолиси қирғин қилинди
1099 йил 22 июль	Салибчилар кўмондонлари Готфрид Бульонскийни Қуддус қироли деб эълон қилишди
1099 йил 29 июль	Рим папаси Урбан II, Қуддус олингани ҳақидаги хабар етиб келмай туриб, вафот этди
1099 йил 12 август	Қуддус жанубидан Ал-Афзал бошлиқ мисрликлар ҳужумга ўтишди, бироқ Асқалон текислигидаги жангда мағлуб бўлишди. Салибчилар Қуддусда ўз мавқеини мустаҳкамлаб олди
1100 йил 18 июль	Готфрид Бульонский вафот этди. Готфриднинг акаси Боуэн Қуддус қироли бўлди
1100 йил 18 ноябрь	Валенсияда (сўнг Пуатьеда) Фарбий Осиёдаги салибчиларга ёрдам бериш учун собор иш бошлади. Шундан сўнг Шарққа янги кўшин юришга киришди
1101 йил бахори	Ломбардлар кўшини Валенса (Пуатье) собори чақиригига жавоб бериб Константинополга келди. У ерда император Алексей I га қасамёд қилишди. Анқарага юриш бошланди
1101 йил 23 июнь	Ломбардлар Анқарани қўлга олиб Византияга топширишди

1101 йил июль ўрталари	Марзивонда салжуқийларнинг бирлашган қўшини салибчиларни мағлуб этди. Салибчилар қўшини Қуддусга етиб бормади ва у ердаги рицарларнинг мавқеини кучайтирмади
1101 йил	Салибчилар Ғарбий Осиёдаги Хайфа, Арсуф ва Кессариани босиб олишди
1104 йил	Аккрани истило қилишди
1109 йил	Етти йиллик қамалдан сўнг Триполини, шунингдек, Сайда ва Байрутни олишди
1113 йил	Папа Пасхалий II госпитальерлар ордени низомини тасдиқлади. Орден Қуддус қироллиги бошқарувидан чиқарилиб, тўғридан-тўғри папага бўйсундирилди
1124 йил	Салибчилар Тир шаҳрини эгаллашди
1135 йил июнь	Пиза соборида папа Иннокентий II архиепископларга, епископларга ва аббатларга тамплиерлар фойдасига ҳар йили тўланадиган солиқ солди
1137 йил сентябрь	Византия императори Иоанн II Антиохияни босиб олишга ҳаракат қилди, лекин, қиш яқинлашиб қолгани учун, режа амалга ошмади
1139 йил	Бўлиниб кетган Салжуқийлар давлатини бирлаштириш мақсадида Имодиддин Зангий бошлиқ салжуқийлар қўшини Дамашқни бўйсундиришга уринди. Лекин Қуддус қироллиги Дамашқни ҳар томонлама қўллаб-қувватлади
1139 йил	Рим папаси Иннокентий II тамплиерларнинг фақат папага бўйсунishi ва жиноятлари фақат папа судида кўрилиши ҳақида қонун чиқарди
1144 йил август – сентябрь	Византия императори Мануил Комнин Антиохия князи Раймунд де Пуатьенинг Константинополь ҳукуматига вассал бўлганини тасдиқлатди
1144 йил октябрь	Имодиддин Зангий қўшини Эдесса графлиги ҳудудига кирди
1144 йил 28 ноябрь	Имодиддин Зангий бошлиқ салжуқийлар қўшини Эдессани қамал қилди. Қуддус қироллигидан Эдессага мадад кучлари жўнатилди
1144 йил 24 декабрь	Имодиддин Зангий қўшини Эдессани қўлга киритди. Икки йилдан сўнг Эдесса графлиги фаолиятини тугатди

## Иккинчи салиб юриши (1147 – 1149)

1145 йил ноябрь. Қуддус ва Антиохия ҳукмдорлари папага ёрдам сўраб мурожаат қилишди.

1145 йил 1 декабрь. Рим папаси Евгений III салиб юришига тарғиб қилди. Ғарбда юришга тайёргарлик бошланди.

Эдессанинг Имодиддин томонидан эгалланиши иккинчи салиб юришига туртки бўлди. Ҳарбий ҳаракатлар Пиреней яримороли ва Ғарбий Осиёда олиб борилди. Пиренейдаги Лиссабонни араблардан тортиб олишда Англия қироллиги, Леон, Кастилия, Барселона ва Португалия қиролликлари бирлашган бўлса, Фаластинда олиб борилган юришда Қуддус қироллиги (тамплиер рицарлари, госпитальер рицарлари), Византия империяси, Муқаддас Рим империяси (Бавария, Франкония, Швабия, Стирия) ва Франция қиролликлари (Фландрия, Монтферрат, Савоя, Бар, Аувергна, Лоррана, Бургундия, Аквитания, Прованс) қатнашди. 1146 йил 16 февралда французлар ва немислар юриш режасини муҳокама қилгани йиғилди. Муқаддас Рим империяси ҳукмдори Конрад Сицилия қироли билан душман бўлгани учун Венгрия орқали Константинополга боришга қарор қилди. Французлар узоқ тортишувлардан сўнг немислар юрган йўлдан юришга қарор қилиб 15 июнда йўлга чиқишди. Бундан Сицилия қироли ғазабланиб салиб юришида қатнашмаслигини маълум қилди.

1146 йил 31 март. Аббат Бернар Клервоский Везеле (Бургундия, Франция)да зодагонларга папа чақириғини ўқиб эшиттирди. Бернар 27 ноябрда Жанубий Германияга бориб маҳаллий аҳолини юришда қатнашишга чақирди.

1147 йил 16 февраль. Этамнда француз зодагонлари салиб юриши бошланишини (1147 йил 15 июнь) ва йўналишини маълум қилишди.

1147 йил 15 март. Франкфуртдаги рейхстаг мажлисида юришни май ойи ўрталарида бошлашга қарор қилишди.

1147 йил 15 июнь. Нюрнберг ва Регенсбургдан йўлга чиққан немис салибчиларини қирол Конрад III бошқарарди. Немис салибчилари кардинал Теодвин билан йўлга тушишди ва французлар билан Константинополда учрашишга келишиб олишди. Французлар Мец шаҳридан йўлга чиқди. Уларни қирол Людовик VII бошқарди. Стирия графи Оттокар III Конрад билан Венада бирлашди. Бу сафар ҳам салибчилар йўлда талончилик билан шуғулланди.

1147 йил ёзи. Сицилия қироли Рожер II Византияга қарши ҳаракат қилиб Кефалония, Корфа ороллари эгаллади, Коринф ва Фивани талади. Бунинг учун у Миср султони билан иттифоқ тузди.

1147 йил 10 сентябрь. Немис рицарлари Константинополга етиб келишди. 1147 йил охирида французлар Константинополда ҳозир бўлишди.

Шу вақтда Византия императори салжуқийлар билан сулҳ тузди, император туркларни душман деб билмаслигини ва юришда ғарб-ликлар иштирок этаётганини тушунтирганди. Олдинроқ Сицилия ҳумдори Рожер Миср султони билан сулҳ тузган. Византия императори Мануил тартибсизлик чиқишидан хавотирланиб немис салибчиларни Босфорга шошилишга ўтказиб қўйди. Улар Никеяда тўхтаб дам олди. Босқинчилар раҳбари Конрад биринчи салиб юриши қатнашчилари юрган Дорилей, Кўня ва Гераклий орқали юришни маъқул деб топди.

1147 йил 26 октябрь. Дорилей яқинидаги Каппадокияда бўлган жангда салибчилар батамом тор-мор этилди. Турклар жангда ода-дагидек тактика қўллаб чекинишди ва қувиш асносида асосий қўшиндан ажралиб қолган отлиқларни енгишди, сўнг қолганларни тор-мор келтиришди. Конрад Никеяга қайтиб французларни кута бошлади. Немислар оғир мағлубиятга учраган пайтда, Людовик VII Константинополга етиб келганди. Кутилганидек, французлар ва византияликлар ўртасида тўқнашувлар юз берди. Французлар орасида немислар мислсиз ғалабаларга эришаётгани ҳақида хабарлар тарқала бошлади. Французлар «хайрли» ишдан ортда қолмаслик учун Босфордан тезроқ ўтказиб қўйишларини талаб қила бошлашди. Улар Никеяга келишгач ҳақиқий аҳвол билан танишишди. Шундан сўнг Людовик ва Конрад бирлашиб ҳаракат қилишга келишиб олди. Никеядан Дорилеяга борадиган йўл уруш асоратлари (салибчиларнинг жасадлари) билан қоплангани боис, қироллар қўшинга бу манзарани кўришга имкон бермай Адрамитий, Пергам ва Смирна орқали юришди. Уларнинг режаси бўйича бу йўлда қаршилиққа учрамасликлари керак эди. Лекин тахминлар ўзини оқламади. Йўл давомида туркларнинг ҳужумларига учраб туришди. 1148 йил январда Лаодекиядан жанубдаги тоғ йўли бўйлаб юраётган француз қўшини Хонада салжуқийлардан мағлуб бўлди. Юриш жуда секин давом этиб, салибчилар йўлда кўп кишидан айрилишди.

1148 йил бошларида қироллар Эфесга етиб келишди, қўшиннинг аҳволи аянчли эди. Византияликлар уларни Босфордан ўтка-



зишаётганда, кўшин сонини 90 минггача чамалашганди. Эфесда Византия императори қиролларни Константинополда дам олишга таклиф этди. Конрад қолган кўшини билан денгиз орқали Константинополга жўнади.

1148 йил февраль. Француз салибчилари Памфилиядаги Византиянинг порт шаҳри Анталияга келиб, у ердан грек кемаларида Антиохияга жўнади. Людовик қийинчилик билан Анталия шаҳрига боргач Византия ҳукуматидан кема сўради ва 1148 йил 19 мартда Антиохияга етиб келди. Французларни Антиохия князи Раймунд қувонч билан кутиб олди.

Конрад 1148 йил баҳорида Константинополдан Қуддусга қараб юрди. Қуддус қироли уни яхши кутиб олди ва 50 минг кишилик кўшинга бош бўлиб Дамашққа юриш қилишга кўндирди. Ўша пайтда мусулмонларнинг асосий кўшини Дамашқда эмас, балки Мосулда эди. Қуддусда буни эътиборга олишмади. Конрад бошлиқ 50 минг кишилик кўшин Дамашққа қараб юрди. Бундан хабар топган Дамашқ амири Мосул амири Нуриддин билан салибчиларга қарши иттифоқ тузди.

**1148 йил 23 – 27 июль. Дамашқ қамали.** Дамашқ жуда кучли қалъа бўлиб, қаттиқ ҳимоя қилинарди. Салибчилар шаҳарга етиб келиб қамални бошлади. Бироқ қуддусликлар салибчилар турган томондан шаҳарни олиб бўлмаслиги ва қалъани нариги томондан қамал қилиш лозимлигини айтишди. Улар мақсадсиз қамални давом эттириш билан бирга Мосулдан етиб келган Сайфиддин, Ҳалабдан келган акаси Нуриддин кўшини билан ҳам тўқнашди. Конрад 28 июлда Қуддусга чекинди. Улар омадсизликка учрагач Антиохияга бориб французлар билан бирлашишга ҳам хоҳишлари қолмади. 1148 йил кузида Конрад Византия кемаларида Константинополга келди ва 1149 йил бошида Германияга кетди.

Людовик VII келажакдаги режалари бўйича аъёнлари билан маслаҳатлашди. Бир гуруҳ унга Европадан келадиган мадад кучларини кутишни, бошқа гуруҳ Конрад каби қайтиб кетишни маслаҳат берди, Людовик уларнинг маслаҳатини қабул қилиб 1149 йил бошида норман кемаларида Жанубий Италияга жўнади. У ерда норман қироллари билан учрашгач 1149 йил кузда Францияга етиб келди.

Бошда жуда катта натижа кутилган юриш натижасиз тугади. Юришнинг муваффақиятсизликка учраши мусулмонларда салибчилар давлатини тугатишга умид уйғотди. Немисларнинг омадсиз-

лигини французлар масхара қилди. Бу кейинги салиб юришларида немис ва французларнинг бирлашиб ҳаракатланмаслигига асосий сабаб эди.

**Пиреней яриморолида олиб борилган салиб юриши ва реконкиста (1147).** XII аср ўрталарига келиб узоқ вақтдан бери давом этиб келаётган реконкиста ҳаракати кучая бошлаганди. Ҳаракат натижасида 1143 йили Португалия графлиги тузилди. 1147 йил 19 майда Англия, Шотландия, Фландрия, Фламандрия, Фризия, Бретан, Рейн, Кёльн ва Нормандиядан келган салибчилар реконкистада қатнашиш учун Дартмут портидан Пиреней яриморолига қараб юриш бошлашди. Улар Порту шахрида тўхтадилар. Порту патриархи салибчиларга Фаластинни эгаллаш қанчалик муҳим бўлса, Пиренейни эгаллаш ҳам шунчалик муҳим деб тушунтирди. Салибчилар Лиссабон юришида қатнашишга кўнди.

Лиссабон қамали 1147 йил 1 июлдан 25 октябргача давом этди. Қамални Португалия, Леон, Кастилия ва Барселона кўшинлари олиб бораётганди. Кўшинни Португалия қироли Альфонс бошқарарди. Қамал узоқ давом этди.

1147 йил 25 октябрь. Пиреней яриморолидаги реконкистада иштирок этган салибчилар Лиссабонни мувахҳидлардан тортиб олишди. Шаҳар аёвсиз таланиб, 100 мингга яқин киши ҳалок бўлди.

**Иккинчи салиб юришидан кейинги салибчилар тақдири (1149 – 1187).** Имодиддин вафот этгач, Эдессани салибчилар эгаллади, лекин орадан кўп ўтмай Нуриддин уни қайтариб олди. Кейинги қирқ йил Фаластиндаги салибчилар учун оғир кечди.

1150 йил 19 июнь. Папа Евгений III янги салиб юришига чақирди, лекин юриши ташкиллаштиришнинг иложи бўлмади.

1153 йили салибчилар Мисрга қарашли Асқалонни истило қилиб Асқалон графлигини ташкил этишди.

1167 йили Қуддус қироли Амори I кўшинлари Александрия (Искандария)ни қисқа муддатга эгаллади. Фарос маёғида қиролликнинг байроғи кўтарилди, лекин тез орада салибчилар кетишга мажбур бўлди.

1170 йили Қуддусда Италиянинг Амальфи шахридан бўлган савдогарлар госпитальерлар орденини ташкил этишди.

1176 йили Византия кўшини Мариокефалжангида салжуқийлардан енгилди. Нуриддин Антиохия шимолидаги ерларни ва Дамашқни олгач, унинг давлати салибчи давлатлар билан чегарадош бўлиб қолди. Нуриддиннинг саркардаси Ширку Мисрда волий бўлди. Шир-

ку ўлимидан сўнг Мисрдаги ҳокимият унинг қариндоши Салоҳиддин Айюбийга ўтди.

1174 йили Нуриддин вафот этгач, Салоҳиддин Дамашқни эгаллаб мусулмонлар қўлидаги Сурияни бирлаштирди. Салоҳиддин 1183 йили Ҳалаб ва Мосулни олди. Машҳур тамплиер рицари Роберт Сент-Олбанский исломни қабул қилиб Салоҳиддин қўшинида хизмат қилди.

Қуддус қироллиги барони Рено де Шатильон бузғунчилиги билан машҳур эди, у мусулмон қарвонларини талаб, сунъий равишда нотинчлик чиқариб салибчиларнинг ҳам, мусулмонларнинг ҳам лаънатига сазовор бўлди. Унинг қароқчилиги туфайли Тир, Сайда, Асқалон, Антиохия ва бошқа салибчиларга қарашли денгизбўйи шаҳарларига савдо қарвонлари келиши тўхтади, бу эса шаҳарларнинг инқирозга учрашига сабаб бўлди. Қуддус қироли баронни тийиб қўйиш ҳақида мусулмонлар томонидан кўп бор огоҳлантирилди. Бузғунчини тийиб қўйишга қиролнинг кучи етмади. Ниҳоят, фитначи яна бир мусулмонлар қарвонини талади. Қарвонда Салоҳиддиннинг онаси ҳам бор эди. Фарбий Осиёда энг кучли ҳукмдорга айланган Салоҳиддин қароқчини жазолаш учун Қуддус қироллигига қарши юриш бошлади. Унинг қўшини Ҳалаб ва Мосулдан йўлга чиқди. Қуддусда 2 минг рицар ва 15 минггача пиёда йиғиш мумкин эди, холос. Лекин бу кам сонли қўшин ҳам маҳаллий аҳоли эмас, балки Европадан кўчиб келганлар эди. 1187 йил 5 июнда Тивериада шаҳри яқинидаги жангда салибчи князлар қўшинларининг озлигини кўришди. Ғалабага эришиш иложсизлигини тушунган князлар, жумладан, Раймунд ҳам бирин-кетин Салоҳиддин томонига қочиб ўтди. 1187 йил июлда Салоҳиддин Тивериадани олди ва Хаттин тепалигига ўрнашган салибчиларга қақшатқич зарба берди. Салибчилар қўшини тор-мор бўлди. Қуддус қироли Ги де Лузиньян, унинг акаси Амальрих, Рено де Шатийон ва бошқа машҳур рицарлар асирга тушди. Қиролдан бошқа барча асирлар ўлимга ҳукм қилинди. Кейин Салоҳиддин Аккра, Байрут, Сайда, Кессария, Асқалон ва бошқа шаҳарларни қўлга киритди, денгизбўйи шаҳарларини салибчилардан тортиб олди. Лекин салибчиларда Қуддус, Антиохия, Триполи ва Тир каби катта шаҳарлар қолди.

**Қуддуснинг Салоҳиддин Айюбий томонидан олинishi.** 1187 йил сентябрда Салоҳиддин Қуддусга юриш бошлади. Унинг аҳолига омонлик бериш эвазига шаҳарни топшириш ҳақидаги мурожаатига қуддусликлар рад жавобини қайтаришди. Салоҳиддин шаҳарни қамал қилди (Қуддус 1187 йил 20 сентбрдан 2 октябргача қамал

қилинган). Салибчилар ҳеч қаердан ёрдам келмаслигини англаб Салоҳиддин билан Қуддусни топшириш бўйича музокаралар олиб боришди. Салоҳиддин тўлов эвазига қуддусликларга озодлик бериш мажбуриятини олди. Эркаклар 10, аёллар 5, болалар 2 динордан тўлади, тўлашга ҳеч вақоси бўлмаганлар эвазсиз озод бўлди. Шундай қилиб, Қуддус 2 октябрь куни таслим бўлди.

Кейинроқ Салоҳиддин Тир яқинида Конрад Монферратский қўшинини енголмади. Салоҳиддиннинг ғалабалари Ғарбда учинчи салиб юриши бошланишига туртки берди.

**Учинчи салиб юриши (қироллар салиб юриши, 1189 – 1192).** Мазкур салиб юриши Рим папаси Григорий III ва Климентий III (Григорий III ўлимидан сўнг) томонидан ташкиллаштирилди. Юришда Европанинг тўртта қудратли монархлари қатнашди: Муқаддас Рим империяси императори Фридрих I Барабаросса, Франция қироли Филип II Август, Австрия герцоги Леопольд V ва Англия қироли Ричард Шерюрак. Учинчи салиб юришига Салоҳиддиннинг 1187 йил октябрда Қуддусни олиши сабаб бўлди.

**Юришга тайёргарлик.** Қуддуснинг қўлдан кетиши Ғарбга дарҳол етиб боргани йўқ, шунинг учун тайёргарлик 1188 йилдан олдин бошланмаган. Фаластиндаги воқеалар биринчи бўлиб Италияга етиб келди. Римда Қуддуснинг бой берилиши қайғуга айланди. Папа ва кардиналлар янги юриш уюштиришга ташвиқот бошлаб юборишди. Бу сафарги юриш олдингиларига нисбатан жуда жиддий ташкиллаштирилди. Германия, Франция ва Англия қироллари ҳамда Австрия герцоглари ҳарбий ҳаракатларда иштирок этди. Юришга жуда катта маблағ ажратилди. Кўпчилик фикрича, кучли қўшин ва катта маблағ ғалабани таъминлашга етарли эди.

1190 йил ёзида Англия қўшинининг бир қисми Ричард бошчилигида французлар билан бирлашиш учун Ла-Манш орқали Италияга жўнади. Француз қироли инглизлардан олдинроқда бўлиб, 1190 йил сентябрда Сицилияга келиб Мессинада инглизларни кута бошлади. Англия қироли етиб келгач, кузда денгизда сузиш қийинчилик туғдиришини ҳисобга олган иттифоқчилар куз ва қишни Сицилияда ўтказишди.

Франция қироли 1191 йил мартда қўшини билан кемаларга жойлашиб Сурияга юриш бошлади. У Аккрага ўрнашишни мўлжаллаганди, бу шаҳар 1187 – 1191 йилларда салибчиларнинг муҳим қароргоҳи бўлиб қолди. Англия қироли 1911 йил апрелда Сицилиядан ҳаракатга келди. У Кипрда тўхтади ва оролни бўйсундирди.

**Фридрих юриши.** Фридрих қўшини инглизлар ва французлардан мустақил равишда ҳаракатланди. 1189 йил 24 майда Венгрия чегараларидан ўтди. Венгрия қироли Бела III юришда қатнашмаси ҳам, Фридрихга совғалар бериб ўзининг 2 минг аскарини тақдим этди. Беш ҳафтадан сўнг Византия империяси чегараларига етиб келишди. 2 июль куни Браничевда византияликлар билан музокара бошланди. Музокаралар якунлангач, салибчилар қўшини Византия империяси ҳудудидан ўта бошлади. Браничевдан Софиягача бир ярим ой юришди. 13 август куни Софияга келган салибчилар шаҳар ташлаб кетилганини кўришди, уларга ваъда қилинган озиқ-овқат ва бошқа зарур нарсалар йўқ эди. 20 август куни салибчилар йўлларидан давом этди.

Салибчилар Адрианополга етиб келгач, венгер қироли бўлинмасини орқага қайтаришни талаб қилди. 19 ноябрь куни венгерлар салибчиларни тарк этди. 1190 йил 14 февраль куни Адрианополда Византия императори Фридрихга салибчиларни Кичик Осиёга ўтказиб қўйишини маълум қилди. Салибчиларни Босфордан ўтказиш 1190 йил 25 март куни бошланди. Фридрих Кичик Осиёнинг ғарбий минтақаларидан юрди. Бу ҳудудлар салжуқийларга қарашли бўлиб, улар салибчиларга ҳужум қилиб туришди. Босқинчилар май ойида Кўняга келиб салжуқийларни мағлуб этишди ва уларни қўшинларини озиқ-овқат билан таъминлашга мажбур қилишди. Бироқ Киликияда немислар юришни барбод қилган муваффақиятсизликка учрашди. 9 июнь куни Салаф дарёсини кечиб ўтаётганда Фридрих чўкиб кетди. Салоҳиддин Фридрихнинг келишидан хабардор бўлиб жангга кучли тайёргарлик кўрганди. Қиролнинг ўлиmidан сўнг немис қўшинининг катта қисми денгиз йўли орқали Германияга қайтди, қолганлари герцог Фридрих Швабский бошчилигида Антиохияга келди, Антиохияга бор-йўғи минг киши етиб келди. 1190 йил кузидан улар инглиз ва французларга қўшилиб Аккрани қамал қилишда қатнашишди.

**Аккранинг қамал қилиниши (1189 йил август – 1191 йил 12 июль).** Салибчи қўмондонлар Аккрани алоҳида-алоҳида – 1188 йилдан 1191 йилгача қамал қилишди. Улар бирор марта бирлашган ҳолда ҳужумга ўтишмаган. Салибчилар шаҳарни денгиз томондан қамалга олди. Шаҳар ичида Салоҳиддиннинг кучли қўшини бўлиб, душман ҳужумидан қаттиқ ҳимояланди. Қамал узоққа чўзилиб, салибчилар катта талафот кўрди. 1191 йил ёзидан Аккрага Франция ва Англия қироллари ҳамда Австрия герцоги келди. Шунга қарамай, салиб-

чилар орасида якдиллик йўқ эди. Бу вазиятда Ричард Салоҳиддин билан бир неча марта элчи алмашди.

Июлга келиб аккрадагилар оғир аҳволга тушиб қалъани топшириш бўйича музокара бошлашди. Салоҳиддин сулҳга қарши эмасди, лекин салибчилар оғир шартларни қўйишди: Аккрани топшириш, Қуддус ва бошқа эгалланган ерлар салибчиларга қайтарилса, мусулмон гарнизони озод бўлиши, бундан ташқари, Салоҳиддин 2 минг нафар атоқли мусулмон кишиларини гаровга бериши ҳам талаб қилинди. Аккра 1191 йил 12 июль куни салибчиларга топширилди. Кейинроқ сулҳнинг бажарилишида тўсиқлар пайдо бўлди. Боз устига, Аккрани олган салибчилар орасида кескинлик юзага келди. Австрия герцоги Леопольд V шаҳар деворининг бир қисмини эгаллаб австрияликлар байроғини ўрнатди. Ричард эса байроқни олиб ташлашни ва унинг ўрнига Англия байроғини ўрнатишни буюрди, бу бутун немис қўшинига ҳақоратдек туюлди. Шу вақтдан бошлаб Ричарднинг душманлари сони Леопольд билан яна биттага кўпайди. Қалъа олингач, шаҳарнинг асосий аҳолиси христианлардан иборатлиги ва улар мусулмонлар ҳукми остида маълум даражада эътиқод эркинлигига эга бўлганлари ойдинлашди. Французлар ва инглизлар кўпроқ ҳокимиятга эришиш учун шаҳар аҳолисини сиқиб чиқара бошлади. Улар сулҳнинг бошқа шартлари бажарилиши билан қизиқмади. Иттифоқчилар орасида Ричард мусулмонларга салибчиларнинг барча ерларини сотиб юбормоқчи ва Филиппнинг жонига қасд қилмоқчи қабилдаги миш-мишлар тарқалди. Ҳазабланган Филипп Аккрани тарк этиб, Францияга жўнади. Энди ҳамма иш Ричардга қолди. Унинг жуда катта тажрибага эга Салоҳиддинга қарши курашиши осон кечмаслиги аниқ эди.

**Арсуф жанги (1191 йил 7 сентябрь).** Салибчилар қўшини Ричард бошчилигида Сурия соҳиллари бўйлаб жанубга – Яффадан 50 км шимолда жойлашган Арсуф шаҳрига юрди. Улар ўрмондан чиқишгач хужумга учраб туришди. Рицарлар юриш давомида пиёдаларни хужумдан муҳофаза қилиб боришди. Тамплиерлар қўшин олдида боришган бўлса, госпитальерлар орқада қўриқчилик қилди. Арсуфдаги жангда салибчилар ғалаба қозонди.

**Қуддусга юриш.** Салибчилар қўшини Қуддусга юришда давом этди. Саҳродан ўтаётган фотиҳлар қаттиқ қийналишди. Уларнинг мақсади Қуддусга етиб келгач шаҳардан арабларни қувиб чиқариш эди. Қамал салибчиларнинг тоқатини тоқ қилди. Шаҳарнинг айрим кичик бўлақларини эгаллашлари ҳисобга олинмаса, ҳеч қандай

натижага эришмадилар. Ричард қўшини билан Қуддусни истило қилиш мумкинмаслигига ақли етиб сулҳ тузишга чақирди, бироқ Салоҳиддин рад этди, салибчилар қўшинининг кетиши ва Қуддусни фақат қуролсиз европаликларгина зиёрат қилиши мумкин эди.

**Юришдан сўнг.** Филипп юртига қайтгач Ричардга қарши ҳаракат қилишни режалаштира бошлади. У Ричарднинг зарарига унинг акиси – Англияда қироллик қилаётган Иоанн билан мулоқотга киришди. Салиб юришига чиқишдан олдин Филипп Ричард билан битим тузганди, унга кўра, Ричард Англияга қайтганидан 40 кун ўтгандан сўнггина, ҳужум қилиши мумкин эди.

Ричард Аккрага қайтиб тинчлик сулҳининг бошқа шартлари бажарилишини кутди. Салоҳиддин Қуддусни қайтаришдан бош тортди, асирларни озод қилмади ва ҳарбий зарарни тўламади. Ричард бунга жавобан қўлида гаров тариқасида турган 2700 га яқин мусулмонни бўғизлашни буюрди. Бу фақат Салоҳиддиннинг ғазабини кўзгади ва у ҳам 1600 салибчини шундай қатл қилиб жавоб қайтарди.

Ричард Қуддусга юришда иккиланиб қолганди, оқибатда шаҳарни эгаллай олмади. Унга доим денгизбўйи шаҳарларини эгаллашни маслаҳат беришди. 1191 йил кузидан 1192 йил баҳоригача Ричард Аккрада бўлди. Ниҳоят, 1192 йил 1 сентябрь куни Салоҳиддин билан сулҳ тузди. Сулҳга кўра, Яффадан Тиргача бўлган соҳилбўйи ҳудудларда салибчилар ҳукмронлиги эътироф этилди ва Қуддуснинг мусулмонлар ҳукмида қолиши тан олинди.

Салоҳиддин христианларга 3 йил муддатга тинчлик берди, улар шу давр мобайнида Қуддусга эркин келиб-кетишларига рухсат этилди. Муддат тугагач, янги битим тузиш кўзда тутилди. Ричард 1192 йил октябрда Сурияни тарк этди. Узоқ иккиланишлардан сўнг Италияда тўхтаб, у ердан Англияга ўтишга қарор қилди. Душманлари кўп бўлгани учун, Европага келиши биланоқ, уни тутиш учун ҳаракат бошланди. Вена яқинида тутиб олинди ва герцог Леопольд V томонидан қамоққа ташланди ва ўша ерда икки йил сақланди. Рим папасининг аралашуви ва инглиз халқининг норозилиги сабаб қирол озод қилинди. Унинг озодлиги учун Англия Леопольд V га 23 тоннага яқин кумуш тўлади.

**1197 – 1198 йиллардаги салиб юриши.** Бу юриш «Немис салиб юриши» деб ҳам аталади. Юришни учинчи салиб юриши (1189 – 1192)да муваффақиятсизликка учраб ҳалок бўлган Муқаддас Рим империяси императори Фридрих Барбароссанинг ўғли Генрих VI ташкиллаштирди.

1197 йил март. Майн архиепископи Конрад Виттельсбах, маршал Генрих Кальденский ва империя канцлери Конрад Кверфуртский бошчилигидаги 60 минглик салибчилар қўшини Шарққа юриш бошлади.

1197 йил 22 сентябрь. Салибчилар қўшини Аккрага етиб келди. Кипр қироли ўзини немис императорининг вассали деб тан олди. Салибчилар Сурияда ҳарбий ҳаракатларни бошлаб Сайда ва Байрутни эгаллашди.

1197 йил 10 сентябрь. Қуддус қироллиги ҳукмдори граф Анри Шампанский вафот этди.

1197 йил 28 сентябрь. Генрих VI Сицилияда вафот этди.

1197 йил октябрь. Дамашқ амири Абу Бакр Яффа шахрини олди.

1198 йил. Франклар Байрутни олиб, Торонни қамал қилишди. Лекин Миср султони Азиз жўнатган қўшин таҳдиди сабаб қамални тўхтатиб қайтиб кетишди.

1198 йил 1 июль. Генрих VI ўлганидан сўнг, салибчилар 5 йилу 8 ой муддатга Одил (Салоҳиддиннинг вориси) билан сулҳ тузишди ва Сурияни тарк этиб Германияга қайтишди.

**Тўртинчи салиб юриши (1202 – 1204).** Тўртинчи салиб юриши Византия империясига қарши олиб борилган бўлса-да, жаҳон тарихида муҳим воқеалардан бири эканини ҳисобга олган ҳолда қуйида юриш ҳақида қисқача маълумот берилади.

1195 йил. Византия императори Исаак Ангел ўз акаси Алексей томонидан ағдарилди. Алексей Исаакни кўр қилди ва Алексей III номи билан император бўлиб олди. Исаакнинг ўғли Алексей 1201 йили Константинополдан чиқиб кетди ва Римга бориб папа билан учрашди.

1198 йил. Рим папаси Иннокентий III венецияликларнинг мусулмонларга қурол сотишини тақиқлаб қўйди.

1198 йил сентябрда папа Франция, Германия, Англия, Италия, Венгрия ва бошқа давлатларга мурожаатнома юбориб Қуддусни озод қилишга чақирди. Қўшинни ёзда Жанубий Италия ва Сицилия бандаргоҳларига тўплаш режалаштирилди.

1198 йили Иннокентий III томонидан салиб юришига чақирик янграган бўлишига қарамай, юриш кечроқ – 1202 – 1204 йилларда олиб борилди. Режага кўра Қуддусни назорат қилаётган Мисрдаги Айюбийлар давлатига қарши юриш қилиниши керак эди. Флотни жиҳозлаш учун салибчиларда етарли маблағ йўқ эди. Ўша замондаги энг кучли флотга эга Венеция ёрдам беришга кўнди.



1199 йил сўнгида юришга чиқувчилар Францияда топилди. Папа чақириғига Шампань ва Бри графи Теобольд (ёки Тибо), Шартр графи Людовик, Фландрия графи Бодуэн (ёки Болдуин), Ломбардия маркизи Бонифаций ҳамда Англия ва Францияда шухрат топган жангчи Симон IV де Монфорлар жавоб беришди.

Англия қироли Иоанн I ва Франция қироли Филип II папа чақириғини жавобсиз қолдирди.

Графлар 1200 йилнинг баҳор ва кузида салиб юриши режасини ишлаб чиқиш мақсадида бир неча бор тўпланишди. Улар Венеция ҳукумати билан Александрияга етказиб қўйиш борасида шартнома тузишга қарор қилишди. Бу мақсад учун ҳар бир графлик музокарага иккитадан вакил юбориши керак эди. Элчилар орасида Шампань графи вакили Вильгардуэн ҳам бор эди. Элчилар 1201 йил февралда Венецияга бориб дож Дандолога мақсадларини айтишди. Март ва апрелда музокаралар бўлди. Музокара якунлангач, тасдиқлатиш учун папага юборилди. Венеция Мисрга 4,5 минг рицар, 9 минг жангчи ва 20 минг пиёдани олиб ўтишга – йўловчилар учун 2 маркадан, отлар учун 4 маркадан ҳақ олишга шартлашди. Бу 85000 марка пул эди. Тўлов учга бўлиб тўланиши ва охириги муддат 1202 йил мартда тугаши белгиланди.

1201 йил 8 майда Рим папаси салибчиларнинг Венеция билан «Салибчиларни Венеция кемаларида ўтказиш ҳақида» тузган битимини тасдиқлади.

1201 йил 21 май. Француз салибчилари қўмондони Тибо III Шампанский тўсатдан вафот этди, унинг ўлимидан сўнг гогенштауфенлар тарафдори маркиз Бонифаций I салиб қўшинининг қўмондони бўлди.

1201 йил декабрь. Филип Швабский Генрих VI режасига мувофиқ Бонифацийни Фаластинга Константинополь орқали боришга кўндирди. Бу учрашувда Алексей Ангел ва Венеция вакиллари ҳам қатнашган.

1202 май охирига бориб Венецияда салибчи бўлинмалар тўплана бошлади, июнда французлар ҳам етиб келишди. Венеция ҳукумати тартибсизликлардан хавотирланиб салибчиларни кимсасиз Лидо оролига жойлаштирди. Муддат ўтиб бораётганига қарамай, салибчилар 25000 марка тўлашганди, холос. Август ўрталарида салибчилар лагерига Бонифаций Монферратский келиб қўмондонликни қўлга олди. Шундан сўнг салибчиларни Венеция дожи Генрих Дандоло ва Бонифаций бошқарди. Салибчиларнинг Дандолодан 34000

марка қарзи қолгани учун, улардан ўз манфаати йўлида фойдаланишга қарор қилди. Византияни мағлуб қилиш вақти келганини билиб салибчиларнинг режаларини ўзгартирди. Режа Бонифаций билан ишлаб чиқилди ва қўшиндан сир тутилди.

Флот 10 ноябрь куни Задар (Зара) портига яқинлашди. Венгер гарнизони тор-мор этилиб, шаҳар 24 ноябрь куни эгалланди. Салибчилар шаҳар аҳолисини қатағон қилди. Венецияга берган мажбуриятларини бажарган салибчилар Задарда 1203 йил баҳоригача қолишди. 1203 йил апрелда Задардан Корфа оролига келишди. 24 май куни салибчилар флоти Константинополга йўл олди.

1202 – 1203 йилларда Задарда Бонифаций ва Дандоло ўртасида Константинополга юриш бўйича музокаралар бошланди. Уларга 25 апрелда Корфага келган Алексей Ангел қўшилди ва Алексей III ни йиқитишда ёрдам беришини айтди. Шунингдек, Грек православ черкови билан Рим католик черкови ўртасида иттифоқни тиклашини, Константинополь олингач, салибчилар ва венецияликларга 200 000 марка тўлашини, Қуддусга юришда қатнашишини маълум қилди. Папанинг қаршилигига қарамай, венецияликлар ва салибчи қўмондонлар Константинополга юриш бошлашди. Салибчилардан Симон IV де Монфор ва бошқалар Фаластинга кетишди.

1203 йил 23 июнь. Салибчилар Босфорга етиб келишди ва Халкедоннинг Осиё қирғоқларига ўрнашишди. Кейин улар византияликлар қаршилигини енгиб Галатага жойлашишди. Шундан сўнг Венеция флоти Хризокераксга етиб келди.

1203 йил 13 июль. Салибчилар қўшини шаҳар истеҳкомларини ўққа тутаётган пайтда, венецияликлар флоти соҳилбўйини олишга ҳаракат бошлади. Сувдаги жангда византияликлар ҳужумни қайтаришга муваффақ бўлишди, лекин 95 яшар Дандоло бошлиқ Венеция флоти қулай ерга ўрнашиб олди. Улар кеч тушиши билан ялпи ҳужумга ўтиб бир неча истеҳкомларни эгаллашди. 1203 йил 17 июлда салибчилар ва Константинополь ҳимоячилари ўртасида ҳал қилувчи жанг бўлди. Тунда Алексей III Константинополдан қочиб кетди. Эртасига тонгда Исаак Ангел озод қилинди ва тахтга ўтқазилди. Энди у ўғли Алексей IV билан ҳамкорликда ҳукмронлик қила бошлади.

1203 – 1204 йиллар. Салибчилар Галатадаги лагерларига қайтишди, венецияликлар эса Хризокераксга келиб ваъда қилинган 200 000 марка тўланишини қута бошлашди. Исаак ва Алексей IV пулни йиғиб беришга қийналди. Пул тўплангунча салибчилардан империяда ҳокимиятни ўрнатишда ёрдам беришларини сўради.

1204 йил январь. Византия зодагонлари орасида салибчиларга ва улар ўрнатган Исаак ва Алексей IV га қарши норозилик бошланди. Бу Алексей III нинг куёви Алексей Дука бошчилигидаги кўзглонга олиб келди. Исаак II қамоққа олинди, Алексей IV эса қати этилди. Алексей Дука тахтни эгаллади, уни Алексей V номи билан тахтга чиқардилар. Энди салибчилар учун Константинополга ҳужум қилиш учун баҳона топилди. Шаҳарни қамалга олиш, венецияликлар билан биргаликда ҳужум қилишга қарор беришди (март – апрель).

1204 йил март. Дандоло ва Бонифаций Византия ерларини бўлиб олиш ҳақида битим тузишди. Битимда Византиянинг 1/4 қисмини 6 венециялик ва 6 салибчи сайлайдиган императорга бериш, қолганини венецияликлар ва салибчилар ўртасида тенг бўлиш кўзда тутилди. Бу режа амалга ошганидан сўнг, Лотин империяси вужудга келди.

1204 йил 11 – 13 апрель. Византия қўшини икки кун давомида ҳужумни қайтаришга эришди. Венецияликлар кемаларидан туриб манжаниқлардан қалъага ёнувчи снарядлар отди. Кўп ўтмай Константинополь ёнғин ичида қолди. Денгиздан ва қуруқликдан ҳужумга учраган ҳимоячилар саросимага тушиб қолишди. Салибчилар шаҳарни эгаллаб, уч кун мобайнида қирғин ва талон-торож билан шуғулланишди.

**Юриш оқибатлари.** Салиб юриши якунида Византиянинг муҳим савдо бандаргоҳларини эгаллаган Венеция Шарқ билан бўладиган савдода монополия ўрнатди. Византия қулатилиб, унинг ҳудудида Лотин империяси (1204 – 1261), Никея империяси (1204 – 1261), Трапезунд империяси (1204 – 1461), Эпир деспотлиги (1204 – 1337), Афина герцоглиги (1204 – 1458) ва Фессалоники қироллиги (1206 – 1246) ташкил топди.

**Фаластин.** 1204 йил 13 апрелда Қуддус қироли Амори Лузиньян Мисрдаги қурғоқчиликдан фойдаланиб юриш бошлади. У Дамётга 20 та кемада қўшин билан йўлга чиқди, бироқ тинчлик сулҳи тузиш билан чекланди.

1204 йил сентябрь. Салибчиларнинг Миср султони билан тинчлик сулҳи: султон салибчиларга Яффа, Рамла, Лиддани ва Сайданнинг ярмини берди.

**Бешинчи салиб юриши (1217 – 1221).** Юришнинг асосий мақсади Миср айюбийлари томонидан тортиб олинган Қуддус ва Фаластиннинг қолган қисмини қайтаришдан иборат эди.

Бу салиб юриши вақтида салибчилар сафида Лотин империяси, Кипр қироллиги, Рум султонлиги, Муқаддас Рим империяси, Австрия герцоглиги, Венгрия қироллиги (Хорватия, Далмация, Галич), Голландия (Кологна, Фландрия, Фризия), Франция қироллиги ва Папа давлати қўшинлари қатнашди. Шунингдек, сафда тамплиерлар ордени, тевтон ордени, госпитальер ордени рицарлари ҳам бор эди.

Иннокентий III 1208 йилданок Қуддусни қайтариб олиш ва Айюбийлар давлатини йўқ қилиш ҳақида бош қотирарди. 1213 йил апрелда Иннокентий III папа булласида христиан оламини бирлашиб янги салиб юриши бошлашга тарғиб қилди.

Папа бошда кўп сабабларга кўра муваффақиятга эришмади. Оттон Саксонский ва Филипп Швабский Германия тахтини талашишарди. Бутун Германия бу можароларга қўшилган бўлиб, у ердан ҳеч ким юришга даъватни қабул қилмади. Папа ҳукумати Ричард Шерюракнинг салиб юриши бошида туришини астойдил хоҳларди. У доимо динсизларга қарши курашга жўнашини таъкидласа-да, ўлгунича фақат христианлар билан урушди. Шунга қарамай, Нелья Марндан бўлган бир роҳиб сўзамоллиги билан халқ орасида катта обрўга эришганди. Иннокентий III Фульк Нельский исмли бу роҳибга эътибор қаратди ва унга эллик йил олдин роҳиб Бернарга юклатилган вазифани топширди.

1215 йили Иннокентий III Қуддус патриархи Рауль Меренкоурт билан IV Латеран соборида Фаластинда салибчилар давлатини тиклаш ва черковнинг бошқа муаммолари ҳақида нутқ сўзлади. Рим папаси тўртинчи салиб юришида венецияликлар томонидан йўл қўйилган хатоликларни қайтармасдан биринчи салиб юришидаги каби фақат Фаластинни қўлга киритиш мақсадида бирлашишга чақирди. Иннокентий III 1216 йили салиб юриши қатнашчилари билан Бриндиси шаҳрида кўришишини айтди, салибчиларда етарлича кемалар ва қуроллар бўлиши учун мусулмонлар билан савдо қилмай туришни буюрди. Салиб юришининг ҳар бир иштирокчисига индульгенция берилиши маълум қилинди.

Францияда Роберт Коур томонидан салиб юришига тарғиб этилди. Лекин француз рицарлари Жанубий Францияда Албигой юриши билан банд эди. Шу сабабдан олдинги юришларга қараганда бу сафар жуда оз француз рицарлари қатнашадиган бўлди.

Германияда Оливер Кёльн аҳоли орасида ташвиқот олиб борди. Фридрих II Германиядаги ички низоларни бартараф этаётгани

сабабли салиб юришида қатнашмасигини Иннокентий III га маълум қилди. Иннокентий III 1216 йили ўлгач, унинг ўрнини эгаллаган Гонорий III Фридрих II ни салиб юришида қатнашишдан маҳрум қилди. Лекин Венгрия қироли Андреш II ва Австрия герцоги Леопольд VI нинг иштирокига рухсат берди. Андреш II нинг 20 минг рицари ва 12 минг жангчиси бор эди.

1216 йил июлда ўлган Иннокентий III нинг ишини Гонорий III давом эттирди. Фридрих II юришни кейинга қолдириши ва Иоанн Английскийнинг ўлишига қарамай, Австрия герцоги Леопольд VI, Венгрия қироли Андреш II ва Оттон Меранский бошчилигидаги салибчилар қўшини 1217 йили йўлга чиқди. Бешинчи салиб юриши Фаластинга юришдан бошланди.

Андреш II ва унинг қўшини 1217 йил 23 август куни Спалатодан йўлга чиқди. 9 октябрь куни Кипрга етиб келишди. Аккрага бориб Суриядаги айюбийларга қарши курашиш учун уларга Қуддус қироли Иоанн Бриенский, Кипр қироли Хью III ва Антиохия графи Боумэнд IV қўшилди.

Христианлар Қуддусни эгаллагач, у ерда қаттиқ қаршилик кўрсатишлари ва қалъани қайтариб олиш осонроқ кечиши ҳисобга олиниб айюбийлар томонидан шаҳар деворлари бузиб ташланди. Қуддуснинг христианлардан бошқа диндаги аҳолиси 1099 йилги қирғин такрорланишидан кўрқиб қочиб кетди. 10 ноябрь куни Андреш II нинг жанговар қўшини Иордан дарёси бўйидаги Байт Саида номли жойда султон Одилнинг қўшинини енгди. Мусулмон қўшини ўша атрофдаги қалъаларга яширинди. Қалъа деворларини бузадиган қуроллар ўз вақтида етказилмагани учун, салибчилар қалъаларни қўлга кирита олишмади. Андреш II вақтни бундай ўтказиш беҳудалигини англаб 1218 йил февралда Венгрияга қайтиб кетди. Боумэнд ва Хью ҳам ўз юртига равона бўлди.

Кўп ўтмай Георг Видский ва Вильгельм Голландский (уларнинг бир қисми Португалияда тўхтаб арабларга қарши курашда христианларга ёрдам берди) бошчилигида янги гуруҳлар келиб қўшилди. Леопольд ва Иоанн билан Мисрдаги Дамётга биргаликда ҳужум қилишни маслаҳатлашишди. Буни амалга ошириш учун Анатолия ҳукмдори Кайковус I билан иттифоқ тузиб икки фронтда уруш олиб боришдан халос бўлишди. Султон Одилнинг (Одил 1218 йили ўлган) ўғли Комил салибчиларга урушни тўхтатиш эвазига Қуддусни беришга тайёрлигини билдирди. Мазкур таклиф салибчилар томонидан рад этилди. Бундан норози бўлган Уильям Голландияга қайтиб кетди.

1218 йил 27 майдан Нил дельтасида жойлашган Дамёт қалъасини қамал қилишди, қамал давомида салибчилар катта йўқотишларга учради, Роберт Коурсон ҳам ўлди. Гонорий III 1219 йили салиб юришини давом эттириш учун Пелагий Албанони жўнатди. 1219 йил 4 ноябрдан 5 ноябрга ўтар кечаси салибчилар Дамёт шаҳар-қалъасини босиб олишди ва талон-торож қилишди. Шаҳарнинг 80 минг аҳолисидан 3 минг киши тирик қолди. Шундан сўнг бутун Мисрни эгаллаш учун ҳаракат бошланшди.

Пелагий Фридрихнинг ёрдамга келишини кутарди, лекин у келмади. Иоанн Бриенский қўшинга қайтди. 1221 йил июлда салибчилар Қоҳирани эгаллаш ниятида юриш бошлади. Улар Ашмун канали билан муҳофаза қилинган Мансура яқинида тўхтади. Бу ерда ҳам Дамётни қайтаришлари эвазига Қуддус топширилиши маълум қилинди, лекин кардинал Пелагий кўпроқ ер талаб этди. Бироқ 1221 йил 30 август куни олдинга силжишдан тўхташди.

Бу вақтда султон Комил Кайковус I ни енгган Суриядаги айюбийлар билан бирлашиш имкониятига эга бўлди. Нил дарёсининг суви тошиб салибчиларни ҳалокат ёқасига келтириб қўйди. Таъминот захираларидан айрилган салибчилар Дамётга чекинишга мажбур бўлиб қолишди. Шу пайтда султон Комилнинг тунда уюштирган ҳужумидан салибчилар катта талафот кўрди, оқибатда Пелагий султон билан сулҳ тузди.

**Сулҳ.** Султон Комил Дамётни олиш эвазига салибчиларнинг Мисрдан эркин чиқиб кетишига имкон берди. Европа билан саккиз йиллик сулҳ тузилди.

Шундай қилиб, юриш барбод бўлди, салибчилар ўз раҳбарлари ва қирғоқларидан тошиб кетиб лагерларини сув остида қолдирган Нил сувларининг қурбони бўлишди.

**Олтинчи салиб юриши (1228 – 1229).** Олтинчи салиб юриши Папа давлатининг ашаддий душмани бўлган ва юришгача черковдан четлатилган Муқаддас Рим империяси ҳукмдори Фридрих II Штауфен томонидан ташкиллаштирилди. Юришда Муқаддас Рим империяси аскарлари ва тевтон ордени рицарлари қатнашди.

Фридрих 1227 йил августда герцог Генрих Люксембургский бошчилигидаги флотни Сурияга юборди. Сентябрьда унинг ўзи ҳам борди, лекин касалланиб қолгани боис ортга қайтди. Бу юришда қатнашган ландграф Людвиг Тюрингенский Отрантога келиши билан вафот этди. Папа Григорий IX белгиланган вақтда қасамёд қилмагани сабаб Фридрихнинг узрини қабул қилмай черковдан четлатганди. Импера-

тор ва папа ўртасида Фаластин учун ғаразли манфаатлар кураши бошланди. Ниҳоят, 1228 йил июнда Фридрих Сурияга борди, Фаластинга келиб Яффа шаҳри истехкомини ва Иоффия қалъасини тиклади, лекин мазкур ҳаракати папа билан ярашишга камлик қилди. Рим папаси Григорий Фридрих черковдан четлатилгани туфайли салибчи сифатида эмас, балки қароқчи бўлиб борганини айтди. 1229 йил февралда эса Миср султони Комил билан битим тузилди. Султон Фридрихга Қуддус, Байту Лаҳм, Назарет шаҳарларини ва денгизга чиқадиган бошқа ҳудудларни берди, император бунинг эвазига султоннинг барча мусулмон ва христиан душманларига қарши курашида ёрдам бериш мажбуриятини олди. Фридрих II 1229 йил 18 март куни Қуддусга кирди. Фридрих II нинг черковдан четлатилгани сабаб, христианларга у ерда ибодат қилиш тақиқланди. Императорнинг вақти тигиз бўлгани учун май ойида юртига қайтиб кетди.

Фридрих Сурияни тарк этгач, унинг душманлари Генрих VI давридан бери империяга қарашли бўлган Кипрдаги, шунингдек, Суриядаги гогенштауфенлар ҳукмронлигини қулатишга интилишди.

1238 йили, султон Комилнинг вафотидан сўнг, унинг ворислари ўртасида тахт талашиш бошланди.

1239 йили Тибо Наваррский, герцог Гуго Бургундский, граф Петр Бретанский, Амальрих Монферратский ва бошқалар Аккрага келишди. Бу сафар салибчилар ўзича мустақил ҳаракат қилиб мағлубиятга учради, Амальрих асирга олинди. Қуддус яна айюбий амирларидан бирининг қўлига ўтди. Салибчиларнинг Дамашқ амири Исмоил билан тузган иттифоқи уларнинг мисрликлар билан урушишига олиб келди. Мисрликлар уларни Асқалон яқинида тор-мор этди. Бу воқеадан сўнг кўпгина салибчилар Фаластинни тарк этди. 1240 йили Фаластинга келган Англия қиролининг акаси граф Ричард Корнваллийский Мисрдаги айюбийлар амири Малик Солиҳ Айюб билан сулҳ тузишга эришди. Шунга қарамай, салибчилар ўртасида низо давом этарди. Гогенштауфенлар душмани бўлган баронлар ҳокимиятни Алиса Кипрскаяга олиб беришди. Ваҳоланки, Фридрих II нинг ўғли Конрад қонуний ворис эди. Алиса Кипрская вафот этганидан сўнг, ҳокимият унинг ўғли Генрих Кипрскийга ўтди. Салибчилар ва ўзининг мусулмон душманлари ўртасида иттифоқ тузилганидан хабар топган Малик Айюб хоразмийларни ёрдамга чақирди. Хоразмийлар келганда, шаҳар салибчилар томонидан тортиб олинганига унча кўп бўлмаганди. Ёрдамга чақирилган хоразмийлар 1244 йил сентябрда Қуддусни забт этишди ва талон-торож қилишди. Шундан

сўнг салибчилар Қуддусни қайтадан эгаллай олишмади. Салибчилар ва уларнинг иттифоқчилари мағлубиятидан сўнг, Малик Айюб Дамашқ ва Асқалонни забт этди. Антиохияликлар ва арманлар ўша пайтда мўғулларга ўлпон тўлашга мажбур эди. Ғарбда эса охириги юришларнинг муваффақиятсизлиги ва папаларнинг салиб юришига йиғилган маблағни гогенштауфенларга қарши курашга сарфлаши сабаб, салиб юришларига қизиқиш қолмади. Лекин Франция қироли Людовик IX касаллигига қарамай Фаластинга бориш учун онт ичди.

**Еттинчи салиб юриши (1248 – 1254 йиллар).** 1244 йили Қуддус шаҳрининг мамлуклар хизматидаги хоразмийлар томонидан босиб олиниши христианларнинг янги салиб юриши уюштиришига сабаб бўлди. 1245 йили Рим папаси Иннокентий IV ўз итоатидагиларни Қуддусни озод қилиш ва черков ҳимоясидан четлатилган Фридрих II га қарши салиб юришига чақирди. Франция қироли Людовик IX папа ва император ўртасида воситачилик қилишга уринди. Рим папаси Бенедикт IV ва Муқаддас Рим империяси ҳукмдори Фридрих II ўртасида папалик-империя низоси давом этарди. Фредерик клерикалларни ҳибсга олиб, уларни давлат бошқарувидан четлатди. 1245 йили эса Бенедикт IV Фридрихни император сифатида тан олди. Янги салиб юришига Англия қироли Генри III ўз мамлакатидagi ички низоларни бартараф этишга бор кучини сарфлаётгани учун қатнашолмаслиги маълум бўлди. Шунга қарамай, Англия қироли, Франция қироли Людовик IX ўз мамлакатидан узоқда бўлган пайтда, унинг юртига тажовуз қилмаслик мажбуриятини олди. Людовик IX инглиз тарихчиси Мэтью Парисни элчи сифатида жўнатиб Норвегия қироли Хаакон IV ни ҳам салиб юришига таклиф қилди. Бироқ бундан натижа чиқмади. Салиб юришига қатнашишни хоҳлаган ягона киши Людовик IX эди. У 1245 йили Шарққа юриш бошлашга қарор қилди.

Еттинчи салиб юриши маълум маънода Франция ва Людовик IX нинг юришидан иборат бўлди. Миср яна истило объектига айланди.

Ўша пайтда Франция Европанинг энг кучли давлати эди. Албигойларга ўтказилган салиб юришлари Париж ҳукуматига катта ҳудуд ва мол-мулк келтирганди. Людовик IX нинг бир укаси Альфонс Поитони, бошқа укаси Карл эса Францияга қўшилган Анжуйни бошқарарди. Людовик кейинги уч йил давомида юришга тайёрланди. 1248 йили Людовик IX нинг 20 минг пиёда ва 40 минг отлик қўшини, 1800 кемадан иборат флоти Шарққа юриш бошлади. Қўшин, асосан, французлардан иборат эди. Людовик IX Кипрда қишлади. Юриш жуда яхши молиялаштирилди, тахминан, 1,5 млн ливр пул



сарфланди. Лекин Людовикка ҳамроҳ бўлган зодагонлар қўшимча харажатларнинг қирол хазинасидан қопланишига масъул эди, бу эса юриш жуда қимматга тушганини билдиради.

Улар Марселдан йўлга чиқшди. Кипрга етиб келишгач у ерда қишлашди. Бу давр мобайнида тўртинчи салиб юришидан сўнг вужудга келган Лотин империяси билан ёрдам олиш ҳақида келишиб олишди, тамплиер рицарлари эса мусулмонлар яқинда босиб олган Суриядаги Сидонни истило қилишда ёрдамлашишга ваъда берди. Шунга қарамай, юришнинг асосий йўналиши Миср эди.

1249 йили Людовик IX қўшини Нил дельтасидаги Дамёт шаҳрига юрди. Людовик IX фикрича, Миср Қуддусни босиб олишда салибчилар учун жуда қулай ер бўлган. Салибчилар жиддий қаршиликка учрашмади. 6 июнь куни шаҳар гарнизони саросимага тушиб қоча бошлади. Ўша куни Дамёт шаҳри эгалланди. Ёз фаслида олиб борилган бешинчи салиб юриши давомида салибчилар катта қийинчиликларга учрашгани учун, кузни кута бошлашди. Бу билан салибчилар ўзлари хоҳламаган ҳолда оғир беморлигига қарамай султон Малик Солиҳнинг қўшинни жанговар ҳолатга келтиришига ёрдам беришди. Людовик IX бешинчи салиб юриши вақтида Дамётни Қуддус қироллигига бериш ваъдасини бажармади.

1249 йил 20 ноябрда салибчилар Қоҳирага юриш бошлади. Тўрт ҳафта мобайнида бор-йўғи 80 км олдинга силжишди. Бешинчи юришда бўлгани каби, улар Ашмун канали олдида тўхтатилди. Канал 70 минг кишилик амир Фахриддин бошчилигидаги қўшин томонидан қўриқланарди. 10 минг кишилик мамлуклар қўшиннинг асосини ташкил қиларди. Бу вақтда султоннинг ўзи вафот этганди. Ўлим хабари ниҳоятда қаттиқ сир тутилди. Қўшинни султоннинг номидан хотинларидан бири Шажар ад-Дур бошқарди.

1249 йилнинг декабрь ва 1250 йилнинг январь ойларида Ашмун канали бўйларида тўқнашувлар бўлди. Людовик IX канални кесиб дамба қилишга уринди, лекин мисрликлар қарама-қарши қирғоқни кенгайтириб кавлай бошлашди, бу эса салибчиларнинг тупроқ сурувчи ускуналарини тош уюмлари остида қолдирди. Христианларнинг мавлуд байрами арафасида мисрликлар уларга қўққисдан ҳужум қилди, лекин ҳужум қайтарилди.

**Мансура жанги.** 1250 йилнинг 8 февраль куни Ал-Мансурада салибчилар ва мисрликлар ўртасида қаттиқ жанг юз берди (аслида, жанг бўлиб ўтган жой яқинидаги қишлоқ кейинчалик «Ал-Мансура» – «Ғалаба» деб номланган). Салибчилар қишлоқ рўпараси-

даги Ашмун канали олдида тўхташди. 6 ҳафта давом этган тўқнашувлар ҳар икки томонга ҳеч нарса бермади. Маҳаллий қибтий христиан салибчиларга каналнинг энг тор жойини кўрсатди. Людовик IX тунда отлиқларини мисрликларга сездирмасдан кўтармадан 6 км узоқликдаги баландликдан нариги қирғоққа олиб ўтишни буюрди. Тамплиер рицарлари ва Уильям Салисбури бошлиқ инглиз бўлинмалари Роберт етакчилигида ўша ерга йўл олишди. Мусулмонлар қўққисдан қилинган ҳужумни қайтаришга эришди, қўшин бошлиғи амир Фахриддин ўлдирилди. Людовик IX нинг акаси граф Роберт д'Артуа илғор қўшин кўмондони бўлиб, дамба қаршисини эгаллаши, у ерни истехкомга айлантириши ва асосий отлиқ қўшинни кутиши, шунингдек, пиёдаларни мисрликлар ҳужумидан тўсиши керак эди. Лекин Роберт режага бўйсунмади ва ўзи жангни ғалаба билан тугатишни хоҳлаб ўйламай-нетмай мисрликлар ортидан қувди.

Байбарс бошчилигидаги мисрликлар сафларини тўғрилаб Роберт бошлиқ салибчилар бўлинмасига ҳужум қилишди. Жангда салибчиларнинг деярли ҳаммаси, жумладан, Роберт ва Уильям Салисбури ҳалок бўлди. 290 нафар тамплиер рицарларидан фақатгина 5 нафари тирик қолди. Мисрликлар, сал қолса, асосий отлиқ қўшинни ҳам енгилари мумкин эди, лекин Людовик IX ни ҳимоя қилиш учун Ашмун каналини кесиб ўтиб ёрдамга етиб келган пиёдалар уни қутқариб қолди. Мисрликлар тўла ғалабага эришолмасликларини англагач қўшинга дам бериб янги жангга тайёрланиш учун Мансурага чекинишди.

1250 йил 11 февраль куни тушкунликка тушган салибчилар истехкомларини бир амаллаб сақлаб қолишди, улар «грек олови»дан унумли фойдаланиб шу натижага эришишганди.

1250 йил март-апрель ойларида алоқа йўллари узилгани ва салибчилар орасида касаллик тарқгани боис, Людовик IX таъқибни давом эттираётган мисрликлардан узоқлашиш ниятида Дамётга чекинишга буйруқ берди, бироқ Фарискур жангида унинг қўшини тормор этилди, ўзи эса асирга олинди.

**Фарискур жанги (1250 йил 6 апрель).** Бу жанг еттинчи салиб юришининг ҳал қилувчи воқеаси бўлди. Людовик IX Мисрда ички низолар бошланишига умид қилиб икки ой турди, лекин эпидемия туфайли Дамётга қайтишга мажбур бўлди. 5 апрель куни салибчилар истехкомларини ташлаб Баҳр ас-Сағир орқали Дамётга йўл олишди. Уларнинг муҳандислари понтон кўприкни йўқ қилиш

йўлларини тополмадилар, 5 апрель куни таъқиб этилган салибчилар 6 апрель куни мисрликларнинг тинимсиз хужумларига учраб енгилишди. Муслмонлар уларни ўраб олиб деярли бутун кўшинни қириб ташлади, Людовик IX нинг ўзи эса асирга тушди. Людовик ичкетар билан оғриб қолди ва уни араб табиби даволади. Унинг 50000 византия олтини эвазига озод қилиниши шартлашилди (пулнинг ярми Дамётда хотини томонидан йиғиб берилди, қолганини Аккрага етиб боргач беришини айтди, лекин ваъдасида турмади).

Мисрликлар орадан бир ҳафта ўтгач бунча кўп асирни сақлашга имкониятлари йўқлиги учун уларни қўйиб юборишди.

**1250 – 1254 йиллар.** Асирга олинган Людовик IX озод бўлиши учун 800 минг ливр олтин тўлашга ва Дамётни тарк этишга рози бўлганди. У кўшинининг қолган-қутганини Францияга жўнатиб, ўзи Аккрага келди. Ўша ерда Франциядан ёрдам келишини 4 йил беҳуда кутди. Муслмонларга қарши иттифоқ тузиш мақсадида мўғуллар билан олиб борган кейинги музокаралари ҳам натижа келтирмади. Ҳеч қандай ёрдам ололмаган Людовик IX 1254 йил апрелда Францияга қайтиб кетди.

**Саккизинчи салиб юриши (1270 йил, 1271 – 1272 йиллар).** Қалтис вазиятда бўлишларига қарамай, христианлар орасида ички низолар давом этарди: тамплиерлар ва госпитальерлар, савдо рақобатчилиги сабабли генуяликлар ва венецияликлар ҳамда пизаликлар ўртасида душманлик тўхтамасди. Фарбий Осиёда мўғулларнинг пайдо бўлиши салибчиларга қулайликлар келтирди. Лекин султон Зайниддин Котус Айни Жолутда мўғулларга қақшатқич зарба бериб Дамашқ ва Ҳалабни қўлга киритди. Котус ўлдирилгач, мамлуклар раҳнамоси Байбарс султон бўлгач, салибчилар ҳолати ноаниқлигича қолаверди. Байбарс ҳаммадан аввал Боумэнд Антиохийскийга эътибор қаратди. 1265 йили Назарет, Хайфа, Торон ва Арсуфни эгаллади. Сўнг 1268 йили салибчилар 170 йил назорат қилган Антиохияни забт этди. Кейин Аккрани олишга тайёрлана бошлади. Бундан хабар топган Қуддуснинг кўғирчоқ қироли кипрлик Хью III Аккрани Ҳимоя қилиш учун етиб келди.

Еттинчи салиб юришини бошқарган Людовик IX бу сафарги юришни ҳам ташкиллаштирди. Людовик IX хочни қабул қилди. Унга ўғиллари Филипп, Иоанн Тристиан ва Пётр Алансоский, граф Артуа (Мансурада ўлдирилган Роберт Артуанинг ўғли), қирол Тибо Наваррский ва бошқалар эргашди. Қолаверса, салиб юришига Карл Анжуй-

ский ва Англия қироли Генрих III нинг ўғиллари Эдуард ва Эдмунд ҳам боришини билдирди. Людовикнинг мақсади жуда кучли флотга эга Тунисни бўйсундириб Ўрта ер денгизида назорат ўрнатиш эди. Бу салибчилар қўшинининг қаршиликсиз Ўрта ер денгизи орқали Миср ва Фаластинга бориши учун хавфсизликни таъминлашга имконият берарди.

1270 йил июлда Людовик флоти Эгмортдан йўлга чиқди. Кальярида салиб юришини Тунисни истило этишдан бошлашга қарор қилинди. Бунда Фаластинда христианликни мустаҳкамлаш эмас, балки Карл Анжуйский (Людовик IX нинг акаси)нинг манфаати кўзланди. Тунис соҳилларида сифатсиз сув истеъмол қилган салибчилар орасида эпидемия тарқалиб, аввал Иоанн Тристиан, кейин папа юборган вакиллар, 3 август куни қиролнинг Дамётда туғилган ўғли Жон ўлди, ниҳоят, 25 август куни Людовик IX нинг ўзи вафот этди, кейинроқ унинг қўшини бирор марта жанг қилмасдан 18 ноябрь куни қиролнинг жасадини олиб ватанига қайтди.

Карл Анжуйский (Сицилия қироли) Людовикнинг ўғли Филиппни янги қирол деб эълон қилди, вориснинг ёшлиги сабаб, амалда юришга қўмондонлик қилди.

30 октябрь куни салибчилар Туниснинг ҳафсий султони Муҳаммад ал-Мунтасир билан тинчлик сулҳи тузишди. Сулҳга кўра, христианлар Тунисда эркин савдо қилиш ҳуқуқини қўлга киритишди, роҳибларнинг шаҳарда яшаши кафолатланди, бу, бир томондан, салиб юришининг муваффақиятли бўлганини билдиради.

Салибчилар Африкани тарк этишгач, уларнинг бир қисми Сурияга кетди, шунингдек, у ерга 1271 йили инглизлар ҳам келди. Англия шаҳзодаси Эдуарднинг Сурияга давом эттирган юриши баъзи манбаларда тўққизинчи салиб юриши дейилади. Бошқа манбаларда эса саккизинчи салиб юришининг давоми сифатида қайд этилади. Юриш 1271 – 1272 йилларда ташкиллаштирилди. Мазкур юришда салибчилар сафида Анжуй графлиги, Кипр қироллиги, Антиохия графлиги, Англия қироллиги ва элхоний мўғуллар давлатидан жами 60 минг киши қатнашди. Мисрда мамлукларнинг қудрати ошиб бо-раётгани салибчилар руҳиятига ҳам таъсир этганди. Байбарс 1268 йили Антиохияни забт этгач Триполига хавф сола бошлаганди.

Людовик IX ўлганидан сўнг, французлар юртларига қайтиб кетишса-да, Эдуард юришни охирига етказишни мақсад қилиб қўшини билан Фаластинга юришни давом эттирди. Бу пайтда Крак қалъаси Байбарс томонидан эндигина ишғол қилинганди. Англия шаҳзо-

даси Эдуард ва Людовик IX нинг укаси Карл Қуддус қироллигининг пойтахти Аккрани ҳимоя қилишга шошилди. 1271 йили Байбарс ўн минглаб қочоқлар яширинган Триполини қамалга олди. Эдуард ва Карл қўшини Кипрдан туриб Аккра қамали билан машғул Байбарс қўшинига ҳужум қилди. Эдуард Аккрага келиши биланоқ мусулмонларнинг ашаддий душмани Эрон элхонийси Абаға билан француз-мўғул иттифоқи тузишга интилиб унинг ҳузурига Режинальд Россел, Гodefрой Ваус ва Жона Паркер бошчилигида элчилар гуруҳини жўнатди. Элчиларга мўғуллар билан иттифоқ тузиб улардан ҳарбий ёрдам олиш вазифаси юклатилди. 1271 йил 4 сентябрдаги Абағанинг жавоб хатида унинг ҳамкорликка рози бўлгани ва мамлукларга биргаликда уюштириладиган ҳужум вақтини маълум қилишлари сўралганди. Кипрдан Хью III нинг ёрдамга келиши Эдуардни қувонтирди. 1271 йил октябрь ойи охирларида мўғулларнинг оз сонли қўшини Сурия ҳудудига кириб, Ҳалабдан жанубдаги ерларни талон-торож қилди. Абаға асосий кучлари Ўрта Осиёдаги низолар билан овора бўлгани учун, у Анатолияда турган Самагар бошлиқ 10 минг кишилиқ қўшиннигина юбориши мумкин эди. Байбарс 12 ноябрь куни қарши ҳужумга ўтиб мўғулларни Фуротгача суриб ташлади. Салибчиларнинг денгиз орқали Мисрга ҳужум қилишидан хавотирланиб флот қуришга киришди. Байбарс Хью III флотини чалғитиш мақсадида Кипрга ҳужум қилди. Бироқ унинг флоти енгилб, Кипрни забт этолмади.

1272 йили Англия қироли Генрих III нинг ўлгани ҳақидаги хабар Эдуардга етиб келди. У қўшинини олиб тезда Англияга жўнади. Шундан сўнг Байбарс салибчиларни кетма-кет мағлуб этиб, бир қанча шаҳарларни қўлга киритди. Христианлар билан 10 йилу 10 кунга сулҳ тузиб, мўғуллар ва арманларга қарши урушга киришди. Бироздан сўнг Боумэнд VI нинг вориси Боумэнд VII мамлукларга ўлпон тўлаган.

**Аккра (Қуддус қироллиги)нинг қулаши (1290 йил).** Сурияда христиан ва мусулмонлар ўртасидаги қарама-қаршиликлар узоқ давом этди. 1277 – 1281 йилларда мусулмонлар ички низоларни бартараф этиш ва мўғулларга қарши курашиш билан банд бўлишди. Бу пайтда янги салиб юриши уюштирилса, христианлар ютуққа эришиши мумкин эди, лекин Европа суриялик христианларга ёрдам бермади. Қуддус қироллиги бу вақтда тахт учун кураш майдонига айланганди. 1286 йили Гугонинг ўғли қирол Генрих II Аккрадан сицилияликларни қувди ва икки қиролликни ўз қўл остида бирлаштир-

ди. Сўнги йилларда султон Қуловун мўғулларга қарши курашиш билан машғул бўлиб 1281 йилдан 1283 йилгача рицар орденлари билан бир қанча битимлар тузди ва ўн йилу ўн ойу ўн кунга тинчлик сулҳи имзолади.

Сулҳни ким биринчи бўлиб бузгани номаълум, лекин султон 1285 йили Маъраба қалъасига келди. Қалъани христианлар ташлаб кетишган, христиан ва мусулмонлар қўли билан вайрон этилганди. Яна сулҳ тузилди, лекин султон Лаодекия ва Триполи қалъаларини забт этди. Папа Николай IV Фаластинга келаётган хатардан қаттиқ ташвишга тушиб Сурияда христиан ҳукмронлиги тугаётганини сизди. У Аккрага кичик флот жўнатди, лекин кемалар етарли жиҳозланмагани боис, қисқа муддатдан сўнг уларнинг кўплари Италияга қайтиб келди. Янги салиб юришига чақириқ ҳам натижасиз тугади. Триполи остонасида курашаётган генуяликлар савдо-сотик имтиёзлари олиб Миср билан дўстлик битими тузишди. Бир вақтнинг ўзида Рим курияси ва неаполлик анжуй сулоласи душманлари бўлган Арагон қироллари оиласи вакили Альфонс III ва унинг акаси Яков Сицилийский султон Қуловун билан мудофаа иттифоқи тузишди.

Бу вазиятда мусулмонлар Қуддус қироллигининг қолдиқларини йўқотиш учун ҳаракатларини тезлатдилар. 1289 йил султон Кипр ва Қуддус қироли Генрих II га икки йиллик тинчлик муддати берди. Лекин христианлар мазкур муддат тугашидан олдин ўзлари Сурия соҳилларидан кетиш йўлларини излай бошлашди. Кипр гарнизони жангчилари ёки папанинг ёлланма қўшини қўшни мусулмон манзилгоҳларга ҳужум қилиб тинчликка раҳна солишди. Бундан ғазабланган Қуловун христианларга қарши уруш эълон қилди.

Аккра ўша пайтда энг чиройли шаҳарлардан бири эди. Бу ердаги қизғин савдо боис шаҳар бойликларга тўлиб-тошганди. Қуловуннинг режаси Аккра аҳолисини саросимага солиб қўйди. Бироқ патриарх Николай Иерусалимский нутқидан сўнг фуқаролар ва ёлланма қўшин охириги томчи қони қолгунча «Дарвозалари муқаддас заминга элтувчи Аккон шаҳрини» ҳимоя қилишга ваъда берди. Улар Европадан ёрдам сўрашди. Рицарлик орденлари Ғарбдан мадад олди: Кипр ва қўшни соҳилбўйи шаҳарларидан ҳарбий гуруҳлар келди. Ҳаммаси бўлиб 20 мингдан ортиқ жангчи тўпланди. Бу қўшин билан қалъани ҳимоялаш мумкин эди. Лекин қалъа мудофаачилари тартиб-интизомга риоя қилишмасди. Ягона қўмондон йўқлиги ҳам улар орасида яқдиллик бўлмаганининг асосий сабабларидан бири эди. Ёш қирол Генрих II қамалнинг бошидан-охиригача

Кипрда турди. Ҳимоянинг умумий режаси ишлаб чиқилди, лекин тамплиерлар, госпитальерлар, пизаликлар ва венецияликлар, Сурия ва Кипр, Англия ва Франциянинг рицарлари фақат ўзларига қулай ҳоллардагина ҳаракат қилишди. Ҳатто оддий аскарлар ҳам ўзбошимчалик қила бошлади.

Султон Қулвун уларга қарши зимдан тайёргарлик кўрди. Фақиҳларни тўплаб христианлар сулҳни бузганлигини тушунтирди ва жанг қилиш мусулмонлар учун муқаддас бурч эканини маълум қилди.

1290 йил кузида султон йўлга тушди, лекин йўлда касалланиб 1290 йил 19 ноябрь куни вафот этди. Бироқ унинг ўлими христианларга ҳеч қандай наф келтирмади. Қулвуннинг ўғли ва вориси Малик Ашраф отаси бошлаган ишни охирига етказишни хоҳларди.

1291 йил мартда мусулмон қўшинининг илғор бўлинмалари Аккра остонасига етиб келди. Апрель бошида улкан қўшин билан султоннинг ўзи ҳам ҳозир бўлди. Қўшинда 92 та қамал машинаси бор эди. Жанг шаҳар дарвозалари рўпарасидаги очиқ майдонда кичик тўқнашувлар билан бошланди. Тамплиерлар вазиятни тўғри баҳолаб ўзларидан кучли султон қўшини билан сулҳ тузишга уринишди. Лекин музокаралар олиб боришнинг имкони бўлмади.

4 май куни қамал қилинган шаҳарга қирол Генрих II ва кам сонли кипрлик ёрдамчи кучлар келди. 5 майдан мусулмонлар шаҳарни ўққа тутиб ёппасига ҳужум бошлашди. Жанг бир неча кун давом этди. Аккранинг бой аҳолиси яқинлари билан қимматбаҳо мол-мулкларини олиб шаҳарни ташлаб Кипрга кета бошлади. 15 майдан 16 майга ўтар кечаси эса қирол Генрих II ўзининг қўшини ва унга қўшилган 3 минг кишилик қочоқлар билан Кипрга келди. Бу қочоқлик учун қирол муҳокама қилинди, лекин касалмандлиги ҳисобга олиниб кечирилди. Гарнизонда қолганлар 12 мингдан 13 минггача кишини ташкил этарди.

16 майда мусулмонлар яна ҳужумга ўтди. Қалъа деворининг бир қисми бузилди ва мусулмонларнинг ҳайқириғи эгалланган шаҳарнинг ярмида эшитила бошлади. Лекин христианлар бор кучларини тўплаб мусулмонларни шаҳардан чиқариб юборишди ва бузилган деворни тош ва бошқа тўсиқлар ёрдамида беркитишди. Шунга қарамай, қалъани ҳимоя қилиш ўта мушкул эди. Салибчилар буни англаб 17 май куни Кипрга оммавий чекинишни маслаҳатлашишди. Лекин кемалар етишмагани сабабли, охиригача кутишга қарор қилишди. Сўнги жангдан олдин христианлар ибодат қилиб олишди.

18 майда мусулмонлар ёппасига ҳужум бошлади. Қалъа ҳимоячилари бир неча бор уларнинг ҳужумини қайтарди, лекин босимни кўтара олишмади. Мусулмонлар шаҳарга кирди. Қурол кўтариб қаршилиқ қилганларни ўлдириб, аёл ва болаларни асирга олишди. Айрим кишиларгина кемаларга чиқиб қочишга улгурди. Лекин денгизда тўфон кўтарилиб, одамлар билан лик тўлган кемалар чўка бошлади. Бир неча минг христиан шаҳарнинг ғарбида денгиз бўйидаги жойлашган тамплиерларнинг кучли қалъасига яширинди. У ерда бир неча кун музокаралар ва жанглар давом этди. Қамалдагиларнинг айримларигина денгиз орқали қочишга эришди, қолганлар эса жангни давом эттирди. Мусулмонлар шаҳарни тўлиқ эгаллашди ва уни ёқиб ер билан текислаб ташлашди.

Бу қалъанинг ҳалокатга учраши Сурияда христианлар ҳукмронлигининг тугаганини билдирарди. Аккрадан жанубда яна бир нечта тамплиерларнинг қалъалари қолган бўлса-да, урушни давом эттириш фойдасиз эди. Мусулмонлар ғалабасидан хабардор бўлган христианлар у ерларни тарк эта бошлади. Аккра қулаган 18 майдан сўнг орадан бир неча ҳафта ўтгач европаликлар Сурия соҳилларини бутунлай тарк этишди.

Христианлар Аккра қулашидан қаттиқ изтироб чекди. Папа Николай IV янги салиб юришига тарғиб қилди, лекин қўшин йиғишга эришолмади. Фақатгина 1301 йили бир неча бадавлат генуяликлар кичик флотни қуроллантиришди. Улар Фаластинни эгаллашга сарфарбар этилгандилар, бироқ юриш христиан манзилгоҳларини талаш ва яҳудийларни таъқиб қилишдан иборат бўлди.

## САЛИБЧИЛАР ДАВЛАТЛАРИ

### Триполи графлиги (1105 – 1289)

#### 1. Аквитанский (Тулузский)лар сулоласи (1105 – 1187)

т/р	графлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Раймунд Тулузский	1105
2.	Вильгельм Серданский	1105 – 1109
3.	Бертран Тулузский	1109 – 1112



4.	Понс	1112 – 1137
5.	Раймунд II	1137 – 1150
6.	Раймунд III	1150 – 1187

## 2. Аквитан-норманскийлар сулоласи (1187 – 1289)

т/р	графлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Раймунд IV Антиохийский	1187
2.	Боумэнд IV Антиохийский	1187 – 1233
3.	Боумэнд V Антиохийский	1233 – 1252
4.	Боумэнд VI Антиохийский	1252 – 1275
5.	Боумэнд VII	1275 – 1287
6.	Люция	1287 – 1289

## Эдесса графлиги (1098 – 1146)

т/р	графлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Болдуин I	1098 – 1100
2.	Болдуин II	1100 – 1118
3.	Жослен I	1118 – 1131
4.	Жослен II	1131 – 1150

## Антиохия князлиги (1098 – 1268)

т/р	князлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Боумэнд I	1098 – 1111
2.	Боумэнд II	1111 – 1130
3.	Констанция <sup>3</sup>	1130 – 1163
4.	Боумэнд III	1163 – 1201
5.	Боумэнд IV	1201 – 1216
6.	Раймунд Рупен	1216 – 1219
	Боумэнд IV	1219 – 1233
7.	Боумэнд V	1233 – 1251
8.	Боумэнд VI	1251 – 1268

<sup>3</sup>Раймунд де Пуатье (1136 – 1149) ва Рено де Шатильон (1153 – 1160) Констанцияга никоҳ сабабли боғланишган ва унинг номидан князлик қилишган.

## Қуддус қироллиги (1099 – 1291)

т/р	қирол (қиролича)лар	ҳукмронлик йиллари
1.	Готфрид Бульонский	1099 – 1100
2.	Болдуин I	1100 – 1118
3.	Болдуин II	1118 – 1131
4.	Мелисенда ва унинг эри Фульк	1131 – 1143
5.	Мелисенда ва унинг ўғли Болдуин III	1143 – 1153
6.	Болдуин III	1153 – 1162
7.	Амори I	1162 – 1174
8.	Болдуин IV	1174 – 1185
9.	Болдуин V	1185 – 1186
10.	Сибилла ва Ги де Лузиньян	1186 – 1187

11

Қуддус 1187 йили айюбийлар томонидан ишғол қилинди, Сибилла 1190 йили ўлди, лекин Гиде Лузиньян 1192 йилгача тахт талашди. Шундан кейинги даврда қироллик фақат тор соҳилбўйи ҳудудини сақлаб қолди.

11.	Изабелла I <sup>4</sup>	1192 – 1205
12.	Мария Монферратская	1205 – 1212
13.	Иоланта (Изабелла II)	1212 – 1228
14.	Конрад II Гогенштауфен	1228 – 1254
15.	Конрад III Гогенштауфен	1254 – 1268
16.	Гуго I	1268 – 1277
17.	Карл I Анжуйский	1277 – 1285
18.	Генрих II	1285 – 1291

<sup>4</sup> Изабелла I қиролликни эрлари билан бошқарган: иккинчи эри Конрад I Монферратский билан 1192 йили, учинчи эри Генри II Шампанский билан 1192 – 1197 йилларда, тўртинчи эри Амори II билан 1198 – 1205 йилларда.

## ОЛТИНЧИ ҚИСМ

### ЭРОН, МАРКАЗИЙ ВА ҒАРБИЙ ОСИЁ, ҲИНДИСТОН, АРАБИСТОН ЯРИМОРОЛИ, ШИМОЛИЙ ВА ҒАРБИЙ АФРИКАДАГИ СУЛОЛАЛАР (XIII АСР ИККИНЧИ ЯРМИ – XV АСР)

#### ЭРОН

##### Хулакуий (Элхонийлар)лар ҳукмронлиги (1256 – 1353)

**Хулакуийлар (Элхонийлар)** – Чингизхон невараси Хулакунинг авлодлари. XIII аср ўрталари – XIV аср ўрталарида Яқин ва Ўрта Шарқда ҳукмронлик қилган мўғуллар сулоласи. Хулакуийлар давлати ҳукмдорлари элхон (улус хони маъносини берувчи «қабилани») унвонига эга бўлишган.

**Элхонийлар (Хулакуийлар) давлати.** Ҳудуди – 3,75 млн км<sup>2</sup> (1310). Пойтахти – Мароға, Табриз, Султония, кейинчалик яна Табриз. Давлат тузуми – монархия. Давлат тили – мўғул, туркий ва форс тиллари.

Давлат Мўғуллар империяси парчаланиши жараёнида вужудга келган ҳамда Эрон, Озарбайжонни, ҳозирги Афғонистон ва Туркманистон ҳудудининг катта қисмини, Кавказолди, Ироқи Ажам ва Кичик Осиё (Қизил ирмоқ дарёсигача)нинг салмоқли қисмини эгаллаган. Хулакуийларнинг вассаллари ва уларга ўлпон тўловчи давлат тузилмалари: Грузия, Трапезунд империяси, Кўня султонлиги, Киликия шоҳлиги, Кипр қироллиги, Ҳиротдаги Куртлар давлати.

##### Эронда ҳукмронлик қилган элхонийлар (1256 – 1335)

т/р	хон	ҳукмронлик йиллари
1.	Хулаку	1256 – 1265
2.	Абаға	1265 – 1282
3.	Текудер	1282 – 1284
4.	Аргун	1284 – 1291
5.	Гайхату	1291 – 1295 йил март
6.	Байду	1295 йил апрель – октябрь

7.	Ғозон	1295 – 1304
8.	Ўлжайту	1304 – 1316
9.	Абу Саид	1316 – 1335

### Ҳомийлик остидаги хонлар (1335 – 1353)

т/р	хонлар	хукмронлик йиллари	ҳомий
1.	Арпа	1335 – 1336	Вазир Ғиёсиддин Рашидий
2.	Мусо	1336	Ойрат амири Али подшоҳ
3.	Музаффариддин	1336 – 1338	жалойирийлар
4.	Сатибек	1338 – 1339	чўпонийлар
5.	Сулаймон	1339 – 1344	чўпонийлар
6.	Жаҳон Темур	1338 – 1344	жалойирийлар
7.	Анушервон	1344 – 1355	чўпонийлар

Хуросонда – элхон Туғо Темур (1338 – 1352).

**Хулаку (1217 – 1265 йил 8 февраль, Мароға, Эрон)** – Чингизхоннинг невараси, Тулуйнинг ўғли, Мункэ ва Хубилайларнинг оға-иниси. Хулакуийлар давлати асосчиси. Мўғулларнинг Ғарбий Осиёга уюштирган юришини бошқарган. 1256 йили Исмоилий-ҳашшошийлар давлатини, 1258 йили Аббосийлар давлатини тугатган. Хубилай 1261 йили Хулакуни босиб олинган юртлар ҳукмдори деб тан олган ва унга элхон унвонини берган.

**Беркэ билан уруш.** 1262 йил Хулакуга қарши амакаваччаси Берке ҳаракат бошлади. Урушнинг сабаби Хулаку буйруғи билан Мустаъсимнинг қатл этилиши эди. Лекин ихтилоф тарихи узоқроққа борарди, Жўжи авлодлари Кавказолди ҳудудларига даъво қилишган. Кавказолди 1250 йиллар ўрталаригача Чингизхон ноиб Чормағанга тегишли эди, 1243 йилдан эса Кичик Осиё ва Жанубий Озарбайжонда ўз ҳокимиятини ўрнатмоқчи бўлган Ботуга қаршилик қилган Байжуга ўтди.

Боту улуғ хон Мункэ буйруғига кўра Балакан, Тутар ва Кули бошлиқ уч туманни Хулакуга юборди. Кейинроқ бу қўшин Бағдодни олишда иштирок этди, Беркэ эса мазкур юришга қарши эди. Хулаку юришда ёрдам берган жўжийларга Жанубий Озарбайжон ва Кавказолдини ўлжа сифатида беришдан бош тортгач, амакиваччалар орасида душманлик кучайди. Боз устига, 1260 йил бошида Балакан қатл этилди, Тутар ва Кули кутилмаганда вафот этди. Беркеда уларнинг захарлангани ҳақида шубҳа пайдо бўлди. У ўз қўшинига Даш-

ти Қипчоққа қайтишни, агар бунинг иложи топилмаса, мамлуклар бошқарувидаги Мисрга қайтишни буюрди.

1262 йил августда Дарбанд ва Ширвон орқали келаётган Нўғай бошлиқ 30 минглик отлиқ қўшинга қарши Аладагдан хулакуийлар қўшини йўлга тушди. Ширемун нўён бошлиқ илғор қўшин икки ойдан сўнг Шемахада Нўғай билан тўқнашиб мағлуб бўлди. Бироқ 14 ноябрь куни жанг майдонига Атабай нўён бошлиқ куч келгач, Шаберанда жўжийлар мағлуб бўлишди, Нўғай эса қочиб кетди. 8 декабрь куни эрталаб хулакуийлар Дарбандга келишди, кун бўйи давом этган жангда ўрдаликлар енгилишди ва қалъани ташлаб чекинишди.

Ширемун ва Абатай Хулакунинг ўғли Абаға билан бирлашиб Терекдан ўтишди ва Нўғайнинг қароргоҳини, таъминот захираларини эгаллашди. Берке қарши хужумга ўтди, 1263 йил 13 январда Терек дарёси бўйларида жанг бўлди. Хулакуийлар тор-мор келтирилди, аскарларнинг кўпчилиги музлаган дарёдан ўтаётиб чўкиб кетди. Ҳар икки томон жуда катта йўқотишларга учради. Ибн Восилга кўра, Берке шундай деган: «Аллоҳ мўғуллар қўли билан мўғулларни ўлдирган Хулакуни жазоласин. Агар биз бирлашганимизда бутун дунёни олган бўлардик!»

Берке қўшини Дарбандга келиб кўп ўтмай шимолга қайтиб кетди. Бу вақтда Хулаку пойтахти Табризга келиб урушни давом эттиришга тайёрлана бошлади. Қўшимчасига, Табризда савдо фаолияти билан шуғулланувчи ўрдалик савдогарлар – «ўртоқ»ларнинг барчасини қатл этиш ва мол-мулкларини мусодара қилишни буюрди. Бунга Берке давлатига қарашли ҳудудларда савдо қилувчи форс савдогарларини қатл этиш билан жавоб қайтарди.

Хулаку кўчманчи ҳаёт тарзини сақлаб қолса-да, қурилишлар билан шуғулланди. Олатоу (Аладаг)да сарой, Хойяда буддистлар ибодатхонаси, Хабушонда жархона қурдирди. Бинолар орасидаги энг муҳим иншоот 1259 йили форс математики ва астрономи Носириддин Тусий бошчилигида Мароғада қурилган расадхона (обсерватория) эди. Расадхона қошида катта кутубхона бўлиб, у ерда нафақат форс ва араб астрономлари, балки ҳинд ва хитойлик математиклар ҳам фаолият кўрсатган. Хулаку ўз манфаатини кўзлаб саройида математика, кимё, тиббиёт билимдонлари ва бошқа олимларга ғамхўрлик қилган. Шу билан бирга, у барча мўғуллар каби иримчи ва фолларга ишонувчи эди. Бунинг учун аррофлар, фолбинлар, астрологлар, барча динлар арбобларига ва жоду ишларидан хабардор кишиларга тез-тез мурожаат этиб турган. Хулаку астрологлардан

ташқари алкимёгарларни ҳам эъзозлаган, улар элхонни металл парчаларини олтинга айлантириб берувчи «фалсафа тоши»ни яратишларига ишонтириб тажрибалар учун хазинадан жуда катта маблағ олишга эришишди. Табиийки, олтин ясашнинг уддасидан чиқа олишмади.

**Абаға (1234 йил март, Мўғулистон – 1282 1 апрель, Ҳамадон, Эрон)** – *Хулакуийлар давлатининг иккинчи элхони (1265 – 1282). Абаға отаси Хулаку билан 1256 йили Эронга келган. Отаси ўлимидан сўнг давлатнинг олий раҳбари этиб сайланди. Унинг ҳукмдорлиги 5 йилдан сўнггина Хубилай томонидан тан олинди. Барча мўғул хонлари каби майхўрликка ружу қўйганди. Византия императори Михаил VIII нинг қизи Мария Деспинага уйланган.*

Олтин Ўрда хонлари қабиладошлари Абаға билан сулҳ тузиб тинчлик ўрнатишларига қарамай, Мисрга қарши юришларда тайинли натижага эришмади. Олдинроқ (1266) элхон шимолдан бўладиган ҳужумни қайтариш учун Куранинг шимолий соҳилида девор қуришга буйруқ берганди. Кавказ халқлари 1278 йили вазир Шамсиддин томонидан бўйсундирилди.

Мамлук султонларига қарши курашиш мақсадида Абаға европалик христианлар билан алоқа ўрнатишга интилди. Унинг элчилари 1274 йили Лионда, 1277 йили Римда пайдо бўлди. Европада бу интилиш қувонч билан кутиб олинди. Абаға 1274 йили Англия қироли Эдуард I дан ва Рим папалари Климент IV дан (1267), Григорий X дан (1274) ва Николай III дан (1277) мактуб олди. Лекин Мисрга қарши уруш учун амалий ҳаракатлар қилинмади.

Бу вақтда мамлуклар салибчиларга нисбатан устунликка эга эди. Улар мўғуллардан ҳам анча устун бўлган. Кичик Арманистон 1266 (Мари жанги), 1273 ва 1275 йилларда уларнинг ҳужумига учради. 1277 йили вақтинчалик Кичик Осиёни босиб олишди, ўша йили Элбистанда мўғулларни мағлуб этишди. 1280 йили мўғуллар Сурияга бостириб кириб Ҳалабни талади. Лекин кейинги йили Абағанинг укаси Мангу Темур Хама ва Хумс оралиғида (Хумс жанги) бўлган жангда йирик мағлубиятга учради.

Шарқда Абаға катта ютуқларга эришди. 1270 йили чиғатойзода хон Бароқни Ҳирот яқинида тор-мор этди. Мовароуннаҳрда кечаётган тартибсизликлардан фойдаланиб ҳамда келажақда бўлиши мумкин хавфдан қутулиш учун 1273 йили у ерга қўшин тортди. Бухоро таланиб вайрон қилинди. Грузияни удел сифатида олган чиғатой шаҳзода Текудер босқинни тўхтатиш ниятида қариндоши

Бароқ билан бирлашишга интилди, лекин тор-мор этилди. Унинг бўлинмалари Хулакуийлар давлатининг шарқида ўрнашиб, Абаға ҳаётлик пайтидаёқ (1279) Форс вилоятини талади ва узоқ вақтгача Хуросон ва унга қўшни бошқа вилоятларга таҳдид солиб турди.

**Қўзғолонлар.** 1265 йили Форсда Саййид Шарофиддин бошчилигида мўғулларга қарши халқ қўзғолони бўлиб ўтди. Исён элхон қўшини томонидан шафқатсиз бостирилди.

1275 йили Арронда (Шимолий Озарбайжон) қўлбола қурооллар билан қуроолланган маҳаллий аҳоли ҳужум қилиб хонни ўлдириб қўйишига сал қолди. Бу ҳужум Абағани шунчалик кўрқитдики, тезда қўзғолонлардан хавфсираб ўзига содиқ феодаллардан қўшин ташкил қилди.

**Текудер, мусулмонча исми Султон Аҳмад (1247 –1284 йил 10 август)** – Эроннинг учинчи элхони (1282 – 1284), Хулакунинг еттинчи ўғли, Абағанинг униси. Текудер ёшлигида Николай исми билан чўқинтирилганди. Тахтга ўтиргач элхонийлардан биринчи бўлиб исломни қабул қилди. Фармонларидан бирида Бағдод аҳолисига муурожаат этиб уларни ҳимоясига олганини билдирган. Баъзи маълумотларда айтилишича, у бутхона ва черковларни масжидларга айлантирган. Ибн ал-Ибрий (Григорий Абул Фараж)га кўра, бошқа диндагиларга, жумладан, христианларга ҳам бағрикенглик билан ёндашган.

Текудер дўстлик алоқаларини ўрнатиш учун Миср мамлуклари билан музокаралар олиб борган. Мисрга савдо алоқаларини тартибга солиш мақсадида иккита элчилик гуруҳи юборилди. Бу музокаралар вақтида мамлуклар қўшини чегара ҳудудидаги иккита қалъани эгаллади. Текудернинг сиёсатидан норози бўлган қариндоши Хуросон ҳукмдори Арғун мўғул зодагонлари билан тил бириктириб элхонни қулатди ва тахтга ўтирди. Аҳмад Текудер мўғуллар одатига кўра қон тўкишсиз умуртқа суяги синдирилиб қатл этилди.

**Арғун (1250/1255 –1291 йил 10 март)** – Эроннинг тўртинчи элхони (1284 – 1291), Абағанинг катта ўғли, Хулакунинг невараси.

Текудерни ўлдириб тахтга келиши биланоқ вазир Шамсиддин Жувайнийни 1284 йил 16 октябрь куни қатл эттирди. Мўғулларнинг жалойир қабиласидан бўлган амир Букай ҳокимиятни ўз қўлига олди. У вазир лавозимини эгаллади, кўпчилик қариндошлари юқори лавозимларга тайинланди. Ўша вақтда сарой ичида Букайнинг душманлари кўп бўлиб, унинг аҳволини оғирлаштириши мумкин эди. Букай ҳокимиятни қўлдан бой бераётганини сезиб Арғунга қарши фитна

ташкиллаштирди, лекин ўзининг тарафдорлари томонидан сотиб қўйилди ва 1289 йил 16 январь куни қатл этилди.

Арғун мусулмон мансабдорларга ишонч билдирмай, уларнинг ўрнига яҳудий ва христианларни сарой хизматига олди. Букай қатл этилгач, яҳудий савдогар Саъдуддавла вазир бўлди. Вазир давлат хизматига қабул қилинган миллатдошлари ёрдами билан давлат бошқарувини тартибга солишга уринди. Солиқлар устидан назорат ва амалдорларнинг мансабини суиистеъмол қилишига қарши кураш хазинага 1000 туман (10 млн динар) даромад келтирди.

1289 йили Хуросонда ойрат қабиласига мансуб Хуросонда 30 – 50-йилларда элхонийлар ноиби бўлган Арғуннинг ўғли амир Наврўз бошчилигида исён кўтарилди. Наврўз Арғуннинг аксилисломий сиёсатига қарши эди.

Саъдуддавла кўрган чоралар мусулмон мансабдорлар ва мўғул зодагонлари орасида норозилик келтириб чиқарди. Душманлари Саъдуддавлани Маккага юриш қилиб у ерни «бутпарастлар макони»га айлантиришга ҳаракат қилаётганда айблаб ташвиқот олиб боришди. Арғун ўлим тўшагида ётган пайтда, вазир қўлга олинди ва 1291 йил 5 март куни қатл этилди, унинг қариндошлари қул қилиб сотиб юборилди, мол-мулклари эса мусодара қилинди.

10 март куни фалажланиб қолган элхон Арғун вафот этди. Унинг касаллиги пайтидаёқ тахт талашиш бошланиб кетганди. Ўша вақтда Луристонда кўчманчи қабилалар исён кўтариб биров муддат Исфаҳонни эгаллаб олишди, лекин орадан кўп ўтмай исёнчилар тормор келтирилди.

**Европа билан алоқалар.** Арғун Абағанинг сиёсатини давом эттириб Европа ҳукмдорлари билан дўстлик алоқалари ўрнатишга ҳаракат қилди. Бундан кўзланган асосий мақсад Сурия ва Фаластинда мустаҳкам ўрнашиб олган мамлукларга қарши ҳарбий иттифоқ тузиш эди.

Арғуннинг Европа билан олиб борган тўртта элчилиги маълум – 1285, 1287, 1289, 1290. Улардан биринчиси 1285 йил ўрталарида Римга – папа Гонорий IV га юборилганди. Арғуннинг мактуби 18 май куни етиб борди. Мактубнинг лотинчага қилинган таржимаси папа куриясида ҳозиргача сақланади. Мактубдан элчилар таркиби аниқланган – элчилар бошлиғи Иза толмач, у билан Богаок ва Менгилик, Фома Банхринус ва Угето толмач (мўғул исмлари бузилган).

Арғуннинг Филиппга юборган мактуби генуялик Бускарелло де Гизольфи томонидан етказилди. Мактуб уйғур алифбосидаги ҳарф-



лар билан мўғул тилида ёзилган ва хитой иероглифлари билан муҳрланганди.

1287 йили Европага несториан монахи раббин Саума бошчилигида элчилар жўнатилган. У билан бирга ўша Уго-толмач, Фома ва мўғул Сабадин боришди. Икки йил мобайнида элчилар Константинополь, Рим, Генуя, Франция қироллиги ва Аквитаниядаги Англия мулкларига бўлишди. Саума Византия императори Андроник II, Франция қироли Филипп IV, Англия қироли Эдуард I ва Рим папаси Николай IV билан учрашди. Папа несториан католикоси Ябалаха III, Арғуннинг катта хотини Нукдан хотун (Гайхатунинг онаси) ва Табриз епископи Дионисий (монофизит ёки православ)га мактуб йўллади. Муҳим мактублар шахсан Саума ва Сабадинга топширилди. Понтифик шарқ мамлакатларида хизмат қилаётган миссионер-францискан (минорит)ларни ҳам унутмади – уларга ҳам мактублар жўнатилди.

1289 йили генуялик Бускарелло де Гизольфи элхондан папага, француз ва инглиз қиролларига мактуб олиб келди, мактубда элхон мамлукларга қарши 1290 йилнинг қишида юриш бошлашга тайёрлигини ва 1291 йили Дамашқда қароргоҳ қуришини билдирганди. У европаликларга 20 – 30 минг от, озиқ-овқат ва бошқа зарур нарсаларни тайёрлаб қўйишини маълум қилган. Парижда Бускарелло Филипп IV дан бундан икки йил олдин Саума томонидан келтирилган элхон мактубига жавоб олди. Бускарелло 1290 йил 5 январь куни Лондонга келиб қирол Эдуард I хузурида бўлди. Эдуард юришга тайёр бўлганда элхонга маълум қилиши битилган мактуб берди.

1290 йил ўрталарида Чаган (Заган), Бускарелло ва Сабадин Арғуннинг сўнгги мактубини (1290 йил 14 май) олиб Ғарбга жўнашди. 1291 йил август ёки сентябрда папа яна элхонга ва унинг учинчи хотини христиан Уруқ хотунга мактуб жўнатди. Бироқ бу пайтда Арғун тириклар орасида йўқ эди. Узоқ вақт олиб борилган элчилар алмашинуви ҳеч нарса келтирмади. Салиб юриши ташкиллаштирилмади, 1291 йил майда эса салибчиларнинг энг охирги мулклари мамлук султони Ашраф томонидан тугатилди.

**Генуя билан алоқалар.** Арғун даврида Венеция рақобатчиси Генуя республикаси билан савдо алоқалари ўрнатилди. Венеция Миср билан савдони қўлга киритганидан Генуя шу йўл билан ўзини ўнгламоқчи бўлди. Генуя сенати Арғунга режасини билдирди: Қизил денгиз орқали Мисрга бораётган савдо кемаларини тутиб Форс кўрфазидаги Хурмузга жўнатиш. Ҳиндистонга олиб борадиган савдо

йўли ҳам Хурмуздан Исфаҳон, Арзирум ва Константинополь орқали ўтиши лозим эди. Бу ҳолатда барча фойдани хулакуийлар ва Генуя олиши, Миср ва Венеция иқтисодига кучли зарба берилиши керак эди.

1288 йилларда Бағдодга генуялик денгизчилар ва кемасозлар келди. Дажлада океанда сузишга мўлжалланган иккита катта галер қурилди. Бироқ экипаж орасида душманлик пайдо бўлиб, тўқнашувда кўплаб денгизчилар ўлишди. 1301 йили, Ғозон даврида, рақиблар ярашди, Гримальди ва Дориа флотни тиклаш учун мулкларини сотишди, бироқ кемаларни денгизга олиб чиқишга муваффақ бўлишмади.

Мўғуллар иши Қора денгиз соҳилларида олдинга юрди. Элхонийларга қарашли денгиз бўйларида ажар ва абхаз соҳиллари, Батуми минтақасида эса Кисса мўғул-генуя базаси бор эди. Генуялик Вивальдо Лаважо Арғуннинг маблағи ҳисобига Кубан ва Кавказ соҳилларини ҳимоя қилиш учун кема жиҳозлади. Жубга яқинида эса кафалик арманлар товарларини тортиб олган қароқчиларни даф этди.

**Кўзғолонлар.** 1291 йили эроний лур кўчманчи қабиласи кўзғолон кўтариб бироз вақт Исфаҳонни ҳам эгаллади.

XIII асрнинг 80 – 90-йилларида Эронда кучли иқтисодий инқироз юз берди, бу, ўз навбатида, деҳқонлар ғалаёнига сабаб бўлди. Рашидиддин уларни боғийлар ёки қароқчилар деб атаса-да, зулмдан тўйган исёнчилар орасида курд, лур, араб, ҳаттоки мўғулларнинг қашшоқ табақаси ҳам фаол иштирок этганди. Шуниси эътиборлики, қашшоқ мўғуллар Эроннинг маҳаллий аҳолиси билан елкама-елка туриб истибдодга қарши курашган. Исёнчиларни кенг халқ оммаси кўллаб-қувватлаган, ҳар томонлама ҳимоя қилиб озиқ-овқат билан таъминлаган. Улар бадавлат одамларнинг қасрларини талашган ва савдо карвонларини нишонга олишган. Лекин бу тартибсизликлар Ғозон даврида шафқатсиз бостирилди.

**Гайхату (? –1295 йил 24 март)** – *Хулакуийлар давлатининг бешинчи элхони (1291 – 1295), Арғуннинг укаси. Исми Иринжин (Иринчин) Доржи (тибетча Рин-Чен Дорже) – «Қимматбаҳо олмос», унинг тангаларига шундай сўзлар зарб қилинган. Гайхату номини тахтга чиққандан сўнг буддий монахларидан олган.*

Гайхату Абағанинг ва Нукдан хотуннинг ўғли эди. Арғун тахтга чиққанда (1284), Румнинг волийси бўлган. Арғун ўлгач, унинг номзоди Ғозон ва Байду қатори кўриб чиқилди. Байду дастлаб кўпчилик

овозини олди, лекин охир-оқибат Аҳлатда Гайхату 1291 йил 23 июлда элхон этиб сайланди. Иккинчи марта эълон қилиниши 1292 йил 29 июнда Аладагда бўлди.

1292 йил июнда Гайхату қўшини мамлуклардан Қалъат ур-Румни ҳимоя қилишга кечикиб етиб келди.

1294 йил баҳорида Олтин Ўрда хони Тўхта билан сулҳ тузди.

Айримлар Арғун етти йиллик ҳукмронлик даврида кўплаб кишиларнинг қонини тўкканини кўриб Гайхату ундан қолишмаслигини тахмин қилишарди. Гайхатуни қулатиб ўрнига хонзода Анбарчини қўйишга ҳаракат бошлашди. Улардан бири амир Тоғачар лашкарбоши лавозимини олган бўлса, бошқаси Садриддин Занжоний 1292 йил 18 ноябрда соҳиб девон этиб тайинланди ва хонликнинг молиявий ишлари устидан чекланмаган назорат ўрнатди.

Садриддин Занжоний «садри жаҳон» унвонини олди, унинг акаси Қутбиддин Аҳмад бош қози сифатида «қутби жаҳон» унвонига эришди. Садриддин мўғул амирларини давлат бошқарувидан буткул четлатди. Амирларнинг вазирни қулатиш учун қилган барча уришлари муваффақиятсиз бўлди. Шикоятчилар Гайхату буйруғига кўра Садриддин ихтиёрига топширилди, бироқ улар авф этилди ва бундан кейин шикоят қилишлари тақиқланди.

**Пул ислоҳоти – чау (қоғоз пуллар).** Гайхату ҳукмронлигини мустаҳкамлаш учун амирзодалар ва хонзодаларга кўп-кўп совғалар улашди. Натижада хазина бўшаб қолди, боз устига, чорвага теккан офат давлатга зарар келтирди. Хонавайрон бўлган халқдан солиқ йиғиш ақлга сиғмасди ва сарой харажатларини қоплаш учун катта миқдорда қарз олишга тўғри келди. Гайхату 1294 йил кузда давлат хазинасига олтинни йиғиб олиш мақсадида Кичик Осиё тарихида биринчи марта хитой намунаси бўйича қоғоз пуллар (чау) чиқарди. Бироқ мазкур чоралар фақат инқирозни чуқурлаштирди ва элхон билан унинг вазири Садриддин Занжий обрўсига жиддий путур етказди. Таклиф дастлаб вазир Садриддин Занжоний маслаҳатчиси Музаффар ибн Муҳаммад ибн Амид томонидан ишлаб чиқилди. Буюк хон Хубилайнинг Эрондаги ноиби амир Пўлод: «Чау – зарб қилинган дирҳам ўрнига шоҳ муҳри босилган қоғоз бўлиб, бутун Хитой бўйлаб муомалада юради», – деб тушунтирди. Садриддин Гайхатуни бунга осонгина кўндирди. Қонунга кўра, кимки чауни пул сифатида қабул қилишдан бош тортса, ўлимга ҳукм қилинарди. Шунингдек, элхон ва зодагонлардан бошқаларга олтин ва кумушдан ясалган идишлар ва зар кийимлар ишлаб чиқариш тақиқланди. Ислоҳотдан кўзланган

мақсад қимматбаҳо металлларни ҳукумат қўлида тўплаш эди. Фақат халқаро савдода қатнашаётган Форс кўрфази савдогарларига банкнотни тиллага алмаштириб беришга рухсат этилди. Чау 1294 йил 12 сентярдан бошлаб Табризда муомалага киритилди. Банкнотнинг муомалага киритилиши иқтисодий ҳалокатни келтириб чиқарди. Нархлар камида 10 баробар ошди. Савдогарлар чауга савдо қилишни хоҳлашмасди, бозорларда савдо тўхтади, кўплаб кишилар Табризни тарк эта бошлади. Ҳукумат икки ой давом этган тартибсизликка чек қўйиш учун аввал тангалар билан савдо қилишга рухсат берди, сўнг чау ҳақидаги фармонни бекор қилди. Бу воқеалар, асосан, Табриз, қисман, Бағдодга алоқадор эди.

1295 йил баҳорида Гайхату ўлганидан сўнг, бўлажак элхон Ғозон Симнон яқинида Мозандаронга жўнатилаётган катта партиядачауни ушлаб қолди. Банкнотлар минтақанинг нам иқлимига мос келмаслигини тушунтириб, уларни ёқиб юборишга буйруқ берди. Шунингдек, чау босадиган ускуналар ҳам йўқ қилинди. Ускуналар Хитойдаги каби мисдан эмас, балки ёғочдан ясалганди. Вассофнинг ёзиши бўйича, банкнотларда хитой ёзувлари ва шаҳодат калималари, шунингдек, Иринжин Доржи (Гайхатунинг тибетча исми) номи бор бўлган. Банкнотлар чорак дирҳамдан 10 диноргача (Ибн ал-Фуватий) ёки энг кичик қиймат 1 динор (Абул Фараж) бўлган. Ўрта Осиёнинг форс адабий тилида XVIII асргача ҳам чау бузилган танга маъносини берган.

**Ҳалокат.** Гайхату кўп манбаларда аҳмоқ ва ахлоқсиз мустабид сифатида қайд этилади. У амирларининг гапига кирмай Байдуни қатл этмаганди. Байду 1294/1295 йил қишида исён кўтариб элхоннинг Бағдоддаги волийсини ўлдирди. Унга қарши Тоғачар юборилди, лекин исёнчилар томонига ўтиб кетди. Элхон Румга кетиш ўрнига Биласуварга борди. Ўша ерда Табризда қамалган ва Тоғачар чиқариб юборган Байду тарафдорлари томонидан тутиб олинди. Гайхату 1295 йил 24 март куни қатл этилди.

**Байду (? –1295 йил 4 октябрь)** – *Эроннинг олтинчи элхони (1295 йил апрель –1295 йил 4 октябрь).*

Гайхатуни тинчитиб тахтга ўтирган Байду бир неча ойгина ҳукмронлик қилди. Ғозон Хуросондан қўшин тортиб келди ва амакисининг қасосини олиш учун Байдунинг топширилишини талаб қилди. Дастлаб душманлар орасида мурасага эришилган бўлса-да, кейинчалик уруш қайтадан бошланди. Ғозон саркардаси Наврўзнинг устомонлиги билангина қон тўкишсиз муаммони ҳал қилди. Байду

тарафдорлари томонидан ташлаб кетилди ва қочаётганда Нахичеван атрофида тутиб олинди, сўнг 4 октябрда қатл этилди. У ўзининг қисқа ҳукмронлик даврида христианларга ҳомийлик қилгани учун, эроний мусулмонларнинг нафратига учраганди.

**Ғозон, мусулмонча исми Маҳмуд (1271 йил 4 ноябрь, Мозандарон – 1304 йил 11 ёки 17 май, Қазвин) – Эронда ҳукмронлик қилган элхон (1295 – 1304), Арғуннинг катта ўғли. Ғозон она тилиси – мўғул тилидан ташқари форс ва турк тилларини пухта билган. Шунингдек, араб, ҳиндий, хитой, кашмир ва француз тилларидан оз-моз хабардор бўлган. Мўғуллар тарихидан ҳам жуда яхши хабардор эди.**

Ғозон буддизм урф-одатлари бўйича тарбияланган. Отаси Арғун тахтга келгач, Хуросон, Мозандарон ва Рай волийси бўлган, бу ҳудудларни Гайхату даврида ҳам бошқарган. Волийлик даврида Кучанда буддавийлик ибодатхонаси қурдирган.

Ғозон 1295 йил 16 июнда Элбурс тоғларида жойлашган Лоржон қалъасида исломни қабул қилиб, Маҳмуд исмини олди. Унинг ислом динига оид саволларига Садриддин Иброҳим Ҳамавий (1246 – 1322) жавоб берарди. Ғозон Байдуни енггач, 1295 йил 3 ноябрда Қорабоғ (Аррон)даги қурултойда элхон деб эълон қилинди. Ўша қурултойда исломни давлат динига айлантирди.

Ғозон ҳукмронлигининг дастлабки даврларида мамлакат хонавайрон ҳолича ётар эди. Исломни қабул қилган ҳукмдор мусулмон аъёнларининг қувватловига эришди. 1298 йили вазири аъзам этиб тайинланган Рашидиддин ислоҳотидан сўнг мамлакат иқтисоди биров соғломлашди.

Ғозон даврида пул ислоҳоти ўтказилди. Турли вилоятларда зарб қилинадиган тангалар ўрнига ягона давлат кумуш тангаси жорий этилди. Пул бирлиги сифатида дирҳам олинди. Элхонийлар дирҳами 2,15 грамм кумушдан ясалган. 1 кумуш динор (12,9 гр) 6 дирҳамни ташкил этарди. 10000 динор ҳисоб бирлиги бўлган туманни ташкил қиларди. Бу ягона пул тизими қулайлиги сабаб, тез орада Чиғатоийлар давлатида ҳам амалиётга киритилди. Шунингдек, оғирлик ва ҳажм ўлчовларининг ягона тизими ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилди.

**Элхонийларнинг Сурияда олиб борган ҳарбий ҳаракатлари (1299 – 1303).** Ғозоннинг исломни қабул қилиши элхонийларнинг Миср мамлукларига қарши сиёсати таъсир қилмади. 1299 – 1303 йиллар орасида у Сурияга уч марта юриш уюштирди.

1299 йил сўнгида Ғозон қўшини Ҳалабни эгаллади, сўнг арман шоҳи Хетум II бўлинмалари билан бирлашиб Хумс яқинидаги Водил-Хазнадар жангида (1299 йил 22 декабрь) султон Муҳаммад ибн Қуловун қўшинини мағлуб этди. Ғозон Дамашққа борганда, шаҳар аҳолиси дарвозаларни очиб берди (1300 йил бошлари). Элхон Дамашқда амир Қутлуғшоҳ ва амир Чўпон бошлиқ қўшиннинг бир қисмини қолдириб, ўзи Эронга қайтди. Апрельда мамлуклар Қутлуғшоҳ ва Чўпон қўшинига зарба бериб Дамашқни қайтариб олишди.

Ғозон Сурияга иккинчи юришини 1300 йил сентябрда бошлади, лекин тайинли бирор нарсага эришмай кейинги йил баҳорда қайтиб кетди.

1303 йил бошида Ғозон яна Сурияга юриш қилди. Бироқ Қутлуғшоҳ қўшини 20 апрель куни Дамашқ яқинида Марж ас-Суффор жангида енгилди.

1303 йили ўзини тариқат пири деб эълон қилган Яъқуб бошлиқ бир фирқа пайдо бўлди, Рашидиддин уларни маздакийлар деб атаган. Фирқа аъзолари исён кўтариб шаҳзода Алафрангни ҳокимиятга келтириб, кейин уни йўқ қилишни мўлжаллашганди. Лекин режа ошкор бўлгач, тўда раҳбарлари қўлга олиниб қатл этилди. Яъқубни эса тоғ чўққисидан улоқтиришди.

**Ўлжайту, мусулмонча исми Ғиёсу-д-дунё ва-д-дин Муҳаммад Худобанда Ўлжайту султон (1278 йил март, 1281 ёки 1282 йил 24 март – 1316 йил 17 декабрь) – Эроннинг саккизинчи элхони (1304–1316), Арғуннинг учинчи ўғли.**

Ўлжайту Ғозон ишини давом эттирди. Ғозон даврида бўлгани каби, Ўлжайту даврида ҳам вазир Рашидиддин давлат ишларига катта таъсир ўтказди. У ўзини ҳокимиятдан четлатмоқчи бўлган бошқа вазир Саъдиддин Савожига қарши тура олди. Оқибатда Саъдиддиннинг ўзи ва унинг тарфдорлари 1312 йил 19 февраль куни Бағдод яқинида қатл этилди. Савдогар – ўртоғи Тожиддин Алишоҳ Ғилоний иккинчи вазир бўлди. 1314 йили икки вазир ўртасидаги низодан сўнг Ўлжайту уларнинг фаолиятини чеклаб қўйди. Рашидиддин Эроннинг маркази ва жанубидан Хуросонгача, Тожиддин эса Эроннинг шимоли-ғарбидан Ироқ ва Кичик Осиёгача жавобгар бўлди.

1305 йили Ўлжайту Арғун даврида бошланган Эроннинг шимоли-ғарбида (ҳозирги Занжон) Султония шаҳри қурилишини давом эттирди. Тез орада шаҳар хулакуийларнинг ёзги қароргоҳи бўлиб қолди, Бағдод эса қишки қароргоҳга айланди. Элхон аъёнлари янги пой-

тахт қуришда бир-биридан ўтишга ҳаракат қилишган. Масалан, Рашидиддин ўз маблағига мингга яқин уйдан иборат квартал қурдирди. Шаҳар қурилиши 1313 йили тугалланди, шаҳарни ўраб турган девор узунлиги 30000 қадамни ташкил қиларди.

Ўлжайту 1289 йили онаси Уруқ хотун томонидан чўқинтирилган ва Арғун дипломатик алоқалар ўрнатган папа Николай IV шарафига Николай исмини олганди. Ўлжайту тахтга чиқишидан олдин Харбандда (катта кул) лақаби билан машҳур эди. 1295 йили исломни қабул қилгач исмини Худобандага ўзгартирди. Аввал исломнинг суннийлик йўналишини танлаган бўлса, кейинчалик шиаликка ўтди. Элхоннинг шиаликни давлат динига айлантиришга уриниши мансабдорларнинг қаттиқ қаршилигига учради. Ўлжайту мусулмон бўлмаганлардан жизя олишни қайтадан йўлга қўйди.

Ўлжайту Европа ҳукмдорлари билан мамлукларга қарши курашда ҳамкорлик қилиш ниятида дипломатик алоқалар ўрнатишга интилди. Франция қироли Филиппга, Англия қироли Эдуардга ва папа Климент V га мактуб йўллаб Бускарелло де Гизольфи бошлиқ элчилар гуруҳини юборди. Бироқ музокаралар, Абаға, Арғун ва Ғозон даврида бўлгани каби, амалий натижа келтирмади.

1312 йил августда Дамашқ амири Қора Сунқур ва Триполи ҳукмдори Оққуш Афрам Ўлжайту томонига ўтди. Элхон мамлукларнинг октябрда Суриядаги мулкларига юриш бошлади. 23 декабрда Раҳба шаҳрига келишди, гарнизон мўғулларга қаттиқ қаршилик кўрсатди ва Ўлжайту 1313 йил 26 январь куни қамални бекор қилди. Хулакуийлар Сурияга юриш режасини кейинга суришга мажбур бўлишди.

1307 йили маҳаллий феодаллар томонидан бошқарилаётган Ғилон Хулакуийлар давлати ҳукми остига тушди. 1313 йили элхонийлар Жанубий Афғонистондаги Никудари ҳудудини эгаллашди. Бу чиғатой хони Кепек, унинг акаси Эсен Буғо ва Нукидари ҳукмдори Довуд ва чиғатойзода Ясовур бошлиқ қўшиннинг элхонийларга қарши юришига туртки берди. 1314 йил январда Амударёдан ўтиб Мурғоб дарёси бўйида хулакуийлар қўшинига қақшатқич зарба беришди ва уларни Ҳиротгача қувиб боришди. Ўлжайту мағлубиятдан хабар топгач Султониядан 18 февраль куни йўлга чиқди, чиғатойлар буни эшитиб ўз улусларига қайтиб кетди. Бу вақтда Ясовур Кепек томонидан сотқинликда айбланди, Ўлжайту қўшини Ясовурга ёрдам бериш учун Амударёдан кечиб ўтди. Ясовур элхон қўшини билан Хуросонга қайтди ва Ўлжайту унга Бадгис яйловини берди.

**Абу Саид Баҳодир (1305 йил 2 июнь – 1335 йил 30 ноябрь) –** Хулакуийлар давлатининг тўққизинчи элхони (1317 – 1335), отаси Ўлжайту вафот этгач, тахтга ўтирди. Хукмронлигининг биринчи ўн йиллигида (1327 йилгача) мамлакатни мўғулларнинг сулдуз қабиласидан бўлган амир Чўпон бошқарган. Ўлжайтунинг шиа-ларга хайрихоҳлигига қарши Абу Саид анъанавий исломни ҳимоя қиларди. Унинг даврида зарб этилган тангаларда яна рошидин халифалар номи пайдо бўлди.

Абу Саид акаси Сулаймоншоҳ вафотидан сўнг отасининг во-риси бўлиб қолди. 1214 йил апрель – майда у Севинч ибн Шиш оталиқлигида Хуросон ва Мозандарон волийси бўлган. Ўлжайтунинг вафоти (1316 йил 16 декабрь)дан сўнг Севинч Абу Саидни пойтахт Султонияга олиб келди. Бироз вақт ўтиб у тахтга ўтирди (1317 йил апрель – май (Муставфий маълумоти), 16 август (Шабанқарои хаба-ри) ёки 5 июль (Маҳмуд Амолли дараги). Севинч улус амири Чўпонни ҳокимиятдан четлатишга ҳаракат қилди. Лекин 1318 йил январда Севинч вафот этгач, амир Чўпон ўн тўққиз яшар элхон саройида энг қудратли шахсга айланди.

Чигатойзода Ясовур дастлаб Абу Саидга итоаткорлигини маъ-лум қилган бўлса-да, орадан кўп ўтмай элхонга қарши ошкора исён кўтариб Мозандаронга юриш қилди. Ҳирот ҳукмдори Ғиёсиддин Курт-нинг Ясовурга қаршилиқ қилиши исёнчиларни Хуросон ҳудудидан чиқармади. 1319 йил баҳорида амир Ҳусайн (биринчи жалойирий) Шайх Ҳасан Бузургнинг отаси) бошлиқ элхон кўшинининг келиши исёнга барҳам берди. Кейинги йил Ясовур ўзининг чигатойзода қариндошлари томонидан ўлдирилди.

Абу Саид хукмронлигининг дастлабки йилларидаги энг муҳим воқеа 1298 йилдан бери бош вазир Рашидиддиннинг лавозими-дан олиб ташланиши бўлди. Кекса вазир хизматдоши фитнаси қурбони бўлди. У амир Чўпон аралашуви билан лавозимидан олиб ташланди ва ҳукмдорни заҳарлашга уринишда айланиб 1318 йил 18 июль куни қатл этилди. Амалдорларнинг аҳолини талон-торож қилиши ва 1318 – 1320 йиллардаги қурғоқчилик, чигиртка босиши ва ёғингарчиликлар очарчиликка, ўтроқ деҳқонларнинг хонавайрон бўлишига олиб келди.

1319 йил бошида Олтин Ўрда хони Ўзбекнинг Дарбандга юриши амирлар исёнига сабаб бўлди. Ўрдалиқлар қайтиб кетгач, Чўпон амирларидан норози бўлиб улардан бири амир Курумшини дар-ралашни буюрди. Бунга жавобан у Грузияда исён кўтариб бир неча



улус амирларини ўлдирди. Чўпон Диёрбакр ҳукмдори лавозимидан олиб ташлаган кeroит Иринчи томонидан қўллаб-қувватланган Курумиши Султонияга қараб ҳаракат қилди. 20 июнь куни исёнчилар Миёна яқинидаги Занжонруд дарёси бўйидаги жангда элхон Абу Саид бошлиқ қўшиндан енгилишди. Элхон жангда жасорат кўрсатгани учун «баҳодир» ва султон ул-одил унвонларини олди. Курумиши ва Иринчи тарафдорлари билан биргалиқда асирга олиниб Султонияда қийнаб қатл этилди.

Мисрлик солномачи Муфаззалга кўра, Абу Саид амир Чўпонга мутелиқдан қутулиш ниятида аввал Курумишини қўллашни режалаштирган. Исён бостирилгач, Чўпон Абу Саиднинг синглисини хотинликка олди ва тез орада давлат амирнинг қариндош-уруғлари ўртасида тақсимланди. Чўпоннинг ўғиллари вилоятларда ноиб бўлиб олишди: Темуртош Анатолияда, Маҳмуд Грузияда, Ҳасан (1332 йил Амир Ҳусайн вафотидан сўнг) Хуросонда, Ҳасаннинг ўғли Толиш Кирмон ва Форсда. Димишқхожа Озарбайжон, Ироқи Ажам ва Ироқи Арабда ноиблик қилиб, яна вазирлик лавозимида ҳам фаолият кўрсатарди.

1322 йили Темуртош танга зарб эттириб, номини хутбада ўқитирди. У ўзини Маҳдий деб эълон қилди ва Миср мамлукларини Эронни биргалиқда босиб олишга тарғиб этди. Чўпоннинг ўзи ўғлига қарши чиқиб, элхоннинг кечирини учун уни саройга олиб келди.

**Мустақил бошқарув.** Абу Саид 20 ёшдан ўтгач Чўпон ва унинг ўғиллари қарамоғидан чиқиш учун ҳаракат бошлади. Димишқхожа Табризда фисқу фужур билан шуғулланиб аҳолига зулм ўтказарди, элхонни эса менсимай очикдан-очик устидан куларди. Унга: «Абу Саид дастурхонида егулик қолмабди», – деб хабар етказишганда, Димишқхожа: «Унга ҳар куни иккитадан товуқ етади», – деб жавоб қайтарди. Димишқхожанинг элхон ҳарамига бориб туриши ҳақидаги хабар Абу Саиднинг сабр косасини тўлдирди. 1327 йил 27 август куни Султонияда Димишқхожани қатл этишга ва унинг оиласини йўқ қилишга буйруқ берди.

Хуросонда турган Чўпон ғарбга силжий бошлади. У қўшини билан элхон қароргоҳигача бир кунлик йўлда бўлган Рай шахрининг жануби-шарқида тўхтади. Кечаси Чўпоннинг кўпчилик амирлари ва 30 минг кишилиқ қўшини элхон томонга қочиб ўтди, Чўпоннинг қочишдан бошқа чораси қолмади. Савада хотини (Абу Саиднинг синглиси) ни элхонга қайтариб, ўзи эса қадрдони Ғиёсиддин Курт бошқарувидаги Ҳиротдан бошпана топди. Лекин Ғиёсиддин элхондан Чўпон-

ни ўлдиришга буйруқ олгач уни қатл эттириб, ўлимини тасдиқлатиш учун бармоғини кестириб юборди. Темуртош отасининг қатл этилганини билгач Қайсариядан мамлуклар ҳукми остидаги Қарамонга қочиб ўтди. Темуртош дастлаб Қоҳирада яхши қаршиланди, лекин кейинроқ ҳибсга олиниб, 1328 йил 22 август куни қатл этилди.

Димишқхожа ўлганидан сўнг вазирлик лавозими Рашидиддиннинг ўғли Фиёсиддинга топширилди. Улус амири лавозими Чўпоннинг қизи Бағдод хотун эвазига Шайх Ҳасан (бўлажак жалойирийлар сулоласи асосчиси)га топширилди. Бағдод хотун эри билан ажраштирилгач, Абу Саид уни никоҳига олди. Орадан уч йил ўтгач Шайх Ҳасан ва унинг собиқ хотини элхонга суиқасд қилишга уринишда айбланиб ҳибсга олинди. Шайх Ҳасан Фуротдаги Қамаҳ қалъасига қамаб қўйилди, бироқ 1333 йили озод этилиб, Анатолия ноиблигига тайинланди. Чўпон қулагач, энг катта сўнгги қўзғолон Хуросон ноиби Норин Тоғай чиқиши бўлди. У ва ҳамкори Тош Темур 1329 йил сентябрда қатл этилди.

**Ташқи алоқалар.** Абу Саиднинг чет давлатлар билан алоқалари ўтмишдошларидан тубдан фарқ қилади. Ўлжайту даврида кескин бўлган Деҳли султонлиги билан алоқалар Абу Саид даврида дўстона муносабатларга айланди. Абу Саид 1328 йилдан бошлаб ҳукмронлигининг охиригича султон Муҳаммад Тўғрул билан совғалар алмашиб турди. Бироқ Муҳаммад Тўғлуқнинг элхон билан умумий душман – чиғатоийларга қарши иттифоқ тузишга уриниши самара бермади. Чиғатоийларнинг исёнчи Ясовурга (1320) ёрдам бериб туриши уларнинг 1322 ва 1328 йиллари Хуросонга босқини билан алмашди. 1326 йили Чўпоннинг ўғли Ҳасан бошлиқ хулакуийлар қўшни чиғатойзода Тармаширинни Ғазна минтақасидан қувиб чиқарди. Лекин орадан кўп ўтмай шаҳар Тармаширин одамлари томонидан эгалланди.

Мамлуклар билан яқинлашиш катта аҳамиятга эга эди. Мамлукларнинг хулакуийлар вассали Киликия Арманистонига (1320) юриши вақтида элхон олтмиш йиллик урушга нуқта қўйиш мақсадида 1323 йили Ҳалабда султон Носир Муҳаммад билан тинчлик сулҳи имзолади. Миср султон сулҳ шартларига риоя қилиб Олтин Ўрда хони Ўзбекнинг Эронга қарши биргалиқда юриш қилишга чақириғига рад жавобини берди, элхоннинг душмани Темуртошни қатл эттирди.

Хулакуийларнинг Олтин Ўрда билан душманлиги давом этарди. 1319 йили Абу Саид ва Чўпондан мағлубияти Ўзбек элхонни безовта қила бошлади. 1320 йили Абу Саид Грузиядан Ўзбекнинг ука-

си Ғозонни чиқариб юбориш учун қўшин жўнатишга мажбур бўлди. 1325 йили Олтин Ўрда қўшинининг ҳужумига жавобан амир Чўпон Дарбандга юриш қилиб Терек дарёсигача бўлган ҳудудларни талон-торож этди. Абу Саид ҳукмронлигининг сўнгида Ўзбек Кавказга юриш уюштирди ва элхон охирги кунларини юришда ўтказди.

1320 йили Венеция билан тузилган савдо битимига мувофиқ форс шаҳарларида европаликларга ўз ибодатхоналарини қуриш ка-фолатланди.

Абу Саид 1335 йил 3 ноябрь куни Олтин Ўрда хони Ўзбекка қарши юриш пайтида Қорабоғда вафот этди. Уни Бағдод хотун заҳарлагани айтилади. Абу Саид вафотидан сўнг, ўзидан кейин ворис қолдирма-гани учун, Хулакуийлар давлати емирила бошлади. Ундан кейинги элхонийлар янги жалойирий ва чўпонийлар сулоалари томонидан ўрнатилди.

**Хулакуийлар империясининг қулаши (1335 – 1353).** Ғозон олиб борган ички сиёсат ва ислохотлар сабабли Хулакуийлар давлатининг қулаши бироз орқага сурилди. Лекин орадан кўп ўтмай урф-одатла-ри турлича бўлган қабила, миллат ва элатларни бирлаштирган Ху-лакуийлар давлатининг куни битди.

**Ғарбий Эрон.** Ўзидан сўнг ўғил қолдирмаган элхон Абу Саид вафотидан сўнг маҳаллий эроний зодагон табақаларга мансуб Рашидиддиннинг ўғли вазир Ғиёсиддин Муҳаммад Рашидий та-рафдорлари Хулакунинг укаси Ариқ Буғо авлоди бўлмиш Арпани элхон деб эълон қилишди. Мўғулларнинг ойрат қабиласи амири Алиподшоҳ бошлиқ бошқа амирлар эса Мусо (олтинчи элхон Бай-дунинг невараси)ни элхон қилиб кўтаришди. 1336 йил 29 апрель кунги Мароға жангида Ғиёсиддин Муҳаммад Рашидий тарафдор-лари тор-мор келтирилиб, унинг ўзи хон Арпа билан бирга қатл этилди. Лекин 1336 йил Олатоуда ва 1337 йил июнда Мароғада Мусо тарафдорлари мўғулларнинг жалойир қабиласи раҳбари Катта Ҳасан бошлиқ кўчманчи амирлар қўшинидан мағлубиятга учрашди. Жалойирийлар ички урушларга қўшилган мўғулларнинг сулдуз қабиласидан бўлган амир Чўпон невараси амир Кичик Ҳа-сан етакчилигидаги чўпонийлар бошлиқ учинчи томон билан кура-шишга мажбур бўлишди. Чўпонийлар ҳам қўғирчоқ элхонни тахтга чиқаришга ошиқишарди.

1338 йилги Нахичеван жангида ва 1340 йилги Мароға жангида чўпонийлар жалойирийлар қўшинини тор-мор этди. Шундан сўнг чўпонийлар сулоласи Озарбайжон, Арманистон ва Шимоли-Ғарбий

Эрон (Қазвин ва Султония шаҳарлари билан)да ҳукмронлик ўрнатишди. Жалойирийлар сулоласи эса Ироқи Арабда ҳокимиятни қўлга олди. Орадан кўп ўтмай ҳар икки сулола раҳбарлари қўғирчоқ элхонийларни ўрнатишни тўхтатиб (Катта Ҳасан Жалойирий 1340 йилдан, Кичик Ҳасан Чўпоний 1344 йилдан), мустақил ҳукмдорлар каби ҳукм юрита бошлашди.

**Хуросон.** Шимолий ва Ғарбий Хуросонда мўғулларнинг ойрат қабиласидан бўлмиш амир Наврўзнинг невараси амир Арғуншоҳ бошлиқ мўғул ва турк зодагонлари ҳокимиятни эгаллади. Жоний-қурбонийларга мансуб амир Арғуншоҳ тарафдорлари Сарахс, Обивард, Нисо, Тус, Машҳад, Нишопур ва бошқа шаҳарларни назорат қилишарди. Хуросон амирлари Чингизхоннинг эмас, балки унинг укаси Отчигин авлоди бўлган Тоғай Темурни элхон деб эълон қилишди. Тоғай Темур ҳукмронлиги Шимолий ва Ғарбий Хуросонда номига тан олинса, Журжонда у мутлақ ҳокимиятга эга эди. Ўрдаси қишда Журжон соҳилларида, ёзда Радкон яйловларида истиқомат қиларди. Тоғай Темур Журжонни 1353 йилгача бошқарди. У Абу Саид Баҳодирдан кейин кичик ҳудудда бўлса-да реал ҳокимиятга эга ягона воҳис эди.

Шарқий Хуросонда хулакуийлар давридаёқ вассал амирлик маркази Ҳирот бўлган маҳаллий куртлар сулоласи (1245 – 1389) ҳукмронлик қиларди. Хулакуийлар даврида куртлар Ҳиротда мўғул ноиби (шиҳна ёки босқоқ) назоратида ўзларига қарашли ҳудудни бошқаришарди (охирги марта 1314 йили эсланади). Шунга қарамай, Ҳирот маликлари ҳар доим хулакуийларга бўйсунмаган ва элхонийлар уларга қарши жазо қўшинларини юбориб туришган. Ҳирот мўғуллар томонидан қамал қилиниб, уч марта (1270, 1306, 1312) эгалланган ва таланган. Абу Саид вафотидан сўнг куртлар амалда мустақилликни қўлга киритишди. Гарчистон (Мурғоб дарёсининг юқори қисми) ва Ғур (Ҳири Руд дарёси юқори қисми), Сейистон, Зобулистон ва Сулаймон тоғларигача бўлган бутун Афғонистон уларнинг ҳукмронлиги остида эди. Лекин Ҳирот водийси ва Ғур тоғли минтақасигина куртларнинг бевосита назорати остида бўлган. Куртларнинг кучли вассаллари Гарчистон, Исфизор, Хафс, Фараҳ, Сейистон ва бошқа маликлар эди. Бироқ вассал маликларнинг ҳам ўз вассаллари бор эди – заимлар ва аъёнлар.

Ғарбий Хуросонда эса Сарбадорлар давлати вужудга келди.

**Жанубий Эрон.** Хулакуийлар давлати қулагач, Жанубий Эронда хулакуийларнинг бир қанча вассаллари амалда мустақилликка

эришишди: ҳазораспийлар сулоласидан бўлган Луристонда отабеклар, Хузистоннинг бир қисмини эгаллаган Кичик Лур отабеклари, элхонийларнинг Форс ва Исфаҳондаги ноиби Маҳмудшоҳ Инжу ўғиллари бўлган Форс ҳукмдорлари инжуийлар (1336 – 1357), Хурмуз ҳукмдорлари Шибонқора отабеклари – фазлуийлар.

Кўҳна Хурмуз Форс кўрфазининг Ҳинд океанига яқин ерида жойлашганди. XIII асрдаёқ минтақа Эроннинг Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлар билан олиб борадиган савдо ишларида воситачилик қиларди. Афғонистонга кўчиб келган ва элхонийлар ҳукмронлигини тан олмаган мўғулларнинг Никудерия ўрдаси Хурмузга давомий босқин уюштириб туриши мамлакат ҳукмдорларини пойтахтни сувсиз саҳро ерларидан иборат Жароунга кўчиришга мажбур қилди (Эски Хурмуздан 20 км узоқликда). Лекин марварид ва маржон овлаб ҳамда Хитой ва Ҳиндистон савдосидан катта даромад кўраётган Хурмуз қисқа муддатда ёлланма кўшин ва 300 кемадан иборат флотга эга бўлди. Келиб чиқиши араблардан бўлган Хурмуз ҳукмдорлари Форс кўрфазидagi Қайс, Кишм, Баҳрайн ва бошқа оролларни, шунингдек, Кирмон ва Форснинг соҳилбўйи манзилгоҳларини, Арабистон яриморолга қарашли Калхат билан Уммон соҳилларини бўйсундиришди.

XIV аср биринчи ярмида Эрон жанубида музаффарийлар сулоласи (1314 – 1393) ҳукмронлиги ўрнатилди.

**Музаффарийлар (1314 – 1393)** – аввал элхонийларга тобе, сўнг Язд шаҳрида барпо бўлган, кейинчалик Форс, Кирмон ва Исфаҳон вилоятларини бошқарган сулола. Пойтахти – Шероз шаҳри (ҳозирги Шероз, Эрон). Музаффарийлар давлати 1387 – 1393 йилларда Амир Темури томонидан тугатилган.

### Музаффарийлар сулоласи ҳукмдорлари (1314 – 1393)

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Муборизиддин ибн Музаффар – Майбуд,	1314 – 1358
	Язд ноиби	1319 – 1336
2.	Шоҳ Маҳмуд ибн Муҳаммад (1337 – 1375) – Форс ва Кирмон султони,	1358 – 1364
	Исфаҳон султони	1356 – 1375

3.	Шоҳ Шужоъ ибн Муҳаммад (1333 – 1384), Форс ва Кирмон султони,	1364 – 1384
	Исфаҳон султони	1375 – 1384
4.	Зайнулобидин Али ибн Шоҳ Шужоъ (1358 – 1387), Форс ва Кирмон султони	1384 – 1387
5.	Шоҳ Мансур ибн Шоҳ Маҳмуд, Форс ва Кирмон султони	1387 – 1393
6.	Шайх Яҳё ибн Муҳаммад (1343 – 1393), Язд султони	1387 – 1393
7.	Султон Аҳмад ибн Муҳаммад (1345 – 1393), Кирмон султони	1387 – 1393

Музаффарийлар араб фотиҳлари авлодлари бўлиб, тўла эронийлашишганди. Улар дастлаб Хуросонда ўрнашишган, лекин мўғуллар босқинидан сўнг Яздга кўчиб, маҳаллий отабеклар хизматига ўтишган. XIII аср охирида Язд яқинидаги Майбуд шаҳрида мўғулларнинг содиқ вассали сифатида фаолият олиб боришарди. Музаффарийлардан биринчи бўлиб Муборизиддин Муҳаммад (1313 – 1359) ҳаракат бошлади. У 1319 йили ёш бўлишига қарамай Майбудда отасига ворис бўлди ва Ўлжайтудан Язд ноиблигини олди, кейинчалик мўғул маликасига уйланди. Ноибликка эришганидан сўнг ҳам карвонларни талаш билан шуғулланди. Дарвишлар шайхи ардабиллик шиа Сайфиддин (ваф. 1344) бир ривоят келтиради. Сарев (Жанубий Озарбайжон)дан бўлган савдогарлар Ҳиндистондан қайтишарди, улар Кирмон яқинида Муборизиддин навкарлари томонидан тўхтатилди ва навкарлар улардан тўлов талаб қилишди. Карвон оқсоқоллари шакар ва жун матоларни олиб музокаралар олиб бориш ниятида Муборизиддин ҳузурига боришди. Шунингдек, карвоннинг озод қилиниши учун 5000 динор (олтин) беришни ҳам таъкидлашди. Бироқ Муборизиддин савдогарларнинг Сайфиддин муридлари эканлигини билгач тўловсиз қўйиб юборди ва навкарлари бундан кейин уларга тегмасликлари учун ёрлик ёзиб берди.

Мирхонднинг гувоҳлик беришича, Муборизиддин золим ва мустабид бўлган. У ҳукмронлиги пайтида камида саккиз юз кишини ўз қўли билан қатл этган.

1340 йили Муборизиддин Кирмон шаҳрини эгаллади, амир Абу Исҳоқ Инжудан Шерозни тортиб олди. 1354 йили Шероз зодагонлари инжуийларни ҳокимиятга келтириш учун исён кўтаришди. Исён бостирилди ва Муборизиддин бутун Форс вилоятини эгаллади, ке-

йин 1356 йили Луристон ҳукмдорларини бўйсундирди. Ниҳоят, 1357 йили Исфаҳонни босиб олди. Абу Исҳоқ Инжу асир олиниб қатл этилди. 1364 йили Мосул, 1368 йили Ширвон эгалланди. Инжуийлар давлати йўқ қилинди ва бутун Жанубий Эрон бошқа эроний давлатлар каби бир қанча майда феодал давлатларни бирлаштирган музаффарийлар қўлига ўтди.

**Чўпонийлар (1337 – 1357)** – мўғулларнинг туркийлашган сулдуз қабиласига мансуб сулола. Сулдузлардан ташқари Эронга мўғулларнинг жалойир, чигатой, жорат, ойрат, татар, дўлан, тангут, онгут ва бошқа қабилалари кўчиб келиб ўрнашганди. Чўпонийлар элхон Абу Саид вафотидан сўнг вужудга келган вазиятдан фойдаланиб мустақил ҳукмронлик қилишга эришишди. Лекин мустабид чўпонийлар ҳукмронлиги узоққа бормади. 1356–1357 йилларда Олтин Ўрда хони Жонибек Табризни эгаллаб сулола ҳукмронлигига барҳам берди.

**Хулаку улуси бекларбеги Чўпон нўён (1307 – 1327) авлоди бўлган султонлар**

1. Кичик Ҳасан (Темуртошнинг ўғли, Хулаку улуси бекларбеги ва Озарбайжон ноиби – 1327 – 1343).

2. Малик Ашраф (Темуртошнинг ўғли, Хулаку улуси бекларбеги ва Озарбайжон ноиби – 1343 – 1353, Озарбайжон султони – 1353 – 1357).

**Жалойирийлар давлати.** Ироқда мустаҳкам ўрнашиб олган амир Ҳасан Бузург 1340 йилдан ўзини султон деб атай бошлади ва жалойирийлар сулоласига асос солди (1340 – 1410).

**Жалойирийлар (1340 – 1410)** – мўғулларнинг жалойир қабиласидан бўлган Олд Осиёдаги султонлар сулоласи. Пойтахти – Табриз ва Бағдод. Жалойирийлар давлатини Амир Темур истило этган, бироқ унинг вафотидан сўнг жалойирийлар яна бироз муддат ҳукмронлик қилишди. Жалойирийлар давлатини қора қўюнлилар буткул тугатди.

### Жалойирийлар сулоласи султонлари (1340 – 1410)

т/р	султонлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Ҳасан Бузург ибн Ҳусайн	1340 – 1356
2.	Увайс ибн Ҳасан Бузург	1356 – 1375
3.	Ҳусайн ибн Ҳасан Бузург	1375 – 1382

4.	Боязид ибн Ҳасан Бузург	1382 – 1383
5.	Аҳмад ибн Ҳасан Бузург	1382 – 1386
	Аҳмад (темурийлардан мустақил ҳукмдор)	1408 – 1410

### Шоҳрухга тобе жалойирий амирлар (1410 – 1431)

т/р	тобе амирлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Валид ибн Али ибн Қосим ибн Ҳасан Бузург	1410 – 1411
2.	Маҳмуд ибн Валид	1411 – 1415
3.	Увайс ибн Валид	1415 – 1421
4.	Данду хотун бинт Ҳусайн	1416 – 1419
5.	Муҳаммад ибн Валид	1421 – 1422
	Маҳмуд ибн Валид	1422 – 1427
6.	Ҳусайн ибн Аълоуддавла ибн Аҳмад	1427 – 1431

Биринчи жалойирийлар Ҳасан Бузург ва унинг вориси Увайс (1356 – 1375) Ғозон сиёсатини давом эттиришга ҳаракат қилди. Уларга қарши душманлари чўпонийлар – Кичик Ҳасан ва Малик Ашраф ўз ҳудудида чекланмаган истибдод ўрнатди. Мўғул ва турк кўчманчи амирларига таянган чўпонийлар ўтроқ мулкдорларнинг ерларини тортиб ола бошлади. Маҳаллий феодаллар Олтин Ўрда хони Жонибекдан ёрдам сўрашди. У қўшини билан келиб Табризни эгаллади ва Чўпонийлар давлатига хотима ясади (1356). Ўрта асрнинг энг катта мустабидларидан бири Малик Ашраф бойликларини карвонга (тахминан 7000 туядан иборат, олиб қочиладиган юк оғирлиги 2000 тоннагача борарди) юклаб қоча бошлади. У қўлга олиниб, Жонибек буйруғи билан қатл этилди. Олтин Ўрдада бошланган тартибсизликлар сабаб Жонибек юртига қайтиб кетди. У кетгач, Ироқи Ажам ва Жанубий Озарбайжонни музаффарий ҳукмдор Муборизиддин Муҳаммад эгаллаб олди (1357). Лекин кўп ўтмай ўғли Шоҳ Шужоъ (1359 – 1384) тарафидан тахтдан ағдарилиб зиндонга солинди ва кўр қилинди. Кейин Табриз жалойирий султон Увайс томонидан қўлга киритилди.

Энди Жалойирийлар давлати таркибига Ҳамадон, Қазвин ва Султония шаҳарлари билан Ироқи Ажамнинг катта қисми, Курдистон, Жанубий Озарбайжон, Қорабоғ, Арманистон ва Ироқи Араб кирар-



ди. Давлат бошқарувида Ғозон давридаги тизим сақлаб қолинди. Султон қароргоҳи Табриз ва Бағдод бўлган.

Аҳмад Жалойир Увайснинг тўртинчи ўғли эди. Аҳмад катта акаси Ҳусайн (1374 – 1375) даврида Басра ноиб сифатида хизмат қилган. 1382 йили исён кўтариб пойтахт Табризни олди ва акасини қатлга топширди. 1384 йилгача бошқа акаларига қарши курашди ва улар томонидан давлат ҳукмдори деб тан олинди.

1385 йил охирида Табриз Тўхтамиш томонидан, 1386 йил Амир Темур томонидан эгалланди. Амир Темур кетганидан сўнг, 1387 йили, Қора Юсуф босиб олди. 1393 йили Бағдодни Амир Темур эгаллади. Аҳмад 1394 йил бошида Миср султони Барқуқ олдига қочиб борди. Барқуқ уни яхши қаршилади. Аҳмад султон Барқуқнинг ёрдами ва қисман Қора Юсуф кўмаги билан ўша йили Бағдодни қайтариб олди. Аҳмад 1401 йил июлгача, Амир Темурнинг Бағдодни иккинчи марта олишигача, бошқарди. Аҳмад Қора Юсуф билан бирга аввал Сурияга, сўнг Кичик Осиёга борди. Боязид ва Амир Темур ўртасидаги жангдан фойдаланишга уринди. Боязид мағлубиятидан сўнг ўзининг олдинги иттифоқчиси Қора Юсуфга ён бериб Суриядан бошпана топишга интилди. Лекин орадан кўп ўтмай темурийзода Абу Бакр уларни таъқиб қилди. Иккиси ҳибсга олиниб зиндонга ташланди ва фақат Амир Темур вафотидан сўнггина озодликка чиқишди.

Аҳмад қисқа вақт ичида ўз давлати ҳудудини қайтариб олишга улгурди, лекин Абу Бакр уни Озарбайжондан сиқиб чиқарди. Абу Бакр эса Қора Юсуф томонидан мағлуб этилди. 1408 йили Мироншоҳ кўшини қора кўюнлилардан ҳалокатли мағлубиятга учради, Ғарбий Эрон ва Озарбайжондаги темурийлар мулки бой берилди. Жалойирийлар қисқа муддатга ўз давлатларини тиклашди, бироқ 1410 йил 30 август куни қора кўюнлилар жалойирийларга қақшатқич зарба берди, Аҳмад Жалойир эртасига тутиб қатл этилди.

Қора кўюнлилар 1412 йили Бағдодни истило қилишди. Шундан сўнг жалойирийлар кўлида Шоҳрухга тобе Ироқнинг Васит ва Басра вилоятлари қолди. Бу ҳудудлар ҳам 1431 йили қора кўюнлилар томонидан босиб олинди.

**XIV асрда Эронда халқ ҳаракатлари. Сарбадорлар давлати (1337 – 1381).** XIV асрнинг 30 – 80-йилларида Эронда маҳаллий феодал давлатлар тузишга уринишлар бўлди. Ўзаро курашувчи феодаллар мавжуд аҳволдан норози ҳунарманд ва деҳқонларни ўзига оғдиришга ҳаракат қилди.

Эрондаги ҳаракатларнинг асосий хусусияти уларда нафақат деҳқонлар, балки ҳунармандлар ва шаҳар камбағаллари ҳам қатнашгани эди. Халқ ҳаракатининг биринчи босқичи мўғуллар ҳумронлигига барҳам бериш ва Чингизхоннинг ясо қонунларига қарши курашишдан иборат бўлди. Халқ ҳаракатининг иккинчи босқичи, умуман, феодализмга қарши курашишга қаратилди.

**XIV асрдаги халқ ҳаракатларининг мақсадлари.** Мўғуллар ҳумронлигининг сўнгги даврларида ислом давлат дини деб эълон қилинганди. Давлат суннийликни қаттиқ ҳимоя қиларди, лекин айрим гуруҳлар шиа ақидаларига таянишни энг тўғри йўл деб билишди. Шиалар ақидасида охирзамонда Маҳдий келиши ҳақида тасаввурлар етакчи ўринда туради (875 йили бедарак йўқолган ўн иккинчи имом Маҳдийни назарда тутишган, уларнинг фикрича, Маҳдий осмонга чиқиб кетган ва яқин орада қайтиши керак эди). Географ Ёқут Ҳамавий маълумоти бўйича, XIII асрда шиалар кўпчиликни ташкил қилувчи Кошон шаҳри оқсоқоллари ҳар куни тонгда шаҳар дарвозаларидан чиқиб имом Маҳдий учун жиҳозланган оқ отни олиб ҳар куни кутишарди.

Шунингдек, Эронда жуда кўп сўфийлик тариқатлари мавжуд эди. Уларнинг баъзилари шиалик ақидаларига мос келса, баъзилари қадимги эроний афсоналарга таянар, бошқаларининг эса умуман исломга алоқаси йўқ эди.

**Хуросонда сарбадорлар ҳаракатининг бошланиши.** Сарбадорлар ҳаракатининг раҳнамоси деб мозандаронлик шайх Халифа келтирилади. Шайх Халифа ёшлигида бир қанча тариқатларга эргашган бўлиб, улардан қониқмаган ва Симнонга келганди. У ерда Рукниддин Симноний ҳузурига борди. Симноний Халифадан қайси мазҳабга риоя қилишини сўради. У мазҳаблардан ҳам юқори нарсаларни қидириб юрганини билдирди. Симноний ғазабланиб унинг бошига сиёҳдонни отиб қувди. Кейин бироз вақт ўтгач Халифа ўзини тариқат пири деб эълон қилди. Манбаларда аниқ маълумот йўқ, у ўзини пир деб эълон қилганми ёки бошқалардан рухсат олганми, буниси номаълум. Ғарбий Хуросондаги Байҳақ минтақасига қарашли Сабзаворга келиб, жоме масжидига ўрнашиб ўз таълимотини тарқата бошлади. Сунний фақиҳлар уни бидъатчиликда айблади. Ҳақиқатан ҳам Халифа сўфий эмасди, фақат истибдодга қарши курашиш учун бундан бошқа йўл тополмади.

У Сабзаворни танлаб адашмаганди. Сабзавор аҳолисининг қуйи табақалари ва атрофдаги деҳқонлар ашаддий шиалар ва мавжуд

тузумга қарши эди. Бу ерда «Шоҳнома»да келтирилган қадимги эроний қаҳрамонлар меҳр билан эсланарди. Сабзавордаги майдонлардан бири Рустам ва Сухроб урушган жой деб эъзозланарди. Сабзавор эроний ватанпарварлигининг энг асосий ўчоғи бўлиб, мўғуллар юрт душманлари сифатида қараларди.

Сабзавор атрофидаги ёшу қари Халифанинг таълимотидан таъсирланиб ўзини унинг муридлари деб эътироф эта бошлади. Бундан ташвишга тушган сунний фақиҳлар Халифа ҳақда фатво ишлаб чиқишди. «Масжидда одамларни бидъатга чақираётган кишини қатл этиш мумкинми, йўқми?» деган саволга кўпчилик фақиҳлар «қатл жоиз» дейишди. Фатво тузилгач Абу Саидга жўнатилди. Маккор элхон жавобгарликдан қочиб қатл қилишга фармон бермади, аксинча, унинг устидан ҳукм чиқаришни Сабзавор зодагонларига қўйиб берди. Сабзавор аъёнлари ва сунний фақиҳлар Халифани тутишга уринишди, бироқ Халифа муридлари уларга қаттиқ қаршилиқ кўрсатди. Шундан кейин Халифани зимдан ўлдиришга келишиб олишди. Халифа муридлари тонгда масжидга келишганда уни масжид устунларидан бирига осилган ҳолда топишди (1335 йил 9 ноябрь). Бу, шубҳасиз, қотиллик эди, лекин шаҳар маъмурлари Халифа ўзини осгани ҳақида хабар тарқатишди.

Халифа муридлари орасида Ҳасан Жўрий алоҳида ажралиб турарди. У Жўр қишлоғига мансуб бўлиб, мадрасани муваффақиятли тамомлаган ва мударрис лавозимига эришганди. Лекин Халифага эргашиб лавозимидан ва сунний ақидасидан воз кечди. Халифанинг ҳалокатидан сўнг Жўрий Нишопурга бориб ўзини шайх деб эълон қилди. У ерда катта муваффақиятларга эришиб кўплаб тарафдорлар йиғди. Ўзига қўшилганларни ҳисобга олиб уларни қасамёд қилдиарди. Бу уюшма ўта махфий эди. Уюшманинг асосий мақсади мўғулларга ва уларни қўллаётган маҳаллий феодалларга қарши қаратилган. Бу таълимот шиаликка мансуб сўфийлик йўналиши ниқоби остида ҳаракат қиларди. Уч йил мобайнида Ҳасан Жўрий Нишопур, Машҳад, Обивард, Ҳирот, Балх ва Хуросоннинг бошқа шаҳарларида тарғибот олиб борди, шунингдек, Ўрта Осиё, Кирмон ва Ироқи Ажамда ҳам бўлди. У борган ерида таъқиблардан яширинарди. Ниҳоят, Хуросондаги мўғулларнинг ойрат қабиласидан бўлган амир Арғуншоҳ Жоний Қурбоний Жўрийни 60 – 70 кишилик муридлари билан Машҳаддан Кўхистонга кетаётган пайтда тутиб олди. Исёнчи шайх қалъа зиндонига қамаб қўйилди. Бу воқеа кўзғолон аланга олиб бўлганидан сўнг юз берди.

**Хуросонда сарбадорлар кўзғолони.** Исён стихияли тарзда бошланди. Баштин қишлоғига (Байҳақ вилояти) элхоний амалдор келиб икки ака-ука деҳқон ҳовлисига тушди, мўғул улардан аввал май, сўнг бирорта аёл келтиришни талаб қилди. Улар қишлоқда фоҳишалар йўқлигини айтишди. «У ҳолда, хотинингни келтир», – деди мўғул. Ғазабланган ака-укалар уни ўлдиришди. Хуросондаги элхонийлар вазири Аълоиддин Муҳаммад Ҳинду Баштин аҳолисига жиноятчиларни тутиб беришни буюрди. Бироқ баштинликлар очикдан-очик қарши чиқди. Исён бошида келиб чиқиши араб бўлган эронийлашган маҳаллий заминдор Абдурраззоқ турарди. У Ҳасан Жўрийнинг ўқувчиси эди. Баштиндаги ҳодисалардан хабардор бўлгач дарҳол деҳқонлар тарафига ўтди. Ўша кечаси кенгаш қилиш учун Баштинга келган Аълоиддин Ҳиндунинг жиянини (бошқа манбаларда маҳаллий ноибни) ўлдирди ва деҳқонларни кўзғолон кўтаришга чақирди.

Маҳаллий йигитлар қуролланиб, ўзларига Абдурраззоқни бошлиқ қилиб сайлашди. Лекин Хуросон вазири юборган минг кишилик жазо кўшинидан енгилб қочишди. Кўпчилик манбаларга кўра, Баштин исёни 1337 йил 16 мартда бўлди. Давлатшоҳ Самарқандийга кўра, исён кейинроқ вазир Ҳиндунинг кўзғолончилар томонидан қўлга олиниши ва қатл этилишидан сўнг бўлган. Умумий жараённи кузатиб кўзғолон элхон Абу Саид вафотидан сўнг, 1336 йил Баҳоридан бошланган деб тахмин қилиш мумкин.

Исёнчилар ўзларини сарбадорлар деб номлашган. «Сарбадор» форсча сўз бўлиб, «боши дорда» деган маънони англатади, исёнчилар эркакларга хос бўлмаган ҳолда – хор-зор бўлиб ўлгандан кўра минг марта дорга тортилишни афзал билишарди. Давлатшоҳ Самарқандий фикрича, сарбадорлар дор қуриб, унга саллаларини ва бошқа бош кийимларини илиб ўқ ва тош отишарди.

**Хуросонда сарбадорлар давлатининг ташкил топиши.** Сарбадорлар вазир Аълоиддин Ҳиндунинг кўшинини енгилгач тоғларга яшириниб партизанлик ҳаракати олиб боришди. 1337 йил августда Сабзаворни эгаллаб, уни кўзғолончилар марказига айлантиришди. Кейинроқ Исфаҳон ва бошқа шаҳарларни эгаллашди. Орадан кўп ўтмай – 1338 йил феврал (ёки июль)да Абдурраззоқ туғишган биродари Вожиҳиддин Масъуд томонидан ўлдирилди. Барча манбалар куйидаги воқеани нақл этади: Абдурраззоқ вазир Ҳиндунинг бева қизини зўрлаб никоҳига олмоқчи бўлди ва уни тутиб келтириш учун акасини жўнатди. Вожиҳиддин буйруқни бажаришга киришди, лекин аёлнинг кўз ёшларига раҳми келиб қўйиб юборди. Бундан хабар

топган Абдурраззоқ акасига «эркак эмас экансан» деди. У эса «бу қилмишинг сабаб сени мусулмон ва эркак деб аташ ножоиз» деди. Кейин ака-укалар қилич билан бир-бирига ташланди. Вожиҳиддин қилич зарбидан ўзини ҳимоя қилаётиб укасини қалъа кунгурасидан ташлаб юборди. Бу ривоят ҳақиқатдан анча узоқ. Абдурраззоқ ўзининг олийнасаб эканлигига қарамасдан деҳқонлар манфаатини ҳимоя қилиб умрининг охиригича деҳқонлар оммаси томонидан қувватланди. Вожиҳиддин эса сарбадорларга қўшилган ер эгалари манфаатини ҳимоя қиларди.

Вожиҳиддин 1338 йил султон унвонини олди. У маҳаллий феодаллар томонидан қўллаб-қувватланган амир Арғуншоҳ Жоний Қурбоний бошлиқ мўғул қўшинига қақшатқич зарба берди. Сарбадорлар Нишопур ва Жомни мўғуллар зулмидан озод қилишди. Кейин Вожиҳиддин қўшини Атрек дарёси бўйида Хуросон элхони Тоғай Темур қўшинини ҳалокатга учратди.

Вожиҳиддин мўғуллардан тортиб олинган ерларни ўзига қарашли кишиларга бериб янги ер эгалари табақасини шакллантирди. Деҳқонларни ўзига оғдириш учун улардан 12 минг кишилик қўшин тузиб, доимий «улуфа» билан таъминлади. Халқ орасида обрўсини кўтариш ниятида шайх Ҳасан Жўрийни озод қилишга ҳаракат бошлади. Масъуд қалъани олиб шайхни қутқарди, бошқа манбаларда шайхни муридлари озод қилгани айтилади. Шайхга машҳур шоир Ибн Ямин қўшилди.

Дастлаб Масъуд ва Ҳасан Жўрий биргаликда ҳаракат қилишди, бироқ кўп ўтмай улар орасида тушунмовчилик пайдо бўлди. Сарбадорлар икки йўналишга – давлатни сарбадорларнинг юқори табақаси бошқарувига топшириш тарафдорларига ҳамда тенглик асосида деҳқон ва ҳунармандлар бошқарувидаги давлат тузишни истаган Халифа ва Ҳасан Жўрий маслақдошларига бўлинди.

Масъуд Ҳиротга юриш қилиб Зав шаҳри яқинида малик Муизиддин Курт қўшини билан тўқнашди. Жанг асносида Ҳасан Жўрий ҳалок бўлди, кўплаб манбаларда Жўрий Вожиҳиддин Масъуд буйруғи билан сарбадорлардан бири томонидан ўлдирилган дея таъкидланади. Шайхнинг ўлими сарбадорлар ўртасида парокандалик келтириб чиқарди ва улар мағлуб бўлиб тартибсиз қоча бошлади. Шундан сўнг Масъуд Мозандаронга юриш бошлаб вилоятнинг катта қисмини қўлга киритди, лекин ўрмон билан ўралган тоғ дараларида маҳаллий феодаллар пистирмасига дуч келди. Масъуд ва қўшинининг катта қисми ҳалок бўлди (1344). Лекин бу мағлубиятлар ғарбда Дамғондан

шарқда Жомгача (тахминан 550 км) ва шимолда Хабушондан жанубда Туршизгача (200 км дан ошиқ) ҳудудни назоратига олган Сарбадорлар давлатини заифлаштиролмади. Давлат пойтахти Сабзавор бўлиб қолди. Ҳофиз Абрунинг маълумотига кўра, 45 йиллик сарбадорлар ҳукмронлиги даврида Сабзавор гавжум шаҳарга айланиб, савдо-сотиқ юксак ривожланган.

**Сарбадорлар давлатидаги ички курашлар.** Вожиҳиддин Масъуд ҳалокатидан сўнг Сарбадорлар давлатида яна ўн нафар ҳукмрон келиб-кетди. Бу ҳукмдорлар Вожиҳиддиннинг вояга етмаган ўғли Лутфуллоҳ номидан давлатни бошқарарди. Улардан энг кучлиси Шамсиддин Али (1347 – 1353) эди. У Жўрийнинг ашаддий тарафдори бўлиб, халқ орасида катта ҳурматга сазовор эди. Ҳукмронлик пайтида номдор кишилардан кўпини қатл эттирди. Лекин ўзи ҳам фитна туфайли ўлдирилди. Ўрнини Яҳё Керабий (1353 – 1358) эгаллади. У халқ ишончини қозониш учун оддий кийимда юрарди, дағал жундан тўқилган тўнани эгнидан ечмасди. Навкарларини ҳам худди шундай кийинишга мажбур этарди. Яҳё даврида давлатдан маош оладиганлар сони 22 мингга етди. Деҳқонлар ҳосилнинг бир қисмини бериб бирор динор тўлашмасди. Бундай тизим кейинги ҳукмдорлар даврида ҳам сақланиб қолди.

Яҳё Керабий пайтида давлат ҳудуди кенгайди. Сарбадорлар Жоний Қурбоний амирларидан Тус ва Машҳадни тортиб олишди. Бу вилоятлар аҳолиси Жоний Қурбоний томонидан қаттиқ зулмга учраганиди.

Журжонда турган элхон Тоғай Темур Яҳё Керобийнинг бўйсунини талаб қилиб тинчлик сулҳи тузиш учун ўрдасига таклиф этди. Яҳё Керобий у ерга 300 (бошқа манбаларда минг) нафар навқари билан борди. Зиёфат уч кун давом этди. Тоғай Темур сарбадорларни маст қилиб уларни қиришни режалаштирганди, лекин учинчи кун сўнгида Яҳё Керобий ўз навкарларига ҳушёр туришни буюрди. Зиёфат қатнашчиларига май тортиш бошланди, Яҳё кўлини бошига кўйди. Бу шартли белгидан сўнг сарбадорлардан бири этиги кўнжидан пичоқ чиқариб элхонни ўлдирди, бошқа сарбадорлар қилич яланғочлаб мўғулларга ташланишди. Мўғулларнинг бир қисми ҳалок бўлди, қолганлари қочиб кетди. Бутун қароргоҳ барча мол-мулки билан сарбадорлар ўлжасига айланди (1353 йил декабрь) ва Астробод Сарбадорлар давлатига кўшиб олинди. Сўнги элхон ана шундай ҳалок бўлган. Бу Эронда мўғулларнинг устидан тўла ғалабани англатмасди. Эроннинг феодал давлатларида мўғулларнинг давлат

анъаналари ва бошқарув тизими сақланиб қолди. Айниқса, Жалойирийлар давлатида ва Шимолий Хуросондаги Жоний Қурбоний мулкларида мўғул зодагонлари бошқарувни ўзларида сақлаб қолдилар.

Сарбадорлар давлатида ички кураш ҳукмдор Паҳлавон Ҳасан Дамғоний даврига келиб кучайди. У бир йилга яқин давлатни бошқарган Вожиддиннинг ўғли «султон» Лутфуллоҳни ўлдириб ҳокимиятни эгаллаганди.

Тус ва Машҳадда Ҳасан Жўрийнинг ашаддий тарафдорлари исён уюштиришди. Исён раҳнамоси Ҳасан Жўрийнинг муриди дарвиш Азиз эди. Ярим йилдан сўнг Дамғоний исённи бостириб, дарвиш Азизни Сарбадорлар давлатидан чиқариб юборди. Кўп ўтмай ўзи ҳукмрон бўлишни истаган хожа Али Муайяд исён кўтарди. У ҳокимиятни халқнинг ёрдами билангина қўлга киритиш мумкинлигини биларди. Шунинг учун дарвиш Азизни Исфаҳондан чақириб, у билан бирга Сабзаворга борди. Шаҳар аҳолиси дарвозаларни очди. Бу вақтда Ҳасан Дамғоний исён кўтарган Шаған шаҳрини қамал қилаётганди. Хожа Али Муайяд, Ҳасан Дамғонийнинг бошини келтиришса, унинг саркардаларига авф берилишини айтиб мактуб жўнатди. Саркардалар худди шундай қилишди.

Ҳокимиятни эгаллагач Али Муайяд дарвиш Азиз ва унинг тарафдорларидан қутулиш йўлларини ўйлай бошлади; энди улар керак эмасди. Дарвиш Азиз Ҳиротга юриш уюштирди. Али Муайяд саркардаларга қулай вақтда уни тарк этишга маслаҳат берди. Саркардалар унинг айтганини бажарди. Шунда дарвиш Азиз бир неча юз тарафдорларни йиғиб Ироқи Ажамга келди. Лекин Али Муайяд саркардаларига унинг ортидан тушиб бошини келтиришни буюрди. Саҳродаги қудуқ олдида дарвиш Азиз ҳамда ҳамроҳлари ўлдирилиб, унинг калласи Сабзаворга келтирилди ва шаҳар дарвозасига илиб қўйилди.

Али Муайяд қатағонлар ўтказиб сарбадорларнинг Жўрий тарафдорлари бўлган қисмини йўқ қилди. Шиаликни давлат ақидаси сифатида сақлаб Халифа ва Жўрий тариқатларини кучдан қолдирди, уларнинг гўрхоналарини буздириб, ўрнини бозор расталарига айлантди. Бу чоралар Али Муайяднинг узоқ вақт (1364 – 1381) бошқарувини таъминлади. Аҳолининг қўллаб-қувватловидан айрилган Муайяд Ҳирот малики билан бўлган урушда шарқий худудларни, ҳаттоки Нишопурни ҳам йўқотди. Фарбдан унга Астробод ва Журжонни эгаллаб олган Тоғай Темурнинг ўғли амир Вали таҳдид соларди. 1378 йили Сабзаворда дарвиш Рукниддин бошчилигида сарбадорлар қўзғолони юз берди. Али Муайяд мазкур қўзғолонни амир Вали

ёрдамидагина бостириши мумкин эди, душманлар халқ кўзғолони қаршисида вақтинча бирлашишди. Бироқ амир Вали Али Муайядга ҳужум қилиб Сабзаворни қамалга олди. Таянчсиз қолган Али Муайяд Амир Темурдан ёрдам сўрашга мажбур бўлди (1381).

**Гилон ва Мозандарондаги халқ ҳаракатлари.** Мозандаронда маҳаллий сулолалар томонидан бошқариладиган бир қанча феодал мулклар бор эди. Улардан энг кучлиси элхонийларнинг содиқ вассали бовандийлар эди. Бу сулола халқ оммаси томонидан нафратга сазовор бўлганди. XIV асрнинг 40-йилларида Ҳасан Жўрий тариқатига мансуб саййид Иззиддин Маръаший бошлиқ гуруҳ Сабзавордан Мозандаронга йўл олди. Лекин у йўлда вафот этди, ўрнига ўғли саййид шайх Қавомиддин Сарига келиб халқ ҳаракатига раҳнамо бўлди. Ҳаракатни унинг номи билан боғлаб Саййидийлар кўзғолони деб номлашади. Қавомиддин ялпи тенглик шиорини ўртага ташлаб ҳунарманд ва деҳқонларга таянарди. Унинг ноиби саркарда Афросиёб Чалабий халқ ҳаракатини бошқариб, сўнги бовандий Фахруддавла Ҳасанни тахтдан қулатиб ўлдирди ҳамда Омул, Сари ва Мозандарондаги бошқа ҳудудларни эгаллади. Афросиёб дарвишлар иттифоқи туфайлигина ўз лавозимида қолиши мумкин эди, у дарвишлар каби кийина бошлади, лекин уйда ўз хоҳишича юрарди. Бироқ дарвишлар умумий тенглик ўрнатилишини талаб қила бошлади. Кўп ўтмай дарвишлар ва Афросиёб ўртасида таранг вазият вужудга келди. Афросиёб дарвишлар раҳбарларини ҳибсга олиб, Қавомиддинни мулҳид (зиндик) деб эълон қилди. Бу халқ кўзғолонига сабаб бўлди, оломон қамоқхонани бузиб Қавомиддинни озод қилди. Афросиёб яна бир бор Қавомиддинни ҳибсга олишга уринди, лекин қуролли оломон унга ҳужум қилиб ўлдирди. Энди бутун ҳокимият Қавомиддин қўлига ўтди. Мозандаронда Хуросондаги Сарбадорлар давлатига ўхшаш маркази Омул бўлган Саййидлар давлати вужудга келди.

Саййидлар давлати ҳақида маълумотлар кам, лекин шуниси аниқки, улар шариатга зид солиқларни бекор қилишган. Маҳаллий катта ер эгалари ҳам ҳокимиятдан четлатилди. Ерларни ўзлаштириш ва катта ҳажмдаги қурилишлар олиб борилди. 1370 йили мўғуллар замонида вайрон қилинган Сари шаҳри қайтадан бунёд этилди. Маръаший саййидлари давлати 1392 йилгача мавжуд бўлган.

Бунга ўхшаш дарвишлар ва шиа саййидлари бошлиқ халқ ҳаракати Гилонда ҳам бўлиб ўтди. Омма маҳаллий феодаллар зулмига қарши кураш олиб борди. Тахминан 1370 йили Гилон дарвишлари



мозандаронлик шайхларга ёрдам сўраб мурожаат қилишган. Уларнинг ёрдами билан Ғилоннинг шарқий қисмида маркази Лоижон бўлган Саййидлар давлати тузилди ва қарийб икки аср (1370 – 1592) фаолият кўрсатгач оддий феодал давлатга айланди.

**Кирмондаги сарбадорлар кўзғолони.** Музаффарийлар давлатида Шоҳ Шужоъ (1359 – 1384) даврига келиб тахт учун кураш ва майда феодалларнинг фитналари кучайди. Натижада аҳолининг турли қатламлари, асосан, деҳқонлар ва камбағаллар қаттиқ зарар кўришди. 1373 йили Кирмонда халқ исёни кўтарилган, уларнинг бошида Паҳлавон Асад турарди. У Кирмонни қўлга киритиб маҳаллий феодалларнинг бир қисмини қатл эттирди, қолганларини ҳибсга олди. Уларнинг иқто ерлари ва мулкларини мусодара қилди. Бундан ташқари, Кирмон вилоятидаги энг йирик иқтодорлардан бирини захарлаб ўлдиртирди ва унинг мол-мулкни мусодара қилди. Али Муайяд Сабзаворга Паҳлавон Асадга ёрдам бериш учун хуросонлик сарбадорларни юборди. Фақатгина 1374 йил декабрда тўққиз ойлик қамалдан сўнг шаҳар ҳимоячилари қаршилиги синдирилди ва Кирмон Шоҳ Шужоъ қўшини томонидан эгалланди. Паҳлавон Асад қатл этилди ва шаҳар талон-тороғ қилинди.

**Қора қўюнлилар (1410 – 1468) – XIV – XV асрларда Олд Осиё (ҳозирги Арманистон, Озарбайжон, Туркия шарқи, Эрон ва Ироқнинг шимоли-ғарби)да мавжуд бўлган кўчманчи турк қабилалари иттифоқи.**

### Қора қўюнли беклар (1351 – 1410)

- 1) Байрамхожа (1351 – 1380).
- 2) Қора Муҳаммад ибн Байрамхожа (1380 – 1391).
- 3) Қора Юсуф ибн Қора Муҳаммад (1389 – 1410).

1400 – 1406 йилларда теурийлар забт этди.

### Қора қўюнли султонлар (1410 – 1468)

т/р	султонлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Қора Юсуф ибн Қора Муҳаммад	1410 – 1420
2.	Искандар ибн Қора Юсуф	1420 – 1429

3.	Абу Саид ибн Қора Юсуф	1429 – 1431
	Искандар ибн Қора Юсуф	1431 – 1435
4.	Жаҳоншоҳ ибн Қора Юсуф	1435 – 1467
5.	Ҳасан Али ибн Жаҳоншоҳ	1467 – 1468

**Қора Юсуф** – қора қўюнлилар ҳукмдори (1389 – 1420).

Бағдоддаги мағлубиятдан сўнг Қора Юсуф ва Аҳмад Жалойир Дамашқда мамлуклар буйруғига кўра ҳибсга олинганди. Иккиси ўша ерда абадий дўст бўлиш ва озодликка чиққач Ироқнинг Аҳмадга, Табризнинг Қора Юсуфга ўтиши ҳақида келишиб олишган. 1406 йили Аҳмад Бағдодни эгаллади, ўша пайтда Қора Юсуф Диёрбакр ва Арманистонда кучларини тўплаб Табризни олишга тайёрланаётганди. 1406 йил охирида Аҳмад Табризни олди, бироқ шарқдан бўлаётган кучли босимга дош беролмай у ерни тарк этди. Табриз яна Темурийлар давлатига ўтди.

1408 йил 21 апрелда Жанубий Озарбайжондаги Сардрудда Қора Юсуф бошлиқ қора қўюнлилар ва Мироншоҳ бошлиқ темурийлар ўртасида жанг бўлиб ўтди. Жангда Мироншоҳ ҳалок бўлди ҳамда Қора Юсуф тўла ғалабага эришиб Табриз ва бутун Жанубий Озарбайжонни қўлга киритди.

1410 йили Оқ қўюнлилар давлати раҳбари Қора Усмон Шарқий Анатолиядан Арзинжонга – Қора Юсуфга қарши ҳаракат бошлади. Бундан фойдаланган Аҳмад Жалойир Табризни эгаллаб олди. Қора Юсуф қўшинини Анатолиядан қайтартиришга мажбур бўлди. 1410 йил 30 август куни Табриз яқинидаги жангда Аҳмад Жалойир қўшини қақшатқич зарбага учради. Бу жангда иттифоқчи сифатида ширвоншоҳ Иброҳим Каюмарс ҳам қатнашди. Жангнинг эртасига Аҳмад қочишга уринган пайт тутиб олинди ва ўғиллари билан бирга қатл қилинди. Табриз узил-кесил Қора қўюнлилар давлатига қўшиб олинди, унча узоқ давом этмаган қамалдан сўнг Бағдод ҳам олинди. Шундай қилиб, Жалойирийлар давлати тугатилди, уларнинг ўрнида Қора қўюнли давлати ташкил топди.

1413 йили Қора қўюнлилар давлати таркибига Озарбайжоннинг катта қисми, Арманистон, Курдистон ва Ироқи Араб кирарди. Қора Юсуфнинг ўзи Жанубий Озарбайжонни бошқарарди, қолган ҳудудлар унинг ўғиллари орасида тақсимланганди. Қора қўюнлилар ва оқ қўюнлилар яқин бўлишига қарамай, ҳар икки давлат барпо бўлган вақтдан улар орасида уруш бошланди. Қора Юсуфнинг ик-

кинчи асосий душмани Шохрух эди. 1414 йили Шохрух Форс ва Мидия учун бўлган жангда ғалаба қозонди.

1412 йили Қора Юсуф Озарбайжонга юриш қилди. Кура дарёси ёнидаги жангда Қора Юсуфга қарши Иброҳим ҳамда унинг вассаллари Шеки ҳукмдори Сиди Аҳмад ва Кахетия шоҳи Константин XII қатнашди. Жангда иттифоқчилар мағлубиятга учради. Ширвоншоҳ, унинг 7 нафар ўғли ва Кахетия шоҳи асирга тушди. Орадан кўп ўтмай ширвоншоҳ Иброҳим катта тўлов эвазига озод қилинди. 1413 йили Иброҳим Ширвонга қайтиб ўзини Қора Юсуфнинг вассали деб эълон қилди.

Шохрух Қора Юсуфга қарши жангга тайёрланаётган пайтда, Қора Юсуф оқ кўюнлиларга қарши ҳаракат бошлади ва 1418 йили Фурот дарёсининг ўрталарида жойлашган Қалъаи Румда кечган жангда ғалабага эришди. Бу ғалаба Қора Юсуфга шарқдан бўладиган хужумга қарши тура олиш имконини берди. Қора Юсуф 1420 йил кузида яқинлашиб келаётган Шохрух кўшинига қарши юриш пайтида йўлда вафот этди.

**Жаҳоншоҳ ибн Қора Юсуф (1397 – 1467) – Қора Кўюнлилар ҳукмдори (1435 – 1467).**

Жаҳоншоҳ даврида Қора кўюнлилар давлати Оқ кўюнлилар давлати билан уруш ҳолатида турарди. Қора кўюнлилар давлатининг ғарбий чегараларида тинимсиз тўқнашувлар бўларди. XV асрнинг 50-йилларида Қора кўюнлилар давлати Курдистон ва Арманистоннинг катта қисмини бой берганди. 1447 йили, Шохрух вафотидан сўнг, Жаҳоншоҳ истило қилинган ерларнинг якка хўжайини бўлиб қолди. Темурийлар ўртасида бошланиб кетган тахт талашишдан фойдаланган Жаҳоншоҳ 1453 – 1457 йиллар орасида Ироқи Ажам, Хузистон, Форс ва Кирмонни қўлга киритди. Кўчманчиларнинг мазкур хужуми Ғарбий Эронни шип-шийдон қилди, айниқса, Сулаймония ва Исфаҳон катта зарар кўрди. Султонияда 7 минг киши тирик қолди, холос, шаҳар қайта тикланмади.

Жаҳоншоҳ Темурий Иброҳим мирзони енгиб Журжон ва Хуросон вилоятларини, 1458 йил июнда пойтахт Ҳиротни қўлга киритди. У ўз давлати ва Темурийлар давлати орасидаги чегарани Дашти Кабир саҳроси қилиб белгилади. Абу Саид Жаҳоншоҳдан темурийлар ерини қайтаришни талаб қилди, бу вақтда Жаҳоншоҳ Озарбайжонда ўғли Ҳасан Али исён кўтарганидан хабар топганди. У Абу Саид билан сулҳ тузиб Шарқий Эрондан воз кечди ва Ироқи Ажам ҳамда Форс вилоятлари билан қаноатланди. Жаҳоншоҳ Хуросонни тарк

этиб, шошилинич равшида Озарбайжонга қайтди ва 1459 йили Ҳасан Али исёнини бостирди. Кейинчалик Абу Саид билан мустаҳкам иттифоқ тузди.

Оқ қўюнлилар ҳукмдори Узун Ҳасаннинг кучайиб кетиши Оқ қўюнлилар ва Қора қўюнлилар давлатлари орасида урушни келтириб чиқарди. 1467 йил май ойида Муш тепалигида бўлган ҳал қилувчи жангда қора қўюнлилар ҳалокатга учради. Ғолиблар Арманистондан Озарбайжонга қочаётган Жаҳоншоҳни тутиб қатл этишди.

Жаҳоншоҳ ҳалокатидан сўнг тахтга ўғли Ҳасан Али чиқди, бошқа ўғли дарвиш Ҳусайн Али эса кўп ўтмай ўлдирилди. Ҳасан Али қолган-қутган қўшинни тартибга солиб Жанубий Озарбайжондаги Марандда оқ қўюнлилар билан тўқнашишга тайёрланди. Бироқ 1468 йили бўлган биринчи жангдаёқ Ҳасан Али ва унинг қўшини ҳалокатли мағлубиятга учради. Қора қўюнлиларнинг барча ҳудуди Узун Ҳасан бошлиқ Оқ қўюнлилар давлати таркибига қўшилди. Шундай қилиб, Ҳасан Али Қора қўюнлилар давлатининг энг сўнги ҳукмдори бўлди.

**Оқ қўюнлилар (1468 – 1508) – XIV – XV асрларда Курдистонда ҳамда Кавказолди ва Кичик Осиёнинг баъзи минтақаларидаги бирлашган ўғуз қабилалари иттифоқи, шунингдек, улар ташкил қилган давлат ва сулола номи. Оқ қўюнлилар Византия солнома-ларида Анатолиянинг шарқига кўчиб келишларидан – 1340 йилдан бошлаб эсланади. Амир Темур 1402 йили уларга Диёрбакр вилояти (ҳозирги Туркиянинг шарқида Дажла дарёси юқори оқими)ни берганди.**

#### **Оқ қўюнли беклар (XIV аср ўрталари – 1468)**

1. Паҳлавон (XIV аср ўрталари).
2. Тур Али ибн Паҳлавон (1348).
3. Қутлуғ ибн Тур Али (1348 – 1378).
4. Аҳмад ибн Қутлуғ (1378 – 1403).
5. Қора Усмон ибн Аҳмад (1403 – 1435).
6. Ҳамза\* ибн Қора Усмон (1435 – 1444).
7. Али\* ибн Қора Усмон (1435 – 1438).
8. Жаҳонгир ибн Али (1444 – 1453).
9. Узун Ҳасан ибн Али (1453 – 1468).

*\*Қора Усмоннинг ўғиллари Али ва Ҳамза 1435 – 1438 йилларда тахт талашган.*

## Оқ қўюнли султонлар (1468 – 1508)

т/р	султонлар	хукмронлик йиллари
1.	Узун Ҳасан ибн Али	1468 – 1478
2.	Халил ибн Узун Ҳасан	1478
3.	Ёқуб ибн Узун Ҳасан	1478 – 1490
4.	Бойсунқур ибн Ёқуб	1490 – 1493
5.	Рустам ибн Масъуд	1493 – 1497
6.	Аҳмад ибн Муҳаммад	1497
7.	Мурод ибн Ёқуб	1502 – 1508

**Оқ қўюнлиларнинг жойлардаги султонлари:** Қумда – Мурод ибн Ёқуб (1497 – 1502), Форсда – Муҳаммад ибн Юсуф (1497 – 1500), Озарбайжонда – Алванд ибн Юсуф (1497 – 1504).

**Узун Ҳасан (1423 – 1478).** У акаси Жаҳонгирга қарши урушда осонликча ғалаба қозониб, давлатни мустақил бошқаришга киришди. 1467 йили қора қўюнли ҳукмдор Жаҳоншоҳни мағлуб этди ва Оқ қўюнлилар давлатини тузди.

Оқ қўюнлилар давлати Усманийлар давлати билан уруш ҳолатида эди. Шу сабабдан грекларнинг Трапезунд империяси (1204 – 1461) билан усмонийларга қарши иттифоқ тузди. Узун Ҳасан Трапезунд императорининг қизи Феодоре Деспина хотунга уйланганди. Трапезунд Оқ қўюнлилар давлати учун савдо бандаргоҳи бўлиб хизмат қиларди. Узун Ҳасан усмоний султон Муҳаммад II Фотиҳга қарши кураш олиб борди. Улар ўртасидаги биринчи жанг 1461 йили Гойлуҳисорда кечди. Айти шу вақтда Узун Ҳасаннинг онаси Сора хотун усмоний ҳукмдорлар билан алоқаларни яхшилаш учун жўнатилди. Лекин усмонийлар 1461 йили Трапезунд империясини тугатишди.

Узун Ҳасан даврида Оқ қўюнлилар давлати халқаро алоқаларда муҳим роль ўйнади. У асосий эътиборини усмонийларга қарши курашга қаратди. Бунинг учун Ғарб давлатлари билан алоқалар ўрнатди. Узун Ҳасан саройида Венеция элчилари Катерино Зено, Барбаро, Контарини, кейинроқ Венгрия, Польша элчилари ва Рус шоҳи Иван III жўнатган италиялик Марко Россо пайдо бўлди. Рус элчиси Оқ қўюнли давлати билан Олтин Ўрдага қарши биргаликда ҳаракатланиш ҳақида музокара олиб борди. 1463 йили Оқ қўюнлилар давлати папалик, Венеция қироллиги, Неаполь қироллиги, Венгрия ва Кипр бирлашган аксилусмоний лигага аъзо бўлди. Аксилусмоний

лига ўз олдига қўйган мақсадга эришолмади, аъзо давлатларнинг ҳар бири турлича манфаатларни кўзлаганди ва ягона режа бўйича ҳаракат қилишмади. Венеция оқ қўюнлиларга замонавий ўқотар қурооллар билан ёрдам беришга уринди. Бироқ бу ёрдам унча сезиларли эмасди, аксига олиб, Венеция юборган замбаракларнинг бир қисми йўлда усмоний турклар, қолгани эса маҳаллий курд зодагонлари томонидан тортиб олинди.

1468 йили Узун Ҳасан Қора қўюнлилар давлатини тугатиб Табризни эгаллади ва уни пойтахт қилди. Энди Оқ қўюнлилар давлатига Ироқи Араб, Жанубий Озарбайжон ва Кура дарёсигача бўлган Шимолий Озарбайжон, шунингдек, Ироқи Форс, Хузистон, Форс ва Кирмон, қисқа қилиб айтганда, бутун Ғарбий Эрон кирди.

1469 йили Узун Ҳасан теурий султон Абу Саид қўшинини Муғон чўлида енгди ва Абу Саидни туттириб қатл эттирди.

Бейшеҳрда бўлган жангда Узун Ҳасан усмонийлар томонидан тор-мор келтирилди. Малатия жангида эса оқ қўюнлилар ғалаба қозонишди. Оқ қўюнлилар давлати усмонийларга қарши муваффақиятсиз уруш олиб борди. Кўчманчи оқ қўюнлилар усмоний туркларнинг мунтазам қўшинига қарши ҳеч нарса қилолмадилар ва 1473 йили Фурот дарёси бўйида бўлиб ўтган Тержон жангида қақшатқич мағлубиятга учрашди.

Узун Ҳасан 1474 – 1477 йилларда Грузияга юриш қилди.

1489 йили, Узун Ҳасаннинг ўғли Ёқуб даврида, маслаҳатчи Сайфиддин Исо молиявий ислоҳот ўтказишга уринди. Сайфиддин авлоддан-авлодга ўтадиган суюрғол тизимини ўзгартириб, янгидан ерларни рўйхатга олишни кўзда тутарди. Суюрғолдан маҳрум бўлишни истамаган зодагонлар ислоҳотга кескин қарши чиқишди. 1490 йили Ёқуб кутилмаганда кучли заҳарланиш туфайли вафот этди (суиқасд қилинди). Сайфиддин ислоҳоти тўхтатилди. Уни қатл этиш ўзининг ашаддий душмани саркарда Сўфи Халилга топширилганди.

1497 йили, Аҳмад даврида, давлатни сақлаб қолиш учун зодагонларга қарши кураш бошланди. Аҳмад бир қанча аъёнларни қатл эттириб, суюрғол тизимини бекор қилди. Кўчманчи зодагонларга қарши курашда ўтроқ форсий зодагонлар ёрдамидан фойдаланди. Аҳмад солиқ ислоҳоти ўтказиб шариат доирасидаги йиғимлар (закот, ушр, хирож, жизя)дан бошқа мажбуриятларни бекор қилди. Бу чораларнинг барчаси кўчманчи зодагонларни ғазаблантирди. Ироқи Ажам ва Форсда улар кўзғолон кўтаришди. Бор-йўғи етти ой ҳукмдорлик қилган Аҳмад Исфаҳон яқинида кўзғолончилар билан жангда ҳалок бўлди.

Ғолиб зодагонлар Аҳмад чиқарган фармонларни кучдан қолдирди. Шундан сўнг Оқ қўюнлилар давлати икки тож талабгорлари ўртасида тақсимлаб олинди: Алванд Озарбайжон ва Арманистонни, Мурод Ироқи Араб, Ироқи Ажам ва Форс вилоятларини олди.

Мурод ибн Ёқуб 1502 – 1508 йилларда оқ қўюнлиларнинг сўнги ҳукмдори бўлди.

XVI аср бошларида Оқ қўюнлилар давлати Сафавийлар давлати асосчиси Исмоил Сафавий бошлиқ қизилбошлар томонидан буткул тугатилди.

**Дарбандийлар сулоласи (1382 – 1538)** – учинчи ширвоншоҳлар сулоласи. Ширвоншоҳ Кайқубод ибн Ахситандан келиб чиққан. 1538 йили сафавийлар Ширвонни тўла истило қилишган.

### Дарбандийлар сулоласи ҳукмдорлари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Шайх Иброҳим I, Муҳаммад ўғли	1382 – 1417
2.	Халилуллоҳ I, Шайх Иброҳим I ўғли	1417 – 1465
3.	Фаррух Ясар I, Халилуллоҳ I ўғли	1465 – 1500
4.	Баҳромбек, Фаррух Ясар I ўғли	1500 – 1501
5.	Ғозибек, Фаррух Ясар I ўғли	1501 – 1502
6.	Маҳмуд, Ғозибек ўғли	1502
7.	Шайх Иброҳим II, Фаррух Ясар I ўғли	1502 – 1524
8.	Халилуллоҳ II, Шайх Иброҳим II ўғли	1524 – 1535
9.	Фаррух Ясар II, Шайх Иброҳим II ўғли	1535
10.	Шоҳрух, Фаррух Ясар II ўғли	1535 – 1538

### Сафавийлар давлатидаги беқарорликдан фойдаланиб вақтинчалик ҳукмронлик қилган ширвоншоҳлар

1. Бурҳон Али, Халилуллоҳ II ўғли (1548 – 1550).
2. Абу Бакр, Бурҳон Али ўғли (1578 – 1602).

1386 йили ширвоншоҳ Иброҳим I Кавказолдига юриш қилган Амир Темур билан иттифоқ тузди. 1395 йили соҳибқирон унга Дарбандни берди.

Амир Темур вафотидан сўнг унинг ворислари ва Иброҳим ўртасида уруш бошланди. Натижада ширвоншоҳ Ганжа ва Тоғли Қорабоғнинг катта қисмини босиб олди. Лекин 1412 йили Қора Юсуфга қарши жангда енгилди. Ширвон яна талон-торожга маҳкум этилди, Иброҳим I эса Қора қўюнлилар давлати вассалига айланди.

1468 йили Қора қўюнлилар давлати оқ қўюнлилар томонидан тугатилгач, ширвоншоҳлар вассалликдан қутулишди.

XV аср охирида ширвоншоҳларнинг янги душмани – сафавийлар пайдо бўлди. 1500 йили Исмоил I Фаррух Ясарга қарши ҳаракат бошлади ва ширвоншоҳ қўшинини тор-мор келтириб Шемахани босиб олди. Ширвоншоҳнинг ўзини эса асирга олиб қатл эттирди. 1501 йили кўп ойлик қамалдан сўнг Бакуни истило қилиб ширвоншоҳларнинг кўп йиллардан бери тўплаб ётган хазинасини қўлга киритди.

1509 йили Исмоил I яна Ширвонга қўшин тортди. Шемаха ва Бакуни олиб, Дарбандни таслим этди. Шундан сўнг Исмоил I ва ширвоншоҳлар ўртасидаги муносабатлар илиди, лекин 1538 йили Исмоил I нинг вориси Таҳмосп Ширвонга ҳужум қилди. 1539 йили, сўнгги ширвоншоҳ Шоҳрух қатл этилгандан сўнг, дарбандийлар сулоласининг умри тугади.

## МАРКАЗИЙ ОСИЁ

**Темурийлар давлати (1370 – 1405).** *Пойтахти – Самарқанд шаҳри (ҳозирги Самарқанд, Ўзбекистон). Ҳудуди – 4,6 млн км<sup>2</sup> (1405). Давлат тизими – монархия. Давлат тили – форс ва чағатой турк тиллари.*

### Темурийлар сулоласи ҳукмдорлари (1370 – 1507)

#### Мовароуннаҳр ва Хуросонда

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Амир Темур	1370 – 1405
2.	Шоҳрух ибн Темур	1409 – 1447
3.	Улуғбек ибн Шоҳрух	1447 – 1449
4.	Абу Саид ибн Султон Муҳаммад	1457 – 1469



## Мовароуннаҳрда

1.	Халил Султон ибн Мироншоҳ	1405 – 1409
2.	Улуғбек ибн Шоҳрух	1409 – 1449
3.	Абдуллатиф ибн Улуғбек	1449 – 1450
4.	Абдуллоҳ ибн Иброҳим ибн Шоҳрух	1450 – 1451
5.	Абу Саид ибн Султон Муҳаммад	1451 – 1469
6.	Аҳмад ибн Абу Саид	1469 – 1493
7.	Маҳмуд ибн Абу Саид	1493 – 1494

1494 – 1501 йилларда Маҳмуднинг ўғиллари Бойсунқур ва Али ҳамда Андижон ҳукмдори Бобур Самарқандда қисқа муддат ҳукмронлик қилишди.

## Хуросонда

1.	Шоҳрух ибн Темур	1396 – 1447
2.	Улуғбек ибн Шоҳрух	1447 – 1449
3.	Абулқосим Бобур ибн Бойсунқур	1449 – 1457
4.	Шоҳ Маҳмуд ибн Абулқосим Бобур	1457
5.	Абу Саид ибн Султон Муҳаммад	1457 – 1469
6.	Ёдгор Муҳаммад ибн Султон Муҳаммад	1469
7.	Хусайн Бойқаро ибн Фиёсиддин Мансур	1469 – 1506
8.	Хусайн Бойқаронинг ўғиллари: Бадиуззамон ва Музаффар	1506 – 1507

**Амир Темур, Тарағай/Турғай Барлос Баҳодир ўғли (1336 йил 9 апрель – 1405 йил 18 февраль)** – оламга машҳур саркарда, жаҳон тарихида муҳим ўрин тутган ҳукмдор, пойтахти Самарқанд бўлган салтанат асосчиси.

Амир Темурнинг ёшлиги Чигатой улусининг парчаланиш жараёнига тўғри келди. 1346 йилдан бошлаб Мовароуннаҳр туркий амирларга тегишли бўлиб, мўғул хонлари номигагина тахтда ўтиришарди. Мўғул амирлари 1348 йили Шарқий Туркистон, Ғулжа ўлкаси ва Еттисувда ҳукмронлик қилаётган Туғлуқ Темурни тахтга чиқаришди.

Турклардан биринчи ҳукмдор амир Қозоғон (1346 – 1360) бўлди. Ёш Темур амакиси Кеш ҳокими Ҳожи Барлос хизматига кирди. 1360 йили Мовароуннаҳр Туғлуқ Темур томонидан истило қилинди. Ҳожи

Барлос Хуросонга қочди, Темур эса хон билан музокара олиб борди ва Кеш ҳокими этиб тасдиқланди, бироқ Мўғулистон хони юртига кетгач ва Ҳожи Барлос қайтиб келганидан сўнг, Темур Кешни амаки-сига берди.

1361 йили Туғлуқ Темур яна Мовароуннаҳрни босиб олди. Ҳожи Барлос тагин Хуросонга қочди ва ўша ерда ўлдирилди. Ёш Темур эса Кеш ҳукмдори ва Мовароуннаҳр ноиби бўлган мўғул шаҳзодаси Илёсхожанинг ёрдамчиларидан бири этиб тайинланди. Темур ордан кўп ўтмай мўғуллардан узилди ва уларнинг душмани бўлмиш Амир Ҳусайн (Қозоғоннинг невараси) томонига ўтди.

1364 йили Амир Ҳусайн Мовароуннаҳр ҳукмдори бўлиб олди, Амир Темур эса Кешга қайтди. 1365 йили Мўғулистон хонлиги Мовароуннаҳрга юриш бошлади. 1365 йил 22 – 24 май кунлари Чиноз (Тошкент) яқинида бўлган «Лой жанги»да Амир Темур ва Амир Ҳусайннинг бирлашган қўшини мағлубиятга учради. Мўғуллар Самарқанд сари йўл олишди, бироқ у ерда сарбадорларнинг қаттиқ қаршилигига учраб енгилишди. Боз устига, от ўлати тарқалгач, Мовароуннаҳрни тарк этишга мажбур бўлишди. Самарқанд 1366 йил баҳоригача сарбадорлар қўлида турди. Наврўз байрамини ва мўғуллар устидан қозонилган ғалабани нишонлаш баҳонасида Самарқанддан ташқаридаги Кониғил мавзеида Амир Ҳусайн томонидан сарбадорлар етакчилари хоинона ўлдирилди, фақат Амир Темурнинг аралашуви билан Мавлонозода қутқариб қолинди. Бу воқеадан сўнг Амир Темур ва Амир Ҳусайн ўртасида муносабат совуқлашди. Амир Темур ўша йилиёқ Ҳусайнга қарши исён кўтарди. 1368 йили сулҳ тузиб ярашди ва Кешни олди, бироқ 1369 йили яна исён қилди.

1370 йил мартда Амир Темур Ҳусайн жойлашган Балхни қамал қилди ва катта йўқотишлар эвазига қалъани қўлга киритди. Амир Ҳусайнни асирга олди ва уни қатл эттирди. 1370 йил 10 апрелда Амир Темур Мовароуннаҳрдаги барча амирлардан қасамёд қабул қилди. Соҳибқирон хон унвонини олмасдан, «Амир ул-умаро» унвони билан кифояланди. Унинг даврида Чингизхон авлоди ҳисобланган Суюрғатмиш (1370 – 1388), унинг ўғли Маҳмуд (1388 – 1398) ва Сотуқ (1398 – 1405) номигагина хон бўлишган. Амир Темур давлат пойтахти этиб Самарқанд шаҳрини танлади.

Буюк саркарда ҳукмронлигининг дастлабки йилларида чегаралар хавфсизлигини таъминлашга катта эътибор берди. 1370 йили Мўғулистонга биринчи марта юриш қилди, жеталар қаршиликсиз таслим бўлишди. Лекин қўшин Мовароуннаҳрга қайтгач, янги ҳукмдор

28 июлда бўлиб ўтган жангда усмонийлар султони Йилдирим Боязид қўшини тор-мор келтирилди. Амир Темур 1403 йили Анатолиянинг ғарбий қисмини Боязид ўғилларига бўлиб берди. Анатолия шарқида эса Боязид томонидан тугатилган бейликлар қайта тикланди. Соҳибқирон 1404 йил май ойида Кичик Осиёдан Самарқандга қайтиб келди.

Амир Темур 1404 йил 27 ноябрда Самарқанддан Хитой юришига чиқди. Қўшин 1405 йил январь ойи бошида Ўтрор шаҳрига етиб келди. Шу вақтда буюк ҳукмдор касалланиб қолди ва 18 февраль куни вафот этди. Унинг жасади 22 февраль куни Самарқандга келтирилиб дафн қилинди.

**Темурийлар (Мовароуннаҳр ва Хуросон).** Амир Темур вафот этганида, унинг икки ўғли – Мироншоҳ ва Шоҳрух тирик эди. Мироншоҳ Озарбайжон ва Ироқда, Шоҳрух Хуросонда ноиб эди. Темур невараси Кобул ва Ҳинд ерлари ноиби Пирмуҳаммадни валиаҳд деб эълон қилганди. Лекин ундан олдин 1405 йил 18 март куни Мироншоҳнинг ўғли Халил Султон бир гуруҳ тарафдор амирлари ёрдамида тахтга чиқарилди ва Мовароуннаҳрнинг олий ҳукмдори деб эълон қилинди. Бу биродаркушлик уруши бошланишига сабаб бўлди. Халил султонга қарши дастлаб Фарғона водийси ва Туркистон ҳокимлари амир Худойдод ва шайх Нуриддин исён кўтарди. Кейин Халилнинг укаси Хусайн исён бошлади, Кеш вилоятининг Жийдалик номли жойида юз берган жангда Хусайн қўшини тор-мор келтирилди. Самарқандни олиш учун йўлга чиққан Пирмуҳаммад Насаф яқинида мағлуб бўлди.

Амир Темур вафотидан бир йил ўтгач Мовароуннаҳр ва Хуросон бир неча қисмга бўлиниб кетди. Хуросонда Шоҳрух, Балх, Ғазна, Қандаҳорда Пирмуҳаммад, Ғарбий Эрон ва Озарбайжонда Мироншоҳнинг ўғиллари Умар ва Абу Бакр, Сирдарёдан шимолдаги Туркистон, Ўтрор каби шаҳарларда амир Бердибек, Фарғона водийсида амир Худойдод, Хоразмда эса чингизий Идику Ўзбек ҳукмдорлик қиларди.

Шоҳрух 1405 – 1408 йилларда Мовароуннаҳрни Хуросонга қўшиб олиш учун бир неча бор ҳаракат қилишига қарамай муваффақият қозонолмади. 1407 йил 22 февраль куни Шибирғонда валиаҳд Пирмуҳаммад Пир Али Тоз бошлиқ бир гуруҳ фитначилар томонидан ўлдирилди. Лекин ҳукмдор бўлишни истаган фитначи ҳам бошқа ғаламислар томонидан бўлган зулмдан қочиб Ҳиротга келди, у ерда Шоҳрух томонидан қўлга олиниб қатл этилди. 1408 йил 22 апрель куни темурийлар ва қора қўюнлилар ўртасидаги жангда Амир Темур-

нинг ўғли Мироншоҳ ҳалок бўлди. Озарбайжон ва Ироқ узил-кесил теурийлар ҳукмронлигидан чиқди.

1409 йил баҳорида Худойдод Ҳратепа ва Шоҳрухияни босиб олди ҳамда Самарқандга юриш қилди. Зарафшон дарёси бўйидаги Шероз қишлоғи яқинида кечган жангда Халил султон мағлуб бўлди ва асир олинди. Бу вақтда Сейистон ва Кирмондаги исёнларни бостириб ўз мулкида тинчлик ўрнатган Шоҳрух Мовароуннаҳрга юриш қилди. У 1409 йил 25 апрель куни Самарқандга кириб келди. Амир Худойдод эса аввал Тошкентга қочди, сўнг Мўғулистон хони Муҳаммаддан паноҳ сўради. Хон уни тутдириб қатл эттирди ва бошини Шоҳрухга юборди.

Шоҳрух Мовароуннаҳр ва Хуросонни бирлаштиришга эришди. У Мовароуннаҳрга ўғли Улуғбекни ноиб этиб тайинлади. Улуғбек оталиғи Шоҳмалик билан бирга биринчи марта 1410 йил 20 апрелда Туркистон ҳокими Шайх Нуриддин ва унинг иттифоқчилари билан жангга киришди. Жангда исёнчилар ғалаба қозонди, Улуғбек эса Калиф томон қочди. Шоҳрух 1410 йилнинг ёзида қўшинини олиб Мовароуннаҳрга келди ва Шайх Нуриддин исёнини бостирди.

1412 йили Шоҳмалик Ҳиротга чақириб олинди ва Мовароуннаҳрни идора қилиш Улуғбек зиммасига юкланди. Улуғбек 1414 йили катта қўшин билан Фарғона водийсига юриш қилди, Амирак Аҳмад Андижон ва Ахсини топшириб Мўғулистонга қочиб борди. У ерда хондан ёрдам олгач Фарғонага қайтиб келди ва Ўш яқинида бўлган жангда Улуғбек қўшинини енгди.

1415 йили Улуғбек иккинчи марта Фарғонага қўшин тортди. Амирак Аҳмад бу сафар ҳам Кошғарга қочиб кетди. Шоҳрухнинг аралашуви сабаб кескинлик бартараф этилди, Фарғона водийси Улуғбек давлатига тобе бўлиб қолди.

1425 йил баҳорида Улуғбек Мўғулистонга юриш бошлади. Исикқўл яқинида бўлган жангда Улуғбек қўшини Мўғулистон хонлиги қўшинига қақшатқич зарба берди.

1427 йили Дашти Қипчоқ хони Бароқ ўғлон Улуғбекка қарши уруш эълон қилди. Сигноқ яқинида ҳар икки қўшин қароргоҳ тиклади ва ўртада сулҳ тузилди, лекин тунда хоин мўғуллар Улуғбек қўшини қароргоҳига ҳужум қилишди. Бу тўқнашувда Улуғбек қўшини катта йўқотишларга учради, чекинаётган Мовароуннаҳр қўшинини Бароқ ўғлон бошлиқ мўғуллар Самарқандгача таъқиб этиб борди.

1428 йили Улуғбек пул ислоҳоти ўтказди. Ўзигача зарб қилинган мис чақа тангаларни бир хил вазндаги янги тангаларга алмашти-

ришга фармон берди. Бу ислохот натижасида бир хил оғирликдаги мис чақа тангалар зарб қилинди ва вазнига қараб олдингиларига алмаштирилди. Шубҳасиз, мазкур тадбир ички савдонинг ривожланишига ва пулфуруш фирибгарларнинг фаолиятини тўхтатишга хизмат қилди. Шунинг учун Улуғбекнинг тангалари халқ орасида «фулуси адлия» (адолатли чақа тангалар) номи билан машҳур бўлди.

Улуғбек 1428 йили оламшумул ишни охирига етказди. Унинг раҳбарлигида Самарқанд шаҳрида ўша замонда тенги йўқ расадхона қурилди. Расадхона халқ орасида «Нақши Жаҳон» номи билан машҳур эди. Расадхонада бир қатор илмий кашфиётлар қилинди, жумладан, Улуғбек ўзининг «Зижи жадиди Кўрагоний» асарини айнан шу ерда олиб борилган кузатишларга асосланиб ёзган.

1447 йил 12 март куни Шоҳрух исёнчи невараси Султон Муҳаммад исёнини бостириш мобайнида Рай вилоятида оламдан ўтди. Шоҳрух вафотидан сўнг ўша замон урф-одатларига мувофиқ, Улуғбек тахтга чиқиши керак эди. Лекин шаҳзодалар турли вилоятларда ўзларини ҳукмдор деб эълон қилишди. Улуғбекнинг ўғли Абдуллатиф 1447 йил баҳорида Ҳиротни эгаллаш учун бўлган жангда Аълоуддавла қўшинидан енгилди ва қамоққа ташланди. Улуғбек ўғлини озод қилиш мақсадида Аълоуддавла билан сулҳ тузди, сулҳга кўра Абдуллатиф озод қилинди, эвазига Улуғбек Хуросонга даъвосидан воз кечди.

1448 йил баҳорида Улуғбек ва Абдуллатифнинг бирлашган қўшини Ҳиротга юриш қилди. Тарноб жангида Аълоуддавла қўшини мағлуб бўлди ва Улуғбек Ҳиротни эгаллади. Улуғбек шаҳарни Абдуллатифга қолдириб Самарқадга қайтди, лекин Абулхайр бошлиқ кўчманчи ўзбеклар ҳужумига учради. Жангда кўчманчилар тўлиқ ғалаба қозонмаган бўлса-да, Улуғбек қўшини катта талафот кўрди. Вазиятдан фойдаланган Абдуллатиф отасига қарши исён кўтарди. У Амударёдан кечиб ўтиб Термиз, Кеш ва Ҳисорни босиб олди, сўнг Самарқандни истило қилиш учун йўлга чиқди. 1449 йил октябрда Дамашқ қишлоғи яқинида кечган жангда Улуғбек қўшини енгилди. Улуғбек фитначи ғаламисларнинг хоинлиги туфайли Самарқандга киритилмади, шунингдек, Шоҳрухияга ҳам яқин йўлатилмади. Нойлоқ қолган Улуғбек Абдуллатифга таслим бўлди. Абдуллатиф 1449 йил 27 октябрь куни укаси Абдулазизни ва отаси Улуғбекни бир гуруҳ мунофиқ-мулҳидларнинг иғвоси билан қатл эттирди. Лекин ўзи ҳам тахтда узоқ қолмади, унинг ўзи 1450 йил 9 май куни суиқасд натижасида ўлдирилди. Тахтга Абдуллоҳ мирзо чиқарилди. Бухоро-

да эса Абу Саид тахтга ўтирди. Абу Саид Самарқандни олиш учун йўлга чиқди, лекин оғир мағлубиятга учраб Абулхайр ҳузурига ёрдам сўраб борди. 1451 йили Абулхайр ва Абу Саиднинг бирлашган қўшини Самарқанд яқинида Абдуллоҳ мирзо қўшинини енгди. Келишувга мувофиқ Абулхайр катта тўлов олиб юртига қайтди, Абу Саид эса Самарқандда олий ҳукмдор деб эълон қилинди.

1454 йили Абулқосим Бобур Самарқандни қамал қилди, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг аралашуви билан сулҳ тузилди.

1457 йили Хуросон ҳукмдори Абулқосим Бобур вафот этди. Бундан фойдаланган Абу Саид Ҳиротга юриш қилиб, уни жиддий қаршиликсиз эгаллади. Шундай қилиб, Абу Саид Хуросон ва Мовароуннаҳрни бирлаштиришга муваффақ бўлди.

1468 йил март ойида Абу Саид Ироқи Ажам ва Озарбайжонга қўшин тортди. Марв шаҳрида қора қўюнли Ҳусайн Али билан музокара олиб борди. Абу Саид юриш давомида Қора қўюнлилар давлати ҳудудини таламаслиги ҳамда Табризда бирлашиб шимолда Арзирум ва Марандни босиб олган Узун Ҳасанга зарба бериш ҳақида келишиб олинди. Абу Саид қўшини Каспий денгизи жанубидаги вилоятларни бирин-кетин жангсиз эгаллай бошлади. Абу Саид 1468 йил кузга яқин шартномага зид равишда Табризни эгаллади. Ҳусайн Алининг қўшинларни олиб чиқиб кетиш ҳақидаги талаби бажарилмади. Айти шу пайтда Узун Ҳасан ҳузуридан элчи келди ва Абу Саидни Қора қўюнлилар давлатига қарши гижгижлади. Абу Саид оқ қўюнлилар тузоғига илиниб қолганини сезмасди. Табриздан шимолдаги Маранд номли жойда Ҳусайн Али Узун Ҳасан қўшини билан тўқнашди, жангда қора қўюнлилар қўшини мағлубиятга учради. Абу Саид эса Табриздаги қора қўюнлиларнинг қолган қўшинига зарба берди. Энди Абу Саид Узун Ҳасандан ўзини Озарбайжон ҳукмдори деб эълон қилинишини кутаётганди. Лекин бундан дарак бўлмади. Абу Саид ўғли Маҳмудни сулҳ тузиш учун жўнатди, бироқ тайинли натижа чиқмади. Абу Саид қиш келаётганидан хавфсираб қўшинни ортга қайтармоқчи бўлди, аммо ниятига етолмади. Абу Саиднинг асосий қўшини 1469 йил бошида оқ қўюнлилар қўшини томонидан кутилмаганда берилган зарбадан сўнг ўзини ўнглай билмади. Абу Саид ўзига содиқ гвардияси билан Хуросонга қочишга уринди, бироқ у ўз яқинлари билан тўқнашувда асирга тушди. Уч кундан сўнг қора қўюнлилар Ҳиротга ўрнатмоқчи бўлган темурийзода Ёдгорнинг ҳукми билан қатл этилди. Абу Саиднинг ўғли Маҳмуд Ҳиротга қочиб келишга улгурди.

Абу Саид қатлидан бир йил ўтиб оқ кўюнлилар гумаштаси Ёдгор мирзо 10 минг кишилиқ кўшин билан Ҳиротга юриш бошлади. Ҳиротда эса Ҳусайн Бойқаро Маҳмудга қарши исён кўтариб тахтга чиқди. Ноилож қолган Маҳмуд Самарқандга қочиб кетишга мажбур бўлди. 1470 йил ёзиўрталарида Ёдгор бошлиқ кўшин Ҳиротга етиб келди ва жангсиз шаҳарни истило қилди. Ёдгорнинг ҳукмронлиги бир неча ойдан ошмади. Қора кўюнлилар ғафлатда қолган кунларнинг бирида Ҳусайн Бойқаро тунда Ҳиротни қўлга киритди. Ёдгор асирга олинди. У Узун Ҳасанга мутлақ тобе бўлиб, бир вақтлар Абу Саидни ўлимга ҳукм қилганди. Ёдгор ҳеч қандай тараддудсиз қатл этилди. Шундай қилиб, Хуросонда Ҳусайн Бойқаро (1470 – 1506) ҳукмронлиги бошланди.

Абу Саид ўлмидан сўнг унинг ворислари Аҳмад (1469 – 1493) ва Маҳмуд (1493 – 1494) ҳукмронлиги даврида Темурийлар давлатининг таназзулга учраш белгилари яққол намоён бўлди.

1494 йили, Маҳмуд вафотидан кейин, тахтга ўғли Бойсунқур чиқарилди. Бироздан сўнг Маҳмуднинг бошқа ўғли Султон Али тарафдорлари Бойсунқурни тахтдан ағдаришди. Лекин орадан кўп ўтмай Султон Али Бойсунқур кўшини томонидан ағдарилди. Тахтга яна Бойсунқур чиқди. 1497 йил бошида Бухорода ҳукмронлик қилаётган Султон Али тахтни қайтариб олишга уринди, лекин у жўнатган кўшин енгилди. Айти шу вақтда Андижондан йўлга чиққан Бобур Самарқандни қамал қилди. Қамал 7 ойга чўзилди. Ниҳоят, Бойсунқур қочгач, шаҳар таслим бўлди. Узоқ қамалдан сўнг Самарқандда очлик ҳукм сурадди. Андижонлик аскарлар қўлга илинадиган нарсали бўлишмади. Бобур кўшинидаги аскарлар бирин-кетин Андижонга қочиб кета бошлади. Боз устига, Андижонда бўлаётган воқелар ҳам қувонарли эмасди, шунинг учун Бобур Самарқандда роппа-роса 100 кун ҳукмронлик қилгач Андижонга қайтди. Бобур кўшини шаҳарни тарк этиши билан, Султон Али Самарқандга кириб олди. 1499 йили Муҳаммад Шайбонийхон Самарқандга биринчи марта ҳужум қилди. Шаҳар 9 ой қамалда тутилди. Ниҳоят, Муҳаммад Шайбонийхон ҳийла ишлатишга мажбур бўлди. У Султон Алининг онаси Зухрабегимни никоҳига олишни айтиб мактуб жўнатди. Саройдаги бир гуруҳ зодагонлар бу сулҳни яхши қаршилашди. 1500 йил ёз фаслида Самарқанд Муҳаммад Шайбонийхонга таслим бўлди. Султон Али бир неча кундан сўнг қочишга уринаётган пайтда ўлдирилди. 1500 йилнинг кузида Самарқандга юриш қилган Бобур кўчманчи ўзбеклар кўшинининг ғафлатда қолганидан фойдаланиб тунда шаҳарни эгал-

лади. Муҳаммад Шайбонийхон шаҳарни қанчалик осон олган бўлса, шунчалик осон бой берди. Шундан сўнг у Бобурга қарши урушиш учун астойдил тайёрлана бошлади.

1501 йил май ойида Муҳаммад Шайбонийхон ва Муҳаммад Бобур қўшини Сарипул номли жойда тўқнашди. Бобур қўшини мағлубиятга учради, бунга қўшинидаги мўғуллар ҳам катта ҳисса қўшди. Улар саросимага тушиб қолган самарқандликларни ўлдириб талашди.

Мағлубиятга учраган Бобур Самарқандга яширинишга мажбур бўлди, Шайбонийхон қўшини эса шаҳарни қамал қилди. Қамал 4 ой давом этди. Ниҳоят, сулҳ тузилди. Бобур ва у билан чиқиб кетадиганларга зиён етказилмаслиги кафолатланди. Бобур ва маслакдошларининг сулҳ шартларини қабул қилишдан бошқа чораси қолмади. Муҳаммад Шайбонийхон 1501 йил сентябрь ойида Самарқандни бутунлай эгаллади. Шундай қилиб, темурийларнинг Мовароуннаҳрдаги ҳукмронлиги барҳам топди.

Мовароуннаҳрни тўла бўйсундирган Муҳаммад Шайбонийхон 1506 йили Хуросонга қўшин торди. Ҳусайн Бойқаро вафотидан сўнг тахтга чиқарилган унинг икки ўғли Бадиуззамон ва Музаффар Ҳиротни ҳимоя қилишдан ожиз эди. 1507 йил 20 май куни кўчманчи ўзбеклар қўшини Ҳиротни қўлга киритди ва Хуросондаги темурийлар ҳукмронлигига барҳам берди.

## ОЛТИН ЎРДА

**Қозон хонлиги (1438 – 1552).** *Пойтахти – Қозон шаҳри (ҳозирги Қозон, Россия). Худуди – 750 минг км<sup>2</sup> (1540). Давлат тили – туркий тил. Давлат тузуми – монархия.*

*Хонлик, Олтин Ўрда парчаланиши натижасида, Ўрта Волга-бўйидаги Булғор, Жукетау, Қозон ва Кошон князликлари худудидега вужудга келган. Қозон шаҳри 1552 йили Иван IV Грозний томонидан босиб олинди ва Рус подшолиги таркибига киритилди.*

### Қозон хонлиги ҳукмдорлари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Улуғ Муҳаммад, Ичкиле Ҳасан ўғлон ўғли	1438 – 1445
2.	Маҳмуд, Улуғ Муҳаммад ўғли	1445 – 1466
3.	Халил, Маҳмуд ўғли	1466 – 1467



4.	Иброҳим, Маҳмуд ўғли	1467 – 1479
5.	Илҳом, Иброҳим ўғли	1479 – 1484
6.	Муҳаммад Амин, Иброҳим ўғли	1484 – 1485
	Илҳом	1485 – 1487
	Муҳаммад Амин	1487 – 1496
7.	Мамук	1496 – 1497
	Абдуллатиф	1497 – 1502
	Муҳаммад Амин	1502 – 1518
8.	Шоҳ Али, Шоҳ Авлиёр ўғли	1519 – 1521
9.	Соҳиб Гирей, Менгли Гирей ўғли	1521 – 1524
10.	Сафо Гирей, Фотиҳ Гирей ўғли	1524 – 1531
11.	Жон Али, Шайх Авлиёр ўғли	1532 – 1535
	Сафо Гирей	1536 – 1546
	Шоҳ Али	1546
	Сафо Гирей	1546 – 1549
12.	Ўтамиш Гирей, Сафо Гирей ўғли	1549 – 1551
13.	Ёдгор Муҳаммад, Қосим ўғли	1552

**Қосимов хонлиги (1452 – 1681)** – ҳозирги Рязань области ҳудудида мавжуд бўлган давлат. 1452 йили Москва князи Василий II (1425 – 1462) Городец-Мешерский шаҳрини (1471 йилдан Қосимов шаҳри) Қозон хонлиги асосчиси Улуғ Муҳаммад (1437 – 1445)нинг ўғли Қосимга берган. Қосимов хонлиги Москва давлати вассали ҳисобланган, Қосим 1446 йилдан руслар хизматида ўтган. Қосимов хонлари Москвадан қўйилган. 1681 йили вассал хонлик тугатилган.

### Қосимов хонлиги ҳукмдорлари

#### 1. Қозон сулоласи хонлари

т/р	ҳукмдорлар	ҳумронлик йиллари
1.	Қосим ибн Улуғ Муҳаммад	1452 – 1469
2.	Дониёр ибн Қосим	1469 – 1486

#### 2. Қрим сулоласи хонлари

3.	Нур Давлат Гирей ибн Ҳожий I	1486 – 1500
----	------------------------------	-------------

4.	Сотилган ибн Нур Давлат	1500 – 1506
5.	Жанай ибн Нур Давлат	1506 – 1512

### 3. Астрахан/Аштархон сулоласи хонлари

6.	Саййид Авлиёр ибн Бахтиёр Султон ибн Кичик Муҳаммад	1512 – 1516
7.	Шоҳ Али ибн Саййид Авлиёр	1516 – 1519
8.	Жон Али ибн Саййид Авлиёр	1519 – 1532
	Шоҳ Али ибн Саййид Авиёр	1537 – 1567
9.	Саййид Бўлат ибн Бек Бўлат	1567 – 1573
10.	Мустафо Али ибн Оқ Қўбек	1573 – 1600

### 4. Қозоқ хони

11.	Ўроз Муҳаммад	1600 – 1610
-----	---------------	-------------

1610 – 1614 йилларда Қосимов хонлиги тахти бўш турган.

### 5. Сибир сулоласи хонлари

12.	Арслон (ёки Алп Арслон) ибн Али Кучум	1614 – 1627
13.	Саййид Бурҳон ибн Арслон (Василий)	1627 – 1679
14.	Фотима Султонбека, Арслон хотини	1679 – 1681

Вассал хонлик 1681 йили Рус давлати таркибига қўшиб юборилди.

**Қозоқ хонлиги (1465 – 1729).** *Пойтахти – Сузоқ (1465 – 1469), Сиғноқ (1469 – 1511), Сузоқ (1511 – 1521), Сиғноқ (1521 – 1599), Туркистон (1599 – 1729). Ҳудуди – 2,5 млн км<sup>2</sup>. Давлат тили – қозоқ тили, адабиётда туркий тил.*

### Қозоқ хонлиги ҳукмдорлари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Керей, Пўлод султон ўғли	1465 – 1474

2.	Жанибек, Бароқ ўғли	1474 – 1480
3.	Буриндиқ, Керей ўғли	1480 – 1511
4.	Қосим, Жанибек ўғли	1511 – 1522
5.	Мамаш, Қосим ўғли	1522 – 1523
6.	Тоҳир, Адик султон ўғли	1523 – 1533
7.	Тоғим, Адик султон ўғли	1533 – 1538
8.	Ҳақназар, Қосим ўғли	1538 – 1580
9.	Шиғай, Жадиқ султон ўғли	1580 – 1582
10.	Тавекел, Шиғай ўғли	1586 – 1598
11.	Есим, Шиғай ўғли	1598 – 1628
12.	Жанибек, Есим ўғли	1628 – 1643
13.	Салкам Жаҳонгир, Есим ўғли	1643 – 1652
14.	Ботир, Салкам Жаҳонгир ўғли	1652 – 1680
15.	Тавке, Салкам Жаҳонгир ўғли	1680 – 1715
16.	Қайип, Салкам Жаҳонгир ўғли	1715 – 1718
17.	Бўлат, Тавке ўғли	1718 – 1729

**Астрахан хонлиги (1466 – 1557)** – Олтин Ўрда таназзулидан сўнг вужудга келган. Пойтахти – Астрахан/Аштархон/Ҳожи тархон шаҳри (ҳозирги Астрахан, Россия). Асосчиси – Маҳмуд (1466–1490). Қрим хонларининг Астраханни бўйсундиришларидан хавфсизраган хон Рус давлатидан ёрдам сўради. Натижада 1533 йили иттифоқ шартномаси тузилди. Бироқ 1554 йили Иван IV Грозний (1533 – 1584) Каспий денгизига чиқиш имконини қўлдан бермасик мақсадида Астраханга юриш қилди, Астрахан эгалланди ва тахтга рус шоҳи ҳукмронлигини тан олган Дарвиш Али (1554 – 1557) ўтқазилди. 1557 йили Астрахан хонлиги буткул тугатилди.

### Астрахан хонлиги ҳукмдорлари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Қосим ибн Муҳаммад ибн Кичик Муҳаммад	1466 – 1490
2.	Абдулкарим ибн Маҳмуд ибн Кичик Муҳаммад	1490 – 1504
3.	Қосим (ёки Касай) ибн Саййид Аҳмад	1504 – 1532

4.	Оқ Қўбек ибн Муртазо	1532 – 1534
5.	Абдуррахмон ибн Абдукарим	1534 – 1538
6.	Шайх Ҳайдар ибн Шайх Аҳмад	1538 – 1541
	Оқ Қўбек	1541 – 1544
7.	Яғмурчи ибн Бердибек	1544 – 1554

1554 йили Астрахан Иван IV Грозний томонидан истило қилинди.

### Рус шоҳлигига тобе ҳукмдор

8.	Дарвиш Али ибн Шайх Ҳайдар	1554 – 1557
----	----------------------------	-------------

### ШАРҚИЙ ТУРКИСТОН

**Мўғулистон хонлиги (1346 – 1706).** *Пойтахти – Олмалиқ (1346– 1380), Турфон (1380 – 1419), Олмалиқ (1419 – 1706). Давлат тuzуми – монархия. Давлат тили – уйғур тили.*

### Мўғулистон хонлари (1348 – 1678)

т/р	хонлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Туғлуқ Темур	1346 – 1362
2.	Илёсхожа	1362 – 1380
3.	Хизрхожа	1380 – 1399
4.	Шоми Жаҳон	1399 – 1408
5.	Муҳаммад	1408 – 1416
6.	Шер Муҳаммад	1416
7.	Нақши Жаҳон	1416 – 1418
8.	Султон Увайс	1418 – 1429
9.	Есу Буғо	1446 – 1461
10.	Дўст Муҳаммад	1461 – 1466
11.	Юнус	1466 – 1486
12.	Султон Аҳмад	1486 – 1504
13.	Мансур	1504 – 1544
14.	Абдуррашид	1544 – 1565

15.	Абдулкарим	1565 – 1592
16.	Муҳаммад II	1592 – 1610
17.	Шоҳ Шужоъиддин Аҳмад	1610 – 1619
18.	Қурайш	1619
19.	Абдуллатиф Апақ	1619 – 1627
20.	Султон Аҳмад Пўлод	1627 – 1632
21.	Султон Маҳмуд Қилич	1632 – 1635
	Султон Аҳмад Пўлод	1635 – 1637
22.	Абдуллоҳ	1637 – 1667
23.	Жўлбарс	1667 – 1669
24.	Абдуллатиф	1669 – 1670
25.	Исмоил	1670 – 1678

### Жунғорияга тобе Мўғулистон хонлари (1681 – 1706)

т/р	вассал хон	ҳукмронлик йиллари
1.	Муҳаммад Амин	1681 – 1692
2.	Муҳаммад Мўмин	1692 – 1706

Мўғулистон хонлиги Чигатой улуси қулагандан сўнг вужудга келган. Мўғулистоннинг XIV аср иккинчи ярмидан кейинги ҳаёти ҳақида маълумотлар кам. Чигатойзода Қозонхон вафотидан сўнг кўчманчилик ҳаётидан норози бўлган қирғиз ва қозоқ зодагонлари Еттисувда Чигатой улусидан мустақил давлат тузишга қарор қилишди. Лекин мўғуллар анъанаси бўйича барча мўғул давлатларининг олий раҳбари фақат чингизий бўлиши шарт эди. Шунинг учун дуғлат қабиласидан бўлган амир Пўлодчи чингизий ёрдамида мустақил давлат тузишга ҳаракат қилди. Дуғлатларнинг фикри 18 яшар Туғлуқ Темурда тўхтади.

Мўғулистон тарихи феодал урушлар, ташқи ҳужумдан ҳимоя ва ички фитналарга тўла бўлди. Мўғулистоннинг биринчи хони Туғлуқ Темур (1347 – 1362) давлатни мустаҳкамлаш учун бир қатор чоралар кўрди: иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар ўтказди, ислом динидан сиёсий қурол сифатида фойдаланди. Туғлуқ Темур 1361 йили бутун Мовароуннаҳрни босиб олди. Унинг ўғли Илёсхожа (1362 – 1380) даврида Мўғулистонда ички фитналар бошланди. Марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш учун олиб борган ҳаракатларига қарамай, Еттисувда дуғлатлар амири Қамариддин, Или водийси ва

Тарбағатойда Енге тўра ҳукмронлик қилган бўлса, қанғли ва қорлуқ қабилалари озод эди. Илёсхожа 1368 йили Турфонни истило қилиб Турфон эдикутлигини тугатди.

**Мўғулистон хонлиги 1370 – 1500 йилларда.** 1370 – 1380 йилларда Амир Темур Мўғулистонга ўнга яқин ҳужум қилди. 1371 – 1372 йилларда Темурнинг шахсан ўзи юришда қатнашиб Сегиз-Игачадан Иссиққўлгача бўлган ерларни эгаллади ва катта ўлжалар билан қайтди. 1375 йили Амир Темур Сайрам орқали Илигача ва Талас водийсидан Еттисув ичкарасигача борди. 1377 йили Темур қўшини Қамариддинни икки марта мағлуб этди, биринчи марта Қоратов яқинида, иккинчи бор Чуй водийсидан Иссиққўлга олиб борадиган Бочам дарасида.

80-йиллар охирида Мўғулистон ва Оқ Ўрда ҳукмдорлари Темурга қарши иттифоқ тузишди. Бунга жавобан Амир Темур уларга қарши иккита катта юриш уюштирди: 1389 йили Мўғулистонга, 1390 – 1391 йилларда Олтин Ўрдага. Натижада Мўғулистон майда уделларга бўлиниб кетди. Мўғул хони Хизрхожа (1380 – 1399) ўзини Темурнинг вассали деб тан олишга мажбур бўлди. XV асрнинг биринчи ярмида темурийлар Еттисув ва Кошғарга қарши юришлар уюштирди. Хон пойтахтни Олмалиқдан Турфонга кўчиришга мажбур бўлди.

Муҳаммадхон (1408 – 1416) даврида вазият биров ўнгланди. Унинг даврида Мўғулистон темурийлардан мустақил бўлди ҳамда Чу ва Талас дарёлари водийларини қайтариб олишди. Ўзаро урушлар вақтинча тўхтади. Муҳаммадхон ислом динини ёйди. XV асрнинг биринчи ярмида Мўғулистоннинг шарқий чегараларида ғарбий мўғуллар – ойратлар босқини бошланди (Ўрта Осиё манбаларида улар қалмиқлар деб номланади). Уларга қарши Вайсхон (1418 – 1428) юриш ташкиллаштирди. Вайсхон пойтахтни Турфондан Еттисувдаги Олмалиққа кўчиришга мажбур бўлди. Унинг вафотидан сўнг Мўғулистон давлатининг қулаши аломатлари сезила бошлади. Биродаркушлик урушларида Вайсхоннинг ўғли Есен Буғо (1433 – 1462) ғалаба қозонди. XV асрнинг 50-йилларида Еттисувга Шарқий Дашти Қипчоқдан султон Жонибек ва Керей бошчилигида уруғлар кўчиб келиб ўрнашди. Есен Буғо уларга Чу ва Талас дарёлари водийларидан ер ажратиб берди, кейинчалик ўша ерда Қозоқ хонлигини ташкил қилишди. XV асрнинг иккинчи ярми ва XVI асрда Мўғулистон хонлари вазиятни барқарорлаштиришга ҳаракат қилишди, лекин ички низолар давлатни янада заифлаштирди. XVI асрнинг 60-йилларидан Еттисув қабилалари Қозоқ хонлиги таркибига кира бошлади.

## АНАТОЛИЯ

### Кўсадоғдаги жанг (1243 йил)дан кейин пайдо бўлган бейликлар

т/р	бейликлар	пойтахти	хукмронлик йиллари
1.	Чўпон ўғиллари	Кастамон	1225 – 1309
2.	Қарамонийлар (Қарамон ўғиллари)	Қарамон, Аланья	1256 – 1483
3.	Ментеше	Милас, Ментеше	1261 – 1424
4.	Инанч ўғиллари	Денизли	1262 – 1368
5.	Соҳиб ота ўғиллари	Қораҳисор	1275 – 1333
6.	Парвона (Парвона ўғиллари)	Синоп	1277 – 1322
7.	Ашраф ўғиллари	Бейшеҳр	1284 – 1326
8.	Караси (Караси ўғиллари)	Бергам, Баликасир	1285 – 1347
9.	Гармиён (Гармиён ўғиллари)	Кутахья	1286 – 1429
10.	Исфандиёр ўғиллари	Кастамон	1291 – 1460
11.	Усмон ўғиллари (усмонийлар)	Сёгут, Бурса, Димотика, Эдирна, Истанбул	1299 – 1922
12.	Сарухон (Сарухон ўғиллари)	Магнисия, Маниса	1300 – 1405
13.	Ҳамид (Ҳамид ўғиллари)	Эгердир, Анталья	1300 – 1423
14.	Ойдин ўғиллари	Бирги, Ойдин, Измир	1300 – 1425
15.	Эретна (Эретна ўғиллари)	Сивас, Арзинжон	1337 – 1404
16.	Зулқадар (Зулқадар ўғиллари)	Мараш, Малатия	1337 – 1522
17.	Тожиддин ўғиллари	Никсар	1348 – 1428
18.	Рамазон ўғиллари	Адана	1352 – 1608

**Чўпон ўғиллари бейлиги (1225/1227 – 1309).** Бу бейликка Ҳусомиддин Чўпон асос солган. Кўня султони Кайқубод I 1221 йили Чўпонбейни Судоққа (Қрим) уюштирилган юришга бошлиқ этиб тайинлаганди. 1225 ёки 1227 йили юришдаги музаффақият учун унга Кастамон ҳудуди берилган. Кейин бейликни ўз қўлига олган Музаффариддин Юлуқ Арслон мўғуллар ҳокимиятини тан олганди.

1291 йили мўғуллар ва салжуқийлар қўшини Кастамонни олди. Жангда Музаффариддин Юлуқ Арслон ўлди. Кўня султони Масъуд

II Кастамонни урушда ёрдам берган Темур Жондор Шамсиддинга топширди. Музаффариддин Юлуқ Арслоннинг ўғли Носириддин Маҳмуд бир муддат Кастамонни қайтариб олишга уринди. 1309 йили Темур Жондорнинг ўғли Сулаймон Кастамонни узил-кесил эгаллади ва Чўпон ўғиллари бейлиги ҳукмронлиги тугади.

### Чўпон ўғиллари бейлиги

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Ҳусомиддин Чўпонбей	1225/1227 – ?
2.	Алпюракбей, Чўпонбей ўғли	? – 1284
3.	Музаффариддин Юлуқ Арслон, Алпюракбей ўғли	1284 – 1291
4.	Носириддин Маҳмуд, Юлуқ Арслон ўғли	1291 – 1309

**Қарамонийлар (1256 – 1483)** – Нур Суфий авлоди бўлган туркий сулола. Дастлаб Кўня султонлиги, 1286 йилдан хулакуийлар ва мамлуқлар вассали бўлишган. XIV асрда Марказий ва Жанубий Анатолияни эгаллаб мустақилликни қўлга киритишган. Бейлик 1483 йили Усманийлар давлатига қўшиб юборилди.

### Қарамонийлар давлати ҳукмдор (бейларбей)лари

#### 1. Кўня султонлигига тобе қарамон улубейлари

1. Қарамон, Нур Суфий ўғли (1256 – 1261).
2. Шамсиддин Муҳаммад I, Қарамон ўғли (1261 – 1277).
3. Гунери, Шамсиддин Муҳаммад ўғли (1277 – 1286).

#### 2. Қарамонийлар давлати бейларбейлари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Гунери, Шамсиддин Муҳаммад ўғли	1286 – 1300
2.	Бадриддин Маҳмуд, Шамсиддин Муҳаммад ўғли	1300 – 1308
3.	Яхшихон, Бадриддин Маҳмуд ўғли	1308 – 1317
4.	Сулаймон, Бадриддин Маҳмуд ўғли	1317



5.	Бадриддин Иброҳим, Бадриддин Маҳмуд ўғли	1317 – 1341
6.	Бурҳониддин Мусо, Бадриддин Маҳмуд ўғли	1341 – 1345
7.	Аълоиддин Халил, Бадриддин Маҳмуд ўғли	1345 – 1349
8.	Фахриддин Аҳмад, Бадриддин Иброҳим ўғли	1349
9.	Шамсиддин, Бадриддин Иброҳим ўғли	1349 – 1352
	Бурҳониддин Мусо, Бадриддин Маҳмуд ўғли	1352 – 1355
10.	Сайфиддин Сулаймон, Аълоиддин Халил	1355 – 1381
11.	Аълоиддин Али, Аълоиддин Халил ўғли	1381 – 1391

1391 – 1403 йилларда Усманийлар давлати таркибида бўлган.

1403 йили Қарамонийлар давлати Амир Темур томонидан тикланган.

12.	Носириддин Муҳаммад, Аълоиддин Али ўғли	1403 – 1419
13.	Аълоиддин Али, Аълоиддин Али ўғли	1419

1419 – 1421 йилларда Мамлуклар давлати таркибида бўлган.

	Носириддин Муҳаммад, Аълоиддин Али ўғли	1421 – 1424
	Аълоиддин Али, Аълоиддин Али ўғли	1424
14.	Тожиддин Иброҳим, Носириддин Муҳаммад ўғли	1424 – 1463
15.	Исҳоқ, Тожиддин Иброҳим ўғли	1463 – 1464
16.	Пир Аҳмад, Тожиддин Иброҳим ўғли	1464 – 1474
17.	Қосим, Пир Аҳмад ўғли	1474 – 1483

**Аланьядаги уруғ.** 1366 йили Кипр қироллиги рицарларининг ҳужуми муваффақиятли қайтарилди. Қарамонбей Совжи 1427 йили мамлукларга қарам бўлиб қолди. Натижада 1471 йили Гедик Аҳмад пошшо Аланьяни олиб Усманийлар давлати таркибига қўшиб юборди.

**Ментеше бейлиги (1261 – 1424).** Бейликка Ментешебей бошлиқ ўғуз қабилаларидан бирининг сардори томонидан Муғла, Каша, Финика, Чина, Тавас, Чамэли, Ойдин ерларини ўз ичига олган ҳудудда асос солинган.

Муғла (Кария) вилояти 1261 йилдан туркларнинг кўплаб ҳужумига учради. 1277 йили Ментешебей қарамонийлар билан бирлашиб Кўняни олди. 1282 йили Ментешебей бошлиқ турклар Гўзалхисор ва Султонхисорни эгаллашди. 1291 йили мўғул элхонийлари қарамонийларни

нийлар, Ашраф ўғиллари ва Ментеше бейликларига юриш қилишди. Айна вақтда, турклар Муғла (Кария)ни тўла эгаллади.

Ментешебейнинг ўғли Масъудбей 1300 йили Родоснинг катта қисмини ишғол қилди, лекин госпитальер рицарлар 1308 йили оролда ҳукмронликларини тиклашди. Масъудбейнинг оролни олиш учун қилган кейинги ҳаракатлари самарасиз бўлди. Унинг укаси Қарамонбей Финикани бошқарди. Масъудбейнинг ўғли Ўрхунбейнинг 1320 йили Родосни эгаллашга уриниши муваффақият келтирмади. Ўрхунбейнинг ўғли Иброҳимбей христиан мамлакатлари (аввало, Венеция) билан тинчлик алоқаларини ўрнатишга ҳаракат қилди.

Иброҳимбейнинг вафотидан сўнг ўғиллари тахт учун кураш бошлади, бу эса бейликнинг заифлашувиغا олиб келди.

1391 йили Йилдирим Боязид Ментеше бейлигини қўлга киритди. Иброҳимбейнинг ўғли Муҳаммадбей Мисрга қочди.

Амир Темур 1402 йилги Анқара жангидан сўнг бейликни тиклади. Муҳаммадбейнинг ўғли Илёсбей ҳукмдор бўлди. У бейликнинг маркази қилиб Палптяни танлади. Қизини Ойдин бейи Умур II га берган.

Бейлик 1414 йилдан Усманийлар давлатига тобе бўлди ва 1424 йили тугатилди.

### Ментеше бейлари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Ментешебей	1261 – 1295
2.	Ментешебей Масъуд, Ментешебей ўғли	1295 – 1319
3.	Шужоъиддин Ўрхун, Ментешебей ўғли	1319 – 1337
4.	Иброҳим, Ўрхун ўғли	1337 – 1354
5.	Мусо, Иброҳим ўғли	1354 – 1375
6.	Тожиддин Аҳмад Ғозий, Иброҳим ўғли	1375 – 1391
7.	Муҳаммад, Иброҳим ўғли	1391

Бейлик 1391 – 1402 йилларда Усманийлар давлати таркибида бўлган.

8.	Музаффариддин Илёс, Муҳаммад ўғли	1402 – 1421
9.	Лайс, Илёс ўғли	1421 – 1424

**Инанч ўғиллари бейлиги (1262 – 1368)** – Денизли вилоятида ҳукмронлик қилган туркий бейлик. 1307 йилгача Кўня султонлигига, сўнг 1335 йилгача хулакуийларга ва, ниҳоят, Гармиён бейлигига тобе.

Мўғуллар таъқибидан қочган туркманлар Денизли, Даламан ва Ханас минтақаларида ўрнашишди. Уларнинг бошида Муҳаммадбей, укаси Илёс ва куёви Алибей турарди. Муҳаммадбей 1261 йили Кўня султониغا қарши исён кўтарди, кейинги йили Хулакуга бўйсунди ва Денизли бейлигига асос солди. Бироздан кейин Муҳаммадбей мўғулларга ёқмай қолди, улар томонидан мағлуб этилди, сўнгра тугатилди. Ўрнига Алибей келди ва Кўня султонлигига бўйсунди.

Алибейдан кейин ўғиллари Инончбей ва Тўғон пошшо ҳукмдорлик қилди. Сўнгра Тўғон пошшонинг бир ўзи давлатни бошқарди. Тўғон пошшодан сўнг ўғли Арслонбей, ундан кейин ўғли Исҳоқбей биринкетин ҳокимият тепасида турди.

Денизли бейлиги 1368 йили Гармиён ўғилларининг Денизлини олишидан сўнг тугатилди.

**Соҳиб ота ўғиллари бейлиги (1275 – 1333).** Бейлик асосчиси Рум Салжуқийлари саройида 1266 – 1285 йилларда вазирлик қилган Соҳиб ота Фахриддин Алидир. Соҳиб ота салжуқийлардан узоқлашиб, 1275 йили Афён шаҳрида бейлик тузди. Вилоят бунгача Қораҳисор деб номланган бўлиб, кейин унинг шарафига Соҳиб Қораҳисор деб аталди. Кейин Афён Қораҳисор деб номланди.

Қарамоний Муҳаммадбей ва салжуқ сохта шахзода Сиёвуш 1277 йили Кўняни эгаллади. Соҳиб ота ўғиллари Қораҳисорда уларга қарши кўшин тўплаб юриш қилишди. Сиёвуш ва Муҳаммадбей ҳам Оқшеҳрга қараб юрди ва Соҳиб отанинг ўғиллари – Тожиддин Ҳусайн ва Насриддин Ҳасанбей жангда ўлдирилди.

1285 йили Соҳиб ота Оқсаройда ўлди. Унинг ўрнини эгаллаган невараси Шамсиддин Аҳмадбей Насриддин Аҳмадбейнинг ўғли эди. Денизли вилояти маълум муддат Соҳиб ота ўғиллари ва Гармиён ўғиллари бейликлари ўртасидаги курашнинг сабабчиси бўлди. Бироздан сўнг Аҳмадбей Гармиёнхоннинг куёвига айланди. 1287 йили Аҳмадбей тахтдан воз кечиб Кутаҳяга – Гармиён бейлиги саройига кўчиб келди. Унинг ўрнини ўғиллари эгаллади: аввал Нусратиддин Аҳмадбей (1287 – 1327), сўнг Музаффариддин Давлатбей (1327 – 1333). Давлатбейнинг 1342 йилгача бошқаргани ҳақида ҳам маълум

мотлар бор. Кўня султонлигига тобе бейлик, 1308 йилдан хулакуийларга қарам бўлди. Дастлаб Афён вилоятида ҳукмронлик қилишни бошлаган бейликнинг ҳудуди қисқариб борди ва унда фақат Афён (Қораҳисор) атрофидаги ҳудудлар қолди ҳамда Гармиён бейлигининг таъсирига тушиб қолди. Охир-оқибат унга қўшилиб кетди.

**Парвона бейлиги (1277 – 1322).** *Бейликка Муиниддин Муҳаммадбей асос солган. У салжуқийлар саройида хизмат қилган Сулаймоннинг ўғли эди. Муҳаммадбей мўғуллар билан яхши муносабат ўрнатган бўлиб, амалда уларга тобе эди. Муиниддин 1297 йили вафот этди. Унинг вафотидан сўнг укаси Масъудбей тахтга чиқди.*

Масъудбей Бафра ва Самсунни эгаллаб бейлик ҳудудини кенгайтди. Синопда генуяликларнинг манзилгоҳлари мавжуд эди. Бир куни генуяликлар Масъудни қўлга тушириб, уни Кафага олиб кетишди. Масъудбей 1298 йили жуда катта тўлов эвазига озод қилинди. Шу вақтдан бошлаб генуяликлар билан таранг вазият сақланиб қолди.

Масъудбейдан сўнг Ғозий Чалабий ҳукмронлик қилди. Трапезунд грекларидан ёрдам олиб Қрим соҳилларидан Кафадаги генуяликларга қарши юриш уюштирди. Лекин 1319 йили Трапезунд (Трабзон)га ҳужум қилди. 1322 йили Синопга ҳужум қилиб генуяликларни тор-мор келтирди. Ғозий Чалабий вафотидан сўнг, унинг ўғиллари бўлмагани учун, бейлик Исфандиёр ўғиллари бейлигига қўшиб юборилди (1322). Айрим маълумотлар бўйича, Ғозий Чалабийнинг Иброҳим исмли ўғли бўлиб, Синопда бироз кейинроқ ҳукмронлик қилган.

**Ашраф ўғиллари бейлиги (1284 – 1326) – Бейшеҳр ва Сейдешехр минтақаларида ҳукмронлик қилган туркий бейлик. Асосчиси – Сайфиддин Сулаймон ибн Ашраф.**

1284 йили Кўня султони Кайхусрав III элхон Текудернинг буйруғи билан ўлдирилди ва ўрнига амакиваччаси Ғиёсиддин Масъуд II тахтга чиқди. Ўлдирилган султоннинг онаси ўзининг икки неварасига ёрдам бериш учун Ашраф ўғилларини Кўняга чақирди. Кейинроқ Масъуд II билан дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаган Ашраф ўғиллари Кўняга келишди ва унга бўйсунишга рози бўлишди. Ўша вақтда бейлик маркази этиб Бейшеҳр танланди.

Хулакуийларнинг Анатолиядаги бейларбейи амир Чўпонга бўйсунадиган бейлардан бири Муҳаммадбей Ашраф ўғли эди (1314).

Муҳаммадбейдан сўнг Сулаймоншоҳ II бей бўлди. У бошқа мўғул ноиби Темуртош билан тўқнашишга мажбур бўлди. Темуртош 1326 йили Бейшеҳрни босиб олди ва Сулаймоншоҳ II ни ўлдириб кўлга ташлаб юборди. Шундай қилиб, бейлик батамом тугатилди.

**Кареси бейлиги (1285 – 1347).** *Бейлик 1308 – 1335 йилларда Хулакуийлар давлати таркибида, 1335 – 1345 йилларда усмонийларга қарам бўлган.*

Бейлик ерлари, асосан, Византиядан тортиб олинган ҳудудлардан ташкил топганди. Усмонийлар 1345 йили бейликни эгаллаб, сўнгги бей Сулаймонни тахтдан қулатишди. Сулаймон Византия қўшини саркардаси Ватадзеснинг қизига уйланганди.

### Кареси бейлари

т/р	хукмдорлар	хукмронлик йиллари
1.	Каресибей, Каломшоҳ ўғли	1285 – 1332
2.	Темурхон, Каресибей ўғли	1332 – 1336
3.	Яхшибей, Каресибей ўғли	1336 – 1341
4.	Ажлон, Яхшибей ўғли	1341 – 1345
5.	Сулаймон, Ажлон ўғли	1345 – 1347

**Гармиён бейлиги (1286 – 1429).** *Бейлик асосчиси Али Шир. Унинг ўғли Ёқуб I Гармиёнхон Кўня султонлигига бўйсунганини истамасдан мўғул элхонийларга итоат этди. Бейлик маркази Кутаҳя эди. Гармиён бейлиги Анатолиядаги энг кучли бейлик бўлиб, Фарбий Анатолиядаги барча бейлар унга бўйсунарди.*

1314 йили Анатолияга амир Чўпон бошлиқ мўғуллар юриш қилди ва кўпгина бейларбейлар мўғулларга бўйсунди. Ёқуб I нинг невараси Сулаймоншоҳ хукмронлигининг дастлабки йиллари осойишта кечди. Бироқ унинг Қарамонийлар ва Ҳамид бейликлари ўртасидаги урушда Ҳамид бейлиги тарафида туриши Гармиён ва Қарамон ўртасида кескинликни келтириб чиқарди. Сулаймоншоҳ усмонийлар билан битим тузишга қарор қилди. Шу мақсадда Мурод I нинг ўғлига қизини берди ва бейликнинг бир қанча ҳудудини усмонийларга топширди. 1381 йили Симав ва Тавшанли усмонийларга топширилди, Кулу эса Гармиёнга ўтди.

Ёқуббей II Боязид I томонидан тахтдан маҳрум этилди, лекин у 1399 йили асирликда сақланаётган Испала (Румелия)дан муваффақиятли қочиб Амир Темур ҳузурига борди. Анқара жангидан сўнг, 1402 йили, Амир Темур унга худудини олиб берди. Ёқуббей II Амир Темурга вассаллигини тан олди. Кейин усмонийлар ўрта-сида бошланган тахт талашишда жияни Муҳаммаднинг тарафида турди. 1411 йили Қарамон бейи Муҳаммадбейнинг икки юришидан сўнг Ёқуб II мамлакатни тарк этишга мажбур бўлди. Бироқ кейинчалик Муҳаммад I султон бўлгач, 1414 йили, қарамонийларни енгиб Ёқуббейга бейлигини олиб берди.

Бироз давом этган осойишталикдан сўнг Ёқуббей қарамонийлар билан бирлашиб тахт талашаётган Мустафони қўллаб-қувватлади. Мустафо 1423 йили Изникда мағлуб бўлиб ўлдирилгач, Ёқуббей Муҳаммад I томонига ўтди ва 1429 йили вафот этди. Унинг вафотидан кейин, ўғиллари бўлмагани учун, бейлик Усмонийлар давлатига қўшиб юборилди.

### Гармиён бейлари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Али Шир	1286 – 1299
2.	Ёқуб I Гармиёнхон, Али Шир ўғли	1299 – 1330
3.	Муҳаммадбей, Ёқуб I ўғли	1330 – 1360
4.	Сулаймоншоҳ, Муҳаммадбей ўғли	1360 – 1388
5.	Ёқуб II, Сулаймоншоҳ ўғли	1388 – 1390

Бейлик 1390 – 1402 йилларда Усмонийлар давлати таркибида бўлган.

Ёқуб II, Сулаймоншоҳ ўғли	1402 – 1411
---------------------------	-------------

Бейлик 1411 – 1414 йилларда Қарамон бейлиги таркибида бўлган.

Ёқуб II, Сулаймоншоҳ ўғли	1414 – 1429
---------------------------	-------------

**Исфандиёр ўғиллари бейлиги (1292 – 1460).** Бейлик 1292 – 1307 йилларда Кўня султонлигига, 1307 – 1335 йилларда эса хулақуийларга тобе бўлган. 1335 – 1383 йилларда мустақил фаолият

кўрсатган. 1383 – 1402 йилларда усмонийларга тобе, 1402 – 1413 йилларда мустақил, 1413 йилдан яна усмонийларга қарам бўлган.

Бейлик ҳудуди Кастамон, Синоп, Самсун, Чанкири ва Зонғулдоқ минтақаларини ўз ичига олганди. Бейлик усмонийлар билан яхши алоқа ўрнатган. Хулакуий мўғуллар 1291 йили султон Масъуд II бошчилигидаги мўғул ва салжук кўшинини Кастамонга жўнатди. Кўня султони Масъуд II, урушда катта ёрдам бергани учун, Кастамонни Темур Жондор Шамсиддинга берди. Бу бейликнинг бошланишига сабаб бўлди. Бироқ Кастамон ҳануз Чўпон ўғиллари бейлиги назоратида эди. Узоқ йиллик курашдан сўнг Темур Жондор Шамсиддиннинг ўғли Сулаймон Кастамонни қўлга олди. 1322 йили Синоп ҳудуди бейликка қўшилди. Шундан сўнг бейлик иккига бўлиниб кетди. Усмонийлар ёрдамида Сулаймоншоҳ 1384 йили Кастамон тахтига чиқди. Унинг рақиби Боязид Жалолиддин эса Синопга кетишга мажбур бўлди. Сулаймоншоҳ ва усмонийлар ўртасидаги дўстлик султон Боязид ҳукмронлигигача давом этди.

Боязид Анатолиядagi туркларнинг бирлигини сақлаш учун Исфандиёр ўғилларига қарашли ерларни эгаллади. Бироқ Синопдаги бўлак мустақиллигича қолганди. 1402 йилги Анқара жангидан сўнг Исфандиёр Амир Темур ҳукмронлигини тан олди. Шунинг учун унга Исфандиёр ўғиллари бейлигига қарашли ерлар берилди ва Кастамонда ҳукмронлик қилишда давом этди. Кейинчалик султон Муҳаммадни қўллади. Лекин унинг ўғли Мурод II га қарши чиқди. Мурод II вазиятни ўз фойдасига ҳал қилди ва бейлик Усмонийлар давлатига қарам бўлди.

Муҳаммад II Фотиҳ 1460 йили Трапезунд империясига қарши юришдан қайтаётганда Синоп ва Кастамонни Усмонийлар давлати таркибига қўшиб юборди.

### Исфандиёр ўғиллари бейлиги

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Темур Жондор Шамсиддин	1291 – 1301
2.	Сулаймон I, Темур Жондор ўғли	1301 – 1339
3.	Иброҳим I, Сулаймон I ўғли	1339 – 1345
4.	Одил, Ёқуб ўғли, Темур Жондор невараси	1345 – 1374

5.	Боязид, Одил ўғли	1374 – 1385
6.	Сулаймон II, Боязид ўғли	1385 – 1393
7.	Исфандиёр, Боязид ўғли	1403 – 1439
8.	Иброҳим II, Исфандиёр ўғли	1439 – 1443
9.	Абулҳасан Исмоил, Иброҳим II	1443 – 1460

**Сарухан (ўғиллари) бейлиги (1300 – 1405).** Бейлик туркман сардори Саруханбей томонидан ташкил қилинган. Маркази Маниса шаҳри эди. Бейлик 1307 йилгача Кўня султонлигига тобе, 1335 йилгача эса хулакуийларга қарам бўлган. 1335 йилдан мустақил фаолият кўрсатган.

1313 йили Саруханбей византияликлардан Манисани олди ва бейлигининг пойтахтига айлантирди. Қолаверса, флот ташкил этиб, қўшни худудларга ҳужум қилиб турди. Саруханбей флоти Эгей денгизи ороллари ва Болқонга вақти-вақти билан юриш қилиб турарди. Укаси Алипошшо Нифда ҳукмронлик қилган. Кейинчалик Византия империяси ва Ойдин бейлиги билан иттифоқ тузиб усмонийларга қарши курашди. Сўнгра Византиянинг ички ишларига ҳам аралаша бошлади. Саруханбейнинг ўғли Сулаймон Ойдин бейи Умурбей билан бирлашиб Румелиядан ўтди ва 1354 йили Кучукчекмеже номли жойда вафот этди. Ўша йилнинг ўзида Саруханбей ҳам ўлди.

Саруханбейдан сўнг ўғли Фахриддин Илёсбей тахтга чиқди. Усмонийларнинг Румелиядаги ғалабаси Сарухан бейларига у ёққа бо-  
радиган йўлларни тўсиб қўйди. Исҳоқбей даврида усмонийлар билан дўстлик алоқалари ўрнатилди. У усмонийларга Косово жангида ёрдам берди.

Сарухан бейлиги даврида қарамонийлар усмоний султон Боязид I га қарши иттифоқ тузди. Усмонийлар Манисани олишгач Хидиршоҳбейга Демиржи, Гирдес ва Адални қолдиришди. Хидирхоннинг укаси Ўрхунбей Анқара жангида Амир Темур томонида турди, эвазига бейликни қайтариб олди.

Усмонийлар ўртасидаги уруш пайтида Сарухан бейи Сулаймонга қарши иттифоқ тузди. Сулаймон 1405 йили Хидиршоҳни тутиб қатл эттирди. Шундай қилиб, Сарухан бейлиги Усмонийлар давлати таркибига қўшиб юборилди.



## Сарухан бейлари

т/р	хукмдорлар	хукмронлик йиллари
1.	Сарухан	1300 – 1345
2.	Илёс, Сарухан ўғли	1345 – 1357
3.	Исҳоқ, Илёс ўғли	1357 – 1379
4.	Ўрхун, Исҳоқ ўғли	1379 – 1388
5.	Хидиршоҳ, Исҳоқ ўғли	1388 – 1390

Бейлик 1390 – 1402 йилларда Усманийлар давлати таркибида бўлган.

	Ўрхун, Исҳоқ ўғли	1402 – 1403
	Хидиршоҳ, Исҳоқ ўғли	1403 – 1405

**Ҳамид ўғиллари бейлиги (1300 – 1423).** Сулола асосчиси Ҳамидбек Илёс туркман қабилаларидан бирининг сардори бўлиб, Византия империясига хизмат қиларди. Кейин мўғул элхонийларига бирлашди, сўнгра мустақил бўлиб олган. Испарта, Бурдур, Шухут, Оқшеҳр, Бейшеҳр, Сейдишеҳр, Ялавоч, Элмали каби шаҳарлар, ҳаттоки Ментеше бейлиги ҳам Ҳамид бейлиги ҳукми остида эди. Бейлик 1307 йилгача Кўня султонлигига тобе, 1327 йилгача хулакуийларга қарам бўлган. Кейин бейлик мустақил хукмронлик қилган. 1374 йили султон Мурод I Ҳамид ўғилларига 80000 олтин танга бериб, Оқшеҳр, Ялавоч, Бейшеҳр, Қораоғоч, Сейдишеҳрни олди. Натижада бейлик ҳудуди қисқарди.

1310 йилгача бейлик пойтахти Улуборлу бўлган, кейин Эгридирга кўчирилди. Бейликка Теке ўғуллари бейлиги тобе эди. Дундар 1321 йили Гулҳисор, Қоркутэли ва Анталияни бейликка қўшиб олди. Дундарбей Анталияни укаси Юнусбейга берди. Шундай қилиб, янги Анталия (Теке ўғиллари) бейлиги ташкил топди. Юнусбейдан сўнг Маҳмудбей бейликни бошқарди. Унинг кетидан Темуртош мамлуклардан ёрдам сўради, Маҳмудбей Қоҳирага қочди, бироқ ўша ерда ҳибсга олинди. Кейин 1314 йили Анталияга келган амир Чўпонга вассаллигини эътироф этди. Бироқ Анталиядаги бошқа мўғул ноиб Темуртош 1324 йили Дундарбейни ўлдириб бейлик мулкани қўлга киритди. 1327 йили Амир Чўпон ва элхон Абу Саид ўртасидаги курашда Чўпон

ўлдирилди ва ўгли Темуртош Мисрга қочди. Вазиятдан фойдаланган Дундурбейнинг ўгли Исҳоқбей яна мустақил бейлик тузди.

Бейлик 1391 йили султон Боязид I томонидан Усманийлар давлатига қўшиб юборилди.

Боязид 1390 йили Анталияни олгач уни Теке вилояти билан бирга ўгли Муҳаммадга берди. Анқара жангидан сўнг Усмон Чалабий Амир Темур ҳокимиятини тан олди ва қарамонийлардан Анталияни унга қайтариб беришда кўмаклашишларини сўради. Усманийлар бундан хабар топиб Усмон Чалабийни ўлдиришди ва Ҳамид ўғиллари бейлиги фаолиятини тугатди (1423).

### Эгридирдаги бейлар

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Ҳамидбек Илёс	1300 – 1301
2.	Фалакиддин Дундар, Ҳамид ўғли	1301 – 1324

Бейлик 1324 – 1328 йилларда Хулакуийлар давлати таркибида бўлган.

3.	Нажмиддин Исҳоқ, Дундар ўғли	1328 – 1344
4.	Мустафо, Муҳаммад ўғли, Дундар невараси	1344 – 1358
5.	Илёс, Мустафо ўғли	1358 – 1375
6.	Камолиддин Ҳусайн, Илёс ўғли	1375 – 1391

### Анталия (Теке ўғиллари) бейлари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Юнусбей	1321 – 1328
2.	Хидирбей, Дундар Ҳамид ўғли	1328 – 1340
3.	Теккебей, Хидирбей ўғли	1340 – 1386
4.	Муҳаммад, Маҳмуд ўғли	1386 – 1402
5.	Усмон	1402 – 1404

Бейлик 1404 – 1423 йилларда Усманийлар давлати таркибида бўлган.

	Усмон	1423
--	-------	------

**Ойдин ўғиллари бейлиги (1300 – 1425).** Бейликка салжук саркардаси Ойдинраис томонидан асос солинган. Ойдинраис Менандра, Олашаҳар, Солиҳли водийларида ҳукмронлик қилган, пойтахти Смирна (Измур) эди. Бейликнинг энг кучли намояндаси унинг невараси Ғозий Умурбей бўлган. Кучли флотга эга бўлган ҳолда Эгей денгизи устидан тўла назорат ўрнатди. Бейликнинг энг муҳим бандаргоҳи Айсалуг (Эфес) бўлиб қолди.

Умурбей 1335 йили Сарухан бейлари билан бирга Грецияга юриш қилиб, у ердан катта ўлжалар билан қайтди. Византия билан дўстона муносабатлар ўрнатганди.

1344 йили салибчилар Смирнани истило қилишди, Умурбей пойтахтини қайтариб олиш чоғида, 1348 йили, ўлдирилди. Укалари Хидир ва Исо салибчилар билан бейлик учун муваффақиятсиз битимларни тузди. 1389 йилги Косово жангида усмонийлар сафида Ойдин ўғиллари бейлиги аскарлари ҳам бор эди. Шу вақтдан бошлаб бейлик усмонийлар таъсирига тушди. Ойдин ўғилларининг усмонийлар ҳукмронлигидан қутулиш учун қилган ҳаракатлари 1425 йили бейликнинг тугатилиши билан якунланди.

### Ойдин ўғиллари сулоласига мансуб бейлар

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Ойдинраис	1300 – 1308
2.	Муҳаммад, Ойдин ўғли	1308 – 1334
3.	Умур I, Муҳаммад ўғли	1334 – 1348
4.	Хидир, Муҳаммад ўғли	1348 – 1357
5.	Исо I, Муҳаммад ўғли	1357 – 1390

Бейлик 1390 – 1402 йилларда Усмонийлар давлати таркибида.

6.	Исо II, Муҳаммад Чалабий ўғли, Муҳаммад невараси	1402 – 1403
7.	Умур II, Муҳаммад Чалабий ўғли, Муҳаммад невараси	1403 – 1405
8.	Жунайд, Қора Иброҳим ўғли, Муҳаммад укасининг невараси	1405 – 1407

Бейлик 1407 – 1411 йилларда Усмонийлар давлати таркибида бўлган.

Жунайд, Қора Иброҳим ўғли, Муҳаммад укасининг невараси	1411 – 1414
--	-------------

Бейлик 1414 – 1422 йилларда Усманийлар давлати таркибида бўлган.

Жунайд, Қора Иброҳим ўғли, Муҳаммад укасининг невараси	1422 – 1425
--	-------------

Бейлик 1425 йили Усманийлар давлати таркибига қўшиб юборилди.

**Эретна бейлиги (1337 – 1398)** – *Анатолиядаги турк бейлиги. Эретнабей 1327 – 1337 йилларда хулакуийларнинг Анатолиядаги бош ноиб бўлиб хизмат қилган.*

1335 йили Хулакуийлар давлатида бошланган бошбошдоқликдан фойдаланган Эретна мўғуллар итоатидан чиқди. Бироқ 1338 – 1343 йилларда Миср мамлукларига бўйсунушга мажбур бўлди. Шундан сўнг мустақил бўлиб олди ва ўзини султон деб эълон қилди. Бейлик пойтахти дастлаб Сивас, сўнгра Кайсери бўлди. Эретнабей синглисини амир Чўпоннинг ўғли амир Темиртошга берганди. Аммаси эса қармонийлар сулоласи асосчисининг хотини эди.

Эретна Озарбайжонда мўғулларнинг ноиб бўлиб ўрнашган Темиртошнинг ўғли Шайх Ҳасанга бўйсунушдан бош тортди. Шайх Ҳасан ва унинг ташаббуси билан тахтга чиқарилган элхоний Сулаймон Эретнага қарши уруш бошлади. Икки томон Сивас ва Арзинжон оралиғидаги Каранбуюк номли жойда тўқнашди. 1343 йили бўлиб ўтган мазкур тўқнашувда Эретна ғолиб келди. Мазкур ғалабадан сўнг Эретнанинг обрўси ошиб кетди. У энди Марказий Анатолияни бошқара бошлади. Эретна 1352 йили вафот этди. Унинг васиятига биноан тахтга кичик ўғли Муҳаммад Фиёсиддин чиқарилди. Катта ўғли Жаъфар укасига қарши ҳаракат бошлади, бироқ мағлубиятга учраб, Мисрга қочди.

Дастлаб вояга етмаган Муҳаммадбей ўрнига давлатни вазир Алишоҳ бошқарди. Кейин вазир исён кўтарди. Муҳаммадбей 1364 йили мамлуклар ёрдамида исённи бостирди ва жангда Алишоҳ ўлдирилди. 1366 йили Амастья амири Шодкелди пошшонинг ифвоси билан Муҳаммадбей Кайсериде ўлдирилди. Ўрнига мурғак ўғли Аълоиддин Али тахтга чиқарилди. Бошбошдоқликдан фойдаланган

қарамонийлар Нигда ва Оқсарой қалъаларини эгаллади. Улар Кайсерини эгаллашганда, Алоъиддин Али Сивасга қочди.

Бейлик ўзининг энг қудратли даврида Анқара, Қиршаҳар, Навшаҳар, Ёзгат, Токат, Чорум, Амасья, Нигда, Кайсери, Сивас, Арзинжон, Арзирум, Самсун, Кумушхона шаҳарларини назорат қилган. 1360 йилга келганда бейлик Анқара, Нигда, Қиршаҳар, Навшаҳар ва Самсунни бошқа бейликларга бой берганди.

Аълоиддин Али қози Бурҳониддинни вазир этиб тайинлаганди. Аълоиддин бейликни 1380 йилгача бошқарди ва ўша йили Қозиобод шаҳрида ўлатдан вафот этди. Ўрнига етти яшар ўғли Муҳаммад тахтга чиқарилди. Лекин кўп ўтмай қози Бурҳониддин Муҳаммадбейни тахтдан четлатиб, ўзини султон деб эълон қилди. Бурҳониддиннинг ўғли Зайнулобиддин Муҳаммад бейликни усмоний султон Боязид I эгаллаб олган 1398 йилгача бошқарди.

Эретнабей укаси Бароқбейнинг ўғли Мутаҳҳарбей Анқара жангида Амир Темур томонида турган. 1375 – 1404 йилларда Мутаҳҳарбей Арзинжонда ҳукмронлик қилди. 1379 йили Арзирумни эгалади. Байбуртда бейлик қилган Мутаҳҳар Амир Темур ҳимоясига ўтди, бироқ бироздан сўнг унинг ҳудуди усмоний султонлар томонидан эгалланди.

### Сивас ва Кайсеридagi бейлар

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Аълоиддин Эретна ибн Жаъфар	1337 – 1352
2.	Ғиёсиддин Муҳаммад, Эретна ўғли	1352 – 1366
3.	Аълоиддин Али, Муҳаммад ўғли	1366 – 1380
4.	Муҳаммад Чалабий, Али ўғли	1380
5.	Султон Аҳмад қози Бурҳониддин	1380 – 1398
6.	Зайнулобиддин Муҳаммад	1398

### Арзинжон ва Арзирумдаги бей

1. Мутаҳҳарбей (1375 – 1404).

**Зулқадар бейлиги (1337 – 1522).** Сулола асосчиси Зулқадар ўғли Аҳмад Қорачабей. Баъзан мамлуклар, баъзан эса усмонийларга бўйсунушган, лекин кўпинча усмонийлар билан ҳамкорликда фаолият юритганлар.

Бейлик пойтахти аввал Элбистон, кейин Мараша бўлган. Бейликнинг ҳудуди Кайсери, Элазиг, Ойинтоп, Малатия ва Адиёмон минтақаларини ўз ичига олганди. Биринчи ҳукмдор Зайниддин Қорачабей 1337 йили хулакуийлардан Элбистон шаҳрини тортиб олди ва янги бейликка асос солди.

Қорачабей гоҳида мамлукларга бўйсунарди, гоҳида уларнинг итоатидан чиқиб Ҳалабга ҳужум қиларди. У арманларга қарши бир қатор муваффақиятли юришлар олиб борди. Лекин Ҳалаб амири Бой Буғонинг мамлукларга қарши кўтарган исёнини қўллагани унинг тахтдан қулашига замин яратди. Мамлуклар Қорачабейдан сўнг Элбистонга ўғли Халилбейни ҳукмдор этиб тайинлашди.

Амир Темур Элбистон, Малатия ва Беснани олгач, Қорачабейнинг невараси Муҳаммадбей мулкидан ажралди. Муҳаммадбей усмоний султон Муҳаммад I билан яхши муносабат ўрнатди ва унинг кўмаги билан ҳокимиятини тиклади. Шу билан бирга, Рамазон ўғиллари ва Қарамон ўғилларига қарши кураш олиб борди. Натижада Кайсерини эгаллади.

1442 йили Муҳаммадбей ўрнига ўғли Сулаймонбей келди. Сўнг унинг ўғиллари ўртасида тахт талашиш бошланди. Усмонийлар ва мамлуклар бейликнинг ишига араллашиб ўз номзодларини тахтга чиқаришга интилишди. Бузкурд Аълоуддавла 1479 йили усмонийлар ёрдами билан тахтга ўтирди. Қизи Оиша хотун султон Боязид II нинг рафиқаси эди. Бироқ Бузкурд Аълоуддавла орадан кўп ўтмай усмонийлар билан уришиб қолди уларга қарши исён кўтарди. Бузкурд 1515 йили тўртта ўғли билан бирга ўлдирилди, ўрнига жияни Алибек тайинланди. Алибек усмонийларнинг Мисрга юришида, кейинроқ Дамашқ амири Жонберди Ғазолийга қарши курашда катта ёрдам берди. Бироқ 1522 йили Ферат пошшо уюштирган фитна туфайли ўлдирилди. Шундан сўнг бейлик Усмонийлар давлатига қўшиб юборилди.

### Зулқадар бейлиги бейлари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Зайниддин Қорачабей	1337 – 1353
2.	Халил, Қорачабей ўғли	1353 – 1386
3.	Сули Шаъбон, Қорачабей ўғли	1386 – 1398
4.	Садақа, Сули Шаъбон ўғли	1398 – 1399

10.	Сулаймон I ибн Салим I	1520 – 1566	1495 – 1566
11.	Салим II ибн Сулаймон I	1566 – 1574	1524 – 1574
12.	Мурод III ибн Салим II	1574 – 1595	1546 – 1595
13.	Муҳаммад III ибн Мурод III	1595 – 1603	1568 – 1603
14.	Аҳмад I ибн Муҳаммад III	1603 – 1617	1589 – 1617
15.	Мустафо I ибн Муҳаммад III	1617 – 1618	1591 – 1639
16.	Усмон II ибн Аҳмад I	1618 – 1622	1604 – 1622
	Мустафо I ибн Муҳаммад III	1622 – 1623	1591 – 1639
17.	Мурод IV ибн Аҳмад I	1623 – 1640	1612 – 1640
18.	Иброҳим I ибн Аҳмад I	1640 – 1648	1615 – 1648
19.	Муҳаммад IV ибн Иброҳим I	1648 – 1687	1642 – 1691
20.	Сулаймон II ибн Иброҳим I	1687 – 1691	1642 – 1691
21.	Аҳмад II ибн Иброҳим I	1691 – 1695	1643 – 1695
22.	Мустафо II ибн Муҳаммад IV	1695 – 1703	1664 – 1703
23.	Аҳмад III ибн Муҳаммад IV	1703 – 1730	1673 – 1736
24.	Маҳмуд I ибн Мустафо II	1730 – 1754	1696 – 1754
25.	Усмон III ибн Мустафо II	1754 – 1757	1699 – 1757
26.	Мустафо III ибн Аҳмад III	1757 – 1774	1717 – 1774
27.	Абдулҳамид I ибн Аҳмад III	1774 – 1789	1725 – 1789
28.	Салим III ибн Мустафо III	1789 – 1807	1761 – 1808
29.	Мустафо IV ибн Абдулҳамид I	1807 – 1808	1778 – 1808
30.	Маҳмуд II ибн Абдулҳамид I	1808 – 1839	1785 – 1839
31.	Абдулмажид I ибн Маҳмуд II	1839 – 1861	1823 – 1861
32.	Абдулазиз ибн Маҳмуд II	1861 – 1876	1830 – 1876
33.	Мурод V ибн Абдулмажид I	1876	1830 – 1904
34.	Абдулҳамид II ибн Абдулмажид I	1876 – 1909	1842 – 1918
35.	Муҳаммад V ибн Абдулмажид I	1909 – 1918	1844 – 1918
36.	Муҳаммад VI ибн Мурод V	1918 – 1922	1861 – 1926
37.	Абдулмажид II ибн Абдулазиз II	1922 – 1924	1868 – 1944

**Усмоний турклар давлати. Бейликнинг ташкил топиши.** Европа салиб юришларидан тўхтамай туриб, даставвал Византия империяси чегараларида, кейинроқ салибчилар топтаб ўтган Болқонда буғдойранг суворийлар пайдо бўлишди. XIII асрнинг иккинчи ярми – XIV аср бошларида Кичик Осиё яриморотида ёки Анатолияда янги давлат – Усмонийлар империяси вужудга келди.

Марказий Осиёдан Кичик Осиёга салжуқийлардан кейин туркларнинг кўчиб ўтиши мўғулларнинг кучли босими билан изоҳланади. Мўғуллар ғарбга юришни бир неча йўналишда олиб боришди. Йўналишлардан бири Ўрта Осиё ва Эрон орқали Ўрта ер денгизига чиқиш эди. Бу юриш давомида улар хонавайрон бўлган оз сонли жанговар турк қабилаларини ўз жойларидан сиқиб чиқаришди. 1243 йили мўғуллар Кичик Осиёда салжуқийлар қўшинини тор-мор этди. Шу вақтнинг ўзида мўғуллар Рус князликларини ҳам истило қилишганди. Мўғуллар Кичик Осиёда Русдагидек марказлашган бошқарувни жорий қила олишмади. Бунга сабаб Византия империяси ҳали кучлилиги, мўғулларнинг Эронни тўлиқ эгаллашмагани эди.

Ғарбий ва Марказий Анатолияда 20 га яқин бейликлар (майда давлатлар) бўлиб, улар номигагина мўғуллар ҳукмронлигини тан олган. Бу бейликлар Чингизхон ва унинг ворислари босқинидан чекинган турк қабилаларини ҳамда олдинроқ ўша ерда яшаган кўчманчи ва ярим кўчманчи туркларни ўз ерларига жойлаштиришди. Ўз ватанлари Туркистондан узоқда яшаётган қабилаларнинг шевалари турлича бўлса-да, бир тилда сўзлашишарди. Уларнинг яшаш тарзи тезда ҳарбийлашиш ва кўчманчи ҳаётга кўникишга мослашганди. Кўчиб келганлар ўзаро ва қўшнилари: греклар, арманлар, форслар ва араблар билан уруш қилиб турарди. Лекин уларнинг кўпчилиги чорвадорлик ва деҳқончилик билан шуғулланган. Бегона ўлкаларда яшаб қолиш учун қурол-яроғ ишлата олиш ва ўзаро дўстлик алоқаларини сақлаш лозимлигини яхши англарди.

Улар орасида ҳарбий бошлиқлар – амирлар, мусулмон руҳонийлар – шайхлар алоҳида ажралиб турган. Амирлар атрофида профессионал жангчилар хизмат қилган.

Усмоний турк давлатининг ташкил топиш санаси шартли белгиланади, Салжуқийлар салтанати қулаган 1307 йилни ҳам Усмонийлар давлати тузилган йил дегувчилар бор. Салжуқийлар қўшини мўғуллардан мағлуб бўлган 1243 йилдан бошлаб давлат ичида айирмачилик ҳаракатлари кучайиб кетди. Ойдин, Гармиён, Қарамон, Ментеше, Сарухан ва бошқа салжуқийларга қарашли ерларда мустақил бейликлар тузилди. Гармиён ва Қарамон бейликлари эса мўғулларга қарши муваффақиятли кураш олиб борди. Мўғуллар ҳаттоки 1299 йили Гармиён бейлигининг мустақиллигини тан олди.

XIV асрнинг охириги ўнйилликларида Анатолиянинг шимоли-ғарбий қисмида амалда мустақил бўлган бейлик ташкил топди. Бейлик тарихга оз сонли турк қабиласининг оқсоқоли номи билан



кирди. У кўчманчи ўғуз қабиласининг кай уруғидан эди. Турк тарихчиларига кўра, ўғузларнинг кай уруғи бир вақтлар хоразмшоҳлар кўшинида хизмат қилган. Кейин эса Ўрта Осиёдан Анатолияга кўчиб келишган. Аввалига кайлар ҳозирги Анқаранинг ғарбида жойлашган Қоражадага жойлашишди. Кейинчалик уларнинг бир қисми Аҳлат, Арзурум ва Арзинжон ва Амасу Ҳалабгача етиб бориб жойлашишди. Кайларнинг баъзи кўчманчи уруғлари ҳосилдор Чуқурова худудига ўрнашди. Айнан мана шу ерга жойлашган кайларнинг Эртўғрул бошчилигидаги ҳарбий бўлинмаси (400 – 500 киши) мўғуллар ҳужумидан қочиб салжуқийлар султони Кайқубод I ҳузурига борди. Эртўғрул султондан уларни ҳимоясига олишни сўради. Кайқубод I Эртўғрулга Вифиния чегарасидаги византияликлардан тортиб олинган уж (салтанат чеккасидаги худуд) берди. Эртўғрулнинг ужи унча катта бўлмай, Мелангия (Қорачаҳисор) ва Сёгут (Эскишеҳрдан шимоли-ғарбда) дан иборат эди. Аммо ҳукмдор жасур киши бўлиб, унинг аскарлари кўшни Византия ерларига ҳужум қилиб туришарди. Чекка худудлар Константинополь сиёсатидан норозилигидан Эртўғрул ҳам хабардор эди. Бу эса унга ўзига тегишли ужни Византияга қарашли чегара ноҳиялар ҳисобига кенгайтиришга имкон берди. Турк тарихчилари Эртўғрул 90 ёшида, 1281 йили, вафот этган дейишади. Бошқа манбаларда 1288 йил кўрсатилади. Ўғли Усмон ҳақида ҳам бир қанчаривоятлар бўлиб, унинг 1258 йили Сёгутда туғилганлиги айтилади. Эртўғрул ва вориси Усмон бошқарган ужнинг асосий даромади Византия чегараларига уюштириладиган ҳужумлардан келарди. Бу эса кўшинга бошқа турк қабилаларидан аскарлар кўшилишига олиб келди. XIII асрнинг иккинчи ярмида Анатолиядаги бейлар ўзаро урушган бир пайтда, Эртўғрул ва Усмон дин учун курашчи сифатида танилди. Баъзи манбаларда Эртўғрул ўлимидан сўнг унга бош бўлиш укаси Дундарга ўтиши кутилаётганди, унинг тарафдорлари кўп эди, бироқ унга Эртўғрулнинг ўғли Усмон бошчилик қиладиган бўлди, Дундар жиянига қарши чиқишга ҳаракат қилмади, лекин у кўп ўтмай ўлдирилди дейилади.

**Усмон Ғозий (1258 – 1326)** – *Усмонийлар давлати асосчиси ва биринчи ҳукмдори (1299 – 1326). Давлат номи унинг шарафига қўйилган. 1258 йили Вифинияда туғилган. 1299 йили султон унводини олган. 1326 йили Бурсада вафот этган.*

Усмон ҳокимиятга келгач барча эътиборини Вифинияни бўйсундиришга қаратди. Усмоннинг дастлабки муваффақиятли юриши 1291 йили Мелангияни забт этиш бўлди. Византиянинг бу мўъжаз

шаҳарчасини Усмон ўзига қароргоҳ қилиб олди. Мелангиянинг аҳолиси шаҳарни ташлаб кетди, бир қисми эса тўқнашувларда ҳалок бўлган. Усмон у ерга Гармиён ва Анатолиянинг бошқа ҳудудларидан аҳоли жойлаштирди. Христианлар канисаси Усмон буйруғи билан масжидга айлантирилди ва ҳар жумада унинг номи хутбада янграй бошлади. Афсоналарга кўра, ана шу пайтда Усмон салжуқ султонларидан бейлигини тасдиқловчи ноғора ва туғ олди. Орадан кўп ўтмай Усмон ўзига қарашли ужни мустақил давлат, ўзини эса ҳеч кимга бўйсунмайдиган ҳукмдор деб эълон қилди. Бу тахминан 1299 йили – Кайқубод II қўл остидагиларнинг исёнидан кўрқиб давлати пойтахтидан қочган пайт содир бўлди. 1307 йилгача номигагина ҳукмронлик қилган рум салжуқийларининг сўнгги вакили мўғуллар буйруғи билан бўғиб ўлдирилган вақтга қадар Усмон биров мустақил бўлса-да, кейин мўғул сулоласи хулакуийларга йиллик бож тўлаб турган. Бу Усмоннинг ўғли Ўрхун ҳокимият тепасига келгунча давом этди.

XIII аср охири ва XIV аср бошларида Усмон бейлиги ўз ҳудудини сезиларли даражада кенгайтди. Ёш давлатга қўшнилари душманлик назари билан қарамагани Усмоннинг Византияга юришларини осонлаштирди. Гармиён бейлиги гоҳида мўғуллар билан, баъзан византияликлар билан урушган бўлса, Кареси бейлигининг ҳарбий ҳаракатлар олиб боришга кучи етмасди. Анатолиянинг шимоли-ғарбидаги Чандар ўғли бейлиги ҳам Усмонни безовта қилмасди, бейлик бутун кучини мўғулларга қарши курашишга сарфарбар этганди. Бу қулай вазият Усмоннинг ғарбга юришига имконият берарди.

1301 йил Усмон Енишеҳрни забт этиб, у ерга қалъа қургач Бурса шаҳрини қўлга киритиш учун тайёрлана бошлади. 1302 йилнинг ёзида Византиянинг Бурсадаги вакили қўшинларини Вафеяда тор-мор этди. Бу усмоний туркларнинг катта жанглардаги илк зафари эди. Византия империяси қаршисида кучли рақиб турганини англади.

Усмон мулклари бўлган ҳудудларга кўплаб аҳоли кўчиб кела бошлади. Бу Усмоннинг кейинги юришларига туртки берди. Византияликлар Усмоннинг мавқеи кучаётганини кўриб Анатолия қишлоқларини тарк эта бошлади. Византия кўмондонлиги Усмоннинг Европага қиладиган ҳужумига қарши туриш учун флотни мустаҳкамлашга катта эътибор берди. Лекин Усмон ғарбга юришни давом эттириб, Эгей денгизидаги Эфесни қўлга киритди.

1305 йили усмоний турклар Левке жангида мағлуб бўлишди, уларга қарши византияликлар қўшинида хизмат қилаётган каталониялик

бўлинмалар ҳам қатнашган. Кейин Византияда тахт учун кураш бошланди, бу турклар учун ҳарбий ҳаракатларни давом эттириш учун қулай вазият яратди. Усмон қўшинлари Анатолиянинг Қора денгиз соҳилидаги Византияга тегишли бир қанча шаҳарларни эгаллади. Ўша йили турклар биринчи марта Византиянинг Европа қисмидаги худудларига ҳужум қилишди. Шунингдек, Усмон қўшинлари Бурсага олиб борадиган йўлдаги бир қанча қалъаларни ҳам забт этди.

1315 йилга келиб Бурса атрофидаги барча қалъалар усмонийлар қўлига ўтганди. Усмонийлар Бурсани кейинроқ – Эртўғрул ўлган йили туғилган Усмоннинг ўғли Ўрхун даврида эгаллашди.

Ўрхуннинг қўшини, асосан, отликлардан ташкил топганди. Туркларда қамал қуроллари йўқ эди. Шунинг учун бей барча тарафи кучли девор билан ўралган шаҳарни қамал қилишга қарор бермади ва Бурсага олиб борадиган барча йўللарни тўсиб, шаҳарни дунёдан узиб қўйди. Турклар забт этган ўлкалар аҳолисини қувишар, ўрнига бей буйруғи билан турк аҳолиси кўчирилди, Бурса атрофидаги қалъаларда ҳам турклар жойлашганди. Бурса ҳеч қаердан ёрдам олмади ва ташқи дунёдан тамоман узилиб қолди. Туркларнинг бу қамали 10 йил давом этди. 1326 йилнинг апрелида Ўрхун қўшини шаҳар деворига яқин турган пайтда шаҳар таслим бўлди. Бу воқеа Усмоннинг ўлимидан биров олдин бўлиб ўтди. Хабарни етказишганда, Усмон ўз қароргоҳида ўлим тўшагида эди.

**Ўрхун (1288 – 1359)** – Усмонийлар давлатининг иккинчи ҳукмдори (1326 – 1359). 1288 йили Анатолияда туғилган.

Усмондан сўнг бей бўлган Ўрхун Бурсанинг бейлик пойтахти бўлганини маълум қилди. Ўрхун 1327 йили шаҳарда биринчи марта кумуш танга – ақча зарб қилдирди. Бу бейликнинг мустақил бўлиши жараёни яқунланаётганини англатарди. Усмонийларнинг кейинги юришлари шимолга қаратилди.

1330 йили Ўрхун қўшини Никея (Изник)ни, 1337 йили Никомедия (Измит)ни қўлга киритди. Турклар Ўрхуннинг укаси Аълоиддин бошчилигида Никеяга қараб юриш қилаётганда, дараларнинг бирида император қўшинлари билан жанг бўлиб ўтди. Византияликлар енгилди, император эса жароҳатланди. Никеяни олиш учун қилинган бир неча ҳужумлар туркларга муваффақият келтирмади. Улар тажрибадан ўтган қамал усулини қўллаб, Никеяга олиб борадиган барча йўллари тўсиб қўйишди. Ҳеч қандай чора тополмаган Никея таслим бўлди. Никеянинг забт этилиши усмонийларга Византия империясининг Осиёдаги мулкларига ҳужум қилиш учун йўл очди.

Денгиз орқали ёрдам олиб турган Никомедия қамали эса 9 йил давом этди. Ўрхун Никомедияни олиш учун Мармар денгизининг тор бўғозини қамал қилди. Чорасиз қолган Никомедия (Измир) аҳли туркларнинг шафқатига умид қилиб шаҳарни топширди.

Никея ва Никомедияни олгандан сўнг турклар Босфордан Измит кўрфазининг шимолидаги ерларга эга бўлишди. Измит туркларнинг янги флоти учун дастлабки бандаргоҳ вазифасини ўтаган. Туркларнинг Мармар денгизи ва Босфор соҳилларига чиқиши уларнинг Фракияга қиладиган ҳужумларига замин яратди.

1338 йилдаёқ турклар Фракия ерларини олишга ҳаракат бошлаб юборишди, Ўрхуннинг ўзи ўттизга яқин кема билан Константинополь остоналарида пайдо бўлди. Бироқ Ўрхун бўлинмаси Византия кўшинларидан енгилди. Император Ўрхун билан муносабатларни яхшилаш учун унга қизини берди. Ўрхун бир муддат Византияга қарши ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиб, ҳатто Византияга ҳарбий ёрдам ҳам кўрсатиб турди. Лекин у Босфорнинг Осиёдаги қисмини ўзининг мулки деб биларди. Император ҳузурига меҳмон сифатида борган Ўрхун унга Босфорнинг Осиё қисмида зиёфат уюштиришни таклиф қилди. Император аъёнлари билан ўша ерга боришга мажбур бўлди.

Кейинчалик усмонийларнинг Фракия ҳудудига кириши Ўрхун ва Византия муносабатларини янада кескинлаштирди. Яна ўн-ўн беш йиллардан сўнг Ўрхун кўшини Византиянинг Европадаги қисмига ҳужум қила бошлади. Бунга XIV асрнинг 40-йилларида Кареси бейлигидаги тахт учун кечаётган кураш туртки берди. Бейликнинг ҳудуди Дарданел бўғозининг шарқий соҳилларигача бўлган ерлар эди.

1345 йили Ўрхун Кареси бейлигини тугатди. Турклар 1346 йили Византияда бўлаётган фуқаролар уруши (1341 – 1347)га араллашиб бўлажак император Иоанн VI Кантакузэнга ёрдам беришди ва амалдаги император Иоанн V Палеологга қарши курашишди. Бунинг эвазига Ўрхунга Иоанн VI нинг қизи Феодора хотинликка берилди.

XIV аср ўрталарида турклар ҳарбий ҳаракатларини фақат ғарбда эмас, шарқда ҳам кучайтира бошлади. Ўрхун бейлиги Элхонийлар давлатининг қулашидан сўнг амалда мустақил бўлиб олган мўғулларнинг Кичик Осиёдаги ноиб Эртен давлати билан чегарадош эди. Эртен ўлгач, унинг давлатида фитналар юз бериб, тахт учун кураш бошланиб кетди. Ўрхун вазиятдан фойдаланиб 1354 йили Эртен ерларига бостириб кирди ва Анқарани эгаллади.

Турклар 1352 – 1354 йилларда Европадаги биринчи фатҳларини бошлашди. 1354 йили зилзила туфайли мудофаа деворлари вайрон бўлган Галлиаполни қийинчиликсиз забт этишди. 1356 йили Ўрхуннинг ўғли Сулаймон бошчилигидаги кўшин Дарданел орқали юриш қилиб Дзориллос (Чорлу) каби бир қанча шаҳарларни бўйсундирди. Кўшин Адрианопол (Эдирна)га қараб йўлга тушди. Сулаймон юришининг асосий мақсади ҳам шу эди. Лекин тахминан 1357 йили ҳукмдор режасини амалга оширолмай вафот этди.

**Мурод I (1319/1326 – 1389) – Усманийлар давлатининг учинчи ҳукмдори (1359 – 1389).**

Султон Мурод I тахт талашиб инилари Иброҳим ва Халилни ўлдиртириб юборди. Улардан қутулгач давлатининг шарқий ва жанубий чегараларига ўз эътиборини қаратди. Муроднинг Қарамон бейлигига қарши юриши бир вақтлар усмонийларга тегишли бўлган Анқарани истило қилиши билан яқунланди. Анқара ва унга ёндош ҳудудлар Мурод давлатига кўшилди. У ерлар ўзининг ангор эчкилари ва маҳаллий ҳунармандлар томонидан тайёрланадиган жун матолари билан машҳур эди. Мурод I шарқий чегаралар хавфсизлигини таъминлагач кўшинларини ғарбга йўналтирди. Турклар Эдирнани Ўрхун вафотидан кейин – Мурод ҳукмронлиги даврида қўлга киритишди. Бу воқеа турли хил манбаларда 1361 ва 1363 йиллар деб кўрсатилади. Эдирнанинг тақдири узоқ муддатли қамалсиз ҳал бўлди. Турклар византияликларни Адрианополь остоналарида тор-мор этди ва шаҳар батамом мудофаасиз қолдирилди.

1365 йили Мурод ўз қароргоҳини бироз муддат Бурсадан Эдирнага кўчирди, сўнг шаҳар давлат пойтахти бўлиб қолди. Мурод султон унвонини қабул қилиб тарихга Мурод I номи билан кирди. У Фракияга бой берилган ерларни жуда осонлик билан қўлга киритди. 1362 йили турклар болгарларнинг катта ва бой шаҳри бўлган Филиппопол (Пловдив)ни эгаллади. Орадан икки йил ўтгач эса болгар шоҳи Шишман Усманийлар султонлигига тобе бўлиб қолди ва Мурод I ҳарамини синглиси билан тўлдиришга мажбур бўлди.

1366 йили усмонийларга қарашли Галлиопол яриморолидаги ҳудуд граф Амадей Савойский томонидан босиб олинди.

Султон Мурод кўшини 1371 йили Марица дарёси бўйидаги жангда Жанубий Европа ҳукмдорларининг 60 минг кишилик бирлашган кўшинига зарба бериб Македониянинг Драма, Кавала ва Серра шаҳарларини эгаллади.

Усмонийларнинг Болқонга юриши ички низолар туфайли яна орқага сурилди. 1373 йили Мурод I нинг ўғли Совчи султонга қарши исён кўтарди. Шаҳзода Византия тахти меросхўри Адроник билан битим тузишга эришди (Адроник отаси Иоанн V билан тахт талашганди). Султоннинг шахсан ўзи исёнкорга қарши борадиган қўшинни юришга бошлади. Совчи ва унга содиқ бўлганлар Фракияга қарашли Димотикада қамалга олинди. Унинг тарафдорлари, султон қўшини кўриниши билан, бирин-кетин қоча бошлади. Совчи қўлга туширилди ва ўлимга ҳукм қилинди: аввал унинг кўзларини ўйишди, сўнг калласини олишди. Мурод I Совчининг грек тарафдорларини қалъа деворидан дарёга ташлашни буюрди. Византия императори эса султон талаби билан бўйсунмас ўғлини кўр қилди. Ўша пайтда турклар Византияни қаттиқ қўрқувга солиб турардики, императорлар ўзларини султон тобеларидек тутишарди.

1376 йилнинг кузида усмонийлар Галлиополда ҳукмронликни қайтадан ўрнатишди. 70-йиллар охири ва 80-йилларда турк қўшинлари Византияга қарашли бўлган Болқон яриморотидаги деярли барча ҳудудларни эгаллади.

80-йилларда Мурод ғарбга юришни давом эттирди. 1385 йили Софияни, 1386 йили Нишни қўлга киритди. Кичик Осиёда давлат ҳудуди Гармиён, Текка ва Ҳамид бейликлари ҳисобига кенгайди. 1386 йили бир қанча бейликлар Қарамон бейи қўшини остида бирлашиб усмонийларга қарши уруш очди.

1387 йили Мурод I Болқондаги ҳаракатларни бироз муддатга тўхтатди. Бунга Қарамон бейлиги билан ихтилоф сабаб бўлди. Мурод I Ҳамид бейлигининг бир қисмини унинг ҳукмдоридан сотиб олиб ўз давлатига қўшганди. Қарамон бейи эса ана шу ҳудудлар устида баҳслаша бошлади. Бейнинг фикрича, ички низолар ва қўшинининг асосий қисми Болқонда банд бўлгани сабаб, усмонийлар унга қаршилиқ қилмаслиги керак эди. Бироқ Мурод I Қарамон бейи Аълоиддинга қарши кучли қўшин тайёрлади ва Кўня пасттекислигида бўлган жангда уни бутунлай тор-мор этди. Шундан сўнг султон Кўняни қамал қилди, лекин Аълоиддин омонлик сўради. Мурод Анатолияда ҳарбий ҳаракатларни тўхтатди ва қўлга киритилган ҳудудларни 5 санжоққа бўлиб, ўзининг содиқ амалдорларига тақсимлаб берди. Сўнг ўз қўшинини олиб Болқонга жўнади. Ўша замондаги Болқон халқлари учун энг оғир давр 1389 йил бўлди. Ўша йили турклар болгарларга қарашли ерларга ҳужум қилиб бир қанча шаҳарларни қўлга киритишди ва шоҳ Шишман яширинган Никопол-

ни қамал қилишди. Болгарлар шоҳи туркларнинг шафқат қилишига ишониб таслим бўлди. Сўнг ўзини султоннинг вассали деб тан олди. Шу вақтда серб князи Лазар туркларнинг Сербияга ҳужум қилишидан хавотирланиб қўшин тўплади. Лазар бундан икки йил олдин босниялик жангчилар кўмагида Плочника жангида ғалабага эришгани учун бу сафар ҳам ғалабага умид қиларди.

1389 йил июнда Мурод I катта қўшинга бошчилик қилиб Сербия ҳудудига кирди. Турклар машаққатли Ихтиман дарасидан ўтиб, Морава дарёсигача етиб келишди, Босния, Сербия ва Албания чегарасидаги Косово текислигига ўрнашишди. Мурод I қўшинига қарши бу ерда серб ва боснияликларнинг бирлашган қўшини, шунингдек, албанлар, герцоговиналиклар, польяклар ва венгерларнинг кичикроқ гуруҳлари жойлашганди. Жанг 1389 йил 15 июнда бўлди. Дастлаб яничарлар ҳужумга ўтди. Сўнг даҳшатли қиргин бошланди. Турклар томонида эса ғайритабиий вазият ҳукм сурарди. Эрта тонгда Мурод I ҳарбий кийимларини кийиб жангга тайёрланаркан, унинг қароргоҳига ўзини Милош деб таништирган бир сербни келтиришди. У туркларга душманнинг ҳолати ҳақида тўлиқ маълумот беришини айтди. Сербни султоннинг ҳузурига олиб киришди. Милош султонга яқинлашган заҳоти кутилмаганда қўйнидан ханжарини олиб унинг кўкрагига санчди. Серб шу заҳотиёқ султонни ҳимоя қилиб турган яничарлар томонидан чошиб ташланди. Жангчининг мазкур ҳаракати жанг жараёнига таъсир қилмади. Турклар тўлиқ ғалабага эришди. Лазар асирга олинди ва жароҳатдан ўлаётган Мурод I нинг кўз ўнгида қатл этилди. Туркларнинг ғалабасида ўқотар қуроллар ва замбаракларнинг ҳам ҳиссаси катта бўлди. Мурод I нинг ўлиmidан сўнг унинг катта ўғли Боязид султон деб эълон қилинди. У тахтга даъвогар бўлмасин деган мақсадда укасини бўғиб ўлдиришга ҳукм қилди.

Косово майдонидаги жанг Сербия тақдирини ҳал этди. Сербия XV аср ўрталарига қадар турк султонларининг вассали бўлиб, уларга ўлпон тўлаб турган, кейин эса Усманийлар давлатига қўшиб юборилиб, салтанатнинг таркибий қисмига айланди.

Эллик йилга яқин вақт давомида Эртўғрулнинг кичик бейлиги ҳарбий жиҳатдан қудратли давлатга айланди. Усманийлар давлати Кичик Осиёнинг шимоли-ғарбини эгаллади, ҳудуди Қора ва Мармар денгизигача чўзилганди. Усмоннинг бейлиги даврида қабилавий бошқарув тизими сақланиб қолган. Давлат бошқарув тизимини такомиллаштиришда мусулмон руҳонийларининг ҳиссаси катта бўлди.

Ислом дини билимдонлари маъмурий лавозимларда фаолият олиб боришарди. Усмон мавлавия ва бектошия оқимлари билан яхши муносабат ўрнатди. Шунингдек, асосан, шаҳарларда мавжуд бўлган ва ахи деб номланувчи ҳунармандларнинг диний уюшмалари билан ҳам фаол ҳамкорлик қилди. Диний арбоблар, турли хил оқимлар ва ахи уюшмасига таянган Усмон ва унинг ворислари давлатни мустаҳкамлашди, юришларни «Иймонни ҳимоя қилиш учун кураш» деб аташди.

Усмон янги бошлиқ бўлган пайтда унинг қабиласи ярим кўчманчи ҳаёт кечириб, йилқи ва қўй подаларидан бошқа ҳеч нарсалари йўқ эди. Ўзга мулклар ҳисобига ерлар кенгая бошлагач, у ерларни ўз яқинларига ва уруш қатнашчиларига бўлиб бериш тизими ишлаб чиқилди. Мазкур ҳадялар иқто (суюрғол) деб номланди.

Ўрхун даврида иқтисодий ночорлик туфайли бир ҳарбий юриш тугамай, бошқасини бошлаш мумкин бўлмаган. Мурод I пайтида эса вазият тамоман ўзгарди. Султон энди урушларда қўлга киритилган ўлжанинг 1/5 (бешдан бири)ни давлат хазинасига ола бошлади.

Ўрхун даврида ҳарбий ислоҳот ўтказилди. Яёв деб аталувчи пиёда бўлинмалар тузилди. Пиёда жангчилар жангда қатнашган пайтларида умумий ўлжадан улуш теккан бўлса, тинчлик пайтида солиқлардан озод қилинган ҳолда экинзорларида меҳнат қилишарди. Мусаллам деб аталувчи мунтазам отлик бўлинмалар тузилди.

Мурод I даврида кейинчалик турк армиясининг зарбдор бўлинмаси – яничарлар деб номланувчи (ени чери – янги қўшин) гуруҳлар ҳам тузилди. Вақт ўтиб пиёда яничарлар негизида сипоҳий деб номланувчи отлик бўлинмалар ташкил этилди. Улар ҳам яничарлар сингари султоннинг шахсан ўзига бўйсунитарди. Яничарлар корпусининг қўмондони давлатнинг олий раҳбарлари қаторидан жой олган.

Бу ислоҳотларнинг барчаси туркларнинг кейинги ғалабаларини таъминлаб берувчи муҳим омил бўлди. Шундай қилиб, XIV аср ўрталарида кейинчалик кучли қўшинга эга бўлган ва қисқа муддатда Осиё, Европа ва Африка халқларини бўйсундирган ўрта аср дунёсининг буюк давлатларидан бирининг пойдевори ўрнатилди.

**Боязид I Йилдирим (1360 – 1403)** – усмоний султон (1389 – 1402).

Косоводаги жангдан сўнг турклар Болқоннинг якка хўжайинига айланишди. Византия императорлари турклар ҳужумидан ҳимоясиз эканлигини билиб ўзини туркларнинг вассали каби тутарди. Иш шун-



га бориб етдики, султоннинг 1390 йилги Кичик Осиёга қилган юришларидан бирида Византия тахтининг меросхўри ҳарбий гуруҳ билан султон кўшини сафида иштирок этган. Айнан византиялик шаҳзода турклар томонидан қамал қилинган Измир (Смирна)дан шарқда жойлашган, грекларга қарашли Кичик Осиёнинг ғарбий қисмидаги энг сўнгги қалъа – Филадельфияга биринчи бўлиб кирганди.

XIV аср охирларида туркларнинг асосий мақсади Болқон ерларини забт этишдан иборат эди. 1393 йили Боязид кўшинлари болгарлар пойтахти Тирновони босиб олди. 1395 йили эса Болгариянинг энг сўнгги исёнкор шаҳри Видин таслим бўлди. Болгар подшоҳлиги деярли тўлиқ турклар ҳукми остига тушиб қолди.

1394 йили турклар Пеллепоннесга ҳужум қилишди, грек князлари вассаллигини эътироф этишига тўғри келди. Турклар бир неча бор Албанияга ҳужум қилишди, бироқ тоғликлар қаттиқ қаршилиқ кўрсатди. Фақат албан ерларининг кичик бир қисмигина султон ҳукми остига тушди. Болгар ерларини истило қилгач Боязид кўшинлари Венгрияга суқилиб киришга интилди. Авваллари бу юришлар оз сонли ҳарбий гуруҳлар босқинидан иборат бўлиб, кичик кўшин тезда орқага қайтарди. Венгерлар қироли Сигузмунд I 1392 йили туркларга қарши юриш қилишга уриниб кўрди, лекин уриниш муваффақиятсиз чиқди.

Усманийлар учун XIV аср охирларидаги энг муҳим воқеа Анатолиядаги турк бейликларини бўйсундириш бўлди. Қисқа муддатда (1389 – 1390) Боязид Анатолиянинг ғарбий ва марказий қисмидаги Ойдин, Сарухан, Гармиён, Ментеше ва Ҳамид бейликларини тобе қилди. 1390 – 1392 йилларда Қарамон бейлиги тор-мор этилиб бўйсундирилди. Унинг бейи Аълоиддин тинчлик сулҳини бузиб, кутилмаганда Боязид кўшинларига ҳужум қилди. Оқибатда кўшини мутлақ яксон бўлди, ўзи асирга тушди. Султоннинг буйруғига биноан қатл этилди. 1396 йили Боязид давлатига Сивас кўшиб олинди.

Боязиднинг шиддатли ҳаракатлари унга берилган «Йилдирим» унвонини тасдиқларди. 1396 йили ғалабалардан руҳланган Боязид ҳаттоки Византия пойтахтини эгаллашга ҳам ҳаракат қила бошлади. Лекин Венгрия қироли Сигузмунд I нинг усманийларга қарши салиб юриши бошлаётгани ҳақидаги хабар унга етказилди. Турклар Болгария ва Сербияни забт этганларидан сўнг энди бевосита Венгрияга ҳам таҳдид солишарди. Венгер қироли салиб байроғи остига фақатгина венгер жангчиларини эмас, балки Европанинг бошқа юртларидан ҳам рицарлар тўплади. У бошчилигидаги кўшин сафида инг-

лиз, француз, итальян, немис ва чех рицарларининг бўлинмалари бўлган. Салибчиларнинг умумий сони 100 минггача аскардан иборат эди. Бироқ Константинополни қўлга киритиш учун ҳаракат қилган Боязиднинг қўшини сони салибчилардан тахминан икки баробар кўп эди.

Томонлар туркларга бўйсунувчи Дунайнинг ўнг қирғоғидаги Никополь шаҳрида тўқнашишди. Жанг 1396 йил 25 сентябрь куни бўлиб ўтди. Жангнинг аввалида устунлик салибчилар томонида эди. Француз рицарларининг бўлинмалари туркларнинг илғор қисмини, жумладан, яничарларни сиқувга олди. Жанг тақдирини сараланган турк чавандозларидан ташкил топган қўшимча кучлар ҳал этди. Вассал князь Стефан Лазаревич бошчилигидаги 15 минг кишилиқ серб қўшини ҳал қилувчи паллада жангга кириб турклар ғалабасига ҳисса қўшди.

Сигузмунднинг қўшини тор-мор бўлди, тирик қолганлар қочиб кетди. Унинг ўзи эса Дунай соҳилида кутиб турган қайиққа тушиб Дунай бўйлаб қатнайдиған венеция-мальта эскадрасига қарашли кемалардан бирига чиқиб қойиб бўлди.

Туркларга 10 мингга яқин салибчи асир тушди. Боязид буйруғи бўйича асирлар қатл этилди. Саркардалари ва маслаҳатчилари уни фикридан қайтаришга уриндилар. Асирга тушган бир қанча ўсмирлар афв этилди, лекин уларни амалдорларига қул қилиб бўлиб берди. Боязид бир неча номдор рицарларни француз қироли Карл VI га жуда катта тўлов эвазига қайтариб берди. Француз тарихчилари генуялик банкирлар воситачилигида султонга тўланган тўлов миқдорини 200 000 олтин дукат деб келтиришган.

Салибчиларнинг мағлубияти туфайли болгарларга қарашли барча ерлар усмонийлар қўлига ўтди. Шунингдек, Валахия ҳукмдори ҳам султонга вассаллигини тан олди.

1397 йили Боязид қўшини Аттика ва Пелепоннесга юриш қилди. Кейин султон Константинополга юриш режасини амалга оширишга киришди. 1400 йили қуруқликдан ҳужум қилиб Константинополь атрофидаги ерларни забт этди ва шаҳарни қамалга олди. Бироқ қамал қуролларисиз ва кучли флотсиз шаҳарни эгаллаб бўлмаслигини кўриб бу ерга пухта тайёргарлик кўргач яна келишни мўлжаллаб ортга қайтди.

XV аср бошларида Кичик Осиёга ҳужум қилган Амир Темур Усмонийлар давлатига хавф сола бошлади. Биринчи марта Темур қўшинлари Шарқий Анатолия ерларига 1386 йили кирган, Арзин-

жонда Анатолия бейларининг бирлашган қўшинини енганди. 1395 йили Темур бу ўлкаларга яна келган, Сивасгача бўлган ерларга борганди. Сивасдан сўнг Темур аскарлари шарққа, араб ерларига кириб, Ҳалаб, Дамашқ ва Бағдодни эгаллади. Боязид эса мазкур хавф-хатарни умуман менсимади. Турклар Константинополни қамал қилаётган вақтларидаёқ, султоннинг қароргоҳига Темур элчилари келиб босиб олинган Византия ерларини уларга қайтариб беришни талаб этишди. Аниқки, Боязид салбий жавоб қайтарди. Боязид ўзига ортиқча баҳо бериб Темурнинг кучини чамалай олмади. Боязид Бурсада турганда, Темурнинг элчиси келди. Султон унга: «Темур урушни бошлайверсин, мен эса ўртамизда тинчлик бўлишини афзал кўраман», – деди.

1402 йилнинг баҳорида Темур улкан қўшинга бошчилик қилиб Кичик Осиёга юриш бошлади. 1402 йил 25 июлда Анқара яқинида жанг бўлди. Боязид қўшинининг умумий сони 160 минггача аскардан иборат эди. Темур қўшини эса усмонийлардан кўпроқ бўлганлиги кўрсатилган. Баъзи тарихчилар жангда ярим миллионга яқин киши қатнашган дейди. Урушнинг бошидаёқ Боязид бир қанча тактик хатолари билан қўшинини оғир аҳволга солиб қўйди. Бир вақтнинг ўзида Темур Анқарани қамал қилишни буюрди. Бу ҳийла бўйича Боязид қўшиннинг асосий қисмини Анқарага юбориб, жанг майдонида озроқ қўшин билан қолиши керак эди. Ҳийла қўл келиб, Боязид худди шундай қилди. Анқара деворлари остидан чуқурлар кавланаётгани ҳақидаги хабар Боязидга етиб келгач, у Токатада турган асосий қўшинни олиб қамал қилинган шаҳарга жўнади. Темур зудлик билан қамални тўхтатиб, қўшинини қулай жойларга жойлаштирди. Боязид Темур қўшинлари қамални тўхтатганини кўриб яна жанг майдонига қайтди, бироқ энди ўзи учун ноқулай бўлган жойга ўрнашди. Жанг эрта тонгда бошланди. Темур қўшинининг олдинги сафида 30 та фил бор эди. Бу ҳужумдаги устунлик учун асосий дастак бўлди. Темурнинг дастлабки зарбаси усмонийларнинг чап қанотига берилди. Чап қанот серб полкидан ташкил топган бўлиб, серблар қаттиқ қаршилиқ кўрсатишди. Чап қанотда кучли тўсиққа учраган Темур ўнг қанотга зарба берди, ўнг қанот собиқ Сарухан, Ментеше ва Гармиён бейлари аскарларидан ташкил топганди. Оғир жанглардан сўнг Темур қўшини усмонийларни чекинишга мажбур қилди. Султон бошчилигидаги яничарлар жуда қаттиқ қаршилиқ кўрсатди. Яничарларнинг асосий қисми қирилиб кетди, Боязид чекинишга уринган пайтда асирга олинди. У билан бирга Мусо исмли ўғли ҳам қўлга тушди.

Боязид унинг улуғ бобоси Эртўғрул бир ярим аср аввал Усмонийлар давлатига тамал тошини қўйган ҳудудда енгилди ва асирга тушди.

Хуллас, Боязиднинг буюк соҳибқирондан мағлубияти Европани муқаррар ҳалокатдан қутқариб қолди. Бу ғалаба билан Амир Темурни табриклаб кўпгина Европа қироллари мактуб юборгани бежиз эмасди. Византия империяси умри ҳам яна 50 йилга узайди.

**Муҳаммад I Чалабий (1374 – 1421) – усмонийлар ҳукмдори (1413 – 1421).**

Темурнинг Кичик Осиёдаги ҳаракатидан сўнг вақтинчалик Усмонийлар давлатининг марказлашуви тўхтатилди. Темур 1403 йил охирларида Анатолияни тарк этаётганида кейинчалик яна Усмонийлар давлатига қўшиладиган Ойдин, Гармиён, Қарамон ва бошқа бир қанча бейликларга ўзини бошқариш ҳуқуқини берди. Усмонийларга қолиши лозим бўлган ҳудудларни эса Боязиднинг 4 ўғлига тақдим этди.

Боязиднинг катта ўғли Сулаймонга усмонийларнинг Европадаги мулклари теккач у Эдирна шаҳрини пойтахт қилди ва султон бўлиш даъвоси билан ҳаракат бошлади. У бошқа даъвогарлардан устун келиш учун Византия императори Мануил II ни ўзига оғдиришга уринди. Сулаймон унга Фессалоники ва Фракиядаги бошқа шаҳарларни қайтариб берди ҳамда уларга тегишли бўлган, ҳозирда эса Боязиднинг бошқа ўғиллари томонидан идора қилинаётган Осиёдаги мулкларини ҳам кейинчалик топширишга ваъда қилди. Император қулай вазиятдан фойдаланиш учун Сулаймонга жиянини тан маҳрамликка берди. Сулаймон ўз тарафидан Константинополга кичик укаси Қосимни гаров тариқасида юборди. Боязиднинг бошқа ўғиллари Болқондан иттифоқчи қидиришга тушишди. Боязиднинг иккинчи ўғли Мусо Валахия ҳукмдори Мирчи Старонинг қўллашига эришди. Тахт учун кураш ўта шиддатли ва мурасасиз кечди. Сулаймон бир неча бор укаси Исога қарши жанг олиб борди. Биринчи мағлубиятдан сўнг Исо Константинополдан паноҳ топди. Кейин 10 минг кишилик қўшин тўплаб яна жангга тушди. Бу сафар ҳам Исо мағлубиятга учради. Исо учинчи марта Сарухан ва Ментеше бейларидан ёрдам олиб, акаси Сулаймонга яна ҳужум қилди. Бироқ Исо тагин енгилди. Сулаймон 1405 йили укасини асирга олди ва ўлдиртириб юборди.

1408 йили Сулаймон бошқа укаси Мусони Константинополь яқинида тор-мор этишга эришди. Бироқ Мусо жангда ғалаба қозонишига ақли етмай аҳоли орасида тарғибот олиб борди. У Сулаймоннинг византияпараст сиёсатини қоралаб, унга эргашганларни «динни ҳимоя

қилиш учун» ўзига қўшилишга ташвиқ қилди. Сулаймон аскарлари бирин-кетин уни ташлаб, Мусога қўшила бошлади. 1409 йили Сулаймон Константинополга қочишга уринаётганда ўлдирилди. Мусо Эдирнадаги султон тахтини эгаллади. Мусо давлатини кучайтириш ниятида чегарадаги бейларни ва марказий ҳукуматдаги амалдорларни тугатишга уринди. Ҳар икки қатламга тенг имкониятлар берди. Олдинги ҳарбий қатлам ўрнига янгисини тузишга интилди. Яёв ва мусаллам ўрнига яничар чавандозларини ташкиллаштирди. Асосий кураш суюрғол эгалари ва уларнинг даромадлари тўғрисида бўлди, шу билан бирга, феодаллашган Усманийлар давлатидаги мавқеи хусусида ҳам.

Мусо тахтда бор-йўғи 4 йил ўтирди. Бу муддат мобайнида Сербияга ҳужум қилиб у ерни талади ва Византиядан Фессалоникини тортиб олишга улгурди. Ажабланарлиси, Фессалоникини византияликлар билан бирга Сулаймоннинг ўғли Ўрхун ҳам ҳимоя қилди. Асирга тушганда, уни кўр қилишди. Кейинроқ Мусо улкан қўшин тўплаб Константинополни босиб олишга тайёрлана бошлади. 1411 йили Мусо қўшини Константинополга яқинлашиб қолганда, император Мусонинг укаси Муҳаммаддан ёрдам сўрашга қарор қилди. Муҳаммад Анатолияда мустаҳкам ўрнашиб олганди. Византия флоти Муҳаммад қўшинига Константинополгача тезроқ етиб келишга ёрдам берди. Бир неча тўқнашувлар ҳам томонларга ҳеч нарса келтирмади, бироқ Муҳаммад Ойдин бейлигини эгаллаган Жунайд Измир ўғли тарафидан келадиган хавфнинг олдини олиш учун тезда Анатолияга қайтишга мажбур бўлди. Муҳаммад ўз ҳудудининг хавфсизлигини таъминлагач серб князи билан сулҳ тузиб яна Мусога қарши кураш бошлади. Мусонинг бир неча саркардалари билан махфий учрашишга эришиб, уларни ўз тарафига оғдириб олди. Фессалиянинг волийси очикчасига Муҳаммад тарафига ўтди. Муҳаммад қўшини Эдирнага яқинлашиб келди. Шаҳар гарнизони унинг таслим бўлиш тўғрисидаги таклифини рад этди. Ниҳоят, 1413 йили Муҳаммад ва Мусо қўшинлари Марица водийсида тўқнашди. Мусо қўшини тор-мор келтирилди. Унинг ўзи эса бир қўлидан айрилиб, Валахияга қочиб ўтди. Орадан кўп ўтмай ўша ерда вафот этди (бошқа маълумотлар бўйича, асирга олинган ва акаси томонидан қатл этилган). Боязид ўғиллари ўртасидаги биродаркушлик Муҳаммаднинг ғалабаси билан якунланди.

Султон Муҳаммад Румелия ва Анатолиядаги усманийларнинг олдинги ҳудудларини қайтариб олишга эришди. Ҳатто Византия билан

муносабатларни яхшилаш мақсадида Мусо эгаллаган Фессалоники ва бошқа шаҳарларни ҳам қайтариб берди. Чегара истехкомларини қуриш учун жуда катта маблағ сарфлади. Муҳаммад I 1421 йили Эдирнада вафот этган. Унинг ҳукмдорлик даври урушлар ва ички қўзғолонлар билан ажралиб туради. 1415 йилга келиб Муҳаммад I Анатолиядаги деярли барча бейликларни бирлаштиришга эришди. Фақат Қарамон бейлиги ўз мустақиллигини сақлаб қолди ва султон бейлик билан тинчлик сулҳи имзолади. 1416 йили византияликларга қаршли ҳудудларни эгаллаган венецияликларга қарши ҳарбий ҳаракатлар олиб борди. Жанг, асосан, денгизда олиб борилди, султоннинг флоти эса кучсиз эди. Турклар ва венецияликлар ўртасидаги энг муҳим жанг Дарданел яқинида кечиб, унда турклар флоти енгилди. Туркларнинг 25 та кемасини Лоредано қўмондонлигидаги венецияликлар қўлга олди. Лоредано буйруғи билан асир тушган турклар қатл этилди. Бошқа денгиз жанглари ҳам туркларга муваффақият келтирмади. Натижада Муҳаммад I Венеция билан сулҳ тузишга мажбур бўлди. Боязид ўғиллари ўртасидаги урушлар Кичик Осиёда инқирозни келтириб чиқарди. Қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчилик тушкунликка учради, кўплаб шаҳар ва қишлоқлар аҳолиси хонавайрон бўлди. Айниқса, Сарухан, Ментеше ва Ойдин бейликларида аҳвол жуда оғир эди. У ерларнинг қишлоқ аҳолиси биродаркушлик урушларига мажбуран тортилди. Ғарбий Анатолиянинг кўп туманлари Сулаймонни қўллаган Ойдин бейи Жунайднинг босқинларидан азият чекди. Муҳаммад I тахтни эгаллагач 1414 – 1415 йилларда бу ҳудудларда ҳам ўз ҳокимиятини ўрнатди. Деҳқонлар қисқа тинчлик пайтида ерларига ишлов беришарди, бироқ ҳосилни йиғиштиришга улгуришадими ёки урушлар туфайли бари барбод бўладими, буни билишмасди. Бу эса яқин йилларда деҳқонлар қўзғолони юз бериши мумкинлигини англатарди.

Мана шундай оғир шароитда шайх Бадриддин бошчилигида деҳқонлар қўзғолони бўлиб ўтди. У Мусо даврида Румелияда қозискар лавозимида ишлаганди, Муҳаммад I тахтга келгач, Ғарбий Анатолияга сургун қилинди. У урушлардан хароб бўлган Изник шаҳрига ўрнашди. 1416 йили шайх Бадриддин Муҳаммад I ва Анатолия бейлари орасидаги зиддиятдан ҳамда султоннинг Венеция билан жангдаги муваффақиятсизлигидан фойдаланиб султонга ва унинг амалдорларига қарши деҳқонлар қўзғолони уюштиришга қарор қилди. Муридларини туғилиб ўсган юртларига жўнатиб, деҳқонлар орасида қўзғолон қилиш ғояларини тарқатишни буюрди. Шайхнинг

икки муриди, айниқса, жонбозлик кўрсатди. Улар деҳқон Берклужа Мустафо ва дарвиш Торлақ Камол эди. Мустафо, турли манбаларда айтилишича, 2 мингдан 10 минггача одам тўплади. Бу кўзғолоннинг маркази Қорабурун яриморолидаги Стилярий тоғи бўлиб, Измирдан тахминан 60 км узоқликда эди. Камол бошчилигидаги кўзғолончилар Измирдан шимоли-шарқда жойлашган. У ўзига қашшоқлашган 7 мингга яқин деҳқонни жалб этди. Шайх Бадриддин ва ҳамфикрлари адолат ўрнатиш ва диний бағрикенглик ғояларини тарғиб қиларди. Бадриддиннинг ўзи бир неча йил Анатолия бўйлаб саёҳат қилган, Эрон ва Мисрда ҳам бўлганди. Шунингдек, христиан юртларидаги аҳволдан ҳам хабардор эди. Шайхнинг адолат ўрнатиш ва диний бағрикенглик ғояларини Румелия ва Ғарбий Анатолияда узоқ йиллардан бери қўшни бўлиб яшовчи мусулмон ва христианлар илиқ кутиб олишди.

Уларнинг ғоялари Эрон ва Ўрта Осиёдаги сарбадорлар ҳаракати ғояларига мос келарди. Бу ғоялар усмонийлар учун янгилик бўлган. Муҳаммад I аввал кўзғолонга тўғри баҳо беролмади ва ундан келадиган хавф-хатарни сезмади. Саруханнинг санжоқбейига исёнчиларни шафқатсиз жазолаш буюрилди. Бироқ исёнчилар санжоқбей кўшинини икки марта мағлуб этишди. Ғалабалар кўзғолончиларни руҳлантирди, улар Анатолиянинг бошқа ҳудудларига ҳам юришга тайёргарлик кўришди. Берклужи Мустафо ва бошқа кўзғолон раҳбарлари юришга шошилишмасди. Бу вақтда Муҳаммад I Фракия ва Ғарбий Анатолия аҳолисидан кучли қўшин тузди ва исёнчилар устига ташлади. Қўшинга тажрибали саркарда вазири аъзам Боязид пошшони кўмондон этиб тайинлади. Султон қўшини ва исёнчилар ўртасида даҳшатли жанг юз берди. Қурол-яроғ ва сон жиҳатидан устун бўлган султон қўшини кўзғолончиларни тор-мор этди. Кўзғолончилар сафида аёллар ва болалар ҳам бор эди. Биринчи бўлиб Берклужа Мустафо бошчилигидаги гуруҳ йўқ қилинди. Мустафо ва яқин тарафдорлари асирга олинди. Улардан ўз ғояларидан воз кечишни талаб қилиб қийнашди, бироқ исёнчилар бош тортди. Барчалари қатл этилди. Мустафонинг ўзини эса Эфес (Салжук) кўчаларида салиб боғланган туяда судраб сазойи қилишди. Унинг қатлидан сўнг султон қўшини Торлақ Камол гуруҳига ҳужум қилди. Бу ерда ҳам исёнчилар тор-мор этилди. Боязид пошшо қўшини исёнчилар билан бирга шубҳали кишиларни ҳам таъқиб этди. Торлақ Камол асирга олиниб, дорга тортилди. Лекин кўзғолон тўла бостирилмаганди. 1414 йили Шайх Бадриддин Ойдин бейи Жунайд, Кастамон ҳукмдори Ис-

фандиёр ва Валахия саркардаси Мирчидан мадад олишни кўзлади. Бироқ Кастамон ва Валахияда фақат ўз муридлари ёрдамидагина бирор натижага эришиши мумкинлигига иқрор бўлди. Шайх Силистра минтақасига келиб, дунёдан узилиб қолган Дили Ўрмон номли чангалзорга жойлашди ва ўз тарафдорларини ўша ердан бошқарди. Бадриддин ғояларига эргашувчилар пойтахт Эдирнадан унча узоқ бўлмаган ҳудудларда ҳам кўпая бошлади. Шайх ўша ҳудудларда пайдо бўлганида, унинг атрофида кўзғолонга тайёр мингларча киши тўпланарди. Исёнчиларга ўз ерларидан ажраган туморийлар ҳам қўшилди. Муҳаммад I исёнчиларни жазолаш учун олдинги кўзғолонларни ҳам бостирган Боязид пошшони жўнатди. Биринчи тўқнашувдаёқ исёнчилар мағлуб этилди, шайхнинг ўзи эса Дили Ўрмонга яширинди. Орадан кўп ўтмай ғалабадан умидини узган туморийлар шайх жойлашган ерни кўрсатишди. Шариат маҳкамаси ҳукми бўйича Бадриддин 1416 йил декабрда дорга тортилди. Кўзғолон тор-мор этилса-да, изсиз кетмади.

Муҳаммад I нинг ҳукмронлик йилларида уч марта (1414, 1415 ва 1421) Румелияда Мустафо исён кўтарди. Баъзи манбаларда у Анқара жангида ўлдирилмаган Боязиднинг ўғли дейилса, бошқа манбаларда ўзини Мустафо деб номлаган усмонийларга алоқаси йўқ ёлғончи деб кўрсатилади. У ҳақиқий Мустафо бўлиши ҳам мумкин. Муҳаммадга қарши тайёрлаган фитнаси амалга ошмагач, Константинополга қочиб яширинади. Муҳаммад I маълум муддат, Мустафонинг Византия ҳудудида юргани учун, империяга 300 минг ақча тўлаган (Мустафо ва унинг ёрдамчилари бир қанча вақт Лемнос оролида бўлишган). Византия императори Муҳаммад I га мулкининг бир қисмини Мустафога беришни таклиф қилди. Муҳаммад I бу таклифни кескин рад этди. Мустафони, асосан, Боязид ўғиллари ўртасида бўлган биродаркушлик урушларида қўллаган бейлар қўллади. Мустафо, шунингдек, Византия императоридан, Валахия ҳукмдоридан ва Измирнинг собиқ бейи, ўша пайтда Никополнинг санжоқбейидан ҳам ёрдам олишга умид қиларди. Мустафонинг охириги уриниши ҳам муваффақиятсизликка учради ва у Византия ҳудудидан паноҳ топди. Муҳаммад I исёнчиларга жавобан Валахия ерларини талон-торож қилиб қайтди.

1420 йили султон Анқара жангидан сўнг Византияга ўтиб кетган Измирга қарашли ҳудудларни қайтариб олди.

**Мурод II (1404 – 1451) – усмонийлар ҳукмдори (1421 – 1444, 1446 – 1451).**



1421 йилнинг май ойида Муҳаммад вафот этгач, яқинлари ўғли Муроднинг Эдирнага етиб келишини кутиб султоннинг ўлимини 40 кунга яқин оммадан сир тутишди. Улар бу вазиятдан Мустафо фойдаланиб тахтни эгаллаб олишидан қўрқишганди. Янги султон Мурод II га тахтга даъво қилган Мустафога қарши янгидан кураш бошлашга тўғри келди. Бу сафар Мустафо усмонийларнинг Румелиядаги ерларини босиб олди. Кейин Анатолияга бостириб киришга уриниб кўрди. Мустафо ва Мурод II нинг қўшинлари Бурсадан унча узоқ бўлмаган Улубод дарёси соҳилларида учрашди. Бу воқеа 1422 йилнинг баҳорида юз берган. Ўз бейларига ишонмаган Мустафо қароргоҳидан чиқиб қочди. Мурод II қўшини тўла ғалабага эришди. Мустафо қочганидан хабар топган Мурод II уни тутиш учун гуруҳ жўнатди. Исёнчи қўлга туширилиб, Эдирнага келтирилди ва султоннинг ҳукми бўйича дорга тортилди. Унинг жасади бошқа исёнчиларни ҳам қўрқитиш учун бир неча кун дордан олинмади. Мустафо оддий жиноятчи сифатида қатл этилди, унинг усмонийлар сулоласига мансублигини Мурод II тан олмади.

Мустафо исёнлари Ғарбий Анатолиядаги бейларнинг мустақил бўлиши учун қулай имконият яратди. Жунайд Ойдин беклигида ўз ҳукуматини тузди, Ментеше бейи тўла эркинликка эришди, Ғарбий Анатолиядаги бошқа бейлар ҳам Усмонийлар давлатига бўйсунмай мустақил ҳаракат қилишарди. Бу минтақаларда султон ўз ҳукуматини ўрнатиши учун анча вақт кетди. 1424 – 1426 йилларда Ойдин ва Ментеше бейликлари яна Усмонийлар давлатига қўшиб олинди. Жунайд қатл этилди. Гармиён, Сарухан ва Ҳамид бейликларида ҳам усмонийлар ҳукмронлиги ўрнатилди. Шундан сўнг усмонийлар учун кўзга кўринарли иккита душман – Анатолияда Қарамон бейлиги ва ғарбда Византия империяси қолганди. Шундай қилиб, XV асрнинг 20-йилларида Усмонийлар давлати ўзига келди. Бундан кейинги султонларнинг ҳарбий юришлари мамлакатнинг ҳарбий ва иқтисодий қувватига пойдевор қўйиб, турк давлатининг ўрта асрлардаги дунёнинг буюк давлатларидан бирига айланишига сабаб бўлди.

Усмонийлар давлати XV асрнинг 20 – 30-йилларида ташқи зарбалар ва ички зиддиятлардан қутулгач яна чет ўлкаларни забт этишга киришди. 1422 йилнинг июнида Мурод II Византия империясини бутунлай тугатишга уриниб кўрди (ўша пайтда Византия империяси Константинополь ва бир неча шаҳарларга эга эди, холос). Империя пойтахти географик жиҳатдан қулай жойда жойлашгани ҳам туркларни тезроқ ҳаракат қилишга ундарди.

Мурод II нинг Константинополь қамали муваффақиятсиз чиқди. Шаҳар жуда мустаҳкам мудофаа иншоотларига эга эди. Боз устига, туркларда қамал қуроллари бўлмаган. Султоннинг флоти кучсизлиги боис денгиз орқали Константинополни қамал қилмади. Шунга қарамай, Мурод II 1422 йил 24 август куни шаҳарга ҳужум бошлади. У пайтда император Мануил II ўлим тўшагида ётарди. Лекин константинополликлар жон-жаҳди билан шаҳарни ҳимоя қилишди. Жанг кун бўйи давом этди. Мурод II ғалабага эришмагач қўшинини Константинополдан узоклаштирди. Туркларнинг муваффақиятсизликка учрашига сабаб шуки, улар шаҳарни олишга етарлича тайёр эмасдилар, эҳтимол, Гармиён ва Қарамон бейликларининг қўллаши туфайли исён кўтарган Мустафони тинчитиш учун Мурод II қўшинини олиб кетгандир.

Усманийлар Қарамон бейлигидан бошқа Анатолиянинг барча ҳудудида ҳукмронлик ўрнатишгач, султон ўз қўшинини Румелияга йўналтирди. Туркларнинг Жанубий-Шарқий Европадаги зафарли юришлари бошланди. 1424 йили Византия императори яна султонга хирож тўлашини маълум қилди.

1430 йили усманийлар Эгей денгизи соҳилидаги Византиянинг йирик порт шаҳри Фессалоникини иккинчи марта эгаллашди. 1431 йили Эпирдаги Янинни қўлга киритган султон у ерга зудлик билан туркларни кўчиришга буйруқ берди. Грециянинг шимолидаги Фессалоникининг қулаши Фарбий Европага усманийларнинг қудратини кўрсатди. Фарб давлатларининг Усманийлар давлатига бирлашиб зарба беришига улар ўртасидаги душманлик халақит қиларди. Шунга қарамай, 1439 йили Флоренция соборида грек (православ) ва лотин (католик) черковлари томонидан турклар ҳужумини тўхтатиш учун салиб юриши бошлашга уринишди. Лекин юриш амалга ошмади. Туркларнинг Жанубий-Шарқий Европага бўлган ҳужумлари эса шиддатли тус олди. Энг катта хавф Венгрия учун бўлиб, у ердаги майда феодаллар ўзаро курашгани сабаб туркларга қарши бирлашишлари ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди.

Бу вақтда Мурод II Усманийлар давлатини мустаҳкамлаш ва ҳарбий қудратини ошириш учун зарур фармонлар чиқарди. Мунтазам яничарлар корпусини тайёрлади. Отлиқ қўшинлар ва артиллерияни ташкиллаштиришга ҳам аҳамият берди. Султон кучли флот тузишга катта эътибор қаратди. Иқто ҳам султонга ҳарбийлардан иборат кучли таянч вазифасини ўтарди.

1440 йили турклар Сербияга юриш қилди. Юриш давомида турклар султоннинг рухсати билан серблар томонидан қурилган Дунайдаги Семендрия қалъасини бузишди. Сўнгра Белградни қамал қилишди. Шаҳарнинг кучли мудофаа иншоотлари 6 ой давом этган қамалга дош берди. Шу пайтда туркларга қарши Трансильвания саркардаси Янош Хуньяди фаол кураш олиб борди. 1441 – 1442 йилларда венгер қўшинларига ва уларни қўллаб турган чех бўлинмаларига қўмондонлик қилиб султон қўшини устидан ғалаба қозонди. 1442 йили Возага жангида у бошчилик қилган қўшин туркларни тор-мор этди. 5 мингга яқин турк аскарлари асирга олинди. Султон 1444 йилнинг июлида венгер қироли Владислав билан Сербия ерларининг Венгрия билан чегара ҳудудлари мустақиллигини тасдиқлаб сулҳ тузишга мажбур бўлди. Сулҳ 10 йилга мўлжалланганди, лекин ўша йилнинг ўзидаёқ бузилди. Янош Хуньяди ва Мурод II қўшинлари ўртасида яна жанг бошланди. 1444 йилнинг ноябрида Хуньяди қўшини Болгария бўйлаб юриш қилиб, Варнага яқинлашди. Бу вақтда Усманийлар давлатида вазият қалтис эди. Султон Мурод II давлат ишларини йиғиштиришини ва тахтни ўғли ўн тўрт яшар Муҳаммадга топширишини айтиб Бурсага жўнади. Усманийлар давлатидаги ҳолатни кузатган Хуньяди ва унинг тарафдорларининг қатъияти ошди. Варнага ҳужум бошланаётгани ҳақидаги хабар усманийлар пойтахтига етиб келганда, Муҳаммад II ва унинг аъёнлари Мурод II ни қўшинга умумий бошлиқ бўлишга кўндирди. 40 минг кишилик қўшин генуяликларнинг кемаларида тезда Румелияга юборилди. 1444 йилнинг ноябрида Варна остоналарида жанг бўлиб ўтди. Туркларнинг қўшини сони Янош Хуньяди қўшинидан икки баробар кўп эди ва улар тезда ғалаба қозонишди. Хуньяди қочишга эришди ва туркларга қарши курашга кучлар йиға бошлади.

Турк султонлари Болқон халқларини бутунлай бўйсундиришга ҳаракат қилишарди. Улар босиб олинган ерларда ўз ҳукуматларини мустаҳкамлаш мақсадида жанубий славян минтақаларидан бирини ўзларига таянч қилишди. Султон Мурод I XIV асрнинг иккинчи ярмидаёқ Шимолий Фракия, Шимолий Болгария ва Македонияга Кичик Осиёдаги турк қабилаларини жойлаштиришни бошлаганди. Бу иш унинг ворислари даврида ҳам давом этди. XIV асрнинг охири ва XV асрнинг биринчи ярмида Болгариянинг Қора денгиз соҳилидаги Дунай ва Марица водийларида ҳамда Ўрта ер денгизи ва Қора денгизнинг ҳосилдор ерларида турк манзилгоҳлари юзага келганди. Урушлар Болқон халқларини оғир ҳаёт кечиришга маҳкум қилди. Турклар христианларни «ғайрилар» деб аташарди.

Болқонга қилинган кейинги юришлар Марказий Европага катта хавф сола бошлади. 1448 йили Янош Хуньяди туркларни тўхтатиш учун уларга қарши сўнгги бор ҳаракат қилди. Венгер, чех, поляк ва немислардан иборат кичикроқ қўшин ҳозирлади. Хуньяди Сербия ва Ғарбий Европа давлатларидан ёрдам олишга умид қиларди, бироқ умидлари рўёбга чиқмади.

1446 йили Муҳаммад II ва сарой аъёнларининг илтимоси билан султонлик тахтига Мурод II қайтди. 1447 йили Мурод II қўшинлари Пелепоннесни истило қилди. Қаттиқ ҳужум билан Коринф эгалланди. Хуньядининг қўшини машҳур Косово майдонига жойлашганда, унинг қаршисида 50 минг кишилик турк қўшини турарди. Жанг уч кун (17 – 19 ноябрь) давом этди ва султон қўшинининг тўла ғалабаси билан тугади. Хуньяди Венгрияга қочди. 1451 йили вафот этган Мурод II нинг энг сўнгги юришлари икки марта Албанияга қилинган юришлар (1449 – 1450) бўлди. У ерда тоғликларнинг қаттиқ қаршилигига дуч келди.

Муҳаммад II отаси ўлими ҳақидаги хабарни эшитгач Манисадан Эдирнага йўл олди. У тахт вориси эканлигидан хотиржам эдики, Эдирнага шошилмасди. Ўзини муносиб кутиб олишлари учун, Галлиополда икки кун тўхтади. 1451 йил 18 февраль куни отасидан тахтни қабул қилиб олган янги султонни пойтахтда тантанали кутиб олишди. Мурод II нинг беваларидан бирининг ўғли – Муҳаммад II нинг ота бир укаси ҳарам ҳовузида чўктириб ўлдирилди. Аёл эса тезда Мурод II нинг вазирларидан бирига – Анатолиянинг бейларбейи Исҳоқ пошшога берилди. Муҳаммад II саройда ва давлатнинг юқори ташкилотларида қаттиққўл сиёсат юритди. Унинг энг асосий режаси Константинополни ишғол қилиш эди.

**Муҳаммад II Фотиҳ, Муҳаммад соний (1432 йил 30 март – 1481 йил 3 май) – усмонийлар ҳукмдори (1444 – 1446, 1451 – 1481). Мурод II нинг тўртинчи ўғли. Ҳукмдор бўлгунча Манисада ноиб бўлиб хизмат қилган. Ўша ерда лотин тилини ўрганган. 1444 йили Мурод II барча ишини Муҳаммадга топшириб, ўзи Манисага кетди ва Муҳаммаднинг икки йиллик ҳукмронлиги бошланди. Икки йилдан сўнг Мурод II тахтга қайтиб, вафотига қадар давлатни бошқарди. Муҳаммад яна Манисага келди. Отаси буйруғига бўйсуниб 1448 – 1450 йиллардаги Албания юришида қатнашди.**

**Константинополнинг олиниши.** Султон Константинополни эгаллашни венецияликлар ва венгерлар билан шартнома тузишдан бошлади. 1451 йили султон саройида бўлган Родос ва Дубровник,

Лесбос ва Хиос, Сербия ва Валахия элчилари яхши кутиб олинди. Кейин у Усманийлар давлатининг Кичик Осиёдаги ҳукмронлигини мустаҳкамлаш чораларини кўрди. Жумладан, Қарамон бейлигини бўйсундиришга ҳаракат қилди. Ёш султон бу бейликни тугатишга ҳаракат бошлаган пайтда, император Константин XI Палеолог Муҳаммад II га босим ўтказишга уриниб туркларга қарамлигини камайтиришга интилди. Бунга Боязид II нинг невараси Сулаймоннинг ўғли Ўрхуннинг Константинополга келиши сабаб бўлди. Ўрхун Мурод II давридаёқ Константинополда тахтга туриб даъво қиларди. Император Муҳаммад II га Ўрхуннинг ҳали тириклигини эслатиш ва уни сақлаб туриш учун пул юборишни етказишга элчилар гуруҳини жўнатди. Элчиларга Муҳаммад II нинг асосий рақиби Константинополдалигини шама қилиб ўтиш ҳам буюрилганди. Лекин Муҳаммад II император саройидагилар ўйлаганидек иш тутмади. Дарҳол Қарамон бейи билан сулҳ тузишга ва Константинополни қамал қилишга шошилди.

1396 йилиёқ Боязид I Босфорнинг Осиёдаги қирғоғида Анатолияҳисор қалъасини қуришни бошлаганди. 1452 йил март ойи охирида Муҳаммад II нинг буйруғига кўра Босфорнинг қарама-қарши соҳилида, кўрфазнинг энг тор жойида Румелиҳисор қалъаси қурилиши бошланди. Қурилиш тугаши билан, шаҳар хоҳлаган вақтда Қора денгиздан узиб қўйилиши мумкин эди. Бу эса Константинополга ўша минтақалардан келадиган бугдой таъминотини англатарди. Румелиҳисорни қуриш учун 6 минг киши тўрт ой меҳнат қилди. Улар орасида султоннинг буйруғи билан Усманийлар давлатининг барча ерларидан келтирилган моҳир ғишт терувчилар ҳам бор эди. Султоннинг шахсан ўзи иш жараёнини назорат қилди. Қалъа нотўғри беш бурчак шаклида қурилди, унинг баланд деворлари метин тошлардан тикланиб, бешта минора кўтарилди. Қалъага катта калибрли замбараклар ўрнатилди ва кучли гарнизон жойлаштирилди. Муҳаммад II Босфор орқали ўтадиган ҳар бир кемани божхона назоратидан ўтказиш, бош тортган кемаларни эса тўпга тутиб йўқ қилишни буюрди.

Константинополда Румелиҳисор қурилаётганидан хабар топишгач, император дарҳол султонга элчилар юбориб Византияга қарашли бу ҳудудда қалъа қурилишини тўхтатишни сўради. Бироқ султон элчиларни қабул қилишни хаёлига ҳам келтирмади. Қалъанинг Константинополга хавф солмаслигига ишонч ҳосил қилиш учун император султонга яна элчи жўнатди. Султон элчиларни зиндонга

ташлашни буюрди, кейинроқ уларни ўлимга ҳукм қилди. Император Константин Муҳаммад II билан тўқнашувдан қочиш ниятида яна бир ҳаракат қилиб кўрди. Византияликлар барча шартларга рози бўлишни билдирди, лекин султон улардан Константинополни топширишни сўради. Константинополь ўрнига уларга Мореяни беришни таклиф этди. Император бундай шармандалиқдан кўра жанг майдонида ўлиш афзал эканини билдирди.

Қалъа қуриб бўлингач, Муҳаммад II нинг қўшини Константинополга яқинлашди. Султон уч кун мобайнида шаҳар мудофааси билан танишди.

Бу вақтда Константинополда зодагонлар орасида ҳам, оддий аҳоли орасида ҳам тартибсизлик ҳукм сурарди. Тартибсизлик грек ва лотинлар ўртасида эди. Олдин айтиб ўтилганидек, Флоренция соборида католик ва православ христианлари ўртасида иттифоқ тузилган. Лотинлар асосий католик ақидаларини грек черковларига олиб киришга муваффақ бўлишди. Туркларга қарши курашда Ғарбдан ёрдам олишга умид қилган греклар бундай ён босишларга кўнишди. Бироқ Византия империяси ҳеч қандай ёрдам олмади, Флоренция иттифоқини эса грек руҳонийлари ва омманинг кўпчилиги қабул қилмади. Пойтахтда деярли тўхтамай лотинпараст зодагонлар ва иттифоққа қарши бўлган жамиятнинг турли табақалари ўртасида кескин кураш борарди.

1452 йилнинг ноябрида Константинополга Рим папасидан элчи кардинал Исидор ташриф буюрди. София ибодатхонасида кўпчилик аҳоли томонидан норозилик билан кутиб олинган Флоренция иттифоқи тасдиқланди. Исидор император ва унинг аъёнлари ҳамроҳлигида католик урф-одатлари бўйича греклар учун муқаддас ҳисобланган София ибодатхонаси остонасига етиб келганда, шаҳарда ғалаёнлар бошланди. Иттифоққа қарши бўлганларнинг шиори қуйидагича эди: «Бизга лотинларнинг ёрдами ҳам керакмас, улар билан бирлашиш ҳам керакмас!». Шу билан бирга, туркпараст гуруҳлар ҳам фаоллашди. Худди шу пайтда Византия империяси флотига қўмондонлик қилувчи Лука Нотарас оғизма-оғиз бўлиб кетган сўзларини айтди: «Шаҳарда лотинлар тиарасини кўргандан кўра туркларнинг салласини кўрганимиз яхши». Ғалаён тинчиган бўлса ҳам, кўпчилик шаҳарликлар иттифоқни очикчасига тан олмаган руҳонийлар жойлашган черковларга боришарди.

Византия империясининг турклар олдидаги кучсизлиги яққол билиниб қолди. Улар ташқаридан ҳам ёрдам ололмади. Рим папаси

Николай V 1453 йил мартада учта генуяликлар кемасида озик-овқат ва қурол-яроғ юбориш билан чекланди. Генуя ҳукумати Константинополга ёрдам бермасликка қарор қилди. Лекин январда Византия пойтахтига генуялик ҳарбийлар гуруҳи келди. Энг йирик 700 кишилик гуруҳни шаҳарларни мудофаа қилиш бўйича мутахассис Жустиниан бошқарарди. Император унга шаҳарнинг қуруқликдаги деворларини ҳимоя қилишни топширди. Венецияликларнинг ёрдами эса рамзий маънога эга эди. Венециянинг икки ҳарбий кемаси Константинополь қамал қилинганига икки ҳафта бўлганда етиб келди. Энди Византия империяси бор имкониятлардан фойдаланишга мажбур бўлиб қолганди. Қўлида қурол тутиб уруш қилишга яроқли кишилар сони 5 мингдан ошмаслиги ойдинлашди. Чет эллик ёлланма жангчилар – генуялик ва венецияликлар билан аскарлар сони 7 мингдан ортиши мумкин эди. Флот эса 25 та кемадан иборат бўлган.

Бу вақтда Муҳаммад II қўшини Константинополь томон силжиб борарди. 1452 йилнинг кузида турклар Византия империясига қарашли Месимврия, Анхиал, Виза ва Силиврия шаҳарларини қўлга киритишди. 1452/1453 йилнинг қишида турк отлиқлари Пера минтақасидаги шаҳар дарвозалари қаршисида турарди. Бутун қиш бўйи Эдирнада Константинополни олиш учун сўнгги тайёргарлик борди. Муҳаммад II шаҳар мудофаасини обдан ўрганди. Султон Византия пойтахтига тааллуқли ўз режасини яширишга ҳаракат қиларди. Шаҳарни қамал қилишни бошлашни барчадан сир тутарди. Муҳаммад II нинг бутун эътибори аскарларини жангга тайёрлаш ва уларни қамал қуроллари билан таъминлашга қаратилганди. Эдирнанинг чекка жойларида усталар машҳур венгер устаси Урбан бошчилигида тўп қуйишни бошлашди. Ўнлаб тўплар қуйилди, улардан бири жуда улкан эди. Ствол каналининг диаметри 12 тирсакка тенг бўлиб, 30 пудлик тош ота оларди. Тарихчиларнинг айтишича, бу тўпни Эдирнадан Константинополгача 60 та хачир икки ой мобайнида тортиб борган.

1453 йил январь ойи охирларида Муҳаммад II яқинларини йиғиб, Византия империяси турклар қўлига ўтмас экан, унинг давлати ўзини хавфсиз сезмаслигини тушунтирди. Муҳаммад II Константинополдаги вазиятдан ҳам хабардор бўлиб, барчанинг эътиборини мудофаа ишларига путур етказган шаҳардаги диний низоларга қаратди.

1453 йил мартада турк аскарлари Константинополга юриш бошлади. 5 апрель куни энг сўнгги бўлинмалар билан султоннинг ўзи Константинополь остоналарига етиб келди. Турклар шаҳарнинг

куруқликдаги барча мудрофаа линиялари бўйлаб жойлашишди. Султон ўзининг қароргоҳини шаҳарнинг шимоли-ғарбий қисмидаги Влаханенс дарвозасига яқин ерда жойлашган Адрианополь дарвозаси қаршисидаги тепаликларга ўрнатди. Қўшин тахминан 150 минг кишини ташкил этарди. Муҳаммад II аскарларни зудлик билан етказиб берувчи ва ҳарбий юкларни ташувчи 80 та ҳарбий кема ва 300 юк кемасидан иборат флот барпо қилишга ҳам эришганди.

Султон артиллерия кучларининг асосий қисмини, жумладан, Урбан тўпини Роман дарвозаси қаршисида ўрнаттирди. Олтин дарвозагача чўзилган қамал қилувчиларнинг ўнг қанотини – Кичик Осиёдан тўпланган қўшинни Исҳоқ пошшо бошқарарди. Усманийлар давлатининг Ғарбдаги тобеларидан йиғилган қўшин қамал қилувчиларнинг биринчи қаноти бўлиб, Хризокераксгача чўзилганди. У қўшинга Қорачабей қўмондонлик қиларди. Султон қўшинларининг ортига отликларни жойлаштирди. Пера адирликларида Саған пошшо етакчилигидаги қўшин жойлашган бўлиб, улар Хризокеракс кўрфази устидан назорат қилишарди. Худди шу ерни назорат қилиш учун Босфорда ҳарбий кемалар жойлаштирилди. Уларга қарши константинополликларнинг кемалари қарши жойлашганди. Кемалари туркларникидан оз бўлса ҳам, орасида кучли кемалар бор эди. Улар Босфордан киришга занжир боғлаб, кемаларни ўтказмасликнинг ҳамма чораларини кўриб қўйишганди. Константинополнинг ҳимоя қилиш зарур бўлган чегараси умумий узунлиги 52 км эди. Византияликлар туркларнинг Мармар денгизи томондан ҳужум қилмаслигига умид боғлаб шаҳарнинг денгиз қирғоғидаги деворига озроқ қўшин жойлаштиришди.

6 апрель куни эрталаб ҳужумга ҳамма нарса тайёрланди. Элчилар Константинополь ҳимоячиларига султоннинг мактубини етказди. Унда Муҳаммад II византияликларга шаҳарни ўз хоҳишлари билан топширишса, моллари ва жонлари омон қолиши, акс ҳолда, ҳимоячилардан бирортаси тирик қолдирилмаслиги баён қилинганди. Таклиф рад этилди. Шунда ўз даврида тенги йўқ бўлган турк тўплари ишга тушди. XV аср Византия тарихчиси Кривовулнинг: «Ҳамма нарсани тўплар ҳал қилди», – деган гапи муболаға эмасди. Қамалнинг дастлабки кунлари турклар шаҳарни тинимсиз тўпга тутди, бироқ ғоятда мустаҳкам бўлган деворлар бироз шикастланди, холос. Ҳимоячиларни даҳшатга солаётган Урбаннинг тўпи ёрилиб кетди. Унинг ўзи жароҳат олди. 18 апрелда султон ҳужум қилишга буйруқ берди. Эрта тонгда жангчилар тўплардан ёрилган деворга ташланишди.



Чуқурларга тушиб кетиши ва кўплаб қурбонлар беришига қарамасдан турклар хужумни давом эттирди. Қалъадан улар устига харсангтошлар ташланди, қайноқ ёғ қуйилди, камондан ўқ ёғдирилди.

Ҳимоячилар ўз жонини аямасдан шаҳарни ҳимоя қилиши хужумнинг бошидаёқ ойдинлашиб қолди. Турклар чекинишга мажбур бўлди. Қўшиннинг кўплигига қарамай, Константинополни олиш жуда қийинлигини султон англаб етди. Султон қўшини кутилмаганда 20 апрель куни денгиз жангида енгилди. Рим папаси томонидан ёрдам тариқасида юборилган озиқ-овқат ва қурол-яроғ юкланган 3 та Генуя кемаси турк эскадраси билан жангга киришди. Генуя ва Византия кемалари турклар тўсиғини енгиб Хризокераксга киришди ва у ердаги император эскадрасига қўшилишди. Туркларнинг бўғозга ёриб киришга уринишлари муваффақиятсизликка учради. Босфор соҳилида кечган жангни кузатган султон қаттиқ ғазабланди. Турк флотини бошқараётган Болта ўғли ўлимдан қутулиб қолса-да, дарра урилиб мол-мулки мусодара қилинди ва мансабидан олиб ташланди.

Муҳаммад II қуруқликдан Хризокераксга кемаларни келтиришни буюрди. Бунинг учун улкан шоти қурилди. Уни Галата деворлари ёнгинасига ўрнатишди. Бир кеча мобайнида ёғ суртилган шоти ёрдамида турклар 70 та оғир кемани Хризокеракснинг шимолий соҳилига ташишди ва сувга ташлашди. 22 апрель куни эрталаб ҳимоячилар кўз ўнгида Хризокеракс кўрфази сувида турк эскадраси турарди. Ҳеч ким бу томондан хужум қилинишини кутмаганди. Боз устига, бўғознинг кириш жойида турган Византия кемалари катта хавф остида қолди. Император энди турк эскадраси билан ҳисоблашишга мажбур бўлди. Грек ва лотин флоти қўмондонлари турк флотини ёқиб юборишга қарор қилишди. Венециялик Кокко бошчилигидаги Византия кемаси турк эскадраси турган ерга билдирмай яқинлашиб келди. Лекин Муҳаммад II генуяликларнинг ниятидан огоҳлантирилди. Кокконинг кемаси тўпга тутиб чўктириб юборилди. Сузиб қутулишга уринган денгизчиларни турклар тутиб олишди ва улар шаҳар ҳимоячилари кўз ўнгида қатл этилди. Бунга жавобан император асирга тушган 260 нафар туркнинг бошини узиб шаҳар деворига қўйишни буюрди. Константинополда аҳвол тобора ёмонлаша бошлади. Император ўз атрофига италиялик саркардаларни йиққан, ҳамма умиди ёлланма қўшиндан эди. Аҳоли эса чет элликлар бошқарувидан қаттиқ азият чекарди. Константинополда венецияликлар ва генуяликлар ўртасида қуролли тўқнашувлар юз

берди. Боз устига, император мудофаа мақсадида черков мулкларини тортиб олгани учун, византиялик руҳонийлар ундан қаттиқ норози эди. Сарой амалдорлари орасида таслимчилик кайфияти ўсиб борди. Константиннинг баъзи яқинлари унга таслим бўлишни маслаҳат бера бошлади. Бироқ император бўйсунганини хоҳламасди. Император аскарларга далда бериш учун аскарлар орасида юриб истеҳкомларни назорат қилиб юрди.

Май ойи бошида шаҳарни артиллериядан ўққа тутиш кучайди. Урбаннинг тўпи ҳам сафга қайтди. Таъмирлангандан сўнг яна Константинополь деворларини бузувчи асосий куч бўлиб қолди.

7 май куни Муҳаммад II қўшини мудофаа деворининг кучсизроқ қисмига бир неча соат ҳужум қилди. Ҳужум қайтарилди.

Султон қамал қилишнинг янги усулларини қидирарди. Май ойи ўрталарида турклар девор остини кавлашга киришди. Бир гуруҳ чуқур кавловчи 18 май куни шаҳар девори остига етиб келди. Кейинчалик турклар қўлига асир тушган византиялик тарихчи Георгий Франдзи ўша кунги воқеани қуйидагича тасвирлаган: «Умиди рўёбга чиқмаган амир (султон) қамал қилиш учун янги усуллар ўйлаб топиб, янги қамал қуролларини ишга солди. Йўғон тўсинлардан кенг ва баланд ғилдиракли улкан қамал машинасини ясади. Ички томонига мол териси қопланганди. Тепасида минорачаси ва тўсиғи, юқорига кўтарувчи ва пастга туширувчи ... девор бузишга яна бошқа машиналар ҳам йўналтирилган бўлиб, ундай машиналар ақл бовар қилмайдиган қилиб ясалган ва олдинлари қалъа олиш учун ҳеч қачон ишлатилмаганди. Турклар бошқа ерларда ҳам кўп ғилдиракли баҳайбат қамал қуроллари ясаган бўлиб, уларнинг устида минорачаси ҳам бор эди ... Ва улар кўплаб тўпларга эга эди ... Дастлаб турклар бу даҳшатли қурилмадан ўқ отиб Роман дарвозаси яқинидаги минорани вайрон қилишди ва ўша машинани дарҳол хандақ устига ўрнатишди. Қўрқинчли ва ҳалокатли жанг қуёш чиқишидан аввал бошланиб, кун бўйи давом этди. Туркларнинг бир қисми шиддатли курашди, бошқа қисми хандаққа ёғоч ва бошқа нарсаларни ташларди ... чуқурларни тўлдиргач турклар хандақ орқали деворга узун йўл очишди. Бироқ бизникилар уларнинг йўлини қаҳрамонона тўсишди, бир қисми туркларни шотилардан қулатишди, баъзи шотилар чопиб ташланди, мардлигимиз туфайли ўша куни ярим кечасигача душманни бир неча марта улоқтириб ташладик». Ахийри турклар ҳужуми сустлашди. Султон янги аскарларни жангга солса ҳам, шаҳар ҳимоячиларининг қаттиқ қаршилиги тўхтамасди.

Турклар тинмай девор тагини кавларди. Бунинг учун серблардан фойдаланилди. Лекин византияликлар бундан хабар топишгач уларга қарши чуқур кавлашга киришишди. Серблар томонидан кавланган тунелга ўта олишди ва тупроқни ушлаб турган устунларни ёқиб юборишга эришишди. Тиргаклар ёниб бўлгач, тупроқ босиб қолди. Кўплаб турклар ҳалок бўлди. 23 май куни византияликлар бир неча турк ер қазувчиларини тутиб олиб, уларни қийноққа солиб ер ости йўллари билиб олишди. Барчаси йўқ қилинди. Бу қамалдагиларнинг энг сўнгги муваффақияти эди.

Шаҳар тақдирини ҳал қиладиган ялпи ҳужумдан олдинги кунлар таранг вазиятда ўтди. Турклар қаттиқ чарчаганди. Шундай улкан қўшиннинг оз сонли ҳимоячилар жойлашган қалъани қўлга киритолмагани жангчилар руҳиятига таъсир этмай қолмасди. Бу ҳам, балки, султонни император билан музокара бошлашга мажбур қилгандир. Муҳаммад II унга ҳар йили 100 минг Византия олтини миқдоридан ўлпон тўлашга рози бўлиш ёки шаҳарнинг барча аҳолиси билан у ерни тарк этишни таклиф этди. Шаҳарни тарк этиш жараёнида ҳеч кимга шикаст етказмаслик кафолати берилди. Император мажлисида ҳар икки таклиф ҳам рад этилди. Улкан миқдордаги ўлпонни йиғиб олишга ақллари етмаган бўлса, шаҳарни жангсиз топширишни умуман исташмади. Вазири аъзам Халил пошшо сулҳ тузиб қамални тўхтатишга маслаҳат берди. Бироқ кўпчилик саркардалар ва сарой аъёнлари қамални давом эттириш тарафдори бўлди. Георгий Франдзи гапига қараганда, саркардалардан бири Саған пошшо султонга: «Константинополь ҳеч қаердан ёрдам кутмаяпти, италиялик ва бошқа ғарбликларда яқдил фикр йўқ. Мурасага келсалар ҳам қаттиқ тортишувлардан кейингина мурасага келишлари мумкин. Лекин бу иттифоқ тезда барбод бўлиши аниқ. Иттифоққа бирлашганлар бир-бирини фитнага солиб, ўзларидан эҳтиёт бўлишади», – дейди. Бундан кўриниб турибдики, султон ва яқинлари Ғарбдаги вазиятдан хабардор экан. Муҳаммад II қамални давом эттириш тарафдорлари фикрига қўшилди ва ҳал қилувчи ҳужумга тайёрланишни буюрди.

Константинополь ҳимоячилари бундан хабар топишди. Шаҳарга султоннинг режаси битилган мактублар ўқлар ёрдамида етказилди. Ҳужумга тайёргарлик қилинаётгани тўпларнинг қулай жойларга ўрнатилишидан ҳам маълум эди.

28 май куни султон аскарларини кўздан кечириб, ҳужумга тайёргарлик ишлари билан яқиндан танишди. Қамал қуроллари, чуқурларни кўмувчи ускуналарни тартибга солиш билан овора бўлган жанг-

чилар ўша куни дам олди. Константинополь ташқарисида ноодатий жимжитлик ҳукм суларди.

Шаҳар аҳолиси оғир синовлар олдида турганини ҳис этди. Кундузи император иштирокида икона билан катта тадбир бўлди. Черков кўнғироқлари ваҳимали бонг уларди. Одамлар ҳимояга сўнги кучларини йиғишди. Гўёки улар олдинги адоват ва душманликларини йиғиштириб бир тану бир жон бўлишганди. Кун ботиш пайтида одамлар беш ойдан буён қадам босмаётган София ибодатхонасига йўл олишди. Иттифоқ тарафдорлари ва қаршилар ёнма-ён туриб ибодат қилишди. Император мажлисидан сўнг бу ерга барча саркардалар ва аъёнлар ташриф буюрди. Черковларда тун бўйи одамлар шаҳарнинг сақланиши учун ибодат қилдилар. Унча кўп бўлмаган ҳимоячилар қонли жангни кутиб истехкомларда ўз ўрнида туришди.

Ўша куни кечқурун султон эрта тонгда ҳал этувчи ҳужум бошланишини маълум қилди. Турклар қароргоҳида ноғоралар чалинардди. Муллалар одамлар олдида Қуръон оятларини ўқирди. Саркардалар қўшинни ва техникани асосий зарба бериладиган жойлар қаршисига жойлаштириш ҳақида маслаҳат солишди. Шаҳарнинг қуруқликдаги девори қаршисига қамал машиналари жойлаштирилди, Ҳалиж кўрфазида (Босфор бўғозидаги кўрфаз, грекча, Хризокеракс: узунлиги 12,2 км, кенлиги 91 – 122 м, чуқурлиги 47 м) турган турк эскадраси эса Константинополнинг денгиз томондаги деворига яқинлаштирилди. Султон асосий зарбани Роман ва Харисий дарвозалари орасидаги жойга беришни мўлжаллади. Бу ерда турк тўплари баланд тепаликларга жойлашиб, шаҳарни тўпга тутиш осонлашарди. Султон бошчилигидаги қўшин Роман дарвозасидаги ҳимоячиларни чалғитиб туриши керак эди. Саған пошшо бошчилигидаги қўшин Влахернский саройи туманига ҳужум қилиши учун Галата деворидаги позицияларини ташлаб Феодосий деворининг шимолий қисмигача чўзилишди. Турк кемалари капитанлари Ҳалиж кўрфази соҳилидаги истехкомларни тўпга тутиш ҳақида кўрсатма олдилар, сўнг бўғоз томондан қўриқланаётган шаҳар деворларига ҳужум қилиш уқтирилди.

1453 йил 23 май куни турк аскарлари ҳужум бошлади. Шаҳар девори остида жанг авжга минди. Қуруқликдан қилинган туркларнинг биринчи ҳужуми қайтарилди. Ҳимоячилар орасида Ўрхун ва унинг яқинлари ҳам бор эди. Улар византиялик монахлар билан ёнма-ён туриб Мармар денгизи томонидан қилинган ҳужумни қайтаришарди. Денгиз тарафдаги деворларни олишга уриниш ҳам натижасиз тугади.

Ҳимоячилар эътиборини қаратиш учун юбориладиган бошибузуклар деб номланувчи ёлланма жангчиларнинг ҳужуми сустлашгач, Исҳоқ пошшо бошчилигидаги мунтазам қўшин ҳужумга ўтди. Улар урушга яхши тайёрланган бўлиб, кучли ҳужум уюштиришди. Қалъа деворининг бир қисми Урбаннинг тўпи туфайли вайрон бўлгач, у ерга юзлаб турклар ёпирилиб кирди. Лекин император бошлиқ ҳимоячилар ҳужумни қийинчилик билан қайтарди.

Нима қилиб бўлса ҳам қалъани қўлга киритишни истаган султон сараланган қўшинни жангга ташлаб, тўплардан тинимсиз ўқ отишни буюрди. Ниҳоят, Урбаннинг баҳайбат тўпи Роман дарвозасига қарашли деворни бузди. Ўша ҳудудни ҳимоя қилаётган генуяликлар пароканда бўла бошлади. Уларнинг қўмондони Юстиниан яраланди ва ўз жойини ташлаб кемада Галатага қочди. Мазкур ҳаракати ҳимоячилар орасида парокандалик келтириб чиқарган пайтда, султон сараланган қўшинини жангга юборди. Кўп ўтмай бир гуруҳ турклар деворга чиқиб олишди ва Роман дарвозасидаги миноралардан бирини эгаллашди. Бу ҳужумчиларга девор устига чиқишга имкон берди. Роман дарвозаси очилди ва девор устида биринчи турк байроғи ўрнатилди. Император қолган жангчиларни йиғиб туркларнинг йўлини тўсишга уринди. Лекин бунинг иложи бўлмади. Константин жангда ўлди. Роман дарвозаси орқали турк қўшини шаҳарга ёпирилди. Кейин бўғоз томондан Константинополга турк кемалари кирди. Шундан сўнг ҳужумчилар яна бир неча дарвозадан шаҳарга киришди. Ҳужум бошлангандан икки соат ўтгач турклар Константинополь кўчалари ва майдонларига тарқалишди. Кўча жангларида турклар қаттиқ қаршиликка учради. Константинополликлар ўз уйларини ёқа бошлашди, томлар устига чиқиб туркларга тош, ғишт ва темир парчаларини отишди. Туркларнинг шаҳарга кирганини эшитган Ҳалиж кўрфазидаги италияликлар ва византияликлар кемаларда у ердан кетишга ҳаракат қилишди. Шаҳардан чиққан оломон бирорта кемага илиниш учун бандаргоҳларга ошиқарди. Фақат озгина киши бунга эришди. Турк эскадраси жангчиларининг шаҳарга кириб кетгани туфайли, 20 га яқин кема қамални ёриб ўтди. Дуканинг айтишича, Константинополга қилинадиган ҳужумни белгилаган султон «Шаҳар бинолари ва деворидан бошқа ҳеч нарса истамаслиги»ни айтган, «Бошқа барча ўлжалар сизларники бўлади», – деб қўшинига мурожаат қилганди. Константинполь уч кеча-уч кундуз султон қўшини ихтиёрида бўлди. Франдзи: «Ким раҳм-шафқат сўраган бўлса, турклар уни талаб асирга олишди, кимки қаршилиқ кўрсатган бўлса, у

ўлдирилди. Баъзи жойларда ўликлар кўплигидан ер кўринмасди», – дейди. Турклар шаҳарда талончилик қилишса-да, улар қўлга киритган нарсалар 1204 йили Константинополни талаган салибчилар олган ўлжаларнинг ярмига ҳам етмаганди. Шунга қарамай, турклар 60 минг кишини олиб кетишди, кемалар қимматбаҳо буюмларга тўлди. Энг катта ўлжа шаҳарнинг ўзи эди.

Муҳаммад II шаҳар олинганидан уч кун ўтгач кириб борди. Қўшинига талончиликни тўхтатишга буйруқ бериб шаҳар ўртасига юрди. Султон ва аъёнлар София ибодатхонасига етиб келди. Султон соборни кўздан кечириб, мусулмонларнинг ғайридинлар устидан ғалабаси шарафига у ерни масжидга айлантиришга буйруқ берди. Католиклар Европаси, хусусан, папа Византия черкови ва империясини Римга бўйсундиришни хоҳларди, шунинг учун ҳеч қандай амалий ёрдам кўрсатмади.

1453 йил 9 май шанба куни Крит оролидаги Кандия шаҳри бандаргоҳида учта кема пайдо бўлди. Уларнинг иккитасида Константинополь ҳимоясида қатнашган Крит денгизчилари бор эди. Европага Константинополнинг мағлуб бўлгани ҳақида хабар шу тариқа етиб келди. 29 июнь куни венециялик сенаторлар бу хабардан изтироб чекишди. Июлнинг бошларида эса Римдаги папа қароргоҳида Константинополнинг ҳалокатга учраши масаласи кўриб чиқилди.

1453 йил 30 сентябрь куни папа Европа давлатларига мактуб йўллаб туркларга қарши салиб юриши ташкиллаштиришни тарғиб қилди. Европа давлатлари ўртасидаги тушунмовчиликлар бу юришни уюштиришга имкон бермади.

Забт этилган шаҳарни Муҳаммад II Усманийлар давлатининг пойтахтига айлантирди. Дунё харитасида янги ном – Истанбул пайдо бўлди. Қадимги шаҳар тарихида бутунлай янги давр бошланди. Византия империяси пойтахтининг қўлга киритилиши туркларнинг Европага уюштирадиган кейинги юришларига ёрдам берди.

**Усманийлар давлатининг Ғарб ва Шарққа юришлари.** Константинополнинг олиниши туркларга Марказий Европага қилинадиган юришлар учун мустаҳкам замин яратиб берди. Муҳаммад II нинг дастлабки зарбаси Сербияга йўналтирилди ва 1454 – 1455 йилларда Сербия забт этилди. Константинополь қулаганидан сўнг европаликлар назарида енгилмасдек туюлган турклар 1456 йили Янош Хуньядидан мағлуб бўлишди. Хуньяди бошчилигидаги серб, венгер, чех ва немис қўшини 27 июль куни Белград остоналаридаги жангда Муҳаммад II қўшинига қақшатқич зарба берди. Турклар қўшини сони

Хуньяди қўшинидан кўпроқ эди. Уларда 300 та тўп бор эди. Хуньяди аввал Дунай бўйлаб ўрнашган турклар флотига ҳужум қилди. Улар жангда кўплаб кемаларидан айрилди. Белградга ёппасига ҳужум бошланган пайтда, Хуньяди қўшини қалъадан тушиб кутилмаганда зарба берди. Бу ҳужумдан яничарлар корпуси ҳам танг аҳволда қолди. Кўплаб жангчиларини йўқотган турклар Софияга чекинишди. Белград остонасидаги омадсизлик венгер ерларига ҳужумларни яна бир неча ўн йилларга ортга сурди.

1456 йили соҳилбўйи чегара ҳудудини ҳимоя қилиш мақсадида Эгей денгизидаги Тамоз, Имроз, Семендра ва Лемнос ороллари эгалланди. Туркларга Дунай князликлари ҳам таслим бўлишди: Молдова 1456 йилдаёқ қарамлигини эътироф этганди, Валахия эса 1476 йили бўйсунди. Бироқ султон Дунай князликлари боярларида ўз князларини танлаш ҳуқуқини қолдирган.

1459 йили турклар Сербиянинг барча ҳудудини қўлга киритишди ва у Усманийлар давлатининг вилоятига айлантирилди. 200 мингга яқин серблар қулликка маҳкум этилди. Аждодларига содиқ қолган султон серб ерларига мусулмонларни кўчирди. Султоннинг кейинги юришлари Морея (1460) ва Босния (1463)ни эгаллаш билан якунланди. Морея ҳукмдори Дмитрий II асирга тушди, акаси Томас эса императорлик гербини рус шоҳи Иван III га сотиб Италияга қочиб кетди.

Заганос пошшони Мореяга ноиб қилиб қолдириб Муҳаммад II Эдирнага қайтди. Эски пойтахтда бир муддат тургач Бурсага жўнади. Кафадаги генуяликларнинг қул савдосига барҳам бериш мақсадида Қора денгизни эгаллаш учун Қрим хонига Кафага олиб борадиган йўлларни тўсишни буюрди.

1461 йили султон қўшини Кичик Осиёнинг шимолидаги унча катта бўлмаган, бироқ муҳим савдо нуқтаси ҳисобланган грекларнинг Трапезунд империясини бўйсундирди. Турклар Синопни Трапезунд ноибининг хоинлиги туфайли урушсиз эгаллашди. Мукофотига султоннинг Европадаги ерларидан каттагина ҳудуд олди. Трапезунд (Трабзон)нинг ўзи эса қуруқлик ва денгизда қаттиқ ҳужумга тутилди. Ҳимоячилар бир ойга яқин шаҳарни мудофаа қилишди, бироқ у ерда ҳам зодагонларнинг хоинлиги туфайли шаҳар тақдири ҳал бўлди. Шаҳар кучли мудофаа тизимига ва етарлича озиқ-овқат захираларига эга бўлишига қарамай, император Давид ва яқинлари шаҳарни топширишни лозим топишди. Давид ва зодагонлар денгиз орқали шаҳарни тарк этди. Аҳолининг кўпчилиги Истанбулга кўчирилди,

1500 бола яничарлар корпусига олинди. Кейинчалик император ва ўғиллари султоннинг буйруғи билан бўғиб ўлдирилди.

Албания узоқ муддат туркларга қаттиқ қаршилиқ кўрсатди. Георгий Кастриоти (Скандерберг) ёшлиқ пайтида исломга киргизилганди, лекин 1443 йили ўз юртига қочиб бориб, туркларга қарши кураш бошлади. Унинг энг хавфли ҳаракатларидан бири Крой қалъасини забт этиш бўлди. Қалъага давлат юқори лавозимларидан бирининг рухсатномаси орқали киришга муваффақ бўлди. Шундан сўнг қоронғу кечада 600 нафарлик гуруҳни қалъага олиб кирди. Турк гарнизони йўқ қилинди. Чорак аср мобайнида Скандерберг бошчилигидаги тоғликлар туркларга шикаст етказишди. Скандерберг ўлиmidан (1467) сўнггина улар албанларни мағлуб эта олишди.

1462 йили султон Валахияга юриш бошлади. Валахия сардори Влад III туркларни жазоловчи сифатида машҳур эди. У султонни ўлдириш учун тунда кўпорувчилик қилишга уринди, лекин буни уддалай олмади ва Эрделега қочишга мажбур бўлди. Радул Усманийлар давлати таркибидаги Валахия ҳукмдори деб тасдиқланди.

1463 йил баҳорида Босния тўла эгалланди ва қирол Стефан қатл этилди. Шу йили Лесбос ороли ҳам олиниб, венецияликлар билан уруш бошланди.

Барча қийинчиликларга қарамай, Маҳмуд пошшо Морададаги кўзғолонни бостирди ва 1463 йили у ердаги грекларнинг кўпчилигини Истанбулга кўчиртириб юборди.

1465 йили Герцоговина бўйсундирилди. 1466 йили бўйсунмас Албания иккинчи уринишдан сўнг таслим этилди. Ўша вақтда Қарамон бейларбейи Тожиддин Иброҳим Муҳаммад II ни христианлар ҳуқуқини ҳимоя қилишда айблаб Миср мамлукларини усмонийларга қарши урушга ташвиқ қилди. Лекин мақсадига етолмай ўлди. Унинг ўғиллари Исҳоқ ва Пир Аҳмад ўртасида тахт талашиш бошланди. Султон Муҳаммад II Пир Аҳмад тарафида бўлиб, уни ўзига яқинлаштирди. Исҳоқ эса оқ кўюнли Узун Ҳасан билан яқинлашди. Муҳаммад II 1467 йили Албанияга қилинган учинчи юришни тугатиб қарамонийлар, оқ кўюнлилар ва мамлуклар чегарасига яқинлашди. Анатолияда юриш олиб борар экан Кўняни олди. Шу ерда қарамонийларга қарши курашаётган Дилқодир ўғилларига ҳарбий ёрдам берди. Султон 1468 йили Истанбулга қайтди. Бундан фойдаланган Пир Аҳмад Кўняни камал қилди, Эрегли ва Оқсаройга босқин уюштирди. 1470 йили Қосим Қарамоний Анқарага яқинлашди. Силифка яқинида усмонийларнинг бўлинмаси кўнгилли қарамонийлар қўшини томонидан тор-мор



этилди. Лекин 1471 йили Аҳмад пошшо уларга қақшатқич зарба берди. Узун Ҳасан жангга киришди, унинг қўшини шаҳзода Мустафо томонидан тор-мор келтирилди. 1470 йили венецияликларга қарши олиб борилган урушлар самара бера бошлади. Шу йили Эвбей ороли олинди. Венецияликлар бунга жавобан Измирни қамал қилишди ва талончилик уюштиришди.

1472 йили Муҳаммад II Венеция-Оқ қўюнли иттифоқини бузиш учун бўлинмалар юборди. 1473 йили эса катта қўшин йўлга чиқди. Узун Ҳасан Шарқий Анатолиянинг ўтиш қийин бўлган тоғли йўлларига тузоқ қўйганди. Усманийлар қўшини тузоққа тушиб катта талафот кўрди. Бу Анатолияда султон ўлибди деган тарзда тарқалди. Лекин 1473 йил 11 август куни Отлукбели жангида Муҳаммад II қўшини Узун Ҳасан қўшинига қақшатқич зарба берди. Оғир мағлубиятга учраган Узун Ҳасан сулҳ таклиф қилди ва давлатини сақлаб қолди.

Муҳаммад II шарқдаги душманини енгач 1474 йилдан бошлаб Қарамонийлар бейлиги, Қрим хонлиги ва Қора денгиз соҳилидаги ҳудудлар устида бош қотирди. Қарамонийлар билан орани очиқ қилиш учун яна Аҳмад пошшо юборилди. Қуруқлик ва денгиздан юборилган турк қўшини венецияликларга тегишли Эрменак, Менан ва Силивкёзни қалъаларини олишди. Қарамоний Пир Аҳмад пошшо қўшини енгилди, ўзи эса тоғларда ҳалок бўлди. Ғалабадан руҳланган Муҳаммад II 1475 йили 270 кемада Қрим соҳилларига Аҳмад пошшо бошлиқ қўшин жўнатди. Турклар Кафа, Керчь, Судок ҳамда Қора денгиз ва Азов денгизи соҳилидаги бошқа шаҳарларни қўлга киритиб генуяликлар қўлидан Менгли Гирейни озод қилди. Лекин Гирей султонга маълум қилмасдан русларга ҳужум уюштиргани учун, Истанбулга чақирилди ва қамоққа олинди. Қрим хони ўзини султоннинг вассали деб тан олди. Бу Кафа ва Қримнинг жанубий соҳилидаги муҳим савдо манзилгоҳларидан айрилган генуяликларга кучли зарба эди. Қримнинг турклар томонидан истило қилиниши Қора денгизга боғлиқ бўлган Европа давлатларига ҳам катта зарар келтирди.

1477 йили Қрим Усманийлар давлатига ўлпон тўлайдиган давлатга айланди. Юришлар 1479 йилгача давом этди, натижада Черкаслар юрти ва Таман ишғол қилинди.

1476 – 1477 йилларда турклар Кройни қамал қилишди, гарнизон очлик туфайли таслим бўлди, кейин келишув шартларига зид тарзда ўлдириб юборилди. Фақат 1478 – 1479 йиллардагина турклар оғир талафотлардан сўнг Албаниянинг катта қисмида ҳукмронлик

ўрнатдилар. Туркларнинг Европага юришлари Венеция билан уруш муқаррарлигини билдирарди. Уруш Венециянинг мағлубияти билан якунланиб, 1479 йил 25 январда Истанбулда сулҳ тузилди. Венециянинг Эгей денгизидаги оролларни бой бериши ва ўлпон тўлашга рози бўлишига қарамай, венециялик савдогарлар айёрлик билан нафақат авваллари султондан олган савдо қилиш имтиёзларини сақлаб қолдилар, балки ҳуқуқларини кенгайтиришга ҳам эришдилар. Музокара султон ҳукми остидаги ерларда божсиз савдо қилиш ва венецияликларнинг турк қонунчилигига кўра суд қилинмаслиги ҳақида борди. Бу билан Усманийлар давлатининг Европа давлатлари олдидаги машҳур нотенг савдо шартномалар тузишига пойдевор қўйилди.

Ҳаттоки 1479 йили Усманийлар давлати ва Венеция ўртасида ҳарбий иттифоқ ҳам тузилиб, унга кўра, венецияликлар, Усманийлар давлатига қарашли Ўрта ер денгизи минтақасидаги ерларга ҳужум уюштирилгудек бўлса, туркларга ўз флотини юбориб ёрдам бериш мажбуриятини олди. Султон эса, вазият тақозо этса, Венецияни отлик қўшинлари билан қўллаб-қувватлашга ваъда берди.

Шу йилларда султон қўшини Черногорияда кучли қаршиликка дуч келди. 1477 йилги Скутари (Шкодер) қалъасини ҳимоя қилиш Болқон халқлари тарихида муҳим ўрин тутди. Минглаб турк аскарлари қамал қуроллари билан бир неча бор қалъани қўлга киритишга уриниб кўрди. Яна бир неча ой қалъани ҳимоя қилган черногорияликлар, албанлар ва венецияликлар қамални ёриб тирик чиқиб кета олишди.

XV асрнинг иккинчи ярми Усманийлар давлати тарихида Кичик Осиёдаги ҳарбий муваффақиятлардан иборат бўлди. Султон 10 йилга яқин вақт давомида Қарамон бейлиги ва ўз давлатини Эрондан Хуросонгача бўлган ерларга, Ироқ ва Форс кўрфази минтақаларига ёйган Оқ қўюнлилар давлати бошлиғи Узун Ҳасан билан курашди. Муҳаммад II бир қатор ғалабалардан сўнг Кичик Осиёнинг барча ҳудудида ҳукмронлик ўрнатди.

Болқон ва Кичик Осиёдаги ғалабалар султонни янада кўпроқ юриш қилишга ундарди. Унинг режасига Венгрия, Италия ва Германияга юриш уюштириш кирган. Муҳаммад II 1479 йили Неаполь ва Миланга қарши уруш эълон қилди ва Аҳмад пошшони Ўрта ер денгизидаги флотга қўмондон этиб тайинлади. 1480 йили султон қўшини 300 та кемада Италия жанубидаги Отранто шаҳрига юриш қилди ва икки ҳафталик қамалдан сўнг 1480 йил 11 август куни

шаҳарни қўлга киритди. Шунингдек, Аялавра, Кефалония ва Занта ороллари ҳам ишғол қилинди. Шаҳар аҳолисининг ярми қатл этилди, 800 киши исломни қабул қилмагани учун ўлдирилди. Отрантонинг 8 минг аҳолиси қулликка солинди. Туркларнинг Отрантодаги хатти-ҳаракатлари бутун Италияга маълум бўлди. Энди италияликлар, Муҳаммад II нинг қўшини ғолиб бўлса, уларни нималар кутаётганини тасаввур қилишди. Ватикан улкан салиб юришига тайёргарликни бошлаб юборди. Шунга қарамай, Италия юриши туркларга муваффақият келтирмади. Султон қўшинига озиқ-овқат етишмасди, италияликлар эса кучларини бирлаштириб туркларга бир қанча зарбалар берди.

Бу вақтда Муҳаммад II шарққа иккинчи юришга тайёргарлик кўраётганди. Юришни Миср мамлукларига қарши олиб бориш кўзда тутилган. Лекин усмонийлар қўшини Италиядан қайтаётган пайтда, Муҳаммад II кассалиқдан вафот этди (бошқа манбаларда тахт орзусида юрган Боязид буйруғи билан шахсий шифокори томонидан захарлаб ўлдирилгани айтилади). Усмонийлар давлатида тахт учун қонли кураш тўхтамаганди. Аксига олиб, Муҳаммад II бу қаттиққўликни қонунийлаштириб қўйган. Айнан унинг ўзи 1478 йили қонун чиқарган бўлиб, унда шундай дейилади: «Менинг ўғилларимдан қайси бири тахтга чиқса, Ер юзида тинчлик бўлиши учун, ака-укаларини ўлдиришга ҳақлидир». Муҳаммад II нинг жасади Аҳмад пошшо Қарамоний томонидан Истанбулга келтирилди ва 1481 йил 21 май куни дафн этилди.

**Боязид II, Боязид соний (1447 – 1512) – усмонийлар султони (1481 – 1512).** *Константинополь фотиҳи Муҳаммад II нинг ўғли. Отаси ўлимидан сўнг тахтга чиққан. Ҳукмронлик даврида Венгрия, Польша, Венеция, Миср ва Эронга қарши урушлар давом этди. Боязид яничарлар фитнаси тўғрисида 1512 йил 25 апрелда тахтни ўғли Салимга топширди. 1512 йил 26 май куни Эдирна яқинидаги Чекмес манзилгоҳида вафот этди.*

Боязид II ҳукмдорлик қилган йилларда (1481 – 1512) Герцоговина турклар қўлига ўтди. Усмонийлар давлати ҳудуди Салим I (1512 – 1520) ва Сулаймон I (1520 – 1566) даврида кенгайди. Салим I отаси ҳаётлик пайтидаёқ яничарлар корпусини ўзига қаратишга уринди. Ҳаттоки 1511 йили ҳарбий тўқнашувга борди. Лекин омадсизликка учради. Касалманд Боязид тахтни бошқа ўғли Аҳмадга топширмоқчи эди, яничарлар бунга қаршилик қилиб исён кўтаришди. Бироз вақт Қримда паноҳ топган Салим I 1512 йилнинг қишида унча кўп бўлмаган

қўшини билан уни қўллаётган яничарлар олдига – Истанбулга борди. Боязид II тахтдан воз кечишга ва Истанбулни тарк этишга мажбур бўлди. Кўп ўтмай заҳарланиш туфайли ўлди. Салим I нинг буйруғи билан ака-укалари ва жиянлари қатл этилди, уларнинг кўпчилиги султоннинг кўз ўнгида ўлдирилди. Салим I тахтни эгаллаши биланоқ кейинчалик унга берилган Ёвуз лақабини оқлаганди.

Константинополь кулагач, Ғарб давлатлари Усманийлар давлати билан муносабатларни яхшилаш учун элчилар жўната бошлади. Қримнинг жанубий соҳили эгаллангандан кейин, Усманийлар давлати чегараси Москва давлатининг чегараларига яқинлашиб қолганди. XV аср охирларида Усманийлар давлати ва Москва ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилди. Истанбулга биринчи рус элчилари келишди. Боязид II Москва давлатига ишонч билдириб, рус савдогарларига ўз давлати ҳудудида эркин савдо қилиш ҳуқуқини берди.

## ҲИНДИСТОН

**Деҳли султонлиги (1206 – 1526, 1540 – 1555)** – ҳозирги Ҳиндистоннинг шимолидаги биринчи йирик мусулмон давлати. Пойтахти – Деҳли шаҳри (ҳозирги Деҳли, Ҳиндистон). Давлат тили – форс тили. Давлат тузуми – монархия.

### Деҳли султонлиги ҳукмдорлари

#### 1. Ғуломлар сулоласи (1206 – 1211)

1. Қутбиддин Ойбек (1206 – 1210).
2. Оромшоҳ ибн Ойбек (1210 – 1211).

#### 2. Шамсия сулоласи (1211 – 1265)

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Шамсиддин Элтутмиш	1211 – 1236
2.	Ферузшоҳ ибн Элтутмиш	1236
3.	Розия хотун бинт Элтутмиш	1236 – 1240
4.	Баҳромшоҳ ибн Элтутмиш	1240 – 1242
5.	Масъудшоҳ I ибн Ферузшоҳ	1242 – 1246
6.	Маҳмудшоҳ I ибн Элтутмиш	1246 – 1266

### 3. Балбан сулоласи (1265 – 1290)

1.	Ғиёсиддин Балбан	1266 – 1287
2.	Қайқубод ибн Маҳмуд	1287 – 1289
3.	Қаюмарс ибн Қайқубод	1289 – 1290

### 4. Халжийлар сулоласи (1290 – 1320)

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Ферузшоҳ II ибн Яғруш	1290 – 1296
2.	Иброҳимшоҳ I ибн Ферузшоҳ	1296
3.	Муҳаммадшоҳ I ибн Шихобиддин	1296 – 1316
4.	Умаршоҳ ибн Муҳаммадшоҳ I	1316
5.	Муборакшоҳ ибн Муҳаммадшоҳ I	1316 – 1320

### 5. Туғлуқийлар сулоласи (1320 – 1414)

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Ғиёсиддин Туғлуқшоҳ I	1320 – 1325
2.	Муҳаммадшоҳ II ибн Туғлуқшоҳ I	1325 – 1351
3.	Маҳмудшоҳ ибн Муҳаммадшоҳ II	1351
4.	Ферузшоҳ III ибн Ражаб	1351 – 1387
5.	Муҳаммадшоҳ ибн Ферузшоҳ	1387 – 1388
5.	Туғлуқшоҳ II	1388 – 1389
6.	Абу Бакршоҳ ибн Зафар	1389 – 1390
	Муҳаммадшоҳ III ибн Ферузшоҳ III	1390 – 1393
7.	Искандаршоҳ II ибн Муҳаммадшоҳ III	1393
8.	Маҳмудшоҳ II ибн Муҳаммадшоҳ III	1393 – 1395
9.	Нусратшоҳ ибн Муҳаммадшоҳ III	1395 – 1399
	Маҳмудшоҳ II ибн Муҳаммадшоҳ III	1399 – 1413

### 6. Саййидлар сулоласи (1414 – 1451)

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Саййид Хидр ибн Малик Сулаймон	1414 – 1421
2.	Муборакшоҳ II ибн Саййид Хидр	1421 – 1435

3.	Муҳаммадшоҳ IV ибн Муборақшоҳ II	1435 – 1446
4.	Оламшоҳ ибн Муҳаммадшоҳ IV	1446 – 1451

### 7.1 Лодийлар сулоласи (1413 – 1414)

1. Давлатхон (1413 – 1414).

### 7.2 Лодийлар сулоласи (1451 – 1526)

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Баҳлул	1451 – 1489
2.	Искандар II ибн Баҳлул	1489 – 1517
3.	Иброҳим II ибн Искандар II	1517 – 1526

### 8. Сурийлар сулоласи (1540 – 1555)

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Шершоҳ	1540 – 1545
2.	Исломшоҳ	1545 – 1554
3.	Муҳаммад V	1554
4.	Иброҳим III	1554 – 1555
5.	Искандаршоҳ III	1555

Деҳли султонлигига ғурийлар асос солган. Ғазнавийлардан сўнг афғонларнинг ғурийлар сулоласи ҳукмдори Муҳаммад Ғур 1193 йили Деҳлини ишғол қилди. Унинг саркардаси Қутбиддин Ойбек 1192 йилги Тараори ва 1194 йили Чанадавар жангларида ғолиб бўлганди. У ғурий ҳукмдор вафотидан сўнг Лаҳордаги ҳукмдорларга бўйсунмай қўйди. Муҳаммад Ғурий вафот этган йили (1206) Ҳинд дарёсидан Ганга дарёсигача бўлган бутун Шимолий Ҳиндистон мусулмонлар қўлига ўтган. XII аср охирида пойтахтини Лаҳорга кўчирган Муҳаммад Ғурий тез-тез Ҳиндистоннинг шимоли-ғарбига юриш қилиб турган.

Унга ноиб Қутбиддин (1206 – 1210) ворис бўлди. Қутбиддин 1290 йилгача ҳукмронлик қилган сулолага асос солди. Бу сулоланинг энг машҳур вакили учинчи султон Элтутмиш (1211 – 1236) эди. Шамсиддин Элтутмиш Деҳлини ўзига қароргоҳ қилиб Шимолий Ҳиндистонда яхшилаб ўрнашиб олди. Унинг даврида Чингизхон бошлиқ мўғуллар

Афғонистонни талон-торож қилган бўлса-да, Ҳинд дарёсида тўхтатиб қолинди. Элтутмишдан сўнг унинг қизи Рация тахтга чиқди (фожир акаси ўрнига қўйилганди). Лекин у ҳам йўлдан озиб озод қилинган ҳабаш қулни бош қўмондон қилди, бу сарой тўнтаришига сабаб бўлди, натижа унинг ҳалокати билан тугади. Элтутмишнинг вафотидан сўнг (1236) ўттиз йил давом этган ички можаролар якунланиб, тахтга Фиёсиддин Балбан ўтирди. У давлатни жангари ражпутлар ва мўғуллардан ҳимоя қилиши керак эди.

**Халжийлар.** XIII аср якунида Деҳли султонлиги ўз қудратининг чўққисига чиқди. 1290 йили Балбаннинг вориси заҳарланди ва Деҳли тахтига Халжийнинг ноиби Жалолиддин чиқди. У Деҳлида ҳукмронлик қилган халжийлар сулоласига (1290 – 1320) асос солди. Жалолиддин даврида мусулмонлар мулки Жанубий Ҳиндистонга қадар борди. Унинг қариндоши Аълоиддин эса Деканни олди. У 77 яшар амакисини хоинларча ўлдириб тахтни эгаллаганди. Аълоиддин мўғулларнинг Деҳлига ҳужумини бир неча марта қайтаришга эришди, 1304 – 1305 йиларда бундай ҳужумлар тўрт марта бўлди. Султон Аълоиддин Халжий Гужарот (1297) ва Ражастон (1301 – 1312) ни бўйсундирди ва Мовароуннаҳрга ўрнашган чиғатоийларга қарши тура олди. У ва ворислари олиб борган жанубга юришлар яқин кунларда келадиган давлат инқирозига замин яратди. Аълоиддин 1315 йили ўлди, айрим маълумотлар бўйича, уни саркарда Кафур ўлдиртирган. 1316 – 1320 йилларда ҳокимият Кафурни ва Аълоиддиннинг ўғли Муборакни ўлдиртирган исломни қабул қилган ҳиндий Хосру қўлида бўлди. У ҳукмдорлиги даврида Қуръонни сўккан ва масжидларга ҳиндийларнинг худоларини олиб кирган.

Туғлуқ Давлатобод жанубида янги пойтахт қуриш билан муаммони ечиш мумкин деган қарорга келди. Султон Муҳаммад Туғлуқ пойтахтни Деҳлидан Деканга кўчирди. Бу тадбир кутилган натижа келтирмади. Унинг қўшини Мадурайгача борди, кейинроқ ўша ерда Мадурай султонлиги ташкил топди. 1347 йили Декан зодагонлари Деҳли ҳукуматини тан олмади. Деҳли султонлигидан ажралиб чиққан ҳудудда Баҳмонийлар султонлиги юзага келди.

**Туғлуқийлар.** Хосру Панжоб ноиби Ҳазий Туғлуқ бошлиқ бир гуруҳ дарғазаб ҳарбийлар томонидан ўлдириб юборилди. Шу даврдан туғлуқийлар сулоласи (1320 – 1414) ҳукмронлиги бошланди. Ҳазий Туғлуқ ҳукмронлиги даврида пойтахт Деҳлидан 4 мил шарқдаги жойга кўчирилиб, Туғлуқобод деб номланди. Ўғли Муҳаммад Туғлуқ жуда билимдон (ҳаттоки қадимги юнон фалсафасидан ҳам

хилбардор эди) ва жасур киши бўлган. Унинг юришларида минглаб жингчилар қурбон берилди ва мамлакат буткул хонавайрон этилди. Ер эгалари, 10 – 12 марта солиқлар миқдори оширилгани учун, орларини ташлаб чангалзорларга қочиб кетишди ва қароқчилар тудаларини ташкил қилишди. Ҳукмдор кўрган чораларга қарамай, мамлакатда очарчилик бошланди. 1338 йили Муҳаммад Туғлуққа қарши жияни Малвада исён кўтарди, бироқ қўлга олиниб, тириклайин териси шилинди. 1340 йили Қуйи Бенгалда исён кўтарилди, натижада Бенгал мустақилликни қўлга киритди (1340 – 1538). 1344 йили жанубдаги Карната ва Телинга шоҳликлари ўзларини мустақил деб эълон қилишди. Деканда мусулмон ноиблар ҳам ҳаракатга келди. Муҳаммад Туғлуқ уларга қарши юриш қилди, лекин Гужаротда бошланган аскарлар исёни ҳамда Малв ва Синддаги кўзғолонлар сабаб ортига қайтди. У 1351 йили Қуйи Ҳинддаги исённи бостириш вақтида ўлди. Ўғли Ферузшоҳ (1351 – 1388) эса мамлакатни тиклашга эътибор қаратди, кўплаб каналлар қаздирди, карвонсаройлар, мактаблар, масжидлар, шифохоналар ва кўприклар қурдирди. Бенгал ва Декандаги султонликларнинг мустақиллигини тан олишга мажбур бўлди. Шунингдек, унинг ҳукмронлиги даврида Гужарот мустақилликни қўлга киритди (1371 – 1573). Ферузшоҳ вафотидан сўнг туғлуқийлар сулоласи исёнлар натижасида таназзулга учради.

Сўнги туғлуқий Маҳмуд ҳукмронлиги даврида, 1398 йили, Деҳлини Амир Темур эгаллади. Маҳмуд кўшини Деҳли яқинида мағлуб бўлди. 1399 йил бошида Темур Самарқандга қайтиб кетди. Туғлуқийлар сулоласи эса 1414 йили хотима топди.

Туғлуқийлардан сўнг саййидлар (1414 – 1450) ва афғонларнинг лодийлар сулоласи (1450 – 1526) ҳукмронлик қилди. Бу сулоаларнинг ҳукмдорлари ҳокимияти Деҳли ва унинг атрофидан нарига ўтмади. Ҳинд князлари ва мусулмон султонлари амалда мустақил ҳукмронлик қилишган.

Султонликнинг энг сўнги юксалиши 1451 йили Деҳлида афғонларнинг лоди сулоласи ҳукмронлиги даври бўлди. Бу йилларда Шимолий Ҳиндистонни шимоли-ғарбдан кўчиб келганлар эгаллади. Султонлик 1526 йили шимоли-ғарбдан келган бошқа саркарда – Бобур томонидан тугатилди. Лекин Бобурнинг вориси Ҳумоюн 1540 йили Шершоҳ Сурий бошлиқ афғон сардорлари томонидан тахтдан четлатилди. Шершоҳнинг ворислари ҳокимиятни сақлай билмади ва 1555 йили Ҳумоюн тахтни қайтариб олди.



XIV асрда султонлик Шарқий Европа билан фаол савдо олиб борган. Қрим, Волгабўйи ва Шимолий Кавказда Деҳли султонлигида зарб қилинган кўплаб олтин ва мис тангалар топилгани фикримизни тасдиқлайди.

**Бенгалия султонлиги (1336 – 1576).** 1352 йили Бенгалиянинг ғарбий ва шарқий қисмлари бирлаштирилди. 1576 йили Бенгалия султонлиги Акбар томонидан Бобурийлар давлатига қўшиб олинди.

## Бенгалия султонлари

### 1. Шарқий Бенгалия ҳукмдорлари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Фахриддин Муборақшоҳ	1336 – 1349
2.	Ихтиёриндин Ғозийшоҳ	1349 – 1352

### 2. Ғарбий Бенгалия ҳукмдорлари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Аълоиддин Алишоҳ	1339 – 1345
2.	Шамсиддин Илёсшоҳ	1345 – 1352

Шамсиддин Илёсшоҳ 1352 йили Шарқий Бенгалияни ишғол қилиб бутун Бенгалия устидан назорат ўрнатди.

## Бенгалия ҳукмдорлари

### 1. Илёсшоҳ сулоласи

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Шамсиддин Илёсшоҳ	1352 – 1358
2.	Искандаршоҳ I	1358 – 1390
3.	Ғиёсиддин Аъзамшоҳ	1390 – 1410

4.	Сайфиддин Ҳамзашоҳ	1410 – 1412
5.	Шихобиддин Боязидшоҳ	1412 – 1414
6.	Аълоиддин Ферузшоҳ	1414

## 2. Ганеша сулоласи

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Жалолиддин Муҳаммадшоҳ	1414 – 1432
2.	Шамсиддин Аҳмадшоҳ	1432 – 1436

## Илёсшоҳ сулоласи:

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Носириддин Маҳмудшоҳ	1437 – 1460
2.	Рукниддин Барбакшоҳ	1460 – 1474
3.	Шамсиддин Юсуфшоҳ	1474 – 1481
4.	Искандаршоҳ II	1481
5.	Жалолиддин Фотиҳшоҳ	1481 – 1487

## 3. Ҳабашийлар сулоласи

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Шоҳзода Барбакшоҳ	1487
2.	Сайфиддин Ферузшоҳ	1487 – 1490
3.	Носириддин Маҳмудшоҳ	1490 – 1491
4.	Шамсиддин Музаффаршоҳ	1491 – 1494

## 4. Ҳусайншоҳ сулоласи

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Аълоиддин Ҳусайншоҳ	1494 – 1519
2.	Носириддин Нусратшоҳ	1519 – 1532
3.	Аълоиддин Ферузшоҳ	1532 – 1533
4.	Ғиёсиддин Маҳмудшоҳ	1533 – 1539

## 5. Сурийлар сулоласи

т/р	хукмдорлар	хукмронлик йиллари
1.	Шершоҳ Сур	1539 – 1540
2.	Хидирхон	1540 – 1545
3.	Муҳаммад Сур	1545 – 1555
4.	Хидирхон Баҳодиршоҳ	1555 – 1561
5.	Гиёсиддин Жалолшоҳ	1561 – 1564

## 6. Қароронийлар сулоласи

т/р	хукмдорлар	хукмронлик йиллари
1.	Сулаймон Қаророний	1564 – 1572
2.	Боязидшоҳ Қаророний	1572
3.	Довудшоҳ Қаророний	1572 – 1576

**Кашмир султонлиги (1346 – 1589)** – Шимолий Ҳиндистондаги тоғли Кашмир вилоятидаги давлат. 1335 йили Шоҳмирзо Свотий томонидан асос солинган. У 1346 йили ўз давлатини мустақил деб эълон қилди. Кашмирни 1540 йили бобурий шаҳзода Ҳайдар Дуғлат босиб олган. 1540 – 1551 йилларда султонлик Ҳумоюнга тобе бўлган. 1551 йили эса мустақилликни қўлга киритган. 1589 йили Кашмир султонлиги Акбарга бўйсунди ва кўп ўтмай Бобурийлар давлатига қўшиб юборилди.

## Кашмир султонлари

### 1. Шоҳмирзо Свотий сулоласи

т/р	хукмдорлар	хукмронлик йиллари
1.	Шоҳмирзо Свотий	1346 – 1349
2.	Жамшид	1349 – 1350
3.	Аълоиддин Али Шер	1350 – 1359
4.	Шихобиддин Ширашамак	1359 – 1394
5.	Қутбиддин Ҳиндол	1394
6.	Искандар Бутшкан	1394 – 1416

7.	Али Мирзохон	1416 – 1420
8.	Зайнулобидин Шоҳий	1420 – 1470
9.	Ҳайдаршоҳ Ҳожий	1470 – 1471
10.	Ҳасан	1471 – 1489
11.	Муҳаммад	1489 – 1490
12.	Фатҳшоҳ	1490 – 1498
	Муҳаммад	1498 – 1499
	Фатҳшоҳ	1499 – 1500
	Муҳаммад	1500 – 1526
13.	Иброҳим I	1526 – 1527
14.	Нозук	1527 – 1529
	Муҳаммад	1529 – 1533
15.	Шамсиддин	1533 – 1540
	Нозук	1540
16.	Ҳайдар Дуғлат*	1540 – 1551
	Нозук	1551 – 1552
17.	Иброҳим II	1552 – 1555
18.	Исмоил	1555 – 1557
19.	Ҳабиб	1557 – 1561

## 2. Ғозийхон Чак сулоласи

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Ғозийхон ибн Чак	1561 – 1563
2.	Насриддин Ҳусайн	1563 – 1569
3.	Заҳириддин Али	1569 – 1579
4.	Насриддин Юсуф	1579 – 1586
5.	Яъқуб	1586 – 1589

## Дакан султонлиги (1347 – 1527)

### Баҳмонийлар сулоласи

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Аълоиддин Баҳмоншоҳ	1347 – 1358

\* Ҳайдар Дуғлат 1540 – 1551 йилларда Ҳумоюн ноиби.

2.	Муҳаммад I	1358 – 1375
3.	Аълоиддин Мужоҳид	1375 – 1378
4.	Довуд	1378
5.	Муҳаммад II	1378 – 1397
6.	Ғиёсиддин	1397
7.	Шамсиддин	1397
8.	Тоҷиддин Феруз	1397 – 1422
9.	Аҳмад Вали I	1422 – 1436
10.	Аълоиддин Аҳмад II	1436 – 1458
11.	Аълоиддин Ҳумоюн	1458 – 1461
12.	Низом	1461 – 1463
13.	Муҳаммад III	1463 – 1482
14.	Маҳмуд	1482 – 1518
15.	Аҳмад III	1518 – 1521
16.	Аълоиддин	1521 – 1522
17.	Валийуллоҳ	1522 – 1525
18.	Калимуллоҳ	1525 – 1527

**Баҳмонийлар** – Деканда ҳукмронлик қилган сулола (1347 – 1525). Сулола асосчиси афғон Зафархон эди. Баҳмонийлар энг қудратли даврида Деканнинг ярмида ҳукмронлик қилишди. Деҳли султонлигига қарши урушда уларни Вижаянагар ва Варангал ҳинд князликлари қўллаб-қувватлади, лекин сулола ҳукмронлигининг асосий қисмида ислом дини учун курашиб ҳинд князликларига қарши душманлик кайфиятида бўлди. Баҳмонийлар Аълоиддин II даврида ўз қудратининг чўққисига чиқди. 1489 йили давлатда таназзул бошланди ва 1525 йили унинг таназзули билан яқунланди.

**Декан султонликлари.** Баҳмонийлар мулки ўрнида 5 та мустақил султонлик ташкил топди:

1. Одилшоҳий сулоласи (1489 – 1687/1688). Пойтахти Бижанпур. Турк султони Мурод II нинг ўғли томонидан асос солинган ва 1687/1688 йили Аврангзеб томонидан тугатилган.

2. Кутабшоҳийлар (1512 – 1687/1688) – Голкондадаги султонлик.

3. Низомшоҳийлар (1490 – 1636) – Аҳмаднигардаги султонлик.

4. Имодшоҳийлар (1484 – 1572) – Берар, пойтахти Элличпур. Вижданагардаги ҳиндий томонидан асос солинган. Берар 1572 йили Аҳмаднигарга қўшиб олинган.

5. Баридшоҳийлар (1492/1498 – 1657). Пойтахти Бидар. Турк ёки грузин томонидан асос солинган. Бидар 1657 йили Аврангзеб томонидан ишғол қилинган.

**Хондеш султонлиги (1370 – 1601)** – Шимолий Декандаги давлат. Султонлик 1555 йилдан Бобурийлар давлатига тобе бўлган, 1601 йили эса улар томонидан тугатилган.

### Хондеш султонлари

т/р	хукмдорлар	хукмронлик йиллари
1.	Малик Форуқий	1370 – 1399
2.	Носир	1399 – 1437
3.	Одил I	1437 – 1441
4.	Мирон Муборак I	1441 – 1457
5.	Одил II	1457 – 1503
6.	Довуд	1503 – 1510
7.	Ғазин	1510
8.	Олам	1510
9.	Одил III	1510 – 1520
10.	Мирон Муҳаммад I	1520 – 1537
11.	Аҳмадшоҳ	1537
12.	Муборак III	1537 – 1566
13.	Мирон Муҳаммад II	1566 – 1577
14.	Одил IV	1577 – 1597
15.	Баҳодиршоҳ	1597 – 1601

**Гужарот султонлиги (1391 – 1583)** – Ғарбий Ҳиндистондаги давлат. Гужарот 1298 йили халжийлар сулоласига мансуб Деҳли хукмдори Аълоиддин томонидан забт этилганди. 1391 йили Деҳли султони Зафархонни Гужарот ноибни этиб тайинлади, бироқ янги ноиб амалда мустақил бўлиб олди. Султонлик Маҳмуд хукмронлиги даврида (1458 – 1511) ўз қудратининг чўққисига чиқди. 1583 йили Акбар томонидан Бобурийлар давлатига қўшиб олинди. Сўнгги хукмдор Музаффар III вафотида қадар (1593) тахтини қайтариб олиш учун курашди.

## Гужарот султонлари

т/р	хукмдорлар	хукмронлик йиллари
1.	Зафархон Музаффар I	1391 – 1411
2.	Аҳмад I	1411 – 1442
3.	Муҳаммад Карим	1442 – 1451
4.	Қутбиддин Аҳмад II	1451 – 1458
5.	Довуд	1458
6.	Маҳмуд I	1458 – 1511
7.	Музаффар II	1511 – 1526
8.	Искандар	1526
9.	Носирхон Маҳмуд II	1526
10.	Баҳодир	1526 – 1537

1537 йили Хондеш султони Мирон Муҳаммад Гужаротни вақтинчалик эгаллаган.

11.	Маҳмуд III	1537 – 1554
12.	Аҳмад III	1554 – 1561
13.	Музаффар III	1561 – 1573

1573 – 1583 йилларда Гужаротни бобурийлар истило қилишган.

	Музаффар III	1573 – 1583
--	--------------	-------------

## Жаунпур султонлиги (1392 – 1478)

### Жаунпур султонлари

т/р	хукмдорлар	хукмронлик йиллари
1.	Малик Сарвар	1392 – 1398
2.	Муборакшоҳ	1398 – 1400
3.	Шамсиддин Иброҳим	1400 – 1440
4.	Маҳмудшоҳ	1440 – 1455
5.	Муҳаммадшоҳ	1455 – 1456
6.	Ҳусайншоҳ	1456 – 1478

# Малва султонлиги (1401 – 1531)

## Малва султонлари

### 1. Ғурийлар сулоласи

т/р	хукмдорлар	хукмронлик йиллари
1.	Диловар Ҳусайн	1401 – 1405
2.	Алп Ҳушанг	1405 – 1435
3.	Ғазний Муҳаммад	1435 – 1436
4.	Масъуд	1436

### 2. Халжийлар сулоласи

т/р	хукмдорлар	хукмронлик йиллари
1.	Маҳмудшоҳ I	1436
2.	Ғиёсшоҳ	1436 – 1500
3.	Носиршоҳ	1500 – 1511
4.	Маҳмудшоҳ II	1511 – 1531

## АРАБИСТОН ЯРИМОРОЛИ

**Расулийлар (1228 – 1454)** – минтақадан айюбийларни сиқиб чиқарган Жанубий Яман ва Тихомадаги амирлар сулоласи. Сулолабоши – Расул, келиб чиқиши туркман, аббосий хукмдорлардан бирининг чопари бўлган. Сулола асосчиси – Умар I Нуриддин (1229 – 1250), у 1222 йилдан Ямандаги айюбий султон Масъуд Салоҳиддин Юсуф даврида Маккада ноиб бўлиб хизмат қилган. 1229 йили Масъуд Сурияга жўнатилди ва йўлда вафот этди. Шундан сўнг Умар I Нуриддин Қизил денгиз соҳилидаги Забидни эгаллаб, уни ўз давлати пойтахтига айлантирди. Шундан сўнг зайдийлардан Тауз ва Санъо шаҳарларини тортиб олди, 1241 йили эса Маккани эгаллади. Энди Расулийлар давлати Ҳижоздан Хадрамавтгача бўлган ҳудудни қамрарди. Сулола хукмронлиги даврида Арабистон яриморотида ривожланиш кузатилди. Ҳиндистон, Жануби-Шарқий Осиё, Хитой ва Шарқий Африка билан савдо кенгайди. Бироқ XIV аср охирида ички аҳвол чигаллашиб кетди. Вазиятдан фойдалан-



ган зайдийлар тинимсиз исён кўтаришди, бу эса Расулийлар давлатининг заифлашиши ва қулашига олиб келди. 1454 йили Адан шаҳри тоҳирийлар томонидан босиб олинди.

### Расулийлар сулоласига мансуб ҳукмдорлар

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Умар I ибн Али ибн Расул	1229 – 1250
2.	Юсуф I ибн Умар I	1250 – 1295
3.	Умар II ибн Юсуф I	1295 – 1296
4.	Довуд ибн Юсуф I	1296 – 1321
5.	Али ибн Довуд	1321 – 1363
6.	Аббос ибн Али	1363 – 1377
7.	Исмоил I ибн Аббос	1377 – 1400
8.	Аҳмад ибн Исмоил I	1400 – 1424
9.	Абдуллоҳ ибн Аҳмад	1424 – 1427
10.	Исмоил II ибн Абдуллоҳ	1427 – 1428
11.	Яҳё ибн Исмоил II	1428 – 1439
12.	Исмоил III ибн Яҳё	1439 – 1442
13.	Юсуф II ибн Умар	1442 – 1454

1442 йилдан бошбошдоқлик даври. Тахтга Муҳаммад ибн Исмоил ибн Усмон (1442), Аҳмад ибн Яҳё (1442), Масъуд ибн Исмоил III (1443 – 1454), Ҳусайн ибн Тоҳир (1451 – 1454) даъвогарлик қилган.

1454 йили Аданни тоҳирийлар эгаллади.

**Тоҳирийлар (1454 – 1517)** – Жанубий Яман ва Тихомада ҳукмронлик қилган сулола. Пойтахти – Микрон ва Жубон. Давлат ҳудуди Тихомадан Дофаргача чўзилганди. Сулола ҳукмронлиги даврида катта миқёсда қурилиш ишлари олиб борилди. Сулола Миср мамлуклари томонидан тугатилди. Мамлуклар Яманни Ҳинд океанида португалларга қарши ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш учун базага айлантиришди. Мамлукларнинг Яманни олиши усмонийларнинг бироздан сўнг у ерда ҳукмронлик қилишига имконият яратиб берганди. Усмонийлар ўша йилиёқ (1517) Мисрдаги Мамлуклар давлати ҳукмронлигига барҳам беришди ва Яманнинг катта қисмини

эгаллашди. Лекин 1633 йили Яманни зайдийларга беришга мажбур бўлишди.

### Яманда ҳукмронлик қилган Тоҳирийлар давлати ҳукмдорлари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Амир I ибн Тоҳир ва Али ибн Тоҳир (биргалиқда)	1454 – 1460
2.	Али ибн Тоҳир (бир ўзи)	1460 – 1478
3.	Абдулваҳҳоб ибн Довуд ибн Тоҳир	1478 – 1489
4.	Амир II ибн Абдулваҳҳоб	1489 – 1517

1. 1517 йили Яманни мамлуклар, бироздан сўнг усмонийлар эгаллади.

2. 1518 – 1538 йилларда тоҳирийлар сулоласига мансуб баъзи кишилар Яманнинг тоғли минтақаларида қаршилик ҳаракатига раҳбарлик қилишган.

## ШИМОЛИЙ АФРИКА

**Ҳафсийлар (1228 – 1574)** – Тунис, Шарқий Жазоир ва Тароблус (Триполи)да ҳукмронлик қилган барбар сулоласи. Пойтахти – Тунис шаҳри. Давлат тили – араб тили.

1228 йили Тунисда вужудга келган давлат. Ҳафсийлар 1237 йилга келганда Жазоир шаҳригача бўлган ҳудудни қўлга киритишди. 1270 йили эса Тунисга уюштирилган саккизинчи салиб юришини қайтаришга эришишди. 1534 йили испанлар Тунис соҳилларини эгаллади. Фақат 1574 йилдагина турклар испанларни қувиб чиқаришди ва ҳафсийлар сулоласи ҳукмронлигига барҳам бериб, унинг ҳудудини Усмонийлар давлатига қўшиб олишди.

### Ҳафсийлар сулоласи ҳукмдорлари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Абу Закариё Яҳё I ибн Ҳафс	1228 – 1249
2.	Абу Абдуллоҳ Муҳаммад I	1249 – 1277

3.	Абу Закариё Яхё II Восиқ	1277 – 1279
4.	Абу Исҳоқ Иброҳим I	1279 – 1283
5.	Абу Ҳафс Умар I	1284 – 1295
6.	Абу Абдуллоҳ Муҳаммад II	1295 – 1309
7.	Абу Яхё Абу Бакр I Шаҳид	1309
8.	Абулбақо Холид I	1309 – 1311
9.	Абу Яхё Закариё I ибн Лихёний	1311 – 1317
10.	Абу Дарба	1317 – 1318
11.	Абу Яхё Абу Бакр II	1318 – 1346
12.	Абу Ҳафс Умар II	1346 – 1348

1348 йили Тунисни маринийлар эгаллади. 1348 – 1349 йилларда маринийларга тобе бўлган.

13.	Абул Аббос Аҳмад I Фазл	1350 – 1369
14.	Абу Исҳоқ Иброҳим II	1357

1357 йили маринийлар Тунисни иккинчи марта босиб олди.

15.	Абул Аббос Аҳмад II	1370 – 1394
16.	Абу Форис Абдулазиз	1394 – 1434
17.	Абу Абдуллоҳ Муҳаммад IV	1434 – 1435
18.	Абу Умар Усмон	1435 – 1488
19.	Абу Закариё Яхё III	1488 – 1489
20.	Абдулмуъмин	1489
21.	Абу Яхё Закариё II	1489 – 1494
22.	Абу Абдуллоҳ Муҳаммад V	1494 – 1526
23.	Мавло Ҳасан	1526 – 1534

1534 йили Тунис Хайриддин Барбаросса томонидан забт этилди. 1534 – 1535 йилларда Усмонийлар давлатига тобе.

	Мавло Ҳасан (Карл V нинг вассали)	1535 – 1542
24.	Аҳмад III	1542 – 1569

1569 йили Тунис иккинчи марта усмонийлар томонидан эгалланди. 1569 – 1573 йилларда Усмонийлар давлатига тобе бўлган.

25.	Абу Абдуллоҳ Муҳаммад VI (Испания вассали)	1569 – 1574
-----	--	-------------

1574 йили Тунис узил-кесил усмонийлар томонидан бўсундирилди.

**Абдулвадудлар (1236 – 1550) – Шимолий Африкада зенет барбар қабилалари номи.** Абдулвадудлар давлатининг пойтахти Тлемсен шаҳри (Фарбий Жазоир) бўлган. Уларни зайёнийлар деб ҳам номлашган. Абдулвадудлар Муваҳҳидлар давлатидан ажралиб чиққан. Давлатни барбар денгиз қароқчилари тугатган.

### Абдулвадудлар сулоласи ҳукмдорлари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Абу Яҳё ибн Зайён	1236 – 1283
2.	Абу Саид Усмон I ибн Абу Яҳё	1283 – 1303
3.	Абу Зайён I ибн Абу Саид Усмон I	1303 – 1308
4.	Абу Ҳамму I ибн Абу Саид Усмон I	1308 – 1318
5.	Абу Тошуфин I ибн Абу Ҳамму I	1318 – 1337

1337 – 1348 йилларда Абул Ҳасан Али бошлиқ маринийларнинг биринчи истилоси.

6 – 7.	Абу Саид Усмон II ибн Абу Тошуфин I ва Абу Табид I ибн Абу Тошуфин I (биргалиқда)	1348 – 1352
--------	---	-------------

1352 – 1359 йилларда Абу Инон бошлиқ маринийларнинг иккинчи истилоси.

8.	Абу Ҳамму II ибн Абу Тошуфин I	1359 – 1389
9.	Абу Тошуфин II ибн Абу Ҳамму I	1389 – 1393
10.	Абу Табид II ибн Абу Тошуфин I	1393
11.	Абулҳажжож ибн Абу Тошуфин I	1393 – 1394
12.	Абу Зайён II ибн Абу Тошуфин I	1394 – 1399
13.	Абу Му I ибн Абу Тошуфин I	1399 – 1401
14.	Абу Абдуллоҳ I ибн Абу Тошуфин I	1401 – 1411
15.	Абдуррахмон ибн Абу Му I	1411

16.	Саййид ибн Абу Тошурфин I	1411
17.	Абу Малик I ибн Абу Тошурфин I	1411 – 1423
18.	Абу Абдуллоҳ II ибн Абдурраҳмон	1423 – 1427

1427 – 1429 йилларда даъвогарлар ўзаро урушиб тахт бўш турган.

	Абу Абдуллоҳ II ибн Абдурраҳмон	1429 – 1430
19.	Абул Аббос Аҳмад I ибн Абу Табид II	1430 – 1461
20.	Абу Абдуллоҳ III ибн Абул Аббос Аҳмад I	1461 – 1468
21.	Абу Тошурфин III ибн Абу Абдуллоҳ III	1468
22.	Абу Абдуллоҳ IV ибн Абу Абдуллоҳ III	1468 – 1504
23.	Абу Абдуллоҳ V ибн Абу Абдуллоҳ IV	1504 – 1517
24.	Абу Ҳамму III ибн Абул Аббос Аҳмад I	1517 – 1527
25.	Абу Му II ибн Абул Аббос Аҳмад I	1527 – 1540
26.	Абу Абдуллоҳ VI ибн Абу Му II	1540
27.	Абу Зайён III ибн Абу Му II	1540 – 1543

1543 – 1544 йилларда саъдийлар истилоси.

	Абу Зайён III ибн Абу Му II	1544 – 1550
28.	Ҳассон ибн Абу Му II	1550

**Мамлуклар давлати (1250 – 1517).** *Пойтахти – Қоҳира шаҳри (ҳозирги Қоҳира, Миср). Ҳудуди – 2,1 млн км<sup>2</sup> (1400). Давлат тили – араб тили. Давлат тузуми – монархия.*

*«Мамлук» сўзи «биронинг мулки» деган маънони англатади. Ўз номидан кўриниб турибдики, мамлуклар қуллардан келиб чиққан. Улар Миср ва Сурияда ҳукмроник қилган айюбийлар сулоласи ўрнига келишди. Мамлуклар 1260 йили Ғазо яқинида мўғулларнинг босқинчилик юришларини тўхтатиб қолишга муваффақ бўлишди. 1291 йили эса салибчиларнинг энг сўнгги мулкларини эгаллаб олишди. Улар Миср, Сурия ва Ҳижозни тўлиқ назорат қилишган. 1516 йили усмоний туркларнинг кучайиб кетиши ва Ғарбий Осиёга юриши сабаб, 1517 йили Мисрдаги Мамлуклар давлати тугатилди.*

## Мисрдаги Мамлуклар давлати ҳукмдорлари

### Мисрдаги аббосий халифалар (1252 – 1543)

т/р	халифалар	ҳукмрон лик йиллари
1	Ал-Мустансир биллоҳ, Абулқосим Аҳмад ибн аз-Зоҳир би амриллоҳ ал-Аббосий	1261
2	Ал-Ҳаким би амриллоҳ, Абулаббос Аҳмад ибн ал-амир Ҳасан Мустаршидӣ	1261
3	Ал-Мустакфи биллоҳ, Абу Рабаи Сулаймон ибн ал-Ҳаким би амриллоҳ	1302
4	Восиқ биллоҳ, Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Мустамсик биллоҳ Аюбий Абдуллоҳ Муҳаммад ибн ал-Ҳаким би амриллоҳ	1340
5	Ал-Ҳаким би амриллоҳ, Абулаббос Аҳмад ибн ал-Мустакфи биллоҳ	1340
6	Ал-Муътазид биллоҳ, Абулфатҳ Аби Бакр ибн Мустакфий	1352
7	Ал-Мутаваккил алаллоҳ, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн ал-Муъдазид	1362
8	Муътасим Абу Яҳё Закариё	1377
9	Мутаваккил алаллоҳ (иккинчи марта)	1377
10	Восиқ биллоҳ Абу Ҳафс Умар	1383
11	Муътасим Абу Яҳё Закариё (иккинчи марта)	1386
12	Ал-Мутаваккил алаллоҳ, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн ал-Муъдазид (учинчи марта)	1389
13	Ал-Мустиин биллоҳ, Абулфайз Аббос ибн ал-Мутаваккил	1406
14	Ал-Муътазид биллоҳ, Абулфатҳ Довуд ибн ал-Мутаваккил	1414
15	Ал Мустакфи биллоҳ, Абу Рабаи Сулаймон ибн ал-Мутаваккил	1441
16	Ал-Қоим би-амриллоҳ, Абу Бакр Ҳамза ибн ал-Мутаваккил	1451
17	Ал-Мустанжид биллоҳ, Абулмаҳосин Юсуф ибн ал-Мутаваккил	1455
18	Ал-Мутаваккил алаллоҳ, Абулизз Абдалазиз ибн Яъқуб ибн ал-Мутаваккил	1479
19	Ал-Мустамсик биллоҳ, Абу Юсуф Яъқуб ибн ал-Мутаваккил	1497
20	Ал-Мутаваккил алаллоҳ, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн ал-Мустамсик	1517 <sup>5</sup> – 1538

<sup>5</sup> 1517 йили Мутаваккил III Истанбулга келтирилиб, у диний раҳнамолик ҳуқуқини турк султонларига топширган. Ал-Мутаваккил алаллоҳ 12 шаъбон 950/12 ноябр 1543 йили вафоти билан аббосийлар сулоласи ҳукмронлиги Мисрда тугатилди.

## 1. Баҳрийлар сулоласи

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Шажар уд-Дур	1250
2.	Муъиз Иззиддин Айбак	1250 – 1257
3.	Мансур Нуриддин Али ибн Айбак	1257 – 1259
4.	Музаффар Сайфиддин Қутуз	1259 – 1260
5.	Зоҳир Рукниддин Байбарс I Бундуқдорий	1260 – 1277
6.	Саид Носириддин Барака ибн Байбарс	1277 – 1279
7.	Одил Бадриддин Суломиш ибн Байбарс	1279
8.	Мансур Сайфиддин Қуловун	1279 – 1290
9.	Ашраф Салоҳиддин Халил	1290 – 1293
10.	Носир Муҳаммад ибн Қуловун	1293 – 1294
11.	Одил Зайниддин Қит Буғо	1294 – 1296
12.	Мансур Ҳисомиддин Ложин	1296 – 1299
	Носир Муҳаммад ибн Қуловун	1299 – 1308
13.	Музаффар Рукниддин Байбарс II	1308 – 1309
	Носир Муҳаммад ибн Қуловун	1309 – 1340
14.	Мансур Сайфиддин ибн Носир Муҳаммад	1340 – 1341
15.	Ашраф Аълоиддин ибн Носир Муҳаммад	1341 – 1342
16.	Носир Шихобиддин ибн Носир Муҳаммад	1342
17.	Солиҳ Исмоил ибн Носир Муҳаммад	1342 – 1345
18.	Сайфиддин Шаъбон ибн Носир Муҳаммад	1345 – 1346
19.	Музаффар Ҳожий ибн Носир Муҳаммад	1346 – 1347
20.	Носир Бадриддин ибн Носир Муҳаммад	1347 – 1351
21.	Солиҳ Салоҳиддин ибн Носир Муҳаммад	1351 – 1354
	Носир Бадриддин ибн Носир Муҳаммад	1354 – 1361
22.	Мансур Муҳаммад ибн Музаффар Ҳожий	1361 – 1363
23.	Ашраф Шаъбон II ибн Ҳасан	1363 – 1376
24.	Мансур Аълоиддин Али ибн Шаъбон II	1376 – 1381
25.	Солиҳ Зайниддин Ҳожий II	1381 – 1382

## 2. Буржийлар сулоласи

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Зоҳир Сайфиддин Барқуқ ибн Анас	1382 – 1399
2.	Носир Фараж ибн Барқуқ	1399 – 1405

3.	Мансур Абдулазиз ибн Барқуқ	1405
	Носир Фараж ибн Барқуқ	1405 – 1412
4.	Муайяд Шайх Маҳмудий	1412 – 1421
5.	Музаффар Аҳмад ибн Шайх	1421
6.	Зоҳир Сайфиддин Тотор	1421
7.	Солиҳ Носириддин Муҳаммад ибн Тотор	1421 – 1422
8.	Ашраф Сайфиддин Барсбой	1422 – 1438
9.	Азиз Жамолиддин Юсуф ибн Барсбой	1438
10.	Зоҳир Сайфиддин Чақмоқ	1438 – 1453
11.	Мансур Фахриддин Усмон ибн Чақмоқ	1453
12.	Ашраф Сайфиддин Инол	1453 – 1460
13.	Муайяд Шихобиддин Аҳмад ибн Инол	1460
14.	Зоҳир Сайфиддин Хушқадам	1460 – 1467
15.	Зоҳир Сайфиддин Билбой Муайядий	1467 – 1468
16.	Зоҳир Темур Буғо Румий	1468
17.	Ашраф Сайфиддин Қойитбой	1468 – 1496
18.	Носир Муҳаммад ибн Қойитбой	1496 – 1497
19.	Зоҳир Қонсуҳ	1497
	Носир Муҳаммад Қойитбой	1497 – 1498
20.	Зоҳир Қонсуҳ Ашрафий	1498 – 1500
21.	Ашраф Жонбўлат	1500 – 1501
22.	Одил Туманбой	1501
23.	Ашраф Қонсуҳ Ғаврий	1501 – 1516
	Одил Туманбой	1516 – 1517

**Маринийлар (1258 – 1420) – Мағрибда ҳукмронлик қилган сулола. Пойтахти – Фес шаҳри. Давлат тили – араб тили.**

### Маринийлар сулоласи ҳукмдорлари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Абу Юсуф Яъқуб ибн Абдулҳақ	1269 – 1286
2.	Абу Яъқуб Юсуф Носир	1286 – 1307
3.	Абу Собит Омир	1307 – 1308
4.	Абуррабеъ Сулаймон	1308 – 1310
5.	Абу Саид Усмон ибн Яъқуб	1310 – 1331
6.	Абулҳасан Али ибн Усмон	1331 – 1348



7.	Абу Аннон Форис ибн Али	1348 – 1358
8.	Абу Солим Муҳаммад ибн Форис	1358 – 1361
9.	Муҳаммад ибн Яъқуб	1361 – 1366
10.	Абулазиз I	1366 – 1372
	Тож талабгорлари тахт талашишган	1372 – 1384
11.	Мусо ибн Форис	1384 – 1387
12.	Абул Аббос	1387 – 1393
13.	Абдулазиз II	1393 – 1396
14.	Абдуллоҳ	1396 – 1398
15.	Усмон	1398 – 1421
16.	Абдулҳақ	1421 – 1465
	Ички низолар туфайли тахт бўш турган	1465 – 1472

Маринийлар Мағрибнинг шарқий ва жануби-шарқий ҳудудларида яшовчи барбарларнинг заноти номли қабилалар иттифоқидан иборат эди. Улар дастлаб 1216 йили Саҳройи Кабирдан Марокашга ҳужум қилишган. Муваҳҳидлар давлатига қарши олиб борилган курашлар натижасида ака-ука Абу Яҳё Абдулҳақ (1244 – 1258) ва Абу Юсуф (1258 – 1286) улардан бир неча шаҳарларни тортиб олди: Микнасни 1244 йили, Фесни 1248 йили. 1269 йили Марокашдаги сўнгги муваҳҳидлар ҳукмдори қулатилгач, маринийлар расман давлатларига эга бўлишди. Шундан сўнг қолган минтақаларни эгаллаш учун кучли қўшин тузишга киришишди. Абу Яъқуб Юсуф (1286 – 1307) даврида Андалусияда бир қанча урушлар олиб борилди. 1275 йили Эсиха жангида маринийлар қўшини испанларни мағлуб этди. Жазоирда олиб борган урушлари натижасида маринийлар Ал-Жазоир ва Ҳаррон шаҳарларини қўлга киритишди.

1309 йили Жабал ут-Ториқ (Гибралтар) испанлар томонидан тортиб олингач, маринийлар қўшини Испания юришига тайёрлана бошлади. Лекин 1340 йили Абул Ҳасан Али (1331 – 1348) қўшини Рио-Саладо жангида Кастилия қироли Альфонс XI ва Португалия қироли Альфонс IV нинг бирлашган қўшини томонидан мағлуб этилди.

1337 йили Тунисга юриш қилган маринийлар Абдулводни мағлуб этиб пойтахт Тлимсенни қўлга киритишди. 1358 йили иккинчи марта ҳафсийларга зарба берилди. Лекин ҳафсийлар сулоласини буткул тугата олишмади.

1401 йили Кастилия қироли Генрих III Тетуан шаҳрини ўққа тутди. 1415 йили эса португаллар Сеутани истило қилди.

Сўнги ҳукмдор Абдулҳақ (1421 – 1465) даврида маринийларнинг қариндошлари бўлган ваттосийлар давлат ишларини ўз назоратига ола бошлади. Бундан қаттиқ хавфсираган Абдулҳақ 1458 йили кўплаб ваттосий зодагонларни қатл эттирди, шундан сўнг давлатни мустақил бошқаришга ҳаракат қилди. Бироқ мазкур тадбири амалий жиҳатдан унга манфаат келтирмади. 1465 йили Абдулҳақ исёнчилар томонидан ўлдирилди.

## Ваттосийлар давлати (1472 – 1554)

### Ваттосийлар сулоласи ҳукмдорлари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Абу Закариё Муҳаммад Шайх Маҳдий	1472 – 1504
2.	Муҳаммад Абдуллоҳ Буртуқолий	1504 – 1525
3.	Абул Аббос Аҳмад	1525 – 1550
4.	Абулҳасан Али ибн Муҳаммад	1550
	Бошбошдоқлик даври. Тахт учун кураш давом этган	1550 – 1554
	Абулҳасан Али ибн Муҳаммад	1554

Ваттосийлар маринийлар саройида юқори лавозимларни эгаллашганди. Бироқ 1458 йилги қатағон натижасида улар қирғин қилинди, фақат икки киши қирғиндан қутулиб қолди. Уларнинг бири Муҳаммад Шайх Маҳдий бўлиб, 1465 – 1472 йилларда Фесни бошқарди. 1472 йили тахт учун курашда ғолиб чиққан Муҳаммад Шайх Маҳдий янги давлатга асос солди. Ваттосийларнинг ҳукмронлиги, асосан, португалларга қарши курашиш ва мамлакат шимолидаги Танжер ва бошқа шаҳарлардаги кўзғолонларни бостиришдан иборат бўлди.

Муҳаммад Буртуқолий (1505 – 1524) ва Абул Аббос Аҳмад (1524 – 1550) испан ва португалларнинг Мағрибга босқинини тўхтатишга катта куч сарфлади. Шунга қарамай, соҳилбўйидаги бир қанча манзилгоҳлар европаликлар томонидан истило қилинди.

Ваттосийларга энг катта хавф саҳродан бостириб келаётган саъдийлар эди. Саъдийлар 1549 йили Фесни ишғол қилишди. Сўнги ваттосий ҳукмдор Абул Ҳасан Али усмоний турклар ёрдамида тахтни қайтаришга уриниб кўрди, лекин бу ҳаракатни саъдийлар йўққа чиқаришди. 1554 йили эса Ваттосийлар давлати тугатилди.

**Андалусиядаги Ғарнота (Гранада) амирлиги (1232 – 1492).**  
 Пойтахти – Ғарнота шаҳри (ҳозирги Гранада, Испания). Давлат  
 тили – араб тили. Давлат тузуми – монархия.

### Ғарнота амирлари – насрийлар сулоласи ҳукмдорлари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Муҳаммад I	1232 – 1272
2.	Муҳаммад II	1272 – 1302
3.	Муҳаммад III	1302 – 1308
4.	Наср	1308 – 1313
5.	Исмоил	1313 – 1325
6.	Муҳаммад IV	1325 – 1333
7.	Юсуф I	1333 – 1354
8.	Муҳаммад V	1354 – 1359
9.	Муҳаммад VI	1359 – 1362
	Муҳаммад V	1362 – 1391
10.	Юсуф II	1391 – 1395
11.	Муҳаммад VII	1395 – 1407
12.	Юсуф III	1407 – 1417
13.	Муҳаммад VIII	1417 – 1419
14.	Муҳаммад IX	1419 – 1427
	Муҳаммад VIII	1427 – 1430
	Муҳаммад IX	1430 – 1432
15.	Юсуф IV	1432
	Муҳаммад IX	1432 – 1445
16.	Муҳаммад X	1445
17.	Юсуф V	1445 – 1446
	Муҳаммад X	1446 – 1447
	Муҳаммад IX	1447 – 1451
	Муҳаммад IX ва Муҳаммад XI	1451 – 1452
	Муҳаммад IX	1452 – 1453
18.	Саъд	1453 – 1462
	Юсуф V	1462
19.	Саъд	1462 – 1464
20.	Али	1464 – 1482
21.	Муҳаммад XI	1482 – 1483

	Али	1483 – 1485
22.	Муҳаммад XII	1485 – 1487
	Муҳаммад XI	1487 – 1492

**Андалусия. Испаниянинг бирлашуви.** 1469 йили Изабелла Кастильская Фердинанд Арагонскийга турмушга чиқди. Фердинанд отаси Хуан II нинг вориси эди. Изабелла Кастилия қироли Генрих IV нинг синглиси бўлган. Кастилия зодагонлари тахтда Португалия қироли Альфонс V га унаштирилган Генрих IV нинг кичик қизи Хуанани кўришни исташарди. Ўз тарафдорлари қўллаб-қувватловидан фойдаланган Изабелла Хуананинг ноқонуний туғилганини далил қилиб 1473 йили Кастилия қироличасига айланди. 1479 йил Фердинанд II Арагон қироли бўлди. Арагоннинг бир миллионга яқин аҳолиси бўлиб, улар Барселона портига эга эди, асосан, савдо билан шуғулланишган. Кастилия аҳолиси эса 5 млн атрофида эди. Кастилия ва Арагон бирлашган қироллиги Пиреней яриморотидаги энг кучли давлатга айланди. Бирлашган қиролликнинг зодагонларини бир мақсад – реконкистани охирига етказиш нияти бирлаштирарди. Қироллар фавқулодда солиқлар миқдорини оширишди, 1482 йили солиқлардан олинган тушумлар умумий даромаднинг 70 фоизига етди. Черков уларга ўз ёрдами аямади: папа черковларга тушадиган пулларнинг бир қисмини етказиб турди. Реконкиста қатнашчилари индульгенция билан мукофотланишини ҳам маълум қилди. Юқори савияда ҳарбий тайёргарлик кўрилди.

**Гранада амирлигининг қулаши.** 1478 йили Гранада амири Абул Ҳасан Али эди. У ички низоларни бартараф этиб мамлакатни идора қилаётганди. Бироқ чўриларидан бири Зурайда билан овора бўлиб қолган Абул Ҳасан масъулиятни унутди. Шу ҳолда давлат ишлари вазир қўлига ўтди. У халқнинг арз-додини тинглаш ўрнига ўз халқини қатағон қилди. Юксак лавозимли сарой аъёнлари ва ҳарбий бошлиқлардан кўплари қатл этилди, бу, ўз навбатида, халқнинг норозилигига сабаб бўлди. 1476 йили Абул Ҳасан Кастилия билан сулҳ тузди. Сулҳ муддати тугагач, маврлар уруш ҳаракатларини бошлаб юборишди. 1481 йили Саара қалъасини эгаллашди. Бунга жавобан кастилияликлар Алҳама қалъасини 1482 йил 28 февралда олишди. Маврлар Алҳамани қамал қилишди, лекин Медина-Сидония герцоги қувватловидаги Кастилия қўшини ҳужумни қайтарди. Ўша йили Лохада амир қўшини кастилияликларни енгди. Худди шу пайтда Гранадада Зурайда фитнаси туфайли қатл этилишидан қўрққан амирнинг икки ўғли – Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ва Абу Абдуллоҳ Юсуф исён кўтарди.

Исён маркази Кадис бўлиб, уларга Алмерия ва Баса шаҳарларидан ҳам гуруҳлар келиб қўшилди. Юсуф Абул Ҳасан томонидан ўлдирилди. Шундан сўнг Гранадада Абдуллоҳ амир деб эълон қилинди. Абул Ҳасан эса Малагага қочди. Кастилияликлар вазиятдан фойдаланиб Коро (Малага ва Велес)га юриш бошлашди. Юриш бошлиғи маркиз Кадисский бўлиб, унда кўплаб сеньорлар ҳам қатнашарди. Лекин кастилияликлар 1483 йил мартда Ахаркия яқинида мағлубиятга учраб катта талафот кўришди. Қиролнинг тоғаси ва кўпгина магнатлар, жумладан, Севилья, Херес ва Антекера сеньорлари маврларга асир тушди. Кўп ўтмай кастилияликлар Малага ва Аусена остоналаридаги жангда маврларни тор-мор этишди. Аусена жангида (1483 йил 23 апрель) кўплаб ҳарбий бошлиқлар ҳалок бўлди, Абу Абдуллоҳ (Боабдил)нинг ўзи эса асирга олинди. Кастилияликлар кўплаб асирларни, шунингдек, 22 та байроқни қўлга киритди. Гранадада Боабдилнинг асирга тушгани маълум бўлгач, ўз акаси Ал-Зағал фойдасига тахтдан воз кечган Абул Ҳасан яна амир деб эълон қилинди. Шунга қарамай, уруш давом этиб, кастилияликлар кетма-кет ғалабаларни қўлга киритишди. 1485 йили Алмара, Сетенил, Картама, Койн ва Рондани эгаллашди. Бу истилолар уларга Малага устидан тўла назорат ўрнатишга имкон берди. 1485 йил 3 сентябрда Моклин остоналарида мағлуб бўлишди, лекин юришни давом эттириб сентябрь – октябрь ойларида Камбил ва бошқа кўплаб қалъаларни забт қилишди. Бу ҳолатда қирол Фердинанд фақат уруш олиб бориш билан чекланмай турли ҳийлалар қўллади. Боабдилни озод қилиб, Гранада тахтини эгаллаши учун уни пул ва қўшин билан таъминлаб турди. Боабдилни Велес-Малагада, Ахаркия минтақасида, биров вақт ўтгач Албайсин ва Гранадада амир сифатида тан олишди. Боабдилнинг амирликнинг баъзи ерларида ҳукмрон бўлиш эвазига Ал-Зағални амир деб эътироф этиш истаги бор эди. Шу пайтда (1486 йил 30 май) у Фердинандга ёрдам бериб Лохани истило қилишига кўмаклашди. Сўнг 1486 йил июнда кастилияликлар Элвир, Моклин, Коломер ва бошқа қалъаларни забт этди. Қалъаларда кучли бўлинмалар қолдирган Фердинанд Боабдилни ўзи билан олиб қайтди. Боабдил орадан бир неча ой ўтгач қўйиб юборилди. У Велес вилоятига кириб Кастилия қироли билан тинчлик сулҳи тузганини эълон қилди. Уни Гранада ва бошқа кўплаб шаҳарларда амир деб эътироф этишди. Боабдил ва Ал-Зағал ўр-тасида яна биродаркушлик уруши бошланди. Бу ҳолатда кастилияликлар тактикаларига мувофиқ Боабдилни қўллашда давом этишди. 1487 йил 3 май куни Велес-Малага кастилияликлар ёрдамида эгалланди. 28 апрель

куни Боабдил расман Гранада амири деб эълон қилинди, Ал-Зағал эса Кадисга бориб ўрнашди.

Фердинанд ўзига қулай вазиятдан фойдаланиб Боабдил билан тузган тинчлик сулҳини бузиб, 1487 йил августда Малагани қўлга киритди ва аҳолини ўзининг асирлари деб эълон қилди. Ахаркия ва Велес бўйсунганини таъкидлашига қарамай, улар устига юриш уюштирди. 1489 йил 3 декабрда узоқ давом этган қамалдан сўнг Басас таслим бўлди. Кейин Гуадисда ўрнашган Ал-Зағал кастилияликларга шаҳарни ва унга қарашли барча ҳудудларни, жумладан, Алмуньейер ва Алмерияни топширди. Шу билан бирга, Ал-Зағал Гранада ва унинг атрофини эгаллаб турган Боабдилга қарши курашда Фердинандга ёрдам бериш мажбуриятини олди.

Фердинанд Боабдилга таслим бўлишни ва Ал-Ҳамро қасрини топширишни талаб қилди. Бунинг эвазига унга катта бойлик ва Боабдил ихтиёрига кўра хоҳлаган Андалусия шаҳарларидан бирини беришини айтди. Лекин Боабдил Кастилия билан бир вақтлар тузилган сулҳга риоя этишни талаб қилди ва таклифга кўнмади.

1490 йил май ойида кўплаб ренегатлар ёрдами билан Кастилия кўшини Гранадани қамал қилди. Фердинанд қатъий қарорга келмай Гранадада гарнизон қолдириб шаҳардан узоқлашди. Боабдил бир неча қалъаларни қайтариб олишга эришди. Орадан кўп ўтмай кастилияликлар кўшин сафини тўлдириб яна қайтишди. Фердинанд энди Ал-Зағал ёрдамига муҳтож эмасди, шунинг учун яқинлари билан Тлемсенга кетишига имконият берди.

1491 йили кастилияликлар юриш бошлаб Гранада водийсига келиришди ва шаҳарни қамал қилишди. Госко яқинида лагер қурилди, лекин ёнғин лагерга катта зарар келтирди. Шунда қирол Фердинанд ва қиролича Изабелла ёнган лагер атрофига девор қуриш ва хандак қавлашни буюрди. Гранада атрофида шиддатли жанглар давом этарди. Кастилиялик Эрнандо Перес дель Пульгар кечаси ўзи билан 15 рицарни олиб Гранадага кирди ва масжид дарвозасигача келиб «Ave Maria» (1491 йил 21 октябрь) деб ёзилган қалқонни ташлаб кетди. Бунга жавобан Тарфа ўша қалқонни отнинг думига боғлаб кастилияликлар лагерида пайдо бўлди ва ўша ерда рицар Гарсильясо дель Вега билан олишувда ҳалок бўлди.

1491 йил декабрга келиб ҳамма томондан ўраб олинган Гранадада очарчилик бошланди. Қамалдагилар Африкадан ёрдам келишидан умид узиб шаҳарни топшириш ҳақида музокарага келиришди.

**Гранаданинг таслим бўлиши.** Музокараларда кастилияликлар томондан Эрнандо де Сафра ва Гонсало де Кордова иштирок этди. Испан қироллари шаҳарга киришидан олдин сулҳ шартномасига риоя этишга қасамёд қилишлари сўралганди. Шундан сўнг Ал-Ҳамро ва бошқа қасрларга кириб Испания байроғини ўрнатишлари керак эди.

Музокаралар натижасида 67 та талабни ўз ичига олган шартнома тузилди. Уларнинг энг муҳим бандлари қуйидагилардан иборат эди: мусулмонларнинг мол-мулки ва шахсий хавфсизлиги таъминланиши, маврлар унғача яшаган уйларда яшашни давом эттиришлари, мусулмон маданиятини сақлаш, масжидларга тегмаслик, мусулмонлар мол-мулки дахлсизлиги ва диний эътиқодни ҳурмат қилиш, христиан кишисининг мусулмонга қарашли мулкка кирмаслиги ва мусулмонларга куч ишлатмаслик, мусулмонларнинг маҳкама раисларини сайлаш эркинлиги, барча ҳарбий асирларга озодлик бериш, мусулмонга шаҳарни эркин тарк этиш ва ўз мулкани сотиб кетиш ҳуқуқини бериш, исломга кирганларни мажбурлаб христианликка ўтказмаслик, гранадалик мусулмонларнинг христианлардан ажралиб туриши учун Испанияда яшовчи яҳудийлар ва мусулмонлар каби алоҳида кийим киймаслиги ва б.

Ўн йиллик уруш ва икки йиллик иқтисодий қамал натижасида Гранада амирлигининг таслим бўлиши христианлар Европасида байрам қилинди, Римда эса байрам ҳафталаб давом этди. Гранаданинг қулаши мусулмонларнинг Испаниядаги саккиз асрлик ҳукмронлигига нуқта қўйганди.

1492 йил 1 январда Боабдил гаров тариқасида 400 нафар маврни совға-саломлар билан қироллар олдига жўнатди. 1492 йил 2 январь куни кастилияликлар Ал-Ҳамрони эгаллашди, бир неча кундан сўнг қирол ва қиролича шаҳарга кирди. Қироллар кортежи Гранада яқинида тўхтади, уларни Боабдил кутиб олди ва шаҳар калитини топширди. Ўнлаб христиан, яҳудий ва мусулмонлар кўз ўнгида Гранаданинг энг баланд минорасига хоч ўрнатилди. Шартнома бўйича шаҳарда талон-тороғ ва қароқчиликка йўл қўйилмади. Рим папаси Александр VI Гранада таслим бўлганини эшитиб Фердинанд ва Изабеллага «католик қироллар» унвонини берди.

Гранада ва Алпухарранинг аксарият аҳолиси мол-мулкани арзонгаровга сотиб у ерларни тарк этди.

Гранада амирлигининг қулашидан яҳудийлар ҳам қатта зарар кўрди. 1492 йил 31 мартдаги декретга кўра яҳудийлар 3 ой ичида ўз мол-мулкларини сотиб Испания ҳудудини тарк этиши талаб қилинди.

1492 йил 30 июндан сўнг мамлакатни тарк этмаган яҳудийлар ўлим жазосига ҳукм қилинарди. Мажбурий кўчирилувчилар яқинда кашф этилган Америкага ҳам ўз хоҳишлари бўйича кетишлари мумкин эди.

Боабдил бир муддат Гранадада яшади, кейин «католик қироллар» уни Андарах (ҳозирги Лаухар)га, у ердан Африкага кўчишга мажбур қилишди. У ўз яқинлари, қариндошлари ва қуллари – жами 1120 киши билан Мелильяга ўрнашди.

Ғолиблар кўп ўтмай берган ваъдаларидан қайтишди. Христианликни қабул қилдириш учун мусулмонларга оғир солиқ солишди, эркинликларини чеклашди. Христианлаштириш авваллари Гранада архиепископи Эрнандо де Талавера, граф Тендилье ва Эрнандо де Сафра томонидан юмшоқлик билан олиб борилди, лекин христианлашганлар унча кўп бўлмади. Сарой аъёнлари, жумладан, Толедо архиепископи Хименес де Сиснерос христианлаштириш учун куч ишлатди.

Мусулмонлар қиролларга норозилик билдирдилар. Кўп ўтмай Албайсин кварталда исён кўтарилди. Сиснерос хизматчилари икки мусулмон қизни христианликка ўтказиш учун уришди, бу эса исёнга олиб келди. Эрнандо де Талавера ва граф Тендилье аралашуви билангина исёнчилар тинчлантирилди. Фердинанд ва Изабелла аввал Сиснерос қилаётган ишни маъқуллашмади, бироқ кейинроқ ундан изоҳ талаб қилишди. Сиснерос Гранаданинг бу кварталдагилар қиролларга исён кўтариб сулҳ шартномасини бузганлигини тушунтирди.

Мусулмонлар Миср султониغا мурожаат этишди. Султон папа олдига элчилар жўнатиб «католик қироллари»дан сулҳ шартномасига риоя қилишни сўради, акс ҳолда, Мисрдаги барча христианларни сургун этишини билдирди. Лекин Кастилия элчиси Педро Мартира де Англереянинг Мисрга бориб султонни испанлар Гранада мусулмонларига ҳеч қандай адолатсизлик қилишмаётганини тушунтириши бу дипломатик кескинликка барҳам берди. Руҳан тушкунликка тушган маврлар чўқиниб христианликни қабул қила бошлади. Маълумотлар бўйича, 1499 йили 50 минг киши христианликка ўтди. Араб тарихчиси Ал-Маккорий маврларнинг христианликка ўтишини шундай ёритади: «Кастилияликлар ренегатларга пичинг қилиб: «Сенинг боболаринг христиан эди, кейинчалик мусулмонга айланган, шунинг учун сен христиан бўлишинг лозим», – дейишарди». Сиснерос христианлаштиришни мустаҳкамлаш учун Гранададаги Бибаррамбла майдонида Қуръон ва бошқа ислом динига оид китобларни ёқишга буйруқ берди. У фалсафа, тарих, тиббиёт ва аниқ фанларга оид китобларни сақлаб (тахминан 300 та) Ал-Қалъадаги Сан-Ильдефонсо



коллегиясига топширди. Ноёб қўлғезмалар, хаттотлик санъатининг юксак намуналари мутаассиблар томонидан ёқиб юборилди.

Сиснероснинг христианлаштириш сиёсати Алпухарра, Баса, Гуадис ва Филабрес тоғларида яшовчи мусулмонлар исёнига сабаб бўлди. Бу ҳудудларнинг айримларини кастилияликлар катта йўқотишлар эвазига қўлга киритди. Мазкур ҳолатда асирга тушганлар куч ишлатиб чўқинтирилди. Ронда тоғларидаги Алгарвада исён кўтарилиб, анча давом этди. Кўзғолонни бостириш кастилияликларга қимматга тушди, уларнинг кўплаб саркардалари, жумладан, Гонсало де Кордованинг акаси Алонсо Агиляра ҳам ҳалок бўлди. 1501 йили Фердинанд томонидан қаттиқ сиқувга олинган маврлар таслим бўлишди. Чўқинишни истамаганларга Африкага кетишга рухсат берилди. Шундан сўнг Андалусияда фақат христианлаштирилган маврлар – морисклар қолди. Муаррихлари шундай гувоҳлик беради: «Улар ташқи кўринишида христиан бўлсалар ҳам, қалбларида ундай эмасдилар, яширинча Аллоҳга ибодат қилиб, ўз вақтида намоз ўқишарди, лекин христианлар уларни қаттиқ назорат қилишарди, улардан бир қанчалари ёқиб юборилди».

1502 йил 11 февраль кунги қирол ва қиролича фармони Кастилия ва Леондаги мусулмонларга чўқиниб христианлашиш ёки Испанияни тезда тарк этиш ҳақида эди. Испанияни тарк этганларга қараганда морискликни танлаганлар кўпроқ бўлгани таъкидланади.

Фармонга кўра масжидлар черковларга айлантирилди. XVI асрда XII асрда қурилган Қуртуба масжидининг минораси бузиб ташланди, унинг ўрнига беш қаватли кўнғироқхона қурилди.

Морисклар христиан қўшниларида қаттиқ тазйиқларга учрашди. Улар морискларни савдо-сотик ва ҳунармандчиликда монополия ўрнатишда, судхўрликда айблади. Шунингдек, роҳибликни танламаётгани сабаб нуфузи кундан-кун ўсаётгани ҳам христианларни қаттиқ ташвишга солди. Морисклар инквизиция томонидан қаттиқ таъқиб қилинди. Уларга араб тилида сўзлашиш, болаларига арабча исмлар бериш тақиқланди. Араб тилида ёзилган кўплаб китоблар ёқиб юборилди. Ўн минглаб морисклар инквизиция гулханларида ҳалок бўлди.

Морисклар бир неча бор кўзғолонлар кўтарган. Улардан энг йириги 1568 – 1571 йилларда бўлди ва қадимги маданият аъъаналарини сақлаб келаётган кишиларнинг ҳалокати билан тугади. 1568 – 1570 йиллардаги морисклар исёни шафқатсизларча бостирилди. Уларнинг аксар қисми ерлари унумсиз бўлган Испаниянинг ички вилоятларига сургун қилинди. Кўпчилик морисклар Шимолий Африкага кўчиб ўтишди. Улар Марокашда ҳаттоки Бу-Регрег (1627 – 1641) номли оли-

гархлар республикасини тузишди, кўпчилиги Жазоир соҳиллари ва Шимолий Тунисга жойлашди. Морискларнинг сургун қилиниши Испаниянинг жанубий вилоятларига катта иқтисодий зарар келтирди. Ўз навбатида, морисклар Туниснинг ҳунармандчилик, суғорма деҳқончилик ва боғдорчилиги кўтарилишига катта ҳисса қўшди.

## ҒАРБИЙ АФРИКА

**Кейт давлати (1230 – 1390)** – XIII аср биринчи ярми ва XV аср ўрталарида ҳозирги Малининг марказий ва ғарбий минтақалари, Гвинеянинг шимоли, Гамбия ва Сенегалдаги давлат. XIII асрда Мали ҳукмдорлари сосо қабиласи билан ҳукмронлик учун кураш бошлади. Натихада Атлантика океанидан Адрар-Ифорас пасттекислигига ча бўлган ҳудудда улкан давлат вужудга келди. Кейт ҳукмдорлари Шимолий Африка ва Мисрдаги мусулмон давлатлари билан диний ва маданий алоқаларни ривожлантиришди. XIV аср 60-йилларидан ўзаро урушлардан сўнг Мали империяси таназзули бошланди ва бу ҳудудда XV аср ўрталарида Сонгаи давлати вужудга келди.

### Кейт давлати ҳукмдорлари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронликйиллари
1.	Мари Сун Дьята I, Наре фа Маган ўғли	1230 – 1255
2.	Ули, Мари Сун Дьята I ўғли	1255 – 1270
3.	Вати, Мари Сун Дьята I ўғли	1270 – 1274
4.	Халифа, Мари Сун Дьята I ўғли	1274 – 1275
5.	Абу Бакр I, Мари Сун Дьята I ўғли	1275 – 1285
6.	Сабакура, қирол оиласи озод қилган қул	1285 – 1300
7.	Гав (Ку), Ули ўғли	1300 – 1305
8.	Мамаду (Муҳаммад), Гав ўғли	1305 – 1310
9.	Абу Бакр II, Мари Сун Дьята укаси авлоди	1310 – 1312
10.	Муса I, Абу Бакр II ўғли	1312 – 1337
11.	Маган (Мага I, Муҳаммад), Муса I ўғли	1337 – 1341
12.	Сулаймон, Муса I укаси	1341 – 1360
13.	Камба (Канба, Каса), Сулаймон ўғли	1360 – 1361
14.	Мари Дьята II, Маган I ўғли	1361 – 1374
15.	Муса II, Мари Дьята II ўғли	1374 – 1382
16.	Маган II, Мари Дьята II ўғли	1382 – 1388
17.	Бошқарув вазир Сандиқий қўлида	1388 – 1390
18.	Маган III (Маҳмуд), Гав авлоди	1390

## ЕТТИНЧИ ҚИСМ

### ЎРТА ОСИЁ, ЭРОН, ОЗАРБАЙЖОН, ҲИНДИСТОН, АРАБИСТОН ЯРИМОРОЛИ, ЖАНУБИ-ШАРҚИЙ ОСИЁ, ШИМОЛИЙ АФРИКАДАГИ СУЛОЛАЛАР (XVI АСР – XVIII АСР БИРИНЧИ ЯРМИ)

#### МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВА ШАРҚИЙ ТУРКИСТОН

**Шайбонийлар давлати (1500 – 1601).** *Пойтахти – Самарқанд (1501 – 1533, 1540 – 1556) ва Бухоро (1533 – 1540, 1556 – 1601) шаҳарлари (ҳозирги Самарқанд ва Бухоро, Ўзбекистон). Ҳудуди – 3,5 млн км<sup>2</sup> (1510). Давлат тузуми – монархия. Давлат тили – чигатой турк тили.*

#### Шайбонийлар сулоласига мансуб ҳукмдорлар

##### 1. Мовароуннаҳр ҳукмдорлари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Муҳаммад Шайбоний, Шоҳбудоқ султон ўғли	1501 – 1510
2.	Кўчкунчи*, Убайдуллоҳ ўғли	1512 – 1530
3.	Абу Саид, Кўчкунчи ўғли	1530 – 1533
4.	Убайдуллоҳ, Маҳмуд султон ўғли	1533 – 1540
	Шайбонийлар давлати бир неча қисмга бўлиниб кетган**	1540 – 1561
5.	Пирмуҳаммад I, Жонибек султон ўғли	1556 – 1561
6.	Искандар, Жонибек султон ўғли	1561 – 1583
7.	Абдуллоҳ II, Искандар ўғли	1583 – 1598
8.	Абдулмўмин, Абдуллоҳ II ўғли	1598
9.	Пирмуҳаммад II, Исфандиёр ўғли	1598 – 1601

\* 1510 – 1512 йилларда Заҳириддин Муҳаммад Бобур Самарқандни эгаллаб турган. Шунинг учун бу даврда Шайбонийзода ҳукмдор бўлмаган.

\*\* 1540 – 1556 йилларда Мовароуннаҳрдаги Шайбонийлар давлати марказлашган давлат бўлмаган, лекин баъзи манбаларда қуйида номлари келтириладиган султонлар ўша йиллар орасида Мовароуннаҳр хонлари бўлишган деб келтирилган.

1.	Абдуллоҳ I	1540
2 – 3.	Абдуллатиф, Кўчкунчи ўғли (Самарқандда)	1540 – 1550
	Абдулазиз, Убайдуллоҳ ўғли (Бухорода)	1540 – 1551
4.	Наврўз Аҳмад Бароқ, Суюнчхожа ўғли (Тошкентда)	1551 – 1556

## 2. Бухородаги султонлар

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Маҳмуд, Шоҳбудоқ султон ўғли	1501 – 1511
2.	Убайдуллоҳ, Маҳмуд султон ўғли	1512 – 1533
3.	Абдулазиз, Убайдуллоҳ ўғли	1533 – 1550
4.	Муҳаммад Ёр, Суюнч Муҳаммад ўғли	1550 – 1554
5.	Бурҳон, Муҳаммад Раҳим ўғли	1554 – 1555
6.	Абдуллоҳ, Искандар ўғли	1555 – 1556
	Бурҳон, Муҳаммад Раҳим ўғли	1556 – 1557
	Абдуллоҳ, Искандар ўғли	1557 – 1583

## 3. Самарқанддаги султонлар

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Аҳмад, Убайдуллоҳ ўғли	1501 – 1506
2.	Муҳаммад Темур, Муҳаммад ўғли	1506 – 1511
3.	Абдуллатиф, Кўчкунчи ўғли	1540 – 1552
4.	Султон Саид, Абу Саид ўғли	1552 – 1555
5.	Наврўз Аҳмад Бароқ, Суюнчхожа ўғли	1555 – 1556
6.	Муҳаммад Иброҳим, Абдуллатиф ўғли	1556
7.	Бобоҳон, Наврўз Аҳмад Бароқ ўғли	1556 – 1557
8.	Жавонмард Али, Абу Саид ўғли	1557

## 4. Тошкентдаги султонлар

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Суюнчхожа, Убайдуллоҳ ўғли	1501 – ...
2.	Наврўз Аҳмад Бароқ, Суюнчхожа ўғли	1539 – 1556

3.	Дарвиш, Наврӯз Аҳмад Бароқ ўғли	1556
4.	Бобоҳон, Наврӯз Аҳмад Бароқ ўғли	1582

### 5. Миёнколдаги султонлар

1. Искандар, Жонибек султон ўғли (1512 – 1533).

### 6. Қаршидаги султонлар

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Қилич Қора, Кистин Қора ўғли	1552
2.	Абдуллоҳ, Искандар ўғли	1552 – 1554

### 7. Шаҳрисабздаги султонлар

1. Ҳошим, Бурундуқ султон ўғли (1553 – 1556).

### 8. Карманадаги султонлар

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Искандар, Жонибек султон ўғли	1529 – 1533
2.	Дўст Муҳаммад, Жонибек султон ўғли	1553 – 1556
3.	Абдуллоҳ, Искандар ўғли	1556 – 1561

### 9. Туркистондаги султонлар

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Кўчкунчи, Убайдуллоҳ ўғли	1501 – 1512
2.	Наврӯз Аҳмад Бароқ, Суюнчхожа ўғли	1539 – 1556

### 10. Ҳисордаги султонлар

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Ҳамза султон, Бахтиёр ўғли	1501 – 1510
2.	Маҳдий султон, Бахтиёр ўғли	1501 – 1510

## 11. Фарғонадаги султон

1. Жонибек султон, Ҳожи Муҳаммад ўғли (1504 – 1529).

## 12. Балхдаги султонлар

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Хуррамшоҳ, Муҳаммад Шайбоний ўғли	1506 – 1511
2.	Кистин Қора, Жонибек султон ўғли	1526 – 1544
3.	Қилич Қора, Кистин Қора ўғли	1544 – 1545
4.	Пир Муҳаммад, Жонибек султон ўғли	1546 – 1566
5.	Абдулмуъмин, Абдуллоҳ ўғли	1582 – 1598
6.	Абдуламин, Абдуллатиф ўғли	1598

**Муҳаммад Шайбонийхон (1451 – 1510) – Шайбонийлар давлати асосчиси, шоир ва саркарда.**

Муҳаммад Шайбонийхон Дашти Қипчоқда ҳукмронлик қилган Абулхайр (1428 – 1468)нинг невараси эди. У ёшлигини Астрахан, Ясси, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида илм олиш билан ўтказди. Отаси ёшлигида вафот этган, бобоси Абулхайр вафотидан сўнг эса Дашти Қипчоқ ўзбеклар давлати таназулга учраганиди. У ўз атрофига тарқалиб кетган қабилаларни бирлаштиришга катта куч сарфлади ва умрининг асосий қисмини шу ишга бағишлади. Бир муддат теурийлар қўшинида хизмат қилди. Сўнг Туркистонга кетиб, бутун эътиборини мустақил давлат тузишга қаратди.

Шайбонийхон 1499 йили Самарқанд тахтида ўтирган 20 яшар Султон Алини ўз томонига оғдириб жангсиз Самарқандни эгаллади. Лекин 1500 йил кузида Шайбонийхоннинг узоқдалигидан фойдаланган Бобур шаҳарни олди. Шайбонийхон Самарқандни қандай осонлик билан қўлга киритган бўлса, шундай осонлик билан бой берди.

Шайбонийхон бутун қиш давомида жангга тайёргарлик кўрди ва 1501 йил баҳорида Зарафшон дарёси соҳилида кечган Сарипул жангида Бобур қўшинини мағлуб этди. Бобур қолган қўшинини олиб Самарқандга қайтди. Самарқанд бир неча ойлик қамалдан сўнг Шайбонийхонга таслим бўлди. Шайбонийхон Самарқандга киргач уни ўз давлати пойтахти деб эълон қилди ва қўшни ҳудудларга юришга тайёргарлик кўра бошлади. 1502 йили Фарғона водийсидаги энг катта Аҳси қалъасини олди. 1503 йили март ойида Хўжандни эгаллади,

баҳорда Тошкент хони Маҳмудни енгиб Тошкент ва Шохрухияни қўлга киритди. Ўша йили укаси Маҳмуд Султон бошчилигидаги қўшин Хоразмга юриш қилди ва Қиёт, Булдумсоз каби шаҳарларни фатҳ этди. 1504 йил баҳорида Шайбонийхон бошлиқ қўшин Фарғона водийсини эгаллади.

1505 йил 22 августда 10 ойлик қамалдан сўнг Хоразм пойтахти Кўҳна Урганч эгалланди. 1506 йил кузида узоқ қамалдан сўнг Балх таслим бўлди. 1507 йил 20 май куни Ҳирот жангсиз ишғол қилинди.

Шайбонийхон 1510 йил 4 декабрь куни Марв яқинида бўлган жангда қизилбош Исмоил Сафавий қўшинидан енгилди, ўзи эса жанг майдонида ҳалок бўлди. Бу ғалабадан сўнг қизилбошлар тезда Ҳиротни эгаллашди. Шайбонийхоннинг ўлими унинг ворислари ўртасида парокандаликни келтириб чиқарди. Сафавий Кобул амири Бобурни Самарқанд тахтига ўтқазиб бутун Мовароуннаҳр устидан ҳукмронлик қилишни режалаштирди. Қизилбошлар 1511 йил бошида фаол ҳаракатга ўтишди ва Бобурни Самарқандни эгаллашга чақириб унга ёрдам ваъда қилишди. Бобур Ҳисор, Қундуз, Кўлоб ва Бадахшонни эгаллаб, Самарқандга юриш қилди ва қизилбошлар қўшини ёрдамида Самарқанд ва Бухорони босиб олди. Лекин маҳаллий аҳоли қизилбош шиаларни душман сифатида қабул қилди. Ана шундай пайтда шайбонийзодалар бирлашиб Бобурга қарши уруш бошлади. 1512 йил 28 апрелда Кўли Малик жангида Бобур Убайдуллоҳ Султон бошлиқ кўчманчи ўзбеклар қўшинидан енгилди ва Ҳисорга чекинди.

Бундан хабар топган Исмоил Сафавий Мовароуннаҳрга Нажми Соний бошлиқ жазо қўшинини юборди. 1512 йил сентябрь – октябрь ойларида Қарши шаҳри қамал қилинди, шаҳар эгаллангач вайрон этилди. Лекин Бобур ва қизилбошларнинг бирлашган қўшини 1512 йил 24 ноябрь куни Ғиждувон яқинида Убайдуллоҳ султон бошлиқ қўшиндан мағлуб бўлди, жангда Нажми Соний ўлдирилди. Бобур қўшинини олиб Афғонистонга ўтиб кетди. Шундай қилиб, қизилбошларнинг таҳдиди бартараф этилди ва шайбонийларнинг Мовароуннаҳрдаги ҳукмронлиги тикланди. Шайбонийхондан сўнг тахтга чиққан Кўчкунчи Фарғона учун 1512 – 1514 йилларда Мўғулистон хони Султон Саидга қарши уруш олиб борди ва Фарғона водийсини тўлиқ эгаллади. 1513 йили шайбонийлар Сирдарё бўйларида қозоқ султонларига қарши уруш олиб боришди.

1528 йил 24 – 28 сентябрда қизилбошларга қарши Жом вилоятининг Зуробод минтақасида бўлган жангда шайбоний султонлар оғир

мағлубиятга учради. Бу муваффақиятсизликдан сўнг шайбонийлар Эроннинг ички вилоятларига юриш қилишдан воз кечди. 1529 йил 21 октябрда Убайдуллоҳ султон Ҳиротни эгаллади.

Убайдуллоҳ султон 1533 йили тахтга чиққач, Шайбонийлар давлати кучайди. У 1535 – 1537 йилларда Хуросонга юриш қилиб Ҳиротни қайтариб олди, лекин бир йилдан сўнг қизилбошларга бой берди. 1538 йили Убайдуллоҳ Ёрканд хони Абдуррашид билан иттифоқ тузиб қозоқ ва қирғизлар устига юрди.

Убайдуллоҳ вафотидан сўнг давлат бир неча қисмга бўлиниб кетди. 1540 – 1556 йиллар Мовароуннаҳрда феодал тарқоқлик даври бўлди. Убайдуллоҳнинг ўғли Абдулазиз Бухорода, Кўчкунчининг ўғли Абдуллатиф Самарқандда ҳукмрон эди. 1551 йили Тошкент хони Наврўз Аҳмад Самарқандни эгаллаб ўзини Мовароуннаҳр хони деб эълон қилди.

Ниҳоят, 1556 йили Жўйбор шайхи Хожа Ислом воситасида Абдуллоҳ султон тахтга чиқарилди, у амалда давлатни бошқарса-да, тахтни отаси Искандарга берди. Абдуллоҳ II умрининг катта қисмини Тошкент хони Наврўз Аҳмаднинг ўғли Бобохон (1556 – 1582)га қарши уруш олиб бориш билан ўтказди.

Абдуллоҳ II тахтга чиқибоқ давлатни бирлаштириш учун ҳаракат бошлади. 1573 йили Балхни, 1574 йили Ҳисор, Шаҳрисабз ва Қаршини эгаллади. 1578 йили Самарқанд шаҳри хонликка қўшиб олинди. Абдуллоҳ II Бобохонга қарши урушда қозоқ хони Ҳақназар билан иттифоқ тузди ва у 1579 йили Бобохонга қарши урушда қатнашди, лекин 1580 йили Ҳақназар жангда ўлди. Абдуллоҳ II қозоқ султони-нинг вориси Шиғай ва унинг ўғли Таваккулга яхши муносабатда бўлди ва Шиғайга Хўжандни берди.

Абдуллоҳ II 1582 йили еттинчи марта юришидан сўнг қозоқ қўшини ёрдамида Тошкентни олди. Жангда Бобохон ўлдирилди. Абдуллоҳ II 1584 йили Бадахшонни, 1589 йили 10 ойлик қамалдан сўнг Ҳиротни эгаллади. 1595 йили Хоразм Шайбонийлар давлатига қўшиб олинди. 1598 йили Абдуллоҳ вафотидан сўнг Шайбонийлар давлатида парокандалик бошланди. Ўша йили қозоқ хони Таваккул Бухоро хонлигининг чегара минтақаларига ҳужум қилди, Туркистон, Тошкент, Андижон ва Самарқандни босиб олди. Лекин 1599 йили олган жароҳатларидан ўлгач, қозоқ қўшинининг юриши тўхтади. Таваккулнинг вориси Эшим султон шайбонийлар билан сулҳ тузиб Самарқанд ва Андижонни тарк этди, лекин Туркистон ва Тошкентни сақлаб қолди.



Абдуллоҳ II ички фитналарга барҳам бериш мақсадида шайбонийлар сулоласига мансуб кишиларнинг деярли барчасини қириб ташлаганди. Қолганларини эса унинг ўғли Абдулмўмин йўқ қилди. Абдуллоҳнинг вафотидан сўнг тахтга Абдулмўмин чиқарилди, лекин орадан 5 ой ўтгач фитначилар томонидан ўлдирилди. Шундан сўнг тахтга Абдулмўминнинг амакиваччаси Балх ҳокими Пирмуҳаммад ўтказилди. Лекин у ҳам орадан кўп ўтмай ички фитналар натижасида ҳалок бўлди. Шундай қилиб, Мовароуннаҳрда бир асрдан ошиқроқ ҳукмронлик қилган Шайбонийлар давлати тугатилди.

**Аштархонийлар (1601 – 1753)** – Бухорода ҳукмронлик қилган Жўжи авлоди бўлган Ҳожитархондаги хонлар сулоласи. Шайбонийлар сулоласи ўрнига келган. Аштархонийлар ҳукмронлиги ўзбек қабилалари ўртасида Бухоро ва Хоразм учун кураш даври бўлди. Бу кураш Бухорода аштархонийлар ўрнига манғитлар сулоласининг келиши, Хоразмда эса қўнғиротлар сулоласи ҳукмрон бўлиши билан якунланди.

### 1. Аштархонийлар сулоласи ҳукмдорлари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Муҳаммад Жонибек	1601 – 1603
2.	Боқи Муҳаммад, Жонибек ўғли	1603 – 1605
3.	Вали Муҳаммад, Жонибек ўғли	1605 – 1611
4.	Имомқули, Дин Муҳаммад ўғли	1611 – 1642
5.	Надр Муҳаммад, Имомқули ўғли	1642 – 1645
6.	Абдулазиз, Надр Муҳаммад ўғли	1645 – 1681
7.	Субҳонқули, Надр Муҳаммад ўғли	1681 – 1702
8.	Убайдуллоҳ II, Субҳонқули ўғли	1702 – 1711
9.	Абулфайз, Субҳонқули ўғли	1711 – 1747
10.	Абдулмўмин, Абулфайз ўғли	1747 – 1751
11.	Убайдуллоҳ III*, Абулфайз ўғли	1751 – 1754
12.	Шерғози*, Абулфайз ўғли	1754 – 1756

\* Убайдуллоҳ III ва Шерғози амалда ҳеч қандай ҳокимиятга эга бўлмаган.

## 2. Аштархонийлар сулоласига мансуб Балх ҳукмдорлари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Искандар, Субҳонқули ўғли	1681 – 1683
2.	Абулмансур, Субҳонқули ўғли	1683
3.	Сиддиқ Муҳаммад, Субҳонқули ўғли	1683 – 1687
4.	Муҳаммад Муқим, Искандар ўғли	1687 – 1707
5.	Абдуллоҳ, Валий Муҳаммад чевараси	1711 – 1712
6.	Санжар, Абдуллоҳ ўғли	1712 – 1717
7.	Муҳаммад, Абдуллоҳ ўғли	1717 – 1720

Хон Пирмуҳаммад ўлимидан сўнг тахтга чиқариладиган бирор-та шайбонийзода қолмади. Шунда зодагонлар, Астраханни руслар истило қилгандан кейин, Бухорога ўрнашган чингизийларни тахтга ўтқазиб ҳақида бош қотирди. Жоний Муҳаммад Абдуллоҳ II нинг синглисига уйланганди ва у тахтга энг муносиб шахс деб эътироф этилди. У 1601 йили тахтга чиқарилди ва Бухорода аштархонийлар сулоласи ҳукмронлиги бошланди.

1605 йили Боқи Муҳаммад вафотидан сўнг укаси Вали Муҳаммад тахтга чиқарилди. Лекин унинг ҳукмронлиги зодагонлар томонидан чеклаб турилди ва 1611 йили тахтдан ағдарилди. Ўрнига укаси Дин Муҳаммаднинг ўғли Имомқули чиқарилди. Имомқули 1611 йили Сирдарёнинг қуйи оқими бўйидаги қорақалпоқлар устига, 1612 йили эса Тошкентга юриш қилди. Қозоқ султонларидан Тошкентни тортиб олишга эришди ва ўғли Искандарни ҳоким этиб тайинлади. Искандар оталиғига ишониб солиқ солишда ҳаддидан ошди ва аҳолига зулм ўтказиб бошлади. Бундан ғазабланган Тошкент аҳолиси исён кўтарди, Искандар ва оталиғи қочишга уринди, лекин йўлда уларни кўзғолончилар қўлга тушириб қатл этишди. Имомқули воқеанинг бу тарзда кечишини тасаввур ҳам қилмаганди, дарҳол қўшинини олиб Тошкент устига юрди. 1613 йили Тошкент бир ойлик қамалдан сўнг босиб олинди. Имомқули ўта золимона йўл тутди, ўғлининг қасосини олиш учун бутун Тошкент аҳолисини қиргин қилди.

1642 йили Имомқулидан сўнг тахтга ўғли Надр Муҳаммад чиқарилди. Унинг ҳукмронлиги даврида ҳам маҳаллий зодагонлар амалда давлатни бошқаришди. 1643 йили Туркистон ва Тошкентга жунғорлар (қалмиқлар) юриш уюштирди. 1645 йили Надр Муҳаммад амирлар исёни туфайли тахтдан ағдарилди ва ўз жонини сақлаш

мақсадида Балхга қочди. Бухорода тахтга Надр Муҳаммаднинг ўғли Абдулазиз (1645 – 1681) чиқарилди. Абдулазиз ҳукмронлиги пайтида ҳам феодал урушлар тинимсиз давом этди. 1647 йили бобурийлар қўшини Балхни босиб олди. Икки йилдан сўнггина шаҳар Бухоро қўшини томонидан эгалланди. 1655 йили Хива хони Абулғозийнинг қўшини Қорақўлни хароб қилди. 1658 йили Хива қўшини Бухоро воҳасига бостириб кирди ҳамда Кармана ва Вардонзени вайрон қилди, 1662 йили эса Бухоро шаҳригача етиб келди. 1681 йили кўчманчилар босқинини қайтаришга ожиз қолган кекса Абдулазиз тахтдан воз кечишга мажбур бўлди, тахтга укаси Субҳонқули (1681 – 1702) чиқарилди. 1681 йили қорақалпоқлар Субҳонқулига қарши исён кўтарди. 1685 йили хиваликлар Бухоро хонлиги ҳудудига босқин уюштириб Ғиждувон, Ҳазора минтақаларини босиб олишди. 1686 йили эса хон Ануша бошлиқ хиваликлар Самарқанд ва Шаҳрисабзни эгаллади. Субҳонқули 1688 йили Балх ҳокими Маҳмудбий ёрдамида Хоразмни олди ва Хоразм вақтинчалик Бухоро хонлигига қўшилди. Тўхтовсиз урушлар хазинанинг бўшаб қолишига олиб келди ва хон харажатларни қоплаш учун аҳолидан етти йиллик солиқни олдиндан тўлашни талаб қилди. Мана шунақанги феодал бошбошдоқлик ва мамлакат иқтисоди бутунлай издан чиққан пайтда, Субҳонқули ўлди.

1702 йили тахтга Субҳонқулининг ўғли Убайдуллоҳ чиқарилди. Унинг биринчи иши Балхда хотиржам ҳукмронлик қилаётган Маҳмудбийни бўйсундиришга уриниш бўлди. Маҳмудбий 1703 йили Термизга ҳужум қилиб маҳаллий қўнғиротларга шикаст етказди. 1706 йили эса Балхда ўзини мустақил деб эълон қилди. 1707 йили Убайдуллоҳ Балхга юриш қилди ва узоқ қамалдан сўнг шаҳарни эгаллади. 1708 йили пул ислоҳоти ўтказишга уринди, лекин ислоҳот муваффақиятсизликка учради. 1711 йили Убайдуллоҳ бир гуруҳ фитначилар томонидан ўлдирилди, мол-мулки талон-торож этилди.

1711 йили Бухоро тахтига Субҳонқулининг бошқа ўғли, Убайдуллоҳнинг укаси Абулфайз чиқарилди. Унинг ҳукмронлиги ўзидан олдинги ҳукмдорлар давридан деярли фарқ қилмасди: бошбошдоқлик, иқтисодий инқироз ва хоннинг реал ҳокиятга эга бўлмагани. Абулфайз даврида мангит қабиласидан бўлган Муҳаммад Ҳакимбий давлатни бошқарувчи асосий шахс эди. У бошқа бийларга қарши зимдан кураш бошлаб юборди. Шаҳрисабз ҳокими Иброҳимбий Кенагас Муҳаммад Ҳакимбийга қарши тура оладиган энг қудратли бийлардан эди. Иброҳимбий ўз атрофига тарафдорларини йиғиб пойтахти Самарқанд бўлган янги давлат тузишга ҳаракат бошлади. Бунинг учун

Хоразм хонлари уруғидан бўлган Ражаб султонни тахтга чиқаришга қарор берди ва 1722 йил 23 декабрь куни Ражаб султон Самарқанд хонлиги ҳукмдори деб эълон қилинди. 1723 йили Ражаб Иброҳим Кенагас билан Бухорога юриш бошлади. Уларга қарши Муҳаммад Ҳаким манғит қўшин билан чиқди, лекин Бухоро яқинида бўлган жангда Ражаб қўшини ғалаба қозонди. Бироқ Ражаб Бухорони истило қилолмади. Шунда оқибати ёмон бўлган катта хатога йўл қўйди. Жунғорлардан мағлубиятга учраб пароканда бўлган ва нима қилишини билмай юрган қозоқ қабилалари султонларидан ёрдам сўради. Улар дарҳол чорвалари ва кўч-кўронларини олиб Зарафшон водийсига кириб боришди. Ражабга тайинли ёрдам беришмади, аксинча, Зарафшон водийсида муқим ўрнашишга ҳаракат қилишди. Уларнинг чорвалари маҳаллий аҳолининг экинзорларини пайҳон қилиб катта зарар келтирди. Келгиндилардан бирор яхшилик чиқмаслигига ақли етган маҳаллий аҳоли бирлашиб уларни ҳайдашга киришди. Ниҳоят, 1730 йили кўчманчилар Зарафшон водийсидан чиқариб юборилди.

Ўрта Осиёдаги бошбошдоқлик Эрон шоҳи Нодир Афшорнинг эътиборидан четда қолмади. Ўғли Ризоқули бошчилигидаги қўшинни Амударёнинг сўл соҳилидаги ҳудудларни босиб олиш учун жўнатди. Ризоқули бир қанча шаҳарларни олгач Амударёдан ўтди ва Бухорога юриш бошлади. Муҳаммад Ҳакимбий ва Абулфайзнинг бирлашган қўшини Қарши остоналарида Ризоқули қўшини томонидан мағлуб этилди. Бу қизилбошларнинг Амударёнинг ўнг соҳилида вақтинча ўрнашишига хизмат қилди. Бухоро қўшинининг енгилганидан хабар топган Хива хони Элбарс катта қўшин билан Қарши томон йўлга чиқди. Ғолиб бўлишига ақли етмаган Ризоқули Қарши қамалини тўхтатиб Абулфайз билан сулҳ тузди ва Амударёнинг нариги томонига ўтиб кетди. Қизилбошларнинг кетганидан хабар топган Элбарс Хивага қайтди, Абулфайз эса Бухорога йўл олди. Лекин Нодир Афшор Ўрта Осиёга яна бостириб киришни режалаштирди ва 1740 йили Бухорога юриш бошлади. Унинг улкан қўшини Чоржўйга бориб Амударёдан ўтди. Нодир Афшор қўшини жуда осонлик билан бирин-кетин шаҳарларни истило қила бошлади. Манғитлар сардори Муҳаммад Ҳакимбийнинг ўғли Муҳаммад Раҳим Нодир Афшор хизматига ўтди. У отасининг кўрсатмаси бўйича ана шундай йўл тутганди. Абулфайз эса Муҳаммад Ҳакимбийга Нодир Афшор ҳузурига қимматбаҳо совғалар билан боришни ва урушни тўхтатишини илтимос қилишни буюрди. Нодир Афшор томонидан яхши кутиб олинган Ҳакимбий

Бухоро хонлигидаги умумий аҳвол ҳақида батафсил маълумот берди, жумладан, Абулфайзининг жиддий қаршилик кўрсатиши мумкин эмаслигини қайта-қайта таъкидлади. Нодир Афшор Ҳақимбий билан тил бириктирди ва уни Бухорога қайтариб юборди. Ҳақимбий Бухорога келиб кишиларни эронийларга қаршилик кўрсатмасликка тарғиб этди ва аҳоли орасида қўрқув солиб турли хил гаплар билан иғво уюштирди. Шундан сўнг Абулфайз Нодир Афшорни олий ҳукмдор деб тан олди ва Бухоронинг номигагина ҳукмдорига айланди. Амалда давлатни Муҳаммад Ҳақимбий бошқара бошлади. Укаси Дониёлбий Карманага ҳоким этиб тайинланди. Нодирнинг аралашуви билан Муҳаммад Ҳақимбийнинг ўғли Муҳаммад Раҳимбий Бухоронинг ҳақиқий хўжайинига айланди. Энди ҳар йили Бухоро хонлиги аҳолиси Нодир Афшорга ўлпон тўлашга мажбур эди. Шундоқ ҳам феодал урушлар туфайли хонавайрон бўлган халқнинг аҳволи янада ёмонлашди. Абулфайз ҳукронликни манғитларга бутунлай бериб қўйди. Бу эса унинг ҳалокати билан якунланди.

1747 йил июнь – июлда Бухоро қизилбошлар томонидан яна қамал қилинди. Бу сафар Муҳаммад Раҳимбий бошлиқ манғитлар Бухорода ҳеч қандай иғво тарқатмасдан шаҳарни ҳимоя қилишга киришишди. Қизилбош шиалар бир ой давомида Бухорони қамал қилиб эгаллай олишмади ва сулҳ тузишга мажбур бўлишди. Шундан сўнг Ўрта Осиёни тарк этишди. Абулфайз Муҳаммад Раҳимбий буйруғи билан ўлдирилгач, ўрнига ўғли Абдулмўмин қўйилди. Абдулмўмин бир йилдан сўнг манғит амири фитнасидан вафот этди. Ўрнига укаси Убайдуллоҳ ўтқазилди, у ҳам тез орада Муҳаммад Раҳимбий томонидан ўлдиртириб юборилди. Муҳаммад Раҳимбий энди Бухоронинг яқка ҳукмдорига айланди ва янги сулола ҳукмронлигига асос солди. Аштархонийлар сулоласи ҳукмронлиги шу тариқа якун топди.

## Хоразм

### Шайбонийлар сулоласига мансуб Хоразм хонлари (1511 – 1694)

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Абулмансур Элбарс, Беркэ ўғли	1511 – 1538
2.	Султонхожа, Билбарс Паланж ўғли	1538 – 1539
3.	Ҳусайнкули, Илоқ ўғли	1539 – 1558

4.	Суфён, Имноқ ўғли	1558 – 1564
5.	Бужунчға, Имноқ ўғли	1564 – 1568
6.	Аванеш, Имноқ ўғли	1568 – 1581
7.	Каҳлон, Имноқ ўғли	1581 – 1590
8.	Ўқтой, Имноқ ўғли	1590 – 1598
9.	Ҳожи Муҳаммад, Ўқтой ўғли	1598 – 1603
10.	Араб Муҳаммад, Ўқтой ўғли	1603 – 1623
11.	Асфандиёр, Араб Муҳаммад ўғли	1623 – 1543
12.	Абулғозий, Араб Муҳаммад ўғли	1643 – 1663
13.	Муҳаммад Ануша, Абулғозий ўғли	1663 – 1686
14.	Худойдод, Муҳаммад Ануша ўғли	1686 – 1689
15.	Эренк, Муҳаммад Ануша ўғли	1689 – 1694

**Чингизийлар сулоласига мансуб Хоразм хонлари  
(1694 – 1745)**

т/р	хукмдорлар	хукмронлик йиллари
1.	Жўжи	1694 – 1697
2.	Вали	1697 – 1698
3.	Шоҳ Ниёз, Жўжи ўғли	1698 – 1703
4.	Шоҳбахт, Шоҳ Ниёз ўғли	1703 – 1704
5.	Ёдгор, Муҳаммад Ануша ўғли	1704 – 1714
6.	Эсим, Ёдгор ўғли	1714 – 1715
7.	Шер Ғозий, Эсим ўғли	1715 – 1728
8.	Элбарс, Шоҳ Ниёз ўғли	1728 – 1740
9.	Абулғозий Муҳаммад, Элбарс ўғли	1740 – 1745

**Туғо темурийлар сулоласига мансуб Хива хонлари  
(1745 – 1770)**

т/р	хукмдорлар	хукмронлик йиллари
1.	Ғоип	1745 – 1757
2.	Абдуллоҳ Қорабой	1757
3.	Темур Ғозий	1757 – 1763
4.	Тауке	1763 – 1764
5.	Шоҳ Ғозий	1764 – 1767
6.	Абулғозий	1767

7.	Нур Али	1767 – 1769
8.	Жаҳонгир	1769 – 1770
9.	Булакай	1770

Шайбонийхон Марвда қизилбошлар билан жангда ўлдирилгач, Хоразм тез орада Сафавийлар давлатига қўшиб олинди. Лекин шиаларнинг ҳукмронлиги узоққа бормади, 1511 йили Беркэ султоннинг ўғиллари Элбарс ва Бойбарс қизилбошларнинг қисқа давом этган ҳукмронлигига барҳам берди. Улар Абулхайр оиласига душманлиги боис Шайбонийхон олиб борган юришларда қатнашишмаганди.

Элбарс тахтга чиқарилгач, Хоразмнинг бошқа шаҳарларида жойлашган қизилбош қўшинларига қарши ҳаракат бошланди. Қизилбошларнинг Урганчдаги асосий қўшини тор-мор келтирилди ва Хоразм тўла мустақил бўлиб олди. Янги давлат ташкил этилганидан хабардор бўлган Дашти Қипчоқдаги бошқа қабилалар Хоразмга кўчиб кела бошлади. Бу эса Хоразм аҳолисининг кўпайишига ва Шимолий Хуросоннинг эгалланишига хизмат қилди.

1537 йили Бухоро хони Убайдуллоҳ Хоразмга юриш бошлади ва Урганчни эгаллади. Хоразм хони Аванеш қўшини шайбонийларнинг бирлашган қўшинидан енгилди. Хоразм Шайбонийлар давлати таркибига киритилди ва шаҳарларга ноиблар тайинланди. Убайдуллоҳ Урганчга ўғли Абдулазизни ноиб қилди. Лекин Аванешнинг қариндошлари 1538 йили туркманларнинг адақли қабиласи ёрдамида Хивага юриш қилиб шаҳарни эгаллади. Убайдуллоҳнинг ноиблари ва қўшини қириб ташланди. Ўғли Абдулазиз эса Бухорога қочиб борди. Бундан ғазабланган Убайдуллоҳ Хоразмга юриш бошлади. Лекин кутилмаганда унинг 40 минг кишилиқ қўшини 10 минг кишилиқ Хоразм қўшинидан мағлуб бўлди. Убайдуллоҳнинг Хоразмга қарши янги юриши кўпчилик султонлар томонидан қўллаб-қувватланмади.

1575 йили Ҳожимхоннинг Хуросонга юришга кетганидан фойдаланган Бухоро хони Абдуллоҳ Урганчга хужум қилди. Ҳожимхоннинг қайтаётганини билган Абдуллоҳ сулҳ тузиб Бухорога қайтиб кетди. 1593 йили Абдуллоҳ Хоразмни олди. 1595 йили Хива султонлари Хоразмни қайтаришга бир неча бор ҳаракат қилдилар. Бундан ғазабланган Абдуллоҳ Хоразмга янги юриш қилиб Ҳазораспни эгаллади. Ҳожимхон эса Эронга қочиб кетди. Абдуллоҳ ваотидан сўнг Ҳожимхон Хоразмга қайтди ва ҳукмронлигини давом эттирди. 1602 йили Хоразмга минг кишилиқ атаман Аборкин бошлиқ Урал казакларининг босқини бартараф этилди. 1603 – 1604 йил қишида

қилмоқларнинг ҳужуми қайтарилди. 1603 йили атаман Нечай бошлиқ казаклар Хоразмга қайтадан ҳужум қилиб Урганчни талашди. Хоразм тарихининг кейинги даври ҳам феодал урушлар билан ўтди.

1646 йили Янги Урганч шаҳри қурилди ва у ерга Кўҳна Урганч аҳолиси кўчирилди.

1657 – 1658 йилларда Абулғозий Кармана ва Вардонзени талон-торож қилди. 1662 йили эса Қоракўлгача бостириб борди ва Бухоро хони Абдулазизни сулҳ тузишга мажбур этди. Унинг вафотидан сўнг ўғли Ануша ҳам Бухорога босқинчилик юришлари уюштирди. 1685 йили хиваликлар Ғиждувон, Ҳазора ва бошқа туманларни эгаллади. Ануша 1685 йили Самарқанд ва Шаҳрисабзни босиб олди. Субҳонқули Хивада Анушага қарши гуруҳ ёрдамидан фойдаланиб 1687 йили уни тахтдан ағдарди. Хивадаги бухоропараст кучлар 1688 йили Субҳонқулини ҳукмдор деб эълон қилишди. Субҳонқули Шоҳ Ниёзни тахтга ўтқазди. Шоҳ Ниёз Бухоро таъсирида: кутулиш ва Россия ҳимоясига ўтиш ниятида 1700 йили Пётр ҳузурига элчилар юборди.

Пётр 1714 йили Хивага Бекович-Черкасский бошлиқ кўшин жўнатди. Рус кўшини 1717 йили Хивага етиб келди. Хива хони Шер Ғозий Бекович-Черкасскийни қабул қилди ва унга рус кўшинини бир жойда тўплаш мумкин эмаслигини тушунтирди. Кўшин гуруҳларга бўлиб Хива бўйлаб тарқатиб юборилди. Ўша куни кечаси хиваликлар 6 минг кишидан ошиқроқ рус кўшинига ҳужум қилишди ва қириб ташлашди. Шер Ғозий даврида феодал урушлар сира тўхтамади.

Шер Ғозий вафотидан сўнг Элбарс тахтга чиқди. У Шимолий Хуросонга бир неча бор юриш қилди. 1740 йили Бухорони олган Нодир Афшор Хоразмга юриш бошлади. Ҳазорасп яқинида бўлган жангда хиваликлар енгилди. Элбарс Ҳазорасп қалъасига яширинди. Эронийлар Ҳазораспни қамал қилмай тўғри Хонқага қараб йўл олди. Элбарс бу муҳим қалъани сақлаб қолиш учун Нодир кўшинидан олдин шаҳарга етиб борди. Бироқ босқинчилар қалъани қўлга киритди, Элбарснинг ўзи эса жангда ўлди. Бир неча кундан сўнг Хива Нодир Афшорга таслим бўлди. Нодир Хивада ноиб ва кўшин қолдириб Эронга қайтиб кетди. Хоразмнинг шимолий қисми қизилбошларга таслим бўлмаганди, у ердаги зодагонлар ўзларига Нур Алини хон қилиб кўтаришди ва 1741 йили Хивага ҳужум қилиб қизилбошлар кўшинини тор-мор келтиришди.

1747 йили Нодир Афшор ўлдирилгач, Хоразм тамоман мустақил бўлиб олди. Лекин ички урушлар ва тахт таллашишлар сира тўхтамади.



1763 йилдан бошлаб ўзбекларнинг қўнғирот уруғидан бўлган иноқлар Хива хонлари устидан назорат ўрнатишди. Ниҳоят, 1770 йили қўнғиротлар амалда Хива хонлигини бошқара бошлади ва Хоразмда янги қўнғиротлар сулоласига асос солинди.

### **Мўғулистон хонлигининг тугатилиши**

1514 йили Султон Саидхон дуғлат амирларига қарашли Кошғардаги Манглай-Субени босиб олди ва у ерда Мўғул давлатини тузди.

1678 йили Мўғулистон Жунғория хонлиги томонидан босиб олинди ва Жунғориянинг вассалига айланди.

1704 йили Муҳаммад Мўминхон исёни сабаб Мўғулистон Жунғория томонидан тугатилди.

**Мўғул хонлиги (ёки Кошғар хонлиги, 1514 – 1665) – Шарқий Туркистоннинг ғарбий қисмидаги феодал давлат. Пойтахти – Ёрканд (1514 – 1544), Кошғар (1596 – 1665). Давлат тили – чиғатой тили.**

Хонлик 1514 йили Мўғулистон хонлигидан ажраб мустақил бўлган. 1544 йили Мўғул давлати хони Абдуррашид Мўғулистон хонлиги пойтахти Олмаликни босиб олди ва Мўғул давлати Мўғулистон билан бирлаштирилди.

1596 йили Кошғарда Мўғул хонлиги тикланди.

1665 йили Жунғория хонлиги Мўғул давлатини тугатди.

**Мўғул давлати маданияти.** Ёрканд Мўғул давлати пойтахти бўлиб, у ерда кўплаб масжидлар, мадрасалар, саройлар ва карвонсаройлар мавжуд эди. Шаҳарга Ўрта Осиёнинг турли минтақаларидан савдогарлар келишган. Кошғар ва Ёрканд бозорларида Шарқ матолари билан савдо қилаётган ҳиндий, афғоний ва форсийларни ҳам учратиш мумкин эди.

### **Мўғул давлати хонлари**

т/р	хукмдорлар	хукмронлик йиллари
1.	Султон Саид	1514 – 1534
2.	Абдуррашид	1534 – 1560
3.	Шоҳ Шужоъиддин Аҳмад	1596 – 1610

4.	Абдуллатиф Апақ	1610 – 1627
5.	Султон Маҳмуд Қилич	1627 – 1635
6.	Жулбарс	1635 – 1665

**Жунғория хонлиги (1635 – 1755) – XVII – XVIII асрларда Балхаш кўли, Тяньшань тоғлари ва Иртиш дарёси оралиғида мавжуд бўлган ойратлар давлати. Хонлик 1755 йили Цин-манжур империяси томонидан тугатилган.**

Биринчи Ойрат улуси Дэрбени – Хара Хулатайжи (1634 йили вафот этган)

т/р	хукмдорлар (хунтайжилар)	хукмронлик йиллари
1.	Эрдэни Батур	1634 – 1660
2.	Сенге	1660 – 1671
3.	Галдан	1671 – 1697
4.	Цэван Рабдан	1697 – 1727
5.	Галдан Цэрен	1727 – 1746
6.	Цэван Доржи	1746 – 1749
7.	Лама Доржи	1749 – 1753
8.	Дабачи	1753 – 1755

### Қозоқ-жунғор урушлари (1643 – 1756)

**Биринчи босқич.** Қозоқларнинг жунғорларга қарши биринчи уруши 1643 йили бўлиб ўтди.

**Орбулоқ жанги.** Бу жангда хон Жангир бошлиқ қозоқлар жунғорларни тор-мор келтирди.

**Иккинчи босқич.** 1710 йили Қорақум минтақасида қурултой чақирилиб, Богенбай ботир бошлиқ қўшин тузилди. 1711 йили қозоқ қўшини жунғорлар ҳудудига кириб уларни енгди. Жунғорларнинг жавоб ҳаракати ҳалокат билан якунланди. Лекин Қозоқ хонлигининг жузларга бўлиниб кетиши сабаб, қозоқлар жунғорларга ҳал қилувчи зарбани беролмадилар.

**Учинчи босқич.** Жунғорлар ўзларини ўнглаб юриш бошлашди. 1718 йили Аягоз дарёси бўйида жанг бўлиб ўтди. Қозоқлар мағлубиятга учради. Қозоқлар жунғорлардан ташқари бошқирдлар, Сибирь

казаклари, бухороликлар, хўқандликлар ва хиваликлар босқинидан ҳам зарар кўрди. 1723 – 1727 йиллар Қозоғистон тарихига «Буюк фалокатлар йили» бўлиб кирди. 1726 йили Буланта дарёси бўйидаги жангда қозоқлар тўла ғалабага эришди. У жой кейинчалик «Қалмоқлар қирилган» деб номланди. 1720 йилларда Жунғория чегарасидаги Ўрдабоши шаҳрида жанг бўлиб ўтди.

**Тўртинчи босқич. Анракай жанги (1729 йил декабрь – 1730 йил январь).** Қозоқларнинг жунғорларга қарши олиб борган юз йиллик урушидаги энг йирик ва ҳал қилувчи жанг. Жангдан олдин жунғорлар иттифоқчиси Хитойдан замонавий қурол-яроғ олишганди.

Анракай тоғлари ва Олакўл 1723 – 1730 йиллардаги урушда қозоқлар учун энг муҳим стратегик жой эди. Бу ердан Еттисув вилоятини қўлга киритишлари бошланарди. Шу ердан Чу дарёси бўйлаб Сарис ва Улитау тоғларига чиқиш имкони туғиларди. Бу жойлардан қўшин Каркаралин тоғларига кетиши мумкин эди, шунингдек, кейинчалик қозоқ ерларини жунғорлардан тортиб олиш имконияти юзага келарди.

Қозоқ қўшини 25 минг киши атрофида бўлиб, аскарлар руҳан ва жисмонан жангга тайёр эди. Жангчилар орасида Қортов этакларида, Муғожар тоғида, Буланта-Белеут ва Улитау жанглирида қатнашганлар бўлган.

1729 йил баҳор фасли охирида қозоқ қўшини отларини Моинқум чўллари ва Буркутта, Шабакти, Каракониз, Ирғайти, Чу водийси дарёлари орасидаги ҳудудга жойлаб Хантау тоғли минтақасига чиқишди. Биринчи муваффақиятлар Абулхайр, Телектау, Кангур, Сункайта ирмоғи ва Хантау тоғида қўлга киритилди. Бу воқеалар 40 кун ичида содир бўлди.

Қозоқ қўшини қилич, ханжар, ойболта, сўйил билан қуролланганди. Шунингдек, ўқотар қуроллардан ҳам фойдаланилди. Жунғорлар қозоқ отлиқларининг ҳужумига дош беролмади. Улар Олакўл ва Анракага суриб ташланди. Хунтайжи Галдан Цэрэн бошлиқ жунғорлар қозоқ отлиқлари ҳужумини қайтаришга ожизлик қилди. Абилай Хитой империяси билан жунғорларга қарши курашиш учун иттифоқ тузганди. Энди Галдан, хитой-жунғор уруши бошлангани учун, Хитойдан ёрдам олиши мумкин эмасди.

Жунғорлар Самсу ирмоғидан ўтиб Қора-Кастека водийсига ва Жерен Айғир тоғларига чиқиб кетишди. Бироқ у ерда ҳам енгилишди.

Буланта-Белеут ва Анракай жанглиридан ташқари Или дарёси бўйидаги Сари Аркада бир қанча жанглар бўлиб ўтди. Бу жанглар

натижасида қозоқлар жунғорлардан Сирдарё ва Арис туманлари, Улитау ва Сарису, Балхашнинг шимоли, Талас ва Чу водийларини тортиб олишди.

Анракай жанги, умуман, 1723 – 1730 йиллардаги уруш бутун қозоқ халқининг умуммиллий кураши эди.

1731 йили Қозоқ хонлигининг Россия империяси билан бирлашиш жараёни бошланди. Россияга биринчи бўлиб 1735 йили Абулхайр ташаббуси билан Кичик жуз бирлашди. 1740 йилларда султон Абилайнинг елиб-югуриши билан Ўрта жуз қўшилди. Катта жуз мустақиллигича қолди. Шундан сўнг жунғорлар босқини тўхтади. Чунки Россия империяси ҳарбий жиҳатдан Жунғорияга нисбатан анча устун эди.

1745 йили жунғор саркардаси Галдан Цэрэн вафотидан сўнг жунғорларнинг душманлик кайфияти сўна бошлади. Жунғорияда тахт талашиш бошланиб кетди. Тож талабгорларидан бири Амурсан хитойликлар ёрдами билан тахтга чиқишни кўзлади, бироқ мағлубиятга учраб Абилай ҳузуридан паноҳ топишга мажбур бўлди.

**Якунловчи босқич.** 1755 йили хитой-манжур урушида жунғорлар қақшатқич мағлубиятга учрашди. 1756 – 1758 йилларда Жунғорияга жуда кучли зарба берилди. 1758 йили хонлик тамоман тугатилди ва 1761 йилдан Хитойнинг Шинжон провинциясига айлантирилди. Қозоқлар ва жунғорлар ўртасидаги уруш якунига етди.

**Қалмиқ хонлиги, Торгоут хонлиги (1633 – 1771)** – XVI аср охирида Сибирь хонлигига келган руслар Иртиш дарёси бўйлаб кўчиб юрган қалмиқларга дуч келишганди. Улар хошеут ва торгоутлар эди. Уларнинг Волга бўйларига ва Шимолий Кавказга кўчиб келиш сабаблари тўла аниқланмаган. Шуниси аниқки, XVII асрда хошеут ва торгоутлар ўртасида қонли уруш юз берган. Узоқ қон тўкишдан сўнг торгоутлар ғолиб бўлишди. Улар ҳаттоки нўғайларни ҳам қарам қилишганди.

XVII аср ўрталарида торгоутлар нўғайларни бўйсундиришди ва уларни Қрим ва Кавказга сиқиб чиқариб, Дашти Қипчоқ ғарбида мустаҳкам ўрнашиб олишди. Кўчманчи торгоут хонлари жанубда Тереккача, шимолда Самарагача, ғарбда Донгача, шарқда Уралгача бўлган ҳудудларга ўрнашишган. 1771 йили хон Убаши бошчилигида қалмиқларнинг катта қисми етти ойлик сафар натижасида Уралдан Цин империяси (Хитой) ҳудудига кўчиб ўтишди. Хонлик Екатерина II буйруғи билан 1771 йил октябрда тугатилди. Қалмиқ хонлиги 1800 – 1803 йилларда қисқа муддат фаолият кўрсатган.

## Қалмиқ хонлиги ҳукмдорлари

т/р	хонлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Хоурлюк	1633 – 1644
2.	Шукур-Дайчин	1644 – 1661
3.	Мончак	1661 – 1672
4.	Аюка	1672 – 1714
5.	Чакдор Жаба	1714 – 1722
6.	Дондук Цэрэн	1724 – 1735
7.	Дондук Омбо	1735 – 1741
8.	Дондук Даши	1741 – 1761
9.	Убаши	1761 – 1771
10.	Додьби	1771 – 1781
11.	Ассарай	1781
12.	Чучей Тундутов	1800 – 1803

### УСМОНИЙЛАР ДАВЛАТИ 1512 – 1754 ЙИЛЛАРДА

**Салим I Ёвуз (1465 йил 10 октябрь – 1520 йил 22 сентябрь)** – усмонийлар султони (1512 – 1520). Боязид II нинг ўгли. Салим султонликдан қуруқ қолишини ўйлаб отасига қарши ҳаракат бошлади ва енгилиб Қримга қочди. 1512 йили Боязид II давлатни ҳалокатдан сақлаш мақсадида тахтни Салимга топширди. Салим ҳукмронлиги даврида, асосан, Шарқда уруш олиб борилди.

XVI аср бошларида Усмонийлар давлати ва Сафавийлар давлати ўртасида вазият кескинлашди. Кескинлик Арабистон яриморалига эгалик қилиш сабабидан келиб чиқиб, ҳар икки давлат ўзини у ерга эгалик қилишга ҳақли деб биларди. Бу давлатларда исломнинг турли хил фирқалари ҳукмронлик қилган: Эронда шиалик, Усмонийлар давлатида суннийлик. Салим I шиаликнинг ашаддий душмани эди. Унинг буйруғи билан 1513 йили фақат чегара бўйидаги шиаларни бутунлай йўқ қилиш ҳаракати бошланди (чунки Кичик Осиё аҳолисининг 4/5 қисми шиа эди) ва шиаларнинг рўйхати тузилди. Шундан кейин 40 – 45 минг шиа йўқ қилинди. Қирғинга 7 ёшдан 70 ёшгача шиа аҳолиси гирифтор этилди. Бу тадбир Эрон чегарасидаги туманлар шиаларини йўқ қилиб юбориб, Салим I қўшинига Эронга қилинадиган юриш учун йўл очарди.

1514 йили Салим I қўшини Эронга юриш бошлади. 1514 йил 23 август куни Исмоил I ва Салим I қўшини Ван (Урмия) кўлидан шарқда

жойлашган Чолдирон водийсида тўқнашди. Салим I 120 минг кишилик кўшинга эга эди, эронийлар кўшини ҳам тахминан шунча бўлган. Лекин ўқотар қуроллар бўйича устунлик турклар томонда эди. Жанг сафавийларнинг тўла мағлубияти билан яқунланди, шоҳ Исмоил I яраланди, бироқ қочишга улгурди. Жанг майдонида шоҳнинг 50 мингга яқин аскарлари ҳалок бўлди. Кўплаб асирлар ўша жойнинг ўзида йўқ қилинди. Чолдирон жангидан икки ҳафта ўтгач Салим I кўшини Сафавийлар давлати пойтахти Табризга кирди. У ерда бир неча кун тургач хазинани ва шоҳ ҳарамини қўлга киритиб, ўзи билан минглаб ҳунармандларни олиб кетди. Яничарлар яқинлашаётган қишдан хавфсираб орқага қайтишни талаб қилишганди. Салим Ереван, Карс, Арзирум, Сивас ва Амасья орқали қайтди. Чолдирон жангидан сўнг туркларга Диёрбакр, Битлис, Хусанкайфа, Мийяфриқин, Наждий туманлари ўтди. Лекин Салим кетгач, Исмоил Курдистоннинг катта қисмини қўлга киритди ва Диёрбакрни бутун йил давомида қамал қилди.

1515 йили Салим султон Аълоиддиннинг бошини олиб буфер давлат Арабистондаги зулқодирлар сулоласини тугатди. Сўнг турклар Диёрбакрни қамалдан қутқаришди ва қизилбошларни Кўчҳисор жангида мағлуб этишди. Султондан Курдистонни бошқариш ҳуқуқини олган курд Идрис узоқ қамалдан сўнг Мардинни эгаллади, Диёрбакр ва Синжор устидан назорат ўрнатди ҳамда бутун Месопотамияни бўйсундирди. Қизилбош Исмоил ўлимигача усмонийларга қарши урушишга ҳаракат қилмади.

**Усмонийлар-мамлуқлар уруши.** Шиалар устидан қозонилган ғалабалардан сўнг Салим I Мисрни эгаллашга тайёрлана бошлади. 1515 йилнинг баҳорида Қоҳирага Салим I юришга тайёргарлик кўраётгани ҳақида хабар етказилди. Мисрдаги Мамлуқлар давлати ва Усмонийлар давлати исломнинг суннийлик оқимига мансуб бўлсалар ҳам, ихтилофлар сабабли уруш ҳолатига келиб қолишганди. XV аср охирида Миср ва Усмонийлар давлати қарши томондаги сиёсий қочоқларга бошпана бериб, улардан ўз мақсадлари йўлида фойдалана бошлашди. Шунингдек, ислом оламида ҳукмронлик қилиш масаласида ҳам икки давлат ўртасида тортишув борарди.

1463 йили усмонийлар элчисининг мамлуқ султони таъзим қилишдан бош тортгани ихтилофларнинг бошланишига сабаб бўлган. Энди орадан ярим аср вақт ўтиб усмонийларнинг Мисрга хавф солиши ойдинлашди. Салим I Миср юришига тайёрланаркан, Жа-

нуби-Шарқий Анатолия ва Курдистонни бўйсундирди. Курд бейлари усмоний султонлар ҳукуматини тан олди. Турклар бу муддат мобайнида Диёрбакр, Мосул ва Мардин каби шаҳарларни ҳам қўлга киритишди. Кейин қўшинлар Мисрга йўлланди. Бу даврда мамлук султонига қарашли ерларда ҳукуматга қарши кайфият жуда кучли эди. Деҳқонлар оммаси ҳам, қўшин ҳам султон Кансух Алғурийдан норози эди. Аскарлар ғайридинларга қарши урушишларини, мусулмонларга қарши урушмасликларини айтишди. Салим I эса зарба беришга тайёр бўлгунча тўқнашувлардан қочиб, дипломатик ўйин олиб борди. 1516 йил июлда Қоҳирага султон билан савдо-сотиқ алоқалари, хусусан, Миср шакарини сотиб олиш бўйича элчилар юборилди.

**Марж дабиқ жанги.** 1516 йил 5 августда усмонийлар қўшини мамлуклар чегарасидан ўтишди. 1516 йил 24 август куни усмонийлар қўшини Ҳалаб йўлидаги Дабиқ майдонида (Марж дабиқ) Кансух бошчилигидаги 60 минг кишилик мамлуклар қўшини билан тўқнашди. Жанг тақдирини ўша замонда энг кучли ҳисобланган турк артиллерияси ҳал қилди. Усмонийлар отлиқ қўшини ўзига қарши тура оладиган мамлуклар отлиқ қўшинини тор-мор келтирди. Кансухнинг захира бўлинмалари жангга тушмаётгани мамлуклар қўшини орасида саросима келтириб чиқарди. Мамлук аскарлари жанг майдонини ташлаб кета бошлади. Айни шу вазиятда туркларнинг қаттиқ ҳужуми мамлукларни бетартиб қочишга мажбур қилди. Ҳалокат яқинлигини сезган Кансух заҳар ичиб ўлди. Бу жангдан сўнг Ҳалаб, Айнтаб ва Мамлуклар давлатига қарашли бошқа Сурия шаҳарлари мамлук ҳарбийларини қувиб, Салим I га таслим бўлишди. 1516 йил 28 август куни Салим I Ҳалабга кирди ва тантанали кутиб олинди. Эртасига жума кунги хутбада унга «Икки муқаддас шаҳарнинг ходими» унвони берилди. Бу унвонни олдинлари Миср ҳукмдорлари олиб юришарди ва мусулмон оламининг раҳбари ҳисобланишарди. Ўша вақтдан бошлаб турк султонлари ўзларини халифалар деб атаб, бошқа мусулмон ўлкалардан уларни олий ҳукмдор деб тан олишларини талаб қилишди.

1516 йил сентябрида Салим I қўшини қаршиликларсиз Суриянинг барча шаҳарларини қўлга киритди. Ерли аҳоли усмонийлар қўшини тарафида бўлиб, мамлукларга қарши ҳаракат қилишди. Сурияликларнинг ўзи шаҳар дарвозаларини очиб берди. Дамашқ 1516 йил 9 октябрда Салим I ни кутиб олди. Ноябрьнинг охирларида султон қўшини Сурия ва Фаластин истилосини тугатди. Олдинда Қоҳирага

юриш турарди. Мамлукларнинг янги султони Туманбай турк қўшинига араб беришга ҳаракат қилди. 1516 йил 25 декабрда Бейсан (Фаластин) жангида Синон Юсуф пошшо бошчилигидаги турклар Туманбай қўшинини мағлуб этди. Бир ойдан сўнг Қоҳиранинг шимолидаги Ридонийя номли жойда ҳал қилувчи жанг бўлди. Туманбай жангга 100 та тўп тайёрлади. 1517 йил 22 январь куни Туманбай қўшини тор-мор қилинди. Мамлуклар артиллерияси турклар артиллериясига дош беролмади, мамлук қўшини ўлишни хоҳламасдан жанг майдонини ташлаб кетди. Туманбай қўшинига ҳеч қандай ёрдам беролмади. Турклар Қоҳирани қўлга киритишди. Бир неча кундан сўнг кочаси Туманбай бўлинмалари билан шаҳарга бостириб кирди. Кўча жанглари бошланиб, унда 50 мингга яқин қоҳиралик ҳалок бўлди. Салим I тартиб ўрнатгандан сўнг 800 нафар мамлук бейининг бошини олишни буюрди. Туманбай яна икки ой қаршилиқ кўрсатди, бироқ яқинлари томонидан ушлаб берилди. 1517 йил 17 апрель куни сўнгги мамлук султони Қоҳира дарвозасининг арки остида дорга тортилди.

1517 йил августида Салим I анъанасига кўра минглаб ҳунармандларни Истанбулга жўнатгач Қоҳирани тарк этди. Замондош араб тарихчиси Ибн Илёс Салим I қўлга киритган ўлжаларни қуйидагича ифодалайди: «Айтишадики, Усмон авлоди Қоҳирани тарк этаётганида, кўплаб ўлжаларни ҳисобга олмаганда, ўзи билан олтин ва кумуш юкланган минглаб туяларни олиб кетди. У ўзининг ота-боболари өтиша олмаган нарсаларга эга бўлганди».

Салим I Сурия ва Мисрни тарк этгач ўз тарафига ўтган мамлук саркардаларига ички ишларда маълум эркинликлар бериб, у ерларни бошқариш ҳуқуқини топширди. Тўғри, Миср ва Суриянинг йирик шаҳарларида яничарлар корпусини қолдирганди. 1521 – 1522 йилларда Миср ва Суриядаги автономиялар тугатилиб, марказий ҳокимиятга бўйсунувчи вилоятларга айлантирилди. Қоҳирадан кетишидан олдин Ҳижоз ҳокими уни зиёрат қилди. Султонни барча мусулмонларнинг раҳбари – халифаси деб билишини айтиб унга ишонч билдирди. Макка улуғларининг қўллаши ва уни янги халифа сифатида тан олишлари Салим I га катта обрў келтирарди. Шунинг учун Ҳижозни ўзининг давлатига қўшиб олган султон минтақанинг ички ишларини бошқаришни уларнинг ихтиёрида қолдирди.

Орадан кўп ўтмай султонларнинг Африкада мулклари пайдо бўла бошлади. Йирик бандаргоҳ Ал-Жазоир ва унга ёндош ҳудудлар 1516 йили қароқчилар томонидан эгалланганди. Уларнинг раҳбари Хайриддин Барбаросса 1518 йили Салим I ҳокимиятини эътироф эт-



ди ва султондан бейларбейи унвонини олди. Салим I нинг Болқондаги, Жануби-Шарқий Анатолиядаги, Арабистон яриморолидаги ҳамда Шимолий Африкадаги қўшилган ерлари Усманийлар давлати ҳудудини деярли икки баробар кенгайтди. Унга қарашли минтақаларда ҳосилдор ерлар ва кўплаб савдо-хунармадчилик марказлари бор эди. Усманийлар давлати Венгрия чегараларидан ва Адриатика соҳилларидан тортиб Форс кўрфазигача бўлган ҳудудларда муҳим савдо йўлларини назорат қиларди. Мисрдаги Мамлуклар давлатининг тугатилиши ва Эроннинг 1514 йилги эрон-турк урушидан сўнг кучсизланиб қолишидан сўнг, усманийлар уруш майдонини Европага кўчиришди.

Салим I 1518 йили Венгрия билан сулҳ тузди. 1518 – 1519 йилларда Сурия ва Анатолияда бўлган дин ниқоби остидаги исёнларни султон қўшини осонликча бостирди. Ҳукмронлик даврида кўплаб ғалабаларга эришган, Ҳиндистон ва Родосга юриш қилиш учун тайёрланаётган Салим I 54 ёшида Чорлу шаҳрида ўлатдан вафот этди. У кўзлаган режаларининг кўлига етолмади, бироқ ўғли Сулаймонга давлатни жуда кучли ҳолатда қолдирди.

**Халқ ғалаёнлари.** 1508 йили Токат туманида шиа дарвиши Нур Али халифа ўз атрофига 20 мингга яқин кишини йиғиб исён кўтарди. Исёнчилар ҳукумат томонидан қизилбошлар деб номланди. Улар 4 минггача бўлган султон бўлинмаларини бир неча бор тор-мор этишди. Нур Али Токатни эгаллаб олди. Исён бир неча йил давом этди ва Салим I томонидан шафқатсизларча бостирилди.

1511 йили, Нур Али бошлиқ шиалар исёни давом этаётган пайтда, Анатолиянинг жануби-ғарбида янги кўзғолон аланга олди. Кўзғолончиларни Шоҳқули номли қизилбош бошқарди. Шоҳқули ва унинг отаси 20 мингга яқин кишини ўз атрофига тўплади. Шоҳқули Анатолия бейларбейи Қоракўз Аҳмад пошшо қўшинини енгди. Бейларбей асирга олинди ва Шоҳқули буйруғи билан қатл этилди. Кўзғолон Бурсагача етиб келди. Бундан хавотирланган султон вазири аъзамни қўшинга бошлиқ этиб тайинлади ва кўзғолончиларга қарши юборди. Шоҳқули бошлиқ исёнчилар Қизилқияда ўзларига қулай ерларга жойлашиб олишди ва 40 кунгача султон қўшини ҳужумини қайтаришди. Исёнчилар барибир Сивасга чекинишга мажбур бўлди. 1511 йил июлда Кайсери ва Сивас оралиғидаги Гёкчай дарёси олдида юз берган жангда Шоҳқули тарафдорлари ҳалокатга учради, унинг ўзи ҳам жангда ҳалок бўлди. Қолган-қутган исёнчилар Эронга қочиб ўтишди. Турк солномачилари Шоҳқулини «Шайтонқули» деб номлашган.

1513 йили Салим I Анатолияда 40 минг шиани ҳалок этди.

1519 йил апрелда Амасья, Токат ва Турхала туманларида шайх Жалол бошлиқ исён бўлиб ўтди. У ўзини Маҳдий деб эълон қилди ва лтрофига 20 минггача кишини йиғишга эришди. Султон Салим I унга қарши Румелия бейларбейи бошлиқ кўшин жўнатди. Қўзғолончилар тор-мор қилинди, шайх Жалол кўлга олиниб қатл этилди. Султон исёнчиларни қаттиқ жазолади: асирга тушганларнинг барчасининг боши кесилди. Лекин мазкур чоралар ҳам натижа бермади.

**Сулаймон Қонуний (1494 йил 6 ноябрь – 1566 йил 5/6 сентябрь)** – усмонийлар ҳукмдори (1520 – 1566). Отаси Салим вафотидан сўнг тахтга чиққан. Сулаймоннинг хотини Роксолани (Анастасия Лисовская) султоннинг бошқа хотинидан бўлган ўғилларини йўқотиб, ўғли Салимнинг тахтга чиқиши учун кўплаб фитналар уюштирди. Шунингдек, султон синглисининг эри – вазири аъзам Иброҳим пошшо Парғалий (1532 – 1536) унинг фитнаси туфайли бўғиб ўлдирилди. Ўрнига куёви Рустам пошшо (1544 – 1553, 1555 – 1561)ни ўрнатди. Рустам 1553 йили Роксоланага султоннинг черкас хотини Гулбаҳордан бўлган суюкли ўғли Мустафони йўқ қилишга ёрдамлашди. Мустафо ва унинг ўғиллари султоннинг кўз олдида қатл этилди. Салим тахт вориси бўлиб қолди. Бироқ 1558 йили Роксолана вафот этгач, унинг бошқа ўғли Боязид 1559 йили исён кўтарди. Исёнчи кўшини султон кўшини томонидан мағлуб этилди, ўзи эса Эронга қочиб ўтди. Шоҳ Таҳмосп I уни 400 000 олтин эвазига султонга тугиб берди. 1461 йили исёнчи Боязид қатл этилди, шунингдек, 5 ўғли ҳам (энг кичиги 3 ёш эди) ўлдирилди. Султон Сулаймон 1566 йили вафот этган.

Салим I 43 ёшида навбатдаги юриш пайтида вафот этганди. 1520 йили тахтга ўғли Сулаймон ўтирди. У ишни XV аср охирларидан босқин уюштирилаётган Венгрияга хужум қилишдан бошлади. Венгрия устидан ғалаба туркларга Марказий Европага йўл очиш билан бирга муҳим савдо магистрали ҳисобланган Дунай дарёси устидан назорат ўрнатишга хизмат қиларди.

1521 йили турклар ўшанда Венгрия қироллигига қарашли Белградни қамал қилишди. Шаҳар гарнизони туркларнинг 20 га яқин хужумини қайтарди. Дунай дарёси соҳилларига мустаҳкам ўрнатилган тўплар шаҳарни тинимсиз ўққа тутди. Шаҳарда бор-йўғи 400 жангчи қолганда ҳимоячилар таслим бўлди. Асирларнинг кўпчилиги ўлдириб юборилди. Белград олингач, Сулаймон I Венгрияга юриш қилишни биров кечиктирди. У 10 минг кишини жойлаган 300 та ке-

мада Родос оролига ҳужум қилди. Родос рицарларининг ҳарбий кемалари Истанбулни Арабистон яримороли билан боғлайдиган ҳудудларда турк кемаларига ҳужум қилди. Турклар Родосга 1522 йил июль ойи охирида тушишди. Орол жуда қаттиқ қаршилиқ кўрсатди, турклар катта талафот кўришига қарамасдан қамални давом эттиришди. Фақатгина Сулаймон I 100 минг кишилиқ кўшин билан ёрдамга етиб келганда, турклар ғалабага эришди. 1522 йил декабрида қалъа таслим бўлди, бироқ уруш туркларга қимматга тушди. Улар 50 минг аскардан айрилди. Яничарлар Родосни ер билан яксон этишди, султон эса Меҳмет II нинг биродаркушлиқ қонунига риоя этишга киришди. Сулаймон I шаҳарда Боязид II нинг жияни (акаси Жомнинг ўғли) яширинганини билиб, уни топиб ёш ўғли билан бирга ўлдириб юборишни буюрди.

1524 йили турк флоти Жиддадан йўлга чиқиб, Қизил денгизни португаллардан тозалашди.

1525 йили Киликия деҳқонлари ғалаёни бошланиб, султон кўшинларига зарбалар беришди. Сивасгача бўлган ерларни қўлга киритишса-да, 1526 йили кўзғолон бостирилди. Уша йили Малатия туманидаги кўзғолонда 30 мингга яқин киши қатнашди. Улар исённи бостириш учун юборилган султон кўшинини тор-мор этишди. Қарамон бейларбейи кўзғолон раҳбарларига ерларини қайтариб яна бир қанча имтиёзлар бергачгина, исён бостирилди. Фақат таслим бўлмай кўзғолонни давом эттирганларгина қўлга туширилиб қатл этилди.

1526 йили августда қизилбош Сулун ва Бобо Зуннун бошлиқ кишилар исён кўтарди. Исёнчилар Қарамон бейи кўшинини тор-мор этишди, Кайсери ва Токат ҳудудини қўлга киритишди. Лекин 1526 йил сентябрда Сивас ноиби уларни мағлуб этди. Кўзғолончилар бошлиғи Бобо Зуннун жангда ҳалок бўлди.

Орадан кўп ўтмай Киликияда исён бошланди. Бу ерда Қаландар Чалабий бошлиқ 30 минг киши бош кўтарди. У ўзини Қаландаршоҳ деб номлади. 1527 йил ёзида Анатолия бейларбейи кўшини исёнчилар томонидан тўлиқ мағлуб этилди. Лекин Қаландарга қўшилган айрим иқтодорлар султон кўшинига хизмат қилиб уни тутишга кўмаклашишди. Қаландар бўлинмалари ҳал қилувчи жангда тор-мор келтирилди, ўзини асирга олиб қатл этишди. Бундан ташқари, Адана 5 минг кишилиқ кўзғолон кўтарилди ва тез орада бостирилди.

1526 йил апрелида турк кўшини (100 минг жангчи ва 300 тўп) деҳқонлар норозилиги ва феодаллар фитнаси қамраб олган Венг-

рияга юриш бошлади. Бир неча юз яничарлар чиққан кемалар Дунай бўйлаб олға интилиб, куруқлик қўшинларига йўл очишди. Венгер катта ер эгалари деҳқонлардан шунчалик қаттиқ қўрқишардики, душман билан урушиш учун уларни қуроллантиришмади. 1526 йилнинг июлида турклар Петерварадин қалъасини қамал қилишди. Улар девор тагини кавлаб портлатишга муваффақ бўлишди. Девор қулаган ордан ёриқлар очилгач, турклар қалъага ҳужум бошлади. Петерварадин ишғол қилинди. Тирик қолган 500 нафар ҳимоячи қатл этилди. 300 нафар киши қулга айланди.

Венгриядаги энг муҳим жанг Дунайнинг ўнг қирғоғидаги текисликда – Мохач шаҳри олдида 1526 йил 29 август куни юз берди. Венгер армияси турклардан анча кам эди. Уларда 25 минг жангчи ва 80 та тўп бўлган. Венгерлар Трансильваниядан келаётган венгер магнати Янош Запольяи қўшинини кутиб аскарларини кўпайтиришлари мумкин эди. Бироқ турклар Мохачда кўринишлари билан, қирол уларга ҳужум қилишни буюрди. Сулаймон I венгер отлиқларига туркларнинг биринчи линиясини ёриб ўтишга имкон берди, қиролнинг отлиқлари яничар бўлинмалари билан тўқнашувга киришганда, артиллерия кутилмаганда уларни ўққа тутди. Венгер қўшини бутунлай қириб ташланди. Қирол ҳам ҳалок бўлди. Мохач ўт қўйиб таланди.

Мохачдаги ғалаба туркларга Венгрия пойтахтига йўл очди. Жангдан икки ҳафта ўтгач Сулаймон I Буда шаҳрига кирди, шаҳар жангсиз таслим бўлди. Ўзини вассал деб тан олган Янош Запольяи қиролга айланди. Кейин турклар ўзи билан минглаб асирларни олиб ортга қайтишди. Венгрия жуда катта зарар кўрди, 200 мингдан ортиқ одам, яъни аҳолининг 1/10 қисми ҳалок бўлганди. Султон қўшини Венгрияни тарк этиши билан, Янош ва австрияпараст венгер феодаллари ўртасида тахт талашиш бошланди. Эрцгерцог Австрийский Будани босиб олди. Запольяи султондан ёрдам сўради. Бу султоннинг Венгрияга янги юриш қилишига олиб келди.

1527 – 1528 йилларда турклар Босния, Герцоговина ва Славонияни эгаллашди.

Султон Кичик Осиёдаги ғалаёнларни бостиргач Австрияга зарба бериш ва Янош Запольяи ҳукуматини тиклаш учун Венгрия юришига тайёрлана бошлади. 1529 йил сентябрида турклар Запольяи бўлинмалари қўллаши туфайли Будани қўлга киритишди ва султон одамани венгер тахтига ўрнатишди. Кейин султон қўшинлари Венага юрди. Турклар 1529 йил 27 сентябрдан 14 октябргача Венани қамал қилишди. Қалъа деворлари жуда кучли, 20 минг ҳимоячи ва

70 тўп бор эди. Сулаймон I 120 минг кишилик қўшин ва 300 тўпга эга бўлган. Дунайдаги турк флоти ҳам кўплаб жангчилари бор эди. Турклар қалъа деворларини портлатишга уринишди. 9 октябрь куни деворнинг бир ери портлатилгач, ёриқлар пайдо бўлди. 3 кун мобайнида турклар мана шу ердан киришга ҳаракат қилишди, бироқ олға юришнинг имкони топилмади. Султон 14 октябрь куни ҳал қилувчи ҳужумга буйруқ берди. Лекин шаҳарни қўлга кирита билмадилар. Бу вақтда туркларда озиқ-овқат танқислиги сезила бошлади. Қурбонлар сони 40 мингга етиб қолганди. Султон 16 октябрь куни Венадан чекинишга буйруқ берди. Турклар орқага қайтишда ўзи билан 10 мингга яқин кишини асир қилиб олиб кетишди.

1530 йили Австрия ва Усманийлар давлати ўртасида тинчлик музокаралари олиб борилди, бироқ султон Фердинандни венгер қироли деб тан олмади. 1532 – 1533 йилларда Сулаймон I тўртинчи марта Венгрияга юриш қилди, лекин юриш испан қироли Карл V ва Муқаддас Рим империяси ҳукмдори томонидан тўхтатилди. 1533 йил 23 июль куни Истанбулда турк-австрия тинчлик битими имзоланди. Битимга биноан, ҳар йили султонга ўлпон тўлаш ва султон вассали Янош Запольяи бошқараётган Шарқий Венгрияга ҳужум қилмаслик шарти билан Ғарбий ва Шимоли-Ғарбий Венгрия Австрияга ўтди. Бу битим амалда Венгриянинг иккига бўлинганини билдирарди.

Сулаймон I даврида турк қўшини бир неча марта Шарққа юриш қилди. 1533 – 1535 йилларда Сулаймон Эрон билан уруш олиб борди. Турклар Табризни уч марта эгаллашди. Таҳмосп I қўшини туркларга жиддий қаршилик кўрсатолмади. 1534 йил декабрда султон қўшинга шахсан ўзи бошчилик қилиб Бағдод ва бутун Ироқни қўлга киритди. Бағдод аҳолиси Сулаймон I ни ҳурмат билан кутиб олди. Ироқда шиаларга қарши кайфият кучайди.

1529 йили Марказий Ироқда сафавий ноибига қарши кўзғолон кўтарилганди. Кўзғолончилар Бағдодни олиб, уларнинг раҳбари Зулфиқорбек шаҳар калитларини султонга топширди ва унинг номидан пул зарб қилишни йўлга қўйиб, Ироқни султон ҳимоясига олишни сўраб элчилар жўнатди. Султон Австрия билан урушда банд бўлгани учун ҳеч қандай ёрдам кўрсатмади. Таҳмосп I қўшини кўзғолончиларни енгган, лекин шиаларга қарши кайфият пасаймаганди.

Султонга Басра, Хузистон, Луристон, Баҳрайн ва Форс кўрфазининг жанубий соҳилларидаги майда амирликлар бўйсунди (Басрани

турклар 1546 йили эгаллашган). Сулаймон Бағдодда тўрт ой бўлди. У суннийларга ҳукмронлик мавқеини қайтариб берди. Ироқ худуди, Усманийлар давлатида бўлгани каби, иёлотлар (вилоятлар)га бўлинди, солиқ солиш ва ердан фойдаланиш усмонийлар тизимида мосланди. Султон 1535 йили Ироқда 32 минг кишилик қўшин қолдириб Бағдодни тарк этди. Бағдодда минг нафар яничар ҳам қолдирилди. Кейин султон Табризга қайтиб, аскарларига пул мукофотлари тарқатди.

XVI асрнинг 30 – 70-йилларида Тунисда усмонийлар ҳукмронлигини ўрнатишга ҳаракат қилинди. 1533 йили Хайридин Барбаросса усмонийлар флоти қўмондони – капудан пошшо этиб тайинланди. 1534 йили 80 та кема ва 8 минг аскардан иборат Хайридин Барбаросса бошчилигидаги турк эскадраси Тунис шаҳрига етиб келди. Қисқа тўқнашувдан сўнг хафсийлар пойтахти қулади. Туниснинг бошқин шаҳарлари туркларга жангсиз топширилди. 1535 йили султон бир қатор шаҳарларда турк гарнизонларини жойлаштирди. Ўша йили туркларга қарши бадавий қабилалар исён кўтарди, Қайрувон жангида султон артиллерияси уларни саросимага солиб пароканда қилди. Мағлубиятдан сўнг бадавийлар султон ҳукуматини тан олишди. Шу пайтда Тунис ички ишларига Карл V аралаша бошлади. У Тунис соҳилларига 30 минг аскарли 400 кемадан иборат катта флот жўнатди. 1535 йил июлдаги жангда Карл V қўшини Хайридин Барбаросса бошчилигидаги туркларни енгди. 21 июль куни испанлар Тунис шаҳрини эгаллашди. Улар шаҳарни аёвсиз талади, масжид мадраса ва кутубхоналарни вайрон қилди. Босқинчилар қирғинда болалар ва аёлларни ҳам аяшмади. Ўша кунларда шаҳарнинг учдан бир аҳолиси ҳалок бўлди. Ўн минглаб кишилар қулликка солиниб ҳайдаб кетилди. Пойтахтни қўлга киритгандан сўнг испанлар Туниснинг шимоли-шарқини тўла босиб олишди, жумладан, Бизерт шаҳрини ҳам. 1535 йил августда Карл V армадаси Тунисни тарк этди, лекин денгиз бўйидаги шаҳарларда испан гарнизонлари қолдирилди.

1536 йили Сулаймон I узоқ йиллардан бери Италия худудини назорат қилиш учун Карл V билан урушаётган француз кироли Франциск I билан яширин битим тузди. Жазоирлик денгизчилар энд Франциянинг жанубида эркин ҳаракат қилиш ҳуқуқига эга бўлдилар. 1537 йили жазоирийлар Ўрта ер денгизида ҳарбий ҳаракатларини бошлаб юборишди. Хайридин Корфа оролини талади, Апули соҳилига ҳужум қилди ва Неаполга таҳдид солди.

30-йилларнинг иккинчи ярмида турк қўшини Жануби-Шарқий Европада ҳарбий ҳаракатлар олиб борди. 1538 йили Молдова яна бир марта таланди. Сулаймон I ҳар йили ўлпон тўлашга рози бўлган маҳаллий боярлардан Молдова ҳукумати бошлиғини тайинлади. Шундан сўнг Сулаймон I Прут ва Днестр дарёлари орасидаги Бессарабия ерларига ўрнашиб, ўша пайтда Польшага қаршли бўлган Украинага қарши плацдармга айлантирди.

1538 йили Венеция Карл V ва Рим папаси билан иттифоқ тузиб туркларга қарши уруш эълон қилди, жанглар, асосан, денгизда олиб борилди. Икки йил мобайнида (1537 – 1539) турк флоти Хайриддин Барбаросса бошчилигида Венецияга қаршли Занте, Эгина, Чериго, Андрос, Парос, Насос каби 20 дан ортиқ оролни эгаллади. Турклар Далмацияда қишлоқ ва шаҳарларни талашди. 1538 йил 28 сентябрда бўлган денгиз жангларининг бирида Андреа Дореа бошлиқ иттифоқчи душманларини тор-мор келтиришди. Бу уруш (1535 – 1540) натижасида Усманийлар давлатига Далмациянинг бир қанча шаҳарлари ўтди. Венецияликлар эса султонга катта миқдорда ўлпон тўлашга мажбур бўлишди.

Яманни бўйсундириш узоққа чўзилди. 1517 йили Яман Мисрдан қочган мамлуклар ҳукми остига тушганди. Шундан кейин усмоний султонлар Яманга бир неча бор ҳарбий гуруҳлар юборишди. Баъзан мамлуклар ва зайдий шиалари ўртасидаги курашга араллашиб туришди, баъзан португаллар босқинига қарши курашда Хадрамавтадаги Касирийлар салтанатига ёрдам бериб, Ямандаги воқеаларга таъсир ўтказишди. 1538 йили турклар Жанубий Арабистон ва Ҳиндистонга юриш бошлади. 13 август куни турк флоти Сувайшдан чиқди ва 3 август куни Аданга етиб келди. Маҳаллий ҳукмдор Амир уларни яхши кутиб олди, бироқ мачтада дорга тортилди. Адан истило қилиниб, шаҳар таланди. Ҳиндистонга муваффақиятсиз юришлардан кейин турклар бутун Яманни қўлга киритишди ва у ерда турк бошқарув тизимини жорий қилишди. Яман султон давлатига қўшиб олинди, Хадрамавт ҳукмдори эса Сулаймон I нинг вассали бўлиб қолди. Бироқ Яманнинг тоғли минтақалари аҳолиси турк давлатини қўлламади.

Ямандан сўнг турклар Гужаротга юриш уюштириб португалларга қаршли Диуни қамал қилишди. Маҳаллий мусулмонлар туркларга ёрдам берди. Қалъа таслим бўлишига яқин қолганди. Бироқ португаллар ёрдамга келаётгани ҳақида хабар тарқалди. Гужаротликлар шартномани бузиб туркларни қириб ташлади. Шундай қилиб, сул-

тоннинг Ҳинд океанидан европаликларни қувишга уриниши муваффақиятсиз чиқди, лекин қуруқликдаги жангларда турклар ғалаба кетидан ғалабага эришишарди.

1540 йил 20 октябрь куни султон Венецияни сулҳ тузиб Хайридин томонидан эгалланган ҳудудларни, шунингдек, Мороядаги Наполи ди Романо ва Мальвазияни топширишга кўндирди. Қолаверса, 30000 дукат товон тўланди. Ўрта ер денгизида ҳукмронлик Лепанто жангигача (1571) турклар қўлига ўтди.

1541 йили Австриянинг туркларга қарши курашини қўллаб-қувватлаётган Карл V Шимолий Африкада усмонийларга зарба беришга ҳаракат қилди. 1541 йил 19 октябрда 500 кемадан ва 24 минг кишилиқ қўшиндан ташкил топган армадаси Ал-Жазоир шаҳрига рейд уюштирди. Турк ноиб Ҳасан оғанинг қўл остида 10 мингга ётар-етмас аскар бор эди. 25 октябрь куни Карл V қўшини шаҳарни қамал қилиш учун ҳаракат бошлади. Об-ҳаво бунга халақит берди. Кечга яқин бўрон кўтарилди ва испанларнинг учтадан битта кемаси соҳилдаги қояларга урилди. Бўрон пайтида испанлар артиллериясидан маҳрум бўлди. Порох ивиб яроқсиз ҳолга келди. Шунга қарамай, Карл V ва унинг лашкарбошиси герцог Альба Ал-Жазоирга ҳужум қилишди. Ҳамма ҳужумлар катта талафотлар эвазига бартараф этилди. Уч кун ёққан жала қўшинни ёмон аҳволга солиб қўйди, озиқ-овқат бузилди. 150 кемаси ва 12 минг аскардан айрилган қирол қайтишга буйруқ берди. Бу муваффақиятсизликдан сўнг Карл V Ал-Жазоирда Усмонийлар давлати ҳукмронлиги ўрнатилишига рози бўлди.

1540 – 1547 йилларда султон қўшини Венгрияга қарши яна уруш олиб борди. 1541 йили улар тағин Будани олишди. 1543 йили эса Эстерг қалъасини қўлга киритишди. Будада яничарлар гарнизони жойлаштирилди, турклар томонидан эгалланган Венгриянинг бошқа жойларида ҳам турк маъмурияти иш бошлади. Бу сафар Буда учун бўлган курашга 1547 йили Эдирнада имзоланган шартнома нўқта қўйди. Шартнома бўйича, Венгер қироллиги 3 қисмга бўлинди – Фарбий ва Шимолий Венгрия габсбурглар ҳукмронлиги остида қолди, Марказий Венгрия турк ноиб томонидан бошқариладиган бўлди. Шарқий ерлар, жумладан, Трансильвания султон вассаллигида қолди. Трансильвания учун кураш 1551 – 1562 ва 1566 – 1568 йиллардаги турк-австрия урушлари келиб чиқишига сабаб бўлди. Бу уруш давомида турклар Темешвар (1552), Эгер (1553), Сигетвар (1566) ва бошқа қалъаларни қўлга киритишди. Эрлау қалъаси гарнизони каттиқ қаршилик кўрсатди. 38 кунлик қамалдан сўнг турклар қалъа-



критик ниятидан воз кечишди. Бу урушлар Австрия ва  
 р давлатининг венгер ерларидаги чегараларига ўзгариш  
 ни кўлга киритмади.  
 Франция билан и  
 йили Ниццада  
 ларга ёрдам  
 Усмониёлар  
 эди. Бунга а  
 уруш ҳолати  
 1547 - 1548  
 кўзгони тирди. Султ  
 қаратди. Шиб  
 курашган и  
 вийлар дав  
 енгилгач ис  
 лаймон I да  
 йили султ  
 Табризни то  
 аскарлар и  
 йили турк  
 лаб, Жан  
 Шарқий Ар  
 1552 йил  
 1555 йили  
 монийлар  
 Грузияга ар  
 тон, шар  
 узок йил  
 ўртасида  
 1547 -  
 флотига  
 дан торт  
 аскар би  
 икки ҳаф  
 Масқат  
 сини Хур  
 худуддаг

Европа жамоатчилиги босими остида Усмониёлар дав  
 иттифоқни узишга мажбур бўлди. Лекин турк флоти 1543  
 ни олишда, 1553 йили Корсикани эгаллашда француз  
 м берди.  
 лар давлати ва Москва давлати ўртасида вазият кескин  
 асосий сабаб Москва давлатининг Қрим хонлиги билан  
 ида бўлганидир.  
 1548 йилларда Яман ва Хадрамавтни турли ерларида  
 юз берди, лекин султон қўшинлари бу исёнларни бос  
 тон Фарбда тинчлик сулҳи тузгач эътиборини Шарққа  
 арвон ноиб Таҳмосининг укаси Алқаснинг шоҳга қарши  
 султоннинг кейинги юришларида фойда келтирди. Сафа  
 латида тахт талашини бошланди. Алқас шоҳ қўшинидан  
 танбулга бориб султон саройидан паноҳ топди ва Су  
 н ёрдам сўради. Ҳарбий ҳаракатлар яна бошланди. 1548  
 йили қўшинлари Жанубий Озарбайжон ҳудудидан ўтиб, яна  
 аллади (шоҳ пойтахтни Қазвинга кўчирди). Эрондаги турк  
 ум ва Кошонгача бориб, Исфаҳонни забт этишди. Ўша  
 йили Ар бир неча кунлик камалдан сўнг Ван қалъасини эгал  
 лар Арманистондаги Ван кўли ҳавзасини истило қилишди.  
 ланистон ва Жанубий Грузияга ҳам юриш уюштирилди.  
 реванни, 1554 йили Нахичеванни олишди.  
 май ойида Амасьяда сулҳ тузилди. Сулҳга кўра, Ироқ Ус  
 авлатига ўтди, бироқ Озарбайжон Эрон таркибида қолди.  
 йили (Имеретти) ва Арманистоннинг ғарбий минтақаси султ  
 минтақалари Эрон ҳукмига ўтди. Ўша даврдан бошлаб  
 Арманистон ва Грузия Усмониёлар давлати ва Эрон  
 лаш бўлиб, маҳаллий аҳолига катта зарар келтирилди.  
 1554 йилларда усмонийлар флоти бир неча бор португал  
 афот етказди. 1550 йили турклар Қатифни португаллар  
 олишди. 1552 йили турк эскадраси 30 та кемада 16 минг  
 Сувайшдан Уммон соҳилларига йўналди. 1552 йили  
 ик ўққа тутишдан сўнг португалларнинг йирик қалъаси  
 алланди. Лекин 1553 йили португаллар турк эскадра  
 бўғозида, 1554 йил августида Масқатда енгишди. Бу  
 тенгиз ҳукмронлиги Португалия кўлида қолди.

Кейинчалик Усманийлар давлати ва Испания ўртасидаги узок муносабатли кураш тунислик зодагонларнинг турклардан ёки испанлардан паноҳ излаб ҳаракат қилишига боғлиқ бўлиб қолди. Ўттиз йилга яқин испан ва турк қўшинлари ўртасида тўқнашувлар юз бериб турди. Турклар томонидан Мальта рицарларининг тор-мор қилиниши ва Ливиядаги Триполининг эгалланиши (1551 йил август) ҳамда Триполитаниянинг эгалланиши сабабли, Тунисда усмонийлар ҳукмронлигини ўрнатиш мумкин бўлди. 1553 йили ваттосийлар сулоласини яғдариш учун Марокашга юриш қилишди, лекин режа амалга олмади.

1555 йили Сулаймон I қўшини Суданга юриш бошлади. 1556 – 1557 йилларда Суданда усмонийлар ҳукмронлиги ўрнатилди. Кейин султон қўшини Африкадаги Қизил денгиз соҳилларини истило қилди. 1557 йили Эфиопиянинг асосий бандаргоҳи Массауани забт қилди. 1558 – 1559 йилларда турк қўшини бир неча бор Эфиопияга ҳужум қилиб Шимолий Эритрея устидан тўлиқ назорат ўрнатди. Турк-эфиоп уруши танаффуслар билан 1572 – 1589 йилларда давом этиб, туркларга янги ҳудудлар келтирмади.

1565 йили турклар Мальта рицарлари жойлашган қалъани тўрт ой қамал қилишди, 20 минг аскар ҳалок бўлса-да, жанг уларга ғалаба келтирмади. Мальталикларга испанлар эскадраси ёрдамга келганидан кейингина, турклар Мальтадан кетишди.

**Салим II «Маст» (1524 йил 28 май – 1574 йил 13 декабрь)** – усмонийлар ҳукмдори (1566 – 1574). Сулаймон I ва Роксолананинг ўғли. Салим II ҳукмронлиги даврида давлатни вазири аъзам Муҳаммад Соқоллу (Соқолич) бошқарди. Усманийлар давлати Эрон, Венгрия, Италия (1570 – 1573) ва «Муқаддас лига» (Испания, Венеция, Генуя, Мальта)га қарши уруш олиб борди, Арабистон ва Кипр истилоси яқунланди.

1569 йили турк қўшинлари зайдийларга қарши йирик жазо юришларини уюштиришди. 9 ойлик қамалдан сўнг (1569 йил августдан 1570 йил май ойи ўртасигача), Кавкабан (Санъо яқинида) қалъаси олингач, зайдийлар етакчиси усмонийлар ҳукмронлигини тан олди. Бироқ Ямандаги турклар ҳукмронлиги барқарор эмасди. Мамлакат бутунлай бўйсундирилмаганди, Яман ва Хадрамавтдаги султон ҳукмронлиги фақатгина ҳарбий-сиёсий назоратдан иборат эди, холос.

1569 йили Салим II Астраханга муваффақиятсиз юриш бошлади. Истанбулда Волга ва Донни канал орқали боғлаш режаси ишлаб чиқилганди. 1569 йил ёзида яничарлар ва татар суворийлари, ус-

монийлар флоти Азовни қамал қилиб турганда, Астрахан қамалини ва канал қазिश ишларини бошлашди. Лекин Астрахан гарнизони ҳужумни қайтарди. 15 минг кишилик руслар қўшини ёрдамга жўнатилган татар қўшинини ва канал ишчиларини қувди. Усмонийлар флоти эса тўфон туфайли ҳалокатга учради.

1570 йили султон Салим II венецияликларга тегишли Кипр оролини эгаллаш мақсадида эскадра жўнатди. Адриатиканинг шарқий соҳилидаги Венеция ерлари ҳамда Эгей ва Иония денгизларидаги Венеция босиб олган ороллар учун уруш бошланди. Венециянинг туркларга қарши урушини Испания қироли Филипп II ва Рим папаси қўллаб-қувватлади. Папанинг ташаббуси билан Усмонийлар давлатига қарши урушиш учун «Муқаддас лига» тузилди. «Муқаддас лига»га Венеция, Испания, Мальта, Генуя, Савойя ва Италиядаги бошқа давлатлар қўшилди. Ҳарбий ҳаракатлар танаффуслар билан 3 йил давом этди.

**Лепанто денгиз жанги.** 1571 йил 7 октябрь куни Лепанто (Греция) шаҳри яқинидаги Патраикос бўғозида дунё тарихида машҳур денгиз жангларидан бири бўлиб ўтди. У эшқакли кемаларда олиб борилган сўнгги энг йирик жанг эди. «Муқаддас лига» (асосан, Испания ва Венеция) кемалари турк эскадрасига қарши жанг қилди. Туркларда 230 та, иттифоқчиларда 208 та кема бор эди. Жанг ўта даҳшатли тус олиб, ҳар икки томонга катта талафотлар етказди. Воқеа гувоҳларидан бири шундай ёзади: «Жанг майдонига айланган денгиз одам қонидан аскарларга қизил рангда қўринарди». Бу жангда иттифоқчилар сафида турган бўлажак ёзувчи Мигель Сервантес бир кўлидан айрилди. Турк эскадраси оғир мағлубиятга учради. Турклар 200 та кема йўқотди. 30 минг аскар ўлди ва яраланди. Иттифоқчилар 10 та кемасидан айрилди ва 7 минг аскари ҳалок бўлди. Туркларнинг мағлубияти Европада ажойиб таассурот қолдирди. Италия ва Испанияда ғалаба шарафига черковларда ибодатлар ўтказилди.

Лепанто жанги Усмонийлар давлати ва «Муқаддас лига» ўртасидаги ҳал қилувчи жанг бўлмади. Турклар қисқа муддатда янги флот ташкил этиб урушни ғалаба билан тугатишди. 1573 йил мартдаги Венеция ва Усмонийлар давлати ўртасидаги тинчлик шартномасига кўра, венецияликлар туркларга Кипрни тоширишга ва катта миқдорда ўлпон тўлашга мажбур бўлди.

Салим II «Муқаддас лига»га қарши урушни тугатгач Тунисда ҳарбий ҳаракатлар бошлади. 1574 йил баҳорида у ерга 40 минг ки-

шилиқ кўшин юборди. Турк эскадраси 300 кемадан иборат эди. 12 июлда кун бўйи давом этган жанглардан сўнг эскадра Тунис шахрига ёриб кирди. Кейин 7000 кишилиқ испан гарнизони турган Ла-Гуетта қалъаси қўлга киритилди. 1574 йил август – сентябрь ойларида Албастиун қалъаси олинди. Ҳимоячиларнинг аксарияти жангларда ҳалок бўлди, асирга тушганлари қатл этилди. Бу юришлар натижасида испанлар Шимолий Африкадаги мулкларидан айрилди. 1581 йили қирол Филипп II султон билан сулҳ тузишга мажбур бўлди.

Туниснинг турклар томонидан эгалланиши узоқ вақт давом этган Ғарбий Ўрта ер денгизининг тақсимланишига якун ясади. Султон Салим II нинг бош вазири Венеция элчиси билан суҳбатда вазиятни сўзлар билан жонли ифода этганди: «Сиз бизнинг соқолимизни Лепантода қирқиб ташлагандингиз, биз эса сизнинг қўлингизни Тунисда қирқдик. Соқол ўсиб чиқади, қўл эса ҳеч қачон ўсиб чиқмайди». Ҳақиқатан ҳам, Тунис эгаллангач, Ғарбий Ўрта ер денгизи учун кураш тўхтади. Турк қўшини яна Эрон ва Австрияга қарши курашга олланди.

1574 йили Молдавияда Иван Злим бошлиқ туркларга қарши кўзголон бўлиб ўтди.

**Мурод III (1546 йил 4 июль – 1595 йил 15 январь)** – усмонийлар ҳукмдори (1574 – 1595). *Отаси Салим II дан сўнг тахтга чиқди ва 6 нафар укасини қатл эттирди. Мурод III давлат ишларига кам эътибор берди, асосий вақтини беҳуда кўнгилхушликларга сарфлади. Мурод III нинг ҳукмронлик даврида онаси Нурбону ва хотини Сяфия хоҳлаганича иш юритишди. Шунингдек, юқори лавозимли зодагонлар фитналарда фаол қатнашди. Фитналар натижасида кўплаб зодагонлар қатл этилди.*

Салим II нинг вориси Мурод III (1574 – 1595) турк қўшинини Шарққа жўнатди. Бу галги юришнинг мақсади Кавказолдини ва Каспий денгизининг ғарбий соҳилларини эгаллаш, шунингдек, Эроннинг Россия билан савдо алоқаларини узиш учун Волга-Каспий савдо йўлини назоратга олиш эди. Бу савдо йўлини назорат қилиш режаси Салим II давридаёқ ишлаб чиқилганди. Салим II қўшини Қрим хонининг қўшинлари кўмагида 1569 йили Астраханни қўлга кириштириш учун ҳаракат қилишганди. Бироқ султон ва хоннинг бирлашган қўшини князь Серебрянный қўшини томонидан мағлуб этилган.

1578 йили султон қўшини Шарқий Грузия, Шарқий Арманистон ва Озарбайжонга юриш бошлади. Кавказ халқлари оғир вазиятга тушиб қолишди. Сон жиҳатдан анча устун усмонийлар қўшини

бир қатор ғалабаларга эришди. 1578 йил августида Чилдир жангида шоҳ қўшини тор-мор келтирилди. Ноябрьда эса Шемаха жангида мағлубиятга учради.

1579 йили султон қўшини Қрим хони кўмагида Шарқий Арманистон ва Ширвонга ҳужум қилди. Ўша йили Грузия ва Арманистон, 1580 йили Каспий денгизининг жанубий ва ғарбий соҳиллари иштило қилинди. 1583 йили Шемаха ва Бакуни забт этди. 1585 йили шоҳнинг асосий қўшини тор-мор этилиб, Озарбайжон қўлга киритилди. Табриз яна эгалланди. 1585 – 1588 йилларда бутун Озарбайжон устидан назорат ўрнатилди.

Ниҳоят, 1590 йил 21 март куни Истанбулда тинчлик битими имзоланиб, турк-эрон урушининг бу босқичи тугади. Усманийлар давлатига Озарбайжоннинг катта қисми, жумладан, сафавийларнинг олдинги пойтахти Табриз, бутун Кавказолди, Курдистон, Луристон ва Хузистон ўтди. Урушда ғалаба қозонишига қарамай, Усманийлар давлати катта миқдорда иқтисодий зарар кўрди.

Мурод III даврида мамлакат бўйлаб порахўрлик ва давлат мулкни талон-торож қилиш авж олди.

**Муҳаммад III (1568 йил 26 май – 1603 йил 22 декабрь)** – усмонийлар ҳукмдори (1595 – 1603). *Тахтга чиқиши билан 19 нафар ака-укасини қатл эттирди. Ўта кўрқоқ бу султон шаҳзодаларни давлат бошқарувидан четлатиб, уларни махсус «Қафас» номли жойда тутқунликда сақлади.*

1592 – 1606 йилларда Усманийлар империяси Австрия билан кураш олиб борди. Бу жанг Болқон яримороли ва Венгрияни қўлга кириштириш учун асрлар бўйи давом этиб келаётган турк-австрия кураши эди.

Австрияликларнинг Дунайдаги муваффақияти яничарларнинг Истанбулда исён кўтаришига сабаб бўлди. 1596 йили шайхулислом ва вазири аъзам тавсияси билан Муҳаммад III қўшинни олиб Венгрияга йўналди.

Ҳарбий ҳаракатлар, Анатолияда деҳқонлар исёни бўлаётган пайтда, олиб борилди. Деҳқонлар исёнини бостириш учун Муҳаммад III (1595 – 1603) йирик ҳарбий гуруҳлар жўнатди.

1596 йил октябрда турклар Крестеша жангида австро-венгерларнинг бирлашган қўшинига зарба беришди. Султон ғалабадан фойдаланмай тезда Истанбулга қайтди. Кейинги жанглар ҳеч бир томонга муваффақият келтирмади. Уруш Австрияни ҳам, Усманийлар давлатини ҳам ҳолдан тойдирди. Боз устига, султон жангчиларнинг бир қисмини Анатолиядаги исённи бостиришга юборди.

**Аҳмад I (1590 йил 18 апрель – 1617 йил 22 ноябрь)** – усмонийлар ҳукмдори (1603 – 1617). Отаси Муҳаммад III вафотидан сўнг, 1603 йил 22 декабрда, тахтга чиқди. Давлат ишларини, асосан, Аҳмад I нинг хотини Кёсем бошқарди. Аҳмад I ҳукмронлиги даврида ҳам Австрия ва Эрон билан уруш давом этди. Анатолиядаги яничарлар исёни ҳам тўхтамади.

1605 йилги Австрияга қарши юришда Аҳмад I қўшинга қўмондонлик қилиб 3 октябрь куни Эстерг қалъасини олди. 1606 йил 11 ноябрь куни Ситватароке (Венгрия)да ҳеч қайси томонга янги ҳудудлар келтирмаган тинчлик сулҳи имзоланди. Усмонийлар давлати бир йўла йирик миқдорда компенсация олиш орқали Австрияни йиллик ўлпон тўлашдан озод қилди ва габсбургларнинг император унвонини тасдиқлади. Бир неча йилдан сўнг султон Австрия фуқароларига Усмонийлар давлати ҳудудида эркин савдо қилиш ҳуқуқини берди. Лепантодаги мағлубият Усмонийлар давлатининг ҳарбий қудратига путур етганини англатса, Ситватароке сулҳи Усмонийлар давлатининг ташқи сиёсатидаги дастлабки муваффақиятсизлиги эди.

XVI аср Усмонийлар давлатининг энг қудратли даври бўлди. Кейинги асрдан салтанатнинг иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий ривожланишида камчиликлар кўзга ташлана бошлади.

**Мустафо I (1592 – 1639)** – усмонийлар ҳукмдори (1617 – 1618, 1622 – 1623). Муҳаммад III нинг ўғли, Аҳмад I нинг укаси. 1592 йили Манисада туғилган. Аҳмад I ҳукмронлиги даврида 14 йил мобайнида Топкапа саройида тутқунликда сақланган. Мустафо I руҳий касал бўлиб, давлатни бошқаришга яроқсиз эди. Зодагонлар унинг номидан давлатни бошқарган. Қариндоши Усмон II фойдасига 1618 йил 26 февраль куни тахтдан ағдарилди. Усмон II яничарлар фитниси туфайли тахтдан туширилгач, Мустафонинг норозилигига қарамасдан, 1622 йил 19 май куни тахтга чиқарилди. 1623 йил 10 сентябрда Мурод IV фойдасига тахтдан ағдарилди. Шундан сўнг умрининг охиригача (1639 йил 20 январь) тутқунликда сақланди.

**Усмон II (1604 йил 3 ноябрь – 1622 йил 20 май)** – усмонийлар ҳукмдори (1618 – 1622). Аҳмад I нинг ўғли. Мустафо I ағдарилгандан сўнг тахтга чиққан. Яхши таълим олган Усмон II мустақил қарор қабул қиларди.

1618 йил қатор мағлубиятлардан сўнг Эрон билан 1612 йилги битим шартларини такрорловчи сулҳ тузилди.

Усмон II 1620 йили Польшага қарши уруш бошлади. Польша қўшини Молдавияда бўлиб ўтган Цецора жангида мағлуб этилди. 1621

йили шахсан Усмон II Польшага юриш қилди, лекин бу сафар турклар Хатин жангида мағлубиятга учради ва Хатин тинчлик шартномаси тузилди. Мағлубият Усмон II обрўсига жиддий путур етказди.

Усмон II Истанбулга қайтгач 1621 йил сентябрь – октябрда ислоҳот ўтказиш ҳақида бош қотирди. У яничарларнинг бебошлигидан безор бўлиб Анатолия ва Шимолий Суриянинг турк аҳолисидан янги қўшин тузишга ҳаракат қилди. Шунингдек, пойтахтни Осиёга кўчиришга интилди. 1622 йил май ойида ҳаж учун Макка сари Истанбулдан Анатолияга отланишга тайёрланди. Бироқ 19 майда яничарларнинг навбатдаги тартибсизлиги бошланиб, Усмон II ҳибсга олиниб Едикуле қалъасига қамаб қўйилди, кейинги кун эса қатл этилди.

**Мурод IV (1612 йил 16 июнь – 1640 йил 9 февраль)** – усмонийлар ҳукмдори (1623 – 1640). Мурод IV тахтга, Мустафо I яничарлар томонидан ағдарилгач, 1623 йили 11 ёшида чиқди. Давлатни амалда онаси Кёсем бошқарди. Марказий ҳокимият заифлашгани сабаб, Шарқий Анатолия, Бағдод, Ливан, Қрим ва Яманда ғалаёнлар бўлди. Кўплаб вилоятлар ноиблари марказий ҳукумат буйруқларини бажаришдан бош тортди. Вазиятдан фойдаланган Аббос I Бағдодни ва Ироқи Арабни истило қилди.

1632 йилдан Мурод онаси қарамоғидан қутулиб, давлатни мустақил бошқаришга киришди. Бу ҳолатда ўта қаттиққўллик қилди. Турли манбаларда 1623 – 1637 йилларда унинг жаллодлари томонидан 10 мингдан 25 минггача киши қатл этилгани айтилади. Қатағонга учраганларнинг мол-мулки хазина фойдасига мусодара қилинди. Исёнчи яничарлар кучидан фойдаланиб бир нечта муваффақиятли уруш олиб борилди.

1634 йили Мурод IV қўшинга қўмондонлик қилиб Эронга қарши уруш бошлади. Эрон қўшинига кучли зарбалар берилиб Ереван ва Табриз олинди. Уруш 1638 йили турклар томонидан Бағдоднинг эгалланиши билан тугади. 1639 йилги Қасри Ширин битимига кўра Ироқи Араб ва Бағдод Усмонийлар давлатига ўтди. Мурод IV казакларга қарши муваффақиятли урушлар олиб борди. Шунингдек, венецияликларни турклар фойдасига сулҳ тузишга мажбур қилди.

**Иброҳим I (1615 йил 5 ноябрь – 1648 йил 12 август)** – усмонийлар ҳукмдори (1640 – 1648). Султон Аҳмад I нинг ўғли. Мурод IV дан сўнг тахтга чиққан. Рухонийлар (уламолар)га солиқ солиши уларнинг яничарлар билан бирлашиб 1648 йил 12 август кун Иброҳимни тахтдан туширишига сабаб бўлди. Султон орадан бир неча кун ўтгач бўғиб ўлдирилди.

Иброҳим I 1645 йили Крит оролини эгаллаш учун Венецияга қарши уруш бошлади, лекин урушни охиригача олиб бормади.

**Муҳаммад IV (1642 йил 2 январь – 1693 йил 6 январь)** – усмоний ҳукмдор (1648 – 1687). Иброҳим I нинг ўғли. Отаси яничарлар томонидан ағдарилгач, тахтга чиқарилган. Болалик даври узоққа чуқрилган анархия ҳамда онаси ва момосининг фитналарига тўла бўлди.

Анархиядан фойдаланган венецияликлар 1656 йили Дарданел бўғозида пайдо бўлишди ва 6 июль куни денгиз жангида ёрқин ғалабага эришишди. Улар ҳатто Истанбулга ҳам таҳдид солган. Лекин ўшан вақтда вазири аъзам лавозими Муҳаммад Кўпрулуга топширилган, пазият ўзгарди.

Кўпрулу, чекланмаган ваколат берилсагина, вазирлик лавозимини қабул қилишини билдиргани ва бу ҳуқуқдан тўла фойдаланиб шубҳали шахсларни қатл эттирди. Венецияликларни Дарданелдан улоқтириб ташлади, 1660 йили улардан Митилен ва Лемносни тортиб олди.

Унинг ўғли Фозил Аҳмад Кўпрулу умрини овчилик билан ўтказган султон устидан устунликни сақлаб қолган. Австрияга қарши уруш муваффақиятсиз бўлди, лекин 1669 йили венецияликлардан Крит ороли тортиб олинди.

1672 йили султон бошлиқ кўшин Польшага қарши уруш бошлади. Усмонийлар Каменец-Подольскни олишди. Қирол Михаил Вишневецкий турклар билан Бучач сулҳини имзолади. Лекин Реч Посполита уни тасдиқлашдан бош тортди ва уруш яна давом этди. Уруш 1676 йил 27 октябрда Журавна сулҳи билан якунланди. Сулҳга кўра Польша Усмонийлар давлатига Подолияни ва Украинанинг бир қисмини топширди.

1676 йили, Фозил Аҳмаднинг ўлимидан сўнг, усмонийлар инқиробини чуқурлаштирган Қора Мустафо вазири аъзам лавозимини эгаллади. Россия билан уруш 1681 йили усмонийларга фойдасиз сулҳ билан тугади. Қора Мустафонинг режаси Германияни эгаллаш ҳамда Дунай ва Рейн орасида усмонийларга қарашли вилоят ташкил этиб, ўша ернинг тўла ҳуқуқли хўжайини бўлиш эди.

1683 йили улкан кўшин билан Венага йўл олди. Карл Лотарингский ва Ян Собеский шаҳарга ёрдам беришга етиб келди. Икки ойлик қамал усмонийлар кўшинининг тўла мағлубияти билан якунланди. Польша ва немислар томонидан таъқиб қилинган турклар Венгрияда яна икки марта енгилди. Султоннинг буйруғи билан Қора Мустафо 1683 йили Белградда қатл этилди.



Собеский Молдавия ва Валахияга ҳужум қилди, венециялик ва мальталик рицарлар Мореяни эгаллаб, Далмацияга ҳужум қилишди ва Иония ороллари усманийлардан тортиб олишди. Австрияликлар эса 1686 йили герцог Лотарингский бошчилигида 145 йил усманийлар қўлида бўлган Венгриянинг бош шаҳри Офенни истило қилишди.

1687 йил 12 август куни турклар герцог Лотарингский қўшини томонидан мағлуб этилди ва Петервардейн, Эрлау, Штульвейсенбург, ҳаттоки Белградни бой беришди.

Истанбулда Муҳаммад Кўпрулуниг иккинчи ўғли Мустафо бошчилигида қўзғолон кўтарилди. Исён натижасида 1687 йили Муҳаммад IV тахтдан туширилди ва беш йилдан сўнг қамоқхонада вафот этди.

**Сулаймон II (1642 йил 15 апрель – 1691 йил 22 июнь)** – усманийлар ҳукмдори (1687 йил 9 ноябрь – 1691). Иброҳим I нинг ўғли, Муҳаммад IV нинг укаси. Яничарлар томонидан Муҳаммад IV ағдарилгач, тахтга чиқарилди. Унгача 40 йилдан ошиқроқ «Қафас»да тутқунликда кун кечирган.

Сулаймон II даврида «Муқаддас лига»га қарши уруш давом этди. Австрияликлар 1688 йили Белградни олишди, кейин Боснияни истило қилишди. 1689 йилдан бошлаб австрияликларнинг юриши тўхта-тилди. Турклар 1690 йили Орсова ва Белградни забт этди.

**Аҳмад II (1643 йил 25 февраль – 1695 йил 6 февраль)** – усманийлар ҳукмдори (1691 йил 22 июнь – 1695). Иброҳим I нинг ўғли, Муҳаммад IV ва Сулаймон II нинг укаси. Тахтга чиқарилгунча 40 йилдан ошиқроқ «Қафас»да тутқунликда сақланган.

Аҳмад II даврида «Муқаддас лига»га қарши муваффақиятсиз уруш давом этди. 1691 йил 19 август куни усманийлар қўшини Сланкамен жангида Людвиг Баденский бошлиқ австрияликлардан енгилди. Бу жангда вазири аъзам Фозил Мустафо Кўпрулу ҳалок бўлди.

**Мустафо II (1664 йил 6 февраль – 1703 йил 29 декабрь)** – усманий ҳукмдор (1695 йил 6 февраль – 1703 йил 22 август). Муҳаммад IV нинг ўғли. Ўзидан олдинги икки султондан фарқли ўлароқ «Қафас»да сақланмаган, балки Эдирнада эркин яшаган.

Мустафо II ҳукмдорлигининг дастлабки йилларида «Муқаддас лига»га қарши муваффақиятсиз урушни усманийлар фойдасига ўзгартиришга ҳаракат қилди. 1696 йили Болқонда қўшинни Мустафо II нинг шахсан ўзи бошқарди. 1697 йили вазири аъзам Элмас Муҳаммад пошшо бошлиқ қўшин Зента жангида Евгений Савойский етакчилигидаги империя қўшинидан енгилди. 1696 йили рус қўшини Азовни олди.

1699 йили Карловица тинчлик битими тузилди. Унга кўра, Венецияга Морея ва Далмация, Австрияга Венгрия ва Трансильвания, Польшага Подолье ўтди.

1700 йилги Истанбул битимида Азов Россияга берилди.

Уруш тугагандан сўнг, Мустафо, асосан, Эдирнада яшаб ов билан шуғулланди. 1703 йили султонга қарши Истанбулда ғалаён бошланди. Ғалаёнда яничарлар ҳам иштирок этди. Исёнчилар Эдирнага юриш ташкиллаштиришди. Исёнчиларга қарши чиққан ҳукумат кўшинлари уларга қўшилиб кетди. Шундан сўнг Мустафо II тахтдан поз кечди. Орадан 4 ой ўтгач собиқ султон вафот этди.

**Аҳмад III (1673 йил 30 декабрь – 1736 йил 1 июнь) – усмоний ҳукмдор (1703 йил 22 август – 1730 йил 1 октябрь). Мустафо II нинг укаси.**

Аҳмад III русларга қарши урушда Қрим хонлигига ёрдам кўлини чўзди. 1709 йили Полтава жангида мағлуб бўлган швед қироли Карл XII га бошпана берди.

1710 йили туркларнинг Россияга қарши уруши бошланди. 1711 йилги Прут юришида Пётр I нинг Болқон халқларидан умид қилган ёрдами келмади ва ҳамма томондан қуршаб олинган рус кўшинининг тислим бўлишдан ўзга чораси қолмади. Прут сулҳига кўра Россия Азовни усмонийларга топширди. Айни пайтда, руслар Азов эскадрасини йўқ қилиш мажбуриятини олишди.

1715 йили Усмонийлар давлати Венеция билан уруш бошлади ва Мореяни эгаллади. 1716 йили Австрия урушга қўшилиб, 1716 йил 5 августда Петервардинда, 1717 йили Белградда усмонийлар кўшинини ёнгди. Уруш Пожаревац сулҳидан сўнг, 1718 йил 21 июлда, тугади. Сулҳга кўра Усмонийлар давлати Австрияга Белград билан Шимолий Сербияни, Банат, Шимолий Босния ва Кичик Валахияни топширди, лекин Венециядан тортиб олган Морея устидан назоратни сақлаб қолди.

Аҳмад III ҳукумати Европа давлатларидан ортда қолаётганини англаб Францияга элчилар жўнатди, уларга француз давлати қурилиши, фани, маданияти ва французлар ҳаёти билан танишиш топширилди. Элчилар 1720 йили Францияга келиб икки йил мобайнида зарур маълумотлар йиғишди. Синчковлик билан кузатилган меҳнат самараси «Сифаротнома» номли китобда қайд этилди. Кейинчалик бу маълумотнома усмоний зодагонлар орасида машҳур бўлиб кетди.

Иброҳим пошшо кўплаб китобларни усмоний турк тилига таржима қилишда катта жонбозлик кўрсатди. Унинг ташаббуси билан 1729 йил 31 январда тошбосма усулида 1000 нусха китоб нашр этилди.

1720 йилларда Эронда бўлган тартибсизликдан фойдаланган турклар у ерга кўшин киргизиб Кавказолди ва Ғарбий Эроннинг катта қисмини эгаллашди, лекин кўп ўтмай афғон ҳукмдори Ашраф кўшини томонидан мағлуб этилди. Бу мағлубият ҳақидаги миш-мишлар оғир солиқлар ва порахўрликдан қаттиқ азият чекаётган Истанбул аҳолиси орасида норозилик келтириб чиқарди. Исёнга яничарлар ҳам кўшилиб Аҳмад III ни тахтдан ағдаришди.

**Маҳмуд I (1696 йил 1 август – 1754 йил 13 декабрь)** – усмоний ҳукмдор (1730 – 1754). *Мустафо II нинг ўғли. Патрона Халил исёндан сўнг тахтга чиқарилган. Ҳукмронлигининг дастлабки лаҳзаларида ҳокимият амалда исёнчилар қўлида бўлган.*

1731 йил 15 ноябрь куни Халил султон Маҳмуд I буйруғи билан қатл этилди. Унинг ўлдирилиши сабаб бошланган кўзғолон ҳам шафқатсиз бостирилди.

Маҳмуд I даврида исломни қабул қилган француз граф де Бонневаль бошчилигида усмонийлар кўшинини европаликлар ҳарбий бошқарув услубига мослаб янгилашга уриниш бўлди. Яничарларнинг қаттиқ қаршилиги боис бу уринишлар муваффақиятсизликка учради.

1731 – 1735 ва 1741 – 1746 йилларда Эронга қарши муваффақиятсиз урушлар қилинди. Усмонийлар бу урушларда 1720 йилларда эгаллаган барча ҳудудларни бой беришди. 1746 йили тузилган сулҳ 1639 йилги Қасри Ширин битимини мустаҳкамлади.

Усмонийлар давлати 1736 – 1739 йилларда Россия ва Австрияга қарши уруш олиб борди. Австрия кўшинлари бир қатор мағлубиятларга учради, натижада усмонийлар 1718 йили йўқотган Шимолий Сербияни (Белград билан) ва Кичик Осиёни қайтариб олишди.

1739 йилги Белград битимига мувофиқ Азов Россияга топширилди.

## ҒАРБИЙ ОСИЁ

**Маъонийлар (XV аср – 1697)** – *Жанубий Ливанда ҳукмронлик қилган амирлар сулоласи. 1516 йилдан усмоний султон Салим (1512 – 1520) вассали бўлишган ва Жанубий Ливанни назорат қилиш ҳуқуқини сақлаб қолишган. Фаҳриддин II (1585 – 1633) ҳукмронлиги даврида сулола бутун Ливанни назорат қилди. XVII аср иккинчи ярмидан бошлаб маъонийлар заифлашиб қолишди ва ҳукмронликни ўзларидан кучлироқ шиҳобийлар сулоласига бой беришди.*

## Маъонийлар сулоласига мансуб амирлар

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Усмон ибн Юнус, Фахриддин I	?
2.	Юнус ибн Усмон	?
3.	Қўрқмас I ибн Юнус	1516 – ?
4.	Аъламиддин	?
5.	Зайниддин	?
6.	Қўрқмас II ибн Фулон	?
7.	Фахриддин II ибн Қўрқмас II	1585 – 1633
8.	Мулҳин ибн Юнус	1633 – 1658
9.	Аҳмад ибн Мулҳин	1658 – 1697

1697 йилдан шиҳобийлар ҳукмронлиги бошланди.

**Шиҳобийлар (1697 – 1842)** – Ливанда ҳукмронлик қилган сулола. Қурайшдан келиб чиққанликларини даъво қилишган. Башир II 1822 йили Миср ҳукмдори Муҳаммад Али билан келишув тузди ҳамда Миср қўшинларининг 1832 – 1833 ва 1839 – 1840 йилларда Сурияда олиб борган ҳарбий ҳаракатларини қўллаб-қувватлади. Бироқ усмоний турклар ва инглизларнинг Иброҳим пошшога қарши ҳамкорликда олиб борган амалиёти натижасида Башир II тахтдан кулатилди ва 1842 йилдан Усмонийлар давлатининг бевоситта бошқаруви ўрнатилди. Бану шиҳоб уруғидан Ливаннинг машҳур давлат ва жамоат арбоблари етишиб чиққан.

## Шиҳобийлар сулоласи ҳукмдорлари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Башир I ибн Ҳусайн	1697 – 1707
2.	Ҳайдар ибн Мусо	1707 – 1732
3.	Мулҳим ибн Ҳайдар	1732 – 1754
4.	Мансур ибн Ҳайдар	1754 – 1770
5.	Юсуф ибн Мулҳим	1770 – 1788
6.	Башир II ибн Қосим ибн Мулҳим	1788 – 1840

1840 йили Ғарб давлатлари ва туркларнинг Иброҳим пошшога (Миср) қарши тажовузи.

## Иттифоқчилар қўл остидаги шиҳобий ҳукмдор

Башир III ибн Қосим ибн Умар (1840 – 1842).

1842 йилдан усмонийларнинг бевосита бошқаруви.

## ЭРОН ВА ОЗАРБАЙЖОН

**Сафавийлар давлати (1502 – 1722).** *Пойтахти – Табриз (1502–1548), Қазвин (1548 – 1598), Исфаҳон (1598 – 1722). Худуди – 3,5 млн км<sup>2</sup> (1512). Давлат тузуми – монархия. Давлат тили – озар тили ва форс тили.*

### Сафавийларнинг аждодлари

1. Сайфиддин Исҳоқ (1253 – 1334).
2. Садриддин Мусо ибн Сайфиддин Исҳоқ (1305 – 1393).
3. Али ибн Мусо (ваф. 1429).

### Ардабил пирлари

1. Иброҳим ибн Али (1429 – 1447).
2. Жунайд ибн Иброҳим (1447 – 1460).
3. Ҳайдар ибн Жунайд (1460 – 1488).
4. Султон Али ибн Ҳайдар (1488 – 1497).
5. Исмоил ибн Ҳайдар (1497 – 1502).

### Озарбайжон ва Эрон шаҳаншоҳлари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмдорлик йиллари	яшаган йиллари
1.	Исмоил I	1502 – 1524	1487 – 1524
2.	Таҳмосп I	1524 – 1576	1513 – 1576
3.	Исмоил II	1576 – 1577	1537 – 1577
4.	Муҳаммад Худобанда	1577 – 1587	1531 – 1595
5.	Аббос I	1587 – 1629	1571 – 1629
6.	Сафий I	1629 – 1642	1611 – 1642
7.	Аббос II	1642 – 1666	1632 – 1666

8.	Сулаймон I (Сафий II)	1666 – 1694	1647 – 1694
9.	Хусайн I	1694 – 1722	1668 – 1726

*Дев султон (1524 – 1527), Чуха султон (1527 – 1530), Хусайн Шамлу (1530 – 1533) Таҳмосп I номидан бошқаришган.*

*Маҳдий Улиё (1577 – 1580) Муҳаммад Худобанда номидан бошқарган.*

*Муршидқулихон (1587 – 1588) Аббос I номидан бошқарган.*

1722 – 1729 йилларда афгонлар истилоси.

1736 йили афшорлар ҳокимият тепасига келишди.

**Қуйидаги ҳукмдорлар Эроннинг баъзи вилоятларида ҳукмронлик қилган**

Таҳмосп II (1724 – 1732).

Кирмон ва Форсда – Аҳмад (1726 – 1728).

Аббос III (1732 – 1736).

Сулаймон II (1749 – 1750).

Исмоил III (1750 – 1753).

Муҳаммад Хусайн (1750 – 1757, Мозандарон).

Хусайн II (1753 – 1786).

Муҳаммад II (1786 – 1794).

**Исмоил I Сафавий (1487 йил 17 июль – 1524 йил 23 май)** – Сафавийлар давлати асосчиси. Сулоланинг биринчи ҳукмдори (1502 – 1524). Исмоилнинг отаси Ҳайдар қизилбошлар қабила иттифоқи раҳбари эди. Онаси Олимшоҳ бегим Узун Ҳасаннинг қизи бўлган (Узун Ҳасаннинг хотини Трапезунд императорининг қизи эди).

1488 йили Ҳайдар Ширвоншоҳлар давлатига қарши жангда ҳалок бўлди, 1495 йили оқ қўюнлилар Ардабилни эгаллаб Ҳайдарнинг катта ўғли Алини ўлдиришди, унинг етти яшар кичик ўғли Исмоилни эса қизилбошлар яширди. Ҳайдарнинг барча ўғилларини қидириш бошланади. Исмоил аввал Ардабилга, сўнг Рештга қочиб боради. У ердан Ғилондаги Мирзо Али саройидан паноҳ топади ва ўша ерда тарбияланади.

1500 йили Исмоил Ғилондан кетиб қизилбошларни ўз атрофига йиғди. 7 минг кишини тўплаб Ширвонга юриш уюштирди. Ҳал қилувчи жанг Гулистон қалъаси яқинидаги Жабаний тепалигида бўлди. Исмо-

илнинг ўзи ҳам жангда олдинги сафда турди. Ширвонликлар тор-мор этилиб, ширвоншоҳ Фаррух Ясор қочаётган пайтда қўлга олинди ва қатл қилинди. Қизилбошлар Ширвон пойтахти Бакуни қамал қилиб тезда қўлга киритишди. Орадан кўп ўтмай Исмоилга Табриздан оқ қўюнли ҳукмдор Алванд 30 минг кишилик қўшин билан келаётгани маълум бўлди. 1501 йили Нахичеван яқинидаги Шарур яланглигида ҳал қилувчи жанг бўлди. Қизилбошлар кутилмаганда ўзидан кучли қўшин устидан ғалабага эришди. Сўнг Ширвондан Жанубий Озарбайжонга юрилиб, кузда Табриз эгалланди. Табризда Исмоил ўзини шаҳаншоҳ деб эълон қилди ва танга зарб эттириб, шиаликнинг давлат дини бўлганини маълум қилди. Бошқа ҳукмдорлардан ажралиб туриш учун ҳаттоки «Шиалар шоҳи» унвонини ҳам олди. У ҳокимиятга келгач хулафои рошидиндан Абу Бакр Сиддиқ, Умар ибн Хаттоб ва Усмон ибн Аффонни ҳақорат қилишни буюрди. Кимки бу фармонга қарши чиқса, ўлимга ҳукм этиларди.

Исмоил Табризни эгаллагач Оқ қўюнлилар давлати маркази Ҳамадонга юриш қилди. 1503 йил 21 июнда Алма Қулағи жангида Мурод қўшинини тор-мор келтирди, Муроднинг ўзи бир амаллаб қочди. Шундай қилиб, Оқ қўюнлилар давлати ҳукмронлиги тугаб, бутун Ироқи Ажам Исмоил ҳукмронлигига ўтди. 1508 йили Бағдодни истило қилди. Бағдодга киргач аббосийлар даврида бунёд этилган ёдгорликларни вайрон айлади. Бағдодликлар томонидан зиёрат қилинадиган мақбаралардан майитларнинг суяклари чиқариб олинди ва кули кўкка совурилди. Шунингдек, кўплаб сунний уламолар, сўфийлар ва шоирлар қатл этилди. 1510 йилга келиб бутун Эрон эгалланди. Сафавийлар давлати худудига яна Арманистон, Ироқи Араб ва Амударёгача бўлган худудлар кирган.

Исмоил Бағдодни вайрон қилгач Шайбонийхон давлати устига қўшин тортди. 1510 йили Марв яқинида кечган жангда Шайбонийхон қўшини енгилди, унинг ўзи ҳам жангда ўлдирилди. Қизилбошлар Ҳиротни эгаллаб Амударёдан ўтишди ва Бобурни Самарқанд тахтига ўтқозишди.

1514 йили Исмоил шиаларни мулҳидликда айблаган усмонийлар султони Салимга қарши ҳаракат бошлади, лекин 1514 йил 23 августда бўлиб ўтган ҳал қилувчи Чалдирон жангида сафавийлар қўшини қақшатқич зарбага учради. Исмоилнинг ўзи ҳалокатдан зўрға қутулиб қолди, уни содиқ навқари жанг майдонидан олиб чиқиб кетди. Қизилбошлар катта талафот кўришди. Турклар Табризни эгаллади, лекин яничарларнинг Анатолияда бошланган исёни Исмоилни

қалокатдан қутқариб қолди. Шундай бўлса ҳам, қизилбошлар Ироқи Араб, Курдистон ва Арманистонни бой беришганди.

Чалдирондаги мағлубиятдан сўнг Исмоил, Ширвон ва Грузияни ҳисобга олмаганда, қўшни давлатларга ҳужум қилмади. Сафавийлар усмонийларга қарши курашда ёрдам олиш ниятида Венеция, Габсбурглар қироллиги ва Венгрия билан музокаралар олиб бориб иттифоқ тузишга уринди. Шунингдек, шоҳдавлатини мустаҳкамлашга катта эътибор берилди.

Португаллар 1515 йили Форс кўрфазига чиқадиган Хурмуз устидан назорат ўрнатди.

1524 йили Исмоил Ардабилда отасининг қабрига сиғиниш учун келган пайтда вафот этди.

**Қизилбошлар** – Эрон, Анатолия ва Озарбайжонга XV – XVI асрларда кўчиб келиб ўрнашган турк қабилалари иттифоқи. Қизилбошшиалар (исно ашъарийлар) 12 имомга эҳтиром сифатида 12 йўлли салла ўраб юришган. Шунингдек, пешанада озгина соч қолдириб сочларини ва узун мўйлов қўйиб соқолларини қириб юриш одати бўлган (Запарожье казаклари ва шомон турклар каби). Улар Ардабилдаги Дор ул-иршод номли хонақоҳда пирларидан вазифа олишган. Қизилбошлар XV асрда ардабиллик пирлар кўрсатмаси бўйича маҳаллий аҳолини шиалаштириш мақсадида Шимолий ва Шимолий-Ғарбий Кавказга босқин уюштириб туришган. 1502 йили қизилбош имирлар Исмоилни ҳокимият тепасига келтиришди ва давлатнинг юқори лавозимларини эгаллашди. Қизилбош зодагонлар XVI аср охиригача ўз мавқеларини сақлаб турган. Фақат Аббос I даврида ҳарбий ислоҳот ўтказилди ва янги «шоҳсеван» (шоҳни севувчилар) бўлинмалари ташкил қилинди. Ўша пайтда сафавийлар Эрони «Қизилбошлар давлати» деб номланган.

**Таҳмосп I (1541 – 1576)** – сафавийлар сулоласига мансуб Эрон шаҳаншоҳи (1524 – 1576). 1514 йили Исфаҳон шаҳрида туғилган. 10 ёшида Эрон шаҳаншоҳи бўлган.

1538 йили Таҳмосп Ширвондаги кўзғолонни бостириш учун қўшин жўнатди, дарбандийлар сулоласининг сўнгги вакили Шоҳрух асирга олинди. Ширвоншоҳлар давлати шу тариқа яқун топди. Таҳмосп ҳукмронлиги пайтида Усмонийлар давлати билан уруш давом этди. Усмонийлар қўшини 1534, 1538 ва 1543 йилларда Эронга юриш қилди. Уруш натижасида сафавийлар ҳозирги Ироқ ҳудуди устидан назоратни йўқотишди. Урушнинг асосий сабаби сафавийларнинг шиапарастлиги ва усмонийларнинг суннийлиги эди. Фақат 1555 йил-



га келиб Усмонийлар давлати ва Сафавийлар шоҳлиги ўртасида Амасьяда сулҳ тузилди. Сулҳга кўра Ироқнинг жанубий араб қисми ва Шарқий Грузия сафавийлар қўлида қолиши, Ғарбий Грузия ва Ироқнинг шимолий курд-туркман қисми усмонийларга ўтиши белгиланди.

Урушда муваффақиятсизликка учраган Таҳмосп давлатнинг иқтисодий ва маданий соҳалардаги муаммолари билан шуғулланди. Унинг даврида озар тили юксак суръатларда ривожланиб, ўша давр озарбайжон адабиётининг олтин асри бўлди. Фузулий, Муҳаммад Омоний, Содиқий Ашраф, Хотиб Табризий каби озарбайжон адабиётининг йирик намояндалари етишиб чиқди.

Таҳмосп даврида гилам тўқиш умумдавлат саноатига айланди, тасвирий санъат эса Камолиддин Бехзод, Султон Муҳаммад ва Оға Миракларнинг амалий фаолияти билан ўзининг энг юксак чўққисига чиқди. Таҳмосп Султон Муҳаммаддан тасвирий санъат бўйича таълим олган.

Таҳмосп 1576 йили Қазвин шаҳрида вафот этди.

**Исмоил II (1533 – 1577)** – *сафавийлар сулоласига мансуб Эрон шаҳаншоҳи (1576 – 1577).*

Исмоил II 1547 йили, амакиси Алкас мирзо Ширвонда исён кўтариб Усмонийлар давлатига қочиб кетгандан сўнг, Ширвонга ноиб этиб тайинланди. 1552 йили Арзирум ноиби Искандар пошшога қарши жангда ғалабага эришди. 1555 йили усмонийлар билан тузилган сулҳдан кейин Исмоил II ва отаси Таҳмосп ўртасида тушунмовчилик келиб чиқди. 1556 йили Таҳмосп Исмоилни Ҳиротга ноиб қилиб жўнатди. Ўша ердан туриб бошқа вилоятлардаги қизилбошларни усмонийларга қарши урушга чақирди. Таҳмосп фитнанинг олдини олиб Исмоилни Қаҳқаҳа номли қалъага қамаб қўйди. Исмоил у ерда отаси ўлгунга қадар – ўн тўққиз ярим йил сақланди.

1575 йили Таҳмосп аҳволи оғирлашгач, тахт вориси масаласи кўтарилди. Катта ўғли Муҳаммад Худобанда касалманд ва кўзи ожиз эди. Иккинчи ўғли Исмоил эса қамокда бўлган. Таҳмосп учинчи ўғли Ҳайдарни мўлжаллади. Ҳайдар ҳам ёшлигидан – 18 (1571) ёшидан бошқарув ишларида қатнашиб Сафавийлар давлатидаги иккинчи шахсга айланганди. Таҳмосп ўлим тўшагида ётган пайтда, қизилбош аъёнларнинг бир қисми Ҳайдар томонда, бошқалари Исмоил томонда туришди.

1576 йил 14 май куни Таҳмосп вафот этди, Исмоил тарафдорлари зудлик билан ҳаракатга ўтишди. Ҳайдар тутилиб қатл этилди, Ис-

моил эса бир неча кундан сўнг озод қилинди, 22 август куни унга тож кийдирилди. Узоқ давом этган маҳбусликда Исмоил шубҳаланувчи ва ўта зolim кимсага айланиб қолгани орадан кўп ўтмай маълум бўлиб қолди. Унинг биринчи иши укалари Мустафо ва Сулаймонни ўлдиртириш бўлди. Бироз муддат ўтгач яна уч шахзода: Маҳмуд (бир яшар ўғли билан), Имомқули ва Аҳмад қатл этилди. Кетидан бошқа қариндошлари ва юқори лавозимли шахсларни жисмонан йуқ қилди. Бу истибдод ва солиқларнинг оширилиши қизилбошлар ўртасида ҳам норозиликни келтириб чиқарди.

1577 йил 24 ноябрь куни Исмоил сарой қандолатчиси Ҳасаннинг ўғли ва аъёнлар ҳамроҳлигида шахар кўчаларида сайр қилди. Тунда Ҳасаннинг уйига кирди, кейинги кун ўша ерда ўлик ҳолда топилди. Солномачи Искандар Мунший шоҳнинг ўлими сабабини қуйидагича келтиради: «Исмоил ҳарамдаги канизаклардан бири томонидан ҳар куни ейдиган маъжун (наркотик моддалар қўшилган таом)га лашар қўшиб берган. Бу Исмоилнинг туғишган синглиси Парихоним томонидан уюштирилган бўлиши эҳтимол».

**Муҳаммад Худобанда ибн Таҳмосп I (1531 – 1596) – сафавийлар сулоласига мансуб Эрон шоҳи (1577 – 1587).**

Ёшлигиданоқ касалманд ва кўзи ожиз эди. 1571 – 1577 йилларда Форс вилоятида ноиб бўлган. Исмоил II захарлаб ўдирилгач, тахт бўшаб қолди. Қизилбош амирлар Исмоил II нинг истибдодидан тўйишгани учун нисбатан юмшоқ Муҳаммад Худобандани тахтга чиқаришди. Бироқ кутилмаганда Муҳаммад Худобанданинг хотини Хайринисо унинг номидан иш юрита бошлади. Тож кийдириш маросими 1578 йил февралда ташкиллаштирилди. Хайринисонинг биринчи фармони Муҳаммад Худобанданинг синглиси Парихонимни қатл этиш ҳақида бўлди. Бундан ташқари, Исмоил II нинг бир яшар ўғли Шоҳ Шужоъ ҳам ўлдирилди. Шундай қилиб, Хайринисо давлатни фақат ўзи бошқаришга киришди. Шоҳ эса хотинининг муҳри шоҳнинг муҳри билан тенглиги ҳақида фармон чиқарди.

Қизилбош амирлар марказий ҳокимиятга бўйсунмай ўзларича ҳукмронлик қила бошладилар. Шоҳ амирларни ўз тарафига оғдириш учун уларга инъомлар қилди. Солномачи Искандар Мунший бу ҳақда аъзади: «Шоҳ хазиналар эшигини очиб қўйди ва исрофгарчиликнинг энг чўққисига кўтарилди». Шоҳнинг буйруғи билан вазир Мирзо Салмон йилда бир ёки икки йилда бир амирларга маош бериб турди. Ўн йилга яқин вақт давомида маош олмаган аскарлар бошқатдан улушларини ола бошлади. Мамлакатда порахўрлик яшнади. Қизилбош

амирлар воситачилар орқали вазирга поралар бериб хазинани талашга киришди ва тез орада хазина бўм-бўш бўлиб қолди.

Шоҳ ҳукумати бу тартибсизликларнинг олдини олишга ожиз эди. Бундан мамлакатнинг ички ва ташқи душманлари фойдаланди, ордан кўп ўтмай кўзғолонлар бошланди. Биринчи бўлиб курдлар исён кўтаришди, улар Хой ва Урмияни эгаллашди. Кейин усмонийлар султони Мурад III Эронга қарши уруш бошлади. Улкан қўшинга Мустафо пошшони саркарда қилиб тайинлади. Ўзаро урушаётган қизилбош амирлар туркларни тўхтата олишмади, Чалдир кўли атрофида кечган жангда қизилбошлар мағлуб бўлишди. Натижада турклар Грузия ва Ширвонни олишди. Эроннинг янги қўшинини шоҳнинг ўғли Ҳамза бошқарди. У 1578 йили Ширвонга кирди ва 28 ноябрь куни Мулла Ҳасан номли жойда 20 минг кишилик қрим-татарлар қўшинини тормор этди. Бу муваффақият Эрон зодагонлари орасидаги фитнанинг барҳам топишига етарли эмасди. Шоҳ саройидаги фитналарнинг бошида шоҳнинг хотини Хайринисо турарди. Бир гуруҳ зодагонлар 1579 йил июлда Хайринисони ўлдиртирди, лекин бу ҳам фитнанинг олдини олишга камлик қилди.

1585 йили Озарбайжонга Усмон пошшо бошлиқ турклар қўшини юриш бошлади. Ўша йил сентябрда Табризни олишди. Шаҳар талон-торож қилинди. Ёнғинда кўплаб бинолар вайрон бўлди ва аҳолининг бир қисми ўлди. Бу вақтда туркман, такали ва зулқадар қабилалари кўзғолон кўтарди. Ҳамза кўзғолонни қийинчилик билан бостирди. Кўп ўтмай Ҳамза амирлар томонидан уюштирилган фитнада ўлди. 13 яшар Абу Толиб шоҳнинг валиаҳди бўлиб қолди. Лекин кўплаб қизилбош амирлар уни тан олишмади ва 1587 йил июнда Муҳаммад Худобанданинг ўғли Аббосни тахтга чиқаришга ҳаракат қилаётган Хуросон амирлари томонга қочиб ўтишди. Шоҳнинг қўшини уни ташлаб кетди. Аббос қўшинни пойтахт Қазвинга бошлади. Муҳаммад Худобанданинг ўзи унга тахтни топширди ва Аббос шоҳ деб эълон қилинди. Муҳаммад Худобанда қолган умрини осойишта яшаб ўтказди.

**Аббос I Бузург (1571 йил 27 январь – 1629 йил 19 январь) – Эрон шоҳи (1587 – 1629). Муҳаммад Худобанданинг учинчи ўғли.**

1590 йили усмонийлар билан урушни тугатиб, барча кучини Шимоли-Шарқий Эрондаги ўзбекларни чиқариб юборишга сафарбар этди ва қизилбош қабилаларни ҳокимиятдан четлатди. Хуросон шайбонийлар сулоласига мансуб Абдуллоҳ томонидан қаттиқ ҳимоя қилинди. Аббос 1597 йилдагина Ҳиротни олишга эришди. Шу билан бирга, Ғилон ва Мозандарон, жанубда Луристон ва Қандаҳорни

ағллаб Афғонистоннинг катта қисмида ҳокимиятини ўрнатди. Усмоний турклар билан оғир урушлар давом этди. 1601 йили Арманистон ва Грузиянинг бир қисми, шунингдек, Ширвон Аббос қўлига ўтди. У қир йили такрорланиб турадиган туркларнинг Ереван ва Табризга ҳужумларини қайтарди. Баъзан туркларнинг Кичик Осиёдаги ерларига тажовуз қилди, 1613 йили Грузиянинг катта қисми, Кахетия ва Карталиния шоҳликларини бўйсундириб, уларни сафавийлар ҳокимиятини тан олишга мажбур қилди.

1614 – 1617 йилларда турклар Эронга қарши янги уруш олиб боришди ва муваффақиятсизликка учрашди. 1618 йили улар оғир мағлубиятга учради ва султон Усмон II Маранд сулҳини имзолади. Пекин 1622 йили уруш яна бошланди. Бу сафар турклар Бағдодни ҳам бой беришди.

Аббос христианларга форслар ва яҳудийлардан кўра кўпроқ бағрикенглик қиларди, суннийларни эса қилич ва ўт билан таъқиб этарди. Унинг саройида бобурийлар ва бошқа Шарқ давлатлари элчилари Россия, Франция, Англия, Испания ва Нидерландия элчилари билан учрашарди. Аббос 1622 йили инглизлар ёрдамида Хурмузни португаллардан тортиб олди. Аббос золим, мустабид бўлганига қарамай, тарихчилар уни буюк ҳукмдор сифатида мақтаган.

1628 йил 27 январда шоҳ Қазвинда ўлган пайтда, сафавийлар ҳудуди Дажладан Ҳинд дарёсигача чўзиларди. У ўзининг ўғлини қалок этиб невараси Сафийни валиаҳд этиб тайинлади.

Аббос Эрон шоҳлари ичида энг омадлиси эди. Унинг даврида кўплаб қурилишлар олиб борилди. 1592 йили қароргоҳини Қазвиндан Исофхонга кўчирди ва шаҳар гуллаб-яшнади. Ҳиндистон ва Европа мамлакатлари билан савдони жонлантирди. Шунингдек, бир қатор қарбий ислоҳотлар ўтказди. Авваллари форс қўшини қизилбош отлиқлари, феодаллар бўлинмалари ва шоҳнинг шахсий суворийларидан иборат эди. Аббос 20 минг кишидан иборат милтиқдан ўқ отувчи мерганлардан, кавказликлардан иборат 12 минг кишилик суворий гуломлар, 500 тўп ва 12 минг тўп отувчидан ташкил топган мунтазам қўшин тузди. Пул ислоҳоти ўтказиб 1 мисқолга тенг «аббосий» дөб номланувчи кумуш танга зарб эттирди.

Аббос ҳукмронлиги пайтида Ганжада жума масжиди ва арман черковини (большевиклар бузиб ташлаган) қурдирди. Тифлис (Тбилиси)ни олгандан сўнг шаҳарда бир-бирига қарама-қарши шиа мусулмонлар учун масжид ва христианлар учун черков қурдирди. Бу ибодатхоналар таъминотига 40 тадан дўконни вақф қилиб берди.

Масжид кириш жойига шоҳ қуйидагиларни ёзишни буюрди: «Мендан кейин бу шаҳарда ҳукмронлик қиладиган мусулмон шоҳлардан қўшни черков ҳуқуқини ҳимоя қилишларини сўрайман». Шунинг эрда ҳукмронлик қиладиган христиан ҳукмдорлардан қўшни масжид ҳуқуқини ҳурмат қилишларини сўрайман».

**Сафий I (1611 – 1642)** – сафавийлар сулоласига мансуб Эрон шоҳи (1628 – 1642), Аббос I нинг невараси.

Аббос ўлгач, сафавийлар сулоласида унинг ишини давом эттирувчи юлмади. Аббоснинг 4 ўғлидан бири қатл этилди, иккитаси қур қилинди, тўртинчиси эса вафот этганди. Шунинг учун шоҳ невараси Сафийни валиаҳд деб эълон қилган. Сафий бобосига ўхшамас, майхўрликка муккасидан кетганди. У бобосининг ишончли хизматчиларини бирин-кетин йўқ қилди.

Мантиқсиз шубҳалар сабаб Хурмузни ишғол қилишни бошқарган саркарда Имомқули (Ундиладзе)ни қатл эттирди.

Ҳокимият ичидаги беқарорлик Қандаҳорнинг бобурий Шоҳ Жаҳон томонидан эгалланишига олиб келди. Фарбда эса турклар билан янги уруш бошланди. 1630 йили Мурод IV қўшини Ҳамадонни эгаллаб ваيران қилди ва аҳолини қириб ташлади. 1635 йили турклар Ереван ва Табризни, 1638 йили Бағдодни олишди. 1639 йил 17 майдаги Қасри Ширин битими бўйича, Ереван ва Озарбайжон Эронга қайтарилди, Бағдод ва Ироқи Араб узил-кесил Усманийлар давлатига ўтди.

Сафий I 1642 йили Кошонда майхўрлик оқибатида вафот этди, Қумда дафн қилинди.

**Аббос II (1632 – 1666)** – сафавийлар сулоласига мансуб Эрон шоҳи (1642 – 1666).

**Сулаймон I (Сафий II, 1647 – 1694)** – сафавийлар сулоласига мансуб Эрон шоҳи (1666 – 1694).

**Ҳусайн (1668 – 1726)** – сафавийлар сулоласининг сўнгги шоҳи (1694 – 1722). 1722 йили афғон қўзғолончилари томонидан тахтдан туширилган.

Сулаймон ўлим тўшагида ётган пайтда тобеларига, агар осойишталикни истасалар, катта ўғли Ҳусайнни, давлат қудратини оширишни истасалар, кичик ўғли Аббосни тахтга чиқаришни тавсия қилди. Улар Ҳусайнни танлашди.

Ҳусайнни давлат ишлари унчалик қизиқтирмасди. Орадан кўп ўтмай у «Хейли хўб» (Жуда яхши) деган ном олди, чунки давлат аҳамиятига молик бир қарор чиқариш учун доим шундай жавоб берар-

У шиапар арбоби Муҳаммад Боқир Мажлисийни эҳтиром қилиб ҳукумат тәъсисига келтирди. Тариқатпарастликка қарши қонунлар ўта қатъий қилинди. Ароқ ва афюн истеъмоли тақиқланди, аёлларнинг ҳаёт жойларида юришига чекловлар жорий қилинди. Волийларнинг кўрсатмалари бўйича иш юритишга буюрилдилар. Бироқ ҳолатнинг тез орада Муҳаммад Боқир Мажлисийдан Ҳусайннинг аммири – Сафий I нинг қизи Марямбегимга ўтди. Марямнинг аралашуви натижада Ҳусайн давлат бошқарувидан четлатилди, у кейинчалик Афғонистонга қайтиб кетди.

Ҳусайннинг сўфийликни тақиқлашига қарши биринчи бўлиб Афғоннинг афғон вилоятлари норозилик ҳаракатини бошлади. Шиаликнинг давлат миқёсида тарғиб қилиниши суннийлар, яҳудийлар ва христианларга нисбатан тоқатсизлик кайфияти билан кўрсатилди. Шунингдек, шоҳ зардуштийларни мажбурлаб исломга ўтказиш ҳақида кўрсатма берди. 1717 – 1720 йилларда Курдистон ва Ширвондаги суннийлар исён кўтарди. Улар Усманийлар давлати ва лезгин қабилалари томонидан қўллаб-қувватланди. 1721 йили лезгинлар Ширвоннинг муҳим шаҳри Шемахани босиб олиб, у ердаги барча шиа аҳолисини, жумладан, вилоят ноибини ҳам ўлдирди.

Араб қароқчилари Форс кўрфазидаги оролларни эгаллаб олди. Афғоннинг шимолида ва ғарбида ўлат тарқалди, бироқ ҳукумат ҳар бири қопатга ҳам муносабат билдирмади.

**Исфаҳон қамали.** Энг катта хавф афғонларнинг гилзай қабиладан бўлди. 1722 йили Маҳмуд ва унинг кам сонли қўшини пойтахт Исфаҳон томон юриш бошлади. Султон пойтахт мудофаасига таълимли ишларни кўриб чиқиш ўрнига исёнчилар билан учрашишга қарор қилди. 1722 йил 8 мартда Гулнобод шаҳри олдида шоҳ қўшинини исёнчилар тор-мор этишди. Сўнгра Маҳмуд Исфаҳонни қамал қилди. Маҳмудда қамал қуроллари йўқ эди, шунинг учун шаҳарни ёқ қолдириб олишга ҳаракат қилди. 1722 йил мартдан октябргача ёқлик ва касалликлардан тахминан 80 минг киши ўлди. 1722 йил 23 октябрь куни шаҳар жангсиз таслим бўлди. Ҳусайн янги шоҳ Маҳмуд Афғонистонга тахтдан воз кечди.

Маҳмуд Ҳусайн ва унинг оиласига яхши муносабатда бўлди, бироқ кундан-кун улардан шубҳаси ортиб борди. Ниҳоят, 1725 йил февралда Ҳусайннинг ўғилларидан бири қочгани тўғрисида гап тарқатди. Маҳмуд Ҳусайннинг барча ўғилларини қатл этишни буюрди, лекин ўзига тегмади. Ҳусайн икки кичик ўғлини қутқаришга эриш-

ди ва бу жараёнда жароҳат олди. Орадан кўп ўтмай Маҳмуд ақлдан озди ва 1726 йил 25 апрель куни ўлди.

Маҳмуднинг вориси Ашраф собиқ шоҳ Хусайнга ва унинг оиласига яхши муносабат билдирди. Ўз навбатида, Хусайн унга қизларидан бирини тан маҳрамликка берди.

Ашраф усмонийлар билан урушни давом эттирди. 1726 йил кузида Бағдод ноиби Аҳмад пошшо Исфаҳонга ўз қўшини билан келиб Ашрафга мактуб жўнатди, унда Эроннинг қонуний хўжайинини ўрнига қайтармоқчи эканлиги битилганди. Бунга жавобан Ашраф Хусайнни ўлдиришни буюрди, унинг кесилган бошини усмонийларга жўнатиб Аҳмад пошшонинг ҳам адабини бериб қўйиши мумкинлиги ҳақида хабар юборди.

**Хаттокийлар (1709 – 1738, Қандаҳорда; 1722 – 1729, Эронда)** – *Қандаҳордаги гилзай қабиласининг хатакий уруғига мансуб пуштун Мир Вайс асос солган сулола.*

Мир Вайс 1709 йили Сафавийлар давлатига қарши Қандаҳорда ўзини ҳукмдор деб эълон қилди. Бунинг учун сафавийлар тайинлаган келиб чиқиши грузин бўлган бегларбеги Гургенхон (Георгий XI) ни ўлдирди. Исфаҳондан зудлик билан етиб келган форс қўшини мағлубиятга учради. 30 мингга яқин форс аскарлари ҳалок бўлди.

**Мир Вайс (1673 – 1715)** – афғонларнинг гилзай қабиласи сардори, Афғонистоннинг биринчи мустақил ҳукмдори. Хаттокий қабиласининг раҳбари эди, Қандаҳорнинг калонтари (савдогарлар раҳбари) лавозимида хизмат қилган. У катта савдогар бўлиб, Ҳиндистон билан олиб бориладиган савдода катта нуфузга эришган.

1698 йили Абдуллоҳ, 1704 йилдан Гургенхон (Григорий XI) Қандаҳорга бегларбеги этиб тайинланди.

Мир Вайс Эрон ҳукуматига қарши ҳаракат бошлади, лекин 1706 йили ҳаракат Гургенхон томонидан бостирилди. Гургенхон уни ҳибсга олиб Исфаҳонга Хусайн олдига жўнатди. Мир Вайс шоҳ билан тил топишиб Маккага ҳаж қилиш учун рухсат сўради. Ҳаж зиёратидан 1708 йили Эронга қайтиб келди ва шоҳдан Қандаҳорга қайтишга ижозат олди.

Маккада уламолар Мир Вайсга суннийларнинг шиа Сафавийлар давлатига қарши исён кўтариши адолатли иш деб фатво беришди. Мир Вайс Қандаҳорда гилзай оқсоқолларига Исфаҳондаги аҳволни тушунтирди. Шунингдек, уламолар билан учрашиб катта қўзғолонга тайёрлана бошлади.

Афгон манбаларига кўра, Мир Вайс Жирға (Мажлис) чақирди, унда нафақат гилзайлар, балки нурзай, белуж, какар ва бошқа афгон қабилалари ҳам қатнашди.

1709 йил апрелда Гургенхон (Григорий XI)нинг форс-грузин қўшини какар қабиласи исёнини бостириш учун Қандаҳордан чиқиб кетган пайтда, Мир Вайс исён кўтарди. Гилзайлар Қандаҳордан 60 км узоқликдаги Деҳи Шайх манзилгоҳида Григорий XI қўшинига ҳужум қилишди. Тўқнашувда Григорий XI ҳалок бўлди. Унинг бўлинмалари Қандаҳорга чекинди, лекин шаҳар гилзайлар томонидан эгаллаб олинганди. Шундан сўнг қўшин Гиришк номли жойга чекинди. Шундай қилиб, Мир Вайс Қандаҳор ҳукмдори бўлиб олди.

1715 йили, Мир Вайс вафотидан сўнг, унинг ўғли Мир Маҳмуд афгон қўшинига бошчилик қилиб Эрон ҳудудига бостириб кирди. 1722 йили Исфаҳонни эгаллаб, ўзини шоҳ деб эълон қилди. Хаттокийлар ҳокимиятни сақлаб қолиш учун бир қанча фитналарда қатнашишди. 1729 йил октябрда Нодир Дамғон жангида афгонларни тор-мор келтириб Эрондан сиқиб чиқарди.

Нодиршоҳ 1738 йили Қандаҳордаги хаттокийлар сулоласига ҳам барҳам берган.

## Хаттокийлар сулоласи ҳукмдорлари

### 1. Қандаҳор ҳукмдорлари

1. Мир Вайс, Шоҳ Олам ўғли (1709 – 1715).
2. Мир Абдулазиз, Шоҳ Олам ўғли (1715 – 1717).
3. Мир Маҳмуд, Мир Вайс ўғли (1717 – 1722).
4. Ҳусайн Султон, Мир Маҳмуд ўғли (1722 – 1738).

### 2. Эрон шоҳлари

1. Мир Маҳмуд, Мир Вайс ўғли (1722 – 1725).
2. Мир Ашраф, Мир Абдулазиз ўғли (1725 – 1729).

**Афшорлар давлати (1736 – 1795).** *Ҳудуди – 4 млн км<sup>2</sup> (1747). Давлат тузуми – монархия. Давлат тили – форс тили. Афшорийлар Кавказдан Ҳинд дарёсигача бўлган улкан ҳудудни қўлга киритишган, Эрон сосонийлар давридан буён бунча ҳудудга эга бўлмаганди.*



## Афшорийлар сулоласи ҳукмдорлари

### 1. Давлат ноиблари

1. Нодиршоҳ, Имомқулибек ўғли (1688 – 1747) – 1732 – 1736.
2. Ризоқули, Нодиршоҳ ўғли (1719 – 1740) – 1738 – 1740.
3. Насруллоҳ, Нодиршоҳ ўғли (1724 – 1747) – 1740 – 1747.

### 2. Давлат ҳукмдорлари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари	яшаган йиллари
1.	Нодиршоҳ, Имомқулибек ўғли	1736 – 1747	1688 – 1747
4.	Али Одил <sup>*</sup> , Муҳаммад Иброҳим ўғли	1747 – 1748	1719 – 1748
5.	Иброҳим <sup>*</sup> , Муҳаммад Иброҳим ўғли	1748 – 1749	1724 – 1749
6.	Шоҳрух <sup>**</sup> , Ризоқули ўғли	1749 – 1795	1732 – 1796

**Нодиршоҳ Афшор, Нодирқулибек (1688 йил 22 октябрь – 1747 йил 19 июнь)** – Эрон шоҳи (1736 – 1747), Афшорийлар сулоласи асосчиси. Кавказдан Ҳинд дарёсигача бўлган ҳудудда империя ташкил қилган.

Нодир Хуросонда туғилган. Ёшлигида уни Нодирқули деб чақиришган. Отаси туркманларнинг афшор уруғига мансуб эди. Нодирқули 18 ёшида Хоразм ўзбеклари томонидан онаси билан бирга қул қилиб ҳайдаб кетилганди. Орадан кўп ўтмай қулликдан қочиб Хуросонга қайтиб келди ва ўша ердаги маҳаллий ҳокимлар қўшинида хизмат қила бошлади. Нодирқули икки марта қароқчилар тўдасига сардорлик қилган. Нодирқулининг номи тез орада маҳаллий ҳукмдорларга маълум бўлиб, унинг хизматидан фойдаланишни кўзлашди. Бобулбек ҳузурида хизматда бўлган Нодирқули унинг қизини ўғирлаб уйланди. Бу никоҳдан Ризоқули туғилди.

1722 йили Исфаҳонни гилзайлар эгаллашгач, Эронда афғонлар ҳукмронлиги бошланди.

Нодирнинг ҳаракатларидан хабардор бўлган Келатда яшовчи амакиси уни шаҳарда қароқчилик билан шуғулланаётган афғонлар-

<sup>\*</sup> Али Одил ва Иброҳим Нодиршоҳнинг укаси Муҳаммад Иброҳимнинг ўғиллари.

<sup>\*\*</sup> Шоҳруҳ Афшар Эронни зандларга бой бериб, фақат Хуросонда ҳукмронлик қилган.

ни қувишга чақирди. Нодирқули қисқа муддат ичида шаҳарда тартиб ўрнатди. Кейин Машҳадга юриш қилиб уни сейистонликлардан тортиб олди. Нодирнинг номи бутун мамлакатга тарқалди. Шундан сўнг амакиси Нодирга қароқчиликни ташлаб босқинчиларни мамлакатдан қувиш кераклигини тушунтирди. У шундай деган: «Фақат шу йўл билангина қилмишларингни шоҳ олдида оқлашинг мумкин, акс ҳолда, эртами-кеч сени шармандали ўлим кутади».

Нодир 1726 йили 3 минг кишилик қўшини билан афғонларга қарши куч тўплаётган ёш шоҳ Таҳмосп II га қўшилиш учун Мозандаронга борди. Нодирқули Эроннинг баъзи ҳудудларини назорат қилаётган сафавий шоҳ Таҳмосп II дан қилмишлари учун кечирим сўради ва енгилмас деб тасаввур қилинган афғонларни Эрондан қувиб чиқаришда ёрдам беришини айтди. Шоҳ унинг узрини қабул қилиб хизматга олди. Нодир Таҳмоспнинг буйруғи билан Астрободга юриш қилди. Нодир қўшини Фарнободда туркманларни енгиб Астрободни ишғол қилди ва улар тўплаган барча хазинани қўлга киритди. Бунга миннатдорлик рамзи сифатида Таҳмосп II Нодирга султон унвонини ҳамда Мозандарон ва Хуросон ноиби лавозимини берди.

1729 йили Нодирқули қўшини Дамғон яқинида афғонларни тормор келтирди ва уларни Афғонистонга суриб ташлади.

У ўз амакиси Келат қалъаси ноибини ўлдириб афғонларнинг 7 йиллик ҳукмронлигига барҳам берди. Таҳмосп Нодирнинг кучайиб кетишидан хавфсираб ҳарбий ҳаракатларни тўхтатишни буюрди, бироқ Нодир шоҳ саройига келиб давлатда юқори лавозимни талаб қилди. Таҳмосп II унга Хуросон, Мозандарон, Сейистон ва Кирмонни топширди. Шунингдек, Хуросонда ўз номидан танга зарб қилишга ҳам рухсат этди.

Нодирқули бироздан сўнг қўшинини Озарбайжон ва Ироқи Арабни эгаллаб турган туркларга қарши бошлади. Нодир Арманистонга ҳам голибона юрди, лекин Таҳмосп ҳарбий ҳаракатларга аралашди ва Нодир эгаллаган барча ерларни бой бериш билан бирга Эроннинг бир қисмини туркларга топширишга мажбур бўлди.

Нодир оммада турклар билан тузилган сулҳга нафрат уйғота олди. Нодирқули 1732 йили Таҳмосп II ни тахтдан ағдариб, ўрнига балогатга етмаган ўғли Аббос III ни ўтқазди ва ўзини шоҳ оталиғи деб эълон қилди.

**Нодирқули Эрон шоҳи.** Усманийларга қарши кураш олиб бораятган Нодир дастлаб муваффақият қозонмади, лекин 1733 йили янги

куч тўплаб Кавказда ҳаракат бошлади. 1735 йилги тинчлик сулҳига кўра Эронга Арманистон ва Грузия ўтди.

1736 йили Сиговушон (ҳозирги Собиробод) шаҳридаги курултойда Нодир шоҳликка сайланди, 1740 йили Аббос III'ни отаси олди-га жўнатди ва орадан кўп ўтмай Таҳмосп билан бирга ўлдиртириб юборди.

Тахтга чиққан Нодир суннийликнинг ҳукмдор ақидалигини расман эълон қилди. Бу қўшни сунний давлатларни эгаллашда ёрдам беришига ишонарди. Нодир 1737 йили Афғонистонга бостириб кирди. Бир йил давомида Қандаҳор ва бошқа ҳудудлар бўйсунди, бир қанча афғон қабилалари Нодиршоҳ қўшинининг асосини ташкил этадиган бўлди.

**Ҳиндистонга юриш.** Кобулни қўлга киритгач Нодир Деҳлидаги бобурий ҳукмдор Муҳаммадшоҳдан Ҳиндистонда афғон қочоқларини қабул қилмасликни сўради. Таклиф инобатга олинмади ва 1738 йили Нодир Ҳиндистон юришини бошлади. У йўлида учраган барча ерларни истило қилиб, Деҳли яқинидаги Карпала номли жойда бобурийларнинг асосий қўшинини енгди.

1739 йил 8 март куни Нодиршоҳ Деҳлига кирди, уч кундан сўнг шаҳарда кўзғолон кўтарилди. Нодиршоҳ аскарларига барча аҳолини қириб ташлашни, шаҳарга эса ўт қўйишни буюрди. Қирғин тонгдан кун ярмигача давом этди. Бир неча кундан сўнг Нодиршоҳнинг ўғли Муҳаммадшоҳнинг қизи ўртасидаги никоҳ дабдабали ўтказилди.

1739 йил май ойида Нодиршоҳ катта хазинани қўлга киритиб Эронга қайтди.

Ҳиндистондаги ғалабадан сўнг Нодиршоҳ Эрон аҳолисини 3 йил солиқлардан озод қилганди. 1740 йили Синд вилоятидаги исённи тинчитиб Ўрта Осиёга юриш қилди. Бухоро хони Абулфайз Амударёгача бўлган ҳудудни Нодирга топшириб, унинг жиянига қизини берди. Қаттиқ қаршилик кўрсатишига қарамай, Хива хони Элбарс енгилди.

Нодир 1740 йил қишида Доғистонга юриш бошлади. У ерда қонли жанглар бошланди. Тез орада Дарбанд олинди, бироқ Жанубий Доғистонда Эрон қўшини кутилмаганда ҳалокатли мағлубиятга учради. Қўшин бошлиғи Иброҳим билан бирга ўн икки нафар зодагон, шунингдек, 32 минг кишилик қўшиндан фақат 8 минг киши тирик қолди. 30 та тўпнинг барчаси йўқотилди.

1741 йил ёзида Нодир 100 минг кишилик қўшинни олиб Доғистонга юриш бошлади. Унинг қўшини йўлида учраган барча ерларни ғорат қиларди. Доғистоннинг Табасарон минтақасида оғир жанглар кечди.

Тоғликлар таслим бўлишни хаёлига ҳам келтирмасди. Сентябрда Аймакин дарасида Лутф Али бошлиқ Эрон қўшини тор-мор келтирилди.

Турчидагда 5 кун давом этган жангда Нодир қўшини қақшатқич мағлубиятга учради. Нодир орқага чекина бошлади, Гундривал номи жойда эронийлар яна енгилди.

1741 йил кузида Нодир Андалалда мағлуб бўлди, 20 мингга яқин аскари ўлди. 1741 – 1743 йиллардаги Жанубий Доғистон юриши Эронга катта зарар келтирди.

1745 йили Дарбанд яқинида Эрон қўшини тор-мор этилди. Бироздан сўнг Дарбанд хонлиги Эрон шоҳлигидан мустақил бўлиб олди. Нодир Доғистонга қарши янги юришга тайёрлана бошлади.

Нодирнинг энг муҳим тадбирларидан бири Каспий денгизи ва Форс кўрфазида флот ташкил қилишга уриниш бўлди, лекин бу иши охирига етмади.

1743 йили Нодир катта ўғли Ризоқулидан шубҳаланиб уни кўр қилди, 50 нафарга яқин зодагонни ҳам қатл эттирди. Шундан сўнг тўхтовсиз қатағонлар даври бошланди ва Нодир тузган давлатнинг узоққа бормаслиги ойдинлашиб қолди.

Усманийларга қарши уруш Нодир учун муваффақиятли кечса-да, мамлакат ичкарасида норозилик кучайиб борарди. Шоҳ аҳолидан кочиб юборилган 3 йиллик солиқни ундира бошлади, шунингдек, ашаддий шиаларни таъқиб қилиб қатл эттиришга киришди.

Нодир қўшинидаги барча форсларни қириб ташлашга қарор қилди, лекин ўзига суиқасд уюштирилиб, саркардаларидан бири Солиҳбей томонидан 1747 йил 9 май куни ўлдирилди. Янги сайланган Шоҳ Али Нодирнинг унинг буйруғига кўра ўлдирилганини маълум қилди.

Нодир ўлиmidан сўнг Эрон вилоятларини саркардалар эгаллай бошлади. Қандаҳорда афғон Аҳмадшоҳ Дурроний ўзини мустақил деб эълон қилди. Унинг давлатига Нодир аштархонийлардан тортиб олган Амударёнинг сўл соҳили ва Ҳиндистоннинг шимоли-ғарби кирди. Мозандаронда ҳокимият қожор қабиласи сардори Муҳаммад кўлига ўтди. Жанубий Эронда бахтиёр қабиласи сардори Али ҳокимиятни эгаллаб, тахтга сафавий Исмоил III ни ўтқазди.

Шундай қилиб, 3 йил ичида (1747 – 1750) Нодирнинг улкан империяси бир неча бўлакка бўлиниб кетди. 1750 йили Нодирнинг невараси Шоҳрух Афшор кўлида фақат Хуросон қолганди. Афшорлар давлати 1795 йили Қожорлар давлати томонидан тугатилди.

**Сибирь хонлиги (1359 – 1607) – Ғарбий Сибирда фаолият кўрсатган татарлар давлати. Пойтахти – Чинги Тўра, Қашлик.**

### **Сибирь хонлиги ҳукмдорлари**

<b>т/р</b>	<b>ҳукмдорлар</b>	<b>ҳукмронлик йиллари</b>
1.	Мункэ Темур	1359
2.	Алибек	1359 – 1375
3.	Қағанбек	1375 – 1396
4.	Тўхтамиш	1396 – 1406
5.	Жумадуқ	1406 – 1421
6.	Маҳмудхожа	1421
7.	Хидир	1421
8.	Кажи Муҳаммад	1421 – 1428
9.	Абулхайр	1428 – 1464
10.	Ибақ	1464 – 1495
11.	Мамук	1495 – 1502
12.	Кулук султон	1502 – 1530
13.	Кучум	1563 – 1598
14.	Али	1598 – 1604

### **Сибирь тайбугин мурзалари**

1. Мусабий (1460 – 1496).
2. Муҳаммад (1496 – 1530).
3. Қосим (1530 – 1550).
4. Бек Бўлат (1530 – 1550).
5. Едигер (1530 – 1563).
6. Саид Аҳмад (1583 – 1588).

**Буюк Туман (1359 – 1428).** 1357 – 1380 йилларда Олтин Ўрдада юзага келган бошбошдоқликдан фойдаланган Ғарбий Сибирдаги чингизийлар мустақилликни қўлга киритди.

**Чинги Тўра вилояти (1428 – 1468).** Абулхайр хонлик ташкил этгач Чинги Тўрани пойтахтга айлантирди. Шундай қилиб, шаҳар 1428 – 1446 йилларда Ўзбек хонлиги пойтахти бўлди.

**Туман хонлиги (1468 – 1495).** Туман хонлиги мустақил давлат сифатида XIV асрда ташкил топганди, унга «Ибирь» номи би-

лан Олтин Ўрда таркибида бўлган. Давлат ҳудуди Тобол дарёси ўрта оқимида ҳамда унинг ирмоқлари – Тавда ва Тура орасидаги ерлардан иборат эди. Оқ Ўрда, Шайбон улуси ва тайбугинлар билан тўхтовсиз урушлардан сўнг ҳокимиятни шайбоний Ибақ эгаллади. Ака-укалар Ибақ ва Мамуқ 1480 йилдан Олтин Ўрда тахтини эгаллашга уринди. 1495 йили Ибақ тайбугин Муҳаммад томонидан ўлдирилди, Туман хонлиги ҳудуди XVI аср бошларида Сибирь хонлиги таркибига киритилди.

**Искерск юрт (1495 – 1582).** 1495 йили тайбугин Муҳаммад Туман хонлигига зарба бериб, хон Ибақни ўлдирди. Шундан сўнг пойтахт Кашлик шаҳрига кўчирилди. Давлат эса Сибирь хонлиги деб номлана бошлади. Давлат ҳукмдори тайбугинлар сулоласи вакили бўлган.

1555 йили хон Едигер Рус подшолигига қарамлигини эътироф этди. Бироқ 1563 йили тахтни Ибақнинг невараси Кучум эгаллаб олди. У 1572 йили Москвага ўлпон тўлашни тўхтатди. 1573 йили жинни Маҳмудқулини хонлик чегараларини кўздан кечиришга юборди. Маҳмудқули строгановлар назоратидаги Пермгача борди. Кучум Сибирда исломнинг аҳамиятини оширишда кўп иш қилди.

**Сибирнинг руслар томонидан истило қилиниши (1582 – 1607).** 1582 йил 26 октябрда атаман Ермак Кашлик шаҳрини эгаллаб Сибирни Россияга бўйсундиришни бошлади. Орадан кўп ўтмай Сибирда Тюмень, Тобольск, Берёзов, Обдорск ва бошқа рус қалъалари қурилди. Кучум жанубга кўчиб, рус қўшинига 1598 йилгача қаршилик кўрсатди. Кучум қўшини 1598 йил 20 апрелда Обь дарёси бўйида Андрей Воеков бошлиқ руслар томонидан мағлуб этилди, шундан сўнг у Нўғай Ўрдага қочди ва ўша ерда ўлдирилди. 1598 йили асирга олинган Кучумнинг невараси Арслон Алеевич Қосимовда яшади ва 1614 йили Қосимов хони деб эълон қилинди.

**Бошқарув.** Давлат раҳбари хон ҳисобланган. У беклар, мурзалар ва тархонлар орасидан сайланган. Хонга вазир-қорача ва маслаҳатчилар ёрдам беришган.

**Крим хонлиги (1441 – 1783).** *Пойтахти – Боғчасарой. Ҳудуди – 400 минг км<sup>2</sup> (1500). Давлат тили – татар тили.*

*Крим хонлиги Днепр ва Дунай орасидаги ерларни, Азов бўйларини ва ҳозирги Краснодар ўлкасининг катта қисмини эгаллаган. Хонлик расман 1478 йилдан Усмонийлар давлатининг иттифоқчиси бўлган ва бу иттифоқ, 1774 йилги Кичик Қайнаржа битими тузил-*

гунча, амалда бўлган. Қрим хонлиги Россия империяси томонидан 1783 йили аннексия қилинди.

### Қрим хонлиги ҳукмдорлари (гирейхонлар)

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Ҳожи I Гирей	1441 – 1466
2.	Нур Давлат	1466
3.	Менгли I Гирей	1466
	Нур Давлат	1466 – 1469
	Менгли I Гирей	1469 – 1475
4.	Айдер	1475
	Нур Давлат	1475 – 1476
	Сулола вақтинчалик ҳокимиятдан четлатилди	1476 – 1477
	Нур Давлат	1477 – 1478
	Менгли I Гирей	1478 – 1515
5.	Муҳаммад I Гирей	1515 – 1523
6.	Ғози I Гирей	1523 – 1524
7.	Саодат I Гирей	1524 – 1532
8.	Ислом I Гирей	1532
9.	Соҳиб I Гирей	1532 – 1551
10.	Давлат I Гирей	1551 – 1577
11.	Муҳаммад II Гирей	1577 – 1584
12.	Саодат II Гирей	1584
13.	Ислом II Гирей	1584 – 1588
14.	Ғози II Гирей	1588 – 1596
15.	Фотиҳ I Гирей	1596
	Ғози II Гирей	1596 – 1607
16.	Тўхтамиш Гирей	1607 – 1608
17.	Саломат I Гирей	1608 – 1610
18.	Жонибек Гирей	1610 – 1623
19.	Муҳаммад III Гирей	1623 – 1628
	Жонибек Гирей	1628 – 1635
20.	Иноят Гирей	1635 – 1637
21.	Баҳодир I Гирей	1637 – 1641
22.	Муҳаммад IV Гирей	1641 – 1644
25.	Ислом III Гирей	1644 – 1654

	Муҳаммад IV Гирей	1654 – 1666
26.	Одил Гирей	1666 – 1671
27.	Салим I Гирей	1671 – 1678
28.	Мурод Гирей	1678 – 1683
29.	Ҳожи II Гирей	1683 – 1684
	Салим I Гирей	1684 – 1691
30.	Саодат III Гирей	1691
31.	Сафо Гирей	1691 – 1692
	Салим I Гирей	1692 – 1699
32.	Давлат II Гирей	1699 – 1702
	Салим I Гирей	1702 – 1704
33.	Ғози III Гирей	1704 – 1707
34.	Қоплон I Гирей	1707 – 1708
	Давлат II Гирей	1708 – 1713
	Қоплон I Гирей	1713 – 1715
35.	Давлат III Гирей	1715 – 1717
36.	Саодат IV Гирей	1717 – 1724
37.	Менгли II Гирей	1724 – 1730
	Қоплон I Гирей	1730 – 1736
38.	Фотиҳ II Гирей	1736 – 1737
	Менгли II Гирей	1737 – 1740
39.	Саломат II Гирей	1740 – 1743
40.	Салим II Гирей	1743 – 1748
41.	Арслон Гирей	1748 – 1756
42.	Ҳалим Гирей	1756 – 1758
43.	Қирим Гирей	1758 – 1764
44.	Салим III Гирей	1764 – 1767
	Арслон Гирей	1767
45.	Мақсуд Гирей	1767 – 1768
	Қирим Гирей	1768 – 1769
46.	Давлат IV Гирей	1769 – 1770
47.	Қоплон II Гирей	1770
	Салим III Гирей	1770 – 1771
48.	Соҳиб II Гирей	1771 – 1775
	Давлат IV Гирей	1775 – 1777
49.	Шоҳин Гирей	1777 – 1782
50.	Баҳодир II Гирей	1782
	Шоҳин Гирей	1782 – 1783



Мўғулларнинг Қримга юриши 1223 ва 1239 йилларга тўғри келади. 1224 йили улар руслар ва половецларнинг бирлашган қўшинини енгиб Судокни олишди. 1237 йили мўғуллар томонидан половецлар йўқ қилинди. Шундан сўнг бутун Қрим Олтин Ўрда номи билан машхур Жўжи улуси таркибига кирди.

1363 йили Литва князи Ольгерд татар қўшинини енгиб Қримга тажовуз қилди, Херсонни талон-торож этди.

1397 йили Витовт Қримга юриши чоғида Каффагача келиб, Херсонни вайрон қилди.

1399 йили Тўхтамишга ёрдам берган Витовт Ворскла бўйларида Темур Қутлуғ бошлиқ татарлар томонидан тор-мор келтирилди.

**Қримнинг мустақил бўлиши.** 1420 йили, Едигей вафотидан сўнг, Олтин Ўрда Қрим устидан назоратни йўқотди. Шундан кейин Қримда тахт учун кураш бошланиб кетди. Бу курашда гирейлар сулоласига мансуб Ҳожи Гирей ғолиб бўлди. 1427 йили у ўзини Қрим хони деб эълон қилди. 1441 йили Литва князлиги ва маҳаллий зодагонлар томонидан тахтга чиқарилди.

XV аср ўрталарида Олтин Ўрда ичидаги нотинчликлар туфайли давлат Қрим, Қозон, Астрахан хонликлари ва Нўғай Ўрдага бўлиниб кетди.

**Усмонийлар давлатига тобелик.** 1482 йили Москва князи Иван III Менгли Гирейни поляк ерларига юриш қилишга чақирди. Менгли Киевни эгаллаб талон-торож қилди. Хон қўлга тушган нарсалардан Иван III га София черковидаги қимматбаҳо буюмларни юборди. 1474 йили Иван III Менгли Гирей билан иттифоқ тузди, бу иттифоқ унинг ўлимигача сақланиб қолди.

1475 йили усмонийлар қўшини генуяликлар асос солган Қрим соҳилларидаги Феодоро князлигини эгаллади. Князликда 200 минг-тача киши яшар, аҳолининг асосий қисми греклар, аланлар, готлар ва бошқалар эди. Қримнинг тоғли минтақаларини, Қора денгиз, Азов денгизи бўйларидаги ва Кубандаги қалъаларини эгаллаган мазкур ҳудудлар тўғридан-тўғри Истанбулга бўйсунарди. Турклар у ҳудудда қўшин, давлат апаратини жорий қилиб, солиқ йиғиш билан шуғулланган.

1478 йилдан бошлаб Қрим хонлиги расман Усмонийлар давлатининг вассалига айланди, 1774 йилги Кичик Қайнаржа битими имзолангунча, вазият сақланиб қолди. Хонларни тайинлаш, тасдиқлаш ва ағдариш 1584 йилдан Истанбул хоҳишига қараб амалга ошириларди.

**Москва давлати ва Реч Посполитага қарши урушлар.** XV аср охиридан Қрим хонлиги Москва давлати ва Польшага қарши мунтазам юриш қилиб турди. Бу юришлар, асосан, аҳолини талаш ва қул қилишдан иборат эди. Айниқса, асирларни қўлга олиш татарларни кўпроқ қизиқтирарди. Асирларни қул қилиб сотиш хонликнинг муҳим даромад манбаи эди. Каффада йирик қул бозори фаолият кўрсатган. Баъзи тадқиқотчилар фикрича, Қримнинг қул бозорларида икки аср мобайнида 3 миллиондан ортиқ одам сотилган, уларнинг асосий қисми руслар, украинлар ва поляклар эди. Ҳар йили Москва давлати 65 минггача кишини кеч кузгача Ока дарёсини ҳимоя қилишга жўнатган.

Қримнинг ўзида асирлар кўп қолдирилмасди. Қримнинг урф-одатига кўра, қуллар 5 – 6 йилдан сўнг озод қилинган. Ҳозиргача сақланиб қолган рус ва украин ҳужжатларида баъзи асирлар ўз юртига қайтиб боргани ёзилади. Озод қилинган кишиларнинг айримлари Қримнинг ўзида қолишни маъқул кўрган. Украин тарихчиси Дмитрий Иворницкий қуйидаги воқеани келтиради: «1675 йили Запорожье казаклари атамани Иван Сирко Қримга босқин қилиб катта мол-мулкни қўлга киритди, жумладан, етти мингга яқин христиан қулларни ҳам. Атаман уларга казаклар билан бирга ватанингиз қайтасизми ёки Қримда қоласизми деб мурожаат қилган. Асирларнинг уч минги Қримда қолишини билдирган. Сирко уларни қириб ташлашни буюрган». Қримда қулга айлантирилган кишилар исломни қабул қилса, дарҳол озод этилган. Рус тарихчиси Валерий Возгриннинг маълумотлари бўйича, Қримда XVI – XVIII асрлардаёқ қулчилик тугатилган. Асирга олинганларнинг кўпчилиги Усманийлар давлатига сотиб юборилган.

Хон Давлат I Гирей Иван IV Грознийга қарши тўхтовсиз уруш олиб борган.

1571 йили Қрим хони 40 минг суворий қўшин билан Москвага юриш қилиб ўт қўйди. Хон бу ғалабаси учун «Тахт алған» (Тахтни олган) унвонига эга бўлди. Кўплаб тарихчилар гувоҳлигига кўра, Москвада бир неча юз мингдан ортиқ киши ўлган ва 50 мингга яқин киши асир тушган. Иван IV Польша каби Қрим хонлигига ҳар йили ўлпон тўлаш мажбуриятини олди. Лекин 1572 йили Молодых жангида татарлар қақшатқич мағлубиятга учрашди. Натижада Қрим хонлиги аввалги қудратини йўқотиб, Волгабўйига даъвосидан воз кечди. Қримга ўлпон тўлаш XVII аср охиригача давом этган ва Пётр I даврига келгандагина тўхтаган.

**XVII аср – XVIII асрнинг бошларида Қрим.** Ислом III Гирей (1644 – 1654) украин гетмани Богдан Хмельницкийга Польшага қарши олиб борган курашида ёрдам берди.

Сайёҳ Авлиё Чалабий 1660 йили Қрим бўйлаб саёҳат қилар экан, бир қанча қимматли маълумотлар қолдирган, масалан: «Татар фуқаролари 12 тилда сўзлашишади ва фақат таржимони орқалигина бир-бирларини тушунишади», – деб ёзади.

Салим I Гирей (1671 – 1678, 1684 – 1691, 1692 – 1699, 1702 – 1704) усмонийлар билан бирга Реч Посполитага қарши муваффақиятли, Москва давлатига қарши омадсиз уруш олиб борди. Москвага қарши юришдаги мағлубиятдан сўнг Родосга сургун қилинди.

Мурод Гирей 1683 йили турклар билан бирга Венани қамал қилишда, немисларга қарши жангларда иштирок этган. Вена остоналарида мағлубиятга учраб турк султониغا хиёнат қилишда айбланган ва хонликдан маҳрум этилган.

**Карл XII ва Мазепа билан иттифоқ тузишга уриниш.** 1700 йилги Константинополь битими қрим татарларига Россия ва Украина ерларига босқин қилишни тақиқларди.

Карл XII 1709 йил баҳорида Давлат II Гирейга бир неча бор ҳарбий-сийосий иттифоқ тузишни таклиф қилди. Усмонийлар давлати Россияга қарши уруш олиб боришни астойдил истамаётгани боис, Қрим хонлиги рус-швед уруши силсиласидаги Полтава жангида бетарафликни сақлади.

Полтава жангидан сўнг Карл XII Истанбул ва Боғчасарой билан яхши алоқани йўлга қўйди. Аҳмад III урушда қатнашишга иккиланган бўлса, Давлат II Гирей ҳар қандай чақириққа рози эди. Уруш бошланишини кутмасдан 1710 йил май ойида Карл XII нинг ноиб Филипп орлик ва запорожьеликлар билан битим тузди.

Битим шартлари қуйидагича эди:

1. Хон запорожьеликлар билан иттифоқ тузиш мажбуриятини олди, бироқ бу ҳолатда уларни бўйсундирмаслиги лозим эди.

2. Давлат II Украинанинг Москвадан тўлиқ мустақил бўлишига ёрдам бериши, бу ҳолатда асир олмаслиги ва православ черковларини таламаслиги керак эди.

3. Хон Украинанинг шарқ томонини Москвадан ажратиб, ғарб томонига қўшиб ягона мустақил давлатга бирлаштиришда бор кучи билан ёрдам бериши талаб этиларди.

1711 йил 6 – 12 январь кунлари Қрим қўшини Перекопдан ўтди. Киевга Маҳмуд Гирей 40 минг кишилик қўшин билан юриш бошлади,

унига 7 – 8 минг кишилик орликлар ва запорожьеликлар, 3 – 5 минг польяклар, 400 нафар яничар ва полковник Цюлих бошлиқ 700 кишилик шведлар ҳамроҳ эди.

1711 йил февраль оyi давомида Қрим қўшини Брацлав, Богуслав, Немировни эгаллади.

1711 йил ёзида Пётр I 80 минг кишилик қўшин билан Прут юришига жўнади. Қрим қўшини турклар билан биргалиқда 70 минг киши чамаланарди. Улар Пётрни қуршовга олишди. Пётр I иложсиз қолиб турклар билан Прут тинчлик сулҳини имзолади. Сулҳга кўра, Россия Азов денгизига чиқиш имкониятидан маҳрум бўлди ва Азов-Қора денгиздаги флотидан айрилди.

**1736 – 1738 йиллардаги рус-қрим уруши ва Қримнинг хароб бўлиши.** Қоплон I Гирей (1707 – 1708, 1713 – 1715, 1730 – 1736). Қоплон усмонийларнинг Эронга қарши урушида қатнашишга мажбур эди. Россия империяси норозилигига қарамай, хон қўшинини рус чўлларида олиб ўтди. Бу эса Қрим ва Россия ўртасида янги уруш чиқишига сабаб бўлди. Россия 1735 – 1738 йилларда Қримга Миних ва Ласси бошчилигида қўшин жўнатди. Бу юриш натижасида Қрим пойтахти Боғчасарой билан биргалиқда хароб қилинди.

1736 йили Миних қўшини Кезлев ва Боғчасаройни бутунлай вайрон этди, шаҳарга ўт қўйилди, қочишга улгурмаган аҳоли қирғин қилинди. Шундан сўнг рус қўшини йўлидаги барча манзилгоҳларни талаб Қримнинг шарқий қисмига юриш қилди. Бироқ ўликлар ўз вақтида дафн этилмагани боис, вабо тарқалиб, кўплаб рус аскарлари қирилди. Миних қолган қўшинни олиб Перекоп ортига кетди. Шарқий Қрим 1737 йили Ласси бошлиқ қўшин томонидан хароб этилди. Рус қўшини Қорасувбозорга ўт қўйиб, шаҳар аҳолисини қириб ташлади. 1738 йили Қримга қарши янги юриш режалаштирилди, лекин Қримда ҳаммаёқ вайрона ҳолида бўлгани ва очарчилик давом этиётгани сабаб, юриш уюштирилмади.

1736 – 1738 йиллардаги уруш Қрим учун ҳалокатли бўлди. Барча муҳим шаҳарлар хароба ҳолида ётар, иқтисодга жуда катта зарар өтказилган, мамлакатда очарчилик ва вабо ҳукм сурарди. Аҳолининг катта қисми ўлганди.

**1768 – 1774 йиллардаги рус-турк уруши ва Кичик Қайнаржа битими.** Қрим Гирей II бошқаруви даврида Усмонийлар давлатини Россияга қарши урушга тортди. Бу уруш хонлиқнинг қулашига сабаб бўлди. Уруш Россия учун катта фойда келтирди. Румянцевнинг Лар-

га ва Калугадаги, Орловнинг Чесмедаги ғалабалари Екатеринбургни бутун Европада машҳур қилди.

Рус қўшини қўмондони Долгоруков Қримга кириб Салим II ни иккита жангда мағлуб этди, бир ой ичида Қримни эгаллади. Долгоруков қўшини Қримни талаб шаҳарларга ўт қўйди, тинч аҳоли ҳам аямай қириб ташланди. Салим II Истанбулга қочди. Қримликлар қуролларини ташлаб Россияга бўйсунганини билдирди.

1774 йил 10 июлда тузилган Кичик Қайнаржа битимига мувофиқ Қрим хонлиги сақланиб қолди, лекин Кинбурн, Керчь ва Ениқалъа Россияга ўтди, шунингдек, Қора денгизда рус флоти эркин ҳаракатланиш ҳуқуқига эга бўлди.

**Сўнги хонлар ва Қримнинг Россия томонидан босиб олинishi.** Рус қўшини Қримдан чиқарилгач, бутун мамлакатда исён бошланди. Алуштага турк бўлинмалари келиб ўрнашди, рус резиденти Веселицкий Шоҳин томонидан асирга олиниб турк қўмондонлигига топширилди. Алушта, Ялта ва бошқа жойларда рус бўлинмаларига ҳужум қилинди. Қримликлар Давлат IV ни хон қилиб сайлашди. Бу вақтда Истанбулдан Кичик Қайнаржа битимининг матни олинди. Бироқ қримликлар битимда кўрсатилган шаҳарларни Россияга беришни хоҳлашмасди.

1776 йили Россия жанубий чегаралар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Днепр бўйлаб Азовгача 7 та қалъа қурди.

Хон Шоҳин Гирей ҳукмронлиги даврида бир қатор ислохотлар ўтказишга уринди. Лекин аҳоли ўртасида ҳар хил ихтилофлар чиқиб, рус бўлинмаларига ҳужум қилишди ва хон саройини талашди. Шоҳин бир қанча ваъдалар беришига қарамай, тахтдан ағдарилди. Улар Баҳодир II ни тахтга чиқаришди. Руслар тезда Қримдаги исённи бостирди. Шоҳин яна тахтга ўтириб рақибларини қатағон қилди.

Русларнинг Азов бўйидаги қўшинига Суворов қўмондон этиб тайинланди. 1778 йили Қримдаги христианлар (тахминан 30 минг киши) Азов бўйларига, греклар Мариополга, арманлар Нахичеванга кўчирилди.

Шоҳин бу воқеалардан сўнг усмонийлар ҳукуматига мурожаат этди. Усмонийлар Қримдан рус қўшинининг чиқарилишидан сўнгина уни хон деб тан олишларини билдирди. 1782 йили Қримда янги кўзғолон бошланди. Шоҳин аввал Ениқалъага, сўнг Кубанга қочди. Россия томонидан тан олинмаган Баҳодир II хон этиб сайланди. 1783 йили рус қўшини огоҳлантиришсиз Қримга бостириб кирди, Шоҳин Гирей тахтдан воз кечди. Унга яшаш учун Россиянинг бирор-

та шахрини танлаш имкони берилиб, харажати учун маблағ ажратилди. Дастлаб Воронежда, сўнг Калугада яшади. Бироз вақт ўтгач усмонийлар ҳукуматининг сўровига биноан Шохин туркларга топширилди ва Родос оролига жойлаштирилди.

1783 йил 8 апрелда Россия императори Екатерина II Қрим, Таман ва Кубаннинг Россияга ўтгани ҳақида манифест эълон қилди.

1791 йили Ясса тинчлик сулҳига кўра Усмонийлар давлати Қримни Россия ҳудуди деб эътироф этди.

## ҲИНДИСТОН

**Ҳиндистондаги Бобурийлар давлати (1526 – 1858).** *Пойтахти – Дехли, Лаҳор, Агра. Ҳудуди – 4,6 млн км<sup>2</sup> (1690). Давлат тили – чиғатой туркийси, форс ва урду тиллари. Давлат тузуми – монархия.*

### Бобурийлар сулоласи ҳукмдорлари

№/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари	яшаган йиллари
1.	Заҳириддин Бобур	1526 – 1530	1483 – 1530
2.	Носириддин Ҳумоюн <sup>*</sup>	1530 – 1539, 1555 – 1556	1508 – 1556
3.	Жалолоддин Акбар I	1556 – 1605	1542 – 1605
4.	Нуриддин Жаҳонгир	1605 – 1627	1569 – 1627
5.	Шихобиддин Шох Жаҳон I	1627 – 1657	1592 – 1666
6.	Муҳйиддин Аврангзеб Оламгир I	1657 – 1707	1618 – 1707
7.	Қутбиддин Аъзам	1707	1653 – 1707
8.	Қутбиддин Шох Олам	1707 – 1712	1643 – 1712
9.	Азҳариддин Азимушшан	1712	1664 – 1712
10.	Муҳаммад Рафиъушшан	1712	1670 – 1712
11.	Муизиддин Жаҳондор	1712 – 1713	1663 – 1713
12.	Муъиниддин Фаррух Сияр	1713 – 1719	1687 – 1719
13.	Рафиъуддавла Шох Жаҳон II	1719	1688 – 1719
14.	Шамсиддин Рафиъуддаражот	1719	1699 – 1719
15.	Носириддин Муҳаммад	1719 – 1720	1707 – 1748

<sup>\*</sup> Ҳумоюн 1539 йили Шершоҳ Сур бошлиқ афғонлар томонидан четлатилди. У 1639 – 1555 йилларда Синд ва Афғонистонда яшади. Фақатгина 1555 йили Шершоҳ Сурнинг ворисларидан тахтни тортиб олди.

16.	Заҳириддин Иброҳим	1720	1703 – 1746
	Носириддин Муҳаммад	1720 – 1748	1707 – 1748
17.	Мужоҳиддин Аҳмад	1748 – 1754	1725 – 1754
18.	Азизиддин Оламгир II	1754 – 1759	1699 – 1759
19.	Жалолиддин Шоҳ Олам II	1759 – 1788	1728 – 1806
20.	Носириддин Жаҳоншоҳ	1788	1749 – 1788
	Жалолиддин Шоҳ Олам II*	1788 – 1806	1728 – 1806
21.	Муиниддин Акбар II	1806 – 1837	1760 – 1837
22.	Сирожиддин Баҳодиршоҳ II**	1837 – 1858	1775 – 1862

**Бобур, Заҳириддин Муҳаммад (1483 йил 14 февраль, Андижон – 1530 йил 26 декабрь, Агра) – Ҳиндистондаги Бобурийлар давлати (1526 – 1858) асосчиси ва биринчи шоҳи (1526– 1530), саркарда, шоир ва ёзувчи. Темурийзода ҳукмдор. Шажараси – Бобур – Умаршайх – Абу Саид – Султон Муҳаммад – Мироншоҳ – Амир Темур. Отаси 1494 йил 9 июнда вафот этгач, ўрнига Фарғона ҳукмдори бўлган. Бобур узоқ йиллар маҳаллий феодалларга қарши кураш олиб борди.**

1500 – 1501 йилларда Муҳаммад Шайбонийхон бошлиқ кўчманчи ўзбеклар томонидан Мовароуннаҳрдан сиқиб чиқарилди. Афғонистонга ўтиб 1504 йили Кобулни олди ва янги давлат тузди. Шайбонийхон вафотидан сўнг сафавийлар қўшини ёрдамида Самарқандни эгаллади. 1511 – 1512 йилларда Самарқандда бир неча ой ҳукмдорлик қилди.

1519 йилдан Шимоли-Ғарбий Ҳиндистонга юришлар қилди ва 1525 йили Дехлига қўшин тортди. 1526 йил апрелда Панипат жангида Дехли султони Иброҳим Лодийни енгиб Дехлини олди. 1527 йили Кхануа (Сикри) жангида Ражпут рожаси Санграм Сингх қўшинига қақшатқич зарба берди. 1529 йили Бобур давлати ҳудудига Шарқий Афғонистон, Панжоб ва Ганга водийсидан Бенгалиягача бўлган ҳудудлар кирарди.

\* 1803 йили 2-маратх уруши пайтида Ост-Индия компанияси қўшини Дехлини истило қилди. Кексайиб қолган Шоҳ Олам II инглизлар ҳукмронлигини тан олди. 1805 йил 23 майдан унга 120 минг фунт-стерлинг нафақа тайинланди. Шундан сўнг 1803 – 1858 йиллар орасидаги ҳукмдорлар инглизларга тобе бўлган.

\*\* Сўнги бобурий ҳукмдор Баҳодиршоҳ II 1857 – 1858 йилларда бўлиб ўтган Ҳиндистон исёнида фаол қатнашган. У 1858 йил сентябрда ҳибсга олиниб, инглиз суди ҳукмига кўра Бирмага сургун қилинди. Баҳодиршоҳ II 1862 йили Рангунда вафот этди.

**Ҳумоюн (1508 йил 6 март, Кобул – 1556 йил январь, Деҳли) –** Бобурнинг ўғли, отасидан сўнг Ҳиндистон шимолига эгалик қилиш учун Шершоҳ Сурийга қарши курашган.

Ҳумоюн 1530 йили тахтга ўтирган. Унинг афғон ва ражпутлар устидан ҳукмронлиги сезиларли бўлмаган. Гужарот рожаси Баҳодир эса очикдан-очик қарши чиққан. 1535 йили Ҳумоюн қўшини Гужаротни олди, бироқ орадан икки йил ўтгунча (Баҳодирнинг ўлимигача) исён давом этган.

Шершоҳ Бихар рожаларини Ҳумоюнга қарши курашишга чақирди. 1539 йили Чаус ва 1540 йили Канауж жангларидаги мағлубиятлардан сўнг Ҳумоюн Ҳиндистондаги мулкларни Шершоҳга топширишга мажбур бўлиб Синдга, кейинроқ Марварга чекинди. 1544 йили сафавий Таҳмосп I дан ёрдам олди ва кейинги йили Комрон мирзодан Қандаҳор ва Кобулни тортиб олди.

1545 – 1550 йилларда Ҳумоюн Комрон билан курашди, натижада Кобулдан икки марта чиқиб кетди. Шершоҳ ўлиmidан сўнг унинг ворислари ўзаро урушга киришди. Бундан фойдаланган Ҳумоюн 1555 йил февралда Панжоб ҳукмдори Искандаршоҳни енгиб Лаҳорни қўлга киритди. Июлда эса Агра ва Деҳлини ишғол этди.

**Акбар (1542 йил 14 октябрь – 1605 йил 17 октябрь) – Ҳиндистондаги бобурийлар сулоласига мансуб ҳукмдор (1556 – 1605).** Синд вилоятида туғилган. 1555 йили отаси Ҳумоюн билан бирга Деҳлига келган.

1556 йили, Ҳумоюн вафотидан сўнг, 14 яшар Акбар тахтга чиқди. Орадан 4 йил ўтгач оталиғи Байрамхонни қувди ва бир қанча қўзғолонларни, жумладан, укаси Ҳакимнинг исёнини бостирди. 1579 йили чегараларни кенгайтириш учун қўшни ҳудудларга юриш бошлади. Акбар Ражпутан, Гужарот, Бенгалия ва Кашмирни истило қилди.

Бобурийлар империясида давлат тили турк ва ҳинд тиллари эди. 1574 йили ташқи хавфни бартараф этгач давлат ичида бир қатор ислохотлар ўтказди. Вазири Абул Фазл билан бирга 1581 йили индуизм, зардуштийлик ва христианликдан баъзи ақидаларни олиб тини «дини илоҳий» номли янги дин қонунларини ўрнатишга уринди. Ҳукмдорнинг ўзи Фотиҳпур Сикри шаҳрида ибодатхона қурдирди. Унда мусулмонлар, ҳиндийлар, зардуштийлар ва христианлар турли хил мунозараларда қатнашган. Лекин кўплаб мусулмонлар янги динни қабул қилишни хоҳламасди.

Дини илоҳий мистицизм, фалсафа ва табиатга сиғинишни ўзида мўжассам қилганди. Акбар қибла сифатида Қуёшни олган, сўнмас



оловни ташкил қилган, брахманлар арқонини боғлаб юрган ва пешонасига ҳиндийлар белгисини қўйиб олган. Акбар саройида мол ғўшти ейиш тақиқланган. Лекин бу янгиликлар сарой доирасидан ташқарида оммалашмаган. Ҳукмдордан бошқа янги динга содиқ киши вазирлардан бири Бирбал бўлган. Қўшин қўмондони рожа Ман Сингх эса фақат ислом ва индуизмни тан олишини айтиб янги динни қабул қилишдан бош тортган.

Дини илоҳий туфайли мусулмон олами «Рамаёна», «Маҳабҳорат» ва «Инжил» билан танишди. Акбарнинг буйруғига кўра мусулмон тарихчи Бадауни «Маҳабҳорат»ни таржима қилди. У ўзининг ишини гуноҳ деб биларди ва кундалик юмушини тугатгач тавба-тазарру қиларди.

1580 – 1582 йилларда бир қанча феодаллар Акбарнинг диний янгиликларига қарши исён кўтаришди.

Акбар умрининг охириги пайтлари сарой фитналари ва ўғли Салимнинг можаролари билан ўтди.

**Давлатни сақлаб қолиш учун кўрилган чора-тадбирлар.** Акбар кўшинда кучли интизом ўрнатди. Давлатда янги маъмурий чегаралаш ўтказди, умумий солиқ тизимини жорий қилди. Ҳосил бўлмаганда ва очарчилик пайтида солиқ олиш тақиқланди. Мусулмон бўлмаганлардан олинадиган жазяни бекор қилди. Империя бўйлаб узунлик ва оғирлик ўлчов бирликлари бир хил кўринишга келтирилди, шунингдек, Улуғбек жадвалига асосланиб ягона қуёш тақвими жорий этилди. Бобурийлар таъсирини ошириш мақсадида ҳиндларни давлат маъмурияти ва кўшинда муҳим лавозимларга тайинлади.

**Жаҳонгир (1569 – 1627) – бобурийлар сулоласига мансуб Ҳиндистон ҳукмдори (1605 – 1627).**

1605 йили, отаси вафотидан сўнг, тахтга чиққан ва Аграда яшаган. Унинг даврида инглизлар 1611 йили Ҳиндистонда биринчи савдо манзилгоҳлари қуришга рухсат олишган. Жаҳонгир муваффақиятсиз урушлар қилган. 1621 йили форслардан Қандаҳорни олди. Унинг саройида асосий ишни хотини Нуржаҳон бажарган. Ҳукмдорнинг сўнги йиллари ўғиллари ва саркардаларининг исёни билан ажралиб турган. У ўғли Шоҳ Жаҳон исёни пайтида вафот этган.

**Шоҳ Жаҳон, Хуррам (1592 – 1666) – бобурийлар сулоласи ҳукмдори (1627 – 1658).** *Жаҳонгир ва Ражпут маликаси Манматининг учинчи ўғли. 1612 йили Нуржаҳоннинг жиянига уйланиб тахтга даъво қилиш учун яхши имкониятга эга бўлди. Хуррам 1622 – 1625 йилларда отасига қарши исён кўтариб енгилди, отаси уни*

*кочирди. Жаҳонгир вафотидан сўнг Нуржаҳоннинг укаси кўмагида 1628 йил сентябрда Аграда ўзини император деб эълон қилди.*

Шоҳ Жаҳон ҳукмронлиги даврида Декан рожаларига қарши курашди. 1636 йили Аҳмаднигар кўшиб олинди, Голконда ва Бижанур катта ўлпон тўлади. 1638 йили Қандаҳорни эгаллади. 1646 йили Шоҳ Жаҳон кўшини Бадахшон ва Балхгача борди. 1648 йили пойтахт Аградан Деҳлига кўчирилди.

Шоҳ Жаҳон ҳукмронлигининг сўнгги йиллари бобурийлар сафанийлардан мағлуб бўла бошлади. 1647 йили Балхни бой беришди, 1649, 1652 ва 1653 йилларда қайтадан эгаллашга уриниш муваффиқиятсизликка учради. 1649 йили Қандаҳор форсларга ўтди. 1658 йили Шоҳ Жаҳоннинг вафоти ҳақидаги миш-мишлар унинг ўғиллари ўртасида кураш бошланишига сабаб бўлди. Натижада ўғли Аврангзеб томонидан тахтдан ағдарилди.

**Аврангзеб Оламгир (1618 – 1707)** – бобурий ҳукмдор (1658–1707). *Шоҳ Жаҳоннинг учинчи ўғли. Яхши таълим олган. Ҳукмдор бўлишига қарамай, камтарона ҳаёт кечирган. Бутун умрини Ҳиндистонда ислом динини тарқатишга сарфлаган. Акбар даврида бекор қилинган жияни жорий этган. Кўплаб ҳиндий бутхоналарни буздириб ташлаган. Унинг ҳаракати исломга ҳам тааллуқли бўлиб, Ҳиндистонда кенг тарқалган турли хил сўфийлик тариқатларига қарши қаттиқ курашиб, уларни муртадликда айблаван. Шунинг учун ҳозиргача у ҳақда қарама-қарши фикрлар ҳукм сурмоқда.*

*Аврангзеб даврида Бобурийлар давлати энг катта ҳудудга эга бўлди. Жанубий сарҳадларни ҳисобга олмаганда, бутун Ҳиндистонда Бобурийлар давлати ҳукмронлиги ўрнатилди. Аврангзеб вафотидан сўнг унинг ўғиллари ва неваралари ўртасида тахт учун кураш бошланиб кетди ва давлатнинг инқирози яқинлаша борди.*

Аврангзеб юритган ички ва ташқи сиёсат қарама-қаршиликлардан иборат эди. У қадимги ҳинд ёдгорликларини буздириб, ҳинд миллатини мансуб амалдорларни ишдан четлатиб кўплаб ҳиндийларни ўзига қарши қилиб қўйди ва империянинг қулашини тезлаштирди. Ўз навбатида, Жанубий Ҳиндистонда жойлашган ва ҳалигача империя таркибига кирмаган ҳудудлар рожаларига қарши уруш олиб борди ва уларнинг бир қанчаларини тобе этишга эришди.

Маратхлар раҳбари Шивожи (1627 – 1680) Аврангзебга қарши тоғли минтақаларда яшовчи ҳиндларнинг кўзғолонига бошчилик қилди ва Бобурийлар империясининг қулашига пойдевор қўйди.

## АРАБИСТОН ЯРИМОРОЛИ

**Яърубийлар давлати (1625 – 1743).** Уммонда ҳукмронлик қилган хорижий-ибодийлар давлати. Пойтахти – Рустоқ шаҳри. Сулола асосчиси – Носир ибн Муршид (1625 – 1649). Яърубийлар минтақадан португалларни ҳайдаб чиқаришга муваффақ бўлиб, ўз мавқеини мустаҳкамлаб олишди. XVIII аср бошида Уммонда ҳинавий ва ғофирий қабилалари ўртасида уруш бошланди, бу урушга сафавийлар Эрони аралашиб Масқат ва Сухарнинг муҳим шаҳарларини эгаллади. Яърубийлар таназзулга учраган пайтда, уларнинг ўрнига Ол Бу Саидлар сулоласи келди.

### Яърубийлар сулоласи ҳукмдорлари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Носир ибн Муршид	1625 – 1649
2.	Султон I ибн Сайф	1649 – 1680
3.	Абулараб ибн Сайф	1680 – 1692
4.	Сайф I ибн Султон I	1692 – 1711
5.	Султон II ибн Сайф I	1711 – 1719
6.	Сайф II ибн Султон II	1719 – 1722
7.	Яъруб ибн Абул Араб	1722 – 1724

Муҳаммад ибн Носир, Сайф II нинг кўриқчиси (1724 – 1728).

1728 – 1738 йилларда фуқаролар уруши.

Султон ибн Муршид, яърубийлар рақиби (1738 – 1754).

1754 йили ҳокимият Ол Бу Саидларга ўтди.

## ЖАНУБИ-ШАРҚИЙ ОСИЁ

**Малакка султонлиги (1403 – 1699)** – маркази Малаккада бўлган Жануби-Шарқий Осиёдаги мусулмон давлати. 1403 йили Мажапахит давлати шаҳзодаси Парамесвара асос солган. 1424–1445 йилларда султонлик ичида турли хил феодал гуруҳлар ўртасида кураш борган, улардан бири индуизмни, бошқаси исломни ҳимоя қилган. 1446 йили мусулмон феодаллари ғалабага эришиб, ҳокимиятга Малакканинг биринчи султони ва тахтга Музаффаршоҳ (1446 – 1459) номи билан чиққан рожа Қосим келди. Султонлик

энг қудратли даврида (XV аср иккинчи ярми) Малакка яримороли, Риау ва Линга архипелаглари, Суматранинг шарқий соҳилларини назорат қилган. Малакка исломнинг Жануби-Шарқий Осиёда тарқалиш марказига айланди. Бироқ ички низолар султонликнинг унифлашувига олиб келди, натижада давлат таназзулга учради, 1511 йили португаллар Малаккани истило қилишди.

### Малакка султонлиги ҳукмдорлари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Парамесвара	1403
2.	Мегат Искандаршоҳ, Парамесвара ўғли	1414 – 1424
3.	Шри махораж султон Муҳаммадшоҳ, Мегат Искандаршоҳ ўғли	1424 – 1445
4.	Рожа Иброҳим, Шри Парамесвара Девашоҳ, Муҳаммадшоҳ ўғли	1445 – 1446
5.	Рожа Қосим, султон Музаффаршоҳ, Муҳаммадшоҳ ўғли	1446 – 1459
6.	Рожа Абдалиах, султон Мансуршоҳ, Музаффаршоҳ ўғли	1459 – 1477
7.	Султон Аълоиддин Риоят, Мансуршоҳ ўғли	1477 – 1488
8.	Султон Маҳмудшоҳ, Риоятшоҳ ўғли	1488 – 1528
9.	Султон Аҳмадшоҳ, Маҳмудшоҳ ўғли	1510
	Султон Маҳмудшоҳ	1510 – 1528

1511 йили Малакка португаллар томонидан истило қилинди. Малакка ҳукмдорларининг сулола аъзолари Риау, Линга архипелаглари ва Малайя яриморолида ҳукмронликни давом эттиришди.

**Малакка султонлиги (1403 – 1511).** 1402 (ёки 1403) йили Малакка яриморолида Мажапахит шаҳзодаси Парамесвара томонидан Малакка султонлигига асос солинди. Султонлик ташкил топган дастлабки йиллардаёқ Хитой императори томонидан тан олинди. Малакка ҳукмдори 1414 йили исломни қабул қилиши билан ҳинд ва араб мусулмон давлатлари томонидан қўллаб-қувватланишга эришди. 1445 йили мурғак рожани ўлдириб тахтга шаҳзода Қосимни чиқаришди. Қосим тахтга чиққач Музаффаршоҳ (1445 – 1459) номини олди. Шундан сўнг Малакка султонлигининг исломлашиш жараёни бошланди.

XV аср Малакка султонлигининг энг қудратли даври бўлди. Маҳалий мусулмон савдогарларнинг Малайя архипелагида фаолият юритиши минтақани исломнинг тарқалиш марказига айлантирди.

1498 йили Ҳиндистонгача келган португаллар 1511 йили Малакка султонлигига хужум қилишди. Султон ва унинг тарафдорлари қочишга мажбур бўлди. Орадан бир неча йил ўтгач Малаккадаги ҳукмрон сулола вакиллари яриморолнинг энг четидаги Жоҳор (Жавҳар)ни қароргоҳ сифатида танлашди. Бу вақтда Малакка яриморолида бир нечта султонликлар ташкил топди, улардан энг кучлиси Жоҳор эди. Янги давлат ўзини хавфсиз сезмасди. Жоҳор ўша пайтда Малаккада мустаҳкам ўрнашиб олган португаллар томонидан бўладиган хавф-хатардан ташқари Суматра ороли шимолида ҳукмронлик қилаётган Ачех султонлигининг тинимсиз ҳужумига учрарди. Бироқ Жоҳор Нидерландия билан иттифоқ тузиб, 1641 йили португаллардан Малаккани тортиб олди. Энди давлат Малайянинг жанубий, марказий ва шарқий қисмлари ҳамда Суматра соҳилларини назорат қила бошлади.

1699 йили Жоҳор султони сарой аъёнлари томонидан ўлдирилди. Янги ҳукмдор этиб қирол оиласига мансуб бўлмаган Бендахар сайланди. Шунинг учун Кечил номли рожа ўзининг Суматрада ҳукмдор вафотидан сўнг туғилганини даъво қилди. 1718 йили маҳаллий аҳоли томонидан қўллаб-қувватланган Кечил қўшин тўплаб Риау архипелагида жойлашган Жоҳор пойтахтини эгаллади. Тахтдан ағдарилган Бендахарнинг оиласи иттифоқчиларсиз қолди ва голландлар босиб олган Сулавесидан келган қочоқ бугислардан ёрдам сўради. Уларнинг кўмагида исён бостирилди, Жоҳор ва унинг пойтахти эса яна ағдарилган ҳукмдорга қайтарилди.

**Келантан.** 1411 йили Келантан ҳукмдори рожа Кумар Сиамдан мустақил бўлди. XV аср охирига бориб Келантан муҳим савдо марказига айланди. 1499 йили Малакка султонлиги вассалига айланди. Келантан 1511 йили, Малакка султонлиги қулашидан сўнг, бир нечта кичик бўлақларга бўлиниб кетди ва Сиам вассали бўлган Патани давлати назоратига ўтди. 1603 йили бу кичик бўлақлар бошлиқлари Патанига бевосита бўйсунма бошлади.

**Бруней.** Брунейнинг биринчи султони Муҳаммад (1363 – 1402) бўлган, исломни қабул қилгунча исми Алакбер Тата эди. Бешинчи султон Болкиах (1485 – 1521) даврида Бруней бутун Калимантанни назорат қиларди.

1565 йилдан Бруней ва Испания флотлари ўртасида кичик жанглар юз берди, 1571 йили Испания брунейлик зодагонлар назоратидаги Майнила (ҳозирги Манила) ва Тондони истило қилди. Султонлик Манилани олиш учун бир неча марта флот ташкил этди, лекин ҳарбий ҳаракатлар турли сабабларга кўра олиб борилмади. Испанлар 1578 йили Сулуни босиб олишди, сўнг Брунейга ҳужум қилишди, лекин тезда қувиб юборилдилар. Брунейнинг ўзида эса XVI аср охирида давлатни ҳалокат ёқасига олиб келган ички низолар бошланиб кетди.

**Ачех султонлиги (1496 – 1903)** – Суматра шимолидаги мусулмон давлати. VIII асрдан исломни тарқатиш маркази бўлган. XIV аср бошигача Пасей князлиги таркибида эди. Португаллар ва Жохор султониغا қарши кураш натижасида Ачех Малакка бўғози устидан назорат қилиш ҳуқуқини қўлга киритган. Искандар Муда (1607 – 1636) ва Искандар Тани (1636 – 1641) бутун Суматра ва Малайяни бўйсундирган. Ачех Макка, Усманийлар давлати, Бобурийлар империяси ва Хитой билан фаол савдо алоқаларини ўрнатган. Султонлик ўз даврида индонез мусулмонлигининг йирик маркази ҳисобланган. XVII аср ўрталарида, голландларнинг минтақада пайдо бўлиши билан, Ачех таназзули бошланди. XIX аср биринчи ярми ва ўрталарида султонликда тахт талашиш даври бўлди. 1850 – 1860 йилларда голландлар билан тўқнашувлар юз берди. 1873 йили эса султонликнинг қулашига (1903 йил) олиб келган Ачех уруши бошланди.

### Ачех султонлиги ҳукмдорлари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Иноятшоҳ	1450
2.	Музаффаршоҳ	?
3.	Шамсиддиншоҳ	?
4.	Али Муғҳаётшоҳ	1496 – 1530
5.	Салоҳиддин ибн Али	1530 – 1537
6.	Риоятшоҳ ибн Али	1537 – 1571
7.	Али (ёки Ҳусайн) Риоятшоҳ	1571 – 1579
8.	Султон Муда	1579

9.	Султон Шри Аълам	1579
10.	Зайнулобидин	1579
11.	Аълоиддин Мансуршоҳ	1579 – 1586
12.	Али Риоятшоҳ (ёки рожа Буюнг)	1586 – 1588
13.	Аълоиддин Риоятшоҳ	1588 – 1604
14.	Али Риоятшоҳ (ёки султон Муда)	1604 – 1607
15.	Искандар Муда	1607 – 1636
16.	Аълоиддин Искандар Тани	1636 – 1641
17.	Софийя, Искандар Муда қизи	1641 – 1675
18.	Накийя (малика)	1675 – 1678
19.	Закийя (малика)	1678 – 1688
20.	Каломат (малика)	1688 – 1699
21.	Шариф Нашим	1699 – 1702
22.	Перкаса Аълам	1702 – 1703
23.	Бадр ул-мунир	1703 – 1726
24.	Аминиддиншоҳ	1726
25.	Шамс ул-аълам	1726 – 1727
26.	Аълоиддин Аҳмадшоҳ	1727 – 1735

**Матарам давлати (1575 – 1755)** – Марказий Явадаги йирик му- сулмон давлати. Мажапахит империяси қулагандан сўнг вужудга келган. Сенапати (1575 – 1601) ва Агунг (1613 – 1645) олиб борган кураш натижасида Явадаги собиқ давлатлар тугатилиб, Мата- рама ҳукмронлиги ўрнатилди. Агунг Нидерландиянинг Ост-Индия компаниясига қарши уруш олиб борган. Бироқ 1670 йилларда гол- ландлар тахт талашишлардан унумли фойдаланиб Аманкурат (1645 – 1677)нинг тахтга чиқишига ва Трунужай (1676 – 1683) исёнини бостиришга ёрдам беришди. Бу ёрдам учун Матарманинг бир қанча ҳудудини олишди. Орадан кўп ўтмай Явада мустамлака- чиларга қарши Сурапати ва унинг ўғиллари (1685 – 1719) бошчи- лигида қўзғолон бошланди. Сўнг тахт талашишлар авжга минди (1704 – 1708, 1719 – 1723, 1749 – 1755), бу жараёнга голландлар фаол аралашди. Натижада 1755 йили Матарам Нидерландияга қарам Суракарта ва Жокьякарта султонликларига бўлиниб кет- ди.

## Матарамма ҳукмдорлари

№	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Мас Нгабехи Сутавижая Сенапати, Кжаи Геде Паманахан ўғли	1575 – 1601
2.	Панембахан Седа Крапьяк, Мас Жоланг ўғли	1601 – 1613
3.	Тжакракусума Агунг	1613 – 1645
4.	Прабу Амангкурат I	1645 – 1677
5.	Амангкурат II	1677 – 1703
6.	Амангкурат III	1703 – 1705
7.	Пакубувана I	1705 – 1719
8.	Амангкурат IV	1719 – 1725
9.	Пакубувана II	1725 – 1749
10.	Пакубувана III	1749 – 1755

## ШИМОЛИЙ АФРИКА

### Марокашдаги Саъдийлар давлати (1511 – 1659)

Саъдийлар асли Ҳижоздан бўлиб, умавийлар давридаги кўчишларда Мағрибга ўрнашишганди. Улар ўзларини Ҳасан ибн Али ибн Абу Толибнинг авлодлари деб ҳисоблашган. Саъдийлар ваттосий ҳукмдорларнинг испан ва португалларга қарши курашида сусткашлигидан фойдаланиб уларни тахтдан қулатиш учун ҳаракат бошлашди. Улар Жанубий Марокашда мустаҳкам ўрнашиб олишганди. 1549 йили Фесни ишғол қилишди. Турклар ёрдамида тахтни қайтариб олишга уринган сўнги ваттосий ҳукмдор 1554 йили мағлуб этилди.

Саъдийлар 1578 йили португалларга қарши жангда ғалаба қозонди. 1578 йили марокашлик тахт талашаётган зодагонлар оилалига мансуб киши Португалия қироли Себастьян (1557 – 1578)дан ёрдам сўради. Себастьян қўшин йиғиб Марокаш соҳилларига тушди ва Ал-Қаср ал-Кабир номли жойда араблар қўшини билан тўқнашди. 1578 йил 4 август куни юз берган жангда португаллар мағлубиятга учради, қирол Себастьян ва марокашлик тахт даъвогари, шунингдек, кўпلىб португаллар ҳалок бўлди.



Саъдийларнинг энг кучга тўпган пайт Аҳмад Мансур (1578 – 1603) ҳукмронлик қилган давр эди. У давлат бошқарувида бир қатор ислоҳотлар ўтказди. Ҳарбий тизимдаги ислоҳотлар ҳам муваффақият келтирди. Жазоирда ўрнашган турклар ҳужумини бартараф этди. Соҳилбўйидан португалларни қувиб чиқарди. Томбуктуни эгаллаб ҳозирги Мали ҳудудида мавжуд бўлган Гао давлатини тугатди. Аҳмад Мансур вафотидан сўнг давлат таназули аён бўлиб қолди. 1603 йили мамлакат бўлинди. 1603 – 1626 йилларда Фесда саъдийларнинг намояндалари мустақил ҳукмронлик қилишди.

1659 йили сўнгги саъдий ҳукмдор Аҳмад Аббос ибн Муҳаммад Марокашда ўлдирилгач, тахтга филолийлар (ёки алавийлар) сулоласи чиқди.

### Саъдийлар давлати ҳукмдорлари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Муҳаммад Маҳдий	1511 – 1517
2.	Аҳмад Аъраж ибн Маҳдий	1517 – 1540
3.	Муҳаммад шайх Маҳдий	1540 – 1557
4.	Абдуллоҳ Ғолиб ибн Муҳаммад	1557 – 1574
5.	Муҳаммад Мутаваккил Маслух	1574 – 1576
6.	Абу Марвон Абдулмалик Ғозий	1576 – 1578
7.	Абул Аббос Аҳмад Мансур	1578 – 1603
8.	Зайдон Носир ибн Аҳмад	1603 – 1628
9.	Абдулмалик ибн Зайдон	1628 – 1631
10.	Валид ибн Зайдон	1631 – 1636
11.	Муҳаммад Асғар ибн Зайдон	1636 – 1654
12.	Аҳмад Аббос ибн Муҳаммад	1654 – 1659

### Фесдаги Саъдий ҳукмдорлар

1. Муҳаммад Шайх Маъмун ибн Аҳмад (1610 – 1613).
2. Абдуллоҳ Восиқ (1613 – 1624).
3. Абдулмалик ибн Абдуллоҳ (1624 – 1626).

**Марокаш Алавийлар (Филолийлар) қироллиги (1666 йили ташкил топган).** *Пойтахти – Фес (1666 – 1672), Микнас (1666 – 1727), Фес (1727 – 1912), Работ (1912 йилдан буён).*

## Филолийлар сулоласи ҳукмдорлари

### Тафилатда ҳукмронлик қилган амирлар

1. Муҳаммад I Мавло Али Шариф (1631 – 1635).
2. Муҳаммад II ибн Али Шариф (1635 – 1664).
3. Рашид ибн Али Шариф (1664 – 1666).

№	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари	яшаган йиллари
1	Рашид ибн Али Шариф	1666 – 1672	1631 – 1672
2	Исмоил ибн Али Шариф	1672 – 1727	1646 – 1727
3	Аҳмад Заҳабий ибн Исмоил	1727 – 1728	1677 – 1729
4	Абдулмалик ибн Исмоил	1728	... – ...
	Аҳмад Заҳабий ибн Исмоил	1728 – 1729	1677 – 1729
6	Абдуллоҳ ибн Исмоил	1729 – 1735	1694 – 1757
8	Али Аъраж ибн Исмоил	1735 – 1736	... – ...
	Абдуллоҳ ибн Исмоил	1736	1694 – 1757
7	Мавло ибн Исмоил	1736 – 1738	... – ...
8	Мустазий ибн Исмоил	1738 – 1740	... – 1750
	Абдуллоҳ ибн Исмоил	1740 – 1745	1694 – 1757
9	Али Зайнулобидин ибн Исмоил	1745	...
	Абдуллоҳ ибн Исмоил	1745 – 1757	1694 – 1757
10	Муҳаммад III ибн Абдуллоҳ	1757 – 1790	... – 1790
11	Ҳазид ибн Муҳаммад III	1790 – 1792	1750 – 1792
12	Ҳишом ибн Муҳаммад III	1792 – 1793	... – 1799
13	Сулаймон ибн Муҳаммад III	1793 – 1822	1760 – 1822
14	Абдурраҳмон ибн Ҳишом	1822 – 1859	1790 – 1859
15	Муҳаммад IV ибн Абдурраҳмон	1859 – 1873	... – 1873
16	Ҳасан I ибн Муҳаммад	1873 – 1894	1830 – 1894
17	Абдулазиз ибн Ҳасан I	1894 – 1908	1878 – 1943
18	Абдулҳафиз ибн Ҳасан I	1908 – 1912	1875 – 1937
19	Юсуф ибн Ҳасан I	1912 – 1927	1881 – 1227
20	Муҳаммад V ибн Юсуф	1928 – 1961	1909 – 1961
21	Ҳасан II ибн Муҳаммад V	1961 – 1999	1929 – 1999
22	Муҳаммад VI ибн Ҳасан II	1999 – ...	1963 – ...

**Сомали.** 1499 йили Сомали соҳилларида Васко да Гама қўмондонлигидаги португал кемалари пайдо бўлди. Португаллар 1499

йили Могадишони, 1506 йили Барауэни, 1517 йили эса Зейлани истило қилишди, натижада Сомалининг бутун соҳилбўйи ҳудуди бўйсундирилди.

Маҳаллий сомалиликларнинг қўллаб-қувватлови билан мамлуклар ва турклар португалларга қарши уруш олиб боришди. Португалия томонида христианлар Эфиопияси турган. 1530 – 1539 йилларда Сомали ҳудудида сомалиликлар, турклар ва мамлукларнинг эфиоп ва португалларга қарши қонли уруши бўлиб ўтди. Уруш якунида Эфиопия ғалабага эришди, Сомали қабилалари эса низолашувчи майда гуруҳларга бўлиниб кетди.

Ўзаро урушлар натижасида Сомали аҳолиси жуда камайиб кетди. Айрим шаҳарлар эса бутунлай тарк этилди. Зейла шаҳри XVII асрда Усманийлар давлати таркибига киритилган. XVII аср ўрталарида Сомалининг шарқидаги соҳилбўйи шаҳарларини Уммон султонлиги бўйсундира бошлади. Уммон султонларининг қароргоҳи Занзибарга кўчирилгандан сўнг, султонлик икки қисмга бўлинди. Сомалининг шарқий соҳилбўйи ҳудуди – Африка ва Осиёдаги мулклар Занзибарга, шимолдаги мулклар Усманийлар давлатига ўтди. Бу вақтда Сомалининг ички минтақаларида кўплаб маҳаллий султонликлар ташкил топди (Раҳанвайн, Мижуртини, Геледи, Тунни ва б.). Бу султонликлар Усманийлар давлати ва Занзибар султонлигини тан олмасдан ички савдо йўлларини, дарё водийлари ва серҳосил ерларни назорат қилишарди.

## САККИЗИНЧИ ҚИСМ

### ЎРТА ОСИЁ, ҲИНДИСТОН, АРАБИСТОН ЯРИМРОЛИ, ШИМОЛИЙ ВА ҒАРБИЙ АФРИКА, ЯПОНИЯ, КОРЕЯ, ХИТОЙ, МУЎГУЛИСТОНДАГИ СУЛОЛАЛАР (XVIII АСР ЎРТАЛАРИ – XX АСР БОШЛАРИ)

#### ЎРТА ОСИЁ

**Бухоро амирлиги (1756 – 1920).** *Пойтахти Бухоро шаҳри (ҳозирги Бухоро, Ўзбекистон). Давлат тили – форс тили. Давлат тузуми – монархия.*

#### Бухоро амирлиги. Манғитлар сулоласи (1756 – 1920)

т/р	амирлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Муҳаммад Раҳим	1756 – 1758
2.	Фозилтўра (амалда Муҳаммад Дониёлбий оталиқ)	1758 – 1785
3.	Шоҳмурод, Дониёлбий ўғли	1785 – 1800
4.	Ҳайдар, Шоҳмурод ўғли	1800 – 1826
5.	Ҳусайн, Ҳайдар ўғли	1826
6.	Умар, Ҳайдар ўғли	1826 – 1827
7.	Насруллоҳ, Ҳайдар ўғли	1827 – 1860
8.	Музаффар, Насруллоҳ ўғли	1860 – 1886
9.	Абдул Аҳад, Музаффар ўғли	1886 – 1910
10.	Олим, Абдул Аҳад ўғли	1910 – 1920

1868 йил 23 июнь куни Самарқандда Бухоро-Россия шартнома-си имзоланди. Шундан кейин амирлик Россия империяси вассали бўлиб қолди.

**Муҳаммад Раҳим – Бухоро хони (1753 – 1758, расман 1756 – 1758).**

1747 йил июнь – июль ойларида қизилбошлар Бухорони қамал қилиб тинимсиз тўпга тутишди. Эронийлар бир ойлик қамалдан сўнг шаҳарни босиб ололмасликларини англаб сулҳ тузиш учун элчилар

юборди. Раҳимбий асирларни алмаштиришга рози бўлди ва эронийлар Бухорони тарк этди. Лекин бир гуруҳ афгонлар, лазгинлар ва қизилбош турклар Раҳимбий хизматида қолди. Уруш ҳаракатлари тугагач, Раҳимбий давлатнинг ҳақиқий хўжайини бўлиб олди. Абулфайзни ўлдириб, унинг ёш ўғли Абдулмўминни тахтга чиқарди ва ўз қизини унга никоҳлаб берди. Орадан бир йил ўтгач, 1748 йили, қизининг фитнаси туфайли Абдулмўминни ўлдиртириб юборди. Абдулмўминнинг ўрнига мурғак укаси Убайдуллоҳни хон қилди. Бироз вақтдан сўнг Муҳаммад Раҳимбий уни ҳам тинчитди ва якка ўзи ҳукмдор бўлиб олди.

У Чингизхон авлодидан бўлмагани учун ўша давр одатига кўра хон бўлолмасди. Шунинг учун Абулфайзнинг қизига уйланди. Биринчи амир 1757 – 1758 йилларда уни тан олмаган вилоятларга босқинлар ясаб кўплаб қирғинлар уюштирди ва марказлашган Бухоро давлатини тузди. Муҳаммад Раҳимбий 1758 йил 24 мартда вафот этди.

**Дониёлбий** – *Бухоро амирлиги ҳукмдори (1758 – 1785).*

Муҳаммад Раҳимбий вафотидан сўнг манғитлар унинг ўрнига амакиси Дониёлбийни тахтга ўтқозишди. Раҳимбий вафотидан сўнг бир қанча минтақаларда кўзғолонлар бошланиб кетди. Бу тартибсизликлар тезда бостирилди. Дониёлбий тахтга Раҳимбийнинг невараси Фозилтўрани ўтқазиб, амалда ўзи давлатни бошқаришда давом этди. Лекин унинг ҳукмронлиги бошдан-охир ички кўзғолонларга тўла бўлди. Шунингдек, бухороликлар 1782 йили Хоразмга босқинчилик юриши уюштиришди. Бухорода 1784 йили бошланган кўзғолон Дониёлбийни тахтдан воз кечишга мажбур этди. У ўзининг ўрнига ўғли Шоҳмуродни тахтга чиқарди.

**Шоҳмурод** – *Бухоро амири (1785– 1800).* Амир Шоҳмурод манғитлар сулоласига мансуб барча ҳукмдорлардан тубдан фарқ қилади. У зулм ва истибдодга қарши бўлиб, адолатсизликка тоқат қилмасди. Унинг ҳукмронлик даврида Бухоро амирлиги ҳақиқий марказлашган давлатга айланди. 1786 – 1790 йилларда Марвни эгаллаш якунланди. Ўша замонда Чингизхон авлоди бўлган кимсалар номи жума намози хутбаларида ўқиларди. Узоқ давом этган мўғуллар истилоси халқнинг онгини заҳарлашга улгурганди. Амир Шоҳмурод даврида ҳам мўғул Донишмандчи ва Абулғозий номи жума ва ҳайит хутбаларида масжид минбарларида янграрди ва улар номидан танга зарб этиларди.

**Ҳайдар** – *Бухоро амири (1800 – 1826).* Ҳайдар отаси Шоҳмурод вафотидан сўнг тахтга чиқарилди. У отасидан кучли ва марказлашган давлатни қабул қилиб олганди. Шунга қарамай, маҳаллий урушлар

даром этди. Энг катта хавф Хива хонлиги томонидан эди. Хоразмликлар Бухоро амирлиги ҳудудига мунтазам босқинлар уюштира бошладди. Бундан ғазабланган амир Ҳайдар 1806 йили Бухоро аҳолисига мурожаат этиб мамлакатни ҳимоя қилишга чақирди. Бунга жавобан Бухоро халқи Элтузар бошлиқ Хива кўшинига қарши жангга киришди. Хиваликлар Амударё ортига қувиб чиқарилди, хоннинг ўзи эса кўплаб хиваликлар қатори дарёдан кечиб ўтиш жараёнида ғарқ бўлди.

**Насруллоҳ – Бухоро амири (1827 – 1860).** Ҳайдар вафотидан сўнг унинг учинчи ўғли Насруллоҳ тахтга чиқарилди. Ундан олдинги хонлари Ҳусайн заҳарланган, Умар эса қатл этилганди. Насруллоҳ ҳукмдор бўлгач акаларининг куни бошига тушишидан қўрқиб ўзини тахтга чиқарган барча кишиларни ўлдиртириб юборди. Насруллоҳ ҳукмронлиги Бухоро амирлигининг кўшни маҳаллий мулкларга қарши уруши билан ўтди. 1840 йили Насруллоҳ Қўқон хонлигига қарши уруш бошлади. Ўша йили Ўратепада бўлган жангда қўқонликлар мағлубиятга учратилди. Амир 1842 йил апрель – май ойларида Қўқонни қўлга киритди. Хон Муҳаммад Али, унинг онаси Нодира-Бегим ва хон оиласига мансуб Султон Маҳмуд қатл этилди. Бухориликларнинг Қўқонга юриш қилишидан фойдаланган Хива хони Аллоҳқули Чоржўйга юриш бошлади. Насруллоҳ хиваликларнинг босқинидан хабар топгач дарҳол Бухорога қайтишга буйруқ берди. Бу вақтда Аллоҳқули Хивага қозоқлар юриш қилаётгани ҳақида хабар олгач Чоржўйдан Хивага қайтди ва бироздан сўнг вафот этди. Насруллоҳ Хива хонлигига қарши олиб борилаётган юришни охирига отказишга буйруқ берди. Лекин Бухоро кўшини 1843 йили Ҳазорасп ёнида ҳалокатли мағлубиятга учради.

Насруллоҳ Шаҳрисабз ва Китобга қарши бир неча бор юриш қилди ва фақат 1856 йилдагина мазкур ҳудудларни эгаллади.

**Қўқон хонлиги (1709 – 1876).** *Пойтахти – Эски Қўрғон (1709 – 1732), Қўқон (1732 – 1876). Ҳудуди – 220 минг км<sup>2</sup>. Давлат тили – узбек ва форс тиллари. Давлат тузуми – монархия.*

## **Қўқон хонлиги ҳукмдорлари**

### **Минглар қабиласи бийлари ва Қўқон беклари**

1. Шоҳрухбий, Ашуркул Шоҳмастбий ўғли (Аштархонийлар давлати оталиғи, Хўқанднинг мустақил ҳукмдори, 1710 – 1721).

2. Абдурраҳимбий, Шоҳрухбий ўғли (1721 – 1739).
3. Абдулкаримбий, Шоҳрухбий ўғли (1739 – 1751).
4. Бобобий, Абдурраҳимбий ўғли (1751 – 1752).
5. Эрдонабий, Абдурраҳимбий ўғли (1752 – 1769).
6. Сулаймонбий (1769 – 1770).
7. Норбўтабий, Абдурраҳимбий невараси (1770 – 1798).

### Қўқон хонлари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Муҳаммад Олим, Норбўтабий ўғли	1798 – 1810
2.	Муҳаммад Умар, Норбўтабий ўғли	1810 – 1822
3.	Муҳаммад Али, Муҳаммад Умар ўғли	1822 – 1842
4.	Шер Али, Ҳожибий ўғли	1842 – 1844
5.	Саримсоқ, Шер Али ўғли	1844
6.	Мурод, Олимхон ўғли	1844
7.	Худоёр, Шер Али ўғли	1844 – 1858
8.	Мулла (Малла), Шер Али ўғли	1858 – 1862
9.	Шоҳмурод, Саримсоқ ўғли	1862
11	Худойқулихон, Масъудбек ўғли	1862
12	Худоёр, Шер Али ўғли	1862 – 1863
13	Султон Муҳаммад Саййид	1862 – 1865
14	Худоёр, Шер Али ўғли	1865 – 1875
10.	Насриддин, Худоёр ўғли	1875 – 1876

Хонлик 1868 йил 13 февралдан Россия империяси вассалига айланган. 1875 – 1876 йилларда Фарғона водийсида бўлган исён ва қўзғолонларидан кейин бутунлай тугатилди.

Қўқон хонлиги Аштархонийлар давлатида вужудга келган парокандаликдан фойдаланиб Фарғона водийсидаги маҳаллий феодаллар томонидан ташкил этилган. Шунга қарамай, XVIII аср охиригича давлат ҳудуди унча катта бўлмаган оддий бийлик эди. Фақат Норбўтабий вафотидан сўнг тахтга чиққан ўғли Олим даврида хонлик даражасига етди. Унинг даврида ўша даврдаги катта шаҳарлардан бири – Тошкент 1808 йили эгалланди. Лекин аҳолининг барча қатламлари орасида душман орттирган Олимнинг ҳукмронлиги узоққа бормади. 1810 йил баҳорида Тошкентдан Қўқонга қайтаётган пайт йўлда ўлдирилди.

Олимни йўқ қилган зодагонлар тахтга унинг укаси Муҳаммад Умарни чиқаришди. Умар ишни тахт даъвогарларини йўқ қилишдан бошлади. Биринчилардан бўлиб тахтга асосий даъвогар — собиқ хон Олимнинг ўғли Шохрух ўлдирилди.

1816 йили Бухоро амирлигига тобе Туркистон шахрини эгаллаш учун ҳаракат бошлади ва шаҳар қўлга киритилди. Одатга кўра шаҳар аҳолиси таланди.

Умар вафотидан сўнг тахтга ўғли Муҳаммад Али қўйилди. Унинг даврида хонлик чегаралари кенгайди. 1829 йили хон Кошғарга юриш қилди ва ўзи билан 70 минг уйғурни Фарғона водийсига олиб келди. 1835 – 1836 йилларда Талас водийсига юриш уюштирди. 1837–1838 йилларда Қоратегин ва Дарвоз Қўқон хонлигига қўшиб олинди. Муваффақиятларга қарамай, Муҳаммад Али содиқ аъёнларни жилолаб жамият устунлари бўлган феодалларни ўзига қарши қилиб қўйди. Бир гуруҳ норози кучлар хонни ағдариш учун Бухоро амири Насруллоҳдан ёрдам сўради. Амир ҳеч иккиланмай тўғри Қўқонга юриш бошлади. Амир қўшини 1840 йили Ўратепа ва Жиззах орасида хон қўшинини мағлуб этди. Бундан қўрққан хон Бухоро амири ҳузурига элчилар юборди ва Хўжанд шахрини топширди. Бухоро қўшини жўнаб кетгач, хон шубҳали кишилар устидан қатағон ўтказди. Бу пойтахт Қўқонда исён кўтарилишига сабаб бўлди. Чорасиз қолган Муҳаммад Али 1841 йил ноябрда Султон Маҳмуд фойдасига тахтдан воз кечди. Лекин Султон Маҳмуд ҳеч қандай реал ҳокимиятга эга эмасди. Вазирдан фойдаланган Бухоро амири Насруллоҳ Қўқонга юриш қилди. Қўқон қўшини бир неча марта мағлуб бўлди. Амир шаҳарни истило қилди, Муҳаммад Али, Султон Маҳмуд ва бошқа зодагонларни қўлга тушириб қатл эттирди. Амир у ерга ноиб қолдириб, ўзи Бухорога жўнаб кетди. Лекин қўқонликлар амир истибдодидан норози бўлиб тахтга Таласда яшаётган Норбўтабийнинг жияни Шер Алини қўйишди. Шер Али Қўқонга келиб амир ноибини чиқариб юборди ва шаҳар мудофаяси билан шуғулланди. Бундан хабар топган амир Қўқонга яна юриш қилди, лекин 40 кунлик қамалдан сўнг ҳам шаҳарни эгаллай олмади ва ортига қайтди. Қўқонликлар тезда Хўжанд ва Тошкентга юриш қилиб қайтадан у ерларни эгаллашди. Лекин Шер Али ҳукмронлиги тезда тугади. 1844 йили Олимнинг ўғли Мурод пайтдан фойдаланиб Шер Алини ўлдиртирди ва ўзини хон деб эълон қилди. Лекин Муроднинг фитнаси омма томонидан қўллаб-қувватланмади. Қўқон қўшини қўмондони Мукулмонкул Ўшдан етиб келди ва Муродни ҳалок этди. Унинг ўрнига Шер Алининг ўғли Худоёрни тахтга ўтказди. Худоёр ўта



ёш бўлгани учун, давлатни амалда Мукулмонкул бошлиқ қипчоқ зо- дагонлари эгаллаб олди. Лекин Худоёр 1853 йили қипчоқларга қарши фитна тайёрлади ва Мукулмонкул бошлиқ 20 мингдан ортиқ қипчоқни қириб ташлади. Худоёр даврида ҳам истибдод ҳукм сургани боис, халқнинг аҳволи тобора оғирлашарди. Шунинг учун 1858 йили Шер Алининг бошқа ўғли Мулла (Малла) исён кўтариб Қўқонни босиб олганда, халқ Худоёр томонида турмади. Худоёр бир гуруҳ тарафдорлари билан Бухорога қочиб борди.

Малла халқни қийнашда ўтмишдошларидан фарқ қилмасди. 1862 йил 23 февралда хонга қарши бир гуруҳ зодагонлар фитна уюштириб уни ўлдиришди. 26 февраль куни Шоҳмурод тахтга чиқарилди. У тезда собиқ хон тарафдорларини қириб ташлади. Тошкент ҳокими хавфсираб Худоёрни Тошкентга чақирди. Худоёр Бухородан Тошкентга тезда етиб келди ва Қўқонга юриш бошлади. Бухоро амиридан яхшигина ёрдам олган Худоёр тахтни қайтариб олди. Лекин бу орада хон ўрнатиш масаласига мингбоши Алимкул ҳам аралашди. У 1863 йили тахт даъвосида юрган хон оиласи аъзолари – Содиқбек, Хўжабек ва Шоҳрухни алдаб Ўшга чақирди ва ҳаммасини қатл эттирди. Кейин Малланинг ўғли Султон Саидхон хон деб эълон қилди. Худоёр етарли қаршилик кўрсатолмади ва яна Бухорога қочди. Султон Саидхон ҳукмронлиги ҳам оғир давр бўлди. 1865 йили Тошкент учун кечган жангда мингбоши Алимкул ҳалок бўлгач, Султон Саидхон ўзини тахтга ўрнатган кишидан айрилиб саросимага тушиб қолди. Вазиятдан фойдаланган Худоёр 1865 йили қайтадан Қўқонни эгаллади ва 1875 йилгача тахтда ўтирди. У русларга қаршилик кўрсатишга ақли етмай 1868 йил 13 февралда вассаллигини тан олди ва хонлик мустақиллигини йўқотди. 1875 йили Фарғона водийси бўйлаб қўзғолонлар бошланди. 1876 йил февралда Қўқон хонлигининг барча ҳудуди босиб олинди ва Россия империясига қўшиб юборилди.

**Хива хонлиги (1770 – 1920).** *Пойтахти – Хива шаҳри (ҳозирги Хива, Ўзбекистон). Давлат тили – ўзбек тили. Давлат тузуми – монархия.*

### Қўнғиротлар сулоласига мансуб Хива хонлари (1770 – 1920)

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Муҳаммад Амин Иноқ, Эш Муҳаммад Ёр ўғли	1770 – 1790

2.	Муҳаммад Аваз Иноқ, Муҳаммад Амин ўғли	1790 – 1804
3.	Муҳаммад Элтузар, Муҳаммад Аваз ўғли	1804 – 1806
4.	Муҳаммад Раҳим I, Муҳаммад Аваз ўғли	1806 – 1825
6.	Аллоҳқули, Муҳаммад Раҳим ўғли	1825 – 1842
6.	Раҳимқули, Аллоҳқули ўғли	1842 – 1845
7.	Муҳаммад Амин, Аллоҳқули ўғли	1845 – 1855
8.	Абдуллоҳ I, Ибодуллабек ўғли	1855 – 1856
9.	Қутлуғ Мурод, Ибодуллабек ўғли	1856
10.	Саид Муҳаммад, Муҳаммад Раҳим I ўғли	1856 – 1864
11.	Муҳаммад Раҳим II – Феруз, Саид Муҳаммад ўғли	1864 – 1910
12.	Асфандиёр, Муҳаммад Раҳим II ўғли	1910 – 1918
13.	Абдуллоҳ II, Муҳаммад Раҳим II ўғли	1918 – 1920

1873 йил 12 августдаги Гандимиён шартномасига кўра Хива хонлиги Россия империяси вассалига айланди.

1770 йилдан қўнғиротлар Хивада ҳокимиятни эгаллади. Биринчи ҳукмдор Муҳаммад Амин 1770 йили туркман кўчманчиларининг ҳужумини қайтарди, 1782 йили эса Хивани босиб олиш учун йўлга чиққан Бухоро қўшини тўхтатилди. Қўнғиротлар 1804 йилдан бошлаб расман Хива ҳукмдорлари деб эътироф этилди. 1811 йили Муҳаммад Раҳим I даврида қорақалпоқларнинг Оролбўйига келиб жойлашишига рухсат берилди ва улар хонликка тобе бўлишди. 1818 йили эса хон туркманлар устига юриш қилди. 1821 – 1825 йилларда киваликлар Бухоро амирлигига қарши уруш олиб борди. Уруш давомида хиваликлар Марвни эгаллашди. 1826 – 1827 йилларда Марвда туркманларнинг сариқ қабиласи Хива хонлигига қарши қўзғолон кўтарди. 1839 йили Россия Перовский бошлиқ қўшинини Хивани истило қилишга юборди, лекин рус қўшини қаттиқ совуқда катта талафотлар кўриб ортга қайтди. 1842 йили Хива ва Россия ўртасида тинч кўшничилик тўғрисида битим имзоланди. Хонлик 1855 йили узоқ курашлардан сўнг Марвни туркманлардан тортиб олди.

**Чор Россиясининг Кавказни истило қилиши. Кавказ уруши (1817 – 1864).** 1817 йил 12 майда генерал А.П.Ермолов (Жорд Доу) Тарок дарёсидан ўтиб ҳарбий ҳаракат бошлади. Рус қўшини уч йил давомида қаттиқ қаршилик кўрсатган чечен бўлинмаларини тоғларга сиқиб чиқарди.

1819 – 1821 йилларда Кавказ корпусига айлантирилган Қора денгиз казаклар қўшини (40 минг киши) Доғистонда ҳарбий ҳаракатлар олиб борди ва бир қанча маҳаллий ҳукмдорлар бўйсундирилди.

1825 йил 8 июлда чеченлар рус босқинчиларига қарши халқ қўзғолони бошлашди. Улар Амиражюртни олишди ва Герзел истеҳкомни эгаллашга ҳаракат қилишди. 15 июлда генерал-лейтенант Лисаневич истеҳкомни топширди, 16 июлда эса Лисаневич ва генерал Греков чеченлар томонидан ўлдирилди. Қўзғолон 1826 йилдагина бостирилди.

1828 йил декабрда Қози Мулла имом деб эълон қилинди. У Шарқий Кавказ халқларини Россияга қарши ғазотга чақирди. Лекин руслар турклар билан урушни тўхтатиб минтақага қўшимча кучларни юборишгач, 1832 йили, қўзғолон бостирилди. Қози Мулла жангда ўлдирилгандан сўнг, 1832 йил 17 октябрда, Ҳамзатбек янги имом деб эълон қилинди. У Тоғли Доғистондаги барча халқларни ўзига бўйсундирди, 1834 йили аварларга хужум қилди ва Хунзахни ишғол этди. Лекин орадан кўп ўтмай – 1834 йил 19 сентябрда ўлдирилди.

1834 йил 24 сентябрда Шомил имом деб эълон қилинди. 1837 йили Хунзахни руслар истило қилди. Руслар Шомилнинг таянч маркази ҳисобланган Ахульго қалъасини 1839 йил 22 августда босиб олишди. Шомил эса қочишга эришди ва русларга қарши урушни яна узоқ йиллар давом эттирди. Босқинчиларга қарши 20 йилдан ошиқроқ кураш олиб борган Шомил 1859 йил 6 сентябрь куни Гуниб тоғида асирга тушди.

Руслар 1859 – 1864 йилларда черкасларни бўйсундиришди. Ҳарбий ҳаракатлар давомида кўплаб аҳоли ўлдирилди, шунингдек, минглаб черкаслар ўз ватанини ташлаб кетишга мажбур бўлди.

**Чор Россиясининг Ўрта Осиёни истило қилиши (1853 – 1885).** Чор Россияси 1853 йилдан Қўқон хонлиги ҳудудига хужум уюштиришга киришди. 1859 йили подшо Александр II кенгашда Туркистон ўлкасини истило қилиш зарурлигини таъкидлади ва ўзининг содиқ малайларига бир қатор кўрсатмалар берди. Жумладан, қаршилик кўрсатган шаҳар ва қалъалар аҳолисини қириб ташлашни буюрди.

1860 йил 29 августда полковник Циммерман бошлиқ чор қўшини Пишпек (ҳозирги Бишкек)ка хужум қилиб 4 сентябрь куни босиб олди. Қалъанинг кули кўкка совурилиб, тирик қолган ҳимоячилар қилчдан ўтказилган.

1861 йил 21 июнь куни Петербургда подшо иштирокида ўтказилган кенгашида Қўқон хонлигини босиб олишни охирига етказишга қарор қилинди.

1862 йили чор қўшини Оқсув, Пиштепа ва Чолдевор қалъаларини босиб олди.

1863 йили май ойида Туркистон шаҳри томон юриш бошланди ва 8 июнда Чўлоқ қўрғони истило қилинди.

Рус қўшини 1864 йил 4 июнда Авлиёота шаҳрини, 12 июнда Туркистон шаҳрини, 22 сентябрда эса Чимкент шаҳрини босиб олди. Черняев бошлиқ қўшин 1864 йил 27 сентябрда Тошкентга юриш бошлади. 4 октябрда Тошкент остоналарига етиб келиб шаҳарга ҳужум уюштирди. Босқинчилар шаҳар ҳимоячиларининг қаттиқ қаршиликига учради ва Чимкентга қайтиб кетишга мажбур бўлди.

1864 йил ноябрда қўқонликлар ва рус қўшини ўртасида Иқон жанги бўлиб ўтди.

1865 йил баҳорида Черняев бошлиқ рус қўшини Тошкентга янги юриш бошлади. Руслар бир гуруҳ фитначилар ёрдами билан Тошкентни сув билан таъминлайдиган Ниёзбек қалъасини олишди. 1865 йил 9 май куни Тошкент шаҳрини эгаллаш учун ялпи ҳужум бошланди. 17 июнь куни тошкентликлар таслим бўлди.

1866 йили Бухоро амири Хўжанд шаҳри ва унинг атрофидаги қалъаларни босиб олиш учун Қўқон хонлигига қарши юриш бошланди. Лекин унинг қўшини Сирдарё бўйидаги Эржар манзилгоҳида руслар томонидан тор-мор этилди. Жангда енгиб қулай вазиятдан фойдаланган руслар 1866 йил 24 май куни Хўжандни истило қилди. Август ойларида Чирчиқ водийси уларга ўтди. Кейин Жиззахни босиб олиш учун ҳаракат бошланди ва 18 октябрь куни Жиззахликлар таслим бўлди. Руслар юришни давом эттириб Ўратепа ва Янгиқўрғон қалъаларини ҳам истило қилишди. Энди Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлиги ўртасида умумий чегара қолмади.

1867 йил 14 июлда Россия императори Александр II Туркистон ўлкасидаги истило қилинган ҳудудларда Туркистон генерал-губернаторлигини ташкил қилиш ҳақида фармон чиқарди. Туркистоннинг биринчи генерал-губернатори этиб К.П. фон Кауфман тайинланди.

1868 йил 13 февралда Қўқон хони Худоёр Россия империясининг вакили – Туркистон генерал-губернатори фон Кауфман билан шартнома тузди. Шарномада Қўқон хонлиги бундан буён Россия империясининг вассали бўлиши айtilди ва давлат мустақиллигини йўқотди.

Бухоро амирлигига қарши юриш бошлаган чор қўшини 1868 йил 1 майда Самарқанд шаҳри яқинидаги Чўпонота тепалигидаги жангда амир қўшини устидан ғалаба қозонди, 2 май куни Самарқандга бос-тириб кирди.

Самарқанднинг руслар томонидан истило қилиниши халқ қўзғолонига сабаб бўлди. 1 июнда русларга қарши йирик қўзғолон бошланди.

Бухоро амири Самарқандни қайтариш учун қўшин тўплаб русларга қарши жўнатди, лекин 2 – 3 июнь кунлари Зирабулоқ жангида бухороликлар енгилди. Амир Бухорога қочишга мажбур бўлди.

Зирабулоқдаги мағлубият ва амирнинг қочиши 1 июнда Самарқандда бошланган қўзғолонни кучайтириб юборди. Исён 8 июнгача давом этди, қўзғолончилар шаҳардаги босқинчи рус гарнизонини қамал қилиб ўққа тутди. Фақат 8 июнь куни фон Кауфман бошлиқ босқинчилар Самарқандга кириб қўзғолонни бостирди. Амир бирор ёққа қочишни мўлжаллаганди, лекин атрофидаги зодагонлар уни фон Кауфман билан сулҳ тузишга кўндиришди.

1868 йил 23 июнда Самарқандда Бухоро-Россия битими имзоланди. Битимга кўра, Бухоро амирлиги Россия империясига тобе бўлиб мустақиллигини йўқотди. Шунингдек, Россияга 500 минг рубль товон тўлаш мажбурияти олинди.

Амирнинг таслимчилик чоралари унинг катта ўғли Абдулмалик тўра (1848 – 1909) бошлиқ зодагонлар томонидан қўллаб-қувватланмади ва улар амирга қарши очикдан-очик уруш бошлашди. 1869 йил ёзида Самарқанднинг Жом қишлоғи яқинида амир Музаффар қўшини Абдулмалик тўра қўшини томонидан яксон қилинди. Амир мустақиллик тарафдорларини якка ўзи енголмаслигини англаб Туркистон генерал-губернатори фон Кауфмандан ёрдам сўради. 1869 – 1870 йилларда руслар ва амирнинг бирлашган қўшини Абдулмалик тўра қўшинига бир қанча зарбалар берди. Амир ўз мақсадига эришди, лекин Бухоронинг Россия империясига тобелиги мустаҳкамланди. 1870 йил 14 августда узок курашдан сўнг Китоб ва Шаҳрисабз бекликлари руслар томонидан босиб олинди.

1870 – 1875 йилларда чор қўшини Зарафшоннинг юқори оқимидаги бекликларни истило қилди.

1873 йил баҳорида рус қўшини Хива хонлигига қарши уруш ҳаракатларини бошлади. 18 май куни Кауфман қўшини Амударёдан кечиб ўтиб, 23 май куни Ҳазораспни босиб олди. Бир неча кун ичида

Қўнғирот, Хўжайли ва Манғит каби қалъалар истило қилинди. Хива хони русларга қарши жанг қилиш ўрнига саҳрога яширинди. 29 майда Хива шаҳри русларга таслим бўлди.

Руслар фақат хон билан сулҳ тузишларини айтиб хоннинг амаки-си Отажон тўра юборган элчиларни қайтариб юборди. Ниҳоят, 1873 йил 12 августда Хива яқинидаги Гандимиён қишлоғида Туркистон генерал-губернатори фон Кауфман ва Хива хони Муҳаммад Раҳим II ўртасида битим тузилди. Битимга кўра Хива хонлиги Россия империясига тобе бўлиб, мустақиллигини йўқотди, олдинлари хонликка қараган Амударёнинг ўнг соҳилидаги ерлар Россияга топширилиб, у ерда Амударё округи (1883 йилдан Амударё бўлими) тузилди. Шунингдек, хонлик 2 млн 200 минг рубль миқдорида контрибуция тўлайдиган бўлди.

Хивани бўйсундирган руслар туркманларга қарши юришга тайёргарлик кўришга киришди. Лекин 1873 йили урушдан сўнг мамлакат хўжалиги издан чиққан Қўқон хонлиги ҳудудида мустабид Худоёр ва руслар истилосига қарши ғалаёнлар бошланди. Кичик исёнлар 1873 – 1875 йилларда қисқа танаффуслар билан давом этди. Энг асосий кўзғолон Пўлатхон бошчилигида 1875 йил баҳорида юз берди. Уларга қарши Худоёр кўмондон Абдурахмон офтобачини жўнатди, лекин Офтобачи 17 июль куни кўзғолончилар томонига ўтиб кетди. 18 июль куни Худоёрнинг ўғли Насриддин, 20 июль куни эса хоннинг укаси Султон Мурод ҳам кўзғолончилар томонига ўтди. 20 июль куни Худоёр ўз тахтини сақлаб қолиш ниятида фон Кауфмандан ёрдам сўраб мактуб жўнатди. 22 июлда Худоёр Тошкентдан руслар кўшини зудлик билан ёрдамга келолмаслигини англаб қочиш пайига тушди. Қўқонда турган рус бўлинмаси паноҳида Тошкетга борди, кўзғолончилар хонни тута билишмади. Худоёр Тошкентда Кауфман билан учрашди, Кауфман эртаси куни уни Оренбургга сургунга ҳукм қилди.

Худоёр қочгач, унинг ўғли Насриддин тахтга чиқиб олди. Кўзғолончилар эса фақат Пўлатхонни ҳукмдор деб тан олишди. Кўзғолончилар иккига бўлинди: биринчи гуруҳ Абдурахмон офтобачи ва Насриддин, иккинчи гуруҳ Пўлатхон тарафдорлари эди.

Кўзғолоннинг бориши, асосан, Пўлатхон номи билан боғлиқ. Унинг тарафдорлари мустабидларга қарши жангларда бир қатор ғалабаларга эришди. Кауфман кўзғолон хавфини англаб етди ва 8 август куни махсус фармон чиқарди. Рус кўшини кўзғолонни бос-тиришга сафарбар этилди. 14 августда Абдурахмон офтобачи

қўшини руслардан енгилди. 22 август куни эса Маҳрам жанги юз берди. Кейинги жангда ҳам Офтобачи тарафдорлари мағлубиятга учради. Офтобачи Кауфмандан омонлик сўраб мактуб ёзди, лекин Кауфман офтобачининг ўз оёғи билан келиб асирга тушишини талаб қилди.

1875 йил 22 сентябрь куни Худоёрнинг ўғли Носириддин Марғилонда Кауфман билан сулҳ тузди. Сулҳга кўра Сирдарёнинг ўнг соҳилидаги ҳудудлар, Наманган ва Чуст шаҳарлари Россия империясига таркибига кирди, хонлик 2 млн рубль товон тўлаши шарт эди.

Пўлатхон тарафдорлари 28 сентябрдан 5 октябргача рус босқинчиларига қарши уруш олиб боришди. 9 октябрда Пўлатхон тарафдорлари Қўқонни эгаллашди, хоин Носириддин қочиб кетди. Хонликнинг сақланиб қолган ҳудудида энди Пўлатхон ҳукмронлик қила бошлади. Қўзғолончилар назорат ўрнатган ерларидаги золимларни қатағон қилишди.

Кауфман исённи бостириш учун катта куч юборди. Чор қўшини 1876 йил 8 январда Андижонга ҳужум бошлади ва шаҳарни қийинчилик билан босиб олди. 24 январь куни Абдурахмон офтобачи ўз тарафдорлари билан Кауфманга таслим бўлди, унинг қўшини эса тарқатиб юборилди. Шундан сўнг Пўлатхонга ҳужум қилинди, кўплаб жанглар ва узоқ таъқибдан сўнг қўзғолончилар енгилишди. 18 февралдан 19 февралга ўтар кечаси Пўлатхон русларга тутиб берилди. Кауфман буйруғига кўра Пўлатхон 1 март куни Марғилонда дорга тортилди. Айни дамда, Қўқон хонлиги тугатилиб, унинг ҳудуди Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига қўшиб юборилди.

Фарғона водийсидаги қўзғолонлар бостирилгач, чор қўшини туркманларга қарши уруш бошлади. Руслар 1877 йили Қизил Арватни босиб олишди, 1881 йили эса Кўктепа қалъасини вайрон қилишди. Кўктепада қирғин уюштирилди ва 40 мингдан ортиқ киши қириб ташланди. Руслар Ашхободни 1884 йили, афғонларга қарашли Кушкани эса 1885 йил мартда истило қилишди.

1895 йилги инглиз-рус битимига кўра Помирда Афғонистон билан чегара Панж дарёси бўйлаб ўтиши масаласи ҳал этилди. Англиянинг Ҳиндистондаги мулки ва Россиянинг Ўрта Осиёдаги мулки орасида тор ҳудуд Афғонистонга берилди, бу билан Россия ва Англия мустамлакалари бир-бирига туташмайдиган бўлди.

## АФҒОНИСТОН

**Афғонистон давлати (1747 – 1973).** *Пойтахти – Қандаҳор (1747 – 1776), Кобул (1776 – 1973). Давлат тили – дарий (форс-тожик), пуштун тиллари. Давлат тузуми – монархия.*

### 1. Афғонистон амирлиги

#### 1. Дурронийлар империяси

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Аҳмадшоҳ Дурроний	1747 – 1772
2.	Темуршоҳ Дурроний	1772 – 1793
3.	Замоншоҳ Дурроний	1793 – 1801
4.	Маҳмудшоҳ Дурроний	1801 – 1803
5.	Шужоъшоҳ Дурроний	1803 – 1809
	Маҳмудшоҳ Дурроний	1809 – 1818
6.	Алишоҳ Дурроний	1818 – 1819
7.	Айюбшоҳ Дурроний	1819 – 1823

#### 2. Баракзайлар сулоласи

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Ҳабибуллоҳ	1823
2.	Султон Муҳаммад	1823 – 1826
3.	Дўст Муҳаммад	1826 – 1839

#### 3. Садозайлар сулоласи

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Шужоъшоҳ	1839 – 1842
2.	Фатҳ Жанг	1842
3.	Шоҳпур	1842



## Баракзайлар сулоласи

т/р	хукмдорлар	хукмронлик йиллари
1.	Дўст Муҳаммад	1842 – 1863
2.	Шер Али	1863 – 1866
3.	Муҳаммад Афзал	1866 – 1867
4.	Муҳаммад Аъзам	1867 – 1868
	Шер Али	1868 – 1879
5.	Муҳаммад Ёқуб	1879
6.	Муҳаммад Жон	1879 – 1880
7.	Абдурраҳмон	1880 – 1901
8.	Ҳабибуллоҳ	1901 – 1919
9.	Насруллоҳ	1919

## 2. Афғонистон қироллиги

т/р	хукмдорлар	хукмронлик йиллари
1.	Омонуллоҳ	1919 – 1929
2.	Иноятуллоҳ	1929

Ҳабибуллоҳ Калаконий (1929).

## Баракзайлар сулоласи

т/р	хукмдорлар	хукмронлик йиллари
1.	Нодиршоҳ	1929 – 1933
2.	Зоҳиршоҳ	1933 – 1973

**Аҳмадшоҳ Дурроний (1723 – 1772)** – Дурронийлар империяси асосчиси, Афғонистон амири (1747 – 1772). Нодир Афшор ўлдирилгач, Хуросон амири бўлиб олди. Кейинроқ ўзи ташкил қилган янги давлат раҳбари бўлди. Афғонистон пуштунлари уни кўпинча «Бобо» дейишади.

Аҳмад Панжоб вилоятидаги Мўлтонда туғилган. Пуштунларнинг дурроний қабиласига мансуб эди. 1738 йили Эрон шоҳи Нодир Афшор кўшинига хизматга олинган. Эрон кўшини сафида босқинчилик юришларида қатнашиб ўзини кўрсатди ва Нодир Афшорнинг саркардаларидан бирига айланди. 1747 йили Нодир Афшор ўлдирил-

гач, Аҳмад Эрон қўшинидаги афғонлар бўлинмаларини олиб Афғонистонга кетди. Ўша йили Афғонистон шоҳи деб эълон қилинди.

Аҳмадшоҳ барча афғон қабилаларини бирлаштирди, қабила сардорларига инъомлар берди ва юксак ла возимларга тайинлаб ўз тарафига оғдирди. Ҳиндистон, Эрон ва Жанубий Туркистонга бир неча бор юриш қилди. 1748 – 1751 йилларда Панжоб, 1750 йили Белужистон, 1752 йили Кашмир ва Балх, 1754 йили Сейистон ва Хуросон, 1757 йили Сирхинд ва Синд вилоятларини эгаллади.

1761 йили афғон-маратх уруши (1758 – 1761) давомида кечган Панипат жангида маратхлар қўшинига қақшатқич зарба берди. Умрининг сўнгги йилларида сикхларга қарши самарасиз уруш олиб борди.

Аҳмадшоҳ Дурроний ҳукмронлиги даврида Афғонистон ва Россия ўртасида дастлабки алоқалар ўрнатилди. 1764 йили Богдан Асланов миссияси Афғонистонга ташриф буюриб ўзаро дўстлик ақида битим тузди.

**Темуршоҳ Дурроний (1748 – 1793)** – дурронийлар сулоласига мансуб Афғонистон шоҳи (1772 йил 16 октябрь – 1793 йил 18 май). Маишад шаҳрида туғилган.

Темуршоҳнинг отаси Аҳмадшоҳ 1757 йили уни Панжоб ва Кашмирга ноиб этиб тайинлади. У Оламгир II нинг қизига уйлангач Сирхинд вилоятига ноиб бўлди. Лекин амалда 1757 йил май – 1758 йил апрель оралиғида оталиғи Жаҳонхон ҳукмдорлик қилди.

1772 йили Темуршоҳ Афғонистон ҳукмдори бўлгач, маҳаллий ноиблар унга истар-истамас бўйсунди, шунинг учун Темуршоҳ ҳукмронлигининг катта қисми мамлакатни бирлаштириш билан ўтди. Темуршоҳ 1776 йили мамлакат пойтахтини Қандаҳордан Кобулга кўчирди.

**Замоншоҳ (1770 – 1845)** – Афғонистон шоҳи (1793 – 1801).

Замоншоҳ тахтга 1793 йили чиқди. 1796 йили Ҳиндистон ишларига аралашиб бобурий Шоҳ Оламини магратлар қўлидан озод қилиш учун Деҳлига йўл олди. Бу даврда инглизлар Ҳиндистонга катта таъсир ўтказишаётганди. Бироқ Замоншоҳ Деҳлига етиб бормади тартибсизлик бошланган Кобулга қайтди. Тартибсизликни бостирди, бироқ 1799 йили баракзайлар сардори Сарафрозни қатл эттирди, бу барча баракзайларнинг унга қарши тахт талашаётган Замоншоҳнинг уюси Маҳмуд томонига ўтишига туртки бўлди. Баракзайлар сардори Фатҳ (Сарафроз ўғли) Замоншоҳни тутдириб кўзини ўйишга буюрди (1800), тахтга Маҳмуд чиқарилди.

**Маҳмудшоҳ Дурроний (1769 – 1829) – Афғонистон шоҳи (1801 – 1803 ва 1809 – 1818 йилларда). 1769 йили туғилган, Замоншоҳнинг ўғли.**

Маҳмуд 1801 йил июлида тахтга чиқди, лекин 1803 йили ағдарилди. Бироқ 1809 йили уни яна тахтга ўтқазилди. Хукмронлигининг икки даври орасидаги муддатда мамлакатни Шужоъшоҳ бошқарди.

**Дўст Муҳаммад (1793 – 1863) – Афғонистон амири (1834 – 1863). Баракзай қабиласи сардори Пойандахоннинг йигирманчи ўғли.**

1818 йили Дурронийлар давлати таназзулга учрагач, 1826 йилдан Кобул ва Ғазна вилоятларини бошқарди. 1834 йили ўзини амир деб эълон қилиб баракзайлар сулоласига асос солди. Дўст Муҳаммаднинг Россия билан яқинлашишга уриниши Англиянинг қаршичилигига учради.

1838 йили Британия ҳукумати Афғонистонга қарши урушга киришди. Шундай қилиб, биринчи инглиз-афғон уруши (1838 – 1842) бошланди. Урушнинг илк босқичида Дўст Муҳаммад инглизларга қарши курашда фаоллик кўрсатди, бироқ 1840 йил охирида таслим бўлгач Ҳиндистонга сургун қилинди. 1842 йили инглизлар урушда мағлубиятга учрагач Дўст Муҳаммадни озод қилишга мажбур бўлишди. У Афғонистонга қайтиб яна амирлик лавозимини эгаллади. 1855 – 1863 йиллар давомида Қандаҳорни, Шарқий Сейистонни, Амударёнинг чап соҳилидаги ҳудудни ва Ҳиротни бирлаштирди.

**Биринчи инглиз-афғон уруши (1838 – 1842).** Урушнинг бошланишига 1837 йили Кобулдаги ҳокимиятни эгаллаган Дўст Муҳаммад ҳузурига рус резиденти поручик Виткевичнинг келиши баҳона бўлди. Лондон ҳукумати Виткевич миссиясини Петербургнинг Ҳиндистонни олиш йўлида Афғонистонда ўрнашишга уриниши деб баҳолади.

Ҳарбий ҳаракатлар 1839 йил январда бошланди. 12 минг аскар, 38 минг хизматкор ва 30 минг туядан иборат инглиз-ҳинд қўшини Болан довони орқали Афғонистонга кирди. Дастлаб Дўст Муҳаммад душманга қарши 12 минг отлиқ, 2,5 минг пиёда ва 45 тўп билан чиқди. 25 апрель куни инглиз-ҳинд қўшини жангсиз Қандаҳорни олди ва Кобулга юриш бошлади. Афғонлар Ғазнада (Кобулдан 140 км жануби-ғарбда) биринчи марта жиддий қаршилик кўрсатишди. Қалъани Ҳайдархон бошлиқ 3 минг кишилик сараланган қўшин ҳимоя қиларди, шунга қарамай, қалъани душманлар босиб олди. 1839 йил 7 августда инглиз-ҳинд қўшини Кобулни жангсиз олди. Тахтга амир Шужоъшоҳ ўтқазилди. Собиқ амир Дўст Муҳаммад эса 350 жангчиси билан тоғларга чиқиб кетди.

Уруш англиз-ҳинд қўшини ва Шужоъшоҳ фойдасига осонликча ҳал бўлди. Бироқ афғон зодагонлари Шужоъга унча эътибор беришмади. Улар икки йилдан ошиқ вақт давомида ғалаённи режалаштиришди ва 1841 йил 2 ноябрь куни Кобулда қирғин уюштиришди. Ўлдирилганлар орасида англиз элчиси Бернс ҳам бор эди. Инглизлар зудлик билан жавоб қайтаришмади, буни заифлик деб ҳисоблаган афғонлар бошқа шаҳарлардаги англизларни ҳам қиличдан ўтказди. 1841 йил 30 декабрда англизлар афғон қабилалари сардорлари билан пул эвазига англиз-ҳинд қўшинини Ҳиндистонга ўтказиб юборишга келишишди.

1842 йил январь бошларида англиз-ҳинд қўшини Кобулдан Жалолободга қараб йўлга тушди, улар тоғли ҳудудларга киришганди, афғонлар уларга ташланди ва қириб ташлади. 16 минг киши (унларнинг 4 минги аскар эди)лик англиз-ҳинд қўшинидан фақат бир киши – доктор Брайдон тирик қолди. У 14 январда англиз-ҳинд Бригадаси турган Жалолободга етиб келди. Бригада қўмондони хабарни Каькуттага жўнатди ва иккита жазо қўшини ташкил қилинди – бири Кветтадан Қандаҳорга, бошқаси Жалолободдан Кобулга. Шундан сўнг, 1842 йил 16 сентябрда, ҳар икки дивизия Кобулни боғиб олди. У ердан чекка ҳудудларга жазо бўлинмаларини жўнатди.

Афғонлар исёнини бостирган Британия Афғонистонни тўла истифода қилишдан ўзини тийди. Британия ўз тарафига оғдирган Дўст Мухаммаднинг тинчлик сулҳи тузишдан бошқа чораси қолмади.

**Шер Али (1825 – 1879) – Афғонистон амири (1868 – 1879).**

1863 йили отаси вафотидан сўнг Қандаҳорда ҳокимиятни эгаллаб олиб Афғонистон ҳукмдорлигига даъво қилди. У мамлакат шимолида ҳукм сураётган акалари Афзул ва Азимнинг қаршилигига учради. Афзул 1867 йили вабога учраб ўлди, ўрнига ўзини Азим амир деб эълон қилди. Ака-укалар ўртасидаги уруш 6 йил давом этган. Дастлаб Афзул (микрофи, унинг ўғли Абдуррахмон) ғалабаларга эришди, лекин 1869 йили, унинг вафотидан сўнг, устунлик Шер Али томонига ўтди. Абдуррахмон Россия империяси ҳудудига қочди ва Шер Али Афғонистоннинг яқка ҳукмдори бўлиб қолди. Унинг ҳукмронлиги ўтмишдошларидан фарқланмасди. Ҳар бир вилоят ва минтақа бошлиқлари ўзларини муқаддас ҳис қилиб Шер Али билан музокара олиб борарди. Дастлаб Шер Али англизпарастлик ғояларига суянди, лекин 1877 – 1878 йилларидаги рус-турк уруши даврида Англияга қарши уруш бошлади. Унинг нажаси авваллари Афғонистонга қараган, кейин Ҳиндистонга қўшиб юборилган ҳудудларни қайтариб олиш эди.

Иккинчи англиз-афғон урушида (1878 – 1880) Шер Али енгилди ва ҳокимиятни ўғли Ёқубга топшириб Россияга қарашли ҳудудларга ўтиб кетди.

**Иккинчи англиз-афғон уруши (1878 – 1880).** 1877 – 1878 йиллардаги рус-турк урушида русларнинг қўли баланд келиб, бевосита Истанбулга таҳдид солишганди. Британиянинг аралашуви билан руслар Истанбулни истило қилишдан воз кечишган. Улар англизлар аралашувидан норози бўлиб Ўрта Осиёда ўз қудратини намойиш қилишга киришди. Ўрта Осиёдаги рус қўшинига уч йўналишда Чоржўй, Балх ва Читралга юриш буюрилди. Кобулга генерал Столетов бошлиқ миссия жўнатилди. Афғонистон амири Шер Али 1878 йил 17 июлда миссияни эҳтиром ила кутиб олди. Столетов амирга ҳарбий ва моддий ёрдам берилишига ваъда қилиб, мамлакатга ҳеч қандай англиз элчиларини киритмасликни маслаҳат берди.

Амир русларнинг маслаҳатига қатъий риоя қилди, натижада иккинчи англиз-афғон уруши бошланди. Инглизлар 1878 йил ноябрда уч йўналишда Афғонистонга босқинчилик юришини бошлади: Пешовар (генерал Браун, 16 минг киши ва 48 тўп), Курама (генерал Робертс, 6 минг киши ва 18 тўп) ва Қандаҳор (генерал Стюарт, 13 минг киши ва 32 тўп). Дастлабки икки гуруҳ Кобулга, учинчиси Қандаҳор ва Ҳиротга йўл олганди. Ноябрь – декабрда биринчи икки гуруҳ Жаллобод ва Хост вилоятларини, учинчи гуруҳ эса 27 декабрь куни Қандаҳорни босиб олди.

Амир Шер Али Афғонистон шимолидаги Мозори Шарифга қочди ва ўша ерда ўлим топди. Ўғли Ёқуб инглизларга қаршилик қилишдан воз кечди ва 1879 йил 15 май куни тинчлик сулҳи тузди. Унга кўра афғонлар ташқи алоқаларда тамоман мустақилликни йўқотди, фақатгина Британия ҳукумати воситачилигида музокара олиб бориш мумкин эди.

1879 йил сентябрда Ёқуб укаси Айюб томонидан ағдарилди. 1880 йил январда эса Абдурраҳмон Айюбни ағдарди ва ўзини Афғонистон амири деб эълон қилди. 1879 йил 15 майдаги шартномага риоя этишини маълум қилгани учун, инглизлар уни тан олди. Абдурраҳмон ўз эътиборини шимолга қаратиб русларга қарши ҳаракатга ўтди, бироқ 1885 йил мартда Кушкада генерал Комаров томонидан мағлуб этилди. Русларда 1800 аскар ва 4 та тўп, афғонларда эса 4700 аскар ва 8 та тўп бор эди. Мингдан ортиқ жангчисидан айрилган афғонлар қочди. Руслар эса 9 аскардан айрилди, 45 аскар яраланди.

1895 йили Афғонистон ҳозирги чегараларига эга бўлди.

**Абдурраҳмон (1844 – 1901) – Афғонистон амири (1880 – 1901).**

Абдурраҳмон, 1864 йили Шер Али тахтга чиққач, унга қарши ота-она Афзул ва амакиси Азим қўшинида хизмат қилган. 1866 йили Кобулни қўлга киритди ва отаси у ерда амир деб эълон қилинди. Бироқ 1867 йили отаси вафот этгач ва амакиси Азим Шер Алидан мағлуб бўлгач, Бухорога қочиб борди. Лекин Бухоро амиридан яхши муомила кўрмади ва Балхга қайтиб келиб Шер Алига қарши урушни давом эттирди. Лекин Ғазна яқинида енгилгач Ҳиндистонга қочиб кетди. Орадан кўп ўтмай инглизларга ишонмай Самарқандга генерал Абрамов олдига жўнади. У ўз мамлакатадаги воқеаларни кузатиб 1870 – 1880 йилларда Самарқандда яшади.

1878 йили иккинчи инглиз-афғон уруши бошлангач, Шер Али қочди, унинг ўғли Ёқуб инглизлар томонидан ағдарилди ва Ҳиндистонга сургун қилинди. Мамлакат чет эл қўшини томонидан эгаллангач, бошбошдоқлик бошланди. Қолаверса, халқ ҳаракати авж олиб, инглизлар қўшини оғир аҳволда қолди. Вазиятдан фойдаланмоқчи бўлган Абдурраҳмон яна тахтни олишга уриниб кўрди. 1880 йил баҳорида Самарқандни тарк этиб, Афғонистон шимолида пайдо бўлди ва ўша ерда кўплаб тарафдорлар тўплади.

Инглиз қўшини кўмондони Абдурраҳмонни Кобулга чақиртирди. Учрашувга инглизлар томонидан Лепел Гриффин жўнатилди. Узоқ музокаралардан сўнг Абдурраҳмон фақат мамлакатнинг шарқий қисми эмас, балки бутун Афғонистон ҳукмдори эканини тасдиқлашди.

1880 йил 22 июлда Афғонистоннинг шарқий ва марказий вилоятлари ҳокимлари Абдурраҳмонни Афғонистон амири деб эълон қилишди.

Абдурраҳмон 1893 йили «Дюринг линияси»ни тасдиқлади. Унга кўра Афғонистоннинг жануби-шарқий чегаралари Британия Ҳиндистонига ўтди ва Афғонистон денгизга чиқиш имкониятидан буткул маҳрум бўлди.

1885 йили Кушкада руслар билан тўқнашув юз берди.

1886 ва 1887 йилларда гилзай қабиласи исёнини бостирди. 1888 йили Шимолий Афғонистон ҳокими Муҳаммад Исҳоқ исён кўтарди, 1890 – 1892 йилларда эса ҳазоралар ғалаёни бўлиб ўтди. Барча исёнлар шафқатсиз бостирилди.

1900 йили Абдурраҳмон ўзи босиб ўтган ҳаёт йўлини форс тилида ёзиб тугатди. Бу китоб инглиз ва рус тилларига таржима қилинган. Китобда ҳукмдор ўзини ҳаддан ортиқ мақтаган бўлишига қарамай, у Афғонистон тарихи учун қимматли манба ҳисобланади.

**Ҳабибуллоҳ (1872 – 1919) – Афғонистон амири (1901 – 1919)**  
*Тошкентда туғилган. Абдурахмоннинг катта ўғли.*

Ҳабибуллоҳ мамлакатни қолоқликдан чиқаришга уринди. 1904 йили Афғонистонда биринчи ҳарбий академия ташкил қилинди.

1905 йил 21 мартда Британия ҳукумати билан ҳар йили 160 минг фунт-стерлинг миқдорида пул олиш эвазига мустақил ташқи сиёсат олиб боришдан воз кечиш ҳақида битим тузди.

У Ҳиндистон билан кескинликни юмшатиб 1905 йили дўстлик ҳақида битим тузди ва 1907 йили қўшни мамлакатга ташриф буюрди.

Ҳабибуллоҳ Усманийлар давлати ва маҳаллий зодагонлар ҳаракатига қарамай, Биринчи жаҳон уруши вақтида тўла нейтрал бўлди.

1919 йил 20 февраль куни Лағмон вилоятида ов қилаётган пайтда ўлдирилди. Бундан биров олдин – 2 февраль куни Британиядан тўлиқ мустақиллик талаб қилганди. Унинг укаси Насруллоҳ тахтда бир ҳафта ўтирди (21 – 28 февраль), кейин Ҳабибуллоҳнинг учинчи ўғли Омонуллоҳ томонидан қамоққа ташланди.

## ҲИНДИСТОН

**Бобурийлар империясининг таназулга учраши.** Аврангзеб ворислари саркардалар қўлида ўйинчоқ бўлишган. Бобурийлар мамлум вақт Деҳлидан давлатни назорат қилиб туришди, лекин Аврангзебнинг икки яқин вориси (Аврангзебнинг ўғли Баҳодиршоҳ, 1707 – 1712, унинг катта ўғли Жаҳондоршоҳ, 1712 – 1713) вазир Зулфиқорга тўла қарам эди. Қолган тўртовлон (Жаҳондоршоҳнинг жияни Фаррух Сияр 1713 – 1719, бир неча ой ҳукмдорлик қилган унинг икки вориси ва Баҳодиршоҳнинг невараси Муҳаммадшоҳ, 1719 – 1748) эса фирибгар ака-ука Саидийлар (Ҳусайн ва Абдуллоҳ)га тобе бўлишган.

1710 йили Панжобда исён кўтарилди ва фақат 1716 йилдагина бостирилди. 1720 йилдан империя нурай бошлади. 1720 йили, Муҳаммадшоҳ ҳукмронлиги даврида, Декан ноиби Низомулмулк (1720 – 1748) ўзини мустақил деб эълон қилди. Унинг кетидан Ауд ноиби, савдогарликдан вазирликкача чиққан форс Ауд наввоби номи остида давлат тузганини эълон қилди.

Маратхлар бутун Жанубий Ҳиндистонга ўлпон солишди ва Муҳаммадшоҳдан Малвани топширишни талаб қилишди (1743), унинг ўғли ва вориси Аҳмадшоҳ (1748 – 1754)дан эса Ориссани тор-

тиб олишди ва Бенгалдан ўлпон йиғиш ҳуқуқини қўлга киритишди (1751). Ҳиндистондаги ички можароларга ташқаридан қилинган ҳужум қўшилди.

**Нодир Афшор юриши.** 1739 йили форс шоҳи Нодир Афшор Ҳиндистонга юриш бошлади. Деҳли олиниб, шаҳар 58 кун талон-торож қилинган, форслар 32 млн фунт-стерлинг миқдоридagi тиланган мулк билан ортга қайтди. Форслардан сўнг Аҳмадшоҳ Дурроний бошлиқ афғонлар бир неча марта юриш уюштирди. Афғонистондаги бобурийларнинг энг сўнгги мулклари 1738 йили бой берилганди.

1754 йили Аҳмадшоҳ тахтдан туширилди, ўрнига Оламгир II ўтирди. Бироқ у 1759 йили вазири Ғозиддин томонидан ўлдирилди. Айна шу йили маратхлар Шимолий Ҳиндистонни истило қилишди ва Деҳлини босиб олишди. 1761 йили маратхлар ва Аҳмадшоҳ Дурроний бошлиқ афғонлар ўртасида Панипатда учинчи жанг бўлди. Бу жангда афғонлар йирик ғалабага эришди. Шунга қарамай, муулмонлар Ҳиндистонда мавқеларини маратхларга бой беришди. Оламгир II дан сўнг Шоҳ Олам II Деҳлининг номигагина ҳукмдори бўлди. У Аллоҳобод шаҳрида яшаб 1771 йилгача инглизлардан нафақа олиб кун кечирган.

1761 – 1765 йилларда Бобурийлар давлатининг инқирози кучайди. Жанубий Ҳиндистонда инглизлар ва французлар ўртасидаги урушда (1748 – 1761) Карнатикдаги бобурийларнинг сўнгги излари тугатилди. Бенгал, Бихар ва Орисса 1765 йили Шоҳ Олам II томонидан инглизларга топширилди. 1771 йили маратхлар Деҳлининг ҳақиқий хўжайинига айланишди, улар Шоҳ Оламни ҳибсга олиб кўр қилишди. Уни тахтга ўтқазиб, инглизлардан тор-мор бўлгунларича (1803) асир сифатида ушлаб туришди.

1806 йили Деҳлида Акбар II инглизлар томонидан тахтга чиқарилди. Уни 1837 йили ўзи каби инглизлар ўрнатган Муҳаммад Баҳодиршоҳ II алмаштирди.

**1857 – 1859 йилларда инглизларга қарши умуммиллий қўзғолон.** Ҳиндистон тарихидаги инглизлар зулмига қарши 1857 – 1859 йилларда бўлиб ўтган қўзғолон мамлакатнинг катта қисмини қамраб олди. Мазкур исёнда дини ва миллатидан қатъи назар барча ҳиндистонликлар қатнашди. Олдиниға тўплар ва милтиқлар билан қуролланган 60 минг сипоҳий қўзғолон кўтарди. Сўнг Шимолий ва Марказий Ҳиндистоннинг деҳқонлари ва ҳунармандлари қўшилди. Уларни ўз ерларидан, мулкларидан маҳрум бўлган ҳинд рожалари



ва ер эгалари қўллаб-қувватлади. Қўзғолонни сўнги бобурий ҳукмдор Баҳодиршоҳ II бошқарган.

Қўзғолон аввалига муваффақиятли ривожланди. Исёнчилар Деҳли ва бошқа йирик шаҳарларни эгалладилар. Озод қилинган ҳудудларда янги тартиб ўрнатилди: айрим солиқлар бекор қилинди, солиқ йиғишда ўз амалини суиистеъмом қилувчиларга, давлат хазинасини талон-торож этувчиларга қарши кескин чоралар кўрилди. Ҳиндистонликларнинг биргаликдаги озодлик учун кураши инглизларни ваҳимага солди, чунки, юқорида айтилганидек, мамлакат тарихида босқинчиларга қарши бундай қўзғолон бўлган эмасди.

Британия ҳукумати тезда кўплаб тўп ва кемалар, қўшимча кучлар ажратиб уларни қўзғолонни бостиришга ташлади. Ҳиндистон соҳилларига келтирилган тўп ва қурол-яроғлар филларга ортилиб исён марказларига олиб борилди. Қўзғолончиларнинг тарқоқлиги, айрим рожа ва заминдорларнинг хоинлиги туфайли инглизлар ғалаба қозона бошлади. Деҳли кўчаларида даҳшатли жанглар юз берди. Инглиз қўшинлари шаҳарни қамал қилиб, уни штурм билан қўлга киритдилар. Сўнги бобурийзода Баҳодиршоҳ II асирга олинди. Инглиз суди уни Бирмага сургун қилиш ҳақида ҳукм чиқарди. Шундай қилиб, уч асрдан ошиқроқ Ҳиндистонда гоҳ муваффақиятли, гоҳ муваффақиятсиз ҳукмронлик қилган бобурийлар сулоласига барҳам берилди.

Инглизлар қўзғолонни бостириш давомида ақл бовар қилмас ваҳшийликларга қўл урдилар. Аскарлар хотин-қизларни ҳам, болаларни ҳам, қарияларни ҳам аямай қирди. Улар асир тушганларни бир жойга тўплаб, оломон олдида тўп оғзига боғлардилар ва тўпдан ўқ отиб парча-парча қилиб ташлардилар. Инглизлар назарида, бу чора исёнчиларни кўрқитиши ва уларни курашдан тўхтатиши керак эди.

Қўзғолон ваҳшийлик билан бостирилган бўлса-да, инглизлар ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлаш учун баъзи ислохотларни ўтказишчи лозим топишди. Заминдорларнинг солиқларни ўзича ошириши гаҳикқанди, рожаларнинг ўз ерига ўзи эгалиги дахлсиз деб эълон қилинди, Ост-Индия компанияси тугатилиб, Ҳиндистонни бошқариш Британия маъмурлари қўлига ўтди. Ҳозирги Ҳиндистон, Покистон ва Бангладеш давлатларига қарашли улкан ҳудудлар бир асрга яқин Британияга қарам бўлди.

## УСМОНИЙЛАР ДАВЛАТИ

**Усмон III (1699 йил 2 январь – 1757 йил 30 октябрь)** – усмоний ҳукмдор (1754 – 1757). Мустафо II нинг ўғли, Маҳмуд I нинг укаси. Тахтга чиқарилгунча 50 йилга яқин «Қафас»да сақланган. Усмон III мусиқани ва мусиқачиларни жуда ёмон кўрган, уларни саройдан қувишга буйруқ берган. Шунингдек, аёлларни ҳам ёқтирмаган, у иқинлашганида сарой канизаклари қочиши учун махсус пошналар пайабзал кийиб юрган. Усмон III ҳукмронлиги даврида 7 та вазир алмашди ва уларнинг мол-мулки султон фойдасига мусодара қилинди. Усмон III яҳудий ва христианларни, мусулмонлардан ажралиб туришлари учун, кийимларига махсус белги қўйиб юришга мажбурлаган.

**Мустафо III (1717 йил 28 январь – 1774 йил 21 январь)** – усмоний ҳукмдор (1757 – 1774). Аҳмад III нинг ўғли. Ҳукмронлиги даврида Фарб ва Россиядан ортда қолмаслик учун давлат аппарати ва қўшинда ислоҳот ўтказишга уринди. Унинг ислоҳотларига яничарлар жуда қаттиқ қаршилик кўрсатган.

Усмонийларнинг ҳарбий жиҳатдан заифлашганини англаган Мустафо III катта миқёсдаги ҳарбий ҳаракатлар олиб бормади. Қримнинг Катерина II томонидан аннексия қилинишига ҳам қаршилик кўрсата билмади. Бироқ Россиянинг Польшадаги ҳаракатлари уни ўлимидан биров олдин Россияга қарши уруш эълон қилишга мажбур этганди.

**Абдулҳамид I (1725 йил 20 март – 1789 йил 7 апрель)** – усмоний ҳукмдор (1774 – 1789). Аҳмад III нинг ўғли. Унгача оғир аҳволга тушган давлат яничарларга ҳам маош тўлашга қурби етмай қолди.

Россияга қарши олиб борилган урушда Колужа жангида мағлуб бўлишди ва 1774 йил 21 июль куни Кичик Қайнаржа битими имзоланди. Битимга кўра Россия Қора денгизда ҳарбий-денгиз флотига эга бўлиш ҳамда Усмонийлар давлатига тобе Болқон ва Қримда ўз тасирини ёйиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Оғир мағлубиятлар Абдулҳамид I ни маъмурий ва ҳарбий ислоҳот ўтказишга мажбур қилди.

Сурия ва Мореядаги қўзғолонларни бостириш йўқотилган Қримнинг ўрнини тўлдиролмади. 1783 йили Россия Қримни аннексия қилди.

1787 йили Россияга қарши уруш бошланди. Бу урушда 1788 йилдан бошлаб Австрия ҳам қатнашди. 1788 йили Очаков қалъасини руслар эгаллади.

Султон Абдулхамид I Очаков кулаганидан 4 ой ўтгач вафот этди.

**Салим III (1761 йил 24 декабрь – 1808 йил 28 июнь)** – усмонийлар ҳукмдори (1789 йил 7 апрель – 1807 йил 29 май). Мустафо III нинг ўғли.

1792 йили Россияга қарши уруш тугади ва усмонийларни ён беришга мажбур қилган Ясса тинчлик битими имзоланди.

1798 йили Наполеоннинг Мисрга юриши сабаб французларга қарши уруш олиб боришга мажбур бўлди. Салим III 1802 йили сулҳ тузилгандан кейингина давлатнинг ички муаммолари билан шуғулланишга киришди. Яничарларга қарамликдан қутулиш мақсадидаги кураш ҳам натижа бермади. Охир-оқибат яничарлар Истанбулда исён кўтариб Абдулхамидни тахтдан ағдаришди ва тутқун қилишди. Бир йилдан сўнг Мустафо Байроқтўра бошлиқ унинг тарафдорлари Истанбулга киришди, лекин Салимни қутқара олишмади. Уни амакиваччаси қатл эттиришга улгурганди.

**Мустафо IV (1779 йил 8 сентябрь – 1808 йил 16 ноябрь)** – усмонийлар ҳукмдори (1807 йил 29 май – 1808 йил 28 июнь). Абдулхамид I нинг ўғли. Салим III га ва унинг ислохотларига қарши яничарлар томонидан уюштирилган исёндан сўнг тахтга чиқарилган. Исёнчилар бошлиғи Мустафо пошшо Қобокчи вазири аъзам лавозимини эгаллади. Ҳарбий ислохот ҳақидаги «Низоми жадид» бекор қилинди ва кўплаб ислохот тарафдорлари қатл этилди.

Мустафо IV даврида Россияга қарши уруш давом этди. Дарданелга ёриб ўтмоқчи бўлган усмонийлар флоти Афон денгиз жангида тор-мор этилди. Руслар Дунай князликларини истило қилаётган пайтда, 1807 йил август куни, сулҳ тузилди.

1808 йили Рушук ноиби Мустафо пошшо Байроқдор ўзга содиқ жангчиларни олиб Салим III ҳокимиятини тиклаш мақсадида Истанбулга юриш уюштирди. Мустафо IV тарафдорлари унга муносиб қаршилик кўрсата билишмади. Саройга ҳужум қилинаётган пайтда Мустафо IV Салим III ни ва ўзининг кичик укаси Маҳмудни ўлдиришга буюрди. Лекин қотиллар Маҳмудни тополмадилар. Мустафо пошшо Мустафо IV ни ҳибсга олди ва ўша вақтда топилган Маҳмуд тахтга чиқарилди.

1808 йил ноябрда навбатдаги яничарлар фитнаси юз берди. Улар Мустафо IV ни тахтга қайтармоқчи эди. Бу исён пайтида Маҳмуд II буйруғи билан Мустафо IV қатл этилди.

**Маҳмуд II (1785 йил 20 июль – 1839 йил 1 июль)** – усмоний ҳукмдор (1808 – 1839). Абдулхамид I нинг иккинчи ўғли. Маҳмуд II давлатни сақлаб қолишнинг бирдан-бир йўли Салим III бошлаган

ислоҳотни давом эттириш деб билди. Маҳмуд II ҳукмронлиги даврида Россияга қарши иккита оғир уруш олиб борди (1806 – 1812, 1828 – 1829), шунингдек, унинг даврида Усманийлар давлати Греция, Сербия, Молдавия ва Валахияни бой берди. Миср устидан нажратни йўқотди.

Маҳмуд II 1826 йили яничарлар корпусини батамом тугатди.

**Абдулмажид I (1823 йил 23 апрель – 1861 йил 25 июнь)** – усмоний ҳукмдор (1839 – 1861). Маҳмуд II нинг катта ўғли. 1839 йил 24 июнда Миср қўшинининг Нусайбиндаги мағлубиятидан кўп ўтмай, 1 июль куни, тахтга чиқди.

Абдулмажид отаси бошлаган «Танзимот» ислоҳотини давом эттирди. Унинг даврида мусулмон бўлмаганларнинг ҳарбий хизмат ўташига рухсат берилди. Миллий байроқ ва мадҳия қабул қилинди. Қонунчилик Наполеон кодексларига асосан янгиланди. Темир йўл ва телеграф ишга туширилди.

Султон Абдулмажид I 1839 йил 3 ноябрда Рашид Мустафо пошшо мавслаҳатига биноан «Хатти шариф»ни имзолади. Унда Усманийлар давлати фуқароларига тенг муносабатда бўлиш белгиланганди.

1840 йилларда султон, Британия ҳукумати қаршилигига қарамасдан, очарчиликдан қийналаётган Ирландия аҳолисига пул ва нон билан ёрдам берди.

1850 йили Англия қувватлаётган Усманийлар давлати Австрия ва Россияга давлат жиноятчиларини топширишдан бош тортди, бунга жанобан Австрия 1852 йили туркларни Черногориядан сиқиб чиқарди.

**Крим уруши.** Ўша вақтда Қуддусдаги христиан зиёратгоҳлари мисидан тортишув келиб чиқди ва Россия кутилмаганда 1853 йили уруш эълон қилди. Шу тариқа Крим уруши бошланди. Англия ва Франция Усманийлар давлатига иттифоқчи бўлди.

1856 йил 18 февралда Хатти Хумоюн ислоҳот қонуни ишлаб чиқилди.

1856 йил 30 мартда Париж битими имзоланди.

1858 йили султонлик банкрот бўлгани маълум қилинди.

Султон Абдулмажид I 1861 йил 25 июнь куни сил касалидан вафот этди.

**Абдулазиз (1830 йил 9 февраль – 1876 йил 4 июнь)** – усмоний ҳукмдор (1861 – 1876). Маҳмуд II нинг иккинчи ўғли. 1861 йил 25 июнда, акаси Абдулмажид вафот этгач, тахтга чиққан. Султон асосан касаллигига йўлиққани учун, давлатни 1862 йилдан 1871 йилгача вазир бошқарди.

1866 йил – Кандия қўзғолони.

1867 йил – Белграднинг Сербияга ўтиши.

1868 йил – Грециянинг дипломатик ғалабаси.

Абдулазиз 1867 йили Фарбга йўл олди. 30 июнь куни Парижда дабдабали кутиб олинган Абдулазиз бутунжаҳон кўрғазмасини бо-риб кўрди. 12 июлдан 23 июлгача Лондонда турди. 24 июль куни Коб-ленцда Пруссия қироличаси таклифини қабул қилди. 5 кун Венада бўлди ва 1867 йил 7 августда Истанбулга қайтиб келди.

1871 йили Али пошшо ўлгач, давлатни мустақил бошқаришга ки-ришди. Давлат маблағини талон-торож этиб ўз ҳисобига ўзлашти-ришга уринди (1873 йили 21 млн эвазига Миср хадивини мустақил ҳукмдор деб тан олди).

1876 йил 11 майдаги қўзғолон вазири аъзам Маҳмуд Надим-нинг лавозимидан олиб ташланиши билан тугади. Муҳаммад Рушдий ва Ҳусайн Авний юқори лавозимга кўтарилди. Улар 1876 йил 30 май куни Абдулазизни тахтдан воз кечишга мажбур қилиш-ди. Орадан бир неча кун ўтгач қамаб қўйилган Чироғон саройида ўлдирилди.

**Мурод V (1840 йил 21 сентябрь – 1904 йил 29 август)** – ус-моний ҳукмдор (1876 йил 30 май – 31 август). Абдулмажид I нинг ўғли. Абдулазиз ағдарилгач, Муҳаммад Рушдий, Ҳусайн Авний ва Мидҳат пошшо томонидан тахтга чиқарилган. Мурод V тахт-га чиққач, бир қанча вазирлар ўлдирилди, жумладан, Ҳусайн Авний Абдулазиз қариндошлари томонидан Мидҳат пошшо уйида қатл этилди. Узоқ вақт ўлдирилишидан кўрқиб яшаган Мурод V нинг асаблари ўта чарчаганди. Мурод V ни даволаш учун Венадан пси-хиатр Лейдерсдорф чақирилди. У султоннинг касали оғирлигини ва узоқ даволаш талаб қилинишини тушунтирди. Лекин Мидҳат пошшо шайхулислом томонидан Мурод V ни давлат бошқаришга яроқсиз деб чиқарган фатвосига таяниб 31 август куни султон-ни тахтдан туширди ва уни Босфор соҳилидаги Чироғон саройига қамаб қўйди. Унинг кейинги тақдири бироз вақт номаълум бўлди. 1878 йил 20 май куни исёнчилар Мурод V сақланаётган жойга бо-риб уни тахтга чиқаришни кўзлашди. Лекин Мурод V улар билан бирга кетишни истамади. Ҳукумат қўшинлари этиб келиб исён-чиларни жазолади. Мурод V асирликда 1904 йил 29 август куни ва-фот этди.

**Абдулҳамид II (1842 йил 22 сентябрь – 1918 йил 10 фев-раль)** – усмоний ҳукмдор (1876 – 1909). Абдулмажид I нинг иккин-

чи ўгли. Акаси Мурод V руҳий касал деб топилиб қамоққа олингач, 1876 йил 31 август куни, тахтга чиққан.

Абдулҳамид тахтга чиққач 1876 йил 23 декабрда, конституция қабул қилди. Унда Усманийлар давлатининг барча фуқароларининг тенглиги айтилганди. Лекин 1878 йил февралда конституцияни бекор қилди ва кейинчалик «зулм» деб номланган мустабид тузум ўрнатди.

**1877 – 1878 йиллардаги рус-турк уруши.** Султон славян халқларига муносабатини ўзгартирмагани боис, Россия 1877 йил 24 апрелда усманийларга қарши уруш эълон қилди.

1878 йил 3 мартда Руминия, Сербия ва болгар провинцияларининг мустақиллиги тасдиқланган Сан-Стефано битими урушга яқун ясади. Россия, Сербия ва Черногорияга сезиларли ҳудудлар берилди, ҳарбий харажатларни қоплаш учун контрибуция солинди.

1878 йил 13 июль куни Берлин конгрессига мувофиқ султон Боснияни Австрияга, Кипрни инглизларга, Фессалия ва Эпирнинг бир қисмини грекларга топширди.

Берлин конгресси давом этаётган пайтда, Абдулҳамид халқнинг эътибори ички аҳволдан чалғиганини кўриб парламент сессиясини тарқатиб юборди. Парламент 1908 йилги инқилобгача қайта чақирилмади. Султон ҳокимиятни ўз қўлига олди. У тахтдан кулатишларидан кўрқиб ўзига кўплаб соқчиларни хизматга олди ҳамда мамлакатни махфий полиция ва жосусларга тўлдирди. Абдулҳамидни тахтга олиб чиққан «Турк конституцияси отаси» Мидхат пошшо фитнада айбланиб ўлимга ҳукм қилинди. Оқлангач Арабистонга сургун қилинди ва ўша ерда вафот этди.

1882 йили Усманийлар давлати ўзини банкрот деб эълон қилди ва заёмларга фоиз тўлашни тўхтатди. Чет эл кредиторлари томонидан «Усманийлар давлати қарзлари бўйича кенгаш» номи комиссия тузилди. Бу кенгаш давлатнинг баъзи даромадлари устидан назорат ўрнатди (комиссия 5 аъзодан иборат бўлиб, 5 йил муддатга тайинланарди: Лондонда чет эл облигациялари синдикати, Рим савдо палатаси ва Вена, Париж ва Берлинда Усманийлар давлати кредиторлари синдикати).

Абдулҳамид қуролли кучларни ғарбий европаликлар даражасига етказиш учун чоралар кўрди. Қўшинда бир қатор ислохотлар ўтказилиб аскар ва зобитлар тайёргарлиги яхшиланди. Мусулмонларга умумий ҳарбий мажбурият юкланди. Ҳарбий таркибни кучайтириш ниятида германиялик генерал Кольмар фон дер Гольц таклиф этилди ва унинг жуда катта ёрдами тегди. Зобитлар тайёрлаш учун

4 босқичли ҳарбий мактаблар ташкил этилди. Таълим тизими замонавий талабларга жавоб берарди. Ҳарбий мактаблар ўқитувчилари чет элликлар, асосан, немислар эди. Таълим олаётган зобитлар чет тилини ўрганишлари шарт бўлган.

Бу мактабларни битирган зобитлар Усманийлар давлатининг энг зиёли ва европача таълим олган кишилари эди. Натижада зобитлар орасида султонга нисбатан мухолифат юзага келди. Бир нечта инқилобий партиялар тузилди, улардан энг йирик ва кучлиси ёш туркларнинг «Иттиҳод ва адолат» партияси эди.

**Зулм. Ёш турклар инқилоби ва султонни ағдариш.** 1877 йил бошида Мидхат пошшонинг лавозимидан олиб ташланиши, «янги усмонийлар»га қарши қатағонлар, 1878 йил февралда парламентнинг тарқатиб юборилиши яккахукмронлик тизими (зулм номини олган)ни ўрнатди

1890 йиллар охирида зулм турк жамиятида, аввало, ёш турклар томонидан мухолиф кайфиятда кутиб олинди. 1908 йилги ёш турклар инқилоби натижасида Абдулҳамид 1876 йили бекор қилинган конституцияни тиклашга мажбур бўлди.

1909 йил 27 апрелда ёш турклар томонидан аксилинқилобий исён бостирилгач, султон тахтдан туширилди ва ҳибсга олинди. 1912 йилгача Салоникида сақланди, кейин Истанбулга олиб борилди ва ўша ерда 1918 йили вафот этди.

**Муҳаммад V (1844 йил 2 ноябрь – 1918 йил 3 июль)** – усмоний ҳукмдор (1909 йил 27 апрель – 1918 йил 3 июль). Абдулмажиднинг ўғли, Абдулҳамид II ёш турклар томонидан ағдарилгандан сўнг тахтга чиқарилган. Муҳаммад V Усманийлар давлати тарихида биринчи конституциявий монарх бўлди. Султонда фақат шайхул-исломни ва вазир аъзамни тайинлаш ҳуқуқи қолди. Муҳаммад V даврида ҳокимиятни амалда «Иттиҳод ва тараққиёт» партияси марказий кенгаши, 1913 йилдан «триумвират» – Анвар пошшо, Талъат пошшо ва Жамол пошшо бошлиқ гуруҳ бошқарди.

**Триполитания уруши.** Бу уруш натижасида Усманийлар давлати ўзининг Африкадаги сўнги мулки – Ливиядан айрилди.

1914 йил ноябрда Усманийлар давлати Биринчи жаҳон урушига кирди.

**Муҳаммад VI (1861 йил 2 февраль – 1926 йил 15 май)** – сўнги усмоний ҳукмдор (1918–1922). Биринчи жаҳон уруши якунланаётган пайт (1918 йил 4 июль)да тахтга чиқарилган. Собиқ султон 1926 йили Сан-Ремода вафот этган, сўнгра Дамашқда дафн этилган.

Усманийларнинг асосий кучлари 1918 йил сентябрь – октябрда Фаластин, Сурия ва Ироқда инглизлар томонидан мағлуб этилди. Болгариядаги Салоники фронтидаги қўшин таслим бўлгач, иттифоқчилар Константинополга бостириб киришга тайёрлана бошладди. 1918 йил 31 октябрда Мудрос бўғозида ёш туркларнинг вакиллари иттифоқчилар таклиф этган сулҳни имзолашди. Унга кўра турк қўшини қуролсизланиши шарт эди. Ироқ, Сурия, Фаластин, Трансильвания, Миср, Арабистон яриморали ва Ливия Усманийлар давлатидан ажратилди, у ерларда Антанта давлатлари мандати ўрнатилди. Урушдаги мағлубият ёш туркларнинг ўн йиллик ҳукмронлигига барҳам берди. 1918 йил 3 ноябрда ёш туркларнинг раҳбарлари Германияга қочиб кетишди, «Иттиҳод ва тараққий» партияси эса ўзининг тарқатилганини маълум қилди. 13 ноябрда иттифоқчилар қўшини Истанбулга яқинлашди, 14 ноябрда эса шаҳарга кириб келди.

Муҳаммад VI 1918 йил 21 декабрда парламентни тарқатиб юборди ва Домод Фарид пошшони вазир этиб тайинлади. Бу вақтда Усманийлар давлати Истанбулдаги Антанта вакилларига тўла қарам бўлиб қолганди. 1919 йил май ойида греклар қўшини Измир ва унга қўшни ҳудудларни эгаллади. Мустафо Камол пошшо 1919 йил давомида Анатолиядаги озодлик ҳаракатига раҳбарлик қилди. 1920 йил январда янги парламент чақирилди, парламент аъзоларининг кўпчилиги Мустафо Камол тарафдорлари эди. 16 мартда эса инглиз қўшини парламентни тарқатиб юборди. Бунга жавобан Мустафо Камол тарафдорлари Анқарада «Буюк миллат мажлиси» деб номланган янги парламент ташкил этишди. Бу парламент ўзини мамлакатдаги қонуний ҳокимият деб эълон қилди. Парламент султонга бўйсунмасликни тарғиб этди. Бунинг учун султон Мустафо Камолни исёнчи деб эълон қилди ва уни ўлимга ҳукм қилди.

1919 йил бошида ёш туркларга муҳолиф бўлган ва инглизлар манфаатини ҳимоя қилувчи партия вужудга келди. Бироқ улар назоратида фақат Истанбул атрофи бор эди, холос.

1920 йил 16 март куни султон Муҳаммад VI нинг розилиги билан Истанбулга инглиз қўшинлари кирди ва шаҳар оккупация қилингани расман эълон қилинди. Парламент тарқатиб юборилди, депутатлар қибсага олинди. Бунга жавобан 1920 йил апрелда Анқарада Мустафо Камол пошшо бошчилигида миллий мажлис чақирилди. 3 май куни Мустафо Камол бошлиқ ҳукумат ташкил қилинди. Туркларнинг маъруз ҳаракатини инглизлар исён деб баҳолашди ва уни бости-



ришни Грецияга юклашди. 1920 йил июнда греклар Измирдан Анатолия ичкарасига юриш бошлади. Бир ойдан сўнг Эдирна олинди. 10 августда Севр (Париж яқини)да султон ҳукумати ва иттифоқчилар ўртасида сулҳ имзоланди. Сулҳда Шарқий Фракия ва Эдирна, шунингдек, Измир Грецияга, Мосул Англияга ўтиши белгиланди.

1922 йил 18 сентябрда турклар мамлакатни греклардан тозалашди. 1922 йил 1 ноябрда Мажлис томонидан султонлик тугатилгани маълум қилинди. Шу тариқа олти асрдан ошиқроқ яшаган Усманийлар империяси қулади. 16 ноябрь куни Муҳаммад VI инглиз маъмурларига мурожаат этиб ўзини Истанбулдан олиб чиқиб кетишларини сўради. 17 ноябрда инглизларнинг «Малайя» линкорида Истанбулни тарк этиб Мальта соҳилларига ўрнашди.

1923 йили Лозанна шартномаси бўйича Туркиянинг ҳозирги chegarалари белгиланди. 1923 йил 29 октябрда Туркия республика деб эълон қилинди ва Мустафо Камол Туркиянинг биринчи президенти бўлди (1923 – 1938).

## ЭРОН

**Зандлар (1750 – 1794)** – Эронда ҳукмронлик қилган сулола. Сулола асосчиси лур қабиласига мансуб Муҳаммад Карим Занд. У Нодир Афшор ўлиmidан сўнг юзага келган бошбошдоқликдан фойдаланиб тахтга чиққан. 1763 йили Озарбайжонни эгаллаб Эронни бирлаштирди. Фақат Хуросонда Нодир Афшор авлоди ҳукмронлик қиларди.

### Зандлар сулоласи ҳукмдорлари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Муҳаммад Карим	1750 – 1779
2.	Абулфатҳ, Муҳаммад Карим ўғли ва Муҳаммад Али, Муҳаммад Карим ўғли	1779
3.	Муҳаммад Содик, Муҳаммад Иноқ ўғли	1779 – 1782
4.	Али Мурод, Кайтус ўғли	1782 – 1785
5.	Жаъфар, Муҳаммад Содик ўғли	1785 – 1789
6.	Лутф Али, Жаъфар ўғли	1789 – 1794

**Муҳаммад Карим Занд (1705 – 1779).** 1747 йили Карим, Абдулфатҳ ва Али Мардон давлатни бўлишиб, тахтга Исмоил III ни чиқарди.

ришга келишиб олишди. Бироз вақтдан сўнг Али Мардон Исфаҳонга юриш қилди ва Абдулфатҳ ўлдирилди. Келишув бузилганидан сўнг, Қарим Али Мардонни ўлдирди ҳамда Хуросондан бошқа Эроннинг барча ҳудудини қўлга киритди.

1750 йили Шерозни пойтахт қилди. 1763 йили Озарбайжоннинг жанубий қисмини эгаллади ва Эронни бирлаштиришни якунига етказди.

Муҳаммад Карим Британия империяси билан яхши муносабат ўрнатди. Ост-Индия компанияси билан савдони ривожлантириб, Форс кўрфазидаги Бушер бандаргоҳини компанияга берди. У 1779 йил 13 март куни вафот этди, ўлиmidан сўнг қариндошлари ўртасида тахт таллашиш бошланди. Ўғли Абул Фатҳ отасидан фақат майхўрликни мерос қилиб олган бўлиб, давлат бошқарувида тажрибасиз эди. У амакиси Закий томонидан ағдарилди ва яна ўрнатилди. Кейин бошқа амакиси Муҳаммад Содик томонидан ағдарилиб кўр қилинди. Муҳаммад Содикнинг ўзи эса 1782 йили пойтахтни Исфаҳонга кўчирган зандийларнинг бошқа вакили Али Мурод томонидан ағдарилиб қатл этилди. Ўша вақтда унга қарши Оға Муҳаммад ҳаракат бошланди, Али Мурод қожорларга қарши курашишга отланиб турган пайтда Муҳаммад Содикнинг ўғли Жаъфар исён кўтарганидан хабар топди. Юриш йўналишини ўзгартириб Жаъфар исёнини бостириш учун ҳарикат бошлади ва кутилмаганда вафот этди (1785). Ўз навбатида, қожорлар Исфаҳонга юриш бошлашди, шаҳарни жангсиз эгаллаб талон-торож қилишди. Жаъфар Шерозга қочди ва ўша ерда фитна тўфайли ўлдирилди (1789). Унинг ўғли Луф Али ҳукмдор бўлди.

1791 йили қожорлар хоинлик сабабли Шерозни олишди. 1794 йили зандларнинг сўнги таянчи Кирмонни эгаллаб Зандлар давлатига хотима беришди. Зандларнинг охириги ҳукмдори Лутф Алини қожорлар қатл этди.

**Қожорлар (1779 – 1925) – Эронда ҳукмронлик қилган туркий сулола. Оға Муҳаммад Қожор асос солган. Қожорлар даврида пойтахт Техронга кўчирилди. Қожорлар мўғуллар босқинидан сўнг Арманистон ҳудудига ўрнашишган. Кейин сафавийларнинг тарафдори сифатида қизилбошларнинг бирлашиш жараёнида иштирок этишган. 1554 йили Ганжага ўрнашишган ва Қорабоғ устидан ҳукмронлик ўрнатишган. Қожор ҳукмдорлари «Шаҳаншоҳи Эрон, мўжуди аъло ҳазрат ақдаси хумоюн» деб номланиб кўкларга кўтарилган.**

## Қожорлар сулоласи ҳукмдорлари

### Қожор бегларбеглари

1. Муҳаммад Ҳасан (1715 – 1758), Мир Фатҳ Али ўғли – Астробод, Журжон, Мозандарон ва Ғилон бегларбеги (1747 – 1758).
2. Оға Муҳаммад, Муҳаммад Ҳасан ўғли (1742 – 1797) – Озарбайжон бегларбеги (1758 – 1796).
3. Ҳусайнқули (1749 – 1777), Муҳаммад Ҳасан ўғли – Дамғон (1769 – 1777) ва Журжон (1777) бегларбеги.

### Қожор ҳукмдорларининг валиаҳдлари

1. Аббос мирзо (1789 – 1833), Фатҳ Али ўғли, валиаҳд (1800 – 1833).
2. Муҳаммад (1808 – 1848), Аббос мирзо ўғли, валиаҳд (1834).
3. Носириддин (1831 – 1896), Муҳаммад ўғли, валиаҳд (1835 – 1848).
4. Музаффариддин (1852 – 1907), Носириддин ўғли, валиаҳд (1862 – 1896).
5. Муҳаммад Али (1872 – 1924), Музаффариддин ўғли, валиаҳд (1896 – 1907).
6. Султон Аҳмад (1897 – 1930), Муҳаммад Али ўғли, валиаҳд (1907 – 1909).
7. Муҳаммад Ҳасан (1899 – 1943), Муҳаммад Али ўғли, валиаҳд (1909 – 1925).

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари	яшаган йиллар
1.	Оға Муҳаммад, Муҳаммад Ҳасан ўғли	1797	1741 – 1797
2.	Фатҳ Али, Ҳусайнқули ўғли	1797 – 1834	1772 – 1834
3.	Муҳаммад, Аббос мирзо ўғли	1834 – 1848	1810 – 1848
4.	Носириддин, Муҳаммад ўғли	1848 – 1896	1831 – 1896
5.	Музаффариддин, Носириддин ўғли	1896 – 1907	1853 – 1907
6.	Муҳаммад Али, Музаффариддин ўғли	1907 – 1909	1872 – 1924
7.	Султон Аҳмад, Муҳаммад Али ўғли	1909 – 1925	1898 – 1930

## Кувғиндаги қожорлар

1. Султон Аҳмад (1897 – 1930), Муҳаммад Али ўғли, кувғиндаги шаҳаншоҳ (1925 йилдан).

2. Муҳаммад Ҳасан (1899 – 1943), Муҳаммад Али ўғли, кувғиндаги валиаҳд (1925 – 1930). Кувғиндаги шаҳаншоҳ (1930 йилдан).

3. Фаридун мирзо (1922 – 1975), Султон Аҳмад ўғли, кувғиндаги валиаҳд (1930 йилдан).

**Оға Муҳаммад (1741 – 1797)** – қожорлар сулоласи асосчиси, Эрон шоҳи (1779 – 1797). Оға Муҳаммад туркий қожор қабиласининг сардори бўлган. Унинг отаси Муҳаммад Ҳасан бир қанча вақт Нодиршоҳнинг жияни Одил ҳузурида сарой эшикоғаси бўлган. Нодир 1749 йили ўлдирилганидан сўнг, давлатда бошбошдоқлик бошланди. Афғонлар Қандаҳорда мустақиллик эълон қилишди. Эроннинг ўзида эса тахт талашиш бошланди. Зандлар тахтни эгаллаб, кураш тўхтади.

1760 йили Муҳаммад Ҳасан зандийларга қарши жангда мағлуб бўлиб асирга тушди ва шоҳ Карим Занд буйруғи билан қатл этилди. Олти яшар Оға Муҳаммад эса Карим Занднинг буйруғига кўра бичиб қўйилди, бу воқеа унинг келажақда золимона ҳаракатларига сабаб бўлгани айтилади. 1762 йили ёш Оға Муҳаммад укалари билан гарон тариқасида Шерозга Карим Занд олдига юборилди.

1779 йили Карим Занд ўлимидан сўнг Оға Муҳаммад Шероздан қочиб қожорлар бошига ўтиб олди. У Мозандарон ва Ғилонни бўйсундириб зандларга қарши кураш бошлади. 1785 йили Зандлар давлати пойтахти Исфаҳонни эгаллаб талон-торож қилди. Ўша йили Қум ва Техронни ҳам босиб олди ва Техронни пойтахтга айлантирди. 1791 йил баҳорида зандларнинг бошқа пойтахти Шерозни олиб вайрон этди. Ваҳшийликлар давомида Карим Занд гўридан чиқарилиб Оға Муҳаммаднинг Техрондаги саройи остонасига кўмилди. 1794 йили беш ойлик қамалдан сўнг зандларнинг сўнгги таянчи Кирмон олинди. Шаҳар уч ойга аскарлар ихтиёрига топширилди, шаҳар ақолисининг кўпчилиги қириб ташланди, 20 минг эркак кўр қилинди, 8 минг аёл аскарларга берилди, қолганлар қулга айлантдирилди. 600 қосилган бошдан минора ясалди. Сўнгги зандий ҳукмдор Лутф Алининг кўзи ўйилди, сўнг оёқ-қўллари кесиб ташланди.

1795 йили Оға Муҳаммад Нодиршоҳнинг кекса ўғли Шоҳрух ҳукмронлик қилаётган Хуросонга кирди. Шоҳрух жангсиз таслим

бўлди, лекин бу тадбир уни сақлаб қололмади. Отасини яширган хазинани айтиши учун қаттиқ қийноққа солинди ва шу сабабдан ҳалок бўлди. Ўша йили Оға Муҳаммад Грузияга юриш қилди. У грузин қўшинини Крцанис жангида мағлуб этиб грузинлар пойтахтига кирди. Шаҳарни вайрон этиб аҳолини қирғин қилди, қарийб 22 минг киши қул қилиб ҳайдаб кетилди.

1796 йил баҳорида Муғон чўлида бўлган қурултойда Оға Муҳаммад шоҳ деб эълон қилинади. 1797 йили русларга қарши ҳаракат бошлаб Валериан Зубов бўлинмасини тор-мор этди. Кейин Грузияга юриш қилишга тайёрлана бошлади, лекин Шушада қароргоҳида хизматкорлари томонидан ўлдирилди.

**Фатҳ Али (1772 – 1834) – Эрон шоҳи (1797 – 1834), Оға Муҳаммаднинг жияни.**

Фатҳ Али даврида рус-эрон урушлари (1804 – 1813, 1826 – 1828) бўлиб ўтди. Биринчи уруш натижасида Гулистон сулҳи (1813) тузилиб, Эрон Баку, Қуба ва Дарбанд хонликларидан айрилди. Грузиянинг қолган қисми, Имеретия, Мингрелия, шунингдек, Доғистон, Ширвон, Шеки, Ганжа, Қорабоғ ва Толиш русларга топширилди.

Британия ҳукумати Наполеоннинг Мисрдаги хатти-ҳаракатларидан хавотирланиб 1807 йили Техронга элчилар гуруҳини юборди ва Эрон ҳукуматида шубҳа уйғотмаслик учун дўстлик ғаразсиз эканлиги таъкидланди. 1814 йили эса Эрон ва Англия ўртасида Россияга қарши мудофаа иттифоқи тузилди. Лекин иккинчи рус-эрон уруши (1826 – 1828) давомида Англия Эронга ҳеч қандай ёрдам кўрсатмади. Англия бунга Эроннинг биринчи бўлиб уруш бошлаганини баҳона қилди. 1828 йилги Туркманчай сулҳига кўра Россияга Эриван ва Нахичеван хонликлари ўтди. Фатҳ Алининг ўғли Аббос русларга қарши ҳар икки урушда қўшинга қўмондонлик қилди, у тахт вориси эди, лекин отаси ўлимидан бир неча ой олдин вафот этди.

**Муҳаммад (1810 – 1848) – Эрон шоҳи (1834 – 1848). Фатҳ Али невараси, Аббос ўғли.**

Муҳаммад даврида рус ва инглизлар Эронни асоратга солишни бошлашди. Ҳирот қамали (1837) пайтида шоҳ қўшинида рус офицерлари бўлиб, қамални рус элчиси Симонич бошқарди. Афғонистонга эса Англия ёрдам берди ва афғонлар ғалабага эришди. 1846 йили шоҳ Россия билан битим тузди, битимга кўра руслар савдо қилишда кўплаб имтиёзларга эга бўлишди, шунингдек, Решт ва Астрободда мунтазам ҳарбий кема сақлаш ҳуқуқи қўлга киритилди.

**Насриддин (1831 – 1896) – Эрон шоҳи (1848 – 1896).** Муҳаммаднинг ўғли. Ёшлигида Табризда яшаган. Отаси вафотидан сўнг, 1848 йили, тахтга чиқарилган. 1873, 1878 ва 1879 йилларда Европа бўйлаб саёҳат қилган. Шоҳнинг Эронни европалаштиришга уриниши қаттиқ қаршиликка дуч келди. Бироқ унинг ташаббуси билан мамлакатда телеграф тортилди, ҳарбий мактаб ишга туширилиб, француз мутахассислар жалб этилди. Техронда француз мактаби иш бошлади, унда тарих, география, кимё ва тиббиёт каби фанлар ўқитилган.

Насриддин ислохотларига бобийлар қаттиқ қаршилик кўрсатди. Улар 1869 йили батамом тор-мор келтирилган.

**Эронда бобийлар кўзғолони.** XIX аср ўрталарида ҳунармандлар, доҳқонлар билан бир қаторда шаҳар ва қишлоқ аҳолиси бошқа қитламларининг моддий, маиший аҳволи оғирлашди. Язд, Кармана, Тибриз, Шероз ва Исфаҳонда бўлган халқ ғалаёнлари мамлакатни ларзага келтирди.

Шоҳ Насриддиннинг ислохотларига қарши кураш бобийларнинг асосий мақсади эди. Боб – Саид Али Муҳаммад (1820 – 1850) Шерозда кичик савдогар оиласида дунёга келиб, ёшлигиданоқ отасидан ажраган, амакиси қўлида тарбия топган. 18 ёшида Шероздан Бандар-Бушига кўчди ва 5 йил савдо ишлари билан шуғулланди. Ислом динининг турли масалаларини, христианлик, зардуштийлик, буддизм ва бошқаларни зўр қизиқиш билан ўрганди.

1843 йили Шайх Козим вафот этгач, ўзини «боб» деб эълон қилди қамда марҳум шайх мухлислари орасида дунё адолатсизликка тўлиб-тошганини, имом Маҳдий юборган боб инсонларга ҳақиқатни келиб беришини тарғиб қила бошлади. У хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқли бўлишини ёқлади. Боб меросхўрлик ва инсон ҳуқуқларига оид инн бир қатор расм-русумлар ҳам ишлаб чиққанди. Таълимотда савдо ишига ва савдогарларга алоҳида эътибор берилди.

Бобийлар Шайх Табарсий деган гўрхона (мозор)ни эгаллаб, атрофига ўрнаша бошлади. Уларнинг бутун мулки умумий бўлиб, умумий қозонда овқат қилинарди. Бобийлар тарафдорлари мамлакатнинг бошқа қисмларидан келиб қўшилаверди.

1849 йили мутаассиб бобийлар Мозандароннинг янги ҳокими Маҳдиқулишоҳнинг икки минг кишилик қўшинини тор-мор этди. Шоҳ ҳукумати Мозандарондаги Шайх Табарсий қалъасини катта кучлар билан қамалга олди ва қалъа деворларини қулатди. Боб ҳукумат қўшинлари бошлиқларига, агар бобийлар қалъадан беши-

каст чиқариб юборилса, курашни тўхтатишга розилик билдирди. Бироқ ҳукумат кўшинлари бу гапларга эътибор бермай Саид Али Муҳаммадни қўлга туширишди.

Мозандарон кўзғолони бостирилса-да, ҳаракат тўхтамади. Саид Али Муҳаммад қамоқда бўлишига қарамай, шуҳрати мамлакат бўйлаб тарқалаверди, унинг қўлини олиб гуноҳлардан қутулиш учун ҳатто Туркия, Ҳиндистондан издошлари кела бошлади.

1850 йил май ойида бобийлар Занжон шаҳар кўрғонини қўлга киритдилар. Шоҳ Насриддин кўшини кўрғонни 6 ой давомида қамал қилди. 1850 йил июль ойида Али Муҳаммад маҳкамага тортилиб қатл этилди. Ўша йили кўзғолон маркази Нейриздан Яздга кўчди.

Нейриз бобийлар кўзғолони кечган энг сўнгги шаҳар бўлди. 1850 йилдан бошлаб кўзғолон алангалари мамлакатда бирин-кетин сўнди.

Бобийлар кўзғолонида хотин-қизлар ҳам қатнашган.

**Париж сулҳи (1857).** Эрон узоқ вақт Ҳиротни эгаллашга уринди. 1856 йили кўшин Машҳаддан чиқиб Ҳирот остоналарига етиб борди, бунга жавобан Англия Эронга қарши уруш эълон қилди. 1857 йил 4 мартда инглизлар мамлакат ҳудудининг баъзи қисмларини эгаллагач, Парижда сулҳ имзоланди. Сулҳга кўра Англия ўз кўшинларини Эрондан олиб чиқиб кетиш, Эрон эса Ҳирот ва Афғонистоннинг бошқа шаҳарларига ҳудудий даъволаридан ҳеч қандай шартларсиз воз кечиш мажбуриятини олди. Англияни Эрон билан бундай тез сулҳ тузишга 1857 йили Ҳиндистонда инглизларга қарши бошланиб кетган халқ кўзғолони мажбур қилганди.

Насриддин Англияга қарши муваффақиятсиз уруш олиб борди. Россия 1856 йили Ҳиротни олгач, шоҳ руслар томонга ўтди.

Насриддин Хива хонлиги, Салор туркманлари ва Масқат имомига қарши олиб борган урушида ҳам тайинли натижага эришмади. 1896 йили 1 май куни Насриддин суиқасд натижасида ўлдирилди.

**Музаффариддин (1853 – 1907)** – қожорлар сулоласига мансуб Эрон шоҳи (1896 – 1907). Насриддиннинг иккинчи ўғли, узоқ йиллар Озарбайжон ноибни бўлган ва Табризда яшаган. Шоҳ француз тилини яхши билган. Унинг ташаббуси билан кўплаб француз, немис, инглиз ва рус китоблари форс тилига ўғирилди. Шунингдек, «Носирий» номли газета чиқа бошлади.

У ҳукмронлиги даврида давлатни иқтисодий жиҳатдан оғир аҳволга солиб қўйди. Уч марта Европага саёҳат қилди, ўзининг даб-дабали саёҳати учун рус шоҳи Николай II дан қарз олди. Биринчи

саёҳати вақтида Парижда Эрон киносига асос солди. Харажатларни қоплаш мақсадида бир қатор фирмаларга Эрон бозори ва саноатини назорат қилишга имкон берди.

Бу каби ишлардан норози бўлган зодагонлар Мажлис тузишни талаб этишди ва 1906 йил октябрда шоҳ ҳокимиятини чекловчи конституция қабул қилинди. Конституция қабул қилинганидан 40 кун ўтгач шоҳ юрак хуружидан вафот этди.

**Муҳаммад Али (1872 – 1924)** – қожорлар сулоласига мансуб Эрон шоҳи (1907 – 1909). Музаффариддиннинг катта ўғли. 1907 йил январда, отаси вафотидан сўнг, тахтга чиқарилган.

Тахтга чиқишидан олдин отаси томонидан 1906 йили қабул қилинган конституцияга амал қилишни таъкидлаган, лекин ваъдасини бажармаган. 1907 йил 1 май куни Мирза Али Асғарни бош вазир лавозимига тайинлади. У илгари икки марта (1888 – 1896, 1898 – 1903) шу лавозимда хизмат қилганди. Лекин 31 август куни Мирза Али Асғар табризлик Аббос Оға исмли киши томонидан ўлдирилди. 1908 йил 15 февралда шоҳга қарши ҳам суиқасд уюштирилди, лекин Муҳаммад Али шикастланмади. Шоҳ навбатдаги суиқасддан хавотирланиб 3 июнь куни Техрон шаҳри ташқарисидаги қароргоҳга жойлашди. 24 июнда Муҳаммад Али давлат тўнтариши қилиб Мажлисни тарқатиб юборди.

1908 йили Табризда шоҳ ҳукуматига қарши исён бошланди. 1909 йил январда Бахтиёр сардорлари томонидан қўллаб-қувватланган конституция тарафдорлари Исфаҳонни ишғол этишди. Кетидан Гишонда ҳам исён бошланди. Бушер, Бандар Аббос ва бошқа шаҳарлар шоҳга қарши кучларга ўтди.

1909 йил 13 июлда исёнчилар Техронга кирди. 16 июлда собиқ Мажлис аъзолари йиғилган фавқулодда кенгаш чақирилди. Кенгаш Муҳаммад Али тахтдан туширилганини ва ўрнига 11 яшар ўғли Аҳмад чиқарилганини эълон қилди. Муҳаммад Али Россия миссияси қароргоҳига яширинишга, кейин Россияга кетишга мажбур бўлди. У 1911 йили Астрободда пайдо бўлиб ҳокимиятини тиклашга уринди, бироқ ҳукумат қўшинлари Муҳаммад Али қўшинини тор-мор келтирди. Сўнг Одессада яшади, инқилоблардан кейин, 1920 йили, Истанбулга, сўнгра умрининг охиригача яшаган Сан-Ремо (Италия)га кўчиб ўтди.

**Султон Аҳмад (1898 – 1930)** – қожорлар сулоласига мансуб Эроннинг сўнгги шоҳи (1909 – 1925). Муҳаммад Алининг ўғли. 1909 йили, отаси тахтдан ағдарилгач, ўрнига қўйилган. Амалда



ҳеч қандай ҳокимиятга эга бўлмаган, давлатни унинг номидан муҳим лавозимларни эгаллаган бахтиёрлар қабиласи сардорлари бошқарган. 1923 йили Европага сургун қилинган. Расман 1925 йил 31 октябрда Ризо Паҳлавий томонидан тахтдан маҳрум қилинган ва Францияда қувғинда яшаган.

## АРАБИСТОН ЯРИМОРОЛИ

**Саудийлар давлати.** Шимолий ва Марказий Арабистон яриморлида ташкил топган давлат (1744 – 1817, 1824 – 1891, 1902 йилдан бери мавжуд). Пойтахти – Дарийя (1744 – 1817), Ар-Риёд (1824 – 1891, 1902 йилдан). Давлат тили – араб тили. Давлат тизими – монархия.

### Биринчи Саудийлар давлати раҳбарлари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Муҳаммад ибн Сауд	1735 – 1765
2.	Абдулазиз ибн Муҳаммад	1765 – 1803
3.	Сауд ибн Абдулазиз	1803 – 1814
4.	Абдуллоҳ I ибн Сауд	1814 – 1818

1818 – 1822 йилларда усмонийларга тобе.

### Иккинчи Саудийлар давлати раҳбарлари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Туркий ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад	1822 – 1834
2.	Мушорий ибн Абдурраҳмон	1834
3.	Файсал I ибн Туркий	1834 – 1838

1838 – 1843 йилларда усмонийларга тобе.

### Миср вассаллари бўлган саудийлар

4. Холид ибн Сауд (1838 – 1841).
5. Абдуллоҳ II ибн Сунайён (1841 – 1843).

	Файсал I ибн Туркий	1843 – 1865
6.	Абдуллоҳ III ибн Файсал I	1865 – 1871
7.	Сауд II ибн Файсал I	1871 – 1874
	Абдуллоҳ III ибн Файсал I	1874 – 1887
8.	Муҳаммад ибн Сауд II	1887

1887 – 1889 йилларда ҳаиллик рашидийларга тобе.

### Рашидийларга тобе саудийлар

9. Абдурраҳмон I ибн Файсал.  
10. Муҳаммад ибн Файсал (Мутаввий).

1891 – 1902 йилларда Муҳаммад ибн Рашид саудийлар мулкини эгаллади, саудийлар вақтинчалик фаолиятини тўхтатди.

11. Абдулазиз ибн Абдурраҳмон – Ар-Риёд амири (1902 – 1926), Нажд ва Ҳижоз қироли (1926 – 1932).

### Саудия Арабистони қироллари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари	яшаган йиллари
1.	Абдулазиз ибн Абдурраҳмон	1932 – 1953	1880 – 1953
2.	Сауд ибн Абдулазиз	1953 – 1964	1902 – 1969
3.	Файсал ибн Абдулазиз	1964 – 1975	1903 – 1975
4.	Холид ибн Абдулазиз	1975 – 1982	1912 – 1982
5.	Фаҳд ибн Абдулазиз	1982 – 2005	1921 – 2005
6.	Абдуллоҳ ибн Абдулазиз	2005 – ...	1924 – ...

Арабистон яримороли 1574 йили Салим II томонидан узил-кесил Усманийлар давлатига қўшиб олинди. Икки асрга яқин вақт давомида Арабистон яримороли усмонийлар ҳукмронлиги остида бўлди. Араблар усмоний султон Маҳмуд I (1730 – 1754)нинг эътиборсизлигидан фойдаланиб мустақил давлат тузишга биринчи қадамларни қўйишган. Ўша даврда арабларнинг Ҳижоздаги саудийлар ва рашидийлар уруғи энг катта таъсирга эга эди.

**Биринчи Саудийлар давлати (1744 – 1817).** Саудийлар давлати 1744 йили Арабистон яриморолининг марказида юзага келди.

Маҳаллий ҳоким Муҳаммад ибн Сауд ва диний етакчи Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб кучли давлат тузиш учун бирлашди. Саудийлар Наждда ҳукмронлик ўрнатгач Арабистон яриморолини тўла эгаллаш учун ҳаракат бошлади. Улар ҳаттоки Ҳижознинг энг йирик шаҳарлари – Макка ва Мадинани ишғол қилишди. Бундан ташвишга тушган Усманийлар давлати саудийларга қарши ҳарбий ҳаракат бошлади. Султон Миср ҳукмдори Муҳаммад Алига саудийларни тор-мор қилишни топширди. 1817 йили Муҳаммад Алининг ўғли Иброҳим Наждга юриш қилиб саудийларни енгди. Дарийя шаҳри вайрон қилиниб, саудий ҳукмдор Абдуллоҳ ибн Сауд Истанбулга жўнатилди. Ўша ерда 1819 йили қатл этилди. Шу тариқа Арабистон яриморолида 73 йил ҳукмронлик қилган Биринчи Саудийлар давлати тугатилди.

**Иккинчи Саудийлар давлати (1824 – 1891).** Усманийлар Арабистон яриморолида мустақил давлат тузилишига қаршилик қилишига қарамай, 1824 йили саудийлар иккинчи марта давлатларини тиклашди, бу сафар пойтахт Ар-Риёд шаҳри бўлди. Мазкур давлат бор-йўғи 67 йил фаолият кўрсатди ва саудийларнинг эски душманлари – Ҳаилдан бўлган рашидийлар томонидан тугатилди. Саудийлар оиласи Қувайтга қочиб, ўша ерда жон сақлади.

**Учинчи Саудийлар давлати. Абдулазиз ибн Абдурраҳмон Ол Сауд (1880 – 1953).** *1880 йил 26 ноябрда Ар-Риёдда туғилган. 1953 йил 9 ноябрда Тоифда вафот этган.*

Рашидийлар Ар-Риёдни олгач саудийлар оиласини Қувайтга сургун қилди. Абдулазиз 1901 йили Ар-Риёдни эгаллаш учун қўшин тўплаш бошлади. 1902 йил 15 январдан 16 январга ўтар кечаси 60 кишилик гуруҳи билан Ар-Риёдни олди ва рашидийлар ноибини йўқ қилди. 1904 йили рашидийлар саудийларни ағдариш учун Усманийлар давлатидан ёрдам сўради. Турклар Арабистон яриморолига қўшин жўнатди, бироқ қўшин енгилиб қайтиб кетди.

1912 йилга келиб Абдулазиз бутун Наждни қўлга киритди. У йирик бадавий қабилалар устидан тўлиқ назорат ўрнатиш учун уларни ўтроқлашишга мажбур этди. Бунинг учун «Ихвонлар» деб номланувчи гуруҳлар тузди. Улар махсус манзилгоҳлар барпо этиб, ўша ерларда ўрнашишди. 1915 йилга келиб 60 минг киши яшайдиган 200 дан ортиқ манзилгоҳлар ташкил қилинди.

Биринчи жаҳон уруши пайтида саудийлар Британия империяси тарафида туришди. Уларнинг рақобатчиси рашидийлар эса Усманийлар давлати томонида эди. Уруш якунланиб, Усманийлар давлати ўзининг барча мустамлакаларидан айрилгач, инглизлар

рашидийларни жазолаш учун саудийларга ёрдам беришди. 1920 йили инглизлардан етарли қурол-яроғ олган Абдулазиз Рашидийни узил-кесил мағлуб этди. Усмонийлар давлати тугатилиши арафасида Арабистон яриморолида 5 та мустақил давлат ташкил топганди: Ҳижоз, Нажд, Жабал Шаммор, Асир ва Яман.

Абдулазиз 1921 йил апрель – май ойларида Жабал Шамморни эгаллашга уринди, бироқ фақат августдагина рашидийлар пойтахти Ҳаил эгалланди. Ўша йил 1 ноябрда Жабал Шаммор давлати тугатилди.

1922 йили Абдулазиз жангсиз Асир шимолини эгаллади, 1924 йили эса тарафдорларини Ҳижозни олишга чақирди. Сентябрь ойида ихвонлар Тоифга кириб боришди. Тоиф зодагонлари Абдулазиз ҳукмронлигини тан олди. Октябрь ўрталарида ихвонлар Маккани олишди. 1925 йил январда Жидда қамали бошланди. 6 декабрда Мадина шаҳри эгалланди. 22 декабрь куни Макка шарифи Али Жиддадан кўчиб кетиши билан, у ерга Нажд қўшини кирди. Ўша йили Абдулазиз Маккани олиб ҳошимийларнинг 7 асрлик ҳукмронлигига барҳам берди. 1926 йил 10 январда Абдулазиз Ҳижоз қироли деб эълон қилинди ҳамда Нажд ва Ҳижоз қироллиги ташкил этилди. Бир неча йилдан сўнг Абдулазиз Арабистон яриморолида тўла назорат ўрнатди.

1929 йили Абдулазиз собиқ сафдошлари – ихвонлар кўзғолонини бостирди. Ихвонлар мағлубиятдан сўнг партизанлик ҳаракатига ўтишди. Абдулазиз инглиз ҳарбий маслаҳатчилари ёрдамида уларни Қувайтга сиқиб чиқарди. Қувайтда эса ихвонларни инглизлар қуролсизлантирди.

Нажд ва Ҳижоз 1932 йил 23 сентябрда Саудия Арабистони деб номланган янги давлатга бирлаштирилди.

**Ҳошимийлар** – арабларнинг қурайш қабиласига мансуб уруғ. Миккада 960 – 1925 йилларда ҳукмронлик қилишган. Ҳусайн ибн Али Британия ҳукумати ёрдами билан 1916 йили усмонийларни қарши исён кўтарган. Биринчи жаҳон урушида Усмонийлар давлати мағлубиятга учрагач, унинг Фарбий Осиёдаги ҳудуди Франция ва Англия ўртасида бўлиб олинди. 1920 йили инглизлар ҳошимийларни усмонийлардан тортиб олинган ҳудудларга амир этиб тайинлашди.

Файсал ибн Ҳусайн Сурияда (1920 йил март – июль), сўнг у ва ворислари 1921 йилдан 1958 йилгача инглизлар назорати остида Ироқда ҳукмронлик қилди.

Абдуллоҳ ибн Ҳусайн 1921 йилдан Трансиордания амири, 1946 йилдан қирол бўлган. Унинг авлоди бугунги кунгача Иорданияда ҳукмронлик қилмоқда. Али ибн Ҳусайн эса 1925 йили саудийларга Ҳижозни бой берди ва Маккада ҳошимийлар ҳукмронлиги тугади.

### 1. Макка шарифлари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Абдулмутталиб ибн Ғолиб	1827
2.	Муҳаммад ибн Абдулмуин	1827 – 1851
	Абдулмутталиб ибн Ғолиб	1851 – 1856
	Муҳаммад ибн Абдулмуин	1856 – 1858
3.	Абдуллоҳ ибн Муҳаммад	1858 – 1877
4.	Ҳусайн ибн Муҳаммад	1877 – 1880
	Абдулмутталиб ибн Ғолиб	1880 – 1882
5.	Авнуррафиқ ибн Муҳаммад	1882 – 1905
6.	Али ибн Абдуллоҳ	1905 – 1908
7.	Ҳусайн ибн Али*	1908 – 1925
8.	Али ибн Ҳусайн	1925

1925 йили Ҳижоз саудийлар томонидан эгалланди.

**Ғарбий Осиёда Биринчи жаҳон урушидан сўнг инглизлар тахтга чиқарган ҳошимийлар**

### 1. Сурияда

1. Файсал ибн Ҳусайн ибн Али (1920).

1920 йили Сурия устидан Франция мандати ўрнатилди.

### 2. Ироқда

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Файсал I ибн Ҳусайн ибн Али	1921 – 1933

\* Ҳусайн ибн Али 1916 йилгача Макка ва Ҳижоз шарифи, кейин Ҳижоз қироли деб номланган.

2.	Ғозий ибн Ғайсал I	1933 – 1939
3.	Ғайсал II ибн Ғозий	1939 – 1958

1958 йили Ироқда монархия ағдарилиб, республика тузуми ўрнатилди.

### 3. Трансиорданияда (кейинчалик Иордания деб номланган)

1. Трансиордания амири Абдуллоҳ ибн Ҳусайн (1921 – 1946).

#### Ҳошимийлар сулоласига мансуб Иордания қироллари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Абдуллоҳ I ибн Ҳусайн	1946 – 1951
2.	Талал ибн Абдуллоҳ I	1951 – 1952
3.	Ҳусайн ибн Талал	1952 – 1999
4.	Абдуллоҳ II ибн Ҳусайн	1999 – ...

**Рашидийлар (1836 – 1921)** – Шимолий Арабистондаги шаммор қабилалари иттифоқи бошлиқлари. Сулола асосчиси Абдуллоҳ ибн Али ибн Рашид Ҳаилда саудий Ғайсал ибн Туркий ёрдами билан ҳокимиятга келган. Рашидийлар амирлиги иқтисоди карвон савдосига боғлиқ эди. XIX аср ўрталаридан рашидийлар минтақада ҳукмронлик қилиш учун саудийлар билан рақобатлаша бошлади. Рашидий амир Муҳаммад ибн Абдуллоҳ 1891 йили Ар-Риёдни эгаллаб Иккинчи Саудийлар давлатига хотима берди ва уларни Нажддан Қувайтга сиқиб чиқарди, лекин 1902 йили саудийлар Ар-Риёдни олиб давлатларини қайта тиклашди. Усмонийларнинг ёрдамига қарамай, рашидийлар давлатларини сақлаб қололмадилар. 1921 йили саудийлар инглизлар ёрдамида Ҳаилни қўлга киритишди ва Рашидийлар давлатига қарашли ҳудудларни кўшиб олишди. Орадан кўп ўтмай рашидийлар сулоласи аъзолари Ар-Риёдга сургун қилинди.

#### Рашидийлар сулоласи ҳукмдорлари

##### Саудийларга тобе рашидий

1. Абдуллоҳ ибн Али ибн Рашид (1832 – 1836).

## Мустақил ҳукмронлик қилган рашидийлар

т/р	хукмдорлар	хукмронлик йиллари
1.	Абдуллоҳ ибн Али ибн Рашид	1836 – 1848
2.	Талол ибн Абдуллоҳ	1848 – 1868
3.	Мусъаб ибн Абдуллоҳ	1868 – 1869
4.	Бандар ибн Талол	1869
5.	Муҳаммад ибн Абдуллоҳ	1869 – 1897
6.	Абдулазиз ибн Мусъаб	1897 – 1906
7.	Мусъаб II ибн Абдулазиз	1906
8.	Султон ибн Ҳаммуд	1907 – 1908
9.	Сауд I ибн Ҳаммуд	1908 – 1910
10.	Сауд II ибн Абдулазиз	1910 – 1920
11.	Абдуллоҳ ибн Мусъаб II	1920 – 1921
12.	Муҳаммад ибн Талол	1921

**Уммон султонлиги (Ол Бу Саидлар сулоласи) – (1754 йилдан).** Уммон ва Занзибарда (1856 йилгача) ҳукмронлик қилган давлат. Яърубийлар давлати ўрнида вужудга келган. Сулола асосчиси – Аҳмад ибн Саид (1754 – 1783), Уммонда ноиблик қилган, орадан кўп ўтмай ибодийлар раҳнамоси бўлиб олган. Ол Бу Саидлар аввал португаллар, кейинроқ голландлар билан Форс кўрфазидаги савдо устидан назорат ўрнатиш учун рақобатлашишган. XIX асрда Наждда кучайиб бораётган саудийлар билан тўқнашишига тўғри келди. Уларга қарши курашиш учун Султон ибн Аҳмад (1792 – 1806) 1798 йили Британиянинг Ост-Индия компанияси билан битим тузди. Ол Бу Саидларнинг Шарқий Африкадаги ҳудуди Занзибар, Пемба ва Килва билан chegarаланганди. Сулоланинг энг кучли ҳукмори Саид ибн Султон эди, бироқ унинг вафотидан сўнг давлат иккига бўлинди: катта ўғли Сувайний Уммонда, ўртанча ўғли Мажид эса Занзибар ва Африка шарқидаги мулкка эга бўлди.

# Уммонда ҳукмронлик қилган Ол Бу Саид сулоласи ҳукмдорлари

## 1. Бирлашган султонлик

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Аҳмад ибн Саид	1754 – 1783
2.	Саид ибн Аҳмад	1783 – 1786
3.	Ҳамид ибн Саид	1786 – 1792
4.	Султон ибн Аҳмад	1792 – 1806
5.	Салим ибн Султон ва Саид ибн Султон (биргалиқда)	1806 – 1821
6.	Саид ибн Султон (бир ўзи)	1821 – 1856

1856 йили Уммон султонлиги 2 га бўлинди.

## 2. Уммон султонлиги ҳукмдорлари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Сувайний ибн Саид	1856 – 1866
2.	Салим ибн Сувайний	1866 – 1868
3.	Аззон ибн Қайс	1868 – 1870
4.	Туркий ибн Саид	1870 – 1888
5.	Файсал ибн Туркий	1888 – 1913
6.	Таймур ибн Файсал	1913 – 1932
7.	Саид ибн Таймур	1932 – 1970
8.	Қобус ибн Саид	1970 - ...

**Занзибар султонлиги (1856 – 1964).** *Занзибарда ҳукмронлик қилган Уммондаги Ол Бу Саидлар сулоласи вакиллари. 1890 йилдан Британия вассали.*

## 3. Занзибар султонлиги ҳукмдорлари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари	яшаган йиллари
1.	Мажид ибн Саид	1856 – 1870	1834 – 1870



2.	Барғаш ибн Саид	1870 – 1888	1837 – 1888
3.	Халифа ибн Барғаш	1888 – 1890	1852 – 1890
4.	Али ибн Саид	1890 – 1893	1854 – 1893
5.	Ҳамад ибн Тувайний ибн Саид	1893 – 1896	1857 – 1896
6.	Холид ибн Барғаш	1896	1874 – 1927
7.	Ҳаммуд ибн Муҳаммад ибн Саид	1896 – 1902	1853 – 1902
8.	Али ибн Ҳаммуд	1902 – 1911	1884 – 1911
9.	Халифа ибн Харуб ибн Тувайний	1911 – 1960	1879 – 1960
10.	Абдуллоҳ ибн Харуб ибн Тувайний	1960 – 1963	1910 – 1963
11.	Жамшид ибн Абдуллоҳ	1963 – 1964	1929 – ...

1890 йили Занзибар оролини Британия босиб олган, шундан сўнг султонлик Британия вассали.

1964 йили Занзибар Бирлашган Танзания Республикасига қўшиб юборилди.

### ЖАНУБИ-ШАРҚИЙ ОСИЁ

**Малакка султонлиги.** Голландларнинг Ост-Индия компанияси бугуслар ва англизлар ўртасида иттифоқ тузилишидан хавфсизларди. 1756 – 1758, кейинроқ 1783 – 1787 йилларда голландлар ва бугуслар ўртасида тўқнашувлар бўлди. Натижада тенгсиз сулҳ тузилди, бу амалда Жоҳорнинг вассалга айланишига олиб келарди. Жоҳор султони Маҳмуд илануларни голландларга қарши урушга чақирди, улар бунга рози бўлишди. Иланулар жангга яхшигина тайёрланишганди, шунинг учун Риаудаги голландлар истеҳкомларини вайрон қилиб архипелагни эгаллашди. Шундан сўнг Маҳмуднинг оролларни тарк этиш ҳақидаги сўровига рад жавобини беришди. Архипелагдан султоннинг ўзи қочишга мажбур бўлди.

Вақт ўтиши билан султон голландлар билан ярашиб Риауга қайтди. Бироқ XVIII аср охирида Жоҳор султонлигидан Паханг, Кедах, Тренгану ва Селангор султонликлари ажралиб чиқди. 1812 йили султон Маҳмуднинг ўлимидан сўнг тахтга унинг икки ўғли даъвогарлик қила бошлади. Бугислар ва голландлар кичик ўғилни, малайяликлар ва англизлар катта ўғилни қўллаб-қувватлади. 1819 йили англизлар катта ўғилни Сингапур ҳукмдори этиб тайинлади. Тез орада Сингапур савдонинг ривожланиши эвазига Риауни қувиб ўтди.

Британия дастлаб Сингапурни британ товарларини Хитойга етказишдаги муҳим пункт деб ҳисоблаганди. Британиянинг Малаккада таъсири ошишидан инглиз савдогарлари унумли фойдаланиб минтақада олиб бориладиган савдода етакчиликни қўлга киритишди. Перак султонлиги ҳудудидаги қалайи конларида юз берган жанжаллардан сўнг Британия ҳукумати 1874 йили Пангкор битимини имзоланди, унга кўра британ маслаҳатчиси Перк ҳукмдорига маслаҳат (насихат) бериш ҳуқуқига эришди. Пангкор битими Селангор, Негри-Сембилан ва Паханг султонликлари билан шунга ўхшаш битимлар тузишга асос бўлди.

Минтақадаги биринчи инглиз мустамлакасига айланган давлат тузилмаси 1826 йили Стрейтс Сетлментс бўлди. Унинг таркибига Сингапур, Малакка, Пенанг ва Уэлсли вилоятлари кирган. 1896 йили Перак, Селангор, Негри Сембилан ва Паханг федерацияга бирлашди. 1914 йили Британия Малайяси таркибига Жоҳор султонлиги қўшиб юборилди.

**Келантан.** 1760 йили Кубанг Лабу Келантандаги майда давлатларни бирлаштиришни бошлади. 1764 йили Лонг Жунос Кота-Бару шаҳрининг пенгхулу лавозимига тайинланди, бу вақтда унинг акаси Ник Муҳаммадиях бирлашган Келантан давлатининг биринчи ҳукмдори бўлди.

1812 йили Муҳаммадияхнинг ўғли Лонг Сеник Таиланд рухсати ила Маҳаммадиях II номи билан султон бўлди.

1820 йилларда Келантан Малаккадаги аҳолиси гавжум ва тараққий қилаётган давлатлардан бири эди, жануб ва шимолдаги кўшни давлатлардан фарқли равишда уруш-жанжалларга аралашмасди. Таиланд XIX аср давомида Келантан бошқарувида муҳим роль ўйнади.

1909 йилги Англия-Сиам битимига кўра, тайлар Келантан, Теренгану, Кедах ва Перлис султонликларини Британияга топширишди. Шундай қилиб, Келантан Британия мустамлакаларидан бирига айланди.

**Бруней.** 1839 йили Калимантанга инглизларнинг Ост-Индия компанияси собиқ амалдори Жеймс Брук келди. У 1840 йилги исённи бостиришда кўрсатган хизматлари учун 1841 йили султондан орол шимолидаги Саравакни бошқариш ҳуқуқини ва рожа унвонини олди, Кучинг шаҳрига асос солди. Унинг жияни – иккинчи «оқ рожа» Чарльз Брук ҳудудни кенгайтirdи.

1846 йили Британия Лабуа оролини қароқчиликка қарши курашиш мақсадида олишга эришди, 1848 йили эса Лабуа инглиз мус-

тамлакасига айланди. 1847 – 1857 йилларда оролда Брук губернатор бўлган. Бруней 1877 йили Сабах ороли устидан назоратни йўқотди, 1888 йили эса Британия протекторатига айланди.

**Суракатра ҳукмдорлари (1755 – 1949)** – Матарам давлати кулагач, Марказий Явада вужудга келган давлат. Нидерландиянинг Ост-Индия компанияси вассали. 1942 – 1945 йилларда япон кўшинлари томонидан истило қилинган. Шундан сўнг Суракатра султонлиги, 1949 йили Индонезия Республикаси ташкил топгунча, сақланиб турган ва 1950 йили Марказий Ява вилояти таркибига киритилган.

### Суракатра султонлиги ҳукмдорлари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Пакубувана III, Сварга	1755 – 1788
2.	Пакубувана IV, Багу	1788 – 1820
3.	Пакубувана V, Сугих	1820 – 1823
4.	Пакугувана VI, Бангун Тапа	1823 – 1830
5.	Пакубувана VII, Пурбая	1830 – 1858
6.	Пакубувана VIII, Ангабехи	1858 – 1861
7.	Пакубувана IX, Бангун Кадатон	1861 – 1893
8.	Пакубувана X, Викаксана	1893 – 1939
9.	Пакубувана XI	1939 – 1944
10.	Пакубувана XII	1944 – 1949

**Жокьякарта султонлиги (1755 – 1949)** – Матарам давлати кулагандан сўнг, Жанубий ва Марказий Явада вужудга келган. Нидерландиянинг Ост-Индия компаниясига қарам бўлган. 1825 йили Жокьякартада шаҳзода Дипонегоро бошчилигида муштамлакачиларга қарши кўзғолон кўтарилди – Ява уруши (1825– 1830). Иккинчи жаҳон уруши (1939 – 1945) бошлангунча, Жокьякарта Нидерландия Ҳиндистонининг «автоном давлати» ҳисобланган. 1945 йили Индонезия Республикаси тuzилгач, султонлик Жокьякарта султонлари томонидан бошқариладиган алоҳида округ мақомини олди.

## Жокьякарта султонлиги ҳукмдорлари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Хаменгкубувана I, Сварга	1755 – 1792
2.	Хаменгкубувана II, Сепух	1792 – 1810
3.	Хаменгкубувана III, Рожа	1810 – 1811
	Хаменгкубувана II, Сепух	1811 – 1812
	Хаменгкубувана III, Рожа	1812 – 1814
4.	Хаменгкубувана IV, Седа Песияр	1814 – 1822
5.	Хаменгкубувана V, Менол	1822 – 1826
	Хаменгкубувана II, Сепух	1826 – 1828
	Хаменгкубувана V, Менол	1828 – 1855
6.	Хаменгкубувана VI, Мангкубуми	1855 – 1877
7.	Хаменгкубувана VII, Ангабехи	1877 – 1921
8.	Хаменгкубувана VIII	1921 – 1939
9.	Хаменгкубувана IX	1939 – 1988
10.	Хаменгкубувана X	1988 – ...

**Бруней султонлиги (XVI асрдан).** Бруней ўз даврида мусулмон оламнинг марказига айланган бўлиб, у ерга кўплаб мамлакатлардан машҳур олимлар келишган. Улар орасида тоифлик Шариф Али ҳам бор бўлиб, у Шариф Али Беркат номи остида Брунейда ҳукмронлик қилган (1526 – ?). Унинг даврида султонлик Бруней Доруссалом деб номлана бошлаган. XVI аср ўрталарида султонликни бошқариш болкиахлар сулоласига ўтиб улар бутун Калимантан ороли, Сулу архипелаги ва Филиппиннинг Лусон оролида ҳукмронлик ўрнатишган. Муҳаммад Ҳасан (1601 – 1617) даврида «Ҳукум қонун Бруней» қонунлар мажмуаси амалиётга киритилди, у давлат қурилишининг асосий негизи бўлди. XIX аср бошларида султонликда фақат Сабах ва Саравак қолганди. 1842 йили Саравак «оқ рожалар» сулоласи асосчиси Жорж Брук бошқарувига топширилди. 1888 йили Бруней Британия протекторатига айланди. 1941 – 1945 йилларда японлар томонидан истило қилинди, уруш тугагач, яна британ мустамлакасига айланди. Болкиахлар сулоласи номигагина ҳукмронлик қила бошлади. Бруней 1959 йили «Малайя ислом монархия давлати» деб эълон қилинди. 1979 йил январда Буюк Британия Бруней ўртасида олиб борилган узоқ музокаралардан сўнг, 1984 йили, Бруней султонлигига мустақиллик беришга келишилди.

## Бруней султонлиги ҳукмдорлари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Бендахар оиласи вакили Муҳаммад	XVI аср боши
2.	Аҳмад, Муҳаммад укаси	1521 – 1526
3.	Шариф Али, Аҳмад куёви	1526 – ?
4.	Сулаймон ибн Шариф Али	?
5.	Болкиах ибн Сулаймон	?
6.	Абдулқаҳҳор ибн Болкиах	?
7.	Сайф ур-рижол ибн Абдулқаҳҳор	1578
8.	Шоҳ Бруней ибн Сайф ур-рижол	1590 – 1600
9.	Рожа Ғофур ибн шоҳ Бруней	1600 – 1601
10.	Муҳаммад Ҳасан ибн Сайф ур-рижол	1601 – 1617
11.	Абдулжалил Акбар ибн Муҳаммад Ҳасан	1617 – 1637
12.	Абдулжалил Жаббор ибн Абдулжалил Акбар	1637 – 1642
13.	Ҳожи Муҳаммад Али ибн Муҳаммад Ҳасан	1642 – 1648
14.	Абдулҳақ Мубин, Сайф ур-рижол невараси	1648 – 1655
15.	Муҳйиддин	1655 – 1670
16.	Насриддин Камолиддин	1670 – 1680

## ШИМОЛИЙ АФРИКА

**МИСР. Муҳаммад Али сулоласи (1805 – 1953)** – Мисрда ҳукмронлик қилган сулола. 1711 йили мамлуклар ҳукмронлигининг тикланиши Усманийлар давлатини ташвишга солиб қўйди. 1803 йил май ойида Қоҳира Муҳаммад Али бошлиқ усмонийлар қўшинига қарашли мамлук ва албан корпуслари томонидан эгалланди. Натижада триумвират (учлик) ташкил этилди, унга икки мамлук бейи ва Муҳаммад Али киритилди. 1805 йили Муҳаммад Али маҳаллий зодагонлар қўллаб-қувватлаши билан ҳокимият тепасига келди. У молия, қишлоқ хўжалиги, таълим, саноат, маъмурий ва ҳарбий соҳаларда бир қатор ислохотлар ўтказди. Муҳаммад Али уюштирган юришлар натижасида Сурия, Фаластин ва Киликияда Миср ҳукмронлиги ўрнатилди. Шунингдек, Арабистон яримороти, Судан ва Критга ҳуқуқи этироф этилди. Бироқ воқеаларнинг бундай кочиши нафақат Усманийлар давлати, балки Европа давлатларини ҳам ташвишга солиб қўйди. 1840 йил ёзида Лондонда бўлган

Европа мамлакатлари кенгашида Муҳаммад Алига капитуляция талаб қилинди. Европа давлатлари босқини ва усмонийларнинг аралашуви билан Муҳаммад Али қўшини мағлубиятга учратилди, унинг ворисларида фақат Миср ва Судандагина ҳукмронлик қилиш ҳуқуқи сақланиб қолди. Муҳаммад Али сулоласи 1953 йилгача ҳукмронлик қилди, 1952 йили «Озод зобитлар» ташкилоти уюштирган инқилобдан сўнг Мисрда монархия тугатилди ва республика тузуми ўрнатилди.

### Мисрда ҳукмронлик қилган Муҳаммад Али сулоласи

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Муҳаммад Али пошшо	1805 – 1848
2.	Иброҳим пошшо ибн Муҳаммад Али	1848
3.	Аббос Ҳилмий I ибн Тусун пошшо	1848 – 1854
4.	Муҳаммад Саид ибн Муҳаммад Али	1854 – 1863
5.	Исмоил ибн Иброҳим	1863 – 1879
6.	Муҳаммад Тавфиқ ибн Исмоил	1879 – 1892
7.	Аббос Ҳилмий II ибн Тавфиқ	1892 – 1914
8.	Ҳусайн Комил ибн Исмоил	1914 – 1917
9.	Аҳмад Фуод I ибн Исмоил	1917 – 1936
10.	Форуқ ибн Фуод I	1936 – 1952
11.	Аҳмад Фуод II ибн Форуқ	1952 – 1953

1882 – 1914 йилларда Миср Англия мустамлакаси.

1914 – 1922 йилларда Англия протекторати.

1922 – 1953 йилларда қироллик.

1953 йили Мисрда монархия афдарилиб, республика тузуми ўрнатилди.

**Қарамонли (1711 – 1835)** – Триполитания (Ливия)да ҳукмронлик қилган сулола. Усмонийлар Триполитаниясида рўй берган бош-бошдоқлик даврида вужудга келган. Сулола асосчиси – усмоний султондан бейларбей унвонини олган Аҳмадбей I ибн Юсуф Қарамонли (1711 – 1745). Сулола усмонийлар ҳукмронлигини номигагина тан олган ва ташқи алоқаларда тўла эркин бўлган. Шу сабабдан Британия ва Франция билан савдо алоқаларини ўрнатган. Триполи-

тания 1835 йилдан Истанбулдан тўғридан-тўғри бошқариладиган бўлди.

### Триполитаниядаги қарамонли сулоласи бейлари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Аҳмадбей I ибн Юсуф Қарамонли	1711 – 1745
2.	Муҳаммад ибн Аҳмадбей I	1745 – 1754
3.	Али I ибн Муҳаммад	1754 – 1795
4.	Аҳмад II ибн Али I	1795 – 1796
5.	Юсуф ибн Али I	1796 – 1832
6.	Али II ибн Юсуф	1832 – 1835

**Санусийлар (1837 – 1969)** – Шарқий Судан ва Ливияда ҳукмронлик қилган сулола. Санусийлар сўфийлик тариқатига 1837 йили Маккада асос солинган. Сулола асосчиси – Саййид Муҳаммад ибн Али Идрисий.

### Санусийлар сулоласи ҳукмдорлари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Муҳаммад ибн Али Идрисий	1837 – 1859
2.	Муҳаммад Маҳдий ибн Муҳаммад	1859 – 1902
3.	Аҳмад Шариф ибн Муҳаммад Шариф	1902 – 1918
4.	Муҳаммад Идрис ибн Муҳаммад Маҳдий*	1918 – 1951

**Хусайнийлар сулоласи бейлари (1705 – 1957)** – Тунисда ҳукмронлик қилган сулола. Али II (1759 – 1782) ва Ҳамуд (1782 – 1814) ҳукмронлиги даврида давлат юксак тараққий топди. Ташқи савдо ўсиб, пул-товар муносабатлари ривожланди. Аҳмад I (1837 – 1855) даврида ҳарбий ислоҳот ўтказилди. Ҳукумат режаланган лойиҳаларни амалга ошириш учун ташқи заёмларга эътибор қилди, бу эса давлатнинг банкрот бўлишига олиб келди. 1869 йили Тунис молияси устидан назорат қилиш Халқаро молия комиссиясига топширилди. 1881 йили французлар Тунисни истило

\*Муҳаммад Идрис ибн Муҳаммад Маҳдий 1951 – 1969 йилларда Ливия қироли бўлган.

қилишди, 1883 йили эса Франция протекторати ўрнатилди. 1956 йили Франция Тунис мустақиллигини тан олган француз-тунис протоколи имзоланди.

### Хусайнийлар сулоласига мансуб Тунис бейлари

т/р	хукмдорлар	хукмронлик йиллари
1.	Хусайн I ибн Али Туркий	1705 – 1735
2.	Али I ибн Муҳаммад	1735 – 1756
3.	Муҳаммад I ибн Хусайн I	1756 – 1759
4.	Али II ибн Хусайн I	1759 – 1782
5.	Ҳаммуд пошшо ибн Али II	1782 – 1814
6.	Усмон ибн Али II	1814
7.	Маҳмуд ибн Муҳаммад I	1814 – 1824
8.	Хусайн II ибн Маҳмуд	1824 – 1835
9.	Мустафо ибн Маҳмуд	1835 – 1837
10.	Аҳмад I ибн Мустафо	1837 – 1855
11.	Муҳаммад II ибн Хусайн II	1855 – 1859
12.	Муҳаммад III ибн Хусайн II	1859 – 1882
13.	Али III ибн Хусайн II	1882 – 1902
14.	Муҳаммад IV ибн Али III	1902 – 1906
15.	Муҳаммад V ибн Муҳаммад II	1906 – 1922
16.	Муҳаммад VI ибн Муҳаммад V	1922 – 1929
17.	Аҳмад III ибн Али III	1929 – 1942
18.	Муҳаммад VII ибн Муҳаммад V	1942 – 1943
19.	Муҳаммад VIII ибн Муҳаммад VI	1943 – 1957

**Жазоир.** 1518 йилдан Усмонийлар давлати вассалига айланган Жазоир (Константина, Титери ва Маскара бейликлари) 1711 йили амалда мустақил бўлиб олди.

Испанлар 1732 йили Оран ва Марсулкабир шаҳарларини босиб олишди ва 1791 йилгача ўз қўлларида сақлаб туришди. 1775 йили Жазоирга қарши йирик юриш уюштирилди. Испан флоти адмирал Кастейон бошчилигидаги 44 та ҳарбий ва 340 та юк кемаларидан иборат бўлиб, 4 июль куни генерал О'Рейльи бошлиқ 22 минг қуруқликдаги қўшин Жазоир соҳилларига тушди. Испанлар мазкур босқинчиик юришига етарли тайёрланишмагани учун 1800 яраланганларни ва барча қуролларини ташлаб қочишга мажбур бўлишди.



1815 йил июнда АҚШ кемалари Жазоирнинг 2 ҳарбий кемасини қўлга олди. Бу 30 июнь куни АҚШ ва Жазоир ўртасида шартнома тузилишига олиб келди. Унга кўра, АҚШ кемаларининг дахлсизлиги эътироф этилди. Британ лорди Эскомут эса Жазоирдан асирларга яхши муносабатда бўлиш ва асирга туширилганларни қул қилиб сотишни тўхтатишини талаб этди. Лекин ўша пайтдаги Жазоир бейи Умар бу талабни қабул қилмади. Адмирал Эскомут 1816 йил 27 августда ўзининг 19 та ҳарбий кемаси ва унга қўшилган Ван Капеллан бошлиқ 11 нидерланд кемаси билан Жазоирда пайдо бўлди. Шаҳар 10 соат мобайнида 2000 тўпдан ўққа тутилди. Бей Умар 28 август куни шартнома тузишга мажбур бўлди. Шартномага кўра, европалик асирлар зудлик билан озод қилиниши, италиялик асирлардан олинган тўлов қайтарилиши, бундан кейин асирга тушадиганлар билан Европада қабул қилинган халқаро ҳуқуқ меъёрларини бажариши шарт эди.

Умар 1817 йили ўлдирилди, унинг ўрнига бей бўлган Али 1818 йили ўлатдан вафот этди ва тахтга Ҳусайн чиқарилди. Ҳусайн европаликларга қарашли савдо кемаларига ҳужум қилишни давом эттирди. Бу 1827 йил июнда Франция флотининг Жазоир соҳилларини блокада қилишига олиб келди. Бироқ француз ҳукуматининг мазкур чораси ҳеч қандай натижа келтирмади, шундан сўнг француз ҳукмрон доиралари Жазоирни истило қилишни режалаштира бошлади.

**Жазоир Франция ҳукмронлиги остида.** 1830 йили 100 та ҳарбий ва 357 та юк кемаларига жойлашган 35 минг аскар ва 4 минг отдан иборат қўшин Жазоир юришига тайёр ҳолга келтирилди. Қуруқликдаги қўшинга генерал Бурман, флотга эса вице-адмирал Дюперре бошчилик қилди. Французлар 1830 йил 14 июнда қаршиликсиз Сиди Феррухга келиб тушишди. Улар ҳали мустаҳкам ўрнашмай туриб, 19 июнь куни, Иброҳим Али бошлиқ 30 минг кишилик турк қўшинининг ҳужумига учрашди. Французлар тўқнашувда ғолиб бўлишди ва жазоирликларнинг барча қурол-яроғларини ўлжа қилиб олишди. Шундан сўнг Жазоир шаҳри ҳам қуруқликдан, ҳам денгиздан тўпга тутилди. 5 июль куни бей қўшинининг эркин чекиниши шарти билан таслим бўлди. Жазоирнинг бутун флоти, қуроллари ва 50 млн франк миқдоридаги давлат хазинаси французларга ўтди.

Жазоир истило қилингач, 2 француз эскадраси Тунис ва Триполига юборилиб, уларни денгизда қароқчилик қилишдан воз кечишга мажбурлашди. Французлар Бону, Оран ва Бужио каби порт

шаҳарларни эгаллаб, Константинадан бўлган ҳужумни бартараф этишди. Кабил қабиласи эса Блидага юриш қилаётган француз бўлинмаларига зарба берди.

Францияда содир бўлган июль инқилобидан сўнг Фурман чақиртириб олинди, унинг ўрнига Клозель тайинланди. Ноябрда Титтерий бейи қўшини мағлубиятга учради ва Блида шаҳрини французлар босиб олишди. Атлас тоғларигача бўлган ҳудудни эгаллашни ўз олдига мақсад қилиб олган Клозейнинг Тунис бейи билан тузган битими Луи Филипп ҳукуматига ёқмади ва у 1831 йил февралда зудлик билан чақиртириб олинди. Ўрнига 1831 йил 2 июлда Тениас юришида мағлубиятга учраган генерал Бертезен тайинланди. Бертезен ўрнига Савари (герцог Ровиго) тайинланди. У маҳаллий аҳолига нисбатан ўта шафқатсиз бўлиб, уларни французларга қарши қилиб қўйди. Шунда ўрнига 1832 йили генерал Авизар қўйилди. Бу вақтда 30 та қабилани бирлаштирган ва Маскара амири деб эълон қилинган Абдулқодир французларга қарши кураш бошлади.

### **Жазоирдаги Абдулқодир кўзғолони (1832 – 1847)**

**Абдулқодир Жазоирий (1808 йил 6 сентябрь – 1883 йил 26 май, Дамашқ)** – саркарда, олим, шоир, нотик. У ёшлигидан Жазоир қароқчилари томонидан таъқиб қилинган. Шунинг учун Мисрга қочган ва кейинчалик Маккага бориб ҳажни ўтаган. 1832 йил май – 1847 йил декабрда жазоирликларнинг французларга қарши миллий озодлик ҳаракати раҳбари бўлган. Абдулқодир 1847 йил 22 декабрда генерал Ламорисьерга таслим бўлган ва Францияга жўнатиб юборилган. Абдулқодир 1852 йил 21 декабрда Бурсага кўчиб ўтди, сўнг умрининг охиригача Дамашқда яшади.

Кўзғолон 1832 йил май ойида Оран вилоятида бошланди. Шиддатли курашлар ва мағлубиятлардан сўнг французлар 1834 йил 26 февралда сулҳ тузишди. Лекин июлда ҳарбий ҳаракатлар қайтадан бошланди ва французлар учун муваффақиятсиз бўлди. Клозель қайтадан Жазоирдаги француз қўшинига бошлиқ этиб тайинланди, бироқ исён бутун мамлакат бўйлаб тарқалишда давом этди, амининг обрўси эса тобора ошиб борарди. Клозель қайтадан чақириб олинди ва генерал Дамремон унинг ўрнига генерал-губернатор этиб тайинланди. Французлар яна бир қатор мағлубиятларга учраб, 1837 йил май ойида сулҳ тузишга мажбур бўлишди. Сулҳга кўра, французлар Абдулқодирнинг Ғарбий Жазоирнинг катта қисмида

хукмронлигини тан олишди. Абдулқодир тезда ўз давлатини тузди ва пул зарб эттира бошлади, бир қатор ислохотлар ўтказиб мунтазам қўшин тузди.

1838 йил 18 октябрда французлар тинчлик сулҳини бузиб Константинопол шаҳрини истило қилди, 1843 йилга келиб Абдулқодир давлатининг катта қисмини босиб олишди. Абдулқодир французларга қарши курашаётган Марокаш ҳудудига яширинди. Бироқ Марокаш урушда енгилгач, Абдулқодир у ердан чиқариб юборилди. 1845 йили Абдулқодир Жазоирда яна қўзғолон кўтарди. 1847 йил мобайнида французлар Абдулқодир қўшинини бир неча марта мағлуб этишди ва 22 декабрда у ўз ихтиёри билан асирга тушди. Жазоир 1848 йили Франция ҳудуди деб эълон қилинди, мамлакат департаментларни бирлаштирган префектларга бўлинди.

1848 йили юз берган инқилоб Франциянинг Жазоирдаги ҳукмронлигини мустақкамлашда қатор қийинчиликларни келтириб чиқарди. 1848 – 1852 йилларда бир нечта генерал-губернаторлар алмаштирилди. 1851 йил декабрдаги давлат тўнтаришидан сўнг тахтга чиққан Людовик Наполеон Жазоирга генерал Рандон (1851 – 1858) ни жўнатди. 1852 йил декабрда Пелисса ва Юсуф бошлиқ француз қўшини Лагуат воҳасини истило қилди, бир вақтнинг ўзида мамлакат жанубидаги мзаб қабиласи французлар ҳимоясига ўтди. 1853 – 1854 йилларда эса французлар кабил қабиласига қарши уруш олиб борди. 1854 йили Лагуат воҳасидаги қўзғолон Туггурта ва Суфа воҳаларининг тўлиқ босиб олиниши билан тугади. Французлар кейинги йилларда Варглу воҳасини истило қилишди ва Саҳрои Кабир шимолидаги туарег қабиласини асоратга солишди. Африканинг ичкарасигача кириб боришни кўзлаган Франция Саҳрои Кабирда тадқиқот ўтказди, бир неча бор Сенегал ва Тумбукту билан карвон қатновини йўлга қўйишга уринишлар бўлди.

1856 – 1857 йилларда кабил қабиласига қарши олиб борилган юриш натижасида бутун Жазоир устидан назорат ўрнатилди.

1864 йил бошларида французлар ўз хизматларидаги бир араб бошлиғининг котибини арзимас айби учун дарра билан савалашди. Бу арабларда энг оғир жиноятларга бериладиган жазо бўлгани учун, Оран минтақасида қўзғолон кўтарилди. Исёнчиларга Богари вилоятидаги қабилалар ҳам қўшилди. 13 – 14 май кунлари Делинья ва Юсуф бошлиқ французлар қўшини икки тўқнашувда арабларни енгди. Йил охиригача эса қўзғолончилар бирин-кетин бўйсундирилди.

1865 йили Наполеон III Жазоирга келди ва 5 март куни арабларга миллий эркинлик ва мол-мулклари дахсизлиги ҳақида прокламацияни чоп эттирди. Жазоирликлар буни французларнинг заифлиги деб тушунди, император кетиши билан, Кабилия ва Оран вилоятларида кўзғолон кўтаришди. 1865 – 1867 йилларда французлар исёнчиларга қарши бир қатор юришлар ўтказишди. 1867 йил бошида Голлеяда жазоирликлар мағлуб этилди. Шундан сўнг Жазоирда қисқа муддат тинчлик ҳукм сурди.

1870 йили жазоирликлар француз мутамлакачиларига қарши йирик кўзғолон кўтарди. Айти шу вақтда Франция-Пруссия уруши бўлаётгани сабаб, француз аскарлари Европага олиб кетилганди. Францияда республика тузуми ўрнатилгач, Жазоирга бир қатор фуқаро эркинликлари берилди. Масалан, жазоирлик яҳудийларга Франция фуқаролиги тақдим этилди.

1871 йил январда Жазоирда янги исёнлар тўлқини бошланди ва 1879 йилгача давом этди. 1871 йил баҳорида деярли бутун Жазоир кўзғолон ичида қолди. Лекин Франция-Пруссия урушининг тугаши ва Париж коммунасининг қулашидан сўнг французлар Жазоирда яна хунрезликни давом эттиришди. Кўзғолон 1879 йили французларнинг Батнада жазоирликларни мағлуб этишидан кейин тўхтади. Кейинги йил тинч ўтди, бироқ 1881 йили крумир қабиласи Константина шаҳридаги француз гарнизонига ҳужум қилди.

Франция ҳукумати бундан фойдаланиб Тунисни бўйсундириш учун юриш бошлади. 24 апрелда кўшин Ум Табул ва Суқ ар-Расдан ўтиб мамлакат ичкарисига кириб борди. Француз эскадраси эса Табарка оролини босиб олди. 26 апрелда Кефни эгаллаб, 28 апрелда Тунисга элтувчи Суқ ул-Арбага етиб келди. 1 май куни Тулондан жўнатилган эскадра Бизертунни қўлга киритди. 11 майда генерал Бреар бошлиқ француз қўшини Тунис шаҳрини босиб олиш учун ҳаракат бошлади. Крумир қабиласи ва Тунис бейи французларга умуман қаршилик кўрсатмади ва 12 май куни Тунис истило қилинди. Бей Туниснинг Францияга қарамлигини эътироф этди, эвазига французлар бей сулоласининг тахтда қолишига кафолат берди. Шунингдек, Тунис чет давлатлар билан мустақил музокара олиб бориш ҳуқуқини йўқотди. Жуда қисқа муддатда Табарка, Бизерта, Голетта, Кеф, Суқ ул-Арба ва бошқа шаҳарларни олган француз қўшини 16 ва 27 июль кунлари Сфакс ва Гебесдаги йирик гуруҳларни мағлуб этиб мазкур шаҳарларни истило қилди. Сентябрда эса мамлакат жанубидаги Қайрувонда кўзғолон кўтарилди.

Генерал Соссье бошлиқ француз қўшини 26 октябрда Қайрувонни эгаллади.

**Сомали.** XIX асрда юз берган маҳаллий қирғинлар туфайли аҳолининг катта қисми жанубга кўчди. 1819 йили Бардер султонлиги Геледи, Тунни ва Барауэ султонликларига қарши уруш олиб борди. XIX аср ўрталарида эса Бардер султонлиги қўшнилари томонидан тугатилди.

XIX аср ўрталарида Занзибар султонлиги Сомали шаҳарлари устидан назоратни кучайтиришга уринди – 1843 йили Могадишони, 1862 йили Меркани олди. Лекин мазкур уринишлар кутилган натижани келтирмади.

1869 йили Сомали бандаргоҳларини Миср босиб ола бошлади, бироқ мисрликлар 1885 йили маҳаллий ҳукмдорлар қаршиликни энголмай Сомалини тарк этишди.

1884 – 1888 йилларда Британия, Италия ва Франция мамлакатнинг соҳилбўйидаги барча ҳудудини ўзаро бўлиб олишди.

Сомалининг жанубидаги Мижуртини ва Оббия султонликлари Италия протекторатига ўтди. Шунингдек, жанубий ҳудудга немислар ҳам даъво қила бошлашди, бироқ инглизлар бунга йўл қўйишмади. Сомалининг шимолий соҳилбўйи ҳудуди Британияга, Жибути эса Францияга берилди. Ички вилоятлардаги бир қанча қабилалар Эфиопия ҳукмронлигини тан олди.

**Марокаш.** 1859 – 1860 йилларда Испания султонлигининг бир қисмини истило қилди.

XIX аср охирида Марокаш Испания, Франция ва Англиянинг, XX аср бошларида эса Германиянинг рақобат объектига айланди. Франция Саҳрои Кабирни ва Суданнинг бир қисмини босиб олгач, деярли бутун Ғарбий Африкада унинг ҳукмронлиги ўрнатилди.

1904 йил 8 апрелдаги инглиз-француз шартномасида Марокаш Франция таъсир доирасига кириши таъкидланди, лекин бу келишув Германиянинг норозилигига сабаб бўлди. 1905 йили Вильгельм II Марокашга ташриф буюрди, унинг кетидан немис резиденти Феце Таттенбах ва канцлер Бюлов французларнинг Марокашдаги таъсирига қарши кураш бошлади. Марокашга доир лойиҳалар Франциянинг бир ўзи эмас, балки манфаатдор давлатлар иштирокида кўриб чиқилишини талаб қилишди. Делькассенинг Марокаш юзасидан Германия билан музокара олиб боришга қарши кескин радди-

яси сал қолса Франция ва Германия ўртасида алоқаларнинг бузилишига сабаб бўлиши мумкин эди. Рувьенинг аралашуви ва Делькассенинг истеъфоси можарони бартараф этди ҳамда 1905 йил 10 июлда Франция ва Германия ўртасида конференция чақирилишига келишиб олинди. Бироқ конференция ҳам бир қатор муаммоларни бартараф этолмади, 1906 йил февралда Алхесирас (Испания)да янги конференция чақирилиши ва у Марокаш тақдирини ҳал этиши керак эди.

1905 ва 1911 йиллардаги Марокаш инқироzi даврида Франция мамлакатнинг катта қисмини эгаллаб олди.

## ҒАРБИЙ АФРИКА

**Сонгаи империяси (1462 – 1591)** – *ҳозирги Мали, Нигер ва Нигерия ҳудудида мавжуд бўлган давлат.*

XI асрда маҳаллий ҳукмдор ислом динини қабул қилган.

Сонгаи империяси асосчиси Сонни Али 1462 – 1492 йиллар оралиғида давлати ҳудудини кенгайтиришга эришди, етти йиллик қамалдан сўнг Женна шаҳрини олди ва Тумбуктудан туарегларни қувиб чиқарди.

Унинг ўғли, чорвадор мажусийлар ва мусулмон садогарлар ўртасидаги муносабатда мувозанатни сақлай олмагани учун, 1493 йили Муҳаммад Аския (1493 – 1528) томонидан ағдарилди. Муҳаммад даврида империя ўз қудратининг чўққисига чиқди. Унинг ворислари аския унвонини олиб, 1591 йили Жудар пошшо бошлиқ ўқотар қуроллар билан қуролланган жангчилар уларни ағдаргунча, ҳукмронлик қилишган. Шундан сўнг Сонгаи ҳукмдорлари Марокаш султони Аҳмад Мансурга бўйсунушга мажбур бўлишди.

**Багирми султонлиги (1522 – 1897)** – *Марказий Африкада, Чад кўлидан жануби-шарқда ҳукмронлик қилган давлат. Ҳозирги Чаднинг буту ҳудуди ва Марказий Африка Республикасининг шимоли-ғарбий вилоятларини ўз ичига олган. Пойтахти Массения шаҳри эди.*

Султонликнинг биринчи ҳукмдори мбанг Бирни Бесса бўлган. Абдуллоҳ IV (1568 – 1608) даврида ислом дини давлат дини сифатида қабул қилинган.

Багирми XVII асргача Борнога қарам бўлган. Мамлакат мустақилликка эришгач, ҳар томонлама ривожланиш кузатилди.

1871 йили Вадай султони Багирмини босиб олди. Вадай султонлигининг кейинги ҳужумларидан хавфсираган султон Абдурахмон Гваранга 1893 йили ёрдам сўраб Францияга мурожаат этди. Лекин 1894 йили Багирми Миср пошшоси Зубайр Раманинг собиқ қули Робиҳ вад Фазлуллоҳ томонидан босиб олинди.

1894 йили Германия ва Франция Багирми ҳудудини бўлиб олишди, 1911 йили эса Германия улушини Францияга берди.

Ҳозир Багирми султонлиги ҳудудида Чад давлати ташкил топган. Мбанг унвони эса бугунга қадар сақланган.

**Бамбара (1712 – 1861, Бамана империяси ёки Сегу империяси)** – кулубали сулоласи вакиллари бошқарган *Ғарбий Африка (ҳозирги Мали)да мавжуд бўлган давлат. 1861 йил 10 мартда тукулерлар шоҳи Ҳожи Умар Талл пойтахт Сегуни ишғол қилди ва янги империяга асос солди.*

**Вадай султонлиги (XVI аср – 1912)** – *ҳозирги Чад ҳудудида мавжуд бўлган давлат. Багирми султонлигидан шимоли-шарқда жойлашган.*

1635 йили маба қабиласи сардори Абдулкарим ҳукмрон тунгур қабиласини тахтдан ағдариб янги давлатга асос солди.

XIX аср охирида тахтда Муҳаммад Шариф ўтирди. У нафақат Багирми султонлигини бўйсундирди, балки Маккадаги санусийлар тариқати асосчисига французларга қарши урушда ёрдам бериш тўғрисида битим тузди.

**Дарфур султонлиги (XVI аср – 1916)** – *Кордофан султонлиги негизда ташкил топган. Султонлик XVI асрда Канема Борно давлатига қарам бўлган. Сулаймон Солонг (1596 – 1637) даврида мамлакат ривожланиш босқичига кирди. Унинг даврида ислом дини давлат дини деб эълон қилинди.*

Сулаймоннинг невараси Аҳмад Баҳр (1682 – 1722) даврида эса давлат ҳудуди Атбар дарёсигача бўлган ерларга ёйилди. Кейинги ҳукмдорлар маҳаллий Сеннар ва Вадай давлатлари билан уруш олиб борди. XVIII асрда Дарфур ҳукмдорлари Фунжини эгаллашга уриниб кўришди, бироқ Умдурмандан нарига силжий олишмади.

1799 йили ҳукмдор Абдурахмон Наполеонни Миср устидан эришган ғалабаси билан табриклади. Саркарда унга 16 яшар 2 минг нафар соғлом кул жўнатишни буюрди.

1874 йили Дарфур султонлиги Миср ҳукмронлиги остига тушиб қолди, бу эса кўзғолонларга сабаб бўлди. Фақат 1879 йилдагина Судан генерал-губернатори Ч.Д.Гордон султонлар сулоласи ҳукмронлигини тиклашга ваъда бериш орқалигина исённи бостиришга эришди. Бироқ унинг ваъдаси бажарилмади ва 1881 йили ўрнига Маҳдий кўзғолони (1881 – 1885)ни бостириш топширилган Рудольф Карл фон Слатин генерал-губернатор этиб тайинланди. Дарфур султонлиги 1883 – 1885 йилларда Маҳдийлар давлати таркибига киритилди. 1898 йил сентябрда Британия Суданни истило қилгач, Дарфур қисқа вақт мустақил бўлиб олди. Али Динор султон деб эълон қилинди ва инглизларга йиллик ўлпон тўлаб турди. 1915 йил апрелда Али Динор султонликнинг мутлақ мустақил бўлганини эълон қилди, бироқ 1916 йил май ойида унинг қўшини инглизлардан енгилди, ўзи эса ўша йил ноябрда ўлдирилди. Дарфур султонлиги ҳудуди Британия-Миср Судани таркибига қўшиб юборилди.

Собиқ Дарфур султонлиги ҳудуди ҳозирги Судан таркибида, Дарфур вилояти деб номланади.

**Фулонийлар (1804 – 1903)** – *Сокотода ҳукмронлик қилган сулола. Давлат Усмон ибн Фудий бошчилигидаги исёндан сўнг вужудга келган. 1809 йили фулонийлар Сокото ва Гванду султонликларини ташкил қилишди. 1831 йилдан Гванду Сокото султонлиги вассалига айланди. 1903 йили Британия Сокотони истило қилди ва 1914 йилдан Нигериядаги колониясига қўшиб юборди.*

### Сокото давлати ҳукмдорлари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Усмон ибн Фудий	1804 – 1808
2.	Абдуллоҳ ибн Фудий	1808 – 1817
3.	Муҳаммад Белло ва Абдуллоҳ (бирга)	1817 – 1837
4.	Абу Бакр Атиқ ибн Усмон	1837 – 1842
5.	Али Бобо ибн Муҳаммад Белло	1842 – 1859
6.	Аҳмад ибн Абу Бакр Атиқ	1859 – 1866
7.	Али Карам ибн Муҳаммад Белло	1866 – 1867
8.	Аҳмад Рифоий ибн Усмон Фудий	1867 – 1873
9.	Абу Бакр Атиқ ибн Муҳаммад Белло	1873 – 1877
10.	Муоз Аҳмад ибн Муҳаммад Белло	1877 – 1881



11.	Умар ибн Али Бобо	1881 – 1891
12.	Абдуррахмон ибн Абу Бакр Атиқ	1891 – 1902
13.	Муҳаммад Тоҳир I Аҳмад Атиқ	1902 – 1903
14.	Муҳаммад Тоҳир II ибн Али Бобо	1903 – 1914

## ЯПОНИЯ

### Япония императорлари (ўрта асрлар ва янги давр)

#### Асука даври

Императорлар		Ҳукмронлик йиллари
Имперторлик исми	Ҳақиқий исми	
Киммэй	Амэкуни Осихараки Хиронива но Микато	539 – 571
Бидацу	Нумакура Футотамасики но Микато	572 – 585
Ёмэй	Татибана но Тоёхи но Микото	585 – 587
Сусюн	Хацусэбэ но Микото	587 – 592
Суйко*	Тоёмикэ Касикия	593 – 628
Дзёмэй	Тамура	629 – 641
Когёку*	Такара	642 – 645
Котоку	Кару	645 – 654
Саймэй*	Такара	655 – 661
Тэндзи	Амэ Хираки Вакэ но Микато	661 – 672
Кобун	Отома	672
Тэмму	Оама	672 – 686
Дзито*	Такэ Ама Вара Хиро но Химэ	686 – 697
Момму	Аманомо Мунэ Тоё	697 – 707
Гэммэй*	Ямато Нэко Амацу Ми Сиро Тоё Куни Наричимэ	707 – 715
<b>Нара даври</b>		
Гэнсё*	Хидака	715 – 724
Сёму	Амэ Сируси Куни Оси Хираки Тоё Сакура Хико	724 – 749
Кокэн*	Такано	749 – 758

Дзюннин	Охо Ино Охокими	758 – 764
Сётоку*	Такано	764 – 770
Конин	Сира Кабэна Охокими	770 – 781
<b>Хэйян даври</b>		
Камму	Ямато Нэко Субэраги Такаратэру но Микото	781 – 806
Хэйдзэй	Ямато Нэко Амахираки Кун Такахико	806 – 809
Сага	Ками но Сино	809 – 923
Дзюнна	Оходомо но Сино	823 – 833
Ниммё	Масара	833 – 850
Монтоку	Митиясу Синно	850 – 858
Сэйва	Корэхито	858 – 876
Ёдзэй	Садааки	876 – 884
Коко	Токиясу	884 – 887
Уда	Садаёси	887 – 897
Дайго	Ацухито	897 – 930
Судзаку	Хироакира	930 – 946
Мураками	Нариакира	946 – 967
Рэйдзэй	Норихира	967 – 969
Энью	Морихира	969 – 984
Кадзан	Моросада	984 – 986
Итидзё	Канэхито	986 – 1011
Сандзё	Суэсада	1011 – 1016
Го-Итидзё	Ацунари	1016 – 1036
Го-Судзаку	Ацуёси	1036 – 1045
Го-Рэйдзэй	Тикахито	1045 – 1068
Го-Сандзё	Такахито	1068 – 1073
Сиракава	Садахито	1073 – 1087
Хорикава	Ёсихито	1087 – 1107
Тоба	Мунэхито	1107 – 1123
Сутоку	Акихито	1123 – 1142
Коноэ	Тосито	1142 – 1155
Го-Сиракава	Масахито	1155 – 1158
Нидзё	Морихито	1158 – 1165
Рокудзё	Тосихито	1165 – 1168
Такакура	Норихито	1168 – 1180
Антоку	Котохито	1180 – 1185

Го-Тоба	Таканари	1183 – 1198
<b>Камакура даври</b>		
Цутимикадо	Тамэхито	1198 – 1210
Дзюнтоку	Моринари	1210 – 1221
Тюкё	Канэнари	1221
Го-Хорикава	Тоёхито	1221 – 1232
Сидзё	Хидэхито	1232 – 1242
Го-Сага	Кунихито	1242 – 1246
Го-Фукакуса	Хисахито	1246 – 1260
Камэяма	Цунэхито	1260 – 1274
Го-Уда	Ёрихито	1274 – 1287
Фусими	Хирохито	1287 – 1298
Го-Фусими	Танэхито	1298 – 1301
Го-Нидзё	Кунихару	1301 – 1308
Ханадзоно	Томихито	1308 – 1318
Го-Дайго	Такэхару	1318 – 1339
<b>Шимолий Сарой хукмдорлари</b>		
Кёгон	Кадзухито	1331 – 1333
Кёмуо	Ютахито	1336 – 1348
Суко	Окихито	1348 – 1351
	<b>Бошбошдоқлик даври</b>	1351 – 1352
Го-Когон	Ияхито	1352 – 1371
Го-Энью	Охито	1371 – 1382
Го-Комацу	Мотохито	1382 – 1392
<b>Муромати даври (Жанубий Сарой хукмдорлари)</b>		
Го-Мураками	Нориёси	1339 – 1368
Тёкэй	Ютанари	1368 – 1383
Го-Камэяма	Хиронари	1383 – 1392
<b>1392 йили шимол ва жануб бирлаштирилди.</b>		
Го-Комацу	Мотохито	1392 – 1412
Сёко	Михито	1412 – 1428
Го-Ханадзоно	Хикохито	1428 – 1464
Го-Цутимикадо	Нарихито	1464 – 1500
Го-Касивабара	Кацухито	1500 – 1526
Го-Нара	Томохито	1526 – 1557
Огимати	Митихито	1557 – 1586
Го-Ёдзэй	Катахито	1586 – 1611

Эдо даври		
Го-Мидзуно	Котохито	1611 – 1629
Мэйсё*	Окико	1629 – 1643
Го-Комё	Цугухито	1643 – 1654
Го-Сай	Нагахито	1655 – 1663
Рэйгэн	Сатохито	1683 – 1687
Хигасияма	Асахито	1687 – 1709
Накамикадо	Ёсихито	1709 – 1735
Сакурамати	Тэрухито	1735 – 1747
Момодзоно	Тохито	1747 – 1762
Го-Сакурамати*	Тосико	1762 – 1771
Го-Момодзоно*	Хидэхито	1771 – 1179
Кокаку	Томохито	1780 – 1817
Нинко	Аяхито	1817 – 1846
Комэй	Осахито	1846 – 1867
Замонавий Япония		
Мэйдзи**	Муцухито	1867 – 1912
Тайсё	Ёсихито	1912 – 1926
Сёва	Хирохито	1926 – 1989
Акихито	Акихито	1989 - ...

## КОРЕЯ

**Пархэ.** *Пархэ (669 – 926) Когурё вориси бўлиб, ҳозирги Корея шимоли, Манжурия ва Россиянинг Приморье ўлкалари ҳудудида жойлашганди. Сулола асосчиси Тэжойон қиролликни Когурё меросхўри сифатида Чин деб номлаган, бироқ қироллик тарихда Пархэ (хитойчасига Бохай) номи билан қолди.*

### Пархэ (Бохай) қироллиги ҳукмдорлари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Тэжойон	698 – 718

\* Аёл императорлар.

\*\* Император Мэйдзи сёгун (ҳарбий қўмондон)ларнинг императорлар устидан узоқ асрлик ҳукмронлигини тугатди ва у Япония тарихидаги биринчи конституцион монарх бўлди.

2.	Тэмуе	718 – 737
3	Тэхинму	737 – 793
4.	Тэвон	793 – 794
5.	Тэхвайо	794
6.	Тэсиннин	794 – 808
7.	Тэвоню	808 – 812
8.	Тэоний	812 – 817
9.	Тэмёнчхун	817 – 818
10.	Тэинсу	818 – 830
11.	Тэижин	830 – 857
12.	Тэгонхван	857 – 871
13.	Тэхёнсок	871 – 895
14.	Тэвиге	895 – 907
15.	Тэинсон	907 – 926

## КОРЁ/КОРЕЯ

*Корё (918 – 1392) ван сулоласи томонидан бошқарилган. Суло-ланинг 24 қиролли (Вонжонгача) жон қўшимчаси билан тугайдиган исмлар билан номланган. Чхуннёлдан бошлаб қолган барча Корё қироллари ван (қирол) унвонига эга бўлишган.*

### Корё ҳукмдорлари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Тхэжон	918 – 943
2.	Хэжон	943 – 945
3.	Чонжон	945 – 949
4.	Кванжон	949 – 975
5.	Кёнжон	975 – 981
6.	Сонжон	981 – 997
7.	Мокжон	997 – 1009
8.	Хёнжон	1009 – 1031
9.	Тоюжон	1031 – 1034
10.	Чонжон	1034 – 1046
11.	Мунжон	1046 – 1083

12.	Сунжон	1083
13.	Сонжон	1083 – 1094
14.	Хонжон	1094 – 1095
15.	Суюжон	1095 – 1105
16.	Йежон	1105 – 1122
17.	Инжон	1122 – 1146
18.	Ийжон	1146 – 1170
19.	Мёнжон	1170 – 1197
20.	Синжон	1197 – 1204
21.	Хийжон	1204 – 1211
22.	Канжон	1211 – 1213
23.	Кожон	1213 – 1259
24.	Вонжон	1259 – 1274
25.	Чхуннёл	1274 – 1308
26.	Чхунсон	1308 – 1313
27.	Чхунсук	1313 – 1330
28.	Чхунге	1330 – 1332
	Чхунсук	1332 – 1339
	Чхунге	1339 – 1344
29.	Чхунмок	1344 – 1348
30.	Чхунжон	1348 – 1351
31.	Конмин	1351 – 1374
32.	У	1374 – 1388
33.	Чхан	1388 – 1389
34.	Конян	1389 – 1392

**Чосон.** Чосон (1391 – 1897) Корёнинг вориси бўлди. У 1897 йили Корея империясига айлангач, баъзи бир қиролларга ўлимидан сўнг император унвони берилди. Чосон монархлари жо ёки жон қўшимчалари билан тугайдиган исмларга эга бўлишган. Жон сулола ичидаги янги уруғ вакилларига берилган, қолганларга эса жо исми қўшиб айтилган. Йонсангун ва Кванхэгуннинг ҳукмдорлиги тугагач бу номлардан маҳрум қилинган. Ҳар бир монарх ўлимидан сўнг ван (қирол), хванжа (император), тэван (буюк қирол) ёки тэже (буюк император) номлари билан аталган. Чосон 1897 – 1910 йилларда Корея империяси деб номланган.

## Чосон ҳукмдорлари

т/р	ҳукмдорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Тхэжо	1392 – 1398
2.	Чонжон	1398 – 1400
3.	Тхэжон	1400 – 1418
4.	Сежон	1418 – 1450
5.	Мунжон	1450 – 1452
6.	Танджон	1452 – 1455
7.	Седжо	1455 – 1468
8.	Йеджон	1468 – 1469
9.	Сонджон	1469 – 1494
10.	Йонсангун	1494 – 1506
11.	Чунжон	1506 – 1544
12.	Инжон	1544 – 1545
13.	Мёнжон	1545 – 1567
14.	Сонжо	1567 – 1608
15.	Кванхэгун	1608 – 1623
16.	Инжо	1623 – 1649
17.	Хёжон	1649 – 1659
18.	Хёнжон	1659 – 1674
19.	Суюжон	1674 – 1720
20.	Кёнжон	1720 – 1724
21.	Йонжо	1724 – 1776
22.	Чонжо	1776 – 1800
23.	Сунжо	1800 – 1834
24.	Хонжон	1834 – 1849
25.	Чхолжон	1849 – 1864
26.	Кожон	1864 – 1907
27.	Сунжон	1907 – 1910

Корея 1910 – 1945 йилларда Япония империясининг таркибий қисми бўлган.

# ХИТОЙ

## Суй империяси (581 – 618)

т/р	императорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Вэнь-ди	581 – 604
2.	Янь-ди	605 – 617
3.	Гунь-ди	617 – 618

## Тан сулоласи (618 – 690, 705 – 907)

т/р	императорлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Гао-цзу	618 – 626
2.	Тай-цзун	627 – 649
3.	Гао-цзун	650 – 683
4.	Чжун-цзун	684
5.	Жуй-цзун	684 – 690

## Чжао сулоласи (690 – 705)

1.	У Цзэтянь	690 – 705
----	-----------	-----------

## Тан сулоласи ҳукмронлигининг тикланиши

	Чжун-цзун	705 – 710
6.	Шао-ди	710
	Жуй-цзун	710 – 712
7.	Сюань-цзун	712 – 756
8.	Су-цзун	756 – 762
9.	Дай-цзун	762 – 779
10.	Дэ-цзун	780 – 805
11.	Шунь-цзун	805
12.	Сянь-цзун	806 – 820
13.	Му-цзун	821 – 824
14.	Цзин-цзун	824 – 826



15.	Вэнь-цзун	826 – 840
16.	У-цзун	840 – 846
17.	Сюань-цзун	846 – 859
18.	И-цзун	859 – 873
19.	Си-цзун	873 – 888
20.	Чжао-цзун	888 – 904
21.	Ай-ди	904 – 907

## **907 – 960 ЙИЛЛАРДА ҲУКМРОНЛИК ҚИЛГАН СУЛОЛАЛАР**

### **I. Хоу Лян сулоласи (907 – 923)**

1. Чжу Вэнь (907 – 912).
2. Чжу Чжэнь (912 – 923).

### **II. Хоу Тан сулоласи (923 – 936)**

1. Ли Цуньсю (923 – 926).
2. Ли Сиюань (926 – 933).
3. Ли Цунхоу (933 – 934).
4. Ли Цункэ (934 – 936).

### **III. Хоу Цзинь сулоласи (936 – 947)**

1. Ши Цзинтан (936 – 942).
2. Ши Чунгуй (942 – 947).

### **IV. Хоу Хань сулоласи (947 – 950)**

1. Лю Чжиюань (947 – 948).
2. Лю Чэнью (948 – 950).

### **V. Хоу Чжоу сулоласи (951 – 960)**

1. Го Вэй (951 – 954).
2. Чай Жун (954 – 959).
3. Чай Цзунсюнь (959 – 960).

## Ляо сулоласи (907 – 1125)

т/р	императорлар		хукмронлик йиллари
	император бўлгач олган исми	ҳақиқий исми	
1.	Тай-цзу	Елюй Абуги	907 – 926
2.	Тай-цзун	Елюй Дэгуан	926 – 947
3.	Ши-цзун	Елюй Жуань	947 – 951
4.	Му-цзун	Елюй Цзин	951 – 969
5.	Цзин-цзун	Елюй Сянь	969 – 982
6.	Шэн-цзун	Елюй Лунсюй	982 – 1031
7.	Син-цзун	Елюй Цзунчжэнь	1031 – 1055
8.	Дао-цзун	Елюй Хунцзи	1055 – 1101
9.	Тяньцзо-ди	Елюй Яньси	1101 – 1125

## Сун сулоласи (960 – 1279)

### 1. Шимолий Сун (960 – 1127)

т/р	императорлар		хукмронлик йиллари	яшаган йиллари
	император бўлгач олган исми	туғилгандаги исми		
1.	Тай-цзу	Чжао Куаньинь	960 – 976	927 – 976
2.	Тай-цзун	Чжао Куаньи	976 – 997	939 – 997
3.	Чжэнь-цзун	Чжао Хэн	997 – 1022	968 – 1022
4.	Жэнь-цзунь	Чжао Чжэнь	1022 – 1063	1010 – 1063
5.	Ин-цзун	Чжао Шу	1063 – 1067	1032 – 1067
6.	Шэнь-цзун	Чжао Сюй	1067 – 1085	1048 – 1085
7.	Чжэ-цзун	Чжао Сюй	1085 – 1100	1077 – 1100
8.	Хуэй-цзун	Чжао Цзи	1100 – 1125	1082 – 1135
9.	Цинь-цзун	Чжао Хуань	1125 – 1127	1100 – 1161

## 1. Жанубий Сун (1127 – 1279)

т/р	императорлар		хукмронлик йиллари	яшаган йиллари
	император бўлгач олган исми	туғилгандаги исми		
1.	Гао-цзун	Чжао Гоу	1127 – 1162	1107 – 1187
2.	Сяо-цзун	Чжао Шэнь	1162 – 1189	1127 – 1194
3.	Гуан-цзун	Чжао Дунь	1189 – 1194	... – 1200
4.	Нин-цзун	Чжао Ко	1194 – 1224	1168 – 1224
5.	Ли-цзун	Чжао Юнь	1224 – 1264	1205 – 1264
6.	Ду-цзун	Чжао Ци	1264 – 1274	1240 – 1274
7.	Гун-цзун	Чжао Сянь	1274 – 1276	1271 – 1323
8.	Дуань-цзун	Чжао Ши	1276 – 1278	1269 – 1278
9.	–	Чжао Бин	1278 – 1279	1271 – 1279

## Фарбий Ся (1032 – 1227)

т/р	императорлар		хукмронлик йиллари
	император бўлгач олган исми	ҳақиқий исми	
1.	Цзин-цзун	Ли Юаньхао	1032 – 1048
2.	И-цзун	Ли Лянцзо	1048 – 1067
3.	Хуэй-цзун	Ли Бинчан	1067 – 1086
4.	Чун-цзун	Ли Цяньшунь	1086 – 1139
5.	Жэнь-цзун	Ли Жэньсяо	1139 – 1193
6.	Хуань-цзун	Ли Чунью	1193 – 1206
7.	Сян-цзун	Ли Аньцюань	1206 – 1211
8.	Шэн-цзун	Ли Цзуньсюй	1211 – 1223
9.	Сянь-цзун	Ли Дэван	1223 – 1226
10.	Мо-чжу	Ли Сянь	1226 – 1227

## Цзинь сулоласи (1115 – 1234)

т/р	императорлар		хукмронлик йиллари
	император бўлгач олган исми	ҳақиқий исми	
1.	Тай-цзу	Ваньянь Агуда	1115 – 1123
2.	Тай-цзун	Ваньянь Укимай	1123 – 1134

3.	Си-цзун	Ваньянь Хэла	1135 – 1149
4.	Хайлин-ван	Ваньянь Лян	1149 – 1161
5.	Ши-цзун	Ваньянь Юн	1161 – 1189
6.	Чжан-цзун	Ваньянь Цзин	1190 – 1208
7.	Вайшео-ван	Ваньянь Юнцзи	1209 – 1213
8.	Сюань-цзун	Ваньянь Сюнь	1213 – 1223
9.	Ай-цзун	Ваньянь Шоусю	1224 – 1334
10.	Мо-ди	Ваньянь Чэнлинь	1234

### Мўғулистондаги Чингизхон сулоласи (1206 – 1271)

#### Буюк хоқонлар

т/р	хоқонлар	ҳукмронлик йиллари
1.	Чингизхон (Тэмучин)	1206 – 1227
2.	Тулуй	1227 – 1229
3.	Угэдэй/Ўқтой	1229 – 1241
4.	Торагана хотун*	1241 – 1246
5.	Гуюк	1246 – 1248
6.	Ўғул Гаймиш*	1248 – 1251
7.	Мункэ	1251 – 1259
8.	Кубилай/Хубилай	1260 – 1271

### Юань сулоласи (1271 – 1368)

т/р	императорлар	ҳукмронлик йиллари	яшаган йиллари
1.	Хубилай	1271 – 1294	1215 – 1294
2.	Темур	1294 – 1307	1265 – 1307
3.	Хайсан	1307 – 1311	1281 – 1311
4.	Аюрбарибада	1311 – 1320	1285 – 1320
5.	Шидэбала	1320 – 1323	1303 – 1323
6.	Есун Темур	1323 – 1328	1276 – 1328
7.	Ражапика	1328	1230 – 1328
8.	Туғ Темур	1328 – 1329	1304 – 1332
9.	Хошила	1329	1300 – 1329
	Туғ Темур	1329 – 1332	1304 – 1332

\* Торгана хотун ва Ўғул Қаймиш регент бўлишган.

10.	Иринжинбал	1332	1326 – 1332
11.	Тўғон Темур	1333 – 1368	1320 – 1370

### Мин сулоласи (1368 – 1644)

т/р	императорлар	ҳукмронлик йиллари	яшаган йиллари
1.	Чжу Юаньчжан	1368 – 1398	1328 – 1398
2.	Чжу Юньвэнь	1392 – 1402	1377 – 1402
3.	Чжу Ди	1402 – 1424	1360 – 1424
4.	Чжу Гаочи	1424 – 1425	1378 – 1425
5.	Чжу Чжаньцзи	1425 – 1435	1398 – 1435
6.	Чжу Цичжэнь	1435 – 1449	1427 – 1464
7.	Чжу Циюй	1449 – 1457	1428 – 1457
8.	Чжу Цичжэнь	1457 – 1464	1427 – 1464
9.	Чжу Цзяньшэнь	1464 – 1487	1447 – 1487
10.	Чжу Ютан	1487 – 1505	1470 – 1505
11.	Чжу Хоучжао	1505 – 1521	1491 – 1521
12.	Чжу Хоуцун	1521 – 1567	1507 – 1567
13.	Чжу Цзайхоу	1567 – 1572	1537 – 1572
14.	Чжу Ицзюнь	1572 – 1620	1563 – 1620
15.	Чжу Чанло	1620	1585 – 1620
16.	Чжу Юцзяо	1620 – 1627	1605 – 1627
17.	Чжу Юцзянь	1627 – 1644	1611 – 1644

Манжурлар 1644 йили Пекинни истило қилишди ва мин сулоласини тугатишди.

### Жанубий мин сулоласи (1644 – 1461)

т/р	императорлар	ҳукмронлик йиллари	қароргоҳи
1.	Чжу Юсун	1644 – 1645	Нанкин
2.	Чжу Чанфан	1645	Ханчжоу
3.	Чжу Ихай	1645 – 1646	Фучжоу
4.	Чжу Юцзянь	1645 – 1646	Луньу
5.	Чжу Юйюэ	1646 – 1647	Шао У
6.	Чжу Юан	1646 – 1659	Юнли

## Тайвань ҳукмдорлари (1661 – 1683)

т/р	ҳукмдорлар	лавозими	ҳукмронлик йиллари
1.	Чжэн Чэнгун	Бош қўмондон	1661 – 1662
2.	Чжэн Цзин	Бош қўмондон	1662 – 1681
3.	Чжэн Кэцзан	Вақтинчалик ҳукмдор	1681
4.	Чжэн Каушан	Вақтинчалик ҳукмдор	1681 – 1683

## Цин сулоласи<sup>6</sup> (1644 – 1912)

**1644 йили Пекин истило қилингунча бўлган даврдаги манжур ҳукмдорлар**

1. Нурхаци (1616 – 1626).
2. Хуантайцзи (1616 – 1643).
3. Фулинь (Ши-цзу, Шуньчжи, 1643 – 1644).

т/р	императорлар		ҳукмронлик йиллари	яшаган йиллари
	ҳақиқий исми	императорлик исми		
1.	Фулинь	Ши-цзу (Шуньчжи)	1644 – 1661	1638 – 1661
2.	Сюанье	Канси	1661 – 1722	1654 – 1722
3.	Иньчжэнь	Юнчжэн	1722 – 1735	1678 – 1735
4.	Хунгли	Цьянлунь	1735 – 1796	1711 – 1799
5.	Юнгьянь	Цзяцин	1796 – 1820	1760 – 1820
6.	Миннинг	Даогуан	1820 – 1850	1782 – 1850
7.	Ичжу	Сяньфэн	1850 – 1861	1831 – 1861
8.	Цзайчунь	Тунчжи	1861 – 1875	1856 – 1875
9.	Цзайтянь	Гуансюй	1875 – 1908	1871 – 1908
10.	Пу И	Пу И	1908 – 1912	1906 – 1967

<sup>7</sup>Вақтинчалик ҳукмдорлар.

<sup>6</sup>Цин сулоласи 1911 йили тугатилган, бироқ сўнги император Пу И расман 1912 йил 12 февралда тахтдан воз кечган (шунингдек, 1917 йил 1 – 12 июль кунлари ҳам қисқа ҳукмдорлик қилган). 1912 йил 12 февралдан 1924 йил 5 ноябргача номигагина император бўлган. 1924 йил 5 ноябрда генерал Фэн Юйсян давлат тўнтариши ўтказди ва Пу Ини императорлик унвонидан маҳрум қилди. Пу И (1906 – 1967) японлар ташкил қилган Манчжоу-Го давлатида 1932 – 1934 йилларда Датун номи остида, 1934 – 1945 йилларда эса Кандэ номи остида Япония империясига муте император бўлган.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР

Абдалкадир ибн Мухаммамин Маджмаъ ал-ашджар ва-л-ансаб (Сборник генеалогий и родословий) // История Казахстана в персидских источниках. II том. – Алматы: Дайк-Пресс, 2005.

Айни С. Намунаи адабиёти тоҷик. – Душанбе, 2011.

Анке фон Кюгелген. Легитимация среднеазиатской династии мангитов в произведениях их историков (XVIII – XIX вв.). – Алматы: Дайк пресс, 2004.

Арабские рукописи Института Востоковедения АН СССР. Краткий каталог. В 2 частях / Под ред. А.Б.Халидова. – М.: Наука, 1986.

Арапов В.Ю. Бухарское ханство в русской востоковедческой историографии. – М., 1981.

Ас-Суйути Джалал ад-дин. Совершенство в коранических науках. Вып. третий. Учение о своде Корана. – М.: Торговый Дом «Муравей», 2003.

Ахмад ибн Фарис ар-Рази. Ауджаз ас-сайар ли хайр ал-башар. Кратчайшее жизнеописание наилучшего из людей // Хрестоматия по исламу. Пер. с арабского, введ. и прим. – М.: Наука, 1994.

Бартольд В.В. Ислам // Сочинения. Том VI. Работы по истории ислама и арабского халифата. – М.: Наука, 1966.

Бартольд В.В. Мусульманский мир // Сочинения. Том VI. Работы по истории ислама и арабского халифата. – М.: Наука, 1966.

Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия // Сочинения. Том I. – М.: Наука, 1963.

Беруний. Асар ал-бакийа мин ал-куруни халийа. Памятники минувших веков. В 2-х т. – Ташкент, 1987.

Большаков О.Г. История халифата. Том.1 – 3. – М.: Наука, 1989.

Джамал ал-Карши. Мулхакат би-с-Сурах // История Казахстана в персидских источниках. I том. – Алматы: Дайк-Пресс, 2005.

Древняя история / Пер. с нем. 26-е изд. Л.Левенстерна и А.Карлова. Изд. третье, исправленное. – СПб.: Типография М. И.Попова, Поварская пер.д. № 2.1878.

Ибн Батуа. Саёхатнома. – Тошкент: Шарқ, 2012

Ибн Хишам. Сийрат саййидина Мухаммад Расул Аллах («Жизнеописание господина нашего Мухаммада, посланника Аллаха») // Хрестоматия по исламу. Переводы с арабского, введения и примечания. – М.: Наука, 1994.

Ибн Хордадбих. Книга путей и стран. Пер. с арабского, исслед. указ. и карты И.Велихановой. – Баку: Элм, 1986.

Ибрагимов Н. Ибн Батута и его путешествия по Средней Азии. – М.: Наука, 1988.

Ислам. Энциклопедический словарь. – М.: Наука, 1991.

Ислам на территории бывшей Российской империи // Энциклопедический словарь. Вып 1 – 4. М.: Наука, 1998 – 2004.

История ат-Табари // Пер. с арабского В.И.Беляева с дополнениями О.Большакова и А.Б.Халидова. – Ташкент: Фан, 1987.

Книга Марко Поло о разнообразии мира, записанная пизанцем Рустикано в 1298. от I. Х. – Алма-ата, 1990.

Мир 'Абд ал-Карим Надим ибн Исмоил Бухори. Таърихи Туркистон. Қўлёзма. ФМК. №1391.

Михайлова А.И. Каталог арабских рукописей ИНА АН СССР. Вып.3. История. – М.: Наука, 1965.

Муизз ал-ансаб (прославляющее генеалогии) // История Казахстана в персидских источниках. III том. – Алматы: Дайк-Пресс, 2006.

Мухаммад ибн 'Абд ал-Карим аш-Шахристани. Книга о религиях и сектах (Китаб ал-милал ва-н-нихал). Часть 1. Ислам. Пер. с арабского, введ. и коммент. С.М.Прозорова. – М.: Наука, 1987.

Мюллер Г. История ислама с основания до новейших времен. Пер. с нем., под ред. Н.А.Мединкова. Т.1 – 3. – СПб., 1885 – 1896.

Наршахи Абу Муҳаммад ибн Жаъфар. Бухоро тарихи / А.Расулов таржимаси. – Тошкент, 1993.

Населенные пункты Бухарского эмирата. Конец XIX – нач. XX вв. // Материалы к исторической географии Средней Азии. – Ташкент: Университет, 1999.

Прозоров С.М. Арабская историческая литература в Иране, Ираке и Средней Азии в VII – сер. X века: шиитская историография. – М., 1980.

Абдуллаева Ф. Персидская кораническая экзегетика. Тексты, переводы, комментарии. – СПб., 2000.

Пиотровский М.Б. Коранические сказания. – М.: Наука, 1991.

Полвонов Н. Ўзбекистон тарихидан хрестоматия. 1-китоб. – Тошкент, 2012.

Собрание Восточных рукописей АН Узбекистана. Том I – XI. – Ташкент: Фан, 1952 – 1989.

Собрание Восточных Рукописей Института Востоковедения имени Абурайхана Бируни АН Узбекистана. История. – Ташкент: Фан, 2001.

Собрание Восточных Рукописей Института Востоковедения имени Абурайхана Бируни АН Узбекистана. Медицина. – Ташкент: Фан, 2001.



Стори Ч.А. Персидская литература. Био-библиографический обзор. Часть I – III // Переработал и дополнил Ю.Э.Брегель. – М.: Наука, 1972.

Стенли Лень-Пуль. Мусульманские династии. – Москва – Ташкент – Бишкек, – 1996.

Трименгем Дж.С. Суфийские ордена в исламе. – М.: Наука, 1989.

Халидов А.Б. Очерки истории арабской культуры V – XV вв. – М., 1986.

Ўзбекистон тарихи / Р.Ҳ.Муртазаева таҳрири остида. – Тошкент: Университет, 2004.

An historical Atlas of Islam // Atlas Historique de l'Islam. – Leiden: Brill, 2002.

Atlas historique, généalogique et géographique / de A.Gesage, comte de las Gases. – Paris: Delloje (ca 1833).

Bibliographien zur Genealogie.-Düsseldorf: Heinzmann, 1982.

Bibliografy of Islamic Central Asia. Parts I – III / Compiled and ed. by Yuri Bregel. –Bloomington, Indiana, 1995.

Bosworth Clifford Edmund. Les dynasties musulmanes. – Paris: Sindbad, 1996.

Genealoxia de la historia / Sosé Bermejo Barrera, Pedro Andrés, Piedras Monrou. – Madrid: Akap, 1999.

Goldzier I. Muslim Studies. II vols / Ed. S.M.Stern. – New York, 1967 – 1971.

Gramlich Richard. Die Wunder der Freunde Gottes. Theologien und Erscheinungsformen des islamischen Heiligenwunders. Freiburger Islamstudien, Band 11. – Wiesbaden, 1987.

Dictionnaire de L"Ethnologie (M.Pannof). – Paris, 1973.

Hwājjī Kkhalifa. Kashf az-zunun. Lexicon bibliographicum et encyclopoedicum.Arabic text and Lat.tr.G.Flügel.7 vols. – Leipzig-London, 1835 – 1858.

Ibn al-'Imād Abu al-Falāh. Shadharāt al-dhahab fi akhbār man dhab. VIII vols. –Cairo, 1931 (1350 A.H.).

Ibn Khālikān Ahmad.Wafayāt al-a'yān wa anba' abā' az-zamān (Obituaries of the famous, abiographical dictionary). – Cairo, A.H. 1275.

Ibn Khālikān Ahmad.Wafayāt al-a'yān wa anba' abā' az-zamān (Obituaries of the famous, abiographical dictionary) / Tr. Baron MacGuckin de Slane, 4 vols. – Paris, 1842 – 1871.

Islamic legends: histories of the heroes saents and prophets of islam / Collected and transe by Jan Knappert. – Leiden: E.J.Brill, 1985.

Jāmi 'Abd al-Rahman. Nafahāt al-uns min al-hadarāt al-kuds / Ed. M.Abidi. – Tihran, 1992.

Kuegelgen Anke von. Die Legitimierung der mittelasiatischen Mangitendynastie in den Werken ihrer Historiker (18 – 19 Jahrhundert). – Ergon Verlag, Wiersburg, 2002.

Lane Poole S. The Muhammadan dynasties. – Paris: Librairie orientaliste, 1925.

Meisami J.S. Persian Historiography to the end of the twelfth century. – Edinburgh, 1999.

Migel André. L'Islam et sa civilisation: XII – XXe siècles. – Paris: A. Colin, 1990.

Muslim culture in Russia and Central Asia // Arabic, Persian and Turkic manuscripts (15 th – 19 th centuries) / Ed. by Anke von Kügelgen, Ashirbek Muminov, Michael Kemper. T.3. – Berlin, 2000.

Parageorgiou Legendre A. Filiation: fondement généalogique de la psychanalyse. – Paris: SEPC, 1990.

Sirjean (Doctor Gaston). Encyclopédie généalogique des Maisons Souveraines du Monde. Préface M. Dugast Roilé. 10 vol. – Paris, 1959 – 1964.

Trimingham J.Sp. The Sufi Orders in Islam. – Oxford: At the Clarendon press, 1971.

Waldman M.R. Toward a theory of historical narrative: a case study in Perso-Islamicate historiography. – Columbus OH, 1980.

Zambaur E. von. Manuel de généalogie et de chronologie pour L'histoire de L'Islam. – Hanovere, 1927. – Berlin: Thorman&Goetsch, 1955, 388+20 Tableaux généalogiques hors texte et 5 Cartes.

Macdonald D.B. Development of Muslim theology, jurisprudence and constitutional theory. – New York, 1903.

Meisami J.S. Persian Historiography to the end of the twelfth century. – Edinburgh, 1999.

Middle East and Islam. A bibliographical introduction / Ed. by D.Hopwood and D.Grimwood-Jones. – London: Inter documentation Co., 1972.

Migel André. L'Islam et sa civilisation: II – XXe siècles. – Paris: A. Colin, 1990.

Rosental E. A history of Muslim historiography. – Leiden, 1968.

Schimmel A. Mystical dimensions of Islam. – Chapel Hill, 1975.

Ibn Khaldun. Kitāb al-'Ibar (Universal history) 7 vols. – Beirut, 1956.

Génélogica et Heraldika. 10ème Congrès International des Sciences Généalogique et Héraldique. Band II. Vienne 14 – 19 September 1970. Verlag der Wiener Medizinischen Akademie. Editeur: Heraldisch-Genéalogische Gesellschaft, ADLER. In-8 br. – 286 p.

## МУНДАРИЖА

Муаллифлардан.....	3
--------------------	---

### БИРИНЧИ ҚИСМ.

#### ҚАДИМГИ МИСР, МЕСОПОТАМИЯ ВА ЭРОНДАГИ СУЛОЛАЛАР (М.АВ. IV МИНГ ЙИЛЛИК – М.АВ. I АСР)

Қадимги Миср сулолалари.....	6
Сулолалардан олдинги давр .....	10
Сўнги давр .....	17
Эллинистик давр.....	18
Месопотамия.....	19
Қадимий Эрон .....	24
Салавкийлар .....	25

### ИККИНЧИ ҚИСМ.

#### ЎРТА ОСИЁ, ЭРОН, ВИЗАНТИЯ ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ СУЛОЛАЛАР (М.АВ. II – МИЛОДИЙ XII АСРЛАР)

Кушон давлати .....	28
Сосонийлар сулоласи .....	32
Турк хоқонлиги .....	34
Византия .....	43

### УЧИНЧИ ҚИСМ.

#### ХУЛАФОИ РОШИДИН, УМАВИЙЛАР СУЛОЛАСИ ДАВРИ (VII АСР БОШЛАРИ – VIII АСР БИРИНЧИ ЯРМИ)

Ислоннинг тарқалиши. Умавийлар сулоласи.....	48
Сосонийлар империясининг қулаши .....	55
Умавийлар даврида Эрон (661 – 750).....	61
Умавийларга қарши қўзғолонлар.....	63
Мовароуннахр Умавийлар давлати таркибида.	
Ўрта Осиёнинг араблар томонидан эгалланиши .....	65

Ҳиндистонга дастлабки юришлар .....	69
Андалусия Умавийлар давлати таркибида (711 – 750).....	70

### **ТЎРТИНЧИ ҚИСМ.**

#### **ЭРОН, ЎРТА ОСИЁ, ИРОҚ, ОЗАРБАЙЖОН, ШИМОЛИЙ АФРИКА, ЕВРОПАДАГИ СУЛОЛАЛАР АББОСИЙЛАР ДАВРИДА (VIII АСР ИККИНЧИ ЯРМИ – X АСР БИРИНЧИ ЯРМИ)**

Аббосийлар давлати бувайҳийларга тобе бўлгунга қадар .....	78
Муқанна қўзғолони (776 – 783) .....	84
Эрон ва Ўрта Осиё аббосийлар даврида .....	101
Мовароуннаҳрда сомонийлар ҳукмронлиги.....	106
Хуросон Сомонийлар давлати таркибида .....	108
Ироқ .....	119
Озарбайжон.....	121
Шимолий Африка.....	126
Европа .....	130
Жанубий Италия.....	139

### **БЕШИНЧИ ҚИСМ.**

#### **АББОСИЙЛАР, БУВАЙҲИЙЛАР, САЛЖУҚИЙЛАР, ХОРАЗМШОҲЛАР СУЛОЛАЛАРИ, МЎҒУЛЛАР ҲУКМРОНЛИГИ, САЛИБ ЮРИШЛАРИ ДАВРИ (X АСР ИККИНЧИ ЯРМИ – XIII АСР ИККИНЧИ ЯРМИ)**

Эрон ва Ўрта Шарқ .....	146
Бувайҳийлар давлати .....	150
Салжуқийлар давлати .....	154
Мўғулларнинг Эронни истило қилиши (1220 – 1256).....	170
Мўғулларнинг Ғарбий Осиёга юриши.....	172
Кавказолди .....	176
Афғонистон .....	179
Шарқий Туркистон ва Ўрта Осиё.....	181
Хоразмшоҳлар .....	187
Мўғулларнинг Мовароуннаҳр, Хоразм ва Хуросонни истило этиши (1219 – 1221) .....	194

Арабистон яримороли .....	204
Шимолий Африка, Миср ва Сурия.....	209
Ғарбий Африка .....	222
Европа .....	226
Андалусия .....	229
Анатолия .....	254
Салиб юришлари.....	264
Салибчилар давлатлари .....	317

### **ОЛИНЧИ ҚИСМ.**

#### **ЭРОН, МАРКАЗИЙ ВА ҒАРБИЙ ОСИЁ, ҲИНДИСТОН, АРАБИСТОН ЯРИМОРОЛИ, ШИМОЛИЙ ВА ҒАРБИЙ АФРИКАДАГИ СУЛОЛАЛАР (XIII АСР ИККИНЧИ ЯРМИ – XV АСР)**

Эрон .....	320
Марказий Осиё.....	357
Олтин Ўрда.....	367
Шарқий Туркистон .....	371
Анатолия.....	374
Ҳиндистон.....	429
Арабистон яримороли .....	441
Шимолий Африка.....	443
Ғарбий Африка .....	459

### **ЕТТИНЧИ ҚИСМ.**

#### **ЎРТА ОСИЁ, ЭРОН, ОЗАРБАЙЖОН, ҲИНДИСТОН, АРАБИСТОН ЯРИМОРОЛИ, ЖАНУБИ-ШАРҚИЙ ОСИЁ, ШИМОЛИЙ АФРИКАДАГИ СУЛОЛАЛАР (XVI АСР – XVIII АСР БИРИНЧИ ЯРМИ)**

Марказий Осиё ва Шарқий Туркистон .....	460
Усманийлар Давлати 1512 – 1754 йилларда .....	478
Ғарбий Осиё.....	500
Эрон ва Озарбайжон .....	502

Ҳиндистон.....	527
Арабистон яримороли .....	532
Жануби-Шарқий Осиё.....	532
Шимолий Африка.....	537

### САККИЗИНЧИ ҚИСМ.

## ЎРТА ОСИЁ, ҲИНДИСТОН, АРАБИСТОН ЯРИМОРОЛИ, ШИМОЛИЙ ВА ҒАРБИЙ АФРИКА, ЯПОНИЯ, КОРЕЯ, ХИТОЙ, МУҒУЛИСТОНДАГИ СУЛОЛАЛАР (XVIII АСР ЎРТАЛАРИ – XX АСР БОШЛАРИ)

Ўрта Осиё .....	541
Афғонистон .....	553
Ҳиндистон.....	560
Усманийлар давлати .....	563
Эрон.....	570
Арабистон яримороли .....	578
Жануби-Шарқий Осиё.....	586
Шимолий Африка.....	590
Ғарбий Африка .....	599
Япония .....	602
Корея .....	605
Корё/Корея .....	606
Хитой.....	609
907 – 960 йилларда ҳукмронлик қилган сулолалар .....	610
Фойдаланилган манба ва адабиётлар .....	616

*Илмий-оммабон нашр*

**ШОДМОН ВОҲИДОВ, АЛИШЕР ҚОДИРОВ**

# **ШАРҚНИНГ МАШҲУР СУЛОЛАЛАРИ**

**Муҳаррир:** Абдулла ШАРОПОВ

**Мусахҳиҳ:** Марҳабо ЖҮРАЕВА

**Бадиий муҳаррир:** Хуршид ИБРОҲИМОВ

**Техник муҳаррир:** Алимардон АҚИЛОВ

Нашриёт лицензияси: АИ № 134, 27.04.2009

Теришга берилди: 14.01.2013 й.

Босишга рухсат этилди: 17.06.2013 й.

Газета қоғози. Қоғоз бичими 60x84  $\frac{1}{16}$ .

Arial гарнитураси. Офсет усулида босилди.

Ҳисоб-нашриёт т.: 28,31. Шартли б.т.: 36,27.

Адади: 3000 нусха.

Буюртма № 166.

«АКАДЕМНАШР» нашриётида тайёрланди.  
100156, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани 20<sup>А</sup>-мавзе 42-уй.

**Тел.:** (+99871) 217-16-77.

**e-mail:** akademnashr@mail.ru

**web-site:** www.akademnashr.uz

«КО'НИ NUR» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент шаҳри Бунёдкор шоҳкўчаси 44-уй.

